AFR/ME

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

Uzbekiston kommunisti

1

ЯНВАРЬ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 1
ЯНВАРЬ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Қайта қуриш тақдирини жамият тараққиётининг икки энг муҳим проблемаси белгилаб беради. Бутун ижтимоий турмушни демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳот ана шундай проблемалардир.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладдан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ПАРТИЯ ҚУРИЛИШИ

ИДЕОЛОГИЯ, МАДАНИЯТ

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ХАТЛАР, КОРРЕСПОНДЕНЦИЯЛАР

СОЦИАЛИСТИК ҲАМДЎСТЛИК

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

17 декабрь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VII пленуми бўлди. «КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш ва бу тармоқдаги жиддий камчиликларни тугатиш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Сирдарё область Боёвут район партия комитетининг биринчи секретари С. Аҳмадқулов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, Наманган область Уйчи районидаги «Қизил равот» экспериментал хўжалигининг директори А. Шерматов, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари И. С. Умаров, Қашқадарё область Қарши район партия комитетининг биринчи секретари Т. П. Хидиров, Фарғона область ижроия комитетининг раиси Ҳ. Мажидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Рўзматов, Қорақалпоғистон АССР Шуманай район партия комитетининг биринчи секретари Ж. Қорабоев, Хоразм область Урганч район партия комитетининг биринчи секретари М. Жуманиёзов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. А. Губина, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари И. Жабборов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалари химияси институтининг директори А. И. Глушченкова, Андижон область ижроия комитетининг раиси Ж. Ҳасанов, Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг раиси Р. Чориев, Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл пахта тозалаш заводининг токари И. Ю. Давлетов, Сирдарё область Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг звено бошлиғи Т. Б. Қирғизбоева, «Главмашхлопководство» бошлиғи Ҳ. Ҳ. Ғуломов, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўз шанига доғ туширганлиги учун пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Р. Ҳ. Абдуллаевани КПСС сафидан чиқарди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари И. Е. Пономарев қатнашди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КЎРСАТМАЛАРИНИ БАЖАРИШ ВА БУ ТАРМОҚДАГИ ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАРИН ТУГАТИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВнинг Ўзбекистон Компартияси МК VII пленумида 1987 йил 17 декабрда қилган доклади

Ўртоқлар!

Бизнинг пленумимиз партия билан халқ турмушидаги бениҳоя масъулиятли даврда ўтмоқда. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари жуда катта сиёсий воқеа бўлди, совет кишиларининг юксак маънавий кайфиятини, улар Коммунистик партия теварагига жипслашганликларини яққол намойиш қилди.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари ҳам М. С. Горбачев докладида баён этилган қоида ва хулосаларни якдиллик билан маъқулламоқдалар, КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг КПСС XXVII съезди қарорларини, партиянинг қайта қуриш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Бу йўлнинг революцион, самарадор кучи жамиятимизнинг ички турмушида ҳам, халқаро ишларда ҳам намоён бўлмоқда. Михаил Сергеевич Горбачевнинг Америка Қўшма Штатларига қилган визити якунлари, СССР билан АҚШ ўртасида ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида Шартнома имзоланганлиги мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам зўр мамнуният билан кутиб олинди. Қуролланиш пойгасини реал равишда жиловлаш соҳасидаги бу тарихий ҳужжат қайта қуриш бунёдкорлик режаларининг халқаро гарантияларини мустаҳкамлайди.

Ҳозир қайта қуришнинг иккинчи босқичидаги вазифа партиянинг стратегик йўл-йўриқларини амалий равишда рўёбга чиқаришни — ижтимоий турмушни демократиялашни ва туб иқтисодий ислоҳотни таъминлашдан иборат. Бу — турмушимизнинг барча соҳаларига, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига тааллуқлидир.

Биз КПСС Марказий Комитети кўрсатмалари асосида экономиканинг етакчи тармоғини интенсив, илмий негизга ўтказиш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифаларини айни шу позицияларда туриб батафсил кўриб чиқишимиз ва белгилаб олишимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё республикалари агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги қарорида қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи атрофлича танқидий таҳлил этилган, турғунлик ҳолатларини келтириб чиқарган сабаблар принципиал очиб ташланган, уни янада ривожлантиришнинг бош йўналишлари белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман: ҳозир пахтачилик «жузъий» ремонтга эмас, балки чуқур сифат ўзгартишларига, катъиян қайта қуришга муҳтождир.

Пахтачиликдаги жиддий муваффақиятсизликларни, айтиш мумкинки, танг аҳволни биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидаёқ тушунган эдик. Тармоқни ўпирилиш ҳолатидан чиқариб олиш учун туб чора-тадбирлар кераклиги ўша пайтдаёқ равшан эди, чунки республиканинг

иктисодий ва социал ривожланиши, унинг умумиттифок меҳнат таксимотига кўшадиган ҳиссаси кўп жиҳатдан шу тармокка боғлик. Хўш, пахтачиликда кайта куриш кандай бормокда, шу вакт ичида нималар килинди ва биз нималарни килганимиз йўк, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга очик-ойдин ва рўй-рост жавоб бериб, тўппа-тўғрисини айтиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг талабларига мувофик уюшкоклик ва интизомни мустаҳкамлаш юзасидан ўтказилаётган йўл пахтачиликда ва бошка тармокларда неча йиллар давомида йиғилиб келган салбий тенденцияларнинг асосан пайини киркиш, ўтмишда оммавий тус олган, жуда катта зиён етказган кўшиб ёзиш ва найрангбозликлардан ишлаб чикаришни халос этиш имконини берди. Ҳисобга олинмаган экинзорлар 200 минг гектарга ёки салкам 10 процентга етди, СССР Марказий статистика бошкармаси томонидан 1978—1983 йилларда пахта тайёрлаш ҳажмларининг ҳисоботдан чикариб ташланган кисми 4,5 миллион тоннадан ошиб кетди. Ҳозир бундай найрангбозликнинг йўллари бекитиб кўйилди, ҳисоб-китоб ва ҳисоботда каттик давлат тартиби ўрнатилди, дейиш мумкин. Аммо олға бориш, тармокни ўпирилиш ҳолатидан чикариб олиш керак-ку, ахир.

Турмуш шундан яккол далолат беради: биз ишларнинг аҳволини чукур суриштириб билиб олган, катта-катта янги чора-тадбирлар кўрган жойларда ижобий силжишлар рўй бермокда, дастлабки ижобий натижаларга эришилди.

Пахта учун ундан ажратиб олинадиган толанинг микдори ва сифатига караб хак тўлашга ўтилганлиги мана шундай муҳим кадам бўлди. Бу тадбирга кўп кишилар карши чикишди, ҳозир ҳам айрим кишилар ўтмишдаги ялпи ёндашувлар хусусида таассуф билдирмокдалар. Аммо куйидаги маънодор аник-равшан ракамларнинг мағзини чакиб кўринг, 1984 йилгача республикада тола ажратиб олиш доимо камая бориб, 26,5 процентни ташкил этган бўлса, энди у 6 процент кўпайди.

1986 йил ҳосилидан 32,5 процент тола олинди, бу йилги пахтани кайта ишлашнинг дастлабки натижаларига келганда, бу кўрсаткич 33 процентни ташкил этади. Натижада 1984 йилдан бошлаб республика аввалги йилларга нисбатан кўпрок пахта толаси етиштирмокда. Кайта ишлаш тармоғи 1983 йилда 224 миллион сўм зарар кўрган бўлса, бултур карийб 185 миллион сўм фойда берди. Пахтанинг бошка маҳсулотини олиш ҳам кўпайди, кўшимча равишда 25 минг тонна ёғ ишлаб чикарилди. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида ёғ заводлари 30 миллион сўм зарар кўрган бўлса, 1985 йилдан бошлаб 50 миллион сўмдан кўпрок фойда олинди.

Кайта ишлаш корхоналаригина эмас, хўжаликлар ҳам иктисодий наф олмокдалар. Кўпрок тола ажратиб олинганлиги учун 1985—1986 йилларда колхоз ва совхозларга кўшимча равишда 388 миллион сўм тўланди. Пировард натижаларга караб ҳисоб-китоб килишга ўтиш тўғрилигини тажриба тасдиклаганлиги кўриниб турибди, шу принципни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак, у хўжалик юритишнинг янги иктисодий механизмига тўла-тўкис мос келади.

Ҳозир Тошкент областининг Пискент районида тайёрлов тармоғини хўжаликларга топшириш ва улар билан пировард маҳсулотга караб ҳисоб-китоб килишга тўла-тўкис ўтиш юзасидан эксперимент бошланди. Кўрғонтепа районида бошка бир вариант синаб кўрилмокда. Партия, совет, хўжалик органлари мана шу экспериментларга хайрихоҳлик билан карашлари, бу соҳадаги бошка ташаббус ва изланишларни кўллаб-кувватлашлари керак.

Агросаноат комплексининг бошка тармокларида баъзи силжишлар рўй берди. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида аввалги беш йилликнинг шу даврига нисбатан картошка, полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари ва мева-сабзавот тайёрлаш 5 процентдан зиёд кўпайди, бу йил давлатга 3,6 миллион тоннага якин ана шу маҳсулотлар топширилди. Дон топшириш биринчи марта бир миллион тоннага етди, сут ва тухум харид килиш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди, йил охиригача сут топшириш 7 процент ва тухум топшириш 11 процент ортади.

Олға силжиш бор. Бирок ҳозирча хўжалик юритишнинг интенсив усуллари томон тубдан бурилиш бўлгани йўк, балки айрим ижобий нишоналаргагина эришилди. Бутун агросаноат комплексида ва аввало, пахтачиликда ҳосилдорликни

ошириш ва алмашлаб экишни ўзлаштириш, замонавий агротехникани ва деҳқончилик маданиятини жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, уни янги иқтисодий изларга ўтказиш юзасидан туб чора-тадбирлар кўрилиши талаб этилади. Хўш, ўтган тўрт йил мобайнида шу вазифалар қандай ҳал этилмоқда?

Экинзорларни ҳисобга олиш, агротехникани яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, пудратни, хўжалик ҳисобини жорий қилиш туфайли Қумқўрғон, Чиноз, Шўрчи, Пискент, Олот, Ғиждувон, Шуманай, Хонқа, Мирзачўл, Ўзбекистон ва бошқа бир қанча районларнинг хўжаликлари пахта етиштиришни муттасил кўпайтиришга, унинг ҳосилдорлигини оширишга, механизациялаш даражасини кўтаришга эришмоқдалар. Ҳатто бу йилги ҳаддан ташқари қийин шароитда ҳам 26 та район, 348 та колхоз, совхоз ва 9 мингтадан кўпроқ бригада пахта тайёрлаш планларини бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу — партия, совет, хўжалик органларининг, хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислари, барча меҳнатчиларнинг шак-шубҳасиз хизматидир, бу соҳадаги қайта қуриш тобора кучайиб, сезиларли натижалар бераётганлигининг аниқ кўрсаткичидир.

Бироқ ҳар қандай синов каби бу йилги қийинчиликлар ҳам катта камчиликларни кўрсатиб қўйди, эски усуллардан умидвор бўлиб, ҳамон бир жойда депсиниб турган ва ҳатто илгари эгаллаган марраларидан ҳам орқада қола бошлаган кишиларнинг эскича фикрлашини очиб ташлади. Бўка, Жомбой, Дўстлик, Задарё, Қўнғирот, Навоий, Усмон Юсупов, Фарғона ва бошқа бир қанча районларнинг хўжаликлари бу йилги терим ишларини ҳар томонлама барбод этиб, машина терими планларини барбод қилибгина қолмай, ҳосилдорликни ҳам пасайтириб юбордилар, унумсиз харажатларни кўпайтирдилар, иқтисодий кўрсаткичларни ёмонлаштирдилар, ўйлайманки, район партия комитетларининг бюролари, райкомларнинг биринчи секретарлари Х. А. Пирнапасов, А. А. Сатторов, У. З. Олимов, А. Аширов, К. Сарсенов, М. С. Холиқов, З. Қодиров, К. Икромов ўртоқлар қайта қуришга раҳбарлик қилишлари қийин бўлади, чунки пахтачиликдаги муваффақиятсизлик бу районларда ноқулай об-ҳаво шароитларининггина натижаси бўлмай, айни вақтда ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик ишидаги эскича ёндашувларнинг оқибати ҳам бўлди.

Эскилик сарқити деярли барча асосий йўналишларда: алмашлаб экишни ўзлаштиришда, интенсив технологияларни жорий қилишда, механизациялаш даражасида ва ишнинг пировард натижаси боғлиқ бўлган бошқа масалаларда ҳам намоён бўлмоқда.

Батафсил таҳлил қилиб кўрилганида, пахтачиликни юритишда туб сифат ўзгаришлари рўй бермаганлиги маълум бўлди. Унинг ҳозирги даражаси республиканинг реал имкониятларига ҳам, давлат мамлакат учун муҳим бўлган шу тармоқни ривожлантиришга сарфлаётган жуда катта маблағларга ҳам мувофиқ эмас.

Кейинги ўн йил мобайнида республика агросаноат комплексини ривожлантиришга салкам 28 миллиард сўм маблағ сарфланди, бир миллион гектарга яқин қўриқ ер ўзлаштирилди. Ҳақиқатда эса етиштирилаётган пахтанинг миқдори жиҳатидан ҳам, ишлаб чиқарилаётган толанинг ҳажми жиҳатидан ҳам биз 70-йилларнинг ўрталаридаги даражада қолдиқ.

Ҳозир биз пахтачилик проблемаларига айнан мана шундай безаксиз реализм ва ғоят зўр партиявий масъулият позицияларида туриб ёндашмоғимиз керак. Айни вақтда салбий ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф қилишда, энг зарур, кўп жиҳатдан нозик муаммоларни ҳал этишда КПСС Марказий Комитети ва мамлакат ҳукумати бизга ғоят хайрихоҳлик билан жуда катта ёрдам бераётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Партия Марказий Комитети пахтачиликни ривожлантиришда республика партия, совет, хўжалик органларининг катта камчиликларини кескин ва ҳақли танқид қилиб, 1988—1990 йилларда пахта толаси тайёрлаш планини анчагина камайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Келгуси йил топшириғи 500 минг тонна камайтирилди, план 5 миллион 250 минг тонна пахтани ва 1 миллион 680 минг тонна толани ташкил этади.

Бу қарорни қабул этиш осон бўлмади. Мамлакатга пахта керак, у етишмай турибди. КПСС Марказий Комитети тармоққа раҳбарлик қилишдаги қўпол

хатолар натижасида вужудга келган ҳаддан ташқари оғир аҳволни эътиборга олиб, республикага ўзини ўнглаб олиш, аҳволни тубдан яхшилаш имкониятини беришга қарор қилди.

Шу сабабли қабул этилган қарорни ишдаги ғайрат-шижоатни камайтириш учун баҳона деб билиш жуда катта хато бўлур эди. Аксинча, сиз билан биз пахтачиликни қисқа муддатларда ва имкони борича юксак самарадорлик билан тубдан қайта қуриш, тармоқни замонавий, илмий асосланган агротехникага кўчириш учун юксак даражада партиявий масъулиятни зиммамизга оламиз. Биз одамлар билан ўтказилаётган бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишда айни бизнинг республикамиз мамлакатни пахта билан таъминлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшаётганлигига асосланиб иш юритишга мажбурмиз. Тармоқни янада ривожлантириш учун республика партия ташкилотининг энг юксак масъулият меъёри шу билан белгиланади.

Ихтиёримизда ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган ресурс ва имкониятларни объектив ва реал чамалаб кўрайлик, пахта ҳосилдорлигини муттасил ошириш, тола ажратиб олишни кўпайтириш, унинг сифат хусусиятларини анча яхшилаш соҳасидаги вазифаларимизни белгилаб олайлик.

Ўзбекистоннинг ҳозирги пахтачилиги — 1200 та йирик замонавий хўжаликдан иборат, уларга 3,5 миллион гектар суғориладиган ер бириктириб қўйилган. Улар аслида чекланмаган меҳнат ресурсларига эга, уларнинг ихтиёрида 257 мингта трактор, пахта териш машинаси ва дон комбайни бор. Ҳар йили колхоз ва совхозлар 1,3 миллион тонна минерал ўғит олиб турибди. Республика сув омборларининг жами ҳажми 18 миллиард куб метрдан ошади, ирригация тармоғининг узунлиги 120 минг километрга боради. Сув хўжалиги тўғри бошқарилган тақдирда сув тақчиллигининг таъсирини сездирмаслик учун мана шуларнинг ўзи мутлоқо етарлидир. Колхоз ва совхозларда олий ва ўрта махсус маълумотли 100 мингга яқин мутахассис меҳнат қилмоқда.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, тармоқни муваффақиятли ривожлантириш учун бизнинг ихтиёримизда зарур шарт-шароитларнинг ҳаммаси мавжуд. Аммо КПСС Марказий Комитети ҳақли равишда таъкидлаганидек, кўпгина хўжаликларимизнинг, барча район ва областларимизнинг, республика органларининг раҳбарлари ва мутахассислари пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш, толасининг сифати юқори бўлган янги навларни жорий этиш соҳасидаги илм-фан тавсияларига ва ўз тажрибаларига, пахта етиштиришни интенсивлашнинг бошқа омилларини қўлланишга менсимай қараб келмоқдалар.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш ва ҳосилдорликни ошириш каби ўзаро боғлиқ проблемани олиб кўрайлик. Аслида бу — бир ишнинг икки жиҳатидир. Биз ҳосилдорлик ва ялпи пахта ҳосили соҳасидаги оширилган топшириқлар натижасида ерларнинг кўп миқдорда пахта билан банд бўлиб қолиши юзага келган деб айтаяпмиз. Бизда шундай хўжалик ва районлар борки, улардаги планли ҳосилдорлик 30—35 ва ҳатто 40 центнерни ташкил этади. Бироқ, шу билан бирга, бир миллион гектардан ортиқ ер 25 центнердан камроқ, шу жумладан, 400 минг гектар ер 20 центнердан, 230 минг гектар ер эса 15 центнердан камроқ пахта ҳосили бераётганлигини нормал ҳол деб ҳисоблаб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитетида агросаноат комплексининг ташкилий-иқтисодий проблемалари юзасидан ноябрь ойида ўтказилган илмий-амалий конференцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. П. Никоновнинг докладида умуман Ўзбекистонда гектар бошига 1 тонна ҳосил кам олинаётганлиги тўғридан-тўғри таъкидлаб ўтилди.

Кейинги йилларда республикадаги ҳосилдорлик кўпайиш ўрнига, пасайиб бораётганлиги алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Ўтган беш йилликда ўртача йиллик кўрсаткич гектар бошига 26,7 центнерни, 1985 йилда 27 центнерни, 1986 йилда 24,3, бу йил эса гектар бошига 23,3 центнерни ташкил этди. Шундай бир табиий савол туғилади: республика Давлат агросаноат комитетининг раҳбарлари ва шахсан унинг раиси ўртоқ И. Х. Жўрабеков бундай пасайиб боришни қандай изоҳлайдилар? Чунки, тармоқни бошқариш даражаси ҳосилдорликда лўнда тарзда ифодаланади ва ҳамма нарсани об-ҳаво шароитларига тўнкай бериш ярамайди. Хўш, бизнинг деҳқончилик маданияти, интенсив технологиялар, илғор

агротехника тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларимизнинг қадр-қиммати амалда нимага арзийди?

Ахир, иш ўтакетган хўжасизликка етиб бормоқда. Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистондаги 66 та совхоз гектар бошига 10—11 центнер пахта олмоқда. Бу хўжаликларни барпо этишга давлат 2,5 миллиард сўмдан кўпроқ пул сарфлаган эди. Улар эса самара бериш ўрнига ҳаммаси биргаликда йилига 45 миллион сўмдан ортиқ зарар келтирмоқда. Бу хўжаликларда неча йиллардан бери мана шундай ачинарли аҳвол ҳукм суриб келмоқда. Бироқ шу хўжаликларга раҳбарлик қилувчи Давлат агросаноат комитети ҳам, «Главсредазирсовхозстрой» ҳам бу ерда энг оддий тартиб ўрнатиш учун ҳеч нарса қилмаяптилар. Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган область партия комитетлари, уларнинг биринчи секретарлари И. С. Умаров, А. Ф. Клепиков, И. А. Каримов, К. С. Саликов ўртоқлар бу аҳволга тоқат қилиб келмоқдалар. Уларнинг область агросаноат комитетларидан ва бошқа манфаатдор ташкилотлардан аҳволни тузатиб олиш учун таъсирчан чора-тадбирлар кўришни талаб қилиш имконини берадиган ваколатлари етарли эмасми, ахир?

Ҳосилдорликни ошириш пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий, бош йўлидир. Экинзорлар структурасини қайта кўриб чиқишни эътиборга олганда, республикада гектар бошига ўрта ҳисобда камида 28 центнер пахта олишни таъминлаш зарурлигини ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди. Демак, кам ҳосилли майдонлар ва хўжаликларни ўртача маррага етказиб олиш учун бу масала билан енг шимариб шуғулланиш керак. Юқорида айтилган ҳар бир фактни ишни барбод қилиш, деб баҳолаш ва бунинг учун айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг масъулияти тўғрисидаги масалани шунга мувофиқ равишда ҳал этиш лозим.

Ерларнинг ҳосилдорлиги илмий асосланган алмашлаб экиш системасини жорий этиш билан чамбарчас боғланган. КПСС Марказий Комитети Бухоро, Навоий, Сирдарё, Андижон, Наманган областларида алмашлаб экишдаги пахтазорнинг салмоғи 75—78 процентга етганлигини, айрим хўжаликлар ва районларда у аслида танҳо экин бўлиб қолганлигини кўрсатувчи аҳволга йўл қўйиб бўлмаслигини мутлақо тўғри кўрсатиб берди. Умуман республикадаги ерларнинг пахта билан банд бўлиши 72 процентни ташкил этади, беданинг улуши эса илм-фан тавсия этган 25—30 процент ўрнига барча экинзорларнинг атиги 14,5 процентини ташкил этади.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш тармоқни интенсив бошқаришнинг асоси эканлиги маълум. Бу нарса Нарпай районидаги Ленин номли, Фрунзе районидаги К. Маркс номли колхозлар мисолида яққол кўриниб турибди. Улар 1975 йилдан бошлаб пахта-беда алмашлаб экишни тўла-тўкис ўзлаштирдилар. Ҳозир бедапояларда иккинчи бор алмашлаб экишга ўтилмоқда. 10 йил мобайнида хўжаликларнинг биринчисида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 3,4 центнер ва иккинчисида 7,7 центнер кўтарилди, суғориш миқдори 10—12 процент камайди, ўғитларнинг самарадорлиги ошди.

Алмашлаб экиш янги проблема эмас. Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин имзолаган қароридаёқ: «барча пахтазор районларда... алмашлаб экиш, албатта, жорий этилсин» деб кўрсатилган эди. Бу кўрсатма 1920 йилда берилган бўлса-да, бизда бу вазифа ҳозиргача ҳам ҳал этилгани йўқ.

Шу пайтга қадар пахта етиштиришнинг оширилган планлари сабабли пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш маълум даражада орқага сурилиб келди, албатта. Энди бу зиддиятга барҳам берилди. Белгиланган пахта тайёрлаш ҳажмлари шароитида 1990 йилгача барча пахтакор хўжаликларда алмашлаб экишни тўла-тўкис ўзлаштириш учун реал имконият борлигини ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди.

Аммо бу ишни зудлик билан бошлаш керак. Келгуси йилдаёқ биринчи қадам қўйилиши лозим. Шу сабабли Давлат агросаноат комитети, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими алмашлаб экишга оид лойиҳа хужжатларини имкони борича тезроқ қайта кўриб чиқишлари, иқлим-мелиорация шароитларини эътиборга олиб ерларга паспорт жорий этишлари ва келгуси чигит экиш кампаниясигача дастлабки ҳисоб-китобларни беришлари зарур. «Узгипрозем» институтининг мутахассислари, унинг директори Л. М. Тўрахўжаева алмашлаб экиш соҳасидаги бузилишларнинг бепарво хабарчиси бўлиб қолмай, балки жанговарлик кўрсатиб, бу соҳадаги

хатоларни инкор қилиш фактларига муросасиз бўлиши, топширилган ишга чинакам манфаатдорлик ва масъулият билан қарашадиган пайти келди. Бу ишни ерларнинг тупроғини текшириш ишларини тугаллаш билан бирга қўшиб олиб бориш лозим, ҳозир бу иш ҳаддан ташқари суст бормоқда.

Пахта етиштириш маданиятини ошириш, интенсив технологияни жорий қилиш ҳақида партия, совет, хўжалик органлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак. Илғор хўжаликлар тажрибасининг кўрсатишича, илғор технологияни қўлланиш барча турдаги чиқимларни анча қисқартириб, пахта ҳосилдорлигини оширишни таъминлайди.

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида кейинги тўрт йил мобайнида ерларни икки ярусли қилиб ҳайдаш, туксиз чигитни пуштага аниқ миқдорда экиш, гербицид ва минерал ўғитларни илмий асосланган нормаларда солиш билан бирга, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методларидан фойдаланиш, чеканка қилиш ва пахта теришни механизациялаш усуллари қўлланиб келинмоқда, натижада пахта ҳосилдорлиги 6 центнер ошди, ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги 30 процент кўтарилди, ҳар бир ходим ҳисобига етиштирилган пахта 12 тоннага етди. Ҳар центнер маҳсулотга бўлган меҳнат сарфи 1983 йилга нисбатан 3 дан 2 ҳисса камайди, 1 гектар экинзордан олинган даромад қарийб 1,5 баравар кўпайди. Пахта сотишдан олинган соф даромад 3,3 миллион сўмдан ошиб кетди.

Бу ердаги юқори малакали мутахассислар ишлаб чиқариш бўлинмаларига бошчилик қилмоқдалар, ишни замонавий илмий асосда олиб бормоқдалар. Натижада ҳозиргидек қийин йилда ҳам совхоз пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарди, гектар бошига 30 центнер ҳосил кўтарди, пахтанинг 80 процентини машинада териб олди.

Афсуски, бизда бундай мисоллар ҳозирча кам. Интенсив технологияларга муносабатда эски консерватив ёндашувларнинг таъсири, кўпгина раҳбар ва мутахассисларда замонавий иқтисодий ва агротехника тафаккурининг йўқлиги, баъзан эса тўғридан-тўғри масъулиятсизлик сезилмоқда. Бундан бир йил муқаддам Марказий Комитет Бюроси ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг раиси ўрток Ш. А. Акмалхоновга, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг вазифасини бажарувчи ўрток Н. Ф. Беспаловга пахта етиштиришнинг замонавий, илмий асосланган технологиясини ишлаб чиқишни, практик ходимларни методика билан қуроллантиришни топширган эди. Аммо бу топшириқ шу пайтгача бажарилгани йўқ, Давлат агросаноат комитетининг раҳбарлари эса қишлоқ хўжалик фани раҳбарлари олдига ҳақли талаблар қўйиш ўрнига, уларнинг фаолиятсизлигини қалбаки ҳисобот билан яшириб келмоқдалар.

Қорақалпоғистон Автоном республикасида ҳисоботга кўра 9 минг гектар ерда пахта интенсив технологияга мувофиқ етиштирилмоқда, ҳақиқатда эса бу технологиянинг ҳамма элементлари тўла-тўкис бажарилган бир гектар пахтазор ҳам топилмади. Навоий, Андижон ва бошқа областларда ҳам интенсив технология мана шундай «жорий этилаётганлиги» кўриниб турибди. Давлат агросаноат комитетининг ҳисоботларида умуман республикада пахтазорларнинг 13 процентида илғор технология жорий этилган, деб кўрсатилган, ҳақиқатда эса ҳатто туксиз уруғлик чигит бултургига нисбатан 50 минг гектар кам ерга экилган. Шу омилнинг ўзи ҳисобига биз салкам 250 минг тонна пахтадан маҳрум бўлаётганимизни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Хўш, Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари — министр ўрток И. Қ. Қурбонов, бундай қалбаки жорий этишнинг кимга кераги бор, деган савол туғилади. Бу — бориб турган қўшиб ёзиш-ку. Илгари пахтани қўшиб ёзишар эди, энди технологияни қўшиб ёзишаяпти.

Республика Давлат агросаноат комитети, унинг жойлардаги органлари, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими бу масаладаги ўз позицияларини тубдан қайта кўриб чиқишлари, чигит экиш кампанияси бошланишидан аввал колхоз ва совхозларни интенсив технологияларни жорий этишга оид зарур тавсиялар билан таъминлашлари керак. Бу масала комплекс ҳал этилиши лозим, айрим тарқоқ элементларни жорий қилиш кўнгилдагидек самарани бермаслиги бир ёқда турсин, балки ғоянинг ўзини обрўсизлантириб қўйиши мумкин. Агар бу ишни кўкламгача қилмасак, у ҳолда яна бир ярим йилгача эскичасига ишлайдиган бўламиз. Биз бунга йўл қўя олмаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КЎРСАТМАЛАРИНИ БАЖАРИШ ВА БУ ТАРМОҚДАГИ ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАРНИ ТУГАТИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВнинг Ўзбекистон Компартияси МК VII пленумида 1987 йил 17 декабрда қилган доклади

Ўртоқлар!

Бизнинг пленумимиз партия билан халқ турмушидаги бениҳоя масъулиятли даврда ўтмоқда. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари жуда катта сиёсий воқеа бўлди, совет кишиларининг юксак маънавий кайфиятини, улар Коммунистик партия теварагига жипслашганликларини яққол намойиш қилди.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари ҳам М. С. Горбачев докладида баён этилган қоида ва хулосаларни якдиллик билан маъқулламоқдалар, КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг КПСС XXVII съезди қарорларини, партиянинг қайта қуриш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Бу йўлнинг революцион, самарадор кучи жамиятимизнинг ички турмушида ҳам, халқаро ишларда ҳам намоён бўлмоқда. Михаил Сергеевич Горбачевнинг Америка Қўшма Штатларига қилган визити якунлари, СССР билан АҚШ ўртасида ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида Шартнома имзоланганлиги мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам зўр мамнуният билан кутиб олинди. Қуролланиш пойгасини реал равишда жиловлаш соҳасидаги бу тарихий ҳужжат қайта қуриш бунёдкорлик режаларининг халқаро гарантияларини мустаҳкамлайди.

Ҳозир қайта қуришнинг иккинчи босқичидаги вазифа партиянинг стратегик йўл-йўриқларини амалий равишда рўёбга чиқаришни — ижтимоий турмушни демократиялашни ва туб иқтисодий ислоҳотни таъминлашдан иборат. Бу — турмушимизнинг барча соҳаларига, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига тааллуқлидир.

Биз КПСС Марказий Комитети кўрсатмалари асосида экономиканинг етакчи тармоғини интенсив, илмий негизга ўтказиш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифаларини айни шу позицияларда туриб батафсил кўриб чиқишимиз ва белгилаб олишимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё республикалари агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги қарорида қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи атрофлича танқидий таҳлил этилган, турғунлик ҳолатларини келтириб чиқарган сабаблар принципиал очиб ташланган, уни янада ривожлантиришнинг бош йўналишлари белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман: ҳозир пахтачилик «жузъий» ремонтга эмас, балки чуқур сифат ўзгартишларига, қатъиян қайта қуришга муҳтождир.

Пахтачиликдаги жиддий муваффақиятсизликларни, айтиш мумкинки, танг аҳволни биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидаёқ тушунган эдик. Тармоқни ўпирилиш ҳолатидан чиқариб олиш учун туб чора-тадбирлар кераклиги ўша пайтдаёқ равшан эди, чунки республиканинг

иктисодий ва социал ривожланиши, унинг умумиттифок меҳнат тақсимотига қўшадиган ҳиссаси кўп жиҳатдан шу тармоққа боғлиқ. Хўш, пахтачиликда қайта қуриш қандай бормоқда, шу вақт ичида нималар қилинди ва биз нималарни қилганимиз йўқ, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга очиқ-ойдин ва рўй-рост жавоб бериб, тўппа-тўғрисини айтиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг талабларига мувофиқ уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш юзасидан ўтказилаётган йўл пахтачиликда ва бошқа тармоқларда неча йиллар давомида йиғилиб келган салбий тенденцияларнинг асосан пайини қирқиш, ўтмишда оммавий тус олган, жуда катта зиён етказган қўшиб ёзиш ва найрангбозликлардан ишлаб чиқаришни халос этиш имконини берди. Ҳисобга олинмаган экинзорлар 200 минг гектарга ёки салкам 10 процентга етди, СССР Марказий статистика бошқармаси томонидан 1978—1983 йилларда пахта тайёрлаш ҳажмларининг ҳисоботдан чиқариб ташланган қисми 4,5 миллион тоннадан ошиб кетди. Ҳозир бундай найрангбозликнинг йўллари бекитиб қўйилди, ҳисоб-китоб ва ҳисоботда қаттиқ давлат тартиби ўрнатилди, дейиш мумкин. Аммо олға бориш, тармоқни ўпирилиш ҳолатидан чиқариб олиш керак-ку, ахир.

Турмуш шундан яққол далолат беради: биз ишларнинг аҳволини чуқур суриштириб билиб олган, катта-катта янги чора-тадбирлар кўрган жойларда ижобий силжишлар рўй бермоқда, дастлабки ижобий натижаларга эришилди.

Пахта учун ундан ажратиб олинадиган толанинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлашга ўтилганлиги мана шундай муҳим қадам бўлди. Бу тадбирга кўп кишилар қарши чиқишди, ҳозир ҳам айрим кишилар ўтмишдаги ялпи ёндашувлар хусусида таассуф билдирмоқдалар. Аммо қуйидаги маънодор аниқ-равшан рақамларнинг мағзини чақиб кўринг, 1984 йилгача республикада тола ажратиб олиш доимо камая бориб, 26,5 процентни ташкил этган бўлса, энди у 6 процент кўпайди.

1986 йил ҳосилидан 32,5 процент тола олинди, бу йилги пахтани қайта ишлашнинг дастлабки натижаларига келганда, бу кўрсаткич 33 процентни ташкил этади. Натижада 1984 йилдан бошлаб республика аввалги йилларга нисбатан кўпроқ пахта толаси етиштирмоқда. Қайта ишлаш тармоғи 1983 йилда 224 миллион сўм зарар кўрган бўлса, бултур қарийб 185 миллион сўм фойда берди. Пахтанинг бошқа маҳсулотини олиш ҳам кўпайди, қўшимча равишда 25 минг тонна ёғ ишлаб чиқарилди. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида ёғ заводлари 30 миллион сўм зарар кўрган бўлса, 1985 йилдан бошлаб 50 миллион сўмдан кўпроқ фойда олинди.

Қайта ишлаш корхоналаригина эмас, хўжаликлар ҳам иқтисодий наф олмоқдалар. Кўпроқ тола ажратиб олинганлиги учун 1985—1986 йилларда колхоз ва совхозларга қўшимча равишда 388 миллион сўм тўланди. Пировард натижаларга қараб ҳисоб-китоб қилишга ўтиш тўғрилигини тажриба тасдиқлаганлиги кўриниб турибди, шу принципни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак, у хўжалик юритишнинг янги иқтисодий механизмига тўла-тўкис мос келади.

Ҳозир Тошкент областининг Пискент районида тайёрлов тармоғини хўжаликларга топшириш ва улар билан пировард маҳсулотга қараб ҳисоб-китоб қилишга тўла-тўкис ўтиш юзасидан эксперимент бошланди. Қўрғонтепа районида бошқа бир вариант синаб кўрилмоқда. Партия, совет, хўжалик органлари мана шу экспериментларга хайриҳоҳлик билан қарашлари, бу соҳадаги бошқа ташаббус ва изланишларни қўллаб-қувватлашлари керак.

Агросаноат комплексининг бошқа тармоқларида баъзи силжишлар рўй берди. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида аввалги беш йилликнинг шу даврига нисбатан картошка, полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари ва мева-сабзавот тайёрлаш 5 процентдан зиёд кўпайди, бу йил давлатга 3,6 миллион тоннага яқин ана шу маҳсулотлар топширилди. Дон топшириш биринчи марта бир миллион тоннага етди, сут ва тухум харид қилиш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди, йил охиригача сут топшириш 7 процент ва тухум топшириш 11 процент ортади.

Олға силжиш бор. Бироқ ҳозирча хўжалик юритишнинг интенсив усуллари томон тубдан бурилиш бўлгани йўқ, балки айрим ижобий нишоналаргагина эришилди. Бутун агросаноат комплексида ва аввало, пахтачиликда ҳосилдорликни

ошириш ва алмашлаб экишни ўзлаштириш, замонавий агротехникани ва деҳқончилик маданиятини жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, уни янги иқтисодий изларга ўтказиш юзасидан туб чора-тадбирлар кўрилиши талаб этилади. Хўш, ўтган тўрт йил мобайнида шу вазифалар қандай ҳал этилмоқда?

Экинзорларни ҳисобга олиш, агротехникани яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, пудратни, хўжалик ҳисобини жорий қилиш туфайли Қумқўрғон, Чиноз, Шўрчи, Пискент, Олот, Ғиждувон, Шуманай, Хонка, Мирзачўл, Ўзбекистон ва бошқа бир қанча районларнинг хўжаликлари пахта етиштиришни муттасил кўпайтиришга, унинг ҳосилдорлигини оширишга, механизациялаш даражасини кўтаришга эришмоқдалар. Ҳатто бу йилги ҳаддан ташқари қийин шароитда ҳам 26 та район, 348 та колхоз, совхоз ва 9 мингтадан кўпроқ бригада пахта тайёрлаш планларини бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу — партия, совет, хўжалик органларининг, хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислари, барча меҳнатчиларнинг шак-шубҳасиз хизматидир, бу соҳадаги қайта қуриш тобора кучайиб, сезиларли натижалар бераётганлигининг аниқ кўрсаткичидир.

Бироқ ҳар қандай синов каби бу йилги қийинчиликлар ҳам катта камчиликларни кўрсатиб қўйди, эски усуллардан умидвор бўлиб, ҳамон бир жойда депсиниб турган ва ҳатто илгари эгаллаган марраларидан ҳам орқада қола бошлаган кишиларнинг эскича фикрлашини очиб ташлади. Бўка, Жомбой, Дўстлик, Задарё, Қўнғирот, Навоий, Усмон Юсупов, Фарғона ва бошқа бир қанча районларнинг хўжаликлари бу йилги терим ишларини ҳар томонлама барбод этиб, машина терими планларини барбод қилибгина қолмай, ҳосилдорликни ҳам пасайтириб юбордилар, унумсиз харажатларни кўпайтирдилар, иқтисодий кўрсаткичларни ёмонлаштирдилар, ўйлайманки, район партия комитетларининг бюролари, райкомларнинг биринчи секретарлари Х. А. Пирнапасов, А. А. Сатторов, У. З. Олимов, А. Аширов, К. Сарсенов, М. С. Холиқов, З. Қодиров, К. Икромов ўртоқлар қайта қуришга раҳбарлик қилишлари қийин бўлади, чунки пахтачиликдаги муваффақиятсизлик бу районларда ноқулай об-ҳаво шароитларининггина натижаси бўлмай, айни вақтда ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик ишидаги эскича ёндашувларнинг оқибати ҳам бўлди.

Эскилик сарқити деярли барча асосий йўналишларда: алмашлаб экишни ўзлаштиришда, интенсив технологияларни жорий қилишда, механизациялаш даражасида ва ишнинг пировард натижаси боғлиқ бўлган бошқа масалаларда ҳам намоён бўлмоқда.

Батафсил таҳлил қилиб кўрилганида, пахтачиликни юритишда туб сифат ўзгаришлари рўй бермаганлиги маълум бўлди. Унинг ҳозирги даражаси республиканинг реал имкониятларига ҳам, давлат мамлакат учун муҳим бўлган шу тармоқни ривожлантиришга сарфлаётган жуда катта маблағларга ҳам мувофиқ эмас.

Кейинги ўн йил мобайнида республика агросаноат комплексини ривожлантиришга салкам 28 миллиард сўм маблағ сарфланди, бир миллион гектарга яқин кўриқ ер ўзлаштирилди. Ҳақиқатда эса етиштирилаётган пахтанинг миқдори жиҳатидан ҳам, ишлаб чиқарилаётган толанинг ҳажми жиҳатидан ҳам биз 70-йилларнинг ўрталаридаги даражада қолдик.

Ҳозир биз пахтачилик проблемаларига айнан мана шундай безаксиз реализм ва ғоят зўр партиявий масъулият позицияларида туриб ёндашмоғимиз керак. Айни вақтда салбий ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф қилишда, энг зарур, кўп жиҳатдан нозик муаммоларни ҳал этишда КПСС Марказий Комитети ва мамлакат ҳукумати бизга ғоят хайрихоҳлик билан жуда катта ёрдам бераётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Партия Марказий Комитети пахтачиликни ривожлантиришда республика партия, совет, хўжалик органларининг катта камчиликларини кескин ва ҳақли танқид қилиб, 1988—1990 йилларда пахта толаси тайёрлаш планини анчагина камайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Келгуси йил топшириғи 500 минг тонна камайтирилди, план 5 миллион 250 минг тонна пахтани ва 1 миллион 680 минг тонна толани ташкил этади.

Бу қарорни қабул этиш осон бўлмади. Мамлакатга пахта керак, у етишмай турибди. КПСС Марказий Комитети тармоққа раҳбарлик қилишдаги қўпол

хатолар натижасида вужудга келган ҳаддан ташқари оғир аҳволни эътиборга олиб, республикага ўзини ўнглаб олиш, аҳволни тубдан яхшилаш имкониятини беришга қарор қилди.

Шу сабабли қабул этилган қарорни ишдаги ғайрат-шижоатни камайтириш учун баҳона деб билиш жуда катта хато бўлур эди. Аксинча, сиз билан биз пахтачиликни қисқа муддатларда ва имкони борича юксак самарадорлик билан тубдан қайта қуриш, тармоқни замонавий, илмий асосланган агротехникага кўчириш учун юксак даражада партиявий масъулиятни зиммамизга оламиз. Биз одамлар билан ўтказилаётган бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишда айни бизнинг республикамиз мамлакатни пахта билан таъминлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшаётганлигига асосланиб иш юритишга мажбурмиз. Тармоқни янада ривожлантириш учун республика партия ташкилотининг энг юксак масъулият меъёри шу билан белгиланади.

Ихтиёримизда ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган ресурс ва имкониятларни объектив ва реал чамалаб кўрайлик, пахта ҳосилдорлигини муттасил ошириш, тола ажратиб олишни кўпайтириш, унинг сифат хусусиятларини анча яхшилаш соҳасидаги вазифаларимизни белгилаб олайлик.

Ўзбекистоннинг ҳозирги пахтачилиги — 1200 та йирик замонавий хўжаликдан иборат, уларга 3,5 миллион гектар суғориладиган ер бириктириб қўйилган. Улар аслида чекланмаган меҳнат ресурсларига эга, уларнинг ихтиёрида 257 мингта трактор, пахта териш машинаси ва дон комбайни бор. Ҳар йили колхоз ва совхозлар 1,3 миллион тонна минерал ўғит олиб турибди. Республика сув омборларининг жами ҳажми 18 миллиард куб метрдан ошади, ирригация тармоғининг узунлиги 120 минг километрга боради. Сув хўжалиги тўғри бошқарилган тақдирда сув танқислигининг таъсирини сездирмаслик учун мана шуларнинг ўзи мутлоқо етарлидир. Колхоз ва совхозларда олий ва ўрта махсус маълумотли 100 мингга яқин мутахассис меҳнат қилмоқда.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, тармоқни муваффақиятли ривожлантириш учун бизнинг ихтиёримизда зарур шарт-шароитларнинг ҳаммаси мавжуд. Аммо КПСС Марказий Комитети ҳақли равишда таъкидлаганидек, кўпгина хўжаликларимизнинг, барча район ва областларимизнинг, республика органларининг раҳбарлари ва мутахассислари пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш, толасининг сифати юқори бўлган янги навларни жорий этиш соҳасидаги илм-фан тавсияларига ва ўз тажрибаларига, пахта етиштиришни интенсивлашнинг бошқа омилларини қўлланишга менсимай қараб келмоқдалар.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш ва ҳосилдорликни ошириш каби ўзаро боғлиқ проблемани олиб кўрайлик. Аслида бу — бир ишнинг икки жиҳатидир. Биз ҳосилдорлик ва ялпи пахта ҳосили соҳасидаги оширилган топшириқлар натижасида ерларнинг кўп миқдорда пахта билан банд бўлиб қолиши юзага келган деб айтаяпмиз. Бизда шундай хўжалик ва районлар борки, улардаги планли ҳосилдорлик 30—35 ва ҳатто 40 центнерни ташкил этади. Бироқ, шу билан бирга, бир миллион гектардан ортиқ ер 25 центнердан камроқ, шу жумладан, 400 минг гектар ер 20 центнердан, 230 минг гектар ер эса 15 центнердан камроқ пахта ҳосили бераётганлигини нормал ҳол деб ҳисоблаб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитетида агросаноат комплексининг ташкилий-иқтисодий проблемалари юзасидан ноябрь ойида ўтказилган илмий-амалий конференцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. П. Никоновнинг докладида умуман Ўзбекистонда гектар бошига 1 тонна ҳосил кам олинаётганлиги тўғридан-тўғри таъкидлаб ўтилди.

Кейинги йилларда республикадаги ҳосилдорлик кўпайиш ўрнига, пасайиб бораётганлиги алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Ўтган беш йилликда ўртача йиллик кўрсаткич гектар бошига 26,7 центнерни, 1985 йилда 27 центнерни, 1986 йилда 24,3, бу йил эса гектар бошига 23,3 центнерни ташкил этди. Шундай бир табиий савол туғилади: республика Давлат агросаноат комитетининг раҳбарлари ва шахсан унинг раиси ўртоқ И. Х. Жўрабеков бундай пасайиб боришни қандай изоҳлайдилар? Чунки, тармоқни бошқариш даражаси ҳосилдорликда лўнда тарзда ифодаланади ва ҳамма нарсани об-ҳаво шароитларига тўнкай бериш ярамайди. Хўш, бизнинг деҳқончилик маданияти, интенсив технологиялар, илғор

агротехника тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларимизнинг қадр-киммати амалда нимага арзийди?

Ахир, иш ўтакетган хўжасизликка етиб бормоқда. Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистондаги 66 та совхоз гектар бошига 10—11 центнер пахта олмоқда. Бу хўжаликларни барпо этишга давлат 2,5 миллиард сўмдан кўпроқ пул сарфлаган эди. Улар эса самара бериш ўрнига ҳаммаси биргаликда йилига 45 миллион сўмдан ортиқ зарар келтирмоқда. Бу хўжаликларда неча йиллардан бери мана шундай ачинарли аҳвол ҳукм суриб келмоқда. Бироқ шу хўжаликларга раҳбарлик қилувчи Давлат агросаноат комитети ҳам, «Главсредазирсовхозстрой» ҳам бу ерда энг оддий тартиб ўрнатиш учун ҳеч нарса қилмаяптилар. Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган область партия комитетлари, уларнинг биринчи секретарлари И. С. Умаров, А. Ф. Клепиков, И. А. Каримов, К. С. Саликов ўртоқлар бу аҳволга тоқат қилиб келмоқдалар. Уларнинг область агросаноат комитетларидан ва бошқа манфаатдор ташкилотлардан аҳволни тузатиб олиш учун таъсирчан чора-тадбирлар кўришни талаб қилиш имконини берадиган ваколатлари етарли эмасми, ахир?

Ҳосилдорликни ошириш пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий, бош йўлидир. Экинзорлар структурасини қайта кўриб чиқишни эътиборга олганда, республикада гектар бошига ўрта ҳисобда камида 28 центнер пахта олишни таъминлаш зарурлигини ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди. Демак, кам ҳосилли майдонлар ва хўжаликларни ўртача марраға етказиб олиш учун бу масала билан енг шимариб шуғулланиш керак. Юқорида айтилган ҳар бир фактни ишни барбод қилиш, деб баҳолаш ва бунинг учун айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг масъулияти тўғрисидаги масалани шунга мувофиқ равишда ҳал этиш лозим.

Ерларнинг ҳосилдорлиги илмий асосланган алмашлаб экиш системасини жорий этиш билан чамбарчас боғланган. КПСС Марказий Комитети Бухоро, Навоий, Сирдарё, Андижон, Наманган областларида алмашлаб экишдаги пахтазорнинг салмоғи 75—78 процентга етганлигини, айрим хўжаликлар ва районларда у аслида танҳо экин бўлиб қолганлигини кўрсатувчи аҳволга йўл қўйиб бўлмаслигини мутлақо тўғри кўрсатиб берди. Умуман республикадаги ерларнинг пахта билан банд бўлиши 72 процентни ташкил этади, беданинг улуши эса илм-фан тавсия этган 25—30 процент ўрнига барча экинзорларнинг атиги 14,5 процентини ташкил этади.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш тармоқни интенсив бошқаришнинг асоси эканлиги маълум. Бу нарса Нарпай районидаги Ленин номли, Фрунзе районидаги К. Маркс номли колхозлар мисолида яққол кўриниб турибди. Улар 1975 йилдан бошлаб пахта-беда алмашлаб экишни тўла-тўкис ўзлаштирдилар. Ҳозир бедапояларда иккинчи бор алмашлаб экишга ўтилмоқда. 10 йил мобайнида хўжаликларнинг биринчисида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 3,4 центнер ва иккинчисида 7,7 центнер кўтарилди, суғориш миқдори 10—12 процент камайди, ўғитларнинг самарадорлиги ошди.

Алмашлаб экиш янги проблема эмас. Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин имзолаган қароридаёқ: «барча пахтазор районларда... алмашлаб экиш, албатта, жорий этилсин» деб кўрсатилган эди. Бу кўрсатма 1920 йилда берилган бўлса-да, бизда бу вазифа ҳозиргача ҳам ҳал этилгани йўқ.

Шу пайтга қадар пахта етиштиришнинг оширилган планлари сабабли пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш маълум даражада орқага сурилиб келди, албатта. Энди бу зиддиятга барҳам берилди. Белгиланган пахта тайёрлаш ҳажмлари шароитида 1990 йилгача барча пахтакор хўжаликларда алмашлаб экишни тўла-тўкис ўзлаштириш учун реал имконият борлигини ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди.

Аммо бу ишни зудлик билан бошлаш керак. Келгуси йилдаёқ биринчи қадам қўйилиши лозим. Шу сабабли Давлат агросаноат комитети, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими алмашлаб экишга оид лойиҳа ҳужжатларини имкони борича тезроқ қайта кўриб чиқишлари, иқлим-мелиорация шароитларини эътиборга олиб ерларга паспорт жорий этишлари ва келгуси чигит экиш кампаниясигача дастлабки ҳисоб-китобларни беришлари зарур. «Узгипрозем» институтининг мутахассислари, унинг директори Л. М. Турахўжаева алмашлаб экиш соҳасидаги бузилишларнинг бепарво хабарчиси бўлиб қолмай, балки жанговарлик кўрсатиб, бу соҳадаги

хатоларни инкор қилиш фактларига муросасиз бўлиши, топширилган ишга чинакам манфаатдорлик ва масъулият билан қарашадиган пайти келди. Бу ишни ерларнинг тупроғини текшириш ишларини тугаллаш билан бирга қўшиб олиб бориш лозим, ҳозир бу иш ҳаддан ташқари суст бормоқда.

Пахта етиштириш маданиятини ошириш, интенсив технологияни жорий қилиш ҳақида партия, совет, хўжалик органлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак. Илғор хўжаликлар тажрибасининг кўрсатишича, илғор технологияни қўлланиш барча турдаги чиқимларни анча қисқартириб, пахта ҳосилдорлигини оширишни таъминлайди.

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида кейинги тўрт йил мобайнида ерларни икки ярусли қилиб ҳайдаш, туксиз чигитни пуштага аниқ миқдорда экиш, гербицид ва минерал ўғитларни илмий асосланган нормаларда солиш билан бирга, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методларидан фойдаланиш, чеканка қилиш ва пахта теришни механизациялаш усуллари қўлланиб келинмоқда, натижада пахта ҳосилдорлиги 6 центнер ошди, ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги 30 процент кўтарилди, ҳар бир ходим ҳисобига етиштирилган пахта 12 тоннага етди. Ҳар центнер маҳсулотга бўлган меҳнат сарфи 1983 йилга нисбатан 3 дан 2 ҳисса камайди, 1 гектар экинзордан олинган даромад қарийб 1,5 баравар кўпайди. Пахта сотишдан олинган соф даромад 3,3 миллион сўмдан ошиб кетди.

Бу ердаги юқори малакали мутахассислар ишлаб чиқариш бўлинмаларига бошчилик қилмоқдалар, ишни замонавий илмий асосда олиб бормоқдалар. Натижада ҳозиргидек қийин йилда ҳам совхоз пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарди, гектар бошига 30 центнер ҳосил кўтарди, пахтанинг 80 процентини машинада териб олди.

Афсуски, бизда бундай мисоллар ҳозирча кам. Интенсив технологияларга муносабатда эски консерватив ёндашувларнинг таъсири, кўпгина раҳбар ва мутахассисларда замонавий иқтисодий ва агротехника тафаккурининг йўқлиги, баъзан эса тўғридан-тўғри масъулиятсизлик сезилмоқда. Бундан бир йил муқаддам Марказий Комитет Бюроси ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг раиси ўртоқ Ш. А. Акмалхоновга, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг вазифасини бажарувчи ўртоқ Н. Ф. Беспаловга пахта етиштиришнинг замонавий, илмий асосланган технологиясини ишлаб чиқишни, практик ходимларни методика билан қуроллантиришни топширган эди. Аммо бу топшириқ шу пайтгача бажарилгани йўқ, Давлат агросаноат комитетининг раҳбарлари эса қишлоқ хўжалик фани раҳбарлари олдига ҳақли талаблар қўйиш ўрнига, уларнинг фаолиятсизлигини қалбаки ҳисобот билан яшириб келмоқдалар.

Қорақалпоғистон Автоном республикасида ҳисоботга кўра 9 минг гектар ерда пахта интенсив технологияга мувофиқ етиштирилмоқда, ҳақиқатда эса бу технологиянинг ҳамма элементлари тўла-тўкис бажарилган бир гектар пахтазор ҳам топилмади. Навоий, Андижон ва бошқа областларда ҳам интенсив технология мана шундай «жорий этилаётганлиги» кўриниб турибди. Давлат агросаноат комитетининг ҳисоботларида умуман республикада пахтазорларнинг 13 процентида илғор технология жорий этилган, деб кўрсатилган, ҳақиқатда эса ҳатто туксиз уруғлик чигит бултургига нисбатан 50 минг гектар кам ерга экилган. Шу омилнинг ўзи ҳисобига биз салкам 250 минг тонна пахтадан маҳрум бўлаётганимизни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Хўш, Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари — министр ўртоқ И. Қ. Қурбонов, бундай қалбаки жорий этишнинг кимга кераги бор, деган савол туғилади. Бу — бориб турган қўшиб ёзиш-ку. Илгари пахтани қўшиб ёзишар эди, энди технологияни қўшиб ёзишаяпти.

Республика Давлат агросаноат комитети, унинг жойлардаги органлари, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими бу масаладаги ўз позицияларини тубдан қайта кўриб чиқишлари, чигит экиш кампанияси бошланишидан аввал колхоз ва совхозларни интенсив технологияларни жорий этишга оид зарур тавсиялар билан таъминлашлари керак. Бу масала комплекс ҳал этилиши лозим, айрим тарқоқ элементларни жорий қилиш кўнгилдагидек самарани бермаслиги бир ёқда турсин, балки ғоянинг ўзини обрўсизлантириб қўйиши мумкин. Агар бу ишни кўкламгача қилмасак, у ҳолда яна бир ярим йилгача эскичасига ишлайдиган бўламиз. Биз бунга йўл қўя олмаймиз.

Селекция ва уруғчилик тармоқни интенсивлаш ишида бениҳоя муҳим роль ўйнайди. Мамлакатга, тўқимачиларга номигагина пахта керак эмас, балки муайян кондицияларга етказилган юқори сифатли тола керак. Шуни эътиборга олиш керакки, шу йилдан бошлабоқ пахта толаси етказиб бериш шартномалари бевосита ярмаркаларда тузиладиган бўлади, тўқимачилар эса ўз талабларига мос келадиган толанигина оладилар. Унга тўланадиган ҳақ ҳам толанинг типларига ва сифатига бевосита боғлиқ бўлади.

Қайта қуришнинг энг муҳим элементларидан бири мана шундан иборат бўлади. Бироқ агросаноат комплекси раҳбар органларининг ходимлари, колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорлари буни ҳали ҳам эътиборга олмаяптилар, муайян навларни экиш масалаларида ҳали ҳам ялпи ёндашув устунлик қилмоқда. Республика енгил саноатнинг учинчи ва айникса, тўртинчи типларига мансуб толага бўлган эҳтиёжларини узлуксиз қондирмай келаётганлигига қарамай, шу пайтга қадар пахтазорларнинг тўртдан бир қисмига VI типга мансуб тола берадиган навлар экилмоқда.

Масалан, Қашқадарё областида бу йил АШ-25 нав пахта чигитини экиш беш баравар кенгайтирилди. Область агросаноат комитетининг раҳбари ўрток О. Суяров, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси ўрток А. Г. Қадин бу навни истеъмолчилар олмасликларини наҳотки билмасалар?

Умуман республикада, экиш учун нав танлашга бепарволик ва уқувсизлик билан қараш натижасида декабрь бошларида пахта тозалаш заводларида ўтган йил ҳосилининг 50 минг тоннадан ортиқ толаси касод бўлиб ётиб қолди, уларни жўнатиш учун нарядлар йўқ. Область партия комитетлари билан ижроия комитетлари минглаб кишиларнинг меҳнати беҳуда сарфланаётганлиги, ёқилғи беҳуда исроф қилинаётганлиги, истеъмолчиларга кераксиз эканлиги аввалбошданоқ маълум бўлган маҳсулот етиштирилаётганлиги устида наҳотки ўйлаб кўрмасалар?

Давлат агросаноат комитетининг беғамлиги оқибатида республика далаларида навларнинг бетартиблиги ҳукм сурмоқда. Бу йил хўжаликларнинг 45 проценти ўнлаб навларга мансуб чигитни экдилар. Районлаштирилган ва истиқболли навларни экиш плани йил сайин қўпол равишда бузилмоқда, шунинг оқибатида навлар аралашиб сифат ёмонлашмоқда.

Республика Давлат агросаноат комитети уруғчилик масалаларида совуққонлик ва масъулиятсизлик кўрсатмоқда. Ҳозир бу энг мушкул соҳаларнинг биридир. Пахта ва каноп етиштириш ҳамда қайта ишлаш бошқармасининг бошлиғи ўрток Р. С. Назаровнинг айби билан уруғлик тайёрлаш технологияси мутлақо такомиллаштирилмаяпти. Пахта заводларининг учдан бир қисмида ихтисослаштирилган лабораториялар йўқ. Манғитдаги пахта заводида ва Андижондаги 3-пахта заводида хўжаликларга юборилаётган уруғликнинг 23 проценти шикастланган чигитдан иборат.

Давлат агросаноат комитети (ўрток Т. Набиев) уруғлик чигит ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган цехлар қуриш тўғрисидаги ўз буйруғи бажарилишини таъминламаяпти. Шу беш йилликда қуриш кўзда тутилган 24 та цехдан ҳақиқатда атиги биттаси қурилди. Бу аҳволга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

Элита уруғчилик хўжаликлари ҳам қониқарсиз ишламоқда, уларнинг тўртдан бир қисмигина сара уруғ бермоқда.

Текширилган элита уруғлиги намуналаридан фақат 14 проценти ГОСТ талабларига мувофиқ эди. Элита уруғчилик хўжаликлари уруғлик етиштириш чоғида доим одатдаги агротехникани қўлланади, уруғлик хом ашёни йиғиштириб олиш муддатларини, технологиясини қўпол равишда бузади. Хўжаликларнинг раҳбарлари юқори сифатли уруғлик етиштириш плани барбод этилганлиги учун жавобгар бўлмайдилар, ваҳолонки уруғлик хом ашёси учун катта қўшимча пул тўланади.

Элита уруғчилик хўжаликларининг ёмон ишлаганлиги сабабли шу йилнинг баҳорида майдонларнинг фақат ярмига биринчи класс уруғлик экилди. Сирдарё, Самарқанд областларида, Қорақалпоғистон АССРда бу кўрсаткич атиги 14—28 процентни ташкил этди. Шу сабабли республика ҳосилдорлик жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан хам жуда катта нобудгарчиликлар кўрмоқда. Бундан ташқари 1 гектар экин майдонига ҳар йили 80—85 килограммдан жами эса салкам 180 минг

тонна уруғлик чигит сарфланмоқда, бу эса нормадан бир ярим баравар ортикдир.

Ишнинг бу соҳаси учун республика агросаноат комитетида ҳам, унинг жойлардаги органларида ҳам юзлаб мутахассислар масъулдирлар. Аммо республика Давлат агросаноат комитетининг коллегияси уларга нисбатан чинакам талабчанлик қилмаяпти. Аппарат коммунистлари ҳам шу ғоят муҳим масалаларни эътиборсиз қолдирмоқдалар, партия комитети, унинг секретари ўртоқ. Ю. Акмалов ҳам ўзларини четга олиб туришибди.

Селекциячилардаги, умуман қишлоқ хўжалик фанидаги ишларнинг аҳволи анализ қилиб чиқилмаса бугунги суҳбатимиз тўлиқ бўлмайди.

Яқин вақтларгача бизда салкам 20 та илмий-тадқиқот институти, бўлимлари, лабораториялар ҳамда кафедралар селекция ва уруғчилик проблемалари билан шуғулланиб келарди. Лекин, маълумки, қуйчивон кўп бўлса қўй ҳаром ўлади. Уларнинг ҳаммаси ўз ҳолича, бир-бирига зид иш олиб бордилар ва тегишлича самара бермадилар. Масалан, Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти мана олти йилдан буён пахтакорларга амалда биронта ҳам янги навни таклиф этаётгани йўқ. Ваҳолонки, шу давр ичида институтга сарфланган харажатлар 6 миллион сўмни ташкил этди, амалий самара эса мутлақо йўқ. Ҳолбуки, бу 70-йилларда «Тошкент» навларини яратган коллективдир, ана шу навлар ўша вақтларда юксак натижалар берган эди.

Ишлаб чиқариш билан алоқанинг заифлиги, кашфиёт ва ихтиролар секинлик билан жорий этилиши — илм-фандаги турғунлик ҳолатларининг сабабларидан биридир. Илмий кучларни жипслаштириш ва ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ғўза селекцияси ва генетикаси тармоқлараро илмий-техника марказини тузди.

Республика Давлат агросаноат комитетининг, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг, Фанлар академиясининг вазифаси ғўзанинг касалликлар ва зараркунандаларга чидамли, толаси юқори сифатли бўлган тезпишар, серҳосил навларни яратишни жадаллаштириш учун селекциячиларнинг куч-ғайратлари реал равишда бирлаштирилишини таъминлашдан иборатдир.

Селекция ва уруғчилик проблемаси республикада биринчи йил ўртага қўйилаётгани йўқ. Бундан уч йил муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Министрлар Совети «Ғўза селекцияси ва уруғчилиги соҳасидаги ишнинг аҳволини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилишган эди. Ана шу ҳужжатда республикада уруғчиликни тубдан яхшилаш борасидаги бир қанча конкрет чора-тадбирлар белгилаб берилди. Аммо Министрлар Совети ҳам, Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими ҳам шу қарорни бажариш соҳасида зарур ташкилотчилик ишларини ўтказмадилар, улар ишга юзаки муносабатда бўлдилар. Бундай лоқайд, пассив ёндашув қайта қуришга зиддир.

Ҳосилни ҳимоя қилиши ва ошириши лозим бўлган минерал ўғитлар ҳамда бошқа химиявий воситалардан агротехника жиҳатидан ишнинг кўзини билиб, моҳирлик билан фойдаланиш пахтачиликни интенсивлашнинг ғоят муҳим омилидир. Ҳозир республика хўжаликлари ҳар гектар экин майдони ҳисобига ўртача 283 килограммдан минерал ўғит олишмоқда, бу эса талайгина қўшимча ҳосил олиш учун бемалол кифоя қилади. Бироқ ўғитлар агрохимия карталарини ҳисобга олмай солинаётганлиги, улардан саводсизларча фойдаланилаётганлиги сабабли кейинги уч йил ичида ҳар бир килограмм химикат ҳисобига ҳосил самарадорлиги атиги 2,2 килограммни ташкил этди, бу эса нормативнинг учдан бир қисмидан ҳам камроғига тенгдир.

Экинларни касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Фақат мана шу сабабларга кўра биз ҳар йили 200—250 минг тонна пахтадан маҳрум бўлаётганимизни ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди. Бухоро, Қашқадарё, Жиззах ва Навоий областларида ўғитлардан ва химоя воситаларидан жуда ёмон, хўжасизларча фойдаланилмоқда.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик ва қўшма методларини қўлланиш тўғрисида алоҳида айтиб ўтиш керак. Бу ишга тегишлича эътибор берилаётган жойларда, масалан, Наманган ва Сирдарё областларида далаларга солинаётган заҳарли химикатлар миқдорини кескин озайтиришга, ҳосил нобудгарчилигини

камайтиришга муваффақ бўлинди. Аммо бу тажриба етарлича оммалаштирилмаяпти.

Область агросаноат комитетларининг раҳбарлари, «Узсельхозхимия» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси вазифасини бажарувчи ўрток Н. Я. Бармотин хўжаликлар ҳамда районларда химиялаш пунктлари ва ҳосилдорлик отрядларини ташкил этиш билан амалда шуғулланмаяптилар. Шундай бўлгандан кейин катта химия индустриясининг маҳсулотидан алмисокдан колган усул билан, чамалаб, саводсизларча фойдаланилмокда ва шу боисдан у тегишли самара бермаяпти.

Ғўзани дефолиация қилиш муаммоси ҳамон ўткир бўлиб колмокда. Бу йил биз далаларга ишлов беришда биринчи марта магний хлоратидан кенг фойдаландик. Бирок республика Давлат агросаноат комитети ҳам, агрохимия хизмати ҳам уни тайёрлаш ва қўлланиш методикасини охиригача пишиқтирмади, уни хўжаликларга етказмади, уларга амалий ёрдам бермади. Қолаверса бу соҳадаги олимларимизнинг баъзилари ишга ҳақиқатан ёрдам бериш ўрнига кўпрок ўзларини кўрсатиш билан банд бўлмокдалар.

Дефолиант тўғрисидаги масалани узил-кесил ҳал қилинган, деб ҳисоблаб бўлмайди. Биз Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида ташкил этилган махсус марказ кучларни бир жойга тўплаб тадқиқотлар даражасини оширишига, пахтакорларга самарали ҳамда атроф-муҳит учун зарарсиз дефолиантни етказиб беришига умид боғлаймиз.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш проблемаси уни интенсивлашнинг энг муҳим масаласи, пойдевори деб айтиш мумкин. Бизда техника аҳволи ниҳоятда хароб эканлигини ва самарасиз фойдаланилаётганлигини анализ кўрсатиб турибди. Республикада (1985—1986 йиллардаги ўртача маълумотларга кўра) тракторнинг сменадаги иш унуми 5—5,5 шартли эталон гектарни, пахта териш машинасининг сменадаги иш унуми эса 2,3 гектарни ташкил этади, бу — нормадагидан анча камдир. Қорақалпоғистон АССРда, Жиззах областида эса шартли тракторнинг ўртача иш унуми республикадаги даражадан икки баравар паст.

Техникага хўжасизларча муносабатда бўлиш натижасида унинг талайгина қисми амалда темир-терсакка айланиб колган бўлиб, колхоз ва совхозларнинг балансида туради, холос. Республика хўжаликларида пахта териш машиналарининг учдан бир қисми ва ҳар тўртта тракторнинг бири бекор туради. Улар ремонтига ва қаровига ҳар йили 250 миллион сўмгача ёки янги техника сотиб олиш харажатларининг қарийб 80 проценти сарфланмокда. Бу, масалан, Тошкент трактор заводи каби катта корхонанинг бутун йиллик программасидан кўпдир.

Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари, механизациялаш ва электрлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи ўрток В. С. Коленко, унинг жойлардаги кўпдан-кўп аппарати бундай хўжасизликка тоқат қилиб келмокда. Республика Халқ контроли комитети билан унинг раиси ўрток В. А. Хайдуров ҳам мана шу барча тартибсизликларга кўз юмиб келмокда. Область, район партия комитетлари хўжаликларнинг, агросаноат органларининг раҳбарларига нисбатан чинакам талабчанлик қилмаяптилар.

Хўжаликлар ҳамда ташкилотлардаги барча қишлоқ хўжалик техникаси шошилинч равишда ревизия қилиниб, ҳисобга олиниши, машина ва механизмларни ремонт қилиш ёки ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, ортиқча техника ва эҳтиёт қисмларни сотувчи ярмаркаларни ташкил этиш зарур. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, фойдаланилмаётган ортиқча техника хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида хўжаликларнинг экономикасига оғир юк бўлиб тушади. Шу боисдан техникадан қандай фойдаланилаётганлиги учун талабчанлик жуда қаттиқ бўлиши лозим.

Ҳосил йиғим-теримини механизациялаш ҳамон алоҳида муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб колмокда. Бу вазифани ҳал этишда бизнинг йўлимиз битта, у ҳам бўлса мавжуд техникадан фойдаланишни яхшилаш ва янги,яна ҳам мукаммал техникани тезрок яратиш асосида машина терими даражасини бутун чоралар билан оширишдан иборатдир.

Ишни моҳирлик, омилкорлик билан ташкил этган тақдирда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан йиғиштириб олиш мумкинлигини илғор хўжаликларнинг тажрибаси яққол кўрсатмокда. Масалан, Жиззах

областидаги С. Сегизбоев номли, «Пахтакор», Андижон областидаги «Савай», Наманган областидаги «Гулбоғ» совхозларида, Тошкент областидаги Охунбобоев номли, Сирдарё областидаги «Коммунизм» колхозларида, «Околтин» агросаноат бирлашмасида ҳосилнинг деярли ҳаммаси машиналар билан териб олинмокда, унинг 70—85 проценти биринчи сортларга топширилмокда, хўжаликлар кўл меҳнати улушини камайтириш ҳисобига кўп кўшимча ҳақ олиб, маблағларни тежаб колмокдалар ва пахтанинг сифатини яхшилаганлик учун кўшимча ҳак олмокдалар.

Механизациялашга карши кайфиятларда каттиқ туриб олаётган кимсалар эса тобора кўпроқ оркага караб кетмокдалар. Ангор, Хива, Меҳнатобод, Хатирчи районлари ҳамда бошка бир канча районлар бу йил дефолиация муддатларини чўзиб юбориб, техникани ва механизатор кадрларни тайёрламай мавсумни амалда барбод килдилар.

Вужудга келган фавкулодда аҳвол бу йил бизни яна шаҳарликларга, студентларга, кишлоқ мактаб ўкувчиларига ёрдам сўраб мурожаат этишимизга мажбур килди. Уларнинг меҳнати билан ҳосилнинг каттагина кисми саклаб колинди ва биз ёрдам учун улардан астойдил миннатдормиз. Аммо бу ўзининг тамбаллиги билан аҳволни мушкуллаштирган кимсалардан масъулиятни соқит килмайди.

Область, район партия комитетлари ҳар бир район ва хўжаликда машина терими планларининг барбод бўлиш сабабларини синчиклаб аниклаб олиб, бунга принципиал партиявий баҳо беришлари лозим бўлади.

Бугун Марказий Комитет пахтани асосан хўжаликларнинг ўз кучлари билан йиғиб-териб олишга, шаҳарликларни, студентлар ва мактаб ўкувчиларини сафарбар килишни чеклашга, келгусида эса бунга батамом барҳам беришга каратилган йўлнинг ўзгармаслигини яна бир бор таъкидлайди. Бу проблема катта иктисодий аҳамиятгагина эга бўлиб колмай, шу билан бирга ўткир социал-сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.

Демак, йиғим-теримни механизациялаш, унинг техникавий базасини ва ташкил этишни такомиллаштириш йўлини оғишмай амалга ошириш керак. Янги терим машинасига катта умид боғланмокда. Ҳолбуки, тармоклараро илмий техника маркази (ўрток А. Д. Глушченко) илмий, лойиҳа-конструкторлик базалари ва тажриба-экспериментал базаларининг куч-ғайратларини принципиал янги пахта териш машинасини яратишга сафарбар этишга ҳали муваффак бўлгани йўк. Кишлоқ хўжалик техникасини яратиш билан банд бўлган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими институтларининг, Главмашхлопководство бошкармасининг, конструкторлик ташкилотларининг фаолияти ягона максадли программа доирасида мувофиклаштирилмаяпти.

Фанлар академияси, партия, совет органлари янги техника яратувчиларнинг таклифларига кўра республикадаги ҳар кандай корхона ва ташкилотларни ишга жалб этиб, уларга бутун чоралар билан ёрдам беришлари керак.

Экишдан бошлаб ҳосилни йиғиштириб олиш ва далаларни тозалашгача бўлган барча агротехника жараёнларини камраб олувчи машина ва механизмлар комплексини яратиш борасидаги ишларни жадаллаштириш керак.

Гап факат йиғим-теримни механизациялаш тўғрисида бораётгани йўк. Масала анча кенгрок: саноатимиз раҳбарларининг, жумладан кишлоқ хўжалик машинасозлиги раҳбарларининг ҳам пахтакорлар талаб-эҳтиёжларига муносабати тўғрисидадир. Главмашхлопководство бошлиғи ўрток Ҳ. Ҳ. Ғуломов ўз ишини деҳқонларнинг эҳтиёжларидан ажралган ҳолда олиб бормокда. Унга карашли корхоналар, конструкторлик бюролари эскириб колган трактор намуналарини модернизациялаш устида ишламокда, ваҳоланки ўтган беш йилликдаёк МТЗ типидаги янги тракторларни ишлаб чикаришга киришиш мўлжалланган эди. Энг оддий воситалар, жумладан тупрокни чукур юмшатиш механизмларининг йўклиги сабабли олимларимиз таклиф этганидек чукур юмшатиш усулини ҳамда бошка самарали агротехника усулларини жорий этиш кечиктирилмокда. Масалан, пахтани териш, саклаш ва кайта ишлашнинг барча боскичларида уни контрол килиш учун оддий ва пухта приборга пахтакорлар ҳамда пахта тозаловчилар жуда муҳтождирлар. Бундан уч йил мукаддам Япониядан шундай приборлар харид килинган эди. Аммо шундай техникани яратиш топширилган пахта саноати марказий илмий тадкикот институти,

«Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бу муҳим ишда манфаатдорлик кўрсатмаяптилар, маълум нарсаларни такрорлашни давом эттирмоқдалар, чексиз ва беҳуда баҳс юритмоқдалар.

Марказий Комитетнинг Оғир саноат ва машинасозлик бўлими пахтакорларнинг ғоят зарур эҳтиёжларини қондириш мақсадида конструкторлик бюролари билан корхоналарнинг куч-ғайратларини бирлаштириш учун кўп иш қилаётгани йўқ. Компартия Марказий Комитетининг секретари ўрток А. С. Икромов ҳам тармоқни техника билан таъминлаш масалаларига кўпроқ эътибор бериши керак. Чунки сифатли пахта аввало у назорат қилаётган енгил саноат учун зарур.

КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Сирдарё областидаги «Малик» совхозининг звено бошлиғи ўрток Т. Б. Қирғизбоеванинг Москвадаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқи ёдингизда бўлса керак, унинг «Литературная газета»даги мақоласи билан ҳам танишгандирсизлар. У пахтакорлар меҳнатини анча енгиллаштириши лозим бўлган янги, бирмунча такомиллаштирилган техникани аллақачондан буён кутаётган барча деҳқонларнинг фикри-зикри ва туйғуларини изҳор этди. Бу ишга, қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар, барча илмий коллективлар, корхоналар ва ташкилотлар киришиши лозим.

Яна бир етилган масала ҳақида. Пахта тозалашни ўз ихтиёрига олган Давлат агросаноат комитети тармоқда техника сиёсати масалалари билан шуғулланмаяпти, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун маблағларни кам ажратмоқда, ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилмаяпти. Пахта заводларидаги технология машина-ускуналарининг 30 процентдан кўпроғи маънавий ва жисмонан эскириб қолган. Бу — сифатсиз пахта маҳсулоти ишлаб чиқарилаётганлигининг бош сабабларидан биридир.

Ваҳоланки республикада пахта тозалаш саноати учун барча зарур техникани ишлаб чиқариши лозим бўлган «Узбекхлопкомаш» махсус бирлашмаси бор. Бунинг устига у кечаги техникани эмас, балки жаҳондаги энг яхши стандартларга мос келадиган бугунги ва эртанги кун техникасини ишлаб чиқариши керак.

Аммо «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг раҳбарлари (ўрток Ю. В. Попков) пахта тозалаш машина-ускуналарининг янги турларини — ДП жинлари ва туннель очиш машиналарини ишлаб чиқаришга тайёрлаш юзасидан тегишли чораларни кўрмадилар. Шу машиналарга комплектловчи детал ва узеллар етказиб бериш тўғрисидаги буюртмалар жуда кечикиб берилди, зарур ускуналар ўз вақтида тайёрланмади. Натижада бу йил планлаштирилган 90 та жиндан биттаси ҳам ишлаб чиқарилмади.

Бу муҳим тармоқда техника тараққиётини ошириш устидан партия контроли йўқ. Бинобарин биз бугун Марказий Комитет Оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудирининг ўринбосари ўрток Б. А. Ашрафхоновга, Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари В. Г. Гордиенко ва А. Асқаров ўртокларга, Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Н. И. Емельяновга бунинг учун танбеҳ берамиз.

550 та тайёрлов пунктидан 320 тасида нормал қуритиш-тозалаш цехи йўқ. Пахта заводларининг нам ва қуритилган хом ашё сақланадиган омборлар билан таъминланиш даражаси атиги 6—7 процентни ташкил этади. Бунда заводлар билан тайёрлов пунктларини реконструкциялаш ҳамда техника билан қайта жиҳозлашга шу йил ва 1988 йил учун ўтган беш йилликлар мобайнида ўртача миқдорга қараганда икки баравар кам маблағ ажратилган.

Пахта тозалаш саноатининг ўн минглаб ишчи ва мутахассислари чанглик даражаси юқори бўлган оғир шароитларда, иситилмайдиган биноларда ёки очиқ жойларда меҳнат қилмоқдалар. Уй-жой проблемаси ниҳоятда секинлик билан ҳал этилмоқда, болалар боғчалари ва яслилари, медицина пунктлари, профилакторийлар ва клублар қуриш амалда тўхтаб қолди. Бу мақсадларга пахта заводларининг маблағлари етарлича сарфланмаяпти.

Пахта тозалаш тармоғининг раҳбарлари ва шахсан пахта ва канопни қайта ишлаш бош бошқармасининг бошлиғи ўрток Н. Д. Ўрунов афтидан, партия ҳужжатларида қайта қуришнинг бош омиллари деб белгиланган фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда инсон омилини активлаштириш концепцияси билан яхши таниш бўлмасалар керак. Бу эса партиявий, сиёсий

масаладир. Демак, биз — Марказий Комитет, область, шаҳар, район партия комитетлари ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун яна ҳам қаттиқроқ талабчан бўлишимиз лозим.

Ўртоқлар! Агросаноат комплексини янада ривожлантириш мелиорация ва ирригацияга ҳал қилувчи даражада боғлиқ. Республикада кейинги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида бирмунча ишлар амалга оширилди. КПСС Марказий Комитети сув хўжалигида капитал маблағлар структурасини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифларимизни қўллаб-қувватлади. Биз янги ерларни зўр бериб ўзлаштиришдан воз кечдик, ҳозирги вақтда давлат маблағларининг 70 процентдан кўпроғи ремонт-тиклаш ишларига, суғориладиган экинзорларни реконструкциялаш ва сифат жиҳатидан яхшилашга сарфланмоқда.

Бу йил салкам 117 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, бу эса аввалги йилга қараганда бирмунча кўпроқдир, ёпиқ горизонтал дренаж қурилиши суръатлари 2,5 баравар ошди, ерларни яхшилаб текислаш ҳажмлари, сувнинг шимилиб кетишига қарши чора-тадбирлар анча кўпайди. Бу ишларга жиддий ва комплекс ёндашган бир қанча хўжаликларда 2 йил ичида гектар бошига 5—8 центнер қўшимча ҳосил олинди.

Бироқ ишларнинг аҳволига самарадорлик позициясидан туриб баҳо бериладиган бўлса, мелиорация соҳасидаги реконструкциялаш ишлари ҳамон секинлик билан ва паст сифатда олиб борилаётганлигини эътироф этиш керак. Эскидан ҳайдалиб келинган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишларни ташкил этиш Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги зиммасига юкланган. Аммо министрликда бу муҳим масалага етарлича аҳамият берилмаяпти. Ишдаги эскича схемалар ва ёндашувлар устун бўлиб қолмоқда. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Узгипроводхоз» ҳамда бошқа институтлар, область сув хўжалиги бошқармаларининг лойиҳа-қидирув конторалари лойиҳаларга эскирган конструктив ечимларни кўпинча суғориш янги техникасини жорий этишга доир тавсияларсиз асос қилиб олмоқдалар. Сифатсиз қурилишнинг кўпдан-кўп фактларига йўл қўйилмоқда, сув хўжалиги ташкилотларининг коллективлари мелиорация қилинган ҳар бир гектар ердан юқори самара олишга сафарбар қилинмаган. Биз министр ўртоқ Қ. Сапаевдан министрлик ишини қайта қуришни, сарфланган маблағлардан амалда самара олишни биринчи ўринга қўйишни талаб қиламиз.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экин майдонларининг унумдорлигини ошириш масалаларида Давлат агросаноат комитети билан сув хўжалиги ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш керак. Область агросаноат комитетлари, район агросаноат бирлашмалари бу масалаларни чуқур ўрганиб чиқмаяптилар, унумсиз ерларни аниқлашда ва иш майдони билан таъминлашда сув хўжалиги бўлинмаларига кам амалий ёрдам бермоқдалар, ижронинг сифати устидан контроллик қилмаяптилар. Мелиорация масалалари биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, область, район партия комитетлари сув хўжалиги ишларининг бутун комплекси бажарилиши устидан жуда қаттиқ контрол ўрнатишлари зарур.

Тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва оширишда ерлар эрозиясининг олдини олиш соҳасидаги ишлар муҳим ўринни эгаллаши керак. Республикада 1,5 миллион гектарга яқин пахтазор турли хил эрозияга, шу жумладан, 500 минг гектар майдон кучли эрозияга учрайди. Давлат агросаноат комитети, Главсредазирсовхозстрой эрозияга қарши тадбирлар системасини жорий этиш, жумладан, иҳота дарахтзорлари барпо этиш билан ғоят жиддий равишда шуғулланишлари керак.

Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўлларидаги, Қорақалпоғистон автоном республикасидаги қўриқ совхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ўстиришнинг катта резервларига эга. Бу ерларда 300 минг гектардан кўпроқ майдон узоқ вақтдан буён лойиҳадаги ҳосилдорликка етказилмаяпти. Қўриқда уй-жой ва бошқа социал-маиший объектлар қурилишига ўтмишдаги қолдиқ ёндашув шу пайтгача бу ерда ташкил этилган хўжаликларни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда, ишчи кучи ниҳоятда етишмаяпти, вужудга келтирилган

ишлаб чиқариш потенциалидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Кейинги икки йил ичида 26 та қўриқ совхоз барпо этиб бўлинди, бу эса мутлақо етарли эмас.

Главсредазирсовхозстрой бошлиғи ўртоқ Э. Т. Турсунов Бош бошқарманинг ишини шундай йўлга қўйиши керакки, беш йилликнинг охиригача қўриқ совхозларда социал-маиший объектлар ва ишлаб чиқариш объектлари қуриб битказилиши, илгари сарфланган катта маблағлар энди самара бериши лозим.

Фарғона, Наманган ва Андижон область партия комитетлари ортиқча меҳнат ресурсларини ўзлаштирилган районларга кўчириш соҳасида амалга оширилаётган ишга сиёсий тус беришлари, қўриқ хўжаликларга коммунистлар, комсомолларни, ишлаб чиқариш илғорларини юборишлари керак. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё областларининг партия, совет, хўжалик органлари пудрат бригадалари ва оилавий звеноларга ерларни узоқ муддат билан ижарага дадилроқ бериб қўйишлари лозим.

Сув ресурсларини тежаш, суғоришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш — муҳим масаладир. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг эксплуатация ташкилотлари ишларни секинлик билан қайта қурмоқдалар. Масалан, сув ресурсларини ҳисобга олишда, уларни контрол қилиш ва тақсимлашда аҳвол унча ўзгараётгани йўқ. Сувдан фойдаланиш коэффициенти пастлигича қолмоқда, суғориш системаларининг фойдали иш коэффициенти ошмаяпти. Ҳозир республикада ҳар гектар суғориладиган экинзорга ўрта ҳисобда йилига нормадаги 10—11 минг куб метр ўрнига 14 минг куб метргача сув сарфланмоқда. Биз далаларда сувни айниқса кўп исроф қиляпмиз, суғориш методлари такомиллаштирилмаяпти. Ҳолбуки, Давлат агросаноат комитетининг, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг, Главсредазирсовхозстройнинг консерватизми, уларнинг лоқайдлиги ҳамда янги суғориш техникасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан шуғулланишни истамаслиги сабабли эгилувчан шлангли новлардан, ёмғирлатиш машиналаридан фойдаланиб, замонавий суғориш техникаси унча катта бўлмаган участкалардагина қўлланилмоқда.

Сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, суғоришни такомиллаштириш ҳамда механизациялаш учун республикада «САНИИРИ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган, барча областларда тажриба хўжаликлари ажратилган. Бир қанча заводларда янги мелиорация ва суғориш техникаси тайёрлана бошлади. Бирлашма директори ўртоқ В. А. Духовний ишни шундай йўлга қўйиши керакки, мана шу ғоят муҳим ишда турғунликни бартараф этиш, кутиб турмай, балки ҳужумга ўтиш зарур. Биз шу беш йилликнинг охиригача 370 минг гектар майдонда пуштани суғориш илғор методларини жорий этишимиз, шунингдек, ёмғирлатиш, томчилатиб суғориш, тупроқ остидан суғориш ҳамда суғоришнинг бошқа такомиллаштирилган усулларини кенгроқ ёйишимиз керак. Янги суғориш техникасининг жорий этилиши учун масъулиятни биз бугун Марказий Комитет аъзолари, Қишлоқ хўжалиги ва Озиқ-овқат саноати ҳамда Сув хўжалиги бўлимларининг мудирлари В. И. Плетнёв, В. И. Сускин ўртоқларнинг зиммасига юклаймиз.

Келгусидаги вазифалар билан бир қаторда бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган ишлари билан шуғулланиш — шудгорлашни тезроқ тугаллаш, шўр ювиш ишларини авж олдириб юбориш, новларни ҳамда ёпиқ дренаж системаларини ремонт қилиш, ирригация ва коллектор-дренаж шохобчаларини тозалаш, насос станцияларини суғориш мавсумигача тахт қилиб қўйиш зарур. Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги меҳнатчиларини белгиланган барча кузги-қишки тадбирларни бажаришга отлантириш зарур — бугунги вазифа мана шундан иборат.

Ҳозир 38 та районда район сув хўжалиги бошқармалари негизида ремонт-эксплуатация ишлаб чиқариш бирлашмалари тузилган, уларнинг ишлари ижобий баҳоланмоқда, аммо бунда ҳам сусткашлик кўзга ташланмоқда. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги шундай бирлашмаларни республиканинг барча районларида тезроқ ташкил этиши ва уларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиши керак.

Ўртоқлар! Биз пахтачиликни илмий асосланган, интенсив негизга ўтказиш вазифаларини ҳал эта бориб, муаммоларнинг бутун комплексига баб-баравар

даражада эътибор беришимиз керак. Бу ишнинг асосий йўналишларини яна бир бор таъкидлаб ўтиш керак:

— алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш;

— интенсив технологияларни актив жорий этиш;

— селекция ва уруғчиликни такомиллаштириш;

— механизациялаш даражасини ошириш;

— ўғитлардан ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни яхшилаш;

— ирригацияни билимдонлик билан ривожлантириш ва ерларни мелиоратив жиҳатдан реконструкциялаш.

Партия, совет органлари мана шу барча йўналишлар бўйича аниқ мақсадга қаратилган комплекс равишдаги изчил ишни ташкил этишлари керак. Мана шундай ёндашилган тақдирдагина биз пахтачилигимизни сифат жиҳатидан янги марраларга чиқара оламиз.

Ушбу проблемани актив ва сабот билан ҳал эта бориш, консерватизм ва қолоқликнинг, хотиржамлик ва лоқайдликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш керак. Бу — бизнинг энг биринчи партиявий, интернационал бурчимиздир.

Ниҳоят, биз пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлаб чиқиб тасдиқлаган кенг, комплекс тадбирларга эгамиз. Эндиликда Министрлар Совети ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга ижрочиларнинг ҳаммасини сафарбар этиши белгиланган режаларнинг ҳаммаси тўла-тўкис ва ўз вақтида рўёбга чиқарилишини таъминлаши зарур.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳам маҳаллий Советларнинг кенг ҳуқуқлари ва ваколатларидан фойдалана бориб, халқ депутатларининг куч-ғайратини мазкур программани бажаришга қандай сафарбар қилиш кераклиги тўғрисида ўйлаб кўриши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларини бажариш борасидаги ишларни муттасил йўналтириб ва қатъий контрол қилиб боради. Марказий Комитет секретари ўртоқ В. А. Антонов республикада сифатли пахта етиштиришни ташкил этишдаги жиддий камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш соҳасидаги ишга зўр ғайрат билан бошчилик қилиши керак. Агросаноат ишлаб чиқаришининг барча бўғинларида кадрларга доир масалалар билан мунтазам шуғулланиш, хўжалик юритишнинг янги шароитида ишни билимдонлик билан олиб бораётган кишиларни пайқаш ва қўллаб-қувватлаш зарур. Жорий ишлар билан ўралашиб қолмаслик, истиқболни кўра билиш, республика органларининг куч-ғайратларини энг муҳим проблемаларга қаратиш керак. Пахтачиликни интенсивлаш масалаларини ҳал эта туриб, агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини ва аввало, чорвачиликни ривожлантириш назардан четда қолмаслиги лозим. Қишлоқда социал соҳани ўзгартиришга кўпроқ эътибор бериш зарур.

Ўртоқлар! Чигит экиладиган майдонлар камайтирилиши билан озиқ-овқат тармоқларини, аввало, мева-сабзавотчилик ҳамда чорвачиликни ривожлантириш учун янги кенг имкониятлар очилмоқда. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш белгиланган нарсалардан тўла-тўкис, самарали фойдаланилишига боғлиқдир.

Озиқ-овқат тармоқларидаги ишларнинг аҳволига баҳо бера туриб, бу тармоқларни чўзилиб кетган қолоқликдан олиб чиқиш секинлик билан давом этаётганлигини айтиб ўтиш керак. Мева-сабзавот маҳсулотларининг ялпи ҳосили ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик ҳажмга нисбатан 4,5 процент кўпайди. Аммо жамоат секторида худди шу вақт ичида етиштирилган маҳсулот ҳажми камайди, сабзавот, мева ва узумнинг ҳосилдорлиги пасайди. Вазифа уларнинг ҳосилдорлигини оширишдан, ҳар гектар ердан мумкин қадар кўпроқ самара билан фойдаланишдан иборатдир. Бу соҳадаги резервлар жуда катта.

Якка ва жамоат секторларида суғориладиган ерлардан қандай фойдаланилаётганини бир таққослаб кўрайлик. Томорқа участкаларида 60 минг гектар ерга картошка ва сабзавот-полиз экинлари экилган, бу эса жамоат секторида худди шундай экинлар учун ажратилган майдонларнинг ярмидан камроғига тенг бўлишига қарамай, республика колхоз ва совхозлари қанча маҳсулот етиштираётган бўлса, қарийб шунча маҳсулот етиштирмоқда. Томорқа

участкаларидаги ҳосилдорлик хўжаликлардагига караганда деярли икки баравар юкори. Демак, мана шу тармокларда бригада ва коллектив пудратларини кенгрок жорий этиш керак.

Чорвачиликда ҳам янги истикболлар очилмокда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шу тармокни юксалтириш чораларини кўрмокда. Кейинги уч йил ичида баъзи ижобий силжишларга эришилди, фермалар маҳсулдорлиги ошди, чорвачилик комплекслари ҳамда паррандачилик фабрикаларининг ишига кўпрок эътибор бериладиган бўлиб колди.

Бирок бу соҳадаги кескин юксалишни алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш йўли билан ем-хашак етиштиришни ғоятда кўпайтириш асосидагина таъминлаш мумкин. Хўжаликни интенсив юритиш тўғрисида гап бораётган бугунги кунда биз озука экинлар майдонининг самарадорлиги учун ғоят катъий равишда талабчанлик килишимиз керак. Давлат агросаноат комитети, унинг жойлардаги органлари, ниҳоят, айрим хўжаликларда суғориладиган экинзорларнинг ҳар гектари нима учун 8—10 тоннадан озука бирлиги бераяпти-ю, бошкаларида эса икки баравар кам озука бирлиги бераётганини пухта билиб олишлари шарт. Республикамизда маккажўхоридан, хашаки илдиз меваларидан, оралик экинларидан йўл кўйиб бўлмайдиган даражада паст ҳосил олинмокда. Бу — ерларни исроф килишдан бошка нарса эмас.

Ҳозир бу масалаларга батафсил тўхталишга зарурат йўк, чунки улар июнь ойида партия-хўжалик активлари йиғилишида кўриб чикилган. Аммо шуни таъкидлаб ўтмокчиманки, биз юксак, тиғиз марраларни белгилаб олдик ва бу марраларга эришиш учун ҳаммамиз жавобгармиз. Уларнинг асосийларини эслатиб ўтаман. Беш йилликда дон етиштиришни икки баравардан кўпрок, гўшт етиштиришни — 50 процент, тухум ва сут етиштиришни 35—38 процент кўпайтириш лозим бўлади. Картошка, сабзавот-полиз экинлари маҳсулотлари етиштиришни 25—30 процент кўпайтириш зарур. Бу ракамларни энг кам микдор, деб карамок керак.

Ўртоклар! Меҳнатчининг, хўжаликнинг, бутун жамиятимизнинг манфаатларини уйғун равишда кўшиб олиб борадиган янги иктисодий механизмни реал ўзлаштирмай туриб, пахтачиликни ва бутун агросаноат комплексини тубдан интенсивлаш мумкин эмас.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми карорларида умуман экономикани бошкаришни, шу жумладан, агросаноат комплексини бошкаришни кайта куришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Уларни амалга оширишнинг дастлабки амалий кадамлари белгиланган йўлнинг тўғрилигини тасдикламокда. Бригада, оила пудратига, хўжалик ҳисобига дадиллик билан ўтган хўжаликларнинг иш натижалари шундан далолат бермокда. Нишон районидаги Усмон Юсупов номли совхозда С. Холбоев бригадаси уч йилдан буён оила пудрати усулида ишламокда. Нормативлардан моҳирлик билан фойдаланиш, харажатларни ҳисобга олишнинг чек системаси, ҳар бир меҳнатчининг шахсий моддий манфаатдорлиги ва масъулияти бу коллективга катта муваффакиятларга эришиш имконини берди. Бригадада пахта ҳосилдорлиги гектарига 45 центнерга етказилди, меҳнат унумдорлиги совхоздаги меҳнат унумдорлигидан 8 баравар ошиб кетди. Ишчиларнинг иш ҳаки ҳам шунга мувофик кўпайди.

Сўнгги вактда биз Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз тажрибасига кўп марта мурожаат этдик, бу совхоз хўжалик хисоби, бригада пудрати туфайли икки йил ичида зарар келтирувчи хўжаликдан юксак рентабелли хўжаликка айланди. Ана шундай ўнлаб мисолларни келтириш мумкин.

Бирок умуман хўжалик юритиш практикаси партия, совет, хўжалик кадрларимиз янгича иктисодий тафаккурни ва бошкаришнинг замонавий методларини эгаллай олмаганликларини, харажатли механизмни бартараф эта олмаганлигини, оким бўйлаб ҳаракат килаётганликларини кўрсатмокда. Бу бригада пудратига муносабатда яккол намоён бўлмокда.

Мисол учун Самарканд областини олиб кўрайлик. Область агросаноат комитетининг маълумотларига караганда, бу йил деҳкончилик бригадаларининг 75 проценти коллектив пудратига ўтказилган. Процентлар ва ҳисоботларга караганда ажойиб манзара кўзга ташланмокда, бирок ўрганиш чоғида областнинг кўпгина хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш ва ҳак тўлашнинг илғор

формалари расмиятчилик билан жорий этилаётганлиги, хўжалик маъмурияти билан пудратчи коллективлар ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар шартномаси бажарилмаётганлиги маълум бўлди. Бошқаришнинг цех системасига ўтиш секинлик билан бормоқда, харажатларни ҳисобга олишнинг чек системаси журъатсизлик билан жорий этилмоқда.

Бундай расмиятчилик натижасида область агросаноат комитетининг иқтисодий фаолияти барбод бўлмоқда. Дастлабки ҳисоб-китоблар бу йил норентабелли хўжаликлар сони пландагига нисбатан икки баравар кўпайишини, ишлаб чиқариш фаолияти келтирган зарар планда белгиланган даражадан 35,4 миллион сўм ортиб кетишини кўрсатмоқда.

Бундай аҳвол республиканинг бошқа регионларига ҳам хос. Аввалги вақтдаги планни ҳар қандай йўл билан бажаришни таъминлаш лозим бўлган ялпи ёндашиш устунлиги натижасида агросаноат комплексининг экономикасида жуда кўп мураккаб муаммолар тўпланиб қолди, бу муаммолар ҳозирча ҳал қилиниши у ёқда турсин, янада ўткир тус олмоқда. Маҳсулот таннархи ошиб кетмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина маҳсулот таннархи совхозларда 28 процент, колхозларда 17 процент ошди.

Дастлабки ҳисобларга қараганда, 914 совхоздан 248 таси йилни жами 185 миллион сўм зарар билан туґаллайди. Республикадаги совхозларнинг вақтида тўланмаган қарзлари 283 миллион сўмни ташкил этди. Республика колхозларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Мана шундай ташвишли вазиятда Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари, министр ўртоқ В. И. Антонов бошчилигидаги комитет иқтисодий хизмати экономикани соғломлаштиришнинг пухта режаларига эга бўлмаганлиги алоҳида ташвиш уйғотмоқда.

Шундай таассурот пайдо бўлмоқдаки, улар ҳаётдан мутлақо ажралиб қолганлар, экономикани тубдан қайта қуришга йўл очиш у ёқда турсин, ҳатто бунга тўсқинлик қилиб, хўжаликларнинг оператив фаолиятига кабинетда туриб аралашишга уринмоқдалар.

Келгуси йилдан республикадаги 200 та колхоз ва совхоз ҳамда Сурхондарё областининг бутун агросаноати тўла хўжалик ҳисобига ўтказилади, 1989 йилдан эса ҳамма хўжаликлар ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблаґ билан таъминлашга ўтади.

Давлат агросаноат комитети, унинг жойлардаги органлари ҳар бир хўжаликка етиб боришлари, ишларнинг аҳволини пухта ўрганиб чиқиб, конкрет шароитларни ҳисобга олганлари ҳолда уларни иқтисодий жиҳатдан соғломлаштиришнинг аниқ чора-тадбирларини белгилашлари керак. Чамаси иқтисодий жиҳатдан ночор хўжаликларнинг бир қисмини илғорлар қаторига чиқариб олиш учун уларни бақувват хўжаликларга бирлаштириб юбориш, айримларини эса ёрдамчи хўжалик сифатида саноат корхоналарига топшириш лозим. Такрор айтаманки, ҳар бир колхоз ва совхозни бирма-бир пухта ўрганиб чиқиш керак. Янги иқтисодий шароитда зарар келтирувчи хўжаликнинг ўзи бўлиши керак эмас.

Пахтачиликни интенсивлаш, уни замонавий агротехника ва иқтисодий негизларга кўчириш кадрларга нисбатан янада юксакроқ талаблар қўймоқда. Қишлоқда мутахассисларнинг кўп минг кишилик армияси яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Уларнинг орасида чинакам ташкилотчилар, ўз ишининг ҳақиқий усталари, билими, ишга ҳалол муносабати билан меҳнаткашлар ўртасида обрўэътибор қозонган кишилар кўп.

Шу билан бирга олий ва ўрта махсус маълумотли кишилар бўлишини талаб қиладиган 100 минг лавозимдан 39 мингтасини амалиётчилар эгаллаб турибди, бунинг устига асосан ишлаб чиқариш соҳасида шундай бўлмоқда. Айни пайтда республика Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органлари штатлари ҳаддан ташқари кенгайтириб юборилган. Барча бошқарув органлари структураси қайта кўриб чиқилиб, уларнинг аппарати бирмунча қисқартирилаётган ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларини ишни биладиган, билимдон кишилар билан мустаҳкамлаш учун яхши имконият бор.

Республикадаги қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ва техникумларида ёш мутахассисларга таълим ва тарбия бериш жиддий равишда яхшилашга муҳтождир. Улар ҳар йили 13 минг нафар дипломли ходимни тайёрлаб берадилар.

Бироқ практика шундан далолат бермоқдаки, уларнинг малакаси даражаси кўпинча ҳозирги талабларга тўла жавоб бермайди. Битирувчиларнинг кўпчилиги фан ва илғор практиканинг сўнгги ютуқлари билан яхши таниш эмаслар, замонавий методларни ва аппаратларни билмайдилар, экономикани яхши тушунмайдилар.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва шахсан министр ўрток М. Салоҳиддинов олий мактаб ислоҳотига мувофиқ институтларимиз ва техникумларимиз ишини қатъий равишда қайта қуриб, мутахассислар тайёрлашни яхшилаши керак. Оммавий касбдаги ишчилар-механизаторлар, сувчилар, чорвадорлар тайёрлашни ҳам янги даражага кўтариш лозим. Улар шу кунги техниканигина эмас, эртанги кун техникасини ҳам мукаммал эгаллашлари зарур. Бу соҳада Ҳунар-техника таълими давлат комитети ва шахсан ўрток Р. Ҳ. Жўраев учун жуда катта иш уфқлари мавжуд.

Ҳозирги пайтда энг муҳими оддий колхозчи ва ишчидан тортиб, область агросаноат комитетлари раҳбарлари ва республика органларининг раҳбарларига қадар — ҳамма ходимларга агротехниканинг илғор усулларини ҳамда хўжалик юритишнинг замонавий методларини ўргатишдан иборат.

Умумий иқтисодий таълимни ўтказиш Марказий Комитетнинг иқтисодий ва тармоқ бўлимлари зиммасига юклатилган. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, таълим маърифий тусда бўлмасин. Ходимларнинг ҳар бир категорияси учун махсус ишлаб чиқилган программа асосида умумий таълим бериш кадрларимизни кундалик практикада асосий иқтисодий категориялардан иш қуроли сифатида фойдалана олишга ўргатиши керак. Бусиз замонавий раҳбар бўлиши мумкин эмас.

Аммо область, район партия комитетлари асосан меҳнат аҳли, ишчилар ва колхозчилар, мутахассислар, ўз меҳнатсеварлиги, ғайрати, ҳалол, ҳормай-толмай қилаётган иши билан барча бойликларни ва қадриятларни яратаётган кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак. Инсон омилини активлаштириш, барча меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш, кишиларда ишга соҳибларча, масъулият ва манфаатдорлик билан ёндашувни тарбиялаш — олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг кафолати ана шундадир. Сўнгги вақтда биз камчиликлар ҳақида кўп гапирган бўлсак, бу ҳақда бугун ҳам гапиряпмиз, бу пахтакорларимиз, механизаторларимиз, чорвадорларимиз қаҳрамонона меҳнатини сира камситмайди. Ҳозир биз нималарга эга бўлсак, шуларнинг ҳаммасини улар қадоқ қўллари билан, буюк меҳнатсеварлиги, фидокорлиги, тажрибаси ва билимлари билан яратганлар.

Биз уларга самимий миннатдорчилик билдирамиз ва айни пайтда улар олдида жуда қарздор эканлигимизни тушунамиз. Олдинги вақтда одамларнинг эҳтиёжларига ва ташвишларига лоқайдлик билан қараш қишлоқда социал соҳанинг орқада қолиб кетишига олиб келди. Аҳволни тубдан ўзгартириш лозим.

Кеча Олий Совет сессиясида биз 2000 йилгача мўлжалланган республика уй-жой программасини тасдиқладик. Программада қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришга катта ўрин берилган, шу давр ичида биз қишлоқда, яна такрорлаб айтаман, биз ўзимиз юз миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қуришимиз керак, бу эса олдинги ўн беш йил ичида қурилганидан икки ярим баравар кўпдир.

Социал маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган объектлар қурилишида ҳам шу қадар катта ҳажмдаги ишларни бажариш лозим бўлади. Юзлаб қишлоқ мактаблари, касалхоналар, болалар боғчалари, магазинлар, клублар қурилади.

Шу билан бир вақтда қишлоқ аҳолисига маданий, савдо, маиший, медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш учун қўшимча имкониятларни қидириб топиш зарур. Маданият министрлиги қишлоқда кўп клублар ва кутубхоналар эски, кўпинча қулай деб турган биноларда жойлашганлиги ва ишламаётганлиги билан муроса қилмаслиги лозим. Ниҳоят, Ўзбекбирлашув ҳам қишлоқ мактаблари ўқувчиларини иссиқ овқат билан таъминлаш масаласини ҳал этиши, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги қишлоқдаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг, айниқса, кўп болали оналарнинг ташвишлари бир қисмини ўз зиммасига олиши, Соғлиқни сақлаш министрлиги энг аввало болалар сиҳат-саломатлиги тўғрисида, ишлаб чиқаришда ва турмушда санитария нормаларига риоя этилиши ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиши лозим.

Партия комитетлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, Давлат агросаноат комитетининг марказдаги ва жойлардаги органлари социал программанинг амалга оширилишини энг муҳим партия, давлат иши сифатида алоҳида контрол остига олишлари лозим. Пахта ва гўшт етиштириш планларининг бажарилиши қандай талаб қилинса, социал программанинг бажарилиши ҳам шундай талаб қилиниши ва ҳатто янада қаттиқроқ талаб қилиниши керак.

Пахтачиликни юксалтириш, бутун агросаноат комплексини интенсивлаш ва республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ишига идеология активлари, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъат арбоблари ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишлари зарур. Биз учун илғор тажрибани пропаганда қилиш ҳам, моҳирлик, ҳалоллик билан қилинган юксак унумли меҳнатни маънавий улуғлаш ҳам, хўжасизлик, қолоқлик ва турғунликка берилган кишиларни кескин фош қилиш ҳам баб-баравар зарур. Аммо ижобий жиҳатларни кўрсатиб бериш ҳам, камчиликларни танқид қилиш ҳам билимдонлик билан чуқур, холисона бўлиши керак. Бунда янги хўжалик механизми, меҳнатни ташкил этишнинг илғор методлари, интенсив технологиялар ва илғор агротехника қандай жорий этилаётганлигини ишчанлик билан бирма-бир таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Агитаторларимиз ва пропагандистларимиз ҳамиша қишлоқ меҳнатчилари орасида бўлишга мажбурдирлар. Улар партия ўтказаётган қайта қуришнинг мазмуни ва моҳиятини ҳар бир пахтакор, механизатор, чорвадор онгига етказишлари, мана шу революцион ўзгартиришда ҳар ким ўз жойини топиб олишига ёрдам беришлари керак. Марказий Комитетнинг идеология бўлимлари идеология активларининг, газеталар, журналлар, телевидение ва радионинг фаолиятини қишлоқда қайта қуришни чуқур ва ҳар томонлама ёритишга сафарбар этишлари лозим.

Қишлоқ ходимлари қаҳрамонона меҳнатини ғоявий, маънавий жиҳатдан улуғлашда ижодкор зиёлиларимиз алоҳида муҳим ўрин тутадилар. Пахтакорлар ҳақида ёрқин, таъсирли фильмлар, роман, қисса, поэма, спектакллар, опералар, қўшиқлар, картиналар йўқ экан — бу республика маънавий ҳаётидаги камчилик эмасми, ахир. Асосий бойлигимизни яратаётган заҳматкаш деҳқон образи ёзувчиларимизни, композиторларимизни, актёрларимизни, рассомларимизни руҳлантирмайдими? Маданият министри ўрток Ў. Умарбековга, ижодий союзлар раҳбарларига ҳозир шу саволни беришга ҳақлимиз.

Амалий ишларда ҳам, пахтачиликни юксалтириш учун масъулиятли, ижодий, ташаббускорлик муҳитини вужудга келтиришда ҳам комсомол, касаба союзлари, кенг жамоатчилик муҳим роль ўйнайди. Жамиятимизда катта вазифалар ўртага қўйилган вақтда ёшлар ҳамиша биринчи сафда бўлганлар, энг муҳим ўринни эгаллаб келганлар. Ҳозир ҳам биз республика комсомолларини ўзлари учун асосий йўналишни белгилаб олишга, ишга кампаниячилик билан эмас, чинакамига киришишга даъват этамиз.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида Узсовпроф бошчилигидаги касаба союз комитетлари ва ташкилотлари социалистик мусобақани ҳар томонлама таҳлил этиб, унинг форма ва методларини қайта қуришлари, зарбдор меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг, илғор тажрибани оммалаштиришнинг янада таъсирчан воситаларини топиб фойдаланишлари лозим.

Барча жорий вазифаларни ва истиқбол вазифаларини ҳал этишда партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Деярли 400 минг нафар коммунист — республика коммунистларининг салкам учдан икки қисми қишлоқда яшайди ва меҳнат қилади.

Бизда ташаббускорлик билан ҳаракат қилиб, агросаноат комплексини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни моҳирона ҳал этаётган, ишнинг янги форма ва методларини ижодий ўзлаштираётган партия ташкилотлари жуда кўп. Партиявий-сиёсий ва хўжалик фаолиятларини қайта қуришга ишчанлик билан пухта ёндошиш натижаларини Хонқа район партия комитети (биринчи секретари ўрток Б. Жуманиёзов) мисолида кўриш мумкин.

Районидаги 145 та пахтачилик бригадасининг ҳаммаси ўтган йилиёқ коллектив пудратига ўтказилди. Ер ҳамда ишлаб чиқариш воситаларидан

фойдаланиш ҳақида 5 йилга шартнома тузилди. Бригада раҳбарлари кенг демократия негизида овоз бериш йўли билан сайлаб қўйилди. Район партия комитети, хўжаликларнинг партия комитетлари коммунистларнинг жой-жойига қўйилишини батафсил ўрганиб чиқдилар, бригадаларда цех партия ташкилотлари ёки партия группалари туздилар, айрим ҳолларда партия ташкилотчилари тасдиқланди. Бригадалар таркибида эса 4750 та оилавий пудрат звенолари тузилди. Уларнинг ҳар бири учун харажат турлари ҳисоблаб чиқилди, пировард натижа учун звено ва маъмуриятнинг моддий манфаатдорлиги ва моддий жавобгарлиги сўм билан аниқ белгилаб қўйилди.

Шуниси характерлики, бу ерда ишнинг маъмурий методига эҳтиёж қолмади, энди қистовга солишга, далага чиқ, деб кўндиришга ҳожат йўқ. Ҳатто бу йилги ғоят мураккаб йиғим-терим мавсумида ҳам кўп звенолар четдан бериладиган ёрдамдан воз кечдилар, ҳосилни ўз кучлари билан йиғиштириб олдилар.

Район беш йилликнинг икки йили топшириқларини маҳсулотларнинг барча асосий турлари юзасидан ошириб бажарди, планга қўшимча равишда давлатга 4 минг тонна пахта, бир ярим минг тоннадан кўпроқ дон, салкам 260 тонна мева ва сабзавот, 700 тонна сут сотилди.

Ишлаб чиқариш вазифалари билан бир қаторда асосан маҳаллий ресурслар ҳисобига социал масалалар ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда. Хўжаликлар ва бошқа ташкилотлар маблағларини кооперациялаш йўли билан 6 та ғишт заводи, учта оҳак цехи қурилди. Шу йилнинг ўзидагина 9 минг квадрат метр уй-жой, 940 ўринли 2 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, колхозлараро пионер лагери, универмаг ва бошқа бир қанча социал-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Партия ташкилотининг раҳбарлигида қайта қуриш авж олиб сезиларли натижа бераётганлигини одамлар амалда кўриб турибдилар.

Шу муносабат билан сўрагимиз келади, ўртоқ биринчи секретарлар, шу райком тажрибасини бориб ўрганишда, сизларнинг шароитингизда мақбул бўлган жиҳатларни олиб ундан фойдаланишингизда сизларга нима халақит бермоқда? Бундай қилинмаётган экан, бу соҳада лоқайдлик, бепарволик, ўз ишидан мамнунлик намоён бўлмаяптимикан, уларнинг зарари ҳақида биз жуда кўп гапирдик.

Кўпгина район партия комитетлари ҳамма масалаларни ҳал қилишни ҳолдан тойгунча ўз зиммасига олмоқда, ўралашиб қолмоқда, маъмуриятчилик қилмоқда, иш эса жойидан қўзғалмаяпти. Колхозлар ва совхозларнинг кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ҳали амалда қайта қуришнинг жанговар авангарди, уларнинг бюролари ва секретарлари эса ана шу революцион жараённинг чинакам етакчилари бўлганларича йўқ. М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда айни мана шу камчиликлар ҳақида гапирди.

Ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий характердаги яна бир масала ҳақида. Гап кўшиб ёзишларга муросасизлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг такрорланишини узил-кесил тугатиш тўғрисида бормоқда.

Республикада кўрилаётган қаттиқ чораларга қарамай, бу салбий ҳодисани узил-кесил тугатишга эришилмади. Масалан, шу йилнинг ўзидаёқ 9 та пахта заводида 428 тонна пахта қўшиб ёзилганлиги аниқланди. Жумладан, Самарқанд пахта заводида 92 тонна, Гулистон пахта заводида 60 тонна, Учтепа ва Қорасув заводларида — 40 тоннадан қўшиб ёзилган. Кўплаб колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари экин майдонлари юзасидан план интизомини қўпол равишда бузишни давом эттирмоқдалар, уларни ҳисобдан яшириб қолмоқдалар. Шу йилнинг ўзида ўлчаб чиқиш чоғида ҳисобдан яширилган 23 минг гектар ер аниқланди. Қорақалпоғистон АССРда — 4,9 минг гектар, Самарқанд областида — 4,4 минг гектар, Қашқадарё областида — 4,6 минг гектар, Хоразм областида — 1,4 минг гектар, Сурхондарё областида — 1,2 минг гектар экинзор ҳисоботга киритилмаган.

Келтирилган бу мисолларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумигача республикада ҳукм сурган қўшиб ёзишларга қиёслаб бўлмайди, албатта. Аммо, бу бизни сира хотиржам қилмаслиги керак. Марказий Комитет бундан буён ҳам ана шундай фактларга принципиал баҳо бераверади. Ҳаётимизда қўшиб ёзишларга умуман ўрин бўлмаслиги лозим.

Ҳозир партия комитетларининг пленумларида ва коммунистларнинг йиғилишларида сайлаб қўйиладиган органларнинг қайта қуришга раҳбарлик ишлари ҳақидаги ҳисоботлари муҳокама қилинмоқда. Бу ҳар бир партия ташкилоти

турмушидаги ғоят муҳим сиёсий ва ташкилий кампания бўлиб, бюро аъзолари, секретарлар, сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари фаолиятига талабчанлик билан баҳо берилиши керак. Қайта қуриш учун фаол кураш олиб бораётганларга янги куч бағишлаш, унга тўсқинлик қилаётган ҳар бир кишини шахсан танқид қилиш лозим. Энг муҳими эса — республика партия ташкилотининг барча даражаларида ва барча бўғинларида, шу жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ишни жадаллаштириш керак.

Бугун биз ишимизнинг энг муҳим, туб масалаларидан бирини муҳокама қилмоқдамиз. Республикамиз социал-иқтисодий тараққиётининг даражаси ҳамда мамлакатимизни мустаҳкамлашга республикамиз қўшадиган ҳисса мана шу масалага боғлиқ.

Ушбу пленумга тайёргарлик кўриш чоғида биз активлар билан кенг маслаҳатлашдик. Доклад область партия комитетларига юборилди ҳамда Марказий Комитет аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, ревизия комиссияси аъзолари билан муҳокама қилинди. Марказий Комитетда ҳам биз сайлаб қўйиладиган активлар билан, республика органларининг ходимлари билан, олимлар билан учрашдик. Биз ҳамма фикрларни ва айтилган барча таклифларни эътиборга олдик.

Пленум қатнашчилари бу муҳокамада зўр манфаатдорлик ва юксак активлик кўрсатадилар, қабул қилинган қарорлар эса КПСС Марказий Комитети бизнинг олдимизга қўйган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КЎРСАТМАЛАРИНИ БАЖАРИШ ВА БУ ТАРМОҚДАГИ ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАРНИ ТУГАТИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантиришдаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилиб, шуни қайд этадики, КПСС Марказий Комитетининг ушбу масалага доир кўрсатмалари Ўзбекистонни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш ҳамда унинг мамлакат халқ хўжалиги комплексига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун принципиал аҳамиятга эгадир. Республиканинг етакчи тармоғидаги ишларнинг аҳволи қониқарсиз эканлиги партия, совет, хўжалик органларидан раҳбарликнинг услуб ва методларини тубдан қайта қуришни, иқтисодий бошқариш методларига ўтишни, пахтачиликни ва умуман агросаноат комплексини замонавий фан-техника даражасига чиқариш борасидаги кенг миқёсли чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади.

Салбий ҳодисаларни таг-томири билан тугатишга, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга қаратилган йўлнинг амалга оширилиши пахтачиликдаги турғунлик жараёнлари ва салбий тенденцияларнинг ривожланишини тўхтатиб қолиш имконини берди. Пахта тайёрлаш системаси қайта қурилганлиги, пировард маҳсулот — тола учун ҳисоб-китоб қилишга ўтилганлиги пахта маҳсулотининг чиқишини кўпайтиришга ва хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлашга ижобий таъсир қилди.

Аммо пахтачиликни юритишда туб сифат ўзгаришлари рўй бермаганини таҳлил кўрсатиб турибди. Пахтачиликнинг бугунги даражаси республиканинг реал имкониятларига ҳам, давлат шу муҳим тармоқни ривожлантиришга сарфлаётган ғоят катта маблағларга ҳам мувофиқ эмас.

Агросаноат комплексига раҳбарлик борасида партия, совет ва хўжалик органларининг ишида неча йиллар мобайнида таркиб топган консерватив ёндашувлар турғунлик ҳолатларини бартараф этишга йўл қўймаяпти, тармоқни анча қисқа муддатларда тубдан қайта қуришга тўсқинлик қилмоқда. Кўпгина областлар, районлар ва хўжаликларнинг, республика органларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш юзасидан илм-фан тавсияларига ва ўз тажрибасига нисбатан, пахтачиликни интенсивлашнинг бошқа омилларини қўлланишга нисбатан ҳамон эътиборсизлик билан муносабатда бўлиб келмоқдалар, табиий иқлим имкониятлари ҳамда ғоят катта ишлаб чиқариш потенциалидан яхши фойдаланмаяптилар.

Республика Давлат агросаноат комитети, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими илмий асосланган алмашлаб экишни, интенсив технологияларни республика хўжаликларида жорий қилишни ташкил этишни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пайсалга солмоқдалар. Илмий муассасалар ғўза селекцияси ва уруғчилигини такомиллаштириш, ўғитлардан ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни яхшилаш соҳасида суст ишламоқдалар. Машина терими, бошқа сермеҳнат ишларни механизациялаш даражаси ҳам пастлигича қолмоқда. Ерларни мелиорациялаш муаммоси ҳамон ўткир бўлиб турибди.

Қишлоқда социал ҳамда маданий-маиший масалаларни комплекс ҳал этишга кам эътибор берилмоқда. Партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари тармоқдаги ишларнинг аҳволини яхшилаш кўп жиҳатдан инсонга, унинг учун тегишли меҳнат ва турмуш шароитларини яратишга кўпроқ эътибор берилишига боғлиқ эканлиги фактини етарлича баҳоламаяптилар.

Область, район партия комитетлари ўз ишларини секинлик билан қайта қурмоқдалар, бошланғич партия ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг куч-ғайратларини хўжалик юритиш иқтисодий методларини жорий этиш асосида тармоқ самарадорлигини оширишга сафарбар қилмаяптилар. Республика Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органлари, колхозлар ҳамда совхозлар раҳбарлари билан мутахассисларининг фаолиятида эскича ёндашувлар, буйруқбозлик ва тазйиқ ўтказиш услуби, иқтисодий муаммоларни маъмурий усуллар билан ҳал этишга интилиш ҳамон устун бўлиб қолмоқда. Кўпгина хўжаликларда бригада пудрати, оилавий пудрат юзаки жорий этилмоқда. Бошқаришнинг цех структураси, харажатларни контрол қилишнинг чек формаси, ялпи даромадга қараб меҳнатга ҳақ тўлаш секинлик билан татбиқ қилинмоқда. Натижада ишлаб чиқариш харажатлари ошиб кетмоқда, кўпгина хўжаликлар кам рентабелли ва зарар кўрувчи хўжалик бўлиб қолмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси хўжаликларни хўжалик ҳисобига, ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказишга тўғоноқ бўлмоқда.

Партия комитетлари ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларини малакали, ташаббускор кадрлар билан мустаҳкамлаш билан етарлича шуғулланмаяптилар, замонавий бошқариш методларини эгаллаб олишда уларга кам ёрдам бермоқдалар. Колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорлари кўпинча асоссиз равишда алмаштирилишига йўл қўйилмоқда. Механизатор кадрлар жуда етишмай турган бир пайтда уларни тайёрлаш плани йил сайин бажарилмаяпти.

Пахтачиликни ривожлантиришда жиддий камчилик ва нуқсонларнинг мавжудлигига кўпроқ шу нарса сабаб бўлмоқдаки, республиканинг партия ва совет органлари партия XXVII съездининг йўл-йўриқларига, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг талабларига мувофиқ тармоққа раҳбарлик қилишни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан қайта қурмоқдалар. Колхоз ва совхозларнинг, агросаноат комплекси бошқа бўғинларининг кўпгина бошланғич партия ташкилотлари ҳали амалда қайта қуришнинг жанговар авангарди бўлиб қолган эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, область, район партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг

ижроия комитетлари пахтачиликдаги ишларни тубдан яхшилашни таъминлаш, уни илмий асосга ўтказиш соҳасида зарур ташкилотчилик ва сиёсий ишларни амалга оширсинлар. Бунда шунга асосланиш зарурки, пахтачилик республика халқ хўжалигининг етакчи тармоғи, уни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили, мамлакат халқ хўжалигига Ўзбекистон қўшадиган асосий ҳиссадир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахтачиликни жадал ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиққанлиги ҳамда улар ҳар бир ижрочи ва меҳнат коллективига етказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 1990 йилгача барча пахтакор хўжаликларда пахта-беда алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилишини таъминлаш партия, совет органларининг, агросаноат комитетлари ва бирлашмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблансин ҳамда шу асосда юқори сифатли озуқа етиштиришни кўпайтиришга, чорвачиликни анча жадал ривожлантиришга ва аҳолини гўшт, сут, сабзавот ҳамда бошқа маҳсулотлар билан таъминлашни талай даражада яхшилашга эришилсин.

3. Республика Давлат агросаноат комитети, унинг жойлардаги органлари, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими мелиоратив ҳолати яхшиланган майдонларда пахта-беда алмашлаб экишни ва ғўза парваришининг интенсив технологияларини жорий этиш юзасидан илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиб, 1988 йил экиш кампанияси бошлангунга қадар колхоз ва совхозларни шундай тавсияномалар билан таъминласинлар. Область партия комитетлари, область ижроия комитетлари шундай тавсияномалар умуман республикада интенсив технология асосида парвариш қилинадиган ғўза майдонлари 1988 йилда 260 минг гектарга, беш йиллик охирида эса 460 минг гектарга етказилишини таъминлайдиган хажмлар ва муддатларда жорий этилиши учун зарур чораларни кўриб, бунинг устидан қатъий контрол ўрнатсинлар.

4. Республика Давлат агросаноат комитети, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси толаси юқори сифатли бўлган, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли, тезпишар, серҳосил ғўза навларини яратиш мақсадида уруғчилик ва селекция соҳасидаги илмий ишланмаларни жадаллаштириш учун илмий муассасаларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш юзасидан амалий чоралар кўрсинлар.

Жойлардаги партия, совет органлари районлаштирилган ва истиқболли навларни экиш плани бузилиши фактларига қатъиян барҳам берсинлар.

5. Мавжуд техникадан фойдаланишни яхшилаш ва анча такомиллаштирилган янги техникани тезроқ яратиш асосида пахтани машинада териб олиш даражаси бутун чоралар билан оширилсин, ҳосилнинг камида 60 проценти машиналар билан териб олиниши таъминлансин.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш янги серунум терим техникасини тезроқ яратиш учун тармоқлараро илмий-техника маркази, бошқа илмий, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштирсин. Пахтачилик саноати марказий илмий тадқиқот институти, «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси пахта ҳосилини тез анализ қиладиган приборлар яратишни жадаллаштирсин. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети пахтани қайта ишлайдиган корхоналар ва айниқса тайёрлов пунктларининг техника билан жиҳозланишини яхшилашга оид тадбирларни амалга оширсин, пахтанинг юқори сифатли бўлишини таъминловчи янги жин машиналарини, комплекс қуритиш-тозалаш ускуналарини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштирсин.

Республика Фанлар академияси, партия, совет органлари янги техника яратувчиларга кўмаклашиш учун республика территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг имкониятидан фойдалансинлар.

6. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими далаларга солинадиган заҳарли дорилар миқдорини кескин камайтириш мақсадида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик ва интеграция қилинган методларини қўлланиш юзасидан Наманган, Сирдарё ва Жиззах областларининг тажрибасини ҳамма жойда ёйсинлар.

Органик ва минерал ўғитдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун агрохимиявий карталар ишлаб чиқиш тугаллансин ва тавсиялар берилсин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси яқин 2—3 йил ичида самарали ва зарарсиз дефолиант олиш учун кучларни жамласин, тадқиқотлар даражасини оширсин.

7. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Главсредазирсовхозстрой республика Давлат агросаноат комитети билан биргаликда суғориладиган ерларни тубдан яхшилаш, уларнинг унумдорлигини кўтариш программасини амалга оширсинлар, мана шу мақсадларга мелиорация учун ажратилаётган маблағларнинг камида 70 процентини сарфласинлар. Шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланилишига эришилсин, фан-техника тараққиёти ютуқлари суғоришнинг сувни тежайдиган технологиялари ирригация ва мелиорацияга актив жорий этилсин.

Марказий Комитет бўлимлари, область ва район партия комитетлари сув хўжалиги ҳамда агротехника ишлари бутун комплексининг бажарилиши устидан қатъий контрол ўрнатсинлар.

8. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, касаба союз ва хўжалик органлари пахтачиликни янада юксалтириш масалаларини қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал этсинлар, Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш программаларини рўёбга чиқаришга, қишлоқ меҳнаткашларига зарур меҳнат ва турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор берилсин.

Главсредазирсовхозстрой беш йиллик охиригача қўриқдаги совхозларда социал-маиший ва ишлаб чиқариш объектлари қуришни ниҳоясига етказсин.

Фарғона, Андижон, Наманган областларининг партия комитетлари меҳнаткашларнинг ва энг яхши мутахассисларнинг қўриқ регионларга кўчиб боришини таъминлаш юзасидан янада таъсирчан чоралар кўрсинлар. Қашқадарё, Сирдарё ва Жиззах областларининг партия, совет, хўжалик органлари кўчиб келган кишиларнинг муқим яшаб қолиши учун шарт-шароит яратиб берсинлар.

9. Область, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари хўжалик юритишнинг иқтисодий методлари амалий жиҳатдан ўзлаштирилиши учун барча даражалардаги кадрлар масъулиятини оширсинлар. Хўжаликларнинг оддий меҳнаткашлари, мутахассислари ва раҳбарларига ишнинг иқтисодий методлари ва илғор технологияларни оммавий ўргатиш таъминлансин. Меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формалари, ишлаб чиқаришнинг цех структуралари, хўжалик ҳисоби реал жорий этилишига эришилсин. Колхоз ва совхозларни ўз харажатларини ўзи қоплашга ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказишга актив тайёргарлик кўрилсин.

10. Республика партия комитетлари агросаноат комплекси кадрлари билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштирсинлар. Хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишни ташкил этишга ва уни маҳорат билан олиб боришга қодир бўлган ёш мутахассислар, билимдон ходимлар масъулиятли соҳаларга дадил кўтарилсин. Кадрлар билан олиб бориладиган ишларга чинакам демократик тус берилиб, ошкоралик ҳар томонлама ривожлантирилсин, етилган муаммоларни ҳал этишда меҳнат коллективларининг фикр-мулоҳазалари тўлароқ ҳисобга олинсин.

11. Партия комитетлари қишлоқда қайта қуришни чуқур ва ҳар томонлама амалга оширишга идеологик таъсирнинг барча воситаларини сафарбар этишлари зарур.

Республика газеталари ва журналларининг редакциялари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, барча оммавий ахборот воситалари хўжасизлик, консерватизм ва турғунлик фактларини очиб ташлаб, кенг ошкор қилсинлар, пахтачиликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, бутун агросаноат комплексини интенсивлаш ишида илғор тажрибани пропаганда қилсинлар.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика қишлоқ хўжалигининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари пахтачиликни жадал ривожлантириш учун ўз куч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар ҳамда КПСС Марказий Комитети ўртага қўйган вазифалар бажарилишини таъминлайдилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР

Миллий МАСАЛАНИНГ социалистик ҳал қилинганлиги Улуғ Октябрнинг энг буюк зафарларидан биридирки, бу буюк революциянинг 70 йиллигини Совет Иттифоқи халқлари билан биргаликда социализм мамлакатларининг меҳнаткашлари, жаҳон ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати, сайёрамизнинг барча тараққийпарвар кишилари катта тантана билан нишонладилар. Миллий зулм ва миллий тенгсизликнинг ҳар қандай шаклдаги кўринишларига абадий барҳам берилди. Халқларнинг амалдаги тенглигига эришилди. Бунда шуни эътиборда тутиш кераккi, халқларнинг амалдаги тенглиги улар экономикаларининг баробарлигини, бир хилдалигини, саноатнинг, унинг барча тармоқларининг бир текис ривожланишини ва ҳоказоларни билдирмайди. Экономикада миллий анъаналар, маҳорат ва кишиларнинг асрлар мобайнида тўпланган ишлаб чиқариш тажрибаси сақланиб қолади ва улардан фойдаланилади, республикаларнинг табиий-иқлимий хусусиятлари эътиборга олинади; ўтмишдан мерос бўлиб қолган маиший анъаналар ва одатлар, онг, психология сақланиб қолади.

Улуғ давлат шовинизми ва буржуа миллатчилиги, феодал-клерикал идеология сарқитларига қарши олиб борилган муваффақиятли кураш, оммани изчил равишда интернационал руҳда тарбиялаш натижасида ўнлаб миллион кишилар онгида интернационализм, халқлар дўстлиги ва қардошлиги ғоялари қарор топди. «Биз ҳақли равишда мамлакатимизда миллий масала ҳал қилинган деб айтамиз, — деб кўрсатди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» докладида. — Революция миллатларнинг юридик жиҳатдангина эмас, шу билан бирга социал-иқтисодий жиҳатдан ҳам тенг ҳуқуқли бўлишлари йўлини очиб, ҳамма республикалар ва регионларнинг, барча халқларнинг иқтисодий, социал ҳамда маданий ривожланишини тенглаштириш учун жуда кўп иш қилди. Совет халқларининг дўстлиги Октябрнинг ғоят буюк ютуқларидан биридир. Шундай дўстликнинг ўзиёқ жаҳон тарихидаги ноёб ҳодисадир. Биз учун эса бу дўстлик Совет давлати қудрати ва мустаҳкамлигининг асосий таянчларидан биридир».

Бироқ, миллий масаланинг ҳал этилиши миллий проблемалар кун тартибидан батамом ва узил-кесил олиб ташланди, деган маънони асло билдирмайди, чунки бир давлатнинг ичида кўплаб миллат ва элатларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлик қилиши фактининг ўзиёқ янги-янги проблема ва вазифаларни муқаррар равишда келтириб чиқарадики, партиянинг социалистик жамиятни такомиллаштиришга доир назарий ва амалий фаолиятида уларни ҳисобга олишга тўғри келади. Ўтган даврда миллатлар ўртасидаги антагонистик зиддиятлар тугатилганлигига ва уларнинг ривожланиш даражаларини тенглаштириш вазифалари асосан ҳал қилинганлигига қарамай, улар ўртасида ўз ҳолича қарама-қаршиликлар ҳисобланувчи фарқлар ҳозирча сақланиб келмоқда. Булар: меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларидаги, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларни оширишдаги, мутахассис ва ишчиларни миллий кадрлар билан таъминлашдаги, маданият, турмуш соҳасидаги, яшаш тарзидаги, миллий ўзини англаш савияларидаги, демографик ва экологик жараёнлардаги ва ҳоказо фарқлардир.

Миллий муносабатлар миллий ва интернационал жиҳатларнинг ўзаро мураккаб алоқасининг жонли жараёни бўлиб, унда янги жиҳатлар эскилик билан доимий курашда, уни бутунлай йўқотиб юбормай, балки янгилаб, барча қимматли, ижобий жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда қарор топадилар. Шуни назарда тутиш керакки, миллий проблема соф ҳолда мавжуд бўлмайди, у халқларнинг ўзаро алоқаларини белгиловчи иқтисодий, социал-синфий, маънавий муносабатлар йиғиндисидан иборатдир. Жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида муносабатларни қайта қуриш миллий муносабатларда ҳам теран ўзгаришлар бўлишини тақозо этади.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ана шу муносабат билан бизнинг ютуқларимиз миллий жараёнларда проблемалар йўқ, деган тасаввурни туғдирмаслиги лозим деб таъкидланди. Ҳар қандай ривожланишга ҳам зиддиятлар хос бўлади, улар мазкур соҳада ҳам муқаррардир. «Миллий муносабатлар соҳасида вужудга келаётган проблемаларнинг ўз вақтида ҳал этилиши, — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг «Қозоғистон республика партия ташкилотининг меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир иши тўғрисида»ги қарорида (1987 йил август), — революцион янгиланиш жараёнлари жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олаётган бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда».

Ўтмишдаги ва ҳозирги миллий ўзаро муносабатлар проблемасини ўрганишда мамлакатнинг, шу жумладан республикамизнинг ҳам олимлари муайян натижаларни қўлга киритдилар. Лекин шуни эътироф этиш керакки, уларнинг назарий проблемаларга доир тадқиқотларида миллий муносабатлар соҳасида юз берадиган масалаларни реалистик анализ қилишдан воз кечиш; жонли воқеликни ўрганишни совет республикалари ҳаётидан олинган факт ва рақамларнинг юзаки мажмуи билан алмаштириш; умумий ҳақиқатларни бениҳоя қайтараверишь; мамлакат ривожланишининг ҳозирги босқичига мувофиқ келувчи миллий сиёсат масалаларини етарлича ишлаб чиқмаслик хос эди; миллий муносабатлар фақат идеаллаштириб тасвирланар, бу соҳада туғилаётган проблемалар умуман тилга олинмас эди; миллатларнинг амалдаги тенглиги регионлар ўртасидаги муқаррар ва ҳақиқатда ўз ўрнига эга бўлган фарқлардан ташқарида, миллатларнинг яқинлашиши эса автоматик жараён сифатида қараб чиқиларди.

Партия бугунги кунда миллий проблемаларни анализ қилишга эски ўлчовлар билан, КПСС ва Совет давлати миллий сиёсатининг фақат муваффақиятларини пропаганда қилиш принципи асосида ёндашиш, миллий муносабатлар соҳасидаги реал, кўп қиррали ҳаётни эскирган мавҳум формула ва схемаларга мослаштириш номақбул эканлигини кўрсатмоқда. Миллий муносабатлар соҳасида ҳали ҳам сақланиб келаётган зиддиятлар, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги каби, антагонистик характерга эга эмас ва партия раҳбарлиги остида интернационалистик негизда бартараф этилмоқда, партия доим, айниқса ҳозирги социал-иқтисодий жадаллаштириш, қайта қуриш шароитида кенг социал-иқтисодий ва маданий ўзгартишларни амалга оширишда ҳам, кундалик амалий фаолиятида ҳам миллий моментларни қатъиян ҳисобга олмоқда.

«Биз кўп миллатли мамлакатимизда яшаб турганимизни эътиборга олмасдан туриб, ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ҳал эта оладиган биронта принципиал масала йўқ.., — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленумида. — Демократия ва ўз-ўзини бошқариш кенгайтирилаётган, барча миллат ва элатларнинг миллий ўзлигини англаши тез ўсиб бораётган, интернационаллашув жараёнлари чуқурлашаётган ҳозирги пайтда вужудга келаётган масалаларни имкони бўлган бирдан-бир негизда, ҳар бир миллат ва элатнинг равнақ топиши манфаатларини кўзлаб, уларнинг ўзаро яқинлашуви манфаатларини, бутун жамиятнинг манфаатларини кўзлаб, ўз вақтида ва одилона ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади».

Миллий муносабатларнинг такомиллашуви, социалистик миллат ва элатларнинг янада гуллаб-яшнаши ва яқинлашуви партиянинг социализмни планли ва ҳар томонлама такомиллаштиришга, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш негизида совет жамиятининг коммунизм сари янада илгарилаб боришига қаратилган фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Совет халқларининг интернационал жипслашуви ҳозирда жадаллаштириш, қайта

қуришнинг долзарб вазифаларидан бири бўлибгина қолмай, балки уларни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳам қоляпти.

Жадаллаштириш концепцияси ҳар бир халқ, ҳар бир республика, ҳар бир регионнинг иқтисодий ва маданий потенциалини оширишни, уларнинг умумиттифоқ бойлигига қўшадиган реал ҳиссасини кўпайтиришни кўзда тутади. Бунда улкан, битмас-туганмас резервлар мавжуд бўлиб, партия шундай вазифани илгари сурмоқда: барча миллий республика ва областларнинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг тараққиётига, умуммиллий маънавий маданиятга қўшадиган ҳиссалари уларнинг максимал имкониятларига мувофиқ бўлсин. Бошқа томондан эса, уларни ривожлантиришдаги ортиқча регламентлаштириш янада пишиқ ва рағбатлантирувчи методларга йўл бўшатиб бериши керак.

Ҳозирги босқичда миллий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасидаги энг асосий вазифалар КПСС XXVII съездининг, Марказий Комитетнинг съезддан кейинги Пленумларининг ҳужжатларида, М. С. Горбачевнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» деган докладида белгилаб ва илмий асослаб берилган.

Маълумки, партиянинг социализмни ҳар томонлама такомиллаштиришга доир белгиловчи вазифалари иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Бундаги энг муҳим проблемаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши, деб кўрсатилди КПССнинг XXVII съездида, республикаларнинг интернационал бирлик, совет халқлари ҳамкорлиги, дўстлиги ва қардошлигининг моддий негизи бўлган ягона халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Лекин бунда ҳали кўпгина ҳал қилинмаган проблема ва зиддиятлар: маҳаллийчилик, умумдавлат манфаатларини менсимаслик, иқтисодий тараққиётимизга фақат ёки асосан бирон-бир республиканинг, регионнинг нуқтаи назари билангина қараш, баъзи республикаларда меҳнат унумдорлигининг пастлиги, айрим республикаларнинг умумиттифоқ экономикасига қўшадиган ҳиссасининг заиф ўсиши ва ҳоказолар мавжуддир.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати партия ва давлатнинг ҳозирги босқичдаги иқтисодий стратегиясини изчиллик билан амалга ошириб бораркан, ҳар бир республиканинг табиий ва меҳнат ресурсларидан, иқлим хусусиятларидан оқилона фойдаланишга асосланиб, ишлаб чиқарувчи кучлар жойланишини, регионал ихтисослашув ва кооперациялашувни, хўжалик алоқалари ва ташишлар схемасини такомиллаштиряптилар. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши республикалар иқтисодий потенциалининг ошишига, уларнинг умумиттифоқ экономикасига қўшадиган ҳиссаси оғишмай ошиб боришига имкон беради. Шу нарса сир эмаски, бу жиҳатдан олганда республикамиздаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон ССРнинг экономикасига X ва XI беш йилликлар мобайнида каттагина капитал маблағлар сарфланган бўлсада, унинг мамлакат миллий даромадини ҳосил қилишдаги ҳиссаси амалда кўпайгани йўқ. Марказий Комитетнинг республика Компартияси XXI съездига Ҳисобот докладида мана бундай деб таъкидланди: «Мамлакат экономикаси — яхлит халқ хўжалик комплекси эканини барча кадрларимиз юксак партиявий масъулият билан англашлари керак. Бу комплекс совет халқлари дўстлигининг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг, урушнинг олдини олиш ва тинчликни сақлаб қолишнинг моддий негизидир. Давлат Ўзбекистонда барпо этилган иқтисодий потенциалга умид қилади ва биз жуда кўп умумхалқ маблағи бутун жамиятга муносиб самара бермайдиган аҳволга бундан буён йўл қўя олмаймиз».

Ҳозирги беш йилликда ишлаб чиқаришнинг ҳажмини муайян даражада оширишга, халқ хўжалиги бир қатор тармоқларининг ўсиш суръатларини тезлаштиришга эришилди. Агар 1983—1984 йилларда саноат маҳсулоти ўсишининг ўртача йиллик суръатлари 3,5 процентни ташкил этган бўлса, кейинги икки йилда — 6,5 процентни; саноатдаги меҳнат унумдорлиги эса шунга мувофиқ равишда 0,3 ва 4 процентни ташкил этди. Чорвачилик маҳсулотини етиштириш ва тайёрлаш барқарор ўсиб бормоқда. Лекин бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ҳозирча радикал характер касб этмаяпти, республика ривожланишидаги асосий бурилиш тенденцияларини белгилаб бермаяпти. Миллий даромаднинг ўсиш суръатлари пасаймоқ-

да; фонд самарадорлиги камаймоқда; саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари паст, қишлоқ хўжалигида эса у мамлакатдаги ўртача даражадан деярли икки баравар паст; экономикани ривожлантиришдаги ортиқча сарф-харажатларга барҳам берилмаган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг (1987 йил август) қарорида таъкидланганидек, «республикада вужудга келтирилган қудратли халқ хўжалик потенциалидан ҳамон жуда қониқарсиз фойдаланиляпти, эришилган натижалар эса мавжуд имкониятлар даражасида эмас». Натижада Ўзбекистон ССРнинг умумиттифоқ экономикасига қўшаётган ҳиссаси унинг имкониятларига мос эмас, республика қардош республикалар олдидаги ўз интернационал бурчини охиригача бажармаяпти. Ана шу нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш учун экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш, партия, совет, хўжалик органларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини кучайтириш, хўжалик қурилишининг ҳамма участкаларида меҳнат жўшқинлигини ошириш талаб этилмоқда.

Ўрта Осиёда, Кавказнинг бир қатор районларида, айниқса қишлоқ ерларида, мавжуд бўлган ортиқча иш кучини мамлакатнинг янги территорияларини ўзлаштиришга актив жалб этиш совет республикаларининг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини кучайтириш билан маҳкам боғланган муҳим социал-иқтисодий вазифадир. Республикамизда ҳам ана шу йўналишда муайян иш олиб боріляпти. Сибирь районларини ўзлаштиришда, Ноқоратупроқ зона, Тюмень ва БАМ қурилишларида Ўзбекистон вакиллари борган сари кўпроқ иштирок этмоқдалар. Ҳозирги беш йилликнинг ўзидагина мамлакатнинг умумиттифоқ зарбдор қурилишларига ўзбекистонлик 60 минг киши юборилади. Лекин 19 миллион кишидан кўпроқ аҳолиси бўлган республиканинг ҳиссаси янада салмоқлироқ бўлиши мумкин эди.

СССР миллат ва элатларининг социал структурасини тенглаштириш, ана шу мақсадда демографик жараёнлар анча интенсив ривожланаётган ва айниқса қишлоқда ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган республикаларда туб ерли халқлардан кенг миқёсда малакали ишчилар тайёрлаш КПСС миллий сиёсатининг ҳозирги босқичдаги муҳим вазифаларидан бири сифатида илгари сурилмоқда.

Аҳоли таркибида ишчиларнинг салмоғи жиҳатидан мамлакатда 13-ўринда турган республикамизда ҳам бу проблема кескин бўлиб турибди. Кейинги йилларда уни ҳал қилиш йўлида катта тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг бир йўла текшириши маълумотларига қараганда, 1973—1983 йилларда халқ хўжалигининг индустриал тармоқларида машғул бўлган туб ерли миллатга мансуб (ўзбек) ходимларнинг миқдори саноатда 51,1 процент, қурилишда — 46,6, транспортда — 38,6, алоқада — 40,8 процент кўпайган. Шунга қарамай, ўзбекларнинг республика аҳолиси ичидаги салмоғига нисбатан олганда, индустриал ишчилар синфи ўртасида туб ерли миллат ишчиларининг салмоғи анча пастдир. Масалан, 1983 йилда улар республикадаги саноат ишчиларининг 45,7 процентини, аҳоли составида эса 68,7 процентни ташкил этдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленуми (1987 йил март) республикада туб миллат кишиларидан индустриал ишчилар синфининг шаклланиш жараёни суст бораётганлигини қайд этиб ўтди. «Халқ хўжалигининг фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган кўпгина тармоқлари, бутун-бутун индустриал регионлар маҳаллий аҳолининг ғоят кам иштироки билан, асосан мамлакатимиз бошқа қисмларидан ишчиларни жалб этиш ҳисобига барпо этилди ва ривожлантирилди». Партия ва совет органлари ушбу аҳволни тузатиш учун чоралар кўрмоқдалар. Республикага бу масалада РСФСР, Украина катта ёрдам кўрсатмоқда, Ўзбекистонлик бир неча минг йигит ва қиз ҳозир у ердаги ҳунар-техника билим юртларида ишчилик касбларини эгалламоқдалар.

Ўзбекистонни тажрибали раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлашда ҳам КПСС Марказий Комитети, қардош республикалар ҳақиқатан ҳам бебаҳо ёрдам кўрсатмоқдалар. Кейинги йилларнинг ўзидаёқ иттифоқ органларидан, мамлакатдаги йирик партия ташкилотларидан 300 дан зиёд ходим доимий ишлаш учун Ўзбекистонга юборилди. Москва ва қардош республикаларнинг вакиллари фаолиятнинг ҳамма соҳаларига янги руҳ бағишламоқдалар, мамлакатнинг бошқа регионларида мавжуд бўлган партия, совет, хўжалик ишининг энг яхши тажриба-

сини ўзлаштиришга ёрдам бермоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш комплекс программасини ишлаб чиқди, уни КПСС Марказий Комитети маъқуллади. Ишлаб чиқаришда яхши чиниққан ва зарур сиёсий ҳамда интернационалистик сифатларга эга бўлган ходимларни доимий ишлаш учун РСФСР, Украина ССР ва Белоруссия ССРдан республикамизга юбориш практикаси давом этиши билан бир вақтнинг ўзида ўзбекистонлик умидли ходимлар стажировка учун Москвага ва мамлакатнинг бошқа регионларига юборилмоқда. КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида қардош республикаларнинг кадрлар билан мустаҳкамлашда Ўзбекистонга кўрсатаётган ҳар томонлама кўмагини коммунистлар, республика меҳнаткашлари совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг янгича намоён бўлиши, амалдаги ленинча интернационализм деб баҳоламоқдалар.

Кадр сиёсатининг ленинча интернационалистик принципларига қаттиқ риоя қилиш ва қарор топтириш вазифаси, ушбу регионда яшовчи барча миллат ва элатларнинг сайлаб қўйилувчи органларда кенг ваколатга эга бўлиши ана шу масала билан чамбарчас боғлиқдир. Интеграция жараёнларининг жадал ривожланиши натижасида республикаларнинг аҳолиси борган сари янада кўп миллатли бўлиб бормоқда. Уларнинг ҳар бирида, ўз номини ушбу республикага берган миллатдан ташқари, мамлакатдаги ўнлаб бошқа миллат ва халқларининг вакиллари яшамоқда. 15 иттифоқдош республиканинг 8 тасида туб ерли бўлмаган халқлар аҳолининг чорак қисмидан кўпроғини, Қозоғистон, Қирғизистонда ва автоном республикаларнинг кўпчилигида эса туб ерли бўлмаган кишилар аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Ана шу муносабат билан партия республикаларда яшовчи барча халқларнинг партия ва давлат органларида етарли ваколатга эга бўлишини қатъий таъминлаш, тил, маданият ва турмуш соҳасидаги ўзига хос эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарурлигини уқтирмоқда.

Ягона аҳил оилада мамлакатнинг 120 дан ортиқ миллат ва элати яшаётган ҳамда меҳнат қилаётган Ўзбекистон ССР материаллари асосида партиянинг ушбу кўрсатмалари қандай амалга оширилаётганини яққол намойиш этиш мумкин. Бу ерда раҳбар кадрлар, сайлаб қўйиладиган органлар состави республиканинг миллий структурасини акс эттиришига қаратилган йўл изчиллик билан олиб борилялти. Партия комитетларининг номенклатураси 57 миллат вакилларини ўз ичига олган, партия комитетларининг 70 процентида биринчи ва иккинчи секретарлар турли миллатларга мансуб кишилардан иборат. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида 19 миллат вакиллари, Ўзбекистон ССР маҳаллий Советларида — 50 дан ошиқ миллат ва элатларнинг гражданлари бор. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР ҳукумати бу ерда яшовчи туб ерли бўлмаган миллатлар вакилларининг специфик маънавий эҳтиёжларини ҳам ҳар томонлама ҳисобга олиш учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Республикада мактабларда ўқитиш, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, газеталар нашр этиш 5—6 тилда олиб борилялти.

Мамлакат миллат ва элатларининг социалистик маданиятини ривожлантириш ва уларнинг бир-бирини бойитишида жуда катта ютуқларга эришилганига қарамай, ҳали бу соҳада ҳам барча имкониятлардан етарли даражада фойдаланилаётгани йўқ. Партия ишнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган, миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитишини янада самарали қилишга, барча совет кишилари учун халқларимизнинг ҳар бири маданияти берадиган энг яхши қирраларга янада кенг йўл очиб беришга имкон берувчи янги-янги форма ва методларини сабот билан излаб топиш вазифасини қўймоқда. Социалистик жамият қурилиши, мустаҳкамланиши ва такомиллашиши давомида кўп миллатли совет социалистик маданияти шаклланди ва кучга тўлмоқда, ўзига миллий шакл ва буёқлар бойлигини сингдирган бу маданият жаҳон маданиятида ноёб ҳодиса бўлиб қолмоқда. Партия ҳар бир халқнинг маданий меросига, бошқа халқларнинг миллий қадриятларига авайлаб муносабатда бўлишни, уларнинг анъаналари, тил, туйғу ва урф-одатларини ҳурмат қилишни, тарихий ривожланиш жараёнида ҳар бир халқ яратган энг яхши нарсаларни ўзлаштиришни талаб қилади. Лекин бу социал-тарихий ва эстетик бефарқлик билан ҳам, айниқса эскирган буржуа, феодал, уруғ-қабила ёки патриархал маънавий ва хулқ-атвор стандартларининг қолдиқларини «халқчил» ва «миллий» жиҳатлар деб кўрсатишга уриниш-

лар билан ҳам ҳеч қандай умумийликка эга эмас. В. И. Лениннинг қуйидаги фикрлари ана шу борада методологик қўлланма бўла олади: «Ҳозирнинг ўзидаёқ барча мамлакатлар пролетариати мунтазам равишда яратиб келаётган интернационал маданият ўз таркибига умуман (бирон-бир миллий коллективнинг) «миллий маданиятни» эмас, балки *ҳар бир* миллий маданиятдан унинг *фақат* изчил демократик ва социалистик элементларинигина олади» (Тўла асарлар тўплами, 23-том, 355-бет). КПСС XXVII съезди ҳар бир миллий маданиятда мавжуд бўлган барча қимматли жиҳатларга соғлом қизиқиш миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва яқинлашувидан иборат объектив жараёндан ажралишга уринишларга айланиб кетмаслиги муҳим эканлигини янги куч билан таъкидлади.

Социал-иқтисодий жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишда, мамлакатдаги миллат ва халқларнинг янада гуллаб-яшнаши ва яқинлашишида рус тилини чуқур билишнинг аҳамияти чексиз ошиб боради, у совет турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб қолди ва мамлакат халқларининг миллатлараро алоқасини мустаҳкамлашда қудратли восита бўлиб хизмат қилмоқда. Миллий-рус икки тиллилиги СССРдаги тил тараққиётининг бош йўналишидир. В. И. Ленин ўз вақтида иқтисодий тараққиёт эҳтиёжи бир давлатда яшовчи кишиларни кўпчиликнинг тилини ўрганишга мажбур этади деб таъкидлаган эди. Бунингсиз улар ўртасида тўлақонли ҳамкорлик бўлиши мумкин эмас. «Биз, — деб ёзган эди Владимир Ильич, — Россиядаги ҳар бир кишининг улуғ рус тилини билиш имкониятига эга бўлишига тарафдормиз, албатта. Биз фақат бир нарсани: *мажбурийлик* элементи бўлишини хоҳламаймиз» (ТАТ, 24-том, 331-бет). 1979 йили ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, 153,3 миллион киши рус тилини она тили деб атаган, уларнинг 137,2 миллиони руслар ва 16,3 миллиони бошқа миллатлар вакилларидир. 61,3 миллион киши рус тилидан иккинчи она тили сифатида бемалол фойдалана олади.

Рус бўлмаган миллатларга мансуб гражданларнинг рус тилини билиши халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг чуқурлашувига, фикр доираси кенгайишига, интеллектуал, маданий фаолиятнинг бойишига, меҳнаткашларнинг умумсовет хулқ-атвор нормалари, удумлари ва маданий анъаналари билан қамраб олинишига, совет кишилари турмуш тарзида муштарак хусусиятлар шаклланишига ёрдам беради. Рус бўлмаган миллатлар гражданлари, шу жумладан, республикамиз аҳолиси томонидан рус тилини ўрганишда сезиларли ютуқларга эришилганини қайд этиш билан бирга, ана шу муҳим ишда ҳали камчилик ва ҳал этилмаган проблемалар оз эмаслигини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Миллий мактабларда рус тили ўқитувчилари тақчил эканлиги жиддий сезилмоқда, уларнинг кўпчилигида, айниқса қишлоқ мактабларида рус тилидан чуқур билим берилмайди. Натижада мактабларни, айниқса қишлоқ мактабларини битириб чиқувчиларнинг каттагина қисми рус тилини яхши билмайди, бу эса уларнинг кейинги таълими, ишлаб чиқариш фаолиятида, Совет Армияси сафларида хизмат ўташ жараёнида ҳарбий маҳоратни эгаллашларида салбий таъсир кўрсатяпти.

Ана шу соҳада тўпланиб қолган проблемалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида кенг миқёсда кўриб чиқилди, ушбу соҳадаги ишларни тубдан яхшилаш учун кенг ҳаракат программаси белгилаб берилди. Пленум Маориф министрлиги, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Фанлар академиясига манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда «Рус тили» комплекс программасини ишлаб чиқишларини, тилни тез ва пухта ўзлаштириб олиш борасида мамлакат ва республикада тўпланган тажрибани умумлаштиришларини ҳамда миллий мактабнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, уни сабот билан жорий этишларини топширди.

Рус бўлмаган миллатлар гражданлари томонидан рус тилининг кенг миқёсда ўрганилиши билан бир вақтда бошқа миллатлар вакиллари муайян республика туб ерли аҳолисининг тилини чуқур билишлари лозим. Шу билан бирга туб ерли халқ тилини билибгина қолмай, балки ана шу халқнинг тилига ҳам, анъаналари ва маданиятига ҳам ҳурмат билан қараш зарур. Ерли аҳолининг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини билиш социал адолат белгиси бўлиб, бир вақтнинг ўзида у шахслараро муносабатни яхшилайди, ўзгача этник муҳитга мослашишга ёрдам беради. Афсуски, республикаларда яшовчи бошқа миллатлар

вакиллари томонидан туб ерли аҳоли тилини ўрганишга доир иш ҳалигача яхши йўлга қўйилмаган. Рус мактабларида туб ерли аҳоли тили ўқитувчилари жуда ҳам етишмаяпти, ўқувчиларнинг аксарияти ҳам, юмшоқ қилиб айтганда, уни ўрганишга жуда ножиддий қарамоқдалар. Натижада рус мактабларининг кўплаб битирувчилари, туб аҳоли тили дарсларининг тўлиқ курсини ўтган бўлсаларда, уни чуқур билиш у ёқда турсин, бу тилда ўз фикрларини баён қилиб ҳам бера олмайдилар. Бу эса таълим ва тарбия беришда турли миллат кишиларини, айниқса ёшларни, яқиндан жипслаштиришга тўсқинлик қилувчи жиддий нуқсондир.

Миллатлараро алоқа маданиятига кишиларда жуда ёшлик чоғларидан бошлаб негиз қўйилади. Бунда ҳам умумий таълим мактабларига жуда катта роль ажратилган. Лекин унинг ўқув программалари ана шу вазифани ҳал этишга тўла мувофиқ эмас. Масалан, СССР тарихининг мактаб курсида иттифоқдош республикалар тарихи амалда мавжуд эмас, адабиёт курси борасида ҳам шу фикрни таъкидлаш мумкин. Кейинги 30 йил ичида иттифоқдош республикалар тарихига ажратилган соатлар миқдори деярли ярмига қисқартирилди, оқибат-натижада меҳнаткашларнинг аксарияти мамлакат бошқа халқларининг тарихий ўтмиши, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, удумларини яхши билмайдилар.

Ҳозирги шароитда мамлакат миллат ва элатлари ҳаёт тарзининг интернационаллашуви жараёни интенсив бормоқда, бу эса ижтимоий тараққиётнинг социализмни планли собитқадам такомиллаштириш шароитида халқларимизнинг ўсиб бораётган жипслашиши, улар ҳаёт фаолиятида муштарак социал, иқтисодий, сиёсий, маданий, маиший, маънавий-психологик хусусиятларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини ифодаловчи объектив тенденциясидир. Халқларнинг бутун социал ҳаёти ва маданияти асосларининг кучайиб бораётган интернационаллашуви даставвал умумсовет хусусиятларида намоён бўлади. Шу билан бирга социал ва этик, миллий ва интернационал, умумий ва хусусий жиҳатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳаёт тарзининг меҳнат, ижтимоий-сиёсий, оилавий-маиший, маданий-таълимий соҳаларида, фаолиятнинг конкрет турларида намоён бўлишнинг ўз специфик формасига эгадир. Бошқача айтганда, СССРдаги миллат ва элат ҳаёт тарзининг муштараклиги ва бирлиги халқлар ҳаёт фаолиятининг турли тур ва соҳаларидаги миллий хусусиятларни текислаштиришни билдирмайди.

Мамлакат миллат ва элатларининг бундан буён яқинлашиб бориши объектив жараёндан иборатдир. Шу билан бирга партия уни сунъий йўл билан шакллантиришга ҳам, инчунин миллатларнинг яқинлашиш жараёнини тўхтатиб туриш, миллий алоҳидаликни сунъий равишда мустаҳкамлашга уринишларга ҳам қаршидир, чунки бу ҳол жамиятимизнинг бош ривожланиш йўлига, унинг интернационалистик идеалларига, коммунистик қурилиш манфаатларига зид бўлур эди. Партия ихтиёрийлик, халқларнинг тенглиги ва қардошларча ҳамкорлиги негизида миллатлар яқинлашиши объектив жараёнининг табиий ривжланишига йўл очиб бериш зарур деб ҳисоблайди.

Партия миллатларнинг яқинлашувига, совет жамияти ҳаётининг ҳамма томонларини интернационаллаштиришга халақит берувчи ҳамма нарсага: маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларига, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва яқинлашиши объектив жараёнидан ажралиб олишга қаратилган уринишларга, айрим олим ва адабиётчиларнинг ўз асарларида марксча-ленинча, интернационалистик идеологиямизга ва социалистик турмуш тарзига зид ҳолда феодал ўтмишни идеаллаштиришга, реакцион-миллатчилик ва диний сарқитларни нотанқидий тасвирлашга уринишларига қарши изчил кураш олиб боришга; миллий маҳдудлик ва манманлик, миллатчилик ва шовинизмга қарши принципиал кураш олиб боришга даъват этмоқда. Бундай салбий ҳодисалар республикамизда ҳам содир бўлдики, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди ва Марказий Комитетининг III пленумида бу ҳақда партиявий принципиаллик билан рўй-рост айтилди.

Оммани изчил интернационал тарбиялаш, буюк давлат шовинизми ва буржуа миллатчилиги, феодал-клерикал идеология сарқитларига қарши муваффақиятли курашиш натижасида интернационализм коммунистлар идеалидан СССРдаги барча миллат ва элатларга мансуб миллионлаб совет кишиларининг чуқур эъти-

қоди ва хулқ-атвор нормасига айланганлиги КПССнинг улуғ зафаридир. Совет халқининг интернационализми — социалистик турмуш тарзининг буюк ютуғидир.

Совет Иттифоқи оммани коммунистик тарбиялашнинг шу соҳадаги эришган шубҳасиз ютуқларини таъкидларканмиз, уларни ошириб баҳолаш ҳам керак эмас, чунки бунда камчилик ва проблемалар оз эмас, Олмаотада бир группа студент ёшларнинг 1986 йил охирида бўлиб ўтган, сабаблари КПСС Марказий Комитетининг «Қозоғистон республика партия ташкилотининг меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир иши тўғрисида»ги қарорида чуқур очиб берилган маълум миллатчилик чиқиши, қрим татарлари орасидаги экстремист элементларнинг Москвадаги, мамлакат баъзи районларидаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги чиқишлари, антисовет доиралар ва Ғарб махсус хизматлари 1987 йил 23 августда Рига, Вильнюс ва Таллинда уюштирган миллатчилик чиқишлари ана шундан гувоҳлик бермоқда.

Турғунлик йиллари, ҳал этилмаган ҳаётий проблемаларнинг йиғилиб қолганлиги, турли хил бюрократик бузилишлар ҳам миллатчилик сарқитлари ва хурофотларининг жонланишига сабаб бўлди. Олдинги даврнинг салбий ҳодисалари жуда кучли бўлган жойларда, социал группаларнинг ҳаётидаги ғоявий-ахлоқий муҳитга турғунлик йиллари айниқса ёмон таъсир кўрсатди. Социал-маданий проблемаларни ҳал этиш ташлаб қўйилган, социал соҳага кам аҳамият берилган, оммани интернационал тарбиялашга доир иш заифлашган жойларда ўтмиш сарқитлари айниқса барқарор ва яшовчан бўлади.

Идеология, маданият, ахлоқнинг ўз мазмунига кўра мешчанлик ва майда буржуача бўлган қолдиқларини миллатчилик қарашлари ва кайфиятлари озиқлантириб туради. Баъзан турли-туман сиёсий муттаҳамлар, экстремистлар миллий мотивлардан кенг фойдаланадилар. Ошкоралик ва демократияни суиистеъмол қилиб, улар ўзларини жамоат фикрининг ифодачилари, миллий қадр-қиммат ҳимоячилари, тарихий мероснинг асровчилари ва, ҳатто, давр руҳига монанд равишда, қайта қуриш учун курашчилар қилиб кўрсатишга уринадилар, шалоқ социал демагогияга зўр бериб, улар билан фикрдош бўлмаганларни таъқиб қиладилар, миллий белгига қараб «ўзлариники» ва «бегоналар»га бўладилар. Ана шу сабабли ҳам халқларнинг миллий ҳис-туйғуларидан фойдаланмоқчи бўлган, улар орасига нифоқ солишга, зарарли қолоқ миллий ва маиший сарқитларни ҳар томонлама идеаллаштиришга уринувчи ана шу барча сиёсий муттаҳамларни, экстремистларни фош этиш керак. Афсуски, Ўзбекистон Компартияси ҳужжатларида ҳам яққол кўрсатилганидек, партия, совет, хўжалик кадрларининг бир қисми кишилар онги ва хулқ-атворида сақланиб қолган, совет турмуш тарзи нормаларига, социалистик демократизм ва гуманизмга, қонунларимиз ва ахлоқимизга зид келувчи ўтмиш сарқитларига, инсон қадрини ерга урувчи урф-одатларга муросасозлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Зарарли сарқитларга нисбатан бундай лоқайдликка ҳеч қачон йўл қўйиб бўлмайди.

Миллатчилик ва шовинизмга берилмаслик учун барча миллатлар меҳнаткашлари тенглигининг синфий позицияларида қатъий туриш, фақат ўз миллати ҳақида ўйламасдан, барчанинг манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйиш керак. Миллий манфаатларни халқларнинг алоҳидалиги нуқтаи назаридан эмас, аксинча, меҳнаткашларнинг интернационал қардошлиги позициясидан туриб ҳимоя қилиш керак. Партиянинг миллий сиёсатига асос қилиб олинган мамлакат халқлари ўртасидаги муносабатлардаги изчил ва тўлиқ социалистик демократизм миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши энг ишончли гарантиядир.

Меҳнаткашларни коммунистик тарбиялаш умумий программасининг таркибий қисми бўлмиш оммани интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш миллатчилик сарқитларига барҳам беришда, мамлакат халқларини интернационалистик жиҳатдан жипслаштиришда жуда катта роль ўйнайди. Меҳнаткашлар ватанпарварлигининг негизида доимо, миллатидан қатъи назар, бошқа халқларга мансуб синфдош биродарлар билан бирлашиш ғоялари ётади. Интернационализмсиз ватанпарварлик тараққиётнинг таъсирчан кучи бўла олмайди. У муқаррар равишда миллатчиликка айланиб кетади. Ватанпарварликсиз интернационализм эса космополитизмдир. Ҳақиқий интернационалист чиндан қизғин ватанпарвар бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, интернационал тарбияда реал ҳаётдан ажралиб қолган, эскирган жуда кўп андаза ва догматик баҳо-фикрлар йиғилиб қолган. Бундай тарбия, одатда, умуман миллий сиёсатдаги муваффақиятларни қайд этиш, шиорларни эълон қилиш, «тадбирлар» ташкил этиш ва ҳоказо билан чекланиб қолган эди. Партия интернационал ва ватанпарварлик тарбиясига эскириб қолган ёндашувлардан, уни ўтказишдаги турғун, ўзини оқламаган форма ва методлардан қатъиян воз кечишни талаб қилмоқда. Партия XXVII съезди, Марказий Комитетнинг съезддан кейинги Пленумлари, айниқса январь (1987 йил) Пленуми ҳужжатларида, КПСС Марказий Комитетининг «Қозоғистон республика партия ташкилотининг меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир иши тўғрисида»ги қарорида оммани интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг олиб борилишини тубдан яхшилаш кенг программаси белгилаб берилган. КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленумида шундай деб таъкидланди: «Изчил, саботли интернационализмнигина миллатчилик иллатларига муваффақиятли равишда қарши қўйиш мумкинлигини бутун тажрибамиз кўрсатиб турибди...

Турмушимиз ва биргаликдаги меҳнатимизнинг бутун муҳити, оила ва мактаб, армия, маданият, адабиёт ва санъат барча миллатларга мансуб совет кишиларини ва аввало ёшларни энг олижаноб туйғулар — интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғулари руҳида тарбиялаб вояга етказиши керак».

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда миллий муносабатларнинг аҳволига, жадаллаштириш, қайта қуриш шароитида уларни такомиллаштиришга катта аҳамият берилди. «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» докладида М. С. Горбачев янги куч билан таъкидладики, кўп миллатли Совет давлатида «ҳар қандай социал-иқтисодий, маданий, ҳуқуқий соҳадаги қарорлар ҳамиша тўғридан-тўғри ва бевосита миллий масалага ҳам дахлдор бўлади... Ленинчасига ҳаракат қиламиз: ҳар бир миллатнинг, совет халқларидан ҳар бирининг потенциалини максимал равишда ривожлантиравермиз.

Мамлакатимиздаги миллий муносабатлар — жонли ҳаётнинг жонли масаласидир. Биз одамларнинг миллий манфаатлари ёки миллий ҳис-туйғуларига дахлдор барча нарсаларда ниҳоят даражада эътиборли ва назокатли бўлишимиз, кўп миллатли жамиятимизнинг турмушидаги ғоят хилма-хил вазифаларни ҳал этишда барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари жуда фаол қатнашишларини таъминлашимиз лозим».

СМЕНАЛИЛИКНИ ОШИРИШ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШНИНГ РЕАЛ РЕЗЕРВИ

А. АБДУҒАНИЕВ,
иктисод фанлари доктори

А. МУТАЛОВ,
иктисод фанлари кандидати

Ижтимоий ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан интенсивлаштириш — совет жамиятининг социал-иктисодий тараққиётини жадаллаштиришда стратегик йўлдир. КПСС XXVII съездининг программавий ҳужжатларида тасдиқланган бу йўл партия МҚнинг январь ва июнь (1987 йил) Пленумларида конкретлаштирилди.

Бизнинг ҳамма резервларимизни, айниқса катта чиқимлар талаб қилмайдиган, лекин жадал ва сезиларли самара берадиган резервларни максимал тарзда сафарбар қилишимиз ана шу йўлнинг ҳаётга татбиқ қилинишини таъминлайдиган энг муҳим тадбирлардан биридир. Аввало ишлаб чиқариш ва меҳнат потенциалидан ғоят оқилона фойдаланиш шундай тадбирлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, бу резервнинг самарадорлиги асосан миллий даромад, ижтимоий меҳнат унумдорлиги, фондлар самарадорлигининг даражаси ва ўсиш суръатлари билан характерланади. Анализнинг кўрсатишича, ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар мобайнида ана шу ғоят муҳим кўрсаткичлар анча пасайди. Чунончи агар саккизинчи беш йилликда (1966—1970 йилларда) СССРнинг ҳосил қилинган миллий даромади ҳар йили 7,8 процент кўпайган бўлса, у тўққизинчи беш йилликда — 5,7, ўнинчи беш йилликда — 4,3, ўн биринчи беш йилликда — 3,6 процент кўпайди; ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ҳар йилги ўсиш суръатлари саккизинчи беш йилликдаги 6,8 процентдан ўн биринчи беш йилликда 3,1 процентгача камайди. Ўзбекистон ССРда янада ташвишлироқ аҳвол вужудга келди: ҳосил қилинган миллий даромаднинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари бу ерда шу давр ичида 6,75 процентдан 3,3 процентга, ижтимоий меҳнат унумдорлиги эса — 6,6 процентдан 0,6 процентга тушиб кетди. Шу билан бирга бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг ҳам асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиши ортди ва ортиб бормоқда: масалан, бизнинг республикамизда 1970—1985 йиллар давомида улар 3,6 марта кўпайди. Бунда фондлар самарадорлиги кўрсаткичи мунтазам равишда пасайиб борди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида: ўн иккинчи беш йилликда халқ хўжалигидаги фондлар самарадорлигининг пасайишини тўхтатиш ва стабиллаштириш, ўн учинчи беш йилликда эса — унинг ошишини таъминлаш вазифаси қўйилди. Мазкур вазифани бажариш учун илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни тубдан яхшилаш ва асосий ҳамда оборот ишлаб чиқариш фондларидан оқилона фойдаланишга доир ташкилий-иқтисодий ишларни сифат жиҳатдан янги, анча юксак даражага кўтариш зарур. Партия ва ҳукумат қарорларига мувофиқ равишда амалга оширилаётган экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш, Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни асосида хўжалик юритишнинг янги, иқтисодий механизмига ўтиш бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда.

Корхоналар ва бирлашмаларни кўп сменали иш режимига ўтказиш уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашнинг ва фондлар са-

марадорлигини оширишнинг реал резервидир. Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистон саноатида сменалилик коэффициенти ўн биринчи беш йиллик давомида амалда ўзгармади ва 1,34—1,36 дан иборат бўлди. Электроэнергетика ва ёқилғи саноати корхоналарида бу кўрсаткич бир хил даражада қолди, химия ва нефть химияси саноати, қурилиш материаллари индустрияси, шиша ва чинни-фаянс тармоқлари корхоналарида эса у ҳатто пасайди. Тошкент ва Самарқанд областларидаги корхоналарнинг ярмида сменалилик коэффициенти 1—1,2 ни ташкил этади.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг IV пленумида (1987 йил февраль) республикадаги кўп сменали иш режимига ўтказилиши лозим бўлган 1108 саноат корхонасидан атиги 278 таси бундай режимга ўтказилганлиги қайд қилинди. Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1987 йил августда бўлиб ўтган VI пленуми аҳволнинг деярли ўзгармаганлигини таъкидлади.

Ҳатто «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи», В. П. Чкалов номли авиация ва бошқа илғор ишлаб чиқариш бирлашмаларида ҳам юксак унумли замонавий машиналар, рақамли программавий бошқариладиган станоклар, ишлов берувчи марказлар, автоматик линиялар, мослашувчан ишлаб чиқариш модулларидан 1,5 сменадан ортиқ фойдаланилмаётганлиги айниқса зўр ташвиш туғдиради. «Андижанирмаш» ва Чирчиқдаги «Трансформатор» заводларидаги рақамли программавий бошқариладиган металл қирқиш ускуналарининг сменалилик коэффициенти 1,43 дан иборат. Гарчи роботлар, рақамли программавий бошқариладиган станоклар ва бошқа замонавий ҳамда ғоят қимматбаҳо асбоб-ускуналардан фақат кўп сменали иш режимида фойдаланилганидагина улар ўзини муваффақиятли равишда қоплаши маълум бўлса-да, афсуски, асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг сменалилик коэффициенти паст бўлган корхоналар рўйхатини янада давом эттираверишиш мумкин. Бунинг боиси нимада?

КПСС МК, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1987 йил февралда қабул қилинган «Саноат ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида кўп сменали иш режимига ўтказиш тўғрисида»ги қарори шу беш йиллик топшириқларини техникани интенсив тарзда ишлатиш ва илғор технологияни жорий этиш ҳисобига бажаришга қаратилган. Бу қарорга мувофиқ эскирган станокларни демонтаж қилиш ва холи қилинган майдонлардан малакали ишчилар хизмат қиладиган замонавий линиялар ҳамда автоматлаштирилган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун фойдаланиш керак бўлади.

1987—1988 йилларда корхоналарни икки сменали, ноёб ва қимматбаҳо ускунали участкаларни — уч сменали, ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган жойларда эса — тўрт сменали иш режимига ўтказиш кўзда тутилган. Бунда конкрет иқтисодий натижаларга — ишлаб чиқаришнинг ўсиши, маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулотни бир маромда чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ходимларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилашга эришишни таъминлаш зарур.

Бундай режимга ўтиш янги саноат қурилиши ҳажмларини қисқартиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради, бизнинг республикамизнинг ўзига хос шароитида эса бу тадбир — ҳозирча иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг анча қисмини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш воситаси сифатида алоҳида социал аҳамият касб этади. Ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон ССРда меҳнат ресурсларининг салмоқли ўсиши юз бериши сабабли бу ғоят жиддий проблемадир.

1986 йилдан бошлаб 300 га яқин корхонанинг оширилган сменали иш режимига ўтказилгани яна 13 минг кишини ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун имконият яратди. Ишга обдон ўйлаб ва жўшқинлик билан ёндашилаётган жойларда яхши самараларга эришилмоқда. 1986 йилда ва 1987 йилнинг биринчи ярмида республика саноат корхоналарида ишнинг сменалилик коэффициенти бирмунча ошди ва 1,42 га, шу жумладан асосий цехларда — 1,46 га етди. Лекин, Ўзбекистон Компартияси МКнинг VI пленуми қайд қилганидек, бу йўналишда олиб борилаётган ишларни етарли деб бўлмайди.

Республикамиз саноат корхоналарини оширилган сменали иш режимига ўтказиш практикасининг кўрсатишича, бу соҳада анчагина нуқсонлар ва ҳал этил-

маган проблемалар мавжуд. Чунончи, баъзи корхоналарда бўлинмаларни икки-уч сменали иш режимига ўтказиш планлари тузилмаган, бу планларни бажариш юзасидан тадбирлар белгиланмаган, бўлинмаларнинг кўп сменали иш шароитида амал қилиши учётга олинмайди, юқори органлар эса корхоналарни тегишли методик ва амалий материаллар билан таъминлашмайди.

Юқорида эслатиб ўтилган қарорда чуқур иқтисодий анализ қилмасдан ва ишлаб чиқариш заруратисиз ишчиларни механик равишда сменаларга қайта тақсимлаш йўли билан кўп сменали иш режимига ўтишга йўл қўймаслик кераклиги кўрсатилган. Ваҳоланки, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига қарашли Меҳнат илмий-тадқиқот институтининг Ўзбекистон филиали мутахассислари ўтказган текширишнинг кўрсатишича, республиканинг қатор корхоналарида бу муҳим тадбир асосан расмият учунгина ўтказилмоқда. Лекин фақат мавжуд ускуналар ва ишчилар бир сменали ишдан икки ёки уч сменали иш режимига ўтказиб қўя қолинса натижаларнинг барибир илгариги ҳолича қолавериши маълум-ку. Буни «Андижанэлектроаппарат» заводи мисолида кўриш мумкин: бу ерда ишлаб чиқариш персоналининг 76 процентини биринчи сменага, 20 процентини — иккинчи ва 4 процентини учинчи сменага тақсимлаш билан кўп сменали иш режимига ўтишган.

Яна шуниси характерлики, иккинчи ва учинчи сменаларда кўпчилик ҳолларда иш вақтидан норационал фойдаланилади — ускуналарни ўз вақтида созламаслик, қайта созлаш ва ремонт қилиш сабабли улар бекор туриб қолади, меҳнат интизоми бузилади. Яна шуни ҳам қайд қилиш керакки, кўп сменали иш режимига ўтиш ўз-ўзидан, автоматик равишда ишнинг бир маромда боришини таъминлай олмайди. Масалан, «Таштекстильмаш» заводи кўп сменали иш режимига ўтгач 1986 йил декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида ойлик маҳсулот ҳажмининг 7,2 процентини, иккинчи ўн кунлигида — 8,1, учинчи ўн кунлигида эса — 84,7 процентини чиқарди. Корхоналарни хом ашё ва материаллар билан қўшимча равишда таъминлаш масаласи ҳал этилмаган, уларнинг кўпчилигида иккинчи ва учинчи сменаларда ишлайдиган ходимлар транспорт билан таъминланмаган, савдо, маиший хизмат, медицина хизмати яхши ташкил қилинмаган ва ҳоказо.

Натижада техника-иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиши ўрнига улар ёмонлашади ва айрим корхоналар учинчи сменани бекор қилишга мажбур бўлишади.

Кўп сменали иш режимига ўтиш тўғрисидаги қарор ўрнатилган асбоб-ускулар парки структурасини яхшилаш ва унинг самарадорлигини оширишга, станоклар, машиналар, агрегатлар ва ҳар бир иш ўрнини иш билан таъминлашга алоҳида эътиборни қаратиб, иш ўринларини аттестация қилишнинг ролини оширишни тақозо этади. Лекин республика корхоналарида эскирган ускуналар ҳиссаси ғоят секинлик билан камаймоқда, текшириш ўтказилган заводлардаги станоклар ва агрегатларнинг 35 процентга яқини ҳар доим ишламай туради. Бу заводларнинг биронтасида ҳам иш ўринларини аттестация қилиш охирига етказилмаганлиги сабабли бундай иш ўринларининг қайси бирини бекор қилиш керагу улардан қайсилари ҳозирги талабларга жавоб бериши номаълум бўлиб қолмоқда. Бизнинг тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ҳатто республикада биринчилардан бўлиб икки-уч сменали иш режимига ўтган ва тажрибаси ўз вақтида Ўзбекистон Компартияси МК томонидан маъқулланган «Андижанирмаш» заводида ҳам иш ўринларини аттестация қилиш амалда инвентаризация ўтказишдангина иборат бўлиб қолди. Икки-уч сменали иш режимига ўтиш ташаббускорларидан бири бўлган Чирчиқ трансформатор заводида ҳам иш ўринларини аттестация қилиш ва рационаллаштириш масаласига айнан шу тарзда расмиятчилик билан ёндашилди. Гарчи 97 нафар ускуна ишлаб чиқаришдан олинган ва 956 квадрат метрлик ишлаб чиқариш майдони холи қилинган ҳамда кейинчалик ана шу майдоннинг 901 квадрат метр жойида 95 нафар янги ускуна ўрнатилган бўлса-да, асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар, биринчи навбатда, меҳнат унумдорлигининг ўсиши рўй бермади. Гап шундаки, янгидан ўрнатилган ускуна фақат чиқарилган вақтига кўрагина янги бўлиб, техникавий характеристикаларига кўра алмаштирилган ускунадан фарқ қилмайди.

Иш ўринларини аттестация қилишнинг фақат яхши методик асосда ўтказилишигина ҳақиқатан ҳам бекор қилиниши лозим бўлган иш ўринларини топишга, технологик занжирдаги «танг» жойларни аниқлашга ва иш ўринларини рационал-

лаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишга имкон беради. Модомики, эскирган ускунани алмаштириш зарур бўлса, унда уни чинакам янги, илғор, юксак самарали ускуна билан алмаштириш лозим. Тўғри, фондлар ва энг янги ускуналарни етказиб бериш учун нарядлар борлигига қарамасдан бундай ускунани ҳар доим ҳам ўз вақтида олиш осон эмас. Чунончи, «Андижанирмаш» заводига Москвадаги автоматик линиялар заводи ишлов берувчи комплексни, Костромадаги автоматик линиялар заводи эса — 3 та агрегат станогини етказиб бермади. Афсуски, бундай мисоллар кўп учрайди.

Республика корхоналарида янги авлодларга мансуб юқори унумли техника салмоғи жуда паст — у шу корхоналарда ўрнатилган ускуналарнинг атиги 3,3 — 9 процентини ташкил этади. Бу кўп сменали иш режимига ўтишга қаттиқ тўскинлик қилмоқда.

Ўзбекистон саноатида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳали ҳам асосан экстенсив омиллар эвазига — ишловчилар сонини ошириш, ускуналарнинг ишлаш вақтини чўзиш ҳисобига таъминланмоқда. Чунончи, «Таштекстильмаш» заводида кўп сменали иш режимига ўтиш ишчиларнинг сменалилик коэффициентини 1,24 дан 1,30 га кўтаришга имкон берди, лекин бу ишчилар меҳнат унумдорлигининг 1,5 процент камайишига олиб келди.

Оширилган сменалиликка ўтгандан кейин вужудга келадиган проблемаларни ҳал этиш йўлларини олдиндан яхшилаб ўйлаб олинмаган жойларда шундай натижаларга эришилади. Мисол учун, кадрлар қўнимсизлиги ошмаслиги учун улар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш, алоҳида техник ва социал соҳаларда яхши томонга ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Кечки ва тунги сменаларда ишлайдиган меҳнаткашларни маънавий ва моддий рағбатлантириш масаласи — муҳим масаладир. Шу жиҳатдан кўп сменали иш режимига ўтиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига (касаба союз комитетлари билан биргаликда) қуйидагилар тавсия қилинади:

— социалистик мусобақа якунларини чиқаришда, мукофотлар ва фахрий унвонларга тақдим қилишда кўп сменали режимда ишлаётган ва юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришаётган меҳнаткашларга ва коллективларга кўпроқ эътибор бериш, уларга йил якунларига кўра бериладиган мукофотлар миқдорини ошириш;

— социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди маблағлари ҳисобига кечки ва тунги сменаларда ишлайдиган кишиларга текин ёки нархи камайтирилган иссиқ овқат беришни йўлга қўйиш;

— ҳар йилги отпускалар беришда, дам олиш учун йўлланмаларни тақсимлашда, боғ-полиз участкалари ажратишда ва шу сингариларда бундай кишилар учун имтиёзлар яратиш;

— кечки сменадаги иш учун соатбай тариф ставкасининг 20 процентигача, тунги сменадаги иш учун эса — 40 процентигача қўшимча ҳақ жорий этиш.

Касаба союз ташкилотларининг кечки ва тунги сменалардаги ишни йўлга қўйишдаги роли тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Шу муносабат билан Тбилисидаги «Электровозостроитель» ишлаб чиқариш бирлашмаси тажрибаси ўрганиш ва оммалаштиришга лойиқдир. У ерда кўпгина участкаларда шундай система маъқулланган: иккинчи ва учинчи сменаларда ҳар бир ходимга конкрет программа берилади. Агар у бу программани муддатидан илгари бажарса, шу заҳоти уйига кетавериши мумкин. Агар илгари ярим соатгача бўлган иш вақти сменани топширишга кетган бўлса, эндиликда бундай тартибга барҳам берилган. Кундузи ишлаган кишилар олдиндан заготовкаларни келтириб қўйишади, сменадошларининг иш графигини тартибга келтиришади, бундай графикни комплекс бригада раҳбари эрталаб тузади. Бундай система ходимларнинг малакасини оширишини, уларнинг янги технологияларни, ускуналарни жадал ўзлаштиришини рағбатлантиради.

Қуйидаги ҳолга ҳам эътиборни қаратиш лозим. Икки-уч сменали режимга ўтилганидан сўнг инженер-техник ходимлар ва раҳбарлар кейинги сменаларда ўз ихтиёрлари билан қолиб ўтирмасликлари учун уларга ҳам сменалилик графигини жорий этиш лозим. Таллиндаги «Эсти кабель» заводи тажрибасига муро-

жаат киламиз, бу завод суткалик иш режимига ўтиб, тунги соатлардаги меҳнат учун устама ҳақ белгиланганлигини ҳисобга олмаганда машиналар паркини қўшимча сарф-харажатларсиз уч баравар кўпайтирган, лекин олдинига кечки ва тунги сменалар самараси кундузги сменадагига нисбатан паст эди. Анализ узилишлар ва «ўпирилишлар» одатда технологик занжирнинг туташган жойларида содир бўлишини кўрсатди. Иккинчи ва учинчи сменага бутун корхона ишини координация қилиб туришга ва оператив тарзда завод раҳбари даражасида қарорлар қабул қилишга қодир мутахассис керак эди. Ана ўшанда сменалар директорлари лавозими жорий қилинди. Тўғри, штат жадвалида янги раҳбарларнинг масъулият даражасига мувофиқ келадиган маошлар кўзда тутилмагани сабабли уларни лозим имтиёзларга эга мастерлар ставкаларига расмийлаштиришди. Фикримизча, бу тажриба жиддий эътиборга сазовор.

2—3 сменали иш режимига ўтишда зарур бўладиган чора-тадбирлар комплекси юқорида кўрсатилганлардан ташқари, шунингдек, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ускунани ўз вақтида алмаштириш, эскирган маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишчиларга янги станоклар, машиналар, технологик қурилмалар билан ишлашни ўргатишни ҳам ўз ичига олади. Қўшимча миқдордаги энергия, хом ашё ва бошқа ресурслар ҳам зарур бўладики, бу ҳам ишлаб чиқаришни муайян тарзда қайта қуришни талаб қилади. Иш ҳақи фондларидаги, комплексловчи узеллар ва деталларни етказиб берувчилар билан алоқалардаги зарур ўзгаришлар олдиндан планлаштирилиши, кечки ва тунги сменаларда ишлайдиган кишилар имтиёзлар ва тўловлар билан таъминланиши керак.

Шаҳар хўжалиги, айниқса транспорт меҳнат графигидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб қайта қурилиши лозим. Ўқув юртлари, болалар, медицина, спорт ва бошқа муассасалар, умумий овқатланиш, маиший хизматлар ишини иш кунининг янги структурасига мослаштириш керак.

2—3 сменали режимга ўтиш катта афзалликлар ваъда қилиш билан бирга янги проблемаларни ҳам келтириб чиқаради. Чунончи, шундай режимга ўтказилаётган корхоналарда тунги сменаларда ишловчилар учун имтиёзларнинг жорий қилиниши аллақачондан бери бундай имтиёзларсиз уч сменада ишлаб келадиган корхоналарда кадрлар қўнимсизлигини келтириб чиқариши мумкин. Ундан ташқари, ускуналарнинг иш билан бандлиги оширилганида уларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш учун кўпроқ малакали станокчилар ва созловчилар талаб қилинади, бунга ҳамма жой ҳам бирдай тайёр эмас. Янги иш режими чоғида ускуналар, хом ашё, материаллар ва комплектловчи буюмларни етказиб бериш муддатларига амал қилинмаслиги ишлаб чиқариш маромига ниҳоятда ёмон таъсир кўрсатади. Кечки бўлимларда ўқийдиган студентлар, хотин-қизларнинг тунги пайтдаги иши, корхонанинг социал эҳтиёжларини қондириш проблемалари оптимал тарзда ҳал этишни тақозо қилади.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига қарашли Меҳнат илмий тадқиқот институтининг Ўзбекистон филиали олимлари корхоналар ва бирлашмаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Саноат корхоналарини 2—3 сменали иш режимига ўтказиш юзасидан методик тавсияномалар»ни тайёрлашди, бу тавсияномалар Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети томонидан тасдиқланди ва ҳозирги пайтда нашрдан чиқарилди.

Ҳозир бутун мамлакатда бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам меҳнат унумдорлиги даражасини кўп марталаб оширишга имкон берадиган ишлаб чиқаришни принципиал янги техника асосида реконструкция қилиш жараёни амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз экономикасини ривожлантиришнинг ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, КПСС ва Совет ҳукумати ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бу босқичдаги асосий вазифаларни белгилаб келади. Бугунги кунда ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни, хусусан корхоналар ва бирлашмаларни кўп сменали иш режимига ўтказиш йўли билан тубдан яхшилаш вазифаси ана шундай асосий вазифалардан биридир.

КИШИЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДА ИШ ОЛИБ БОРИШ— ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ФОРМАСИ

М. ОРИПЖОНОВ,

Ўзбекистон Компартияси Андижон область партия комитетининг биринчи секретари

БИРМУНЧА ВАҚТ аввал матбуотда Андижон областининг Хўжаобод районидаги колхозлараро кўчма механизациялашган колонна партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ташаббуси ҳақида маълум қилишганди. Курувчиларнинг ўйлаган нарсаси ҳам, нияти ҳам ижросига кўра ниҳоятда жўн эди: колхозлараро кўчма механизациялашган колонананинг (ККМК) партия ва жамоат ташкилотлари вакиллари ўша механизациялашган колонна ходимларининг болалари ўқишадиган ёнларидаги ўрта мактабга келишиб, пионер дружинасининг йиғилишида болаларга ота-оналарининг — социалистик мусобақа ғолибларининг меҳнат муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилиб беришди.

Хўш, бундай қараганда бунинг нимаси ажабланарли? Лекин, бу тадбир одамларнинг кайфиятига, уларнинг ишга муносабатига таъсир қилиб, оқибат натижада колонна коллективининг план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришини таъминлаган омиллардан бири бўлди.

Одамлар билан якка тартибда иш олиб боришга мана шундай ижодий ёндашиш мисоли шуни кўрсатадики, ишни яхшилашда энг муҳим нарса ҳар бир кишига манфаатдорлик, эътибор билан муносабатда бўлишдир. Бунда ташаббус, топағонлик учун, меҳнат коллективи аъзоларининг ҳам моддий фаровонлиги, ҳам ахлоқий соғломлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш учун катта имкониятлар очилади. Буни бизда ҳозир ҳамма жойда ҳисобга олишади ва идеологик ишни бугунги кун талабларига мувофиқ қуришга ҳаракат қилишади. Бусиз область олдида турган йирик социал ва иқтисодий вазифаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Партия XXVII съездида кўрсатиб ўтилганидек, идеология соҳасида «ялписига» иш қурилганда жонли одам диққат-эътибордан четда қолади. Қанча одам «қамраб олинганлиги» тўғрисидаги рақамлар кўпинча, бир томондан, бизни жамоатчиликнинг жуда катта ҳурмат-эътиборига лойиқ бўлган фидокор меҳнаткашлардан, иккинчи томондан, ғайрисоциалистик ахлоқни ташувчилардан тўсиб қўяди. Шунинг учун ҳам область партия комитети партия ташкилотлари билан партия комитетларини тарбия ишини мумкин қадар конкрет, аниқ олиб боришга йўналтирмоқда. Агар областимизни характерловчи шарт-шароитлар ва унинг ўзига хос хусусиятларининг анализига мурожаат қиладиган бўлсак, бу талабнинг асослилиги яна ҳам ишончли бўлади.

Андижон области — мамлакатимизнинг аҳоли жуда зич яшайдиган областларидан бири. Ўсишнинг ҳозирги суръатлари шароитида унинг аҳолиси ўн иккинчи беш йилликда 250 минг кишига ортади. Бу, табиийки, озиқ-овқат маҳсулотларини тегишли равишда кўпроқ ишлаб чиқаришни, инфраструктура объектлари қурилишини кенгайтиришни ва ҳоказоларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам биз қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш йўлини тутяпмизки, бу ана шундай объектларни қуриш зарур бўлган ер проблемасини ҳал этишга имкон беради.

Область партия комитети бу йўналишда муттасил иш олиб бормоқда. Биз аҳолини юз берган аҳволдан хабардор қилиб туришга ҳаракат қиламиз, бунда ҳар бир одамга тушунарли бўладиган формани танлаймиз. Бунда якка тартибда

тушунтиришсиз иш битмайди. Бу ўз самарасини беряпти. Масалан, агар илгарилари кўплар кўрик Комсомолобод районига кўчиб боришдан бош тортишган бўлса, ҳозир буни хоҳловчилар анча. Улар орасида иш билан банд бўлмаган аҳолининг бир қисми ҳам бўлиб, улар шу тариқа ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинади. Ҳа, айтмоқчи, бундай аҳоли ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бормоқда ва область партия комитетига унинг бандлигини ошириш учун доим қандайдир тадбир-чоралар ўйлаб топишга тўғри келмоқда. Чунончи, фақат кейинги вақтнинг ўзида ўнлаб саноат корхоналари ишга туширилди. Улар орасида Андижондаги ип газлама комбинати, областнинг бир қатор районларидаги йигирув-тўқув бирлашмалари, Охунбобоев шаҳридаги давлат шарикоподшипник заводи ва бошқа кўплаб корхоналар бор; Ленинск шаҳрида трактор прицеплари заводи қурилиши давом эттириляпти. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Бу мақсадлар учун фақат шу беш йилликнинг ўзида 7,2 минг гектар унумдор эски суғорма ерларни ажратиш мўлжалланмоқда. Биз бу тадбирларни амалга оширишга мажбурмиз, чунки областдаги суғориладиган ерларнинг ҳар гектари алоҳида ҳисоб-китобда.

Демографик проблемалар билан областни социал-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини биргаликда ҳал этиш зарурати ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишни тубдан қайта қуришни, уни бевосита меҳнат коллективларида, бригадаларда, звеноларда олиб боришни, уни ҳар бир кишига яқинлаштиришни талаб қилади. Тобора кенг қулоч ёзаётган бу улкан ва мураккаб ишда инсон омили ролига биз ҳал қилувчи омил деб қараймиз.

Сир эмаски, яқин-яқиндагина ҳам тарбиявий ишда декларатив, кампаниячилик, кўпинча очиқдан-очиқ формал ёндашув устунлик қиларди. Сўз билан иш ўртасидаги узилиш, кадрлар бир қисмининг маънавий айниши, турғунликнинг бошқа зарарли оқибатлари халқ хўжалигида, ҳаётимизнинг барча соҳаларида йиғилиб қолган проблемалар ва ҳал этилмаган масалаларни янада чуқурлаштирди.

Шунинг учун ҳам психологик қайта қуриш, кадрларда, барча меҳнаткашларда замонавий иқтисодий тафаккурни, янгича фикрлаш ва ишлаш иштиёқини шакллантириш — бугунги кунда биринчи даражали вазифадир. Область партия комитети ўз амалий фаолиятида шундан келиб чиқадики, бу биринчи навбатда раҳбарларга, партия ва совет ходимларига тааллуқлидир. КПСС МКнинг Бош секретари М. С. Горбачев Смольнийда, партия ветеранлари, революцион воқеалар иштирокчилари, беш йилликлар зарбдорлари, Ленинград партия ташкилоти активи билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида район ва шаҳар комитетлари фаолияти савиясини оширишнинг алоҳида муҳим аҳамиятини таъкидлаб, шундай деди: «Район ва шаҳар комитетлари партиямизнинг қайта қуришнинг олдинги марраларига ўтказиб қўйилган, одамларга, бошланғич партия ташкилотларига ҳаммадан яқин турадиган таянчлардир. Бугун партия сарфлаётган куч-ғайратларнинг пировард натижалари кўп жиҳатдан уларнинг қанчалик маҳорат билан пухта ўйлаб, янгича ҳаракат қилишларига боғлиқ».

Шу муносабат билан кадрлар билан индивидуал иш олиб боришнинг энг муҳим йўналишларидан бири — бу район ва шаҳар партия комитетлари секретарларининг онг-билим даражасини кенгайтириш, уларнинг ишчанлик ва маънавий фазилатларини такомиллаштириш, замонавий фикрлашни шакллантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишдир.

Ақлли, омилкор, одамлар билан ишлай биладиган район ёки шаҳар партия комитети секретари бошланғич партия ташкилотлари орқали ўнлаб меҳнат коллективларида ишни яхши йўлга қўйишни таъминлашга қодирдир. Ҳозир ҳамма жойда раҳбарларга кўз-қулоқ бўлиб туришади, уларнинг қандай одамлар эканлигини, пайдо бўлаётган проблемаларга муносабатини, қайта қуришдаги иштирокини кузатиб боришади, улар тўғрисида берилган ваъдаларига қараб эмас, балки конкрет ишларига қараб фикр юритишади. Фақат иш — бу меҳнаткашлар учун раҳбарнинг асл қиёфасини кўрсатувчи бир кўзгудир. Раҳбарнинг кишиларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиши ёки бўлмаслиги бутунлай ана шунга боғлиқ. Бир мисол келтираман.

1985 йилда областимиз районлари партия комитетлари секретарларининг кенгашида гўшт тайёрлаш планини аҳолидан мол сотиб олмасдан бажаришни таъминлашни талаб қилиб чиқишди. Буни тушунтирай: ўтган беш йилликда кол-

хозлар ва совхозлар ҳар йили бозордан тахминан 20 миллион сўмга мол сотиб олишардики, бу хўжаликлар экономикасига салбий таъсир қиларди, одамларнинг ихлосини қайтарар, суиистеъмол учун замин яратарди. Лекин ўша вақтлардаёқ гўшт тайёрлаш йиллик планлари нотекис бажариларди. Шунинг учун ҳам кўпгина район партия комитетлари секретарлари ўртага ташланган талабнинг бажарилишига шубҳа билдирдилар, бунда улар хўжаликларда бунинг учун зарур база йўқлигини назарда тутишганди.

Лекин шунга қарамай, биз қуйидагича иш тутишга келишиб олдик: ҳар бир фермадаги аҳволни чуқур ўрганиш, мутахассисларга ёрдам кўрсатиш, чорвадорлар ўқувини ташкил этиш, яъни 1986 йилнинг бошидан давлатга четдан мол сотиб олмай гўшт топшириш учун тайёргарлик ишини мумкин қадар конкретроқ ўтказишга ўзаро келишиб олдик. Албатта, вазифани яхшилаб тушунтириш, одамларни ташкил этиш учун кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келди, область, район партия комитетларининг секретарлари, область агросаноат комитети ходимлари бу ишда бевосита иштирок этдилар. Илғор хўжаликлар базасида ўтказилган семинар ва кенгашлар, шу жумладан зонал семинар-кенгашлар шубҳасиз катта фойда келтирди, уларда зоотехниклар, қочирувчилар, ферма мудирлари, озуқа тайёрловчилар иштирок этишди. Колхозлар ва совхозларга чорвачиликнинг моддий базасини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатилди. Муҳими шундаки, етарли миқдорда озуқа тайёрлашга эришилди, натижада хўжаликлар қишлоъдан озуқанинг катта запаси билан чиқишди. Кўп йиллардан буён биринчи марта область газеталарида область матлубот союзлари орқали аҳолига силос, пичан, сенаж, похол, хашаки лавлаги сотиш ва уларни уйига транспортда олиб бориб бериш имконияти борлиги тўғрисида эълон берилди. Одамлар областда ем-хашак базаси мустаҳкамланаётганига, бугун бўлмаса, эртага улар озуқани зарур миқдорда сотиб олишлари мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Амалга оширилган тадбирлар тез орада реал самаралар берди. 1986 йил якунларига кўра область гўшт тайёрлаш планини 107 процент қилиб бажарди, 1985 йилга нисбатан 17 процент қўшимча маҳсулот берилди. Сут тайёрлаш 31 процентга кўпайди. Ҳар 100 бош сигирдан планлаштирилганидан 10 бош кўп, яъни 87 бузоқ олинди. Бу область хўжаликларида жуда катта резервлар мавжудлигидан далолат беради, биз улардан ҳали яхши фойдалана олмаяпмиз.

Ишни яхшилашда инсон омилининг аҳамиятини қуйидаги мисол ҳам кўрсатиб турибди. 1987 йилнинг мартида Олтинкўл районининг «Тошкент» колхозидаги 2-бригада раҳбари Ш. Мирзаабдуллаев билан бўлган обдан тушунтириш ишидан кейин қуйидаги эксперимент ўтказилди. Бригада 10 гектар пахта майдонига редиска экишди, у апрель охирларидаёқ пишиб етилди ва экин майдонининг ҳар гектаридан тахминан 1900 сўмлик редиска олинди. Бу фойдалими? Шак-шубҳасиз. Май ойида ўша даланинг ўзига чигит экишди. Чунки хўжаликнинг бошқа ерларига чигит бир ой аввал экилганди, бригада ўша 10 гектарга алоҳида эътибор берди. Натижада бу ерда ғўза бошқа плантациялардагига қараганда яхшироқ ривожланди. Бу бригадага районда биринчилар қаторида пахта тайёрлаш планини бажаришга имкон берди.

Бу экспериментдаги энг муҳим нарса нима? Экспериментнинг бригадир ва меҳнат коллективи аъзоларининг психологиясига кўрсатган таъсири. Кишиларда областимизнинг айрим районларида пахта далаларида ҳам сабзавот маҳсулотларидан қўшимча маҳсулот олиш мумкинлигига ишонч туғилди.

Ш. Мирзаабдуллаев бригадаси эндиликда редискани мартда эмас, балки кузда экишга қарор қилди, чунки бу қатор афзалликлар беради: биринчидан, ҳосил эрта пишиб етилади, иккинчидан, редиска қимматроқ сотилади, учинчидан, коллектив аъзолари қиш даврида ҳам ишсиз қолишмайди.

Область партия комитетлари бу бригада мисолида хўжалик раҳбарлари ва бригадирлари орасида катта тушунтириш ишини олиб боришди. Натижада шундай қарорга келинди: 1988 йилда 960 гектар пахта майдонида 16400 тонна эрта пишар сабзавот — редиска, пиёз ва бошқа маҳсулотлар олишга қарор қилинди.

Марҳамат районидаги Комсомол 60 йиллиги номли совхознинг раҳбарлари, экономика хизмати мутахассислари қишлоқ меҳнаткашларида янгича фикрлашни кунт билан бир мақсадни кўзлаб шакллантирмоқдалар. 1985 йилда бу ерда бир неча бригада коллектив пудратга ўтди, ҳолбуки, бунинг олдидан анча тортишув-

лар, баҳслар, эътирозлар, янгиликка очиқдан-очиқ ишончсизликлар бўлганди. Лекин шу йилнинг ўзидаёқ пудрат бригадалар ўзининг самарадорлигини исботлади.

Ҳадемай бошқа ҳамма бригадалар ихтиёрий равишда пудратга ўтдилар. Иқтисодий таълим мактаби пропагандистлари илғорлар тажрибасини кенг ёйишди, совхоз радиоузели эшиттиришларида бу ҳақда ҳикоя қилинди. 1986 йил пахтакорлар учун осон бўлмади. Лекин районда ягона хўжалик пахта тайёрлаш планини уддалади.

Бу ерда бундай ёндашиш бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилмоқда. Совхозда эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолишмайди. Чунончи, 1987 йил апрелидан бошлаб барча пахтачилик бригадаларида ҳисоб-китобнинг чек системаси жорий қилинди. Янгилик деҳқонлар учун ноқулай келган йил қийинчиликларини енгишларига ёрдам берди. Иш юритишнинг янгича методлари ёрдамида одамларда меҳнатнинг пировард натижаларидан манфаатдорликни оширишга эришилди.

Умуман амалий иш конкрет якунининг киши психологияси, тафаккурига таъсир кучини таъкидлаб ўтишни истардим. Эсимда, 1985 йилда область партия комитети 100 центнерлик маккажўхори дони ҳосилига эришиш масаласини қўйганда кўплар бу мақсаднинг реаллигидан шубҳаланишларини очиқдан-очиқ айтдилар. Улар ҳатто рекорд кетидан қувиш навбатдаги қўшиб ёзишларга туртки бўлиши мумкин, дейишди.

Шубҳаланаётганларга Андижон области шароитида фақат 100 центнерлик ҳосил эмас, балки маккажўхоридан бундан ҳам юқори ҳосил олиш мумкинлигини амалда кўрсатишга қарор қилинди. Область партия комитетида ва жойларда областнинг энг яхши маккажўхорикорлари билан бир неча учрашувлар ўтказилди. Улар орасида бундай имкониятни иши билан исботлаш вазифасини ўз зиммасига олган одамлар ҳам топилди. Мана, масалан, Ленин районининг «Социализм» колхозидаги Х. Мўйдинов бошлиқ бригада 98 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 112 центнердан «қаҳрабо дон» олди. Шуни таъкидлаш керакки, бу ўша йиғим-терим, тайёрлаш ва ташиш пайтидаги нобудгарчиликлар ҳисобга олинмай омборхонага солиб қўйилган ҳосилдир. Аслида эса ўша йили ҳосилдорлик 130 центнердан кам бўлмади.

Кишиларни уларнинг ўз куч ва имкониятларига ишончларини қунт билан мустаҳкамлаб бориб шунга эришилдики, улар ўзларига, бир қарашда амалга ошириб бўлмайдигандай туюлган мақсадларга эришишнинг реаллигига ишондилар. Энг ишончли далил шу бўлдики, энди эришилган натижаларни мисол қилиб келтириш мумкин эди. Ўша натижаларни қўлга киритган кишилар биз мўлжаллаган режалар хомхаёл эмас, балки бемалол амалга оширса бўладиган ишлар эканлигига биринчи бўлиб ишондилар.

Тўғри, бу ўринда масаланинг бошқа томонини ҳам айтиб ўтиш керак. Областимизда, республикада ҳам одамлар негадир юқори ҳосилдан чўчийдиган бўлиб қолишган, бу сезилиб қоляпти. Агар юқори ҳосил олишса ҳам — уни кўрсатмасликка уринишади. Хўш, бу мантиққа зид ҳодисанинг сабаби нимада? Яна ўша — одамлар психологиясида. Гап шундаки, ўша Х. Мўйдинов бош бўлган бригадада экин майдонини ва ҳақиқий ҳосилдорликни кимлар текширмади дейсиз, ҳатто республика халқ контроли комитети ҳам текширди. Бу кетма-кет текширувлардан кейин: «тинч-хотиржам яшайман десанг ўрта ҳисобда юравер. Ана шунда сени ҳеч ким ташвишга қўймайди» деган хулосага келади киши.

Шунинг учун ҳам бизда шундай бир таассурот қолдики, кўпчилик хўжаликларда ҳали-ҳалигача ҳисоботларда «ҳеч кимни ташвишга қўймайдиган» ҳосилдорлик кўрсатилади, ҳосилнинг қолган қисми эса талон-торож қилинади. Ахир, бу ерда гап қайта қуришда жуда муҳим роль ўйнаши керак бўлган ўша инсон омили, инсонга ишонч, унда ишлаб чиқаришнинг асл хўжайини туйғусини тарбиялаш тўғрисида боряпти, чунки М. С. Горбачев КПСС МКнинг 1987 йил июнь Пленумида таъкидлаганидек, «меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришнинг соҳиби бўлиш манфаатдорлиги — энг муҳим манфаатдорлик социал-иқтисодий тараққиётни ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг ҳаракатга келтирувчи қудратли кучи эканлиги назарий ва амалий жиҳатдан шак-шубҳасиздир».

Бу масалага бугун биз алоҳида аҳамият беряпмиз. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, айрим раҳбар кадрларнинг давлат планларини «қоғозда» бажаришга

интилишларига ҳали ҳам барҳам берилмаган. Кейинги ўн йилликларда одамларда қаттиқ ўрнашиб қолган бу зарарли психологияни тубдан ўзгартирмоқ даркор.

Якка тартибдаги ишнинг самарадорлиги область корхоналарининг кўп сменали ишга ўтказилишида ўзининг конкрет ифодасини топди. Мана, масалан, «Андижанирмаш» заводини олиб кўрайлик. Бу ерда 1986 йилнинг майидан август ойигача янги режимга ўтиш учун жуда жиддий тайёргарлик кўрилди. Заводдаги қайта қуришнинг моҳиятини беистисно ҳамманинг онгига етказиш керак эди, йўқса қўйилган вазифаларни бажариб бўлмасди. Корхона партия ташкилоти, партия бюроси, маъмурияти одамларни бу ўзгаришларга қизиқтира, коллективни ўша ўзгаришларни амалга оширишга сафарбар эта олди. Хўш, бу қандай амалга оширилди? Ҳамма цехларда мажлислар бўлиб ўтди, лекин баъзида айрим одамлар билан алоҳида тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди. Кўп сменали ишга ўтилганда меҳнатчилар эхтиёж ва талабларини аниқлаш ҳамда ҳисобга олиш муҳим эди. Бунда майда-чуйда ишларга ҳам қўл силтамаслик керак. Зеро инсон омили — нозик нарса бўлиб, индивидуал характерга эга, шахсга бепарволик кейинчалик катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Заводда барча проблемаларни: социал-маиший, транспорт, савдо ва бошқа проблемаларни худди ана шу позициялардан туриб ҳал этишди.

Мана, гальванопрокат, рангли қуйма цехлари, ишлаб чиқаришнинг бошқа «танг» участкалари уч сменали режимга ўтишди. Цехларни қайта жойлаштириш, ишдан чиққан ускуналардан фойдаланмаслик ҳисобига янги участка — пахтачиликдаги юк ортувчи ўзиюрар машиналар учун агрегат ва узеллар ишлаб чиқариш участкаси барпо этилди.

1987 йилнинг январидан июлигача 1986 йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 26 процент, шу жумладан юк ортувчи ўзи юрар машиналар унуми — 1,5 баравар, гидроцилиндрлар — 12 процент, фильтрлар — 14 процент ортди. Иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш фондлари 23 процентга кўпайди, ишлаб чиқаришга қўшимча равишда салкам 200 киши жалб қилиндики, бу меҳнат ресурслари ортиқча бўлган шароитда анча аҳамиятлидир.

Инсон омили қурилиш ташкилотларини 2—3 сменали иш режимига ўтказиш пайтида ҳам катта роль ўйнади. Тўғри, аввалига вазифанинг бу тарзда қўйилиши ҳатто трестлар раҳбарларида ҳам шубҳа уйғотди. Қурилиш ташкилотларининг «юқори эшелон»ини область партия комитетида уч марта тўплаб, бу борада тушунтириш ишини олиб боришга тўғри келди.

Ҳар ҳолда янги режимга ўтиш юз берди. Бу сезиларли натижалар берди, мана энди қурувчилар қайта қуриш самараларидан хурсандликларини очиқ айтмоқдалар. Бу самараларни кўриқ Комсомолобод районида қад кўтараётган уй-жой қурилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. «Андижонводстрой» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасига қарашли 6-ва 7-кўчма механизациялаштирилган колонналар уч сменада ишлаб, 1987 йилнинг февралидан май ойигача йиллик программани бажаришди, Оқолтин посёлкасида 3,5 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Бундан кейин улар қўшимча равишда 2 минг квадрат метр майдонга эга бўлган 10 та тураржой ва 280 ўринли болалар боғчасини қуриб, фойдаланишга топшириш мажбуриятини олишди. 6-КМК СССР 50 йиллиги номли совхозда 2,5 ой ичида 90 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топширди.

Шуни таъкидлаш керакки, кадрларимизнинг ҳаммаси ҳам бугун ўзини қайта қуришга, қабул қилинган қарорларни амалга оширишга чуқур ўйлаб, масъулият билан ёндашишга қодир деб бўлмайди. Баъзида раҳбар ходимни ўқитишга анча вақт сарф қилинади, унинг самара беришини сабр-тоқат билан кутамиз, лекин ўша киши умидимизни, коллектив ниятини оқламади, у ишни йўлга қўймадигина эмас, балки баъзида уни тамоман барбод қилди ҳам. Масалан, У. Раҳимов яқин-яқиндагина Комсомолобод районидаги «Комсомол» совхозини бошқарган эди. Уни бир неча бор ўқишга юборишди, у бошқалар қатори семинар ва кенгашларда қатнашди, лекин бугунги кун талабларини барибир ўзлаштира олмади, уларга мувофиқ иш кўра олмади. Директорда иқтисодий тафаккурнинг пастлиги, ташкилотчилик қобилиятининг бўшлиги шунга олиб келдики, бу хўжалик фақат 1987 йилнинг биринчи ярмида чорвачиликда 282 минг сўмлик зарар кўрди. Совхоз-

да етиштирилган бир центнер гўшт 1700 сўмга тушди. Табиийки, область партия комитети бу аҳвол билан муроса қилолмади ва область агросаноат комитетига бу раҳбарнинг ўз вазифасида қолиш-қолмаслиги масаласини ҳал этишни, район партия комитетига эса — унинг партиявий масъулияти масаласини кўриб чиқишни тавсия қилди. Область агросаноат комитетининг қарорига мувофиқ У. Раҳимов вазифасидан бўшатилди, район партия комитети эса унга учёт карточкасига ёзиб қўйиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилди.

Бу факт икки нарсани кўрсатиб турибди. Бир томондан, биз кадрларни синчиклаб ўрганиб танлашимиз керак, бунинг учун эса уларни яхшироқ билиш керак. Бу ўринда ҳам индивидуал ишнинг фойдаси жуда каттадир. Иккинчи томондан одам янги вазифага тайинланганидан кейин у билан доимо ҳам чидам билан ишлашамизми? Ёзувчи Ч. Айтматов ўзининг 1987 йил февралда «Правда» газетасида эълон қилган мақоласида инсонни тарбиялаш — бу якка тартибда қилинадиган иш деб жуда ўринли таъкидлади! Бу тўғрида биринчи навбатда бизлар, партия ходимлари ўйлашимиз керак. Хўш, баъзида қандай бўлади? Айрим ўртоқларга олдимизда турган вазифалар моҳияти уларнинг онгига тўла етиб бориши учун ўша вазифаларни чуқур, батафсил тушунтириб бериш керак — ана шундагина улар шунга мувофиқ ҳаракат қила бошлайдилар. Лекин бундай тушунтириш учун активистларимизнинг кўпчилигида сабр-чидам ҳам, ҳафсала ҳам, вақт ҳам етишмайди. Югур-югур ва шошилинчда баъзида ишга астойдил берилган, унга садоқат билан хизмат қилишга тайёр турган, лекин ҳозирги шароитда биринчи даражали аҳамиятли бўлган нарсани дарров илғаб ололмайдиган кишиларни қўлдан чиқарамиз. Бундай одамларни нимани қандай қилишни жуда яхши тушунадиган, лекин масалаларни вақтида ҳал қилмай, пайсалга соладиган, бу билан аслида қайта қуришга тўсқинлик қиладиган кишилардан фарқлай билиш керак. Табиийки, бизларнинг улар билан йўлимиз бир эмас.

Биз одамлар билан олиб борадиган ишимизда ҳам тажрибали, ҳам ёш кадрлардан тўғри фойдаланиш ҳақидаги ленинча талабни ҳамиша эсда тутамиз. Бўлажак раҳбарлар бугунги ёшлар орасидан етишиб чиқади. Партия комитетларининг ёш авлодга ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туриши, унинг имкониятларини ўрганиши, уларни ғоявий чиниқтириши, уларнинг дунёқараши ва ҳаётий позицияларига актив таъсир кўрсатиши қонуний бир ҳолдир. Шуни ҳам айтиш керакки, областимиз аҳолисининг ўртача ёши — 24. Уларнинг учтадан бири — ўқувчи ё студент.

Яқинда область партия комитети бюросида «КПСС XXVII съезди талаблари асосида кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш юзасидан область олий ўқув юртлари партия ташкилотларининг иши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Бундан олдин обком бюроси аъзолари институтларда бўлишди, аудиторияларда студентлар билан учрашишди, уларни тўлқинлантираётган масалаларни биргаликда муҳокама қилишди. Андижон пахтачилик институтидаги ажойиб эксперимент ана шу учрашувларнинг натижаси бўлди. Студентлар орасида норасмий равишда лидерликни қўлга олган ўттизта студентга комплекс бригада тузиш, ўқишнинг сиртқи бўлимига ўтиш ва қўриқ Комсомолобод районига бориб ишлаш таклиф этилди. Бригада ишини область партия комитети ўз назорати остига олди.

А. Қорабоев бошчилик қилган бригада ўзини яхши кўрсатди, у «Комсомол» совхозида ишлаб қисқа муддат ичида ҳосилнинг асосий қисмини йиғиб-териб олди. Бундай фактлар ҳозирча кўп эмас-у, лекин улар давр руҳига мос тушиб, шак-шубҳасизки, кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Областда партия, совет ва хўжалик активи ўқишига кўп эътибор берилади, улар давр талаби даражасида олиб борилмоқда. Чунончи, Андижон педагогика институти базасида область мактаблари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг тўрт кунлик машғулоти ўтказилди. Программага мактаб ислоҳотининг актуал масалалари бўйича лекциялар ва амалий машқлар киритилди. Энг охирида область партия комитети секретарлари ва бўлим мудирлари билан учрашув бўлди. Бу суҳбат анча фойдали бўлди, қатор амалий таклифлар тушди ва танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Партия ходимларининг профессионал маҳоратини ошириш учун уларнинг область, шаҳар ва район партия комитетларидаги стажировкаларидан фойдаланилади.

Бугун партия масалани шу йўсинда қўйяптики, ҳар бир раҳбар давлат маблағини ҳисоблай олсин. Бунга қодир бўлмаган ёки буни истамаган одамнинг ишлаб чиқариш командири бўлиши мумкин эмас. Биз ана шу қоидага амал қилиб иқтисодий таълимни кадрларда социалистик омилкорлик, хўжаликни самарали ва тежамкорлик билан юритиш маҳоратини шакллантирадиган йўналишда ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб раҳбарлар, партком секретарлари, бош инженерлар, шунингдек 33 йирик бирлашма ва корхонага юқори лавозимга кўтариш мўлжалланган резервдаги мутахассислар — ҳаммаси бўлиб салкам 100 киши 40 соатлик программа бўйича шуғулланмоқдалар. Тошкент халқ хўжалиги институти Андижон филиалининг ўқитувчилари, қатор бирлашмаларнинг бош экономистлари «Экономика ва саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш» курсини олиб боришмоқда. Товар-пул муносабатларининг назарий асосларини, корхоналарни хўжалик юритишнинг янги методларига ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда конкрет экономикани ўрганишга кўп эътибор берилмоқда.

Ўтмиш сарқитларига, текинхўрлик, ичкиликбозликка қарши кураш тарбиявий ишнинг ажралмас қисмидир. Биз бу ишда аҳоли билан турар жойларда ташкил этиладиган учрашувлар, қишлоқ йиғинларидан активроқ фойдаланадиган бўлдик. Область партия комитети бюроси аъзоларининг яқинда маҳаллалардан бирида ўтказилган суҳбат чоғида, шу ерда тўпланганлардан бирор киши курорт шаҳарларда, Москва, Ленинградда бўлганми, деган саволига, йиғилган 300 киши (уларнинг кўпчилиги хотин-қизлар эди) йўқ деб жавоб қилишди. Яна бир нарсани айтиб ўтиш керакки, областимиздаги оилаларнинг кўпчилиги кўп болали бўлганлиги учун ҳам туғилишни оқилона тартибга солиш проблемаси тобора жиддий проблема бўлиб қолмоқда. Буни ҳал этиш учун жуда катта иш ва даставвал индивидуал иш олиб бориш талаб қилинади.

Бошқа проблемалар ҳам бор. Масалан, оилалар, машиналар, бошқа қимматбаҳо уй-рўзғор буюмларига эга бўлганлари ҳолда, уйларида кроватлари, мебеллари йўқ. Китоб, кундалик газета-журналларни ўқишмайди. Кўп ҳовлилар ва кўчалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ивирсиб ётибди. Ахир, биз мевали дарахт ва гулларнинг юз хил навлари ўсадиган ўлкада яшаймиз-у, улар одамлар турмушини безабгина қолмай, оила бюджетига қўшимча даромад келтириши ҳам мумкин-ку. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, совет турмуш тарзини жорий этиш ишида туб бурилишга эришишни область партия комитети бугунги кунда ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб билади.

Яқинда область газеталари «Андижанская правда» ва «Коммунист»да тегишли рубрика очилди, дастлабки материаллар эълон қилинди, уларда ўша проблемаларнинг айримлари қўйилди. Турмуш маданиятини кўтариш масалаларига бағишланган анкетада газетхонларнинг иштирок этиши таклиф қилинганди.

Одамлар билан индивидуал иш олиб боришни ташкил этишда маданият, спорт, медицина, савдо ва маиший хизмат муассасалари алоҳида роль ўйнайди. Областда маданий-спорт комплексларини қуриш ва улар ишини йўлга қўйишда тажриба тўпланган. Ундан кенг фойдаланиш керак. Бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин. Чунончи, Балиқчи районида барча қишлоқларда 200—300 ўринли кичик кинотеатрлар қуриш йўлидан боришяпти. Улар қимматга тушмайдию, лекин фойдаси катта.

Аҳоли турмуш маданиятини кўтариш, ободонлаштириш ишлари ҳозир кенг кўламда олиб борилмоқда. Область партия комитети бу ишларнинг қунт билан мунтазам олиб борилишига эришмоқда, чунки бу соҳада кампаниячиликка йўл қўйиб бўлмайди: у ҳозирча унча катта бўлмаган, лекин эришган муайян ютуқларимизни ҳам йўққа чиқариши мумкин.

Атеистик тарбия индивидуал ёндашув айниқса зарур бўлган энг муҳим соҳадир. Практикада биз унинг оммавий формаларидан тез-тез фойдаланамиз. Лекциялар, конференциялар, оғзаки журналлар — бу яхши, албатта, лекин улар аҳолининг керак группаларини доимо ҳам қамраб олавермайди. Асосий камчилик шундаки, бундай тадбирларда асосан динга ишонмайдиган кишилар қатнашадилар. Асл диндорлар эса улардан ўзини олиб қочади.

Шунинг учун ҳам шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари олдига конкрет вазифа — диндорлар билан яккама-якка ишлаш

формаларини активроқ излаш ва практикага кенгроқ жорий қилиш вазифаси қўйилди. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, областда диний вазият ҳануз анча мураккаблигича қолмоқда. Мачитлар, черковлар даромади ортмоқда. Келин-куёвларнинг, шу жумладан комсомолларнинг анчагина қисми эскича никоҳдан ўтишади. Сохта муллалар иш кўрмоқда.

Атеистик иш ҳозир қандай йўналишда олиб бориляпти? Юқорида айтганимиздек, кейинги йилларда областда қишлоқ йиғинлари ҳамма жойларда ўтказилмоқда. Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, агитатор-атеистлар диндорлар билан иш олиб боришяпти. Қишлоқ йиғинларида аҳолининг айни шу диндор қисми иштирок этишади, уларни атеистик клубларда ўтказишга ҳаракат қиламиз, областда бундай клублар сони олтмишдан ортиб кетди.

Киши қанчалик социал фаол бўлса, унинг меҳнат коллективи, теварак-атрофидаги одамлар билан алоқаси шунчалик мустаҳкам бўлади, диний маросим ва ирим-сиримлардан шу қадар узоқ бўлади. Шунинг учун ҳам партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари активистлар эътибори ва куч-ғайратини диндорларни маданий-оммавий тадбирларда, турли жамоат ташкилотлари ишида қатнашишга жалб эттиришга қаратмоқдалар.

Одамлар билан олиб бориладиган индивидуал ишда майда-чуйда нарсаларни эътибордан четда қолдирмаслик, ролларни тўғри тақсимлашни ўрганиш керак. В. И. Ленин образли қилиб гапиргандек, бировга сентиментал скрипкани, бошқага — шиддатли контрабасни, учинчисига — дирижерлик таёқчасини топшириш лозим.

Ишга мана шундай ёндашувни таъминлаш учун биз партия ходимларидан раҳбарликнинг кабинет услубидан воз кечишни талаб қиламиз, уларнинг кўпрок жойларда одамлар орасида бўлишига, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганишларига эришяпмиз. Партия ходимларининг психология ва педагогикани, партия этикаси нормаларини тўла-тўкис эгаллашликларини, одамларга хушмуомала бўлишларини ҳаёт қатъий талаб этяпти.

Биз ҳамма масалада, шу жумладан ғоявий-сиёсий ишлар савиясини оширишда бошланғич партия ташкилотлари олдига юксак талаблар қўйяпмиз. Уларнинг фаолиятига кўпинча юзакичилик, ноизчиллик хос. Ўзбекистон Компартияси МК бюроси КПСС МК 1987 йил январь Пленуми талаблари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш юзасидан Андижон область партия комитетининг иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилган вақтида ана шу камчиликларни бизга кўрсатиб ўтди. Биз МК бюроси қарорини бажара бориб, бошланғич партия ташкилотларини ҳамма соҳада, шу жумладан идеология соҳасида ҳам ўз ихтиёрларидаги бор имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишга йўналтирмоқдамиз.

Шу билан бирга шуни ҳам айтиш кераки, биргина индивидуал иш билан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Уни оммавий иш билан оқилона қўшиб олиб бориш керак. Зеро инсонни тарбиялашда коллектив роли жуда муҳим аҳамият касб этади. Бунда демократияни кенгайтириш ва такомиллаштириш ижодий ёндашиш учун катта имкониятлар беради. Областимизда корхона, ташкилот, муассаса, цех ва бригадаларнинг 998 раҳбари меҳнат коллективлари томонидан сайлаб қўйилди. Область партия комитети сайловларнинг активлик, ишчанлик вазиятида ўтишига, бунда расмиятчиликка мутлақо йўл қўймасликка эришяпти. Раҳбарлик лавозимларига кўтарилаётган кишиларга бериладиган характеристикаларнинг ошкора тасдиқланишини ҳам ишнинг таъсирчан формасига киритиш мумкин.

Бу катта ва кўп қиррали ишларнинг ҳаммасида энг муҳим нарса — ҳамиша пировард натижани кўзлаб иш тутишдир. Областимизда вазият тобора ишчанлик, ошкоралик тусини оляпти, одамлар тартибсизлик, масъулиятсизлик, исрофгарчилик фактларини қатъий қораламоқдалар, эскичасига, бир қолипда иш қилишга майли бўлган раҳбарларни дадил тўғрилаб қўймоқдалар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг бугунги кунда биринчи навбатдаги вазифаси — меҳнаткашларни ўн иккинчи беш йиллик планларини сўзсиз бажаришга сафарбар этишдир. Одамлар билан олиб бориладиган ҳамма иш ана шу мақсадга бўйсундирилган.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ЎҚИШ— ЯНГИЛАНИШНИНГ ТАЪСИРЧАН ВОСИТАСИ

А. ҚОСИМОВ,
тарих фанлари кандидати

МАМЛАКАТДА АМАЛГА оширилаётган чуқур қайта қуриш партиянинг идеологик фаолиятига ҳам тўла миқёсда татбиқ қилинади. Бу ердаги туб ўзгартишларнинг асосий мақсади — амалиётга томон кескин бурилишдир.

Ғоявий-назарий иш, пропаганда ва тарбиянинг ҳаётнинг долзарб масалаларидан муайян даражада узилиб қолгани бундан анча илгари кўрина бошлаган эди. Бу партия ҳужжатларида бир неча марта таъкидлаб ўтилди. Идеология иши самарадорлигини оширишга қаратилган кўплаб қарорлар қабул қилинган эдию, лекин уларнинг талай қисми бажарилмай келганди. Идеология соҳасида кампаниябозлик, ҳаётдан ажралиб қолиш ва етилган проблемаларнинг кескинлигига етарли баҳо бермаслик, сафсатабозлик ва лоқайдлик элементлари сингари жиддий нуқсонлар тўпланиб қолди, булар тўғрисида КПСС XXVII съездида принципиал тарзда гапирилди. Одамлар газеталарда ўқиётган, радиодан эшитаётган, телевидение орқали кўраётган нарсалар бошқаю, улар реал воқеликда кўпинча дуч келаётган нарсаларнинг мутлақо бошқача эканлиги коммунистик эътиқодни шакллантиришга тўсқинлик қилар эди.

Ишлар аҳволига баҳо беришда реализмнинг йўқлиги, одамларни тўлқинлантираётган кескин масалалардан қочиш, кучайиб бораётган проблемаларни менсимаслик — буларнинг ҳаммаси ижтимоий муҳитга ва меҳнаткашларнинг дунёни идрок этишига салбий таъсир қилди, пропаганда ва ахборотга ишончни сусайтирди. Меҳнаткашлар бизнинг идеологиямизнинг, сиёсий йўлимизнинг тўғрилиги, социал адолат тўғрисида мавҳум тарзда эмас, балки ишларнинг ҳақиқий аҳволига қараб фикр юритишади.

Партия бугунги кунда Ленин васиятларига амал қилиб, планларимизнинг реал эканлигини конкрет ишлар орқали пропаганда қилмоқда. КПСС XXVII съезди тарбиявий иш билан боғлиқ масалаларнинг бутун комплексига худди шу нуқтаи назардан ёндашди.

Идеологик фаолиятнинг меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазалари, дунёқарашига таъсири унинг янги ҳодисаларга қай тарзда майл билдира олишига боғлиқ. Шунинг учун партия идеологик фаолиятни кундалик реал ҳаётда юз бераётган жараёнларни тўла миқёсда ҳисобга олишга, назарий масалаларни ишлаб чиқишда эса — ана шундай жараёнларни олдиндан кўра билишга йўналтиради.

КПСС ўз Программасининг давомийлигини сақлаб қолиб, шу билан бирга вақт синовига бардош бера олмаган нарсаларнинг мағзини қайтадан чақди, қатор янги назарий-сиёсий хулосалар чиқарди, яқин ва олис истиқболга мўлжалланган вазифаларни белгилади. Бу вазифаларни ҳал этишда ғоявий-тарбиявий фаолият ғоят муҳим роль ўйнаши керак.

Бу ерда яна шу тўғрида гапириш керакки, салбий ҳодисалар идеология ишига, айниқса унинг таркибий қисми — совет кишиларининг ғоявий негизларини шакллантирувчи асосий жараён содир бўладиган меҳнаткашларнинг сиёсий

ўқувига жиддий зарар етказди. Ана шу салбий ҳодисалар кенг тарқалган давр КПСС XXVII съездида таҳлил этилди, партия МҚнинг январь (1987 йил) Пленумида у янада конкрет анализ қилинди. КПСС Марказий Комитети, мамлакат раҳбарлари аввало субъектив сабабларга кўра кескин ўзгаришлар зарурлигини ўз вақтида ва тўла ҳажмда баҳолай олмаганлиги, жамиятдаги кризисли ҳолатларни бартараф этишга, социализм имкониятларидан янада тўлиқ фойдаланишга қаратилган аниқ йўлни ишлаб чиқа олмаганлиги тан олинди. Консерватив кайфиятлар, сусткашлик, одатдаги схемаларга мос келмайдиган ҳамма нарсалардан юз ўгиришга интилиш, етилган иқтисодий проблемаларни ҳал этишни истамаслик майллари устунлик қилди. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий турмуш ва назарий тафаккурнинг ҳамма соҳаларига таъсир қилди.

Жонли практикани идрок этишда марксча-ленинча назариянинг роли қанчалик актив бўлса, социалистик жамиятни такомиллаштириш иши шунчалик муваффақиятли боради — партия XXVII съездининг идеологик фаолият соҳасидаги асосий хулосаларидан бири ана шундай. Меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик ва Совет Ватанига садоқат руҳида, пролетар, социалистик интернационализм руҳида, меҳнатга ва ижтимоий бойликка онгли муносабатда бўлиш, социализмга, маданиятимизга ва коллективчилик ахлоқига ёт бўлган нарсаларнинг ҳаммасига муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш — булар партия ташкилотлари учун асосий мақсаддир. «Идеологик фаолият,— дейилади КПСС Программасида,— ижтимоий практика билан мустаҳкам боғланганлиги, ғоявий-назарий мазмунининг теранлиги билан ажралиб туриши, ички ва халқаро ҳаётдаги реалликни, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини тўла ва аниқ ҳисобга олиши, одамларга яқинроқ, ҳаққоний, далилларга асосланган, конкрет бўлиши лозим».

Ғоявий-тарбиявий ва пропаганда ишида, дейилади яна партия Программасида, қуруқ сафсатабозлик, дабдабабозлик, расмиятчилик кўринишларини қатъият билан бартараф этиш лозим. Унинг барча форма ва воситалари партия, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ишининг кенг ошкоралигини, одамлар билан мулоқотларнинг бевоситалиги ва очиқ-ойдинлигини, ижтимоий фикрни тўғри шакллантиришни ва унинг амалий ишларга таъсирини оширишни таъминлаган ҳолда оммани мамлакат олдида турган вазифаларни бажаришга сафарбар этишга ёрдам бериши керак.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди республикада идеология ишини яхшилашда муҳим босқич бўлди. Съезд Ўзбекистон КП Марказий Комитети КПСС МҚнинг 1983 йил июнь Пленуми йўл-йўриқларига, 1984 йил декабрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясининг тавсияларига амал қилиб, идеология фронтидаги ишларнинг аҳволи учун партия комитетларига нисбатан талабчанликни оширди, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш чораларини кўрди, деб таъкидлади. Съезд одамлар билан тарбиявий иш олиб боришдаги нуқсонларни бартараф қилиш мақсадида партия комитетларидан партиявий ўқишнинг ғоявий-назарий савиясини ва амалий йўналишини кўтаришни талаб қилди. У партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасида ўтказилган экспериментнинг натижаларидан кенгроқ фойдаланиш, назарий тайёргарликни практика билан янада чамбарчас боғлашни назарда тутиш, раҳбар кадрлар сиёсий ўқишининг ягона системасини жорий қилиш, пропагандистлар, лекторлар, сиёсий ахборотчиларнинг составини мустаҳкамлаш лозимлигини уқтирди. Ягона сиёсий кунларни ўтказишни янада такомиллаштириш, расмиятчилик ва дабдабабозликни таг-туги билан тугатиш, сайлаб қўйилган партия органи ҳар бир аъзосининг, ҳар бир раҳбарнинг меҳнаткашларга партия сиёсатини тушунтиришда фаол қатнашишини таъминлаш керак, деб таъкидланди.

Кадрларни ғоявий чиниқтириш, совет кишиларига сиёсий таълим-тарбия бериш, инсон омилини активлаштиришнинг таъсирчан воситаси бўлган марксча-ленинча ўқиш миллион-миллион меҳнаткашлар онгини шакллантиришда, уларнинг психологияси ва тафаккурини қайта қуриш руҳида ўзгартиришда биринчи даражали роль ўйнашга даъват этилган. КПСС МҚ қарорига мувофиқ амалга оширилаётган меҳнаткашлар сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш — аллақачон етилган проблемадир. Унинг асосий йўналишлари лойиҳаси матбуотда актив муҳокама қилинди.

Ўқишнинг шу пайтгача мавжуд бўлган системаси ниҳоятда беўхшов, ҳаёт билан, даврнинг амалий талаблари билан яхши боғланмаган, ортик даражада регламентга солинган эди. Идеология ишининг ниҳоятда муҳим бўлган бу участкасига партиявий раҳбарлик ҳам кейинги йиллар мобайнида ғоятда бўшашиб кетганди.

Масалан, партия ўқуви ҳозирги талабларга, коммунистик қурилишнинг янги вазифаларига тўла жавоб бермас, актуал ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқариш проблемаларини ҳал этиш билан етарлича боғланмаган эди. Кўпгина партия комитетлари сиёсий маорифни ташкил этишда расмиятчилик ва қироатхонлик каби нуқсонларга кўникиб қолган эдилар. Коммунистларнинг юқори умумий маълумот ва ғоявий савияси, хабардорлиги, маънавий эҳтиёжлари ва касбий қизиқишлари унчалик ҳисобга олинмас эди. Машғулотларда кўпинча жонли фикр алмашув, ижодий мунозаралар бўлмасди. Тингловчиларни тўлқинлантираётган долзарб масалалар, кескин проблемаларни чуқур анализ қилиш ўрнига маълум қоидаларни юзаки такрорлашга йўл қўйиларди. Кўпинча партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, улкан пропагандистлар корпуси ишнинг миқдорий жиҳатига берилиб кетиб, асосий нарсани — назарий ўқувнинг ҳаёт билан, коллективларнинг конкрет ишлари билан алоқасини мустаҳкамлашни унутиб қўйишарди.

Машғулотлар анализи партия ўқувини ташкил этишда айрим ўзига хос камчиликлар борлигини кўрсатди. Баъзи бир шаҳар ва район партия комитетлари томонидан назоратнинг сустлиги — ана шундай камчиликлардан биридир. Натижада айрим бошланғич партия ташкилотлари идеология ишининг мазкур участкасини мустаҳкамлаш тўғрисида ўз вақтида ғамхўрлик қилишмади. Қатор жойларда сиёсий мактаблар ва семинарларни бутлаш иши расман бажарилди, коммунистлар билан олдиндан суҳбатлашилмади, уларнинг тайёргарлик даражаси, қизиқишлари ҳисобга олинмади. Кўпгина партия комитетларининг пропагандистларни олдиндан тасдиқлашмагани, машғулот раҳбарларини адабиётлар билан таъминлашмагани, машғулотлар ўтказиш учун нормал шароитлар яратишмагани маълум бўлди. Табиийки, бундай машғулотлар паст савияда, зерикарли, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг конкрет ишлари билан боғланмасдан ўтди, кўпгина коммунистлар уларда пассив қатнашиб, ҳеч нарса ёзишмади ҳам.

Оммавий иқтисодий таълимни ташкил этишда жиддий нуқсонлар аниқланди, бу нарса кўп ҳолларда мазкур таълимдан меҳнаткашларнинг сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбиясини яхшилаш, ишлаб чиқаришда интизомни мустаҳкамлаш, иқтисод ва тежамкорлик режимини кучайтириш, илғор тажрибани чуқур пропаганда қилиш, хўжалик механизмини такомиллаштириш учун фойдаланишга имкон бермасди. Бухоро, Самарқанд, Хоразм областларининг айрим районларида пропагандистларнинг бир қисми тегишли тайёргарликка эга эмас эди. Хўжаликлар раҳбарлари, бош мутахассислари, иқтисодий хизматлар ходимлари иқтисодий билимларни пропаганда қилишга лозим даражада жалб қилинмас эди. Шундай ҳам бўлар эдики, курсларни ўқитиш ишлаб чиқаришга алоқаси йўқ кишиларга, масалан, ўқитувчиларга топшириларди.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида Олот, Олтинсой, Деҳқонобод, Зомин, Косон, Пискент ва Шуманай районларидаги, Қарши шаҳридаги партия ташкилотларида сиёсий ва иқтисодий ўқиш системаси расмий тарздагина мавжуд бўлиб келганлиги тўғри танқид қилинди.

Республикада ҳукм сурган дабдабабозлик, лавозими юқори мансабдорларга мадҳиялар ўқиш, масъулиятсизлик, қалбакилик ва иккиюзламачилик муҳитининг ўқиш мазмунига салбий таъсир қилганлиги, коммунистлар фаоллигини рағбатлантирмаганлиги — коммунистларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясидаги камчиликлар (сиёсий ўқув системаси тингловчиларида назарияни ўрганишга қизиқишнинг сусайиши, назариянинг муайян тарзда қадрсизланиши)га сабаб бўлган эди. Ана шу шароитда пропагандистларнинг кўпчилиги кескин масалалардан осонликча қочиб, ўқитиш жараёнида салбий ҳодисаларнинг социал илдизларини очиб беришмас эди. Ҳолбуки, В. И. Ленин «пролетариатга ҳақиқат керак, унинг иши учун бўялган, силлиққина, обывателларча ёлғондан кўра зарарлироқ нарса йўқдир», деб таъкидлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 113-бет).

Ўзбекистон Компартияси МҚнинг XVI пленумида (1984 йил июнь) қайд қилинганидек, қатор партия ташкилотларида асосий эътиборни кўпроқ ишнинг ташкилий томонига — мактаблар, семинарлар, группаларни бутлашга, тингловчилар сонини оширишга қаратишар эди. Айни бир вақтда назария ва партия сиёсати соҳасида олинган билимлар коммунистларнинг шахсий эътиқодига айланиши, бу билимлар уларнинг конкрет ишлари ва хатти-ҳаракатларида акс этиши тўғрисида қайғуришмас эди.

Чунончи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитети томонидан Фарғона область партия комитети, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи парткоми фаолиятини ўрганиш айрим раҳбарларнинг ўзининг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш билан шуғулланмай қўйишгани, революцион назарияни юзаки тарзда эгаллашганини кўрсатди. Бухоро ва Навоий область партия комитетлари эса 1981—1986 йилларда раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви аҳволини бирон марта ҳам анализ қилишмади.

Бугунги кунда амалга оширилаётган меҳнаткашлар сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуришнинг асосий мақсади — уни қулай, жамиятнинг ўзгараётган эҳтиёжлари ва талабларига жавоб бера оладиган қилиш, унинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифасини ҳал этиш билан уйғунлигини таъминлашдир. Партия идеология ишининг ўзаги бўлган марксча-ленинча ўқув биринчи навбатда расмиятчилик ва қироатхонликдан қутулиши, ижодий йўналиш касб этиши лозим. Унинг вазифаси — коммунистлар, меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан етук даражада фикрлаш ва ҳаракат қилишга ўргатишдир. Партия ташкилотлари бу соҳада кўпроқ ҳаракатчан, талабчан бўлишлари, қатъият кўрсатишлари керак. Чунки, Ўзбекистон Компартияси МҚнинг III пленуми (1986 йил октябрь) республиканинг қатор партия ташкилотларидаги марксча-ленинча ўқув аҳволини кескин танқид қилганига қарамасдан ҳали ҳам машғулотларни ўтказишда расмиятчилик ва қироатхонлик, баён қилинаётган материалнинг меҳнат коллективининг конкрет вазифаларидан узилиб қолиши давом этиб келмоқда. Чунончи, Тошкент шаҳар партия комитетининг КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленуми якунларига бағишланган пленумида «Ташгаз» бирлашмасида, Геология ва нефть ҳамда газ конларини разведка қилиш институтида ўқишнинг ёмон ташкил этилишига доир мисоллар келтирилди. «Узбытхимпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ва резина-техника буюмлари заводида машғулотлар расмиятчилик учун, шунчаки журналда қайд қилиш учун ўтказилди. Қатор партия комитетлари сиёсий ўқишга раҳбарлик қилишда ўзларини четга олишган, унинг аҳволи тўғрисида ўтказилган машғулотлар сонига қараб ҳукм чиқара бошлашган.

Бу ўринда ўқишнинг бевосита ташкилотчилари — пропагандистларнинг роли тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Албатта, уларнинг ҳар бирининг ўз иш методи бор. Машғулотда назарий ва амалий проблемаларнинг ўзаро муносабатини қай тарзда яхшироқ аниқлаш хусусида ҳаммага ҳам тавсиялар бериш осон эмас. Бунда кўп нарса ўрганилаётган темага, тингловчиларнинг тайёргарлик даражасига, ҳар бир меҳнат коллективи олдида турган вазифалар характерига боғлиқ. Шу билан бир вақтда партия комитети пропагандистик таъсирнинг бутун кучини қаратиш лозим бўлган асосий йўналишни белгилаб бериши зарур.

Сиёсий ўқиш жамоатчилик фикрини ўрганиш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Тингловчиларни нима ташвишга солаётганини, турли ташкилотлар ва хизматлар ишидаги қандай нуқсонлар, камчиликлар ҳаққоний эътирозларга, шикоятларга сабаб бўлаётганини билиш зарур. Мактаблар ва семинарлар тармоғи — партия ва совет органлари учун ишончли ахборот манбаидир, бу органлар камчиликлар ва салбий ҳодисаларга қарши курашда шу манбадан ҳар доим фойдаланишлари мумкин. Бунда шуни эсда тутиш керакки, тингловчилар билдирган биронта ҳам амалий таклиф пропагандист, партия комитети томонидан эътиборсиз қолдирилмаслиги лозим.

Афсуски, қатор партия ташкилотларида тингловчилар таклифларининг амалга ошиши бутунлай пропагандистга боғлиқ бўлиб қолган. Ундан ташқари, бу таклифлар билан ҳеч ким қизиқмайди. Бундай муносабат, табиийки, кишилар активлигини сусайтиради. Ҳозирча камдан-кам ҳоллардагина тингловчилар таклифлари партия комитетлари, хўжалик раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади.

Бу — марксча-ленинча ўқувни ташкил этишда расмиятчиликнинг бир кўринишидир, бундай ҳол қайта қуриш учун кураш шароитида айниқса хавфли.

Бугунги кунда партия ташкилотлари ўқувни социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш масалалари билан яхлит ҳолда, чамбарчас боғлиқликда кўриб чиқишлари керак. Меҳнаткашлар марксча-ленинча назарияни ижодий ўзлаштириш билан партия сиёсатини ишлаб чиқишда онгли суратда қатнашишлари учун сиёсий ўқув амалда партияга жамиятимизнинг ҳамма томонларини қайта қуришни амалга оширишда кўмаклашиши лозим. КПСС МК сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш моҳиятини унинг мазмунини бутунлай янгилаш, коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг ғоявий-назарий даражасини оширишдан иборат деб билади.

Ўқувнинг меҳнат коллективларининг конкрет вазифаларидан узилиб қолганлиги ўқишда расмиятчиликни келтириб чиқарадиган сабаблардан биридир. Ўқув формаларининг ниҳоятда кўплиги унга катта зарар етказар эди, бундай формалар 14 хил бўлиб, 140 курсни ўз ичига оларди. Албатта, бундай ҳол нафақат ўқув процессининг ўзини ташкил этишни қийинлаштирар, шу билан бирга расмиятчилик ва қироатхонлик учун ҳам шароит яратиб берар эди. Буни бартараф қилиш учун бундан буён сиёсий ўқувга раҳбарлик қилиш услуби ва методларини ўзгартира бориш зарур. Марказлаштирилган негиз билан бир қаторда партия ташкилотларининг семинарлар ва мактабларни, тингловчилар составини бутлаш масалаларидаги мустақиллиги жорий қилинмоқда. Шу билан бирга уларнинг ўқув сифати ва самарадорлиги учун масъулияти оширилади.

Шунингдек меҳнат коллективлари ва тингловчиларнинг ўзларига ҳам таълим формалари ва курсларни танлаш масалаларида кўпроқ мустақиллик берилади. Шундай қилиб, ўқишни ташкил этишнинг демократик принциплари ривожлантирилмоқда. Шубҳасиз, бу тингловчилар активлигининг, уларнинг ўқишдан манфаатдорлигининг ўсишига кўмаклашади.

Партия жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида ленинизм руҳини мумкин қадар кўпроқ қайта тиклаш, кадрларга нисбатан ленинча талабларни қарор топтиришга интилаётган ҳозирги шароитда ҳар бир киши В. И. Ленин асарларини ўрганиши, унинг фикрлари, ғояларига мурожаат қилиб туриши лозим. Сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш ана шунга ёрдам беради. Афсуски, кўпгина партия ташкилотларида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг революцион назариясини ҳали ҳам асосан цитаталар ва айрим фикрларга асосланиб ўрганиш давом этмоқда, уларнинг алоҳида асарлари пухта ва чуқур анализ ҳамда идрок этиш предмети қилиб олинмаган. Эндиликда марксизм-ленинизм классиклари меросини ўрганишга мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ тарзда вужудга келган проблемалар орқали ёндашиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди.

Ҳар бир коммунистнинг революцион назарияни, партия сиёсатини ўзлаштириши, ўз ҳаётида ана шу назария ва сиёсатга қатъиян ва оғишмай амал қилиши — партия ўқувида кескин бурилиш ясаши лозим бўлган асосий омиллардан биридир. Сиёсий ўқувга собитқадамлик ва ҳужумкорлик, ҳаёт билан мустаҳкам алоқа, юксак самарадорлик бахш этиш керак.

Марксча-ленинча ўқув — совет кишилари маънавий ҳаётининг ажралмас таркибий қисми, партиянинг омма билан алоқасининг ғоят муҳим формасидир. Бу соҳадаги янгилаш умумий қайта қуриш ишига кўмаклашади, КПСС XXVII съезди белгилаб берган барча вазифаларни шараф билан бажаришимизда бизга ёрдам беради.

КИНЕМАТОГРАФДА ҚАЙТА ҚУРИШ. УНИ НИМАДАН БОШЛАШ КЕРАК?

Ҳ. АКБАРОВ,
филология фанлари доктори

«Жамият ёзувчидан бадиий кашфиётларни, ҳамиша ҳақиқий санъат моҳиятини ташкил этган ҳаёт ҳақиқатини талаб этади», — дейилган КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий докладида. Адабиёт ва санъат бугунги кунда ҳам ижодий, ҳам ташкилий жиҳатдан қайта қурилмоқда. Қайта қуришнинг пировард мақсади — талантли, ҳаяжонлантирувчи, ҳаётий асарлар пайдо бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратишдир.

Ўта мураккаб кинематографик хўжаликни қайта қуриш ҳозирги пайтда машаққатли ва масъулиятли вазифадек кўринади. Негаки кинокартина яратишда студиянинг катта коллективи, театр вакиллари, рассомлар, композиторлар, адабиётчилар иштирок этади. Кинематограф прокат ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, ижодий союзлар, кинони плёнкага кўчириш фабрикалари, турли кўламдаги кинофестиваллар билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам СССР кинематографчилар союзининг бир неча ой давомида кўп миллатли совет киносанъатини қайта қуриш моделини ишлаб чиққани ва муҳокама этгани бежиз эмас, албатта. Бугунги кунда ана шу модель кинематографга асос қилиб олинди ва уни амалга ошириш бир неча йилларга мўлжалланган.

ФИЛЬМЛАР — ТОМОШАБИНЛАР — МУНАҚҚИДЛАР

Ўзбекистон матбуоти республикамиз кинематографиясидаги қайта қуриш жараёнини ҳар томонлама ёритувчи материалларга камдан-кам ўрин бермоқда. Ахир кино — миллионлар санъати, шунинг учун ҳам бу соҳада кўпроқ ошкоралик зарур.

Кинонинг ҳақиқий мухлисларига «Тавба-тазарру», «Ёшларга ҳам осон эмас», «Мавзу», «Портрет учун штрихлар» каби мазмунан мураккаб фильмлар тақдим этилаётган ҳозирги пайтда матбуот, радио ва телевидениенинг роли яна ҳам ортади ва у кинномунаққидлар, киношунослар, фильм ижодкорлари ҳамда томошабинлар учун асосий минбар бўлиб хизмат қилиши зарур. Мутахассислар ва киноназариётчиларга газета саҳифаларидан жой топилмаганлиги учун қанчалик кўп нарсани йўқотамиз. Таассуф билан бор ҳақиқатни қайд этишга тўғри келади: томошабинларимизнинг аксарият кўпчилиги ўртамиёна кино асарларини кўриш тайёргарлигига эга, холос. Томошабинларнинг маълум миқдори фильмларга баҳо беришнинг эстетик принциплари билан қуролланмаганлар. Шу боисдан ҳам улар ҳаёт ҳақида чуқур мушоҳада қилишга, мураккаб драматик тақдирларни кўрсатувчи янгича услубда яратилган фильмларни кўришга ўрганмаганлар.

Масалан, республика матбуотида Г. Панфиловнинг «Мавзу» картинаси намойиш этилаётгани ҳақида лом-мим дейилмади. Аслида, бу шундай воқеаэдики, бу фильм мисолида, унинг мураккаб тақдири мисолида «фильм — томошабин — мунаққид» проблемасини кескин равишда қўйиш мумкин эди. Бир неча йиллар муқаддам яратилган ва кинопрокат токчаларида чанг босиб ётган мана шу

кино асарида ижодкорнинг инсон қиёфасининг мураккаб томонлари, ҳаёт ҳодисалари ҳақида ошкора сўзлашиш иштиёқи шундоққина сезилиб туради.

«Портрет учун штрихлар» кўп серияли телевизион фильмининг Марказий телевидение орқали намойиш этилишида Ленин ғояларини, революциянинг чуқур ватанпарварлик ғояларини халқ қалбига етказишда янги услуб ва тасвирий воситалар кино ёрдамида қандай акс эттирилганлигини кўришимиз мумкин. Бу киноленинномани кузатиб борувчи ҳар бир томошабинда катта қизиқиш уйғотди. СССР халқ артисти Михаил Ульянов революция доҳийси образини янгича талқин этиши билан кенг тамошабинлар оммаси эътиборини тортди. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Чунки Ильич ва у яшаган давр мавзуси Ленин тафаккури ва ишлари билан руҳланган ҳақиқий ижодкорларни ҳамиша илҳомлантириб келади.

Биз бу ерда тилга олган ва бошқа бир қатор муҳим кинематографик ва телевизион санъат асарларининг экрандаги ҳаёти бирмунча аввалроқ бошланиши мумкин эди. Шаклан янгича, проблемаларни кўтариш ва ҳал этиш жиҳатидан ўткир бу фильмлар мавжуд зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни хаспўшлаш одат бўлган ҳаётимизнинг маълум даврида чўпдан ҳам ҳадиксирайдиганларни сергаклантириб турган. Шунинг учун ҳам республикамиз матбуоти саҳифаларида ўзбек киноси актуал масалалари юзасидан очиқчасига суҳбатлашиш зарур эди.

Бир вақтлар «Тошкент — нон шаҳри» фильмининг ўн тўрт қисмдан иборат тўлиқ вариантини кўриш шарафига муяссар бўлганман. Картина 20-йиллар воқеаларини чуқур бадиий тадқиқ этиши билан катта қизиқиш уйғотганди. Бироқ кейинчалик катта ўзгартишлар киритилиши натижасида режиссёр Шуҳрат Аббосов картинани тўққиз қисм қилишга мажбур бўлди. Бундан афсусланамиз, албатта. «Тошкент — нон шаҳри» фильмининг дастлабки вариантини кўрган кинематографчиларнинг тор доираси менинг фикримни қўллаб-қувватлаши мумкин. Шу нарсани қатъий айтиш мумкинки, режиссёр ўзига хос услубда ҳалол, ўткир, самимий экран асари яратган эди ўшанда. Фақат Шуҳрат Аббосовнинг маҳоратигина картинани маълум даражада сақлаб қолиш имконини берди. Фильм қисқартирилган бўлсада ҳамон ҳаққоний асар сифатида яшаб келмоқда.

Бу фактларни жамоатчиликка маълум қилишимизнинг сабабларидан яна бири шундаки, ўтмиш хатолари бугунги кунда ҳам такрорланиб турибди. Binобарин, А. Ҳамроевнинг «Хотирамдасан» картинаси атрофида ҳамон ҳар хил миш-мишлар юрибди. Бунинг сабаби ошкоралик принципларидан чекинганлигимизда, фильм ҳақида шубҳали сукут сақлаганимизда ва уни узоқ вақт республикамиз экранларида намойиш этмаганлигимиздадир. Матбуотда эса фильм ҳақида бир сатр ҳам хабар берилмади. Аслида эса картина бир неча йил муқаддам тамошабинлар ҳукмига ҳавола этилиши ва ўзининг ҳақиқий баҳосини олиши мумкин эди.

Ҳозирча эса киномунаққидлар экран санъатининг назарияси ва практикаси бўйича актуал масалаларни вақтли матбуотда мунтазам ёритиб бориш имкониятидан маҳрумдирлар. У ёки бу проблеманинг муҳимлик даражаси кўп пайтларда газета ва журнал редакциялари бўлимларидаги кино ишлаб чиқаришидан йироқ, фундаментал изланишлар ва ўзбек киноси ижодий тажрибасини умумлаштириш қўлидан келмайдиган ходимлар томонидан ҳал қилинади. Бизнингча, саёз материалларнинг пайдо бўлмаслиги учун редакцион коллегиялар составини, авторлар кенгашини санъатшунослар ҳисобига кенгайтириш лозим. Ҳеч бўлмаганда бирон-бир киношунос вақтли матбуот учун материалларни планлаштириш ва чоп этишга тайёрлашда қатнашганида эди, Ўзбекистон кинематографида ижодий ва ташкилий қайта қуриш ишларини тезроқ бошлаш зарур эканлиги аллақачоноқ айтилган бўларди.

Ҳозирча республика кинематографчилар союзи ҳамон сукут сақлаш сиёсатини қўллаб келаётгани сабабли матбуотга ўз таъсирини ўтказа олмаётир. Газета редакциялари билан ижодий союз ўртасида зарур алоқа ўрнатилмаган. Режиссёрларнинг, шу жумладан ёш режиссёрларнинг бандлиги, сценарий масаласи, Бутуниттифоқ кинематография давлат институтига, Ленинград киноинженерлик институтига, режиссёр ва сценаристларнинг Олий курсларига талабалар юбориш, фильмлар прокати, томошабинлар талабини ўрганиш билан боғлиқ кўплаб проблемалар тўлиб-тошиб ётибди.

Ошкоралик ва демократияни кенгайтириш шароитида босилаётган материалларнинг информативлиги, оперативлиги, газета ва журнал саҳифаларида мунтазам ёритилиб борилиши муҳим аҳамият касб этади. СССР Давлат киноси раҳбарларининг журналистлар билан тез-тез учрашиб туришлари, экран санъатининг у ёки бу проблемалари юзасидан қабул қилаётган қарорлари билан таништириб бораётганликларининг боиси ҳам шундадир. Марказий газеталар ҳозирги замон кинематографияси масалаларига доир кўплаб материаллар бериб боришдан ташқари, ўз ўқувчиларига улар билан бўлган учрашувлар ҳақида ҳам ҳисоботлар бериб турибди.

Кўпгина картиналарнинг тақдири шундай фикрга ундайдики, уларнинг айримларининг турли даражадаги томошабинга таъсири даражасини ўрганиш зарур. «Кино ва томошабин» сингари катта ва мураккаб проблема социологик жиҳатдан илмий ўрганишни тақозо этади. Ўткир сиёсий проблемаларни кўтариб чиққан фильмларнинг конкрет аудиторияга таъсири кўламини ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу ишга ўзбек киношунослиги ҳали киришганича йўқ, ҳозирча унинг методологияси ишлаб чиқилмоқда, холос.

Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор: кенг томошабинлар оммасига нафақат ҳужжатли фильмлар, балки бадиий фильмлар ҳам жуда кечикиб етиб боради, баъзида эса етиб бормайди ҳам. Киношунос-социологнинг томошабин билан бўладиган суҳбати фойдали ва қизиқарли бўлиши учун ўрганилаётган картинани кенг намойиш қилиш талаб этилади. Ҳолбуки, бу соҳада катта қийинчиликларга дуч келяпмиз, ҳужжатли фильмларни ёки қайта намойиш этиладиган фильмларни кўрадиган махсус кинотеатрлар йўқ. «Наштар» сатирик киножурналининг маҳсулотлари эса деярли фильмотекаларда қолиб кетмоқда. Сирасини айтганда, киноочерклар, мультфильмлар, «Фитиль», «Ералаш», «Наштар», «Қалтак» киножурналларини намойиш этадиган махсус кинотеатрлар бўлганида эди, катта даромад келтирган бўларди. Бундай кинотеатрларни қуриш картиналарни катта экранда — кинотеатр ва клубларда кўришга ўрганган маълум тоифадаги томошабинлар учун ҳам фойдали бўларди. Кино асарини коллектив бўлиб қабул қилиш эҳтиёжини мумкин қадар тўлароқ қондириш зарур.

Кинематографик хўжаликнинг мураккаб механизмини қайта қуриш жараёнида фақат баркамол кино асарлар яратиш билан чекланиб қолмай, янги фильмларни ва шу билан баробар аввал экранларга чиқарилган етук асарларни ҳам тарғиб қилишни такомиллаштириш йўлларини излаш керак. Кўпинча биз: «яхши фильмлар рекламага муҳтож эмас», «томошабинлар кинотеатрларга кирмаётган экан, бунга фақат бўш картиналар яратаётган студиялар айбдор», деган гапларни эшитамиз. Бу гаплар ватанимизда яратилган фильмларнинг экран ҳаёти ношуд қўлларида бўлган, ташаббуссиз, изланишга тоқати йўқ айрим кинопрокат ходимларининг сўзларидир.

Экранларимизни тўлдириб юборган паст савиядаги чет эл фильмларини, прокат томонидан фақат мўмай пул келтиришга мўлжалланган фильмларни кўришга ўрганиб қолган томошабинни, айтайлик, «Ёшларга ҳам осон эмас» ҳужжатли фильмини кўришга жалб этиш анчайин амримаҳол бўлса керак. «Бензоколонка маликаси», «Гитарали қиз», «Кометадан келган матрос», «Диско раққоси» каби фильмларни кўравериб диди айниган томошабинни мураккаб тузилишли, мазмунан теран фильмларни кўришга тайёрлаш зарур. Мана шундай шароитда томошабин эътиборини чуқур фикр юритишга ундовчи фильмларни кўришга жалб этиш анча меҳнат талаб этади.

Мавзунинг замонавий талқин этилишига ва ўз яратилиш услубига кўра «Тавба-тазарру», «Ёшларга ҳам осон эмас» фильмлари одамда мураккаб ҳис-туйғу уйғотишидан ташқари, ҳаёт ҳақида мушоҳада юритиш учун бой материал беради, бурчни ҳис этиш, авлодлар ўртасидаги алоқаларни яхшироқ англаш учун руҳий озиқ бўлади. Шунинг учун ҳам бундай фильмларни намойиш этишдан аввал режиссёр ва актёрлар ишини кенг тарғиб қилиш, тавсия этиладиган фильм ҳақида кино эстетика масалаларида телевизион суҳбатлар уюштириш, кинотеатрларда кино назарияси билан шуғулланувчи мутахассисларнинг чиқишларини ташкил этиш зарур. Бундай пайтда вақтли матбуот ҳам фильм ҳақида кенгайтирилган тақризлар бериб гина қолмай, шу мавзуга доир томошабинлар ва мунаққидлар фикрини бериб борса айни муддао бўларди. Афсуски, бундай иш-

лар қилинмайди ва қилинмади ҳам. Натижада Тбилисида ўтказилган XX Бутуниттифоқ кинофестивалининг бош совринига ва Канн шаҳрида ўтказилган халқаро кинофестивалнинг катта совринига сазовор бўлган, марказий матбуотда юқори баҳо олган Т. Абуладзенинг «Тавба-тазарру» фильми Тошкент экранларидан тез орада тушиб кетди.

Кинони қайта қуриш модели кинотеатрларда ватанимизда яратилган фильмларни кенг намойиш этишни назарда тутади. Кино ишлаб чиқариш ва фильмларни прокат қилиш яқин келажакда дотациясиз, ўз харажатини ўзи қоплаш системасига ўтади. Бу эса кинотеатрлар ва клублар ишини тубдан қайта қуришни талаб этади. Ўйлаймизки, ана ўшанда томошабинлар аудиторияси ўртасида кино эстетикаси пропагандасини яхшилаш, кинотеатр, маданият саройлари ва клубларда кино тарғиботи билан бевосита шуғулланувчи кишилар олдига қатъий талаблар қўйиш имкони туғилар. Ҳозир эса киноафишага қараб туриб фильм нима ҳақда эканлигини билиш амри маҳол. Бу афишалар йирик ҳарфлар билан фильм номи, сеансларнинг бошланиш соатлари ва жуда камдан-кам ҳолларда киностудия ҳақида маълумот беради, холос. Намойиш этилаётган фильмлар орасида кўпгина фестивалларда совриндор бўлган совет фильмлари ҳам бор. Бундай фильмлар ҳақида рекламада ҳам, матбуотда ҳам ҳеч қандай маълумот берилмайди, эсга ҳам олинмайди.

Бир пайтлар Ўзбекистон телевидениесининг «Кино оламида» кўрсатувига: «Нега кинотеатрларда «Ўзбекфильм» киностудиясининг маҳсулотлари жуда кам кўрсатилади?», деган мазмундаги кўплаб хатлар келиб турарди. 1986 йилнинг июли ва 1987 йилнинг март ойларида Тошкент шаҳрининг кинотеатрлари бўйлаб рейд ўтказдик. «Бўйсунмас» номли ўзбек картинасининг номини фақат М. Шайхзода номидаги кинотеатрда учратдик, холос. Кинокамера қаршисида томошабинлардан ўз фикрларини айтишларини сўрадик. Гапирганларнинг барчаси кинотеатрлар репертуаридан кўпроқ ўзбек фильмлари жой олиши истагини билдирдилар. Студент қизлардан бири ҳатто мана бундай деди: «Мен ёзги таътил кунларини уйимда, Куйбишев шаҳрида ўтказаман. Ўша ерда ўзбек фильмларини кўраман, бизнинг шаҳримизда улар кенг намойиш этилади. Мен таълим олаётган Тошкент шаҳрида эса ўзбек фильмларини кўришга чорловчи афишаларни камдан-кам учратаман». Бу ва шунга ўхшаш чиқишлар «Кино олами»нинг навбатдаги сонида эфирга чиқарилди. Афсуски, прокат ташкилотлари томонидан ҳеч қандай ўзгариш сезмадик.

Фақат кино амалиётчиларигина эмас, биринчи навбатда унинг назариётчилари, мунаққидлари, киношунослар ҳам ўз ишларини қайта қурмоқлари зарур. Ўтган йилларда чиқарилган айрим фильмларга берилган баҳоларни қайта кўриб чиқмоқ даркор. Масалан, Наби Ғаниевнинг «Фарғона қизи», «Насриддиннинг саргузаштлари» каби фильмлари оқланишга муҳтож.

Қишлоқ меҳнаткашининг енгил бўлмаган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи урушдан кейинги дастлабки йилларда яратилган «Фарғона қизи» картинаси, жумладан «Қизил Ўзбекистон» газетаси саҳифаларида қаттиқ танқид қилинган эди. Наби Ғаниев бу фильм устида юксак гражданлик туйғуси билан ишлади ва бу картина унинг ижодидаги сўнгги меҳнат маҳсули бўлиб қолди. Хўш, картина нимаси билан ўша пайтдаги мунаққидларга ёқмай қолганди?

Бевосита кино асарига мурожаат қиламиз. Колхозга янги ҳаёт кириб келади. Қишлоқ хўжалик техникаси — келажакдаги мўл-кўлчиликнинг дастлабки қалдирғочи, дебочаси. Одамлар, уларнинг характери, атроф муҳитга нисбатан қарашлари ўзгаради. Янгилик осонликча ўзига йўл топмайди. У ўз йўлида тараққиёт душманлари ҳужумига, ҳадиксировчилар, бепарволар, умидсизлар қаршилигига учрайди.

«Фарғона қизи» фильмининг ижодкорлари Н. Ғаниев ва М. Мелкумовнинг фактларни ва воқеликни анализ қилиш услублари чуқур диалектикага асосланган бўлиб, режиссёр воқеаларни ҳужжатли услубда ҳикоя қилади. Бош қаҳрамон Жаббор ота (артист А. Исматов) янгиликка бир оз қарши чиқишидан қатъи назар, меҳнатсевар бригадир, моҳир ташкилотчи. У қудратли техниканинг кучини тан олса-да, ҳозирча (фильм воқеалари 40-йилларда бўлиб ўтган) машинага у қадар ишонкирамай қарайди. Қолаверса, ғўзани культивация қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олишдек мураккаб ишда тажрибалар ўтказилишига унинг қарши чиқиши

табиий, албатта. Колхоз бойлигидан ўзи ҳам манфаатдор бўлганлиги учун у бундай тажрибадан норози бўлади. Н. Ғаниев инсон характерининг кескин ўзгариши жараёнини кўрсатиш учун типик шарт-шароитлар қидириб топган. Кураш фақат жамият ҳаётида эмас, қаҳрамонларнинг шахсий ҳаётида ҳам давом этади.

Фильм марказига бундай мураккаб ва ўз замонаси билан узвий боғлиқ бўлган образни асос қилиб олган ижодкорлар догматик танқиднинг аёвсиз ҳужумига учрадилар. «Фильмда партиявийлик принципи етишмайди...», «фильмда комсомоллар бригадаси бор-у, лекин уларга раҳбарлик қиладиган комсомол ташкилоти ва партия ташкилоти йўқ. Бу фильмда йўл қўйилган энг катта идеологик хатодир...», деб ёзилган эди ўша пайтда «Қизил Ўзбекистон» газетасида.

Тўғри, биз ҳозир ҳам «Фарғона қизи»да колхоз ҳаёти бирмунча безаб кўрсатилганлигини, тўғри танланган драматургик конфликтда баъзи бир келишувчанликка йўл қўйилганлигини пайқаймиз. Лекин шу нарсани унутмаслик керакки, бу нуқсонлардан қатъи назар ушбу кинофильм Улуғ Ватан урушидан кейинги дастлабки йилларда ўзбек кинематографчиларининг замонавий мавзуни тадқиқ этишдаги дадил изланиши эди. Н. Ғаниев бу фильмда ҳам инсонлар характерини чизиш, ўткир драматик воқеаларни яратишдаги режиссерлик талантини яна бир бор намойиш этганди. У сценарий ва фильм устида ишлаш жараёнида кундалик воқеалар мазмунини янгича талқин этишга интилди, пахтакорларнинг оғир меҳнати ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилишга ҳаракат қилди. Шу нарсани қайд этишимиз зарурки, мураккаб нарсалар ҳақида оммабоп шаклда ҳикоя қилишга муваффақиятли уриниш, урушдан кейинги йиллардаги ҳаётдаги ўзгаришларнинг маълум даражада реал тасвирланиши мунаққидлар ва матбуот томонидан қўллаб-қувватланмади.

Наби Ғаниевнинг яна бир картинаси — «Насриддиннинг саргузаштлари» фильми ҳам асоссиз қораланди. Сценарий муаллифи В. Виткович бу сафар («Насриддин Бухорода» фильми сценарийсидан фарқли ўлароқ) асосий диққат-эътиборни Насриддин билан оддий халқ ўртасидаги ўзаро муносабатларга қаратади. Фильм қаҳрамони энди фақат ҳукмдорни ёки хасис савдогарнигина эмас, халқнинг «паст» табақаларидан чиққан айрим кишиларни ҳам қайта тарбиялайди. Унинг доимий ажралмас ҳамроҳи сифатида муаллифлар майда ўғри Қўсани танлашган. У оқил ва доно тарбиячиси таъсирида ўзининг ёмон одатларини аста-секин тарк этади.

Фильмга берилган тақризларда ижодкорларнинг худди ана шу «хатоси» кўрсатилган. Фильмдаги воқеаларни, ундаги образларни тарихдан ажралган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Танқидчилар эса халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари бугунги кун этикаси талабларига жавоб бериши керак, деган даъвони кўтариб чиққанлар. Шарқ адабиётининг таниқли билимдонларидан бири П. Скосирев ҳам фильм ижодкорларидан халқ оғзаки ижоди материалларини модернизация қилишни талаб этган. Унинг фикрича, картинада озодликка эришиш учун босмачиларга ва хонларга қарши кураш эмас, айёрлик ва маккорлик эвазига бойларнинг ўз мол-мулкидан воз кечтириш асос қилиб олинган эмиш. Насриддинни бойларга ва босмачиларга қарши курашга даъват этувчи революционер қилиб кўрсатиш нодонликнинг ўзгинаси эмасми, ахир!?

Бизнингча фильмнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тарихий ҳақиқатнинг тўғри кўрсатилишида, халқ оғзаки ижоди материалларини реалистик талқин этишдадир.

РЕЖИССЁРЛАР ВА АКТЁРЛАР КУЧИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?

Бугунги вазифалар кўлами ва характери кўп жиҳатдан кинематографдаги ижодий изланишлар йўналишини белгилайди, режиссерларни иш билан таъминлашда катта аҳамият касб этади. Бироқ ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Масалан, 70-йилларда воқелик билан экранда кўрсатилаётган воқеалар ўртасида девор пайдо бўлди. Ҳужжатли ва телевизион кинода ҳаётдан узилиш ҳоллари кўзга ташлана бошлади.

Айрим режиссерлар фильмга асос қилиб адабий асарни танлашда ўзига ва танланаётган материалга нисбатан зарур талабчанлик қилмайдилар. Натижада

бўш ва саёз сценарийлар ишлаб чиқаришга жорий этилади. Бундан томошабин жабр кўради. Фақат бугина эмас. Ўз меҳнатини шу ишга бағишлаган «Ўзбекфильм» студиясининг кўп аъзоли коллективи ҳам зарар кўради.

Кейинги беш йил ичида режиссер М. Оғамирзаев тўртта бир серияли (Л. Файзиев билан ҳамкорликда — «Мангулик» ва «Олтин тери» ҳамда «Қўпол кўниш» ва «Бувимни қайтаринг» фильмларини) ва битта икки серияли «Қомила» картинасини яратди. Шу муддат ичида режиссер А. Қобулов иккита картина («Бўйсунмас» ва «Жонтойнинг қасами» фильмларини), режиссёр Қ. Камолова эса бор-йўғи битта («Набирамиз милицияда ишлайди») фильм яратишди.

Мисол тариқасида М. Оғамирзаевнинг «Қўпол кўниш» фильмига мурожаат қиламиз. Фильмда романтика, жасорат ва драматизмга тўла учувчилар ҳаёти мутлақо бузиб кўрсатилади. Картина драматургик тузилиши, марказий қаҳрамонлар образи ва иккинчи пландаги персонажларнинг кўрсатилиши жиҳатдан ниҳоятда бўш ишланган. Мавзунинг ўзи ҳам республикамиз ҳаёти билан мутлақо боғланмаган. Бу лента ҳақида ўйлар эскансиз, беихтиёр саволлар туғилади: бу фильм қандай қилиб пайдо бўлиб қолди? Балки режиссёр «ишсиз» қолганлиги учун студия ана шундай тутуриқсиз сценарийга қўл уришга мажбур этгандир?

Кези келганда шуни айтиш керакки, М. Оғамирзаевга ўхшаш «сермаҳсул» постановкачи-режиссёрлар картиналарни суратга олиш билан банд бўлган бир пайтда ёш режиссёрлар ишсиз юришади ёки иккинчи режиссёрлик вазифасини адо этишади. Ахир, ўзлари фильм постановка қилишни улар қачонгача кутишлари керак? Бу саволга жавоб беришни баъзи ёш режиссёрларнинг ўзидан сўрадик.

Бу саволга Т. Юнусов шундай жавоб берди: «Бунинг сабаби кўп. Улардан айримларини айтиб ўтаман. Сценарий жуда узундан-узоқ босқичлардан ўтиб келгунча анча вақт ўтади. Масалан, Н. Қобул томонидан ёзилган «Бойчечакларни кўргунча омон бўлайлик» сценарийси бир вақтлар мени жуда қизиқтириб қолганди. Ўзимча планлар туза бошладим. Автор билан иш олиб бордим. Лекин постановкани негадир қолдиришди. Орадан йиллар ўтди. Мени бошқа проблемалар қизиқтира бошлади. Тўсатдан менга «Бойчечакларни кўргунча омон бўлайлик» сценарийсини тавсия этиб қолишди. Яна бошқа сабаб: ҳозирча энг яхши ёзувчиларимиз оригинал асарлар ёзишни афзал кўришади. Китоблар чиқариш улар учун қизиқарлироқ. Мен уларнинг кўпчилиги билан бажонудил ишлаган бўлардим. Бунинг учун сценарийни улар рус тилида ёзишлари керак бўлади. Ёки ўзбекчадан русчага таржима қилгунча эса анча вақт ўтиб кетади».

Суҳбатни тўрт йил муқаддам Бутуниттифоқ давлат кинематография институтини тамомлаган О. Эргашев давом эттирди: «Институтда ҳаммамиз баробар эдик. Ўқитувчиларимиз биз билан ҳисоблашар ва маслаҳатлашар эдилар. Педагог турган минбар билан аудитория ўртасида ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди. Лекин ишлаб чиқаришга келганимизда эса бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Таниқли режиссёрлардан бири биз ҳақимизда шундай деди: «Бу йигитчалар институтни тугатган бўлишса ҳам, ҳали режиссёр эмас». Уларнинг бундай дейишларига биз ҳеч қандай асос берганимиз йўқ-ку? Ана шундай «баҳо»дан сўнг ўз кучингга ишонч йўқолади, ўзингдан ва студиядаги ўз мавқеингдан қониқмаётганингни яна ҳам тўлароқ ҳис этасан киши».

Режиссёрлар ўқиш жараёнида 3-4 та фильмни суратга олишади. Студия шароитига яқин вазиятда фильм яратишади. Лекин институтда фильм ишлаш анча мураккаб. Негаки яратаётган фильмингни картина директорисиз, администратор ва ассистентларсиз ўзинг яратасан. Шуниси ачинарлики, бундай тайёргарликдан сўнг ёшларнинг йиллар давомида иш кутиб юришига ақл бовар қилмайди. Оқибатда ижодий турғунликка учрай бошлайди. Очиғини айтганда, уларга нисбатан ишончсизлик яқин-яқингача давом этиб келарди. Қизиғи шундаки, ёшларга таскин бериш учун: «Ҳали сиз ёшсиз, келажак олдинда», дейдиган, ижодий имкониятларини бутунлай сарфлаб бўлган «моҳир» режиссер постановка қилиш учун янги сценарийни қўлига олади. Бундай адолатсизликка қарши норозилик билдирмоқчи бўлганларни эса ҳамкасбларнинг ўзлари: «Қаттиқ гапириб нима қиласан, яқинда фильм олишга киришасанку», деб юпатмоқчи бўлишади. Сукут сақлаш, барча нарса билан келишувчанлик қилиш ва эзгу дамни кутиб ўтириш бизни қаттиқ ташвишлантиради. Ёш режиссёрларнинг фильм олмай, кутиб қолишларининг сабаби ҳам ана шундадир, деб ўйлаймиз. Шу муносабат билан

60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошларида Э. Эшмуҳамедов ва А. Ҳамроевларнинг ижодий активлик кўрсатганликларини эслатиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. Улар ўша йиллардаёқ замонавий ва ўтмиш мавзусида ажойиб картиналар яратишди. Оқим бўйлаб сузавериш, гражданлик позициясида ва ижодда пассивлик кўрсатиш бугунги кун руҳига тўғри келмайди. Кимда-ким юқоридаги нуқтаи назарга амал қилар экан, фойдадан кўра кўпроқ зиён келтиради.

Кинематографияни қайта қуришнинг оқибат натижаси киностудиядаги барча тармоқларнинг фаол ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир. Ана шу нуқтаи назардан режиссёр алоҳида эътиборга сазовордир. Режиссёр кучларни иш билан банд қилиш ҳақида жон куйдириш билан бир вақтда, чамаси, кўп миллионли аудитория учун асар яратаётган, суратга олиш группаларига раҳбарлик қилаётган кишиларга нисбатан юксак талабчанлик кўрсатиши лозим. Бу гапларни яна шунинг учун ҳам айтаяпмизки, айрим постановкачи режиссёрлар ўзларининг дастлабки ютуқларидан кейин ўзига, сценарийга, актёрларга, фильмнинг тасвирий жиҳатларига талабчанликни сусайтириб юбормоқдалар. Бир неча йил муқаддам З. Ройзман картиналари билан бизни хурсанд этганди. Бугунги кунда у яратган фильмлар сони ортиб бормоқда. Лекин унинг сифати ҳақида бундай дея олмаймиз. Унинг яқинда ишлаган «Муҳаббат юлдузлари» фильмини бундан олти йил муқаддам яратилган «Юксак қорлардаги учрашув» картинаси билан қиёслашнинг ўзи кифоя. Биринчи фильмда бизга муҳаббат лавҳаларини зўрма-зўраки киритилган концерт номерлари билан бирга кўришни тақдим этишади, иккинчи фильмда эса эндигина иш бошлаган режиссёр телевизион кино воситалари ёрдамида революция қаҳрамонининг ички оламини, батракнинг янги ҳаёт сари мураккаб йўлини тадқиқ этган эди.

Кинематографда актёрлар кучидан фойдаланиш ҳам ўлда-жўлда бўлиб қолган, улар меҳнатидан унумли фойдаланилмаётир. Таъбир жоиз бўлса шу нарсани айтмоқчимизки, яқин-яқингача кинони актёрлар билан ўзбек театри таъминлаб келган. Эндиликда эса ВГИКда махсус таълим олган киноактерлар коллективи мавжуд. Шунга қарамай режиссёрлар кўп ҳолларда актёрларни иттифоқимизнинг бошқа студияларидан таклиф этишади. «Агар четдан таклиф этилган актерлар биз, ўзбек актёрларидан устун бўлганларида эди алам қилмасди», дейди актриса Альмира Исмоилова. «Муҳаббат ва нафрат», «Ошиқаётган чопарлар», «Эҳтиёт бўлинг, илон» фильмларида ажойиб роллар ижро этган бу актриса мана бир неча йилдирки, бирон-бир ролга таклиф этилишини кутиб ўтирибди. Шу билан баробар маълум бир актёрга бир хил қолипдаги ролларни топшириб, улар талантининг янги қирралари очилишига кўмаклашмайдилар. Масалан, театр ва кино актери Б. Йўлдошев фақат салбий роллар ижрочисига айланиб қолди («Олмос камар», «Олтин тери», «Оловли йўллар», «Аждаҳо ови» фильмларидаги ролларини эсланг). Ажойиб актёрларнинг бутун бир отряди роллар кутаяпти, уларнинг айримлари: З. Садриева, О. Норбоева, Д. Қамбарова, А. Исмоиловалар учун махсус сценарийлар битса арзийди.

Республикамизда содир бўлган салбий ҳолатлар Ўзбекистон кино санъатига ҳам маълум даражада ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Режиссёрлар ва актёрлар кучидан оқилона фойдаланиш кўпгина масалаларни ҳал этишга, шу жумладан ҳаққоний экран асарларининг пайдо бўлишига ҳам кўмаклашган бўлур эди. Яқин-яқингача бундай картиналар деярли ишланмаган эди. Қўрқаписа хайрли ишга қўл урганлар эса республикамизнинг ижтимоий ҳаётида ва экономикада юз берган аҳволни чуқур англамай, бир ёқламаликка йўл қўйдилар. Бирок, «Алвидо, ғўр ёшлигим» фильми ва «Танқиддан ташқари муҳит» фильмининг сценарийси (авторлар: Э. Эшмуҳамедов, Ж. Исхоқов, О. Агишев) 80-йилларнинг иккинчи ярмидаги ўзбек бадиий киносида муҳим босқич бўлиб қолади.

Кинематографчилар олдида ўз «цех»ларида қайта қуриш ишларини амалга оширишдек муҳим ишлар турибди. Киношуносликнинг бугунги кундаги асосий вазифаси ҳам ҳозирги кино тараққиёти жараёнидаги ўзгаришларни чуқур идрок этиш ва совет киносанъатининг сифат жиҳатдан тез ва жадал ривожланишига кўмаклашишдан иборатдир.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ СОЦИАЛ ЖИҲАТЛАРИ, УНИ ПАРТИЯВИЙ-СИЁСИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ.

Пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Мамлакатимизда амалга оширилаётган қайта қуриш коммунистик истиқболни ҳисобга олган ҳолда социализмни такомиллаштиришга қаратилган чуқур революцион туб ўзгартиш бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини, шу жумладан социал соҳани ҳам ўз ичига олади. Қайта қуришнинг комплекс характери шундан келиб чиқадики, социализм жами ижтимоий муносабатлари (иқтисодий, социал, сиёсий, идеологик, ҳуқуқий, оилавий-маиший, миллий ва ҳоказо) ягона система бўлиб, унда барча структуравий элементлар ўзаро боғланган ҳамда бири бошқасисиз яшай олмайди. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладида қайд этилганидек, «бир вақтнинг ўзида экономикада ҳам, социал соҳада ҳам, давлат ва ижтимоий бошқарувни қайта қуришда ҳам, идеология ва маданиятда ҳам кенг миқёсли вазифаларни ҳал қилиш лозим бўлади».

Тингловчилар билан биргаликда қайта қуришнинг социал жиҳатларини, уни партиявий-сиёсий ташкил этишни таъминлашни қуйидаги план асосида кўриб чиқиш мумкин:

1. Социал адолат ва қайта қуриш шароитида уни рўёбга чиқариш принциплари.

2. Мотивлар ва стимулларнинг таъсирчан системасини яратиш, меҳнатни ташкил этишга сифат жиҳатдан янгича ёндашиш зарурлиги.

3. Қайта қуришни партиявий-сиёсий ташкил этишни таъминлайлик.

СОЦИАЛ АДОЛАТ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА УНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Машғулотни иқтисодий ва социал ривожланишнинг бирлиги ва зиддиятларини аниқлашдан бошлаш тавсия этилади. Бу бирлик жамиятимиз иқтисодий ривожининг аниқ социал йўналишини ифода этади. Социализм социал соҳани ривожлантириш учун моддий база яратади, социал соҳа эса, ўз навбатида, инсон омилини активлаштириш механизми орқали экономика самарадорлигига таъсир кўрсатади. Аммо иқтисодий ва социал бирлик зиддиятлидир. Социал соҳанинг орқада қолиши иқтисодий ўсишни сустлаштиради, экономикада салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Социал соҳани назар-писанд қилмаслик, технократик ёндашиш ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш стимулларини заифлаштиради, манфаатлар қарама-қаршилигини кучайтиради. Бунинг устига социал соҳа замиридаги ривожлантириш стимуллари ишга солинмаса, тўғаноқ солиш механизми вужудга келади.

Ўтмишда социал проблемаларга етарлича баҳо бермаслик, КПСС МК 1987 йил июнь Пленуми очиқ-ошкора, партиявийчасига дадил тан олганидек, социал занглашларга ҳамда экономикамизни кризисолди ҳолатига олиб келди. Маълумки, озиқ-овқат, уй-жой, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, аҳолининг умрини узайтириш каби ва бошқа проблемалар энг кескин проблемалар жумласига киради. Уларни жуда тез ҳал этиш зарурати социал соҳани қайта қуришни талаб этади. Пропагандист тингловчиларга ана шуларни тушунтириб, улар билан биргаликда бундай қайта қуришнинг асосий жиҳатларини таҳлил этади. Бунда бошланғич момент деб шуни ҳисоблаш керакки, эътиборни топширилган социал мақсадлар ва йўл-йўриқларга эришишга қаратган ҳамда яратилган иқтисодий базага таянилган ҳолда социал соҳадаги зиддиятларни ҳал қилмоқ лозим. Модомики, социал соҳани қайта қуришнинг етакчи йўналиши тақсимлаш муносабатларига, уларда социал адолат принципларини барқарор этишга тааллуқли экан, социал адолат тушунчасини аниқлаб олиш лозим.

Социализм иктисодий системаси моҳиятининг характеристикаси сифатида майдонга чиқадиган ҳамда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жиҳатларига кириб борадиган социал адолат социалистик ижтимоий мулк амал қилишининг натижаси бўлиб, у барча гражданларни тенг ҳуқуқли мулк эгалари қилади, меҳнатни ҳамма учун ва ҳар бир киши учун мажбурий меҳнатга айлантиради, меҳнатга яраша тақсимлаш принципини барқарор этади. Жамиятимиздаги социал адолатнинг моҳияти, КПСС XXVII съездида таърифлаб берилганидек, «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципига оғишмай риоя қилишдан иборатдир. Бир текис тақсимлаш, меҳнатсиз даромадлар меҳнаткашлар жамияти бўлган социализм табиати билан сиғишмайди.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инсон омили ролини ошириш, кишиларнинг ижтимоий, энг аввало меҳнат активлигини кучайтириш социал адолат принципларини рўёбга чиқариш билан боғликдир. Тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш — бу энг аввало меҳнат қилмаган ҳолда ўзлаштиришни истисно этадиган иктисодий шароитларни яратишдан иборат бўлиб, бундай шароитлар фақат айрим инсонга эмас, балки ишлаб чиқариш коллективларига нисбатан ҳам меҳнат меъёри билан истеъмол меъёрининг мувофиқлигини барқарор этишга кўмаклашади. Шу боисдан тақсимлашда социал адолатни барқарор этишдан аввал ишлаб чиқаришнинг ўзида социалистик мулк янада тўларок амалга оширилиши лозим. К. Маркс маҳсулотни тақсимлаш ишлаб чиқариш воситаларини тақсимлашга боғлиқ, деб уктирар экан, ана шу воситаларга бўлган мулкчилик характерини назарда тутган эди. Социалистик мулк ишлаб чиқариш коллективлари учун, ҳар бир кишининг лаёқатларини рўёбга чиқариш учун озми-кўпми тенг моддий ва иктисодий шароитни таъминлаш томон такомиллаштириб борилиши керак. Бу меҳнатнинг умумхалк гарантиясини ҳамда унга олинган натижаларга яраша ҳақ тўлашни кучайтиришнинг бирдан-бир йўлидир.

В. И. Ленин социализм принципларини амалга оширишда ишлаб чиқариш ва тақсимлашни бутун халқ ҳисобга олишини ва контрол қилишини йўлга қўйишга ғоят катта аҳамият берган эди: «Коммунизмнинг «юкори» фазаси келгунча социалистлар меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан жамиятнинг *ва давлатнинг қаттиқ* контрол ўрнатишини талаб қиладилар» (Тўла асарлар тўплами, 33-том, 113-бет). Ана шу ленинча принципнинг бўшаштирилиши меҳнат билан унга тўланадиган ҳақнинг тенглигини бузишга, меҳнатсиз даромадлар ва бошқа салбий ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлдики, булар бизнинг республикамизда айникса кенг ёйилди. Бундай вазиятда иктисодий ва социал ривожланишни планлаштиришдаги субъективизм ва волюнтаризмнинг авж олиши экономикада анча-мунча диспропорцияларнинг пайдо бўлишига олиб келди, тақчилликни юзага келтирдики, бу ҳол иктисодий суиистеъмоллар ва бузишларга кўмаклашди. Реал ишлаб чиқариш имкониятлари ҳисобга олинмай асосланмаган план топшириқларининг белгиланиши қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик кенг ёйилишининг сабабларидан бири бўлди. Пропагандист тингловчилар эътиборини маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашни ҳисобга олишдаги камчиликлар меҳнат қилмаган ҳолда бу маҳсулотни ўзлаштириш учун йўл очиб қўйиши мумкинлигига қаратиб, социал адолатни барқарор этиш учун меҳнаткашларнинг тақсимлаш устидан кундалик контроли зарур, деб таъкидлайди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ ишлаб чиқариш коллективларида бошқарувни демократиялаш муносабати билан бунинг учун катта имкониятлар яратилади.

Ушбу бўлимни ўрганиш вақтида тингловчиларни ўз иктисодий мазмунига кўра қандай даромад меҳнат билан топилган даромаду қандайи меҳнатсиз топилган даромад эканлиги масаласини муҳокама қилишга жалб этиш фойдалидир. Бу ўринда шуни аниқлаш муҳимки, гап шахсий даромадлар формаси ёки миқдорида эмас, балки уларнинг манбаи ва олиш усулларидадир. Агар даромадлар шахсий меҳнат билан ҳалол ишлаб топилган ва ўзгалар меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бўлса, меҳнат билан топилган даромадлардир, акс ҳолда (ўғирлик, фирибгарлик, олибсотарлик) — меҳнатсиз даромадлардир. Эътиборни яна шунга ҳам қаратиш керакки, корхона коллективининг қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, нархларни сунъий равишда ошириш ҳисобига олган даромадлари ҳам ўз моҳиятига кўра меҳнатсиз топилган даромад бўлиши мумкин. Даромадларнинг асл моҳияти ҳақидаги баҳс давомида тингловчилар ёрдамида муайян коллективда меҳнатсиз даромадлар олиш фактларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини белгилаб чиқиш муҳимдир.

Аҳоли турли қатламларини товарлар билан, хусусан давлат дотация берадиган озиқ-овқат моллари билан таъминлаш социал адолат жиҳатларидан биридир. Уларни нотекис тақсимлаш, бинобарин, нотекис истеъмол қилиш аҳоли турли группалари реал даромадларининг ноўрин табақалаштирилишига, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги мувофиқликни бузишга олиб келади. Шу муносабат билан мазкур молларни шаҳар аҳолиси ўртасида ҳам, қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам бир текис тақсимлаш зарурати юзага келади.

Ҳалол меҳнат билан топилган ҳар бир сўм ҳамма ерда товарлар ва хизматлар шаклида ўз эквивалентига эга бўлиши керак. Бусиз халқ фаровонлигини ошириш, унинг тобора кўпайиб бораётган пул даромадларини реализация қилишни таъминлаш мумкин эмас. Бу

қийматнинг пасайиши, экономикада товар-пул мувозанатининг бузилиши каби салбий тенденцияларни бартараф этиш учун ҳам муҳимдир. Товарлар ва хизматларнинг етишмаслиги аҳоли пул даромадларининг унинг харажатларидан ортиқ бўлишига, реализация қилинмаган пул ҳажмининг ортишига, пулнинг иқтисодий оборотдан чиқиб қолиши ва пул муомаласининг бузилишига олиб келди. КПСС МҚ 1987 йил июнь Пленумида биз хўжаликни бошқаришни ислоҳ қилиш доирасида истеъмол моллари ишлаб чиқаришни аҳоли талаб-эҳтиёжларига бўйсундириш йўлини изчил ва собитқадамлик билан давом эттиришимиз лозим, деб таъкидланганлиги бежиз эмас.

Пропагандист шуни уқтириши керакки, аҳоли турли категорияларининг товарлар ва хизматларга бўлган жуда дифференциал эҳтиёжларини қондирмоқ учун уларнинг ассортиментини хилма-хил қилиш, сифатини кескин ошириш зарур. Кишиларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш инсон омили ролини оширишнинг зарур шарти бўлиб, туб иқтисодий ислоҳот ана шунга хизмат қилади. Бу ислоҳот эса демократиялаш билан бир қаторда қайта қуришнинг чуқур моҳиятини ташкил этади. Бошқарувнинг маъмурий-бюрократик, буйруқ бериш-тазйиқ ўтказиш методларидан фарқли ўлароқ, иқтисодий методлари кишилар хатти-ҳаракатининг рағбатлантирувчи мотиви бўлмиш кишилар иқтисодий манфаати кучига таянади, социал адолат принципларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

МОТИВЛАР ВА СТИМУЛЛАРНИНГ ТАЪСИРЧАН СИСТЕМАСИНИ ЯРАТИШ, МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИЧА ЁНДАШИШ ЗАРУРЛИГИ

Пропагандист ушбу масалани кўриб чиқишга киришар экан, амалга оширилаётган қайта қуриш жараёнида иқтисодий манфаатларни бошқариш, манфаатлардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқаришни бошқариш биринчи ўринга қўйилишини яна бир бор таъкидлайди. Бунга эришмоқ учун барча ходимларни ўз лаёқатларини тўла-тўкис очишга, унумли меҳнат қилишга, ишлаб чиқариш ресурсларидан ғоят самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи қудратли мотивлар ва стимуллар системасини яратиш зарур.

Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантириш системаси, деб қайд этади пропагандист, ҳозир кишилар иқтисодий манфаати замирида ётган ривожлантиришга бўлган қудратли турткини ишга соладиган қилиб қайта қурилмоқда. Қатъий иқтисодий ислоҳот хўжалик юритиш шароитларини тубдан ўзгартиради. У планли бошқарув доирасида корхоналарга тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга асосланган иқтисодий йўлни танлаб олиш эркинлигини беради. Бу йўлни амалга ошириш давомида янги хўжалик механизми, у билан бирга эса меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг тегишли формалари ҳам вужудга келади. Бу энг аввало бригада ва оила пудратидир.

Хўжалик ҳисобига асосланган муносабатлар аста-секин бутун экономикага сингиб бормоқда. Коллектив пудрат орқали хўжалик ҳисобини ҳар бир коллективга, ҳар бир иш ўрнига етказиш мумкин. Бригада — меҳнат коллективининг бошланғич бўғини, коллектив меҳнатнинг қарор топиш формасидир. Бригада ишини хўжалик ҳисоби принциплари асосида ташкил этиш моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиради, меҳнатга тўланадиган ҳақ билан унинг натижаларини маҳкам боғлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалигида оила ва ижара пудрати кенг ёйилиб, бирктиб қўйилган ер, чорва, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишда моддий манфаатдорликни ва иқтисодий масъулиятни ошириш учун шароит яратмоқда. Буни тасдиқлаш учун қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин: 1981—1986 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРда бригадалар ва звеноларни коллектив пудрат билан қамраб олиш 2,5 баравар кўпайди. 1986 йилда республика колхоз ва совхозларида мустақил бригадалар ва звеноларда ишлаётган барча кишиларнинг 48,5 проценти коллектив пудратга ўтди. Сабзавотчилик, чорвачилик, картошка ва узум етиштиришда оила пудрати тобора кенг ривожланиб бормоқда. Пудрат экинлар ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ўстириш омили бўлиб, юксак натижалар учун юксак меҳнат ҳақини таъминламоқда, бир текис тақсимлашни истисно этмоқда. Тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишда коллектив пудратни татбиқ этиш имкониятлари кенгаймоқда. Шу муносабат билан коллектив пудрат афзалликларини конкрет ишлаб чиқариш коллективи мисолида кўрсатиб бериш мақбулдир.

Пропагандист тингловчилар эътиборини қайта қуришнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг пировард натижаларини рағбатлантириш системасини такомиллаштириш каби жиҳатига ҳам қаратади. КПСС МҚ июнь Пленумида кўрсатиб ўтилганидек, бу система янгича қурилиши лозим. Эндиликда Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун асосида тариф ставкалари ва окладларини оширишда, уларга устамалар белгилашда корхона ҳуқуқи гарантияланади. Самарали рағбатлантириш имкониятлари кескин ортади. Хўжалик юритишнинг

ячги шароитида ҳар бир ходимнинг иш ҳақи унинг пировард натижага қўшган ҳиссасига чамбарчас боғлиқ бўлади. Корхонанинг хўжалик ҳисобини жорий этиш туфайли оладиган даромади қанчалик кўп бўлса, ҳар бир кишининг иш ҳақи шунчалик кўп бўлади. Юксак шахсий даромад юксак унумли меҳнат билан гарантияланади. Бу ўринда энг сифатли, ижодий тарзда ва самарали ишлаган киши афзал кўрилиши лозим. Меҳнат қилиб топилган даромад эса, у қанчалик катта бўлмасин, уни ҳалол топган кишига тўланиши керак. Иш ҳақи ва мукофотларнинг адолатлилиги фақат бир нарса билан — улар ҳалол ишлаб топилганлиги ёки топилмаганлиги билан белгиланади.

Иш ҳақи чегарасини йўқотиш меҳнатни активлаштиришнинг кудратли стимулидир. Коллективнинг социал ривожланиш фондидан фойдаланиш самарали меҳнатни рағбатлантиришнинг бошқа муҳим формаси бўлиб, у коллектив учун ижтимоий истеъмол фондидир. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида коллективнинг социал проблемаларини ҳал этиш коллективнинг ўз иши бўлиб, у ишнинг муваффақияти эса тўғридан-тўғри унинг иш натижаларига боғлиқ қилиб қўйилади. Зеро эндиликда корхона (бирлашма) коллектив ишлаб топган социал ривожлантириш фондига таяниб, ходимларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, малакасини ошириш масалаларини ҳал этиш имконига эга бўлади. Бу корхона даромадларини тақсимлашнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтиради. Бинобарин, деб якун ясайди пропагандист, социал активлик стимуллари системаси коллективда ҳам иш ҳақи ҳисобидан, ҳам ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан яратилади.

Қайта қуриш аҳолини иш билан банд қилиш проблемасини ҳам ўз ичига олади. Социализм ҳар бир кишига меҳнатни гарантиялайдики, меҳнат жараёнида унинг қобилиятлари намоён бўлади ва рўёбга чиқади. Социализмда иш билан таъминлаш фақат тўла-тўкис эмас, шунингдек оқилона ҳам бўлиши керак, яъни жамият учун ва ҳар бир ходим учун самарали бўлиши лозим. Меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳисобига ишлаб чиқариш интенсивлашиб боргач сари моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилар сони қисқаради, аҳолининг социал-маданий эҳтиёжларини қондирувчи ноишлаб чиқариш соҳасида иш билан банд бўлиш кўпаяди. Чунончи, 1960 йилда Ўзбекистон ССРнинг моддий ишлаб чиқариш тармоқларида жами ишлаётганларнинг 84,7 проценти, ноишлаб чиқариш соҳасида эса —15,3 проценти ишлаган бўлса, 1986 йилда тегишли тартибда 73,7 ва 26,3 проценти ишлади. Қайта қуриш давомида амалга оширилаётган экономикани асосан интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш билан бир вақтда бундан буён ҳам ходимлар моддий ишлаб чиқариш соҳасидан бўшатиб олиниб, улар хизмат кўрсатиш, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, дам олиш ва ҳоказо соҳаларга жалб этилади. Бу соҳалар кишиларнинг муҳим эҳтиёжларини қондирадилар ва ўзлари меҳнат ресурсларига муҳтождирлар. Капитал маблағларни социал соҳа фойдасига қайта тақсимлаш ҳам социал-маданий хизматлар кўрсатувчи кишиларнинг иш билан бандлигини кўпайтириш омили бўлиб майдонга чиқади.

Қайта қуриш социал соҳани устун даражада ривожлантиришни талаб этади. КПСС XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг съезддан кейинги Пленумлари қолдиқ принципини қораладиларки, ўтмишда социал соҳани ривожлантиришга ана шу принцип асосида маблағлар ажратилар эди, шу муносабат билан социал проблемаларни ҳал этиш мунтазам равишда пайсалга солинарди. Бу борада қатъий бурилиш қилиш учун XII беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган истиқболда социал-маданий қурилишни жадал ривожлантириш мўлжалланган. Давлат планига мувофиқ бутун миллий даромаднинг бешдан тўрт қисми аҳоли эҳтиёжларини қондиришга сарфланади. Маълумки, 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Уни ҳал этишга давлат маблағларидан ташқари, корхоналар ишлаб топган маблағлар ҳам, гражданларнинг шахсий даромадлари ҳам сарфланади. Дарвоқе, аҳоли маблағлари дам олиш, туризм базаларини, спорт иншоотлари ва ҳоказоларни барпо этишга ҳам жалб қилинади.

Аҳолининг бекор ётган даромадлари ортиб бораётган шароитда социал-маданий эҳтиёжларни қондириш учун кооперативларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. 1987 йил 1 октябрига қадар СССРда кооперативлар сони 8 мингга етиб, уларда ишловчилар 88 мингдан иборат эди. Улар 130 миллион сўмлик товарлар ишлаб чиқардилар ва аҳолига хизматлар кўрсатдилар. Бироқ ишлаб чиқаришнинг кооператив формаси замирида ётган имкониятларга қиёсан олганда, бу фақат ишнинг бошланишидир. Кооператив товарлари ва хизматларининг ассортименти ҳозирча ғоят чекланган бўлиб, улар қишлоқда деярли ривожланмаган. Кўп кишилар кооперативлар фаолиятига ишонқирамай қараётганлигини ҳисобга олиб шуни қайд этмоқ лозимки, ишлаб чиқаришнинг кооператив формаси ўз табиатига кўра социалистикдир, у аҳолининг талаб-эҳтиёжларини, айниқса хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг қўшимча манбаи бўлиб хизмат қилади ҳамда пул муомаласининг мустаҳкамланишига кўмаклашади. КПСС Марказий Комитетининг ана шу масала юзасидан яқинда қабул қилган (1987 йил ноябрь) қарорида барча партия, совет ва хўжалик органлари зиммасига кооперативлар иш формаларини янада ривожлантиришни, кооперативларнинг ҳар бир районда товар ресурслари ва хизматларни кўпайтиришга қўшадиган ҳиссасини оширишни таъминловчи қатъий чора-тадбирлар кўриш вазифасини юклаганлиги бежиз эмас.

СССРда аҳоли даромадларининг ўсиб бораётганлиги бу даромадлар бир қисмини, масалан, кооператив квартира сотиб олишга ёки шахсий уй қуришга сарфлаш имконини беради. Бу уй-жой масаласини ҳал қилишга кўмаклашишидан ташқари кишилар турмуш даражасини улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ қилиб қўйиш имконини беради. Уй-жой ҳам бошқа товарлар каби неъматдир ва у билан таъминланиш ҳар бир кишининг меҳнат ҳиссаси билан боғлиқ бўлиши лозим.

Соғлиқни сақлаш системасини қайта қуриш социал жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий йўналишлари КПСС МК ва СССР Министрлар Совети томонидан мазкур йўналишларни бутун халқ муҳокама қилиши якунлари юзасидан киритилган қўшимчалар ва истаклар ҳисобга олинган ҳолда тасдиқланди. Пропагандист тингловчилар эътиборини соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг уни пировард натижаларга йўналтириш, медицина муассасаларига хўжалик ҳисоби принципларини жорий этиш каби ва бошқа муҳим моментларига жалб этиб, шуни таъкидлайдики, мамлакатимизда соғлиқни сақлашни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш — бутун халқ иши бўлиб, бу иш фақат медицина ходимлари томонидангина эмас, балки партия, совет, касаба союз органлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан ҳам ижодий ёндашишни талаб этади.

Совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг актив ҳаёт кечириш муддатини чўзиш фақат соғлиқни сақлаш хизматини ривожлантириш билангина эмас, балки истеъмол маданиятини, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш маданиятини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, санитария маданиятини юксалтириш, физкультура ва спортни ривожлантириш, алкоголизм, гиёҳвандлик, токсикомания каби социал иллатларни қатъиян йўқ қилиш билан ҳам боғлиқдир. Қайта қуришнинг мақсади бўлмиш инсонни жисмоний ва маънавий камол топтирмасдан туриб буларнинг ҳаммасига эришиб бўлмайди.

Экономиканинг турғун ҳолати ва социал занглаш даврида умрнинг узоқлиги каби социал ривожланиш муҳим кўрсаткичининг бизда пасайиб кетганлиги тасодифий эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири алкоголизм бўлиб, ана шу иллатга мубтало бўлган шахсларда ўртача умр 46 йилни ташкил этади. Алкоголизмга қарши курашда партия ва ҳукумат кўраётган қатъий чора ва тадбирлар сезиларли натижалар бермоқда. Алкоголизмга қарши қонун қабул қилингандан кейин ўтган фақат бир йил ичида 100 минг кишининг ҳаётини сақлаб қолишга ҳамда ҳар минг киши ҳисобидан аҳоли орасида ўлимни 10,6 дан 9,8 гача камайтиришга муваффақ бўлинди. Ана шу социал иллат миқёслари ҳали ҳам катта бўлганлиги ва унга қарши кураш совет кишиларининг соғлом турмуш тарзини вужудга келтиришнинг муҳим шарти эканлиги сабабли тингловчилар билан уларнинг коллективида ичкиликбозликка қарши иш қай даражада самарали олиб борилаётганлиги ҳамда коллективнинг соғлиқни сақлаш, дам олиш, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш хизматларини ривожлантириш имкониятлари қандай эканлигини муҳокама қилиш фойдалидир. Бу ишнинг янада самарали бўлиши учун олдиндан бир неча тингловчиларга ана шу масалани мустақил ўрганиб чиқишни ва ўз нуқтаи назарини машғулот вақтида баён этишни топшириш мумкин.

Пропагандист қайта қуришнинг социал жиҳатларини ўрганишни тугаллар экан, унинг комплекс ва кўп қиррали характери, совет кишилари ҳаётининг сифат жиҳатдан янги даражасига эришишга қаратилганлиги, социал проблемаларни ҳал қилишда корхоналар (бирлашмалар) ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини кучайтириш бу ишда аҳолини активлаштириш зарурлиги ҳақида эслатади. Партия социал сиёсатининг хусусияти шундаки, у кенг миқёсли умумдавлат программаларини амалга оширишни корхоналар ташаббусини кенгайтириш, кооперацияни ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш билан узвий боғлаб олиб боради. Эътиборни яна шунга қаратиш кераки, қайта қуриш шароитида ҳар бир регионга ва меҳнат коллективига татбиқан социал приоритетларни танлаш муҳимдир. Бир коллективда уй-жой ёки социал-маданий хизматлар билан таъминлаш, бошқасида — ходимлар малакасини ошириш, учинчисида эса — болалар муассасаларига ва медицина хизматига бўлган эҳтиёжни қондириш жуда зарур бўлиши мумкин. Дифференциал приоритетлар социал проблемаларни босқичма-босқич ҳал этишнинг асоси бўлиши лозим.

Қайта қуриш томон тутилган ва йирик-йирик социал программаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилган йўл партия томонидан илгари сурилди. Бу программалар партия раҳбарлигида амалга оширилмоқда ва шу сабабли пропагандист қайта қуришнинг социал жиҳатларини ўрганишдан уни партиявий-сиёсий ташкил этишни таъминлашни кўриб чиқишга ўтади.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ ПАРТИЯВИЙ-СИЁСИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Иқтисодий ислоҳот ҳозирги босқичининг асосий вазифалари, деб эслатади пропагандист, чуқур структуравий ўзгаришлар ясаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда бурилиш қилишга эришиш, хўжалик механизмини қайта қуришни асосан амалга ошириш

ва, шу тарика, халк хўжалигини интенсивлаш изига ўтказишда дадил кадам кўйишдир. Партия ишлаб чиккан сиёсат, кабул килинган барча карорлар турмушга тобора жадал ошириладиган, конкрет, амалий ишларга айланадиган пайт келди. Бу, албатта, бутун халкнинг, ҳар бир совет кишисининг жуда катта куч-ғайрат сарфлашини талаб этади, бу куч-ғайратни тўғри йўлга солмок учун партия ташкилотлари ҳормай, ташаббускорлик билан кизғин иш олиб боришлари лозим. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладда айтилганидек, «кайта куришнинг муваффакияти энг аввало партия, ҳар бир коммунистнинг ғайрат-шижоатига, собиткадамлигига, ибрат кўрсатиш кучига боғликдир».

Кайта куришнинг ҳамма йўналишларида партия таъсирини кучайтириш деганда нимани тушунамиз? Бу саволга ҳам «Октябрь ва кайта куриш: революция давом этмокда» докладида аник, тўла-тўкис жавоб берилган. Бир жойда ўтиравериш ёки окимга караб иш тутиш — бу белгиланган планлар такдири учун ўз масъулиятини англаган ҳар кандай партия ташкилоти учун баб-баравар номакбулдир. Моҳирона раҳбарлик килиш — бу вазиятга реалистик баҳо бериш: кийинчиликлардан чўчимаслик, ваҳимага тушмаслик, муваффакиятлардан ҳам, муваффакиятсизликлардан ҳам гангиб колмаслик, ҳар кун, ҳар соатда, ҳамма ерда кизғин ва аник максадни кўзлаб меҳнат килиш ҳамда ҳамма соҳада ҳаётнинг ўзи такозо этган оптимал карорларни топиш, амалга ошириш демакдир.

Пропагандист таъкидлайдики, зиддиятларни оча биладиган, анализ кила оладиган, уларнинг табиатини тушунадиган ва шу асосда сиёсий, иктисодий, социал, ташкилий ва идеологик тадбирлар системасини туза оладиган партия ташкилоти, партия органигина меҳнаткашлар орасида обрў-эътибор козонади ва улар томонидан кўллаб-кувватланади.

Бутун ижтимоий ҳаётни демократиялаш, экономикани бошкариш системасини тубдан ислоҳ килиш — вакт ҳамда пухта ҳукукий ва ташкилий тадбирларни талаб этувчи жараёнлардир. Партия XXVII съезди, унинг Марказий Комитети январь ва июнь (1987 йил) Пленумларининг карорлари кайта куришнинг барча йўналишлари бўйича чукур иш олиб бориш учун мустаҳкам замин яратди. Ҳозир бу ғоят улкан ғоявий бойликдан самарали фойдаланиш муҳимдир. У ҳозирнинг ўзидаёк бир катор ҳукукий актларда рўёбга чикарилди. Бу энг аввало Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳакидаги СССР Конуни бўлиб, бу конун 1988 йил 1 январдан кучга кирди. КПСС МК 1987 йил июнь Пленумида бу ҳужжатнинг кабул килиниши экономикани бошкаришни кайта куришнинг бошланғич нуктаси деб аталди. Маълумки, мазкур Пленумнинг ўзи «Экономикани бошкаришни тубдан кайта куришнинг асосий коидалари»ни маъкуллаб, реформани ташкилий жиҳатдан таъминлашга жуда катта ҳисса кўшди. Мазкур коидалар бошкаришнинг янги системасини яратиш борасида ҳам принципиал, ҳам конкрет йўл-йўриклар беради, бундан кейинги барча ишлар учун партия директиваси бўлиб хизмат килади.

Туб ўзгартувчилик фаолиятининг ташкилий жиҳати иктисодий реформанинг ҳукукий механизмини шакллантиришнинг кенг программасини ўз ичига олади. Диккат-эътиборни умумий ҳукукий принципни янада кенг кўлланишга каратувчи июнь Пленумининг кўрсатмалари муҳим аҳамиятга эгаки, бу принципга кўра «Конун такикламаган ҳамма нарсани килишга рухсат берилади». Бу ҳол хўжалик юритиш соҳасида ташаббускорлик ва мустакилликни кучайтириш йўлидаги тўсикларни олиб ташлайди. Идоралар бўйича нормалар ўрнатаверишни катъий юридик доира ичига олишга карор килинганлиги ҳам жуда муҳимдир.

Корхона тўғрисидаги конун ишлаб чикаришни демократиялашга, меҳнаткашларнинг меҳнат коллективига оид карорларни ишлаб чикиш ва кабул килишда жуда кенг иштирок этишига каратилган. Бунинг учун эса кишилар ўз ҳаёт ва фаолиятларини тартибга солиб турувчи конунларни билишлари керак. Ана шунинг учун ҳам июнь Пленуми ҳукумат конунлари ва карорларининг меҳнат коллективига тез етиб бориши системасини яратиш ҳакидаги масалани кўйди.

Бутун ҳаётимиз демократиялаштирилаётганлиги муносабати билан давлат ҳаётига оид муҳим масалаларни бутун халк муҳокамасига кўйиш ҳакидаги Конун каби ҳукукий акт ҳакида ҳам айтиб ўтиш керак. У иктисодий реформа вазифаларини ҳал этишга бевосита алокадор бўлиб, мазкур Конун йўл-йўриклари ҳаётда канчалик изчил турмушга оширилса, реформа ҳам шунчалик муваффакиятли тарзда амалга оширилади. Максимал даражадаги рўй-ростлик ва ошкоралик, лойиҳалар ва карорларни эълон килиб туриш, тушиб турган таклифлар ҳакида ахборот бериш социал иктисодий ҳаётнинг ҳар кандай муаммолари юзасидан карорларнинг энг яхши вариантларини топишга кўмаклашади. Шу ўринда статистикани тубдан кайта куриш зарурлиги ҳакида айтиб ўтмасликнинг иложи йўк. Зеро кенг ахборот, шу жумладан регионал ва социал ривожлантириш масалалари бўйича кенг ахборот мавжуд бўлган, оралатиб хилма-хил тадкикотлар ўтказиш имконияти бўлган такдирдагина проблема ҳакида компетентли муҳокама юритиш мумкин. Бошкарув органлари вакилларининг мунтазам равишда ва очик-ошкора ҳисобот бериб туришлари ҳам катта аҳамиятга молик.

Кўриб турибмизки, деб таъкидлайди пропагандист, партия вазифаларни фақат кўйибгина қолмай, балки уларни ташкилий жиҳатдан таъминлашга ҳам кўп жиҳатдан эришди. Шу туфайли 1988 йилдан бошлаб бутун саноат маҳсулотининг қарийб учдан бир қисмини чиқарадиган корхоналар ва бирлашмалар, шу жумладан барча машинасозлик, металлургия корхона ва бирлашмалари, ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналарининг, шунингдек химия, ўрмон, енгил, озиқ-овқат, балиқчилик саноати корхоналарининг асосий қисми, транспортнинг ҳамма турлари янги принциплар асосида ишламоқда. 1989 йилда хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтиш ниҳоясига етказилиши керак. Шу билан бир қаторда иқтисодий бошқаришнинг энг муҳим функцияларини: планлаштириш, нарх белгилаш, молия ва кредит, моддий-техника таъминоти функцияларини қайта қуриш амалга оширилади; ўн учинчи беш йилликка мўлжалланган узоқ вақт амал қилувчи муқим иқтисодий нормативларни ҳам ишлаб чиқмоқ лозим.

Шундай қилиб, қайд қилади пропагандист, келгуси беш йилликка биз янги хўжалик механизми билан кириб боришимиз лозим, лекин уни яхшилаб созлаш кейин ҳам давом этаверади. Бинобарин, ана шуларнинг ҳаммасини халқ хўжалиги нормал ишлаб турган шароитда рўёбга чиқариш зарур. Вазифа ғоят оғирдир. Шунинг учун ҳам партия, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладда таъкидланганидек, «ишнинг энг оғир юкини ўз елкасига олди».

Амалда бундан қандай маъно чиқади? Халқ хўжалигининг барча поғоналарида иқтисодий механизмни тубдан ўзгартиш борасидаги бутун улкан ва кўп қиррали иш кўриб чиқиладиган бўлса, бу иш муттасил партия ташкилотлари ва комитетларининг диққат марказида туриши лозим. Уларнинг вазифаси — экономикани бошқаришни қайта қуришга сиёсий, умумдавлат нуқтаи назаридан ёндашишдир. Шу муносабат билан партия ташкилотлари, партия органлари ва кадрларининг фаолиятини тубдан яхшилаш биринчи ўринга қўйилади.

1987 йил ноябрида КПСС Марказий Комитетида бўлган кенгашда қайта қуришнинг янги, иккинчи босқичида партиянинг роли ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Кенгашда партия комитетлари иш услубини қандай қилиб такомиллаштириш, раҳбарликнинг сиёсий методларини барқарор этиш, бошланғич партия ташкилотларининг авангардлик ролини, амалий натижалар учун, етилган проблемаларни реал ҳал этиш учун коммунистлар, раҳбарлар, барча меҳнаткашлар масъулиятини ошириш ҳақида кўп конкрет гаплар айтилди. Бутун ижтимоий ҳаётни демократиялашнинг асосий йўналишларини ва қатъий иқтисодий реформани таъминлаш борасида катта куч-ғайрат кўрсатиб қайта қуришнинг биринчи босқичи сабоқларини ҳисобга олмоқ зарур. Бу даврда, деб қайд этилди кенгашда, назарий ва сиёсий иш нуқтаи назаридан ҳам, ишга амалий ёндашишлар нуқтаи назаридан ҳам партия юксак савияда иш олиб борди. Эндиликда ҳатто айрим партия ташкилотларининг ҳам авж олган қайта қуриш жараёнидан, устун кайфиятлардан орқада қолиб кетишига йўл қўймаслик ғоят муҳимдир. Ниҳоят барча партия ташкилотлари ва комитетлари шуни тушуниб олишлари кераккки, «йўл қўйилмасин», тўхталиб турилсин ва шу каби принцип амал қилган пайтдаги эски методлар энди ярамайди. Биз жамиятни янада демократиялаштириш ва қатъий иқтисодий реформа ўтказиш вазифаларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ҳал этаётган ҳозирги пайтда бундай принциплар халқни жуда ранжитади. Тазйиқ кўрсатиш ва буйруқ беришнинг ўзи хўжалик ҳисоби орқали ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ҳамма бўғинлари ташаббуси авж олиб бораётган бир пайтда парткомлар учун метод бўлолмайди. Бошқача ёндашиш лозим. Бундай ёндашишни излаш эса давом этаверади.

Шу муносабат билан КПСС МКдаги кенгашда таъкидландики, партия ҳозирги босқичда жамиятнинг сиёсий авангарди бўлишдек ўз ролини бир қадар қайта мушоҳада этиб чиқиши лозим, бундан мақсад унинг ҳаракат қилиш методлари, усуллари янги талабларга мос бўлишига эришишдир. Партиявий ишни илгаригига қараганда чуқурроқ ва яна ҳам собитқадамлик билан олиб бормоқ лозим. Ҳозир энг муҳими — кучларни бирлаштира билиш, қайта қуришда кишиларнинг ўз ўрнини топиб олишларига ёрдам бера олишдир.

КПСС МК 1987 йил июнь Пленумида кўтарилган масалалар республикамиз учун ҳам кескин бўлиб турибди. Пропагандист бу ҳол Ўзбекистон Компартияси МК VI пленумида (1987 йил август) уқтириб ўтилганлигини тингловчиларга эслатади. Қайта қуриш кўп жойларга ҳали реал тарзда етиб боргани йўқ, бир томондан янгилаш, ижод қилиш, ташаббус кўрсатиш талаблари билан, иккинчи томондан консерватизм, инерция, турғунлик ўртасидаги зиддиятлар тобора яққол кўринмоқда. Бунга эса кўп жиҳатдан шу нарса сабаб бўлмоқдаки, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш борасидаги кўпгина йирик-йирик қарорлар секин бажарилмоқда, тўла-тўкис амалга оширилаётгани йўқ. Жумладан, ана шу жиддий камчиликлар ҳақида Ўзбекистон Компартияси МК Бюро мажлисида Бухоро, Андижон, Қорақалпоғистон область партия комитетларининг ҳисоботларини муҳокама қилиш пайтида гапириб ўтилди.

Худди ана шундай проблемалар Навоий, Хоразм, Наманган область комитетларининг, Тошкент ва Чирчиқ шаҳар комитетларининг, Паркент, Бувайда ва бошқа район партия комитетларининг пленумларида экономикадаги қайта қуриш ҳақидаги масала муҳокама қилинган пайтда кўтарилди.

Шу муносабат билан партия ташкилотлари ва комитетлари меҳнат коллективларини ишлаб чиқариш ҳаётининг демократик формаларидан фойдаланишга доимо ҳам моҳирона сафарбар этмаётганликлари, ошкораликни суст ривожлантираётганликлари, кадрларни конкрет экономикани билиш, иқтисодий бошқарув методлари билан қуроллантириш ҳақида етарлича жон куйдирмаётганликлари тўғрисида ҳам гапирилди.

Пропагандист уктирадики, мустақил қарорлар қабул қилишдан чўчиш, ҳадиксираш, юқоридан кўрсатмалар кутиш ҳозирча кўп раҳбарларга, шу жумладан партия раҳбарларига ҳам характерлидир. Раҳбар кадрларни тарбиялашда, уларда эришилган ютукларни танқидий баҳолашни, топширилган ишни яхшироқ ва пухтароқ бажаришга интилишни шакллантиришда омма билан алоқа ҳал қилувчи роль ўйнайди. Одамлар орасига дадил кириб бориш, ҳамма масалалар юзасидан улар билан маслаҳатлашиш, аччиқ ва оғир бўлса ҳам ҳақиқатни уларга айтиш, белгиланган планларни амалда рўёбга чиқариш орқали халқ ишончини қозониш лозим.

Тингловчилар эътиборини яна шунга қаратиш керакки, партия органлари ўз ишларини бевосита меҳнат коллективларида, партиянинг қуйи бўғинларида, янгиланиш учун катъий кураш бораётган жойда жамлашлари лозим.

Қайта қуришнинг иккинчи босқичида бошланғич партия ташкилотларининг роли янада ортади. Зеро кўп нарса уларнинг инсон омилини, кишиларнинг ижодий имкониятларини қанчалик очиб беришлари ва активлаштиришларига, коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлашларига боғлиқ. Ҳозир корхоналар ва бирлашмалар партия ташкилотлари сиёсий етуклик ва жанговарлик синовидан ўтмоқдалар. Хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш, меҳнат коллективларида ўз-ўзини бошқариш принципларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан ҳам раҳбар, ҳам оддий коммунистларнинг партиявий, масъулиятли позицияларига ва амалий ишларига боғлиқдир. Ҳамма ерда партиянинг қуйи бўғинларида танқид ва ўз-ўзини танқидни барқарор этиш, қарорларни коллектив бўлиб ишлаб чиқиш, КПСС Уставидаги барча демократик принциплар ва нормаларга янги куч бахш этиш лозим. Ошкоралик, қуйидан контрол қилиш, омманинг социал ижодкорлигини ривожлантириш, қимматли тажрибадан фойдаланиш — ана шуларнинг ҳаммаси ҳар бир меҳнат коллективида қарор топиши керак. Ана шунинг учун ҳам асосий эътибор бошланғич партия ташкилотларига қаратилиши лозим.

1987 йил ноябрида КПСС Марказий Комитетида бўлган кенгашда таъкидланганидек, партия ҳозирги шароитда масалаларни ҳал этишни бевосита ўз зиммасига олишдан ҳам кўра кўпроқ ўз олдига бошқа, янада қийинроқ вазифани — партия ташилотлари, кадрлар орқали, партиявий контрол орқали, шаҳар, район, коллективда соғлом вазият яратиш орқали омманинг социал активлигини йўлга солиш, мувофиқлаб туриш, бирлаштириш, кучайтириш вазифасини ҳал қилиши керак. Раҳбарлик сиёсий методларининг моҳияти ана шундадир.

Пропагандист айтилган ҳамма гапларга якун ясар экан, яна бир бор таъкидлайдики, ҳозир асосий бўғин — бошланғич партия ташкилотидир. Аммо ҳар бир район, шаҳар, область партия комитетида ҳаёт жўш уриши, кишилар партия органини жонажон уйим деб билиши ва бу ерга ўз қувонч ва ташвишлари билан келиши ҳам жуда муҳимдир. Тингловчилар шуни чуқур англаб олишлари лозимки, янгилашнинг энг ишончли воситаси — бу партиядир, бинобарин, қайта қуришни таъминлашда унинг ролини, демак, унинг ҳар бир аъзосининг ролини ошириш, КПССнинг сиёсий, ташкилотчилик, идеологик, кадрларга оид ишини активлаштириш ҳал қилувчи масаладир.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЕТ

К. Маркс. **Гота программасини танқид.** — К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 19-том, 9—32-бетлар.

В. И. Ленин. **Давлат ва революция.** — Тўла асарлар тўплами, 33-том, 1—141-бетлар.

КПСС XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986.

КПСС МК Пленумининг материаллари. 1987 йил 25—26 июнь. — Т., «Ўзбекистон», 1987.

М. С. Горбачев. **Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда.** — Т., «Ўзбекистон», 1987.

О коренной перестройке управления экономикой. Сборник документов. — М., Политиздат, 1987.

Быть в авангарде, работать по-новому. Материалы совещания в ЦК КПСС. — Правда, 22 ноября 1987 года.

ОРОЛНИ АСРАБ ҚОЛАЙЛИК

Ю. КОВАЛЕВ,

ёзувчи,
Оролни асраб қолиш комитети
раисининг ўринбосари

ОРОЛ ДЕНГИЗИ, ОРОЛБЎЙИ ҲАЛОКАТ ЁҚАСИДА ТУРИБДИ. ФАЛОКАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚАТЪИЙ ВА ШОШИЛИНЧ ЧОРАЛАР КЎРИШ КЕРАК!

Мана, чорак асрдирки, бу кўп азият чеккан денгиз ва унга туташ регион — Оролбўйининг номи марказий ва маҳаллий матбуот саҳифаларидан, телевизор экранларидан тушмай қолди. Мақолалар сарлавҳалари, уларнинг оҳанги, мазмуни ҳам тобора ташвишли, аламли бўлиб бормоқда. Бу жуда қайғули мавзуга бағишланган ҳужжатли кинохроника ва телевизион кўрсатувларни кўриб юрагинг эзилиб кетади. Агар авваллари оммавий ахборот воситалари «Орол узра булутлар қуюқлашиб бораётганлиги» ҳақида, «Оролга мусибат яқинлашиб келаётганлиги» тўғрисида ташвиш билан хабар қилишган бўлса, эндиликда булутлар ўрнини зулмат эгаллади, мусибат яқинлашмай, балки бутун даҳшати билан Орол ва Оролбўйига ёпирилди.

«Инсоният чорак аср давомида бир авлод кўз олдида сатҳи 6 миллион гектардан ортиқ ва чуқурлиги 69 метрли бутун бир денгизнинг ер юзидан йўқ бўлиб кетганлигини ҳали билмаган эди», — Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Тўлепберген Қайипбергенов СССР Ёзувчилар союзи пленумларидан бирида дард ва алам, ғазаб ва ташвиш билан ана шундай деган эди.

Тан олиш оғир ва аламли бўлса-да, айтиш керакки, инсоният бутун бир денгиз қуриб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибди! Бу — Орол денгизи, ҳаммамизнинг қувончимиз ва фахримиз, ғам-ташвишимиз бўлган, эндиликда эса унутилмас дард-аламимиз бўлган денгиздир. Инсоният шуни ҳам яхши биладики, қачонлардир «Ўрта Осиёнинг буюк дарёлари» деб ном олган, асрлар бўйи денгизни обиҳаёт билан таъминлаб турган Амударё ва Сирдарё сувлари инсон томонидан нодонлик билан Оролдан тортиб олингач, денгиз ҳалокат ёқасига келтириб қўйилди, у на заминга, на одамларга «улкан фойда» келтирди, на ўлкани «гуллабяшнатди». Ҳолбуки калтафаҳм олимлару раҳбарлар турли минбарлардан бу хусусда оғиз кўпиртириб гапиришганди.

...Мен биринчи бор Орол билан 50-йиллар бошида учрашганман, бу кунни сира унутмайман. Ўшанда денгиз тўлқинлари Мўйноқдаги сокин ва шинам бир қаватли меҳмонхона деразалари остида шовуллаб ётарди; бепоён мовий кенгликларда олисдан, Аральск портидан келган гўзал теплоходлар сузиб юрарди; балиқ тутувчи сейнерлар тўрларини кўтарганларида тоғ-тоғ балиқ уюмлари авлодаждоди овчилик билан шуғулланиб келган балиқчилар қалбини олам-олам қувончга тўлдирарди. Бу ердаги ондатранинг шуҳрати оламга таралганди. Амударё дельтасида ҳар йили 1 миллионга яқин ондатра тутиларди. Мўйноқ балиқ-консерва комбинати ўз балиғида тўла куч билан ишларди; «Йўлбарс қуйруғи»да ўрнашган маёқ денгизчи ва балиқчиларнинг йўлларини олис-олислардан ёритиб турарди.

Маҳаллий аҳоли табиати ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ, денгиз шамоли қаҳрли, баъзан сахий қуёши ҳаддан зиёд қиздириб юборадиган Оролбўйидан бўлак гўзал заминни билишмайди. Шунинг учун одамларнинг авлод-авлодлари ўз ҳаётларини фақат шу ўлка билан чамбарчас боғлаганлар.

Орол яна табиатнинг иссиқ-совуқларини тартибга солиб турувчи буюк кучга ҳам эга эди. Унинг саховатли таъсир кучи нафақат Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Волга бўйи ва Ғарбий Сибирь иқлимига, балки айрим қўшни мамлакатлар об-ҳавосига ҳам майинлик, мўътадиллик бахш этар эди.

«Бўлган эди»... «Таъсир этар эди»... Ҳа, минг афсуски, эндиликда Орол ҳақида, Оролбўйи ва у билан боғлиқ ҳамма нарсалар ҳақида фақат ўтган замонда гапиришга тўғри келади. Орол ҳалок бўляпти. Денгиз ҳалок бўляпти ва у билан бирга унинг қирғоқларидаги ҳаёт, яқин-яқинларгача барчани мафтун этган Оролбўйининг гўзал табиати ҳалок бўляпти.

Кейинги 25 йил ичида денгиз ўзининг қадимий, асрий қирғоқларидан 70—80 км орқага чекинди, ўша қисқа муддат ичида сувининг чуқурлиги 13 метрга пасайди(!) Орол акваторияси 1962 йилдаги 66 минг квадрат километрдан 1987 йили 40 минг квадрат километргача қисқарди, сув ҳажми қарийб 3 баравар камайди.

Орол денгизи аввалги транспорт йўли ва балиқ овлайдиган аҳамиятини тўла-тўкис йўқотди. Ўтмишда машҳур бўлган, эндиликда денгиз қирғоғидан ўнлаб километр сиртда қолиб кетган Мўйноқ балиқ-консерва заводи бугунги кунда музлаган океан балиғини қайта ишлаб чиқармоқда. Ондатра мўйнаси етиштириш кескин камайиб кетди, умуман Оролбўйи ҳайвонот ва набтот олами ҳам бутунлай қирилиб кетиш хавфи остида турибди. Ҳозирдаёқ қумлик ҳамласини тўсиб, ишончли фитомелиоратив ҳимоя вазифасини ўтаётган 800 минг гектардан зиёд тўқайзорлар қуриб кетди; бу жойларда яшовчи 57 ҳайвон туридан атиги 13 таси қолди, ҳали бу ҳам ҳолва. Илгарилари сокин шовуллаб ёки даҳшатли кўпириб тошган денгизнинг бир қисми ўрнида 2 миллион гектарли янтоқзор дашт юзага келди. Агар инсон денгиз ва қирғоқ бўйи территориясига ёрдамга келмаса, агар шамол, туз ва қумликлар йўлига тўсиқ қўймаса, бу жонсиз саҳро 2000 йилга бориб яна 1 миллион гектарга кенгайиши мумкин.

Антропоген фаолият исканжасида Орол денгизининг чекиниши натижасида бу регионда туз-қумли бўронлар сони бир неча баравар ошдики, натижада ҳар йили осмонга 70 миллион тоннадан зиёд заҳарли аралашмалар кўтарилади. Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон автоном республикаси, Хоразм области ва Туркманистоннинг Тошовуз областининг ҳар гектар ерига йилига 600—700 килограммдан туз-қумли чанглар ёғиляпти. Денгиз қурий бошлагандан буён эса 1 миллиард тоннадан зиёд(!) чанг чўкди.

Шунинг учун ҳам Оролбўйида пахта, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кескин пасайиб бораётганлигига, яйловлар қуриб кетаётганлигига, яъни жамоат чорвачилиги асослари барбод бўлаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Олимлар ва мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, Орол денгизининг қуриб боришидан келаётган зарар ҳозирнинг ўзидаёқ 1,5—2 миллиард сўмни, шу жумладан Оролбўйининг Ўзбекистон қисмида 700 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бу ташвишли нохуш «кўрсаткичлар» йил сайин ўсиб бораверади.

Лекин бошқа зарарлар, инсон ҳаёти билан боғлиқ социал характердаги зарарлар ҳам борки, уларни доимо ҳам рақамлар тилида ифодалаб бўлмайди. Қирғоқ бўйида ва Ўрта Осиёнинг (қачонлардир!) буюк бўлган дельталарида жойлашган посёлкалар ҳувиллаб қолди. Балиқчилар, ондатра овловчилар, денгизчилар, чорвадорлар, портда ишловчилар ота-боболари яшаган, ўзлари туғилиб ўсган қадрдон, иссиқ жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Чунки улар бу ерларда кўнгилларидагидек иш тополмаяптилар, бунинг устига ҳалок бўлаётган денгиз манзарасига хотиржам қарай олмайдилар. Биргина Мўйноқнинг ўзида — собиқ денгиз бўйидаги район марказида аҳоли бир неча баравар қисқарди.

Бунинг устига бу региондаги экологик ва санитария-гигиена шароитлари ҳозир шу даражага етганки, булар инсоннинг соғлиги у ёқда турсин, ҳатто ҳаётига ҳам хавф туғдиради. Бу гапнинг аччиқ ҳақиқатлигига ишонч ҳосил қилиш учун биргина факт келтирамиз: Амударёнинг бутун қуйи ва қисман юқори оқимидаги сув ичишга яроқсиздир. Айрим олимлар эса асосли равишда Амударё суви Тер-

миз, Сирдарё суви эса Наманган атрофларида ГОСТ талабларидан анча узоқда, деб таъкидламоқдалар.

Бугунги кунда Орол, Оролбўйидаги, умуман Ўрта Осиё дарёлари ҳавзасидаги қайғули ҳақиқат ана шундайдир.

Ўтган йил май ойида «Орол денгизи районида ва Амударё ҳамда Сирдарё қуйи оқимларида экологик ва санитария ҳолатини яхшилаш масалаларини тубдан ҳал қилиш учун конкрет чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича» Москвада ўтган кенгашнинг хулоса ва таклифларида қуйидаги ёзувлар бор: «Ҳозирги замон экологик ва социал-иқтисодий жараёнларнинг кечиши Оролбўйини **экологик офат региони** деб ҳисоблашга асос берадики, бу давлат томонидан катта аҳамият берилишини ва салбий жараёнларни чеклаш бўйича зудлик билан ҳукумат қарорларини ва келтирилган зарарларнинг ўрнини босувчи чора-тадбирлар қабул қилишни тақозо этади. Регионнинг табиат муҳити янги сифат ҳолатига эга бўлди ва у табиат алоқалари кучли бузилган экологик жиҳатдан айниган специфик муҳит сифатида қаралмоғи керак».

Аслини олганда гап шу! Лекин яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, бу региондаги юқумли ва бошқа касалликлар, шунингдек болалар ўлим даражаси мамлакат бўйича ўртача даражадан бир неча баравар юқоридир.

Буларнинг ҳаммаси нимадан келиб чиққан? Орол ва Оролбўйига ёпирилиб келган «экологик офат»нинг сабаблари нимада? Наҳотки инсон ўзининг одатдаги хўжалик фаолиятида шунча ва шу қадар салбий, йўқ, оқибатлар эмас — ларзаларни четлаб ўта олмаган бўлса?

Ҳамма гап мана шунда! Юз берган ва содир бўлаётган ҳодисаларни ҳеч кимни ҳеч нарсада айбламай туриб, холисона англаб-аниқлаб олишга ҳаракат қиламиз. Фақат ҳақиқатни аниқлаш ва тиклаш учунгина эмас! Инсоннинг Табиатга аралашуви бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам шубҳасиздир. Бундан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Гап мутлақо бошқа нарсада. Бу аралашув қай йўсинда ва қандай бўлади? Биз, минг афсуски, бир неча бор гувоҳ бўлганимиз ҳозиргидай баъзан юз берган ваҳшийларча аралашув бўлармикин? Ёхуд буниси сифат жиҳатидан мутлақо янгича аралашув бўлармикин? Тўғрироғи, ҳатто аралашув ҳам эмас, балки бу Инсон билан Табиат ўртасида дўстликка, садоқатга, ёрдам ва ўзаро ёрдамга асосланган мустаҳкам ва амалий иттифоқ бўлар!

* * *

1951—1960 йилларда Амударё ва Сирдарё Орол денгизига ҳар йили 58 куб километрдан зиёд аъло даражадаги сув келтириб қуярди. Аммо кейинги ўн йилликнинг ўзидаёқ йиллик сув оқими бирданига 15 куб километрга камайиб кетди. 1971—1980 йилларда Орол бу икки дарёдан 17 куб километрдан камроқ сув олиб турди. 1985—1986 йилларда эса дарёлар ўзларининг қадрдон денгизига... бир томчи ҳам сув беришмади. Бир томчи ҳам!

География карталарида ҳамма нарса ҳали ўз ҳолича турибди, ўқитувчилар география дарсларида ҳануз истеъмолдан чиқмаган дарсликлардан фойдаланишиб, Амударё ва Сирдарё Орол денгизига қуйилади, деб ўргатмоқдалар. Аммо улар денгизга қуйилмаяптилар! Улар қачонлардир шиддатли бўлган ўз оқимларини Оролдан олис-олисларда тўхтатиб қўймоқдалар. Илгари сира кўрилмаган манзара ҳосил бўлди: дарёларнинг юқори оқими бор, ўрта оқими ҳам мавжуд, лекин... аслида қуйи оқими, дельтаси йўқ!

Хўш, асрлар бўйи денгизга интилган ва унга қуйилиб тушган ўша кўплаб кубкилометр дарё сувлари қаёққа ғойиб бўлди? Гидроқурувчилар ва мелиораторларнинг профессионал тилида бу ҳол «оқимларни тартибга солиш» деб аталади. Бутун Амударё ва Сирдарё бўйлаб инсон қўли билан яратилган тўғонлар пайдо бўлди ва «қўлбола денгиз»лар — Қайроққум, Чордара, Тахиатош, Туямўйин гигант сув омборлари вужудга келди, у ерлардан сув гоҳ ўз оқими билан, гоҳ насос қурилмалари ёрдамида ҳосилга хизмат қилиш учун далалар томон оқа бошлади. Дарё сувини тартибга солиш билан шуғулланган одамларнинг ниятлари яхши эди, албатта: улар Ўрта Осиё республикаларида тез суръатлар билан ўзлаштирилаётган янги ерларни суғориш суви билан таъминлаш учун курашаётгандилар.

60—70-йилларда ҳамманинг ва ҳамма нарсанинг устидан «Ҳазрати олийлари ялпи кўрсаткич» ҳукмронлик қиларди. Сув хўжалиги қурилиши билан шуғулланувчи кишилар ва ташкилотларни ҳам бу «касаллик» четлаб ўтмади, балки, эҳтимол, айнан шу тармоқда унинг «диктатор»лиги тўла-тўкис намоён бўлгандир. Лекин қизиғи шундаки, бунинг доим объектив сабаблари топилиб турарди!

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ўзининг кўп сонли барча бўлинмалари билан бирга мамлакатда, айтиш мумкинки, «ёпиқ технологик цикл бўйича» иш олиб борадиган яккаю ягона идорадир. Бошқача қилиб айтганда, министрлик системасидагилар «ҳаммасини ўзлари бажарадилар»: бўлғуси гидротехника иншоотларининг техника-иқтисодий асосламалари ва лойиҳаларини ўзлари тузадилар, ўзлари қидирув-текшириш ишларини олиб борадилар, ўзлари қурадилар ва ўзлари... тайёр объектларни қабул қиладилар!

Юқорида айтиб ўтилган шароитда эса «ялпи кўрсаткич» — ажратилган маблағларни ўзлаштириш, янги объектларни ишга тушириш кетидан ўйламай-нетмай бетиним қувиш жуда-жуда оғир оқибатларга олиб келса келдики, лекин кўпгина минбарлардан туриб шов-шув қилинган, «башорат» этилган самарасини бермади.

Улкан майдонларга ёйилиб ётган янги гигант сув омборлари ўнлаб ва юзлаб километр масофага энига ҳам, бўйига ҳам чўзилиб кетган Айдар, Арнасой, Сариқамиш, Чордара ва бошқа коллектор-дренаж сувларни тўплагичлар билан бирга ерости сувларининг тез юзага кўтарилишига ёрдам берди, оқибатда ҳатто эскидан суғориб келинаётган ерлар ҳам иккинчи бор шўрланди. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон автоном республикаси, Хоразм области, Туркманистоннинг Тошовуз областида яқиндагина ҳосилдор бўлган юзлаб, минглаб гектар экин майдонлари қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолмоқда, яхши-яхши мевазор боғ-роғлар ҳалок бўляпти. Ер ости сувларининг ҳужуми давом этмоқда, содир бўлган аччиқ тажрибадан келиб чиқиб унинг оқибатини сезиш қийин эмас, лекин боғлар ва далалар ҳалокатининг олдини олиш эндиликда анча мушкул иш. Бу гап фақат боғлару далаларгагина эмас, балки посёлкалар, шаҳарлар, айрим қурилишларга, шу жумладан катта тарихий аҳамиятга эга бўлган иншоотларга ҳам тааллуқлидир.

...Оролнинг ҳалокатли даражада саёзлашуви Қорақум канали қурилишидан бошланди. Табиийки, биз Амударё ва Сирдарё сувларидан эскидан экилаётган ерларни ҳам, яқиндагина ўзлаштирилган ерларни ҳам суғоришда фойдаланиш «қатъиян ман этилсин» демоқчи эмасмиз. Мутлақо равшанки, Ўрта Осиё учун, жанубий Қозоғистон учун деҳқончилик ва чорвачиликни ирригациясиз, мелиорациясиз, сунъий суғоришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Худди ана шу сабабларга кўра шу қадар қимматбаҳо бўлган обиҳаётнинг ҳар бир томчиси (миллиардлаб куб метр сув ҳақида гапирмасак ҳам бўлади) фақат ўз жойига, ҳосилдорликка қарши эмас, балки унинг фойдасига, Табиатга ҳалокатли жароҳатлар келтириш учун эмас, балки унинг фойдасига, Инсонга улкан социал-иқтисодий ва маънавий зарар етказишга эмас, балки унинг фойдасига ишлатилиши керак!

Ўн икки йил муқаддам «Правда» газетаси «Орол денгизига қандай ёрдам бериш керак» деган мақоласида Қорақум каналининг фақат биринчи, 400 километрли участкасининг ўзида (Амударёдан Мурғобгача) фильтрация ва буғланиш натижасида ҳар секундига 45—60 куб метр сувнинг исроф бўлиши ҳақида ташвишланиб ёзган эди. Каналнинг умумий узунлиги ҳозир 1266 километрга етганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, дарё ва денгиздан тортиб олинган қанчадан-қанча қимматбаҳо сув изсиз ва, энг муҳими, ерда, ҳавода ҳеч қандай фойдасиз йўқолиб кетаётганлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Бу ҳам етмагандай, энди ўша сувнинг ўзи ерга ва Инсонга кўп офат келтирмоқда.

«Оёқ остида жонсиз замин ётарди. Кулранг-оқиш шўрхок ерлар орасида диккайиб ўсган шувоқлар кўзга ташланарди. Бархан уюмлари этагига борганда улар сийраклашиб, ҳаммаёқни босиб кетган қамишзорлар панасида кўринмай кетарди. Сочилувчан қумлик, мутлақо сувсиз саҳрода бундай кенг қамишзорларни кўриш ғалати туюларди. Бундан бир неча йиллар муқаддам бу ерларда мевазор боғлар шовуллаб ётганига, тилими тилни ёрадиган туркман қовунларининг хушбўй ҳиди таралганига, узум шингиллари қуёш нурида ял-ял ёнганлигига ишониш жуда қийин».

— «Ер ости суви, — деди «Совет Туркманистони» колхозининг раиси Муродберди Сапиев, — уч йил ичида қарийб бир минг гектар экинзорни оборотдан чиқарди. Бошқа кўп участкалар ҳам хавф остида. Бунинг оқибатида ҳосилнинг чорак қисмини бой бердик. Пулга чақсак, миллионлаб сўм бўлади... Биргина биз эмас, қўшниларимиз ҳам шу аҳволда...».

Жуда кўп нарсадан дарак берувчи бу икки абзац жумла «Известия» газетасининг 1985 йил, декабрь ойи сонида чиққан «Саҳрога ботқоқликнинг нима ҳожати бор?» сарлавҳали мақоласидан келтирилган. Яна ўша мақоладан бир неча мисоллар ва фактлар (улар ҳам ташвишланарли) келтирамиз: Тажан воҳасида 70 минг гектар суғориладиган ердан 48 минг гектари шўрланган; Ҳовузхон қўриқ массивида 100 минг гектардан ярмига яқини шўрланган ва ботқоқланган, Қорақум каналидан сув ичадиган зонада 400 минг гектарга яқин ерларда дренажлар қуриш керак бўлади, ўшандан 280 минг гектари қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетиш арафасида турибди.

Яна бир кўчирма келтирамиз, фақат бу гал у ўша 1985 йилнинг декабрь ойида «Правда»да босилган «Ташналик ва ўз оқимида» мақоласидан олинди:

«Кўпинча гидрогеологларга қурғоқчил районларда фалокатнинг олдини олиш учун... захни қочириш ишлари билан шуғулланишга тўғри келади. Фарғона, Қорақум ва бошқа каналлар яқинида кучли инфильтрация юз баради, бир қатор жойларда иккинчи бор шўр босиш, территориянинг ботқоқланиши содир бўляпти. Ашхободни ер ости сувлари босишидан сақлаш учун бир юз элликта насосли қудуқлар қазишга тўғри келди.

Ер остидаги сувни кўриш учун бугунги кунда авлиё эмас, саводли инженер бўлиш керак; манбани сақлаб қолиш учун интизомли, тежамкор хўжалик кишиси бўлиш лозим. Акс ҳолда куч-ғайратлар бекор кетади, бундан ҳам баттари — фойда ўрнига зарар етади».

Яъни биз ҳозир юзма-юз дуч келиб турган аччиқ ва оғир ҳолат юз берди, келажакда у янада баттарроқ салбий ва тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиш хавфи бор!

Ўтган йилнинг май ойида «Известия» газетаси «Чиндан ҳам — саҳрога ботқоқликнинг нима кераги бор?» деган мақолани эълон қилиб, яна аввалги мавзуга қайтди. Бунга ҳеч ажабланмаса бўлади, чунки Ўрта Осиё регионида юз бераётган нарсалар зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган проблемага юзма-юз келган кишиларни хотиржам қолдириши мумкин эмас!

«Саҳрода ер эмас, сув ҳосил беради, — деб ўқиймиз «Известия» саҳифаларида. — Мана, сув ҳам келди. Қорақум канали мовий тасмадек саҳрони 1226 километр кесиб ўтди. Хўш, нима бўлди? Мен канал ёқасидаги посёлкаларда уйлар подвалларида чайқалиб ётган сувни кўрдим. Издан чиққан коммуникацияларга, сизот сувлардан чўкиб, қулаб тушган биноларга, ҳалок бўлаётган боғлар, узумзорларга кўзим тушди. Дарахтлар... сувдан қуриётганди. Асрлар бўйи сувга ташна ерлар қурияпти.

Нима бўляпти? Қачонлардир серҳосил бўлган кўплаб далалар нима сабабдан бугунги кунда ҳувиллаб ётибди, гўёки қор мисоли шўр босиб кетган? Йил ўтган сайин сизот сувлар деҳқонлар «оқ заҳар» деб номлаган шўрни ўзи билан бирга ер бетига олиб чиқмоқда ва ҳозирнинг ўзидаёқ Туркманистоннинг 280 минг гектар суғориладиган ери зудлик билан қутқариб қолишга муҳтож... Аҳвол яна шуниси билан хавфлики, республикада ҳар йили фойдаланишга топширилаётган майдонлар миқдоридан оборотдан чиқаётган ер миқдори кўпайиб бормоқда».

Яна давоми: «Мутахассислар ҳисоблаб кўришди: дренажларда тўпланган сув ҳажми сув омборларидагидан ошиб кетибди. Фақат Туркманистонда эмас бу аҳвол. Бутун Ўрта Осиёда далаларни суғоришга кетаётган сувнинг 30—40 проценти кераксиз оқовалар сифатида саҳрога оқизилиб юборилябти. Биргина Туркманистонда ҳар йили ўн куб километрга яқин дренаж суви Қорақумда қумга сингиб кетяпти. Бу биз Амударёдан олаётган сувнинг қарийб ярмидир. Ҳаддан ортиқ исрофгарчилик эмасми?»

Ҳаддан ортиқ! Исрофгарчилик ҳам гапми — бу турган-битгани жиноят-ку! Оролга нисбатан, Ўрта Осиёнинг ҳаёт манбалари бўлган Амударё ва Сирдарёга нисбатан, ерга, сувга, Табиатга, Инсонга, унинг бугунги ва эртанги кунига, яқин ва узоқ истиқболига нисбатан жиноятдир! Ахир, мисолга келтирилган ва табиий

ташвиш, ғазаб, нафрат уйғотаётган рақамлар мазкур региондаги ҳақиқий аҳволни тўла ифодалайди. Фақат Арнасой ва Сариқамиш чуқурликларига ҳозирнинг ўзида Сирдарё ва Амударёдан, денгиздан, инсондан тортиб олинган 100 миллиард(!) куб метрдан ортиқ сув оқизиб юборилди. Биргина Арнасой сувларининг ўзи бугунги кунда узунасига 200 километр, энига 30 километрдан зиёд майдонни эгаллаб ётибди, боз устига ҳар хил химиявий моддаларга тўйинган бу сувдан на хўжалик, на маиший мақсадларда фойдаланиб бўлади!

...1987 йил июнь ойида Москвада ўтган СССР Олий Советининг сессияси олдидан мамлакат олий ҳокимият органи иккала палатасининг агросаноат комплекси, табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи Доимий комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда сув хўжалигининг нотўғри юритилиши натижасида Байкалга, Ладогага, Амударёга, Балхашга зарар келтирилганлиги, Орол ҳалок бўлаётганлиги, Каспий, Азов денгизларининг биологик маҳсулдорлиги сезиларли даражада камайганлиги тўғридан-тўғри қайд этилди.

Эски рақам ва фактларни эсларкансан, янгилари билан танишар экансан, «замин қиёфасини ўзгартириш тўғрисида»ги волюнтаристик, шошма-шошарлик билан, ўйланмай чиқарилган қарорлар Табиатга қандай улкан жисмоний зарар келтирганлигини, Инсонга социал-иқтисодий, маънавий зарар етказганлиги ва етказаётганлигини ўйлаб, юрак-бағринг эзилиб кетади. Номлари алам билан тилга олинадиган Цимлянск ва Каховка денгизлари шаънига қанчадан-қанча ҳаққоний таъналар, аччиқ сўзлар айтилмади! Лекин сабоқ бўлмади! Шаҳар ичида қурилган ва уни том маънода нуратиб бораётган «денгиз»га қарши воронежликлар «исён» кўтаришмоқда; табиатнинг ноёб «химия комбинати» — Қора Бўғоз кўл ҳимояга ва асраб қолишга муҳтож, сохта олимлар ва сохта хўжалик ходимларининг ўтакетган иззатталабликлари туфайли бу кўлнинг ҳалок бўлишига сал қолди; Ленинград яқинида қурилаётган «Нева лаби» қандай оқибатларга олиб келиши ҳали тўла аниқланмаган; Волганинг юқори оқимига офат келтириши мумкин бўлган, қурилиши планлаштирилаётган Ржевск сув омборига қарши чинакам жанг кетяпти. Бу сатрлар ёзилаётганда яна бир ташвишли хабар олинди, бу гал у Украинанинг жанубидан келди. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг қурувчилари бу ерда навбатдаги «гигант гидротехника иншооти»ни қуришга киришдилар — миллиард-миллиард сўмга тушадиган Дунай-Днепр каналини қазий бошладилар. Каналнинг қурилиши жанубий Украина ерларига улкан зарар келтиришини исботлаб берган олимлар, мутахассисларнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, қуришни бошлаб юбордилар. Министрликнинг суръатларини биласизку! Лойиҳа тайёр бўлмасиданоқ ерга юз миллион сўмдан кўпроқ маблағ «кўмиб» юборилди!

Жанубий Украина Ўрта Осиё регионидан жуда олисда, бир қарашда бу ердан минглаб километр нарида содир бўлаётган нарсаларнинг маҳаллий аҳолига алоқаси йўқдай кўринади. Алоқаси бор, бўлганда ҳам қандай денг! Шунинг учун совет кишилари учун «олис» ва «яқин», «ўзимизники» ва «бегона» ерлар деган тушунча йўқ, улкан, ҳаммага қадрдон ягона Ватан, Волгаси ва Енисейи, Днепри ва Амударёси, Каспийи ва Байкали, Ороли ва Ладогаси бўлган она-Ватан бор! Ҳар бир совет кишисига, у қаерда яшашидан қатъи назар, Ватан билан, унинг тақдири билан, бугуни ва эртаси билан боғлиқ ҳамма нарса азиз ва қадрдондир. Замин тақдири ҳам — у Россия Ноқоратупроғими ёки Сибирь тайгасими, Белоруссия ботқоқлигими ёхуд Ўрта Осиё даштларими, Кавказнинг цитрус боғларими ёхуд Заполярьенинг абадий музлигими — барибир, бизнинг ҳар биримизга яқин ва қадрдондир. Чунки бу замин бизники, қадрдон совет еридир, унга биз аждодларимиз васият қилган, завол билмас буюк муҳаббат билан боғланганмиз. Келгуси авлодларга ҳам биз бу ерни бутун улуғворлиги ва гўзаллиги билан етказиб беришимиз керак.

Яна бир «аср қурилиши» — Туямўйиндан бошланиб, икки қўшни областлар — Хоразм (Ўзбекистон) ва Тошовуз (Туркманистон) областлари территориясидан ўтадиган «Тошовуз ирмоғи» деб ном олган канал қурилиши ҳақидаги хабар кимни лоқайд қолдириши мумкин? «Жафокаш» территория деб юборгинг келади...

Олимлар ва мутахассисларнинг турли идораларга топширилган ҳисоб-китоблари республикалараро мавжуд каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини ошириш

учун реконструкция қилиш ҳисобига Тошовуз областининг сув таъминотини бемалол яхшилаш мумкинлигини ишонарли қилиб исботлаб берадилар. Янги сув артериясининг қурилиши эса канал яқинидаги эски экинзор ерларнинг ҳам мелиоратив ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. СССР Госплани ҳузуридаги Давлат эксперт комиссияси ҳам канал қурилишига қарши чиқди. Аммо қурилиш бошлаб юборилган, суръат ҳам жуда тез! Аммо СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосарлари П. А. Пўлатзода ва Б. Г. Штепани (янги қурилиш улар ишининг самараси) яна бир каналнинг ишга туширилиши яқин ва узоқ келажакда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги мутлақо қизиқтирмайдиганга ўхшайди. Афтидан, улар учун энг муҳими — қурилишни иложи борича тезроқ тугатсаю «ғалаба рапорти»ни берса. Ғалаба бўлармикин?

...«Тошовуз ирмоғи» биринчи навбатининг узунлиги 180 километрдан зиёд бўлиб, унинг 145 километрдан кўпроғи, айтиш мумкинки, «бекорчи қисм»дир, яъни канал на экинзорлар, на аҳоли бўлмаган фақат қумликлар орасидан ўтади. Хўш, бўлмаса, нима бор? Жуда кўп миқдордаги обиҳаёт бекордан бекор йўқолиб кетадиган қум барханлари бор. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, «Тошовуз ирмоғи» зонасида буғланиш ва фильтрация натижасида исроф бўладиган сув йилига камида ярим миллиард куб метрни ташкил этади (!) Суғориш ва ичимлик сувга жуда катта эҳтиёж сезилган Ўрта Осиё регионидаги бунчалик исрофгарчиликка нима дейсиз!

Туби юмшоқ тупроқли (аниқроғи, қумли) каналдан кўплаб миқдорда сувнинг ўтиши, шубҳасиз, сизот сувларнинг баланд кўтарилишига олиб келади, бинобарин, Хоразм ва Тошовуз областларидаги ер майдонларининг албатта иккиламчи шўрланиши ва ботқоқланиши юз беради, пировард натижада улар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетади. Аммо навбатдаги янги қурилишнинг ҳалокатли таъсири кошкийди шу билан тугаса. Мавжуд техника ҳужжатларига биноан канал трассасидан 20—30 километр масофадаги ерларда каналнинг ер ости сувларнинг даражасига таъсири айниқса кучли сезилади. Ноёб Шарқ меъморчилиги билан бутун дунёга донғи кетган ёдгорлик шаҳар, ер шарининг ҳамма бурчакларидан саёҳатчилар оқиб келадиган музей шаҳар Хива эса «Тошовуз ирмоғи»дан атиги 10—12 километр нарида жойлашган!

Орол денгизи ҳалокати муносабати билан Оролбўйида қутураётган тузли-қумли бўронлар зарбасини афсонавий Ичан қалъали Хива ҳозирнинг ўзидаёқ сезмоқда. Офатли шамолнинг ҳужумига ер ости офатининг зарбаси қўшилса, инсониятнинг бугунги ва келажак авлодлари мулки бўлган эртак-шаҳарнинг ҳоли не кечади?

Биз ўйланмай қилинган ишларга, фақат хаёлий, бугунги фойда кетидан қувиш ҳолларига қайта-қайта дуч келмоқдамизки, бу фойда кейинчалик катта ва ножўя йўқотишларга, экология, экономика, социал ва маънавий соҳадаги йўқотишларга сабаб бўлмоқда.

Замин ва сувнинг бугуни ҳамда эртаси боғлиқ бўлган ҳар бир киши тўхташи, теварак-атрофни диққат билан кўздан кечириши, қилган ва қилаётган ишлари ҳақида бош қотириши, буларнинг барчаси нимага олиб келганлиги, олиб бориши ва келажакда келтириши мумкинлигини пухта ўйлаб кўриши лозим. Ахир, ҳозир Ўрта Осиё регионида юз бераётган ҳодисалар Замин ва Обиҳаёт олдида жиноятку, бу — Табиат ва Инсоннинг буюк фожиаси-ку!

Шуниси ажабланарли ва ғалатики, ҳатто даҳшатлики, сувдан фойдаланиш ва сув хўжалиги қурилиши проблемалари билан чинакамига шуғулланиши лозим бўлган министрлик ва идораларни бошқарган кишилар ўзларини гўёки ҳамма нарса кўнгилдагидек бораётгандай қилиб кўрсатадилар, кўнгиллари хотиржам ёки сохта оптимизм билан суғорилган. Ахир улар ўзларининг, шунингдек ўзларига бўйсунган кўп сонли ташкилотлар ва муассасаларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги фаолиятларини баҳолашга бошқачасига — давлат нуқтаи назаридан, партиявий нуқтаи назардан, ниҳоят, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошишлари керак эди.

Аммо улар ўз ҳисоб-китобларини ҳамон ўзлаштирилган фақат миллион ва миллиардлаб сўм билан, минг ва миллион гектар янги очилган ерлар билан, миллион-миллион «куб» қазилган тупроқ билан, юзлаб-минглаб километр янги сув артериялари билан, бошқа йўналишда оқишга мажбур қилинган ўнлаб куб

километр сув билан ўлчамоқдалар. Хўш, том маънода «ерга кўмилган» миллион ва миллиард сўм халқ маблағларининг, бефойда йўқотилган миллион ва миллиард куб метр сувнинг «хун»ини кимдан ундириб олиш лозим? Кечагина «ўзлаштирилган», бугун эса шувоқзор ўлик саҳрога айланиб ётган минглаб-миллионлаб гектар ерларни нима қилиш керак? Муайян ҳокимият ва ваколатга эга бўлган одамларнинг каллаварамлиги туфайли табиат дурдонаси — Оролниг ҳалок бўлаётганлигига қандай чидаб бўлади?

«...Орол чиройли ўлиши керак»... деган сўзларни келиб-келиб СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари П. А. Пўлатзода айтса-я. Яқинда Нукусда бўлиб ўтган ва Орол ҳамда Оролбўйи проблемалари муҳокама қилинган катта ва нуфузли кенгашда ўша киши Орол денгизига, у билан бирга Оролбўйига ҳам яна бир бор «қора фотиҳа» ўқиди. П. А. Пўлатзода маҳаллий аҳолига «денгизсиз яшашга ўрганиш»ни, «мослашиш, кўникмалар ҳосил қилиш»ни, шу билан бирга... министрлик омборхоналарида кўпдан буён фойдаланилмай ётган сувни чучуклантирувчи қурилмаларни сотиб олишни астойдил таклиф қилди.

Қорақум каналини эса министрнинг биринчи ўринбосари «гидросозларнинг фахри» деб атади-я. Тўғри, агар каналнинг узунлиги, сув сарфи, энг муҳими, унинг қурилишига кетган жуда кўп халқ маблағларини, «ғалаба кўрсаткичлари»га кирган барча жиҳатларни эътиборга оладиган бўлсак, П. А. Пўлатзоданинг фикри ва баҳосига қўшилмасдан бўлмайди.

Лекин у ёки бу ташкилотнинг фаолияти фақат «нимагадир ёхуд қаергадир» сарфланган маблағлар билангина баҳоланадиган замонлар энди ўтиб кеганлигини ўзимиз ҳам эсласак, унга ҳам эслатиб қўйсак, фойдадан холи бўлмас. Партия ва халқ иродаси билан ҳозир ҳамма ерда ва ҳамма нарсада ишлаб чиқариш самарадорлиги, ҳар қандай ишнинг якуни бўлган пировард натижа биринчи ўринга чиқмоқда ва чиқди ҳам. Шу нақтаи назардан қаралганда, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг жуда кўп «гигант қурилишлари» фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирмоқда. Буни тан олмай иложимиз йўқ, чунки ҳақиқатдан қочиб қутулиб бўлмайди. Зеро ҳаётнинг ўзи буни тасдиқлаб турибди.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев «Собеседник» ҳафталигининг 1985 йил июнь ойида эълон қилинган интервьюсида, кейинроқ «Литературная газета»да босилган «Сувнинг қадри» мақоласида бу нуфузли ташкилот ходимлари яратаётган мелиорация «мўъжиза»лари ҳақида қувончга тўлиб-тошиб гапиради. «Орол проблемасига қайтайлик, — кўнглидагини яширмасдан гапирарди министр. — У минг йиллар давомида Амударё ва Сирдарё чучук сувларини ўпқондай сўриб (йилига юз куб километрга қадар) келарди. Мана шу икки дарё суви оқиб чиқиб кетмайдиган шўр денгиз ўрнига далаларга обиҳаёт бермоқда. Шунинг эвазига биз саккиз миллион гектар суғориладиган ерга эга бўлдик. Ана шу туфайли мамлакатимиз пахта етиштириш бўйича дунёда энг етакчи ўринлардан бирига чиқиб олди».

Амударё ва Сирдарёдан эндиликда чучук сув оқмаётганлиги, суғориладиган ерларнинг чорак қисми ишдан чиқаётганлиги ва бу жараён жуда тезлашиб бораётганлиги, бу шубҳали «ғалабалар» қанчалик қимматга тушганлиги ҳақида министр лом-мим демайди. Лекин янгидан ўзлаштирилган ерларда дам олиш зоналари вужудга келганлиги тўғрисида гапириб ўтишни эсидан чиқармайди.

«Ҳатто Мирзачўл, Қорақум канали зонаси, Украина даштларининг илгари сувсиз ётган ерларида ҳам эндиликда дам олиш, ов қилиш, балиқ ови учун ажойиб жойлар бор». Н. Ф. Васильев «Собеседник»ка берган интервьюсини ана ўшандай сўзлар билан якунлади ва министрлик раҳбарларини қандай улкан вазифалар тўлқинлантираётгани маълум бўлди: «ов қилиш, балиқ ови».

Министр мақтаётган «дам олиш жойлари»да ерларнинг иккиламчи шўрланиши, ботқоқланиши юз бераётганлиги, бу ерларнинг ҳосилдорлиги икки-уч баравар пасайиб кетганлиги уёқда турсин, ҳатто қишлоқ хўжалик оборотидан тушиб қолаётганлиги тўғрисида юқорида гапириб ўтдик. Н. Ф. Васильевга шуни айтиб қўйиш керакки, ўша Арнасой ҳавзаларида овланаётган балиқ энди истеъмол қилишга ярамайди, чунки унинг гўшти ҳар хил заҳарли химикатлар билан заарарланган.

Украина чўллари, Россия жанубида ҳордиқ чиқариш ҳақида эса, эҳтимол, кўп гапиришнинг ҳожати ҳам йўқдир: Цимлянск ва Каховка «денгизлари»нинг нималиги ҳаммага маълум.

Министр Н. Ф. Васильев «Литературная газета»даги мақоласида ҳам қатъий фикр юритади. «Бизнинг совет мелиорация фани ва амалиёти, — таъкидлайди у, — шўр босишга қарши курашнинг кескин чора-тадбирларини эгаллаб олди. Ўзбекистоннинг Мирзачўл ва Жиззах чўллари, Хоразм массиви, Озарбайжоннинг Кура-Аракс пасттекислиги, Арманистоннинг Арарат водийсидаги табиий шўрланган массивларидан самарали фойдаланилаётганлиги бунга мисол бўла олади... Бу тажриба жаҳон фанининг мулки бўлиб қолди, уни хорижий мамлакатларда ўрганишмоқда ва актив фойдаланишмоқда».

Мирзачўл ва Жиззах чўлларидаги, Ўзбекистоннинг бошқа районларидаги, умуман Ўрта Осиёдаги «табиий шўрланган массивлар»да ҳақиқатда нималар юз берганлиги тўғрисида факт ва рақамлар асосида юқорида батафсил гапирдик. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги раҳбарлари буни яхши билишлари керак эди. Ахир айни ўша кишиларнинг «ғамхўрликлари ва меҳнатлари» туфайли Орол ҳалокатга ҳукм этилди, Оролбўйи эса «экологик офат региони» бўлиб қолди. Ёхуд улар машъум «ялпи кўрсаткичлар» кетидан қувишиб, мушкул аҳволга кўникиб қолишдимикин?

Лекин энди ёмон донг таратган бу ўлкада яшовчи миллионлаб одамлар бу аҳволга сира кўникишмайди! Нафақат Ўзбекистон, бутун Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг кенг жамоатчилиги, балки қувончини ҳам, қайғусини ҳам бирга баҳам кўрадиган буюк совет халқининг ҳаммаси бу кўнгилсиз аҳволга бефарқ, лоқайд қарай олмайди.

Шунинг учун ҳам жамоатчиликнинг талаби билан Ўзбекистонда Оролни асраб қолиш комитети тузилди, у ўз фаолиятини тобора кенг қулоч ёздирмоқда. Комитет аъзолари орасида — Ўзбекистон халқ ёзувчиси С. Азимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов, ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» комиссиясининг раҳбари академик М. Муҳаммаджонов ва шу комиссия аъзоси А. Эргашев, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институтининг директори, ВАСХНИЛ мухбир-аъзоси С. Усмонов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси О. Ёқубов, геология-минералогия фанлари доктори С. Мирзаев, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзининг раҳбари Т. Қаипбергенов ва бошқа кўплаб ижодий, илмий, техника интеллигенциясининг таниқли вакиллари бор. Комитетга таниқли ўзбек танқидчиси ва адабиётшуноси Пирмат Шермуҳамедов раҳбарлик қилмоқда.

Тошкент шаҳри Давлат банкининг Куйбишев бўлимида махсус счёт — «Оролни асраб қолиш фонди» очилди. Унинг номери —000700778. Счет номери эълон қилиниши биланоқ унга ўн минглаб сўмнинг тушганлиги Комитет фаолияти жамоатчилик томонидан тобора кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради. Орол денгизи ва Оролбўйини асраб қолишдек олижаноб ишга ўз ҳиссаларини қўшган дастлабки кишилар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, ёзувчи Чингиз Айтматов, СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони ажойиб ҳамюртимиз В. А. Жонибеков, ёзувчилар, олимлар, республикамизнинг оддий меҳнатчилари бор.

Оролни асраб қолиб бўладими, бу соҳада қандай таклиф ёки илмий ишланмалар бор, деган масалалар, шубҳасиз, ҳаммани қизиқтиради.

Энг аввало, социал мавқеидан қатъи назар, ҳамма одамлар Орол денгизи ва Оролбўйи яшаши кераклигини қалби, ақли, идроки билан чуқур ҳис этишлари ва юксак эътиқод билан кураш олиб боришлари зарур! Бу бизнинг ҳар биримизнинг Бугунги Кун ва Келажак олдидаги, авлодлар олдидаги буюк масъулиятимиздир. Ҳозир бизнинг қўлимизда фан ва техниканинг шундай улкан ютуқлари борки, булар ҳақида ота-боболаримиз фақат орзу қилишларигина мумкин эди. Биздан атиги бир нарса — она заминга чинакам, асл муҳаббат керак, заминни ҳам, ундаги ҳаётни ҳам янада бойроқ, маънавий юксакроқ, гўзалроқ қилиш учун зўр истак керак.

Конкрет лойиҳаларга келсак, ҳозир бундай лойиҳалардан бир нечтаси мавжуд. Масалан, қуйидаги чора-тадбирлар таклиф қилиняпти: баланд тоғдаги Сарез кўли сувини Оролга оқизиш; ҳар икки-уч йилда бир марта Ўрта Осиёнинг

буюк дарёлари сувини тўла-тўкис Оролга бериш; табиий чуқурликларда тўпланган улкан сув хазиналарини, масалан, ҳозирнинг ўзида юз миллиард куб метрдан ортиқ намликка эга бўлган Арнасой ва Сариқамиш ҳавзалари сувини Оролга оқизиш; Орол денгизи сувини унинг «қардоши» — кейинги пайтда сув сатҳи доим кўтарилиб бораётган Каспий денгизи ҳисобига кўпайтириш; «Волга варианти» ҳам таклиф этиляпти.

Буларнинг қайси бири ҳамма жиҳатдан яхши эканлигини, ер, сув, ирригация, мелиорация ва ҳоказолар билан боғлиқ юқори малакали фан ва техника мутахассислари белгилашади. Бу яқин келажакнинг иши.

Лекин Оролни асраб қолиш учун курашнинг кенг фронтида шундай участкалар борки, уларда ҳар биримиз ҳозирнинг ўзидаёқ актив ҳаракат қилишимиз мумкин. Бу, энг аввало, сувни жуда тежаб-тергаб, эҳтиёт қилиб, меҳр-муҳаббат билан сарфлашдир: ахир томчилардан анҳор, анҳорлардан дарё, дарёлардан денгиз пайдо бўлади-ку! Иккинчидан, турли қишлоқ хўжалик ишлари олиб борилганда, жумладан, шўр ювиш ва вегетация суғоришларида обиҳаётга нисбатан ваҳшийларча муносабатга чек қўйиш керак. Ўйланмасдан, инженерлик жиҳатидан пухта тайёрланмаган янги гидротехника қурилишларини тезда тўхтатиш керак, «гидросозларнинг ифтихори» бўлган ўша Қорақум канали Амударёдан олаётган, яъни Орол денгизидан тортиб олинаётган сувнинг қарийб ярмини ўз йўлида йўқотишини эсдан чиқармаслик лозим.

Хабардор одамларнинг тўла масъулият билан таъкидлашларича «сувнинг бекорга исроф бўлиши» ҳар хил ҳисоботларда акс этганидан анча кўпдир. «Статистика ташвишлидир: дарёлардан олинаётган сувнинг ўсимликларга кўпинча ярмигина етиб боради,— деб ёзганди «Правда» газетаси 1987 йил июль ойи охирида.— Айниқса Туркманистонда аҳвол оғир. Суғориш системаларининг фойдали иш коэффициенти бу ерда атиги 54 процентни ташкил этади. Намликнинг қолган қисми исроф бўлади». Деҳқончиликда, жумладан, пахтачилик ва шоличиликда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, сувни жуда тежаб-тергаб сарфлаш ҳақидаги гап-сўзларнинг ҳеч ҳам натижаси бўлмаяпти.

Мутлақо изоҳлаб бўлмайдиган зиддиятли ҳол!

Амударё ва Сирдарё суғорма деҳқончилик билан шуғулланадиган тўрт қардош республика территориясидан оқиб ўтади. Бироқ сувдан фойдаланишни тартибга солувчи, лоақал қандайдир экологик мувозанатни сақлаб қолиш учун Орол, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида тадбирлар системасини ўтказувчи на давлат, на жамоатчилик, на ярим жамоатчилик органи ҳанузгача йўқ. Турмушнинг ўзи кўндаланг қўйган бу масала кўп йиллардан буён кун тартибидан тушмайди. Иш эса ҳамон ўз жойидан жилмайди! Дарёларнинг бутун оқими давомида одамлар ва ташкилотлар — сув хўжалиги ҳамда шунчаки хўжалик ташкилотлари — «ким эпчил бўлса, ўлжа ўшаники» қабилида иш тутмоқдалар.

Шунинг учун ҳам кенг жамоатчиликнинг Табиатни ҳимоя қилувчи, Замин, Сувни ҳимоя қилувчи, Инсоннинг бизни ўраб турган муҳит билан асрий дўстлигини ҳимоя қилувчи даъваткор нидоси тобора баралла янграмоқда. Лекин шуниси ғалатики, **«ҳимоя нидоси»** нечоғли кучли янграса, замин қиёфасини «ўз хоҳишига кўра, ўз билганича, баъзан эса соғлом ақл-идрокка **зид ҳолда ўзгартираётганларнинг «норозилик нидоси»** шунчалик баланд ва асабий эшитилмоқда.

Матбуотда ёки телевизор экранида табиатга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлишга чорловчи публицистик чиқиш пайдо бўлиши биланоқ Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасида раддия учун шоша-пиша дарҳол имзо тўплана бошлайди. Гидросозларнинг амалга ошган ва ҳали ошмаган планларига қарши норозилик овози янграганда «Гидропроект» институтининг қарийб бир минг ходими раддия билан чиқишиб, жамоатчиликка таъна тошлари ёғдиришди. «Гидропроект» коллективи ҳам Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги сингари тарафкашларини «техникавий ва илмий савиянинг пастлиги»да, «бехабарлик»да, шу билан бирга мақола ва нутқларда «ҳис-ҳаяжонга берилиб кетиш»да айблашди.

Барча «раддиячилар»га дарҳол савол билан мурожаат қилгимиз келади: Табиатга «экологик офат»га олиб келадиган даражада қўполлик ва беандишалик билан бостириб кирилганда хотиржам гапириш ва бамайлихотир бўлиш мумкин-

ми, ахир? Қалин ва юпқа журналлар, газеталар ана шундай «раддиялар»ни эълон қилиш учун ўз саҳифаларини бериб қўйибдилар. Тўғри қиладилар: ошкоралик ошкоралигини қилсин, баҳслашувчилар, тарафкашлар ўз қарашлари, нуқтаи назарлари, ўз ҳаётий ва амалий кўрсатмаларини изҳор этиш учун бир хил имкониятларга эга бўлишлари керак.

«Гидропроект» институти деярли бир минг ходимининг «аразли хати»ни КПСС Марказий Комитетининг «Коммунист» журнали ҳам ўзининг 1987 йил тўққизинчи сонида батафсил изоҳ билан босиб чиқарди. Ундан фақат бир абзац келтириб ўтмоқчимиз, зотан бу бир неча сатрларда жуда кўп нарса ўз ифодасини топган:

«Жамиятнинг маданий савияси ва яшай билиш қобилияти кўп даражада унинг хатолардан сабоқ чиқара олиш қобилияти билан характерланади. Биз Қора Бўғоз билан юз берган хатони ёддан чиқара олмаймиз, боз устига, бу хато якка-ю ягона эмас. Бундан келиб чиқадиган хулоса битта: Қора Бўғоз Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигиники ҳам, Химия саноати министрлигиники ҳам эмас, балки бутун халқнинг мулкидир ва ҳеч қандай идора Ватан харитасида Қора Бўғоз кўрфази бўлиши керак-керакмаслигини ўзбошимчалик билан ҳал этишга ҳақли эмас. Худди шунингдек Катунь, Днепр ёки Даугава «Гидропроект»нинг шахсий мулки ҳисобланмайди. Умумий хонадонимизда содир бўлаётган ҳар қандай қайта ўзгаришлар ҳақида ҳисобот талаб қилишга ҳаммамиз ҳақлидирмиз».

Шу гаплардан кейин Оролни «чиройли ўлим»га ҳукм этган СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари П. А. Пўлатзоданинг сўзларини қандай эсламай бўлади!

Аммо мамлакат жамоатчилиги бундай «ҳукм»га ҳеч қачон ва ҳеч қандай шароитда ҳам рози бўлмайди! Заминнинг чинакам мўъжизаси — оламнинг энг жазирама саҳроларидан бирида чинакам денгиз яратиш учун Табиатга миллионлаб йил керак бўлганди. Истиқбол тўғрисида мутлақо ўйламайдиган одамлар салкам чорак аср ичида бу мўъжизани ҳалокат ёқасига келтириб қўйдилар.

Бироқ Орол денгизи, Оролбўйи яшаши керак! Уларни асраб қолайлик!

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни, совет гражданларининг уларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириб боришни КПСС бугунги кунда ўз иқтисодий ва социал сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билади. Ана шу соҳадаги вазифаларнинг КПСС Марказий Комитетидаги кенгашларда ва мамлакат Олий Совети сессияларида муҳокама қилиниши, партия ва ҳукуматнинг партия комитетлари, министрлик ва идоралар томонидан ана шу вазифаларнинг социал-иқтисодий аҳамиятига етарли баҳо берилмаганлигини бартараф этишга қаратилган қарорлари бунинг далилидир.

Бугунги кунда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган аҳвол қайта қуриш ва партия социал-иқтисодий сиёсати самарадорлигининг индикатори бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мавжуд проблемаларни ҳал этишнинг самарали йўлларини излашга республикамизда ҳам жиддий эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Ривожланаётган демократиялаштириш, экономикани бошқаришни такомиллаштириш, корхоналарнинг (бирлашмаларнинг) ўзини-ўзи қоплашга ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши шароитида Ўзбекистон ССР енгил саноати, АСК тармоқлари ва оғир индустрияси томонидан истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг энг муҳим кўрсаткичларини анализ қилиш долзарб вазифа бўлиб қоляпти. Шу билан бирга уларни озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларининг энг муҳим турлари, меҳнат унумдорлиги, асосий фондлар, иқтисодий сарф-харажатлар, фонд самарадорлиги, фан-техника тараққиёти, уларни ишлаб чиқариш ва сифатини оширишнинг реал ва потенциал резервлари борасидаги маълумотларни негиз қилиб олган ҳолда бошқа иттифоқдош республикалар, умуман мамлакат, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар эришган ютуқлар билан албатта қиёслаб кўриш керак.

Ўзбекистонда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш программасини амалга оширишни ёритишга бундай комплекс ёндашув, бизнингча, фақат билиш жиҳатидан эмас, балки ташкил этиш жиҳатидан ҳам аҳамиятга молик бўлади, чунки Енгил саноат министрлиги, АСК ва шу ишга дахлдор бошқа идоралар жавоб беришини талаб этувчи саволларни муқаррар равишда ўртага қўяди.

КПСС XXVII съезди қарорларида ва кейинги партия-ҳукумат ҳужжатларида истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган бўлинмалар фаолиятининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилган. Уларни амалда ҳаётга татбиқ этиш жараёни фактик материални каттагина динамикада таққослаб кўришга эҳтиёж сезмоқдаки, бусиз, бизнингча, ушбу соҳа ривожланишида эришилган даражани қайта қуриш позициясидан туриб баҳолаш ва ундаги мавжуд қарама-қаршиликлар қандай ҳал қилинаётганини аниқлаш мумкин эмас.

Мисол учун, истеъмол буюмларини устун ҳажмда ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳиссасини кўриб чиқайлик: агар СССРда умуман енгил ва озиқ-овқат саноатларига индустрия маҳсулоти умумий ҳажмининг 30 проценти тўғри келса, Ўзбекистон ССРда эса бу кўрсаткич 52 процентга етади. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ялпи ижтимоий маҳсулотга бўлган нисбати тегишли равишда 12 ва 19 процентларни ташкил этади. Бинобарин, АСКни ҳам ҳисоблаганда, истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳиссаси, уларни ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини оладиган бўлсак, Ўзбекистонда СССРдаги ўртача даражадан қарийб 30 пункт юқори экан.

Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш («Б» группаси) нисбати соҳасида Ўзбекистон ССРда ва умуман СССРда қандай тенденциялар мавжуд? Анализнинг кўрсатишича, мамлакатда ҳам, республикамизда ҳам кейинги 15—20 йил ичида ижтимоий ишлаб чиқариш структурасида юз берган ўзгаришлар «Б» группасида ишлаб чиқариш юқори суръатларда ўсганлиги билан характерланади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, саноат тармоқларининг ривожланишини маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмига қараб анализ

қилиш истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш структурасидаги ўзгаришлар ҳақида жуда умумий тасаввур беради, холос. Бу жиҳатдан, ишлаб чиқаришни моллар группалари номларига қараб анализ қилиш конкрет тасаввур беради. Қиёсий анализ методи асосида тенденцияларга мантиқий ва иқтисодий-статистик баҳо бериш республикамизда турмуш учун муҳим бўлган турли истеъмол буюмларини саноат йўли билан ишлаб чиқаришга нотекис бўлсада систематик ўсиш хос эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Шу билан бирга ноозиқ-овқат моллар саноатда устун даражада ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу тенденцияни, афтидан, ана шу группадаги молларнинг мумкин бўлган ресурслари билангина эмас, балки социал омиллар — аҳолининг тураржой ва турмуш шарт-шароитлари йилдан-йилга яхшиланиб бораётганлиги ва маданий билим даражалари ошиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тадқиқ қилинаётган давр ичида кўрсатилган омиллар таъсирида республикамизнинг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш структурасида озиқ-овқат ва ун-ёрма саноати маҳсулотининг салмоғи 46 процентдан 40 процентга пасайди, ноозиқ-овқат молларининг, айниқса маданий-маиший ва хўжалик молларининг салмоғи эса, аксинча ошди (6 процентдан 10 процентга етди).

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришдаги бундай нисбий ўзгаришлар, статистик материаллар анализи кўрсатишича, фақат Ўзбекистон учунгина эмас, балки бутун мамлакатимиз учун ҳам, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан ривожланган деярли барча давлатлар учун ҳам характерлидир. Лекин шаклланган тенденцияни (гарчи у умуман олганда яққол ижобий намоён бўлса ҳам) бизнинг назаримизда, аҳолининг эҳтиёжларини, айниқса унинг гўшт ва мол ёғи каби қимматли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эхтиёжини ҳисобга олган ҳолда прогрессив структуравий ўзгаришларни таъминлаш нуқтаи назаридан қониқарсиз деб эътироф этиш керак.

Республикамизда енгил ва озиқ-овқат саноатларининг самарадорлик кўрсаткичлари пасайди. Жумладан, ана шу тармоқлардаги меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати, ҳисоб-китобларимизга қараганда, кейинги уч беш йиллик мобайнида мувофиқ равишда 1,1 ва 1,7 баравардан ўсган бўлса, саноат-ишлаб чиқариш асосий фондлари эса 3,8 ва 3,4 баравардан ошди. Фонд билан таъминланганлик ва республиканинг енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларига тобора кўп миқдорда келаётган янги техникани самарали ишлата оладиган кадрлар билан таъминланганлик ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш энг муҳим проблема бўлиб қоляпти.

Кейинги йиллардаги партия-ҳукумат ҳужжатларида фойдаланилмаган резервларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришда жадал реализация қилишнинг жуда катта аҳамияти қайта-қайта таъкидланди. Афсуски, эътироф этиш керак, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни янада интенсив ўстиришнинг Ўзбекистон ССРда мавжуд бўлган ҳам реал, ҳам потенциал резервларидан ҳозирча етарлича самарали фойдаланилмаяпти. Масалан, ишлаб чиқарувчи кучларни иложи борича рационал жойлаштириш мақсадида ва умумиттифоқ меҳнат тақсимоти ва халқ хўжалигини комплекс ривожлантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда республикамиз ўз эҳтиёжларини маълум даражада ўз ишлаб чиқариши ҳисобига қондириши керак. Ҳозирги пайтда «Б» группасидаги ана шу бўлимнинг ҳиссаси Ўзбекистон давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборотида 42 процентни ташкил этади. Ана шундай умумиттифоқ кўрсаткичи эса 66 процентга тенг. Бунда республикамизнинг ўзида ишлаб чиқариладиган истеъмол буюмларнинг даражасигина эмас, балки структураси ҳам (гарчи бундай аҳволни тузатиш учун реал резервлар мавжуд бўлсада) зарур рационал маррадан йироқдир. КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Бирюкованинг республика партия-хўжалик активи билан 1987 йил февралда бўлиб ўтган учрашувда қилган докладида таъкидланганидек, Ўзбекистон ССРда ип газламалар, трикотаж, пайпоқ буюмлари, пойабзал ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш қувватларидан қониқарсиз фойдаланилиши натижасида уларни бошқа республикалардан кўплаб ҳажмда олиб келишга тўғри келмоқда. Ўзбекистоннинг машинасозлик корхоналари мураккаб маиший техниканинг барча турларидан фақат холодильникларнигина ишлаб чиқармоқда, республиканинг «А» группасидаги 200 дан ошиқ корхонаси эса умуман халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқармаяпти.

Бу соҳадаги қолоқлик фақат миқдор кўрсаткичларидагина эмас, балки сифат кўрсаткичларида ҳам кўриняпти. Масалан, «Н» индексли халқ истеъмоли моллари ва жуда модабоп буюмлар салмоғи мамлакатда ўртача 26 процент бўлгани ҳолда Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 1986 йили 19 процентни ташкил этди, маданий-маиший моллар бўйича эса у ўртача иттифоқ кўрсаткичидан тўрт баравар паст.

Агросаноат комплекси тармоқларининг миқдор ва сифат соҳасида ҳам тахминан ана шундай резервлари мавжуд бўлиб, уларни тўлиқ ишга солиш талаб этилади.

Мазкур проблемага бошқа томондан ёндашиб кўрайлик. СССР бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатлар структурасида ишлаб чиқаришга кетган барча сарф-харажатларга нисбатан

олганда енгил саноатда хом ашё ва асосий материаллар ҳиссаси 85 процентни, озиқ-овқат саноатида эса 81,3 процентни ташкил этади, Ўзбекистон ССРда эса тегишли равишда 87,7 ва 84,9 процентдан иборатдир. Бинобарин, солиштирма сарф-харажатларни ҳисоблаганда тилга олинган тармоқларда буюмга айлантирилган меҳнат ҳиссаси ва абсолют материал сиғими республикада умумиттифоқ кўрсаткичларидан юқоридир.

Саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатларни аналогия методи асосида қиёслаш Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноатларига кетган энергетика сарфлари мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори эканлигини кўрсатадики, бу ҳол уларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Енгил ва озиқ-овқат саноатлари асосий фондлари фаолиятининг самарадорлигини характерловчи кўрсаткичлар системасида энг муҳими фонд самарадорлигидир. У ишлаб чиқариш фондларининг 1 сўми ҳисобига қанча маҳсулот тўғри келишини қайд этади ва саноат-ишлаб чиқариш асосий фондлари ўсишининг суръатларига ҳамда маҳсулотнинг умумий ҳажмига боғлиқ бўлади. Кейинги 15 йил ичида енгил ва озиқ-овқат саноатларида маҳсулот ишлаб чиқариш саноат-ишлаб чиқариш фондларига нисбатан анча секин суръатларда ўсганлиги сабабли, умуман мамлакат бўйича ҳам, Ўзбекистонда ҳам, ана шу тармоқларда фонд самарадорлиги пасайди.

Ишлаб турган ва янгидан топширилаётган асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлигини ошириш нафақат истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, балки янги қувватлар қурилишини қисқартириш, материал, меҳнат, молиявий маблағларни тежаб қолишни ҳам билдиради. Бунда актив ва пассив қисмлари бир хил роль ўйновчи асосий ишлаб чиқариш фондларини сифат жиҳатидан янгилаш актуал проблемалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу жиҳатдан регион учун асосий саноат-ишлаб чиқариш фондлари актив қисми ҳиссасининг ошиши реал ва яқин резервдир.

Маълумки, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан фан-техника тараққиёти билан белгиланади. Кейинги 15 йил ичида базисли даврга нисбатан олганда кўриб чиқилаётган интервал охирига тааллуқли даврий кўрсаткичлар сифатида комплекс механизациялашган участка, цех, ишлаб чиқаришларнинг ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди: СССР енгил саноатида 374 процент ва Ўзбекистон ССР енгил саноатида 318 процент, озиқ-овқат саноатида тегишли равишда 244 ва 194 процент, Ўзбекистон ана шу соҳада мамлакатнинг ўртача ютуқларидан анча орқада қолаётганлигини тушуниш қийин эмас. Бунда энг катта узилиш — халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш маълумотларига кўра корхоналар миқёсидадир. Бу ҳол эса Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни тўхтатиб қўйиши мумкин. СССРни 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларини муваффақиятли амалга ошириш мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга ҳар бир республика қўшадиган ҳиссани кўпайтиришни тақозо этади. Лекин Ўзбекистонда, масалан, ип газламаларни ишлаб чиқаришга доир қувватлар ҳозиргача атиги 68,4 процент ўзлаштирилган. Зотан, умумиттифоқ кўрсаткичи 27,8 квадрат метр бўлгани ҳолда республикамизда киши бошига 19,5 квадрат метр ип газлама, 4,1 дона трикотаж буюми (иттифоқ бўйича —6,4 дона) ва 3,9 жуфт пайпоқ буюми (иттифоқ бўйича эса 7,14 жуфт) ишлаб чиқарилмоқда.

Партия ва ҳукуматнинг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишлар аҳволига жиддий эътибор беришлари натижасида унда баъзи бир ижобий силжишлар кўзга ташланиб қолди. Масалан, 1987 йилнинг тўққиз ойи мобайнида ана шундай моллар (алкоголли ичимликларсиз) 1986 йилнинг январь-сентябрига қараганда умуман олганда 4 процент кўпроқ ишлаб чиқарилди, уларни ишлаб чиқариш плани бажарилди. Лекин бир қатор министрликлар ана шу соҳада анчагина орқада қолдилар. Тўққиз ойлик планга 37 миллион квадрат метр ип газлама, 2,4 миллион дона трикотаж буюм, 1,3 минг дона холодильник, бошқа хил маҳсулотлар етказиб берилмади. Айрим саноат буюмларининг, айниқса кийим, пойабзал, ич кийимлар сифати ҳали ҳам аҳоли талабларига жавоб бермаяпти. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бир қадар яхшиланганлигига қарамай бу проблема ҳануз кескин бўлиб қолмоқда.

Партия XXVII съездида қабул қилинган КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида **аҳолининг халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли ва хилма-хил товарларга** — озиқ-овқат маҳсулотлари, сифатли ва чиройли кийим-кечак ҳамда пойабзал, мебель, маданий моллар, мураккаб маиший техника ва уй-рўзғор буюмларига **ўсиб бораётган эҳтиёжини тўла қондириш** ғоят муҳим вазифа деб кўрсатилган. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети олтинчи сессиясида ҳозирги босқичда республикада бу вазифани амалга оширишга доир тадбирларга жиддий эътибор берилди. Сессияда халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқариш ва Озиқ-овқат программасини бажаришда амалда иштирок этиш партия, совет ва хўжалик органлари фаолиятининг

энг асосий йўналишларидан бири бўлиши керак, деб таъкидланди.

Ушбу йўналишларда олға бориш партия иктисодий стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, экономикани бошқаришнинг аввало тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларига асосланган яхлит самарали ва ихчам системасини изчиллик билан яратиш, меҳнат коллективлари фаолиятидаги демократик асосларни ва ишлаб чиқаришда ҳамда социал ривожланишда юксак пировард натижаларга эришиш учун масъулиятини кучайтириш вазифалари билан бирга амалга оширилади.

А. ЕДГОРОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

СОЦИАЛ-СИЁСИЙ РАМЗИЙЛИК ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ РОЛИ

ИНСОННИНГ социал ҳаётини белгилар ва символларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кенг маънода олганда ижтимоий онг ва унинг структурасининг ўзи хам белгиларнинг ўзига хос системасидан бошқа нарса эмас. Ижтимоий онгнинг сиёсат, идеология, ҳуқуқ ва дин сингари энг муҳим шакллари хам ўзига хос маънога ва конкрет аҳамиятга эга муайян белгилар системаларидир, субъект социал жиҳатдан камолга етиш жараёнида бу системаларни ўзлаштира боради.

Социал-сиёсий рамзийлик социалистик муносабатларни қарор топтириш учун қурашувчиларнинг турмуш тарзи ва фаолиятидан бошлаб то инсон феъл-атворини коммунистик идеаллар руҳида йўналтирувчи ва ташкил этувчи партиявий ҳужжатларгача бўлган кенг ҳодисалар доирасини қамраб олади. Шахс гражданлик позициясининг камолга етиши, ғоявий эътиқодининг шаклланиши шу кундаги социал ҳодисалар ва тарихий образлар қиёфасида мужассамлашган «социал хотира» таъсирида содир бўлади. Шу ўринда образлари аллазамон ёш авлод учун муқаддас рамзий белги бўлиб қолган Ф. Э. Дзержинский, С. М. Киров, М. В. Фрунзе ва бошқа революционер-большевикларни, В. И. Ленин сафдошларини эсга олмай бўладими.

Рамзийлик роли шахсга социал-сиёсий ва дунёқарашга оид йўналиш бахш этиш даражасида айникса улкандир. Маълумки, инсоннинг амалий ҳаётий фаолияти ва феъл-атворининг характери, табиати ва йўналиши кўп жиҳатдан шахснинг дунёқарашга оид йўналишига боғлик бўлади, чунки пировард оқибатда айни шу марксча-ленинча дунёқараш субъектнинг социал ва сиёсий активлиги даражасини, унинг гражданлик позициясини, турмуш тарзини ва умуман ҳаётий фаолиятини белгилайди. Ҳамма анъаналар, маросимлар ва урф-одатлар, кишининг хулк-атвори, унинг турмуш услуби ва тарзи, унга хос бўлган маънавият нормалари ва принциплари, идеаллар ва эътиқод, давлатнинг рамзий белгилари, юқорида қайд қилинганидек, буюк тарихий арбобларнинг образлари ва шу сингарилар рамзийлик характерига эгадир.

Коммунистик тарбиянинг энг муҳим формаси бўлиб хизмат қиладиган рамзийлаштиришсиз ижтимоий ҳаётда давомийлик бўлмайди. КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида коммунистик тарбиянинг роли бекиёс ошиб бормоқда, съездда «коммунистик тарбия иши **ёт идеология ва ахлоқ кўринишларига қарши,** кишилар онгида ва хулқ-атворида сақланиб келаётган ўтмиш сарқитлари билан, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги амалий ишларда рўй бераётган камчиликлар билан, етилган проблемаларни кечикиб хал этиш билан боғлиқ **барча салбий ҳодисаларга қарши кураш** билан чамбарчас боғлиқдир», деб алоҳида таъкидлаб ўтилди. Коммунистик идеалларни ифодалашнинг энг муҳим формаси бўлган социал-сиёсий рамзийликсиз қайта қуришнинг ғоят улкан режаларини муваффақиятли тарзда амалга ошириш мумкин эмас.

Хуллас, коммунистик бунёдкорликнинг энг муҳим вазифаларини амалий ҳал этиш камол топаётган шахсда марксча-ленинча дунёқарашни тарбиялаш ва қарор топтириш проблемаси билан чамбарчас боғлиқ. Аввало бу маънавий йўналишлари кўпроқ ўзгарувчан ҳамда турли хилдаги ташқи таъсирларга берилиб турадиган ёшларга тааллуқли. Бу ишда, айникса, социалистик воқеликка буржуача кўринишларнинг ёйилишига қарши кураш билан боғлиқ қарши пропаганданинг самарадорлигини ошириш борасида сиёсий рамзийликнинг роли ниҳоятда катта.

Сиёсий жиҳатдан камолга етмаган шахс

одатда ранг-баранг шаклларда намоён бўладиган буржуача сиёсий рамзийлик таъсирига тез тушиб қолиши мумкин. Бундай белгилар буюмларни ва абстракционистик бадиий асарлар ҳамда поп-музикадан тортиб то ҳар хил ғарбий фирмаларнинг «символлар»и, корпорациялар белгилари, ёшлар учун мўлжалланган кийимлар — футболкалар, шимлар, костюмлар ва шу сингариларда ёзувлар шаклида акс эттирилган турлича антикоммунистик хуружларни оммалаштиришгача бўлган моддий ва маънавий маданият ҳодисаларини қамраб олади.

Буржуача сиёсий рамзийликнинг бузувчи, путур етказувчи таъсири шубҳасиздир. Масалан, бизга четдан тиқиштирилган «фирма сароби» деб аталадиган ҳодисалар кўпинча ёшларнинг онгини коммунистик идеаллардан узоқлаштиради, улардан айримларини «хиппилар», «панкилар», «металлистлар», «фанатлар» ва бошқа шу сингари харакатларга қўшилишга ундайди. «Фанатлар» ҳаракати, баъзи бир йигит ва қизларнинг фикрича, қандайдир ўз дунёқарашини ифодалаш формаси эмиш.

Фикримизча, ёшларнинг қандай сиёсий рамз-белгиларни танлаши ва уларга қанчалик ишонч билан амал қилиши кўп жиҳатдан дунёнинг келажагини белгилаб беради деган фикрни муболаға деб ҳисобламаслик керак. Шу жиҳатдан олганда эзгулик билан ёвузликнинг азалий кураши, беш қиррали юлдуз билан свастиканинг, кабутар билан бургутнинг бир-бирига зидлиги ҳозирги идеологик кураш негизида ётади.

Бугунги кунда шахснинг шаклланиш жараёнида муайян репрезентатив функцияни бажарадиган социалистик жамият моддий ва маънавий маданияти ҳамда афзалликлари қадрига баҳо беришнинг салмоғи ҳар қачонгидан ҳам ошиб бормоқда. Шу сабабли субъектнинг социал воқеликка ва практикага муносабатини бевосита ифодалайдиган рамзийлик ва рамзий элементлар тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Масалан, бизнинг мамлакатимизда социалистик маросимлар ва анъаналарга коммунистик тарбиянинг таъсирчан воситаларидан бири сифатида катта эътибор берилмоқда. Кейинги йилларда меҳнат қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари билан учрашувлар, паспортларни тантанали суратда топшириш, ишчилар синфига қабул қилиш, коммунистик шанбаликлар, Хотира куни ва бошқа кўплаб тадбирлар анъанавий бўлиб қолди, уларни ҳақли суратда социалистик турмуш белгилари дейиш мумкин. Уларнинг аҳамияти бебаҳодир, чунки бундай белгилар ҳалоллик, дадиллик, оптимизм, меҳнатсеварлик, инсонийлик, сахийлик, ўз-ўзига талабчанлик, коммунистик идеалларга садоқат, Ватанга содиқлик сингари ва бошқа маънавий категорияларни кенг пропаганда қилади ва совет воқелигининг символларига айлантиради.

Икки идеология — социалистик идеология билан буржуа идеологиясининг ўзаро кескин кураши вазиятида буржуача белгиларнинг антикоммунистик моҳиятини фош этиш ва шу билан бир қаторда социалистик тузумнинг муқаддас рамзларини ҳимоя қилиш ва бойитиш актуал амалий вазифа бўлиб, бу вазифани ҳал этиш ёшларнинг коммунистик тарбиясига ва, бинобарин, КПСС XXVII съезди қарорларини муваффақиятли тарзда турмушга оширишга актив кўмаклашади.

Т. ТОЖИЕВА,
Тошкент политехника институти философия кафедрасининг ўқитувчиси.

СССР—БОЛГАРИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ МАРРАСИ

Н. ТИШЧЕНКО,
тарих фанлари кандидати

СОЦИАЛИСТИК ҳамдўстлик мамлакатларининг халқлари ягона қардошлик иттифоқига жипслашган ҳолда биргаликда янги ҳаёт қурмоқдалар, халқаро майдонда тинчликни ҳимоя қилиб турибдилар. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, «ҳозир тинчлик ва социал тараққиёт тақдири жаҳон социализм системаси иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг жўшқинлиги билан ҳар қачонгидан ҳам чамбарчас боғлиқдир».

Қардош коммунистик ва ишчи партиялар эришилган муваффақиятларни муносиб баҳолар эканлар, айни чоғда 80-йиллар халқаро, давлатлараро муносабатларга янада юксакроқ талаблар қўяётганлигини ҳам тушундилар. Бунинг боиси шуки, биринчидан, интеграция жараёнлари шундай даражага эришдики, уларни сифат жиҳатдан янги асосда қайта қуриш, интеграциянинг бошқа формаларидан фойдаланиш зарурати юзага келди. Иккинчидан, социалистик ҳамдўстликдаги бир қанча мамлакатлар ўзининг бутун хўжалик фаолиятини ривожланишнинг интенсив йўлига ўтказадиган бўлиб қолди.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳозирги жараёни социалистик ҳамдўстлик олдига социал, иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштиришда ўз афзалликларидан тўлароқ фойдаланиш вазифасини қўйди. Мавжуд вазиятни таҳлил этар эканмиз, бу жаҳон социализм системаси тараққиётининг объектив қонуниятидан бўлак нарса эмаслигини таъкидламай бўлмайди. «Инсоният, — деган эди К. Маркс, — ўз олдига ҳамиша ўзи ҳал эта оладиган вазифаларнигина қўяди, чунки яқиндан қаралганда ҳамиша маълум бўладики, вазифанинг ўзи уни ҳал этиш учун моддий шароитлар аллазамон мавжуд бўлган, ёки ақалли қарор топиш жараёнида тургандагина юзага келади» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 13, с. 7).

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача фан-техника тараққиёти Комплекс программасида вазифа худди шу тарзда қўйилди. Бу программа ЎИЁК сессиясининг 1985 йил декабрида бўлган навбатдан ташқари 41-мажлисида қабул этилди. Унда, жумладан, ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида интенсивлаштириш ЎИЁК олдида турган вазифаларни ҳал этишда асосий бўғин бўлиб қолади, деб таъкидланди. ЎИЁК аъзоси бўлган мамлакатлар ўз куч-ғайратларини энг муҳим беш йўналиш — халқ хўжалигини электронлаштириш, комплекс автоматлаштириш, атом энергетикаси, янги материаллар ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш технологиялари, биотехнология соҳаларига жамлаб, техника ва технологияларнинг янги турларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида келишиб олдилар. «КПСС, — дейилади КПСС XXVII съездининг МҚ Сиёсий доклади юзасидан резолюциясида, — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиёти Комплекс программасининг қабул қилинишини алоҳида аҳамиятга эга бўлган иш деб билади, социалистик иқтисодий интеграциянинг ҳал қилувчи йўналишларида новаторларча, ташаббускорона жонбозлик кўрсатишни совет коммунистлари, олимлари, инженерлари, ишчиларининг виждоний бурчи деб ҳисоблайди».

Ана шунга асосланиб, СССР Министрлар Совети 1987 йил 13 январда «СССР территориясида СССР ва ЎИЕКга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг биргаликдаги корхоналарини, халқаро бирлашма ва ташкилотларини тузиш ҳамда улар фаолияти тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарор социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш потенциалини янада жипсроқ бирлаштириш тадбирларини амалда рўёбга чиқаришга қаратилган. Халқаро бирлашмалар, дейилади қарорда, унинг қатнашчилари саноат, фан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида амалга ошираётган ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш учун тузилади.

Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик Комплекс программанинг руҳи ва ҳарфига монанд бўлиб, кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Фан-техника тараққиётининг узоқ муддатли прогнозлари билан планлари коллектив тарзда ишлаб чиқилмоқда, биргалашиб ишлайдиган илмий-тадқиқот бирлашмалари, институтлар, лабораториялар, ижодий ва ишлаб чиқариш коллективлари ташкил этилмоқда. Масалан, Софияда, совет-болгар «Интерпрограмма» институти, «Совбулгарцветмет» конструкторлик бюроси, махсус қуювчилик илмий-координация маркази ва бошқалар ишлаб турибди, ҳисоблаш техникаси, микроэлектроника, кукунли металлургия, космосдан туриб Ерни тадқиқ этиш ва бошқа соҳаларда комплекс тармоқ программалар бажарилмоқда.

Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг 1985 йил июнида имзоланган, 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программаси ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, материаллар ва технологияларнинг янги турларини яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга молик электроника, комплекс автоматлаштириш, атом энергетикаси, биотехнология сингари етакчи йўналишларни биргалашиб ишлаб чиқишни давом эттириш кўзда тутилган. Программага мувофиқ ҳар иккала мамлакат олимларининг эътибори ядро физикаси, кибернетика, математик прогнозлаш, лазер техникаси, молекуляр биология, атроф муҳитни муҳофаза этиш, янги энергетика манбалари, космик тадқиқотларга қаратилмоқда. Амалий характердаги тадқиқотларга катта аҳамият берилмоқда. Чунончи, шу беш йилликда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш бош схемаси доирасида 300 мавзу режалаштирилган. СССР ва БХР Фанлар академиялари ўртасида еттита комплекс тармоқ программаси ва 19 фундаментал проблема келишиб олинди.

Ҳозирги вақтда 80 дан ортиқ совет илмий ва ишлаб чиқариш коллективлари Болгариянинг турли корхона ва ташкилотлари билан бевосита алоқани ривожлантирмоқдалар. 50 дан ортиқ совет-болгар корхонаси, бирлашма ва ташкилотлари ташкилий масалаларга доир ишларни ниҳоясига етказмоқдалар. Машинасозликда ўн учта, агросаноат комплексида еттита, металлургияда иккита биргаликдаги корхона ташкил этиш тўғрисида бир тўхтамга келиш иши амалий босқичга кирди. Навбатда енгил саноатда, химия ва қишлоқ хўжалигида иккала мамлакат меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини бирлаштириш режалари турибди. СССР билан БХР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программасида 1990 йилга бориб 130 совет ва болгар ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхонаси, институти, конструкторлик бюроси ва лабораториясини бевосита алоқа қилишга ўтказиш кўзда тутилган.

Совет-болгар коллективлари машиналар, приборлар, бошқарувнинг автоматлаштирилган системалари, янги, такомиллаштирилган материал ва буюмлар яратмоқдалар. Болгария томони электрон-ҳисоблаш техникаси, алоқа воситалари ва электротехника буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва доимо кенгайтириб бормоқда. Болгарияда СССРнинг техникавий ёрдами билан ЭС-1035 типидаги электрон-ҳисоблаш системаси, хотирлаб қолувчи қурилма ва магнит дискалари ишлаб чиқилмоқда, «Лада», «Волга» ва «Москвич» енгил автомобиллари учун деталлар ишлаб чиқариш ва Совет Иттифоқига етказиб бериш кўпайтирилди. Қа-

ма автозаводида болгар манипулятор ва роботлари билан жиҳозланган автомат линиялар муваффақиятли ишлаб турибди.

Фан-техника программасини муваффақиятли амалга ошириш икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар механизмини муттасил такомиллаштириб боришни, бутун социалистик ҳамдўстлик доирасида биргаликдаги вазифаларни бажаришни тақозо этади. Шу мақсадда СССР билан БХР ўзаро келишган ҳолда экономикани бошқарувнинг структура ва механизмлари ҳамда илмий-техника сиёсатининг доимий равишда яқинлашиб бориши ва қўшилиб кетишига, планлаштириш ишини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширяптилар. Хўжалик ва илмий бўғинлар, министрликлар ва идоралар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Буларнинг ҳаммаси партия XXVII съездига КПСС МК Сиёсий докладида М. С. Горбачев таъкидлаганидек, «ўзаро маънавий бойиш манбаидир, фикрлар, ғояларни, социалистик қурилиш тажрибасини баҳам кўриш воситасидир».

СССР билан БХР ҳамкорлигининг энг истиқболли ва самарали формаларидан бири уларнинг халқ хўжалигини интенсивлаштириш йўлига жадалроқ ўтказишга муносабатларда маъмуриятчиликни, бюрократик сансалорликни, кўплаб комитетлар билан комиссияларни бартараф этишга кўмаклашувчи бевосита ишлаб чиқариш алоқаларидир. Бунинг афзаллиги шундаки, томонларнинг ҳар бири ўзининг капитал маблағлари ва илмий-техника потенциалини ривожланиш учун қулай шароитларга эга тармоқларда жамлаш имконига эга бўлади. Чунончи, Иваново станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Софиядаги «Металл қирқув станоклари заводлари» давлат хўжалик бирлашмаси базасида ташкил этилган («Иваново-ЗММ»), шунингдек Москвадаги «Красний пролетарий» станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Стара Загора шаҳридаги «Берое» роботсозлик илмий-ишлаб чиқариш комбинати базасида ташкил этилган совет-болгар ишлаб чиқариш бирлашмалари муваффақиятли ишлаб турибди. Улар ягона раҳбарият ва бошқарма, ягона илмий-техника сиёсати остида, капитал маблағлар ва ишлаб чиқариш планларининг яхлит системаси асосида ишлайдилар. Ҳозирча ЎИЕҚ доирасида биринчи илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мақсади — биргаликдаги куч-ғайрат билан роботлаштирилган комплекслар барпо қилишдир. Масалан, «Берое» роботсозлик илмий-ишлаб чиқариш комбинати билан Москва станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида узеллар ҳамда комплектлаштирувчи деталларни бир хил қилиш, болгар роботларини «Красний пролетарий» станокларига мослаштириш юзасидан катта иш қилинди. Янги комплектлаштирувчи маҳсулотлар устида ҳам ишламалар бор. Аммо булар бирлашма фаолиятининг бошланғич босқичи, холос. Ҳали кўпгина проблемаларни ҳал этишга, энг аввало янги роботлар, манипуляторлар, станоклар, рақамли программа билан бошқариладиган системалар, мослашувчан ишлаб чиқариш модуллари, ишлов бериш марказлари ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш лозим бўлади. Ҳозирча шу мақсадда муваққат бирлашган конструкторлик группалари тузилди. 1988 йилда бирлашма техникавий жиҳатдан янги даражага чиқиб олиши керак. «Иваново-ЗММ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси зиммасига эса ишлов бериш марказлари ҳамда мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқариш системалари чиқариш вазифаси юклатилган.

Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш Бош схемасини ҳал этиш доирасида 1987 йил апрелида СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижков билан БХР Министрлар Совети Раиси Г. Атанасов Новокраматорск машинасозлик заводи билан Родомир оғир машинасозлик комбинати базасида совет-болгар халқаро бирлашмаси тузиш тўғрисида ҳукуматлараро янги битимни имзоладилар.

Учрашув чоғида совет ва болгар корхоналари, лойиҳа-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасидаги бевосита алоқаларни янада ривожлантиришнинг муҳимлиги ва зарурлиги тўғрисида якдил фикр изҳор этилди, буларнинг дастлабки тажрибаси ҳамкорликнинг бундай формаси истиқболли эканидан яққол далолат беради. Фан-техника тараққиёти планларини амалга оширишда биргаликда қатнашув ҳар иккала томоннинг саноат потенциалини ўстиришга хизмат қилмоқда. Болгарияда, масалан, тўққизинчи беш йилликда (1986—1990

йиллар) металл қирқув станоклари ва системалари ишлаб чиқаришни 55—60 процент кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Рақамли программа билан бошқариладиган станоклар, автоматлаштирилган ишлов берич технология модуль ва линиялари, мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқариш системалари, серунум машиналарнинг асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланади.

Болгария ЎИЕҚ аъзоси бўлган мамлакатлар орасида фан-техника революцияси проблемаларини ҳал этишга биринчилардан бўлиб киришди. БКП МК февраль (1985 й.) пленумида Тодор Живков таъкидладики, «партия Марказий Комитети фан-техника революцияси проблемалари муҳокамасини бугун ё кеча бошлаган эмас. Биз бу ишни илмий доираларда фан-техника революцияси хусусида гапиришга асос бормикин, деб қизғин баҳслар бораётган, баъзи бировлар бу ҳодисани очиқдан-очиқ рад этаётган бир пайтда бошладик. Биз замонавий фан-техника тараққиётининг бир қанча етакчи соҳаларини собитқадамлик билан ривожлантира бошлаган кашшофлар орасида бўлдик. Бу ҳол бизга электроника ва электротехникани, пневматикани, гидравликани ва бошқа замонавий фан-техника тармоқларини ривожлантиришда катта ютуқларга эришиш имконини берди».

Бугунги кунда БХР кўтарма-транспорт ускуналарини ишлаб чиқариш ва ЎИЕҚ аъзоси бўлган мамлакатларга етказиб беришда етакчи мавқени эгаллаб турибди, бу мамлакатларнинг электрокар, автокар ва электротельферларга бўлган талаб-эҳтиёжларини 98—100 процент қондирмоқда. Болгария ўз маҳсулотларининг обрў-эътиборини туширмай, юксак даражада сақлаб турганлигининг боиси шундаки, заводлар маҳсулотларни техникавий жиҳатдан энг замонавий талаблар даражасида ишлаб чиқаришга интилиб, ҳар йили ўз ассортиментининг 20 процентдан ҳам кўпроғини янгилаб бормоқдалар. Совет-болгар ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирувчи Софиядаги «Металл қирқув станоклари заводлари» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида рақамли программа билан бошқариладиган 15 хил янги металл қирқув станокларини кўплаб ишлаб чиқариш тараддуди кўриб қўйилди.

КПСС XXVII съезди, қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг съездлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнат коллективларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини жиддий тарзда яхшилашга, уларнинг жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган бўлишига йўлламоқда. Табиийки, бу масалаларни ҳал этишни мувофиқлаштирмай туриб, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўлидан олға қараб силжиб бўлмайди. Мамлакатларимиз ана шунга асосланиб сифатни текширишнинг янги формаси — сифат юзасидан қўшма рейдлар ўтказиш ташаббускори бўлдилар. Қардош газеталарнинг қўшма рейдлари бир бирларига етказиб берилаётган маҳсулотлар сифатига доир ишлар аҳволини таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, сифатга муносабатни тубдан ўзгартиришга даъват этилган. «Правда» ва «Работническо дело» газеталари сифат бўйича биринчи рейдни бир қанча совет муассасалари ҳамда ташкилотлари Пловдивдаги «Рекорд» комбинати чиқараётган автопогрузчиклар хусусида билдирган танқидий фикр-мулоҳазалар муносабати билан ўтказдилар.

Ўзбекистон билан Болгария ўртасида кўпдан буён самарали алоқа мавжуд. Маданий ҳамкорликнигина эмас, илмий-техникавий ҳамкорликни ҳам ривожлантириш тўғрисидаги битим эндиликда кундалик факт бўлиб қолди. Чунончи, Электроника институти олимлари болгариялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда бир қанча масалалар юзасидан самарали изланиш олиб бормоқдалар. Яқинда эса БХР Ихтиро ва рационализация институти қарори билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг бир гуруҳ ходимларига болгариялик олимлар билан ҳамкорликда чорва моллари ўсиб семиришини тезлаштириш методини яратганликлари учун гувоҳнома берилди. Болгариянинг Хасково ва Ямбол округлари билан биродарлашган Тошкент ва Андижон областларининг меҳнат коллективлари машинасозлар, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат ва экономиканинг бошқа соҳалари мутахассисларидан иборат ишчи делегациялари билан алмашиниб туриш режаларини белгилаб олдиларки, кейинчалик биргаликда корхоналар ва бирлашмалар ташкил этиш мўлжали ҳам йўқ эмас.

Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатларга етказиб берилаётган экспорт маҳсулотлари сифати учун масъулиятнинг муайян қисми Ўзбекистон ССР чекига тушади. 1987 йил март ойида Тошкентда республика кенгаши ўтказилиб, унда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини тубдан қайта қуриш йўллари муҳокама этилди. Уларнинг структура ва формалари, деб таъкидланди кенгашда, тараққиётнинг ҳозирги босқичида халқ хўжалиги талаб-эҳтиёжлари ҳамда манфаатларига зид келиб қолди. Айни чоғда республиканинг ташқи иқтисодий алоқалардаги иштироки даражаси мавжуд имкониятларга унчалик тўлиқ жавоб бермайди. Қолаверса, айрим корхоналар экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мутлақо иштирок этмайдилар, бошқалари бўлса экспортга маҳсулот етказиб бериш топшириқларини ҳамиша ҳам уддаламоқдалар, деб бўлмайди. Белгиланган тадбирлардан кўзланган асосий мақсад республика корхоналарининг жаҳон бозорига чиқараётган маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, сифатини ва рақобатлаша олиш қобилиятини яхшилашдан иборат. Бу шунинг учун ҳам янада муҳимки, Ўзбекистон экспортнинг ялпи ҳажми бўйича иттифоқдош республикалар ўртасида СССРда учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Эндиликда ўз тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичида турган жаҳон социализм системаси интернационал иттифоқдир. Халқ оммасининг ижодий активлиги, ташаббуси ва ғайрат-шижоати қардош мамлакатларнинг йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги ва ҳар тарафлама ҳамкорлигининг ишончли гаровидир.

«ТОШКЕНТ» ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ҒОЯВИЙ ЙЎНАЛИШИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН пойтахти жамоатчилиги «Тошкент» энциклопедиясининг пайдо бўлганлигини ижобий кутиб олди. Унга аллақачонлар эҳтиёж пишиб етилган эди. Зеро Тошкент нафақат аҳолисининг сони жиҳатидан, балки ўзининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, саноат, маданий ва илмий потенциалига кўра ҳам мамлакатнинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бу шаҳар ҳаётининг амалда барча томонларини қамраб олувчи ва пойтахт аҳолиси учун ҳам, меҳмонлари учун ҳам қизиқарли бўлган ихчам китоб нашр этилишини тақозо қилди. Табиийки, энциклопедия босилиб чиққандан кейин китобхонлар ҳақли равишда унга матбуотда объектив баҳо берилишини кутдилар. Лекин бу ўз вақтида қилинмади. «Тошкент»га мурожаат этувчиларда у ҳақда аста-секин бир қадар салбий фикр шаклланa борди.

Энциклопедия нашр қилингандан сўнг ўтган давр ичида республикада катта ўзгаришлар рўй бердики, улар асосида ҳаётимизнинг кўпгина томонлари бошқача сифат кўринишларида намоён бўлди, КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди, Ўзбекистон КП МКнинг XVI (1984 йил) ва ундан кейинги пленумлари, ижодий союзларнинг съездлари ва пленумларида уларга объектив баҳо берилди.

Очиғини айтганда, Ўзбекистонда содир бўлган ва кейинги йилларда дадил очиб ташланган салбий ҳолатлар кўпгина кишилар учун кутилмаган ҳодисалар эмасди. Республиканинг илғор партия, илмий жамоатчилиги, меҳнаткашлари буларни кўриб-билиб турган ҳамда тартиб ўрнатиш учун зарур чоралар кўрилишини ўша пайтлардаёқ талаб этиб келган эдилар. Энциклопедия учун ёзиладиган мақолалар мезонини ишлаб чиқишда, уларнинг илмий жиҳатдан ҳаққонийлиги, ғоявий-сиёсий йўналишини белгилашда актив иштирок этганларнинг барчаси ҳам буни билмасликлари мумкин эмасди. «Тошкент»нинг ноширлари, редакцияси, редколлегия аъзолари, авторлар коллективи, илмий-редакцион совет аъзоларининг сифат составини, ҳақиқий имкониятларини билмасдилар, деб бўлмайди. Шунга қарамай улар орасида энциклопедиянинг характери ва мазмунига алоқаси бўлмаган, лекин кўп жиҳатдан нашрнинг йўналишини белгилаб берган, шаҳарнинг кўп асрлик тарихи ва ҳозирги босқичдаги ривожланишига алоқадор барча мутахассислар билан маслаҳатлашишни маъқул топмаган анчагина кишилар бор эди. Ваҳоланки, энциклопедия — бу энг аввало махсус билимларга эга бўлишни, тегишли илмий тайёргарликни талаб этувчи мураккаб, илмий ишдир.

Дарвоқе, Ўзбекистоннинг бошқа универсал энциклопедияларини нашр қилишда ҳам деярли айнан шундай ҳол кузатилган эди. Бундай шароитда материалларнинг, профессионал жиҳатдан кенг кўламда муҳокама қилиниши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Шундай бўлса ҳам, редколлегиянинг баъзи «фахрий» аъзолари юксак шарафга, ҳатто Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

«Тошкент» энциклопедиясининг шаҳар тарихини умумий тарзда кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган кириш мақоласидаёқ кўпгина ғоят муҳим ҳолатлар тушириб қолдирилган. Масалан, уч революция даврида Тошкентда содир бўлган воқеалар ҳақидаги ҳикоя бир жумлага сиғдирилган. Февраль буржуа-демократик революцияси тўғрисида эса умуман ҳеч гап йўқ; шунингдек, Туркистон АССР, Туркистон Компартиясининг ташкил этилиши, босмачиликка қарши кураш, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг фаолияти ҳам ёритилмаган (тўғри, бу камчиликлар айрим, қисқа мақолаларда маълум даражада тўлдирилган). Натижада, афсуски шаҳар ҳақида ҳикоя қилувчи яхлит бир тарихий очерк чиқмай қолган.

Китобнинг паст ғоявий савияси кўзга ташланиб турибди: ўтмишдаги ва ҳозирги иқтисодий, маънавий, тарихий ва турмушга оид кўплаб ҳодисаларни очиб беришда аниқ марксча-ленинча позиция ҳар доим ҳам

сезилавермайди. Султон Бобур ҳақида бир томонлама ёзилган мақола (47-бетга қаралсин) бунга мисол бўла олади. Унда Бобур фаолиятига синфий баҳо берилмасдан, у фақат «давлат арбоби, саркарда, шоир ва ёзувчи» сифатида романтик-баландпарвоз таърифланади. У ҳақда махсус мақола берилиши ҳам таажжубли ҳолдир, зеро унинг Тошкентда бўлишининг ўзигина бунга асос бўла олмайди. Ўтмишдаги бир қатор бошқа арбобларга ҳам шу нуқтаи назардан туриб баҳо берилади. Гўё улар конкрет ижтимоий-иқтисодий тузум шароитида яшамаган, ўз синфининг вакили бўлмаган, шу синфнинг туб манфаатларини ифода этмаган. Мақолаларни ёзишга бундай ёндашиш китобхонларни чалғитади, уларда ижтимоий жараёнларни ноилмий идрок этишни шакллантиради.

«Маҳалла» мақоласига мурожаат қилайлик (194-бетга қаралсин). Унда маҳалла «аҳолиси ўзаро муомала ва бир-бирини қўллаш нормалари билан боғлиқ бўлган шаҳар квартали», деб қайд этилади. Чиндан ҳам маҳалла турмушининг баъзи томонларини ижобий баҳолаш керак. Шунга қарамай, бир қатор олимлар, партия ва совет ходимлари кўпгина маҳаллалар ўзларининг «жамоатчилик фикри» воситаси билан аҳоли ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда, диний сарқитлар ва бошқа қолоқ расм-русумларнинг сақланиб қолишига хизмат қилмоқда, маҳалла «жамоатчилик фикри» таъсирида бўлган айрим оилаларга янгича қарашлар ва хулқ-одоб нормалари кириб келишига тўсиқ бўлмоқда деб ҳисоблайдиларки, назаримизда, бу адолатли фикрдир. Маҳаллани идеаллаштиришга интилиш, уни деярли энг маъқул социалистик уюшма қилиб тасвирлаш бу жамият организмини такомиллаштира бориш заруриятини хиралаштиради, тураржойлардаги ғоявий-тарбиявий иш ҳақида, халқнинг социалистик ўзини ўзи бошқариши тўғрисида юзаки тасаввур ҳосил қилади.

Г. Трапезниковнинг мақоласида (Ўзбекистон коммунисти, 1987, 11-сон) «Тошкент» энциклопедиясида архитектура ёдгорликлари — мачитлар, мадрасалар, мақбаралар, мозорлар ҳақида кўплаб қайдлар мавжудлигига доир гапларга шуни қўшимча қилиш кераки, бирорта мақолада уларнинг ўтмишдаги, айниқса Октябрдан кейинги даврдаги реакцион роли ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бундай фактларни назар-писанд қилмаслик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида (1986 йил) зиёлиларимизнинг, партия ва совет ходимларининг маълум қисми динга тилёғламалик қилиб, унинг кўринишларига синфий баҳо ва зарба бермаётирлар, деб айтилган сўзларга ёркин мисол бўла олади. Бундан ташқари ушбу ёдгорликларга ҳақиқий меъморчилик асарлари сифатида муфассалроқ профессионал баҳо бериш ҳам фойдадан холи бўлмасди.

Энциклопедия редакциясининг идеология фронтидаги курашнинг олдинги сафларида бўлишни истамаганлиги ёки бунга қодир эмаслиги ушбу нашрга «Миллий ташкилот», «Миллий иттиҳод», «Турк одамий марказият», «Шўрои Уламо», «Шўрои Исломия», «Туркман область ижроия комитети», «Алаш-орда» ва бошқа ташкилотларнинг реакцион-миллий моҳиятини очиб берувчи материаллар киритилмаганида ҳам намоён бўлиб турибди. Бу ўринда шуни ҳам унутмаслик керакки, ушбу ташкилотларнинг арбоблари эълон қилган кўпгина реакцион ғоялар совет кишиларининг бир қисми онгида маълум даражада ҳозир ҳам яшаб келяпти, чет элдаги пропаганда марказлари томонидан реклама қилинмоқда. Назаримизда энциклопедияни тузувчилар буларнинг ҳаммасини ҳисобга олишлари ҳамда шу ташкилотлар фаолиятини етарлича таҳлил қилмасдан ва баҳоламасдан шунчаки санаб ўтиш ўрнига имкони борича актив контрпропагандистлик вазифасини бажаришлари керак эди.

Кўпгина тарихий воқеалар энциклопедияда, юмшоқ қилиб айтганда, ноаниқ, узуқ-юлуқ ҳолда берилган, турли хил зўрма-зўракиликлар билан бузиб талқин қилинади. Мисол учун Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги 1916 йилги қўзғолонни олиб кўрайлик (72—73-бетларга қаралсин). Умуман у тўғри баён қилинган. Лекин бир қатор жойларда реакцион руҳонийлар унга русларга қаршилик, ғазовот руҳини беришга эришганликларига авторлар эътибор беришмайди. Бу фактни яширишга уриниш фақат тарихий ҳақиқатга путур етказишидан ташқари ўлка халқларининг миллий-озодлик ҳаракатида ислом руҳонийлари салбий роль ўйнаганлигини ҳам оқлайди.

Тошкентдаги Октябрь қуролли қўзғолонини ёритишда ҳам очиқ-ойдин зўрма-зўракилик мавжуд. «С. Қосимхўжаев, О. Бобожонов ва бошқа большевикларнинг ташаббуслари билан ўзбек ишчиларининг 200 кишидан иборат қуролланган отряди янги шаҳарга ёриб ўтди ҳамда контрреволюция билан сўнгги жангларда иштирок этди», — деб ёзилган 283-бетда. Отряд борасида ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. С. Қосимхўжаев шахсига ҳам муносиб баҳо берилган. Лекин, 1917 йилда у ҳали большевик эмас эди. Энциклопедиянинг ўзи ҳам (158-бетга қаралсин) у фақат 1919 йилда партия сафига кирганлигини қайд этади. Осиповнинг Советларга қарши исёни кўрсатилиши ҳақида ҳам шу гапларни айтса бўлади (240—241-бетларга қаралсин). Бу ерда: «Омон қолган Д. И. Манжара, Низомиддин Хўжаев, С. З. Рубцов, П. И. Илёсов, А. А. Қазаков, У. Ба-

пишчев ва бошқа большевиклар Бош темир йўл устахоналарининг гудоги билан ишчиларни исёнга қарши курашга кўтардилар», — деган сўзлар ҳам шубҳа уйғотади. Бундан шаҳарда фақат юқоридаги большевикларгина тирик қолган экан, деган маъно чиқади. Аслида фақат 14 комиссар қурбон бўлиб, исёнга қарши курашга шунчаки «омон қолган большевиклар» эмас, балки Туркистон Компартияси ва ҳукуматининг ҳаёт қолган раҳбарлари бошчилик қилишган.

Шаҳардаги октябрь қуролли қўзғолони тўғрисида «Тошкент ишчилари» мақоласида ҳам гап боради. Бошқа мақолаларда бўлганидек унда ҳам кўпгина мавҳумлик ва ноаниқликлар мавжуд. Масалан, 273-бетда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси учун кураш даврида Советлар томонидан қўзғолон плани ишлаб чиқилган бўлиб, унда «асосан ишчилар синфининг маҳаллий отрядига таянилган»лиги айтилган. Бу «ишчилар синфининг маҳаллий отряди» деган сўзларни қандай тушунмоқ керак? Агар туб ерли миллат ишчилари назарда тутилаётган бўлса, унда, маълумки, ўша пайтда улар орасида ҳали ишчилар синфи шаклланмаган эди. Хуллас, Тошкентдаги Октябрь воқеалари охирига китобхоннинг ўзи ўйлаб етиши керак бўлади.

«Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар ташкилоти» мақоласида (312-бет) ҳам ҳамма нарса аниқ эмас. Унда партия ташкилоти 1917 йилнинг декабрь ойида вужудга келган ва «у ташкил этилган дастлабки ойларда О. Бобожонов, А. Қазаков, Ф. Қолесов, В. Ляпин, Д. Манжара, А. Першин, А. Солькин, Қ. Сорокин, Н. Хўжаев, Н. Шумиловлар катта ғоявий-сиёсий иш олиб борди», — деб таъкидланади. Биринчидан, нима сабабли авторлар бу сиёсий арбобларнинг исми шарифларини тўлиқ кўрсатишмаган? Иккинчидан, фақат 1918 йилнинг июнь ойидагина Туркистон Компартиясига кирган, бундан илгари эса «Турон» буржуа-миллатчилик партияси аъзоси бўлган Н. Хўжаевни улар қаторига қўшиш мумкинми? Китобда Низомиддин Хўжаев ҳақида махсус мақола йўқлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу ҳам нашрнинг шубҳасиз камчилигидир.

Энциклопедия Тошкентда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг бошланиши ҳақида ҳам нотўғри маълумот беради. Жумладан, 97-бетда бу ҳаракатнинг ташаббускорлари «Ўзбексельмаш» заводи ишчилари бўлганлиги таъкидланади. Аслида эса Тошкент тўқимачилик комбинатининг В. Пидинова раҳбарлигидаги йигирувчилар бригадаси мазкур ҳаракатни бошлаб берган эдики, бу ўша пайтда ёзилган «Ўзбекистон Компартияси тарихи очерклари»да (Тошкент, 1964, 414-бет) ўз аксини топган. Ҳаракатнинг кўпгина иштирокчилари, шу жумладан В. Пидинова бригадасининг баъзи аъзолари ҳозир ҳам комбинатда меҳнат қилишмоқда.

Энциклопедиянинг кўпгина материаллари субъектив хусусиятга эга. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги Партия тарихи институти ҳақидаги мақолани олиб кўрайлик (148-бетга қаралсин). Мазкур муассаса КПСС Марказий Комитети қошидаги Марксизм-ленинизм институтининг филиалидирки, бунда катта ижтимоий-сиёсий маъно мужассамлашган, авторлар эса буни эсдан чиқарганга ўхшайдилар. Институтнинг асосчилари, унинг биринчи илмий ишлари эътибордан четда қолган. «Ўзбекистон Компартияси тарихи очерклари»нинг биринчи нашри, энциклопедия авторлари таъкидлашганидек 1974 йилда эмас, балки 1964 йилда чиққан бўлиб, республиканинг илмий ва ғоявий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлган эди. «Очерклар» марказий ва республика матбуоти саҳифаларида юксак баҳоланди. 1974 йилда эса унинг иккинчи нашри чиқди. Энциклопедияга баъзилари Партия тарихи институтида унчалик кўп вақт ишламаган ва бу ерда сезиларли из қолдиришга улгурмаган, айримлари эса Институт олдида турган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қодир эмасликлари сабабли ишдан четлатилган кўплаб олимларнинг ҳам фамилиялари киритилган.

Фан тараққиётига, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, улкан ҳисса қўшган Л. С. Берг, Н. А. Ошанин, Н. А. Северцев, И. В. Мушкетов, А. П. Федченко, В. А. Федченко, Н. Л. Корженевский, Д. Н. Кашкаров, П. А. Баранов ва бошқа номлари жаҳонга таралган улкан олимлар ҳақида мақола бериш учун энциклопедияда жой топилмаганлиги ажабланарлидир.

Партия ташкилотлари, институтлар, техникумлар, музейлар, мактаблар, кўнгилли жамиятлар ва бошқалар ҳақидаги мақолаларда уларга асос солган кишиларнинг исм-фамилиялари берилмаган. Бироқ уларнинг сўнгги даврлардаги раҳбарларини санаб ўтишда ҳеч қандай чегара йўқ. Ҳозирги кунда бизга маълумки, уларнинг кўпчилиги давр синовига дош бера олмади. Шаҳарнинг пионер, комсомол ташкилотларини, ижодий союзларни кимлар тузганлигини, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ташкил этишнинг бошида турганларни, метрони лойиҳалаштирган ва қурган кишиларни билиш муҳим эмасми, ахир? Ўрта Осиё бюроси ҳақидаги махсус мақола авторлари унинг раҳбарларини эслатиб ўтишни лозим топишмаган. Ҳолбуки, бу мўътабар орган бошида Я. Э. Рудзутак, К. Я. Бауман, И. А. Зеленский ва бошқалар сингари содиқ ленинчилар турган эдилар.

Ўзбекистонда социализм қурилиши жараёни бу — қолоқ мамлакатлар ҳам илғор давлатлар пролетариати ёрдамида тарақ-

қиётнинг маълум босқичлари орқали социализмга ўтишлари мумкинлиги тўғрисидаги Ленин башоратининг амалга ошиши тимсолидир. Бундай ўтишни кўрсатиш ўтмишда капиталистик тараққиётни бошидан кечирмаган жамиятнинг ривожланиш йўлини тарихан ҳаққоний ёритиш бўлибгина қолмай, балки мамлакатларимиз халқлари дўстлигининг буюк бунёдкорлик кучини ҳам акс эттиришга хизмат қилган бўларди. Бу меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга, ҳозирги кунда янада долзарб тус олаётган контрпропаганда вазифаларига хизмат қилган бўлар эди.

Таҳлил қилинаётган нашрнинг деярли ярми турли-туман базалар, омборхоналар, авария хизматлари, автозаправка станциялари, авторемонт заводлари ва устахоналари, кўчалар, меҳмонхоналар, бозорлар, ресторанлар, кафелар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар ҳақидаги маълумотлардан иборатдирки, шу жиҳатдан ҳам уни, назаримизда, тўлалигича энциклопедия деб ҳисоблаб бўлмайди. Шу белгиларига кўра у кўпроқ шаҳар справочниги ҳамда йўл кўрсаткичига ўхшаб кетади. Масалан, ресторанлар, улардаги банкет залларининг жиҳозлари, бозорлар, чойхоналар бошқа мақбулроқ соҳада янада кўпроқ фойда келтириши мумкин бўлган даражада юксак маҳорат билан тасвирланади. Жумладан, Октябрь бозорига юқорида тилга олинган республиканинг муҳим илмий ва ғоявий-сиёсий маркази — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги Партия тарихи институтига ажратилганига баравар жой берилган. Ҳолбуки, энциклопедия — асосан ғоявий-назарий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни бажаришга даъват этилган адабиётларнинг алоҳида тури эканлиги маълум.

Айрим шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларнинг ҳажмини белгилашдаги субъективизмга ҳам жиддий эътироз билдирмасдан бўлмайди. Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революцияси мавзуини тарих фанида ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон тарихий-партиявий фанининг ярим асрдан ортиқ вақт мобайнидаги ривожланиши билан номи чамбарчас боғлиқ бўлган академик К. Е. Житовга 22 сатр (125-бетга қаралсин), республика фанига анча кам ҳисса қўшган, жумладан, номақбул хатти-ҳаракатлари тўғрисида матбуотда бир неча бор ёзилган айрим олимларга эса 50 сатргача жой ажратилганлиги ўринлими? Архитектор Р. С. Одилов (23-бетга қаранг) ҳақидаги мақола билан республиканинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби Йўлдош Охунбобоевга бағишланган мақола (44-бетга қаралсин) ҳажми ўртасидаги фарқ ҳам, масалан, яққол кўзга ташланиб турибди. Ҳаёти гражданлар урушидан бошлаб 60-йилларгача Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган машҳур саркарда И. Е. Петровга 29 сатр бағишланган. Айни пайтда бошқа ҳарбийларга анча кўп жой ажратилибди. Умуман, шахсларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти жиҳатидан материаллар ҳажмидаги номутаносиблик бутун энциклопедия бўйлаб давом этади.

Энциклопедия тузишдаги нотўғри методикани далиллаш учун Санъат музейи ҳақидаги мақолани (205—206-бетларга қаралсин) келтирамиз. Тарихий жараёнларни акс эттиришда бўлганидек, маданий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни ёритишда ҳам уларни хронологик тартибда ёки объектларнинг аҳамиятига қараб жойлаштириш қоидаси азалдан таомил бўлиб келяпти. Бу ерда эса ҳамма нарса аксинча қилинган. Аввал совет давридаги рассомларнинг асарлари санаб ўтилиб, шундан кейингина XIX асрнинг, шу жумладан И. Репин, И. Левитан, В. Суриков каби буюк рассомларнинг асарлари, шунингдек бошқа мамлакатларга тегишли XVI—XVII асрларда яратилган жаҳонга машҳур асарлар кўрсатилади. Яна бир мисол. 65-бетдаги «агар янги шаҳар буржуазияси ёлланма ишчиларни эксплуатация қилган бўлса, эски шаҳар буржуазияси савдо-сотиқ воситаси орқали асосан истеъмолчиларни, шунингдек якка ҳунармандларни эксплуатация қиларди» деган тушунча кишини ҳайратга солади. Бу сўзлар ҳақиқий аҳволни тўғри акс эттирганлиги эҳтимолдан йироқ. Наҳотки, янги шаҳар буржуазияси савдо-сотиқ билан шуғулланмаган бўлса? Деҳқонлар меҳнати маҳсулини арзон-гаровга сотиб олиб, уларни эзиб келган шу буржуазия эмасми? Эски шаҳар буржуазияси савдо-сотиқ қилган моллар кимлар меҳнатининг меваси эди?..

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан энциклопедия шошма-шошарлик билан, тор доирадаги одамлар томонидан тайёрланган. Бу доирадаги кишиларнинг кўпчилиги шаҳар ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ва шахсларга илмий баҳо беришдан йироқ эди. Даврга қараб атиги баъзи фамилияларни ўзгартириш билан кифояланган ноширлар уни қайта нашр қилишда ҳам етарли масъулият кўрсатмадилар. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Тошкентни тадқиқ қилувчилар орасида тан олинган кишилар иштирокида барча мақолаларни чуқур қайта ишлаб чиқиш талаб қилинади. Фақат шундай қилингандагина жаҳондаги энг қадимий ҳамда истиқбол сари интилган шаҳарлардан бири — Ўзбекистон пойтахти билан китобхонни объектив ва муносиб равишда таништириш мумкин бўлади.

Е. ВАСИЛЬЕВ,
тарих фанлари доктори.

ТУРКИСТОНДА НЭПни АМАЛГА ОШИРИШДА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИ

Тақриз қилинаётган монография* Туркистонда янги иқтисодий сиёсат амалга оширилишига бағишланган, мазкур масалага оид ленинча ғоялар, партия ва Совет ҳукуматининг қарорлари руҳи билан йўғрилган. Унинг манбалар негизи кенг бўлиб, Москва ва Тошкентнинг, шунингдек Олмаота, Самарқанд, Тошкент ҳамда Фарғона областларининг партия ва давлат архивлари, вақтли матбуот материалларидан иборатдир. Уларнинг кўпчилиги илмий оборотга биринчи бор киритилмоқда.

Маълумки, Туркистонда социалистик қурилиш мамлакатдаги революцион ўзгартишларга мувофиқ равишда барча халқларнинг туб манфаатларига тўла-тўкис мос бўлган нэп негизида амалга оширилди. Бу эса Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти, Россия маркази ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқи мустаҳкамланишига, регион халқларининг капитализмни четлаб, социализмга ўтишига, кейинчалик эса эксплуататор синфлар ва группалар йўқотилишига кўмаклашди.

Монографияда нега янги иқтисодий сиёсатга ўтиш озиқ-овқат развёрсткасини бекор қилиш ва уни озиқ-овқат солиғи билан алмаштиришдан бошланганлиги батафсил таҳлил қилинади. «Озиқ-овқат солиғи системасини амалга ошириш учун, солиқ системасини такомиллаштириш, озиқ-овқат солиғини, кейинчалик ягона қишлоқ хўжалик солиғини амалга ошириш учун кураш — ана шу тадбирларнинг барчаси янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлди» (62—63-бетлар).

Китобда Туркистонда нэпни амалга оширишнинг хусусиятларига катта эътибор берилган. Чунончи, ўлкада биринчи озиқ-овқат солиғи кампанияси жараёнида талайгина камчиликлар ва хатолар бўлган эди: унга тайёргарлик мамлакатнинг марказий районларидагига қараганда тўрт ой кейинроқ (озиқ-овқат развёрсткасини амалга ошириш 1921 йил июлигача чўзилиб кетганлиги сабабли) бошланди, озиқ-овқат органлари тажрибасиз эди, туб ерли меҳнаткаш аҳоли вакиллари озиқ-овқат солиғи ишларига суст жалб этилганлиги натижасида жойлардаги Совет ҳокимияти органлари ва озиқ-овқат солиғи бўлимларига бойлар, қулоқлар ва бошқа ёт унсурлар суқулиб кирган эди.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Туркистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш тадбирлари кўрилди. Коммунистик партия ва Совет давлати деҳқонлар ўндан кўпроқ хил натурал солиқ (ғалла, ем-хашак, гўшт, сут, ёғ, жун, тери ва ҳоказо) тўлаган 1921 йилдаги йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиб, ягона натурал солиқ тўғрисида қарор қабул қилдилар.Кейинчалик у ўлкада ТуркМИК қарори (1922 йил апрель) билан киритилган бўлиб, мамлакатнинг бошқа районларидаги натурал солиқлардан бирмунча фарқ қилар эди. Солиқ учта асосий озиқ-овқат маҳсулоти тарзида: хўжаликларнинг ҳисобида бўлган ғаллазорлар ва барча бошқа экин майдонларидан, бедазорлар ва пичанзорлар ҳисобидан пудлаб буғдой (чунки Туркистонда у асосий ғала экини эди); боғ ва токзорлар эвазига пудлаб майиз; барча хил молларни қўйга айлантириб ҳисоблаганда тирик қўй вазнида пудлаб гўшт тарзида олинарди. Деҳқонлар учун бошқа имтиёзлар ҳам кўзда тутилган эди. Масалан, ер-сув ислоҳоти ва ер тузиш таъсир кўрсатган, шунингдек босмачиларнинг ҳужумлари туфайли вайрон бўлган барча хўжаликлар солиқлардан озод қилинар эди. Рағбатлантириладиган экинлар (кунжут, канакунжут ва ҳоказо) етиштирувчи пахтакор, лавлагикор хўжаликлар ҳам худди шундай имтиёздан фойдаланар эдилар.

Туркистон Коммунистик партияси РКП(б) X съезди қарорларини ва ягона қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисидаги декретни амалга ошира бориб, айникса товар айирбошлашдан кенг кўламда савдо-сотиқ қилишга ўтиш шароитида қишлоқ хўжалик кампаниясини тайёрлаш ва ўтказиш соҳасида катта ишларни амалга оширди. Унинг янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлган шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги савдони ташкил этиш борасидаги фаолияти китобда ишончли кўрсатиб берилган. Туркистонда ушбу вазифани ҳал этиш катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлди: хусусий капиталнинг савдодаги мавқеи бу ерда марказий районлардагига қараганда кучлироқ эди; хусусий савдо ҳеч қандай чеклашларсиз ривожланган «ҳарбий коммунизм» йилларида бозор улкан роль ўйнаган эдики, унда ҳам хусусий капитал ҳукмрон мавқени сақлаб келарди; то 1924 йилга

* А. И. Хон. Деятельность Коммунистической партии по осуществлению новой экономической политики в Туркестане. Ташкент, «Фан», 1986, 185 с.

кадар матлубот кооперацияси ниҳоятда ночор аҳволда эди. Ана шуларнинг ҳаммаси тақриз қилинаётган тадқиқотда далил-исботли акс эттирилган.

Партиянинг қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти яхши ёритилган. Кооперативлар бир текис жойлаштирилмаганлиги Туркреспубликада кооператив қурилишнинг хусусиятларидан бири бўлган эди, деб таъкидланади китобда. Уларнинг аксарияти пахтачиликда вужудга келиб, ғаллакор ва чорвачилик районларида анча кам эди. Авторнинг мамлакатдаги марказий районлардан фарқли равишда Туркистондаги қишлоқ хўжалик кооперацияси кооперативлар миқдори ва уларнинг деҳқонларни қамраб олиши жиҳатидан матлубот кооперациясидан устун бўлиб, шаҳар билан қишлоқ ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатишда сезиларли роль ўйнаган эди, деб чиқарган хулосаси қизиқарлидир.

Янги иқтисодий сиёсат туфайли 20-йилларнинг ўрталарида ўлкада давлат ва кооператив савдоси интенсив ўсиб, хусусий капитал суриб чиқарила борди. Натижада давлат органлари улгуржи савдода етакчи ўрин эгалладилар. Масалан, 1925 йилда давлат-кооператив савдоси салмоғи 69 процентга етди, бу эса ишчилар синфи билан деҳқонлар, саноат билан қишлоқ хўжалиги иқтисодий иттифоқини мустаҳкамлаш имконини берди. Ушбу ютуқлар, автор тўғри таъкидлаганидек, «совет савдосини янада ривожлантириш ва социалистик жамиятни муваффақиятли равишда қуриш учун мустаҳкам замин» бўлди (97-бет).

Монографияда кўплаб фактик материални таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида нэп шароитида партиявий ишни қайта қуриш кўрсатиб берилган. Бунинг моҳияти раҳбарликнинг марказлаштирилган форма ва методларидан коллектив форма ва методларга ўтиш, партия ички демократиясини ривожлантириш, партия сафларини ёт унсурлардан тозалаш, унинг барча бўғинларини ташкилий жиҳатдан шакллантириш, уларни тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлаш, ишнинг оғирлик марказини хўжалик қурилиши соҳасига кўчиришдан иборат бўлган эди. Ушбу тарихий даврнинг мураккаб вазифалари шунингдек партия органлари структурасини такомиллаштиришни — область ва шаҳар партия комитетларини ягона область-шаҳар партия комитетларига, шаҳар ва уезд комитетларини шаҳар-уезд комитетларига бирлаштиришни тақозо этдики, бу янги иқтисодий сиёсатни амалга оширишга партия раҳбарлигини кучайтириш имконини берди (44—61-бетларга қаралсин).

Китобда Коммунистик партиянинг Туркистон халқ хўжалигини, айниқса унинг етакчи соҳаси бўлган пахтачиликни тиклаш борасидаги фаолиятига катта эътибор берилган. Маълумки, империалистик ва гражданлар урушлари йилларида пахта етиштириш кескин камайиб кетди, бу эса мамлакат тўқимачилик саноати ривожига, Туркреспубликанинг иқтисодий аҳволига ва унинг аҳолиси турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди. Коммунистик партия ва Совет давлати айни шу сабабли нэп шароитида пахтачиликни, шунингдек ғаллачилик, чорвачилик ҳамда ўлка экономикаси аграр секторининг бошқа тармоқларини, саноатни тезда тиклашга алоҳида эътибор бердилар (140—157-бетларга қаралсин).

Автор қуйидагича муҳим илмий умумлашма қилган: «Туркистонда рус ишчилар синфи ва кам сонли маҳаллий ишчиларнинг меҳнаткаш деҳқонлар кенг оммаси билан интернационал иттифоқи янги иқтисодий сиёсатнинг асосий мазмунини ташкил қилган эди ва нэпнинг мақсади феодал ҳамда ярим феодал муносабатларни асосан тугатишдан ва уларни социалистик муносабатлар билан алмаштиришдан иборат бўлган эди» (159-бет).

Шубҳасизки, тақриз қилинаётган китоб мамлакатимизда социализм қуришнинг мураккаб даврларидан бирида Коммунистик партия фаолиятининг қимматли тадқиқи ҳисобланади. Лекин китобда учрайдиган баъзи камчиликларни ҳам айтиб ўтиш лозим.

А. И. Хон В. И. Лениннинг янги иқтисодий сиёсат масалаларига оид асарларидан, унинг РКП(б) Марказий Комитети Туркбюроси ҳамда БМИК Туркқомиссияси ва РСФСР ХКС раҳбарларига ёзган айрим хатларидан фойдаланиш туфайли Коммунистик партиянинг нэпни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини чуқур очиб беролган. Аммо китобда В. И. Лениннинг ушбу ҳужжатларни, жумладан, РКП(б) Марказий Комитетининг «Туркистон Компартиясига» Циркуляр хатини ишлаб чиқишдаги бевосита иштироки кўрсатиб берилмаган. РКП(б) Марказий Комитети ушбу хатда миллий сиёсатни ҳаётга татбиқ этишда дуч келадиган асосий қийинчиликларни кўрсатган, буюк давлатчилик шовинизми, мустамлакачилик оғмачилиги ҳамда миллатчилик кўринишларига қарши курашга оид конкрет таклифларини баён қилган эди. Марказий Комитет ўша даврнинг мураккаблигини яширмай ва мавжуд зиддиятларни бутун кескинлигича кўрсатиб, янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш Совет ҳокимиятининг Туркистондаги ютуқларидан воз кечишни асло англатмаслигини тушунтириб берган эди. Нэп бозор орқали товар оборотини ривожлантириши билан бир қаторда давлатнинг меҳнаткашларга иқтисодий мададини рўёбга чиқариши кераклиги кўрсатиб берилганлиги ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга эди. Бу эса, ўз навбатида, майда ер эгалари ва ҳунармандларнинг пролета-

риат ва унинг авангарди — Коммунистик партия билан иттифоқини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Китобда Туркистон Компартиясининг чоризм мустамлакачилик сиёсатининг қолдиқларини тугатиш, жумладан ўлканинг бир қатор районларида кўчиб келган руслар билан маҳаллий аҳолининг ер ва сувдан фойдаланишдаги ҳуқуқларини тенглаштириш мақсадида ер-сув ислоҳотини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти кераклича акс эттирилмаган. Улкан сиёсий аҳамиятга молик бундай тадбирсиз бу районларда янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириб бўлмасди. Бунинг боиси шунда эдики, кўчиб келган европалик аҳоли билан туб ерли аҳоли ўртасида чоризмнинг империалистик сиёсати келтириб чиқарган муносабатлар баъзи жойларда ҳали ҳам сезилиб турарди. Бундай шароитда, В. И. Ленин ҳисоблаганидек, кўчиб келган руслардан уларнинг меҳнат наделидан ортиқча бўлган барча ерларни қайтариб олиш, шунингдек сувдан фойдаланишда маҳаллий аҳолининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш долзарб чоралардан бири эди. В. И. Ленин ҳал этилиши ўлканинг туб ерли аҳолиси ишончини қозонишга хизмат қилиши керак бўлган бошқа вазифаларни ҳам илгари сурган эди.

Монографияда Туркистон Компартиясининг Фарғона, Самарқанд ва бошқа областларда босмачиларни тугатиш учун курашдаги сафарбар этувчилик роли яхши ёритилмаган. Ваҳоланки, унинг бу соҳадаги фаолияти бутун ўлкада янги иқтисодий сиёсатни амалга оширишда муваффақиятга эришишга кўп жиҳатдан кўмаклашган эди.

Ҳ. БЕГМАТОВ,
тарих фанлари доктори.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор —32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари —32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь —32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари —32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш —32-58-65; партия ва совет қурилиши —32-58-68; экономика —32-58-71; фан ва маданият —32-58-66; халқаро ҳаёт —32-58-69; танқид ва библиография —32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 8.12.1987 й. Босишга рухсат этилди 14.01.1988 й. Формати 70×108 1/16. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,4. Тиражи 26911. Нашр № А-49. Заказ № 2424.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

AFR/ME

Uzbekiston kommunisti.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



2

ФЕВРАЛЬ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 2
ФЕВРАЛЬ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Социализмнинг имкониятлари ҳақида, унинг инсонга амалда нималар бераётганлиги, жамият социал жиҳатдан қанчалик самарадорлиги тўғрисида айни қайта қуриш қандай бораётганлигига, унинг якунларига қараб баҳо берадилар.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумида қилган докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

12 январь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Ўрток И. Б. Усмонхўжаев саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиқиши муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Марказий Комитет Бюросининг аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Ўрток Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўрток Г. П. Разумовский нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг сектор мудири ўрток В. И. Бессарабов қатнашди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Рафиқ Нишонович Нишонов

Рафиқ Нишонович Нишонов 1926 йилда камбағал деҳқон оиласида туғилди, ўзбек. 1949 йилдан бери КПСС аъзоси. Маълумоти олий: В. Г. Белинский номли Тошкент давлат педагогика институтини битирган, тарих фанлари кандидати.

Меҳнат фаолиятини 1942 йилда Бўстонлиқ районидаги «Чирчиқ» колхози аъзолигидан бошлаган. Сўнгра комсомол ишига кўтарилган, Совет Армияси сафларида хизмат қилган. 1951 йилдан бошлаб совет ва партия ишларида хизмат қилди: Тошкент шаҳридаги район партия комитетида секретарь, Тошкент шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири, Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлади. 1963—1970 йилларда Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари бўлди. 1970—1978 йилларда у Шри-Ланка Республикасида ва Мальдив Республикасида СССРнинг фавқулодда ва мухтор элчиси, шундан кейин 1985 йилгача СССРнинг Иорданиядаги элчиси бўлди. 1985 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри лавозимида ишлади.

1986 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланди. У ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосаридир.

Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоси, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатидир.

Иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, иккита «Ҳурмат Белгиси» ордени, СССР медаллари, Иорданиянинг биринчи даражали Мустақиллик ордени билан мукофотланган. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган.

УРУШЛАРСИЗ, ҚУРОЛ-ЯРОҒСИЗ ДУНЁ — СОЦИАЛИЗМНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

ЖАМИЯТНИ РЕВОЛЮЦИОН янгилаш йўлидан дадил қадам ташлаш, Улуғ Октябрь ғояларига садоқат — Коммунистик партия бунёдкорлик ишининг энг муҳим принциплари ана шулардан иборат. У бутун мамлакат миқёсида олиб бораётган, ўзида давомийлик билан новаторликни, большевизмнинг тарихий тажрибасини ҳозирги социалистик воқелик билан боғловчи қайта қуриш мустаҳкам заминга — 70 йиллик тарихимизга таянади. Октябрнинг юбилей тантаналари совет халқининг Коммунистик партия атрофида жипслашганлигини, у жадаллаштириш ва қайта қуриш стратегиясини актив қўллаб-қувватлаётганини ёрқин намойиш қилди. Тантаналар СССРнинг халқаро обрўси мустаҳкамлигини, мамлакатимиз тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда етакчи роль ўйнаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Коммунистик партия ва Совет давлати халқаро майдонда КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми ва партия XXVII съезди белгилаб берган тинчликсеварлик йўлини оғишмай ўтказиб келяпти. 1917 йили бошланган янги жамият қуришдек улуғвор ишни муваффақиятли олиб бориш учун мамлакатимизга тинчлик керак. СССРда урушдан манфаатдор бўлган ёки ундан бойлик орттирувчи синфлар ҳам, социал группалар ҳам, яъни ҳеч қандай шундай ижтимоий кучлар йўқ. Совет Иттифоқида қурол-яроғ ишлаб чиқиш ва уни тайёрлаш орқали фойда олишга интилувчи биронта ҳарбий ёки илмий комплекс йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бизнинг мамлакатимиз тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилиш, ялпи хавфсизлик ва қуролсизланиш ташаббуси билан чиқяпти. Ана шунда КПСС ва Совет давлатининг халқаро фаолиятидаги принципиал, ғоявий-синфий ворислик, ички ва ташқи сиёсатимизнинг узвий бирлиги, тинчлик ва инсоният тақдири учун тарихий масъулият намоён бўляпти.

1987 йилда аввало СССРнинг куч-ғайрати туфайли «тинчлик» сўзи янги салмоқли мазмун билан бойиди. 8 декабрда Вашингтонда КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев ва АҚШ Президенти Р. Рейган томонидан ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартномасининг имзоланиши ушбу йилнинг, айтиш мумкинки, сўнгги йилларнинг шубҳасиз энг муҳим ташқи сиёсий воқеаси бўлди. Уни ҳақли равишда тарихий шартнома деб аташ мумкин, чунки унда жуда ҳам замонавий, жисмонан ёки маънавий жиҳатдан ҳеч ҳам эскирмаган икки турдаги ядровий қуролни — атом портлаткичи билан жиҳозланган 2600 нафар ракетани реал равишда йўқ қилиш хусусида биринчи дафъа сўз юритилган. Бу билан ядровий қурол-аслаҳалардан холи тинчликни бунёд этишга асос солинди. Контрол қилишнинг шартномада кўзда тутилган ғоят жиддий чора-тадбирлари иккала томон унга амал қилинишини текшириб боришни мустаҳкам равишда таъминлайди.

Совет-америка шартномаси халқаро характер касб этади, чунки вайрон қилувчилик кучи иккинчи жаҳон урушининг 200 тасига тенг бўлган ядровий воситалар тўққиз давлат территориясидан олиб чиқилади. Шартнома барча халқлар манфаатига жавоб беради, глобал миқёсдаги хавфсизлик даражасини оширади. Унда энг йирик ядровий давлатлар ўртасидаги муносабатларда мавжуд психоло-

гик ғов енгиб ўтилган, қуролланиш пойгасидан қуролсизланишга бурилиш мумкин эканлиги кўрсатилган. Шартноманинг имзоланиши ядро хавфини бартараф этиш ва халқаро ишонч муҳитини шакллантиришнинг реал йўлларини излашга қаратилган куч-ҳаракатлардаги жиддий ютуқ бўлди. Бу — ақл-идрок ва сиёсий масъулият сезишнинг ғалабаси, янгича тафаккур жаҳон майдонида ўзига йўл очаётганининг далолати бўлди.

Вашингтондаги учрашувда М. С. Горбачев Ракетадан мудофаа тўғрисидаги Шартнома (РМШ) 1972 йилда қандай қабул қилинган бўлса, шундай ҳолида сақланиб қолинган тақдирда стратегик ҳужум қуролларини 50 процент камайтиришга СССР тайёр эканлигини таъкидлади. СССР 1988 йилнинг биринчи ярмида бўладиган янги учрашувда — кейинги уч йил ичида бўлган олий даражадаги совет-америка учрашувларининг тўртинчисида имзолаш учун мувофиқ шартномани тайёрлаш вазифаси реаллигидан келиб чиқяпти.

КПСС МК Бош секретари ва АҚШ Президенти халқаро ҳаётнинг химиявий қуролни тугатиш, ядро синовларини тўхтатиш, оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартиришдек бошқа етилган, ғоят муҳим проблемаларини шошилинч ҳал этиш кераклиги хусусида ҳам ўзаро битишувга эришдилар. Совет ва америка раҳбарлари уруш чиқиши мумкин бўлган регионал конфликтларни бартараф этиш йўлларини излашга ёндашишда аввалгига қараганда кўпроқ ҳамфикрликка эришдилар. Улар гуманитар масалаларни, шу жумладан, инсон проблемаларини жиддий, масъулият билан муҳокама қилиш хусусида ҳам келишиб олдилар.

Вашингтонда олий даражада ўтган совет-америка музокаралари давомида эришилган нарсалар социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари келишиб ҳаракат қилганлигининг, улар жипслигининг бевосита натижаси, барча тинчликсевар кучларнинг ядро хавфига, қуролланиш пойгасига қарши фидокорона курашининг натижасидир. М. С. Горбачев 1987 йил 14 декабрда совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқида шундай деди: «Жаҳон ҳамжамияти, аввало Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи халқлари, барча мамлакатлардаги соғлом кучлар хурофотларнинг ва душманлик сарқитларининг қалин бетонини ёриб чиққан ядровий қуролсизланишнинг биринчи куртагини сақлаб қолиш учун ғайрат-ҳаракатларини кучайтиришларига умид боғлаймиз. Ҳозир ижобий тенденцияларни чуқурлаштиришга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, таъбир жоиз бўлса, бир ёқадан бош чиқариб кўмаклашиш жуда муҳимдир. Эришилган аҳдномалар бутун инсониятга милитаризм ва урушларнинг жуда оғир юкидан халос бўла бошлаш учун тарихий имконият беради...».

Жаҳон ҳамжамияти айни Совет Иттифоқи цивилизация тақдири ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётганига, жаҳонда салбий жараёнларнинг ривожланишини тўхтатишга, инсониятни ядровий ҳалокат хавфидан халос этишга сабот билан интилиб, радикал таклифларни илгари сураётганига ва дадил қадам қўяётганига яққол ишонч ҳосил қилмоқда. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш борасидаги тарихий аҳдлашув давлатимизнинг сиёсий оптимизми қонуний эканлигини кўрсатди. Тинчлик учун кураш зарурлигини эътироф қилишдан реал хатти-ҳаракатлар сари қадам қўйилди.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИ СУЛҲ ШИОРЛАРИ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЭДИ. Большевиклар партияси ва унинг доҳийси В. И. Ленин Октябрь революцияси ғалабасидан аввалроқ ташқи сиёсатнинг назарий асосларини ишчилар синфи, кенг меҳнаткашлар оммаси нуқтаи назаридан туриб ишлаб чиққан эдилар. Бунда улар К. Маркс билан Ф. Энгельс илгари сурган энг муҳим қоидаларга таяндилар. К. Маркс томонидан ёзилган Халқаро Ишчилар Уюшмасининг Таъсис манифестида (1864 йил) «хусусий кишиларнинг ўзаро муносабатларида қўлланиладиган оддий ахлоқ ва адолат қонунларининг халқлар орасидаги муносабатларда ҳам олий қонунлар бўлиб қолишига эришиш» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 2-том, Т., 1981, 14-бет) зарурлиги кўрсатилган эди. Халқаро Ишчилар Уюшмасининг Франция-Пруссия уруши (1870 йил) ҳақидаги Биринчи хитобномасида К. Маркс «барча мамлакатлар ишчиларининг иттифоқи пировард натижада ҳар қандай урушларга барҳам беради» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 17, с. 5), деб ишонч билдирган эди.

Илмий коммунизм асосчилари кишилик жамияти ҳаётида урушларга барҳам беришни меҳнаткашларнинг ҳар қандай кўринишдаги зулм ва эксплуатациядан

халос бўлиши билан боғлаган ҳолда урушлар келиб чиқишининг социал сабабларини очиб ташладилар, уларнинг синфий ва сиёсий моҳиятини белгилаб бердилар. Улар пролетариатнинг урушга қарши ҳаракатига назарий база, тарихий перспектива, илмий асосланган тактика ва методлар бахш этдилар. К. Маркс билан Ф. Энгельс туфайли тинчлик учун кураш ушбу ҳаракатнинг мустаҳкам анъанасига айланди ва ўтган аср иккинчи ярмидаги пролетар революционерлари қўлидан эстафета бўлиб асримиз бошида яшаган ленинчи революционерларга ўтди.

В. И. Ленин тинчлик ҳақидаги масалани социал ва синфий антагонизмлар контекстида ишлаб чиқиб, уруш ва тинчлик ҳақидаги марксча концепцияни ривожлантирди. У ишчилар синфининг илғор қисми урушларни «инсоният оламидаги жанжалларни ваҳшиёна усул билан ҳал этиш» (Тўла асарлар тўплами, 10-том, 375-бет) деб узил-кесил қоралайди, деб ёзган эди. Уруш ва тинчлик ҳақидаги масалани характерларкан, В. И. Ленин уни «халқ турмушининг энг нозик масалаларидан бири» (ТАТ, 35-том, 182-бет) деб таърифлаган эди.

Совет ҳокимиятининг биринчи қонун ҳужжати Сулҳ ҳақидаги декрет бўлганлиги ҳам тасодиф эмас, унда демократик ва адолатли сулҳ ўрнатишга даъватгина бўлмасдан, шу билан бирга ғалаба қозонган социалистик революция давлатининг ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари — интернационализм ва турли ижтимоий тузумдаги мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари — ҳам баён этилган бўлиб, бу унинг тинчликсевар характерини яққол намойиш этди. Улуғ Октябрь томонидан сиёсий ҳаёт саҳнасига чиқарилган Россиянинг миллионларча меҳнаткашлари манфаатлари ва орзу-умидларини ифодалаган Декрет тарихда биринчи марта империалистик қирғинни тўхтатиш хусусидаги масалани ҳал этишга жалб этиш мақсадида фақат ҳукуматларга эмас, балки урушаётган мамлакатларнинг халқларига ҳам қаратилган эди. У совет ташқи сиёсатининг манифести бўлиб қолди, Октябрь революциясининг ғалабаси урушларга барҳам бериш ишида дастлабки ғалаба эканлигини бутун дунёга намойиш этди.

Социализм билан тинчликни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги социалистик тузумнинг ҳал қилувчи афзалликларидан бири, унинг бутун дунёда тантана қилиши муқаррарлигининг энг муҳим исбот-далилларидан биридир. «Инсоният социализмга эришмай туриб, — деб кўрсатган эди В. И. Ленин, — урушлардан, очарчиликдан, яна миллион-миллион кишиларнинг ҳалок бўлишидан қутула *олмайди*» (ТАТ, 31-том, 147-бет). Уруш социализмнинг руҳи ва принципларига ётдир, шу жиҳатдан ҳам унинг тинчликсевар табиати бутун Ер юзи халқларининг орзу-умидларига мувофиқ келади. Урушни капиталистик система, фойда кетидан, мол сотиш бозорлари ортидан қувиш, капитализмнинг халқларни талаш ҳисобига яшаш ва бойлик орттиришдек анъанавий қоидаси келтириб чиқаради.

Қуролланиш пойгасини тугатиш, қуролсизланиш учун кураш ленинча ташқи сиёсатнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. Совет ҳокимияти ўз олдига ана шу ғоят мураккаб халқаро проблемани ҳал қилиш жуда зарурлигини ва сабот билан ҳал эта боришни амалда кўрсатиш вазифасини қўйди. «Қуролсизланиш социализм идеалидир, — деб ёзди В. И. Ленин. — Социалистик жамиятда урушлар бўлмайди, демак, унда қуролсизланиш амалга оширилади» (ТАТ, 30-том, 181-бет).

Совет давлатининг бутун тарихи бу мутлақо пропагандистик баёнот эмаслигидан гувоҳлик беради. 1921 йилдаёқ, бир қатор мамлакатларга юборилган нотада Совет Россияси «ҳар қандай қуролсизланишни ёхуд барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари тинкасини қуритаётган ҳарбий харажатларнинг қисқартирилишини қувонч билан табрик этади», дейилган эди. Генуяда 1922 йилда ўтган халқаро конференцияда совет делегацияси В. И. Лениннинг кўрсатмасини бажара бориб, қурол-яроғларни ялпи қисқартириш конкрет планини тақдим этди, унда ўша вақтда ғоят кенг тарқалган қирғин воситаларини — заҳарли газлар, ҳарбий авиация ва бошқаларни бутунлай тақиқлаш ана шу йўлдаги дастлабки қадам сифатида кўриб чиқилган эди. Совет давлати жуда оғир аҳволда бўлишига қарамай, 1922 йил ўрталарида ўз қуролли кучлари миқдорини бир томонлама тартибда 6 баравардан кўпроқ қисқартириб, 800 минг кишига олиб келди, йил охирида уларни яна 200 минг кишига камайтириб, Бутун Россия Советлари X съездининг Ер юзидаги барча халқларга Мурожаатида таъкидланганидек, «тинчлик

ишига садоқатини сўзда, резолюцияларда, ваъдаларда эмас, балки амалда» исботлади. 1928 йилда Совет ҳукумати барча турдаги қурол-яроғлар ва ҳарбий бюджетларни қисқартиришни кўзда тутувчи қуролсизланишга доир биринчи программасини жаҳон афкор оммасига тақдим этди, лекин капиталистик давлатлар уни рад этдилар. СССР қуролсизланишга бағишлаб 1932—1934 йиллари Женевада ўтказилган конференцияда актив иштирок этди, лекин у катта куч-ҳаракат кўрсатганига қарамай, бу масалани ҳал этиш бир жойда депсиниб қолаверди. Урушдан олдинги даврда Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини тўхтатишга, баҳсли ва ечилмаган проблемаларни тинчлик йўли билан ҳал этишга қаратилган бошқа кўпгина ташаббуслар билан ҳам чиққан эди.

Урушдан кейинги йилларда урушларсиз, қурол-яроғсиз дунё учун кураш сифат жиҳатидан янги босқичга кирди. Бу фан-техника тараққиётидаги революцион сакраш билан боғлиқ эди, ўз навбатида, у инсоният бутун тарихидаги энг қудратли қурол — атом қуролини, сўнгра эса ядровий қурол ва уни элтувчи воситаларни яратишга, шунингдек, оддий қурол-яроғларни такомиллаштиришга имконият яратди. Фан ва техниканинг энг буюк ютуқларини милитаризм хизматига қўйган ҳамда бутун-бутун халқларнинг тақдирини қурбон қилишга тайёр турган империалистик доираларнинг сиёсати фавқулодда ҳалокат келтириш кучига эга бўлган бундай қуролнинг ишга солиниш хавфини кучайтиради.

СССРнинг позицияси атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйиб бўлмасликка асосланади. Урушдан кейинги даврда Совет Иттифоқи БМТда қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролсизланишга қаратилган кўпгина ташаббуслар билан чиқди. Ғарб давлатлари билан уч соҳада ядровий қурол синовини тақиқлаш, ядровий қуролни тарқатмаслик, ядровий қуролни ер остида синашларни чеклаш, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги ва бошқа бир қатор шартномалар имзоланди.

1981 ва 1983 йилларда Совет Иттифоқи космик фазони ҳарбийлаштиришга йўл қўйиб бўлмаслик мақсадини кўзловчи шартномалар лойиҳасини БМТ кўриб чиқиши учун тақдим этди, 1984 йилда ушбу таклифларни ривожлантириб, «Космик фазодан фақат тинчлик мақсадларида, инсоният фаровонлиги йўлида фойдаланиш тўғрисида»ги янги ташаббус билан чиқди. 80-йилларнинг биринчи ярмида СССР шунингдек химиявий қурол яратиш, ишлаб чиқариш ва запасларини кўпайтиришни тақиқлаш ва уни йўқ қилишни кўзда тутувчи халқаро битим тузилишига умид туғдирувчи бир қатор таклифлар киритди.

Шуни таъкидлаш керакки, Совет Иттифоқи қуролсизланиш ва халқаро кескинликни юмшатиш учун кураша бориб, ғарб давлатларида бунга жавобан ижобий акс-садо туғдиришини кўзлаган ҳолда ўз илдизлари билан Совет ҳокимиятининг биринчи йилларига бориб тақалувчи «ўзаро ўрнак дипломатияси»га, яъни бир томонлама хатти-ҳаракатларга ҳам бир неча бор мурожаат қилди. Масалан, 1955 йили мамлакатимиз ўз қуролли кучлари миқдорини 640 минг кишига қисқартирди, 1960 йил 15 январда эса СССР Олий Совети уни яна 1,2 миллион кишига камайтиришга қарор қилди; 1958 йил 31 мартда мамлакатимиз ҳокимиятининг олий органи барча турдаги атом ва водород қуроллари синовини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди; 1985—1987 йилларда СССР ҳар қандай ядровий синовларни тўхтатиш хусусида ўз зиммасига бир томонлама тартибда олган мораторий муддатини беш маротаба узайтирди.

Шундай қилиб, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар давомида Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг актив куч-ҳаракати туфайли империализм авж олдириб юборган қуролланиш пойгасини муайян даражада чеклашга муваффақ бўлинди. Лекин амалда бундай пойга бир кун ҳам тўхтагани йўқ. Қолаверса, ҳозир инсоният янги хавфга — пойгани космосга олиб чиқиш хавфига дучор қилинмоқда. Американинг «самовий урушлар» программаси — машъум «стратегик мудофаа ташаббуси» (СМТ) айни шунга йўналтирилган. У ҳужумкор ва зарбдор космик қуролга эга бўлиш мақсадини кўзлайди ва бу билан СССР устидан ҳарбий устунликка эришишга уринади.

Қуролланиш пойгаси дунёни борган сари ҳалокатга яқинлаштирмоқда. Ядровий қурол массасининг кўпайтирилиши унинг ё ҳарбий-сиёсий янглишиш туфайли, ё энг янги қурол системаларидаги техник «нуқсонлар» натижасида атайлаб ишга солиб юборилиш хавфини кучайтириб юборадики, у ялпи ядровий мо-

жарога сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, бошқа давлатлар томонидан контрол қилиш ёки текшириш борган сари қийинлашадиган, демак, халқаро битим ёки шартномалар асосида тақиқлаш ёхуд чеклаш имкониятлари ҳам торайиб борувчи қурол турларини яратишга олиб келиши сабабли ҳам қуролланиш пойгаси хавфи кучайиб боради, яъни қуролланиш пойгасини жиловлаш мумкин бўлмай қолади. Шуниси ҳам характерлики, ҳозирги шароитда у ишончсизлик ва гумонсирашни туғдиради, сиёсий муносабатларга путур етказади, деярли ҳар қандай низо, баҳс, ихтилофлар хавфли можарога айланиб кетиши мумкин бўлган умумий вазиятни яратади.

Инсоният ҳеч қачон ҳозирги ядровий-космик даврда юзага келганидек вазиятга дуч келмаган эди. Иккала жаҳон урушини ҳам ҳисобга олганда аввалги халқаро можаролар айрим мамлакат ёки халқларнинг яшашига хавф солар эди. Ҳозир эса инсониятнинг биологик тур сифатида яшаб қолиши, умуман цивилизациянинг сақланиб қолиши масаласи кўндаланг бўлиб турибди.

Буларнинг ҳаммаси давлат арбобларининг жаҳон майдонида юз бераётган жараёнларнинг хавфини реалистик баҳолашлари зарурлиги, халқаро муносабатлар практикасида янгича сиёсий тафаккурни қарор топтириш масаласини кескин қилиб қўймоқда. Зотан, ядровий-космик аср сиёсатдаги реализм хусусидаги анъанавий тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди. Минглаб йиллар мобайнида ҳақли равишда реализм деб аталиб келинган ҳол, хусусан, хавфсизликни таъминлаш воситаси ва омон қолиш кафолати сифатида кучга, қуролга умид тутиш энди хомхаёл бўлиб қолди, амалиётдан узоқ бўлган гўзал орзу — урушлардан холи, қуролсиз дунё — эса сайёрамиздаги ҳаётни сақлаб қолишнинг нафақат реал, шу билан бирга ягона мумкин бўлган йўли бўлиб қолди.

КПСС XXVII съездининг қарорлари ядровий-космик асрдаги янгича сиёсий тафаккурнинг асосий моҳияти бўлиб қолди. Съезд ташқи сиёсат соҳасида стратегик кўрсатмаларни ишлаб чиқди. Бу кўрсатмалар замирида партиямиз томонидан умумжаҳон ижтимоий тараққиёти ҳозирги босқичини анализ қилишга марксча-ленинча таълимот ва методни ижодий қўллаш натижаси бўлган жиддий илмий концепция ётади.

Бу концепция негизида аввало уруш ва тинчлик масаласига янгича ёндашиш, урушга илгарилариде сиёсий мақсадларга эришиш воситаси сифатида қараш бутунлай барҳам топганлигини англаш ётади. Зотан ҳар қандай технологик сакраш ҳам ўз олдига ҳарбий устунликка эришиш вазифасини қўйган мамлакатга барқарор ҳарбий устунлик бера олмаслиги яққол равшандир. Уни атом қуроли ҳам, водород қуроли ҳам, ажралувчи портловчи каллакли ракеталар ҳам, атом сувости қайиқлари-ракета элтувчилар ҳам, қанотли ракеталар ҳам ҳал эта олмайди. Бир томоннинг хатти-ҳаракатлари муқаррар равишда бошқа томоннинг унга жавобан хатти-ҳаракатларини туғдирди, қуролланиш пойгасини тўхтатиш имконияти эса камайиб борди.

Бундай вазиятда ундан ғолиб чиқишга умид қилиб ядровий уруш бошлашга фақат сиёсий авантюрачилар, ўзини ўзи ҳалок қилишга қарор қилганлар журъат эта оладилар. Ҳужум қилувчи томон қандай қудратга эга бўлмасин, ядровий урушни бошлашнинг қандай усулини танламасин, у ўз мақсадларига эриша олмайди. Агрессор фақат битта «устунлик»ка — иккинчи бўлиб бир неча дақиқа ёки соатдан сўнг ҳалок бўлишга умид боғлаши мумкин. Ядровий қирғин бутун инсоният учун фожиавий оқибатлар олиб келиши мумкин.

Айни шу сабабли ҳам ҳозир тинч-тотув яшаш ленинча назарияси фавқулодда аҳамият касб этмоқда, чунки унинг принциплари асосидагина турли ижтимоий тузумдаги давлатлар алоқа қилиши мумкин. Бинобарин, тинч-тотув яшаш фақат урушларга барҳам берилишинигина англатмайди. Бу шундай халқаро тартибки, деб ҳисоблайди КПСС, унда ҳарбий куч эмас, балки яхши қўшничилик ва ҳамкорлик ҳукм суради, барча халқлар фойдасини кўзлаб фан ва техника ютуқларини, маданият қадриятларини кенг алмашиш юз беради.

Совет Иттифоқи аминдирки, дунёдаги барча халқлар учун муштарак бўлган тинчликни ҳимоя қилиш зарурати давлатлар ёки давлатлар группалари ўртасидаги ҳеч қандай зиддиятлар билан, ижтимоий тузумдаги, турмуш тарзи ёки идеоло-

гиядаги ҳеч қандай тафовутлар билан, ҳеч қандай бир лаҳзалик манфаатлар билан тўсиб қўйилмаслиги керак.

Ҳозирги дунёда давлатлар хавфсизлигини таъминлаш проблемасига ҳам янгича ёндашиш талаб этиляпти. Ядровий-космик асрда «ўзиники» ва «бегонаники», миллий ва халқаро хавфсизлик ўртасидаги алоқа борган сари зичлашиб бормоқда. Замонавий урушнинг ҳалокатли оқибатлари бирорта миллатни четлаб ўтмайди, хавфсизликни ҳам ўзига кўпроқ, бошқаларга камроқ тарзда ажратиб бўлмайди. У бўлинмайди ва ҳаммага тегишли, тенг бўлиши керак.

Иккита энг йирик ядровий давлат — СССР билан АҚШнинг, Варшава Шартномаси давлатлари билан НАТО мамлакатларининг икки ёқлама хавфсизликни гарантияловчи тадбирларга риоя қилиши алоҳида аҳамиятга молик, дунёдаги умумий хавфсизлик ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Улар орасидаги ҳарбий-стратегик тенглик бунинг воситасидир. Совет Иттифоқи бирор давлат устидан устун туришга интилмайди, у фақат ана шу тенглик мумкин қадар паст даражада бўлишигагина эришмоқда. СССР АҚШ қилаётганидек «самовий урушлар» программаси билан эмас, балки «самовий тинчлик» программаси, космик фазони тинч ўзлаштиришнинг кенг кўламли лойиҳалари билан учинчи минг йилликка кириб бориш керак деб ишонади.

Янгича тафаккур бутун дунё тақдири учун тарихий масъулият руҳи билан йўғрилган. Ядровий-космик аср воқелиги сиёсат ва идеологиядаги қарама-қаршиликлардан юқори туришга, дунёдаги ҳозирги мавжуд ихтилофлардан олисроққа қарашга, ҳамкорликнинг янги уфқларини кўришга даъват этмоқда. У ёки бу мамлакатдаги революцион ўзгаришлар гўё Москванинг Америкага қарши режимларни ўрнатувчи афсонавий «фаолияти» билан изоҳланувчи америка-совет мухолифлиги нуқтаи назаридан туриб жаҳондаги воқеаларни қараб чиқишдан воз кечиш керак. Ер юзида ҳаёт ва цивилизацияни сақлаб қолиш мақсадида идеологик келишмовчиликлардан, миллий худбинлик, блок манфаатлари, тактик ҳисоб-китоб, баҳс ва ихтилофлардан юқори туриш лозим.

КПСС XXVII съезди янгича сиёсий фикрлашни кенг қамровли халқаро хавфсизлик системаси Асослари тарзидаги кенг миқёсли программада мужассамлантирди. У кескинлик юмшалишининг, ҳозирги даврда тинч-тотув яшашнинг ҳақиқий кодексидир. Унда давлатлараро муносабатларнинг барча энг муҳим соҳалари — ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалари ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳар бир соҳа учун долзарб проблемаларни қандай қилиб конкрет ва тубдан ҳал қилиш таклиф қилинади. Жаҳон ҳамжамияти барча аъзоларининг Асослардаги қоидаларга оғишмай амал қилиши тинч-тотув яшашни давлатлараро муносабатларнинг ҳаммабоп олий принципига айлантиради.

М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида баён қилинган асримизнинг охиригача оммавий қирғин қуролини буткул йўқ қилиш ва уруш хавфининг олдини олиш программаси КПСС олға сурган кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасининг ўзагидир. Партия XXVII съезди ядросиз тинчликнинг ушбу программасини амалга ошириш учун курашни СССР ташқи сиёсатининг марказий йўналиши деб белгилаб берди.

Совет Иттифоқи таклиф этган халқаро хавфсизлик системаси вазифаларни регионал даражада ҳал этишни ҳам ўз ичига олади. Бунда Европа региони асосий йўналишлардан биридир. СССР, социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари қитъадан ядровий ва химиявий қуролларни олиб чиқиш, қуролли кучларни ва оддий қурол-аслаҳаларни қисқартириш, Европада ядросиз зоналарни вужудга келтиришга ҳаракат қилмоқдалар. СССРнинг Франция, Англия, ГФР билан давлатлараро алоқалари диққатга сазовордир.

Ўтган йилнинг октябридаги Мурманск сафарида М. С. Горбачев шаҳарга Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширишга бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида барча манфаатдор давлатларга қарата умуман Шимолда — Шарқий ярим шарда ҳам, Ғарбий ярим шарда ҳам — ҳарбий активлик миқёсларини чеклаш ва қисқартириш хусусида музокараларга киришиш таклифини илгари сурди. Бунда Шимолий Европада ядросиз зона яратиш, Финляндия президенти М. Койвистонинг туташ денгизларда ҳарбий-денгиз активлигини чеклаш хусусидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш, шимолий мамлакат-

ларнинг Шимол ресурсларини ўзлаштириш, Арктикани илмий ўрганиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишидаги ҳамкорлиги кўзда тутилди.

СССР европаликларнинг қитъани сақлаб қолиш учун ялпи масъулиятлилигига асосланиб, «умумевропа уйи» концепциясини илгари сурди. У Европанинг тинч келажагини таъминлашга барча Европа мамлакатлари куч-ҳаракатларини бирлаштиришдек мақсадни кўзлайди.

Совет Иттифоқи Осиё-Тинч океан регионини тинчлик ва барқарорлик регионига айлантириш ташаббускори бўлмоқда. М. С. Горбачевнинг Владивостокка Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда 1986 йил июлда сўзлаган нутқида ана шу ҳаракатнинг регионал келишув масалаларини ҳал қилиш, Осиёда ва Тинч океанда ядровий қурол тарқалиши ва кўпайтирилишининг олдини олиш, бу ерда қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни оқилона даражагача тубдан қисқартириш, турли районларда тинчлик зоналари ва ядросиз зоналар вужудга келтириш, ҳарбий флотларнинг Тинч океандаги активлигини пасайтириш ҳамда Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш хусусидаги музокараларни қайтадан бошлаш, регионда ишончга эришиш ва куч ишлатмаслик чора-тадбирларини муҳокама қилиш каби йўналишлари белгилаб берилди.

Тарих социализмга инсониятни ракета-ядровий ҳалокатдан қутқариш вазифасини юкламоқда. Ана шу вазифани бажаришга ҳисса қўшаркан, КПСС ўзининг XXVII съездида совет ҳарбий доктринасининг мудофаавий йўналишдалигини яна бир бор тасдиқладики, у СССР ҳар қандай ядровий урушнинг собитқадам мухолифи эканлигига, мамлакатимиз уни инсониятга қарши энг ваҳшиёна жиноят сифатида қатъиян қоралашига асосланган. Кенг қамровли хавфсизлик системаси ғояси тўғрисида тўхталар экан, М. С. Горбачев 1987 йил сентябрида эълон қилинган «Реаллик ва хавфсиз дунё гарантиялари» мақоласида шундай деб таъкидлади: «Давлатлар ва халқларнинг бир-бирига ишончи, халқаро битим ва тартиботларга ҳурмат — ушбу проблеманинг сиёсий ва ахлоқий ўзагидир... Кенг қамровли хавфсизлик системаси ғояси — планетадаги умумий уйимизда эҳтимол бўлган янгича ҳаёт қуришнинг дастлабки лойиҳасидир».

Шундай қилиб, янгича сиёсий фикрлашнинг конкрет қатъий ҳаракатлар платформаси билан узвий бирикуви ҳозирги совет ташқи сиёсатининг концептуал негизини ташкил этади. Ундан мақсад — инсониятни империалистик реакция айби билан тушиб қолган хавфли вазиятдан олиб чиқиш ҳамда унинг учинчи минг йилликка мустаҳкам тинчлик шароитида киришини таъминлашдир.

Совет давлати халқаро майдонда жаҳон социализм системаси бошқа давлатлари билан жуда жипс ҳамкорликда иш олиб бормоқда, тинчлик ва социал тараққиёт тақдири ана шу система иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг динамизмига боғлиқдир.

Қардош социалистик мамлакатлар кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасини яратишдаги ўз ҳиссаларини кўпайтирмоқдалар. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар кейинги йилларда жаҳондаги вазиятни соғломлантиришга қаратилган бир қатор ташаббусларни айрим-айрим ёки биргаликда олға сурдилар. Улар орасида Марказий Европада ядросиз коридор яратиш хусусида ГДР ва Чехословакиянинг ГФР ҳукуматига таклифи; қитъанинг ана шу қисмида қурол-яроғларни қисқартириш ва ишончни мустаҳкамлаш борасида Польша таклиф этган комплекс план («Ярузельский плани»); Болгария ва Руминиянинг Греция билан биргаликда Болқонда ядровий ва химиявий қуроллардан холи зоналар яратишга қаратилган чақириғи бор. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг 1986 йил июнда Будапештда бўлган кенгашида НАТОга аъзо бўлган мамлакатларга, Европадаги барча мамлакатларга қарата мурожаат қабул қилинди, унда Европадаги қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш программаси баён этилган. Ўтган йил апрелида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар НАТО мамлакатларини икки тарафлама бир-икки йиллик мораторий эълон қилишга чақирдилар, ана шу муддат мобайнида иккала уюшмадаги давлатлар ўз ҳарбий харажатларини кўпайтирмасликлари кўзда тутилган эди.

1987 йил майда ўтган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Сиёсий маслаҳат комитети кенгашида «Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ҳарбий доктринаси тўғрисида» ҳужжат қабул қилинди. Қатъиян

мудофаа характерига эга бўлган бу доктринанинг моҳияти куйидагича баён килинган:

«Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар башарти ўзлари куролли ҳужумга объект бўлиб колмасалар, ҳеч қандай вазиятда бирор давлатга ёки давлатлар иттифокига карши уруш ҳаракатларини бошламайдилар.

Улар ҳеч качон биринчи бўлиб ядро куролини кўлланмайдилар.

Уларнинг Европада ҳам, Европадан ташкарида ҳам ҳеч қандай давлатга территориал эътирозлари йўқ.

Улар ҳеч бир давлатга, ҳеч бир халкка душман деб карамайдилар; аксинча, истисносиз равишда дунёдаги ҳамма мамлакатлар билан ўз муносабатларини хавфсизлик ва тинч-тотув яшаш манфаатларини ўзаро ҳисобга олиш асосида куришга тайёрдирлар».

Ядровий куролсизланиш ишидаги дастлабки реал натижалар — ўртача ва камрок олислик ракеталарини йўқ килиш ҳақидаги совет-америка Шартномасининг имзоланиши кардош мамлакатлар умумий тинчликсевар йўлининг ифодаси бўлди. 1987 йил 11 декабрда Берлинда ўтган учрашувда иттифокдош социалистик давлатлар раҳбарлари Вашингтондаги музокараларни тўла маъкулладилар ва уларнинг якунига юкори баҳо бердилар, ана шу тарихий микёсдаги кадамга олиб келган Совет Иттифокининг изчил ва ғайратли куч-ҳаракатлари учун М. С. Горбачевга чукур миннатдорчилик билдирдилар.

Социалистик мамлакатларнинг ташаббуслари халкаро муносабатлар муҳитига ўсиб борувчи ижобий таъсир кўрсатмокда. Мисол учун, 1975 йили Хельсинкида ўтказилган Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка доир кенгашдан бошланган умумевропа жараёнининг — ушбу кенгаш катнашчиларининг 1983 йили ижобий натижа билан якунланган Мадрид учрашувидан 1986 йили муваффакиятли якунланган Европада ишончга эришиш, хавфсизлик ва куролсизланиш тадбирларини мустаҳкамлашга доир Стокгольм конференциясига кадар эволюциясини олиб кўрайлик. Бундай эволюция Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашда катнашувчи давлатларнинг 1987 йилги Вена учрашуви самарали ишлаши учун шарт-шароит яратди. Ўтган йили февралида Москвада ўтказилган «Ядросиз дунё учун, инсониятнинг омон колиши учун» халкаро анжумани жаҳон тараккийпарвар жамоатчилигининг энг яхши келажак учун умидларининг чин намойиши бўлди.

Тинчлик кучлари ўсмокда, кўпаймокда, уларнинг энг кудратлиси — жаҳон социализм системаси мустаҳкамланмокда. Империализмга, урушга, жабр-зулмга карши каратилган ишчилар ва революцион ҳаракатлар куч йиғмокда. Барча китъалардаги коммунистлар тинчликни саклаб колиш учун курашнинг олдинги сафларида бормокдалар. Куролланиш пойгасини тўхтатишни борган сари катъийрок талаб килаётган ва ўз иктисодий тараккиётининг биринчи навбатдаги вазифаларини амалга ошириш билан тинчликни саклаб колишнинг ўзаро жипс алокасини англаб етаётган ривожланаётган давлатларнинг аксарияти жаҳонга хавф солаётган хатар характерини социализм мамлакатлари билан муштарак тушунмокдалар. Кўшилмаслик ҳаракати уруш ва агрессияга карши турувчи кудратли кучга айланди, у ҳозир 1,5 миллиард кишини камровчи юздан ошик мамлакат ва ташкилотни бирлаштирган. Кўлами ва оммавийлиги жиҳатдан мислсиз бўлган урушга карши ҳаракат ўз сафларини жипслаштирмокда, у ҳозирда сайёрамиз халкларининг туғён урган коллектив акл-идроки тажассуми бўлиб колмокда ҳамда тинчлик ва эзгу ирода потенциалини кўпайтирмокда. Социалистик ва социал-демократик партиялар, касаба союзлари ва бошка жамоат ташкилотлари, Ғарбнинг реалистик фикр юритувчи сиёсий арбоблари уруш хавфини туғдирувчи сиёсатга карши борган сари кўпрок ғайрат билан карши чикмокдалар.

Совет Иттифоки ўзининг барча иктисодий ва илмий-техника потенциалини беистисно тинчлик иши хизматига йўлламокда. Шу сабабли КПСС XXVII съезди белгилаган планларнинг амалга оширилиши халкаро муносабатларда психологик ва сиёсий иклимни соғломлаштиришга бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда авж олиб кетган кайта куриш, социал-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш, чукур демократик ўзгартишлар, ошкораликни кенгайтириш жараёни, нуксон ва хатоларни астойдил ва дадил тан олиш, уларни бар-

тараф этишга қаратилган йўл чет эл жамоатчилигида хайрихоҳлик уйғотмокда, СССРга нисбатан ишончнинг ошишига ёрдам бермокда.

СССРнинг жаҳон хўжалигида анчагина салмоққа эгалигини ҳисобга олган ҳолда ўтказилаётган совет экономикасининг туб ислоҳоти давлатлараро кенг микёсли ҳамкорлик ривожланишига, шу билан халқаро иқтисодий муносабатлар соғломланишига имконият яратади. Қайта қуришдаги муваффақиятлардан нафақат мамлакатимиз ва унинг иттифоқчилари, балки СССР билан янги, бунинг учун янада қулай шарт-шароитда ҳамкорлик қилишдан манфаатдор барча томонлар ҳам фойда кўрадилар. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладида М. С. Горбачев шундай деди: «Совет Иттифоқидаги биргина қайта қуришнинг ўзида тинч-тотув яшашнинг нақадар катта резерви яшириниб ётганини тасаввур этса бўлади. Қайта қуриш барча энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан жаҳон даражасига чиқишимизни таъминлаб, бепоён ва жуда бой мамлакатда жаҳон меҳнат ва ресурслар тақсимотига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қўшилиш имконини беради. Унинг буюк илмий, техникавий, ишлаб чиқариш қудрати жаҳон хўжалик алоқаларининг моҳият эътибори билан янада салмоқли қисми бўлиб қолади. Бу эса кенг қамровли тинчлик ва халқаро хавфсизлик системасининг моддий базасини кенгайтиради ҳамда мустаҳкамлайди. Умуман, қайта қуришнинг замон цивилизацияси тақдирида ўзига аталган яна бир энг муҳим жиҳати мана шундан иборат».

КПСС социализм экономиканинг жуда юксак ташкил этилиши ва самарадорлиги намунаси бўлиб қолиши вазифасини қўймоқда. Ана шундагина, В. И. Ленин олдиндан башорат қилганидек, у қурол кучи билан эмас, балки «ўрнак кўрсатиш кучи» билан ўзининг ҳал қилувчи афзалликларини исботлай олади. СССРда амалга оширилаётган революцион ўзгартишлар микёсининг ўзиёқ унинг тинчликпарвар истакларидан далолат беради, «совет уруш хавфи», «Москванинг агрессив интилишлари» ҳақидаги афсоналарни рад этади, буржуа пропагандаси яратаётган стереотипларни, аввало Совет Иттифоқига нисбатан татбиқ қилинувчи «душман образи»ни чиппакка чиқаради.

Империалистлар ана шу ўзгартишларнинг амалга оширилмаслиги, қуролланиш пойгаси воситасида уларга халақит бериш, уларни тўхтатиш, барбод қилиш мақсадида бор куч-ҳаракатини ишга солмоқда. Шу сабабли ҳам ҳар бир совет кишиси қайта қуришни ўз иш жойидаги фидокорона меҳнати билан қўллаб-қувватлаши айниқса муҳимдир. Бундай меҳнатнинг аҳамияти кенг англаб борилаётган ҳозирги пайтда у цивилизациянинг келажаги учун шахсий масъулиятни ҳис этмаслиги мумкин эмас. Совет кишилари ўз ички ишларини қанчалик муваффақиятли уддаласалар, халқаро саҳнада СССРнинг овози шунчалик қудратлироқ янграйди.

Партиямиз тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, ҳозирги ва келгуси авлодлар ҳаётини деб агрессия ҳамда милитаризм кучларини жиловлаш — унинг ташқи сиёсий фаолияти мақсади эканлигини эълон қилмоқда. КПСС Программасидаги «Урушларсиз, қурол-яроғсиз дунё социализмнинг олий мақсадидир» деган сўзларнинг «Урушларнинг тугаши, халқлар ўртасида тинчлик ўрнатилиши, талашлар ва зўравонликларнинг тўхтатилиши — худди шулар бизнинг идеалимиздир» деган ленинча ибора билан (ТАТ, 26-том, 349-бет) ҳамоҳанг янграши рамзий маънога эгадир.

Совет Иттифоқи тинчлик ва тинч ҳамкорлик сиёсатига қатъиян содиқлигини, барча мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга астойдил интилишини аллақачон исботлаган. Бугунги кунда у Ленин байроғи остида ядровий қуролдан холи зўравонликсиз дунёни яратиш учун, инсониятнинг омон қолиши, унинг ойдин келажаги учун кураш олиб бормоқда.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

А. ҲИКМАТОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Э. МАҲМУДОВ,
иқтисод фанлари кандидати

ЭКОНОМИКАНИ ИНТЕНСИВЛАШ — стратегик вазифа бўлиб, унинг ҳал этилиши жамиятимизнинг янада ривожланишини таъминлаши керак. Партия XXVII съездининг мамлакат экономикасини тубдан қайта қуришга доир қарорларини изчиллик билан ривожлантирган КПСС МКнинг январь ва июнь (1987 йил) Пленумлари барча тармоқларни миқдор кўрсаткичларидан сифат кўрсаткичларига, оралиқ натижалардан эса пировард натижаларга ўтишга йўналтирмоқда. Ана шу мақсадда ҳозирданоқ халқ хўжалигини янги техника негизида реконструкциялаш, корхона ва ташкилотларни тўла хўжалик ҳисобига ҳамда ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш, планлаштирувчи ва бошқа хўжалик органларининг вазифаларини бошқача йўналтириш амалга ошириляпти.

Партия олға сураётган вазифаларнинг ҳал этилиши фан-техника тараққиётини моддийлаштириш натижаларини реал акс эттирувчи тармоқларда бўлган капитал қурилишдаги ишлар аҳволига кўп даражада боғлиқдир. Қурилиш ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондларини яратар, саноат ва халқ хўжалигининг бошқа соҳалари корхоналарини реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайтадан жиҳозлашни амалга оширар экан, бу билан давлат ишлаб чиқариш потенциалининг янада мустаҳкамланишига ва иқтисодий қудратининг ўсишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам қурилишдаги ишлар аҳволи бир томондан тармоқ экономикаси, яъни уларнинг бевосита ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш вазифаларини амалга ошириши, иккинчи томондан — умуман халқ хўжалиги, яъни унга жуда катта моддий, меҳнат ва молия ресурслари жойлаштирилганлиги нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Партия ва ҳукумат амалга ошираётган тадбирлар туфайли экономиканинг ана шу муҳим тармоғини ривожлантиришда сўнгги йилларда ижобий силжишлар кўзга ташланди. Қурувчилар, лойиҳаловчилар, янги қурилишларга материал ва асбоб-ускуналар етказиб берувчи корхоналар ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақият билан бажаришга интилмоқдалар. КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатнинг қурилиш комплексини бошқаришни бундан буён такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Қурилишдаги хўжалик механизмини такомиллаштиришга доир тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР Қонуни қабул қилинганлиги қурилишдаги суръат ва кўламни кучайтириш, унинг ҳар бир участкасида уюшқоқлик ва масъулият интизомини кучайтириш учун қудратли омил бўлди. Уларни амалга ошириш янги корхона ва ишлаб чиқаришларни бунёд этишни, ишлаётганларини реконструкциялаш, ва кенгайтиришни жадаллаштириш, ишлар сифатини ошириш, пировард қурилиш маҳсулоти бирлигига кетадиган сарф-харажатларни жиддий камайтириш,— қисқаси, ишни тубдан яхшилаш имконини беради.

Мамлакат микёсидаги капитал қурилиш самарадорлиги иқтисодий регионларда, иттифокдош республикаларда, область ва шаҳарларда қувватларни ва асосий фондларни ишга тушириш планлари қанчалик муваффақиятли бажарилаётганига, қурилиш потенциалидан қанчалик маҳорат билан фойдаланилаётганига бевосита боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, қурилишдаги регионал муваффақиятлар (камчиликлар ҳам) фақат маҳаллий эмас, балки умумдавлат аҳамиятига ҳам эга эканлигини билдиради.

Ўзбекистон ССР — мамлакатнинг ҳозирги беш йилликда капитал маблағлар ўсишининг планли суръатлари унга монанд умумиттифоқ кўрсаткичларидан сезиларли юқори бўлган, катта кўламларда ва юқори суръатларда қурилиш олиб борилиши учун қулай табиий-иқлимий шароитлар ҳам, шунга мувофиқ меҳнат ресурслари ҳам, замонавий индустрия базаси ҳам пудратчи ва лойиҳалаш-қидирув ташкилотларининг кенг шохобчаси ҳам мавжуд бўлган озгина республикаларидан биридир. Ҳозир ҳар бир у ёки бу даражада йирик қурилиш тресги (бирлашмаси) ихтиёрида бутун республикада 40—50-йилларда мавжуд бўлганидан кўпроқ машина техникаси борлиги ибратли ҳолдир.

Кейинги бир неча беш йилликлар мобайнида Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришга ажратиладиган капитал маблағларнинг 60 процентдан кўпроғи қурилиш-монтаж ишларига тўғри келган. Бугунги кунда республикада ярим миллион кишидан ошиқ қурувчилар армиясига эга бўлган 2 мингдан ортиқ давлат ва хўжаликлараро бошланғич пудрат ташкилотлари шу иш билан шуғулланяпти. Юксак самарали техника ва прогрессив технологиядан, оширилган завод тайёргарлигидаги замонавий материал ва конструкциялардан, илғор тажриба ва турли хил янгиликлардан фойдаланиш ушбу тармоқда муайян муваффақиятларга эришишга имкон берди. Ўн биринчи беш йилликнинг ўзидагина Ўзбекистонда 35 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилди, бу эса 1924—1970 йилларда ўзлаштирилганига тахминан тенгдир. Ўтган беш йилликда салкам 22 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, 32 миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондлар ишга туширилди.[1]

Республикамиз қурувчилари меҳнати шарофати билан 1986—1987 йиллар ичида ундирма ва қайта ишловчи саноатда, машинасозлик, энергетика, қурилиш материаллари индустриясида, шунингдек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариладиган тармоқларда ҳам, агросаноат комплексида ҳам ишлаётган кўпгина ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Қурувчилар магистрал газ ва нефть қувурларини, темир йўл линиялари, автомобиль йўлларини ва инфраструктурага оид бошқа объектларни қуришга ёки мавжудларини яхшилашга ҳам катта ҳисса қўшдилар.

Ишга туширилган объектлар орасида Янги Ангрен ГРЭСидаги турбиналар, Ангрен кўмир разрезидаги кўмир қазиб олишга ва Навоий электрохимия заводидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларини ишлаб чиқаришга доир қувватлар, Тошкентдаги ҳажмли-блокли уйсозлик экспериментал заводи, Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводидаги узлуксиз қуйиш машинаси, В. И. Ленин номли метрополитен линиясининг давоми, Тошкентдаги «Компрессор» заводидаги ва Андижон областининг Охунбобоев подшипник заводидаги қувватлар, бир қатор йигирув-тўқувчилик фабрикалари, босмахоналар, ғишт заводлари, нефть базаларидаги нефть сақланадиган идишлар бор.

Кўрсатилган давр мобайнида кўпайган давлат капитал маблағлари халқ хўжалик планларида белгиланган приоритетларга мувофиқ ҳолда ишлатилди. Уй-жой ва социал ҳамда маданий-маиший аҳамиятга эга объектлар қурилишига, машинасозлик, металлургияни, ёқилғи-энергетика ва агросаноат комплексларини ривожлантиришга йўналтириладиган капитал маблағлар янада юқори суръатлар билан ўсди. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган капитал маблағлар ҳажмида ускуналарга, шунингдек ишлаб турган корхоналарни қайтадан жиҳозлаш ва реконструкциялашга кетадиган сарф-харажатлар ҳиссаси ошди.

Бошқа халқ хўжалик программаларини — озиқ-овқат, конструкцион материаллар ишлаб чиқариш, мелиорация, халқ хўжалигини химиялаштириш программаларини амалга оширишда капитал маблағлар ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш биринчи навбатда боғлиқ бўлган соҳаларга йўналтирилган эди.

Лекин бу ҳол хотиржам бўлишга сабаб бўла олмайди: икки йиллик план асосий кўрсаткичлар — асосий фондларни ишга солиш, капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича бажарилмади. Ахир ўн биринчи чақириқ (1987 йил, октябрь) Ўзбекистон ССР Олий Совети олтинчи сессиясида таъкидланганидек, ҳозирги беш йиллик — алоҳида беш йиллик эканлигидан келиб чиқиш керак. У бутун халқ хўжалигидаги туб ўзгартишларга мустаҳкам замин яратиши, социал-иқтисодий ривожланишнинг барча йўналишларида бурилиш ясаши керак. Агар иш натижаларига ана шу юксак талаблардан келиб чиқиб баҳо берсак, 1987 йилда бир қатор нохуш тенденциялар тугатилмади, хўжалик оборотига жадаллаштиришнинг кўпгина резерв ва имкониятлари жалб қилинмади.

Бу гаплар, афсуски, капитал қурилишга ҳам тааллуқлидир, унинг юқори ҳажмдор кўрсаткичларига кўпинча объектларни ишга тушириш планларининг барбод қилингани ва қурилиш маҳсулотининг сифати паст бўлгани ҳолда ресурсларни инвестиция соҳасига жалб қилиш ҳисобига эришиларди. Бугунги кунда бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Қурилиш ва унга тенглаштирилган бошқа ташкилотлар томонидан пудрат ишлари планини бажармаслик ҳоллари кўпайди. Агар 1980 йили республикада бундай ташкилотлар 376 та бўлса, 1986 йилга келиб эса 570 тага етди. Ҳозирги беш йилликнинг биринчи йилида қурилиш-монтаж ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарилган иш атиги 2,6 процент, меҳнат унумдорлиги эса 1 процент ошганки, бу — тармоқ учун белгиланган план топшириғидан анча пастдир.

Аввалгидек кўпгина қурилишларда техника анча вақт туриб қоляпти, иш вақти исроф бўляпти, материаллар, конструкциялар, ишлаб чиқариш қуроллари ва инвентардан нотўғри фойдаланиляпти ва сақланяпти, ишлаб чиқариш технологияси билан уни ташкил этишда зарурий боғланиш йўқ. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш, ишчи кадрларни муқим этиш имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Ўзбекистон ССР Госкомстати маълумотига қараганда, қурилиш ишчилари орасида қўнимсизлик 20 процентдан кўпроқни ташкил этади (13,7 дан 27,5 процентгача).

Қурилишнинг ҳам тармоқ, ҳам халқ хўжалиги даражаларидаги самарадорлигини пасайтирувчи бошқа сабаблар ҳам бор. Масалан, республикада яқин ўтмишда лойиҳадан четга чиқишга, маблағ ва материалларнинг ортиқча сарфланишига йўл қўядиган нотўғри практика анча кенг тарқалган, планда кўзда тутилмаган объектлар қурилар эди.

Бугунги кунда плансиз қурилиш йўлига мустаҳкам ғов қўйилган бўлса-да лойиҳалашда бунга эришилгани йўқ. Бу ерда, афсуски, аввалгидек кўплаб кераксиз ишлар бажариляпти, хато ва нуқсонларга йўл қўйиляпти, ҳозирги фан ва практика ютуқларидан кераклича фойдаланилмаяпти.

Яна бир гап. Кейинги 15 йил ичида Ўзбекистондаги давлат лойиҳалаш ва қидирув ташкилотлари миқдори қарийб 1,5 баравар кўпайди. Ана шу ташкилотларнинг ўз кучи билан бажарган ишларининг умумий ҳажми салкам 125 миллион сўмга етди, яъни 1970 йилга қиёслаганда икки баравардан кўпроқ ошди. Шундайин катта потенциал бир қарашда лойиҳалардаги регионал эҳтиёжларни тўла қондириши керак. Лекин, анализнинг кўрсатишича, кўпгина буюртмачилар ўз лойиҳалари ечимини республикадан ташқарида топмоқдалар. Албатта, бу ҳол лойиҳалашда меҳнат тақсимотидаги мавжуд ихтисосланиш ва бошқа формалар билан боғлиқ бўлади. Лекин бу нарса буюртмачи корхоналарнинг ўз буюртмасини тезроқ ўтказиш истаги билан бўладиган бўлса, бизнингча, бундай ҳодисалар доимий эмас, балки истисно тусини олиши керак.

Капитал қурилишдаги ишлар аҳволига Ўзбекистон ССР партия ташкилоти ва ҳукумати жиддий эътибор беряпти. Жумладан, у Ўзбекистон Компартияси МКнинг ўтган йилнинг март ва августида ва 1988 йил январида бўлиб ўтган пленумларида жиддий анализ қилинди, шунингдек, 1987 йилнинг апрели ва июлида бўлган республика семинар-кенгашларида махсус муҳокама қилинди. Уларда тармоқда самарадорликни ошириш ва юксак пировард натижаларга эришишнинг барча резервлари ишга туширилмаганлиги таъкидланди.

Бу резервлар нималардан иборат? Бу саволларга жавоб беришдан олдин қурилишдаги ишлаб чиқариш босқичларининг шаклланиши, айтайлик, саноатдагидан анча мураккаброқ эканини кўрсатиб ўтиш керак. Бу ишлаб чиқариш

циклининг узоқ муддатлилиги, яратилаётган маҳсулотнинг муайян пайтдаги индивидуаллиги, ишлаб чиқаришнинг цехсиз ташкил этилиши, ишнинг очиқ ҳавода бажарилиши ва ҳоказолар билан изоҳланади. Пудрат ташкилотларининг ишлаб чиқариш фаолияти ва унинг натижаси кўп тармоқли характер касб этишини ҳам таъкидлаш муҳимдир. Кейинги ҳол, ўз навбатида, қурилиш ишлаб чиқаришидаги нуқсон ва исрофгарчиликларни баҳолашда ҳам, уларни бартараф этиш ва юқори пировард натижаларга эришиш йўлларини белгилашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш резервларини классификациялаш ва танлашга, муҳимлиги, устун аҳамияти ва амалга ошириш муддатларига қараб белгилашга ана шу ва бошқа хусусиятлар жиддий таъсир кўрсатади.

Ҳозирда қурилишни бошқаришни қайта қуриш вазифаси биринчи ўринда турибди. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижков партия XXVII съездидаги докладида таъкидлаганидек, «бошқа бирор тармоқда бошқаришни ва хўжалик юритиш методларини такомиллаштириш иши бу қадар ташлаб қўйилган бўлмаса керак. Бунинг устига бу масала ҳамма соҳаларга қараганда ҳам ана шу соҳада жуда муҳим бўлиб турибди. Бу ерда бошқаришнинг тарқоқлиги ва кўп поғоналилигини бартараф этиш, марказлаштиришни иттифоқдош республикалар, маҳаллий ташкилотлар ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш билан оқилона тарзда қўшиб олиб бориш йўлини топиш керак бўлади».

Ёмон бошқариладиган қурилиш халқ хўжалигида дисбалансларни вужудга келтиради. Қурилиш маҳсулотини бевосита ишлаб чиқарувчилар даражасида эса бошқарувнинг такомиллашилмаганлиги техника жиҳатидан юқори ускуналанган меҳнат афзалликларини чиппакка чиқаради, ортиқча сарф-харажатларни кўпайтиради, куч ва ресурсларнинг сочилиб кетишига олиб келади.

Шуни айтиш керакки, қурилишни бошқаришнинг ҳозирги системаси, умуман мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам тахминан 60-йиллар ўртасида шаклланди. Унга мувофиқ бутун қурилиш ишлаб чиқариши иттифоқ, иттифоқ-республика ва республика органларига бўйсунувчи пудрат ташкилотлари томонидан амалга ошириляпти. Ўтган йигирма йил давомида қурилишда миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берди, амалдаги мавжуд ташкилий даража билан янги шароитлар ўртасида тафовутлар пайдо бўлди. Бошқариш «усткурмаси» ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ келмай қолди, чунки у кучайиб бораётган ички, ташқи ва диагонал алоқаларнинг талабларига етарлича жавоб бермаяпти, ишлаб чиқаришни концентрациялаш йўлига маълум даражада зид келяпти.

Бошланғич пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари таркибида майда, кам қувватлилари етакчи ўринни ишғол қилиб келаётганлиги бежиз эмас. Масалан, ҳозирги беш йиллик бошларида Ўзбекистон ССРда план бўйича йиллик иш ҳажми 1,2 миллион сўмликкача бўлган 445 та (23,6 процент), 1,2 дан 3,8 миллион сўмликкача —1210 та (64,2 процент), 3,8 дан 6 миллион сўмликкача —179 та (9,5 процент) ва 6 миллион сўмликдан зиёд атиги 51 та (2,7 процент) қурилиш-монтаж ташкилотлари мавжуд эди. Бунда йиллик иш ҳажми 1,2 миллион сўмликкача бўлган ташкилотлар миқдори ошиб, 6 миллион сўмликдан кўпроқ иш бажараётган ташкилотлар сони эса камайиб бораётгани кўзга ташланади.

Трестларда бошқачароқ. 1983 йилгача улар (МСБ классификациясига биноан) бажариладиган ишларнинг йиллик ҳажмига қараб тўрт группага бўлинар эди: 5 миллион сўмликкача, 5 дан 9 миллионликкача, 9 дан 15 миллионликкача, 15 миллион сўмликдан зиёд. Республика қурилиш-монтаж трестларининг умумий миқдорида кейинги икки группа ҳиссасига деярли 82 проценти тўғри келар эди.

Партия ва ҳукумат қарорларига мувофиқ қурилиш-монтаж ташкилотларининг йириклаштирилиши, ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмалари (ИҚМБ) ташкил этилиши ва қурилиш ишлаб чиқаришини янада концентрациялашга доир бошқа тадбирлар трестларни группаларга бўлиш системасига таъсир этмай қолмади. Эндиликда улар план бўйича бажарадиган йиллик иш ҳажмига кўра 6 миллион сўмликкача, 6 дан 18 миллионгача, 18 дан 30 миллионгача, 30 дан 50 миллионгача ва 50 миллион сўмликдан зиёд иш программасига эга трестларга бўлинадилар. Трестларнинг умумий миқдорида кейинги икки

группанинг ҳиссасига 10 процентдан сал кўпроқ ҳажм тўғри келади. Йиллик иш ҳажми 6 дан 18 миллион сўмликкача бўлган трестлар етакчи ўринни эгаллаган (61 процентдан кўпроқ).

Майда ташкилотлар сонининг ўсиши, уларнинг кўп эканлиги ва бошқа камчиликлар қисман идоравий тарқоқлик, қурилиш ишлаб чиқаришида параллелизм ва қайтариқлар билан изоҳланади. Анализнинг кўрсатишича, республиканинг деярли барча область ва йирик шаҳарларида бир вақтнинг ўзида турли министрлик ва идораларга қарашли қурилиш-монтаж ташкилотлари (трест ва бошқармалари), қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи корхоналар, қурилиш техникасини ремонт қилувчи завод ва устахоналар, автокорхоналар ва бошқа муассасалар мавжуд. Бундай шароитда қурилиш ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва ихтисослаштириш афзалликлари сусаяди, ўзини доим ҳам оқламайдиган қурилиш юклари ва материалларини муқобил ташишлар ҳажми ошиб кетадики, у қурилишнинг тармоққа ва халқ хўжалигига келтирадиган самарасини пасайтиради.

Майда, тарқоқ қурилиш ташкилотлари, одатда, техникавий жиҳатдан ёмон жиҳозланган, иқтисодий жиҳатдан зарарли бўлади, моддий ва молия жиҳатдан доимо қийналади, бу аллақачон исботланган. Улар объектларни қуриш муддатларини кўпинча бузадилар, иш сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Улар иқтисодий рағбатлантириш фондларини етарли миқдорда ҳосил қилиш, ишлаб чиқаришга янги техника ва фан-техника ютуқларини жорий этиш имкониятига эга эмаслар.

Шу муносабат билан қурилиш ишлаб чиқаришининг шундай ташкилий-бошқариш системасини яратиш керакки, у техника жиҳатидан қолоқ ва самарасиз корхона ва ташкилотларнинг бўлишига йўл қўймасин, балки республикадаги капитал қурилиш суръатлари ва миқёсига жавоб бера оладиган ҳаракатчан ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаларини ташкил этишга ёрдам берсин. Бунинг учун корхона ва ташкилотларнинг жойланиши ва фаолият кўрсаткичларини синчиклаб анализ қилиш, уларнинг тармоқларга ва территориал бўйсунишини илмий асосланган позициялардан туриб қайта кўриб чиқиш, қурилиш ва унга тенглаштирилган ташкилотларнинг ҳажми ва ҳаракат радиусларини оптималлаштириш зарур. Бунда, бизнингча, Ўзбекистон ССР Госстройи ўз сўзини айтмоғи керак.

Қурилиш комплексини бошқаришни такомиллаштиришда халқ депутатлари Советлари муҳим роль ўйнашлари керак. Ҳозиргача улар ўзларига тегишли территорияларда кўпинча корхоналар, бирлашма ва министрликларнинг ҳисса қўшиб иштирок этиши билан барпо этилувчи уй-жой, коммунал ва социал-маиший объектлар қурилишининг бирдан-бир буюртмачилари бўлмоқдалар, холос. КПСС МК, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети 1986 йил июлда қабул қилган «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва уларнинг масъулиятини кучайтириш тўғрисида»ги қарори жойлардаги халқ ҳокимияти органлари олдига янги вазифалар қўйди. Улар ўзларига тегишли территорияларда халқ хўжалиги барча тармоқларига тегишли, шу жумладан қурилишга ҳам оид, корхона ва ташкилотларнинг қатъий мутаносиб ривожланишини таъминлашлари, бунинг учун улар орасида ишлаб чиқариш кооперацияси, тармоқлараро алоқа ва ишлаб чиқаришларни ўрнатишни йўлга қўйишлари керак.

Қурилишдаги хўжалик усулини ривожлантириш, корхоналар ҳосил қилаётган иқтисодий рағбатлантириш фондлари маблағларини конкрет ишлаб чиқариш ва социал-маданий объектларга сарфлаш, инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — капитал қурилишда асосий эътиборни янги объектлар қуришдан ишлаб турганларини реконструкциялаш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантиришга қаратиш тўғрисида халқ депутатлари Советлари алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари керак. Бунда, Советларнинг иштироки шунчаки умумий чақириқ ва муҳокамалардан иборат бўлмаслиги, балки улар территориал, тармоқлараро бошқариш органлари сифатида, кудратли ва самарали қурилиш бўлинмаларига таяниб корхоналарнинг маблағ ва куч-ҳаракатларини координациялашлари, бир-

лаштиришлари керак. Халқ депутатлари Советлари, бизнингча, қурилиш ишида корхоналарнинг тор рамкасини ва идоравий тўсиқларни енгиб ўтишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга айни шу позициялардан туриб ҳисса қўшиши, бунда тегишли корхона ва министрликлар ваколатига хос вазифаларни ўз зиммасига олмаслиги керак.

Инвестиция сиёсатини ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш миқёсларини кенгайтириш сари қайтадан ориентация қилишда бутун регион экономикасини, шунингдек, қурилиш самарадорлигини оширишнинг улкан резерви бор. Инвестициялашнинг янги тартиби, хусусан, машинасозлик, қурилиш материаллари саноати ва бошқа баъзи тармоқлар корхоналарини реконструкциялаш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш тажрибаси кўрсатаётганидек, капитал маблағлар сиёсатини фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш билан бир бутун қилиб бирлаштиришга, энг муҳими — капитал маблағларнинг тезда самара беришига эришиш учун имкон яратади. Бу эса реконструкция ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш норматив муддатларда ўтказилган ва тасдиқланган лойиҳа ва сметалардан чекинилмаган ҳоллардагина (ишлаб чиқариш техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш билан боғлиқ ҳолларни эътиборга олмаганда) мумкиндир. Афсуски, практикада четга чиқишларгагина йўл қўйилмай, балки реконструкция ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ўрнига янги қурилиш билан шуғулланиладики, бунга чек қўйиш керак.

Капитал маблағларда ишлаб чиқариш фондлари актив қисмининг — ишчилар ва куч машиналари, ускуналар, асбоблар ва ҳоказоларнинг ҳиссасини ошириш ҳисобига маблағларнинг технологик структурасини яхшилаш самарадорлик резервларига киритилиши керак. Бу вазифа одатда асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини яратишни планлаштириш ва лойиҳалаштириш босқичида ҳал этилади, шу сабабли вариантларни танлаш билан боғлиқ ресурслардан бошқа бирорта қўшимча ресурсларни талаб этмайди.

Ўзбекистонда амалга оширилган капитал маблағларнинг технологик структураси кейинги 20 йил давомида деярли ўзгаргани йўқ. 1965 йилга қиёслаганда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга кетган сарф-харажатлар ҳиссаси атиги 4 процент камайди ва машиналар, ускуна, асбоб ҳамда инвентарлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам шунча кўпайди. Ўн биринчи беш йилликда биринчи харажатларнинг нисбий миқдори 1 процент камайди, иккинчиники ўзгармай қолди. Ҳозир республикада реализация қилинаётган капитал маблағлар умумий ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари 62 процентни, ишлаб чиқариш машиналари, ускуналар, асбоб ва инвентарлар 28 процентни, лойиҳалаш-тадқиқотга доир ва бошқа харажатлар қолган қисмини ташкил этяпти.

Маълумки, моддийлаштирилган капитал маблағларни маҳсулотга айлантириш, одатда, уларнинг «актив» қисми (машиналар, ускуналар, агрегатлар) билан боғлиқ бўлади, юқоридаги маълумотларда кўринишича, маблағлар структурасида эса бу қисм учдан бир ҳиссадан камроқни ташкил этади. Машина ва ускуналарга ажратилувчи маблағлар ҳиссаси секин ошаётганини ҳисобга олаётганда ана шу нисбий миқдорларнинг физик аҳамиятини ҳисобга олмаслик мумкин эмас, албатта. Машина ва ускуналарга ажратилувчи маблағлар ҳар бир процентининг абсолют миқдори 60-йиллар ўртасидан буён деярли 30 баравар ўсганини, кўриб чиқилаётган даврда машина ва ускуналарга кетувчи харажатларнинг бир пунктидаги ҳиссаси ўсишининг ўртача салмоғи, бизнинг ҳисобларимизга қараганда, тахминан 350 миллион сўмни ташкил этганини таъкидламоқчимиз.

Ўзбекистон шароитида капитал маблағларнинг технологик структурасини анализ қилишда регион спецификасини, умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрнини ҳам назардан қочирмаслик керак. Янги ерларни ўзлаштириш ва у билан боғлиқ ҳолда тураржой массивлари, социал ва маданий-маиший объектлар қуриш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда, унинг етакчи бўғини — пахтачилик комплексини ривожлантиришга қаратилган ирригация-мелиоратив ишлари ва бошқа тадбирларнинг кўламини кенгайтириш қурилиш-монтаж ишларида катта харажатларни талаб этди. Шу сабабли ҳам халқ хўжалигида реализация қилинувчи капитал маблағларнинг технологик структураси умуман

олганда бу ерда, мисол учун, саноатга қиёслаганда камроқ фаол тузилишга эгадир. Лекин бу хулосани қатъий хулоса деб бўлмайди, бинобарин капитал маблағларнинг технологик структурасини янада такомиллаштириш масалалари ҳам, капитал қурилишнинг бошқа томонлари каби, жуда эътибор билан қараб чиқилиши керак.

Йирик миқёсли экономика ва қурилишнинг юксак суръатлари шароитида капитал маблағларни концентрациялашдек резервни ҳаракатга келтириш, уларнинг кўп сонли қурилиш ва объектларга сочилиб кетишига барҳам бериш катта аҳамият касб этади, партия ва ҳукуматнинг кейинги йиллардаги ҳужжатларида бу нарса алоҳида таъкидлаб кўрсатилди. Ана шу соҳадаги ишлар аҳволининг анализи шундан далолат берадики, капитал қурилиш планларига киритиладиган қурилишлар сони кўпинча ортиқроқ бўлади, бунда қурилиш-монтаж ташкилотларидаги мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш қувватлари имкониятлари ҳисобга олинмайди. Капитал маблағлар йилма-йил тақсимланганда кўпинча қурилиш муддати нормалари ҳисобга олинмайди. Маблағларнинг асосий қисми, одатда, қурилишнинг охирги йилида, йил ичида эса — охирги кварталда ажратилади, бу эса қурилишларда штурмчиликка олиб келади, сарфланган меҳнатни ва ишлар қийматини оширади, иш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Капитал маблағлар концентрацияланишини ошириш учун, объектларни белгиланган муддатларда ишга тушириш мақсадида уларни биринчи навбатда илгари бошланган қурилишларни тугаллашга йўналтириш, кейингина капитал маблағларнинг қурилиш йилларига тақсимлаш норматив принципидан келиб чиқиб, янгидан бошланадиган қурилишларни планга киритиш керак. Ишларнинг ҳозирги аҳволида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида кўзда тутилганидек, «моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари, аввало, ишлаб турган корхоналарни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга ҳамда фан-техника тараққиётини белгилайдиган объектлар қурилишига ва социал вазифаларни ҳал этишга жамлаш» зарурдир.

Экономикани ҳар томонлама интенсивлаш, ишлаб чиқаришнинг мувофиқлашган маблағларида сарфланган меҳнат роли ва салмоғининг ошиб бориши шароитида асосий эътибор иш қуролларини (қурилиш машина ва механизмлари, технологик ускуналар, транспорт ва бошқа воситаларни) ва меҳнат предметларини (хом ашё, материаллар, ёқилғи-энергетика ресурсларини) сақлаш ва улардан рационал фойдаланишга қаратилиши керак.

Ушбу мақолада қурувчилар ихтиёридаги меҳнат қуроллари ва предметларидан яхшироқ фойдаланишга доир тавсия беришга ҳожат бўлмаса керак — улар шундоқ ҳам яхши маълум. Лекин фан ва техниканинг муттасил тараққий этиши шароитида ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланишга, ҳар бир меҳнат қуроли ва предметидан олинадиган самарани оширишга боғлиқлигини таъкидлаш ортиқчалик қилмайди. Бундан ташқари, машина ва ускуналардан, юксак индустриал қурилиш материаллари ва конструкцияларидан фойдаланишни яхшилашда ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини янада ўстириш, қурилиш маҳсулоти сифатини оширишнинг каттагина резервлари мавжуд. К. Маркс жамиятнинг ривожланишида меҳнат воситаларининг ролини таъкидларкан, бундай деб ёзганлиги бежиз эмас: «Иқтисодий даврлар нима ишлаб чиқарилгани билан эмас, балки қандай, меҳнатнинг қандай воситалари ёрдамида ишлаб чиқарилганлиги билан фарқланадилар. Меҳнат воситалари кишиларнинг иш кучи ривожланиши мезонигина эмас, балки меҳнат амалга ошириладиган ижтимоий муносабатларнинг кўрсаткичи ҳамдир» (К. М а р к с и Ф. Э н г е л ь с. Соч., т. 23, с. 191).

Меҳнат унумдорлигини жиддий оширмасдан туриб қурилиш ишини тубдан яхшилаш ва капитал маблағлар самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Унда экономика ва қурилиш ишини ташкил этишнинг, фан-техника тараққиёти ютуқларидан ва илғор ишлаб чиқариш тажрибасидан фойдаланишнинг ва, ниҳоят, ишлаб чиқаришни бошқариш бутун системасининг кўпгина томонлари худди кўзгудагидек акс этади. Қурувчиларимиз ҳозирча ўсишнинг зарурий суръатларини ва ушбу кўрсаткич муайян даражасини таъминламаяптилар.

Маълумки, 1986 йилдан бошлаб мамлакатда қурилиш-монтаж ташкилотларининг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга босқичма-босқич ўтиши бошланди, бу жараён давом эттирилади. Шу билан бирга қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришнинг юқори «қавати» — министрлик ва идоралар ҳам хўжаликни юритишнинг ушбу системасига ўтказилади. Шу муносабат билан шартнома муносабатларининг роли кескин ошади. Пудрат шартномаси буюртмачи ва пудратчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ва уларнинг ўзаро иқтисодий масъулиятини белгиловчи асосий ҳужжат бўлиб қолиши керак. Объектларни қуришни йўлга қўйиш ва уни саноат ишлаб чиқаришининг пировард натижаларига яқинлаштиришни ҳам, қурилишга ажратиладиган маблағларнинг халқ хўжалигидаги самарадорлигини оширишни ҳам кўзда тутиб тўла-тўкис қуриб битказиш янада кенг ривож топади.

Шундай қилиб, капитал қурилиш самарадорлигини оширишнинг резервлари оз эмас. Иқтисодий тафаккурни қайта қуриш, уни фан-техника тараққиёти томон қайта йўллаш улар орасида катта ўрин тутади. КПСС МКнинг партия XXVII съездига Ҳисобот докладида таъкидланганидек, «хўжалик механизмини ҳар қандай қайта қуриш, маълумки, онгни қайта қуришдан, фикрлашда ва амалда таркиб топган бир хилликдан воз кечишдан, янги вазифаларни равшан англаб олишдан бошланади».

Бугунги кунда капитал қурилиш олдида турган вазифалар ғоят масъулиятли бўлиб, уларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма кучларни сафарбар қилиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ БАЗАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

А. ОЛИМОВ,
иқтисод фанлари кандидати

КПСС XXVII СЪЕЗДИ қўйган кўламдор программ вазифалар асосан мамлакатнинг ички моддий ресурслари ҳисобидан, ўз ишлаб чиқариш-техника потенциалимиз негизида ҳал қилинмоқда. Айни бир вақтда СССРнинг чет давлатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги имкониятларидан фойдаланишга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги вақтлардаги бир қатор муҳим партия ҳужжатларида, СССРни 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида Совет Иттифоқининг турли мамлакатлар билан савдо муносабатларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга, томонларнинг илмий-техникавий ва технологик янгиликларни биргаликда ўзлаштиришдан, корхоналарни лойиҳалаштириш ва қуришдан, хом ашё ресурсларини қазиб олишдан ўзаро манфаатдорлигига асосланган иқтисодий алоқаларнинг янги формаларини ривожлантиришга тайёр эканлиги тасдиқланди. Бунда мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий стратегиясига янгича ёндашиш зарурлиги уқтирилди.

Фан-техника тараққиётининг тезлашган суръатлари шунга олиб келдики, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида қарорлар қабул қилишнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳозирги даражасига, халқаро меҳнат тақсимотининг характери ва талабларига тўғри келмай қолди. Бундай аҳвол экспорт ресурсларини сафарбар этишга, импорт йўли билан келадиган маҳсулотларни рационаллаштиришга, ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги прогрессив формаларини ривожлантиришга тўсқинлик қила бошлади.

Қайта қуришдан олдинги йилларда бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозоридан ажралиб қолганлиги, маҳсулот етказиб берувчилар манфаатларининг ташқи савдо манфаатларига мос эмаслиги халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан тўларoқ фойдаланишга халал бера бошлади. Ана шу номувофиқликни бартараф этиш учун эндиликда бир қатор туб ўзгартишлар амалга оширилмоқдаки, улар саноатни ва моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ташқи бозорга яқинлаштиришга қаратилгандир. «Иқтисодий бошқарувни қайта қуриш, — деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС МҚ 1987 йил июнь Пленумида қилган докладида, — бизнинг ташқи **иқтисодий алоқаларимиз** самарадорлигини ошириш учун ва — энг муҳими — ташқи бозор томонидан тармоқлар ва корхоналарнинг ишига, уларнинг маҳсулоти сифатига, фан-техника тараққиётига бўладиган таъсирни кучайтириш учун кенг уфқ очади». Партия ва ҳукумат ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда ана шу жараёнларни бошқаришни тубдан такомиллаштириш, юксак даражада ишлов берилган маҳсулот ҳисобидан мамлакатнинг экспорт потенциалини интенсив ошириб бориш соҳасида қўйган катта-катта вазифалар халқ хўжалигининг барча поғоналарида мазкур масалага ғоят катта эътибор берилишини талаб этади.

Ҳозирги кунда СССРдаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг амалда ҳамма участкалари — бутун мамлакатнинг ва ҳар бир иттифоқдош республиканинг халқ хўжалиги, тармоқлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналари — муайян даражада ташқи савдо билан боғлиқ: улар четдан келтирилган маҳсулотни истеъ-

мол қиладилар, экспорт базасини ривожлантиришда бевосита ёки билвосита қатнашадилар. Мамлакат экономикасида, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, унинг илмий-техникавий даражасини кўтариш вазифаларини ҳал этишда ташқи савдонинг роли фақат миқдор жиҳатдангина эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ортиб бораётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Мамлакат миллий даромадида ташқи савдо улуши ҳозир 8 процентга яқинлашди.

Экономистларнинг ҳисобларига кўра, инсоният ҳозирги вақтда 24 миллиондан зиёд номда турли маҳсулотлар, меҳнат қуроллари, материаллар ва ҳоказолар ишлаб чиқармоқда. Ана шу буюмларнинг ҳаммасини ишлаб чиқариш билан битта, ҳатто энг ривожланган мамлакатнинг шуғулланиши мақсадга мувофиқ эмас ва бунинг иложи йўқ. Жумладан, жаҳон саноат маҳсулотининг бешдан бир қисмини чиқараётган ва унинг ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турган СССР, ижтимоий эҳтиёж мавжудлигига қарамай, ҳамма товарларни ҳам ишлаб чиқаравермайди. Бундан ташқари, баъзи бир товарлар у ёки бу сабабларга кўра талаб қилинганига қараганда камроқ миқдорда ишлаб чиқарилади. Ташқи савдо алоқаларида мавжуд бўлган миллий даромад структурасини унинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар структурасига мослаштириш имконияти бу алоқаларни тармоқ миқёсида ҳам, территориал миқёсда ҳам доимо кенгайтириб ва такомиллаштириб бориш заруратини тақозо этади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш проблемалари комплексида ҳозирги вақтда мамлакатнинг экспорт базасини планли тарзда мустаҳкамлашга, ишлов берувчи саноат тармоқларида устун даражада экспорт секторини шакллантиришга, айрим регионларда махсус экспорт товарлари корхоналарини барпо этиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси совет экспорти структурасини анча оптималлашни таъминлаши лозим.

Ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш борасида қабул қилинган қарорлар экспортни бошқариш, планлаштириш системасини қайта қуришни, экспорт фаолиятининг янада таъсирчан иқтисодий стимулларини жорий этишни, экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришни, уларнинг майда-чуйда ишларига ҳам аралашавеpишни бартараф этишни кўзда тутади. Бунинг маъноси шуки, экспорт учун ишлаш саноат корхоналарига ортиқча, кўпинча эса нохуш иш, уларнинг асосий ишлаб чиқариш-хўжалик вазифаларига қўшимча мажбурият бўлмай қолди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги Қонунга мувофиқ бундан буён бу иш корхона фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг иқтисодий ва социал ривожланиши бу ишнинг пировард натижаларига боғлиқ бўлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қолдиқ ресурсларни экспорт учун ажратиш борасида юзага келган практикадан қатъиян воз кечишни, шунингдек мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг стратегияси негизида СССРда экспорт базасини ривожлантириш программасини ишлаб чиқишни кўзда тутади. Экспорт проблемаларига бундай ёндашиш амалда планлаштиришнинг программ-тармоқ методига ўтиш имконини берадики, бу план асосида куч-ғайратни экспорт фаолиятининг ҳал қилувчи йўналишларига ҳамда, бозор эҳтиёжлари нуқтаи назаридан, экспорт қилинадиган энг истиқболли товарлар ассортиментига қаратиш имкониятини яратади.

Қайта қуриш экспорт фаолиятини такомиллаштиришда етилган проблемаларни ишлаб чиқиш соҳасида иқтисодий фан олдига ҳам янги-янги талаблар қўймоқда. Бу энг аввало корхона (бирлашма) — тармоқ (министрлик) — тармоқлараро комплекс даражасида экспорт фаолияти механизмини яратиш ва созлаш, истиқболли экспорт планлари ва прогнозларини тузиш, айрим йирик иқтисодий районлар, иттифоқдош республикаларнинг экспорт базасини ривожлантиришдаги имкониятларидан энг яхши фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда уларни халқаро меҳнат тақсимоти соҳасига фаол жалб этишнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш, асосий товарлар бўйича ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш, экспорт фаолиятини ахборот жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, маркетингнинг илғор ютуқларини умумлаштириш ва ҳоказо масалаларга янгича ёндашишларни излашга тааллуқлидир. Бу вазифалар бир-бири билан маҳкам боғланган ҳолда, корхона,

тармоқ, регион экономикасини, бутун мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоққа мўлжалланган стратегик мақсадларига қаратилиб ҳал қилиниши лозим.

Шуни қайд этиш керакки, иқтисод фанида «экспорт базаси» категорияси деярлик ўрганилмаган, унинг моҳияти ва ўлчовларига таъриф берилмаган. Бизнинг назаримизда, экспорт базаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг муайян қисмидан иборат бўлиб, ташқи бозорда сотиш учун мўлжалланган товарларни яратиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади. «Экспорт базаси» тушунчаси «экспорт ишлаб чиқариши» тушунчасига асосан мувофиқ бўлса-да, лекин биринчи тушунча ўз мазмунига кўра кенгроқдир, чунки у ишлаб чиқаришнинг фақат энг сўнгги босқичинигина эмас, балки ундан олдинги босқичларини ҳам, экспортга маҳсулот чиқариш учун на фақат мавжуд бўлган, балки потенциал имкониятларни ҳам ўз ичига олади. Одатда экспорт базаси амалда мустақилликка эга эмас ва ташкилий жиҳатдан қандайдир алоҳида сектор қилиб ажратилмаган, балки ягона халқ хўжалик комплекси ишлаб чиқариш ва территориал структурасининг узвий қисми, муҳим элементидир.

Экспорт базасини ривожлантириш мамлакатнинг ва унинг айрим регионларининг иқтисодий потенциалига, аввало ижтимоий маҳсулот ҳажмларига ва халқ хўжалиги структурасига боғлиқ бўлиб, ана шу потенциалнинг ўсиш омиллари билан, биринчи навбатда ишлаб чиқарилган миллий даромад билан, экономика тармоқларининг ишлаб чиқариш имкониятлари ҳамда улардан экспорт учун фойдаланиш даражаси билан белгиланади. Шунингдек мамлакатнинг ва иттифоқдош республикаларнинг илмий-техникавий потенциали, мавжуд табиат ва меҳнат ресурслари, меҳнат ресурсларининг малака савияси ҳамда транспорт системасининг, районлараро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражаси ва ҳоказолар муҳим аҳамиятга молик. Мамлакат экспорт базасининг ўз ишлаб чиқариш профили бўлиб, у муайян табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган ва ўз характеристикаларига кўра халқаро стандартлар талабларига мос маҳсулот чиқаришни мўлжаллаб ихтисослаштирилган.

Бошқа иқтисодий категориялар каби экспорт базаси ҳам регионал аспектга эга — у муайян территорияда, конкрет маҳаллий шароитларда жойлаштирилади, булар эса унинг ривожланишига фаол таъсир кўрсатади. Бунга, бир томондан, экспортга маҳсулот чиқарувчи тармоқлардаги бир пайтнинг ўзида қилинадиган (капитал) сарфлар ва эксплуатацион харажатларнинг самарадорлиги анча-мунча боғлиқдир. Иккинчи томондан, экспорт билан шуғулланувчи ишлаб чиқаришларнинг у ёки бу турларини маҳаллийлаштириш муайян регион халқ хўжалигининг тармоқ структурасини янада мураккаблаштиришни, унинг территориал ихтисослашувини ва комплекс ривожланиш даражасини кучайтиришни таъминлайди. Шу боисдан экспорт базасини янада такомиллаштириш масаласи фақат ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини ошириш позициясидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучларни территориал ташкил қилишнинг рационаллиги, бутун мамлакат ҳамда унинг айрим регионлари ижтимоий ишлаб чиқаришининг самарадорлиги позицияларидан туриб ҳам кўриб чиқилиши керак.

Партия ва ҳукумат кўраётган тадбирлар ҳар бир иттифоқдош республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларда фаолроқ иштирок этиши учун катта имкониятлар яратади, республикалар бошқарув органларининг ана шу омилни ҳисобга олган ҳолда ўз халқ хўжаликларини комплекс ривожлантиришни таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини анча кенгайтиради. Халқ хўжалигининг ташқи иқтисодий комплексида планлаштиришнинг тармоқ ва территориал принципларини яхшироқ қўшиб олиб бориш негизида мазкур проблемани тўғри ҳал қилиш:

— бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва, бунинг оқибати сифатида, мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг самарадорлигини ўстириш мақсадида республикалар табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини кўпайтириш;

— алоҳида иттифоқдош республикалар бўйича экспорт учун ишловчи тармоқларни ривожлантиришни планлаштиришни мувофиқлаш йўли билан мамлакатнинг экспорт базасини янада кўпроқ комплекс тарзда ва ўзаро боғлаган ҳолда кенгайтириш;

— жойларда экспорт ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва ихтисослаштиришнинг оптимал даражасига эришиш ҳамда ана шу асосда экспорт маҳсулотининг сифатини ва рақобат қилиш қобилиятини ошириш;

— ҳар бир республиканинг импортга бўлган эҳтиёжларини яхшироқ асослаш ҳамда умумиттифоқ ва халқаро ихтисослашувнинг оқилона нисбатига эришиш имкониятини яратади.

Жумладан, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Республикалар бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарорида (1987 йил июль) таъкидланадики, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига республика ва иттифоқ-республика министрликлари ҳамда иттифоқдош республикалар идораларининг ташқи иқтисодий фаолиятини, шунингдек улар территорияларида жойлашган иттифоққа бўйсинувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган йўлни изчил ўтказиш, экспорт базасини ривожлантиришда ва маҳсулотнинг рақобатга қобиллигини оширишда, экспорт қилиш учун ва норационал импортнинг ўрнини босиш учун товарлар ва буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда уларга ҳар тарафлама кўмаклашиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистоннинг СССР ташқи иқтисодий алоқаларидаги иштирокининг тажрибаси бу алоқалар республика халқ хўжалик комплексини ривожлантиришда ҳамда унинг умумиттифоқ меҳнат тақсимоти системасидаги ролининг ортишига ижобий таъсир кўрсатишидан далолат беради. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, ана шу алоқалар ҳисобидан Ўзбекистон фақат сўнгги беш йилликнинг ўзида ўз миллий даромадини 8 процент оширди. Шу боисдан мазкур алоқаларга ва уларни такомиллаштиришни тақозо этувчи омилларга республика экономикасини янада юксалтиришнинг муҳим шарт-шароити деб қараш тўғридир.

Ўзбекистон экспорт борасида нисбатан юксак даражада ихтисослашганлиги билан ажралиб туради ҳамда экспорт моллари етказиб бериш умумий ҳажми бўйича фақат РСФСР ва Украина ССРдан кейинда туради, саноат ялпи маҳсулотида экспортнинг салмоғи жиҳатидан эса иттифоқдош республикалар орасида биринчи ўринни ишғол қилади. 1986 йилда мамлакат экспортида Ўзбекистон ССР маҳсулоти ички нархларда 5,2 процентни ташкил этди. Унинг номенклатурасида қарийб 150 та ном бўлиб, бу маҳсулотлар 70 дан зиёд мамлакатларга етказиб берилади.

Ўзбекистоннинг ишлаб турган экспорт базаси — бу 50 дан зиёд оғир индустрия, асосан машинасозлик корхоналари, салкам 90 та пахта тозалаш заводлари, ўнлаб тўқимачилик саноати корхоналари — ҳаммаси бўлиб 228 та саноат корхонаси, шу жумладан 100 дан зиёд шаҳарлар, район марказлари ва посёлкаларга жойлашган бош корхоналардир. Турдош корхоналар ҳам ҳисобга олинадиган бўлса, экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришда республиканинг бутун саноати ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари амалда у ёки бу даражада иштирок этадилар (тахминий ҳисобларга кўра, уларга қарийб 500 минг киши бевосита ёки билвосита ишлайди).

Экспорт моллари етказиб беришда Тошкент ва Фарғона областлари етакчи ўрин тутади. Тошкент области асосан машинасозлик маҳсулоти (республика етказиб берадиган бутун маҳсулотнинг 95 процентдан кўпроғини), Ўзбекистонда бирдан-бир нефть маҳсулоти экспорт қилувчи Фарғона области ҳам бинокорлик материаллари, пахта толасининг, ипак чиқиндиларининг каттагина қисмини ташқарига чиқаради. Самарқанд области республикадан экспорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини беради, Андижон области экспорт қилинадиган пахта маҳсулотининг салмоқли улушини ва машина-техника буюмларининг катта бўлмаган бир қисмини таъминлайди. Наманган области экспортга асосан химия маҳсулотлари, пахта толаси, ипак чиқиндилари ва озиқ-овқат моллари беради. Республиканинг қолган областларида асосан пахта тозалаш саноати корхоналари экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаради.

Кейинги 15 йил ичида республиканинг экспорт маҳсулотларининг ҳажми муайян даражада ўсди — у жами бўлиб 1,5 баравар кўпайди. Унинг товар структурасида ҳам муайян ижобий ўзгаришлар бўлди. Аммо Ўзбекистон ССРнинг мамлакат экспортида қатнашишда эришган даражаси республика экономикасининг имкониятларини тўла-тўкис акс эттирмайди. Экспорт ишлаб чиқаришини ривож-

лантириш ва жойлаштиришнинг халқ хўжалик самарадорлигини оширишда ҳамма резервлардан тўла-тўкис фойдаланиляпти деб бўлмайди. Бу резервлар эса Ўзбекистоннинг иқтисодий, табиий-иқлимий ва транспорт-географик шароитлари замирида ётибди. Чунончи, регионимизда таъми, ташқи кўриниши, тахлаш ва ташишга қулайлиги, қоқи қилиш ва қайта ишлаш учун яроқлилиги жиҳатдан нодир бўлган олма, ўрик, шафтоли, узум, анор, қовунларнинг ҳамда бир қанча бошқа мевалар ва полиз маҳсулотларининг нодир навлари етиштирилади. Республика мева-сабзавот комплексининг дунёда тенги йўқ ғоят мазали ва тўйимли хислатларга эга бўлган маҳсулоти ҳозирги пайтда бошқа мамлакатларга деярлик чиқарилмайди. Қиёс қилиш учун шуни айтиб ўтмоқчимизки, кейинги беш йил мобайнида қўшни Афғонистондан ҳар йили экспорт қилинадиган ҳўл ва қуруқ мевалар ҳажми ўрта ҳисобда салкам 170—180 тоннага ва унинг жами қиймати 250 миллион доллардан зиёдга етдики, бу бутун Афғонистон экспорти қийматининг чорак қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатасининг 1987 йил 20 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган съездида қайд этилдики, республика иқтисодий идоралари, тармоқ министрликлари, бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги ишида йиғилиб қолган турғунлик ҳолатларига ҳали ҳам барҳам берилмаган, корхоналар ва меҳнат коллективлари экспортни ривожлантиришда, чет эллик шериклар билан ҳамкорликнинг янги формаларини йўлга қўйишда етарлича ташаббус кўрсатмаётирлар. Зарур тажриба ва маҳоратнинг йўқлиги, ўз зиммасига масъулият олишдан қўрқиш сезилиб турибди.

Ўзбекистон — мамлакатда экспорт базасини ривожлантиришни янада пухта асосга кўчириш мумкин бўлган бир нечагина регионлардан биридир. Асосан хом ашё товарлари етказиб берувчи бизнинг республикамиз учун янги шароитда ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши экспорт структурасини такомиллаштиришдан ҳамда ташқарига чиқариладиган товар бирлиги ҳисобидан тушадиган валюта маблағларини кўпайтириш мақсадида хом ашё ва материалларни қайта ишлашни чуқурлаштиришдан иборатдир. Ташқарига ғоят кўп миқдорда чиқарилаётганлиги учун эмас, балки бошқа товарлар ҳозирча жуда кам чиқарилаётганлиги сабабли республика экспортида хом ашё товарлари устун бўлиб турибди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маҳсулот етказиб беришнинг мавжуд структураси шароитида экспортнинг, унинг самарадорлигининг ўсиш суръатлари пасаяди, Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш рағбатлантирилмайди.

Қайта қуриш авж олиб бораётган шароитда мамлакатнинг, демак, ҳар бир республиканинг ҳам хом ашёга бўлган эҳтиёжлари бетўхтов ошиб боради ва хом ашё ҳар бир бирлигининг қиммати ортади. Иккинчи томондан, жаҳон савдосининг ривожланишидаги юзага келган узоқ муддатли тенденцияларни ҳисобга олиш муҳим бўлиб, бу савдода ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотнинг салмоғи тобора ортмоқда. Бунинг устига, жаҳон бозори нархлари динамикасига хос бўлган хусусият шундан иборатки, тайёр буюмларга қараганда хом ашёнинг нархи суст кўтарилмоқда. Бунинг устига-устак хом ашё экспорт қилувчиларга жаҳон нархларининг ташкил топиши системасининг ўзи фойда келтирмайди, хом ашё товарлари нархидаги фойданинг улуши унинг тайёр буюмлар нархидаги улушига қараганда камроқдир.

Бизнинг фикримизча, юқорида айтилган гапларнинг ҳаммаси республика экспортида хом ашё товарларни уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулот билан аста-секин алмаштириш зарурлигини кўрсатиб турибди. Ана шу жуда муҳим вазифани ҳал этиш экспорт фаолиятини интенсивлашнинг, экспортда материал сарфини камайтиришнинг, тақчил табиий, энг аввало сув ресурсларини тежашнинг ҳамда республиканинг тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг йўналишларидан бири бўлади.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш истиқболларини ҳамда СССРнинг ташқи иқтисодий алоқаларини такомиллаштиришнинг узоқ муддатли тенденцияларини ҳисобга олиб, бизнинг фикримизча, республикада экспорт базасини ривожлантириш проблемасини иккита асосий йўналиш бўйича: ташқи бозорда жуда харидоргир бўлган хом ашё товарлари ва ярим фабрикат-

ларни экспорт қилишни ошира бориш йўли билан ва ярим фабрикатлар ҳамда тайёр маҳсулот, шу жумладан машина-техника буюмлари чиқариш бўйича экспорт ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўли билан ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир. Айни чоқда хом ашё товарлари ва ярим фабрикатлар экспорт қилишни кўпайтиришга Ўзбекистон ССРнинг йирик экспорт базасини (1995 йилгача) вужудга келтиришнинг биринчи босқич деб диверсификацияга эса — узоқ истиқболга мўлжалланган белгиловчи йўналиш деб қаралмоқда.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш базаси табиий газ, рангли металлар рудаси, пахта, пилла, қоракўл тери, қизилмия илдизини, шунингдек бирламчи хом ашёнинг ҳамма турларини саноатда қайта ишлаш натижасида олинадиган ярим фабрикатлар ва материаллар салмоғини ошириш йўли билан республика экспорти структурасида прогрессив ўзгаришлар қилиш учун реал имкониятлар яратади. Чунончи, республика енгил саноати маҳсулотини экспорт қилишда чигитли пахта қарийб 95 процентни ташкил этади ва ундан кейин фақат ип газламалар ва бошқа тайёр буюмлар бекиёс даражада кам ҳажмда ташқарига чиқарилади. Кўп йиллар мобайнида 1987 йилдагина биринчи марта республика каттагина ҳажмда экспорт учун ип газламалар етказиб бериш имконига эга бўлди, уларни сотиш эса эркин конверция қилинадиган валютада амалга оширилди.

Саноат газламаларнинг ва улардан ишланадиган буюмларнинг ўз истеъмол хоссаларига кўра дунёдаги энг яхши намуналарга мос турлари янги ассортиментини ўзлаштиргандан кейингина ип газлама маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларини янада кўпайтиришга ва унинг самарадорлигини оширишга умид боғлаш мумкин. Чиқарилаётган газламаларнинг сифат кўрсаткичларини халқаро стандартлар даражасига етказиш, бизнинг ҳисобларимизга кўра, шу беш йилликнинг охирига қадар газламалар экспортини 20—25 процент кўпайтириш имконини берган бўлур эди. Бунинг учун экспортга маҳсулот чиқарадиган тўқимачилик корхоналарини замонавий машиналар, бўёқ ва химикатларнинг янги турлари билан таъминлаш, шунингдек уларга максимал даражада тозаланган пахта етказиб бериб туриш зарур. Экспорт учун газлама ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасидаги асосий тадбирларни республиканинг тўқимачилик саноатининг ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватлари негизида, шунингдек Осиё ва Африканинг бизга чегарадош ва яқин мамлакатларида бозори чаққон газламалар турларини (сатин, чит ва бошқа харидоргир газламалар турларини) ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўли билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги йилларда муайян сабабларга кўра Ўзбекистон экспорт учун етказиб берадиган пахта толасининг ҳажми бир мунча қисқарди. Фақат 1986 йилнинг ўзида товарнинг сифат бўйича контрактлар талабларига номувофиқлиги учун чет эллардаги харидорларга 3 миллион сўмдан зиёд жарима тўланди. Пахтачиликда экспорт базасини ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, республиканинг ишлаб чиқарувчи кучлари барча элементлари иш натижаларининг жамини пахта экспорти ўз ичига олади. Шу боисдан пахта толаси экспорт қилишни кўпайтира бориш проблемасига «Пахта» илмий-техникавий программаси доирасидаги мустақил блок сифатида энг муҳим ва долзарб проблемалардан бири деб қарамоқ зарур. Уни ҳал этиш Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг социал, иқтисодий, ресурсларга оид ва илмий-техникавий аспектларининг ҳамма жиҳатларига дахлдордир.

Бизнинг фикримизча, республикада пахтачиликнинг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг ҳозирги аҳволига ҳамда пахта экспорт қилишнинг халқ хўжалиги учун самарадорлигига таяниб, уни ташқи бозорга етказиб бериш ҳажмини ҳозирги ёки унга ғоят яқин даражада стабиллаштириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Бу, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг халқаро ҳамкорликнинг янги прогрессив формаларида иштирок этишини активлаштирган бўлур эди. Жумладан, республика тўқимачилик саноатида Ўзбекистонда шерикчилик корхоналари барпо этиш негизида, кейинчалик тайёр маҳсулотни қолган мамлакатлар бозорларида ўз улушига яраша реализация қилиш шарти билан СССР ва ЎИЕК аъзолари бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш мазкур мамлакатларнинг ўзаро фойдали асосларда пахтага бўлган эҳтиёжларини қондиришларига олиб келган бўлар эди.

Вазифалар комплексида экспорт қилинадиган маҳсулот самарадорлиги ва сифатини ошириш учун республика айрим пахтачилик хўжаликларининг (уруғчиликдан тортиб то пахта тозалаш заводларигача технология занжирининг ҳамма ҳалқалари бўйича) экспортга «қайта ихтисослашуви»ни амалга оширишни кўзда тутиш зарур. Бу тадбирнинг моҳияти экспорт билан шуғулланувчи ишлаб чиқаришларни айрим ихтисослаштирилган пахтачилик бирлашмаларида, энг аввало юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган бирлашмаларда пахтачиликнинг иқлимий зоналари бўйича ҳамда экспортга пахта толаси етказиб берувчи пахта заводлари сонини анча чеклаган ҳолда жамлашдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг чет элларга маҳсулот етказиб беришида машинасозлик маҳсулоти салмоғи жуда жадал ўзгариб турибди — 70-йиллар мобайнида республикадан машина ва асбоб-ускуналар экспорт қилиш ҳажми деярлик 6 баравар ортди. Ана шу давр мобайнида мазкур маҳсулотларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати экспортга мол чиқариш умумий ҳажмининг худди шундай кўрсаткичларидан 3 баравардан зиёд ортдики, бу ҳол тармоқнинг республика экспорти структурасида иккинчи ўринни ишғол қилишига имкон берди.

Ўзбекистон машинасозлигида экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш бир қанча проблемаларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Улардан бири — майда серияларда маҳсулот чиқаришдир. Республика машинасозлик саноати чет элга етказиб бераётган маҳсулот 100 дан ортиқ номда бўлиб, бу ҳол экспортга аниқ ихтисослашилмаганлигини кўрсатади. Шу билан бирга ишлаб чиқаришда катта харажатлар қилинмоқдаки, улар, ўз навбатида, экспорт маҳсулотлари самарадорлигини пасайтиради. Бундан ташқари, айрим корхоналарда стандартлар, техникавий шартлар, буюртма-нарядлар ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабларидан чекинишларга йўл қўйилмоқда, яхши кадрлар тайёрланмайди, экспорт участкаларида юқори малакали мутахассислар йўқ. Ана шуларнинг бари, шубҳасиз, ўн биринчи беш йилликда республикадан машина-техника маҳсулоти экспорт қилиш ғоят суст суръатлар билан ўсганлигида ўзини кўрсатди. Ўнинчи беш йиллик йиллари мобайнида унинг ҳажми 3,8 баравар ортиб, 1980 йилда Ўзбекистон экспорт маҳсулотлари умумий ҳажмининг 6,6 процентига етган бўлса, 1985 йилда у амалда ўша даражада қолаверди. 1986 йилда экспортга тайёрланган машина-техника буюмларнинг салмоғи 1985 йилдагига нисбатан 7,6 процент камайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми (1987 йил август) ташқи бозорга машина ва асбоб-ускуналар етказиб бериш суст ўсаётганлиги фактига эътиборни алоҳида тарзда қаратди. Бунинг конкрет айбдорлари ҳам кўрсатиб ўтилди. Чунончи, Тошкентдаги Давлат агросаноат комитетига қарашли тажриба-ремонт заводининг зиғирпоя ўриб оладиган комбайнларини, «Андижанирмаш» заводининг гидроцилиндрларини харидорлар олмай қўйди. «Узбектекстильмаш», «Средазкабель», «Узбекхлопкомаш», «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент экскаватор заводи ва бошқа корхоналар конкрет мажбуриятларини бузиб турадилар ва бу билан халқаро бозордаги шерик сифатида ўз обрў-эътиборларига путур етказмоқдалар.

Машинасозлик маҳсулоти экспорт қилишни ривожлантириш вазифалари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан, Ўзбекистон машинасозлик комплексини мустаҳкамлаш ва замонавийлаштириш конкрет тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлаб кўриб чиқилиши керак. Айни чоқда машина-техника маҳсулоти экспорт қилишга энг муҳим пировард натижа сифатида қарамоқ лозим, зеро жаҳон бозорига кириб бориш — буюмларимиз юксак фазилатларининг энг ишонарли далилигина эмас, балки истеъмолчи учун хизмат қилишни, техниканинг экологиябоп бўлишини, рекламани таъминлаш вазифаларини ва бошқа кўп масалаларни муваффақиятли ҳал этиш омили ҳамдир.

Якин келажакда халқ хўжалик планларига мувофиқ Ўзбекистон ССРда илгаригидек трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги интенсив тарзда юксалиб боради, булар пахта ва озиқ-овқат комплексларини тўлиқ ривожлантиришни таъминлашга даъват этилган. Шунингдек электротехника саноати, приборсозлик, озиқ-овқат ва енгил индустрия учун машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тез ўстириш мўлжалланган. Машинасозликнинг ана шу ва бошқа бир қатор тармоқларини замонавий техника негизида жадал ривожлантириш, янги тех-

нология жараёнларини, жаҳон техника даражасига мувофиқ бўлган машиналар, асбоб-ускуналар, узеллар ва деталларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш улар маҳсулотини кўпроқ экспорт қилиш учун зарур база ҳам яратади.

Малакали иш кучини анча-мунча миқдорда талаб қиладиган соҳа бўлмиш экспорт машинасозлиги Ўзбекистоннинг регионал шароитида, бизнинг фикримизча, босқичма-босқич ривожлантирилиши мақсадга мувофиқдир. Биринчи босқичда — яқин 5—10 йил ичида — республикада ҳозирдаёқ етарлича юксак ривожланган ишлаб чиқаришларнинг маҳсулотини экспорт қилишни анча кўпайтириш мумкин. Улар жумласига электротехника буюмлари, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология асбоб-ускуналари, уй-рўзғор машиналари ва приборлари, металл конструкциялари чиқарадиган корхоналарнинг кўпчилиги, шунингдек транспорт ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кабель саноати ва бошқа бир қатор саноат корхоналари киради. Шундан кейинги босқичларда республика машинасозлиги экспорт учун ишлаб чиқараётган буюмлар структураси жуда кўп фан ечимларини талаб этувчи мураккаб ишлаб чиқаришлар маҳсулотлари — электроника, приборсозлик, радиотехника, инструментсозлик саноати, автоматлаштириш воситалари ва телемеханика маҳсулотлари билан тобора кўп даражада тўлдирилиши лозим. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган рангли металлар ва пластмассалардан фойдаланиш, мазкур тармоқларнинг ишлаб чиқаришлари сувни нисбатан кам сарфлаши ва, ниҳоят, республиканинг кичик, ўртача шаҳарларида ва область марказларида ана шу тармоқларнинг майда корхоналарини барпо этиш ана шунга кўмаклашиши мумкин.

Ташқи бозор учун таклиф қилинаётган барча товарларнинг, биринчи навбатда машинасозлик саноати маҳсулотларининг юксак сифатли бўлишини, тегишлича халқаро рақобат қилиш қобилиятига эришиш ва уни шу ҳолда тутиб туришни таъминлаш Ўзбекистоннинг экспорт базасини ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Ана шу мақсадда ўн иккинчи беш йилликнинг қолган йилларидаёқ экспорт учун юқори сифатли товарлар ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришда қўшимча тадбирлар кўриш, чиқарилаётган буюмлар сифатини ошириш юзасидан тармоқ илмий-техникавий программаларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Маҳсулотнинг пишиқлик ва чидамлилик нормаларини ошириш, уларни ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш олдига қўйиладиган техникавий талабларни кучайтириш, ана шу норма ва талабларни халқаро стандартлар даражасида белгилаб қўйиш Главмашхлопководства корхоналари учун айниқса муҳим бўлиб, улар мамлакатда ғўзани парвариш қилиш учун мўлжалланган техникани ишлаб чиқарадиган ва етказиб берадиган бирдан-бир корхоналардир. Республикада мазкур бирлашма составига кирувчи корхоналар ва ташкилотларни ривожлантиришнинг тармоқ комплекс программалари ишлаб чиқилди ва ҳозирдаёқ амалга оширилмоқда. Машинасозлар 1990 йилга қадар 28 номдаги агрегатларни яратишлари ҳамда уларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари ва 8 номдаги агрегатларни тубдан модернизация қилишлари лозим бўлади. Пахтачилик машиналари комплексида саккиз қаторли сеялкалар, ерга ишлов берувчи универсал қуроллар, ғўзани суғуриб олиш ва майдалаш тўрт қаторли машиналари яратилади. Ўн иккинчи беш йиллик охирига қадар рақамли программа билан бошқариладиган 500 та станокни, 430 та саноат роботларини, деталларга механик ишлов бериш учун осонлик билан қайта созланадиган бешта системани жорий этиш кўзда тутилган. Ана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда экспорт машинасозлигини ривожлантиришга анча-мунча ёрдам беради.

Дунёдаги фан-техника тараққиётига оид, халқаро товар алмашувдаги ўзгаришларга оид ахборот билан ўз вақтида танишмасдан туриб, чиқарилаётган маҳсулотга ички ва ташқи бозордаги талабни ўрганмасдан, яъни ҳозирги замон маркетингининг ҳал қилувчи воситаларини эгалламасдан туриб куч-ғайратни экспорт талабларини қондирувчи буюмлар ишлаб чиқаришга қаратишнинг иложи йўқ. Маркетинг маҳсулотни янгилаш, унинг сифатини ошириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш формаларини такомиллаштириш йўналишларини белгилашда, шунингдек мазкур маҳсулотлар ишлатиладиган муайян соҳалар эҳтиёжларига уларни мослашда муҳим ўрин тутади. Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон саноатининг экспорт борасидаги фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг мавжуд даражаси машинасозлик ва бошқа ишлов берувчи тармоқларнинг ташқи бо-

зор ҳақидаги, хорижий рақобатчиларнинг фаолияти ҳақидаги конкрет маълумотларга бўлган тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини тўла-тўкис, ўз вақтида ва сифатли қилиб таъминлаш учун асло кифоя қилмайди. Ташқи иқтисодий проблемалар бўйича хўжалик ҳисобига асосланган республика ахборот-тадқиқот марказини барпо этиш, фикримизча, мазкур проблемани ҳал этишга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эдики, бу марказнинг функциялари жумласига қуйидагилар кириши лозим:

— чет элдаги фан-техника ва ишлаб чиқариш ютуқларини ўрганиш, тегишли ахборотни тўплаш ва халқ хўжалигига етказиб бериш;

— ҳозирги ва истиқболдаги экспорт маҳсулоти учун республика саноати ишлаб чиқаётган техникавий топшириқлар, шартлар, стандартлар ва бошқа илмий-техникавий ҳужжатларни келишиб олиш, бундан мақсад ана шу ҳужжатларга ташқи бозор талабларини киритиш ҳамда шу негизда чиқарилаётган буюмларнинг рақобат қилиш қобилиятини ошириш;

— чет эл фани, техникаси ва технологияси ҳақида техникавий-иқтисодий бюллетенларни ҳамда Ватанимиздан чиқаётган экспорт маҳсулотининг рақобатга қобиллиги ҳақидаги справочникларни тузиш ва тарқатиш;

— республикада чет эл фирмалари мутахассисларининг иштирокида илмий-техникавий анжуманлар ташкил қилиш;

— маҳаллий корхоналар экспортга етказиб берадиган маҳсулотнинг техникавий даражаси, сифати ва рақобатга қобиллиги ҳақида партия органлари учун ахборот тайёрлаш;

— чет элдаги янги техникани ўрганиш учун, шунингдек лицензия савдосини амалга ошириш учун уларнинг намуналарини сотиб олишни ташкил этиш;

— республика саноат корхоналарининг чет мамлакатлар фирмалари билан ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперациясининг имкониятларини ўрганиш ва бу кооперацияни ташкил қилиш;

— маҳсулотни стандартлаштириш ва сифатини контрол қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларнинг тавсияларини синчиклаб ўрганиш ва жорий этиш.

Хўжалик ҳисоби асосида яқинда барпо этилган «Узбекинторг» ташқи савдо бирлашмасининг фаолияти Ўзбекистон ССРнинг ташқи савдодаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашади. Бу бирлашманинг лицензия операцияларини биринчи навбатда олий ўқув юртлари ва Академия институтларининг ечимлари асосида амалга оширишини мақсадга мувофиқ деб биламиз.

1988 йилги планда маҳсулот, хом ашё ва материаллар экспорт қилишдан тушадиган валюта юзасидан Ўзбекистоннинг министрликлари ва идораларига биринчи марта топшириқ белгилаб қўйилди. Етказиб берилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб дифференциаллаштирилган валюта коэффициентлари бўйича совет сўмига чақиб ҳисобланган амалдаги контракт нархларга таянилган ҳолда амалга оширилиши керак, бу коэффициентлар эса анча юқори даражада саноат йўли билан ишлов берилган маҳсулотни экспорт қилишнинг фойдалилигини оширишни биринчи галда рағбатлантириши лозим. Ана шундай шароитда республиканинг экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарининг қисқа муддат ичида ва ғоят кам харажатлар қилган ҳолда рақобат қилишга қобил янги буюмлар яратиш ҳамда истиқболли бозорни ўзлаштира бориш қобилияти уларнинг экспорт соҳасида муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини, унинг экспорт базасини янада ривожлантириш, фикримизча, ташқи иқтисодий алоқаларнинг регионал проблемалари бўйича илмий прогнозларни ишлаб чиқишни ва комплекс тадқиқотлар ўтказишни талаб этадики, бу ишларни республика Фанлар академияси бажара олади.

Партия ва ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ бундан буён ошкора анализ қилишдан холи зоналар, проблемалар ва камчиликлар бўлиши мумкин эмас. Мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг узвий қисми бўлган Ўзбекистон экономикасини тубдан қайта қуришнинг ғоят мураккаб проблемаларини олдиндан илмий асосда ишлаб чиқишни зарур деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, бу гап ташқи иқтисодий фаолият каби унинг ривожланишини жадаллаштирувчи омилга ҳам батамом тааллуқлидир.

СОЦИАЛ АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ

Б. МИРЕНСКИЙ,
юридик фанлар кандидати

СОЦИАЛ АДОЛАТ ҳақида ҳозир кўп гапирмоқдалар ва ёзмоқдалар, аммо бу тушунчанинг мазмуни ҳақида ҳамма ҳам тузукроқ ўйлаб кўраяптими?

Социал адолатни турмушимизнинг принципи тарзида ва воқеликнинг ҳодисаси ҳақида талқин этиш мумкин. Масалан, иш ҳақи системасини қайта қуришда, қонунчиликни такомиллаштиришда у совет ижтимоий тузумининг принципи, энг муҳим ғояси сифатида намоён бўлади. Социал адолат эса ҳодиса сифатида бир қанча принципларга асосланади, бу принципларни рўёбга чиқариш қайта қуришни ва жадаллаштиришни амалга ошириш учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундай ҳолларда «социал адолат принциплари» деган сўз бирикмаси ишлатилади.

Бир томондан, айирбошлаш ва тақсимлаш типидаги ижтимоий муносабатларнинг мажмуаси, иккинчи томондан эса, социал, аввало ишлаб чиқариш практикаси асосида ишлаб чиқилган ва шу муносабатларни рағбатлантирадиган идеологик қадриятлар, мезонлар бу тушунчанинг асосий элементларидир. Социал адолатнинг моддий (социологик) ва идеологик (норматив-қадрият) қисмлари бирбиридан фарқ қилади. Бу қисмлар ўзаро учрашган ва қандайдир яхлит (уйғун ёки зиддиятли яхлитлик) бўлиб боғланган ҳолларда, аслида, социал адолат муаммоллари пайдо бўлади.

Кўриб чиқилаётган тушунча предмети фанлараро тадқиқотларни талаб қилади, чунки бу ўринда асосан социал муносабат ва уни баҳолаш учун миқёс яратиб берадиган қадриятнинг бирлиги тўғрисида гап бормоқда. Бинобарин, ишнинг моҳияти шундан иборатки, социалистик жамиятда айирбошлаш ва тақсимлаш якунлари адолатли ёки адолатсиз деган ҳамма қабул этган мезонлар асосида баҳоланади. Социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни яхшироқ таъминлаш учун моддий ва маънавий неъматларни қандай қилиб тўғри (техник жиҳатдангина эмас, маънавий-сиёсий, юридик ва шу каби жиҳатлардан, тўғри) тақсимлаш мумкин? — деган ва шунга ўхшаш саволларга социал адолат назарияси жавоб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Социал адолат категориясининг реал мазмунини адолат ҳақидаги қуруқ мулоҳазалар, баландпарвоз, дабдабали иборалар билан алмаштириш тўғрисидаги ҳар қандай уринишларга Қ. Маркс ва Ф. Энгельс кескин норозилик билдирган эдилар. Улар озодлик, тенглик, адолат деган «нозик» сўзлардан устамонлик билан фойдаланиш, мана шу бутун «замонавий мифология»га мўъжизакор, ўз-ўзидан таъсир ўтказувчи куч даъво қилиш ишқибозларига доимо истеҳзо билан қараган эдилар (Қ. М а р к с ва Ф. Э н г е л ь с. Асарлар, М., 34-том, 55, 234-бетлар). «Адолат», «Инсонийлик», «Озодлик» ва шу кабилар уни ёки буни минг марталаб талаб қилиши мумкин: бироқ, башарти, бирон-бир нарсанинг иложи бўлмаса, у ҳақиқатда содир бўлмайди ва ҳар қандай ҳолатда ҳам «қуруқ орзу» бўлиб қолаверади. (Қ. М а р к с ва Ф. Э н г е л ь с. Асарлар, М., 6-том, 292-бет).

Социал адолатни қарор топтириш учун аввало тақсимот муносабатларини қонун йўли билан тартибга солиш, меҳнат муносабатлари соҳасида адолатни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш зарур. Ҳал этилиши лозим бўлган вазифа ҳар бир кишининг ҳиссасини табақалаштирган тарзда аниқ эътиборга ола биладиган,

жамиятимизнинг ахлоқий позицияларига тенгчилик, асоссиз имтиёз ва енгилликлар имкониятини соқит қила оладиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг эпчил формаларини белгилаб қўйишдан, моддий ва маънавий рағбатлантириш системасини яратишдан иборат.

1987 йилда бирлашмалар, ташкилотлар, корхоналарда иш ҳақи системаси қайта қурила бошланганлиги маълум. Бу ўн иккинчи беш йилликнинг катта социал тадбиридир. Ставка ва окладларни ошириш маблағларини меҳнат коллективларининг ўзлари ишлаб топиши кераклигини, меҳнатни моддий рағбатлантиришни кучайтиришда коллективларнинг ташаббуси ва мустақиллиги ошиб боравериши таъкидлаш муҳимдир. Ҳар бир киши ҳиссасининг микдори ва сифатини ҳеч ким бригаданинг ўзидан яхшироқ баҳолай олмайди. Бригада аъзолари ҳозир ишчининг разряди унинг ҳақиқий малака даражасига ҳамиша ҳам мос келавермаслигини яхши биладилар. Баъзан бу даража пастроқ, кўпинча эса юқорироқ бўлади. Бунинг сабаблари ҳар хил: у иш ҳақи фондининг лимитига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига ва шу кабиларга боғлиқ бўлади. Аммо, одатда, натижа битта — қаноатланмаслик, баъзан эса можаролардан иборат бўлиб чиқади. Меҳнатга баҳо бериш вазифаси бригада ихтиёрига олиб берилган тақдирда маънавий ва ишлаб чиқариш соҳаларида кўриладиган зарарни камайтириш мумкинлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Муттасил яхши ишлайдиган мустаҳкам бригадалар шу билан фарқ қиладики, уларда: ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша, деган социал адолат принципи муттасил қарор топаверади. Инсоннинг ишлаб чиқаришдаги самарадорлигигина эмас, шу билан бирга унинг профессионал маҳорати, интизоми ва масъулияти ҳам тан олинадиган меҳнатдаги иштироки коэффициенти шу принципни рўёбга чиқаришнинг синалган воситаларидан биридир. Меҳнатдаги иштирок коэффициентини танлаб олиш ҳуқуқи кўпчилик ҳолларда бригадаларнинг ўзида қолдирилди, бу принцип ва мезонларни бригадаларнинг ўзи белгилайди.

Айрим хўжалик раҳбарларининг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тенгчилик, инсоннинг ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшган реал меҳнат ҳиссасини эътиборга олмаслик иллатлари содир бўлмоқда. Ўтказилган тадқиқот маълумотларига қараганда, баъзи корхоналарда меҳнат интизомини бузувчиларнинг ярмиси моддий жиҳатдан, тўртдан бир қисми маънавий жиҳатдан рағбатлантирилган кишилардир. Қонунда белгиланган меҳнатга қараб ҳақ тўлаш усулининг табақалаштирилмай жорий этилиши социал адолат туйғусини таҳқирлайди, шахсни маънавий йўлдан оздиришга олиб боради.

Амалда «устун» тармоқлар ҳамиша ҳам асосланган тарзда белгиланаётгани йўқ, меҳнат ҳақи ва ижтимоий фондларни тақсимлаш системалари кўпайиб кетган, натижада бир хил малакали ходимлар нисбатан тенг шароитларда ҳар хил ҳақ олмоқдалар. Масалан, турли корхоналарда олтинчи разрядли компрессорчилар, токарлар, фрезерчиларнинг меҳнат ҳақидаги тафовут 30—40 процентга боради. Бу эса кадрлар қўнимсизлигининг сабабларидан биридир. Бунинг устига меҳнатсиз топилган пуллар одамларнинг шахсий психологиясини бузади. Чунончи, Навоий областининг Белтов, Мурунтов, Солнечний посёлкаларида ўрта умумий таълим мактаблари ўқитувчиларига геологлар сеткасига мувофиқ ҳақ тўланади. Бир ярим ставкагача дарс берадиган ўқитувчилар педагогика стажига қараб 500 сўм ва ундан ҳам кўпроқ ҳақ олар эдилар, аммо улар айникса тарбиявий ишда унчалик самарадорликка эришмасдилар. Баъзи мактабларда тартиб ўрнатишга қарор қилинганида турли ташкилотларга шикоятлар юборила бошланди. Баъзи шикоятчиларнинг ҳомийлари ҳам топилиб қолди, улар меҳнат ҳақи маҳкамачиликка ва маҳаллийчиликка йўл қўймайдиган илмий асосланган норматив-юридик ҳужжатларга мувофиқ тартибга солиниши кераклигини унутиб қўйдилар.

Социализмнинг меҳнатга қараб ҳақ тўлашдан иборат асосий принципини изчиллик билан турмушга татбиқ этиш меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан назоратни кучайтиришни, виждонсизликка ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши муросасиз курашишни талаб қилади. Социал адолатни бузиш умумий маънавий-психологик муҳитга салбий таъсир қилади, айрим ходимларнинггина эмас, бутун-бутун коллективларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини сусайтиради, жамиятнинг турмуш йўналишлари системасини издан чи-

қаради, маънавий қадриятлар шкаласини қашшоқлаштириб қўяди. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори (1986 йил май) ва айни бир вақтда қабул қилинган СССР Олий Совети Президиумининг «Меҳнатсиз даромадлар олишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан давлат ва жамоат назоратини янада такомиллаштиришга, виждонан қилинган ҳалол меҳнатнинг обрўсини оширишга қаратилган. Бу ҳужжатлар ва шундан кейин республикаларда ишлаб чиқилган норматив актлар халқ хўжалигидаги номутаносибликларни, нуқсонларни тугатиш йўлидаги курашнинг асоси бўлиб қолди. Масалан, республика қишлоқ аҳолиси ўз даромадларининг 60—65 процентини шахсий хўжаликдан олишини мана шундай нуқсонлар жумласига қўшиш мумкин.

Адолат туйғуси — инсон вужудидаги энг нозик туйғудир. Ҳозир одамлар социал адолатни бузишга қарши активроқ кураша бошладилар. Анчагина янгиланган ва мустаҳкамланган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари уларга ёрдам бермоқдалар. Прокуратура фаолиятидаги ўзгаришлар катта аҳамиятга эга. Яқиндагина республикада прокурор назоратининг ролини пасайтиришга уринишлар бўлганлиги маълум. Ҳамма жойда жиноятларни текширишга аралашув содир бўлар, прокуратуранинг мустақил ҳаракатларига, унинг қонунчиликни бузишга нисбатан қаттиқ чора кўришига тоқатсизлик ҳоллари учраб турар эди. Бу практика маҳаллий кайфиятлар ва таъсирларга қараб принципсиз иш тутадиган «чўнтаки» прокурорларни юзага келтирди. Ҳолбуки, СССР Конституциясининг 168-моддасида «Прокуратура органлари ўз ваколатларини амалга оширишда ҳар қандай маҳаллий органлардан мустақил бўлиб, фақат СССР Бош прокурорига бўйсунадилар», деб ёзиб қўйилган.

Ҳозир прокуратуранинг иши КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1987 йил 4 июнидаги мажлисида қабул қилинган қарорга мувофиқ қайта қурилмоқда.

КПСС Программасида таъкидланишича, кадрларга ишонч уларга нисбатан талабчанлик билан, уларнинг иш натижалари учун, партия ва давлат интизомига риоя этилиши учун партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари олдидаги шахсий масъулиятини ошириш билан, раҳбарларнинг фаолияти устидан омманинг назоратини кучайтириш билан бирга қўшиб олиб борилиши зарур. Совет кишиларини, айниқса ёш авлодни юксак гражданлик руҳида вояга етказиш, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш уларнинг социал-сиёсий активлигини, камчиликларга, ҳуқуқ бузиш ҳолларига нисбатан муросасизлигини, жамият манфаатларини ҳимоя қилишдаги онглилигини ривожлантиришнинг таъсирчан воситаларидан бири бўлиб қолиши керак.

Ҳар бир совет кишисининг маънавий поклиги катта аҳамиятга эга. Бизнинг маънавий қадриятларимизни англашда ҳар хил талқинларга, дўқ-пўписа, ўз фикрини зўрлаб қабул қилдириш усулларига йўл қўймаслик керак. Бир мисол келтирамиз. Оиладаги жанжал қўйди-чиқдига олиб борди. Қўйди-чиқдининг ўзи бир фожиа бўлса ҳам, бунинг устига институт раҳбарларидан бири муаллимни, хотинингдан ажралсанг, ишдан бўшатамиз, деб огоҳлантирди. Бу йўл билан оилани мустаҳкамлаш ҳам, қўйди-чиқдининг олдини олиш ҳам мумкин эмаслиги равшан. Кейинги йилларда мамлакатимизда қўйди-чиқди бирмунча камайди. Совет давлати оиланинг барбод бўлиши олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг кенг системасини амалга оширмоқда, ичкиликбозликка қарши сиёсат шу чора-тадбирлар орасида муҳим ўрин олади. Аммо чора-тадбирларнинг бу системасида ишдан бўшатиш билан дўқ уриш кўзда тутилмаган. Бунинг устига олий мактабдаги «ахлоқ посбони»нинг ўзи ахлоқсиз бўлиб чиқди: ўзига бириктирилган автомашина шофери оилавий бўлишига қарамай, ўз қизини унга қўшиб қўйди. Бировнинг оиласини бузиш, икки болани отасиз қолдиришни бу раҳбар ўзига эп кўрди.

Республикамизда иккиёқлама ахлоқ: ўзи учун бир хил, ўзига бўйсунувчилар учун иккинчи хил ахлоқ бор деб ўйлайдиган раҳбар ходимлар ҳали ҳам топилади. Тўғри, бундайлар энди тобора камайиб бормоқда. Уларни бутун халқ қисувга олмоқда. КПСС XXVII съездининг партия Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан қабул қилган резолюциясида қуйидаги сўзлар бежиз айтилмаган: «Ҳар бир раҳбар ўзининг ғоявий саботлилиги, юксак сиёсий маданияти, омилкорлиги,

коллектив ишни ташкил эта билиши, одамларни шахсан ўрнак кўрсатиб руҳлантира олиши, принципларга содиқлиги, қатъий, ахлоқий эътиқоди, ҳамиша омма билан алоқа қилиб туришга эҳтиёж сезиши, одамларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини ўз ҳаётий иши деб билиши билан ажралиб турмоғи лозим».

Бироқ, ҳали ўзларининг ҳақиқий башарасини баландпарвоз сиёсий иборалар билан ниқоблайдиган, ўзгараётган вазиятга тез мослашиб ола биладиган раҳбарлар бор. М. С. Горбачев Краснодардаги партия активлари билан учрашувда уқтириб ўтганидек, бундай раҳбарлар гарчи принципларимизга, қонунларимизга, ахлоқимизга ва ҳозирги сиёсатимизга зид бўлса ҳам, умрини яшаб бўлган эски тартибларни сақлаб қолиш, ўз имтиёзларини сақлаб қолишни асосий мақсад қилиб олганлар. Баъзан улар қайта қуриш ҳақида бақириб-чақириб гапирадилару, амалда эса ҳар қандай, шу жумладан, жуда усти ялтироқ важлар билан унга тўсқинлик қиладилар. Республикамизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми (1984 йил), партия XXI съезди, Марказий Комитетнинг шундан кейинги пленумлари белгилаган ва кўпчилик аҳоли қўллаб-қувватлаган баъзи тадбирлар ҳозирча кутилган натижани бермаганлигининг сабаблари ҳам ана шундан иборат.

Афсуски, иккиёқлама ахлоқ кишиларига ҳамиша ҳам зарба берилаётгани йўқ, уларни фош қилиш ҳам осон эмас, чунки улар масъулиятдан қутулиб қолиш ниятида жамоатчилик олдида социал адолат қарор топиши учун курашчи бўлиб кўринишга ҳаракат қиладилар. Айниқса гап, масалан, ички ишлар органлари ҳақида борганида, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш вақтида мана шуни албатта эътиборга олиш лозим. Бу органлар хизматига кирувчилар текширишдан ўтказилиши сир эмас. Шу органларнинг баъзи ходимлари салбий ҳодисаларга қарши курашда ишончни оқламаганликлари сабабли одамларни пухта танлаш мақсадида бу соҳадаги текшириш муддати узайтирилди.

Ҳозир ички ишлар органлари коммунист ва комсомоллар билан, меҳнат коллективларининг энг яхши намояндалари билан тўлдирилмоқда. Партия органларида вақти-вақти билан ички ишлар органларида хизмат қилиш учун номзодлар танлаш тўғрисида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ахбороти тингланмоқда.

Ёш авлодни тарбиялаш учун социал адолат принципига риоя қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ёшлар бошқа социал группаларга нисбатан сиёсий жиҳатдан ғўрроқ бўлса ҳам, идроклироқдир. Бу гап ижодкор ва студент ёшларга айниқса тааллуқлидир, улар социал адолат принципларндан ҳар қандай четга чиқиш ҳолларини дарҳол пайқаб олиб, ўткир назар билан қарайдилар. Рўй бераётган ўзгаришларга салбий кайфиятда бўлган, эскича яшашга одатланиб қолган ва янги шароитда ўзларини бемалол ҳис эта олмаётган кимсалар баъзан шундан фойдаланиб қоладилар. Улар ўзгартишларга ошкора қарши чиқа олмайдилар, шу сабабли улар ёшларга таъсир ўтказиб, асосан миллатчилик шиорларини сингдиришга уринадилар. Масалан, Олмаотадаги воқеалар шуни кўрсатди, бу воқеалар республикамиз комсомол ташкилотига ҳам сабоқ бўлиши керак. Миллатчилик кайфиятларнинг куртаклари пайқаб олинмаётган, ўз вақтида муносиб зарба берилмаётган жойларда интернационал тарбия ҳам йўқ. Тошкентдаги баъзи олий ўқув юртларида, техникум ва билим юртларида, айниқса медицина, музика, савдо ва юридик профилдаги ўқув юртларида ўқувчилар, ҳатто муаллимларнинг ҳам кўпчилиги туб ерли миллат кишилари эканлигига Ўзбекистонда яқиндагина эътибор берилди. Ҳолбуки, Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат кишилари яшаб турибди. Студентларнинг кўплари рус тилини яхши билмасалар ҳам, улар ётоқхоналарга миллий белгиларига қараб жойлаштирилганлиги асло майда масала эмас. Шу муносабат билан энди ҳамма жойда рус тили тўгараклари очилаётганини таъкидлаб ўтмоқчимиз, бу тилни ўрганиш сиёсий тадбир деб қаралиши керак.

Ишчилар синфи сафларини туб ерли миллат кишилари ҳисобига ўстириш бизнинг республикамиз учун, социал адолат принципларини қарор топтириш жиҳатидан ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу жараён давом этмоқда, аммо ҳозирча суст бормоқда. Ўрта Осиё республикаларида ишчилар синфи асосан «энига», аксарият қишлоқ аҳолиси ҳисобига ўсаётганини, унинг сафига қўшилаётган янги

ишчилар ҳали чуқур анъаналарни ўзлаштириб олмаганлигини, ишчиларга хос коллективчилик ахлоқининг норма ва қадриятларинигина ўрганаётганини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Унинг маданий-техникавий савиясини ошириш муаммоси ҳам жуда ўткир бўлиб турибди. Бунинг сабаби шуки, Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳунар-техника таълими системаси унчалик юқори суръатлар билан ривожланмаяпти. Умуман мамлакатда тегишли ёшдаги йигит-қизларнинг ярмига яқини шу системада таълим олаётган бўлса, бизнинг республикамизда 35—40 процентдан ошмайди.

Ишчилар синфининг бунёдкорлик потенциали ошиб бораётганлиги унинг сафлари ижодкор ва фан-техника зиёлилариининг намояндалари билан тўлишида ҳам ифодаланиши керак. Ишчилар ижодий союзлар аъзолигига қабул қилиниши, уларга илмий даража ва унвонлар берилиши аста-секин ҳаёт нормаси бўлиб қолмоқда.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси ҳужжатларида амалиётчи ходимларнинг диссертация ёқлашини рағбатлаштириш, бунинг учун уларга тегишли шароит яратиб бериш зарурлиги, чунки ҳар бир диссертация тадқиқоти амалда қўлланилиши кераклиги доимо таъкидланмоқда. Афсуски, буни ҳамма ҳам тушунаётгани йўқ. Баъзан эса айрим «атоқли олимлар» фандаги ўринларидан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқиб, четдан келганларга, айниқса улар ёш бўлса, тўсқинлик қилишга уринмоқдалар. Масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг философия ва ҳуқуқ институтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиётчи ходимининг докторлик диссертацияси бир неча бор муҳокама қилинди. Бу диссертация хусусидаги кўпгина фикр-мулоҳазаларда у социал адолат ғоялари руҳи билан суғорилганлиги таъкидланган. Диссертациянинг мазмуни хусусида ҳеч кимда шубҳа бўлмади, шунга қарамай, диссертация ёқловчи олти йилгача диссертацияни ёқлашга йўл оча олмади, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аралашувигина унга ёрдам берди. Ажабо, философия ва ҳуқуқ соҳасидаги олимлар социал адолат принципини рўёбга чиқариш учун биринчи навбатда курашмайдиларми, ахир. Ҳозир Ўзбекистонда, масалан, юристлардан фан докторлари орасида олтмиш ёшдан кам киши деярли йўқ. Бу ёшда олимлар, айниқса ҳуқуқ бузиш ҳолларига қарши кураш каби соҳада практикадан четлашиб қолишлари табиий. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида (1986 йил ноябрь) илмий тадқиқотлар савиясини ошириш, бу соҳалардаги энг зарур проблемаларни актив ишлаб чиқиш, юридик фаннинг практика билан алоқасини мустаҳкамлаш, мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, техникумларда ва олий ўқув юртларида юридик кадрлар тайёрлашни, ҳуқуқ таълими системасини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланган.

Социал адолат кўп жиҳатдан партиянинг социал сиёсатини амалга ошириш чоғида рўёбга чиқарилмоқда. Маълумки, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг 1986—2000 йилларга мўлжалланган Комплекс программасини қабул қилдилар. Бу программа оқилона эҳтиёжларни шакллантириш, социалистик турмуш маданиятини тарбиялаш, бўш вақтдан оқилона фойдаланиш учун шароит яратиш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бориш билан боғлиқдир.

Ўзбекистондаги маиший хизмат соҳасининг ҳолати ҳозирча замонавий талабларга жавоб бермайди. Бизда хизмат турлари бошқа республикаларга нисбатан камроқ. Қишлоқ жойлардаги ишнинг аҳволи айниқса ёмон. Ҳар олти хўжаликнинг бирида аҳоли хизматнинг атиги 1—2 туридан фойдаланмоқда, колхоз ва совхозларнинг кўпчилик қисмида эса умуман хизмат кўрсатилмаяпти. Йирик шаҳарлардаги саноат корхоналарида ҳам бу иш дурустроқ йўлга қўйилмаган. Масалан, икки миллионли Тошкентда электр устарани ремонт қиладиган атиги бир-иккита пункт бор. Аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш жиҳатидан республика мамлакатда охирги ўринда турганлиги тасодифий ҳол эмас. Шуни эътиборга олиб ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ҳажми 1,7 баравар, яъни умуман мамлакатдаги даражадан кўпроқ кўтарилади. Халқ хўжалигининг бевосита аҳолига хизмат қиладиган тармоқлари жадал ривожлантирилмоқда. Беш йиллик охирига бориб радиоэлектрон аппаратлар, рўзғор маши-

на ва приборлари, мебель, бошқа турдаги рўзғор асбобларини ремонт қилиш ва техникавий қараш соҳасидаги хизматларга аҳолининг эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш режалаштирилмоқда. Рўзғор техникасига абонемент усулида ва шошилинч хизмат қилиш, шунингдек бузилган рўзғор приборларини илгари ремонт қилиб қўйилганлари билан айирбошлаб бериш кенг жорий этилади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ хизмат маданиятини ошириш, хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотларни иш, ўқиш ва истиқомат жойларига яқинлаштириш вазифаси амалга оширилмоқда. Йирик саноат корхоналари ҳузурида, колхоз ва совхозларда маиший хизмат муассасалари ва пунктлари тузукроқ ишлай бошлаши керак. Медицина хизматига, аҳолининг жисмоний маданиятини ривожлантиришга ҳам шу гап тааллуқлидир. Истиқомат ва иш жойларида соғломлаштириш комплекслари ва физкультура-соғломлаштириш комбинатларини кўпайтириш, ҳар бир меҳнат коллективининг спорт иншоотлари бўлишига эришиш лозим.

Бироқ, афсуски, ҳар бир корхона, муассаса ёки ташкилотга ҳам спорт формаси ва анжомлари сотиб олиш учун лимит ажратилаётгани йўқ. Лимит «ундириб олиш» узоқ вақтга чўзилиб кетмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам баъзан шундай бўлмоқда. Масалан, Зарафшонда шаҳар касалхонаси йўқ. Шаҳарнинг эллик минг аҳолисига, шунингдек унинг атрофидаги посёлкаларда яшовчи кишиларга марказий кон бошқармасининг медицина-санитария қисми хизмат қилмоқда. Кўпинча ҳатто шамоллашга қарши дорини ҳам топиш қийин. Умуман соғлиқни сақлаш системасида узоқ давом этган турғунлик, врач кадрлар тайёрлашдаги катта нуқсонлар, илғор иш форма ва методларини жорий этишга талабчанлик пасайиб кетганлиги медицина ва фармацевтика ёрдамининг сифати хусусида кўп шикоятларга сабаб бўлди. Бу соҳада жиноятлар бўлишига эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ҳолбуки, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Бош дорихоналар бошқармаси ва «Зооветснаб» системаларининг ходимларидан иборат бир гуруҳ мансабдор шахслар харидорлардан уриб қолиш ҳисобига ортиқча дори-дармон ғамлаб қўйганлар. Сўнгра уни айрим дорихоналарнинг мудирлари орқали пуллаганлар. Айбдорлар узоқ муддат озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинди.

Ҳозир аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш вазифаси жиддий, амалий равишда ҳал этила бошлади. Энди Ўзбекистонда таниқли совет ва ажнабий олимлар иштирокида медицина ходимларининг анжуманлари тез-тез ўтказилмоқда.

Социал адолатни қарор топтириш ишида муросасозлик бўлмаслиги керак. Бироқ ўзларининг ножўя хатти-ҳаракатлари учун ҳақли равишда партиявий ва давлат жавобгарлигига тортилган кўпгина шахслар гўё кадрлар «қувғин» қилинмоқда деган нотўғри жамоатчилик фикрини вужудга келтиришга уринаётганликларини биламиз. «Собиқлар» ранжиган эмишлар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида тартиб ва адолат ўрнатиш йўлидаги курашни оз бўлмаса миллатга қарши кампания деб талқин этиш борасида гарчи пардаланган бўлса ҳам айрим уринишлар бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳаддан ташқари хатарли тус олган салбий ҳодисаларни оммалаштиришда айбдор бўлган кимсалар — халқ эмас. Бинобарин, уларнинг ленинча миллий сиёсатга шубҳа туғдириш ва шунингдек ўзларини республикамиз меҳнаткашларининг кўпчилиги жумласига қўшиш йўлидаги уринишлари беҳудадир.

Обывателларча фисқ-фасодлар, камчиликлардан завқланмоқ ҳам катта зиён етказади. Рўй бераётган ўзгаришларга мешчанларча қараш ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг фидокорона меҳнати туфайли эришилган ҳақиқий муваффақиятларни инкор қилишга, республикадаги маънавий-психологик вазият ўзгара бошлаганини, партия ва давлат интизоми мустаҳкамланаётганини, қўшиб ёзишларга, ўғирликларга, пора олишларга ва бошқа суиистеъмолларга қарши кураш кучайиб бораётганини онгли равишда камайтириб кўрсатишга олиб боради.

Ўзбекистонда жадал олға ҳаракат қилиш учун ҳамма имкониятлар бор. Партия ташкилотлари ҳозир иқтисодий ва социал жараёнларни бошқариш воситаларидан яхшироқ фойдаланишга, ўз умрини яшаб бўлган, турмушимизни революцион янгилашга халақит бераётган ҳамма иллатларни таг-туби билан кўпориб ташлашдаги куч-ғайратларини оширишга интилмоқдалар.

САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ПАРТИЯ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КОЛЛЕГИАЛЛИК

Қ. САЛИКОВ,
Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҳамда уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари фаолиятида коллегиаллик партия ички демократиясининг асосий талабларидан бири, партия қурилишининг туб масаласи, марксча-ленинча партиянинг табиатидан келиб чиқадиган объектив заруратдир. Жамиятимиз тараққиётининг жадаллаштириш ва қайта қуриш, турмушнинг ҳамма томонларини сифат жиҳатдан янгилаш революцион характер касб этган ҳозирги шароитда барча масалаларни ҳал этишда коллегиаллик аҳамияти кўп марта ошиб бормоқда.

Партия ташкилотлари, уларнинг сайлаб қўйиладиган органларининг коллектив заковатигина тўғри сиёсий йўл, уни муваффақиятли амалга ошириш йўлларини топишга қодир эканлиги тажрибада исботланган. К. Маркс таъкидлаган эдики, «ҳеч ким бошқалар билан маслаҳатлашмай туриб партия номидан гапирмаслиги лозим» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 29, с. 517).

Яқин ўтмишда коллектив раҳбарлик принципларидан чекиниш, бошқарувда буйруқбозлик, маъмурий-тазйиқ кўрсатиш услуби, таассуфки, кўпгина партия ташкилотлари ҳамда уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари учун норма бўлиб қолган эди. Қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, юртдошлик сурбетларча авж олди, биринчи шахснинг сўзи қонун, барча масалаларни амалда унинг бир ўзи ҳал этар, аппарат билан сайлаб қўйиладиган орган эса мисоли бир итоатгўй механизм эди.

Бутун Ўзбекистонда бўлгани каби автоном республикамизда ҳам бу нарса 70—80-йиллар чегарасида айниқса яққол намоён бўлди. Ҳамма ерда коллегиаллик принципи бузилди, лаганбардорлик ва хушомадгўйлик авж олди, танқиддан холи зона вужудга келди, бутун район ёки регион муваффақиятлари бир кишига нисбат бериларди. Биринчи раҳбарларда бой-тўраларча қилиқлар, калондимоғлик, ўзининг бенуқсонлигига ишонч ҳисси пайдо бўлди.

Ўзбекистон Компартияси МК XVI пленумидан (1984 йил июнь) кейин партия турмуши ленинча нормаларидан чекинишларга қарши, ишда ленинча услубни, партиявий раҳбарликнинг ленинча принципларини қарор топтириш учун кураш бошланди. КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари бу жараённи чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун қулай шароит яратди.

Йиллар давомида қарор топган андозаларни, эски одатларни бузиш партия комитетларига осон бўлмаяпти. Ана шу касаллик оқибати ҳозир ҳам сезилиб турибди, зеро баъзи жойларда қайта қуришнинг етилган муаммоларини сийқа, умрини тугатган восита ва методлар билан ҳал қилишга уринмоқдалар. Район партия комитетларининг бюро мажлислари, баъзан эса пленумлари ҳамиша ҳам принципиаллик, ошкора фикр алмашув муҳитида ўтмаяпти. Уларда қарор қабул қилишда кўпинча муросасозлик, келишувчилик позицияси, ҳамма нарсани кечираверищ руҳи устун келмоқда.

Қайта қуришни ҳар ким ўзидан бошлаши керак деяр эканмиз, бу гап энг аввало область, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарларига тааллуқлидир. Ахир, кадрларни жой-жойига қўйишдан тортиб ғишт тақсим-

лашгача бўлган барча масалаларни ҳал этишни аввалгидек ўз зиммамизга ола берадиган бўлсак, иш яқин орада ўрнидан силжимайди-ку. Бу номаъқул услуб — маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув мевасидир.

Жамиятимиз қайта қуришнинг иккинчи босқичига кирган ҳозирги пайтда, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1987 йил ноябрда партиямиз Марказий Комитетида бўлган кенгашда таъкидлаганидек, бир-бири билан боғлиқ, бир-бирини тақозо этувчи — жамиятни янада демократиялаштириш ва туб иқтисодий ислоҳотни ўз ичига оладиган йўл бу босқичнинг ўзагини ташкил этиб турган бир пайтда — тарихнинг ана шу ниҳоятда муҳим палласида партия ташкилотлари масъулияти янада ошади. Бу эса партия ҳозирги босқичда жамиятнинг сиёсий авангарди бўлишдан иборат ўз ролини ўз методлари, ҳаракат усуллари янги талабларга монанд бўлишини назарда тутган ҳолда қайта идрок қилиши керак демакдир.

КПСС Марказий Комитетида бўлган ўша кенгашда айтилдики, шунчаки кистовга олиш, шунчаки буйруқ бериш, шунчаки ҳаммани райкомга чақиравериш — бу усул эмас, чунки хўжалик ҳисоби орқали ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ҳамма бўғинлари — тармоқлар, бирлашмалар, коллективларнинг, ҳар бир меҳнатчининг ташаббусига кенг йўл очилади. Вазифаларни ҳал этишнинг янгича ёндашувларн, янги усуллари керак. Ҳозир партиянинг обрў-эътибори аввало кучларни бирлаштириш маҳорати билан, одамларнинг қайта қуришда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш қобилияти билан бирга ўсиши мумкин. Бу гап сайлаб қўйиладиган партия органларига батамом тааллуқлидир.

КПСС МҚ июнь (1987 йил) Пленумида кўрсатиб ўтилдики, бизда экономикани бошқаришда анча-мунча яроқсиз нарсалар, беташвиш ҳаёт кечиришга мос консерватив норма ва тартиб-қоидалар йиғилиб қолган, хўжаликни юритиш механизми бизнинг ўзимиз учун пайқамаганимиз ҳолда хўжасизлик механизмига айланди.

Туб иқтисодий ислоҳот хўжалик ходимларинингина куч-ғайратини талаб этмайди. Партия ташкилотлари ўз амалий фаолиятларида инсон омили, унинг ижодий потенциалини қанчалик активлаштира олишларининг, коммунистларнинг авангардлик ролини амалда таъминлашларининг аҳамияти ҳам кам эмас.

Худди шу боисдан муҳим умумпартиявий кампания — партия комитетларининг пленумлари ва партия йиғилишлари ўтказишга жуда пухта тайёргарлик кўрдик, уларда сайлаб қўйилган органларнинг ҳисоботлари тингланди. Қайта қуришга партиявий раҳбарлик услуб ва методларининг таҳлили, ютуқ ва камчиликларнинг принципиал муҳокама этилиши бутун сайлаб қўйилган партия активи ишини жонлантиришимизга, парткомлар фаолиятини қайта қуришнинг янги босқичи талаблари даражасига кўтаришимизга ёрдам бермоқда.

Ана шу талаблар орасида коллектив раҳбарлик принципи асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг аҳамияти партия XXVII съездида яна бир бор таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида бундай дейилди: «Ҳар бир партия ташкилоти турмуши соғлом бўлишининг энг муҳим шарти — **коллективчилик принципини** изчил амалга оширишдир... Коллектив раҳбарлик принципига қатъий риоя қилиш ва уни бутун чоралар билан мустаҳкамлашгина субъективистик айнишлар йўлига ғов солиши, пухта ўйланган, асосланган қарорлар қабул қилиш учун шарт-шароит яратиши мумкин».

Ҳар қандай ишда, айниқса кенг кўламли ишда ҳар ким ҳам хато қилиши мумкин. Партия бундан чўчимасликка, дадил, собитқадам ҳаракат қилишга даъват этади. Қайта қуриш шароитида барча проблемаларимизни ҳал этиш калити кенг демократия ва ошкораликдир. Уларни ҳар тарафлама ривожлантириш партия органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Аммо жойларда, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленумида таъкидланганидек, ошкораликнинг, демократизмнинг ривожланиши анча қийин, баъзи жойларда ҳатто жуда оғир кечаётир. Автоном республикамиз хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Айрим хўжалик раҳбарларимизда, совет ва ҳатто партия ходимларимизнинг бир қисмида демократик ўзгаришларни тушунмаслик ва улардан чўчиш ҳоллари намоён бўлди. Бу баъзан жиддий вазиятларга олиб

келди, чунки кишилар ўзларининг манфаатларига дахлдор масалаларни уларнинг хоҳиш-иродасисиз ҳал этилиши билан бундан буён муроса қилишни истамайдилар. Бизда битта йўл бор — кенгайиб бораётган демократия шароитида ишлашни ўрганишимиз, барча қарор ва ҳаракатларимизни жамоатчилик фикри билан солиштириб кўришимиз, баҳс-мунозаралардан, фикр ва позициялар тўқнашувидан чўчимаслигимиз керак. Бу энг аввало партия комитетлари билан ташкилотларига тегишли.

Қорақалпоғистон партия ташкилоти мисолида сиёсий ишда, ташкилотчилик ва идеология фаолиятида янгича ёндашувларни ўзлаштириш осон кўчмаётганлигини кўриб турибмиз. Бу эса кўп жиҳатдан психологик момент билан боғлиқ: раҳбарлик лавозимларида ҳали ҳам фақат ўз фикрларини «бенуқсон» деб ҳисоблайдиган кишилар бор, кимнингдир ҳамон танқидга «териси юпқа», баъзилар ошкораликни қийинчилик билан ҳазм қиляпти. Шу сабабли ҳозир энг қийини — психологияни қайта қуриш десак, муболаға эмас. Аммо бу иш давом этиши лозим ва биз унга барча чора ҳамда воситалар билан ёрдам берамиз.

Ҳозир автоном республикада, аввало область партия ташкилотида демократик жараёнларни чуқурлаштириш учун кўп нарса қилинмоқда. Партия комитетларининг пленум ва бюро мажлислари, партия активи ҳамда бошланғич партия ташкилотлари йиғилишлари мунтазам ўтказилмоқда. Пленумлар ва бошқа коллегиал органлар муҳокамасига қўйиладиган масалалар одатда аввал бўлимларда, ишчи секретариатда, сўнгра эса партия комитети бюроси мажлисида кўриб чиқилади. Қарорларни қабул қилишда энг аввало у ёки бу участкага партиявий раҳбарликни кучайтириш заруратидан келиб чиқиб иш тутамиз.

1987 йилдан эътиборан область партия комитетида пленумлар, партия активи йиғилиши, конференциялар арафасида сайлаб қўйилган активни доклад тезислари билан олдиндан таништириш одат тусига кирди, бу эса докладнинг энг сўнгги вариантини тайёрлашда коммунистларнинг қимматли таклифларини ҳисобга олиш имконини бермоқда. Нукус шаҳар партия комитети ва райкомларда ҳам шундай иш олиб борилмоқда. Бу тадбирбозлик ва андозалардан қочиш, бир қанча янги форма ва методларни ишлаб чиқишга ёрдам берди.

Чунончи, эндиликда партия активистларининг куч-ғайрати, билим ва тажрибасидан бошқача фойдаланилмоқда. Активистларни танлаш чоғида раҳбар учун зарур бўлган барча фазилатлар ҳисобга олинмоқда, сайловларнинг ўзи эса талабчанлик муҳитида ўтмоқда.

Жойларда иш аҳволини пухта ўрганишга, ижобий жиҳатларни аниқлаб, етилган муаммоларни тадқиқ этишга катта эътибор бермоқдамиз. Бу ишга партия комитетлари аъзоларидан ташқари мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳам жалб этилмоқда. Улар жойларда бўлар эканлар, бор нарсани қайд этиб қўя қолмайдилар, балки амалий ёрдам кўрсатадилар, аниқланган резервлардан қай йўсинда яхшироқ фойдаланиш хусусида маслаҳат берадилар, камчиликларни вақтида бартараф этишга кўмаклашадилар. Обкомнинг кейинги пленумларида муҳокама этилган масалаларни тайёрлашда худди шундай бўлди.

Масалан, область партия ташкилотининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида капитал қурилишни тубдан яхшилаш борасида автоном республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида сўз юритилган V пленумини бошқалар қатори обком аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан элликка яқин киши тайёрлади. Улар қурилншлардаги иш аҳволини чуқур таҳлил этиб, кўпгина қимматли таклифлар киритдилар. Обкомнинг VI пленумида муҳокама этилган масалани тайёрлашда 200 дан ортиқ активист қатнашди.

Партия комитетларининг ижрочи органлари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бюро ишида ишчанлик, оперативлик кўпайди, улар аъзоларининг партия ташкилотларидаги иш аҳволи учун, қабул қилинган қарорлар тақдири учун жавобгарлиги ортди. Совет органлари компетенциясига кирадиган масалаларни қараб чиқиш ҳолларига аста-секин барҳам бермоқдамиз, қўшма қарорлар қабул қилишдан воз кечдик. Бу тадбирлар совет органларининг ҳам, хўжалик органларининг ҳам мустақиллиги ва масъулиятини оширмоқда.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларини коллегиал тарзда ҳал этишда, меҳнаткашлар куч-ғайратини коллектив олдида турган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга сафарбар этишда бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг сайлаб қўйилган органлари ролини муттасил ошириб бориш тўғрисида область партия комитети доимо ғамхўрлик қилади. Партком, партбюро мажлислари, коммунистлар йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикаси такомиллашиб бормоқда. Бунда бюро аъзолари, оддий коммунистларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари учун кўпроқ имкон берамиз. Муҳими, хулосаларнинг ҳаммасини раҳбар чиқаравермаслигида, конкрет таклифлар авторлари кўпроқ бўлишидадир. Бу ҳол сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари, барча коммунистлар активлигини оширади.

Пленумлар, партия активи, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишлари, уларнинг коллегиал органлари мажлислари қатнашчилари билдирган танқидий мулоҳазаларни умумлаштиришга, айтилган таклифларни рўёбга чиқариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга катта эътибор бермоқдамиз. Коммунистлар активлиги ўсишига бу нарса ёрдам бераётганлигини ҳаёт яққол кўрсатмоқда. Башарти 1983 йилда партия йиғилишларида 24 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳаза киритилган бўлса, 1986 йилда 34 мингта таклиф ва мулоҳаза билдирилди. Сўзга чиққанлар орасида оддий коммунистлар сони 1983 йилга нисбатан деярли уч баравар кўпайди. Энг муҳими — танқидий мулоҳазалар характери ўзгарди, амалий таклифлар кўпайди. Камчиликлар тўғрисида, етилган муаммолар хусусида одамлар очиқчасига гапирадиган бўлиб қолдилар. Чунончи, Тахиатош бинокорлик конструкциялари ва деталлари заводи коммунистлари слесарь Қ. Сабенов билан панеллар цехи мастери А. Ковменов кейинги партия ҳисобот-сайлов йиғилишида ишчи ва хизматчиларнинг маиший шароитини яхшилаш зарурлиги тўғрисидаги масалани жуда кескин қилиб қўйдилар. Корхона маъмуриятига жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бу иш билан жиддий шуғулланишга тўғри келди. Тадбирлар плани ишлаб чиқилди. 1986 йилнинг ўзида 32 квартирали тураржой, 1987 йилда эса ёзги кинотеатр, цехларда душхоналар фойдаланишга топширилди. Яна битта 32 квартирали уй қурилмоқда. Ишчи ва хизматчиларга ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган сабзавот-полиз ва чорвачилик маҳсулотлари муттасил етказиб берилмоқда.

Яна бир факт. Нукус район алоқа узели телефончиси Р. Танирберганова партия йиғилишларидан бирида корхона коллективи мослаштирилган бинода ишлаётгани, нормал меҳнат учун шароит йўқлиги, қурилиши бир неча йил муқаддам бошланган алоқа уйи биносида ишлар тақа-тақ тўхтаб қолганлиги, район партия комитети билан райижроком эса бунга муроса қилиб келаётганлиги хусусида гапирган эди. Р. Танирберганова танқидидан кейин кўрилган чора натижасида бу бино қурилишида иш бошланди, ҳозир у битай деб қолди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Коммунистларнинг, шу жумладан сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг ҳисоботлари эндиликда тез-тез эшитиладиган бўлди. Масалан, кейинги бир ярим йил ичида партия комитетларининг бюро мажлислари ва пленумларида улар аъзоларидан 57 кишининг турли масалалар юзасидан ҳисоботи тингланди. Булар ошкораликни кучайтиришга ёрдам беради, ўз-ўзини назорат қилиб боришга ўргатади, партия аъзоси ижтимоий активлигининг ўзига хос аттестацияси бўлиб хизмат қилади.

1986 йили сентябрда Тахтакўпир район партия комитети пленумида район агросаноат бирлашмаси раиси А. Султоновнинг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида Уставдаги ва хизмат бурчини қандай бажараётгани тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Ўшанда биринчи бор музокарада сўзга чиқувчиларни олдиндан белгилаб қўйиш одатидан воз кечилди. А. Султонов кўплаб саволларга жавоб берганидан сўнг 10 киши, шу жумладан тўртта ишчи сўзга чиқди. РАПО ва унинг раиси ишидаги камчилик ва нуқсонлар тўғрисида жонли, ошкора фикр алмашилинди, очиқчасига гаплашиб олинди. Бу коммунистнинг фаолияти қайта текшириб кўрилганда пленум қатнашчиларининг таклиф ва мулоҳазалари район агросаноат бирлашмаси томонидан қониқарсиз бажарилганлиги, қўйларнинг кўплаб қирилиб кетганлиги маълум бўлди. Район партия комитети А. Султоновни вазифасидан озод қилди.

Аксинча мисоллар ҳам бор. 1986 йил октябрда Элликқалъа район партия комитети райком аъзоси, «Қирққизобод» колхози раиси А. Алимовнинг КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партиявий раҳбарликни янада яхшилаш ҳамда ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори (1984 йил июль) асосида тарбия ишида қатнашуви ҳақидаги ҳисоботини тинглади. Бу масалани муҳокама этиш жамоатчиликнинг муайян фикрини уйғотди. Корхоналар, хўжаликларнинг раҳбарлари комсомол ташкилотларига муносабатни ўзгартирдилар, уларнинг коллегиал органлари ишида тез-тез қатнашадиган бўлиб қолдилар, ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларига кўпроқ эътибор бера бошладилар. Ўша колхозда, масалан, йигит ва қизларнинг таклифи билан бешта комсомол-ёшлар бригадаси тузилди, ҳашар йўли билан ёзги кинотеатр барпо этилмоқда. Хўжаликни иқтисодий ва социал ривожлантиришга оид муҳим масалаларнинг қарийб ҳаммаси комсомол комитети вакиллари иштирокида ҳал этилмоқда.

Сайлаб қўйилган актив ўқуви тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қиляпмиз. 1986 йилда область, Нукус шаҳар ва районлар партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг раислари, обком аъзолари ва аъзоликка кандидатлари семинарлари ўтказилди. Бизнинг барча активистларимиз сиёсий ва иқтисодий таълим системасида шуғулланмоқдалар. Партия топшириқларини улар ўқувининг муҳим формаси деб ҳисоблаймиз, бинобарин, бу топшириқларни бажариш уларнинг сиёсий-партиявий иш кўникмасини эгаллашларига кўмаклашади. Шу сабабли сайлаб қўйиладиган органлар барча аъзоларининг доимий ёки бир галги топшириқ олишига ҳаракат қиламиз.

Сиёсий ишда янгича ёндашувларни ўзлаштириш ҳамиша ҳам осон кўчавермайди. КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленуми якунларини муҳокама этиш чоғида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Эндиликда бурилиш бўляпти, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун бу борада катта ёрдам бермоқда. Ҳозир қайта қуриш марказида меҳнат коллективи турибди, бунга КПСС МҚ июнь (1987 йил) Пленуми қарорлари катта ёрдам қилди. Уларни амалга ошириш юзасидан партия ташкилотлари ва комитетларининг масъулияти оширилди. Қолаверса, Пленум қарорлари коллектив раҳбарлик принципини ривожлантиришда янги босқич бўлди дейиш мумкин. Экономикани бошқарувнинг тубислоҳоти ҳар кимнинг манфаатларини коллектив ва жамият манфаатлари билан мустаҳкам боғлиқликда ҳимоя қилади. Бунда сайлаб қўйиладиган органлар — на фақат партия органлари, балки, масалан, меҳнат коллективларининг кенгашлари аъзолари роли анчагина ошди. Улар иқтисодий ва социал ривожланишнинг турли-туман вазифаларини ҳал этишда янги ғоялар, янгича ёндашувларнинг ижодкори бўлиб қолишларига интиляпмиз.

Нукус шаҳар партия комитети аъзоси, ўтов-кигиз комбинати директори Қ. Мусаев худди шундай ишламоқда. Меҳнат коллективи кенгаши ва партия комитетига таяниш унинг ҳам фақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш эмас, шунингдек социал соҳани такомиллаштириш борасидаги фаолиятининг ҳам негизини ташкил этади. 1986 йилда бу корхона территориясида болалар боғчаси қурилди. Энди ишчи ва хизматчилар ишдан кейин фарзандларини олиш учун турли боғча-ясliларга ошиқмайдилар, эрталаблари ҳам шу важдан ишга кечикиш барҳам топди. Бу ерда шунингдек ҳаммом, ошхона, маиший бино қурилди, чойхона барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини оширмоқда. Комбинат маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планларини муттасил ошириб адо этиб келяпти. Раҳбар, сайлаб қўйилган органлар, бутун коллектив аҳил ишламоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, Ленинобод районидаги «Олтинкўл» совхозининг таниқли шоликори ўртоқ Дуримбетовнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий жабҳадаги фаолияти мақтовга лойиқ. У ҳар сафар МҚ ва райком пленумларидан қайтгач, коммунистлар олдида сўзга чиқиб, ўз таассуротларини ўртоқлашади, партия органлари иши тўғрисида гапириб беради. У меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларига алоҳида эътибор беради, улар билан доим мулоқотда бўлади, ўзига берилган наказларни албатта бажаришга интилади. Унинг қатъиятлилиги туфайли хўжаликнинг марказий қўрғонига газ келтирилди. Қўшни Дзержинский номли совхоз аъзолари учун ҳам шундай газопровод қурил-

мокда. Дуримбетовнинг ишчанлик ва бошқа фазилатларини инобатга олиб, ўтган йили совхоз директорлигига кўтаришди. Гарчи янги директорда йирик меҳнат коллективига раҳбарлик қилиш тажрибаси ҳозирча кам бўлса-да, у партия активи, жамоат ташкилотлари ёрдамига таяниб, қўйилган вазифаларни ҳал этишга ишчилар билан қишлоқ хўжалик мутахассислари куч-ғайратини моҳирона сафарбар этмоқда.

Шу билан бирга сайлаб қўйиладиган органларнинг кўп қиррали фаолиятида, айниқса муҳокамага масала тайёрлашда шошма-шошарлик кўзга ташланмоқда, натижада кўпинча ишнинг ҳақиқий аҳволи очилмай қолади. Пленумларнинг кўпгина қатнашчилари нутқида танқид баъзан эгасиз бўлади, асосий эътибор илгаригидек ижобий томонларга қаратилади. Натижада кўпгина проблемаларнинг муҳокамаси етарлича самара бермайди. Жумладан, Бўзатов район партия комитети ўзининг пленум ва бюро мажлисларида чорвачиликни ривожлантириш масалаларини кейинги уч йил ичида 16 марта муҳокама этди. Аммо тармоқда аҳвол яхшиланиш ўрнига ёмонлашди. Ишга юзаки, расман ёндашувнинг оқибати шу.

Бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларига тайёргарлик ва уни ўтказишда камчиликлар кўп. Иш аҳволини танқидий таҳлил этмай туриб чуқур бамаъни қарорлар қабул этилмаслиги аён. Аммо ҳамиша ҳам буни инобатга олишавермайди.

Ленинобод районидаги 12-кўчма механизациялашган колонна партия йиғилиши ёдга тушади. Унда бошланғич партия ташкилотининг КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми қарорлари муносабати билан вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилганди. Партия ташкилотининг секретари Қ. Тожибоев докладда кўпгина проблемаларни тўлиқ очиб бера олмади, бир қанча фактларга танқидий ёндаша билмади. Шунга қарамай йиғилиш унинг қатнашчилари учун ибратли бўлди, негаки сўзга чиққан коммунистлар докладчининг йўлидан бормадилар, етилган муаммолар, фойдаланилмаётган резервлар ҳақида ошкора гапирдилар, докладнинг камчиликларини дадил кўрсатиб ўтдилар. Коммунистларнинг актив чиқиши, уларнинг принципиал позицияси шундай қарор ишлаб чиқишга ёрдам бердики, бу қарорни амалга ошириш коллективда вазиятни яхшилашга олиб келди.

Область партия комитети ички партия ахборотини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Автоном республика партия комитетлари шу мақсадда конференциялар орасидаги даврда коммунистлар олдида ўз фаолиятлари ҳақида ахборот бериб турадилар. Бу жуда муҳим иш, чунки талабчанлик ва жавобгарлик раҳбар органга сайланган ўртоқда ўз иш жойи, корхонасидаги, қолаверса бутун район, шаҳар, республикадаги иш аҳволи учун масъулият туйғусини кучайтиради. Кейинги пайтда партия комитетлари ва бюролари қарорлари вақтли матбуот орқали кенг ошкоралик касб этмоқда.

Сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзолари меҳнаткашлар олдида мунтазам равишда лекция ўқиб, докладлар қиладилар, коммунистлар ва партиясизлар билан суҳбатлар ўтказадилар. Раҳбар ходимлар ўтган йили 1986 йилдагига нисбатан анча кўп — бир ярим мингга яқин лекция ўқидилар.

Партия ташкилотлари, уларнинг сайлаб қўйилган органлари фаолиятида коллегиаллик кадрларга таълим, тарбия бериш, уларни ғоявий чиниқтиришнинг ишончли мактаби ҳисобланади. Ҳозир область партия комитети олдида амалда кадрларнинг янги корпусини — билим доираси кенг, янгиликни ҳис этувчи, замонавий фикрлай биладиган кадрлар корпусини шакллантириш вазифаси турибди. Фазилатларига кўра қайта қуриш талабларига монанд кишиларни танлаш ва жой-жойига қўйишда расмиятчилик, бюрократизм, ишни чала-чулпа қилишдан қатъиян халос бўлиш керак. Назаримизда, қуйи партия ташкилотларига, сайлаб қўйилган партия органлари аъзоларига ва меҳнат коллективларига суяниб иш кўриш билангина бу жабҳада ютуққа эришиш мумкин. Кадрларни танлаш масалаларида коллектив ақл-идроки, жамоатчилик фикрисиз иш битмаслигини ҳаёт кўрсатди. Фақат шу йўл билангина волюнтаризм, субъектив ёндашувдан батамом қутулиш мумкин.

Ҳозир кадрларни танлаш практикасида демократик асосларни пухта қарор топтиряпмиз. Шу мақсадда партия комитетлари аппарати роли ва аҳамиятини

ошириб бормоқдамиз, унинг ишини сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг фаолияти билан янада жипсроқ боғламоқдамиз. Улар барча масалалар юзасидан ўзаро маслаҳатлашиб олиб, сўнгра уни умумий фикр сифатида тегишли партия органи муҳокамасига қўйишлари муҳимдир. 1987 йилдан эътиборан тажриба тариқасида область партия комитетининг штатсиз инспекторлари институти ташкил этилди. Бу инспекторлар районларга бириктиб қўйилган. Эндиликда кадрларни танлаш ва жойлаштиришда уларнинг таклиф ва мулоҳазалари албатта ҳисобга олинмоқда. Улар жойларда меҳнат коллективлари кенгашлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар, сайлаб қўйилган актив билан алоқани мустаҳкамламоқдалар. Тармоқ бўлимларидаги ходимлар диққат-эътиборини иқтисодий ва социал таҳлилга қаратмоқдамиз.

Корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларнинг, улар бўлинмаларининг барча раҳбарлари меҳнат коллективлари йиғилишларида сайланмоқда. Кадрлар партия, совет ва хўжалик соҳасидаги раҳбарлик ишига бошланғич партия ташкилотлари фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда кўтарилмоқда. Амударё район партия комитетининг биринчи секретарлигига Х. Саъдуллаев шу райондаги М. Горький номли совхоз партия ташкилоти йиғилишида номзод этиб тавсия қилинди, Қораўзак районида «Қораўзак» совхози коммунистлари йиғилиши эса область партия комитети секретарлигига Д. Н. Шамшетов номзодини кўрсатди.

Партия комитетлари номенклатурасидаги лавозимларга номзодларни одатда шу комитетларнинг аппарати ходимлари олдиндан яхшилаб ўрганадилар. Сўнгра бу номзодлар коммунистларнинг, меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилади, уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар узил-кесил қарорга келишда ҳисобга олинади.

Эндиликда сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзолари номенклатурадаги лавозимларга кўтариш учун резервлар тайёрлашда ҳам актив қатнашмоқдалар. Партия комитетлари ва бюролари аъзолариниинггина эмас, балки резервга тавсия этилаётган кишиларни биргаликдаги иш жараёнида яхши биладиган бошқа коммунистларнинг ҳам фикри инобатга олинади.

Сайлаб қўйиладиган партия органларининг резервларни шакллантиришда иштироки шунинг учун ҳам муҳимки, уларга қаерда ва қайси категориядаги ходим етишмаётганлиги ҳамиша аён. Энг истиқболли, яхши тайёргарлик кўрган, партия ишига содиқ, топширилган иш учун юксак масъулият ҳис этадиган ишчилар билан колхозчилар, раҳбарларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислар, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг аппарати ходимлари, партия комитетларининг аъзолари, Советларнинг депутатлари, олий партия мактаблари тингловчилари, студентлар резерв манбаи ҳисобланади.

Бу иш тобора собитқадам ва изчил бўлиб бормоқда. Барча партия комитетлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида кадрларнинг янада ишчан резервини вужудга келтиришга эътиборни кучайтирдилар. Номзодлар танлашда одамларнинг характеристикалари мезони раҳбарларнинг асосий составидагидан кам бўлмаслиги керак. Бунда маълумоти, ихтисоси, ёши, сиёсий етуклиги даражаси, ишчанлик фазилатлари ва бошқа жиҳатларга алоҳида аҳамият берилади.

Ҳозирги вақтда автоном республика партия комитетларида кадрларнинг зарур резерви бор, у тўлдирилиб, такомиллаштирилиб ва мустаҳкамланиб борилмоқда. Бу резерв партия комитетларининг пленумлари ва бюролари, актив йиғилишлари муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга, ташкилий ва оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказишга кенг жалб этилмоқда.

1985 йилдан бери Нукус шаҳар ва районлар партия комитетларининг аппарати ходимлари область партия комитетида стажировкадан ўтмоқдалар. 1986 йилда 30 киши, ўтган йили 60 киши ўтди. Бу борада бизга КПСС МК ва Ўзбекистон Компартияси МК катта ёрдам бермоқда. Масалан, автоном республиканинг олти нафар масъул партия ходими Краснодар ўлка, Воронеж ва Пермь область партия ташкилотларида стажировкадан ўтмоқдалар.

Барча жорий ва перспектив вазифаларни амалга ошириш, қайта қуриш муваффақияти пировард натижада ҳар биримиз ва ҳаммамизга боғлиқ. КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари материалларини идрок этар эканмиз, етилган муаммолар жойларда вақтида, оператив тарзда ҳал

этилиши йўлида сабот билан иш олиб бормоқдамиз. Мақсад — узоқ муддатли планларни жорий масалаларни ҳал этиш билан уйғунлаштиришдир.

Сайлаб қўйиладиган партия органларининг бўлиб ўтган ҳисоботларида қилинган ишларга атрофлича баҳо берилди, меҳнат коллективлари ҳаётида барча соҳаларда реал ўзгаришларга эришиш йўллари белгилаб олинди.

Янги, коллектив раҳбарлик қарор топиши учун актив курашиш, тажрибали ва ёш кадрларни тўғри уйғунлаштириш, ҳам юқоридан, ҳам қуйидан бўладиган контролни такомиллаштириш, сўз ва иш бирлигини мустаҳкамлаш, кадрлар ва коллективларга пировард натижаларга қараб баҳо беришга интилиш республикамиз партия ташкилотларининг бугунги кунини яққол характерловчи белгилардир.

Ўзбекистон Компартияси МҚнинг IX пленумида (1988 йил январь) автоном республикада мавжуд резервлардан самарали фойдаланиш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Унда МК Бюро аъзоси, область партия комитетининг биринчи секретари сифатида менинг шаънимга жиддий танқидий гаплар айтилди. Кўрсатилган камчиликларни кунт билан тузатамиз. Мен коллектив раҳбарлик принципи формализм билан чиқиша олмайди, у вазифаларни аниқ тақсимлаш, уларни бажариш учун коммунистларнинг шахсий масъулиятини, партия аъзоларининг ўзаро юксак талабчанлигини тақозо этади, деган фикрга тўла қўшиламан. Биз бу борада сабот билан иш олиб борамиз.

Партия қайта қуришни бошлади, партия қайта қуришнинг кафолатини олди ва бу ишни охирига етказиш учун қатъий курашади. Шу боис кейинги йилларда совет кишиларида партия ишига, унинг ташкилотлари, коммунистлар ишига қизиқиш катта. Бу ҳол КПССнинг ҳар бир аъзоси, барча партия органлари ва айниқса раҳбарлар масъулиятини оширади. Улар партия обрў-эътиборини сақлаган ҳолда иложи борича камроқ хато қилишлари керак, бу халқ билан, ишдаги ўртоқлар билан кўпроқ маслаҳатлашиб туриш демакдир.

Қайта қуришнинг дастлабки якунлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги айрим ижобий силжишлардан, омма активлиги ошганлигидан далолат беради. Ҳали қилинадиган иш жуда кўп. Кадрларнинг топширилган участкада шахсий масъулиятини ошира бориб, ички партия демократиясини такомиллаштиришнинг муҳим шарти сифатида, хато ва нуқсонлардан сақловчи ишончли қалқон, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришдаги ютуқ омили сифатида коллектив раҳбарлик принципини турмушга оғишмай татбиқ эта берамиз.

ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ПАРТИЯВИЙ ИШ МАДАНИЯТИ

Ф. КИМ,
философия фанлари кандидати

КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми қайта қуришнинг муваффақияти революцион ўзгартишлар зарурлигини кадрларимиз нақадар тез ва чуқур идрок қилиб олишларига, партиянинг йўлини нақадар ижодий ва собитқадамлик билан турмушга татбиқ этишга ҳал қилувчи даражада боғлиқ эканини қайд қилиб, партия раҳбарлиги барча бўғинларининг ишчанлик қобилиятини ошириш зарурлигига эътиборни қаратди. Кадрларда юксак сиёсий ва маънавий маданиятни шакллантириш — ана шундай қобилиятни таъминлайдиган омиллардандир. Кадрларимизда юксак сиёсий ва маънавий маданиятни шакллантириш — бугунги кундаги энг муҳим проблемалардан бири бўлиб, ҳаётимизнинг ҳамма томонларини янгилаш, социализмга ижтимоий ташкилотнинг энг замонавий формаларини бахш этиш, социалистик тузумнинг ижодий потенциалини ғоят кенг миқёсда юзага чиқариш ана шу проблеманинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

* *
*

Жамият ёки алоҳида шахс маданияти жамиятнинг турли соҳаларидаги кишилар фаолиятининг шундай бир ҳолатидан иборатки, бу ҳолат ижтимоий тараққиётнинг объектив эҳтиёжларига мос келади ва К. Маркс ибораси билан айтганда, тарихий жараён субъектларининг «моҳиятга оид кучлари»нинг ривожланиш даражасида намоён бўлади. Инсоннинг моҳиятга оид кучлари эса аввало у ёки бу касбни эгаллаш, муайян социал вазифани юксак ижодий савияда бажара олиш қобилиятида акс этади. Шу муносабат билан КПСС XXVII съездида ҳар бир партия ходимининг ўзига топширилган участкада билимдонлик ва ғайрат билан, масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимай ҳаракат қилиши лозимлиги уқтириб ўтилди.

Билимдонлик билан ҳаракат қилиш дегани нима? Бу аввало мазкур касбга хос бўлган фаолиятнинг мақсадини ва ўзига хос усулларини чуқур англаш демакдир.

КПСС XXVII съезди ҳозирги босқичда социалистик жамиятда партиянинг роли нимадан иборат деган саволга муфассал жавоб берди. «Партия,— дейилади XXVII съездга КПСС МКнинг Сиёсий докладида,— сиёсий раҳбарликни амалга оширади, тараққиётнинг бош истиқболини белгилайди. У ҳаётнинг социал-иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги бош вазифаларни таърифлаб беради, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан, умумий контролни амалга ошириш билан шуғулланади».

Партиявий ва бошқа органлар функцияларини ажратиб турадиган чегара аниқлаб олинган бўлсагина партиявий ишнинг самарадорлиги ошиши мумкин. Ҳамма гап конкрет вазиятни конкрет таҳлил этишга боғлиқ. КПСС XXVII съезди қайд қилганидек, бунда кўп нарса раҳбарларнинг сиёсий маданияти, етуклиги билан белгиланади.

Шуни қайд қилишни истардикки, сўнгги вақтда партиявий органлар функциялари билан бошқа органлар функциялари аралаштириб юборилишига йўл қўймас-

лик ҳақидаги тезисни амалга ошириш муносабати билан бу тезисни нодиалектик, бир томонлама талқин қилиш ҳоллари содир бўлмоқда. Қатор ҳолларда партия комитетларини хўжалик проблемалари билан ҳаддан зиёд кўп ўралашиб қолганликда айблашмоқда. Бироқ, КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленумида айтиб ўтилганидек, кўп йиллар мобайнида қарор топган социал-иқтисодий тараққиётни тормозлаш механизми аста-секинлик билан емирилаётган ва ўз позицияларини топшираётган, КПСС МҚ июнь (1987 йил) Пленуми экономикамизни бошқаришни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий қоидаларини, принципларини ишлаб чиққан ҳозирги пайтда хўжалик ишлари билан кўпроқ ва жиддий шуғулланиш лозим. Гап бу ишлар билан қай тахлитда шуғулланишда. Партия комитетлари баъзан бу проблемаларга маъмуриятчилик билан, технократик равишда, бошқарувчилик билан ёндашадилар. Партия органларига хос бўлмаган бошқарувчилик функцияларидан кескин равишда халос бўлиш лозим. КПСС МҚ январь Пленумининг қарорида таъкидланганидек; хўжалик соҳасида ҳар бир партия комитетининг сиёсий раҳбарлик органи сифатида янги ғояларнинг чинакам тўпловчиси ва оммалаштирувчиси, жами кучларнинг баҳамжиҳат ҳаракат ташкилотчиси бўлишига, бу кучларни тўғри жойлаштиришига, қабул қилинаётган қарорларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиши ва ҳисобга олишига эришиш зарур. Инсон ҳақида, унинг меҳнат шароитлари, турмуши ва дам олиши тўғрисида ғамхўрлик, кишилар онгини шакллантириш партия комитетларининг диққат марказида бўлиши керак. Партиявий раҳбарлик услубида диққат-эътиборни амалда омма ўртасидаги жонли ишга, қабул қилинаётган қарорларнинг ва белгиланадиган планларнинг амалга оширилишини ташкил этишга, халқ ташаббусини қўллаб-қувватлашга, новаторларнинг изланишларини рағбатлантиришга қаратиш зарур. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1987 йил 26 июнда КПСС МҚ Пленумида сўзлаган якунловчи нутқида бошланғич партия ташкилотларининг иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдаги ролини алоҳида таъкидлаб ўтди. «КПСС Марказий Комитетидан тортиб, барча партия комитетлари шуни назарда тутишлари ҳамда ўз ихтиёридаги жамики мавжуд воситалар билан янги шароитларда бошланғич ташкилотлар самарали ҳаракат қилишларига кўмаклашишлари керак,— деди у.— Бу гап партиявий ишнинг барча соҳаларига — сиёсий, ташкилотчилик, идеология ишига тааллуқлидир».

Ҳолбуки республикадаги кўпгина партия комитетлари хўжалик проблемаларини сиёсий методлар билан эмас, балки «маъмуриятчилик-бошқарувчилик» методлари билан ҳал қилишни давом эттиришмоқда. Чунончи, 1987 йил январида Ўзбекистон Компартияси МҚ бюроси Бухоро область партия комитетининг иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, область партия комитетининг секретарлари, бўлим мудирлари ва инструкторлар составининг жадаллаштириш руҳини ўзлаштириб олмагани, кўпроқ бошқарувчилик вазифалари билан шуғулланаётганлиги, етилган социал-иқтисодий проблемаларни кам самарали, эски усуллар билан ҳал этишга уринишаётганлигини, ана шуларнинг оқибатида областнинг ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишдаги нохуш тенденциялар шу пайтгача ҳам бартараф этилмаганлигини қайд қилди.

Давлат, хўжалик органларининг фаолиятини алмаштирмаслик тўғрисидаги талабни айрим партия ходимлари худди партиянинг раҳбарлик ролига путур етказиш сифатида талқин қилмоқчи бўлишади. Шу билан бирга, масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оператив ишига аралашишнинг тақиқланиши асло партия органлари, айтайлик, суд, милиция, прокуратура ва шу сингарилар фаолиятига стратегик раҳбарликни амалга ошириш юзасидан умуман ҳуқуққа эга эмас деган фикрни англатмайди. Қолаверса, партия ходимлари майда-чуйда ишларга ҳам аралашавериш одатидан халос бўлиш билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига ўзларининг сиёсий таъсирини кучайтириш учун имкониятга эга бўладилар. Бу органлар фаолиятига аралашиш борасидаги ҳар бир ҳолни муҳокама қилиш зарур.

Партиявий иш — бу касб эмас, лекин уни билимдонлик билан юритиш керак бўлади, бу мажбурий шарт сифатида унинг илмийлик даражасини тобора ошириб боришни тақозо этади. Бугунги кунда бу хусусият аввало партиявий кадрларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишни англатади.

КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми шу кундаги энг муҳим вазифани ана шундай таърифлади. Яқин вақтгача кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда кўпинча ходимнинг ишлаб чиқариш, фан ва техника, технологиянинг у ёки бу тармоғининг ўзига хос хусусиятларини билиши, унинг иродавий қобилияти биринчи ўринга қўйиб келинди. Шубҳасиз, бундай хислатлар ҳам аҳамиятга эга, лекин айни бир пайтда раҳбарларнинг ғоявий-назарий савияси ва сиёсий етуклиги, ахлоқий негизлари, одамларни ишонтира билиш ва ўзига эргаштира олиш қобилияти сингари хислатларининг эътибордан четда қолиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу тушунарлидир, чунки партия комитетлари томонидан қабул қилинаётган сиёсий қарорларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги ва пухта ўйланганлиги, уларнинг ижтимоий тараққиётнинг объектив эҳтиёжларига мувофиқлиги бу қарорлар бажарилишининг ҳал қилувчи шартидир.

Партиявий ишнинг илмий салмоғи қатор таркибий қисмлардан ташкил топади. Булардан биринчиси — материалистик диалектикани эгаллашдир, материалистик диалектикани В. И. Ленин марксизмнинг «жону дили» деб атаган эди. А. А. Громико 1985 йил 11 мартда КПСС МК Пленумида сўзга чиқиб, диалектикани эгаллаган партия ходимининг хислатларини яхши таърифлаб берган эди. Бундай хислатлар масаланинг моҳиятини диққат марказида тута билиш, уни «қора ёки оқ» деган мантиқ ёрдамида кўриб чиқиш эмас, балки реал дунёда «оралиқ ранглар, оралиқ бўғинлар ва оралиқ қарорлар»нинг мавжудлигини тақозо этадиган мантиқ воситасида кўриб чиқа олиш маҳоратини; проблемаларга аналитик нуқтаи назардан ёндашиш, аниқ умумлашмалар ва хулосалар чиқара олиш қобилиятини ва, ниҳоят, практикага аниқ йўналтирилганликни; сўз билан иш бирлигини амалга оширишга қаратилганликни ўз ичига олади.

Иккинчи таркибий қисм — бу партиявий раҳбарлик барча бўғинларининг ишчанлик қобилиятини ошириш мақсадида социологик, жамиятшунослик илмидан тобора кенг миқёсда фойдаланишдан иборат. Аслида айни шу социология партиявий раҳбарлик учун жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларидаги ишларнинг реал аҳволи, социал группаларнинг эҳтиёжлари, қадриятлари, қизиқишлари, ҳаётий йўл-йўриқлари ва улар феъл-атворининг ижтимоий жараёнларга ўтказиши мумкин бўлган таъсири тўғрисидаги тўла-тўкис, аниқ ва ҳаққоний ахборотни етказиб туриши лозим. Шу муносабат билан социологик тадқиқотлар ижтимоий муассасалари (кенгашлар, комиссиялар) барча даражалардаги партия комитетлари фаолиятини ахборот билан таъминлаб туришда тобора катта роль ўйнаши лозим. Партия комитетлари кўпгина корхоналарда мавжуд бўлган ва у ерда хозирги кунда тегишли тайёргарликка эга 3—4 минг киши иш олиб бораётган амалий социологик бўлимларнинг хизматларидан кенгроқ фойдаланиб туришлари лозим. Мисол учун, кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар ва Андижон область комитетлари, шунингдек қатор район партия комитетлари раҳбар кадрларнинг сиёсий, амалий ва касбий хислатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан амалга оширган социологик анализ жиддий эътиборга сазовор.

Партиявий ишнинг илмий салмоғини кучайтиришга имкон берадиган учинчи таркибий қисм — бу олимлар томонидан қадриятли-норматив системага солинган партиявий иш тажрибасини ўзлаштиришдан иборат. М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида таъкидлаганидек, ҳозир бир мамлакатнинг эмас, бир қанча мамлакатларнинг тараққиёти асосида социалистик турмуш тарзининг характерини таҳлил этиш, демократияни, бошқарув усулларини, кадрлар сиёсатини такомиллаштириш жараёнларини англаб етиш айникса муҳимдир. Бир-бирининг тажрибасини авайлаб, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уни амалда татбиқ этиш — социалистик дунёнинг жуда катта резервидир. Партия қурилиши тажрибасини ўзлаштириш — партиявий иш даражасини оширишнинг мутлақо зарурий шартидир. Бу нарса, КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида уктириб ўтилганидек, «ҳар қандай ташаббусни пухта илмий негизга қўя» билиш маҳоратини англатади.

Партиявий ишнинг бевосита предмети — техникавий ва технологик системалар, табиий буюм эмас, балки социал муносабатлардир. Реал ранг-баранг манфаатларга эга одамлар (синфлар, социал группалар, миллатлар ва бошқа уюшмалар) социал муносабатларнинг ифодаловчилари, субъектларидир. **«Синфлар, ижтимоий группаларнинг ўзаро муносабатлари** проблемаларини таҳлил қилиш,— дейилади КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида,—

марксча-ленинча партия учун ҳаётий муҳим аҳамиятга молик. Коммунистик партия ўз сиёсатида улар манфаатларининг муштараклигини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини пухта ҳисобга олиб, жамиятнинг мустаҳкам бирлигини, унинг энг муҳим ва мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал этишни таъминламоқда». Бинобарин, барча ижтимоий жараёнларни меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш, социал адолат принципини қарор топтириш нуқтаи назаридан тартибга солиш ва йўналтириш қобилиятини ҳозирги партиявий иш маданиятининг энг муҳим кўриниши деб ҳисоблаш лозим. Бу принцип қатор жиҳатларни ўз ичига олади.

Биринчидан, социализмда ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик йўқ. Шу муносабат билан социал адолат шундан иборатки, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг жонкуяр, мулоҳазакор, масъулиятли хўжайин сифатидаги ролини у ёки бу шаклда реал амалга ошира олсин. Шу билан бирга, КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида қайд қилинганидек, ижтимоий мулкни ким ва қандай қилиб тасарруф этаётгани устидан контроллик жиддий равишда заифлашиб қолди. Бунга маҳкамачилик ва маҳаллийчилик сабаб бўлди, ижтимоий мулк «эгасиз», реал хўжайиндан маҳрум бўлиб қолди, кўп ҳолларда ундан меҳнатсиз даромадлар ундириб олиш учун фойдаланила бошлади.

Бундай ҳол содир бўлмаслиги учун партия ходимлари ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ўзларини жонкуяр, тежамли хўжайин сифатида тутадиган шарт-шароитлар яратишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйишлари лозим. Бу эса корхоналар, меҳнат коллективларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ўз харажатларини қоплаш ва маблағ билан таъминлаш принципларини жорий қилиш, бригада пудратини амалга ошириш, хуллас, кишиларга ишлаб чиқариш воситаларидан тўғри фойдаланиш, улардан энг юқори самара олиш учун реал — моддий, ҳуқуқий, маънавий — масъулият юклаш кераклигини англатади. Партия Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленуми ана шунга эътиборни қаратди. Бошқача айтганда, социалистик жамиятнинг ҳар бир аъзосида ижтимоий бойлик тақдири учун сидқидилдан қайғурадиган соҳиблик туйғусини уйғотиш ва ривожлантириш партиявий ишнинг негизи бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан КПСС МКда 1987 йил ноябрда қайта қуриш янги босқичининг асосий йўналишларини таъминлаш соҳасидаги партиявий иш вазифаларини муҳокама қилиш юзасидан бўлиб ўтган кенгашда ҳозир туб иқтисодий ислоҳот, янги хўжалик механизмини жорий этиш, уни такомиллаштириш, бошқарув органлари структурасидаги ўзгаришларни тезроқ қиёмига етказиш масалалари алоҳида эътибор беришни талаб қилади, деб уқтириб ўтилди. Хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштириш соҳасидаги оғирлик маркази меҳнат коллективларига, ҳозирда кучга кирган давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга асос қилиб олинган принципларни эгаллашга кўчирилмоқда.

КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми партиявий ишнинг бундай йўналишини ҳал қилувчи, асосий йўналиш деб атади: «Ишлаб чиқаришда демократияни ривожлантириш, ҳақиқий ўз-ўзини бошқариш асосларини меҳнат коллективлари ишига изчиллик билан жорий этиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир». Албатта, мазкур вазифани ҳал этиш учун демократизмни нафақат корхоналарда, шу билан бирга ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ҳам ривожлантириш ва чуқурлаштириш, бошқарув механизмида бюрократик марказлаштириш тенденцияларини бартараф этиш ва ҳақиқий, демократик централизмни қўллаб-қувватлаш керак бўлади.

Шу билан бирга кўпгина партия ходимлари бугунги кунда ҳам ипак құртини боқиш, ғўзани суғориш, машиналарда пахта теришни ва шу сингариларни ташкил қилиш билан маъмурий-хўжалик функцияларини бажаришни давом эттиришмоқда, аслида эса уларнинг ҳақиқий вазифаси ипакчилар, сувчилар, механизаторлар ва шу сингариларда ишлаб чиқариш воситаларини бошқара олишга, ўз меҳнатини халқ фаровонлигининг оғишмай ўсиб боришини таъминлайдиган қилиб ташкил этишга бўлган реал имкониятга таянадиган мамлакатнинг соҳиби туйғусини, гражданлик онгини камол топтиришдан иборатдир.

Раҳбарларни сайлаб қўйиш практикасини ҳаётга кенг жорий қилиш меҳнат аҳлида мамлакатнинг ва унинг ижтимоий бойликларининг хўжайини туйғусини камол топтириш учун катта аҳамият касб этади. Масалан, бригадирларни колхоз-

чилар сайлаб қўйишга доир ишга раҳбарлик қилган Норин район партия ташкилотининг тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштириш лозим. Бу энг муҳим масалаларни ҳал қилишга сиёсий ёндашувнинг айни ўзидир.

Иккинчидан, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида социал адолат «ишламаган тишламайди» деган принципнинг тўла-тўкис амалга оширилишида ифодаланади, яъни инсон фойдаланадиган барча неъматлар ҳалол меҳнат эвазига ишлаб топилиши керак. Бу принципларга қатъий риоя қилиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш партиявий ишнинг муҳим йўналишидир. Бунда «ишламаган тишламайди» деган принцип нафақат киши текинхўрлик қиладиган ҳолларга тегишли. У жамиятдан ўзининг қилган меҳнатидан кўра кўпроқ нарса ундиришга интилувчиларга ҳам тааллуқлидир.

Партия ходими бундай фактларга дуч келар экан, уларга қарши кураш олиб бориши керак. Акс ҳолда, коллективлардаги кўпинча яхши психологик вазият билан тенглаштириладиган осойишталикни бузмаслик учун ишёқмасларга ва ўз лавозимига сира ҳам мувофиқ келмайдиган шахсларга нисбатан назокат билан муомалада бўлиш лозим деган фикрга асосланиладиган бўлса, унда социал-иқтисодий жадаллаштириш эзгу тилакгагина айланиб қолиши мумкин. КПСС МК январь (1987 йил) Пленумининг йўли ана шундай, Пленум қарорида партия қайта қуриш йўлини тутиш, бу йўлга бошчилик қилиш, турғунлик ҳолатларини қатъиян бартараф этишга, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг пухта ва таъсирчан механизмини вужудга келтиришга қаратилган ўз характери жиҳатидан революцион ишни ташкил этиш учун ўзида куч топиб, мардлик қилди, деб қайд этилган. Бизда қайта қуришдан бўлак йўл йўқ, биз чекинмаслигимиз керак ва чекинишга ўрин йўқ.

Социал адолатнинг бундан олдинги жиҳати билан чамбарчас боғлиқ учинчи аспекти шундан иборатки, социалистик жамият аъзолари нафақат ўз меҳнати эвазига яшашлари, шу билан бирга баравар меҳнати учун баравар иш ҳақи ва баравар бўлмаган меҳнати учун баравар бўлмаган иш ҳақи олишлари лозим.

Албатта, одамларга «бошқалардан ёмон яшамаслик»ка интилиш хос ва буни тўла изоҳлаш мумкин. Бироқ социализмда меҳнат қобилиятларининг баравар эмаслиги ва бошқа қатор сабаблар билан боғлиқ фактик тенгсизликнинг бўлиши муқаррар. Биз бундай тенгсизликни нафақат салбий, шу билан бирга муайян даражада ижобий ҳодиса сифатида баҳолашимиз лозим, чунки меҳнат қобилиятларини такомиллаштириш воситасида ўз аҳволини яхшилашга бўлган интилиш социализмда тараққиётни ҳаракатга келтирувчи муҳим омилдир.

Шу сабабли ҳозирги партия ходими меҳнатнинг миқдори, сифати ва ижтимоий аҳамиятига қараб тақсимлаш принципига риоя этилишини қатъий назорат қилиб бориши керак. Бу масалада муросасозликка ўрин йўқ ва бу принцип нафақат ишонтириш, шу билан бирга мажбурлаш йўли билан ҳам амалга оширилиши лозим, бундай йўл жамиятимиз тараққиёти ҳозирги босқичининг объектив талабларига мосдир.

Маълумки, партия ва ҳукуматимиз меҳнатни ташкил этишни ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, шу жумладан халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари учун янги тариф ставкалари ва лавозим маошларини жорий қилиш юзасидан йирик чора-тадбирларни белгилади. Бу янгилик мамлакатимиздаги 75 миллион ишчи ва хизматчи, шу жумладан бизнинг республикамиздаги 4,3 миллион кишининг ҳаётий манфаатларига тааллуқлидир. Бу ўринда биринчи навбатда партия ходимлари, раҳбарлардан кўпроқ ҳақ тўланадиган мансабларга асоссиз равишда даъвогарлик қилувчи юлғичлар ва демагогларга қарши курашда принципиаллик, қатъият кўрсатишлари, КПСС XXVII съездида уқтириб ўтилганидек, талабчанлик ва ҳалоллик, партиявий виждон билан иш қилиш керак бўлган ҳолларда ноўрин кўнгилчанлик қилишга барҳам беришлари талаб қилинади.

Социал адолат принципини амалга оширишда омманинг қўллаб-қувватлашисиз, социалистик демократияни ривожлантирмай ва чуқурлаштирмай, демократия воситалари, шу жумладан қатъий халқ назорати, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид сингари воситалардан кенг фойдаланмасдан иш юритиш мумкин эмас. Ошкораликсиз социализмни такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмаслиги сабабли ошкоралик, унинг кундалик ҳаётимиз ва фаолиятимиз нормаси бўлиб қолиши йўлини тутиш — ҳозирги партиявий иш маданиятининг

энг муҳим кўрсаткичи, кадрларни психологик жиҳатдан қайта қуришнинг дастлабки шартидир.

Табиийки, бугунги кунда ишлаб чиқаришни бошқариш ва моддий ҳамда маънавий неъматлар тақсимотига оид принципиал масалаларни меҳнат коллективисиз, унга билдирмасдан ҳал этишга бўлган ҳар қандай уринишларга ғоят кескин барҳам бериш лозим. 1985 йилда Самарқанд холодильник заводи давлатга 5 миллион сўмлик зарар етказгани, лекин заводнинг айрим раҳбарлари завод коллективи, ишчиларнинг буни билиши шарт эмас деб ҳисоблашгани — эндиликда ҳаммага маълум факт. Ишлаб чиқаришга оид ишларни бошқаришни ҳозир ҳам баъзи бировлар мутлақо бошлиқларнинг алоҳида ҳуқуқи деб ҳисоблашади. Бундай кайфиятларга муросасиз зарба бериш лозим.

Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини қайта қуриш нафақат янгиликни қарор топтиришни, шу билан бирга эски, яшашга лаёқатсиз, ўз умрини тугатган нарсаларни кескин бартараф қилишни ҳам ўз ичига олади. Партия ходимлари бу жараёнга раҳбарлик қилиш учун ўз услубини узлуксиз тарзда такомиллаштира боришлари, маъмуриятчилик методлари билан иш юритиш, буйруқбозликдан халос бўлишлари керак. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, бундай услуб партиявий ишга, аввало одамлар билан ишлашга, яъни партия фаолиятидаги энг муҳим жиҳатга катта зарар етказди.

Ҳозир ҳар бир партия органи, ҳар бир партия ходими «бенуқсонлик» комплексидан халос бўлиши лозим. Бу, аввало, уларнинг бари эришилган нарсаларга ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан ёндашишлари ва ҳар доим ўзларига шундай савол бериб туришлари кераклигини англатади: «Ўтмишда ҳамма ишлар тўғри қилинганмиди, бугунги кунда вужудга келаётган вазифаларни тўғри ҳал қилиш учун қандай хулосалар чиқариб олиш керак?» КПСС XXVII съездида ва партия Марказий Комитети январь (1987 йил) Пленумида таъкидланганидек, кўп нарсалардан: юқорида қайд қилинганидек, совет ва хўжалик органларининг ўрнини алмашлаш тенденциясидан; ҳаддан зиёд тадбирбозликдан; нохуш фактларга тик боқишдан қўрқишдан; одамлар тўғрисида, уларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари ҳақида ҳақиқий ғамхўрлик қилишни оммавий тарзда мукофотлаш, унвонлар ва шу сингариларни тарқатиш йўли билан сиёсий тилёғламалик қилишдан қутулиш лозим.

«Бенуқсонлик» комплексидан халос бўлиш шунингдек ўз-ўзини танқид қилиш қобилиятининг кундалик фаолият механизмига сингдириб юборилиши лозимлигини ҳам англатади. Бошқача айтганда, ўзининг қобилиятига ўзи ҳаддан зиёд юқори баҳо беришдан, хусусий фикрдан, аслида коллектив органнинг алоҳида имтиёзи ҳисобланадиган ҳамма проблемаларни мансабга оид обрў-эътиборга таяниб ҳал қилавериш одатидан халос бўлиш зарур. Яккабошчилик ҳуқуқини коллегиячилик ҳисобига амалга ошириш мумкин эмас. Бундай ҳуқуқ коллегиячилик билан қўшиб олиб борилган ва у билан бирга мустаҳкамланган тақдирдагина самара беради.

Ўзбекистон Компартияси МҚ III пленуми (1986 йил октябрь) қайд қилганидек, «бенуқсонлик» комплекси партия ходимлари онгига сингиб кетгач мансаб мавқеига сиғинишга, катта амалдаги кишиларни кўкларга кўтариб мақташга олиб боради. Партия МҚнинг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида шундай таъкидланди: «Бугунги кунда биз учун партия турмуши соғлом, ишчан бўлмоғи, ўзининг конкрет кўринишлари ва юмушларининг хилма-хиллиги билан ифодаланмоғи, ошкоралиги, планлар ва ечимларнинг рўй-ростлиги билан белгиланмоғи, коммунистларнинг инсонийлиги ва камтарлиги билан ажралиб турмоғи керак».

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалар муносабати билан партия ходимлари кимнинг қайта қуришдан бутунлай ёки қисман манфаатдор эмаслигини аниқ билишлари лозим. Бу масала юзасидан матбуот ва илмий нашрлар саҳифаларида бўлаётган коллектив тарздаги муҳокама материаллари умумлаштириладиган бўлса, қайта қуриш душманларини қуйидагича табақалаш мумкин.

Биринчидан, булар — ўз қўлларида бюрократик равишда марказлаштирилган «маъмуриятчилик-сиқув» ҳокимиятини тўплаб, улкан демократизм, корхоналар ва меҳнат коллективларининг кенгроқ мустақиллиги, бошқарувнинг кишилар эҳтиёжлари ва манфаатларига асосланган иқтисодий методлари фойдасига ундан воз кечишни истамайдиган шахслардир, чунки вазиятнинг бу тарздаги ривожи

уларни ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчиликдан ўз фойдаси мақсадларида фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилади.

Иккинчидан, булар — иш сифатини кескин оширишга интеллектуал ва касбий жиҳатдан тайёр бўлмаган, лекин шунга қарамасдан ўз қобилиятига яраша иш излашни истамайдиган ва уларга кечаги кунда енгил-елпи ҳаёт кечиришига имкон берган тартиботларга жон-жаҳди билан ёпишиб олган кишилардир.

Учинчидан, булар — янгича шароитда ишлаш учун зарур бўлган интеллектуал, касбий, маънавий хислатларга эга, лекин қайта қуришни истамайдиган кишилардир, чунки қайта қуриш улар ҳаётига қўшимча ташвишлар, безовталик, йиллар давомида қарор топган одатлар, кўникмалар, тасаввур ва тафаккур андазаларини кескин ўзгартириш заруратини олиб киради.

Ва, ниҳоят, булар — зарур хислатларга эга бўлмаса-да, тасодифий равишда раҳбарлик фаолиятининг муҳим участкаларига ўтиб олган ва жиддий проблемалар атрофида қуруқ валдираш ва сафсата сотишлар билан қайта қуриш ғоясини обрўсизлантираётган шахслардир.

Ўз-ўзини қайта қуришга қодир бўлмаган ёки буни хоҳламайдиган кишилар партия ходимлари орасида ҳам борки, бу бизни улардан қутулишга мажбур қилмоқда. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг IV пленуми (1987 йил февраль) 1986 йилда асосан ана шу сабабга кўра 750 раҳбар ходимни, шу жумладан 8 область партия комитети секретарлари, 100 шаҳар ва район партия комитетлари секретарларини алмаштиришга тўғри келди, деб таъкидлади. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг IV ва V (1987 йил март) пленумлари раҳбар кадрлар фаолиятида сусткашлик, лоқайдлик ва тайёрга айёрликка секинлик билан барҳам берилмоқда, эскирган методлар, ўртача натижалар билан қаноатланиш одати яшовчан, деб таъкидлади.

Танқид ва ўз-ўзини танқид ҳали ҳам илгаригидек ишдаги камчиликларни бартараф қилишнинг асосий усули бўлиб қолмоқда, лекин улардан ҳозирча суст фойдаланиляпти. Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, совет кишиларининг атиги 10—20 проценти танқидни камчиликларга қарши курашнинг таъсирчан воситаси сифатида қўллайди. Раҳбарларни улар ҳузурида танқид қилиш масаласига келганда шуни айтиш мумкинки, ҳозирча, афсуски, одамларда бундай муносабат аслида ривож топмаган. Бу ҳол партия ходимларини жиддий ташвишга солиши лозим, чунки, М. С. Горбачев КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленумида айтиб ўтганидек, жамиятдаги танқидий кайфиятни қўллаб-қувватлаш зарурлигини ҳамма ҳам тушуниб олмаган, биз социал-сиёсий турмушда, маънавий соҳада янгича ёндашувларни қарор топтираётган ҳозирги босқичда эса танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳамияти беқиёс ортиб бормоқда. Танқидга муносабат — инсоннинг қайта қуришга, жамиятимизда рўй бераётган ҳамма янгиликларга муносабатининг муҳим мезонидир.

Сиёсий маданиятни лозим даражада эгаллаган партия ходими — бу коммунизм идеалларининг ҳақлигига ишонган, омма билан чамбарчас боғлиқ ва уни ўзига эргаштира оладиган, ташаббускорлик билан фикрлайдиган ва қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун фаол қобилиятга эга кишидир.

ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — СОВЕТЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

И. ҚЎЧҚОРОВ,
Сирдарё область халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ долзарб вазифаларини, шу жумладан экономика ва социал ривожланиш соҳаларидаги вазифаларни белгилаб берган КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш учун ҳозирги кунда областимизда кўп ишлар қилинмоқда. Бу белгиланган вазифаларни амалга оширишда инсон омилига катта роль ажратилади. Бу ерда гап инсон тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, унинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун яхши шароит яратиш, турмуш маданиятини кўтариш тўғрисида боряпти.

Областимиз — аграр область. Шунинг учун ҳам бизда асосий аҳоли — ўлкамизнинг асосий экини — пахта етиштирувчи деҳқонлар, қишлоқ одамларидир. Бинобарин қишлоқ меҳнатчилари тўғрисида ғамхўрлик қилиш область, район, қишлоқ халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Қишлоқнинг социал ривожланиши проблемалари Советларнинг кўчма сессияларида, ижроия комитетларининг мажлисларида муҳокама қилиниб турилади. Ҳокимият органлари жойларда қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини яхшилаш устидан контрол қилиб борадилар, совет турмуш тарзини такомиллаштириш, прогрессив анъаналар, урф-одат ва маросимларни ривожлантириш ҳамда жорий этиш, қишлоқда нормал турмуш шароитини яратиш борасидаги жамоат ташкилотларининг фаолиятини уйғунлаштириб турадилар.

Қишлоқ меҳнатчиси биринчи навбатда яхши уй-жой билан таъминланган бўлиши керак. Мавжуд уй-жой фондини яхши сақлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу борада биз кўп куч-ғайрат сарфлаяпмиз. Чунончи, 1986—1987 йилларнинг куз-қиш ойларида фақат облагросаноат йўли билан 48,8 минг квадрат метр уй-жой капитал ремонт қилинди. Мактабларни ўтган ўқиш йилига тайёрлаш вақтида ҳам жуда катта ҳажмда ремонт ишлари бажарилди. Болалар боғчалари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилдик — уларнинг кўпчилиги, ҳаммаси бўлиб 1020 ўринли болалар боғчаси ремонт қилинди. Шу билан бирга 37,8 километр узунликда водопровод, 2,8 километр канализация ва 12,9 километр иссиқлик шохобчалари алмаштирилди, 24 буғ-қозон марказий иситиш системаси қайтадан жиҳозланди. Тўғри, бу қуруқ рақамларни ўқиш зерикарли, лекин қанчадан-қанча одам тақдири шулар билан боғлиқлигини бир тасаввур этинг-а. Ўша маълумотлар замирида одамлар учун иссиқлик, қулайлик, шинамлик ётадики, биз, ижроия комитет ходимларига ана шу масалалар билан мунтазам шуғулланишимизга тўғри келмоқда. Ана шу маълумотлар асосида ишимизга баҳо беришади, биз ўзимиз ҳам қарамоғимиздаги территориядаги аҳвол тўғрисида шунга қараб фикр юритамиз.

Ҳозирги кунда, 2000 йилга бориб ҳар бир оилани алоҳида уй ёки квартира билан таъминлаш вазифаси қўйилгани муносабати билан биз уй-жой қурилишига кўпроқ эътибор беряпмиз. Бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланиб, бу ишдан ҳамма идора ва ташкилотларни манфаатдор қилишга уринмоқдамиз. Табиийки, область агросаноати ўз маблағларини кўпроқ қўшади. 1986—1987 йилларнинг кузи ва қишида облагросаноат 53247 квадрат метр

уй-жой курди, бундан ташкари ўтган йили ва бу йилнинг бошида 910 ўринли болалар боғчалари, 6696 ўкувчи ўринли мактаб куриб, фойдаланишга топширди. Агросаноат 1987 йил планида 8 миллион 410 минг сўмлик ремонт-курилиш ишларини бажаришни кўзда тутган эди. Бу озмунча маблағ эмас. Область халк маорифи бўлими камрок имкониятга эга, лекин шунга карамай унинг кўшган ҳиссаси ҳам салмоклидир. 1986 йилда Тимирязев номидаги совхозда 640 ўринли мактаб, Хўжамушкент кишлоғида 192 ўринли мактаб курилиб, фойдаланишга топширилдики, уларни ўкувчилар кўпдан бери кутаётганди. Ҳозир ҳаммаси бўлиб 2070 ўринли болалар боғчалари куриляпти, кишлок аҳолиси уларга жуда муҳтож.

Биз якка тартибдаги курилишни бутун чоралар билан рағбатлантиряпмиз, бунинг учун эса одамларни тегишли материаллар билан таъминлашимиз зарур. Улар областнинг 14 магазини оркали реализация килиняпти. Бу иморатбоп ёғоч-тахталар, шифер, ғишт, цемент, бўёклар, курилиш асбоб-ускуналари, квартира ремонти учун зарур товарлардир. Тўғри, бу борада ҳамма ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас, аҳолига зарур нарсаларни доим ҳам етказиб беролмаяпмиз, лекин кечагига караганда бугун бу ишда жиддий силжиш бор.

Ижроия комитетларининг ташвиши бошидан ошиб ётибди. Лекин партия сиёсатига мувофик энг долзарб проблемаларга биринчи даражали аҳамият бермокдамиз. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш масалалари, халк соғлиги тўғрисида ғамхўрлик килиш шулар жумласидандир. Бу ишни энг кичик гражданлардан бошлаш керак. Шунинг учун ҳам жумладан, даволаш муассасаларида, болалар боғчалари ва мактабларда овкатлантиришни ташкил этишни яхшилаш проблемаларини ҳамиша биз диккат марказида тутмокдамиз. Бу ишнинг аҳволи область, шаҳар, район ижроия комитетларида ҳар ойда анализ килиб турилади.

Биз барча болалар муассасалари ва мактабларда ўрта медицина ходимларининг бўлишига катта эътибор берамиз. Ҳозирча улар ана шундай мутахассислар билан атиги 92 процентга бутланган. Марказий район касалхоналарининг педиатр-врачлари мактаблар ва болалар боғчаларига биркитиб кўйилган. ҳамма кичкинтойлар ва ўсмирлар ҳар йили пухта медицина кўригидан ўтказилади.

Ижроия комитетлари соғликни саклашнинг ҳамма масалаларига ҳозир катта эътибор бера бошладилар. Медицина муассасаларини куриш биринчи ўринда туради. Шу беш йилликнинг 1,5 йили ичида Гулистон шаҳрида область стоматология поликлиникаси, Околтин районидаги Мирзамуҳамедов номли боғдорчилик-виночилик совхозида, Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозида, Боёвут районининг «Биринчи май» совхозида, Ильич районидаги «5 а» совхозида медицина пунктлари, шунингдек Околтин районининг «19 а» ва Меҳнатобод районининг «3 а» совхозларида икки аптека фойдаланишга топширилди.

Кишлок касалхоналарини, медицина пунктларини малакали кадрлар билан таъминлаш ҳакида ҳамиша ғамхўрлик килмокдамиз. Медицина олий ўкув юртлари ва билим юртларини битирганлардан областимизга юборилаётганларнинг 60 процентдан кўпроғини районларга жўнатамиз, лекин уларнинг ўша жойларда муким ишлаб колишларига ҳали эришганимизча йўк. Бугунги кунда медицина кадрларининг кўнимсизлигини кискартиш максадида шаҳар ва район ижроия комитетларига ёш мутахассисларни ўз вактида уй-жой билан таъминлаш хусусида кўрсатма берилди. Область соғликни саклаш бўлимининг етакчи мутахассислари кишлок аҳолисига малакали медицина ёрдами кўрсатиш максадида ойида икки марта «Саломатлик кунлари»ни ўтказишади, кишлок медицина муассасаларига кўмаклашишади, беморларга маслаҳатлар беришади ва улар орасидан область медицина муассасаларида даволанадиганларини танлаб олишади. Ўтган йили «Саломатлик кунлари» Сирдарё, Гулистон, Комсомол, Боёвут районларида, Гулистон ва Янгиер шаҳарларида ўтказилди.

Кишлок турмушини унинг маданиятини ошириш асосида кайта куриш — бу областимизда чинданам ҳамманинг иши. Бу ишдан четда турган бирон партия, совет органи, жамоатчилик ташкилоти йўк. Лекин барибир асосий

оғирликни халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ўз зиммаларига олмоқдалар.

Мисол тариқасида шуни айтишим мумкинки; ўн иккинчи беш йилликда қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш ва шунга ўхшаш масалалар область ижроия комитети мажлисларида 7 марта, область Совети сессияларида 2 марта кўрилди, доимий комиссиялар уларни чуқур ўргандилар.

Кўпчилик қишлоқ Советлари қишлоқ маданиятини кўтариш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар, С. Шакаров бошчилик қилаётган Малик қишлоқ Совети практикасига мурожаат қиламиз. Бу ерда мураккабликлар етиб ортади. Авваламбор бу территорияда кўп тармоқли хўжалик — «Малик» совхози жойлашган. Ишлаб чиқариш раҳбарлар олдига қанчадан-қанча проблемаларни қуймоқдаки, қайта қуриш шароитида уларни тез ҳал этиш талаб қилинади. Шуни ҳам айтиш муҳимки, бу ерда мамлакатимизнинг 40 миллат ва элатлари вакиллари яшайди, бу эса пухта ўйланган социал сиёсатни, шунга мувофиқ ғоявий-сиёсий ишни талаб этади.

Ҳамма ерда бўлгани каби бу ерда ҳам биринчи навбатда уй-жой қурилиши тўғрисида қайғуришади. Шу муносабат билан фақат бир нарсага, лекин жуда нозик, муҳим масалага эътиборни қаратмоқчи эдим: совхозда уй-жойни шунчаки хўжакўрсинга эмас, балки бугунги кун кишисининг юксак талабларига жавоб берадиган, кўзни қувонтирадиган, барча қулайликларга эга бўлган шинам қилиб қуришга ҳаракат қилишади. Зеро бу ерда янги турмуш уй-жойдан бошланади.

Ўн биринчи беш йилликда 7 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди, совхознинг 186 ишчи ва хизматчи оилалари ҳовли тўйи қилишди. Бундан ташқари 71 оила қишлоқ Советининг ёрдамида уй қуришди. Ҳаммаси бўлиб ўтган беш йилликда 200 дан ортиқ янги уй қад кўтарди, 125 квартира ремонт қилинди.

Кейинги вақтларда қурилган бошқа объектлар — 5 минг тонна мева ва сабзавот сақланадиган холодильник, сайловчилар наказн бўйича қурилган маиший хизмат комбинати ҳам хўжалик меҳнатчиларига анчагина қулайликлар туғдирди.

Бу ерда кишилар сиҳат-саломатлиги тўғрисида катта ғамхўрлик қилишади. Совет территориясида 100 койкали касалхона, поликлиника, 5 фельдшерлик-акушерлик пунктлари, 2 соғлиқни сақлаш пункти, болалар сут-қатиқ ошхонаси ишлаб турибди.

Янгича турмуш қишлоқ аҳлининг ҳаётини кескин ўзгартириб юборяпти, социалистик турмуш тарзини қатъий қарор топтиряпти. Чунончи, бу ерда ажойиб болалар боғчалари бор, болаларга кичкиналигидан маданият кўникмалари сингдириляпти. Бошланғич синф ўқувчиларининг кўпчилиги узайтирилган кун группасига боришади, улар бу ерда текин овқатлантирилади, уларнинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсишлари тўғрисида ғамхўрлик қилишади. Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида қишлоқ учун кадрлар тайёрланмоқда.

Замонавий Маданият саройи, икки клуб, олти кутубхона, икки стадион, сузиш ҳовузи, тўққиз ошхона, ресторан, универмаг аҳоли хизматида. Бу қишлоқ Советида сайловчиларнинг 75 наказидан унинг ваколати тугаши охиригача 70 таси бажарилди. Депутатларнинг қишлоқ аҳолиси турмуши маданиятини кўтаришга қаратилган ҳамма таклифлари манфаатдорлик билан кутиб олинади ва имкони борича амалга оширилади. Маликчилар маънавий бой, мазмундор хаёт кечирадилар. Етакчи артистлар, ёзувчилар, рассомлар уларнинг меҳмони бўлишади.

Қишлоқ аҳли турмуш маданиятининг юксаклиги уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатяпти. «Малик» совхозининг пахтачиликда, чорвачиликда эришган ютуқлари фақат областда эмас, балки республикадан ташқарида ҳам маълум. Шу тариқа пухта ўйланган социал сиёсат халқ хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермоқда.

Сирдарё районининг Ленинград қишлоқ Совети, Боёвут районидаги Мингчинор қишлоқ Совети, Ховос районининг Гулбаҳор қишлоқ Совети, Гулистон шаҳридаги Улуғобод посёлка Совети ва бошқалар қишлоқ турмуш маданиятини ошириш масалалари билан кўп ва самарали шуғулланмоқдалар.

Маҳаллий Советларнинг мазкур проблемаларни бир мақсадни кўзлаб ва изчил ҳал этишлари учун область ижроия комитети доимо тадбирлар системасини амалга ошириб келяпти: қишлоқ Советлари раислари ва секретарларининг семинарларини ўтказмоқда, жойлардаги ишлар аҳволи синчиклаб текширилади, энг яхши маҳалла, энг яхши қишлоқ номини олиш учун конкурслар ўтказади ва ҳоказо. Маҳаллий Советлар қишлоқ ҳаётининг энг муҳим проблемаларини диққат марказларида тутишга ҳаракат қилишади, уларни ҳал этишга ҳаммани сафарбар этади, бу муҳим ишда куч ва маблағларни сочиб юбормасликка, балки улардан кунт билан, қадам-бақадам оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишади. Чунончи, кейинги вақтларда Улуғобод қишлоқ Советида катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Ижроия комитет биносининг теварак-атрофи топ-тоза, намунали тартиб ўрнатилган, интерьер ҳам яхши ўйланган. Хуллас, бутун вазият, шароит кишида яхши кайфият уйғотади.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги вақтда 30 дан ортиқ клуб ва кутубхона шинам, қулай биноларга кўчирилди. Кўпгина қишлоқларда маданий ишларнинг кенг кўламда олиб борилаётганлиги ажабланарли ҳол эмас. Масалан, областимизда бадиий ҳаваскорлик билан 13 мингдан зиёд киши шуғулланади. Улар ҳар йили 5 мингдан ортиқ концерт берадилар. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқ ижодиётининг II Буттуниттифоқ фестивали давомида илгари тарқалиб кетган 102 коллектив ва бадиий ҳаваскорлик тўгараги қайта тикланди. Улар орасида Сирдарё районининг «Дўстлик» ашула ва рақс ансамбли, Меҳнатобод районидаги уч Маданият уйи коллективи, Ильич районидаги «Правда», Волков номли совхозлар маданият уйларининг ҳаваскор ансамбллари ва бошқалар бор. 25 та янги коллектив тузилди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, маданий-спорт комплекслари доирасидаги тадбирлар етарлича олиб борилмаяпти. Ҳозир биз бу ишни жонлантириш тўғрисида ўйлаяпмиз. Тўғри, маданият муассасалари учун малакали мутахассислар етишмайди, бу проблемани яқин йиллар ичида ҳал қилиб бўлмаса керак. Лекин биз истиқболни ўйлаб, 1987 йилнинг мартида республиканинг тегишли ўқув юртларига абитуриентларни танлаш ҳафталигини ўтказдик. Мактабни битириб чиққан ва ўша ўқув юртларида ўқиш истагини билдирган 142 ўқувчининг 110 таси қишлоқ жойлардан.

Кино хизматини яхшилаш учун областда киноустановкалар янги ускуналар билан қайта жиҳозланмоқда. Йил давомида уч комплект киноаппаратура, махсус автотранспорт, 3,5 минг киши ўтирадиган театр креслолари ва скамейкалари олинди. Қишки кинотеатрларнинг иситиш системалари ва бинолари ремонт қилинди. Ховос районининг Фарҳод-5 посёлкасида 300 ўринли қишки кинотеатр биноси қурилиши битай деб қолди. Езги кинотеатрларнинг жорий ва капитал ремонтлари битди — бизда жами 79 шундай кинотеатр бор. Мактаб киноустановкалар шохобчасини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз, улар ҳозир бизда 30 та. Кинофильмлар репертуарини планлаштириш ва уларни реклама қилиш яхшиланмоқда.

Бу ерда яхши кадрларсиз иш битмайди, албатта. Шунинг учун ҳам киномеханикларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига ҳамиша эътибор берамиз. Чунончи, 1986 йилнинг июлидан ҳозиргача 54 киномеханик ўқитилиб, қишлоқ жойларга жўнатилди.

Маданий-маърифатчилик иши қанчалик кенг қулоч ёйса унинг моддий-техника базаси тўғрисида шунчалик кўп қайғуриш керак бўлади. Бу фақат маданият муассасаларини қуриш-у, ремонт қилишдан иборат эмас. Масалан, кейинги вақтларда фақат инвентарнинг ўзини харид қилишга 53,3 минг сўм сарфланди.

Табиийки, қишлоқларимиздаги ободончилик, тозалик ва тартиб — бу маданиятнинг фақат ташқи кўринишлари. Биз кўпроқ нарсага эришишга ҳаракат қиламиз, областимизда яшовчи ҳар бир кишида юксак ички маданият бўлишини истаймиз. Бунга эришиш йўлларидан бири — янги таомилларни, социалистик маросимларни жорий этишдир.

Бизда юксак эстетик ва бадиий қийматга эга бўлган совет социалистик маросимлар системаси қарор топдики, у ҳаётнинг турли томонларини қамраб олиб,

катта тарбиявий потенциалга эга. Социалистик анъаналар — бу янги тарихий бирлик — совет халқининг анъаналаридир. Улар ўз характерига кўра чуқур интернационал бўлиб, мамлакатимиз халқларининг прогрессив миллий урф-одатлари билан узвий қўшилиб кетади. Ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг бутун процесси уларда ўзига хос ифодасини топади. Бу эса миллий ва интернационал жиҳатларнинг ўзаро таъсири ва алоқасини чуқурлаштиради, бунда интернационал тенденциялар белгиловчи роль ўйнайди. Ахир, бошқача бўлиши мумкинми? Зеро, областимиз аҳолиси состави ҳам кўп миллатлилиги билан характерланади.

Маданият муассасалари амалга ошираётган барча тадбирлар замирида интернационал тарбия ётади. Халқ ижодиётининг II Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилган «Сирдарё гулдастаси» якунловчи концерт программасида ўзбек, рус, қозоқ, украин, озарбайжон, кореец ва бошқа миллатлар бадиий ҳаваскорлар коллективлари қатнашди. Фестиваль доирасида областнинг барча қишлоқ клубларида халқ ижодиётининг оммавий кўриклари, маҳаллий шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг алмашув концертлари ўтказилди. Худди шундай тадбирлар, шу жумладан «Биз дунё ворисларимиз, биз планетани асраб қолишимиз керак» мавзусида музикали-спорт концерт-митинглари область марказидаги «Спартак» стадионида ўтказилди. Улардан тушган маблағ областимиздаги болалар уйига (2880 сўм) ва Совет тинчлик фондига (1211 сўм) ўтказилди.

Жамиятимизнинг бир хиллиги тобора ўсиб бораётган шароитда социал ва миллий фарқларга боғлиқ бўлмаган умумий белгилар катта аҳамият касб эта боради. Янги анъаналар ўз-ўзидан келмайди ва стихияли равишда илдиз отмайди. Уларни жорий этишда маҳаллий Советлар катта роль ўйнаши керак, уларнинг ишига бир мақсадга қаратилгаилик, ташаббускорлик хосдир. Улар ташкил этган Хотира куни ҳамманинг эсида қолди. Лекин уни тайёрлашга қанча куч ва ғайрат сарфланганлигини ҳамма ҳам билавермайди. Республиканинг ҳамма ерида бўлгани каби, аввалига семинарлар ўтказилди. Район, посёлка, қишлоқ Советлари қошида тузилган штаблар қабристонлар ва уларга туташ территорияларни ободонлаштириш учун анча иш қилдилар. Уларнинг кўпчилиги электрлаштирилди, йўллар ва тротуарлар ремонт қилинди, 100 мингдан ортиқ туп кўчат, бута, манзарали ўсимликлар ўтқазилди, 500 қабр тоши ва ёдгорлик ўрнатилди. Мотам митингларида мингдан ортиқ уруш ва меҳнат ветеранлари сўзладилар. Хотира куни кишилар қалбида чуқур из қолдирди, уларни бирлаштирди.

Биз тарбиявий ишнинг янги формаларини топишимиз мумкин, топяпмиз ҳам. Фақат улардан кенг ва самаралироқ фойдаланиш керак.

Янги қулай ва шинам уйлар, асфальт йўллар, қишлоқларнинг электрлаштирилиши ва газлаштирилиши, ялпи саводхонлик — бугунги қишлоқнинг бу барча белгилари табиблик, аҳоли бир қисмининг ўз умрини яшаб бўлган реакцион урф-одат ва маросимларга амал қилиши билан сира ёпишмайди. Бу ишда маҳаллий Советлар, айниқса қишлоқ Советлари ўзларининг қатъий сўзларини айтишлари керак. Чиндан ҳам ўз районидаги аҳволни, шарт-шароитни, кишиларнинг қандай турмуш кечираётганини, кимнинг дин ва бидъат таъсирига берилганини ижроия комитет раиси, секретари ҳаммадан кўра яхшироқ билиши керак-ку. Ижроия комитет раҳбарлари, депутатлар кимнинг тўйини, балки дафн маросимини эски урф-одатларга биноан ўтказмоқчи бўлаётганини олдиндан билишлари керак. Улар бундай оилаларга биринчи бўлиб боришлари, гаплашишлари, эски урф-одатларнинг зарарлигини кўрсатишлари керак.

Ҳозир кўпгина қишлоқ Советларининг территорияларида тўйлар, бошқа оилавий тантаналар чинданам янгичасига, диннинг аралашувисиз, ичкиликсиз ўтяпти. Бу ерда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган кекса авлодлар, ҳамқишлоқлари хотирасини ҳурмат билан ёд этадилар.

Ҳамма маҳалла ва микрорайонларда, колхоз ва совхозларда махсус комиссиялар тузилган бўлиб, уларнинг вазифаси оилавий тантаналарни ўтказишга ёрдам беришдир. Масалан, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози комиссияси составида ҳурматли оқсоқоллар, партия, касаба союз, комсомол активистлари бор. Комиссия аъзолари сарф-харажатларни уй эгасининг иззат-

нафсига тегмайдиган қилиб одоб билан контрол қилиб боради, тантаналарнинг тартибли ўтишини кузатишади, маиший хизмат дастурхонни тузашга ёрдам беради, зарур мебель билан таъминлайди. Тўю-томошалар ўзларининг тантанавор, кўтаринки руҳини, миллий колоритини ҳеч ҳам йўқотгани йўқ, ота-оналар ва келин-куёвлар катта сарф-харажат ташвишидан қутулиб, эркин нафас олдилар, қолаверса, маросим маданияти ҳам анча ошди. Маълумки, тўй эгаларига машҳур артистлар, ансамблларни таклиф қилиш жуда қимматга тушарди, музикасиз тўй тўйга ўхшармиди. «Коммунизм» колхозида маҳаллий бадиий ҳаваскорлар хизматидан яхшигина фойдаланишяпти. Бу ташаббус областда кенг қўллаб-қувватланди. Бу тадбир маблағни тежаш билан бирга катта ахлоқий маъно ва мазмунга эга: камтарлик ҳамиша инсон ҳуснига ҳусн қўшади.

Ҳаётни ўзи кўрсатиб турибди: қаердаки қишлоқ Советлари янги урф-одат ва маросимларни жорий қилишни кампаниябозликка айлантирмасдан, бу иш билан астойдил, чуқур шуғулланишса, ўша ерда муваффақият, ўша ерда турмуш маданияти юқори.

Тўғри, кўп иш қилинди, лекин биз дастлабки муваффақиятлар билан алданиб қолмаймиз. КПСС XXVII съезди қўйган социал вазифаларни ҳал этиш учун хали кўп меҳнат қилишимиз керак. Қишлоқда турмуш маданиятини кўтаришни, маънавий дунёси бой шахсни камол топтиришни секинлаштираётган проблемаларга биринчи даражали аҳамият беришимиз керак.

Медицина ва маданий-маърифий муассасаларнинг, айрим қишлоқ район марказларининг моддий-техника базаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Чунончи, 9—10 йил бурун барпо этилган Меҳнатобод, Комсомол районларида шу вақтгача марказий касалхоналар йўқ. Юқорида тилга олинган районларнинг, шунингдек Оқолтин, Ильич районларининг қишлоқ медицина муассасаларида врачлар, айниқса педиатрлар ва гинекологлар етишмайди. Бугунги кунда бутун область бўйича 244 врач, ўрта медицина персоналидан 517 киши етишмайди.

Қишлоқ маданият муассасаларининг мебель билан таъминланиши улар эҳтиёжининг 40—45 процентини ташкил этади. Қанчалик кўп куч-ғайрат сарфлашимизга қарамасдан, уларни замонавий маданий инвентарь, жумладан, видеомагнитофонлар, акустик кучайтириш аппаратлари билан таъминлай олмаяпмиз. Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари иштирокчиларига театр костюмлари тикиш учун шойи газламаларга лимит ажратилмайди.

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш фақат қишлоқларнинг ташқи кўринишидагина эмас, шунингдек кишилар онгида ҳам айниқса катта ўзгариш ясайди. Баландчақир қишлоғида Гулистон тикув фабрикасининг филиалини очиб, бунга ишонч ҳосил қилдик, унда 250 хотин-қиз ишлайди. Шунинг учун ҳам биз маҳаллий Советларнинг замонавий корхоналарни, уларнинг айрим цехларини қуришга кўпроқ эътибор беришларини талаб қиляпмиз. Ишчилар синфи ва меҳнаткаш зиёлилар сонининг ўсиши эскирган қараш ва анъаналарнинг тубдан ўзгаришига, янги маданиятнинг, социалистик ўзаро муносабатларнинг қарор топишига, қишлоқ аҳолисининг билимга иштиёқига, турмушининг қайта қурилишига олиб келади.

Бундай ўзгаришлар учун бошқа имкониятлар ҳам борки, улар ҳам бизнинг ихтиёримизда. Бу қишлоқларимизни планлаштиришдаги бузилишларни бартараф этиш, уларни кўкаламзор қилиш, йўлларни, дам олиш жойларини ободонлаштириш, маданий марказлар барпо этиш ва ҳоказолардан иборатдир.

Қишлоқ ва посёлка халқ депутатлари Советлари партия органлари раҳбарлигида КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан узоқ муддатга мўлжаллаб ишлаб чиқилган перспектив программага мувофиқ иш кўриб, совет турмуш тарзини такомиллаштириш, прогрессив анъана, маросимларни ривожлантириш ва жорий этиш, қишлоқда турмуш учун яхши шароит яратиш бўйича жамоат ташкилотларининг фаолиятини бундан буён ҳам мувофиқлаштириб, қишлоқ жойларда турмуш маданиятини ошириш юзасидан ҳамма ишларни назорат қилиб боради.

КОМПЛЕКС ЁНДАШИШ — ҒОЯВИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШДАГИ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Т. НАЖМИДДИНОВА,
тарих фанлари кандидати

КПСС XXVII СЪЕЗДИ идеология соҳаси ходимлари олдига катта вазифалар қўйди. Бу ишда салмоқли натижаларга эришиш учун эса меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясига комплекс ёндашмоқ зарурдир.

Бундай ёндашиш ғоясини даставвал марксизм-ленинизм классиклари олға сурган эдилар. Қ. Маркс ва Ф. Энгельс синфий, пролетар тарбиясининг асосий қонуниятлари, принцип ва талабларини таърифлаб бердилар, инсоннинг ҳаёт ижодкори ва революцион ўзгартирувчиси сифатидаги моҳиятини очиб бердилар. Улар чекланганлиги ва бир ёқламалиги учун буржуа тарбия системасини танқид қилдилар.

Қ. Маркс ва Ф. Энгельс ижтимоий тарбия ва таълимни ишчилар синфининг ўз озодлиги, янги жамият қуриш учун олиб борган революцион курашида муваффақият қозонишининг зарурий ва таъсирчан шарти сифатида қараб чиқдилар. Шу билан бирга улар пролетариат сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгач, синфий тарбияга доир ўз системасини ишлаб чиқади деб таъкидладилар: янги тузум «бутунлай янги кишиларга муҳтож бўлади ва шундай кишиларни яратади» (Қ. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 4-том, 335-бет). Илмий коммунизм асосчиларининг фикрича, меҳнат, ақлий, жисмоний тарбиянинг техника таълими билан қўшилиши пролетар тарбиясининг мазмунини ташкил этиши керак (*қаранг:* Қ. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 16-том, 198-бет).

Қ. Маркс ва Ф. Энгельснинг тарбия принциплари ва мазмунига доир фундаментал ғоялари В. И. Ленин асарларида янада ривожлантирилди. У тарбиянинг комплекс характерини назарда тутиб, оммага ғоявий-сиёсий таъсирни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, бу ишнинг системали ва бир мақсадга йўналган бўлиши, кишиларга моҳирлик билан, педагогика жиҳатидан асосланган якка тартибда ёндашиш зарурлигини таъкидлади (*қаранг:* Тўла асарлар тўплами, 10-том, 391—392-бетлар).

Марксизм-ленинизмнинг тарбия жараёнининг комплекс характерда эканлиги ҳақидаги қоидалари идеологик ишни такомиллаштиришнинг, самарадорлигини оширишнинг бош йўлини белгилаб берган КПСС XXVII съезди материалларида умумлаштирилди ва янада ижодий ривожлантирилди.

КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқлари асосида тарбияга комплекс ёндашиш қуйидагиларни билдиради:

— ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия мақсад ва йўналишларининг бирлигини;

— аҳолининг турли группа ва қатламларига табақалаштирилган ҳолда ёндашишни — уларнинг профессионал, ёш, миллий, маълумот хусусиятларини, эҳтиёж ва қизиқишларини ҳисобга олишни;

— тарбиядаги барча воситалар самарадорлигини оширишни, уларни янада аниқроқ ихтисослаштириш ва уйғун ҳолда бошқаришни, тарбиядан кўзланган мақсадларга эришишда ворисликка риоя этишни;

— кишиларни социал практикага кенг ва изчил жалб этишни, жамоат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирок этишини.

Партия ташкилотлари ғоявий-тарбиявий фаолиятининг барча асосий йўналишлари — сиёсий маориф, меҳнат, ватанпарварлик, интернационал, атеистик ва эстетик тарбия — биргаликда, ўзаро алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликда амалга оширилади. Фақат ана шундагина меҳнаткашларнинг билимларини мунтазам янгилаб бориш, малакаларини ошириш, ғоявий-сиёсий, илмий-техник ва иқтисодий билим даражасини кенгайтириш мумкин.

ҚПСС XXVII съезди тарбиянинг жуда муҳим формаси сифатида якка тартибда иш олиб боришга катта аҳамият берди. Бунинг боиси нимада?

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришни экономикани ҳар томонлама интенсивлаштирмасдан, меҳнатда юксак унумдорликка эришмасдан, инсон омилини активлаштирмасдан амалга ошириб бўлмайди. Бугунги кунда партия комитетлари ғоявий-тарбиявий фаолиятининг марказида конкрет инсон, унинг қизиқишлари, фикрлари, туйғулари туриши керак. Кишиларга айтиладиган оқилона, ҳаққоний сўз ижтимоий ҳаётдаги реал социал, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга ҳамоҳанг бўлиши керак.

Жамиятимизда безорилик, ичкиликбозлик, порахўрлик, ўғирлик, бюрократизм, кўзбўямачилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш сингари салбий ҳодисаларга ҳануз барҳам берилмаган экан, бу ҳам якка тартибда олиб бориладиган ишни кучайтириш зарурлигини тақозо этади. Ана шу нуқсонларни таг-томири билан тугатиш — партия ташкилотларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Ва, ниҳоят, халқаро майдондаги кескин идеологик кураш якка тартибда иш олиб боришни такомиллаштиришни талаб этмоқда. Ҳозирги империализмнинг стратегик мақсади — социалистик жамиятни ичидан қўпоришдир. Идеология ходимларимизнинг юксак профессионализми, социалистик жамият ахлоқи, унинг маданияти, ахборотнинг ошкоралиги, пропаганданинг дадил ва ижодий характери, деб таъкидланди ҚПСС XXVII съездида, буржуа пропагандистларининг маккорлиги ва принципсизлигига қарши қўйилиши лозим. Идеологик қўпорувчиликни фош қилишда ҳам, социализмнинг реал ютуқлари, социалистик турмуш тарзи тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни етказишда ҳам ҳужумкорлик бўлиши керак.

Республика партия ташкилотлари ҚПСС XXVII съездининг, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди, унинг Марказий Комитети XVI (1984 йил июнь) ва ундан кейинги пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, меҳнат коллективларидаги, аҳоли кенг қатламлари орасидаги ғоявий-тарбиявий ишни активлаштирдилар. Масалан, ишлаб чиқариш планларини муддатидан олдин бажариш учун бошланиб кетган индивидуал меҳнат беллашуви яхши самара бермоқда. Бундай беллашув анчадан бери «Миконд» заводида қўлланиб келмоқда. Бу ерда тажрибали ишчиларнинг ёш ишчиларга оталиғи ва мураббийлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Завод парткоми коммунистларнинг Уставда белгиланган ва хизмат вазифаларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳисоботларини ўз мажлис ва партия йиғилишларида мунтазам эшитиб туради.

ҚПСС аъзоларининг жанговарлик кўрикларини ўтказиш, коммунистлар аттестацияси якка тартибда иш олиб боришнинг бошқа бир формасидир. Бундай кўриклардан мақсад — партия ташкилотларининг ташаббускорлиги ва активлигини янада ривожлантириш, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажариш учун меҳнаткашларни сафарбар қилиш борасидаги ташкилотчилик иши форма ва методларини такомиллаштириш, ҳар бир партия аъзосининг партия ташкилоти жанговар қобилияти ўсиши, унинг обрў-эътибори мустаҳкамланишидан астойдил манфаатдор бўладиган ахлоқий-психологик муҳитни яратишдир.

Бундай мисолларни республиканинг бошқа саноат корхоналаридан ҳам келтириш мумкин.

Шу билан бирга якка тартибдаги тарбия ишига ҳали етарлича эътибор берилмаётир. Бунга сабаб шуки, партия ташкилотлари ғоявий-тарбиявий фаолиятининг муайян система ҳосил қилинган сиёсий маориф, лекция пропагандаси каби турларидан фарқли ўлароқ, якка тартибдаги тарбия ишига уюшқоқлик, собитқадамлик, аниқлик, партия комитетлари ўз ишларида суянишлари керак

бўлган асосий кучларни тўғри аниқлаш маҳорати етишмайди. Лекин шуни ҳам эътироф этиш керакки, коммунистларнинг маълум бир қисми ғоявий-тарбиявий ишга пассив муносабатда бўладилар.

Якка тартибдаги тарбияни активлаштириш ҳақида гапирилганда унинг икки муҳим хусусияти эътиборда тутилади. Бир томондан, партия ташкилотлари ўз коммунистларини тарбиялаш ишини шундай йўлга қўйишлари керакки, у коммунистларнинг ғоявий-сиёсий етуклиги тинмай ошиб боришини, улар ўзларининг коллективдаги етакчилик ролларини чуқур англаб етишларини таъминласин, бошқа томондан эса — партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасидаги тарбия ишига партия аъзоларини жалб қилишнинг форма ва методларини доимо такомиллаштириб боришлари, уларнинг партиясизларга кўрсатадиган сиёсий таъсирининг кучайиб боришига эришишлари керак.

Ҳозирги кунда аҳоли яшайдиган жойлардаги идеологик иш катта аҳамиятга эга. Бунга КПСС XXVII съездида ҳам катта эътибор берилди. Бу иш меҳнаткашлар коллективларида касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, инженер-техник ходимлар, маданият арбоблари партия комитетлари раҳбарлигида олиб бораётган кўп қиррали фаолиятнинг тадрнжий давоми ва ривожи бўлиши керак. Бундай ишнинг алоҳида аҳамияти шундаки, у меҳнат коллективларининг аъзоси бўлмаган жуда кўп кишиларни (ўқувчилар, уй бекалари, пенсионерларни) идеологик таъсир остига олиш имконини беради. Совет кишиларининг билим ва умумий маданий даражаси ошганлиги каби объектив жараёнларни ҳам эътиборга олиш керакки, у ҳали бу ишни такомиллаштиришни тақозо этади.

Шундай қилиб, тураржойлардаги тарбия ишига ҳаётнинг долзарб талаби деб қараш керак. Маҳалланинг энг обрўли кишиларини бунга жалб қилаётган Собир Раҳимов район партия комитети (Тошкент шаҳри) ишга айни шу позициядан туриб ёндашмоқда. Масалан, «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида халқ маорифи аълочиси, коммунист Ҳамидулла Йўлдошев ғоявий-тарбиявий иш бўйича тузилган кенгашга раислик қилмоқда. Унинг актив иштирокида маҳалла клубида район депутатлари ва таниқли кишилари билан учрашувлар ўтказилмоқда, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди материаллари бўйича лекциялар ўқилмоқда, жадаллаштириш, қайта қуриш концепциясининг асосий жиҳатлари тушунтириб берилмоқда, халқаро муносабатлар проблемаларига бағишланган суҳбатлар ўтказилмоқда, атеистик иш олиб борилмоқда. Маҳалла кенгаши Собир Раҳимов район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими билан доимий алоқа ўрнатган.

КПСС ғоявий-тарбиявий ишга комплекс ёндашиш вазифаларини ҳал этаркан, меҳнаткашларнинг марксча-ленинча таълимини яхшилаш борасида доимий ғамхўрлик кўрсатяпти, партия сиёсатининг омма фаолияти билан қўшилиб кетишига интиляпти. Хусусан, мамлакатда ўтказилаётган, назарий билимларга жонли қизиқиш уйғотишга, уларни амалда қўллай олишни ўргатишга, социалистик идеаллар ва социалистик турмуш тарзини, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда илғор формаларни тарғиб қилиш ва қарор топтиришга ёрдам беришга даъват этилган сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасини қайта қуриш ана шу мақсадга йўналтирилган. «Бутун партиявий таъсир кучини бугунги кунда қаратиш зарур бўлган энг муҳим нарса, — деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, — ҳар бир киши ўз бошидан кечираётган пайтнинг кескин, бурилиш характерида эканлигини тушуниб етишига эришишдан иборатдир».

Партия коммунистлар ва партиясизлар ўкувини такомиллаштиришни КПСС раҳбарлик ролининг янада ошиб бориши, партия ташкилотлари жанговарлигининг кучайиши, партия сафлари бирлигининг мустаҳкамланиши, мамлакат меҳнаткашларининг ўз сиёсий авангардлари атрофида жипслашишининг зарур шарти сифатида қараб чиқмоқда. Буни «Миконд» заводи партия ташкилотининг фаолияти мисолида кўриш мумкин. Партком марксча-ленинча таълимни қайта қуриш учун анчагина иш қиляпти. Масалан, иқтисодий ўқиш мобайнида тингловчилар орасида «сифат тўгараклари» ташкил этилмоқда, уларда завод ходимларининг катта қисми қатнашади. Сиёсий ўқиш билан асосан коллективнинг идеологик активи, шунингдек, янги сайланган партгрупорг-

лар, партия бюросининг, маъмурият фаолиятини контрол қилиш комиссиясининг аъзолари ва бошқа активистлар шуғулланмоқдалар.

Ғоявий-тарбиявий ишга комплекс ёндашиш принципини амалга ошира бориб, республика партия ташкилотлари савол-жавоб кечалари, йиғилиш ва йиғинлар, оғзаки журналлар, меҳнат шуҳрати байрамларидан, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, социалистик мусобақа ғолиблари билан бўладиган учрашувлардан кенг фойдаланяптилар. Ягона сиёсий кунлар идеологик ишнинг таъсирчан формаси бўлиб қолди. Мисол учун, «Миконд» заводининг ўзида ягона сиёсий кунларда завод директори партия сиёсатининг актуал масалалари юзасидан сўзга чиқиши анъана бўлиб қолди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар активлигининг ошганлиги сиёсий кунлар таъсирчан бўлиб қолганлигидан далолат бермоқда, бундай кунларни мунтазам ўтказиб туриш меҳнаткашларнинг уюшқоқлиги ва масъулиятини оширмоқда, уларда гражданлик хислатларини, халқ бахт-саодати йўлида астойдил меҳнат қилиш эҳтиёжини шакллантирмоқда.

Партия ташкилотлари бугунги кун талаблари асосида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш ишига катта аҳамият бермоқдалар. Эндиликда бу кадрлар марксизм-ленинизмнинг энг муҳим ғояларинигина эмас, балки революцион практикани бойитаётган янги назарий қоида ва хулосаларни ҳам чуқур билишлари керак. Янги кишини тарбиялашдек умумпартиявий ишда идеология ходимларининг ҳиссаси, деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, ўсиб бориши керак. Партия бундан буён ҳам ўз эътиқодларини шахсий намунаси билан исботлаётган, аналитик фикрлай оладиган, назарияга қизиқадиган, кенг билимли, профессионал тайёргарлиги бор, янги давр вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга қодир идеология кадрларининг обрў-эътиборини ошира беради.

Партия ғоявий-тарбиявий ишга комплекс ёндашишда барча гражданларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги активлигини оширишга катта ўрин ажратмоқда. «Меҳнат, — деб қайд этилади КПСС Программасида, — жамият моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаи, кишининг социал обрў-эътиборини баҳолайдиган асосий мезон, унинг муқаддас бурчи, шахсни коммунистик руҳда тарбиялашнинг негизидир». Жамият манфаати йўлида қилинадиган меҳнатга меҳр ва ҳурмат, меҳнатда чиниқиш коммунистик тарбиянинг ўзагини ташкил этади. Партия такшилотлари ёш авлодни меҳнатга жалб қилишнинг кўпгина формаларидан фойдаланмоқдалар. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларини, меҳнат ва дам олиш лагерларини, ўқувчиларнинг бошқа меҳнат бирлашмаларини ташкил этиш борасида мактаблар, ўқув юртлари, комсомол бошлаган ташаббуслар қўллаб-қувватланаётган жойларда тўғри иш қилинмоқда.

Бунга одатда мамлакатнинг энг йирик қурилишларига юбориладиган студентларнинг қурилиш отрядлари ёрқин мисол бўла олади. Ёш жонбозлар уй-жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, мактаблар, йўллар қурадилар. Жойлардаги партия комитетлари студент отрядларини актив қўллаб-қувватламоқдалар.

Ғоявий-тарбиявий иш шунингдек ўғирлик ва порахўрлик, чайқовчилик ва меҳнат интизомини бузиш, текинхўрлик, ичкиликбозлик ва безорилик, хусусий мулкчилик психологияси ва тамагирлик, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик каби социализмга ёт ҳодисаларни таг-томири билан йўқотишга ҳам йўналтирилган. Кўпинча яқин ўтмишда яхши, пухта ўйланмай олиб борилган пропаганда ишининг оқибатларига тўқнаш келишга тўғри келмоқда, унда, айтайлик, асосий эътибор нуфузли деб ҳисобланган касбларни оммалаштиришга қаратилардию, бошқа зарур касбларнинг ижтимоий қадрияти эса сояда қолиб кетарди. Хўжасизликка, давлат маблағларининг тежамкорлик билан сарфланмаслигига кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, кучсиз азот кислотаси цехидаги ускуна-жиҳозларнинг капитал ремонтига Фарғона «Азот» бирлашмасида ўтган беш йилликда салкам 8 миллион сўм сарфланди, ҳолбуки яхшиланган характеристикали шундай янги агрегатнинг қиймати бир неча баробар кам туради. «Средазкабель» бирлашмасида камёб геофизик кабеллар ишлаб чиқаришни катта қўшимча харажатларсиз икки баробар ошириш имкони бор, лекин

раҳбарлар ва мутахассислар бу имкониятдан амалда фойдаланишга шошилмаяптилар.

Республика партия ташкилотлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди илгари сурган вазифаларни амалга ошира бориб, меҳнат, ғоявий-сиёсий тарбиянинг хилма-хил восита ва формаларидан фойдаланмоқдалар, кишиларда юксак онглилик, ижодий ғайрат-шижоатни уйғотишга, уларнинг маънавий эҳтиёжларини бойитишга интилмоқдалар. Ана шу мақсадда партия ташкилотлари меҳнат коллективларининг имкониятларидан, социалистик мусобақа, бригада пудрати, меҳнаткашларнинг илмий-техника ижодиётидан кенгроқ фойдалана бошладилар. Ғоявий-тарбиявий ишга комплекс ёндашишнинг таъсирчанлигини кучайтириш вазифаси ана шундай ҳал қилинмоқда.

Аста-секин коммунизмга бориш шароитида кишилар ўртасида ҳақиқий инсоний муносабатларни — ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш муносабатларини, хайрихоҳлик, шахсий ва ижтимоий ҳаётда ҳалоллик, оддийлик ва камтарликни қарор топтирувчи коммунистик ахлоқнинг ижодий потенциали борган сари тўлиқроқ очилиб боради. У кишиларни меҳнатда ва ижодда янги ютуқларга эришишга, коллектив ва бутун мамлакат ишларида манфаатли иштирок этишга, социалистик турмуш тарзига зид бўлган ҳамма нарсага қарши актив курашишга чорлайди.

Жамиятимизнинг ижтимоий ва индивидуал онгида эришилган даража унинг ҳар бир аъзосидан ўз вазифаларига, ўз бурчига фаол, ижодий муносабатда бўлишни талаб қилмоқда. Юксак ахлоқийликнинг инсон ички эҳтиёжига айланиши — социалистик шахснинг ўз масъулиятини тушунишида жуда муҳим омил бўлиб, у онгли танлашга асосланган ихтиёрий хатти-ҳаракатлар билан характерланади. Бундай масъулият реал, ижтимоий муносабатлар ёрдамида шаклланади, кишиларда партиянинг, бутун ижтимоий тартиботларнинг собитқадам идеологик, сиёсий-тарбиявий фаолияти ёрдамида тарбияланади. Умуман социалистик жамиятни такомиллаштириб бориш мобайнида шундай социал тартибга эришиладики, унда кишиларнинг ғоявий эътиқодига, марксча-ленинча дунёқарашга асосланган биргаликдаги, ихтиёрий ва онгли фаолияти натижасида ижтимоий тараққиёт қўлга киритилади.

Шахсий ва коллектив масъулиятнинг янгича ўзаро нисбати тарбияга комплекс ёндашишнинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Шахс учун масъулият ҳис этувчи меҳнат коллективи доирасида шахсий масъулият ижтимоий масъулият билан тобора тиғизроқ боғланиб бормоқда. Ўз навбатида, шахс фақат ўзи учунгина эмас, балки бутун коллектив учун ҳам масъулиятлидир. Бир-бирига таъсир кўрсатиш, шахсий ва коллектив масъулиятларнинг бир-бирига алоқадорлиги айни шу социалистик жамиятга хос бўлган хусусиятдир. Меҳнатнинг ҳамма жойда жорий қилинаётган янги формалари, мисол учун, бригада пудрати, умумхалқ манфаатлари биринчи ўринга қўйилгани ҳолда умумхалқ, группавий ва шахсий манфаатларнинг яқинлашишига кўпроқ имконият яратиб беради.

Атеистик тарбия идеологик ишнинг муҳим йўналишидир. Бу — комплекс проблема бўлиб, унинг ҳал этилиши ахлоқий, кундалик турмуш масалаларининг бир бутун ҳолда ҳал этилишига, шунингдек, миллатлараро алоқа маданияти даражасига, миллий чекланганлик ва миллий худбинлик, эски урф-одатларга муросасиз бўлиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми (1986 йил октябрь) атеистик ишнинг жанговар ва ҳужумкор бўлиши учун коммунистлар, комсомоллар ва раҳбар ходимлар масъулиятини оширишни, оммага, айниқса болаларга нисбатан диний таъсирнинг кучайишига, коммунистларнинг диний маросим ва байрамларда иштирок этишларига муросасозлик ва кўнгилчанлик билан қарашнинг ҳар қандай кўринишларига принципиал баҳо беришни, миллий анъаналар сифатида тақдим этилувчи диний удумларга амал қилишга нисбатан аҳолининг бир қисмида шаклланган муросасозлик муносабатини қунт билан бартараф этишни талаб қилди. Диндорлар билан якка тартибда иш олиб боришни кучайтириш, диний маросимлар тўғрисидаги қонунни бузувчиларга қарши қатъий кураш олиб бориш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Албатта, диндорларга якка тартибда таъсир кўрсатиш бир ёки бир неча формалар билан, масалан, самимий суҳбатлар билан чекланмаслиги керак.

Бу узоқ вақт давом этадиган машаққатли иш бўлиб, у ҳар бир диндор табиатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб танланадиган коллектив ва якка тартибда таъсир этишнинг хилма-хил усулларини тақозо этади. Аҳоли турли группаларининг хусусиятларини, уларнинг диндорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда маҳаллаларда, тураржойларда атеистик ишни моҳирлик билан ташкил этиш жуда муҳимдир. Тошкентнинг юқорида тилга олинган Собир Раҳимов районида «Атеист» клуби актив иш олиб боряпти, у районнинг бутун активини қамраб олган. А. Набиев, Беруний номли, «Янги Тошкент», «Правда» ва бошқа маҳаллаларда клуб активистларининг кучи билан турли тадбирлар, эсда қоладиган учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилмоқда, улар мавзуга мослаб танланган спектакль билан якунланади.

Модомики, партия идеологик ишининг бош мақсади ижтимоий актив шахсда илмий дунёқарашни шакллантириш экан, атеистик пропаганда ватанпарварлик ва интернационал тарбия билан қўшиб олиб борилиши керак. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, «партия совет кишисида Октябрь Ватанига, ўзи туғилиб ўсган заминга меҳр-муҳаббат, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тарихий ғалабаларидан фахрланиш туйғуларининг пролетар, социалистик интернационализм, қардош мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан, империализмга қарши, социал тараққиёт ва тинчлик учун кураш олиб бораётган барча кишилар билан синфий бирдамлик туйғуларила уйғун намоён бўлиши борасида бундан буён ҳам тинмай иш олиб бораверади».

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, ёш авлодда социалистик Ватанни ҳимоя қилишга, бу йўлда бутун куч-қувватини, лозим бўлганда эса ҳаётини ҳам беришга шай туриш ҳиссини шакллантириш ғоявий-тарбиявий фаолиятнинг яна бир муҳим йўналишидир.

Партия XXVII съезди қўйган вазифаларнинг янгилиги, кўламдорлиги ва мураккаблиги партия ташкилотларидан, бутун идеологик активдан актив куч-ҳаракат, собитқадамлик, ишчанлик, фидойиликни, раҳбарлик лавозимларида ғоявий саботни, қатъий ахлоқий эътиқодни, юксак малака ва сиёсий маданиятни, омма билан мулоқотга доимий эҳтиёж сезиш, халқнинг эҳтиёж ва манфаатларини тушуна олиш, партия идеологик ишини янада такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш қобилиятини ўзида мужассам этган кишилар ишлашини талаб этмоқда. «Конкретлилик, ишчанлик, изчиллик, сўз билан ишнинг бирлиги, энг самарали услуб ва воситаларни танлаш, одамларнинг фикрларини синчиклаб эътиборга олиш, барча ижтимоий кучларнинг ҳаракатларини моҳирлик билан мувофиқлаштириб бориш, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съездини ёпиш вақтида сўзлаган нутқида, — ҳозир керак бўлган услубдир».

Партия идеология кадрларини тарбия ишини олиб боришда сафсатабозлик, дабдаба ва расмиятчиликни таг-томири билан тугатишга йўлламоқда. Унинг барча форма ва воситалари оммани мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг улкан планларини бажаришга сафарбар этишга, партия, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ишидаги ошкораликни, кишилар билан очиқчасига гаплашишни таъминлашга, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш ва унинг амалий ишларга таъсирини кучайтиришга ёрдам бериши керак.

КОНТРПРОПАГАНДА ҲУЖУМКОР ВА САМАРАЛИ БЎЛСИН

В. ВОЙТЕНКО,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси

Ю. ЛОДЕЙШЧИКОВ,
юридик фанлар кандидати

Ю. ЧУФАРОВСКИЙ,
психология фанлари кандидати

Ишчилар синфининг идеологияси ва анъаналарини, унинг маънавий қадриятларини чуқур ўзлаштириш совет кишилари мустаҳкам ғоявий чиниқишининг, юксак сиёсий онглилигининг, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ҳаёт барча томонларини қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишга тайёрлиги, хоҳиш ва маҳоратининг гаровидир. Юқоридаги хислатларни шакллантириш — ғоят муҳим иш. У идеологик ва сиёсий таъсир кўрсатишнинг бутун системаси воситасида таъминланади, контрпропаганда эса унинг таркибий қисмидир. В. И. Ленин уни идеологик таъсирнинг энг нозик ва уддабурон воситаларидан бири деб ҳисоблаган эди. У буржуа пропагандасини маҳорат билан фош этишга, бу ишни тарихий пайт шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб боришга даъват этган эди.

Контрпропаганда — совет кишиларида коммунистик эътиқод, ғоявий сабот, сиёсий ҳушёрлик ва империализмнинг идеологик хуружларини фош эта олиш қобилиятини шакллантириш йўли орқали ёт идеология ва буржуазия сиёсатига қарши турувчи ташкилий, ғоявий-тарбиявий ва социал-сиёсий тадбирлар мажмуидир. Контрпропаганда совет жамиятида учраб қолувчи социализмга ёт қарашлар намоён бўлишига ҳам қарши қаратилган.

КПСС идеологик, оммавий-сиёсий фаолиятининг таркибий қисми бўлган контрпропаганда иши мамлакатимиз ички ҳаёти, ҳозирги халқаро вазият шарт-шароитларининг бутун мажмуини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Ўзининг синфий табиатига кўра доим урушқоқ, авантюристик сиёсат олиб борувчи империализмнинг айби билан дунёда кескинлик юмшалмаяпти. СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши у олиб бораётган «психологик уруш» халқларнинг суверенлиги, тарихи, маданиятини оёқ ости қилувчи алоҳида агрессия формасига айланиб қолди.

Буржуа пропагандаси реал социализмнинг идеологик негизини путурдан кетказиш мақсадида бор куч-ҳаракатини ишга солиб, совет давлат тузумининг обрўсини тушуришга, аҳолининг турли қатламларига салбий таъсир кўрсатишга, айрим ғоявий жиҳатдан беқарор кишиларга сиёсатдан четлашиш, социал пассивлик кайфиятини тиқиштиришга, жамиятга зид позицияга йўллашга уринмоқда. Унинг бутун фаолияти кишилар онгига буржуа ва майда буржуа ғояларини сингдиришга, сўнгра эса социализмдан ажратиб олишга бўйсундирилган. Шу сабабли Ғарб радиоовозларининг ҳар бир сўзи муайян идеологик, характери жиҳатидан диверсион маънога эга: у ҳар қандай кишини, ҳатто тасодифан унинг тўлқинига дуч келиб қолган кишини ҳам йўлдан оздиришни кўзлайди.

Совет кишилари синфий душманнинг кўпорувчилик ҳаракатларининг ҳақиқий мақсадларини яхши фаҳмлайдилар. Лекин тарбия ишида нуқсонларга йўл қўйилувчи, кишилар дунёқарашини шакллантириш масалаларига эътибор су-

сайган жойларда социализмга ёт ғоялар суқулиб кириши учун туйнуклар пайдо бўлиши мумкин. Айрим шахсларнинг нотўғри қарашлари ёки янглишишлари, буржуа пропагандаси томонидан у ёки бу фактнинг бузиб талқин қилиниши, шарҳланиши баъзан мухолиф ўз «ҳунар»ини кўрсатгани учун эмас, балки сиёсий билимларнинг кўнгилдагидек савияда эмаслиги, сиёсий шабкўрлик, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини баҳолашда уларда синфий ёндашиш йўқлиги сабабли юзага келади. Империализм маддоҳлари айни шунга бор умидларини тикканлар. Шунинг учун КПСС ғоявий-тарбиявий ишни мунтазам яхшилаб бориш, меҳнаткашлар сиёсий таълими системасини такомиллаштириш, ҳар бир кишининг идроки ва қалбига етиб бориш вазифасини қўймоқда.

Сўнгги йилларда синфий душман Совет Ўрта Осиёсига қарши олиб бораётган идеологик диверсияларини анчагина активлаштирди ва кенгайтирди. «Америка овози» ва «Озодлик» Ўрта Осиё республикалари туб ерли халқлари тилларида қўпорувчилик радиоэшиттиришлари олиб бормоқда, улар ленинча миллий сиёсатни қўпол равишда бузиб ва сохталаштирган ҳолда уни миллий тилларни, миллий маданиятни «руслаштириш» деб кўрсатишга уриняптилар. Ушбу эшиттиришларнинг диний ва миллатчилик йўналиши анча ошиб бормоқда.

Империалистик давлатлар ташқи сиёсий йўли билан чамбарчас боғлаган ҳолда узоқ муддатли сиёсий-идеологик кампанияларни ўтказиш ғарб пропагандасига хос йўналишлардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда улар орасида сохта «совет уруш хавфи», «Совет Иттифоқининг халқаро терроризмга дахлдорлиги» билан боғлиқ йирик кўламли акциялар алоҳида ажралиб туради. «СССРда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» теварагида пропагандистик шовқин-сурон тўхтамаяпти, унинг иғвогарона характердалигини буржуа идеологларининг ниқоблаши борган сари қийинлашяпти. Партиямизнинг жадаллаштириш ва қайта қуришга қаратилган йўлини империализм маддоҳлари «совет экономикасининг кризиси» деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Ана шу барча пропагандистик кампаниялардан социалистик мамлакатларга, биринчи навбатда Совет Иттифоқига қарши империализмнинг иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва ҳарбий тазйиқ кўрсатиш стратегиясини идеологик таъмнлаш, уларнинг халқаро обрўсига путур етказиш, бирлигини заифлаштириш мақсади кўзланади. Ана шу хатти-ҳаракатлардаги синфий йўналиш мазмуни ва мақсадларини фош этиш, гражданларда буржуа пропагандаси қандай ташкил этилиши ҳақида равшан тушунча ҳосил қилиш, совет кишилари онги ва хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатишга уринишларни нейтраллаш контрпропаганданинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

КПСС XXVII съездида аниқ-равшан қилиб шундай деб таъкидланди: «Психологик уруш» — одамларнинг ақли, дунёқараши учун, уларнинг ҳаётий, социал ва маънавий мақсад-йўналишлари учун олиб борилаётган кураш эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Биз пихини ёрган синфий душман билан юзма-юз турибмиз, унинг асрлар давомида тўплаган сиёсий тажрибаси хилма-хилдир. У замонавий техника воситалари билан қуролланган, социализмнинг устомон ғанимларидан иборат жуда катта аппаратга эга бўлган ёпирилма пропаганданинг ғоят катта машинасини яратган». Бундай шарт-шароитда ҳужумкор контрпропаганда олиб бориш ғоят муҳимдир. Идеология ходимларимизнинг юксак профессионализми, социалистик жамият ахлоқи, унинг маданияти, ахборотнинг ошкоралиги, пропагандамизнинг дадил ва ижодий характери, деб таъкидланди съездда, буржуа пропагандистларининг маккорлиги ва принципсизлигига қарши қўйилиши лозим. Идеологик қўпорувчиликни фош қилиш соҳасида ҳам, социализмнинг реал ютуқлари, социалистик турмуш тарзи тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни етказиш соҳасида ҳам ҳужумкорлик бўлиши керак.

Ўзбекистон Компартияси МК III пленумида ҳам (1986 йил октябрь) партиянинг ушбу кўрсатмаларини қандай қилиб тезроқ ва самарали амалга ошириш хусусида очиқ-ойдин ва принципиал сўз борди. Пленум контрпропаганда ишини чуқурлаштиришни, КПСС ва Совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини далил-исботлар ёрдамида тушунтиришни, империализмнинг агрессив, халққа қарши моҳиятини, сиёсати ва идеологиясини очиб беришни талаб қилди. Пропаганда, дейилди пленумда, буржуа-клерикал марказлари ва чет эл радиостанцияларининг диний-миллатчилик кайфиятларини кучайтиришга қаратилган идеологик дивер-

сияларини, ислом факторидан социализмга қарши мақсадларда фойдаланишга уринишларни оперативлик билан фош этишга даъват этилган.

Контрпропаганданинг КПСС идеологик иши умумий методологик принципларига асосланганлиги, илғор идеологияга ва жамият ҳамда ижтимоий онг тараққиёти қонуниятларини илмий тушунишга таяниши унинг ҳужумкорлигини белгилайди. Совет кишиларининг ҳозирги дунёдаги шиддатли идеологик курашда мудофаа позициясида туришлари учун асос йўқ.

Контрпропаганданинг ҳужумкорлигини келгусида буржуа пропагандаси уйдирмалари ва ғоявий атакалари учун нишон бўлиши мумкин бўлган проблемаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши эҳтимолини доимий прогнозлаш; ғоявий мухолиф мамлакатимизга унинг ёрдамида ўз ғояларини олиб кирмоқчи бўлган асосий йўналиш ва методларни ҳар томонлама анализ қилиш таъминлайди. Бу билан унинг СССРда юз бераётган актуал воқеа ва ҳодисаларга нисбатан эҳтимол тутилган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга эришилади.

Маълумки, идеологик кураш абстракт ҳолда эмас, балки халқ оммасини ҳаяжонлантирувчи конкрет ва долзарб проблемалар — уруш ва тинчлик, инсоннинг турмуш тарзи ва ҳуқуқлари, унинг маънавий қиёфаси проблемалари атрофида олиб борилябти. Айни Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш бугунги кунда КПСС, Совет давлати ташқи сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Ғарбнинг реакцион кайфиятдаги сиёсатчи ва ҳарбийлари ядро хавфидан сиёсий мақсадларга эришиш воситаси сифатида фойдаланиб, уни доимий равишда шантаж қуролига айлантирмоқдалар. Шунинг учун ҳар бир совет кишиси мамлакатимиз қуролланиш пойгасининг олдини олиш мақсадида кўраётган қарши чоралар моҳияти ва зарур эканлигини тушуниши, Ватан тақдирига шахсан дахлдорлигини ҳис этиши, тинчлик учун кураш фронти унинг иш жойи орқали ҳам ўтишини англаши муҳимдир. Бу эса социалистик Ватаннинг иқтисодий, мудофаа потенциалини тинмай мустаҳкамлашни, империалистик агрессорнинг ҳар қандай хуружларидан уни ҳимоя қилишга тайёрлигини оширишни талаб этади.

Контрпропаганда ишининг асосий мазмуни совет кишиларига ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини баҳолашга синфий ёндашишни, «ҳар қандай ахлоқий, диний, сиёсий, социал жумлалар, баёнотлар, ваъдалар ичидан у ёки бу синфлар ***манфаатларини*** излаб топиш» маҳоратини (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 23-том, 47-бет) сингдиришдан иборатдир. Ҳар бир совет кишисининг марксизм-ленинизм ғояларининг ҳақлиги ва ҳаётийлигига эътиқоди, социалистик турмуш тарзининг афзалликларини очиб бериш бу ишнинг таркибий қисмидир. Бунда контрпропаганда иши капиталистик воқеликни, буржуа турмуш тарзини ишонарли танқид қилиш билан бирга олиб борилиши керак. КПСС Программасида таъкидланганидек, партиямиз халқларга реал социализм тўғрисидаги, Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсати тўғрисидаги ҳақиқатни етказишни, совет турмуш тарзини актив пропаганда қилишни, империализмнинг халққа қарши, ғайриинсоний характерини, унинг эксплуататорлик моҳиятини ҳужумкорлик билан далиллар асосида очиб беришни ўзининг вазифаси деб ҳисоблайди. «Психологик уруш» давомида империализм мухлислари реал социализм ютуқларини қоралашга интилаётган, кишилар онгидаги социалистик қадриятларни капиталистик қадриятлар билан алмаштириш учун очиқ-ойдин кураш олиб бораётган вазиятнинг ўзиёқ ана шу икки вазифанинг ўзаро алоқадорлигини тақозо этади.

Социалистик ва буржуа турмуш тарзларини қиёслаётганда бизга истеъмолчилик, манфаатпарастлик даражасидаги баҳсни тиқиштиришнинг ҳар қандай уринишларини дадил фош этиш керак. Агар қиёслаш иқтисодий, социал, ҳуқуқий ва ахлоқий-этик нормаларнинг бутун мажмуига, социализмнинг бош мақсади хусусидаги машҳур ленинча таъбирга — «жамият *барча* аъзоларининг *тўлиқ* фаровонлиги ва *ҳар томонлама* эркин ривожланишини» таъминлашга (ТАТ, 6-том, 232-бет) асосланган ҳолда олиб борилса, социализмнинг улкан афзалликлари айниқса сезиларли бўлиб қолади. Фақат социализмгина ҳар бир кишининг қадр-қимматига ҳурматни, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида адолат қарор топишини, эртанги кунга ишончни, турмуш кечириш сифати оғишмай ошиб боришини гарантиялайди.

Шу билан бирга, ютуқларимиз ҳақида сўзларканмиз, хўжалик қурилиши ва тарбия соҳасидаги қийинчиликлар, нуқсонлар, ҳал қилинмаган проблемалар,

кескин масалалар хусусида индамаслик мумкин эмас. Улардан чўчиш, янги жамият ўсишининг реал диалектик зиддиятларини хаспўшлаш кутилган пропагандистик самарани пасайтиради. КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида таъкидланганидек, қайта қуриш олға сурган ва эндиликда сурадиган кўпгина ўта муҳим саволларга жавоб топиш жуда муҳимдир.

Камчиликлар сабаблари ва зиддиятларни ҳал этиш йўллари конструктив равишда анализ қилинмайдиган бошқача услуб ҳам нотўғридир. Бундай ҳодисаларга принципиал баҳо бермоқ лозим. Камчиликларни танқид қилиш уларга қарши курашнинг, ҳозирги ривожланишнинг асосий, белгиловчи тенденциясини бўрттириб таъкидлашнинг муҳим воситаси бўлиши керак.

Шундай қилиб, социализмнинг ютуқ ва афзалликларини кўрсатиш контрпропагандада ҳозирги империализмни чуқур ва батафсил синфий анализ қилиш билан, Ленин сўзлари билан айтганда, уни *«ҳар томонлама* сиёсий фош қилишларни» (ў ш а е р д а, 80-бет) ташкил этиш билан узвий боғланиши методологик ва сиёсий жиҳатдан муҳимдир. Бу «сиёсий фош қилишлар» ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик туғдирган империализм антагонизмларини очиб ташлашга, унинг халққа қарши, ғайриинсоний социал практикасини, агрессив, тинчликка хавф солувчи сиёсатини, ғайриилмий идеологияси, бузуқ ахлоқи ва қўпорувчилик пропагандасини кўрсатишга, антикоммунизм ва антисоветизмни фош этишга асосланади.

Империализм социализм эришган асосий ютуқлардан бири бўлмиш миллий масаланинг ҳал этилишига қарши ҳужум атакаларини ҳам тўхтатмаяпти. Буржуа пропагандаси СССР халқлари ғоявий позицияларининг якдиллиги гўё улар ҳар бирининг миллий-ўзига хослигини чеклаб қўяди, ягона совет маданияти эса бошқа халқларнинг маданиятини ютиб юборади деб даъво қилишдан чарчамаяпти. Лекин айни социализмгина миллий зулм ва ҳуқуқсизликни, кишиларнинг миллий мотивларга асосланган ҳуқуқларини ҳар қандай чеклашларни тугатганлиги, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг иқтисодий ва маънавий равнақини таъминлаганлиги сир эмас-ку. Ҳаётимиз демократизм билан тўлаётган, унда ўзини ўзи бошқариш кенг ривожланаётган, интернационаллаштириш жараёни чуқурлашаётган ҳозирги кунда партия вужудга келаётган масалаларни ягона тўғри негизда — ҳар бир миллат ва элатнинг гуллаб-яшнаши, уларнинг янада яқинлашиши, бутун жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда адолатли ҳал этиш учун ҳамма зарур ишларни қилмоқда.

Қўпорувчи хорижий марказларнинг СССРдаги у ёки бу миллат ёки элат тўғрисидаги «ғамхўрлиги» эса империализм фойдасига идеологик диверсияни хаспўшлашдан бошқа нарса эмаски, бунда табиий миллий туйғулар сездирмаган ҳолда миллатчилик, бошқа халқларга нисбатан душманларча муносабат билан алмаштирилади. Айни миллатчилик кайфиятидаги эмиграцияга сахийлик билан ёрдам берилаётганлиги бежиз эмас, у ашаддий антисоветизм байроғи остида борган сари кўпроқ империалистик реакция билан бирлашиб кетмоқда.

Реакцион диний (христиан, иудаистик, мусулмон) марказлар бевосита буржуа пропагандаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Клерикал антикоммунизмнинг барча турларига қарши курашда совет кишилари, шу жумладан, диндорлар ҳам, унинг асосида диний мотивларгина эмас, балки синфий душманнинг социалистик жамият борлигини путурдан кетказишга қаратилган ниқобланган антисовет, антикоммунистик мақсадлари ётганлигини тушуниб етишлари муҳимдир. Буни доимо эсда сақлаш зарур.

Контрпропагандистик фаолият самарадорлиги қўпорувчиликдан иборат идеологик фаолиятда душман ишлатаётган форма, метод ва воситаларни билишгагина эмас, балки уларга қарши ҳужумкор ва дадил кураш олиб боришга тайёргарликка, унга қарши тура олиш ва муносиб зарба бера олиш маҳоратига ҳам боғликдир. Шу сабабли ҳар бир совет кишиси марксча-ленинча позицияда туриб идеологик вазиятни баҳолай олиши, душманнинг ҳийла-найрангларини фош эта олиши ва далил-исботли танқид қила олиши жуда муҳимдир. Юқорида таъкидланганидек, Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари гўё СССРда ва бошқа социалистик мамлакатларда «инсон ҳуқуқлари бузилаётгани» ҳақида ёлғон-яшиқ ва туҳматлар тарқатишдан чарчамаётирлар. Буржуа пропагандаси «далил-исбот» тарзида ҳеч ҳам уялмасдан социализм мамлакатларидаги бирорта бадкирдор

ёки ашаддий жиноятчини «адолат учун курашчи» сифатида кўкка кўтаришдан тортинмайди. Бундай хатти-ҳаракат социализмда гўё озодлик ва демократия, шахс ҳуқуқи йўқлигини «исботлаш» учун керак.

Бундай даъволарнинг сохталиги ва асоссизлиги равшан. Социализм ҳамма гражданларга ва ҳар бир алоҳида гражданга меҳнат қилиш, дам олиш, уй-жойли бўлиш ва ҳоказо ҳуқуқларни берибгина қолмай, уларни конституция йўли билан гарантиялади ҳам. Айни совет гражданлари ҳуқуқ ва эркинликлари гарантиясида социалистик тузумнинг афзаллиги намоён бўлади. «Қайта қуриш натижасида, — деди КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган докладда, — социализм инсонга хизмат қилувчи ва уни улуғловчи реал инсонпарварлик тузуми сифатида ўз имкониятларини тўла-тўкис амалга ошира олади ва ошириши лозим. Бу жамият одамлар учун — уларнинг ижодий меҳнатини равнақ топтириш, фаровонлиги, соғ-саломатлиги, жисмоний ва маънавий камол топиши учун мўлжалланган жамият, инсон ўзини тўла ҳуқуқли хўжайин деб ҳис этаётган ва амалда худди шундай бўлган жамиятдир».

Давлатни бошқаришда халқ оммасининг актив иштирок этиши оғишмай ривожлантирилаётган совет демократиясининг улкан афзалликлари ва чексиз имкониятлари ҳақида ишончли далолат беради. Жамиятни демократиялаш — қайта қуришнинг қалби бўлиб, қайта қуришнинг муваффақияти ҳам, умуман социализмнинг келажаги ҳам унинг қандай боришига боғлиқдир. Бу, — деб таъкидлади ўз докладида М. С. Горбачев, — сиёсат ва экономикадаги ўзгартишларнинг, орқага ҳар қандай қайтишни истисно қилишнинг энг мустаҳкам гаровидир.

КПСС XXVII съездининг ошкораликка доир кўрсатмаси контрпропаганда ишида муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларида тобора кўпроқ қарор топаётган ошкоралик кишиларни ташаббускор, принципиал ишлашга даъват этяпти. Идеологик вазиятдаги ўзгаришларга ўз вақтида эътибор бериш, ўткир масалаларни илгари суриш, информацион материалларнинг оперативлиги ва сермазмунлиги — буларнинг бари контрпропагандистик тадбирларнинг самарали бўлишига ёрдам беради.

Контрпропаганда империализмнинг социал-иқтисодий соҳадаги иллатларини мунтазам фош этиб боришга, ҳозирги капитализмнинг милитаризм, неоколониализм ва давлат терроризми, социал, миллий ва ирқий таҳқирлаш каби заиф жойларини актив ва аниқ очиб беришга; маккартизмнинг қутуришига, прогрессив, урушга қарши ҳаракат ва чиқишларнинг бостирилишига, миллионлаб ишсизлар, бошпанасиз ва очлар мавжудлигига эътиборни жамлашга, буржуа жамиятида ялпи саводсизлик, индивидуализмни, маънавиятсизлик ва зўравонликни тарғиб қилиш мавжудлигини эслатиб туришга даъват этилган.

Идеологик ишнинг амалдаги барча соҳаларида — сиёсий маориф, оғзаки агитация, лекция пропагандаси, газета, радио ва телевидение чиқишларида — контрпропагандистик жиҳат албатта бўлиши керак. Ўтказиладиган тадбирлар самарадорлиги кўп омилларга боғлиқдир, улар орасида бу ишлар олиб бориладиган коллективни пухта ўрганиш ва билиш асосий ўринни эгаллайди. Бунда ушбу коллектив меҳнат ва ижтимоий ҳаётда бажараётган социал роль ва вазифани ҳисобга олиш муҳимдир. Шубҳасиз, контрпропаганда ишининг конкрет мундарижаси саноат корхонасида ҳам, колхозда ҳам, студентлар муҳити ва илмий муассасада ҳам ўз хусусиятларига эга бўлади. Бунга кишиларнинг идеологик иш, ҳозирги халқаро ҳаётнинг конкрет актуал проблемаларидан хабардорлиги бир хил даражада эмаслиги, маънавий эҳтиёжлар хилма-хиллиги, жамоат фикрининг қай ҳолатдалиги сабабчидир. Буларнинг ҳаммасини эътиборга олишга тўғри келади.

Ҳозир лектор, пропагандист, сиёсий ахборотчиларнинг фаолиятига оширилган талаблар қўйилмоқда. Унга аввало коммунистик ҳаққоният, тингловчиларни инонтириш маҳорати хос бўлиши керак. Бунга эса тарғиб қилинувчи ғояларга ишонч, равшан сиёсий позиция, ғоявий мухолифга нисбатан муросасизлик имкон яратиши мумкин. Лектор, сиёсий ахборотчининг большевикча эҳтироси, ҳозиржавоблиги чиқишларнинг самарадорлигини оширади. Айни вақтда самимий суҳбатлашиш, керак бўлган тақдирда якка тартибда ёндашишдан фойдаланиш ҳам жуда муҳимдир. Ишнинг кўзини билиб, дадил ҳаракат қилиш, пухта ўйлаб, таъсирчан гапира олиш контрпропаганда ишининг муваффақиятини таъминлайди.

Билимдонлик даражасининг, совет кишилари маънавий эҳтиёжининг ошиб бораётганлиги, информация ҳажмининг кенгайиши мамлакатдаги идеологик вазиятга жўшқинлик бахш этмоқда. Бу эса контрпропаганда ишига доимий эътиборни, уни олиб боришда янада замонавийроқ ташкилий формаларни излашни, унинг самарадорлигини оширишнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқишни талаб этади. У оператив, мунтазам, катта билимдонлик билан, пропаганда ва тарбия барча воситаларидан фойдаланган ва маҳаллий шароитни ҳамда ғоявий мухолиф пропагандистик кампанияларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши, юқорида таъкидланганидек, конкрет, адресли, жўшқин, огоҳлантирувчи бўлиши керак.

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаб қилганидек, **«контрпропагандага** эътиборни кучайтириш, унинг ҳужумкорлигини, самарадорлигини ошириш лозим... Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, идеология муассасалари, оммавий ахборот воситалари контрпропаганда ишининг аниқ ва таъсирчан системасини ишлаб чиқишлари, социализм тантанасининг муқаррарлигини, капитализмнинг ҳалокатга тарихан маҳкумлигини ишонарли тарзда кўрсатиб беришлари, одамларни душманга нисбатан синфий муросасизлик, сиёсий ҳушёрлик, буржуа идеологияси ва ахлоқига нафрат руҳида тарбиялашлари керак». Ана шу йўл-йўриқларда Ўзбекистондаги бутун идеология активи учун аниқ фаолият программаси мавжуд. Партия комитетларида контрпропаганда советлари ва группалари тузилди. Идеология кадрларининг контрпропаганданинг турли масалалари бўйича ихтисослашуви белгилаб чиқилди. Область партия комитетлари сиёсий маориф уйларининг контрпропаганда кабинетларида идеологик курашнинг актуал масалаларига доир илмий-амалий конференциялар, бошқа тадбирлар ўтказиляпти. Турли категориядаги аҳоли қизиқишларини, конкрет коллективдаги идеологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда уюштирилаётган лекция ва суҳбатлар контрпропагандистик руҳ билан йўғрилган.

Шу билан бирга идеологик фаолиятнинг ана шу масъулиятли соҳасида КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди, унинг МК III пленуми қарорларини амалга ошириш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Контрпропаганда иши совет кишиларининг чуқур ғоявий эътиқодига, уларнинг ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларига, буржуа идеологияси ва пропагандасига муросасизлигига таяниши бу ишни такомиллаштириш учун кафолатдир. Революцион идеалларни, социалистик турмуш нормаларини қарор топтириш, Октябрдан сўнг 70 йил ичида босиб ўтилган қаҳрамонона йўлни актив ва собитқадамлик билан пропаганда қилиш — империализмнинг қўпорувчилик ниятларига қарши энг мақбул хатти-ҳаракатдир.

Партия, бутун совет халқи КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун фидокорона меҳнат қилаётган ҳозирги кунда ғоявий-тарбиявий ишни, шу жумладан контрпропагандани ҳам яхшилаш партия, комсомол ва барча жамоат ташкилотларининг асосий вазифаларидан биридир. Социалистик турмуш тарзи афзалликлари кишиларни ғоявий ва ахлоқий тарбиялашда реал таянч бўлиши учун ҳамма ишни қилиш керак. Совет давлати ва жамияти олдига коммунистик бунёдкорликнинг янги кўламдор вазифалари қўйилган ҳозирги пайтда бу айниқса муҳимдир.

ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ТИЛ СИЁСАТИ

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси
мухбир аъзоси

СОЦИАЛИСТИК ВА КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ практикаси шундан далолат бермоқдаки, миллатлар, уларнинг тиллари, урф-одатлари, маданияти сақланиб қолар экан, мамлакатимиздаги ҳар бир халқнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Барча миллатларнинг актив яқинлашуви жараёнини таъмин этувчи умумиттифоқ давлатчилиги билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилувчи совет федерацияси аъзолари ана шу миллий хусусиятларнинг ифодачиларидирлар. Бу жараённи тўхтатиш мумкин эмас, бинобарин, уни сунъий тарзда тезлаштиришга ҳам асло йўл қўйиб бўлмайди.

Миллий-давлат қурилиши масалаларини кўриб чиқиш вақтида тил бирлиги миллатнинг асосий белгиларидан бири эканлигини эътиборга олмоқ лозим. Аҳолиси 130 дан ортиқ тилда сўзлашадиган Совет кўп миллатли давлати шароитида совет миллий-давлат қурилишида социалистик интернационализмнинг намоён бўлишида рус тили тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Ҳуқуқий жиҳатдан олганда тил проблемаси давлат сиёсатининг амалга оширилишини, унинг ташкилотлари ривожланиши ҳамда энг кўп самара берган ҳолда тўғри ишлашини таъмин этувчи восита, механизм сифатида олиб қаралиши мумкин.

Тарихдан шу нарса маълумки, кўп миллатли мамлакатимизда амалга оширилган маданий революция тил қурилишини, СССРдаги халқларнинг барча тилларида ёзувни яратиш ва ривожлантиришни ҳам таркибий қисм сифатида ўз ичига олган эди. Тилни ривожлантирмай туриб социал алоқанинг ва ахборот беришнинг ҳам, социал ва иқтисодий тараққиётнинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

В. И. Ленин ишлаб чиққан ҳамда КПСС ва социалистик давлатимиз бир қанча ҳужжатларида янада ривожлантирган партия ва давлатнинг тил сиёсати тил қурилишининг назарий асоси ҳисобланади. Катта ва кичик халқларнинг тил соҳасидаги тенг ҳуқуқлилиги ҳамда уларнинг рус тилини мутлақо ихтиёрий суратда ўрганишлари бу сиёсатнинг асосий қоидаларидан иборат бўлиб қолди. В. И. Ленин 1913 йилдаёқ «Тиллар масаласида либераллар ва демократлар» номли мақоласида «...иқтисодий оборот эҳтиёжлари бир давлатда яшовчи миллатларни (токи улар бирга яшашни хоҳлар эканлар) кўпчиликни ташкил қилувчи халқнинг тилини ўрганишга ҳамма вақт мажбур этади», деб таъкидлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 23-том, 474-бет). Лениннинг фикрича, «бирор мамлакатнинг тилини... кўпчиликнинг билиши *фойдали* бўлган тилни иқтисодий оборот эҳтиёжларининг ўзлари *белгилаб берадилар.* Турли миллат аҳолиси бу қоидани қанчалик ихтиёрий равишда қабул қилса, у шунчалик мустаҳкам бўлади, демократизм қанчалик изчил бўлса... бу қоида шунчалик тезроқ ва кенгроқ амалга оширилади» (ўша жойда, 476-бет).

В. И. Ленин «Мажбурий давлат тили керакми?» деган мақоласида партия Россиядаги ҳар бир кишининг улуғ рус тилини ўрганиш имкониятига эга бўлишига интилаётганини уқтириб, бундай деб таъкидлаган эди: «Биз фақат бир нарсани: *мажбурийлик* элементи бўлишини хоҳламаймиз. Биз жаннатга калтаклаб киритишни хоҳламаймиз... Мажбур қилиш (калтак) эса фақат биргина нарсага сабаб бўлади: у бошқа миллий группаларнинг улуғ ва қудратли рус тилини

ўрганишини қийинлаштиради, ҳаммадан ҳам кўра — душманликни кучайтиради, сон-саноқсиз низолар туғдиради, ғазабланиш, бир-бирини тушунмаслик ва ҳоказоларни кучайтиради» (ТАТ, 24-том, 331-бет).

Бу қоидалар Октябрь революциясидан бир неча йил илгари таърифлаб берилган бўлса-да, аммо улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, чунки ҳозирги замон тарихида миллий масала муҳим роль ўйнаб, ўткир социал проблемалардан бирини ташкил қилади. Партия ўзининг бутун тарихи давомида тил ва миллий сиёсатга оид ленинча ғояларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, уларни тегишли ҳужжатларида ифода этди, ўзининг кундалик ташкилотчилик фаолиятида уларга оғишмай амал қилиб келди. Чунончи, РКП(б)нинг X съезди (1921 йил) мамлакатимизда амалдаги миллий тенгсизликка барҳам беришдан иборат узоқ давом этадиган, мураккаб, баъзан зиддиятли жараёнда партия амалга ошириши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бериб, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ўз она тилида давлат қурилиши муассасаларини ривожлантириш зарурлигини назарда тутди. Шу муносабат билан съезд великорус бўлмаган халқларнинг меҳнаткашлар оммасига илгарилаб кетган марказий Россияни қувиб етишлари учун: «а) бу халқларнинг ўз юртларида миллий турмуш шароитларига мувофиқ келадиган формаларда Совет давлатини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда; б) ўз юртларида маҳаллий аҳолининг турмуши ва психологиясини биладиган ерли кишилардан тузилган ва она тилида иш кўрадиган суд, маъмурият, хўжалик органлари, ҳокимият органларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашда; в) ўз юртларида она тилида матбуот, мактаб, театр, клуб ишларини ва умуман маданий-оқартув муассасаларини ривожлантиришда; г) давлатни идора қилишнинг барча соҳаларида ва аввало маориф соҳасида ишлай оладиган малакали маҳаллий ишчи кадрларни ва совет-партия ходимларини тезда тайёрлаб етказиш учун она тилида... ҳам умумий, ҳам ҳунар-техника таълими берадиган курс ва мактабларни кенг миқёсда йўлга қўйиш ва ривожлантиришда уларга ёрдам беришдан иборат» вазифани қўйди (КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари, 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1981, 260-бет).

Съезднинг ана шу қоидалари изчиллик билан амалга оширила борди. Бироқ кўпчилик миллий тиллар ўз ёзувига эга эмаслиги она тилида миллий давлатчиликни ривожлантиришга кўп даражада тўсқинлик қилди. Чунончи, мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг фақат 20 таси озми-кўпми ишлаб чиқилган ўз ёзувига эга эди. Фақат рус, украин, грузин, арман халқларигина ўз оригинал ёзув графикасига эга эдилар. Миллатлар ва элатларнинг қолганлари бошқа халқларнинг графикасидан фойдаланарди. Масалан, ўзбек халқининг ёзуви араб графикасига асосланган бўлиб, бу қуръон ақидаларига кўр-кўрона итоат этишни талаб этган мусулмон руҳонийларини тўла қаноатлантирарди. Араб графикасининг жиддий камчилиги ва мураккаблиги у қўлда ёзилган даврда унчалик сезилмаган эди. Бироқ Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида китоб нашр қилиш иши тез ривожланиб борган, аҳолини оммавий суратда ўқитиш орқали саводсизликка ёппасига барҳам берила бошлаган даврда араб графикаси маърифат тарқатиш ишини анча қийинлаштирди, унинг суръатларини пасайтирди. Чунончи, 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати материаллари шундан далолат берадики, 9 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг саводлилик даражаси Тожикистонда 3,7 процентни, Ўзбекистонда — 10,6, Туркманистонда — 12,5, Қирғизистонда — 15,1, Қозоғистонда — 22,5, Озарбайжонда 25,2 процентни ташкил этган.

Шу сабабли халқларнинг хоҳиш-иродаси билан СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар Советининг 1929 йил 7 августдаги қарорига мувофиқ 20-йилларнинг охири — 30-йилларнинг бошларида Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар ва Қозоғистонда лотин алифбесига кўчиш амалга оширилди. Бу ҳол маданий ва социал ривожланишда тараққиётга эришишга маълум даражада ёрдам берди.

Араб графикасидан воз кечиш айни замонда диний оғу воситаси бўлиб келган ёзувни саводсизликни битириш, маданиятни юксалтириш, миллатлараро алоқаларни ривожлантиришнинг қудратли омилига айлантирди. Ўзбек графикасининг (шунингдек араб ёзувидаги бошқа тилларнинг ҳам) лотинлаштири-

лиши, бизнинг фикримизча, рус алифбесига ўтишдан олдинги тил тараққиётида оралиқ босқич бўлди. Мамлакат ичкарисидаги, шунингдек чет эллардаги мухолифларимиз араб графикасидан рус графикасига ўтилишини душманлик ва иғвогарлик позицияларида туриб талқин этишга, буни Шарқдаги миллий чекка ўлкаларнинг «руслаштирилиши» деб кўрсатишга уринишларидан иборат реал хавф борлиги туфайли ҳам ана шу босқични ўтиш зарур эди.

Лотин алфавити муайян босқичда умуман ижобий роль ўйнаши билан бирга, орадан кўп ўтмай социал тараққиётга ғов бўла бошлади. Бундан ташқари, миллий республикаларнинг ҳар томонлама равнақ топиши, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда ҳамкорлиги кенгайиб бориши миллий маданиятлар, шу жумладан миллий тилларнинг ҳам яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши жараёнини кучайтирди. Шундай бир шароитда рус тили объектив равишда ва ихтиёрий суратда миллатлараро алоқа ҳамда СССР халқлари ҳамкорлиги воситаси сифатида эътироф қилинди.

Шундай қилиб, ўзбек ёзувини рус алифбесига ўтказишни кўзда тутувчи янги тил ислоҳотини амалга ошириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Т. Н. Қориниёзов бошчилигида республиканинг бир группа олимлари ишлаб чиққан таклифларни меҳнаткашларнинг барча қатламлари қизғин қўллаб-кувватладилар ва улар қонунда ўз ифодасини топди. Ўзбекистон ССР Олий Совети 1940 йилда «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган графикадан рус графикасига асосланган янги алифбега ўтказиш тўғрисида»ги қонунни бир овоздан қабул қилди. Қонуннинг кириш қисмида тил соҳасидаги янги ислоҳот «ўзбек ёзувини лотинлаштирилган графикадан рус графикасига асосланган янги ўзбек алифбесига ўтказиш ҳақидаги масалани қўйган ЎзССР меҳнаткашларининг хоҳиш-иродасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади, бу тадбир ўзбек ёзувини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш воситаси бўлади ҳамда у СССР халқларининг бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги ғоятда муҳим якун бўлади» деб таъкидланган эди.

Ўзбек алифбесининг рус графикасига ўтказилишини бир қанча объектив шарт-шароитлар тақозо этган бўлиб, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар уларнинг негизини ташкил қиларди. Булар: рус тилини ўрганишни осонлаштириш, интернационал илмий-техникавий терминларни янада тезроқ ўзлаштириб олиш, миллатлараро алоқанинг ҳамма воситалари, турлари ва формаларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришдан иборат эди. Бироқ бу ислоҳот ҳар бир халқнинг мутлақо ихтиёрийлиги асосидагина амалга оширилиши мумкин эди. Рус графикасининг жорий қилиниши СССР халқларининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятининг янада яқинлашувига, уларнинг жаҳон маданияти хазинасига кўпроқ ҳисса қўшишига, ундан тўла баҳраманд бўлишига ёрдам берди.

* * *

КПСС ва Совет давлатининг тил сиёсати миллий муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг таркибий қисмидир. Уларни такомиллаштириш соҳасида юзага келган вазифаларни партия ленинча миллий сиёсатнинг синалган принципларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиб келди ва ҳал этади. Шу жиҳатдан олганда, КПСС Программасида таъкидланганидек, «бундан буён ҳам СССРнинг барча гражданлари она тилларини эркинлик билан ривожлантиришлари ва улардан тенг ҳуқуқ билан фойдаланишлари таъминланади. Айни вақтда ўз миллий тили билан бир қаторда совет кишилари миллатлараро алоқа воситаси сифатида ихтиёрий равишда қабул қилган рус тилини эгаллаб олиш, фан-техника ютуқларидан, Ватан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлиш имкониятини кенгайтиради». Бу программ қоидалари олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат — СССР Конституциясида қонун асосида ўзининг ифодасини топган бўлиб, унга СССР гражданлари ўзларининг ирқи ва миллатидан ҳамда тилидан қатъи назар қонун олдида тенг эканликлари кўзда тутилган (34-модда), она тилидан ва СССР-даги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланиш имкониятига эга эканликлари таъкидланган (36-модда). Ўзбекистон ССР Конституциясида ҳам худди шундай қоидалар бор (32, 34-моддалар).

Маълумки, тегишли миллатга мансуб халқ тил ифодачиси ҳисобланади. Мамлакатимизнинг кўп миллатли составини барча иттифоқдош республикалар ифода этади. Ўзбекистон ҳам шу жумладан бўлиб, унинг территориясида 100 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари аҳил оила бўлиб яшамоқда. Буни эътиборга олмаслик мумкин эмас. Миллатларнинг ривожланиши ва яқинлашуви жараёни бораётганлиги тилнинг такомиллашувига, рус тилида бемалол сўзлаша оладиган рус бўлмаган миллат кишилари сонининг кўпайиб боришига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон ССР бўйича қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга лойиқдир. Чунончи, ўз миллий тилини она тили деб билувчи республика аҳолиси салмоғи ҳамон катталигича қолаётганига қарамай, миллатлараро алоқа тили сифатида рус тилининг роли ошиб бораётганлиги тенденцияси яққол кўзга ташланиб турибди. Агар 1970 йилда республика жами аҳолисининг атиги 15,3 процентигина рус тилини билган бўлса, 1979 йилга келиб уларнинг миқдори 46,7 процентга етди. Бу рус бўлмаган миллат вакилларининг рус тилини ўрганишга қизиқиши ортаётганлиги миллий муносабатлар ривожланишининг ҳозирги даври учун характерли эканлигидан яққол далолат беради. КПСС XXVII съезди ва ундан олдин бўлиб ўтган иттифоқдош республикалар компартияларининг съездлари рус тилини чуқур ва кенг миқёсда ўрганиш зарурлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Шу нарса маълумки, рус бўлмаган миллат кишиларининг бошқа тиллар билан бир қаторда рус тилини эгаллашлари ўз она тилини йўқотиш деган сўз эмас, унинг бошқа тилларга қоришиб кетишига олиб бормайди. Икки тилда сўзлашиш улардан бирининг аралашиб бир бўлиб кетишига олиб бормайди, асло. Совет кўп миллатли давлатида бу миллатларнинг яқинлашувига, миллий маданиятларнинг яқинлашувига, уларнинг ўзаро бойишига, бир-бирига таъсир ўтказишига, умумий ва ягона жараёнда қатнашаётган тиллардан ҳар бирининг сўз бойлиги ортишига ёрдам беради.

Мамлакатимиздаги барча халқларнинг тилларига рус тилининг самарали таъсир ўтказаётганлиги ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга бўлиб, бу бир қанча иқтисодий, сиёсий ва этнографик сабаблар билан боғлиқ. Бу жараён Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгариёқ таркиб топа бошлаган эди.

Фурқат, Муқимий, Ҳамза, Ўзбекистоннинг бошқа тараққийпарвар ва революцион намояндалари революцион ғояларни, жаҳон маданият ва санъатининг буюк асарларини ёювчи, миллатлараро алоқа воситаси бўлган тилни рус бўлмаган аҳоли томонидан ўрганилиши жараёни прогрессив аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етдилар, ўзбек аҳолиси рус тилини ўрганишининг актив тарғиботчилари бўлдилар. Улар ҳақли равишда рус тили ижтимоий тараққиёт қонунларига кўра революцион ўзгартишлар бошида турган энг кўп даражада ривожланган миллатнинг тили бўлиб, бошқа халқларнинг ҳурмат-эътиборига объектив равишда муносибдир, деб ҳисобладилар.

Социалистик ва коммунистик қурилиш шароитида халқлар ва давлат тузилишлари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар тенг ҳуқуқли асосда кенгайиб ҳамда ривожланиб бормоқда. Шу сабабли кўп миллатли мамлакатда ижтимоий тараққиёт жараёни миллатлараро алоқанинг зарурлигига муқаррар олиб келади, миллатлараро тилга ҳамда айни вақтда миллий тилларни ривожлантиришга эҳтиёж туғдиради. Мазкур жараён диалектикаси шу билан характерланадики, социалистик жамият шароитида Коммунистик партия раҳбарлик ва йўналтирувчи роль ўйнаб, миллий тиллар ва миллатлараро тил бир-бирини суриб чиқармайди, балки ўзаро ҳамкорлик қилади ва бир-бирини бойитади ҳамда бирлашган ҳолда алоҳида ҳар бир халқнинг, шунингдек умуман бутун кўп миллатли давлатнинг манфаатларига янада яхшироқ мувофиқ келадиган маданий алоқа ва ривожланишнинг тарихан зарур воситасига айланади.

Барча иттифоқдош республикаларда, шу жумладан, юқорида айтиб ўтганимиздек, бизнинг республикамизда ҳам рус тилини ўрганишга катта аҳамият берилаётир. Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг материаллари, республика Компартияси Марказий Комитетининг тегишли пленумлари буни тасдиқлайди. Уларда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, қайта қуришдан иборат ҳамма жараёнда рус тилининг аҳамияти алоҳида таъкидланган.

Рус тили СССРдаги миллий-давлат тузилишларининг алоқа воситасидир. Чунончи, иттифоқдош, автоном республикаларнинг, автоном областлар ва автоном округларнинг СССР билан унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари даражасидаги барча муносабатлари рус тилида олиб борилади. Мамлакатдаги миллий-давлат тузилишлари ҳам бир-бирлари билан муносабатларни, одатда, рус тилида амалга оширадилар. Барча иттифоқдош республикаларнинг конституцияларида иттифоқдош республикаларнинг қонунлари, Олий Советларнинг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари ҳам иттифоқдош республиканинг тегишли тилида, шунингдек рус тилида ҳам эълон қилиниши кўзда тутилган.

Шу билан бирга социалистик федерализм асосида ташкил топган ягона кўп миллатли давлатнинг самараси бўлган миллий тилларнинг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Бу факт СССР Конституциясида ва иттифоқдош республикаларнинг конституцияларида ўзининг ифодасини топди. Чунончи, ирқи ва миллатидан қатъи назар СССР гражданлари тенг ҳуқуқларга эгалиги Конституцияда гарантияланган, СССР гражданлари она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканликлари (СССР Конституциясининг 36, РСФСР Конституциясининг 34, Ўзбекистон ССР Конституциясининг 34-моддалари, бошқа иттифоқдош республикалар конституцияларининг тегишли моддалари), шунингдек мактабда она тилида илм олиш имкониятига эгаликлари (СССР Конституциясининг 45, РСФСР Конституциясининг 43, Ўзбекистон ССР Конституциясининг 43-моддалари) қонунда кўзда тутилган.

СССР Конституциясининг 116-моддасига мувофиқ СССР қонунлари, СССР Олий Советининг қарорлари ва бошқа актлари иттифоқдош республикаларнинг тилларида эълон қилинади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, иттифоқдош республикалар Олий Советларининг материаллари иттифоқдош республика тилида ва рус тилида нашр қилинади. Масалан, Тожикистон ССР Конституциясида эса, республика аҳолиси орасида ўзбеклар катта салмоқни ташкил қилганлиги сабабли Тожикистон ССР Олий Совети материалларини тожик ва рус тиллари билан бир қаторда ўзбек тилида ҳам нашр этиш кўзда тутилган (Тожикистон ССР Конституциясининг 105-моддаси). Озарбайжон ССР Конституцияси (117-модда) ва Арманистон ССР Конституцияси (104-модда)да иттифоқдош республикалар Олий Советларининг материаллари иттифоқдош республика тилида, рус тилида ва Озарбайжон ССРда — арман тилида, Арманистон ССРда — озарбайжон тилида нашр қилиниши кўзда тутилганки, бу ҳам ушбу иттифоқдош республикаларда яшовчи тегишли миллат кишилари катта салмоққа эгалиги билан боғлиқдир.

Суд ишлари олиб бориладиган тилнинг конституцион принципи кўп миллатли давлат шароитида социалистик интернационализмнинг намоён бўлишида тилнинг роли ошиб боришининг муҳим омили ҳисобланади. СССР Конституциясининг 159-моддасида айтилганки, мамлакатда судлов иттифоқдош ёки автоном республика, автоном область, автоном округ тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни судда қатнашувчи кишилар билмаган тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. СССР Конституциясининг 169-моддасида кўзда тутилган қоида ҳам барча иттифоқдош республикалар ва улар тилларининг Конституцияга мувофиқ тенг ҳуқуқли эканлигини ифодалайди. Унда: СССРнинг Давлат гербида иттифоқдош республикаларнинг тилларида «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган бир хил мазмунда ёзув битилганлиги таъкидланган.

Иттифоқдош республикалар тилларининг муҳим аҳамиятга эгалиги шак-шубҳасиз факт бўлиб, миллий-давлат қурилиши соҳасида КПССнинг чинакам интернационал сиёсатини ифода этади. Бундан ташқари, кўп миллатли федерация шароитида миллий республика тилининг аҳамияти маълум маънода олганда ҳатто ошиб бормоқда. Давлатимиз демократизми кенгайиб бораётганлиги туфайли барча иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашлари мамлакатнинг барча давлат ва жамоат органларига ўз таклифлари, шикоят ва аризалари билан мурожаат этишга, ўз талаб ва илтимосларини она тилида баён этишга ҳақлидирлар. СССР Олий Совети Президиуми аппаратида, СССР Министрлар

Совети Ишлар бошкармаси, СССР Олий Суди, СССР Прокуратурасида ишловчи, тегишли иттифокдош республиканинг тилини эркин биладиган масъул кишилар миллий тилларда келаётган ҳамма ҳужжатларнинг малакали суратда кўриб чикилишини таъмин этишлари шарт.

Иттифокдош республикаларда яшовчи барча халкларнинг тенг ҳукуклилиги сиёсатининг амалга оширилиши нуктаи назаридан олганда миллий сиёсат алоҳида аҳамият касб этадики, тил сиёсати кўп даражада унинг ифодаланишидан иборатдир. Озчиликни ташкил киладиган миллат болалари умумий таълим мактабларида ўз она тилида ўкиётганлиги, шунингдек ўз она тилида газета ва журналлар нашр килинаётганлиги, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар берилаётганлиги, театрлар ташкил этилаётгани, миллий ансамбллар иш кўраётганлиги бу сиёсатнинг ёркин ифодасидир.

Шу билан бирга дарслар миллий тилларда олиб борилаётган мактаблар ва бошка ўкув юртларида рус тили анча кенг ўрганилаётганлиги ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон ССРда барча ўкув юртларида рус тилини ўкитиш методлари ва воситаларини такомиллаштириш юзасидан каттагина ишлар килинмокда.

Шу билан бир вактда республикамизнинг ғоятда турли-туман ихтисосга эга мутахассисларни тайёрлаб чикарадиган олий ва ўрта махсус ўкув юртларида рус тили ўкитишдаги камчиликларга ҳали барҳам берилганича йўк. Шу нарса тамомила равшанки, рус тилини ўрганишдаги камчиликлар кишиларнинг амалий фаолиятига салбий таъсир этмай колмайди. Мутахассисларнинг профессионал жиҳатдан ўсиши ҳам кийин аҳволда, чунки илмий-техника ва справочник характеридаги адабиётларнинг кўпчилиги, шу жумладан чет тиллардан таржима килинганлари ҳам, рус тилида нашр этилади. Бу эса, турли хил «советшунослар» кўп йиллардан буён зўр бериб аюҳаннос солаётганларидек, рус тили кандайдир имтиёзли мавкега эгалигидан далолат бермайди асло, балки фан-техника ютукларини янада тўла ва оператив тарзда айирбошлашдан, фан-техника чўккиларини эгаллашдан, ижтимоий меҳнатнинг юксак унумдорлигини таъминлашдан халкларнинг ўзаро манфаатдорлигини ифода этади. ССР Иттифоки министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг деярли барча актлари, СССР Бош прокурорининг буйруклари ва йўл-йўриклари, СССР Олий Суди пленумининг карорлари ҳам ижрочиларга рус тилида етказилади.

Рус тилида эркин сўзлашолмаслик рус бўлмаган миллатлар ёшларининг мамлакатимиз марказий олий ўкув юртларига киришларини кийинлаштиради. Бинобарин, иттифокдош ва автоном республикалар хўжалик ва социал-маданий курилишнинг у ёки бу соҳасини маҳаллий миллат вакиллари орасидан шу олий ўкув юртларини битириб чикканлар билан таъминлаш имкониятига ҳамиша ҳам эга бўлавермайдилар. Иккинчи томондан, бу бошка иттифокдош республикалар учун мутахассислар тайёрлаш ишига жиддий халал беради. Масалан, Ўзбекистон ўкув юртлари пахтачилик ва у билан боғлик тармоклар учун шундай мутахассислар тайёрлайди.

Ҳозир мавжуд бўлган ва янгидан барпо этилаётган иш жойларини меҳнат ресурслари билан баланслаш эҳтиёжларига боғлик ҳолда аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши кучайиб бораётган шароитда ҳам рус тилининг аҳамияти анча ошмокда. Маълумки, СССРнинг Европа кисмидаги, Ғарбий ва Шаркий Сибирь, Узок Шарк, Шимолий Қозоғистондаги иктисодий районларнинг аксарияти ҳамда мамлакатнинг бошка регионлари ҳозирнинг ўзидаёк иш кучи етишмовчилигини бошдан кечирмокдалар. Иккинчи томондан, Ўрта Осиё меҳнат билан юксак даражада таъминланган район бўлиб, бу ерда ҳозирнинг ўзида меҳнат ресурсларининг ортикчалиги сезилмокда.

Фан-техника революцияси ва жамиятимизни ривожлантиришни жадаллаштиришнинг ҳозирги боскичи ахборот жараёнларини бир хил килиш негизида илмий-техника билимларини кескин даражада ривожлантиришни талаб этади, бу ишда эса мамлакатимиздаги барча халклар учун муштарак бўлган миллатлараро алока тили — рус тили муҳим роль ўйнайди. Ана шу муҳим омилни назарписанд килмаслик кўпинча маҳаллий аҳоли вакилларининг профессионал тайёргарлиги даражаси СССР халк хўжалигининг эҳтиёжларига мувофик келмаслигига имкон туғдиради. Бу шунга олиб келадики, янги иш жойларининг бир кисми

мамлакатнинг бошка регионларидан келган саноат-ишлаб чикариш ходимлари хисобига тўлдирилади, махаллий ахоли эса ижтимоий ишлаб чикариш сохасига тортилмай колади. Кейинги йиллар мобайнида Ўрта Осиё республикаларида мехнатга лаёкатли ёшга тўлган ёшларнинг учдан бир кисмига якинигина ишлаб чикариш (инженер-техник ходимлар, малакали ишчилар) тайёргарлигини олади.

Совет давлатининг мудофаа кобилиятини мустахкамлаш сохасида рус тилининг ахамияти бекиёсдир. Харбий ишни, замонавий мураккаб харбий техникани муваффакиятли эгаллаш учун бўлгуси жангчи рус тилини яхши билиши зарур. Бирок армияга чакирилганларнинг маълум кисми, айникса катор республикаларнинг кишлок районларидан чакирилганлар рус тилини яхши билмайдилар, бу эса улар жанговар ва сиёсий тайёргарликни ўтиш суръатларига салбий таъсир этмокда, улар билан рус тили бўйича кўшимча машгулотлар ўтказишни зарур килиб кўймокда. Айни замонда шак-шубхасиз шундай фактлар хам борки, СССР Куролли Кучларида хизматни ўтаган ёшлар Совет Армияси сафларида хизмат килмаган тенгдошларига караганда миллатлараро тилни яхши биладилар.

Шундай килиб, Совет кўп миллатли давлатида рус тилининг ролини тадкик этиш куйидаги ягона хулосага келиш учун асос беради: социалистик федерация шароитида рус тили миллатлараро муносабатларнинг энг мухим воситаси бўлиб майдонга чикади, чунки бу тил революцион назарияни, социал тараккиётни ёювчи энг кўп сонли, илгор миллатнинг тилидир. Шунинг учун хам айни шу тил мамлакатимиздаги барча халклар томонидан миллатлараро алока тили сифатида эътироф килинган.

Шу билан бирга социалистик интернационализм, СССР халклари дўстлиги сиёсатини амалга оширишда социалистик федерацияга кирган миллий-давлат тузилишлари миллий тилларининг роли ва ахамияти хам ортиб бормокдаки, улар рус тили билан бир каторда давлат тили функциясини бажармокда. Совет давлати, жамияти уларни бутун чоралар билан ривожлантиришга доимий эътибор бермокдалар.

Давлат аппаратида икки тиллик, яъни она тилидан ташкари рус тилини хам билиш совет халкининг сиёсий, иктисодий ва маънавий бирлигини янада мустахкамлашнинг мухим шартидир. Ягона кўп миллатли социалистик давлат хисобланган СССР бундан буён хам мустахкамланиб ва ривожланиб бораверади, бинобарин, бутун совет халки хамда алохида хар бир миллат ва элатнинг манфаатлари йўлида миллатлараро муносабатларнинг формалари бойиб бораверади, бунда рус тили гоят мухим роль ўйнайди.

СОЦИАЛ ПРОБЛЕМАЛАР ТАДҚИҚОТИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

А. ВАЛИЕВ,

философия фанлари доктори

КПСС XXVII СЪЕЗДИ материалистик диалектикани ҳозирги замон воқелигини таҳлил этишга татбиқ этишнинг ажойиб намунасини берди. Унинг энг муҳим хулосалари мамлакатимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг яхлит концепцияси ҳолида умумлаштирилди. М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида таъкидладики, **«жадаллаштиришга, совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишга қаратилган йўлни ғоявий-назарий фаолиятни активлаштирмай... туриб рўёбга чиқаришни тасаввур этиб бўлмайди...** назария фақат истиқболдаги социал ва сиёсий йўналиш учунгина зарур бўлиб қолмай, у бизнинг олға томон қўядиган деярли ҳар бир қадамимиз учун ҳам зарурдир. Қандай бўлмасин, бирорта ҳам йирик амалий масала идрок этилмаса ва назарий жиҳатдан асосланмаса, уни ҳал этиб бўлмайди».

Шу муносабат билан айрим философлар, шунингдек философия билан социологиядаги ишларнинг аҳволи жиддий танқид қилинди. Жумладан, ана шу фанлар ҳамиша ҳам замон руҳига мос эмаслиги ва социал амалиёт талабларига жавоб бермаслиги қайд қилинди. Философия ва социология соҳасидаги тадқиқотлар ҳаётнинг ўзи қўяётган ҳамда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маънавий маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этишда анча орқада қолмоқда.

Ҳолбуки партиянинг совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, уни сифат жиҳатдан тубдан янгилашдан иборат стратегик йўли назарий-методологик, социал-фалсафий идрок этишни талаб этадиган кўпдан-кўп проблемалар қўймоқда. Гарчанд философлар билан социологлар социализм қурилиши ҳамда унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий негизларини мустаҳкамлаш тажрибасини умумлаштириш юзасидан муайян ишлар қилган бўлсалар-да, Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленумида таъкидланганидек, социализм тўғрисидаги назарий тасаввурлар кўп жиҳатдан 30—40 йиллар даражасида қолдики, у даврда жамият мутлақо бошқача вазифаларни ҳал этган эди.

КПСС МКнинг «Коммунист» журнали тўғрисидаги қарорида таъкидландики, «философия мамлакатдаги ва жаҳон майдонидаги асосий воқеаларга, фаннинг фундаментал кашфиётлари ва жараёнларига ўз вақтида жавоб берган тақдирдагина ўзининг социал ва илмий функцияларини самарали бажара олади. У воқеликнинг, маънавий ҳаётнинг кишиларни тўлқинлантирувчи проблемаларига, мураккаб ахлоқий масалаларга жавоб бериши лозим».

Жадаллаштириш, қайта қуриш стратегиясини рўёбга чиқаришда, социал проблемаларни тадқиқ этишда философиянинг роли бекиёс ошиб боради. Дунёқарашга оид, методологик фан сифатида у материалистик диалектиканинг революцион руҳига мувофиқ коммунизм сари янада илгарилаб бориш ҳаракатининг тенденциясини янгича ёритиши ва талқин қилиши лозим бўлади.

Ривожланаётган социализм проблемалари, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва зиддиятлари диалектикаси, жамиятнинг реал ҳолати олимларимизнинг

чукур илмий тадкикотлари объекти бўлиши керак. Мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг диалектик табиатини, унинг объектив зарурлигини, асосий боскичларини фалсафий идрок этиш ва очиб бериш энг муҳим вазифалар жумласидан бўлиб, улар жадаллаштиришнинг иктисодий, социал, сиёсий, идеологик механизмлари оркали кўрсатилиши керак.

Давлатимизни социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, кайта куриш концепцияси тадкикотчилар олдига — социалистик жамият тараккиётининг манбаларини ва ҳаракатлантирувчи кучларини аниклаш, омманинг, коллективлар ва айрим шахсларнинг меҳнат ва социал соҳадаги активлигини рағбатлантириш усулларини белгилаш вазифасини кўяди. Социал-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш манбалари ва ҳаракатлантирувчи кучларининг, социалистик жамият диалектик зиддиятлари, хусусан ишлаб чикарувчи кучлар билан ишлаб чикариш муносабатлари орасидаги ноантагонистик зиддиятлар характери ўрганилиши керак. Жамиятимизнинг социал зиддиятлари ҳаракатлантирувчи кучларнинг ядроси сифатида уни ривожлантиради ва жадаллаштиради, омманинг, меҳнат коллективлари, айрим шахсларнинг фаолиятини активлаштиради ва рағбатлантиради.

Мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепциясининг муваффакиятли амалга оширилиши актив социал сиёсат юритиш, социал адолат принципларини изчил карор топтириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, социалистик демократияни ва халкнинг ўзини ўзи бошкаришини кенгайтириш билан чамбарчас боғликдир.

Жадаллаштириш жараёнини бошкаришда объектив жиҳат билан субъектив жиҳатнинг, омманинг ташаббуси ва ижодиётига, чинакам революцион туб ўзгартиришларга имконият яратадиган халкнинг социалистик ўз-ўзини бошкариш формаларини ривожлантириш диалектикасини тадкик этиш ҳозир катта илмий ва амалий аҳамият касб этмокда.

Марксча-ленинча философия социалистик жамиятда кишилар фаолиятини социал жиҳатдан тубдан ўзгартиришга, социалистик курилишнинг амалий вазифаларини ҳал этишга социал назариянинг таъсири жараёнида унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашиши керак. У ҳар бир шахснинг ва умуман жамият маънавий ҳаётини кайта куришга ёрдам бериши керак, чунки ижтимоий онгда кескин ўзгариш ясамасдан, одамлар психологияси, тафаккури ва кайфиятларида ўзгаришлар килмасдан муваффакият козониб бўлмайди. Бинобарин, совет кишиси маънавий негизларининг карор топишини, унда актив гражданлик, ҳаётий позициянинг шаклланишини ўрганиш философиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда философия ва социологик фанлар соҳасида дуруст ишлар килинди. Бугунги кунда бу соҳада 60 дан зиёд фан доктори ва салкам 500 фан кандидати меҳнат килмокда. Социалистик курилиш ҳамда жамиятнинг социал-синфий структурасини тубдан ўзгартириш тажрибасини, фан-техника революциясининг социал окибатларини, жамият маънавий маданияти тараккиётини, социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш, партиянинг социал сиёсатини ҳамда тарихий материализм, илмий коммунизм ва социологиянинг бошка назарий ҳамда амалий проблемаларини ўрганиш ва умумлаштириш соҳасидаги тадкикотлар республика олимларининг хизматидир.

Бирок шуни эътироф килиш керакки, философия ва социологияга оид кўпгина китобларнинг илмий-назарий савияси ҳозирча паст. Айрим философ олимлар ижобий фактларни кўкка кўтариб, салбий ҳолатлардан кўз юмдилар, вокеликни бўяббежаб, кескин жиҳатларни силликлаштириб келдилар. Тадкикотларнинг эмпирик натижаларини улар кўпинча олдиндан маълум ва юкори инстанцияларга маъкул бўладиган хулосаларга мослаштирдилар, жамиятнинг иктисодий, социал ва маънавий ҳаётига доир проблемаларга ўз вактида жавоблар, тавсиялар, таклифлар берилмади.

Жамият социал ва маънавий тараккиётининг энг актуал ва фундаментал проблемаларини ишлаб чикишдаги колоклик ва сусткашлик учун Ўзбекистон философлари жамиятшуносларнинг республика кенгашида кескин танкид килиндилар. Фан-техника тараккиёти негизида социал-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш масалаларига, тараккиёт диалектикаси ва инсон омилини активлашти-

ришга, ленинча миллий сиёсатни, Ўзбекистон халқларининг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагини бузиб кўрсатадиган буржуа сохталаштирувчилари ва «советшуносларини» танқид қилишга уларнинг эътибор бермаётгани қайд қилиб ўтилди.

Республика философия фани жамият тараққиёти, тенденциялари ва қонуниятларини, унинг зиддиятлари диалектикаси ва уни ҳал этиш йўлларини, халқда интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғусини тарбиялаш, буржуа миллатчилиги ва шовинизм кўринишларига қарши кураш каби муҳим проблемаларни ҳам ишлаб чиқмаган. Айтиш керакки, миллий муносабат масалалари умуман етарлича ёритилмаган.

Республика философлари ўз ишларининг самарадорлигини ошириш учун уни танқидий таҳлил этишлари, ҳаёт билан, амалиёт билан алоқани мустаҳкамлашлари ва ҳали ҳал этилмаган проблемаларга эътиборни қаратишлари керак. Шунингдек тарихий материализм, илмий коммунизм ва социология соҳасидаги ривожланишнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб олишлари лозим. Бу шунинг учун ҳам айниқса зарурки, республикада философия фанини ривожлантиришнинг методик ва координациялаштирувчи маркази бўлишга даъват этилган ЎзССР ФАнинг Философия ва ҳуқуқ институти узоқ вақт давомида тадқиқотларнинг конкрет бирламчи йўналишисиз ишлаб келди. Бу ҳол институтнинг илмий асарларида ҳаёт талаблари акс этмаганининг сабабларидан бири бўлди. Янги талаблар даражасига кўтарилиш учун республика философлари ўз ишларини жиддий қайта қуришлари зарур. Ҳозирги замон философияси турмушдан узилиб қолишга барҳам берганида, маълум ҳақиқатларни чайнайверишдан, догматизм ва қироатхонликдан қутулганидагина туб ўзгартиришлар ва социализмни такомиллаштиришнинг, уни янгилашни жадаллаштиришнинг актив воситасига айланади.

Ўзбекистон КП МК III пленуми (1986 йил октябрь) республика олимларини «Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий тараққиёти учун ўз масъулиятларини тўлароқ ҳис этишга, диққат-эътиборни жадаллаштириш стратегияси назарияси ва практикаси проблемаларига, социал-синфий ва миллатлараро муносабатлар, демократия ва ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш, планлаштириш ва бошқариш механизмларини, янги кишини тарбиялаш жараёнларини такомиллаштириш динамикасига қаратишга» даъват этди.

Ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро таъсири, социалистик мулкчилик ва уни рўёбга чиқариш формалари проблемаларини ишлаб чиқиш мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини ҳал қилиш учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикасида ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар даражасига мос бўлиши қонуни марказий ўринни ишғол қилади. Бироқ бу мувофиқликка ўз-ўзидан эришилмайди. Қолаверса, у ишлаб чиқариш муносабатлари у ёки бу формаларининг ишлаб чиқарувчи кучлар ривожидан орқада қолиш мумкинлигини ва ҳатто улар орасида номувофиқлик ва зиддиятлар вужудга келишини истисно қилмайди, бу эса ўз навбатида халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаб чиқариш билан тақсимот ўртасида ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида зиддиятлар чиқишига олиб келади. Ана шу барча зиддиятларни ва уларни бартараф этиш йўлларини ўрганиш принципиал назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳозир мулк формаларини, унинг ҳолати ва ривожланиш тенденциясини тадқиқ этиш ҳам шу қадар муҳим, бу агросаноат комплекси (АСК)ни ривожлантириш ва унинг мулки шаклланиши шароитида айниқса актуалдир.

Республикада жамиятнинг социал-синфий структурасини, унинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганиш юзасидан ҳозирдаёқ катта иш қилинди. Ҳозирги босқичда ишчилар синфининг етакчи ролини, унинг колхозчи деҳқонлар ва зиёлилар билан яқинлашувини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

КПСС XXVII съезди ҳужжатларида ва съезд қабул қилган янги таҳрирдаги партия Программасида жамиятнинг синфсиз структураси вужудга келиши проблемаларининг чуқур ишлаб чиқилиши зарурлиги яна бир карра уқтириб ўтилди. Ана шу актуал тема фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларини жорий этиш негизида жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатнинг ўзаро яқинлашувига эришилгани, меҳнат характери ва мазмуни ўзгаришини, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат кишилари ўртасидаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги

жиддий тафовутлар йўқолиб бораётганини атрофлича ўрганиш ва умумлаштиришни тақозо этади. Меҳнат коллективларининг ролини, уларнинг жамият социал структурасидаги ўрнини илмий талқин қилиш ҳозир муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фан-техника революциясининг социал-иқтисодий ва идеологик проблемалари, унинг социал оқибатлари соҳасида изланишлар олиб бориш комплекс тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак. Фан-техника революциясини хўжалик юритишнинг социалистик системаси афзалликлари билан қўшиш, фан-техника тараққиёти очиб берадиган бунёдкорлик имкониятларидан тўла ва ҳар тарафлама фойдаланиш вазифаси социалистик жамиятни ривожлантиришни жадаллаштиришда унинг ютуқларини энг самарали татбиқ этишнинг йўллари ва формаларини ҳар тарафлама ва чуқур тадқиқ этишни жонлантиришни талаб қилади.

Фан-техника тараққиёти (ФТТ) жамиятни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бутун технологиясини, машиналар системасини, шунингдек меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш формаларини тубдан ўзгартишдан иборатдир. Фаннинг тобора кўпроқ бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши унинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятидир. ФТТ бутун халқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам, шунингдек унинг турли тармоқлари нисбатида, илм-фан ва маданият, турмуш ҳамда хизмат соҳасида, одамлар тафаккури ва психологиясида, жамият билан табиатнинг ўзаро муносабатларида ҳам жиддий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ана шу проблемаларни тадқиқ этиш ижтимоий ривожланишнинг конкрет истиқболларини билиш ва умумлаштириш учун зарурдир.

Ўзбекистон аҳолиси болалар ва туғилиши нуқтаи назаридан энг тез ўсиб бораётган республикалардан биридир. Масалан, 1987 йил 1 январдаги маълумотларга кўра, бу ерда 19 миллион киши яшаган. Республикада аҳолининг табиий ўсиши ғоятда юқори. Масалан, 1985 йилда 1000 аҳоли ҳисобига СССРдаги 8,8 кишига нисбатан у 30 кишига етди. Туғилиш айниқса қишлоқ жойларда юқори. Шу сабабли қишлоқнинг социал ривожланиши проблемаларини ва ана шу жараёнда АСҚнинг ролини, демографик жараёнларни ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга. Аҳолининг тез ўсиши, янги иш ўринларини яратиш зарурлиги, шунингдек иш кучларининг Ўзбекистондан меҳнат аҳли етишмайдиган бошқа регионларга боришини рағбатлантириш ана шу жараёнларга эътиборни кучайтиришни талаб қилади.

Тарихий материализм проблемалари доираси планлаштириш, бошқаришни социал жиҳатдан прогнозлаштиришнинг умумсоциологик ва методологик асосларини ташкил қилади, чунки кенг маънода социал бошқариш тарихий жараённинг объектив қонунларидан онгли равишда фойдаланишга таянадиган ижтимоий ривожланишга муайян мақсадни кўзлаб систематик таъсир этиш демакдир. Бу ўринда философлар социализмда объектив шарт-шароитлар билан субъектив омилнинг нисбатини, ижтимоий ривожланиш объектив қонунларининг, меҳнаткашлар оммасининг меҳнат ва социал активлиги ўсишига ёрдам берадиган омиллар таъсирининг социал-иқтисодий механизмларини аниқлашлари лозим бўлади.

Партиянинг қайта қуриш ва жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қарорларини амалга оширишда социологияга жиддий роль ажратилади, чунки партия иқтисодий ва социал сиёсатининг кўпгина масалалари социологик жиҳатдан идрок этишни ва асослашни талаб қилади. Ҳозирги босқичда меҳнатчилар социал активлигини рағбатлантириш, уларнинг социал ғайрат-шижоатини ишга солиш айниқса катта аҳамият касб этмоқда. Меҳнаткашларнинг анчагина қисмида илгарилари вужудга келган социал лоқайдликни бартараф этиш — партия туб ўзгартирувчилик фаолияти ютуғининг ҳал қилувчи шартидир.

Қайта қуришни одамлар амалга оширади ва у одамлар учун амалга оширилади. Шунинг учун партия қайта қуришни одамларнинг ўзидан бошлаш керак, деб ҳисоблайди. Бошқача қилиб айтганда, одамларни янгича фикрлаш ва ишлашга, камчиликларга, социалистик турмуш тарзининг қоидалари ва нормаларининг ҳар қандай бузилишига нисбатан муросасиз бўлишга ишонтириш керак. Шундан келиб чиқиб партия инсон омилини активлаштиришни энг муҳим вазифа қилиб қўй-

моқдаки, бу жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгиланган режаларни тўла рўёбга чиқариш имконини беради, фан ва техника тараққиётига, маданиятни ривожлантиришга ва меҳнаткашлар оммасини тарбиялаш методларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Инсон омили ролини ошириш механизми қандай, инсон фаолиятининг турли соҳаларида, турли синфлар, турли группалар ва бошқаларда унинг хусусиятлари қандай? Ижтимоий фанлар объектив ижтимоий қонунларни тадқиқ қилишга берилиб кетиб, инсон омили ролига, тарихий тараққиётнинг объектив ва субъектив омилларининг амал қилишида унинг ўрни ва таъсирига эътибор қилинмаётганини, унга етарлича баҳо берилмаётганини кўрмаганликлари сабабли бу саволларга ҳали мукаммал жавоблар берилгани йўқ.

Ишга айни шундай ёндашиш натижасида анчагина салбий, гоҳо ғайрисоциал, жамиятга ёт ҳодисалар юз бергани маълум. Бошқариш соҳасида улар бошқариш маданиятининг пасайиб кетишида, социалистик демократия нормаларининг бузилишида, танқиднинг бўғилиши ва танқид учун таъқиб қилишда, бошқаришнинг ўзбошимчалик, маъмурий методларининг абсолютлаштирилишида намоён бўлди. Инсон омили ролига етарлича баҳо бермаслик тарбиявий ишда ҳам нуқсонларни келтириб чиқарди, натижада ёшларнинг бир қисмида социал масъулият туйғуси йўқолди, ғайрисоциал хулқ-автор кўринишлари, жумладан ичкиликбозлик, безорилик, нашавандлик юз берди, истеъмолчилик кайфиятлари ёйилди. Инсон омилини активлаштирмасдан, коллективда тегишлича психологик кайфият ва соғлом маънавий иқлим яратмай туриб, эндиликда меҳнат унумдорлигини ошириб, меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаб бўлмайди.

Партия XXVII съездида, КПСС МКнинг 1987 йил январь Пленумида мамлакатимизда миллий муносабатларни такомиллаштириш ва ривожлантиришга, бу соҳадаги камчиликларни танқид қилишга ғоят жиддий эътибор берилди. Чунончи, Пленумда бу соҳадаги хатолар тўғрисида узоқ вақтгача индалмай келингани, философларимиз, тарихчиларимиз эса миллий муносабатлар соҳасидаги реал ҳодисаларни холисона тадқиқ қилиш, бу соҳада юз бераётган ўз моҳиятига кўра жуда ҳам оддий бўлмаган ва зиддиятли социал-иқтисодий ва маънавий жараёнларни таҳлил этиш ўрнига муаммоли жойларни, ҳал этилмаган проблемаларни четлаб ўтишни афзал кўрганликлари, хоҳишни ҳақиқат қилиб кўрсатиб келганликлари дангал айтилди.

Шуни унутмаслик керакки, мухолифларимиз партиянинг миллий сиёсатига доимо бўҳтон қиладилар, мамлакатимизда миллий адоватни ўт олдиришга, миллат ва элатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринадилар, тарихий фактларни бузиб кўрсатадилар. Тажриба шуни кўрсатадики, миллий сиёсат масалаларига эътибор сусайган, социал ва миллий жараёнлар ривожланишининг объектив қонунлари назар-писанд қилинмаган жойда миллий мақтанчоқлик, такаббурлик, ўзига маҳлиё бўлиш аломатлари илдиз отади. Шу сабабли миллий муносабатларнинг назарий ва амалий масалаларини бундан буён ҳам ишлаб чиқиш ўзининг назарий ва сиёсий маъносини йўқотгани йўқ. Бу ерда намоён бўлган салбий ҳолатлар — пулга сотилиш, порахўрлик, қўшиб ёзишлар, ўғриликлар, раҳбар кадрлар бир қисмининг айниши, социалистик қонунчилик, социал адолат бузилишининг социал илдизлари ва сабабларини тадқиқ этиш — Ўзбекистон философлари ва социологлари учун ниҳоятда муҳим объектдир.

Маданиятни ривожлантирмай ва уни оммага ёймай туриб, меҳнаткашларнинг жуда кенг қатламлари унинг бойликларини ўзлаштирмай туриб жамиятни революцион тарзда янгилаш вазифаларини ҳал этиб бўлмайди. Шу боисдан халқнинг маънавий ва маданий-техникавий савиясини кўтариш, аҳолининг, хусусан қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш проблемаси ҳозир ҳам биринчи даражадаги вазифалар қаторига қўйилди. Республика олимларининг фалсафий тадқиқотларида маданиятни, жумладан, турмуш маданиятини ривожлантириш масалалари ҳозир катта ўрин тутади, бу социал турмушда унинг роли ортиб бориши билан боғлиқдир. Лекин бунда ана шу проблеманинг маданият ва жамият, коммунизм ва маданият, маданият ва шахс каби ва баъзи бошқа назарий жиҳатлари етарлича ишланмаган.

Маданият ва маданий революциянинг у ёки бу томонлари ёритилган бир қатор монографик тадқиқотлар, брошюра ва мақолалар борлигига қарамай, социалистик маданий революцияга, унинг моҳияти, мазмуни, босқичлари, социалистик ва коммунистик қурилишдаги ролига, омманинг маданий савиясини оширишга, совет кишисининг маънавий қиёфасини тубдан ўзгартиришга, янги, коммунистик маданиятни шакллантиришга бағишланган йирик умумлаштирувчи монография Ўзбекистонда ҳали ҳам яратилмаган.

Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар халқлари мустамлака зулмидан қутулиб, мустақил социал-иқтисодий ва сиёсий ҳаётга кўтарилган даврда нокапиталистик ривожланиш йўли проблемаларини ишлаб чиқиш алоҳида илмий-назарий, сиёсий ва амалий аҳамият касб этади.

Бир бутун, яхлит ижтимоий-иқтисодий система бўлган социализмнинг вужудга келиши ва ривожланиши қонуниятлари барча мамлакатлар учун муштаракдир. Шу боисдан турли мамлакатларда социалистик жамият қурилишига хос хусусият, — улардан ҳар бирининг бир хилдаги асосий қонуниятларга бўйсунадиган капитализмдан социализмга ўтиш ягона жараёни доирасидаги хусусиятдир холос. Социалистик система яшашининг ўзи, шунингдек Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг социализмга ўтиш тажрибаси озодликка чиққан кўпгина мамлакатлар учун нокапиталистик, социалистик ориентациянинг мақбул йўлини очиб беради. Шундай ривожланиш тажрибамизни тарғиб қилиш, бунда ана шу мамлакатларнинг ўзига хос шароитларини анализ қилишга марксча-ленинча методологияни татбиқ этиш — совет олимларининг ва биринчи навбатда философлар, тарихчилар, ҳуқуқшуносларнинг вазифаларидан биридир.

Илмий атеизм проблемаларини ишлаб чиқиш, илмий-атеистик пропагандада қатнашиш философлар, социологлар ва бошқа жамиятшунослар ишидаги муҳим йўналишдир. Маълумки, социализм ва дин бир-бири билан сиғишмайди. СССРда социализм қурилиши билан меҳнаткашларнинг диндан ялпи равишда узоқлашуви юз берди ва уларнинг аксар кўпчилиги онгида илмий, материалистик дунёқараш қарор топди. Лекин бу илмий-атеистик ишнинг ҳамма проблемалари ҳал этилди, деган гап эмас. Чунончи, кейинги йилларда атеистик пропагандага эътибор сусайганлиги натижасида республикада руҳонийлар, хусусан мусулмон руҳонийлари активлашди. Диний вазият кескинлашди. Шу сабабли илмий атеизм билан шуғулланадиган философлар баъзи даврларда диндорликнинг сақланиб қолиши ва жонланишининг социал илдизлари ва конкрет сабабларини ҳамда аҳоли турли категорияларининг динга мурожаат қилишининг сабабларини ўрганишга эътиборни кучайтиришлари лозим.

Афсуски, олимларимизнинг илмий атеизмга доир баъзи асарлари амалиёт талабларига жавоб бермайди, ҳатто китобхонни чалғитади, шу сабабли пропагандистлар ва агитаторлар атеистик ишда улардан фойдалана олишмайди. Академиянинг институтлари кўп йиллар давомида ислом билан, унинг гносеологик, социал-сиёсий илдизлари, диннинг кишиларга, хусусан ёш авлодга салбий таъсири билан боғлиқ проблемаларни чуқур тадқиқ қилиш билан шуғулланмаётирлар. Совет турмуш тарзини қарор топтиришга ёрдам берадиган янги, социалистик маросимлар, анъаналарни ишлаб чиқиш, пропаганда қилиш ва турмушга жорий этиш ҳам кўнгилдагидай эмас.

Кўпчиликка маълумки, илмий баҳслар, фикрлар кураши, ўз қарашларини очиқ ҳимоя қилиш имконияти фаннинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам беради. Бироқ ижтимоий фанларнинг, шу жумладан философиянинг ҳам вакиллари кўпдан бери мунозаралар ўтказмаётирлар, долзарб мавзуларни коллектив бўлиб муҳокама қилмаётирлар ва ҳоказо. Ҳақиқатни билишнинг таъсирчан қуроли ҳар қалай ўтмаслашиб қолди ва бу бир қатор ҳолатлар билан боғлиқдир. Масалан, ижтимоий фанларнинг актуал масалалари бўйича мунозараларнинг ўтказилмай қўйилишини шу билан изоҳлаш мумкинки, олимлар мулоҳазаларидаги анча-мунча мустақилликни ва муҳокамалар давомида улар билдириб келган танқидий фикрларни амалдор бюрократлар кўпинча асабий қабул қилардилар.

Бизда ҳали ҳамма ҳам ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид позициясига ўтганича йўқ. Чунончи, философияга оид янги китобларга ёзилган кўпгина тақризлар актуал масалалар қўйилган холис танқидий илмий таҳлилдан кўра кўп-

роқ улар мазмунининг қисқача баёнини эслатади. Қолаверса, улар кўпинча мақтовдан иборат бўлади. Афсуски, бир-бирини мақташ ва кўнгилчанлик кўпгина коллективлар ва кафедралар ҳаётининг нормаси бўлиб қолган.

Республикада философия кадрларини ТошДУ фалсафа-иқтисод факультети тайёрлайди, у ана шу кадрларга бўлган эҳтиёжни умуман қондиради. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, фан ҳамиша ёш кучларга муҳтождир, республикада докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш юзасидан иккита ихтисослаштирилган совет бўлишига қарамай философия ва илмий коммунизм бўйича фан докторлари ҳали ҳам етишмайди. Областлардаги олий ўқув юртларида кўпгина кафедраларга фан кандидатлари бошчилик қилишади. Қолаверса, фан докторларининг ўртача ёши йил сайин кўтарилиб бормоқда ва ҳозир салкам 55 ёшдан иборат. Олий ўқув юртларида философия ва илмий коммунизм бўйича тайёргарлиги пухта ва етук муаллимларни докторлик диссертацияси тайёрлашларини кўзлаб, катта илмий ходимликка кўпроқ ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги вақтларда социологик тадқиқотларга эҳтиёж ва уларга қизиқиш жуда кучайди. Йирик корхоналарда, муассасаларда социология хизматлари, лабораториялар ёки меҳнатни илмий ташкил этиш марказлари, касб танлаш хизматлари ва шу кабилар барпо қилинмоқда. Бироқ улар учун мутахассис-социологлар етишмаётгани жуда сезилмоқда. Фақат 1984 йилдан бошлаб МДУ ва ЛДУ конкрет социология бўйича мутахассислар тайёрлашга киришдилар. Ўйлаймизки, биз ҳам Тошкент давлат университетида социологлар тайёрлаш, шунингдек шу мақсадда ёшларни иттифоқнинг марказий шаҳарларига ўқишга юбориш масаласини ҳал этишимиз керак.

Ҳаёт философлар билан социологлар олдига ҳал этилмаган кўпдан-кўп проблемаларни қўймоқда. Жамиятимизда, унинг революцион янгиланиш чоғида содир бўлаётган жараёнлар ва ҳодисалар социализм ривожининг ҳозирги диалектикасини акс эттирадиган ўзгача ёндашувлар ва методларни тақозо этмоқда. Философлар билан социологлар реал воқеликка таяниб, унга реалистик баҳо беришлари ҳамда уни янада такомиллаштириш йўллари тўғрисида илмий асосланган, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ прогнозларни тавсия этишлари керак.

ИШТИЁҚ БИЛАН, ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎҚИМОҚ КЕРАК

АФСУСКИ, болаларнинг қизиқиш доирасини чексиз деб бўлмайди. Ёш авлод ўсиб борган сари уларда ҳайратланиш қобилияти камроқ намоён бўлади. Зеро ҳозир амалга оширилаётган мактабислоҳоти уларда аввало билим олишга, иштиёқмандликка қизиқишни ривожлантиришни тақозо этади. Лондонда ўтган психологларнинг Жаҳон конгрессида футурологлар томонидан XX аср охирига бориб инсон ҳайратлаиш туйғусидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин деган фикр айтилди. Бу фараз қанчалик асослилигини айтиш қийин, лекин уни тўғри деб бир лаҳза тасаввур қилайлик-чи, нимани кўришимиз мумкин? Олимлар ва шоирлар бундай вазиятда қандай қилиб пайдо бўлиши мумкин? Болаларни ўқишга қизиқтира билиш бугунги кунда давлат аҳамиятидаги проблема бўлиб қолганлиги сир эмас.

Мамлакатимиз шу беш йилликда умумтаълим мактаби ислоҳотини асосан якунлаши керак. Билим олишга қизиқишни, таълим олишга иштиёқмандликни оширишнинг, ўқишга қатъий истакни шакллантиришнинг метод ва воситаларини излаш унинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Илм олишга барқарор интилишни тарбиялаш — бугунги куннинг заруриятидир. Билимга чанқоқлик бўлмаса, билим ҳам бўлмайди.

Мактаб ўқувчиларини қобилиятли ва қобилиятсизларга бўлмаган ҳолда беистисно ҳаммага ўрта маълумот бериш вазифасини дунёда ҳали ҳеч ким илгари сурмаган. Бу — тарихда маълум ислоҳотлар ичида энг дадил ислоҳотлардан биридир. Маълумки, инсон психологиясини қайтадан яратиш, унда характернинг янги хусусиятларини тарбиялаш мушкул иш.

Ўсмирлар ўзларича, «бирданига» қобилиятли бўлиб қолмайдилар. Ўқишга қизиқиш, билим олишга, қийинчиликларни енгишга ич-ичидан интилиш, тушуниш, ҳал қилиш, фаҳмлаш, эслаб қолиш, ўрганишга хоҳиш бўлган жойдагина қобилиятларни ривожлантириш мумкин. Мактабга, дарсга қизиқиш бўлмаса, ўқувчи уй вазифаларини шунчаки одатлангани учун бажарса, синфда эса «Тезроқ қўнғироқ чалинсайди!» деган хаёл билангина ўтирса, уйга вазифа берилаётган пайтдагина жонланиб қолса («қани энди вазифа камроқ берилса») — бу ҳолда қобилиятларни ривожлантириш тўғрисида сўзлашнинг ўзи ортиқча.

Масаланинг яна бир жуда муҳим қирраси ҳам бор. Педагоглар бугунги кунда, фан-техника революцияси бораётган шароитда мактаб бир умр билим олишга ташналикни уйғотиши керак деб таъкидлайдилар. Мустақил билим олишга олиб келмайдиган таълимни энди таълим деб ҳисобламаса ҳам бўлади. Таълим олишга ўргатиш мактабнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда ва унинг анъанавий вазифаси — билим бериш билан баслашмоқда.

Ва, ниҳоят, қандайдир бирорта предметга алоҳида қизиқишни ривожлантириш, истеъдодни эртароқ излаш ва белгилаш, қобилият турларини аниқлаш, талантларни кашф этиш масаласи мавжуд.

Буларнинг ҳаммаси — мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини фан-техника тараққиётига асосланиб жадаллаштириш шароитида таълим беришни интенсивлашга ўтиш ҳам, мунтазам равишда мустақил билим олиш зарурияти ҳам, талантларнинг қадрли эканлиги ҳам — жуда жиддий масала бўлиб, «болаларни талтайтириш керак эмас», «билим олиш ўйин эмас» каби жўн фалсафа билан қаноатланиб бўлмайди. Болаларнинг ўқишга қизиқишига беҳад кўп нарса боғлиқки, унга (қизиқишга) енгил-елпи муносабатда бўлиш ярамайди.

Бир куни факультатив машғулотлар борасида суҳбат қуришимга тўғри келиб қолди. Суҳбатдошим уҳ тортди: «Буларнинг ўзику яхши бўлиши мумкин, лекин бизда факультативлар ўтказилмаяпти. Ўқитувчиларнинг қўлидан келмаяпти». Ўқитувчининг қўлидан келмайди, бундай машғулотларни қандай ўтказишни унутиб қўйган, натижада юқори синфларнинг ўқувчилари бу хил машғулотга қизиқмайдилар. Лекин қизиқишларни ҳисобга олувчи машғулотлар учун махсус ташкил этилган факультативда зерикиш ҳукм сурса, дарсдаги аҳвол қандай бўлади? Ҳатто ўқитувчининг олдига дарс қизиқарли бўлиши хусусида вазифа қўйилмаса?!

Бурчни қизиқишга қарама-қарши қўйиш, менимча, нотўғри. Бурч туйғусига асосланган ҳолда таълим олиш ҳеч қачон зўрлик билан, иштиёқсиз ўқишни англатмайди. Илм олиш ҳақиқатан ҳам меҳнатдир, лекин меҳнат жозибали бўла олмайдими? Умуман олганда, бизнинг давримизда иштиёқмандликни кўнгил очиш билан аралаштириб юбориш ҳамда «қизиқиш» тушунчасини фақат мароқлилик билан боғлаш ғайритабиий ҳолдир. Меҳнатга ва бурчни бажаришга диққатпазлик билан эмас, балки шавқ-завқ, иштиёқмандлик билан ўргатадилар: иш қанчалик қийин бўлса, уни уддалаш учун шунчалик кўп жонбозлик керак.

«Болаларнинг ўқишга хоҳиши бўлмаса, барча ниятларимиз, изланиш ва қурилмаларимиз арзимас нарсага, жонсиз ҳайкалга айланиб қолади», — деб ёзган эди В. А. Сухомлинский. У болаларнинг ақлий меҳнати катта кишиларнинг ақлий меҳнатидан фарқ қилади деб уқтирарди. Бола учун билим олишдаги пировард мақсад катталарнинг ақлий куч-ҳаракатларидан кутилган бош стимулга ўхшамаслиги мумкин. Боланинг ақлий меҳнати характерининг ўзида, фикрнинг эмоционал безанишида, интеллектуал кечинмаларида билим олиш хоҳишининг манбаи яширинган. Агар бу манба тугаса, ҳар қандай усуллар билан ҳам қўлига китоб олишга болани мажбур қилиб бўлмайди.

Ғарбнинг кўп педагоглари XX аср бошида болаларни фақат уларни қизиқтирувчи нарсаларга ўқитишни таклиф қилиб чиққан эдилар. Бу эса амалда мактабни емиришга олиб келди. Шуни айтиш керакки, айни ўша пайтдан бошлаб «болалар қизиқиши» тушунчасининг ўзи бир қадар шубҳа туғдирадиган бўлиб қолди («Болаларнинг бир лаҳзалик инжиқликларига эрк бериб қўйишни ўйлаяпсизми?»).

Лекин ўқув материалининг ўзигина эмас, балки таълим беришнинг жараёни, қийинчиликларни енгиш, ўз муваффақиятини ҳис этиш ҳам ўқишга қизиқиш уйғотади. Тўғрисини айтганда, ўқув материали доим ҳам қизиқарли бўлавермайди. Лекин ўз кучи ва маҳоратини ҳис этиш, ғалабадан масъуд бўлиш ҳар бир болага ҳам хуш ёқади.

Энг қобилиятсиз ўқувчилар билан ишлашда қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин? Бу — қийин иш, кўп ўқитувчиларнинг ўзларини қайта қуришларини талаб этади, лекин мактабдаги эскириб қолган нарсалардан, бир хил ўтувчи дарслардан қутулиш йўли ҳам айни шунда-ку. Иштиёқ билан ўргатиш болалар учунгина эмас, ўқитувчилар учун ҳам бахтдир. Болаларнинг ўзлари ҳам зерикарли предметни қизиқарли дарсга айлантириб юборишлари мумкин.

Бир неча йил олдин «Пионер» журнали ўтказган эксперимент яхши маълум. Журнал бутун бир ўқув йили давомида ўқувчиларнинг ўзлари ўз куч-ҳаракатлари билан зерикарли предметга қизиқишлари мумкинми, деган саволни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб тажриба ўтказган эди. Бу ниятнинг муваффақият қозонишига аввалига унча ишонч бўлмади. Биз нима учундир ўзимиз сезмаган ҳолда «ҳозирги» болаларни ҳеч нарсага қизиқтириб бўлмайди деган фикрга келиб қолганмиз (ёки шундай фикрга кўникканмиз). Дафъатан журнал редакциясига мамлакатнинг турли бурчакларидан хатлар ёғилиб кетди. Улар қизиқарли масалаларнинг ечимлари ёхуд муҳаббат ва дўстликка бағишланган суҳбатга жавобан фикр-мулоҳазалар эмас, балки... уйга бериладиган вазифалар ҳақидаги хатлар эди. Маълум бўлишича, болалар хурсандлик билан ўқиш учун ҳақиқатан жуда улкан куч-ғайратлар сарфлашга қодир эканлар. Мактабдаги диққатпазликдан уларнинг кўнгиллари совиган, улар қизиқиб, кўнгилхуш ҳолда ўқишни жуда хоҳлайдилар.

Мактаб комсомол ташкилоти қизиқиб ўқишда барча ўқувчиларга ёрдам бера олиши мумкин. Илмга иштиёқмандлик муҳитини, В. А. Сухомлинскийнинг фикрича, мактабга жуда зарур бўлган «интеллектуал шароит»ни яратишга ҳаракат қилинганда — ўқувчилар қанчалик яхши билимли бўла оларди! Факультативлар «кетмаяптими» — сабаби нимада? Айни комсомол активи факультативларда қандай шуғулланиш борасида ўрнак кўрсатиши керакдир, балки. Тўгараклар, «кичик фанлар академиялари», синчков ва қизиқувчанлар кечалари, газета-журналлардан фан ва техника ютуқлари ҳақидаги материаллар қирқиб олиб ёпиштирилган стендлар, ҳар хил викториналар, конкурслар, олимпиадалар, олимларни мактабга таклиф этиш — бир-биридан қизиқарли бундай тадбирларни кўплаб ўйлаб топиш мумкин. Математика ёки радиотехникага ҳаддан ташқари берилганлиги сабабли синфда ҳеч ким эътибор бермайдиган ёки унчалик ҳурмат қилинмайдиган баъзи бир «ғалати» болаларга муносабатни ҳам қайтадан қараб чиқиш даркор. Улар эҳтимол комсомол ташкилоти учун жуда зарур болалардир? Уларни тўгаракларга бошчилик қилишга мажбур қилиш шарт эмас — бундай ишга ҳамма ҳам қодир бўлавермайди. Лекин улар хусусидаги жамоат фикрини қандайдир ўзгартириш, болаларни ҳимоя остига олишимиз керакмикин.

Ўқув-таълим меҳнатини илмий ташкил этиш масаласини олсакчи? Таълим беришда минглаб «устомонликлар»ни топиш мумкин. Уларни аниқлаш, тўплаш, тарғиб қилишнинг ўзи таълимни қизиқарли қилади. Зеро, юқори синфларда сенга фақат таълим беришаётганинингина эмас, балки ўзинг ҳам ўқиётганингни, режалаштираётга-

нингни, нималаргадир эришаётганингни, ўз олдингга қандайдир мақсадларни қўяётганингни, нимададир ўзингни енга олганингни, қисқаси, онгли равишда ўқиётганингни ҳис этиш мақсадида ўз ҳаётингни ана шундай қайта қуришинг мумкин.

Қандай ўқимоқ кераклиги ҳақида бизда ҳанузгача бирорта қўлланма йўқлиги ажабланарли ҳол. Балиқларни урчитиш, бирор нарса моделини ўз қўлинг билан яратиш, сафарга қандай отланиш кераклиги каби хоҳлаган мавзуда эса етарлича адабиётга эгамиз, фақат ўқувчиларгина ўқиш ҳақида — унинг қонунлари, усуллари, ташкил этилиши ҳақида қўлланмага эга эмас. Ўсмирлар ҳам ўзини-ўзи тарбиялашга доир китоблардан маҳрум. Методиканинг ҳаммаси ўқитувчига аталган; фақат ўқитувчи ўқитадию, болалар эса ўқимайдилар деган таассурот туғилади. Минглаб кишилар **қандай ўқитиш керак** деган масала билан шуғулланадилару, бирор кимса **қандай ўқиш кераклиги** ҳақида ўйлаб кўрмайди. Зотан, мактаб ислоҳотининг асосий проблемаларидан бири ҳам ана шу. Болалар ва ўсмирлар психологияси соҳасида таниқли мутахассис Л. И. Божович бундан 30 йил олдиноқ: бизда қизиқишларни, «қизиқишни ривожлантириш назарияси»ни шакллантиришнинг объектив равишда аниқланган қонуниятлари йўқ, деб ёзган эди. Ўшандан бери аҳвол амалда ўзгармади.

Педсоветларнинг аксарияти мактаб учун энг оддий ва энг асосий бўлган «Нима учун болалар дарсда зерикадилар?» деган саволни муҳокама қиляптиларми? Ўқитувчиларнинг августдаги ва бошқа кенгашлари болалар қизиқишига тез-тез бағишланяптими?

Агар ўқувчиларнинг дарсга, предметга қизиқиши ўқитувчига қўйиладиган биринчи ва зарур талаб деб ҳисоблангайда, ўқитувчининг меҳнатини баҳолайдиган барча мезонларимиз нақадар ўзгариб кетган бўлар эди! Яхши мактаб фақат бир нарса билан: унда болалар қизиқиб ўқиши билан ёмон мактабдан ажралиб туради. Баҳони «ошириш» ва ҳатто шундоқ ўзича қўйиш мумкин. Қизиқишни эса сохта баҳолар билан безаш мумкин эмас — у яққол намоёндир. Қоғозлардан, синф журнали ва ведомостлардан бир он кўзни олиб, дарсда ўтирган ўқувчиларнинг кўзларига қарашимиз биланоқ уларнинг ўқитувчиси ҳақидаги ҳамма нарсани осонгина билиб оламиз.

Агар болаларнинг ўқишга юз процент қизиқадиган бўлишига интилсак, давоматимиз ҳам жойида, болалар ҳам бахтли бўлар эди. Чиндаи ҳам, ёш авлоднинг бахт-саодати учун шунчалик кўп куч-қувват ва маблағ сарфлаб, сўнгра уларни мактабдаги диққатпазликка дучор қилишимиз бемаъниликдан бошқа нарса эмас. Ўсмирлар орасидаги жиноятчилик проблемалари ҳам ўз илдизи билан айни мактабга, дарсга бориб тақалишини айтиб ўтиш керак. Ҳовли ва клублар, стадион ва парклар тўғрисида кўп ёзяптилар. Буларнинг ҳаммаси жуда зарур, лекин болалар ҳаётининг таг-томири — айни дарс, мактабдадир. Бола «кўчага», «ёмон ўртоқларга» юз тутишдан аввал у мактабдан аразлайди, ўз кучига ишонмай қўяди. Фақат ана шундан сўнггина бизнинг тарбиявий иш-ташвишларимиз бошланади. Уларни айни дарсдан бошлаш керак эмасмикин? Қизиқиб ўқийдиган бола ўзига боғлиқ бўлмаган жуда сийрак вазиятдагина ҳуқуқни бузиши мумкин.

Бугунги кунда болалар иштиёқ билан ўқиши учун кўп ишлар қилиняпти. Факультатив машғулотлар жорий қилинган, айрим фанлардаги муваффақиятлари учун ўрта мактаб битирувчиларига мақтов ёрлиқлари бериляпти, олимпиадалар ўтказиляпти. Буларнинг ҳаммаси бир занжирнинг ҳалқаларидир. Бутун педагогика коллективи ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини доимо қўллаб-қувватлаётган мактаблар оз эмас. Ўтмишда гимназиялар зериктирувчи дарс беришни ўзига эп кўра олар эди: хоҳламасанг — ўқима дея олар эди.

Мамлакат жамиятни фан-техника тараққиёти шароитида социал-иқтисодий жадаллаштиришнинг жуда масъулиятли вазифаларини ҳал қилаётган ҳозирги пайтда кенг маълумот олиш мажбурийдир. У қанчалик кўп кишиларни қамраб олса, ўқиш-таълимга бўлган «моддий» стимуллар кучи шунчалик қирқилади: маълумотлилик даражаси секин-аста бараварлашади. Демак, биринчи ўринга маънавий рағбатлантириш, аввало, қизиқиш чиқади. Шу сабабли «қизиқиш» тушунчасидан тортинишимизга, «Биз учун қизиқиш бирдан-бир мақсад эмас» деб ҳар қадамда такрорлашимизга чек қўйиш пайти келди. Мактабнинг «Иштиёқ билан, қизиқиш билан ўқийлик» деган энг оддий қонунини қанчалик тез тушунишимиз ва қабул қилишимизга жуда кўп нарса боғлиқ. Шундагина мактаб ислоҳоти тезроқ боради, ўзимизни ҳам тезроқ қайта қурамиз.

А. АМИНОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

А. Мавлонхўжаев (Тошкент) журнал редакциясига хатида шундай деб ёзади: «Антикоммунизм сўнгги вақтда борган сари кўпроқ дин байроғи остида чиқмоқда. Шу муносабат билан унинг ислом динидаги кўриниши ҳақида сўзлаб берсангиз».

ХАЛҚАРО РЕАКЦИЯГА ЁҚИШИНИ КЎЗЛАБ

Антикоммунизмнинг ислом динидаги кўриниши мусулмон оламининг халқаро реакция билан ҳамфикр бўлаётган, ўзининг мухлисларига коммунизм «озодлик ва демократиянинг душмани» деб қаттиқ уқтираётган, илмий коммунизмни мусулмонларга ёт «хорижий таълимот», «Европага хос таълимот» деб, коммунистларни эса — «мусулмон халқлари»нинг миллий манфаатларини назар-писанд қилмайдиган Совет Иттифоқи «агентлари» деб эълон қилаётган ўта ўнг клерикал-сиёсий доиралари манфаатларини акс эттиради.

Ислом руҳонийларининг реакцион кайфиятдаги қисми, ўнг кучларнинг иғволарига берилувчи диний мутаассиблар ҳам антикоммунизм пропагандаси билан шуғулланмоқдалар. Бунда уларнинг ҳаммаси муайян мақсадларни: ўз мамлакатларидаги халқ оммасини антиимпериалистик курашдан чалғитиш, уларда реал социализмни ёқтирмаслик ҳиссини уйғотишни, уларни коммунистик идеалларга нисбатан лоқайд қилиш мақсадини кўзлайдилар. Социал тараққиётни тўхтатиб қолишдан ожиз бўлган клерикализм уни ҳеч бўлмаганда секинлатишга, меҳнаткаш мусулмонларни озодлик ҳаракатида, ислом расмий дин бўлган кўпгина давлатларда ҳозиргача сақланиб қолган феодал муносабатларни тугатиш учун курашда актив иштирок этишдан четга тортишга интилмоқда.

Саудия Арабистони ва Покистондаги мусулмон бирлашмалари етакчилари ўзларининг коммунизм идеалларига душман эканликларини очиқ-ойдин эълон қилмоқдалар. Эрон, Миср, Индонезия, Туркия ва бир қатор бошқа мамлакатларнинг клерикал доиралари антикоммунистик фаолиятни активлаштирдилар.

Масалан, Саудия Арабистони пешволари антикоммунистик руҳдаги ҳар бир пропаганда ҳаракатини диндорларга афсонавий «худосиз коммунизм кирдикорларидан исломни қутқаришга» доир фаолият тарзида тақдим этмоқдалар, покистонлик клерикалларнинг антикоммунистик пропагандасида Совет Иттифоқи ва жаҳондаги прогрессив кучлар томонидан Афғонистондаги Апрель революциясининг қўллаб-қувватланиши асосий объектлардан биридирки, улар ушбу революцияни мусулмонларга қарши ҳаракат деб тасвирлайдилар. Улар Апрель революциясининг мақсад ва идеалларини оддий мусулмонлар кўз ўнгида обрўсизлантирмоқчи бўладилар. Афғонистондаги халқ оммасининг туб манфаатларини акс эттирувчи прогрессив ўзгартишларни исломга қарши йўналишда деб бўхтон қиладилар, ёш республиканинг раҳбариятини динга ва унинг мухлисларига душман деб эълон қиладилар.

Бир қатор халқаро мусулмон ташкилотлари ва ислом марказлари антикоммунизмни ўз фаолиятларининг асосий мазмуни қилиб олганлар деса бўлади. Улар орасида Ислом дунёси лигаси (Саудия Арабистони), Исломни тадқиқ қилиш институти (Покистон), Парижда жойлашган Диний пропаганда маркази ва бошқалар бор. Ислом дунёси лигаси Таъсис кенгашининг ва унинг қошида ташкил этилган Мачитлар иши бўйича умумжаҳон олий кенгашининг бирорта мажлиси коммунизмга қарши курашни кучайтиришга даъватларсиз ўтмайди. Лига раҳбарияти турли реакцион ташкилотлар ўтказадиган антикоммунистик тадбирларни қўллаб-қувватлашни, мусулмон мамлакатларидаги аҳолининг ўсиб бораётган сиёсий активлигини ривожланишнинг ислом йўли деб номланувчи йўл учун кураш оқимига буриб юборишни, оммага мусулмон давлатлар учун социалистик ориентация номақбул эканлиги ҳақидаги ғояни уқтиришни, бир қатор Шарқ мамлакатларида амалга оширилаётган прогрессив ўзгартишларни ҳар қандай қилиб бўлсада бузиб кўрсатишни, улардаги мавжуд тузумни ағдариб ташлашга чақириқлар билан кифояланиб қолмасликни ўз вазифаси деб билади.

Реакцион клерикаллар идеологик диверсиялар ва антикоммунистик иғвогарликларнинг йирик маркази — 1978 йили Мисрда ташкил этилган Матбуот эркинлиги ва ахборот халқаро ташкилотида мустаҳкам ўрнашиб олганлар. Америка, Миср ва Саудия Арабистони биргаликда бошқарувчи ушбу диний ташкилотнинг фаолияти мусулмон дунёсида илмий коммунизм ғояларини обрўсизлантиришга қаратилган. Марказни таъсис этувчилар ҳар бирига муайян роль ажратилган: Саудия Арабистони ўз зиммасига унинг фаолиятини маблағ билан таъминлаш харажатларининг асосий қисмини олган, АҚШ эса антикоммунистик ғояларнинг асосий етказиб берувчиси, Миср бевосита пропаганда билан шуғулланади. Бу ерда «атеистик доктриналарга» қарши курашнинг кенг программаси ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга оширишга 500 миллион доллар ажратилган. Кейинчалик Матбуот эркинлиги ва ахборот халқаро ташкилоти ўтказаётган антикоммунистик диверсияларнинг сарф-харажатларини йилига икки миллиард долларгача етказиш мўлжалланяпти.

Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўпгина мамлакатларда иш кўрувчи «Мусулмон биродарлар» халқаро диний-сиёсий ва террорчилик ташкилоти фаолияти коммунизмга нафрат билан йўғрилган. Ғарбнинг энг реакцион империалистик доиралари ва разведка марказлари ҳар қандай прогрессив ўзгартишларга қарши чиқаётган, уларнинг фаол курашувчиларини жисмонан йўқ қилишга уринаётган «Мусулмон биродарлар»ни актив қўллаб-қувватлаяптилар. Шуни эътиборда тутиш керакки, кўпорувчи радиостанциялар «Мусулмон биродарлар»нинг баъзи ғояларини бизнинг мамлакатимизга ҳам олиб киришга уринмоқдалар.

Шундай қилиб, «диний позициядан» туриб социализмга, марксизм-ленинизм ғояларига тухмат қилиш мусулмон руҳонийлари реакцион қисми доктринасида асосий ўринни эгаллаган. У коммунизмни қораларкан, Совет Иттифоқининг диний ва миллий масалаларга доир сиёсатини сохталаштиряпти. Реакцион ислом клерикаллари кўпинча қарама-қарши ижтимоий системалар бўлган капитализм билан социализмни бир хил деб кўрсатиб, ким дўст ва иттифоқчи, ким эса миллий-озодлик ҳаракатининг душмани эканлигини тушуниб етишларида диндорларга тўсқинлик қиладилар, социалистик мамлакатларнинг Осиё ва Африкадаги ёш давлатлар билан ҳамкорлиги орасига нифоқ солишга уринмоқдалар.

К. ИНОЯТОВ,
тарих фанлари кандидати.

ЎЗБЕКИСТОН МАМЛАКАТНИНГ ЯГОНА ХАЛҚ ХЎЖАЛИК КОМПЛЕКСИДА

ҲАР БИР иттифокдош республиканинг экономикаси мамлакат ягона халк хўжалик комплексининг узвий таркибий кисми бўлиб, унинг тинимсиз ўсиши республика ва иктисодий районлар ишлаб чикарувчи кучларини окилона ривожлантириш ва жойлаштириш негизида амалга оширилади. Бу эса ижтимоий меҳнатни территорияларга тўғри таксимлаш объектив заруриятини акс эттиради. КПСС XXVII съезди ана шу масалаларни оптимал ҳал килиш муҳим эканлигига алоҳида эътиборни каратди. Китобхонларга такдим этилаётган китобда* шу масалалар Ўзбекистон ССР мисолида караб чикилган.

Умумиттифок меҳнат таксимотида Ўзбекистон жуда ўзига хос мавкени эгаллаган: республикада истеъмол килинадиган машинасозлик маҳсулотининг ярмидан кўпроғи мамлакатнинг бошка районларидан олиб келинади, ўзида ишлаб чикариладиган бундай маҳсулотнинг салмоғи эса умумиттифок ҳажмининг атиги 2,5 процентини ташкил этади. Ип газламалар ишлаб чикаришда ҳам ана шундай паст даражани кўрамиз — республика ўз эҳтиёжининг учдан икки кисмини четдан олиб келиш ҳисобига кондирмокда. Озик-овкат саноатида анчагина оркада колиш кўзга ташланади. Ушбу тармокларни ўртача ва узок муддатли перспективада ривожлантириш ва жойлаштиришни асослаётганда, деб таъкидлайди авторлар, буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш зарур. Лекин энг муҳим маҳсулотларни ишлаб чикариш ва истеъмол килишнинг ўсиш суръатларини баҳолаш ва анализ килиш пайтида авторлар республика ишлаб чикарувчи кучларининг ривожланиши ва рационал жойлаштирилишини планлаштиришдаги камчилик ва нуксонларни чукуррок очиб беришлари лозим эди. Хусусан, кандай турдаги ва канча ҳажмдаги (нархли ва натурал ифодаларда) маҳсулот республикага олиб келиниши ва ундан олиб кетилиши конкретлаштирилиши керак эди. Ўзбекистон халк хўжалигининг таркиб топган тармокли ва территориал структураси ундаги мавжуд ихтисослашув ва ривожланишнинг социал-иктисодий жиҳатдан самарали ёки нооптимал эканлигини ва, шунингдек, ана шу масаладаги камчиликларни ҳеч бўлмаганда 2005 йилгача бартараф этишнинг эҳтимол тутилган натижаларини ҳисоб-китоб килишга эҳтиёж сезмокда.

Кишлок хўжалигининг аҳволи, унга сарфланадиган капитал маблағлар ўсиш суръатлари ва уларнинг Иттифокдаги ўртача кўрсаткичларга киёслагандаги салмоғи караб чикилганлиги эътиборга лойикдир. Лекин бу ерда, бизнингча, республика ишлаб чикарувчи кучларининг ўсиш суръатлари ва жойлаштирилишини муфассал анализ килишга ана шу суръатларнинг интенсивлик даражасини аниклаб, унинг асосида республика экономикасининг ўртача ва узок перспективада оптимал ишлаши мезонларини ишлаб чиккандан сўнг киришиш максадга мувофик бўларди. Бундай мезоннинг йўклиги авторларга у ёки бу тармокларнинг ривожланиш даражасини етарлича объектив ва тўларок караб чикиш имконини бермаган.

Бизнингча, республика аҳолисининг мамлакат аҳолиси умумий микдоридаги салмоғидан (1985 йилда 6,55 процент) келиб чиккандагина унинг халк хўжалигида шаклланган структураси самарадор эканлигига ишонч ҳосил килиш мумкин; бу эса илмий асосланган нормативларга мувофик ҳолда аҳоли жон бошига у ёки бу маҳсулотлар ҳамда хизматлар истеъмолининг зарурий ҳажмини, шунингдек, уларни шу жойда ишлаб чикариш ва четдан олиб келиш ҳажмларини белгилаш имконини беради.

Республикага капитал маблағлар ажратиш замирида ҳам аҳоли салмоғини ҳисобга олган ҳолда унинг экономикаси оптимал амал килишини таъминлаш принципи ётиши керак. Масалага шундай нуктаи назардан ёндашилганда 1966—1985 йиллар ичида республика халк хўжалигига ажратилган капитал маблағлар икки баравардан зиёдрок камайганини кўриш мумкин. Агар ишлаб чикарган маҳсулоти асосан Ўзбекистон территориясидан четга олиб кетилувчи иттифокка бўйсунувчи тармок ва ишлаб чикаришларни ривожлантиришга кетадиган харажатларни ҳам ҳисобласак, ушбу узи-

---

* М. Абдусалямов, А. Алимов, И. Мусиенко. Производительные силы и совершенствование экономических связей Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1986, 143 с.

лиш 5—6 баравар кўпаяди. Шу сабабли республика экономикасининг оптимал амал килиши билан бевосита боғлиқ капитал маблағларнинг ўсиш суръатлари анализини чукурлаштириш мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳануз ана шундай тадқиқотнинг йўқлиги Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларида юзага келган маълум номутаносибликларнинг асосий сабабларидан бири бўлганлигини таъкидламоқчимиз.

Асарда Ўзбекистон саноати ривожланишининг орқада қолиш сабаблари тушунтириб берилмайди. Масалан, республика аҳолисининг Иттифоқдаги ўртача даражага нисбатан анча ўсганига қарамай, СССР саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида унинг маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи 1965—1985 йиллар мобайнида 13 процент камайди; қишлоқ хўжалигида ҳам тахминан шундай аҳвол юзага келди. Шундай қилиб, Ўзбекистон халқ хўжалигининг мавжуд структурасида меҳнат билан таъминланмаган аҳоли миқдори бундан буён ҳам ошиб бораверади. Китобда бу масалалар жиддий анализ қилинмаган. Ҳаттоки, улар билан боғлиқ ўткир проблемалар силлиқлаштирилганини кўрамиз. Масалан, шундай деб таъкидланади: «Халқ хўжалиги тармоқ структурасининг динамик тарзда ривожланиши даставвал халқ хўжалигининг такрор ишлаб чиқарувчи структурасига, аҳолининг иш билан банд бўлиш структурасига, у орқали эса социал структурага ҳам таъсир кўрсатди, бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи кучларни бундан буён ривожлантириш, уларни янада рационалроқ жойлаштириш учун имкониятлар очиб берди» (12-бет).

1970—1985 йиллар мобайнида республикада бир қатор капитал ва фонд сиғимли тармоқлар барқарор ўсганлиги кўзга ташланди, меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари эса асосий ишлаб чиқариш фондлари ривожланишидан қарийб 3,5 баравар илдамлаб кетди. Бундан ташқари, корхоналарда ана шу йиллари ўрнатилган ускуналар унумдорлиги жиҳатидан ўзимизда ва чет элда ишлаб чиқарилган илғор аналоглардан анча орқада эди. Асарда ана шу факторларнинг фонд самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари пасайишига таъсири ишонарли тарзда исботланади (15-бетга қаралсин).

Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларидан, айниқса ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаганлардан рационал фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларни ривожлантиришда аниқ йўлни белгилаш ҳақида авторлар киритган таклиф илмий ва амалий жиҳатлардан қизиқиш уйғотади. Бу эса тегишли органларга у ёки бу тармоқ ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва жойлаштиришни планлаштиришда ўртача муддатли перспективани мўлжал қилишда ёрдам беради. Жумладан, индустрияда — пировард операциялар ва тайёр маҳсулотлар чиқиши ҳиссасини ошириш, республика учун анъанавий бўлган хом ашё тармоқларини (пахта толаси, рангли металлар, норуда материаллар, минерал ўғитлар ва ҳоказо) бироз ўстирган ҳолда бу ерда йирик тўқимачилик маркази ташкил этиш, машинасозлик, химия саноати янги тармоқларини жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида эса — етиштириладиган пахта сифатини тубдан яхшилаш, Ўзбекистонни озиқ-овқатбоп экинлар, биринчи навбатда — сабзавот-мева ва полиз маҳсулотлари етиштирувчи йирик зонага айлантириш таклиф қилинади.

Республика аҳолисининг ҳаракатчанлиги сустлиги шароитида индустрияда, агросаноат комплексида янги иш ўринларини тезлик билан яратиш ва ноишлаб чиқариш соҳасида улар миқдорини сезиларли ошириш аҳолини иш билан тўла банд қилишни ҳал қилишнинг бош йўналиши бўлиб қолмоқда. Авторлар бу нарсани таъкидласаларда, лекин амалда буни қандай амалга ошириш мумкинлигини кўрсатмайдилар.

Меҳнат танқчиллиги мавжуд бошқа районлардан, аввало Сибирдан, меҳнат нагрузкаларининг бир қисмини, айниқса ўша жойларда қуриш мўлжалланган сермеҳнат ишлаб чиқаришларни қайта тақсимлаш зарурлиги ҳақидаги таклиф ҳам эътиборга лойиқдир (18-бетга қаралсин), бу ҳақиқатан ҳам республика ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш ва унинг иқтисодий потенциалидан бутун мамлакат манфаатларини кўзлаб янада кенг фойдаланишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб қоларди. Фақат авторлар Ўзбекистонда янги корхоналар ва тармоқларни барпо қилишнинг мақсадга мувофиқлигини конкрет асослаб беришлари лозим эди.

Кейинги вақтда сув ресурсларини авайлаш айниқса кескин масала бўлиб қолди. Шу муносабат билан фойдаланиладиган сув бирлигини ҳисобга олиб аҳолининг иш билан бандлигини кучайтиришни таъминлашга имкон берувчи саноат йўли билан берк сув циклини яратишни ташкил этиш орқали сув сарфини камайтиришга доир китобда баён этилган тавсиялар қизиқиш уйғотади. Лекин авторлар сув танқчиллиги ҳар томонлама ошиб бораётган шароитда ишлаб чиқаришнинг қандай турларини Ўзбекистонда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатмаганлар.

Суғориладиган районларда республика аҳолисининг ва саноат потенциалининг каттагина қисми жойлашганлигидан келиб чиқиб, тақриз қилинаётган китоб авторлари Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг узоқ муддатли проблемаларини аниқлашни Сирдарё ва

Амударё ҳавзасидаги икки йирик иктисодий зонани ривожлантириш динамикасини ўрганишдан бошлашни таклиф қиладилар. Бу эса, уларнинг фикрича, корхоналарни аҳолининг турмуш шароитларини, ихтисослаштиришнинг ҳозирги даражасини, хўжаликлар структураси ва уларнинг табиий ресурслар билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда жойлаштиришга имкон беради ва ҳоказо.

Кейинги ўн йилликларда минерал ўғит ва заҳарли химикатлар, оғир вазнли техникадан интенсив фойдаланиш, илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишнинг назарга олинмаганлиги оқибатида эскидан пахта экиб келинган зоналарда ер унумдорлиги кескин ёмонлашди. Шунга кўра авторларнинг Фарғона иктисодий районида сабзавотзор ва узумзорларни кўпайтириш ҳисобига пахтазорларни у ердан қисман четга олиб чиқиш, қайта ишловчи саноатнинг сермеҳнат тармоқларида катта миқдорда иш ўринлари яратиш ва маҳаллий аҳолини янги ўзлаштирилган районларга қисман кўчириш ҳақидаги фикри жуда асослангандир. Халқ хўжалигининг таркиб топган структураси ёрдамида ушбу зона меҳнатга лаёқатли аҳолисини иш билан банд этишни тўла таъминлаш проблемасини ҳал этиб бўлмайди. Лекин китоб авторларининг республикадаги Сирдарё ва Амударё зонаси иктисодий районларини ривожлантириш тўғрисидаги хулосалари каби ушбу таклифларига ҳам конкретлилик етишмайди.

Шуни эътироф этиш керакки, авторлар республика халқ хўжалиги, районлараро иктисодий алоқалар, ихтисослаштириш, Ўзбекистоннинг районлараро ишлаб чиқариш кооперацияси ва транспорт комплексини ривожлантиришни планлаштиришни такомиллаштириш ва балансланганлик даражасини ошириш методологик ва методик масалаларини ишлаб чиқишда планлаштирувчи органлар учун муайян қизиқиш уйғотувчи бир қатор таклиф ва тавсиялар киритишга муваффақ бўлганлар. Жумладан, республика экономикасида барқарор рационал мутаносибликларни ва балансланганликни таъминлаш мақсадида улар умумреспублика, тармоқлараро ва тармоқ ичи даражасида планлаштиришни таклиф қиладилар. Территориал ўзгартишлар микёсидаги планлаштиришда айрим территориялар, территориал-ишлаб чиқариш комплекслари устунлик даражасини ажратиб кўрсатиш зарурлиги таъкидланади; меҳнат ресурслари ва табиий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжи ва ноишлаб чиқариш соҳаси ўртасидаги мутаносибликни, улар ичида эса — аҳоли даромад ва харажатлари ҳаракатини ҳисобга олиш керак ва ҳоказо (58-бетга қаралсин).

Республика экономикасининг мазкур даражалардаги балансланганлигини ошириш мақсадида авторлар турли тармоқларнинг ривожланиш ва жойлашишдаги зарурий методологик ва методик нормативларини ҳам берсалар яхши бўлар эди. Бу эса уларнинг таклифларидан халқ хўжалигини планлаштириш практикасида фойдаланишни кўп жиҳатдан енгиллаштирар эди.

Асарда бошқариш ва планлаштиришнинг мавжуд территориал ва тармоқ органлари самарадорлигига баҳо берилмаган, бу эса хўжалик юритишнинг янги шароитларида ушбу органларни такомиллаштириш йўналишларини белгилашда жуда қўл келар эди; тармоқлараро ва кўп тармоқли комплексларни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ушбу органларнинг иктисодий-ҳуқуқий масалаларга доир фаолиятини тартибга солиш бўйича тавсиялар берилмаган. Тармоқ ичи ва тармоқлараро алоқаларни бошқариш ва планлаштиришнинг тақдим этилган системаси унча равшан чиқмаган.

Асарда ишлаб чиқарувчи кучларнинг территориявий ташкил этилишига, экономиканинг қўшимча резервларини топишга тармоқлараро ва районлараро иктисодий алоқалар таъсири етарлича чуқур қараб чиқилган. Масалан, авторлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳар гал икки баравар ошиши ишлаб чиқариш алоқаларининг саккиз карра ўсишига олиб келишини аниқлаганлар. Бу қимматли маълумот, шубҳасиз, тармоқ ва территорияларни жорий ва перспектив планлаштиришда эътиборга олинади.

Авторларнинг республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 1/4 қисмидан кўпроғи (уни ишлаб чиқаришда бир йилда 1,4 миллиондан кўпроқ киши ва деярли 20 миллиард сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари банд бўлади) ундан ташқарига олиб кетилиши ҳақидаги ахбороти мутахассисларда, кенг китобхонлар доирасида жиддий мулоҳазаларга сабаб бўлади. Ўз навбатида, Ўзбекистон истеъмол қилувчи маҳсулотнинг 1/3 қисми (қиймати 20 миллиард сўмликдан зиёд асосий ишлаб чиқариш фондларида 1,5 миллион киши меҳнатининг самараси) мамлакатнинг бошқа районлари ва импортдан келган нарсалар ҳисобига шаклланади. Бу эса республика халқ хўжалиги структурасини жиддий такомиллаштириш зарурриятини яна бир карра тасдиқлайди.

Лекин асарда Ўзбекистон тармоқлараро ва районлараро иктисодий алоқалари номукаммаллиги унинг экономикаси ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлиги анализ қилинмайди, аксинча, ҳатто ушбу объектив жараён мамлакат халқ хўжалик комплекси умумий системасида Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларининг ўзаро боғлиқлик ва интеграция даражасини характерлайди деб таъкидланади (66-бетга қа-

ралсин). Яхши маълумки, айни ана шундай алоқаларнинг норационаллиги шунга олиб келдики, республикада фойдаланиладиган мамлакатнинг миллий даромад ресурслари амалда уларни бу ерда ишлаб чиқаришдан ошиқдир, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқаришда республика СССРда охирги ўринлардан бирида туради, бу эса, табиийки, социал эҳтиёжлар учун республикага капитал маблағлар етарлича ажратилмаслигига сабаб бўляпти.

Китобда мавжуд регионал меҳнат тақсимотининг самарадорлиги пастлигининг сабаблари очиб берилади ва Ўзбекистон хўжалиги структурасини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, тугалланганлик ва комплекслилик даражасини ошириш йўли орқали миллий даромадни кўпайтириш хусусида таклиф киритилади. Асосан амалий характердаги ушбу тавсияларни моддий ишлаб чиқариш айрим маҳсулотларини олиб келиш ва олиб кетишнинг яқин 10—15 йил учун конкрет норматнвига доир ишланма билан тўлдириш, унинг миллий даромаднинг фойдаланиладиган ва ҳосил қилинадиган ҳажмларига таъсирини кўрсатиш мумкин эди.

Мамлакатнинг кенг микёсли районн — Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Сибирнинг иқтисодий, табиий-иқлимий ва демографик шароитларини янада тўлароқ ҳисобга олувчи меҳнатнинг территориал тақсимотини чуқурлаштириш негизида ихтисослаштириш ва ишлаб чиқариш кооперацияси масалалари: ушбу регионда қудратли умумиттифоқ ёқилғи-энергетика базасини яратиш, химия, нефтехимия саноати, рангли металлургиянинг энергиятталаб йирик ишлаб чиқаришларини ривожлантириш, қора металлургия, машинасозлик ва металлга ишлов бериш йирик корхоналарини ташкил этиш, озиқ-овқат базасини ривожлантириш ва енгил саноат янги марказини яратиш хусусида бир қатор қизиқарли таклифлар илгари сурилган (72-бетга қаралсин). Лекин бунда ҳам авторлар ғояларни баён этиш билангина чекланиб, ишлаб чиқаришнинг қандай тармоқлари ва турларини ривожлантириш кераклиги ҳақида ҳеч нарса демайдилар.

Республика транспорт комплексини планлаштиришга бағишланган бўлимда ҳам конкрет тавсиялар йўқ, унинг иқтисодий самарадорлиги ва социал аҳамияти очиб берилмаган, бу эса тармоқдаги аҳволни баҳолашда ва унинг ривожланишини планлаштиришни такомиллаштиришга доир конкрет тадбирлар ишлаб чиқишда қийинчиликлар туғдиради.

Асарда ташқи иқтисодий алоқалар, табиий-географик шароитлар, транспорт ва ресурслар соҳасидаги аҳвол, маҳсулотнинг экспорт ва импорт қилинувчи турлари, республика экспорт базасини шакллантиришнинг социал-иқтисодий омиллари, халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг ишлаб чиқаришдаги ихтисослашувини чуқурлаштириш ва тармоқ экономикасини такомиллаштиришга, хусусан, Ўзбекистонда электротехника саноатини ривожлантиришга таъсири етарлича тўлиқ тавсифланган.

Республика хўжалигидаги тугалланганлик ва комплекслилик даражасини ошириш проблемаси билан боғланмаган бундай ихтисослаштиришнинг (электротехника саноатининг жадал ривожланиши ва машинасозлик бошқа тармоқларининг анчагина орқада қолганлиги) самарадорлиги қандай деган саволга китобда жавоб йўқ. Электротехника саноати маҳсулотини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, олиб келиш ва олиб кетиш, унда халқ хўжалигининг қониқиш даражаси ҳақида маълумотлар берилмаган. Пухта ўйланмаган ихтисослаштириш оқибатида Ўзбекистон ўзининг электротехника буюмларига бўлган эҳтиёжини асосан четдан олиб келиш ҳисобига қондиришга мажбур бўлаётганлиги яхши маълум. Китоб авторлари ушбу тармоқ корхоналари ходимларининг ярмидан кўпроғи, айниқса бошқарув аппаратида, бошқа республикалардан таклиф қилинган кишилар эканлигига ҳам эътиборни қаратишлари керак эди.

Интеграция жараёнлари ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг республика пахтачилик комплексига таъсирини анализ қилишда шуни алоҳида таъкидлаш жоиз эдики, Ўзбекистон ҳиссасига умумиттифоқ пахта толаси ҳажмининг 60—70 проценти ва уни экспорт қилишнинг 35—40 проценти тўғри келсада, бу ерга ҳар йили катта ҳажмда енгил саноат моллари, шу жумладан, пахтадан ишланган буюмлар олиб келинмоқда. Уларни ишлаб чиқаришни шу ернинг ўзида ташкил этиш йўли билан бундай мантиққа зид ҳолатни бартараф этиш, биринчидан, транспортнинг улкан харажатларини қисқартириш, иккинчидан, республика аҳолисининг иш билан бандлиги масаласини ва ундан келиб чиқувчи барча проблемаларни ҳал қилиш имконини беради. Республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришдаги бундай номутаносиблик халқ хўжалигининг амалда барча тармоқларида мавжудлигини таъкидлаймиз, бу эса Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини муфассал ўрганиш ва мамлакат халқ хўжалик комплекси таркибида республика экономикасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш учун амалий чоралар кўришни тақозо этади.

Ўзбекистон ССР территориал-ишлаб чиқариш алоқаларини экспорт-импорт таъминоти ва ишлаб чиқариш структурасининг регионал-тармоқ модели, ташқи савдо таъминоти ва унинг республика енгил саноатидаги амалий реализациясини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштиришда авторлар таклиф

қилаётган иқтисодий-математик моделдан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. Конкрет вазифаларга татбиқан ишлаб чиқилган баъзи бир қоидаларга мувофиқ ҳолда дастлабки маълумотларни группаламай ва бирлаштирмай туриб саноат у ёки бу тармоқлари алоқаларини такомиллаштиришга доир ҳисоб-китобларнинг натижаларини мунтазам ва изчил олиш мумкин эмас.

Авторларнинг экспорт ишлаб чиқаришининг ривожланиш қонуниятлари ва тенденцияларини тадқиқ қилганлиги, ишлаб чиқариш ва ташқи савдо таъминоти структурасини яхшилашга доир иқтисодий-математик методлар асосидаги ҳисоб-китобларнинг натижалари план топшириқлари лойиҳаларини, хусусан, иттифоқ министрликлари ихтиёридаги экспорт-импорт таъминотига оидларини асослашда Госпланга ва республиканинг бошқа хўжалик органларига ёрдам беради.

Бизнингча, М. Абдусаломов, А. Алимов ва И. Мусиенколарнинг тадқиқоти иқтисодий алоқаларни, ишлаб чиқарувчи кучларни территориал ташкил этишни такомиллаштиришни ҳар томонлама тавсифлаш сари қўйилган дастлабки жиддий уринишлардан биридир. Лекин шу билан бирга монографияда мунозарали ва ҳатто, назаримизда, мақбул бўлмаган жиҳатлар ҳам оз эмас. Мисол учун, санаб ўтилган камчиликлардан ташқари, унда Ўзбекистонда шаклланган иқтисодий алоқаларнинг республика ишлаб чиқарувчи кучларига таъсирига доир конкрет таклифлар, тавсиялар ва ҳисоб-китоб натижалари берилмаган; моддий ишлаб чиқариш энг муҳим маҳсулотларини ташиб келиш, четга чиқариш, ишлаб чиқариш ва истеъмол этишнинг чуқур анализи, ишлаб чиқарувчи кучлар тармоқ ва территориал структураси самарадорлигини ва уни янада такомиллаштириш йўлларини баҳолаш мавжуд эмас; халқ хўжалигининг у ёки бу турдаги маҳсулотга эҳтиёжини қондиришнинг энг кам, ўрта ва энг катта даражаларини белгилашга доир конкрет таклифлар йўқ; уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштириш параметрлари, Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучлари тармоқ ва территориал структурасини такомиллаштириш хусусида тавсиялар берилмаган. Қисқаси, аввало тадқиқ қилинаётган проблеманинг мураккаблиги ва янгилиги туфайли китоб яхлит тасаввур уйғотмайди. Лекин авторларнинг билимдонлиги, муайян масалаларни қамраб олиш ва анализ қилишдаги катта меҳнати, мулоҳазаларнинг оригинал эканлиги китобни ишлаб чиқаришни ташкил этиш территориал проблемалари билан шуғулланувчи мутахассисларга тавсия этишга имкон беради.

М. АЗИМОВ,
С. РАИМҚУЛОВ,
иқтисод фанлари кандидатлари.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ қарорларини муваффақиятли бажаришда инсон омилини активлаштиришга муҳим роль ажратилади. Ҳозирги шароитда партия ҳаётнинг ҳамма соҳаларида омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг янги йўлларини излашни айни шу инсон омили билан боғламоқда. Шу маънода тақриз қилинаётган китоб* муайян қизиқиш уйғотади.

Асарда объектив (моддий) ва субъектив (инсоний) омилларнинг социалистик ишлаб чиқариш системасидаги ўрни, «иш кучи» ва «инсон» категорияларининг тафовути асослаб берилган. Авторларнинг таъкидлашича, «инсон омили» тушунчаси ўзида биринчи навбатда социализм давридаги шахснинг юксак маданий-техник савия, профессионализм, ташаббускорлик, коллективизм, ўртоқларча ўзаро ёрдам, ахлоқий поклик ва топширилган иш учун масъулият ҳисси, жонли ҳамда моддийлашган меҳнатни тежашдан шахсий манфаатдорлик сингари энг муҳим хислатларни мужассамлаштирган бўлади. «Бу хислатлар меҳнатга қобилият ва меҳнат коллективидаги ўзаро муносабатлар даражаси (ҳам раҳбарлар билан бўйсунувчи ўртасидаги, ҳам ходимларнинг ўзаро муносабатлари) билан бирга қўшилиб «инсон омили» тушунчасини ташкил этади» (9-бет). Бундай талқинга қўшилиш қийин.

Шак-шубҳасизки, инсон омилини активлаштириш шахснинг барча потенциалидан, унинг ахлоқий-психологик сифатлари, шунингдек моддий ва маънавий стимуллар,

* О. Апостолов, В. Проскурин. Человеческий фактор в социалистическом производстве. Ташкент, «Узбекистан», 1986, 152 с.

меҳнат қилиш мотивлари ва ҳоказолардан фойдаланиш билан боғлиқдир. Бинобарин, «инсон омили» тушунчасини абстракт инсон (ходим) тушунчасидан иборат қилиб қўйиш, бунга меҳнат билан боғлиқ бир сидра коммунистик хислат ва қобилиятларни қўшимча қилиш, бизнинг фикримизча, унинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш билан боғлиқ мураккаб революционлаштирувчи мазмунини идеаллаштирибгина қолмасдан, шунингдек бемаънилаштиради.

Тақриз қилинаётган китоб авторларининг бундайин мураккаб масалага юзаки ёндашиши уларни қуйидаги хулосага олиб келган: «Айрим ҳолларда «меҳнат ресурслари», «иш кучи», «жами иш кучи», «инсон омили» тушунчалари бир-бирига тўғри келиши ва бир-бирининг ўрнини босиши мумкин» (12-бет). Бу хулоса, бизнингча, нотўғри бўлиб, ўша санаб ўтилган категорияларнинг моҳиятига зиддир, бу категориялар кишиларни кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқариш процессига жалб этиш диалектикасини акс эттиради. Дарҳақиқат, «меҳнат ресурслари — бу ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиш учун потенциал имкониятларга эга бўлган аҳоли контингентидир, лекин тайёргарлиги бўлмагани ёки бошқа сабабларга (масалан, ўқувчи ёшлар, кўп болали оналар, пенсионерлар ва бошқалар) кўра улар ишлаб чиқаришга жалб қилинмаган бўлади, «жами иш кучи» ёки «иш кучи» терминлари одатда жамият эга бўлган кишилар жисмоний ва маънавий кучларининг миқдорий жиҳатдан кўламдорлигини ифодалашади, сифат нуқтаи назаридан эса бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни назарда тутишади. Аслида сифат тушунчаси ҳисобланмиш инсон омили самарадорлик, улар меҳнати унумдорлигининг даражасини характерлайди.

Китобда «шахс омили», «ишлаб чиқаришнинг субъектив омили» ва «жамиятни ривожлантиришнинг субъектив омили» тушунчаларига маълум тузатишлар киритишга, «иш кучи» ва «инсон омили» тушунчаларининг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатишга уринилган. Лекин бу боғлиқлик социализм афзалликларининг «ўз-ўзидан» реализация қилиниши фонида очиб берилади, ундаги зиддиятлар ва қийинчиликларга характеристика берилмайди, бу эса таркиб топган форма ва ёндашувлар тўғрисида жўн тасаввур ҳосил қилади ҳамда қараб чиқилаётган проблемалар назариясига ҳеч қандай янгилик қўшмайди. Масалан, «социализм даврида меҳнат тобора ишлаб чиқариш коллективлари аъзоларининг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлана боради» ёки «социализмда онглилик (масъулият тушунчаси) шахснинг муҳим хусусияти ҳисобланади» (16-бет) деган сийқа иборалар китобхонга нима бериши мумкин.

О. Апостолов билан В. Проскурин иқтисодий қонунларнинг социалистик ишлаб чиқариш турли омилларининг ўзаро алоқалари самарадорлигига таъсир этиш механизмини тўла очиб беришолмаган.

Китобда халқ хўжалик тармоқларини ривожлантириш тўғрисидаги фактик материал асосида ишлаб чиқариш омиллари билан касб танлаш омилларининг ўзаро алоқасини очиб беришга ҳаракат қилинган. Шу мақсадда социалистик ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро нисбатини оптималлаштириш масалалари қараб чиқилади, фаннинг узвий ва техник тузилишини аниқлаш юзасидан унда қарор топган ёндашувларга баҳо берилади. Бунда ўн биринчи беш йиллик даврида ишчилар ва хизматчилар сони ўсишининг динамикаси анализига, шунингдек моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва ноишлаб чиқариш соҳасида банд кишилар ҳиссасининг ўзгариши масаласига алоҳида аҳамият берилган. Лекин ишлаб чиқариш воситалари массаси билан ходимлар (сифат кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаганда) сони нисбати анализидан келиб чиқадиган хулосалар ўрганилаётган ҳодисанинг фақат «ҳаммага маълум» қисминигина ифода этади ва аллақачон исботланган нарсани исботлайди. «Жонли ва моддийлашган меҳнатнинг оптимал нисбатига эришиш шартларидан бири, — дейилади китобда, — шундай сифат пропорциясини яратишдирки, бунда бир миқдордаги ходимлар моддий, меҳнат ва молия ресурсларини минимум сарфлаган ҳолда ишлаб чиқариш воситалари ёки истеъмол буюмларини максимум даражада ишлаб чиқарадилар» (39-бет). Кўриниб турибдики, бу ҳаммага маълум ҳақиқатни шунчаки такрорлашдир.

Лекин авторларнинг иш кучи ривожланиш даражасининг ишлаб чиқариш воситалари ривожининг характер ва даражасига мос келиши қонунининг жонли ҳамда моддийлашган меҳнат нисбатига таъсирини ўрганишга интилишларида маълум бир янгилик бор. Бундай нисбатни оптималлаштиришнинг асосий шартларидан бири бу жамият, коллектив, шахс манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ходимларни халқ хўжалигида рационал тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланишдир, деб ҳисоблашади улар (43-бетга қаралсин).

Китобда шунингдек меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш прогрессив формалари, ходимлар эҳтиёжларининг ўсиши, улар меҳнати характерининг умуман инсон омилини активлаштиришга таъсири яхши кўрсатилган. Масалан, авторлар ишлаб чиқариш омиллари нисбатининг оптималлигини маълум иқтисодий (жонли меҳнат унумдорлиги, фонд самарадорлиги, ишлаб

чиқариш рентабеллиги ва ҳоказо) ва социал (квалификация даражаси, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришдаги активлиги ва ҳоказо) кўрсаткичларнинг самарадорлиги асосида, республика саноат корхоналари коллективларининг фан-техника янгиликларини жорий этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, уни нормалаш ва унга ҳақ тўлашни яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда баҳолашни таклиф қилишади.

Китобда ёшларга касб танлашда ёрдам бериш иши мақсадлари, вазифалари ва мазмунини, шунингдек Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетининг бу йўналишда тўплаган тажрибасини ўрганиш асосида касб танлашнинг ишлаб чиқариш воситалари билан иш кучининг оптимал нисбатини ўрнатишга таъсири тадқиқ этилган, Маориф министрлиги, Меҳнат давлат комитети ва республиканинг бошқа манфаатдор идоралари куч-ғайратини координациялаш, касб танлаш бўйича тармоқ ва территориал марказларни барпо этиш йўли билан бу ишни яхшилашнинг резерв ва имкониятлари аниқлаб берилган.

Ходимларнинг умумий, махсус ва иқтисодий билимларини муттасил тўлдириб бориш, оммавий техник ижодиётни ва социалистик мусобақа таъсирчанлигини рағбатлантириш социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инсон омили ролини оширишнинг асосий шартларидир. Бундан ташқари, Ўзбекистондек меҳнат ресурслари билан яхши таъминланган республикада аҳоли умумтаълим даражаси ва ходимлар малакасининг малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасининг аҳволи ҳамда хусусиятлари билан мустаҳкам боғлиқлигини ҳисобга олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Республика аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг анча ўсиши, китоб авторлари тўғри таъкидлаганларидек, янги иш жойларини барпо этишга, бинобарин, зарур малакага эга бўлган кадрларнинг муттасил келиб туришини таъминлашга эҳтиёж туғдиради. Ҳолбуки, оммавий касб ишчиларини тайёрлашнинг барқарор суръатларига эришилган бўлса-да, лекин бунда ҳунар-техника таълимининг ҳиссаси арзимасдир; олий мактабда таълим беришнинг ҳозирги форма ва методлари ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Китобда КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида республикада халқ хўжалиги тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланишдаги камчиликлар очиб ташланади, меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантириш планлари билан мустаҳкам боғлиқликда яхшилаш зарурлиги асослаб берилади, бунинг учун тегишли таклифлар илгари сурилади.

Меҳнаткашларнинг техник ижодиёти даражасини ошириш, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини кучайтириш резервларини излаш авторлар томонидан яхши ёритилган. Шу билан бирга қатор қоидалар, фикр-мулоҳазалар тавсифий, декларатив характерга эга.

Шуни ҳам айтиш керакки, биринчи бобга — «Инсон иқтисодий категориялар ва социализм қонунлари системасида» деб унчалик тўғри ном қўйилмаган: илмий абстракциялар оламида инсон ҳам жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи сифатида эмас, балки ғоят абстракт қиймат сифатида гавдаланади.

Умуман китобга баҳо берар эканмиз, унинг изланувчанлик характерини эътироф этиш, уни мураккаб проблемани ёритиш борасида республикадаги биринчи уриниш деб ҳисоблаш керак. У социалистик ишлаб чиқаришда инсон омилини активлаштириш назарияси ва практикасини ўрганишда илмий ходимлар, иқтисодий олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва студентлари учун фойдали бўлади.

Р. ДОСУМОВ,
иқтисод фанлари доктори.

РЕАЛ ГУМАНИЗМ ФИЛОСОФИЯСИ

ҒОЯВИЙ МУХОЛИФЛАРИМИЗ марксизм-ленинизмни, унинг назарий негизи — диалектик ва тарихий материализмни сохталаштириб, гўё К. Маркснинг философияга доир асарлари гуманизм руҳи билан йўғрилгану, Ф. Энгельснинг ва, айникса, В. И. Ленинннинг асарларида эса гуманизм йўқлигини исботлаш учун турли-туман уйдирмалардан фойдаланмоқдалар. Тақриз қилинаётган китобда* бундай бўҳтонларнинг асоссизлиги ишонарли тарзда исботлаб берилади.

---

* **Х. П. Пулатов, К. И. Соболь. Диалектический материализм и проблемы гуманизма. Ташкент, «Узбекистан», 1985, 158 с.**

Асарда гуманизмнинг сарчашмалари ва унинг илк Уйғониш давридан бошланган шаклланишининг асосий босқичлари кўриб чиқилади. Ренессанс даврининг пешқадам мутафаккирлари инсон проблемасини ижтимоий тараққиётнинг мақсад ва воситалари тарзида диалектик руҳда ҳал қилишга муваффақ бўла олмадилар. Улар диний зоҳидликни танқид қилиб ва инсоннинг турмушдан ҳузурланишга бўлган табиий майлини ҳимоя қилиб чиқсаларда, шунга қарамай, жонбозлик ва инсоннинг ўз жонини фидо қилиш ғоясини кўтариб чиқдиларки, бу кейинчалик «спартача», «монастирга хос», сўнгра эса «казарма» коммунизмларида ҳам ўз аксини топди (21—39-бетларга қаралсин). Француз материалистлари инсон — фортепиано, пассив чолғу асбоби бўлиб, ижодий, актив омил бўлмиш табиат унинг ёрдамида мусиқий симфония яратади, ўз арияларини ижро этади деб даъво қилган эдилар. Марксизм эса, деб таъкидлайди авторлар, аксинча, табиатнинг ўзи фортепиано бўлиб, унинг ёрдамида инсон моҳир созанда сифатида ўзининг ҳақиқий гуманистик симфониясини ижро этишидан келиб чиқади.

Кўриб чиқилаётган асарнинг қиммати, жумладан, яна шундаки, унда инсоннинг активлик кўрсатиш соҳасини фақат сиёсий ва маънавий соҳалар билан чеклаб қўювчи ҳамда революцион, амалий-танқидий фаолиятнинг аҳамиятга моликлигини эътироф этмайдиган Марксгача бўлган гуманизм концепциялари батафсил таҳлил этилган ва далиллар ёрдамида танқид қилинган.

Ўтмиш мутафаккирлари гуманистик қарашларининг энг яхши жиҳатларини қабул қилиб олган марксизм-ленинизм гуманизм проблемасига абстракт ёндашишдан воз кечди ва унинг идеалларини ҳаётга татбиқ этишнинг методлари, йўл ва воситаларини ишлаб чиқди. Агар буржуа философияси умуман инсонпарварликни, меҳнаткашларнинг социал адолат, кишилар ўртасидаги муносабатларда тенглик, биродарлик ва дўстлик ўрнатиш учун курашидан ажралган гуманизмни тарғиб қилаётган бўлса, социалистик гуманизм эса энг адолатли жамиятни бунёд этишга, инсониятнинг ва ҳар бир алоҳида олинган шахснинг моҳият кучларини ҳар тарафлама ривожлантиришга йўналтирилган.

Социализм ва коммунизмнинг инсонпарварлик ахлоқи, деб таъкидланади КПСС Программасида, «меҳнаткаш инсонни улуғлайди, унга чуқур ҳурмат билан суғорилган бўлиб, инсоннинг қадр-қимматига қилинадиган хуружларга муросасиздир. У кишилар ўртасида чинакам инсоний муносабатларни — ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини, шахсий ва ижтимоий ҳаётда хайрихоҳлик, ҳалоллик, софдиллик ва камтаринликни қарор топтиради». Инсоният тараққиётининг ҳозирги бурилиш босқичида марксизм-ленинизм философиясининг гуманизми халқлар ўртасида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, барча турдаги қурол-яроғларни йўқ қилиш учун олиб борилаётган собитқадам, фаол ва аниқ мақсадни кўзловчи курашда ўзининг айниқса ёрқин ифодасини топмоқда. Қурол-яроғларсиз ва урушларсиз дунё — социалистик гуманизмнинг глобал миқёсдаги идеалидир.

Ҳ. П. Пўлатов билан Қ. И. Соболь марксистик гуманизм учун инсон — «мураккаб социал ўзаро муносабатлар занжиридаги актив ҳалқа бўлиб, социал бир бутунликнинг бир қисми сифатида у фақат яхлит қонуниятлар асосидагина эмас, балки специфик, шахсга тааллуқли қонуниятлар асосида ҳам мавжуд бўлади ва амал қилади» (81-бет), деган тушунчага эътиборни жалб этадилар. Авторлар шахснинг нисбатан мустақил моддий ва психологик характеристикалар системасига эга бўлган социал муносабатлар объектив эканлиги ҳақидаги қоидани ривожлантирадилар.

Марксистик гуманизм инсонни ижтимоий муносабатлар маҳсули деб ҳисобларкан, шахсга унинг социал фаолияти амалга оширилишининг натижаси деб қарайдилар, чунки социал фаолият инсон онгини шакллантиради. Шу сабабли ҳам марксистик гуманизмнинг асосий тезиси: инсон — ижтимоий фаолиятда ҳам объект, ҳам субъектдир, у — социал тараққиётнинг ҳам воситаси, ҳам мақсадидир, у — моддий ва маънавий маданиятлар ҳамма қадриятларининг ягона ижодчисидир, деб эълон қилади (127—129-бетларга қаралсин). «Тугалланган гуманизм» сифатида коммунизм кенг халқ оммаси актив ижодий фаолиятининг натижаси ҳамдир.

Тақриз қилинаётган асарда ҳозирги буржуазия идеологларининг дунёни рационал билишдан воз кечишларини, инсон ақлидрокининг бунёдкорлик кучига ишонмасликларини оқлаш учун хизмат қилувчи интеллектнинг инсонпарварликка зид эканлиги ҳақидаги мулоҳазалари фош этилади. Авторлар рационализмдан чекиниш обивателнинг янги, ҳақиқатан радикал ўзгаришлар олдида довдираб қолганлигини акс эттиради деб асосли равишда таъкидлайдилар. Ғарбдаги бир қатор идеологларнинг рационализмдан иррационализмга ўтишининг сабаби шундаки, буржуа-индивидуалистик онг шахснинг социал детерминантлигини тушунишга қодир эмас, чунки унинг учун бундай ҳол мутлақ мустақил тушунчани англатади. Шу сабабли ҳам инсон ақлидрокидаги инсонпарварликка зидлик негизларини излашлар социал воқеликдаги антагонизмларни анализ қилишга эмас, балки шахснинг ўзига, унинг онги структурасига йўналтириляпти (103-бетга қаралсин).

Ҳозирги буржуа жамиятида фақат ақлидрокнинггина эмас, балки туйғуларнинг

ҳам тобора кўпроқ қадрсизланиши тенденцияси кўринмокда. Абстракт гуманизм инсон туйғуларини табиат ато этган феноменлар сифатида баҳолар экан, уларни ақл-идроккагина эмас, балки рационал социал турмушга ҳам қарама-қарши қўядики, бу эса ё туйғуларнинг «азалий» табиий даъватига бўйсунишни (гедонизмни), ё ҳиссиётни жиловлаш, ундан узоқлашишни талаб қилувчи ақл-идрок овозига қулоқ солишни (аскетизмни) талаб қилишга олиб келади.

Бунга қарама-қарши ўларок ҳақиқий гуманизм фақат билиш жараёнидагина эмас, балки уйғун ривожланган шахс шаклланиши жараёнида ҳам туйғу ва ақл-идрокнинг диалектик бирлигини ифодалайди. Бу жиҳатдан олганда янги кишини тарбиялаш, коммунистик тарбиянинг бутун системаси — амалий реал гуманизмни амалга оширишнинг мақсад ва шартидир. Авторлар тўғри таъкидлашганидек, бундай гуманизмнинг социал қимматли функцияси ижтимоий тараққиётнинг етилган вазифаларини ҳал қилишга, социализм ва коммунизмни, социал адолатни, ҳақиқий демократияни қарор топтиришга, халқлар ўртасидаги тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир. Реал, марксистик гуманизм оғирлик марказини назарий концепциялардан жамиятни тубдан қайта қуриш учун амалий курашга кўчиради, у — курашувчи ва ғолиб инсонпарварликдир (120—129-бетларга қаралсин).

Реал гуманизм сифат жиҳатидан янгича типдаги шахснинг шаклланиши билан боғлиқки, бундай шахсга коллективизм, меҳнатсеварлик, фидокорлик, интернационализм, ватанпарварлик, ҳар томонлама баркамолликка интилиш, коммунизм ишига садоқат каби олижаноб хислатлар хосдир. Тарбияда энг асосий жиҳат — унинг гуманистик йўналишда бўлишидир.

Китобда талайгина тарихий-фалсафий материалдан фойдаланилган ҳолда марксча-ленинча философия гуманизми ғояларининг ҳар томонлама таҳлил қилинганлиги, шубҳасиз, китобхонларда қизиқиш уйғотади, замонамизнинг кўпгина актуал проблемаларини, партиянинг қайта қуриш ва мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлини, инсониятнинг ўзини ўзи йўқ қилиши хавфига қарши кучайиб кетган курашни англаб етишларига имкон беради ва шу асосда ўзларида янгича сиёсий ва иқтисодий тафаккур ҳосил қилишда ёрдамлашади.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки. Ҳ. П. Пўлатов ва Қ. И. Соболь баъзан тарихий материалларга, Марксгача бўлган философияга ҳам, ҳозирги буржуа философик адабиётидан кўпдан-кўп кўчирмалар олишга ҳам берилиб кетадилар, бу ҳолат гоҳо уларни китобнинг бош мақсадини — марксизм-ленинизмнинг инсонпарварлик мазмунини очиб беришдан чалғитади. Нима учун авторлар ушбу проблемани фақат диалектик материализм ёрдамида қараб чиқишга қарор қилганликлари ҳам қоронғи. Зеро, марксизм философияси диалектик ва тарихий материализмларнинг чамбарчас бирлигидан иборат-ку. Унинг инсонпарварлик руҳи, моҳияти ва йўналишини айни шу позициядан туриб чуқурроқ ва тўлиқроқ очиб бериш мумкин эди.

В. НИКИТЧЕНКО,
философия фанлари доктори.

Редакция адреси: 700000. Тошкент- П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 12.01.1988 й. Босишга рухсат этилди 8.02.1988 й. Формат 70×108 1/16.
Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,6. Тиражи 27089.
Нашр А-58. Заказ № 2670.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

IWR/SGE

ISSN 0134—2193
Бахоси 25 тийин
Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

Рир

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



3

МАРТ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 3
МАРТ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Қайта қуришдан кузатилган мақсад социализмнинг ленинча концепциясини назарий ва амалий жиҳатдан тўлароқ қайта тиклашдан иборатдир. Бу концепцияда ўз идеалларига, манфаатларига эга бўлган меҳнат аҳли, экономикада, социал ва сиёсий муносабатларда, маданиятда инсонпарварлик қадриятлари қатъий равишда устун туради.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1988 йил 17—18 февраль кунлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев очди. «Ўрта ва олий мактабни қайта қуриш қандай бораётганлиги ва уни амалга ошириш соҳасида партиянинг вазифалари тўғрисида»ги масала Пленум муҳокамасига қўйилди. Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. Қ. Лигачев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари В. И. Ситников, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун, Пермь шаҳридаги «Ф. Э. Дзержинский номли машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси Н. М. Ершова, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Т. Сайкин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси В. А. Коптюг, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. М. Багиров, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Г. Вайно, СССР олий ва ўрта махсус таълим министри Г. А. Ягодин, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, СССР электрон саноати министри В. Г. Колесников, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Г. М. Марков, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, СССР ички ишлар министри А. В. Власов, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Г. И. Усмонов, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, КПСС Томск область комитетининг биринчи секретари В. И. Зоркальцев, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. Д. Лизичев, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Е. М. Чехарин, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. С. Демирчян, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, Краснодар ўлкасидаги Курган район партия комитетининг биринчи секретари З. И. Боровикова, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси А. П. Думачев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев катта нутқ сўзлади. Нутқ матбуотда эълон қилинди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқи юзасидан қарор қабул этди.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленум ўртоқ Ю. Д. Маслюковни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайлади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. П. Разумовскийни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат этиб сайлади.

Пленум ўрток О. Д. Баклановни КПСС Марказий Комитетининг секретари этиб сайлади.

Пленум ўрток Б. Н. Ельцинни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат вазифасидан озод қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети умумий бўлимининг мудири В. И. Болдин, Қозоғистон ССРдаги Омонгелди номли совхоз механизатори Н. В. Геллерт, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко ўртокларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1988 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ ҚАРОРИ

КПСС МК БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КПСС МК ПЛЕНУМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси» нутқидаги қоидалар ва хулосаларни якдиллик билан маъқуллайди. Нутқда қайта қуришнинг янги босқичи чуқур таҳлил этиб берилган, уни идеологик жиҳатдан таъминлаш программаси баён қилинган.

Пленум шуни таъкидлайдики, партия ташкилотларининг бутун идеологик фаолияти қайта қуришнинг асосий вазифасини ҳал этишга — туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга, бутун ижтимоий турмушни демократиялашга, ёш авлодга, меҳнаткашлар оммасига таълим ва тарбия беришга меҳнаткашларни, меҳнат коллективларини сафарбар этишга бўйсундирилган бўлиши лозим.

Пленум идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларнинг форма ва методларини қатъий янгилашни, совет жамиятини революцион тарзда янгилаш мақсадларига мувофиқ социал адолатни қарор топтиришни зарур, деб ҳисоблайди.

Пленум М. С. Горбачев нутқидаги ташқи сиёсат масалаларига оид қоидалар ва баҳоларни маъқуллайди, КПСС ҳамда Совет давлатининг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик ва ялпи хавфсизлик принципларини қарор топтиришга қаратилган халқаро фаолиятининг инсонпарварлик мазмуни ва мақсадларини кенг тушунтириш муҳимлигини таъкидлайди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига активларнинг, барча коммунистларнинг бутун диққат-эътиборини қайта қуришнинг ғоявий мазмунига, КПССнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга қаратиш, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик органлари, идеология воситаларининг экономика соҳасида, социал сиёсатда ва маънавий турмушда барча кадрларнинг ўзаро қалин ҳамкорлигига эришиш зарурлигига эътибор беришни топширади. Сиёсий ишларнинг барча воситаларини ишга солиб, қайта қуриш ҳар бир коммунистнинг партиявий иши, ҳар бир гражданнинг ватанпарварлик бурчи бўлиб қолишига эришиш зарур.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1988 йил 18 февраль ҚАРОРИ

ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ҚАНДАЙ БОРАЁТГАНЛИГИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми шуни таъкидлайдики, умумий таълим ва ҳунар мактабини, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш ҳозирги тарихий босқичда партия ҳал этаётган вазифалар комплексида алоҳида ўрин олиб турибди. Амалга оширилаётган ўзгартишларнинг мақсади ёшларга таълим ва тарбия беришнинг янги сифатини, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш, шу тариқа совет жамиятининг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётини жадаллаштириш, КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат.

I.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқ маорифи системасини қайта қуриш давомида партия, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг ўрта ва олий мактаб муаммоларига эътибори кучайганини қайд этади. Таълимнинг мазмунида, ўқувчиларга меҳнат тарбияси беришда баъзи ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳунар-техника таълими системасида кенг профилдаги ишчилар тайёрлаш ривожланмоқда. Олий мактаб, фан ва ишлаб чиқариш кучларини бирлаштириш жараёни кучаймоқда. Халқ маорифига ажратилаётган маблағлар кўпайди.

2. Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети ўрта ва олий мактабдаги ўзгартишларнинг теранлиги ва суръатлари қайта қуришнинг янги босқичида жамиятнинг эҳтиёжларига мос келмаяпти, деб ҳисоблайди. Таълим ва тарбия усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини техника билан таъминлаш ва бошқариш, педагоглар тайёрлаш сингари муҳим соҳаларда силжиш ҳозирча оз. Педагогика соҳасидаги илғор тажриба муносиб равишда оммалаштирилмаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан аввал ишлаб чиқилган ислоҳот йўл-йўриқлари халқ маорифи системасини демократиялашга оид тадбирлар билан мустаҳкамланмаган эди. Уни амалга оширишга педагоглар, ота-оналар, кенг жамоатчилик доиралари, меҳнат коллективлари чинакамига киришмадилар. Ислоҳот давомида ўқув юртларининг фаолияти экстенсив равишда ривожланиб келган халқ хўжалигининг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилар эди. Умумий таълим тайёргарлигини мактабда ҳам, ҳунар-техника таълими системасида ҳам ҳунар тайёргарлиги билан бирга қўшиш практикасида муаммолар ва чигалликлар келиб чиқди.

Ислоҳотни ўтказиш соҳасидаги ташкилотчилик иши етарли эмас. СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, шунингдек, жойлардаги халқ маорифи органлари маорифни ривожлантиришнинг етилган муаммоларини ҳал этишда пассивлик, уқувсизлик кўрсатмоқдалар. Ўқитувчиларга ёрдам кўпинча умумий йўл-йўриқлардан, икир-чикир ишларни белгилаб

беришдан иборат бўлиб қолмоқда. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олий ва ўрта махсус мактабни қайта қуриш соҳасидаги ишни авж олдиришда сусткашлик қилмоқда. Жойлардаги партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари халқ маорифи масалаларини ҳал этишга зарур эътибор бермаяптилар. Кўпгина тармоқ министрликлари ва идоралари маорифнинг, ўқув юртларининг эҳтиёжларига қолдиқ принципи асосида ёндашишни секинлик билан бартараф этмоқдалар.

3. КПСС Марказий Комитети партия, давлат органлари, жамоат ташкилотлари олдига партия XXVII съезди қарорларига, КПСС Программаси қоидаларига мувофиқ, халқ маорифини қайта қуришда бурилишни таъминлаш вазифасини қўяди. Иқтисодий ва социал тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири, инсоният орттирган маънавий бойликларни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва авлоддан-авлодга ўтказишнинг қудратли воситаси бўлмиш маориф давлат сиёсатида устун бўлиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўқитувчи, муаллим бутун маориф системасини қайта қуришнинг ҳал қилувчи шахси эканлигига асосланади. Режалаштирилган ўзгартишларнинг муваффақияти унинг билимига, педагоглик маҳоратига, фаол, эътиқодли, эҳтиросли позициясига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Партия ва совет органларининг бурчи — ўқитувчига муносабатни ҳеч кечиктирмай ва иккиланмай, қатъиян тубдан ўзгартиришдан, икир-чикир ишларда уни васийликдан халос этишдан, муаллимлик меҳнатига тўғри келмайдиган вазифалардан озод қилишдан, ижодкорона, новаторона изланишни қўллаб-қувватлашдан, асосий иш — ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш учун унинг энг кўп вақтини бўшатиб беришдан иборат.

II.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми маориф ислоҳоти йўл-йўриқларига ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди, бунда:

ёшларга умумий ўрта таълим бериш концепциясини келгусида малакали ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун база сифатида шакллантириш ва амалга ошириш;

умумий таълим, ҳунар мактабини ва олий мактабни техника билан кенг миқёсда қайта қуроллантириш, ўн учинчи беш йилликдан бошлаб халқ маорифи тараққиётини планлаштиришда илмий асосланган нормативларни қўлланиш;

халқ маорифи соҳасида идоравий тўсиқларни олиб ташлаш ва амалда ягона давлат сиёсатини ўтказиш, ўқув юртлари, илмий ва ишлаб чиқариш коллективлари барча типларининг мустаҳкам ўзаро алоқасини йўлга қўйиш;

халқ маорифини ҳар томонлама демократиялаш, ўқув юртлари коллективларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш;

педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини қайта тузиш, халқ маорифи соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини тубдан яхшилаш назарда тутилади.

Ҳунар мактабида ва ўрта махсус мактабда асосан ўрта таълим негизида ишчи ва мутахассислар тайёрлаш ривожлантирилиб, ёшларнинг тўлиқсиз ўрта мактабни битирганидан кейин ҳунар таълими олиши имконияти сақлаб қолинсин. Умумий таълим мактабида ишчи касбларини ўргатиш зарур шарт-шароитлар яратилишига қараб, ўқувчиларнинг ва ота-оналарнинг истагига мувофиқ амалга оширилсин.

2. Ёшларнинг умумий ўрта таълимига ўтилганлиги умумий таълим мактабининг жамиятдаги социал ролини тубдан ўзгартирди, унинг таълим ва тарбия самарадорлиги учун масъулиятини кескин оширди, социалистик мактабнинг ягона, меҳнат, политехника мактаби тарзидаги ленинча принципларини замонавий мазмун билан тўлдириш талабини қўйди.

КПСС Марказий Комитети бизнинг мактабимиз ягона мактаб бўлиши билан бирга уни битириб чиқувчи барча йигит-қизларга сифатли ўрта маълумот берадиган бўлишига ва улар олдида кенг имкониятлар очилишига принципиал аҳамият беради. Таълим мақсадлари ва вазифаларининг бирлиги мактабларнинг хилма-хиллиги билан, ўқув планлари ва программаларининг мослашувчанлиги

билан узвий равишда қўшиб олиб борилиши, педагогика соҳасидаги илғор тажрибага, таълим ва тарбиянинг новаторлик усулларига таяниши керак.

Ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият бериш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳамда майлларига мувофиқ, табақалаштириб ўқитишни кенгайтириш лозим. Турли фанларни чуқур ўргатадиган ихтисослаштирилган мактаблар ва синфлар тармоғи кенгайтирилсин.

Мактаб ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнатига, ижтимоий-меҳнат муносабатлари системасига активроқ жалб этишга кўмаклашиши, уларга хилма-хил меҳнат кўникмаларини ўргатиши керак. Ўқувчиларнинг меҳнати турмушнинг амалдаги талаб-эҳтиёжлари билан боғланган, жамият ва оила учун фойдали, мақсадга мувофиқ меҳнат бўлиши, билим ва шодлик манбаига айланиши лозим.

Мактабни политехникалашни изчиллик билан чуқурлаштириш, янги технологиялар тўғрисидаги асосий тасаввурларни, замонавий иқтисодий, ҳуқуқий, экологик билимларни бериш, ўрта таълимнинг даражаси фан-техника ва маънавий тараққиёт талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлаш зарур. Ёшларга касб-кор ўргатувчи кенг тармоқли давлат хизматини яратишни жадаллаштириш лозим, умумий таълим мактаби бу хизматнинг муҳим бўғини бўлиб қолиши керак.

Мактабдаги умумий таълим, меҳнат, умумий маданий ва ахлоқий тайёргарлик йигит ва қизларга касбни, меҳнат соҳасини, ўқишни давом эттириш йўлларини жамият манфаатларини назарда тутиб, онгли равишда танлаб олишда, ижтимоий-сиёсий турмушда фаол қатнашишда ёрдам бериши керак.

3. Ишчи кадрларнинг касб-кор ва умумий таълим тайёргарлиги юқори сифатли бўлишини таъминлаш, ишчилар синфи ёш авлодининг сиёсий ва гражданлик онгини ўстириш — социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг энг муҳим шартидир. Ҳунар-техника таълими, халқ хўжалиги соҳалари ўқув-ишлаб чиқариш тармоғи системасининг бутун диққат-эътибори шу муҳим вазифани ҳал этишга қаратилиши зарур. Базавий корхоналар ҳузурида ҳунар-техника билим юртларини, шунингдек, мураккаб ва туташ касбларда ишлайдиган малакали ишчиларни тайёрлай оладиган тармоқлараро ихтисослаштирилган билим юртларини бундан буён ҳам ривожлантириш керак. Бирлашма ва корхоналар билан шартномалар асосида ишчи кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тажрибаси ҳар томонлама кенгайтирилсин. Ҳунар таълимининг барча формаларида ишчи кадрлар тайёрлаш сифати устидан давлат назорати кучайтирилсин.

4. Партия, давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари олий ва ўрта махсус мактабни қайта қуриш соҳасидаги куч-ғайратларни оширишлари керак. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми режалаштирилган ўзгартишлар программаси комплекс тарзда амалга оширилиши керак, деб таъкидлайди. Мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, улардан халқ хўжалигида оқилона фойдаланиш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш вазифаларини олий мактабнинг ишлаб чиқариш, практика билан алоқасини мустаҳкамлаш асосида ҳал этиш зарур.

Шу мақсадда:

жамиятнинг турли профил мутахассисларига бўлган талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида қондиришни таъминлайдиган ва фан-техника тараққиёти талабларига, экономикани тубдан ислоҳ қилиш, демократиялаш ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш талабларига мос бўлиб тушадиган кадрлар тайёрлашнинг оқилона системаси шакллантирилсин. Барча ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш сифати оширилсин, кадрлар ва моддий-техникавий таъминот жиҳатидан заиф олий ўқув юртлари мустаҳкамлансин ёки зарурат туғилган тақдирда қайта тузилиб, етакчи университетлар ва институтларнинг филиалларига айлантирилсин;

олий мактабни ишлаб чиқариш ва фан билан яқиндан боғлашнинг самарали формалари зўр ғайрат билан жорий этилсин, олий мактабнинг халқ хўжалиги тармоқлари билан ўзаро алоқасида ташкилий-иқтисодий механизм такомиллаштирилсин; олий ўқув юртлари ва корхоналарнинг, илмий-тадқиқот институтлари ва иккиёқлама бўйсунишдаги (Фанлар академияларига ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига қарашли) лабораторияларнинг қўшма ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекслари барпо этилсин. Олий ўқув юртларининг корхоналар ва

бирлашмалар билан шартномавий муносабатлари ривожлантирилиб, битириб чиқувчиларни олий ўқув юртлари билан корхоналар ўртасида тузилган бевосита шартномаларга мувофиқ ишга юбориш кўзда тутилсин;

олий мактаб олимларининг умумдавлат аҳамиятига молик муаммоларни ишлаб чиқишга қўшаётган ҳиссаси анча кўпайиши таъминлансин. СССР Давлат план комитети, СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда СССР Фанлар академияси билан биргаликда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1991—2005 йилларга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқиш пайтида олий мактабдаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришга давлат маблағининг улушини кўпайтиришни кўзда тутсинлар.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, тармоқ министрликлари ва идоралари ўрта махсус мактабни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришлари, кадрлар тайёрлаш структураси ва мазмунига, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш усулларига ўз вақтида ўзгартишлар киритишлари лозим. Мазкур ўқув юртларининг фаолияти бошланғич меҳнат коллективларининг ташкилотчиларини, техника ва технологиянинг энг янги йўналишлари бўйича ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашга тўлиқроқ қаратилсин.

5. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми министрликлар ва идоралар, партия ташкилотлари зиммасига кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш давлат системасини барпо этиш юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ишлаб чиққан тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор беришни топширди. Олий ва ўрта махсус мактабнинг, ҳунар-техника билим юртларининг имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиб, оммавий ишлаб чиқариш таълимининг турли шаклларини ҳар томонлама ривожлантириб, ўқув юртларининг тегишли тармоғини вужудга келтиришни ниҳоясига етказиш зарур.

6. СССР Министрлар Советига КПСС Марказий Комитети Пленумидаги муҳокамани эътиборга олиб, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш юзасидан илгари қабул этилган ҳужжатларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш топширилди.

III.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС XXVII съездининг мамлакатда таълим ва тарбиянинг барча бўғинларини — мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларни, умумий таълим ва ҳунар-техника мактабини, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини, кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини ўз ичига оладиган узлуксиз таълим системасини вужудга келтириш тўғрисидаги стратегик йўл-йўриғини амалга оширишни амалий вазифа қилиб қўяди. Ўз маълумотини ошириш ҳар бир кишининг ички эҳтиёжи, кундалик иши, совет турмуш тарзининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолиши керак.

Ҳар бир кишига хилма-хил таълим формалари, шу жумладан, экстернат, сиёсий ва иқтисодий ўқув системаси, халқ университетлари, турли курслар, лекторийлар орқали ўз билимини доимо тўлдириш имкониятини бериш муҳимдир. Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан, айниқса, телевидение ва китоб нашриётчилигидан активроқ фойдаланиш зарур. Билим олишга, маънавий ўсишга интилиш кенг миқёсда рағбатлантирилиши, жамоатчилик, давлат томонидан эътироф этилиши лозим.

2. Мактаб ишини ташкил этишнинг ленинча принципларини янада тўла-тўкис рўёбга чиқариш, халқ маорифини бошқаришнинг замонавий демократик структурасини вужудга келтириш ўрта ва олий мактабни қайта қуришни жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Шу мақсадда ўз-ўзини бошқариш негизларини кенг ривожлантириш, ўқув юртларига мустақиллик, бунинг учун зарур бўлган ваколатлар бериш, уларнинг ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг юксак сифати учун бўлган масъулиятини ошириш талаб қилинади. Мактабларда ва ҳунар-техника билим юртларида жамоат органлари бўлган советлар тузиш, уларга педагог ходимлар билан бир қаторда ўқувчиларнинг, меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг,

ота-оналарнинг вакилларини кенг миқёсда киритиш мақсадга мувофиқдир. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини бошқаришда коллегиал, демократик усуллар ривожлантирилсин. Ўқув юртлари ва уларнинг асосий бўлинмалари раҳбарларини сайлаб қўйиш ҳамда уларнинг ҳисоб бериб туришлари изчиллик билан амалга оширилсин.

Район ва шаҳарлардаги халқ депутатлари Советлари ҳузурида давлат-жамоат бошқарув органлари, конференцияларда сайланадиган халқ маорифи кенгашлари тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин. Уларнинг вазифаси таълим ва тарбиянинг илғор тажрибасини қўллаб-кувватлаш ҳамда оммалаштиришдан, педагогика умумий таълимини ривожлантиришдан, ўқув юртларининг моддий таъминотини яхшилаш чораларини кўришдан иборат.

Халқ маорифи барча бўғинларининг ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг бошқарув органларини бирлаштириш учун шарт-шароит яратиш йўлини ўтказиш лозим.

Халқ маорифини қайта қуришни илмий жиҳатдан таъминлашда СССР Педагогика фанлари академиясининг роли ва масъулияти оширилсин, у қайтадан тузилиб, унга идоралараро тус берилсин, олимларнинг куч-ғайратлари шахсни вояга етказиш, узлуксиз таълим, коммунистик тарбиянинг энг муҳим муаммоларини комплекс ишлаб чиқишга қаратилсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқ маорифининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни техникавий жиҳатдан реконструкция қилиш соҳасида катта тадбирларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлайди.

Уни ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар кўпайтирилсин, шу тарика мактабгача тарбия муассасаларига бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилиши таъминлансин; мактабларда асосан бир сменали машғулотларга ўтилсин; педагогика олий ўқув юртларининг, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларининг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилсин, ҳар бир район ва шаҳарда мактабдан ташқари муассасалар комплекси вужудга келтирилсин; олий, ўрта махсус ва ҳунар мактабининг моддий базаси анча мустаҳкамлансин; муаллимларнинг, студентлар ва ўқувчиларнинг социал-маиший шароитлари яхшилансин, СССР Госплани, СССР министрликлари ва идоралари, иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советлари ҳар бир республикада ва регионда шу вазифаларни ҳал этишнинг аниқ муддатларини белгилаб олсинлар.

Ўқув юртларини техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга оид кенг миқёсли тадбирлар амалга оширилсин. Халқ маорифи системасида ҳам, шунингдек, халқ хўжалиги тармоқларида ҳам таълимнинг дунёдаги даражага мос келадиган замонавий техникавий воситалари, ўқув ва ўқув-илмий асбоб-ускуналар, приборлар, болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилсин. Таълим-тарбия муассасаларининг замонавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш жадаллаштирилсин ва уларни шу лойиҳалар асосида қуришга қисқа муддатларда ўтиш таъминлансин.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, педагогика адабиётлари тайёрлаш ҳамда нашр қилиш ишини тубдан яхшилаш зарур. Ўқувчиларнинг, ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг шундай адабиётга бўлган талаб-эҳтиёжи тўла-тўкис таъминлансин, эркин сотиш учун дарсликларни қўшимча чиқариш ташкил этилсин.

IV.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўқувчи ёшларнинг коммунистик тарбиясини кучайтиришни, уларнинг онгини қайта қуриш руҳида шакллантиришни партия, совет, жамоат ташкилотлари, педагогика коллективларининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди. Ёшларда диалектик тафаккурни ҳосил қилиш партиянинг жамият турмуши барча соҳаларини янгилаш борасидаги назарий ва амалий фаолияти бирлигига асосланиб студентлар ва ўқувчиларда «мукаммал революцион дунёқараш»ни (В. И. Ленин) шакллантириш — энг муҳим вазифадир. Партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари ва материалларида, ўрток М. С. Горбачевнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзуидаги докладида, унинг ушбу Пленумдаги нутқида баён этилган ғояларнинг бойлиги тушунарли тилда чуқур кўрсатиб

берилсин. Авлодларнинг давомийлиги ишонарли тарзда кўрсатилсин, мамлакатда рўй бераётган ўзгартишларнинг партия ва халқ қаҳрамонона ишлари билан чамбарчас боғлиқлиги тушунтирилсин, халқимизнинг буюк ўтмиши масъулият туйғуси билан ҳаққоний очиб берилсин, ёшлар социализм учун курашчиларнинг тарихий тажрибасини кўпайтиришга интиладиган қилиб тарбиялансин.

Жамиятшунослик фанларини ўқитишнинг бутун практикаси мустақил фикр юритиш қобилиятини ҳосил қилиши, турмуш диалектикасини акс эттирадиган илмий хулосаларни онгли равишда уқиб олишда ўкувчиларга ёрдам бериши керак. Ёшлар юксак ғоявийлик, илмий-материалистик қарашлар, ижтимоий ҳодисаларни аниқ синфий позицияларда туриб баҳолай олиш руҳида тарбиялансин.

2. Мактаб ўзининг бутун фаолияти билан меҳнат турмуши тарзини сингдириши, ўқувчилар ва студентларнинг асосий меҳнати бўлмиш ўқишнинг обрўэътибори ва тарбиявий ролини ошириши керак. Ҳар бир ўқув юртида саботли ўқув меҳнати, илм олишга қизиқиб, ижодий, масъулиятли ёндашиш муҳитини қарор топтириш лозим. Талабчанликни ошириш билан бир қаторда аъло ўқишга қизиқтириш омиллари ҳар томонлама кучайтирилсин, ёшларнинг илмий ва илмий-техникавий ижодкорликда қатнашиши рағбатлантирилсин, бу ишнинг шакллари хилма-хиллаштирилсин. КПСС Марказий Комитети ўқиш вақтида студентлар ва ўқувчиларни таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган турли ишларга ҳамда тадбирларга чалғитишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

3. Ёшларни чуқурлашиб бораётган демократия шароитида яшаш ва ишлашга ўргатиш зарур. Шу мақсадда ўқув юртларида рўй-ростлик ва ошкоралик, ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг, профессорлар билан студентларнинг бирбирига ўзаро ҳурмати ва ҳамкорлиги учун ҳамма шароитлар яратилсин; ўқувчилар ва студентларга мустақиллик руҳи сингдирилсин, уларнинг фойдали ташаббуси ва ижодига кенг уфқ очиб берилсин. Умумий, сиёсий ва ҳуқуқий маданият, социалистик демократизм маданияти тарбиялансин, ёшлар СССР гражданининг конституцион ҳуқуқлари ва вазифаларини чуқур тушунадиган бўлишларига ҳаракат қилинсин. Аҳолининг барча қатламларини, марказдаги ва жойлардаги ҳамма кадрларни қамраб оладиган ягона умумдавлат программаси тарзидаги юридик умумий таълим уюштирилсин.

4. Ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни анча кучайтириш талаб қилинади. Болаликдан Совет Ватанининг анъаналари ва қадриятларига, кўп миллатли мамлакатимизнинг буюк тарихига дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанининг садоқатли ҳимоячиси бўлишдек муқаддас бурчни англаш туйғуси сингдирилсин. Ўқув юртларидаги бутун муҳит совет халқларининг интернационализми, дўстлиги ва қардошлиги руҳи билан суғорилсин.

Миллий-рус икки тиллилиги фаол ривожлантирилиши, СССР халқларининг тилларини совет кишилари миллатлараро мулоқот воситаси тарзида ихтиёрий қабул этган рус тилини ўрганиш ва ўқитиш тубдан яхшиланиши, мактабларда рус ва она тилларида биргаликда ўқитиш тажрибаси кенгайтирилиши лозим. Бошқа миллатларнинг ёшлари маҳаллий миллий тилни ўрганиши рағбатлантирилсин, қайси тилда ўқиш масаласида ҳеч қандай имтиёзлар ёки чеклашларга, маъмуриятчиликка йўл қўйиб бўлмайди.

5. Ёш авлоднинг коммунистик ахлоқини вужудга келтиришга, уни атеистик тарбиялашга эътибор кучайтирилсин. Ёшларда юксак маънавий эҳтиёжлар ва эстетик дидлар, жисмоний камолот эҳтиёжи вояга етказилиши зарур.

Болаларни, йигит ва қизларни эстетик тарбиялашни кучайтириш, уларда маънавиятсизликка, буржуазиянинг «оммавий маданияти» таъсирига қарши қатъий эътиқодни сингдириш мақсадида уларни жаҳон ва мамлакатимизнинг энг яхши ютуқлари билан батафсил таништириб бориш, бадиий ижодкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, чинакам халқ санъатини маҳорат ва сабот билан тарғиб қилиш зарур. Мактаб билан бирга комсомол, касаба союзлари, ижодий союзлар, СССР Маданият министрлиги, СССР Кинематография давлат комитети, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети бу ҳақда ғамхўрлик қилишлари керак.

Ёшларни физкультура ва спортга кенг жалб қилиш учун қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар, ўқув юртлари, спорт жамиятлари, корхоналарнинг мавжуд базалари мустаҳкамлансин ва улардан самарали фойдаланилсин,

физкультура кадрларини тайёрлаш яхшилансин, шу мақсадда халқ маорифи органлари, СССР Физкультура ва спорт давлат комитети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Қомитетининг куч-ғайратлари бирлаштирилсин.

Ўқишдан ташқари вақтдаги, яшаш жойидаги тарбиявий ишни ҳар томонлама бойитишни КПСС Марказий Қомитети энг зарур вазифалардан бири, деб ҳисоблайди. Бу ўриндаги бош вазифа — ҳар бир болани, ўсмирни, йигит ва қизни ўзи қизиққан иш билан шуғулланишга жалб этишдан, уларнинг бўш вақтини техникавий ва бадиий ижодкорлик, спорт, туризм билан тўлдиришдан иборат. Ёшларнинг ҳаваскорлик бирлашмаларига доимий эътибор билан қаралсин, улар фаолиятининг ижтимоий-фойдали йўналишига, ёшларнинг соғлом қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашилсин.

6. Партия, совет, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, умуман жамият ахлоқий соғлом, маънавий бой, мустаҳкам оилани вужудга келтириш тўғрисидаги ғамхўрликни, оналар ҳақидаги ғамхўрликни, мамлакатнинг келажаги бўлган ёшлар ҳақидаги ғамхўрликни кучайтиришлари зарур. Ота-оналарнинг болалар тарбияси учун, уларни турмушга ва меҳнатга тайёрлаш учун бўлган масъулиятини ошириш зарур. Оила, мактаб, меҳнат коллективларининг ўзаро ҳамкорлиги чуқурлаштирилсин.

Шахсни камол топтиришнинг энг муҳим поғонаси, унинг кейинги ривожини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи поғонаси бўлмиш мактабгача тарбия системаси алоҳида эътиборни талаб қилади.

7. КПСС Марказий Қомитетининг Пленуми иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Қомитетлари, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетлари зиммасига болалар ва ёшларга таълим ҳамда тарбия бериш соҳасига сиёсий раҳбарлик даражасини қатъият билан ошириш, ўқув юртларининг иш мазмуни билан чуқурроқ шуғулланиш, пайдо бўлаётган муаммоларни билимдонлик ва ишчанлик билан ҳал этиш вазифасини юклайди. Ўрта ва олий мактабни қайта қуришда, ўқитувчи-муаллимлар корпусининг, шунингдек, ўқувчи ва студентларнинг куч-ғайратларини таълим ҳамда тарбия сифатини оширишга сафарбар этишда ўқув юртлари бошланғич партия ташкилотларининг роли кучайтирилиши, уларни мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилиниши керак.

Район ва шаҳар партия комитетлари мактаблар, ўқув юртлари, техникумлар партия ташкилотларининг сони озлигини эътиборга олиб, уларнинг коллективлари турмушига партия аъзоси бўлган ўқитувчиларнинггина эмас, шу билан бирга коммунист ота-оналарнинг, базавий корхоналар партия ташкилотларининг, район ва шаҳар партия комитетлари ходимларининг кучи билан ҳам партиявий таъсирни оширишни таъминлашлари лозим.

Ўқитувчи кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш, педагогика ўқув юртларига болалар билан ишлашга қизиқадиган, буни ўз вазифаси, деб биладиган энг яхши ёшларни танлаб олиш зарур. Ўқув юртлари раҳбарларини сайлаш тажрибаси, педагог кадрларнинг аттестацияси кенгайиб бораётганлиги педагоглик ишига зарур сиёсий, амалий ва маънавий фазилатларга эга бўлган муносиб ходимларни кўтариш учун партия ташкилотларининг масъулиятини оширади.

Партиянинг бутун идеологик иши ўрта ва олий мактабни муваффақиятли қайта қуришга, совет кишиси шахсини вояга етказиш яхлит жараёнининг энг муҳим бўғини бўлмиш узлуксиз таълим системасини кенгайтиришга фаол кўмаклашиши лозим.

8. Халқнинг маълумоти ва маданиятини ошириш совет ҳокимиятининг, унинг марказдаги ва жойлардаги органларининг энг биринчи вазифасидир. Пленум шуни таъкидлайдики, халқ депутатлари Советлари кенг жамоатчиликка таяниб, ёшларнинг умумий ўрта таълимини, уларга касб-кор ўргатишни ва уларни тайёрлашни, ишга жойлаштиришни, ўқув юртларининг, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни, уларни кадрлар билан мустаҳкамлашни, педагогларнинг меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини яхшилашни таъминлаш соҳасидаги бутун ишнинг ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқишлари керак.

9. Ленин комсомоли маорифни қайта қуришни, ёшларда билимга, касб-кор маҳоратига интилишни ривожлантиришни, уларни коммунистик ахлоқ, Ватанга хизмат қилишдек юксак гражданлик бурчи руҳида тарбиялашни ўз фаолиятининг

энг муҳим йўналиши, деб билиши керак. Комсомол ташкилотларининг ишини ёшлардаги ижодкорлик, ишга масъулият билан муносабат нишоналарини ҳар томонлама ривожлантиришга, уларнинг хилма-хил қизиқишлари ва талаб-эҳтиёжларини қондиришга қаратиш, истеъмолчиликка ва тайёрга айёрликка қарши курашиш керак.

Пионер ишининг мазмунини янгилаш, уни болалар учун қизиқарли ва уларни камол топтириш учун фойдали қилиш зарур. Жамоатчилик, адабиёт ва санъат арбоблари пионер коллективлари билан фаол ишлашга даъват қилинсин. Пионервожатийларнинг ғоявий ва профессионал тайёргарлик даражаси оширилсин.

10. Ўқув юртларининг сермазмун ҳаёти, ёшларга таълим ва тарбия беришдан иборат хилма-хил вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кенг жамоатчиликнинг, барча жамоат ташкилотларининг манфаатдорлик билан муносабатда бўлишига боғлиқ. Ўқитувчилар, муаллимлар, тарбиячилар, ўқувчилар ва студентларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш — касаба союзларининг энг биринчи вазифасидир. Уларнинг бадиий ижодкорлик, соғломлаштириш-спорт иши моддий базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватласа арзийди. Совет халқи авлодларининг узлуксиз боғлиқлиги таъминланадиган, жамият маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашнинг кўпгина вазифалари ҳал этиладиган таълим ва тарбия соҳасида уруш ва меҳнат ветеранлари, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти, илмий ва инженерлик жамиятлари союзи, шунингдек, рационализаторлар ва ихтирочилар жамиятлари, ДОСААФ, ижодий союзлар, Совет маданият фонди ва бошқа ташкилотлар куч-ғайрат сарфлаши учун катта имкониятлар бор. В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди ва хотин-қизлар кенгашлари ана шу кўп қиррали ишларнинг ҳаммасида алоҳида роль ўйнашлари керак.

11. Халқ маорифиислоҳотини чуқурлаштириш муносабати билан оммавий ахборот воситалари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди. Телевидение ва радио, матбуот мактаб турмушини, мураккаб таълим ва тарбия жараёнини билимдонлик билан тўғри ёритишлари керак. Маорифни қайта қуришдаги ижобий силжишлар ва қийинчиликларни очиб кўрсатишда, педагоглик касбининг, у қиладиган оғир, фахрли меҳнатнинг обрўсини оширишда, халқ маорифи соҳасини ташкил этиш ва бошқаришдаги қолоқлик, догматизмни тугатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш муҳимдир.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқ маорифи, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш иши партиянинг, жамиятнинг доимо диққат марказида бўлиши кераклигини таъкидлайди ва партия комитетлари, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, совет ўқитувчилари, профессорлар ва муаллимлар, меҳнат коллективлари партия XXVII съездининг программавий йўл-йўриқлари изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш, халқ маорифи системасини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш учун ҳамма ишни қиладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

30 январь куни Ўзбекистон Қоммунистик партияси Марказий Қомитетининг IX пленуми бўлди.

Пленум Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қомитети Бюросининг қайта қуришга раҳбарлик юзасидан ҳисоботини тинглади.

Шу масала юзасидан Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов доклад қилди.

Ҳисоботни муҳокама қилишда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. С. Саликов, Фарғона область Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг раиси А. Абдусаматов, Қорақалпоғистон АССР Кегайли район партия комитетининг биринчи секретари С. Ержонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитетининг раиси М. И. Иброҳимов, Хоразм область ижроия комитетининг раиси Р. Худойберганова, Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Алимов, Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қомитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қомитетининг иккинчи секретари В. П. Анищев, Наманган область Поп район партия комитетининг биринчи секретари М. Абдуллаев, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Н. И. Попов, Фарғона областидаги Марғилон «Атлас» абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси М. У. Каримова, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова, Навоий область партия комитетининг иккинчи секретари Ж. М. Жонибеков, Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова, Ўзбекистон ССР қурилиш министри А. Г. Мананников, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Қашқадарё областидаги СССР 50 йиллиги номли Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси Р. Н. Иванушкина, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров, «Главташкенстрой»га қарашли Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати касаба союз комитетининг раиси И. Х. Орипов, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Сирдарё область Боёвут районидаги Пушкин номли совхоз директори С. Абдуқодиров, Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодирова, Ўзбекистон ССР маданият министри Ў. Р. Умарбеков, Ўзбекистон ССР Госплани раиси И. Искандаров, Наманган область ижроия комитетининг раиси Б. Ж. Ҳакимов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари А. Г. Руденко, «Ўзбекфильм» студиясининг актёри Ў. Алихўжаев ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. А. Ф. Змиевский Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қомитети оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг мудири, Р. А. Сафаров республика «Правда Востока» газетасининг редактори этиб тасдиқландилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг сектор мудири А. А. Гришкевич, КПСС Марказий Қомитетининг масъул ходимлари И. К. Комаров, В. Н. Лаврентьев иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қомитетининг пленуми ўз ишини якунлади.

ҚАЙТА ҚУРИШГА РАҲБАРЛИК ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК БЮРОСИНИНГ ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари
Р.Н. НИШОНОВнинг
Ўзбекистон Компартияси МК пленумида
1988 йил 30 январда қилган доклади

Ўртоқлар!

Ҳозир Совет жамиятида КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг сабот-матонат билан олиб бораётган фаолияти туфайли янги сиёсий, маънавий вазият вужудга келтирилди, одамларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ишларидаги активлиги ва манфаатдорлиги ошмоқда.

Демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳот ўтказиш йўли, партиямиз билан давлатимизнинг қуролсизланишга ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг миқёсли ташқи сиёсий ишлари қайта қуришнинг мустаҳкам ички ва халқаро кафолатларини яратиб бермоқда. Барча совет кишилари каби, Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партиянинг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар, белгиланган ўзгартишларни амалга оширишга азму қарор берганлар.

Ҳозирги пайтда бутун партия билан халқ учун қайта қуришдан ҳам муҳимроқ ва зарурроқ вазифа йўқ. Бу революцион ишнинг муваффақияти аввало партия ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг ғайратига, собитқадамлигига, намуна кучига боғлиқ. Бунда гап партия комитетларининг ва бошланғич партия ташкилотларининг, барча кадрларнинг сиёсий ва ташкилий сусткашлигига, ташаббуссизлигига барҳам бериш, турғунлик ва консерваторликдан, ишлаш ва раҳбарлик қилишдаги эскирган, қолоқ усуллардан бутунлай халос бўлиш ва шу асосда ишни қудратли равишда юриштириб юбориш ҳақида бормоқда.

«Барча коммунистларнинг куч-ғайратлари билангина, партиянинг ўз ичидаги демократияни ҳар томонлама ривожлантириш, барча поғоналарда коллектив раҳбарлик принципини амалга ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, контролликни кучайтириш, ишга масъулият билан ёндашиш орқалигина шундай қилиш мумкин, — деб таъкидлайди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев. — Шундагина янгилик руҳи юзага келади, қолоқлик ва турғунликка нисбатан чидаб бўлмайдиган вазият туғилади».

I. Республикада маънавий-сиёсий вазиятни соғломлаштирайлик

Бугун биз Марказий Комитет Бюросининг 1985 йил апрелидан кейинги фаолиятини ғоят рўй-рост, партиявий талабчанлик билан баҳолашимиз, партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь ва июнь Пленумларининг йўл-йўриқлари қандай амалга оширилаётганини синчиклаб таҳлил этишимиз керак. Съезд ва Пленумлар минбаридан янграган аччиқ ҳақиқат сабоқлари республикадаги вазият тўғрисида ва, асосан, шу пайтга қадар бартараф этилмаган салбий ҳодисаларнинг оқибатларини тугатишда йўл қўйилган қатъиятсизлик туфайли ҳозирча Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, унинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга халақит бериб турган турғунлик тенденциялари тўғрисида принципиал гаплашиб олишни талаб қилади.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик қайта қуриш соҳасида ўтказилаётган ҳамма ишларни яхшилаш учун салмоқли омиллар бериши керак. Партия комитетларининг пленумларида ва коммунистларнинг йиғилишларида қайта қуришга раҳбарлик тўғрисида партия комитетлари ва бюроларининг берган ҳисоботлари шу конференция йўлидаги муҳим, масъулиятли босқич бўлди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бугунги пленуми республика партия ташкилотимиздаги шу босқични якунлайди.

Умумлаштириб айтганда, коммунистларнинг ишимизга берган баҳолари шундан иборат бўлди: қайта қуришга партиявий таъсир имкониятлари ҳали тўла қувват билан ишга солинмаган. Шу нарса характерлики, кўпгина ҳисоботларнинг муҳокамаси пайтида коммунистлар сусткашлик ва фаолиятсизлик учун айрим кишилардан шахсан жавоб талаб қилдилар. 627 та партия комитети ва партия бюроси қониқарсиз баҳо олди. 184 та ташкилот йиғилишидаги ҳисоботларда мақсадга эришилмаганлиги учун коммунистлар бу йиғилишларни бекор қилиб, ҳисоботни қайтадан ўтказишни талаб қилдилар. Ҳисоботлар давомида шаҳар ва район партия комитетлари бюроларининг 73 аъзосига ишончсизлик билдирилди ва уларнинг ўрнига бошқа кишилар сайланди, партия комитетлари ва бюроларининг 6 мингдан кўпроқ аъзоси, шу жумладан бошланғич ҳамда цех партия ташкилотларининг салкам 1100 секретари сайланмай қолди.

Бўлиб ўтган ҳисоботлар кўп нарсани равшанлаштирди. Биз коммунистларнинг активлиги ошганлигини, улар камчиликларга ортиқ тоқат қилишни истамасликларини, иш суръатини кескин кўтаришга интилаётганликларини ҳис қилдик. Бу ҳол, аввало, бошланғич партия ташкилотларида намоён бўлганлиги айниқса муҳимдир, чунки қуйи партия бўғини — курашнинг олдинги маррасидир. Аммо бу бўғинда ҳам ҳамиша муносиб жанговарлик кўрсатилмаяпти, район, шаҳар ва область партия комитетлари сиймосидаги бош штабларнинг аниқ партиявий раҳбарлиги етишмаяпти.

Область партия комитетларининг бўлиб ўтган пленумларида жуда кўп киши сўзга чиқди, танқид ҳам янгради, дейиш мумкин. Бироқ ҳамма жойда ҳам, жумладан, Андижон (ўрток М. М. Орипжонов), Навоий (ўрток А. С. Ефимов) область партия комитетларининг пленумларида иқтисодий ва социал ривожланиш кўрсаткичлари кескин пасайиб кетганлигининг сабаблари очиб ташланмади. Ҳолбуки жиддий равишда гаплашиб олиниши лозим бўлган масалалар кўп эди. Ўтган йили Андижон областида маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олганда, саноат маҳсулоти реализация қилиш плани барбод этилди, пахта ҳосилдорлиги 6 центнер пасайди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қарийб ҳамма турларини етиштириш топшириқлари бажарилмади. Навоий областида ҳар уч корхонанинг бири шартномавий мажбуриятларни уддалай олмади, давлат капитал маблағини ўзлаштириш ва асосий фондларни, мактабларни, мактабгача тарбия муассасаларини, касалхоналарни ишга тушириш топшириқлари бажарилмай қолди. Хўжаликлар пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етиштириш планларини уддалай олмадилар.

Баъзи пленумларда бюро аъзоларининг нутқлари қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тусида бўлди. Масалан, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиевнинг, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари М. Қ. Оролбоевнинг, Сурхондарё область партия комитетининг секретари П. Шаметовнинг, Бухоро облась партия комитетининг секретари С. Н. Бахранованинг нутқлари қуруқ ва таъсирсиз бўлди. Улар ҳатто ўз ишларини ўз-ўзини танқид асосида таҳлил этишга интилиб ҳам кўрмадилар, баъзан эса уларнинг камчиликларини кўрсатган кишилар билан тортишувга киришиб кетдилар, ўз қилмишларини оқлаш ва ўз ишларини мақтаб кўрсатиш билан шуғулланишдан нарига ўтмадилар. Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. А. Лозицкий ўз нутқида обком бюросини «танқид» қилиб, у обкомнинг биринчи секретари кўп ишлашига йўл қўйиб бермоқда, унинг соғлиғини эҳтиёт қилмаяпти, деб айтди. Хўш, партия раҳбарлари оддий коммунистларга ўзаро талабчанлик, қаттиққўлликнинг қандай намунасини кўрсатаяптилар? — деган савол туғилади.

Ўртоқлар, энди қайта қуриш руҳида, фаолиятимизни тубдан яхшилаш ғоят зарурлигини назарда тутиб, бир қанча жуда муҳим масалалар хусусида Марка-

зий Комитет Бюросининг нуктаи назарини рўй-рост айтиб беришга ижозат этгайсизлар.

Гапни энг муҳим масаладан бошлгйлик. Партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, иктисодий ва социал курилишнинг барча соҳаларидаги кадрларнинг масъулиятини ошириш вазифалари биз учун жуда актуал бўлиб келди ва ҳозир ҳам актуалдир. Республикадаги ишлар учун Ўзбекистон коммунистлари ва меҳнатчиларинигина эмас, бутун партияни, бутун совет халкини ҳам узок вактдан бери ташвишлантириб келаётган муаммоларни шу воситалар ёрдамидагина, партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг ташаббусига ҳамда мададига таянибгина ҳал этиш мумкин.

Кейинги вактларда КПСС Марказий Комитети республикамиз бўйича бир неча муҳим ҳужжатлар, шу жумладан Тошкент область партия ташкилотида партияга кабул килиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш хусусида карор кабул килди. Пахтачиликдаги ва кишлок хўжалигининг бошка тармокларидаги жиддий камчиликларни тугатиш юзасидан бир канча карорлар кабул этилди. Ўзбекистоннинг табиий-иктисодий имкониятларидан фойдаланишда, йирик саноат ва сув хўжалиги объектлари курилишида давлат катта ёрдам бермокда ва бошка чора-тадбирлар кўрилмокда.

Кадрлар сиёсати масалаларида айникса катта ғамхўрлик килинмокда. Бизга партия, совет ва давлат аппаратининг барча бўғинларини билимдон ходимлар билан мустаҳкамлаш, кадрларнинг амалий резервини тайёрлаш, бунинг учун мамлакатнинг барча регионлари ёрдамидан фойдаланиш имконияти бериб кўйилди.

Шу боисдан ҳам ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнатчи мана шу ғамхўрлик ва ёрдамни англаб олиши учун, республикани мушкул аҳволдан имкони борича тезрок чикариб олиш йўлида ҳар кандай имкониятдан ишга манфаат етказадиган тарзда максимал равишда фойдаланилиши учун бизнинг масъулиятимиз жуда катта.

Марказий Комитет Бюросининг кейинги икки йил мобайнидаги ишини таҳлил этганда, бу — кийин ва мураккаб давр бўлганлигини кайд этмок керак. Партия ва мамлакатда кайта куриш учун авж олиб кетган кураш республика шароитида бениҳоя кескин тус олди ва олиб бормокда. Ўғирлик, кўшиб ёзиш, порахўрликни тугатиш юзасидан кенг микёсда каттик чоралар кўриш талаб этилди. Кадрлар корпусимизни порахўрлик, куюшкондан чикиш ва ошна-оғайнигарчилик иллатларидан тозалаш муаммоси шу пайтгача ҳам ўткир бўлиб турибди.

Бу соҳада муайян иш килинди. КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номенклатурасидаги ходимларнинг кўпчилиги алмаштирилди. Ўзларига топширилган участкалардаги ишларнинг аҳволи учун кадрлардан каттик партиявий жавобгарлик талаб килинмокда. Бюро ва секретариат ишида коллегиаллик мустаҳкамланмокда, уларнинг назорат килувчилик вазифалари кучайтирилмокда, партия комитетларининг ва бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби ҳамда методларига кўпрок эътибор берила бошлади.

Бу нарса ўз самараларини берди, экономикадаги ва социал соҳадаги ишларнинг аҳволига таъсир килди. Икки йил мобайнида саноат ишлаб чикаришининг ҳажми 8,3 процент ошди. Тола ва пахтадан олинадиган бошка маҳсулотлар ишлаб чикариш кўпайди. Картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум харид килиш бирмунча ортди.

Социал соҳани ривожлантиришга икки йил ичида салкам 4,5 миллиард сўм ёки беш йиллик планда кўзда тутилганидан 180 миллион сўм кўп капитал маблағ сарфланди. 1986—1987 йилларда мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар беш йиллик топширикларида белгиланганидан кўпрок курилди.

Аммо бу республикада туб бурилишларни таъминламаяпти. Унинг олға силжишида етарли жўшкинлик йўк, иборали килиб айтганда, ишлар кизиб бораётган бўлса-да, аммо киёмига етишига ҳали анча бор.

Марказий Комитет Бюроси билан республика хукумати экономика ва маданият ривожидаги турғунлик ҳолатлари ва тенденциялари саркитларини бутунлай тугатишга эриша олмадилар, ташкилотчилик ва сиёсий ишни кайта кў-

риб чиқишни поёнига етказа олмадилар. Бу эса аввало, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим кўрсаткичларига таъсир қилди. Миллий даромад 2 йил мобайнида 10,7 процент кўпайиши керак эди, ҳақиқатда эса ўсиш борйўғи 1,4 процентни ташкил этди. Шу даврда аҳоли қарийб 6 процент кўпайгани эътиборга олинадиган бўлса, биз аҳоли жон бошига таъминланиш жиҳатидан олға силжиш у ёқда турсин, ҳатто орқага кетганимиз равшан бўлади.

Ялпи ижтимоий маҳсулот беш йиллик топшириқларида белгиланганидан кўра 4,2 миллиард сўмлик миқдорда камроқ берилди, бунинг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Капитал қурилишда катта камчиликка йўл қўйилди, пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан асосий фондларни ишга тушириш плани 1,2 миллиард сўмлик миқдорда кам бажарилди. Агросаноат комплексидаги аҳвол мушкуллашди, ялпи маҳсулот ҳажми пландаги 9,9 процент кўпайиши ўрнига 3,8 процент камайди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўстириш плани таъминланмади. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида фондларнинг самарадорлиги пасайди.

Республикада маҳсулот сифати ошмаяпти, халқ истеъмоли молларининг узлуксиз етишмаслиги бартараф этилмаяпти, харидорларнинг моллар ва хизматларга бўлган талаби қондирилмаяпти.

Ўғирликлар, қўшиб ёзишлар, порахўрликлар такрорланиб турибди. Ҳозир коммунистлар, меҳнатчилар бизга жамиятдаги маънавий муҳитни соғломлаштириш учун, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига бепарволарча, расмий бюрократик ёндашиш фактларини тугатиш учун курашдаги жанговарлик етишмаётганлиги хусусида ҳақли равишда кўпдан-кўп саволлар беришмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган VIII пленуми республикада қайта қуриш қандай бораётганлиги хусусидаги мана шу саволларнинг кўпига жавоб берди. КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. П. Разумовский ўз нутқида республика партия ташкилотидаги ишларнинг аҳволидан, Ўзбекистонда қайта қуриш ҳаддан ташқари суст ва ланж олиб борилаётганидан партия Марказий Комитети жуда ташвишланаётганини айтди. Республикадаги социал-иқтисодий ривожланиш, маънавий-сиёсий вазият, ташкилий-партиявий иш анализ қилиб берилганлиги биз янги ёндашувлар ва усулларни ҳам қийинчилик билан ўзлаштираётганимизни, эски салбий ҳодисалардан эса унчалик қатъият билан халос бўлмаётганимизни яққол кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари республикада кейинги йилларда бир талай иш қилинганини, аммо бу иш қилинмай қолиши мумкин бўлмаган иш эканини ҳақли равишда уқтириб ўтди. Ўзи ташаббус кўрсатишликка, ҳужумкорликка, жанговарликка келганда, турғунликка ва камчиликларга нисбатан муросасизликка келганда эса, ҳозирча кўпгина партия комитетлари ва ташкилотларида, шу жумладан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида ҳам бу большевистик фазилатлар мутлақо етишмаяпти. У салбий ҳодисаларга ва уларни тарқатувчиларга қарши курашда ҳамиша ҳам қатъият ва муросасизлик кўрсатмади.

Маълумки, 1978 йилдан 1983 йилгача республикада 4,5 миллион тоннадан кўпроқ пахта қўшиб ёзилган эди, бунинг учун давлат хазинасидан алдамчилик йўли билан 4 миллиард сўмга яқин пул олиниб, талон-торож қилинган эди. Бу эса катта миқдордаги ўғирлик ва бедодликларга имкон берувчи муҳит бўлиб қолган, Одилов ва олтинга ҳирс қўйган газандалар қабилидаги бошқа учига чиққан жиноятчилар бундан фойдаланган эдилар. Яқинда газеталар бу ҳақда бизга аччиқ, аммо одилона маломат қилиб ёзишди. Партия билан давлатни алдашда айбдор бўлган кўп кишилар муносиб равишда партиявий ва жиноий жазо олдилар. Бироқ Марказий Комитет Бюроси ҳам, республика Министрлар Совети ҳам ҳақиқатда мана шу иқтисодий кўпорувчилик учун республика органлари ва айрим мансабдор шахсларнинг масъулиятини принципиал тарзда кўриб чиқмадилар.

Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида агросаноат комплексини ривожлантириш масалаларига яқин вақтларгача Айтмуротов раҳбарлик қилиб келди. У қўшиб ёзишларга, кўзбўямачиликка, давлатни алдашга муросасозлик билан қаради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ундан қаттиқ жавоб талаб қилмади, у ими-жимида, пинҳона тарзда рес-

публика Давлат агросаноатидаги раҳбарлик лавозимига ўтказиб юборилди. Пировардида иш уни жиноий жавобгарликка тортиш билан тугади.

Министрлар Советида ишнинг бу соҳаси учун турли йилларда Р. Ашуралиев ва Б. Раҳимов жавобгар бўлиб келган эдилар. Уларга нисбатан ҳам Марказий Комитет Бюроси ўринсиз кўнгилчанлик ва бўшанглик қилди. Б. Раҳимов секингина лавозимидан озод қилиниб, унга имтиёзли шахсий пенсия тайинланди. Р. Ашуралиев эса узоқ вақтгача Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари лавозимида қолди ва яқиндагина бошқа, яна раҳбарлик ишига — Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари лавозимига ўтказилиши муносабати билан лавозимидан озод этилди.

Госпланнинг собиқ раиси Қ. Аҳмедов республикадаги кўплаб қўшиб ёзишлар, суиистеъмоллар, давлатни алдаш ва ҳақиқатда республика экономикасини кўпориш фактларини билмаслиги мумкин эмас эди. Аммо у бу бемаънигарчиликларни кўриб кўрмасликка олди, уларга тоқат қилди, ўзининг келишувчилик позициясини бирон марта қораламади.

Пленум қатнашчилари Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент областларида ва Қорақалпоғистон АССРда қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик нақадар даҳшатли тус олганини, бу жойлардаги кўпгина собиқ партия ва совет ходимлари, хўжалик раҳбарлари партиявий ва жиноий жиҳатдан жазоланганини яхши биладилар. Бироқ Марказий Комитет Бюроси бу жойларда ҳам мазкур областларнинг раҳбарларидан давлатни алдаганликлари учун чинакам жавоб талаб қилмаганини тан олиш керак. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент область партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари Ғойибов, Каримов, Худойберганов, Мусахоновлар аввалига ҳурмат билан дам олишга кузатилди ва катта пенсия билан таъминлаб қўйилди. Бухоро область партия комитетининг собиқ биринчи секретари, ашаддий жиноятчи Каримов эса бамайлихотир мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари этиб тайинланди. Худойберганов эса 1984 йилнинг охирида ҳатто Марказий Комитет Бюросининг ташаббуси билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони беришга тақдим этилди. КПСС Марказий Комитети бу таклифни қўллаб-қувватламаганлиги ўз-ўзидан равшан.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида экономикага қониқарсиз раҳбарлик қилганлиги, социалистик қонунчиликни жиддий равишда бузганлиги, порахўрлик, порага сотилиш, ошна-оғайнигарчиликнинг кўпдан-кўп фактлари учун Қорақалпоғистон область партия комитетининг фаолияти қаттиқ танқид қилинган эди. Бироқ Марказий Комитет Бюросининг тавсиясига мувофиқ, область партия комитетининг биринчи секретари Камолов чет элга масъулиятли ишга юборилди.

Марказий Комитет Бюроси аъзолигига собиқ кандидат, ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Орлов кадрлар тарбиясига ўнглаб бўлмайдиган зиён етказди. Рашидовнинг содиқ «сафдоши» ва гумаштаси бўлган мана шу югурдак ўзининг жиноий ҳаракатлари билан раҳбар ходимларнинг оммавий равишда айнишига сабаб бўлди. Бироқ нақадар ғалати бўлиб туюлса-да, у ҳам Марказий Комитет Бюросининг тавсияси билан шахсий пенсияга сазовор бўлди. Энди Орлов ҳам жиноий жавобгарликка тортилган.

Марказий Комитетнинг собиқ секретари Р. Ҳ. Абдуллаева хусусида Марказий Комитет Бюросининг қатъиятсизлиги ва очиғини айтганда, сиёсий бефарқлиги жуда кўп даражада яққол кўринди. Қайта қуриш ниқоби остида идеологияда волюнтаристликдан иборат яроқсиз йўлни ўтказиб келган мана шу риёкор «арбоб»нинг ҳақиқий башарасини билиб олиш учун уч ярим йил вақт керак бўлди.

Ҳозир жиноий жавобгарликка тортилган Мусахонов узоқ вақт область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб келган Тошкент областида қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишнинг жуда қўпол фактлари аниқланди, Марказий Комитет Бюросининг ҳозирги аъзолари В. А. Антонов ва Т. А. Алимов ўртоқлар у билан бирга областга раҳбарлик қилган эдилар. Кўзбўямачилик учун улар ҳам маънавий жиҳатдан жавобгардирлар. Аммо биз «қўшиб ёзишнинг Тошкент технологияси» соҳасидаги ўзларининг принципсиз позицияларини ошкора қоралаганликларини улардан шу пайтгача ҳам эшитганимиз йўқ.

Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат ўрток В. А. Хайдуров ҳам

ўтмишдаги салбий ҳодисалар хусусида индамай туришни афзал кўрмокда. Унинг бошчилигидаги республика Халқ контроли комитети ашаддий ўғирликлар, қўшиб ёзишлар ва бошқа шаклдаги хўжасизликларни тугатишда лозим даражада катъият ва сабот кўрсатмаяпти. Комитет раиси Марказий Комитетнинг айрим топширикларини бажараётган бўлса ҳам, ўзи етарли равишда ташаббус ва тиришкоклик кўрсатмаяпти, экономикада ва социал соҳада етилган йирик муаммоларни танкидий таҳлил этишдан ўзини четга олмокда.

Бугун Марказий Комитет пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг фаолиятида нега бундай принципсиз ҳаракатларга йўл қўйилди, деб сўрашга ҳаклидир. Демак, ҳали салбий ҳодисаларнинг айбдорларига ва уларни ёювчиларга нисбатан қатъий талаб, букилмас каттиқ позиция вужудга келтирилган эмас.

Бундай кўнгилчанлик ва йўл қўйиб беришлик республиканинг бошқа партия комитетларига ҳам юкмокда. Салбий сабабларга кўра, лавозимидан озод қилинган Марказий Комитет номенклатурасидаги собик 45 нафар ва область партия комитетлари номенклатурасидаги 110 нафар ходим ҳамон раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турибди. Жиззах, Сурхондарё, Тошкент областларида улар ўз лавозимини суиистеъмол қилганликлари ва бошка ножўя хатти-ҳаракатлари учун ишдан олинган ҳар тўрт кишидан бирини ташкил этади. Бирорта ҳам область, шаҳар ва район партия комитети ҳозирча пора берганликда фош этилган ва турли сабабларга кўра жиноий жавобгарликка тортилмаган бир қанча раҳбар ходимларга зарур партиявий баҳо беришга журъат этмади.

Илгаригидек, кадрларни ўйламасдан бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш ҳоллари учраб турибди ва биз ҳозир ҳам ҳатто район партия комитетларининг биринчи секретарлари ўз лавозимларини суиистеъмол килаётганликларидан хабардор бўляпмиз. Масалан, Марказий Комитет Бюросининг аъзоси, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. С. Саликов кадрлар масаласини ҳал этишда субъективизмга йўл қўймокда. Бу ерда ташқаридан қараганда коллегиалликка риоя этилаётгандек кўринади, кўпдан-кўп беҳуда, тинкани куритадиган кенгашлар ва мажлислар ўтказилади, аммо вазифаларни аниқ-пухта таксимлаш ва партиявий талаб бутунлай етишмайди.

Якинда «Правда» газетасида босилган «Мансабига қараб сийлов» маколаси Марказий Комитет Бюроси шаънига жиддий таъна бўлди. Маколани ўкиган киши ташвишли хулосаларга боради. Кейинги йилларда қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликлардан қатъиян халос бўлиш, алдаш ва ишларнинг ҳақиқий аҳволини бўяб кўрсатишга ҳар қандай уринишларнинг қатъиян пайини киркиш зарурлиги тўғрисида бир неча бор гапирилди. Республика Автомобиль транспорти министрлигида содир бўлган вокеа мана шу йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатга нисбатан Марказий Комитет Бюросида катъий позицияда турилмаганлигини, Марказий Комитетнинг айрим аъзолари букилмас принципиаллик зарур бўлган жойда кўнгилчанлик қилишга мойил эканликларини кўрсатди.

Марказий Комитет Бюросида партиявий тартибда жазоланган Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. Заҳриддинов, Госплан раисининг ўринбосари А. Маҳмудов, министр О. Азимбеков якинда эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилдилар. Бирок, афсуски, Марказий Комитет Бюросининг аъзоси, Министрлар Советининг Раиси ўрток Ғ. Ҳ. Кодиров қўшиб ёзувчилар айбини зўр бериб юмшатишга уринди. У бекорга шундай қилмокда, ваҳолонки эгаллаб турган юксак лавозими унинг мард ва принципиал бўлишини такозо этади.

Биз ҳамиша кадрларнинг ўз қилмишлари учун муқаррар жазоланишлари ва маънавий жавобгарлиги тўғрисида, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлишимиз кераклиги тўғрисида Ленин кўрсатмаларини ёдда тутишимиз зарур. Бунда гап шафкатсизлик тўғрисида эмас, кадрларни аёвсиз савалаш тўғрисида эмас, балки республика партия ташкилотининг обрў-эътибори, унинг ўзини-ўзи тозалаш кобилияти тўғрисида боряпти.

Турмуш ҳар биримизнинг мустаҳкам иродамизни ва собиткадамлигимизни яна кўп марта синовдан ўтказади. Ҳаёт андаккина бўлса-да ожизлигимизни кечирмайди. Салбий ҳолатлар окибатларини таг-томири билан тугатишга тааллукли барча нарсаларга карши муросасиз кураш олиб бориш лозим. Ўшандагина биз хўжалик юритишимиздаги кўпгина жиддий ўпирилишлардан халос бўла оламиз.

II. Экономика—қайта қуришнинг бош йўналиши

Ўртоқлар!

Қайта қуришга оид барча ишларимиз энг аввало Марказий Комитет Бюросининг республиканинг социал-иқтисодий ривожланишига раҳбарлик практикаси, хўжалик ва маданий қурилишдаги амалий натижалар билан ўлчанади.

Юқорида ишлаб чиқариш фаолиятидаги бир қанча ижобий жиҳатлар тилга олинди. Бироқ, умуман, Ўзбекистон халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига баҳо бериладиган бўлса, у ғоят таҳликали ва қониқарсиздир. 1987 йилдаги ишлар якунларининг таҳлили республика мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришлардан анча орқада қолаётганлигини кўрсатади. Бизда миллий даромаднинг ўсиш суръатлари Иттифоқдагига нисбатан уч баравар пастдир. Биз саноатда бир ярим марта орқада қоляпмиз. Қишлоқ хўжалигида мамлакатда ўртача йиллик ишлаб чиқариш ўн биринчи беш йилликка нисбатан 9,3 процент кўпайгани ҳолда, бизда эса илгари айтиб ўтилганидек, камайишга йўл қўйилди. Бошка тармоқларда ҳам кўрсаткичлар пасайиши содир бўлмоқда.

Умуман, индустрия ҳамон бир жойда депсиниб турибди, баъзи жиҳатдан эса орқага кетмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг ўртача йиллик суръатлари пасайди. Аввалги беш йилликда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари йилига 4,7 процентни, шу беш йилликнинг икки йилида эса ўрта ҳисобда 4 процентни ташкил этди, бу эса план топшириғидан анча пастдир.

Фонд самарадорлиги пасайиб боряпти. Агар 1985 йилда халқ хўжалигидаги асосий фондларнинг ҳар бир сўми 43 тийинлик маҳсулот берган бўлса, 1987 йилда эса бу рақам 38 тийинни ташкил этди. Ўтган йили шартномавий мажбуриятларни бажариш 97,7 процент бўлди. Бу — мамлакатдаги энг паст кўрсаткичлардан биридир.

Биз конкрет ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмаётган турли хил комплекс тадбирлар ва тармоқ программаларини ишлаб чиқишга кўп куч сарфлаяпмиз. Индустриал комплексга оид ишлаб чиқилган ва Марказий Комитет Бюроси маъқуллаган 6 та комплекс программадан бирортаси ҳам тўла ҳажмда бажарилмаяпти.

Республика Министрлар Совети ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан янгилаш юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилди. Амалда эса нималар қилинди? Умуман саноатда асосий фондларнинг сарфланиш коэффициенти атиги 2,1 процентни ташкил этди. Бундай суръат билан саноатда ишлаб чиқариш аппаратини тўла янгилаш учун 35—40 йил талаб этилади. Тарих бизга бундай муддатни бермайди.

Ўтган йили саноат корхоналарининг 53 проценти янги техникани жорий этиш билан умуман шуғулланмади. Пленумга тайёргарлик чоғида ишни ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, ўтган йили 96 та роботлаштирилган технология комплексларининг ҳар бештасидан бири ишламади. Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналарида рақамли программа билан бошқариладиган ускуналардан 70—80 процент, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги ва Мебель саноати министрлиги корхоналарида 60 процент фойдаланилмоқда.

Оқибатда республика машинасозлик корхоналарининг атиги 19 таси жаҳондаги техникавий даражага мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Марказий Комитетнинг оғир саноат ва машинасозлик бўлими (ўрток А. Ф. Змиевский), экономика бўлими (ўртоқ Ш. Ҳожимуродов) бундай турғун тенденцияларни таҳлил этмаяпти ва унга қарши чора кўрмаяпти, бир қанча энг муҳим тармоқларнинг ишлаб чиқариш программаси ғоят кам қувват ва самара билан ишлашини назарда тутган ҳолда тузилганлигига келишувчилик қилмоқда.

Кўпгина министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар раҳбарларининг фан-техника тараққиёти масалалари хусусидаги эскича позициясига Марказий Комитет секретари ўрток А. С. Икромов зарур баҳо бермаяпти. У кўпгина раҳбарлар техникавий қолоқликка ёпишиб олганликларига toқат қилиб келмоқда.

Бунинг устига фан-техника тараққиёти проблемалари теварагида кўпгина фирибгарлар пайдо бўлди, катта-катта маблағлар беҳуда сарфланмоқда. Республика автоматлаштирилган бошқарув системасининг барбод бўлиш тарихи бунга мисол бўла олади. Бундай система 1973 йилдан бери ишлаб чиқилмоқда. Ана шу мақсадлар учун сарфланган маблағларнинг умумий қиймати салкам 300 миллион сўмни ташкил этди, бироқ программа ниҳоясига етказилмади. Аммо республика автоматлаштирилган бошқарув системасини яратиш билан шуғулланувчи бош корхона — кибернетика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида 364 та докторлик ва кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Бир қанча раҳбарларнинг кўпдан-кўп фарзандлари ва қариндош-уруғлари бу ерда паноҳ топди ва «илмий» лавозимга эришди. Марказий Комитет Бюроси яқин вақт ичида бу ишни батафсил ва принципиал жиҳатдан кўриб чиқишни мўлжалламоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини рўёбга чиқариш энг муҳим соҳалардан биридир. Мазкур тармоқларда улкан вазифалар турибди. Масалан 1990 йилда халқ учун буюмлар ишлаб чиқаришни деярли бир ярим баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Лекин бу рақамлар бизни маҳлиё этмаслиги керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ ўсишга, кескин ўсишга эришмоқ зарур. Аҳолининг тўлов қобилиятига эга бўлган эҳтиёжи қондирилмаслиги, товар обороти плани товар ресурслари билан мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли республика деярли мушкул аҳволда турибди.

Беш йилликнинг икки йили давомида эса чакана нархлардаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани деярли 400 миллион сўмлик бажарилмай қолди. Министрлар Э. А. Таймазов, Ғ. Қурбонов, П. Қ. Нуъмонов. А. Г. Мананников, Б. И. Бугров ўртоқлар бошчилигидаги тармоқлар айниқса катта қолоқликка йўл қўйдилар.

«А» группаси корхоналарининг раҳбарларига нисбатан ҳам зарур талаб қўйилмаяпти. Улар кўплаб харидоргир моллар ишлаб чиқаришни ҳануз ўзларининг зарур иши деб ҳисобламаяптилар. Пленум арафасида тегишли бўлимлар Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати директори ўртоқ П. С. Мақсудовнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботини Марказий Комитет Бюроси муҳокамасига қўйдилар.

Коммунист раҳбар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Бюрога қандай тайёргарлик кўрди? Ҳеч қандай тайёргарлик кўрмагани аён бўлди. Агар ҳозирги кунда комбинат бир сўм иш ҳақи ҳисобига халқ учун 22 тийинлик товар ишлаб чиқараётган бўлса, йил охиригача эса бу кўрсаткични атиги 2 тийин кўпайтиришни мўлжалламоқда. Масалани тайёрлаган бўлимлар эса корхона резервларини очиб бериш ўрнига, бундай садақага рози бўлмоқдалар. Марказий Комитет секретари ҳам ҳақиқий партиявий талабчанлик сезилмаётган лойиҳага бемалол имзо чеккан. Ўйлаймизки, ўртоқ А. С. Икромов баъзи раҳбарларда зарур талабчанлик йўқлигини, раҳбарликда бўшанглик, қатъиятсизлик намоён бўлаётганлигини кўрсатиб ўтишга ва ўзи бошчилик қилаётган соҳада иш услуби ва методларини дадил қайта қуришни таъминлашга қодирдир.

Капитал қурилишга раҳбарликни тубдан яхшилаш талаб этилади. Бу соҳада зарур бурилиш содир бўлмаяпти. Асосий кўрсаткичлар — асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича икки йилнинг плани бажарилмади.

Марказий Комитет Бюроси капитал қурилишда вужудга келган тўсқинлик механизмини бартараф этишга муваффақ бўлмади. Планлаштирувчи органлар, министрликлар, идораларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия ва совет органлари реал имкониятлар ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ёки номувофиқлигини ҳисобга олмай, иложи борича кўпроқ объектларни планга киритишга интилишдан ҳеч бир халос бўла олмаяптилар. Агар 1985 йилда битказилмай қолган қурилишларнинг умумий салмоғи 90 процентни ташкил этган бўлса, 1987 йилда эса 93 процентга етди.

Республика халқ хўжалиги учун қимматга тушаётган ва чўзилаётган объектлар сони камаймаяпти. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш барбод этилганлиги сабабли икки йил ичида 500 миллион сўмлик маҳсулот етказиб

берилмади. Биз 1989 йилги планларнинг энг кўп даражада тиғиз, балансланган ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишини таъминлаш мақсадида уларни диққат билан кўриб чиқмоқчимиз.

Пудрат ташкилотларининг иши ҳам ҳозирги кун талабларига мос келмаяпти. Кўпгина пудрат ташкилотларида қурилиш ишлаб чиқаришини инженерлик жиҳатидан тайёрлаш ва ташкил этиш даражаси ғоят паст, кўплаб бекор туриб қолишларга ва иш вақти зое кетишига йўл қўйилмоқда. Ихтисослаштирилган ёрдамчи пудрат ташкилотларининг фаолияти зарур даражада мувофиқлаштирилмаяпти, ишлаб чиқариш маданияти ва ижро интизоми паст. Қурилишда малакали ишчилар етишмаяпти, вахта методи ривожлантирилмаяпти. Булар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари ўрток В. Н. Лобко ўз диққат-эътиборини қаратиши зарур бўлган проблемалардир ва у қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан зарур талабчанлик кўрсатмай, уларнинг камчиликларига токат қилиб келаётганлигини айтиб ўтмоқчимиз.

Қурилишда бўлинмаларнинг тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишга тайёргарлик кўриши ва ўтиши суст бормоқда. Марказий Комитетнинг қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими, унинг мудири ўрток З. А. Ботиров ушбу масалалар хусусида кўпроқ қатъият ва талабчанлик кўрсатиши керак.

Транспорт ва алоқа иши ҳам ўсган талабларга жавоб бермаяпти. Марказий Комитетнинг бўлими (ўрток А. С. Воеков), партия комитетлари бу тармоқларда қайта қуришга суст раҳбарлик қилмоқдалар. Транспорт харажатлари кўплигича қолмоқда, илгаригидек, пассажир транспортининг иши хусусида кўпдан-кўп ўринли шикоятлар тушмоқда, аварияларнинг олдини олиш ва салбий ҳолатларни таг-томири билан тугатиш учун таъсирчан кураш олиб борилмаяпти. Аҳолига алоқанинг барча турлари билан хизмат кўрсатиш яхшиланмаяпти.

Экономикамизнинг ғоят муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ҳал этилмаган муаммолар анчагина тўпланиб қолди. Беш йиллик бошидан бери деярли 2,2 миллиард сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Жамоат секторида меҳнат унумдорлигининг ўсиши 10,3 процентни ташкил этиши лозим эди, амалда эса 3,8 процентни ёки 3 баравардан камроқни ташкил этди.

Агросаноат комплексини ривожлантириш масалаларига доир пленумлар ва актив йиғилишлари ўтказилди, Марказий Комитет Бюроси ва республика ҳукуматининг бу хусусда ўнлаб қарорлари қабул қилиниб, катта-катта программалар ва тадбирлар ишлаб чиқилди. Бироқ уларнинг кўпчилиги Марказий Комитет, Министрлар Совети, Давлат агросаноат комитети бўлимларининг столларида ва сейфларида чанг босиб ётибди. Бу эса далалар ва фермалардаги ишлар аҳволига таъсир ўтказмаётир. Республиканинг ер, сув ресурслари, табиий-иқтисодий потенциалидан ҳамон қониқарсиз фойдаланилмоқда, суғориладиган ерлар ҳосилдорлиги ғоят паст даражададир. Ўтган йили пахта ҳосилдорлиги атиги 23 центнерни, сабзавот ҳосилдорлиги 200 центнерни, дон учун экилган маккажўхори ҳосилдорлиги 35,5 центнерни, полиз маҳсулотлари ҳосилдорлиги 107 центнерни, узум ҳосилдорлиги 69 центнерни ташкил этди. Кўпгина областлар ва районларда бу кўрсаткичлар янада паст бўлди.

Жойлардаги, шунингдек республика органларидаги кўпгина ўртоқлар шу пайтгача озгина танқидни ҳам ўтмиш билан оқлашга уринмоқдалар. Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, бундай истиқболсиз позиция айниқса пахтачиликда олға томон эмас, балки орқага судрайди. Ўтган йили пахта тайёрлаш планини атиги 26 та район, 353 та колхоз ва совхоз бажарди. Колхоз ва совхозларнинг учдан бир қисми ҳар гектар майдондан 20 центнердан камроқ ҳосил олди.

Меҳнатни механизациялаш даражаси пасайди. Кейинги бир неча йиллар мобайнида пахта теримида механизациялаш даражаси 40 процентдан ошмаяпти. Марказий Комитет Бюроси механизацияга қарши кайфиятларга бирон марта ҳам принципиал баҳо бермади, бундай кайфиятларга пахтачилик проблемаларига махсус бағишланган VII пленумда ҳам зарба берилмади. Бу эса ғоят муҳим масаладир. Ғўзани парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш билан боғлиқ ишларнинг бутун оғирлигини аёллар ва ўқувчилар зиммасига юклашга чек қўйиш вақти келди.

Марказий Комитет Бюроси ҳосилни йиғиштириб олишга ўқувчилар ва студентларни жалб этишда ҳам бебурдлик ва принципсизлик кўрсатди. Бюро ўтган

йилнинг бошида мактаб ўқувчиларини пахта теримига жалб этмасликка қарор берганлиги тўғрисида ҳаммага маълум қилган эди, буни ҳамма жойда республика меҳнаткашлари қўллаб-қувватлаган эдилар. Шундан кейин Бюро қийинчиликлар олдида чекиниб, ношуд хўжалик раҳбарларининг фикрига қўшилган ҳолда мактаб ўқувчиларини теримга сафарбар этишга қарор қилди. Натижада Бюро ўз сўзининг устидан чиқмади ва план ҳам бажарилмади, одамларнинг партиявий қарорга нисбатан ишончига путур етди. Бундай икки хил ёндашув ва иккиланишларга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир киши ўз иши билан шуғулланиши зарур. Афтидан, Марказий Комитет Бюроси чинакамига ишга киришса, бу масалада зарур тартибни йўлга қўйиш учун унинг куч-ғайрати ва қатъияти етарлидир.

Биз пахтанинг нуфузини ва пахтакор касбининг обрў-эътиборини бутун чоралар билан оширишимиз керак. Қўплаб қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачилик пахтачиликка катта зарар келтирди, албатта. Аммо ўзларининг бутун инсоний қалб ҳароратини оппоқ чаноқларга бағишлаган ҳалол, виждонли кишилар, шонли колхозчиларимиз ва совхозларнинг ишчилари, мутахассислар шаънига доғ тушириб бўлмайди.

Пахтачилик соҳасида илгаридан ўз ишини севадиган ва яхши биладиган, ҳақиқий пахтакор бўлган юз минглаб кишилар ишламоқда. Улар ота-боболаридан мерос қилиб олган ўз касб-кори билан фахрланадилар. Пахта — уларнинг фаровонлиги, шон-шарафи, ифтихоридир. Такрор айтаманки, пахтакорлик касби обрў-эътиборини бутун чоралар билан кўтариш лозим, пахтакорларнинг фидокорона меҳнати энг эзгу сўзларга лойиқдир.

Янгича ёндашувларни излаш ва қидириб топиш, одамларни бунёдкорлик меҳнатига отлантириш, уларга серунум ишлашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш вақти келди. КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалигига тааллуқли бир қатор қарорлар қабул қилиш билан бизга кенг имкониятлар яратиб берди. Энди ҳамма нарсани қилиш: интенсив технологияни жорий этиш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, механизация, энг аввало йиғим-терим ишлари даражасини қатъиян ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари — ерни ижарага бериш, пудрат, хўжалик ҳисобини авж олдириш, сут-товар фермаларида бир маромдаги ишни йўлга қўйиш мумкин.

Чорвачиликда ишларнинг аҳволини қатъиян яхшилаш зарур. Ўтган йили гўшт етиштириш плани 95 процент бажарилди. Кўп чорва мол касалликларга учраган. Зооветеринария ва наслчилик иши ниҳоятда ёмон йўлга қўйилган. Энг муҳими эса меҳнаткашларнинг дастурхонида ҳозирча гўшт ва сут маҳсулотлари кўпаймаяпти.

Давлат агросаноат комитети ходимларининг виждонан ишламасликлари ва шахсан Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат ўртоқ И. Ҳ. Жўрабековнинг назорат қилмаётганлиги сабабли КПСС Марказий Комитетининг хўжаликлар шартнома нархлари асосида сабзавот ва меванинг 30 процентини сотиш ҳисобига шаҳар аҳолисини шундай маҳсулотлар билан таъминлаш тўғрисидаги қарори эътиборсиз қолмоқда. Давлат савдосида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, бундай маҳсулот атиги 6 сўмлик, яъни спиртли ичимликларга қараганда етти баравар кам сотилаётганлигига йўл қўйиб бўладими, ахир?

Тошкент шаҳрига маҳсулот етказиб бериш чоғида область ташкилотлари интизомсизлик, кўпинча эса маҳаллийчилик ҳам қилмоқдалар. Сурхондарё области маҳсулот тайёрлаш умумий ҳажмини бажаргани ҳолда ўтган йили Тошкентга 2,3 минг тонна гўштни кам етказиб берди. Қашқадарё области ҳам топшириқни бажармади. Жиззах областидан ташқари биронта область Тошкентга полиз маҳсулотлари ва хўл мева етказиб бериш топшириқлари бажарилишини таъминламади. Бунинг учун ҳеч ким мутлақо жавобгар бўлмаганлиги нотўғридир.

Мана шуларнинг ҳаммаси агросаноат комплексида янгича ёндашувларнинг йўқлигидан, эски, сийқа услубларга берилиш ҳоллари, айниқса, равшан намоён бўлаётганлигидан яна бир бор яққол далолат бермоқда. Шу пайтгача Министрлар Советидан бошлаб республиканинг кўпгина раҳбарлари қайта ишлаш саноати қувватларининг ривожлантирилишига эътибор бермаяптилар, бир қанча ҳолларда эса корхоналар ниҳоятда ташландиқ ҳолга келтириб қўйилган. Масалан, консервалар ишлаб чиқарувчи мавжуд линияларнинг 80 проценти ишлатилмоқда. Самарқанд вино комбинатида табиий шарбат ва ичимликлар ишлаб чиқарувчи

учта линиянинг факат иккитасидан, Красногвардейск комбинатида эса атиги ярмидан фойдаланилмокда. Гўшт комбинатлари ва сут заводларида маҳсулотни кайта ишлаш даражаси паст. Кондитер маҳсулотлари ишлаб чикарувчи кувватлардан тўлик фойдаланилмаяпти.

Республикамиз учун жуда муҳим бўлган сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш кафи масала тўғрисида ҳам гапириб ўтмасдан бўлмайди. Сувни тежаш бунинг бирдан-бир йўли эканлигини ҳамма укиб олиши лозим. Бундан бошка йўл йўк.

Куни кеча КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Мамлакатда сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш соҳасида биринчи навбатдаги тадбирлар тўғрисида» махсус карор кабул килди. Кишлок хўжалигида суғорма деҳкончиликдаги сув сарфини анча камайтиришни таъминлаш, мавжуд суғориш системаларини изчиллик билан комплекс реконструкция килиш, суғоришда сувни тежайдиган технологияни бутун чоралар билан жорий этиш вазифаси куйилди. 1991 йилдан бошлаб сув учун ҳак тўлаш иктисодий нормативларини истеъмолчиларга етказиш, шу беш йилликнинг охиригача ҳар гектар ер ҳисобига сув сарфи салмоғини 15 процент камайтириш максадга мувофик деб топилди. Саноатда маҳсулот бирлигига сув сарфи салмоғини камида 20 процент, коммунал хўжалигида эса 15 процент камайтириш зарур.

Демак, биз мелиорация соҳасига туб янгича ёндашувимиз керак. Ҳукуматнинг сув хўжалиги курилишида инвестиция сиёсатини кайта кўриб чикиш ва шу максадларга ажратилаётган жами капитал маблағнинг 70 процентини мелиорация соҳасидаги реконструкция ишларига сарфлаш тўғрисидаги карори кенг имкониятлар очади. Биз эскидан ҳайдалиб келинган ерларни тартибга солишимиз лозим. Лекин шу билан бирга аҳолининг ўсишини эътиборга олиб, окилона кўламларда янги ерларни ўзлаштириш керак. Биз янги ерларни ўзлаштирмай туриб, кишлок хўжалик муаммоларини муваффакиятли ҳал эта олмаймиз. Аммо дарҳол юксак самара олиш учун ерларни комплекс ўзлаштириш зарур. Коракалпоғистон АССР, Тошкент, Сурхондарё, Кашкадарё областлари, республиканинг амалда бошка ҳамма областлари бунинг учун катта резервларга эгадирлар.

Марказий Комитет секретари ўрток В. А. Антонов мана шу барча муаммоларнинг ҳал этилишини йўналтириб, контрол килиб бориши керак. У агросаноат комплекси ишларини ҳамиша ҳам чукур билиб олмаётганлигини, жорий оператив кўрсатмаларга берилиб кетиб, туб, истикболли масалаларни эътибордан четда колдираётганлигини кайд этиб ўтиш лозим. Унинг эскича, ўз умрини ўтаб бўлган иш формалари ва методларидан воз кечмаганлиги янгича услубларни хуш кўрмаслиги, дадил ёндашувлари ва ечимлари йўклиги сезилиб турибди.

Ўртоклар! Бошланган иктисодий ислоҳот, корхоналар ҳамда ташкилотларни тўла хўжалик ҳисобига, ўз харажатини ўзи коплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш халк хўжалиги комплексида кайта куриш бош йўналишидир.

Ўтган йили республикада 1248 та корхона ва ташкилот янгича шароитларда ишлади. Шу йилнинг бошларидан яна салкам 500 та корхона, ташкилот ва хўжалик, шу жумладан, Сурхондарё области агросаноат комплекси тўлалигича хўжалик юритишнинг янги механизми асосида ишлашга ўтказилди.

Экономикада кайта куришнинг дастлабки тажрибаси шуни кўрсатмокдаки, иктисодий ислоҳотга ижодий ёндашиб, пухта ҳозирлик кўрилган жойларда яхши натижаларга эришилмокда. Масалан, Тошкент тикувчилик бирлашмаси коллективи меҳнат унумдорлиги ва фойда олиш соҳасида юкори даражани таъминлаб, ишлаб чикаришнигина эмас, шу билан бирга уй-жой курилишини ривожлантириш масалаларини ҳам яхширок ҳал этиш имкониятига эга бўлди.

Афсуски, бундай мисоллар ҳозирча кўп эмас. Умумий манзара эса шундан далолат бермокдаки, Марказий Комитет Бюроси, республика ҳукумати партия, совет, хўжалик органларини иктисодий ислоҳотга ҳар томонлама ва чукур тайёргарлик кўришга ўз вактида йўналтирмадилар. Янги йилдаги ишнинг дастлабки ўн кунликлари «Ўзбекхиммаш», «Средазкабель» бирлашмаси каби йирик корхоналарда тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга коллективлар тайёр эмаслигини кўрсатди. Масалан, машинасозлар январь ойининг 25 куни ичида ойлик программани 60—70 процент бажардилар. Баркарорлик, ишнинг мутаносиблиги ва бир мароми тўғрисида кандай гап бўлиши мумкин?

Кўпгина корхоналар шартномавий мажбуриятларини уддалай олишмаяпти, бу эса уларни синиш ёқасига келтириб қўйди. Ўтган йилнинг якунларига кўра, 1600 тадан кўпроқ корхона ва ташкилот оғир молиявий аҳволда қолди, ана шу корхона ва ташкилотларнинг бой берган фойдаси ва кўрган зарарининг умумий миқдори 700 миллион сўмга етади.

Агросаноат комплексидаги ишларнинг аҳволи бундан ҳам баттар. Шу комплексдаги ҳар уч совхознинг бири йилни зарар кўриб якунлади, ссудалар ва маҳсулот етказиб берувчиларнинг счётлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарз миқдори 210 миллион сўмни ташкил этди.

Марказий Комитетнинг экономикага раҳбарлик қилувчи секретарлари корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларни янгича шароитда ишлашга ўтказишнинг боришини пухта билишлари, партия ташкилотлари ва комитетларини шундай шароитдаги ишни ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъминлашга йўналтиришлари керак. Республика Министрлар Совети, шахсан ўртоқ Ғ. Х. Қодиров барча министрликлар ва идораларни ишлаб чиқариш-иқтисодий масалаларни чуқур ишлаб чиқишга йўналтириб, план ва молия органларига нисбатан алоҳида талабчанлик қилишлари лозим.

Йўл қўйилган хатолардан тўғри хулосалар чиқариб олиш керак. Ҳозирги вақтда республика экономикасини молиявий соғломлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган программа Марказий Комитет Бюроси ва ҳукуматнинг доимий назорати остида бўлиши лозим.

Бошқариш структурасини қайта қурмай туриб, туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириб бўлмайди. Бизда бошқариш аппарати ҳаддан ташқари ошиб кетган, министрликлар ва идоралар сони жуда кўп, баъзида областлар ва районлар асоссиз равишда ташкил қилинди. 1970—1985 йиллар мобайнида бошқарув ходимлари сони 1,7 баравар, уларга сарфланган харажатлар эса 1,8 баравар кўпайди. Иш билан банд бўлганлар орасида бошқарув ходимларининг салмоғи 14,5 процентга етди, бу эса иттифоқдош республикалар ўртасида энг юқори кўрсаткичларнинг биридир. Республикамизда ҳар бир министрликка ўрта ҳисобда Украинадагига қараганда 3,7 баравар ва Россия Федерациясидагига қараганда 10 баравар кам корхона тўғри келади. Бюрократизмнинг қанчадан-қанча «жин кўча» ва боши берк кўчалари юзага келдики, жонли амалий иш уларнинг ичидан чиқолмай қолмоқда.

Ҳозир бошқариш структурасини такомиллаштириш, бошқарув ходимларини, шу жумладан, министрликлар ва идоралар марказий аппарати бошқарув ходимларининг камида ярмини, область ижроия комитетларида 30—35 процент қисқартириш тўғрисидаги таклифларни муфассал ишлаб чиқиш ниҳоясига етай деб қолди. Маъмурий-территориал бўлинишни тартибга келтириш назарда тутилмоқда.

Бу — мураккаб проблема, аммо уни тез ва қатъият билан ҳал қилишга тўғри келади. Бунда яна Марказий Комитет Бюросининг қатъияти ва барча кадрларимизнинг ҳалоллиги талаб этилади. Умуман шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда республикадаги кўпгина муаммолар биздан қатъият ва дадилликни талаб этмоқда.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш мана шундай энг ўткир муаммолардан биридир.

Ушбу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг қарори қабул қилингандан кейин республикада муайян ишлар ўтказилмоқда. Икки йил ичида салкам 300 минг киши ижтимоий-фойдали меҳнатга (ўқишни ҳам ҳисобга олганда) жалб қилинди. Лекин ҳали жуда кўп ишлар қилингани йўқ, баъзи нарсалар эса ҳозирча кўнгилдагидек чиқмаяпти. Тармоқ ва территориал номутаносибликларини тугатиш, сермеҳнат ишлаб чиқаришларни устун равишда ривожлантириш ҳамда уларни ўртача ва кичик шаҳарларга, қишлоқ районларига кўчириш соҳасидаги ишлар бошланмаган.

Одамларни республика ичкарисига ва айникса, унинг ташқарисига кўчириш йўлидаги ҳаракатлар жуда суст. Кўп йиллар мобайнида биз ҳатто Мирзачўл ва Қарши чўлларидаги қўриқ совхозларни лоақал Фарғона водийсидаги кадрлар билан таъминлай олмаяпмиз. Нокоратупроқ зонани ўзлаштиришга, Сибирь, Узоқ Шарқ ҳамда мамлакатнинг бошқа регионларидаги қурилишлар ва корхона-

ларга ишчи кучини уюшган ҳолда жалб этиш масалалари ниҳоятда секинлик билан ҳал этилаётганлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Ниҳоят, илгари гапириш одат бўлмаган яна бир факт демографик вазият тўғрисида. Республика аҳолисининг ўсиш суръатлари Умумиттифоқ кўрсаткичидан уч баравардан зиёд ошиб кетмоқда. Кейинги олти йил мобайнида аҳоли 3 миллион кишига кўпайди.

Демографик ўсишнинг бундай суръатлари республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришга қараганда анча илдам бормоқда. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг юксак даражада ўсиши билан ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг даражаси пастлиги ўртасидаги, социал неъматларга бўлган талаб-эҳтиёжлар билан уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Аҳоли умумий сонининг бешдан икки қисмидан кўпроғи бировлар қарамоғидаги кишиларни ташкил этди. Ваҳолонки, республикамизда ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлиги ва иш унуми саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга қараганда 1,5—2 баравар пастроқдир. Аҳоли жон бошига даромадлар Умумиттифоқ кўрсаткичларидан анча камлигининг боиси ҳам мана шунда.

Ҳисоб-китоблар бундай тенденция кейинчалик ҳам сақланиб қолган тақдирда яқин келажакда аҳолининг турмуш даражаси унча кўпаймай, мавжуд тафовут камайиши бир ёқда турсин, балки ошиб боришидан далолат бермоқда. Шу боисдан Марказий Комитет Бюроси, ҳукумат, республиканинг кенг жамоатчилиги оилани оқилона планлаштириш, аҳолининг меҳнат ва турмуш маданиятини ошириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб ташкилотчилик ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур.

III. Одамлар тўғрисида ғамхўрлик — инсон омилини активлаштиришнинг ҳал қилувчи шарти

Инсон, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш — қайта қуриш йўлидаги барча куч-ғайратларнинг объекти ва мезонидир. Бироқ Марказий Комитет Бюросининг ишига мана шу позициялардан баҳо бериладиган бўлса ҳозирча кўп иш қилинмаганлигини рўй-рост эътироф этиш керак.

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган тармоқлар орасида соғлиқни сақлаш энг қолоғи бўлиб қолмоқда. Илгари ишлаб чиқилган республика «Саломатлик» программаси асоссиз эканлиги сабабли бажарилмаяпти. Кўпгина йирик корхоналарда, хўжаликларда, аҳоли пунктларида энг оддий медицина ёрдами бериш учун энг зарур шарт-шароитлар ҳам йўқ. Республикамизда ҳар 10000 киши ҳисобига врачлар Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан 25 процент камдир. Медикларнинг малакаси паст, тор доирадаги мутахассис врачлар ва аввало, педиатрлар етишмаяпти. Аҳолининг кўп қисми яшаётган қишлоқда, айниқса ташвишли аҳвол вужудга келди, республика врачларининг 20 процентдан камроғи қишлоқда ишламоқда. Фельдшерлик-акушерлик пунктлари, амбулаториялар, участка касалхоналарининг кўпчилиги мослаштирилган, аммо нормал санитария-гигиена шароитлари билан таъминланмаган биноларга жойлашган, болалар ва оналарнинг ўлими ортиб бормоқда.

Биз энди одамларнинг сиҳат-саломатлигига шундай масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинишига тоқат қила олмаймиз, тоқат қилишга ҳаққимиз йўқ. Биз бугун ишнинг шу соҳаси учун масъул бўлган Марказий Комитет аъзолари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ С. У. Султоновага, соғлиқни сақлаш министри ўртоқ С. М. Баҳромовга, Марказий Комитет фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири ўртоқ Н. Т. Тўхлиевга жиддий эътироз билдиришга ҳақлимиз.

Яқинда соғлиқни сақлаш проблемалари билан шуғулланувчи фавқулодда ҳукумат комиссияси тузилди. Шу комиссиянинг таклифига биноан Марказий Комитет Бюроси ва республика ҳукуматининг бўшаётган маъмурий биноларни касалхоналар ҳамда даволаш муассасаларига бериш тўғрисидаги қарори қабул қилин-

ди, соғликни сақлаш хизматини мустаҳкамлашга доир бошқа чора-тадбирлар кўрилмоқда. Марказий Қомитет Бюроси яқин вақт ичида мазкур масалани кўриб чиқиб, мана шу ғоят муҳим соҳадаги ишларнинг аҳволини ўнглаб олиш учун ҳамма ишни қилади.

Савдо ва хизмат соҳасини ҳақли равишда экономиканинг кўзгуси, аниқ кўрсаткичи деб атаймиз. Афсуски, бу кўрсаткич бизда бир жойда қотиб қолган. Ҳолбуки, бу ишни ташкил этишда жиддий нуқсонлар мавжуд, совет савдоси қоидаларини кўпдан-кўп бузиш ҳоллари давом этмоқда.

Янги йил арафасида ва байрам кунларидагина Фарғона, Наманган областлари ҳамда Тошкент шаҳридаги магазинлар ва савдо нуқталарида жами 450 минг сўмликдан кўпроқ гўшт, товуқ, сариёғ, колбаса ва кондитер маҳсулотлари, цитрус мевалар каби ва бошқа, айниқса, танқчил молларни яшириб қўйишдан иборат 180 тадан кўпроқ факт аниқланди.

Хизмат кўрсатиш маданиятида сифат жиҳатидан бурилиш юз бергани йўқ. Магазинда, ошхонада, маиший хизмат пунктида кўпинча қўполликка, сурбетликка, харидор ва мижозга нисбатан ҳурматсизлик ҳолларига дуч келинмоқда, растрата ва ўғирликлар кўпаймоқда. Давлат, кооператив савдоси ташкилотларининг раҳбарлари ўз ишини сабот билан яхшилаш ўрнига кўпинча хўжакўрсинчилик билан шуғулланмоқдалар.

Марказий Қомитет Бюросининг аъзоси ўрток В. И. Огарок ҳамда Марказий Комитет савдо ва маиший хизмат бўлимининг мудири ўрток В. Ю. Зорин савдо ва маиший хизматни қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда кўпроқ қатъият, собитқадамлик кўрсатишлари керак. Улар камчиликларга қатъий эътибор беришлари, тармоқлардаги суиистеъмолчиликлар ва камчиликларга қарши курашда активликни анча оширишлари, ҳар хил қаллоблардан ва нопок кишилардан қатъиян халос бўлишлари шарт.

Энг муҳим вазифалар орасида уй-жой проблемаси ниҳоятда ўткирдир. Республикада 2000 йилгача мўлжалланган уй-жой программаси ишлаб чиқилган, бу программа Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида тасдиқланган. 209 миллион квадрат метр уй-жой барпо этиш ва шу тариқа мавжуд уй-жой фондимизни икки баравар кўпайтиришимиз лозим. Аммо буларнинг ҳаммаси ҳозирча фақат рақамлардир, холос. Шу йил учун планда 7,4 миллион квадрат метр, беш йиллик мобайнида эса 42,6 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Энг оддий ҳисоб-китоблар бундай суръатлар ўртага қўйилган вазифаларни рўёбга чиқаришни таъминламаётганини кўрсатмоқда. Шу вазифаларни реал равишда амалга ошириш учун барча партия, совет, хўжалик органлари уй-жой қурилишига чинакамига киришишлари, тайёрга айёрликка барҳам беришлари, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидан ўрнак олиб, маҳаллий ресурслар асосида ўз кучлари билан ишни авж олдириб юборишлари керак. Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл районида ҳам шундай имкониятлар топилган. Марказий Қомитет Бюроси уй-жой программасининг бажарилишини ғоят қаттиқ назорат қилиш ниятидадир, биз бу масалага ҳали бир неча марта қайтишимизга тўғри келади. Лекин, бизда кўпинча бўлаётганидек, бу программа яна бир дабдабали, аммо иш билан мустаҳкамланмаган қоғоз бўлиб қолмаслиги учун ҳамма ишни қилиш керак.

КПСС Марказий Қомитети билан СССР Министрлар Советининг боғдорчилик ва томорқачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг бажарилишини амалда барбод этиш меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига нисбатан амалдорларча лоқайдлик билан муносабатда бўлиш намунасидир. Қорхоналар, қурилиш ташкилотларининг меҳнат коллективлари тўғрисида гап борганида Министрлар Совети ҳам, Давлат агросаноат комитети ҳам, Тошкент область ижроия комитети ҳам давлат манфаатларини ва суғориладиган ерлар танқчиллигини ниқоб қилиб олиб, масалаларнинг ҳал этилишига зўр бериб тўсқинлик қилмоқдалар. Ўз идораларининг аппарати учун эса ер топилар экан.

Давлат агросаноат комитети (ўрток И. Ҳ. Жўрабеков), Узсовпроф (ўрток Ҳ. А. Алимова), Халқ контроли комитети (ўрток В. А. Хайдуров), Госплан (ўрток И. И. Искандаров), Ички ишлар министрлиги (ўрток У. С. Раҳимов) ҳамда республиканинг бошқа бир қанча министрликлари ва идоралари ўз

мавкеидан фойдаланиб, ҳозирдаёқ ўзларининг ходимлари учун ер участкаларини ажратиб беришга улгурдилар. Бунда изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Аввало, корхоналарда, қурилишларда, хўжаликларда меҳнат қилаётган кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча шароитларни яратиб бериш лозим.

Дарвоке, социал сиёсатни рўёбга чиқаришда халқ депутатлари Советлари алоҳида роль ўйнайди. Иқтисодий ва социал масалаларни тобора актив ҳал этиш, ўз территорияларидаги корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг маблағларини шаҳар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш мақсадида бирлаштириш учун Советлар барча ҳуқуқ ҳамда ваколатларга эгадирлар. Бироқ Совет органлари бу соҳада кўраётган тадбирлар ҳозирча доимий бўлмай, бунда сусткашлик қилинмоқда.

Советларнинг ишида ҳали расмиятчилик кўп, улар эскича иш формаларидан ҳали ҳам воз кечганлари йўқ, ўтмишдаги сийқа фикрлаш усуллари Советларнинг сессия фаолиятида ҳам ўз таъсирини ўтказиб турибди. Шуни эътироф этишим кераккки, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлиб турганимда мен ҳам республика Советларининг фаолиятини қайта қуришни жадаллаштиришнинг самарали воситаларини топа олмадим. Олий Совет Президиуми Советларнинг ташаббускорлигини авж олдириш, социал вазифаларни ҳал этишда талабчанликни ошириш юзасидан зарур чоралар кўриши керак.

Умуман мени тўғри тушунишингизни сўрайман. Мен ўзимни активлардан ажратмаяпман, ҳеч кимни четдан туриб танқид қилаётганим йўқ. Мен Бюро аъзоси, эндиликда эса биринчи секретарь сифатида йўл қўйилган камчиликлар учун ҳам, қайта қуриш жараёнларига зарур жўшқинлик, теранлик ва кенг кўлам бахш этиш, республика социал-иқтисодий тараққиётининг етилган проблемаларини ҳал этиш йўлларини топиш, уни муносиб равишда жадаллаштириш учун ҳам бутун жавобгарликни барча билан баробар зиммага оламан.

Проблемаларимизнинг фавқулоддалиги ва жиддийлиги тўғрисида гапирганда Марказий Комитет Бюроси уларни асло ноилож проблемалар деб таъкидлашни назарда тутмаяпти. Йўқ, гап бўлажак, жуда қизғин ва масъулиятли иш ҳақида бораяпти ва бу ишни тезроқ бажариш зарур. Марказий Комитет Бюроси шу пленумдан кейин дарҳол меҳнат коллективларининг иштирокида ва уларнинг ташаббусига таяниб, 1989 йил планига қўшимча резервларни киритиш мақсадида унинг лойиҳасини муфассал ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Резервлар эса оз эмас. Машина-ускуналар иш сменаси коэффициентини 2 га етказишнинг ўзиёқ 6 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Илғор тажриба, социалистик мусобақа, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш замирида катта-катта имкониятлар мавжуд.

1987 йил иш якунлари ва тўлиқ ҳал этишга муваффақ бўлинмаган масалалар беш йилликнинг учинчи йилида, айниқса, қизғин вазиятни вужудга келтиради, бошланган йилда иқтисодий ва социал тараққиётни бутун чоралар билан жадаллаштириш, йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш вазифасини ўртага қўяди. Экономиканинг амалда барча тармоқларида бунинг учун имконият ва резервлар мавжуддир.

Саноатда беш йиллик планнинг уч йилига кўзда тутилган натижаларга эришиш учун, қолоқликни эътиборга олганда, камида 6,1 процент ўсишни, меҳнат унумдорлиги суръатларини эса камида 4,4 процент оширишни таъминлаш керак.

Қурилиш комплексида беш йиллик марраларига чиқиб олиш учун бу йил 316 миллион сўмлик қўшимча қурилиш-монтаж ишларини бажариш керак, бунинг учун меҳнат унумдорлигини камида 5 процент ошириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида пахта тайёрлаш ҳажмлари камайтирилганлигини эътиборга олиб, пахта-беда алмашлаб экиш сўзсиз жорий этилишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бунда Марказий Комитет Бюросининг ишончи комилки, республика илғорлар ва новаторларнинг тажрибасини моҳирлик билан оммалаштириб, далаларнинг ҳосилдорлигини ошира бориб, шу беш йилликнинг охиригача ҳар йили белгиланган планларга қўшимча равишда 130—150 минг тонна пахта етиштира олади.

Иш манфаатлари бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигида ҳам

катъий тартиб ўрнатишни такозо этади. Марказий Комитет Бюроси шу йилнинг ўзидаёқ дон ҳосилдорлигини гектар бошига 50 центнергача, картошкани — камида 150 центнерга, сабзавотни — 250—280, полиз маҳсулотларини — 150, меваларни — 70—80 центнерга ва узумнинг ҳосилдорлигини камида 100 центнерга етказиш керак, деб ҳисоблайди. Бу эса шу экинлар маҳсулотларидан кўрилаётган зарарга барҳам бериш имкониятини яратади.

Биз чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда ҳам олға томон қатъий қадам қўйишимиз шарт. Жамоат секторида ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинадиган сут микдорини ҳар йили 150—200 килограмм ошириб бориш ва шу тариқа 1990 йилгача 2900—3000 килограмм сут соғиб олиш маррасига эришиш керак. Молларнинг ўртача суткалик эт қўйишини ошириш ва шу асосда вазни камида 450 килограммга борадиган анча семиз молларни гўштга топшириш учун реал шарт-шароитлар мавжуд. Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилган, озуқа экинлари экиладиган майдонлар янада кенгайтирилган, уларнинг ҳосилдорлиги оширилган тақдирдагина шу мақсадларга эришиш мумкин.

Кўриб турибсизларки, олдимизда ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли ишлар турибди. Белгиланган режалар амалда рўёбга чиқиши учун хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида куч-ғайратни икки карра, уч карра ошириш зарур. Бу ишларга эса Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари бошчилик қилишлари лозим.

IV. Ташкилий-партиявий ва идеология ишини қатъият билан қайта қурайлик, унинг форма ва методларини янгилайлик

Ўртоқлар! Инсон омили асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлган қайта қуриш ижтимоий онгни кучайтиришни, янгича фикрлашни вужудга келтиришни биринчи ўринга чиқармоқда. Бу эса сиёсий-тарбиявий, идеология ишига тобора каттароқ талаблар қўймоқда.

Марказий Комитет Бюроси ўз фаолиятига ўз-ўзини танқид руҳида баҳо бериб, идеология соҳасига партиявий раҳбарлик практикасида туб бурилишга эришмадик, деб ҳисобламоқда. Ушбу соҳани янгилашга қаратилган йўлда жўшқинлик, изчиллик, вазмин ёндашув, ғоявий-тарбиявий ишни республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш проблемалари билан боғлаб олиб бориш етишмаяпти.

Бошқа кўп соҳаларда бўлганидек, бу жабҳадаги нуқсонлар ҳам муайян даражада идеология фронтидаги кадрлар билан ишлаш борасида содир бўлган камчиликлар оқибатидир. Волюнтаризм, шахсий садоқат, ошна-оғайнигарчилик позицияларидан раҳбарлик ишларига кўтариб қўйилган кишиларнинг кўпчилиги бу масъулиятли лавозимларга муносиб эмас. Рўй-рост айтиш керакки, Марказий Комитет Бюроси аъзолари идеология муассасаларидаги кадрлар масалаларини ҳал этишда зарур принципиаллик ва қатъият кўрсатмадилар.

Бир қанча идеология муассасаларига билими теран бўлмаган кишилар раҳбарлик қилаётганларига ҳозирги кунда ҳам муроса қилиб келинмоқда. Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раиси С. Ш. Қурбонов ўз вазифасини уддалай олмаяпти. Республика Чет эл туризми бош бошқармасида (бошлиғи Ю. Қ. Юсувалиев), китоб савдосида катта бузилишларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Шундай фактлар ҳам борки, айрим раҳбарлар ишда нўноқ бўлишларига қарамасдан, яна манманлик билан иззат талаб қилмоқдалар.

Оммавий-сиёсий иш, лекция пропагандаси ҳали ҳам қайта қуриш вазифалари билан яхши боғланмаган, бу ишда кўпинча даврнинг ҳаётий эҳтиёжларидан четда туриб, эскириб қолган формалар ва методларга ружу қилмоқдалар. Сиёсий ва иқтисодий таълимни ташкил этишни қатъий кучайтириш талаб этилади.

Ўрток М. С. Горбачев якинда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда барча идеология сохаси ва айникса кўп жихатдан кайта куришнинг ижтимоий мухитини шакллантирадиган матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш олдига янги вазифалар қўйди. Аммо матбуотимизни кўздан кечирар эканмиз, республикада қайта қуриш қандай кетаётгани, ижобий ўзгаришлар жараёни қандай куч-қувватга тўлиб бораётгани, ҳаётда янги, соғлом нарсалар қарор топаётгани ва бунга нималар халал бераётгани хусусида фикр-мулоҳаза юритиш ҳали қийин бўлмоқда.

Идеологик таъсирнинг қудратли воситаларидан бири бўлган республика телевидениеси ўз вазифаларини уддалай олмаяпти. Телевизион кўрсатувларнинг анчагина қисми мужмал, дид билан тайёрланмайди, масалалар янгичасига ва дадиллик билан, жиддий тарзда кўтариб чиқилмаяпти. Бунинг боиси шундаки, телевидение коллективида чинакам ижодий муҳит вужудга келмаган, кадрлар билан ишлаш бўшашиб кетган. Республика Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раҳбарлари И. Т. Юсупова ва Ш. Ғ. Яҳёев ўртоқлар ишида бирдамлик йўқлиги туфайли вазият чигаллашмоқда, улар ишга путур етказиб шахсий муносабатларини аниқлаб олиш билан, жиддий нуқсонлар учун масъулиятни бир-бирларининг зиммаларига юклаш билан овора бўлмоқдалар.

Идеология ишидаги камчиликлар — айрим хатолар ва муваффақиятсизликларнинг жўнгина йиғиндиси эмас. Бу камчиликлар кўпинча бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тақозо этади, бир-бирини чигаллаштиради ва қайта қуриш йўлидаги тўғаноққа айланади. Аммо Марказий Комитетнинг пропаганда ва агитация бўлими (ўрток Ш. З. Қамолхўжаев) бу камчиликларни ҳали диалектик бирликда ҳал этаётгани йўқ. Ижтимоий ҳаётдаги ошкоралик ва демократиялаш идеология ходимларига бериб қўйган имкониятлардан тўла фойдаланилаётгани йўқ.

Маданият соҳасида ҳам туб ўзгаришлар бўлиши лозим. Сўнгги вақтларда бизда зиёлилар билан дўстона ва мароқли мулоқот практикаси, маъмурий чеклашлар ва тақиқларни, субъектив баҳолар ва ёндашувларни истисно этадиган вазият қарор топа бошлади. Марказий Комитет секретарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан, ижодкор ёшлар билан учрашувлари одат тусига кирмоқда.

Айни вақтда баъзан бадиий ҳаётни янада демократиялаш бошқарув доирасида ҳам, ижодий ходимларнинг анчагина қисми томонидан ҳам қаршиликка учрамоқда, бу одамларга буйруқбозлик ва ҳомийлик обдон маъқул эди, улар амалдор паноҳида яшашга кўникиб кетган эдилар. Кўпгина санъаткорлар маданият муассасалари ва ижодий союзларнинг ташаббуси ҳамда мустақиллигини ривожлантиришга қаратилган йўлни бу уларнинг гражданлик ва профессионал фаоллиги ҳамда масъулиятини оширишнинг бош омили деб ҳали ҳам ҳисобламаяптилар.

Маданият министри ўрток Ў. Р. Умарбеков ҳам катта ғайрат кўрсатиб ишлайдиган вақт келди. Коллективларда соғлом ахлоқий-психологик муҳитни вужудга келтириш жараёнига ушбу министрликнинг аралашмасликдек ғалати муносабати ҳамиша қарор топиб қолаверишига, ҳар қандай ўткир масалани партия органлари зиммасига юклашга интилаверишига қачонгача тоқат қилиш мумкин. Ижодий союзлар, театрлар, санъатнинг бошқа муассасалари фаолиятида гуруҳлар, маҳкамачилик манфаатлари ҳали ҳам биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Кинематография давлат комитетининг иши бугун алоҳида масала сифатида кўндаланг бўлиб турибди. Рўй-рост айтиш керакки, ўрток А. Тўраев бошчилик қилаётган ана шу соҳадаги ишлар яхши эмас.

Меҳнаткашларни интернационал тарбиялаш ва миллий муносабатларни такомиллаштириш проблемалари жиддий ташвиш туғдирмоқда. Ҳали яқин-яқингача ҳам бу ишда муаммо йўқ, деб ҳисоблаб келинган эди, эндиликда бу иш билан чуқур шуғулланиш зарур. Марказий Комитет бўлимлари, кўпгина партия комитетлари, идеология органлари фаолиятида аниқ-пухта система йўқ ва натижаларга танқидий баҳо берилмаяпти, салбий ҳоллар тилга олинмаяпти. Партия ва давлат аппаратини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, фан ва маданият муассасаларини тузишда, партияга қабул қилишда, давлат мукофотларига тақдим этишда миллий вакилликка риоя этилмаганини кўп ўртоқлар пайқамасликни маъқул кўрмоқдалар.

Сўнгги вактда пайдо бўлаётган маколаларда миллийлик ва интернационализм нисбатига, тилнинг ролига тааллукли масалалар баъзан бўрттириброк талкин этилаётганлиги фактига ҳам эътибор бермай бўлмайди. Яна конкрет-тарихий ва социал-синфий шароитлар тадкик этилмай тарихий вокеа ёки қахрамоннинг бирон-бир жиҳатини бўрттириб кўрсатишга уринишлар бўлмокда. Бу борада Ёзувчилар союзи (ўрток О. Ёкубов) ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси (ўрток Э. Ю. Юсупов) ташқаридан кузатувчилик позициясини эгаллаб турибди.

Республикада анъаналар ва интернационализмнинг теран илдизлари бор. Анъаналар ва интернационализм Шарк меҳнаткашларининг рус пролетариати билан социал озодлик учун биргаликдаги курашида тобланди, социализм курилишининг дастлабки кунларида бошланган чинакам кардошлик ва ўзаро ёрдам туфайли вояга етди. Бу анъаналар ва интернационализм урушнинг оғир йилларида, табиий офат туфайли вайрон бўлган Тошкентни тиклашда ёркин намоён бўлди. Бу анъаналар ва интернационализм республикани ўпирилишдан чикаришда марказнинг бугун бераётган мададида намоён бўлмокда. Биз бир лахза бўлса ҳам буни унутмаслигимиз ва меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш соҳасидаги барча ишларни ана шу ҳаётбахш негизга куришимиз керак.

Диний вазият мураккаб бўлиб колмокда. Марказий Комитет Бюроси, бўлимлари партия комитетлари ва ташкилотлари коммунистларнинг ислом дини ва бошка динларнинг таъсирига, диний-патриархал урф-одатларни миллий анъана ва маҳаллий хусусият деб рўкач килишга уринишларга карши курашдан бош тортиш фактларига принципиал баҳо беришларига эришганлари йўк. Ҳатто кўпгина коммунистлар, раҳбарлар учун мусулмончиликнинг «ҳаёт ҳикмати» устав, социалистик ахлок нормалари талабларидан кўра обрўлирок бўлиб чикмокда. Самарканд район партия комитетининг собик биринчи секретари М. Шеркулов «мукаддас кадамжони» куриш ва ободонлаштиришда шахсан иштирок этганлигини, Самарканд область ижроия комитети раисининг собик ўринбосари И. Кувондиков масжид курилишига ғайриконуний тарзда анчагина моддий ресурслар ажратганлигини бошкача изоҳлаш мумкинми?

Марказий Комитет Бюроси, партия комитетлари аёлларнинг ор-номуси ва инсоний кадр-киммати оёк ости килинаётганлигига норозилик белгиси сифатида хотин-кизлар ўзларини ўзлари ёкиб юборишлари давом этаётганлигига зарур сиёсий баҳо бермаяптилар. 1986—1987 йилларда 270 та ана шундай хунук вокеа рўй берди. Ўз жонига касд килган ёки касд килишга уринган кишилар орасида ўкувчилар, ВЛКСМ аъзолари бор. Кашкадарё, Самарканд, Жиззах областлари, Ғузор, Ургут, Китоб, Пайарик районларида ана шундай ҳоллар айникса кўп. Качонгача биз буни кўра-била туриб, кўрмасликка оламиз, качонгача ўзимизни ўзимиз алдаб, масаланинг ўткирлигини хаспўшлашга ҳаракат килаётган, бу вокеанинг социал-сиёсий моҳиятини ҳар турли тўкиб чикарилган сабаблар билан зўр бериб ёпиб кетишга уринаётган кимсаларга эргашаверамиз?

Атеистик иш масалалари хусусидаги карорлар аслида бажарилмаяпти. Коракалпоғистон АССР, Андижон, Наманган, Кашкадарё областларида, бошка регионларда ҳам бой-феодалларча урф-одатлар, патриархал расм-русмларга карши кураш амалда тўхтатиб кўйилган. Эндиликда декларациялар ва «ишни ўнглаб олиш» ҳакидаги ваъдалар билан эмас, балки одамлар, аввало коммунистлар онгидаги икки хил карашни букилмас ирода ҳамда обдон ўйланган конкрет, собиткадам ишлар билан бартараф этиш партия комитетлари фаолиятининг нормаси бўлиб колиши керак.

Яна бир масала хусусида гапириб ўтмокчиман. Кўпчилик раҳбар кадрлар, жумладан, олий бўғиндаги кўпчилик раҳбар кадрларнинг назарий саводсизлигига барҳам бериш керак. Республикамизда маълум салбий ҳодисалар муайян даражада шу сабабли содир бўлдики, кадрларнинг сиёсий билими юзасидан олиб борилаётган иш нураб кетган дунёкараш, расмиятчилик ва хўжакўрсинчилик билан алмаштирилганида бу салбий ҳодисалар учун кулай замин вужудга келди.

Халк маорифида ҳал бўлмаган проблемалар тўпланиб колди. Мактаблар, олий ўкув юртлари ва техникумлардаги таълим ва тарбия даражаси фан-техника тараккиёти талабларидан жиддий оркада колди. Иш шу даражага етдики, олий ўкув юртларимизни битириб чикаётган кўпгина мутахассисларни меҳнат

коллективлари ишлаб чикаришга якинлаштирмай қўйдилар. Ўрта ва олий мактаб ислохоти карахт бўлиб колди. Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги (ўрток М. С. Салоҳиддинов), Маориф министрлиги (ўрток О. С. Аббосова), Ҳунар-техника таълими давлат комитети (ўрток Р. Х. Жўраев) ташкаридан кузатувчилик килишдан нарига ўтишмаяпти.

Илм-фанни бошкаришнинг ташкилий формаларини такомиллаштириш, уни ишлаб чикариш билан интеграциялаш проблемалари бизда ҳанузгача ҳал килингани йўк. Партия комитетлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хузуридаги Фан-техника тараккиётига кўмаклашувчи республика кенгаши, республика министрликлари ва идоралари ҳали ҳам илмий потенциалга етарлича суянишаётгани йўк, олимларнинг куч-ғайратларини социал-иктисодий тараккиётни жадаллаштиришнинг бош проблемаларини ҳал этишга йўналтирмаяптилар. Илм-фаннинг республика штаби — Фанлар академияси (ўрток П. К. Хабибуллаев)да кайта куриш суст бормокда. Институт ва корхоналар биргаликдаги ишининг янги ташкилий формалари ниҳоятда суст жорий этилмокда, тармокларaро илмий-техника комплексларини яратиш йўлида, мувакқат илмий ва ишлаб чикариш коллективлари тузиш йўлида тўғаноклар бор. Марказий Комитет Фан ва ўкув юртлари бўлими (мудири ўрток Н. Т. Тўхлиев) ана шу энг муҳим участкалардаги турғунлик билан муроса килмокда.

Шу ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал этишга Марказий Комитет секретари ўрток М. Ҳ. Холмуҳамедов раҳбарлик килмокда. Унга оғир мерос колганлигини ва ишни ўнглаб олиш учун анчагина куч-ғайрат сарфлаш лозимлигини айтиб ўтиш керак. Аммо у ҳали лозим даражада зарур катъият кўрсатмаяпти.

Кадрлар масалаларини ҳал этиш чўзилиб кетмокда, идеология бўлимларининг аник-равшан йўли йўк, ишчанлик юксак даражага кўтарилмаган. Шартта ҳал этилиши талаб этилаётган конкрет проблемалар кўпинча кўпдан-кўп келишувлар сабабли аросатда колмокда.

Салбий ҳодисалар окибатларини бартараф этиш учун кураш ҳукукни муҳофаза килувчи органлар фаолиятига оширилган талаблар қўймокда. Улар жиноятчиликка карши курашнинг олдинги маррасида турибдилар, аммо ўз зиммаларига юкланган вазифаларни тўла-тўкис бажармаяптилар.

Республикадаги оператив вазият ниҳоятда мушкул бўлиб турибди. Социалистик мулкка тажовуз даражаси аслида камаймаяпти, чайковчилик, харидорларни алдаш кенг таркалган.

Ҳукукни муҳофаза килувчи органларнинг ўзида ҳам тартиб ўрнатилмаган. Бу органларда одамларга нисбатан бераҳмлик ва бағритошликка, социалистик конунчиликнинг бузилишига барҳам берилмаган. Карийб 300 граждан устидан асоссиз тарзда жиноий иш қўзғатилган эди, шулардан 45 киши кейинчалик судда окланди, колган ишларни эса тергов органларининг ўзлари тўхтатдилар.

Судларда кўп ишлар йиғилиб колади, анчагинаси бир неча бор такроран кўриб чикиш учун кайтарилади. Гражданларнинг конституцион ҳукукларини судда ҳимоя килиш яхши йўлга қўйилмаган.

Тергов ва прокурор назорати сифати зарур даражада эмас. Маъмурий органларнинг раҳбарлари Д. А. Усатов, У. С. Раҳимов, Б. Ғ. Олимжонов, С. Й. Йигиталиев бу соҳада катъий социалистик тартиб ўрнатиш учун ниҳоятда кескин чоралар кўрадилар, деб умид киламиз.

Ичкиликбозлик ва самогон тайёрлашга карши курашнинг аҳволи ниҳоятда ташвиш туғдирмокда. Спиртли ичимликлар билан чайковчилик килиш, фоҳишахонага айланган квартиралар, ичкиликбозлик хусусида кўпдан-кўп фактлар аникланди, ўтган йилга нисбатан самогон тайёрловчилар сони 10 баравар кўпайди, улардан карийб 20 минг литр заҳарли ичимлик мусодара килинди. Биз факат маъмурий ва чеклаш тадбирлари билан, факат милиция кучи билан бу офатни даф эта олмаймиз. Одамларимизнинг жисмоний ва маънавий саломатлиги учун курашга идеологиямизни, бутун жамоатчиликни сафарбар этиш керак.

Кўриб турибсизларки, ўртоклар, республика экономикаси, социал соҳаси ва маънавий ҳаётида жуда ўткир проблемалар тўпланиб колди. Юкоридаги таҳлил шундан далолат бериб турибдики, бу проблемаларни ҳал этиш аввало партия раҳбарлигининг услуб ва методларига, кадрларнинг билимдонлиги ва масъулияти

даражасига боғлиқдир. Эндиликда барча категориядаги ходимлар ўйлаб-нетиб ўтирмай, шунчаки ижрочи бўлмасдан, ташаббус кўрсатишлари, масъулиятни зиммаларига ола билишлари, зарур бўлиб қолганда, иш манфаатлари йўлида журъат билан ишлашлари, турғунликка, қолоқликка, ўз фаолиятсизлигини оқлаш учун эскириб қолган идоравий инструкцияларни рўкач қилишга уринишларга муросасиз бўлишлари керак.

Марказий Комитет Бюроси, партия комитетлари ва ташкилотлари шаҳар, район партия комитетлари, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар, уларнинг бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш учун юборилган ходимларга дуруст амалий ёрдам бермаётирлар. Ўтган йилнинг ўзидагина шаҳар, район партия комитетларининг 146 секретари ўзгартирилди. Навоий, Жиззах, Қашқадарё областларида кадрларнинг ана шу категорияси айникса кўп ўзгартирилмоқда. Ўтган йили Марказий Комитет Бюросининг аъзолари ишлар айниқса ночор аҳволда бўлган партия, совет, хўжалик органларининг раҳбарлари билан якка-якка суҳбатлашдилар. Аммо шундан кейин қолоқ участкаларда аҳволни ўнглаб олиш юзасидан конкрет ташкилотчилик иши, жумладан, Марказий Комитет секретарлари ва бўлимларининг конкрет ташкилотчилик иши бўлмади.

Ҳозир республика халқ хўжалигини бошқаришнинг ташкилий структураси қайта кўриб чиқилаётганлиги муносабати билан шаҳар ва район партия комитетлари, совет органлари, меҳнат коллективларини кадрлар билан мустаҳкамлаш учун янги катта имкониятлар очилмоқда. Марказий Комитет Бюроси, барча партия комитетларининг вазифаси қўли бўшаб қолаётган кадрлар потенциалидан тўғри, иш манфаатини ўйлаб фойдаланишдан иборат.

Биз учун янги бўлган иш формаси — раҳбарларни сайлаб қўйиш тобора кенг ёйилмоқда. Ўтган йили демократик асосда 20 мингдан кўпроқ мансабдор киши сайланди. Булар орасида корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, ўқув юртлари, фан ва маданият муассасаларининг раҳбарлари бор. Сайланган ўртоқларнинг кўпчилиги коллективнинг ишончи ва қўллаб-қувватлашига таяниб, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга қатъият билан киришдилар, туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларини жорий этиш учун дадил тадбирлар кўрмоқдалар, яхшилик сари ўзгариш бўлишига эришмоқдалар.

Аммо тан олиш керакки, Марказий Комитет Бюроси демократиялаш жараёнларини, жумладан, кадрлар ишини демократиялаш жараёнини суст йўналтирмоқда. Кўпчилик партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари демократиялаш шароитларида ишлашга, ҳозир биз ҳоли бўлишга ҳаракат қилаётган қариндош-уруғчилик, юртдошлик аломатларига кўра ўз одамини, ўзларига «қулай» одамни кўтаришга ҳаракат қилишларига самарали тарзда қарши туришга тайёр эмасликлари кўриниб қолди.

Хуллас, ўртоқлар, кадрлар ишини қайта қуришни кўп йўналишлар бўйича, кенг демократик асосда олиб бориш керак. Марказий Комитет Бюросининг вазифаси ана шу жараёнларни чуқур таҳлил этишдан, партия комитетлари ва ташкилотларининг ишини йўналтириб туришдан, расмиятчилик ва ножўя ишларга йўл қўйиб берилишининг пайини кескин қирқишдан, кадрларни юқори лавозимларга кўтаришда демократик негизларни ривожлантиришдан, уларнинг фаолияти устидан ошкора партиявий ва жамоат назоратини таъмнлашдан иборатдир.

Қайта қуриш партиянинг таянчи сифатида олдинги марраларга чиққан область, шаҳар, район партия комитетларининг роли ва ўрнига янги омил бахш этади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси янги талабларга мувофиқ партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти услуби ва методларини танқидий таҳлил этиш ва уларга амалий таъсир ўтказишга интилди.

Натижада айрим партия комитетларининг фаолиятида янги ёндашувлар бошланди. Хоразм область партия комитети (ўртоқ М. М. Мирқосимов), масалан, пудратни жорий этишга, ёрдамчи хўжаликларни ва ҳунармандчиликларни ривожлантиришга зўр ғайрат билан киришди. Чирчиқ шаҳар партия комитети (ўртоқ Ю. А. Асепков) ўз куч-ғайратларини шаҳарда барпо этилган ишлаб чиқариш имкониятлари самарадорлигини оширишга қаратишга интилмоқда, бу ердаги барча корхоналар икки ва уч сменали иш режимига ўтказилди.

Қоракўл район партия комитетининг бюроси (ўрток Ш. К. Гатаулин) қайта қуришни инсон омилини кучайтиришдан, одамлар ҳақида конкрет ғамхўрлик қилишдан бошлади. Бу ерда бир йил мобайнида уй-жойларни фойдаланишга топшириш бир ярим баравар кўпайди, ҳар бир колхозда стадион, ёзги кинотеатрлар қурилди. Мана шуларнинг ҳаммаси ишга ижобий таъсир қилди, экономиканинг кўрсаткичларини анча яхшилаб олиш имконини берди.

Бироқ айрим мисоллар ҳозир бизни қаноатлантирмайди. Умуман вазиятни яхшилаш керак, бу вазият эса мамлакатда рўй бераётган янгиланиш жараёнидан анча орқада қолмоқда.

Ҳатто Тошкент область партия ташкилоти каби қудратли ташкилот ҳам ҳозирча область саноатида, қурилишида, қишлоқ хўжалигида, социал соҳани ривожлантиришда зарур силжишларни таъминлагани йўқ. Обкомнинг биринчи секретари, Марказий Комитет Бюросининг аъзоси ўрток Т. А. Алимов областнинг мавжуд имкониятларини самарали равишда сафарбар қилиш учун қўшимча чора-тадбирларни қидириб топиши зарур.

Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат ўрток Б. Ф. Сатин бошчилик қилаётган Тошкент шаҳар партия ташкилотининг имкониятлари ҳам тўла-тўкис рўёбга чиқарилаётгани йўқ. Шаҳар активлари унинг ишчанлиги, принципиаллигини, салбий ҳодисаларни тугатишга, талабчанлик муҳитини қарор топтиришга астойдил интилаётганини айтмоқдалар.

Бироқ у бир қанча қизиқарли ташаббусларни ўртага ташлаганида, кўпинча уларни амалга оширишга ўзи киришиб кетиб, кўп нарсани эътибордан четда қолдираётганини таъкидламоқдалар. Район партия комитетларининг ўрнини босиш ҳоллари учраб турибди, жойларда шаҳар партия комитетининг ёрдами заиф.

Кўпгина партия комитетлари ошкоралиқ ва демократизмни эгаллаб олиш у ёқда турсин, турғунлик йилларида кабинет усулига одатланиб қолиб ижтимоий-сиёсий турмушни қайта қуришнинг мана шу асосий воситаларидан четда қолаётганликлари айниқса ташвишлантирмоқда. Турли-туман норасмий бирлашмалар деб аталган ташкилотлар назоратсиз тузила бошлади. Ташаббускор ташкилотлар, — бир томондан, яхши. Аммо бу ташкилотларга сафсатабозлар ва ғийбатчилар, жамиятга зид унсурлар суқулиб кириб, бизнинг ривожланаётган демократиямиздан ғаразли мақсадларда фойдаланаётганликларини кўрмаслик мумкин эмас. Бу ҳол меҳнат коллективларидаги, баъзан бутун-бутун район, шаҳар, областлардаги маънавий-сиёсий муҳитга салбий таъсир қилмоқда.

Масалан, Навоий областининг Зарафшон шаҳрида кескин вазият вужудга келди. Шаҳар партия комитети ва унинг собиқ биринчи секретари Х. Р. Ғаффоров ўз вақтида бир группа ишчиларнинг ҳақли талабларини қондириш учун ҳамда гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларни жазолаш учун қатъий ва узил-кесил чоралар кўрмаганлар. Эндиликда жамиятга зид унсурлар мана шундан фойдаланиб, дўқ-пўписа қилиш ва партия, совет, давлат органларининг обрў-эътиборига путур етказишга уринмоқдалар. Навоий область партия комитети бу муаммонинг моҳиятини яна бир бор чуқур ўрганиб, уни тубдан ҳал этиши керак. Омма орасига дадил бориш, коммунистлар, меҳнаткашлар билан маслаҳатлашиш, етилган муаммоларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излаш лозим.

Бошланғич партия ташкилотлари бутун қайта қуришнинг маркази ва асосий бўғинидир. Ўзбекистон Компартиясида 21 мингтадан кўпроқ бошланғич ташкилот бор. Улар меҳнат коллективларининг сиёсий ўзагини ташкил этади, ошкоралик, демократия, иқтисодий ислоҳотнинг барча асосий ришталари уларга бориб туташади. Барча ташаббусларимиз ва режаларимизнинг тақдири бошланғич партия ташкилотларининг ташаббусига, уларнинг одамларни ўзига эргаштира олиш қобилиятига боғлиқ. Ҳозир республикада корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотларда тартиб ўрнатиш, хўжалик ҳисобини ва ўз харажатларини ўзи қоплашни жорий этиш учун қатъият билан дадил курашаётган, яхшилик сари жиддий силжишларга интилаётган бир талай партия ташкилотлари бор.

Масалан, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия ташкилоти ўз секретари ўрток А. А. Абдураҳмонов бошчилигида шундай ишламоқда. Ҳар бир коммунист цех партия ташкилоти ёки партия группасида ҳар йили ҳисоб

беради, барча инженер-техник ходимлар ижодий бригадаларга кирган. Бу ерда прогуллар кескин камайди, кадрларнинг кўнимсизлиги 17 процентдан 3 процентга тушди.

Партия комитети қатъий позицияда туриб, ишга ташаббускорлик билан ёндашган тақдирда нималарга эришиш мумкинлигини Шеробод районидаги Қодиров номли совхоз мисоли кўрсатиб турибди. Совхоз парткомининг секретари ўрток Г. Қ. Султонова партком аъзоларининг актив позициясига таяниб, бошланғич партия ташкилотида юксак талабчанлик вазиятини вужудга келтиришга муваффақ бўлди. Ҳозир совхоз пахта ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш планларини муваффақиятли равишда уддаламоқда.

Бирок биз бошланғич партия ташкилотларининг роли ва жанговарлигини оширишда зарур суръат ва оммавийликка ҳали эриша олганимиз йўқ. Марказий Қомитет Бюроси турғунликка, беғамликка ва хотиржамликка қарши курашда кўпгина партия ташкилотларининг потенциал имкониятларини ишга сола олмади. Кўпгина секретарлар ҳамон раҳбарларнинг ўзига хос сояси бўлиб турибди, эскичасига ишламоқда, ношуд маъмурларнинг хўжасизлигига тоқат қилиб, уларнинг раъйига қараб иш тутмоқда.

Бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш соҳасидаги иш партияга қабул қилишда ва партия сафларини мустаҳкамлашда КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилоти хусусидаги маълум қарорида кўрсатиб ўтилган катта камчиликларни тугатиш билан бевосита боғлиқдир. Бу муҳим масала Марказий Қомитет пленумида, барча партия ташкилотларида кўриб чиқилди. Партия комитетлари КПСС сафларига қабул қилинувчиларни механик тарзда тартибга солишдан, қаттиқ чеклаб қўйишдан воз кечдилар. Ишчилар ва колхозчилар, инженер-техник ходимлар, ўқитувчилар, врачлар, фан арбоблари орасида партия ўзагини мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор берила бошлади. Партия сафларининг ўсиш фазасини вужудга келтириш чоралари кўрилди, партияга кирувчиларни танлаб олиш жараёнлари демократиялаштирилди.

Тошкент область партия ташкилотида коммунистларни аттестациядан ўтказиш бошланди. Фарғона область партия ташкилотида бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик кўриги кучайтирилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга, партия ташкилотларини пассивлик ва принципсизликдан халос этишга кўмаклашиши шубҳасиз.

Шу билан бирга, Тошкент областининг айрим партия комитетлари эҳтиёткорлик қиламан деб, аслида партияга қабулни тўхтатиб қўйдилар. Бўзатов, Чироқчи, Олтинсой, Ҳазорасп район ташкилотларида эса бунинг акси содир бўлмоқда — бу жойларда ҳамон қабулни жадаллаштиришга йўл қўйилмоқда. Партияга қабул қилинувчиларнинг социал ва миллий составида оғишларни тугатиш учун ҳамма чоралар кўрилмаган.

Ҳозир кадрлар билан ишлашда, партия комитетларининг иш услуби ва методларида, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишда ҳали ҳам туб бурилиш рўй бермаган экан, бунда Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг ва шу бўлим мудири, Марказий Комитет Бюросининг аъзоси ўрток П. В. Догонкиннинг каттагина айби бор. Унинг раҳбарлигидаги бўлим ташкилий-партиявий ишни қайта қуришга ҳали ҳам руҳ бағишлаётгани йўқ. Аппарат ходимлари расмиятчилик ва тадбирбозликни сусткашлик билан тугатмоқдалар, партия органлари ва ташкилотлари фаолиятидаги янги жиҳатларни дуруст таҳлил этмаяптилар. Қоғозлар миқдори бирмунча камайган бўлса ҳам, Ташкилий-партиявий ишлар бўлимидан телефон орқали қўнғироқ қилишлар кўпайиб кетди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бюрократик услубнинг турқини эмас, балки услубнинг ўзини ўзгартиришимиз керак. Баъзи ўртоқлар бунинг фарқига етмаяптилар.

Кўрсатиб ўтилган бу камчиликлар Марказий Комитетнинг иккинчи секретари ўрток В. П. Анишчев фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. У ишда Марказий Комитет бўлимларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга кўпроқ эътибор бериши ва бутун диққат-эътиборни ташкилий-партиявий йўналишдаги масалаларга қаратиши керак. Республика даражасидаги раҳбарларни ўз вазифаларини аниқ бажаришга, камроқ масалаларни ўзларига боғлиқ қилиб қўйишга активроқ ундаш лозим. Кадрларнинг фаолиятини кўпроқ назорат қилиш ва умуман назорат ва ижрочиликнинг пухтароқ механизмини ҳосил қилиш керак. Бу соҳада ҳам

айникса жамоат ташкилотларининг ишини мувофиклаштириб туриш талаб этилади.

Мисол учун касаба союзларини олиб кўрайлик. Улар давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунни кучга киритишга ярим йил тайёргарлик кўрган бўлсалар ҳам, аммо бунга улгурмадилар. Йил бошларида 9 мингта корхонадан атиги 1300 тасида меҳнат коллективларининг кенгашлари тузилган эди. Касаба союзлари меҳнатнинг хавф-хатарсиз шароитларини яратиш, ишдан ташқари вактларда ишлатишни тугатиш, интизомни мустаҳкамлаш ишида ўз сўзини айтгани йўк. Икки йил мобайнида ишлаб чиқаришда лат ейиш, касб касалликларига чалиниш миқдори камаймади, прогул ва ишга чиқмаслик ҳоллари яна кўпайиб кетди. Хўш, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети бунинг учун кимни жавобгарликка тортди, раҳбарларнинг кай биридан жавоб талаб қилди? Ҳеч кимни жавобгарликка тортмади ва ҳеч кимдан жавоб ҳам талаб қилмади. Социалистик мусобақани ташкил этишда ҳозирча пешқадамни ажратиб кўрсатишгина касаба союзларининг асосий иши бўлиб қолган. Хуллас, Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат, Узсовпроф Раиси ўрток Ҳ. А. Алимова ўз ишини танқидий ва талабчанлик билан таҳлил қилиб чиқиши, фаолиятнинг бош йўналишларини аниқлаб олиши, уни қатъият ва изчиллик билан қайта қуриши керак.

Комсомол ҳам ўзига кўпрок эътиборни талаб қилади. 170 минг комсомол аъзоси ҳеч қаерда ишламаяпти, ёшлар орасида ижтимоий пассивлик ва нигилизм, ичкиликбозлик ва нашавандлик камаймаяпти. Бизнинг фаолиятимизда ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш масалалари устун бўлиши лозим. Якин ўтмишда бу масалага муносиб аҳамият берилмаганлиги оқибатида кўпгина кулфатлар содир бўлди.

Кейинги вактларда ёшлар билан ишлашнинг янги формалари пайдо бўлди. Олий Совет ҳузурида депутатларнинг комсомол группаси тузилди. Жойларда совет демократияси дарслари ўтказилмоқда. Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг ташаббуси билан балоғат ёшига етган кишиларга паспортлар донгдор кишилар иштирокида тантанали равишда топширилмоқда. Кейинги вақтларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мароқли янгиликлар пайдо бўлди. Бундай формалар совет анъаналарига муҳаббат ва ҳурмат билан қарашни тарбиялайди. Ёшлар билан ишлашнинг янги таъсирчан формаларини бундан буён ҳам изламоқ лозим.

Республика меҳнаткашлари ҳушёрлик учун кураш жамиятининг, хотин-қизлар кенгашларининг ва бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг актив ишини ҳали ҳам сезмаяптилар.

V. Оммага таяниб, ишдаги демократия ва коллегиалликни ривожлантирайлик

Республика партия, совет, хўжалик органларининг ишида демократизм ва ошкораликни ривожлантириш меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларига сезгирлик ва эътибор билан қарашни талаб этади.

Кейинги икки йил ичида Марказий Комитетга гражданлардан 50 мингтадан кўпроқ хат ва ариза тушди, Марказий Комитет секретарлари, бўлим мудирлари қабулида 20 мингдан кўпроқ киши бўлди. Бу — аввалги йилларга қараганда анча кўпдир.

Бир томондан, бу — одамларнинг сиёсий, ижтимоий активлиги ошганлигидан далолат беради. Уларнинг гражданлик позицияси мустаҳкамланмоқда, улар бюрократизм, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ахлоқ ва одоб нормаларини бузиш фактларига ортиқ тоқат қилишни хоҳламайдилар.

Иккинчи томондан эса, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилаётганлиги тўғрисидаги хатлар кўпайиб бораётганлиги бизни ташвишга солмай қола олмайди. Такрорий шикоятлар ҳам кўпайди, бултур уч мингтага якин мана шундай шикоят тушди.

Қилинган таҳлилдан маълум бўлишича, Марказий Комитетга мурожаат этилганидан кейин, гражданлар кўтариб чиққан кўпгина масалалар ижобий ҳал этилмоқда ёки аризачиларга далил-исботли, асосли жавоблар қайтарилмоқда. Аммо, нега инсонни ўз муаммолари билан Марказий Комитетгача етиб келишга мажбур қилдилар, бу муаммоларни уй-жойлардан фойдаланиш идоралари, район социал таъминот бўлимлари, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, район ижроия комитетлари, ниҳоят район партия комитетлари ҳал этсалар бўлади-ку, деган табиий савол туғилади.

Ўз фикрини дарров айтган, юқорида турган амалдорларнинг камчиликларини кўрсатган кишиларни қувғин қилиш ҳам барҳам топган эмас. Чунончи, 1987 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тушган аризада Охунбобоев район партия комитетининг инструктори ўрток М. Каримов райкомнинг биринчи секретари Э. Холматов танқидга чидай олмаслигини, партия турмуши нормаларини бузаётганини хабар қилган эди.

Фарғона область партия комитети (ўрток Ҳ. У. Умаров) мазкур фактларни салкам бир йил давомида текширди, шу фактлардан кўпчилиги тасдиқланди. Бироқ обком ходимлари айбдорлардан қаттиқ жавоб талаб қилиш ўрнига ариза ёзган кишининг ишлари ва феъл-атворидан камчиликлар қидириб топишга киришиб, уни партиявий жавобгарликка тортганлар, эгаллаб турган лавозимидан бўшатганлар. Партиянинг сиёсатини сохталаштирган райком биринчи секретарининг нотўғри хатти-ҳаракатлари эса яна Марказий Комитет аралашганидан кейингина тегишли баҳо олди.

Ҳозир танқидни бўғиш, айниқса танқид учун қувғин қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишга тоқат қилиб бўлмайди ва бундай уринишлар партиянинг ошкоралик ва демократизмни ривожлантириш йўлига қарши деб ҳисобланиши лозим. Агар масала кенгроқ қилиб қўйиладиган бўлса биз ҳаммамиз ўзимизни танқидга тўғри, большевикча муносабат руҳида тарбиялашимиз, хато-нуқсонларни тан олмасликдан, ҳаддан ташқари жиззакилик қилишдан, В. И. Ленин жирканиб, коммунистик манманлик деб атаган иллатдан халос бўлишимиз керак. Ҳозирги замон раҳбари ўз ишига ўзини-ўзи танқид асосида қараш ва танқидга амалий, хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш фазилатларини ўзига сингдириб олиши керак, деб ўйлаймиз. Барча кадрларимиз одамлар ҳақида, уларнинг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Бу — ҳар қандай раҳбар фаолиятининг бош мезонидир.

Айни вақтда туҳмат ва ёлғон, чақимчилик йўли билан ҳалол кадрларга доғ тушириш имкониятини соқит қилиш керак. Бизнинг фикримизча, одамларни бадном қилиш мақсадини кўзловчи имзосиз хатлар кўриб чиқилмаслиги лозим. Пленумимиз қатнашчилари шундай ёндашувни қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман.

Ўртоқлар! Бюрода ижодий муҳит ҳолати, шунингдек умуман Марказий Комитет аппаратининг фаолияти бутун республика партия ташкилотининг иши учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини тушуниб турибмиз. Марказий Комитет Бюроси қайта қуриш шароитида ўз ишини қандай йўлга қўйди?

Сайлаб қўйиладиган коллегиал органлардаги вазият ҳозир яхшиланди деб айтиш мумкин, деб ўйлайман. Мансаб обрўсининг аввалгидек тазйиқи йўқ, доҳийчилик йўқ, шак келтириб бўлмайдиган фикр ва мулоҳазалар, танқид учун ёпиб қўйилган зоналар йўқ. Бюро ва секретариат мажлисларида, кундалик жорий ишда ошкора, рўй-рост фикрлашилмоқда, ишларнинг аҳволи ва ўз фаолиятимиз ўз-ўзини танқид асосида таҳлил этилмоқда, баъзан баҳслар бўлмоқда, шу баҳслар давомида умумий фикр ҳосил бўлмоқда, у ёки бу проблемаларни ҳал этишнинг конкрет чора-тадбирлари белгиланмоқда.

Марказий Комитет Бюроси ва Секретариати ўз ишининг услуби ва методларини қайта қуришга ҳаракат қилар экан, ўтказилаётган мажлислар ва қабул қилинаётган ҳужжатлар миқдорини чеклашга интилдилар. Партия комитетларига юборилаётган ва Марказий Комитетга тушаётган қоғозлар оқими бирмунча қисқарди. Шундай бўлса-да, бу қоғозлар миқдори ҳали ҳам жуда кўп. Йил давомида Марказий Комитетга салкам 40 мингта турли ҳужжат тушганини, жойлардан сўраб олинадиган ахборот ва маълумотлар сони 40 процент кўпайганини айтиш кифоя.

Марказий Комитет Бюроси, Секретариати партия органларига хос бўлган мажлисбозлик каби камчиликдан халос бўлгани йўқ. Марказий Комитетда, Министрлар Советида, Давлат агросаноат комитетида ва республиканинг бошқа органларида кўпдан-кўп, қуруқ кенгашлар ўтказавериш қайта қуриш соҳасидаги амалий иш йўлида тўсиқ ва тўғаноқ бўлиб қолди. Бу кенгашларнинг кўпчилиги ҳаммага маълум бўлган муаммоларни такрорлаш билан чекланди, шу муаммоларни ҳал этишга оид амалий, аниқ-равшан таклиф ва ишчан чора-тадбирлар белгиланмади. Ходимларнинг кўп вақти беҳуда кетди. Ўтган йили область ижроия комитетларининг раисларигина Тошкентдаги мана шундай тадбирларга ҳар бири 35—40 кун вақтини кетказганлиги ҳисоблаб чиқилди.

Вакиллар юборишдек партия қоралаган одат кейинги вақтларгача давом этиб келди. Қишлоқ хўжалик кампанияларининг долзарб пайтида область ва районларга, хўжаликларга партия, совет ходимларининг кўпдан-кўп бригадалари юборилди, улар маҳаллий органларнинг оператив фаолиятига аралашдилар, уларнинг ташаббусини бўғиб қўйдилар ва топширилган иш соҳаси учун раҳбарларнинг масъулиятини пасайтириб юбордилар.

Мана шу қоғозбозликлар, мажлисбозликлар, фаолиятни жўшқин қилиб кўрсатиш йўлидаги сохтакорликлар, ҳақиқатда эса эски расмиятчилик усулларига ихлосмандликлар жонли ишга халақит беради. Бу нарса ижрони ташкил этиш ва контрол қилишга айниқса салбий таъсир ўтказади. Ҳолбуки В. И. Ленин ижрони ташкил этиш ва контрол қилишни бутун партиявий ишнинг ўзаги деб таълим берган эди.

Биттагина характерли мисол айтиб бермоқчиман. Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими Иштихон район партия комитетининг пахта теримини механизациялаш даражасини ошириш тўғрисидаги ишига оид қарорни назоратдан чиқаришни таклиф қилди. Аммо бўлим ҳужжатда белгиланган тадбирлар бажарилишини ва амалга оширилиши контрол қилинишини таъминламай туриб шу таклифни киритди.

Ўтган йилги терим мавсуми ишларнинг ҳақиқий аҳволини Марказий Комитет ходимларидан кўра яхшироқ синовдан ўтказди. Райондаги 14 та колхоздан 13 таси пахта тайёрлаш планини уддалай олмади, барча колхозлар машина терими топшириқларини бажармади, унинг салмоғи 43 процентдан ошмади. Район давлатга 20 минг тонна пахта кам берди. Колхозчилар меҳнат ресурслари билан юқори даражада таъминланган бўлишига қарамай, ҳунар-техника билим юртларининг ва мактабларнинг ўқувчилари пахта йиғим-теримига жалб этилди.

Шу муносабат билан қайта қуриш шароитида ишга руҳ бағишлаши лозим бўлган Марказий Комитет аппарати ходимларининг билимдонлиги, малакаси, партиявий етуклиги даражаси тўғрисидаги масала принципиал равишда кўндаланг бўлиб турибди. Республика партия ташкилотининг штабида ҳаётнинг катта сабоғини олган, талабчан, айни вақтда одамларга эътиборли ва хайриҳоҳ бўлган кўпгина тажрибали, етук ўртоқлар бор. Кейинги вақтларда кўпгина ёш ходимлар келишди, улар қуйи партия бўғинларидан, қайноқ ҳаётдан янги оқим олиб келдилар. Бўлимларнинг фаолиятида янги жиҳатлар намоён бўлмоқда. Чунончи, қурилишга раҳбарлик қилаётган ходимлар тармоқнинг партия активлари билан тез-тез учрашадиган бўлиб қолдилар. Айни вақтда бундай учрашувлар расмий, атайлаб уюштирилган тадбирлар чоғида эмас, балки айтиш мумкинки, иш юзасидан ўтказилмоқда. Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг ходимлари, айниқса инспекторлар иш вақтининг деярли ярмини бевосита маҳаллий партия ташкилотларида ўтказмоқдалар.

Шунга қарамай, Марказий Комитет аппарати ягона, яхши йўлга қўйилган механизм сингари иш кўрмоқда, деб бўлмайди. Марказий Комитет бўлимларининг ходимлари ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотларда кам бўладилар, командировкаларга бориб, фақат идорага тегишли масалаларнигина ҳал этадилар, партия комитетлари ва қуйи партиявий бўғинлар фаолиятини чуқур ўрганмай, иш услуби ва методини қайта қуришда уларга етарли амалий ёрдам бермайдилар. Ходимларимиз меҳнат коллективларида камдан-кам лекциялар ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Одамлар билан маслаҳатлашиб, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини чуқур ўрганмаяптилар. Бир сўз билан айтганда, сокин кабинетларда қайта қуришни амалга оширишга уринмоқдалар. Қайта қуриш революцион

жараён бўлиб, унда амал курсисида ўтириб катнашиш мумкин эмас-ку, ахир.

Бюро ва Секретариат ишини таҳлил этишни тугаллар эканмиз, биз расмиятчиликдан ҳам узил-кесил халос бўла олмаганлигимизни рўй-рост айтиш керак. Марказий Комитетнинг коллегиал органлари ўнлаб турли планлар ва комплекс программаларни тасдиклади, аммо ана шу план ва программаларнинг бажарилиши устидан аник контрол ва жавобгарлик белгиланмади.

Бюро аъзолари, секретарлар у ёки бу йирик проблемаларга ёндашишда бирмунча маҳкамачиликка йўл кўймокдалар. Коллектив таҳлил, коллектив позиция зарур бўлган жойларда кўпинча субъектив фикр устунлик килмокда. Марказий Комитетнинг идеология ишларини кайта куриш масалалари кўриб чикилган III пленумида ҳам кўп жиҳатдан айни шундай бўлди. Партиявий-сиёсий раҳбарликнинг энг муҳим йўналишини чукур, илмий жиҳатдан асосланган тарзда таҳлил этишга муваффак бўлинмаганлиги, баландпарвоз гаплар амалий мазмунга эга эмаслиги, кўпдан-кўп комплекс программалар деб аталган программалар курук расмиятчилик бўлиб колганлиги бугунги кунда тобора яккол сезилиб колмокда.

Бугун шуни маълум килиш керакки, якинда Марказий Комитет Бюросида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пахтачиликка бағишланган VII пленумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлик нохуш гаплар бўлди. Агар рўй-рост гапирадиган бўлсак, пленумда республика экономикасининг етакчи тармоғидаги ишлар чинакамига, принципиал таҳлил этилмаган.

Келгусидаги ишларнинг кўлами ва янгилиги, республикани сифат жиҳатидан ўзгартиришнинг ҳозирги боскичи Марказий Комитет Бюросидан ўз ишига баҳо беришда янгидан-янги куч-ғайратларни, энг кўп даражада принципиалликни, ишчанлик ва фидойиликни талаб этади.

Биз ишда демократизм ва коллегиалликни бутун чоралар билан ривожлантиришимиз, активларга кўпрок таянишимиз лозим. Мазкур пленумга тайёргарлик даврида салкам уч минг нафар партия, совет, хўжалик ходими ва партия ташкилотларининг секретарларига анкета таркатилди. Марказий Комитет аъзоларининг катта группаси жойларда партиянинг энг муҳим карорлари кандай бажарилаётганлигини бевосита текширишга жалб этилди, доклад тезислари активлар кенгашларида кенг муҳокама килинди. Биз барча айтилган фикр ва таклифларни пухта ўрганиб чикдик, муҳокамангизга кўйилаётган ҳисобот ва карорда уларни назарда тутишга ҳаракат килдик.

Ўйлаймизки, пленумимиз алоҳида талабчанлик палласи бўлиб колади, унинг катнашчилари бутун Марказий Комитет Бюроси, шунингдек унинг айрим аъзолари ишидаги камчиликларни, уларнинг фаолиятини кучайтириш йўлларини партиявий ошкоралик ва рўй-ростлик билан кўрсатиб берадилар.

Ўртоклар! Бутуниттифок XIX партия конференциясига роппа-роса беш ой колди. Ана шу шонли вокеа арафасида барча йўналишлар ва даражаларда ишни шундай йўлга кўйиш зарурки, ҳар бир коммунист ўзига топширилган соҳада масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимай, маҳорат ва зўр ғайрат билан ҳаракат килсин. Ташкилотчилик ва идеологик ишлар самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, партиявий таъсирни ва партиявий раҳбарлик таъсирчанлигини кучайтириш билангина республикани социал-иктисодий ривожлантиришни реал жадаллаштиришимиз, унинг мамлакат халк хўжалиги комплексига кўшадиган ҳиссасини кўпайтиришимиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК IX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ҚАЙТА ҚУРИШГА РАҲБАРЛИК ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК БЮРОСИНИНГ ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг қайта қуришга раҳбарлик юзасидан ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, пленум шуни қайд этадики, Марказий Комитет Бюроси КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг, партия XXVII съездининг ва Марказий Комитет кейинги Пленумларининг йўл-йўриқларига мувофиқ республика учун масъулиятли даврда Ўзбекистон Компартияси барча бўғинларининг куч-ғайратларини иқтисодий ва социал тараққиётнинг етук проблемаларини ҳал этишга, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга қаратди. Салбий ҳодисаларнинг оқибатларини тугатиш, кадрлар корпусини тозалаш, ички партиявий турмушнинг ленинча нормалари ва принципларини қайта тиклаш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби ҳамда методларига кўпроқ эътибор берила бошлади. Топширилган соҳалардаги ишларнинг аҳволи учун кадрларга нисбатан талабчанлик оширилмоқда. Ижтимоий-сиёсий турмушни демократиялаш жараёни чуқурлашмоқда. Республика экономикасида баъзи ижобий силжишлар рўй берди, социал программани активроқ амалга оширишга ёндашувлар пайдо бўла бошлади.

Шу билан бирга пленум ҳисоблайдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси экономикани ва социал соҳани ривожлантиришда турғунлик тенденцияларидан унчалик қатъият билан халос бўлаётгани йўқ, қайта қуришга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишда туб бурилишни таъминлагани йўқ. Марказий Комитет Бюроси, Секретариати маънавий муҳитни соғломлаштиришда, салбий ҳодисаларга қарши курашда охиригача изчиллик, қатъият ва муросасизлик кўрсатганлари йўқ, ўз обрўсини тўккан раҳбарларга нисбатан кўнгилчанлик ва юзхотирчилик республиканинг бошқа партия ташкилотларига ҳам ўтди. Ўртада турган вазифаларни ҳал этишга партиявий, сиёсий таъсирнинг ҳамма форма ва воситалари ишга солинмаган. Хўжалик, маданий қурилишнинг, маънавий соҳанинг кўпгина участкаларида янгиланиш сари бурилиш ҳаддан ташқари сусткашлик билан амалга оширилмоқда.

I

Марказий Комитет Бюроси, Секретариати қайта қуришнинг бош сиёсий вазифаларидан бири — жамиятни янада демократиялаш вазифасини ҳал эта туриб, бу жараёнлар ҳар бир партия ташкилоти ва меҳнат коллективининг турмушида муқаррар, белгиловчи жараёнлар бўлиб қолишига ҳали ҳам эришгани йўқ. Бюро кенгайиб бораётган демократия ва ошкоралик шароитида раҳбарликнинг сиёсий усулларини эгаллашда область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига етарли ёрдам бермаяпти.

Марказий Комитет Бюроси ички партиявий демократияни ривожлантиришда муносиб намуна кўрсатмаяпти, қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда сайлаб қўйилган активларга тузук таянмаяпти. Марказий Комитетнинг кўпгина аъзолари конкрет топшириқларни бажаришга жалб этилмаяпти, улар қарорларни ишлаб чиқишда, таклифлар тайёрлашда қатнашмаяптилар.

Кадрларнинг сайлаб қўйилиши ва ошкора кўтарилиши меҳнат коллективларига раҳбарликни мустаҳкамлашнинг ҳали ҳам таъсирчан воситаси бўлиб қолган эмас, танқид кўп жиҳатдан танлаб қилинадиган, хушомадгўйлик тусини олмоқда, ўз фикрини ошкора айтишга, юқори раҳбарларнинг камчиликларини рўй-рост кўрсатишга журъат этган кишиларни қувғин қилиш барҳам топган эмас.

Марказий Комитет Бюроси сиёсий система ва ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг барча бўғинлари актив ишлашига эриша олгани йўқ. Халқ депутатлари Советлари ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлар ва ваколатлардан ҳали ҳам суст фойдаланмоқдалар. Касаба союз комитетлари меҳнат коллективларининг кенгашларини тузиш, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, амалий социалистик мусобақани ташкил этиш масалаларини унчалик сабот ва изчиллик билан ҳал этмаяптилар. Республика Халқ контроли комитети ўғрилик, қўшиб ёзиш иллатларини ва хўжасизликнинг бошқа кўринишларини тугатишда етарли даражада қатъият кўрсатмаяпти, экономикада ва социал соҳада етилган йирик проблемаларни танқидий анализ қилишдан ўзини четга олмоқда. Қайта қуриш вазифаларини амалга оширишга комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари етарли жалб этилмаяпти.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси, Секретариати зиммасига ички партия ва жамоат турмушини кенг демократиялашга асосланган иш услубини активроқ ўзлаштириш, ҳамма жойда ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, ташаббускорлик ва ижодий изланиш вазиятини қарор топтириш ҳамда мустаҳкамлаш вазифасини юклайди.

Ишдаги коллективчилик принципи тўлиқроқ амалга оширилсин, республика партия ташкилоти олдида турган амалий вазифаларни ҳал этишда сайлаб қўйилган органлар аъзоларининг роли оширилсин. Марказий Комитет Бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет секретарларининг улар билан мунтазам учрашувлари одат тусига киритилсин, уларнинг комитет номидан конкрет топшириқларни бажаришлари, ишларнинг аҳволини ўрганишдаги, пленумларда, Бюро ва Секретариат мажлисларида муҳокама қилинадиган таклифларни тайёрлашдаги, қабул этиладиган қарорларнинг бажарилишини уюштиришдаги бевосита иштироки таъминлансин.

Оммани жамият ишларини бевосита бошқаришга жалб этишга ҳар томонлама кўмаклашилсин. Улар турмуши ва фаолиятининг, республика иқтисодий ва социал тараққиётининг энг муҳим, принципиал масалалари меҳнат коллективларида кенг, ошкора муҳокама қилиниши нормага айлантирилсин. Раҳбарларни сайлаб қўйиш, кадрларни кўтаришдаги ва резервни вужудга келтиришдаги ошкоралик ҳамма жойда жорий қилинсин.

Пленум ҳисоблайдики, Марказий Комитет Бюроси Советлар, касаба союзлари, комсомол, халқ контроли органлари, бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарликни яхшилаши, уларнинг қайта қуриш ташкилотчилари сифатидаги ролини ошириши, улар экономика ва социал соҳани бошқариш масалаларида ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқ ва ваколатларни тўла-тўкис амалга оширишларига, омманинг ташаббуси, сиёсий активлигининг янги форма ва усулларини сабот билан қидирадиган бўлишларига интилиши зарур.

II

Пленум қайта қуриш иши учун туб иқтисодий ислоҳотнинг принципиал муҳимлигини таъкидлаб, Марказий Комитет Бюроси, республика ҳукумати партия, совет, хўжалик органларини хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтишга ҳар томонлама ва чуқур тайёргарлик кўришга ўз вақтида ундамаганликларини, уларга нисбатан дуруст талабчанлик қилмаганликларини, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар экономикасини соғломлаштириш учун зарур чора-тадбирлар кўрмаганликларини таъкидлайди.

Саноатга раҳбарликни тубдан яхшилаш таъминланмади. Хўжалик раҳбарларининг фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва қайта қуроллантириш масалаларидаги консерватизмига ҳамиша ҳам принципиал

баҳо берилмаяпти. Улардан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш Комплекс программасининг амалга оширилиши учун муносиб жавоб талаб қилинмаяпти. Саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг ўртача йиллик суръатлари пасайди, фондларнинг самарадорлиги камайишининг олди олинмади, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиш даражаси мамлакатдаги энг паст даражалардан бири бўлиб турибди.

Марказий Комитет Бюроси капитал қурилишда вужудга келган сусткашлик механизмини бартараф этишга эришмади. Планнинг энг муҳим кўрсаткичи — асосий фондларни ишга тушириш топшириғи бажарилмади, чала қолган қурилиш салмоғи ошмоқда. Қурилиш тармоғи коллективларида меҳнат унумдорлиги ва иш сифати ўсмаяпти, меҳнатни ташкил этишнинг янги самарали формалари ва хўжалик ҳисоби суст жорий қилинмоқда. Бинокорлик материалларининг узлуксиз етишмаслиги қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларини ошириш йўлидаги энг катта тўсиқ бўлиб қолди. Тармоқда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш системаси йўқ.

Транспорт ташкилотларининг самарали ишлаши таъминланмади. Юкларни ташишга қилинадиган транспорт харажатлари, аввало, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама қисқартирилиши лозим бўлган чиқимлари эканлигидан иборат тушунча қарор топган эмас.

Марказий Комитет Бюроси партия, совет, хўжалик органларининг бутун куч-ғайратларини агросаноат комплексидаги, аввало пахтачилик ва шоликорликдаги ишларнинг аҳволини тубдан яхшилашни таъминлашга қаратиш учун тегишли чора-тадбирларни кўрмади. Республиканинг ер-сув ресурсларидан, табиий-иқтисодий имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Суғориладиган ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги ҳаддан ташқари паст, чорвачиликни ривожлантиришнинг экстенсив характери сақланиб қолмоқда. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формалари, айникса, сут-товар фермаларида йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан жорий этилмоқда, қўйчилик орқада қолаётганлиги қаттиқ ташвиш туғдирмоқда. Механизациялашга қарши кайфиятларга муносиб баҳо берилмаяпти. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш, асраш ва қайта ишлаш базасини жадал ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш муаммолари муносиб тарзда ҳал этилмаяпти.

Марказий Комитет Бюроси социал вазифаларни ҳал қилишдаги қолоқликни бартараф этишга муваффақ бўлмаганини пленум алоҳида ташвиш билан қайд этади. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммоларининг ўткирлиги пасаймаяпти. Демография вазияти мураккаб бўлишига қарамай, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш суръатлари пастлигича турибди, соғлиқни сақлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Аҳолига савдо, маиший, коммунал ва транспорт хизматини ташкил этишда, алоқа хизматини кўрсатишда катта камчиликлар бор. Халқ депутатлари Советларининг социал муаммолари сари қатъий бурилиш ясаш учун зарур бўлган ҳамма чора ва тадбирлар кўрилмаяпти.

Пленум Марказий Комитет Бюроси, республика ҳукумати зиммасига туб иқтисодий ислоҳот актив ўтказилишини таъминлаш, партия комитетларидан, хўжалик органлари ва уларнинг раҳбарларидан бошқарув ва хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтилиши, социал инфраструктура, одамларнинг психологияси қайта қурилиши муносабати билан меҳнат коллективларида рўй бераётган жараёнларни кун сайин чуқур таҳлил этишни талаб қилиш вазифасини юклайди. Иқтисодий ислоҳот принципларининг бутун комплексини меҳнат коллективларининг фаолиятига амалий равишда жорий этишга ҳар томонлама кўмаклашилсин.

Кўпчилик раҳбар кадрларнинг хўжалик юритиш иқтисодий усулларини амалда қўллана олмаслиги қайта қуришга халақит берувчи жиддий омил эканлиги эътиборга олиниб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, министрликлар ва идораларга Марказий Комитет тармоқ бўлимларининг актив иштироки билан барча кадрлар ва оммавий касб мутахассисларининг ўқувини қайта ташкил этиш, уни ҳар бир тармоқдаги, ҳар

бир корхонадаги ишлаб чиқаришнинг конкрет вазифаларига ва хусусиятларига имкони борича яқинлаштириш топширилсин.

Пленум Марказий Комитет Бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, министрликлар ва идоралар, область ижроия комитетлари коллектив, якка ва оилавий пудрат шароитидаги энг яхши иш тажрибасини умумлаштириб, 1988 йилдан бошлаб уни ҳамма жойда ёйиш ва жорий қилишни ташкил этишлари зарур, деб ҳисоблайди.

Бошқарув структурасини такомиллаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни яхшилаш, барча тармоқларни чуқур реконструкция қилиш асосида фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқларини, структура ва инвестиция сиёсатидаги ўзгаришларни эътиборга олиб, республиканинг ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини, сарфланган маблағнинг ҳар сўми ҳисобига имкони борича кўпроқ наф олишни оширишга эришилсин.

Саноат ишлаб чиқаришини жадал комплекс қайта қуроллантириш таъминлансин, бу ишлаб чиқариш жаҳондаги ва мамлакатимиздаги замонавий даражага мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилсин, бу иш асосан иқтисодий ўсишнинг бош омилига айлантирилсин. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажмларини йилига ўрта ҳисобда 6,1 процент, меҳнат унумдорлигини камида 4,4 процент оширишга эришилсин. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун амал қилиб турган бир пайтда шартномавий интизомни мустаҳкамлаш, барча турдаги ресурсларни тежаш учун очилаётган имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланилсин.

Капитал қурилишдаги инвестиция циклини анчагина қисқартиришга эришилсин. Ишлаб чиқариш базаси изчиллик билан модернизация қилинсин, қурилиш маҳсулотлари ва конструкциялари, маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришда илғор технологияларни қўлланиш кенгайтирилсин. Қурилиш, айниқса, уй-жой қурилиши сифати ҳар томонлама оширилсин. Тармоқнинг барча бўлинмаларини коллектив пудратга ўтказиш, қурилиш комплексини бошқариш структурасини такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилсин. Қурилишдаги меҳнат унумдорлиги йилига камида 5 процент оширилиши таъминлансин.

Республика агросаноат комплексининг муттасил, жўшқин ривожланиши йўлга қўйилсин. Шу беш йилликда деҳқончилик ва чорвачиликнинг илмий асосланган системаларига, сув тежаладиган интенсив технологияларга, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг замонавий усулларига ўтиш асосан тугаллансин.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш иши кучайтирилсин, уларни реконструкциялаш 1991 йилгача асосан ниҳоясига етказилсин. Пахтачилик самарадорлигини тубдан ошириш, пахта-беда алмашлаб экишни сўзсиз жорий этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлаш ва қайта ишлаш базасини жадал ривожлантириш таъминлансин. Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари, якка тартибдаги боғдорчилик ва полизчилик ривожлантирилсин. Беш йиллик охиригача ҳар йили пландан ташқари 130—150 минг тонна пахта етиштиришга ҳаракат қилинсин. Донли экинлар, картошка ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги кескин оширилсин. Партия, совет ва хўжалик органларининг куч-ғайратлари республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эхтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга қаратилсин.

Пленум Марказий Комитет Бюросининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, республика Министрлар Советининг, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, партия, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг социал соҳани ривожлантириш муаммоларига диққат-эътиборини кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрилсин. Уй-жой программасини муваффақиятли ҳал қилиш учун қурилиш комплексининг ишлаб чиқариш потенциали тўла-тўкис ҳаракатга келтирилсин. Уй-жой қурилишида хўжалик усули, кооператив ва якка тартибда иморат қуриш усули кенг ривожлантирилсин ва жорий этилсин. Шу асосда ҳар йили уй-жой қурилиши планларини 15 процент ва ундан ҳам кўпроқ ошириб бажаришга эришилсин. Мактаблар ва

мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, маданий-маиший объектлар тармоғининг жадал ривожлантирилиши таъминлансин. Даволаш муассасаларини талабга жавоб берадиган биноларга кўчириш, уларни зарур медицина техникаси ва асбоб-ускунаси билан жиҳозлаш соҳасида республикадаги мавжуд имкониятлардан мумкин қадар фойдаланиш масаласи шу йил охиригача кўриб чиқилсин. Врачларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати қатъиян яхшиланиши таъминлансин. Комплекс программага мувофиқ, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва пулли хизматларни илдам ривожлантиришга ҳаракат қилинсин. Кооперативлар тузиш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш учун ҳамма жойда шароит яратилсин. Савдо, транспорт корхоналарининг иши тубдан яхшилансин.

Табиатни муҳофаза қилиш, экология вазиятини соғломлаштириш, ноёб табиат комплексларини сақлаб қолиш ишининг аҳволи қайта кўриб чиқилсин ва бу соҳадаги иш кучайтирилсин.

III

Пленум Марказий Комитет Бюроси идеология ишига партиявий раҳбарликда туб бурилишга эришгани йўқ, деб ҳисоблайди. Шу масъулиятли соҳада жанговарлик, изчиллик, вазминлик билан ёндашиш, ғоявий-тарбиявий тадбирларнинг қайта қуриш энг муҳим муаммолари билан монандлиги етишмаяпти. Идеология кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишда катта нуқсонларга йўл қўйилди. Оммавий-сиёсий иш, лекция пропагандаси ҳамон эскирган шакллар асири бўлиб турибди, сиёсий ва иқтисодий таълимнинг самарадорлиги паст. Интернационал тарбияда аниқ система йўқ, натижалар танқидий баҳоланмайди, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга муносиб эътибор берилмаяпти. Ислом динининг, бошқа динларнинг таъсирига, диний-патриархал урф-одатларга қарши курашда ўткирлик етишмаяпти. Оммавий ахборот воситалари демократиялаш ва янгиланиш жараёнларини чуқур ёритмаяптилар, ижодий ташкилотлар, маданият муассасалари ҳамон қайта қуришдан четда қолмоқдалар. Олий ва ўрта мактаб ислоҳоти қониқарсиз амалга оширилмоқда.

Жиноятчилик, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш зарур қатъият билан олиб борилмаяпти, ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш юзасидан иш қониқарсиз ташкил этилган. Гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, прокурор назорати суст амалга оширилмоқда.

Пленум Марказий Комитет Бюросига жамиятни демократиялаш жараёнини ва туб иқтисодий ислоҳотни идеологик жиҳатдан таъминлашни қатъий яхшилашни топширади. Идеология соҳасининг асосий участкалари синалган кадрлар билан мустаҳкамлансин. Сиёсий, тарбиявий ишнинг ҳаёт билан мустаҳкамроқ боғланишига эришилсин, бу иш ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткашга юксак ғоявий эътиқодни, маънавий-ахлоқий фазилатларни, актив ҳаётий позицияни, амалга оширилаётган ўзгартишларда зўр ғайрат билан иштирок этиш муддаосини сингдиришга бўйсундирилсин, омманинг социалистик демократия маданиятини эгаллаб олишига ёрдам берилсин.

Узоқ муддатга мўлжалланган интернационал тарбия программаси ишлаб чиқилсин, меҳнаткашларнинг, айниқса, ёшларнинг ватанпарварлик, маънавий, эстетик тарбияси масалалари билан, ёшларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш билан янада изчилроқ шуғулланилсин. Ўтмиш сарқитлари, диний бидъатлар, маънавиятсизлик, социал қарамлик билан кураш яна ҳам ўткирроқ ва ҳужумкорроқ бўлсин.

Оммавий ахборот воситаларига раҳбарлик даражаси оширилсин, мазкур воситалар демократиялаш ва иқтисодий ислоҳотнинг долзарб масалаларини теранроқ ёритишларига, қайта қуришдаги илғор тажрибани кенгроқ тарғиб этишларига, ошкораликни қарор топтиришларига, воқеликни объектив акс эттиришларига, камчиликларни дадиллик билан очиб ташлашларига эришилсин.

Ижодий союзлар ва маданият муассасалари, олий ва ўрта махсус таълим ишини қайта қуриш, умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ этиш юзасидан тадбирлар изчиллик билан амалга оширилсин. Ўзбекистон Компартияси Марка-

зий Комитети ҳузурида ижодкор зиёлилар билан ишлаш кенгашини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини принципиал, партия ишига садоқатли кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан иш давом эттирилсин, улар жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар билан муросасиз кураш олиб боришларига, шахсий ибратлари билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида интизомни, уюшқоқликни ва тартибни мустаҳкамлаш юзасидан партия ишлаб чиққан йўлни амалга ошириш учун юксак бурч, масъулият туйғусини намоён этишларига эришилсин.

IV

Пленум Марказий Комитет Бюроси, Секретариати ўз диққат-эътиборини партиявий иш услуб ва методларини такомиллаштиришнинг асосий масалаларига қаратишга, қайта қуришга раҳбарликнинг сиёсий методлари томон туб бурилиш қилишга муваффақ бўлмади, деб таъкидлайди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилашда, амалий резервни шакллантиришда, кадрлар масаласида нуқсонларни истисно этадиган ишончли механизмни яратишда зарур қатъият кўрсатилмаяпти. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қайта қуриш омилларини пухта эгаллаб олишларига Бюро ҳали эришгани йўқ. Илғор тажрибани умумлаштириб, партия иши практикасига жорий этишга зарур даражада аҳамият берилаётгани йўқ. КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилоти тўғрисидаги қарорида партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишида таъкидлаб ўтилган нуқсонлар секинлик билан бартараф этилмоқда.

Ўтказилаётган мажлислар ва кенгашлар, қабул қилинаётган ва сўраб олинаётган ҳужжатлар сонининг талаб этилаётганидек камайиши, Марказий Комитет аппаратининг жойлардаги жонли ташкилотчилик ишига томон кескин бурилиши содир бўлмади. Илгари бўлганидек ҳозир ҳам ижрони назорат этишда расмиятчилик ҳолларига, меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини кўриб чиқишга юзаки муносабатда бўлиш фактларига йўл қўйилмоқда.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси зиммасига қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар кўришни, республика партия ташкилоти барча бўғинларининг куч-ғайратларини халқ хўжалигига ва кишилар тарбиясига раҳбарликнинг сиёсий методларини тезроқ эгаллаб олишга сарфлашни юклайди.

Кадрлар ишини янада такомиллаштириш юзасидан конкрет тадбирлар кўрилсин, мазкур иш мунтазам, илмий асосда олиб борилсин, бу ишдаги пинҳонийлик ва расмиятчилик кўринишларига барҳам берилсин. 1990 йилгача кадрларнинг асосий ўзаги ва амалий резервини вужудга келтириш ниҳоясига етказилсин. Кадрлар корпуси янги кучлар, ёш ва истиқболли кадрлар билан ҳамиша тўлдириб борилсин, раҳбариятнинг изчиллигига қаттиқ риоя этилсин. Ишчи ва колхозчилар, партиясизлар, хотин-қизларни юқорироқ лавозимларга кўтариш практикаси кенгайтирилсин. Барча миллатларга мансуб кишиларнинг партия ва давлат органларидаги вакиллигига риоя қилинсин. Кадрларнинг мунтазам ўқиши ташкил этилсин. Кадрлар масаласида нуқсонларни мустасно этадиган ишончли механизм бунёд этилсин, шу мақсадларда кадрларни аттестациядан ўтказишдан, вақти-вақти билан уларнинг ҳисобот беришларидан ва улар билан суҳбатлашишдан самарали фойдаланилсин.

Кадрларнинг қайта қуришга муносабати, ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга улар қўшаётган реал ҳисса уларга баҳо беришдаги бош мезон, деб ҳисоблансин. Ҳар қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш йўли қатъият билан ўтказилсин. Ўз обрўсини тўкиб қўйган ва ишни барбод этган ходимларга нисбатан кўнгилчанлик ва принципсизлик фактларининг пайи қатъийлик билан қирқилсин.

Марказий Комитет Бюроси, Секретариати, бўлимлари область, шаҳар ва район партия комитетлари ишини қайта қуришга алоҳида эътибор берсинлар, эскича ёндашувларни бартараф этишда, услуб ва методларни қатъий янгилашда, ўз фаолиятини омма ўртасида олиб борилаётган амалий ишга кўчиришда ёрдам берсинлар. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги кўриги ҳамма ер-

да авж олдирилсин, ҳар бир бошланғич партия ташкилотида жўшқин иш услуби, сўз ва иш бирлиги, принципиаллик ва талабчанлик, амалий танқид ва ўз-ўзини танқид вазияти қарор топтирилсин. Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишига мунтазам ёндашув таъминлансин.

Марказий Комитет Секретариати, бўлимлари сайлаб қўйиладиган органларнинг қайта қуришга раҳбарлиги юзасидан ҳисобот бериб ўтказилган пленумлар ва йиғилишларнинг натижаларини бир ой ичида умумлаштириб, ана шу пленумлар ва йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида айтилган таклифлар ҳамда танқидий мулоҳазаларни амалга ошириш учун конкрет чора-тадбирлар кўрсинлар. Сайлаб қўйиладиган органларнинг ҳисоботлари якунларига кўра, энг кўп турғунлик аниқланган, иши қониқарсиз деб топилган партия ташкилотлари алоҳида назорат остига олинсин ва уларга амалий ёрдам берилсин.

Қайта қуришни жадаллаштиришда Марказий Комитет аппаратининг потенциалидан самарали фойдаланилсин, ходимлар билимдонлик, ташаббускорлик, ишга новаторларча ёндашув руҳида тарбиялансин. Партия ташкилотларида бевосита иш олиб бориш, жойларда амалий ёрдам кўрсатиш, партия йўлини рўёбга чиқариш улар фаолиятидаги бош вазифа бўлиб қолишига эришилсин.

Пленум Марказий Комитет Бюроси ва Секретариатининг аналитик, контрол ишини кучайтириш, ҳар бир партия комитети, ҳар бир коммунист коллектив орган қабул қилган қарорни ўз муддатида ва тўла ҳажмда бажаришни ҳам фарз, ҳам қарз деб биладиган вазиятни вужудга келтириш зарур, деб ҳисоблайди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми Марказий Комитет Бюроси қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичида етилган муаммоларни ҳеч кечиктирмай ҳал этиш, иқтисодий ва социал тараққиётнинг барча йўналишларида юксак кўрсаткичларга эришиш учун ишларни анча яхшилайди, деб ишонч билдиради. Сайлаб қўйиладиган органларнинг бўлиб ўтган ҳисоботлари КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришда, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олишда республика партия ташкилоти фаолиятига янги омил бахш этади.

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР: УНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТИ

А. ЛЕТУНОВ,
«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари

В. ҚАНДИНОВ,
философия фанлари доктори

КПСС нинг жамиятимизни революцион янгилашни идеологик жиҳатдан таъминлашга қаратилган стратегик йўли совет кишиларининг онгини қайта қуриш руҳида шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Янгича хилдаги иқтисодий тафаккурни ривожлантириш ушбу жараённинг ажралмас қисмидир. Социалистик қурилишнинг турли босқичларида бундай тафаккур ҳал қилинадиган халқ хўжалик проблемаларининг конкрет тарихий спецификасини акс эттирувчи мазмун билан бойимоқда.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида иқтисодий тафаккур асосан социализмни муваффақият билан бунёд этишнинг асосий шартлари сифатида янгича меҳнат интизомини ва унинг унумдорлигини оширишни таъминловчи йўлларни излашга йўналтирилган эди. Вақт ўтиб борган сари иқтисодий тафаккур ҳаётимиз ривожланишининг янги босқичига мувофиқ келувчи мазмун касб этиб борди, — 80-йилларгача у (концептуал даражада ҳам, ижтимоий психология ва одатий онг даражасида ҳам) хўжалик ривожланиши миқдорий стереотипларининг устун қоидаси сифатида характерланиб келди.

Миқдорий жиҳат ҳозирда ҳам кун тартибидан олиниши мумкин эмас, лекин ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш уни сифат мезонлари билан янада чамбарчас, кенг қамровли қилиб боғлашни тақозо этяпти. Бундай алоқани чуқурлаштириш зарурати объектив характерга эга. Социал-иқтисодий ҳаётдаги миқдор ўзгаришларининг муайян ўлчов доирасидан чиқиши сифат ўзгаришларини шартлагани сабабли сифат ва миқдор бирлиги таъминланиши керак. Ижтимоий ишлаб чиқариш суръатлари ҳақидами ёки аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш хусусидами, сўз нима ҳақида бормасин, миқдор фан-техника тараққиёти негизида ишлаб чиқаришни интенсивлаш билан боғланган сифатга зиён келтириб ривожланмаслиги керак. Қайта қуриш диалектикаси ана шундай, у мураккаб синтетик маънавий ҳосила бўлмиш янги типдаги иқтисодий тафаккурда ўзининг айнан ифодасини топиши керак. Бундай тафаккур мамлакатда юз бераётган сифат ўзгаришлари мазмунини назарий даражада қайд этади, объектив иқтисодий қонунларни билиш ва улардан онгли фойдаланишни таъминлайди.

Иқтисодий тафаккур мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни тормозлашнинг шаклланган механизми манбаларини аниқлай бориб, кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатлари сабабларини, қайта қуриш жараёнига муносабатларини, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни жорий қилиш, социал сиёсатни кишилар эҳтиёжи сари йўналтириш йўли билан инсон омилининг яширин бўлган битмас-туганмас имкониятларини юзага чиқариш шарт-шароитини мушоҳада қилади. Бунда шундай савол туғилиши мумкин: қайта қуриш босқичига айнан ўхшаш бўлган янгича типдаги иқтисодий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат, у ижтимоий онгнинг сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ каби формаларига қандай муносабатда бўлади?

Иқтисодий тафаккур моддий ишлаб чиқаришда юз бераётган энг теран жараёнларнинг бевосита инъикоси формасидир. Идеологик моментни ҳам ўз ичига олувчи сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқдан фарқли ўлароқ иқтисодий тафаккур ушбу жараёнларни уларнинг иқтисодий самарадорлиги позициясидан туриб бевосита акс эттиради. Иқтисодий самарадорлик социал адолат, маънавий зарурат, ҳуқуқ нормаларига қарама-қарши келиши, ҳаётда номақбул экологик оқибатларга олиб келиши мумкинлиги сабабли турли ижтимоий тартиботлар томонидан унга берилувчи баҳо доимо ҳам бир хил бўлмайди.

Жадаллаштиришнинг ички стратегияси бўлган янгича типдаги иқтисодий тафаккурнинг хусусияти шундаки, у социал соҳанинг устун ривожланишини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий муносабатларни акс эттиришга даъват этилган. Хўжалик юритишга доир қабул қилинувчи қарорларнинг иқтисодий самараси қанчалик юқори бўлмасин, улар социалистик жамиятнинг социал мақсадларини лозимича ҳисобга олмаган ёки уларга зид бўлиб қолган тақдирда бугунги кунимиз хусусиятларига айнан монанд илмий иқтисодий тафаккур мавжудлиги хусусида сўз юритишга ҳам эҳтимол ҳожат бўлмас эди. Социал соҳага етарлича эътибор берилмаганлиги уй-жой қурилиши, медицина, савдо, коммунал-маиший хизмат, мактаб ва мактабгача муассасалар билан таъминланишда Иттифоқдаги даражадан жиддий орқада қолишга, оқибатда эса ғоявий-тарбиявий ишда каттагина нуқсонларга олиб келган Ўзбекистон шароитида муаммоларнинг бу томони айниқса муҳим аҳамият касб этяпти.

Қандай шарт-шароитлар замонавий иқтисодий тафаккурни муваффақиятли шакллантиришни таъминлайди ва унинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг қудратли тезлаткичига айланиши учун имконият яратади?

К. Маркс ғоялар омманинг онгига сингиб кетган, омманинг ички эътиқодларини ўзгартирган тақдирда моддий кучга айланади деб таъкидлаган эди. Мамлакатимизда ушбу жараённинг муваффақияти бугунги кунда планлаштириш сифатининг оғишмай ўсиши, меҳнатга қараб тақсимлаш социалистик принципини такомиллаштириш, меҳнатнинг социал хилма-хиллигига барҳам бериш, ижтимоий ҳаётни кенг демократиялаш билан боғлиқдир. Иқтисодий тафаккурнинг етуклик даражаси, унинг давримиз бурилиш характерига айнан мослик мезони ишлаб чиқариш даражасига, унинг техник-технологик жиҳатдан таъминланишига, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг амалдаги механизмига, профессионал маҳоратга, ғоявий-тарбиявий иш сифатига бевосита боғлиқдир. Демак, янги типдаги иқтисодий тафаккурнинг ривожланиш жараёнини бошқариш қабул қилинувчи техникавий-ташкилий, иқтисодий ва тарбия ечимларининг характери ва оқибатларини ҳар томонлама ҳисобга олувчи системали ёндашишни тақозо этяпти. Биз ушбу уч жиҳатнинг бирлиги зарур эканини атайлаб таъкидлаяпмиз. Зеро, меҳнатнинг техникавий-ташкилий ва иқтисодий шартлари қанчалик такомиллашган бўлмасин, улар идеологик, тарбия ишидан ажралган бўлса, иқтисодий тафаккурдан юксак етукликни кутиш мумкин бўлмаса керак. Ва аксинча, тегишли моддий базадан маҳрум бўлган тарбия жараёни мақбул натижалар келтира олмайди. Яъни сўз янги типдаги иқтисодий тафаккурнинг муваффақиятли шаклланишидаги энг муҳим омиллар тарзида сўз билан иш бирлигини таъминлашнинг социал-иқтисодий асослари хусусида боряпти.

Лекин ушбу жараённи ривожлантириш тенденцияларини белгиловчи кўпдан-кўп факторлар ичидан жамиятда ҳукмрон тақсимлаш муносабатларининг характерини алоҳида ажратиб кўрсатиш кераккки, улар ишлаб чиқариш муносабатларининг бир қирраси бўлиб, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг конкрет системасида реализация қилинадилар. Янги типдаги иқтисодий тафаккурнинг шаклланиш динамикаси кўп жиҳатдан ушбу система меҳнатга қараб тақсимлаш социалистик қонунига нечоғлик мувофиқлиги ва кишиларни ўз фаолияти натижаларига қанчалик қизиқиш уйғота олишига боғлиқ бўлади. Турғунлик даврида илдиз отган «амал-тақал қилиб олиб чиқиш», ишлаб топилмаган пулларни тўлаш, асоссиз мукофотлар бериш, ходимнинг меҳнат ҳиссаси билан боғланмаган ҳолда «гарантияланган» иш ҳақи ставкаларини белгилаш принциплари анчагина кишиларнинг иқтисодий тафаккурига текисчилик, масъулият сезмаслик, халқ мулкига «эгаси йўқ» мулк сифатида исрофгарчилик муносабатида бўлиш психологияси сукулиб киришига имконият яратди. Бундан ташқари, нарх

белгилашда меҳнатдаги миқдор мезонларининг сифат мезонларидан устунлигига асосланган, ҳозир ҳам амал қилаётган иқтисодий кўрсаткичлар кишиларнинг иқтисодий тафаккурида сарф-харажат стереотипларини мустаҳкамлайди, меҳнатга ташаббускорларча муносабатни, моддий ва меҳнат ресурсларини авайлаб сарфлашга, юксак сифатли пировард натижага интилишни қадрсизлантиради.

Бу хил ҳодисалар Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган эди, жумладан, бу ердаги давлат қабули дастлабки натижаларининг таҳлили маҳсулот сифатидаги жиддий нуқсонларни очиб ташлади (ССР Иттифоқи Прокуратурасининг маълумотларига қараганда, республикамиз рўйхатга олинган брак миқдори бўйича мамлакатимизда биринчи ўринда). Ушбу масаланинг ўрганилиши моддий ва маънавий рағбатлантириш меҳнат ва маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи бутун бир қатор техник-технологик, ташкилий-иқтисодий, тарбия факторлари орасида асосий факторлардан бири эканлигини кўрсатяпти. Масалан, республикадаги бир қатор саноат корхоналари ишчилари ўртасида Тошкент халқ хўжалиги институти олимлари ўтказган социологик тадқиқот натижаларига қараганда меҳнат ва маҳсулот сифатига таъсир кўрсата оладиган 23 фактор ичида моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда жазолаш системаси фақат ускуналар ҳолати ва дастлабки хом ашё ҳамда материаллар сифатидан кейин учинчи ўринда экан.

Шу нуқтаи назардан қараганда, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадалари ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳам ибратлидир. Меҳнатни ташкил этишнинг бирлашмада кенг ёйилган бригада формаси коллективнинг иқтисодий, социал, сиёсий ҳаётини такомиллаштириш бутун жараёнига самарали таъсир кўрсатяпти, ўзини ўзи бошқариш принциплари ривожланишига имконият яратяпти. Сўраб чиқилган ишчилар аксариятининг бригада пудрати завод фаолиятининг кўпгина техник-технологик ва социал-иқтисодий жиҳатларида каттагина ижобий силжиш бўлишини таъминлаганига ишончлари комил. Сўралганларнинг тўртдан уч қисмидан ортиғи бригадаларда меҳнат қилишни давом эттиришга қатъий аҳд қилганликларини таъкидлаши ҳам меҳнатни ташкил этишнинг бу формаси эътиборли эканидан гувоҳлик беради.

Шу билан бирга ушбу масаланинг ўрганилиши бригада пудратининг тарбиявий функциясидан кишилар онгида замонавий иқтисодий тафаккур позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи шарт сифатида тўлиқ даражада фойдаланилмаётганини кўрсатмоқда. Масалан, сўралганларнинг ярмидан ошиғи меҳнатга тўланадиган ҳақ уларни аввало юқори миқдорий натижаларга (маҳсулот ишлаб чиқариш нормаси бўйича) йўллашини таъкидладилар, фақат сўралган ҳар тўрт кишининг биргина иш ҳақининг маҳсулот сифатига жиддий боғлиқ эканлигини таъкидлади. Ўртача ва паст самарадор бригадаларда бундай боғлиқликнинг аҳамияти янада озроқ бўлган*. Чамаси, бундай ҳол бригада аъзоларининг аксарияти —79,9 дан 97,4 процентгача қисми — меҳнат миқдорига қараб ҳақ тўлашнинг амалдаги системаларидан етарлича хабардорлиги, меҳнат сифатига қараб тақдирлаш хусусида эса атиги 2,8 дан 33,4 процентгача қисми хабардорлиги билан муайян даражада боғлиқ бўлса керак.

Бундай аҳвол меҳнатда иштирок этиш коэффициенти (МИК) миқдорини меҳнатнинг сифат натижаларига таъсир кўрсатувчи асосий мезонлардан бири бўлмиш ижрочилар малака даражасини ҳисобга олмай туриб, асосан ишлаб чиқарилувчи маҳсулот нормалари билан боғлашдек бирлашмада вужудга келган практиканинг оқибатидир. Аслида эса меҳнат сифати баробарлаштириляпти, кишиларнинг иқтисодий тафаккурида текисчилик стереотиплари сақланиб қолишига йўл очувчи моддий шартлар қўллаб-қувватланяпти. Натижада бригада пудратининг самарали ишлашида муҳим психологик фактор бўлган шахс ижодий потенциалини рағбатлантириш, ходимнинг индивидуал маҳоратини эътироф

* Социологик тадқиқотга тайёргарлик жараёнида бирлашмадаги барча бригадалар самарадорлик даражасига қараб рўйхат қилинган эди. Бундай рўйхат нормани бажариш, маҳсулот сифати, мусобақада иштирок этиш каби объектив ҳужжатли маълумотларга қараб ҳам, бригада аъзоларининг ишчанлик хусусиятларига, цех ва участкалар бошлиқлари, мастерлар, бригадирлар томонидан берилган характеристикаларга қараб ҳам тузилди.

этиш эътибордан четда қоляпти. Сўралганларнинг 13 проценти бригададан кетиш ва якка тартибдаги ишбай усулида ишлаш хоҳишини билдирганликларининг сабаби ҳам эҳтимол, шу билан боғлиқдир.

Моддий рағбатлантириш системасини меҳнатнинг миқдорий мезонларидан сифат мезонларига қараб тубдан қайта ўзгартириш янги типдаги иқтисодий тафаккурни ривожлантиришда зарур шарт ҳисобланади. Бу эса меҳнатни рағбатлантиришнинг амалдаги системаларига меҳнат сарфи прогрессив нормаларига асосланган ҳолда иш ҳақи фондини ташкил этишнинг барқарор ва узоқ муддатли ягона нормативларини, ишчилар учун тариф ставкалари ва инженер-техник персонал учун лавозим окладлари жорий қилишни тақозо этади. Бинобарин, сўз нафақат яхлитлаштирилган комплекс нормалар хусусидагина эмас, балки юқори малакали ишчилар бир қисмининг коллектив пудратига салбий муносабатига барҳам бериш мақсадини кўзлаб маҳсулотни якка тартибда ишлаб чиқаришни албатта ҳисобга олиш хусусида ҳам бориши керак.

Лекин бу ердаги иш муваффақияти фақат тариф системасини ва меҳнатни нормалашни такомиллаштиришгагина эмас, балки кишиларнинг бу стимулларни қандай қабул қилишига, сифатни рағбатлантириш системасида ҳозир юз бераётган туб ўзгаришлардан қанчалик хабардорлигига ҳам боғлиқдир. Бинобарин, мамлакатда авж олиб кетган меҳнатга ҳақ тўлаш системасини ислоҳ қилиш асосий йўналишларини оператив, ҳаммабоп ва аниқ-пухта тушунтириб беришга даъват этилган меҳнаткашлар иқтисодий таълимининг роли анчагина ошади. Меҳнат коллективларининг, шу жумладан, бригадаларнинг мукофотлашга ажратилган маблағларни сарфлашдаги, индивидуал тўловлар миқдорини белгилашдаги мустақиллиги сезиларли ошган шароитда кишиларнинг ўз меҳнатларига баҳо бериш принциплари хусусида қанчалик ўз вақтида хабардор бўлишига замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантириш динамикаси ҳам боғлиқ бўлади. Бу ҳол «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш Асосий йўналишлари»да ҳисобга олинган, унга мувофиқ ишлаб чиқариш бригадалари марксча-ленинча таълимнинг марказий бўғинларидан бирига айлантириляптики, бу ўқувнинг хўжалик юритиш практикаси билан узвий бирикувини таъминлашга ёрдам беради.

Тошкент тракторсозлари ўртасида ўтказилган социологик тадқиқот бу ерда бригада аъзоларининг иш ҳақини меҳнатда иштирок этиш коэффициентига қараб кенг ошкоралик шароитида тақсимлаш принципи амал қилиши сабабли сўралганларнинг 87 проценти иш ҳақи ва мукофотлар даражасини белгиловчи мезонлар ҳақида, план топшириқларининг ошириб бажарилиши ёки барбод қилиниши иш ҳақига қандай таъсир этиши ҳақида аниқ тасаввурга эгалигини кўрсатди. Лекин ўртача ва паст самарадор бригадалар аъзолари орасида бундай хабардорлик анчагина паст экан. Кўпчилик мукофот фондлари миқдори камайишига нималар сабаб бўлишини, брак ва нostандарт маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги учун кимлар айбдорлиги ва шахсан қандай масъул эканлигини билмайди.

Кишиларнинг иқтисодий тафаккурида жазоланмаслик стереотипларини ва оқибат-натижада меҳнатнинг сифат натижаларига масъулиятсизликни ҳосил қилганлиги учун ҳам бундай ҳодисаларга айниқса давлат қабули шароитида тоқат қилиб бўлмайди. Кейинги вақтда бирлашмада брак маҳсулот ишлаб чиқариш фактлари камдан-кам эътиборсиз қолишига қарамай, сўралганларнинг атиги 2 процентигина паст сифатли меҳнат тегишли моддий санкцияларга сабаб бўлади деб кўрсатдилар.

Афсуски, республиканинг кўп корхоналарида брак ишловчи кишилар бунга нисбатан иқтисодий таъсирни деярли ҳис этмайдиган вазият юзага келиб қолган — бракнинг бевосита айбдорларидан ундириш миқдори бракдан нобудгарчиликнинг атиги 2—6 процентини ташкил этади, бинобарин, штраф санкцияларидан таъсирчан тарбиявий восита сифатида фойдаланилмаяпти. Демак, сифатнинг иқтисодий обрўсини кўтариш учун қатъий чоралар кўриш, юксак сифатли меҳнатнинг кишилар иқтисодий тафаккуридаги социал қимматини оширишга имкон берувчи шароит яратиш зарур. Хўжалик механизмини ҳар қандай қайта қуриш, деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, маълумки, онгни қайта қуришдан, фикрлашда ва амалда таркиб топган бир хилликдан воз кечишдан, янги вазифаларни равшан англаб олишдан бошланади.

Пировард натижада ривожланишнинг ва ишлаб чиқаришга ресурс тежовчи технологияни жорий қилишнинг маънавий негизига айланувчи тежамкорлик, моддий қадриятларга нисбатан миришкорлик билан муносабатда бўлиш туйғуси каби иродага хос интилиш ва стереотиплар иқтисодий психология даражасидаги замонавий иқтисодий тафаккурнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаш керак. Фан-техника революцияси кишиларда халқ мулкидан чин соҳибларча, тежамкорлик билан фойдаланишга интилишни тарбиялашни тобора катъийроқ талаб қилмоқда — бугун, мисол учун, буюмларга материал сарфини бир процент камайтирсак, мамлакат халқ хўжалиги учун олти миллиард сўмни тежаб қоламиз.

Лекин, объектив иқтисодий реалликлар халқ мулкини талон-торож қилишлар, қўшиб ёзишлар, бракчиларга йўл қўйиб бериш йўлига ғов солмагунча, тежамкорликка чақиришлар қанчалик ишонарли, матбуотда, лекция пропагандасида ана шу мақсадда келтирилувчи далил ва рақамлар қанчалик таъсирли бўлмасин, улар керакли натижаларга олиб келмайди. Зотан, тежамкорликнинг ҳозирги мезонлари, одатда, меҳнат коллективлари фаолиятининг пировард натижаларига бирон-бир сезиларли таъсир кўрсатмайди: ҳар бир ишловчи ҳисобига иқтисод учун ажратилувчи мукофот фондлари йилига бир-уч сўмдан ошмайди. Республиканинг фақат айрим корхоналарида хом ашё ва материаллардан оқилона фойдаланишнинг моддий стимуллари амал қиляпти. Корхоналарнинг аксариятида ресурс тежовчи технологияларни жорий қилишга қараганда меҳнатнинг миқдор натижалари учун мукофотлар миқдори бир неча маротаба юқоридир. Масалан, сўралган тошкентлик тракторсозларнинг атиги 16 проценти мукофотни моддий ресурсларни тежаганлиги учун олишини кўрсатди. Бунда электр энергияси, асбоб, ёрдамчи материалларни тежаганлик учун мукофот олувчи ишчиларнинг салмоғи 6 процентдан ошмайди. Бу ҳолнинг сабаби, бизнингча, ишлаб чиқариш сарф-харажатларини калькуляциялаш ва контрол қилишнинг амалдаги методикаси такомиллашмаганлигида, иш жойларида зарур ўлчов аппаратлари ва асбобларининг йўқлиги ёки етишмаслигидадир. Бундай ҳолларга барҳам бериш, сарф-харажатларга қарши таъсирчан механизм яратилиши кишиларнинг иқтисодий тафаккурида моддий қадриятларга авайлаб муносабатда бўлиш заруриятини қарор топтиришга хизмат қилиши керак.

Ижтимоий мулкнинг ўзи унга биргаликда эгалик қилувчиларнинг соҳибларча муносабатда бўлиши учун кафолат бўла олмайди. Миришкор хўжайинлик туйғуси ҳар бир кишининг чуқур ички эътиқоди, «иккинчи табиати» бўлиб қолиши учун шунга мувофиқ социал-иқтисодий шарт-шароитлар, уларни яратиш учун собиткадам куч-ғайратлар даркор. Шу муносабат билан тежамкорлик кўриклари мунтазам ўтказилаётган Самарқанд чинни заводи, «Ташсельмаш» заводи ва бошқа корхоналарнинг тажрибаси ибратлидир. Моддий-техника ресурсларини пландан ташқари тежашни таъминловчи техникавий-технологик, иқтисодий ва тарбиявий тадбирларнинг яхши йўлга қўйилган системаси мавжуд бўлган «Узбекхиммаш» заводини тежамкорликнинг ҳақиқий мактаби деб аташ мумкин. Бу соҳада «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам тажриба тўпланган, бу ерда, жумладан, энергия ресурсларидан фойдаланиш пухта ҳисобга олинмоқда. Лекин бу бирлашмада тежамкорлик проблемаларини тўла ҳал қилишга ҳали жуда эрта. Зотан, бригадаларда моддий сарф-харажатлар ҳар томонлама ҳисобга олинаётганлигини сўралган тракторсозларнинг атиги чорак қисмидан сал кўпроғи қайд этди, 42 проценти эса моддий қадриятлар сарфи устидан контрол йўқлигини ёки ушбу масаладан хабардор эмасликларини кўрсатдилар. Тежамкорликнинг бригада ва якка тартибдаги ҳисоботлари мавжудлигини 13 процент киши кўрсатгани ҳолда сўралганларнинг 24,7 проценти бу ҳақда тасаввурга эга ҳам эмас экан. Бригадаларнинг аксарияти меҳнат унумдорлигини ошириш (меҳнат сарфини камайтириш) бўйича конкрет топшириқлар олсада, 22 процентдан кўпроғигина моддий сарф-харажатларга оид топшириқларга эга. Натижаси кўриниб турибди — сўралганларнинг ҳар ўнтадан биттасигина моддий ресурсларни ортиқча сарфлагани тақдирда шахсан иқтисодий жавобгар бўлишини таъкидлади.

Аниқ белгиланган ва оператив амалга ошириладиган шахсан масъулиятлилик таъсирчан тарбиявий воситадир. Лекин янги иқтисодий тафаккурни шакл-

лантириш самарадорлиги бригадаларда меҳнат ва технология интизоми аҳволи, маҳсулот сифати, жонли ва буюмга айлантирилган меҳнатдан оқилона фойдаланиш, ҳушёр турмуш тарзини қарор топтириш учун коллектив тарздаги маънавий ва моддий масъулиятдан фойдаланиш мезонига ҳам кўп даражада боғлиқдир. КПСС МК қарорида (1987 йил май) қўллаб-қувватланган «Меҳнат ва жамоат интизомига — коллектив кафолати» ҳаракати республикамизда ҳам кенг ёйилиши керак. Ҳозирча, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадаларидаги сўров маълумотларига қараганда, коллектив масъулият, хусусан, моддий ресурсларни ортиқча сарфлаганлик учун масъулият, ҳар тўрт ҳодисадан биттасидагина қўлланиляпти.

Шундай қилиб, иқтисодий тафаккурда ҳали ҳам ҳукмрон мавқеда бўлган умумий мезонлар кишилар онгида тежамкорликнинг барқарор стереотиплари ривожланиши учун етарлича кенг майдон очиб бермаяпти. Ваҳоланки, корхона ресурсларидан рационал фойдаланиш — бригадаларда замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг моддий ва идеологик негизи бўлмиш тўла хўжалик ҳисобини муваффақиятли жорий қилишдаги энг муҳим дастлабки шартлардан биридир.

Статистика маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда кейинги йилларда меҳнат коллективларини бригада пудратига ўтказиш борасида кўп ишлар қилинган. Лекин мавжуд бригадаларнинг атиги уч процентигина тўла хўжалик ҳисобида ишламоқда. Бу эса айниқса маҳсулотнинг давлат қабулига ўтган корхоналарга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, чунки ўз меҳнати натижалари учун тўлиқ ҳолда моддий ва маънавий масъулият сезмайдиган коллективлар маҳсулотларининг юксак сифатли бўлишини таъминлашлари даргумон. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бригадаларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказишга доир ишни активлаштира, коллектив пудратни бошқаришни такомиллаштира бориб, нормативлар методини жорий қилиш негизида ички бригада планлаштирилишини оптималлаштиришга жиддий эътибор берганликлари бежиз эмас. Узоқ муддатли ва барқарор нормативларга асосланган ушбу принцип бригаданинг ишлаб чиқариш топшириқларинигина эмас, балки иш ҳақи ва иқтисодий рағбатлантириш фондлари миқдорини ҳам белгилаб бериши керак. Нормативлар методини жорий қилиш бригадаларнинг беш йиллик ва жорий планларини ишлаб чиқиш учун катта имкониятлар очиб беради, ишлаб чиқариш топшириқларининг балансланганлигини таъминлайди, қайта қуриш талабларига ҳамоҳанг иқтисодий тафаккурни шакллантириш учун мустаҳкам моддий шарт-шароитлар яратади.

Бригадаларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципини амалга ошириш умуман корхона ва бирлашмаларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши учун дастлабки шарт эканлигидан келиб чиқиб, бизнингча, бригадалар составига иқтисодчи инженерларни киритиш, жорий қилинаётган янгиликларни амалга ошириш учун масъулиятни улар зиммасига юклаш пайти келди.

Равшанки, замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантириш жараёни кенг доирадаги техникавий-ташкилий, социал-иқтисодий ва тарбиявий проблемаларни мунтазам ҳал этиш билан боғлиқ жуда катта куч-ғайратни тақозо этади. Бу йўлда дастлабки муҳим қадамларгина қўйилди. Раҳбар кадрлар, барча меҳнаткашлар, бутун жамиятимиз тафаккурини ва психологиясини тубдан қайта қуриш ҳар бир конкрет коллективда ушбу вазифа директив кўрсатмаларни кутмаган ҳолда кенг меҳнаткаш оммани ишлаб чиқаришни бошқаришга демократик тарзда жалб этиш негизида қанчалик собитқадам ҳал қилинишига боғлиқдир.

УМУМПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КПСС ТАРИХИДАГИ РОЛИ

А. АБДУНАБИЕВ,
тарих фанлари доктори

КПСС Уставида шундай дейилган: «КПСС Марказий Комитети партия съездлари орасидаги даврда, зарур бўлиб қолган тақдирда, партия сиёсатининг етилган масалаларини муҳокама қилиш учун Бутуниттифоқ партия конференциясини чақириши мумкин».

Партия ҳаётини янада демократиялаш, коммунистларнинг активлигини ривожлантириш мақсадида КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида умумпартия конференциясини чақириш ҳақидаги таклиф илгари сурилди ва у қўллаб-қувватланди. Ана шундан келиб чиқиб, МК июнь Пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX Бутуниттифоқ конференциясини 1988 йил 28 июнда чақиришга қарор қилди ва унинг кун тартибини тасдиқлади. Шундай қилиб, партия ҳаётида яна бир ленинча анъана қайтадан туғилмоқда.

Маълумки, КПССнинг олий органи — съезддир, умумпартия конференцияси ҳам партиянинг юқори органлари қаторига киради. Ўз тарихи давомида ленинчи партия 27 съезд ва 18 конференция ўтказган. Конференцияларнинг ҳар бири партия, жамият олдида турган масалаларни съездлар ўртасидаги даврда коллектив муҳокама қилиш формасига айланган эди.

* *
*

РСДРП III съездида (1905 йил апрель) «Турли партия ташкилотлари вакилларининг даврий конференциялари тўғрисида»ги резолюция қабул қилинди. Унда социал-демократиянинг энг муҳим масалаларини биргаликда муҳокама қилиш мақсадида муайян вақт оралиғида конференциялар ўтказиб туриш хоҳиши ифодаланган эди. Бу қоида РСДРП IV (Бирлаштирувчи) съездининг қарорида ҳам тасдиқланди, унда съезд МКга «партия ва сиёсий ҳаётнинг жорий масалалари бўйича» партия конференцияларини мумкин қадар тез-тез чақириб туришни топширганлиги таъкидланди.

Большевиклар партиясининг биринчи конференцияси 1905 йил декабрида Таммерфорсда (Финляндия) бўлиб ўтди. Унда 26 партия ташкилотидан 41 делегат қатнашди. Конференцияга делегатлар изчил демократик пропорционаллик принципи асосида — 300 партия аъзосидан бир делегат ҳисобида сайландилар. Конференция делегатлари орасида В. И. Ленин, Л. М. Книпович, Л. Б. Красин, Н. К. Крупская, С. А. Лозовский, В. Н. Невский, П. П. Румянцев, И. В. Сталин, Е. М. Ярославский ва бошқалар бор эди. Унга меньшевиклардан расмий вакил таклиф қилинди ва у мажлисларда иштирок этди. Конференция қуйидаги масалаларни муҳокама қилди: жойлардан докладлар; ҳозирги пайт ҳақида доклад; МКнинг ташкилий ҳисоботи; РСДРП иккала қисмини бирлаштириш хусусида; партияни қайта тузиш ҳақида; аграр масала; Давлат думаси ҳақида. В. И. Ленин конференцияга раислик қилди ва ҳозирги пайт ҳақида ҳамда аграр масала хусусида докладлар қилди.

1905 йил охирида Россиядаги революцион ҳаракат бекиёс юксалган эди. Марксистларнинг ушбу вазиятдаги вазифалари конференцияда кабул килинган ҳужжатларда ўз аксини топди. РСДРП амалда икки кисмдан — большевиклар ва меньшевиклардан иборатлигини (бундай бўлиниш 1903 йилда, партия II съезди охирида юз берган эди) большевиклар нормал бўлмаган ҳол деб ҳисоблардилар. В. И. Ленин РСДРП III съезди карорлари асосида партия бирлигини тиклаш масаласини илгари сурди. Партиямизнинг биринчи конференцияси тенглик асосида бирлашишни, большевик ва меньшевикларнинг амалий марказларини, марказий матбуот органларини, жойлардаги параллел ташкилотларни кўшиб юборишни ёклаб чикди. Якин вакт ичида РСДРПнинг бирлаштирувчи съездини чакиришга карор килинди.

«Партияни кайта тузиш» резолюциясида конференция «сайланган марказларга ғоявий ва амалий раҳбарлик ишида, уларнинг алмашиниши, ҳаракатларининг ғоят кенг ошкоралиги ва катъиян ҳисобдорлиги билан бир каторда, бутунлай тўлик ҳокимиятни бериш билан биргаликда кенг сайлов йўлини ўтказиш»ни зарур деб топди. Ҳозир ҳам орадан кўп ўн йилликлар ўтган бўлса-да, большевиклар биринчи конференциясининг ушбу ажойиб коидаси актуал янграмокда.

Конференция партия курилишида «демократик централизм принципи мукаррардир» деб эътироф этди. Ушбу сўз бирикмаси ўша пайтда партия ҳужжатларида илк маротаба ишлатилганини эслатиб ўтамиз. 1906 йили бўлган РСДРП IV (Бирлаштирувчи) съездида кабул килинган РСДРП Уставидан у мустаҳкам ўрин олди. Демократик централизм партия ташкилий тузилишининг, бутун ҳаёти ва фаолиятининг раҳбар принципи сифатида характерланувчи амалдаги КПСС Уставида ҳам у асосий коида ҳисобланади.

В. И. Ленин томонидан ёзилган «Аграр резолюция»да конференция РСДРП III съезди карорларини ривожлантира бориб, партия аграр программасидаги «кесик ерлар» ҳакидаги пунктни давлат, помешчиклар ва черков ихтиёридаги барча ерларни мусодара килиш талаби билан алмаштиришни таклиф килди. «Давлат думаси тўғрисида»ги резолюцияда I Думани актив бойкот килиш хусусида сўз борди.

Шундай килиб, большевикларнинг биринчи конференциясида караб чикилган масалалар долзарб, етилган масалалар эди, кабул килинган карорлар эса принципиал характерда бўлиб, ўша даврдаги революцион вазиятнинг барча энг муҳим масалалари бўйича партияга тўғри йўл-йўрик кўрсатар эди.

1905 йилдан бошлаб умумпартия конференциялари партиямиз практикасидан ўрин олди. Навбатдаги, II конференция ҳам Таммерфорсда 1906 йил ноябрида ўтказилди. Унда 32 делегат, шу жумладан Ўрта Осиёдан бир делегат ҳам иштирок этди. Улар партиядаги иккала йўналиш вакиллари эдилар. Конференция диккат марказида сайлов кампанияси, партиянинг ундаги позицияси, бошка сиёсий кучлар билан сайловларда блоклар тузиш мумкинлиги ҳакидаги масалалар турди.

II конференция якунлари партияда зиддиятлар яна кескинлашганлигини кўрсатди. Ана шу мураккаб шароитда ҳам большевиклар пролетариат ҳаракатларининг бирлигини муҳофаза килишни сабот билан давом эттирдилар.

Россиядаги биринчи революция мағлубиятидан сўнг мамлакатда оғир реакция даври бошланди. Партиянинг аҳволи оғирлашди, кўплаб революционерлар камокка олинди, сургун килинди, отиб ташланди. Партия ичида номарксистик характердаги турли окимлар пайдо бўлди. Тушкун кайфиятдаги меньшевиклар — ликвидаторлар революциядан юз ўгириб, пролетариат гегемонлиги учун курашни беҳуда деб чикдилар, нолегал пролетар партиясини инкор этдилар. Партия ичида тамомила бошка томонга оғиб кетган отзовистлар ҳам пайдо бўлиб колди. Улар курашда легал формалардан фойдаланишга, меҳнаткашларнинг ҳукукларини ҳимоя килиш максадида Давлат думаси ишида иштирок этишга карши чикдилар. Партия учун машаккатли бўлган 1907—1908 йиллар шароитида учта умумпартия конференцияси бўлиб ўтди. III ва IV конференцияларда партиянинг аҳволи, РСДРПнинг думага доир тактикаси, курашдаги нолегал ва легал формаларни бирга олиб бориш масалалари кўриб чикилди.

1908 йил декабрда Парижда РСДРПнинг V (Умумроссия) конференцияси бўлиб ўтди. Унда партия раҳбар органларининг ҳисоботлари, маҳаллий ташки-

лотлар докладлари тингланди. В. И. Ленин киритган таклифга асосланиб конференция ликвидаторликни коралади ва барча партия ташкилотларини партияни тугатишга қаратилган уринишларга қарши дадил кураш олиб боришга даъват этди. Ҳисоботлар юзасидан қабул қилинган резолюцияда МКга «партиянинг яхлитлиги ва бирлигини сақлаш»ни давом эттириш таклиф этилди.

V конференция партияни ғоявий-сиёсий ва ташкилий кризисни енгиб ўтишга йўналтирди, контрреволюциянинг ғалабасидан кейин рус ишчилар ҳаракатининг юксалишида бурилиш нуқтаси бўлиб қолди (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 17-том, 405-бетга қаралсин). Большевиклар РСДРП конференцияси қарорларига суянган ҳолда, бир қатор йиллар мобайнида бир томондан меньшевикларнинг ликвидаторлигига қарши, иккинчи томондан эса отзовизмга қарши муваффақиятли кураш олиб бордилар. Россиянинг ҳақиқий марксистлари В. И. Ленин раҳбарлигида ўз фаолиятларининг оғирлик марказини нолегал партияни мустаҳкамлашга кўчиришга, яширин иш формаларини легал формалар билан бирлаштиришга интилдилар.

Владимир Ильичнинг заковати ҳар қандай вазиятдан, шу жумладан, мағлубиятлардан ҳам ибратли сабоқлар чиқарди, партиянинг эътиборини доимо муваффақият ва муваффақиятсизликларни жиддий анализ қилишга қаратиб келди, амалий ҳаракатлар учун фойдали хулосалар чиқаришга интилди. Большевиклар ўз кучларини сақлашга ва кўпайтиришга ҳаракат қилдилар, янги революцион юксалиш бошлангач маҳаллий партия ташкилотларининг фаолиятини сезиларли жонлантирдилар. В. И. Ленин ана шундай шароитда навбатдаги умумпартия конференциясини чақиришни, етилган масалаларни муҳокама қилишни зарур деб ҳисоблади.

РСДРПнинг VI (Прага) Бутун Россия конференцияси (1912 йил январь) партиямиз тарихида муҳим роль ўйнади. В. И. Ленин ҳозирги пайт хусусида, ликвидаторлар ҳақида, Халқаро социалистик бюро тўғисида докладлар қилди. Уларда партиянинг янги революцион юксалиш кучайиши шароитидаги асосий вазифалари аниқ белгилаб берилди. Мамлакатдаги вазиятнинг ленинча анализига асосланиб, конференция маҳаллий партия ташкилотларини партия қўйган шиор остида омма ҳаракатини бошқаришга, ишчилар синфининг социалистик тарбиясини ва жипслигини кучайтиришга чақирди.

Партияни оппортунистлардан тозалаш Прага конференциясининг марказий масаласи бўлган эди. Конференцияда қабул қилинган «Ликвидаторлик ҳақида ва ликвидаторлар группаси хусусида» ва «Чет элдаги партия ташкилоти тўғрисида»ги резолюцияларда ликвидаторлар ўзларини бутунлай партияга қарши қўйдилар деб таъкидланди. Конференция қарори билан оппортунист меньшевиклар партиядан ҳайдалди, ликвидаторлар барбод қилган марказий органлар қайта тикланди. В. И. Ленин конференция иши тугагач А. М. Горькийга ёзган дўстона хатида шундай деб қайд этди: «Ниҳоят — ликвидатор аблаҳларга қарамай — партияни ва унинг Марказий Комитетини тиклашга муваффақ бўлинди. Бунга биз билан бирга сиз ҳам хурсанд бўларсиз, деб умид қиламан» (ТАТ, 48-том, 57-бет).

«РСДРПнинг Бутун Россия конференцияси ҳақидаги билдириш»да Прага конференцияси РСДРП учун ғоят аҳамиятли партия съездлари каби шубҳасиз ана шундай жуда катта аҳамиятга эга бўлади деб ҳаққоний таъкидланди. Унда большевикларнинг мустақил партия бўлиб ташкилий жиҳатдан узил-кесил шаклланиши юз берди.

1917 йил баҳорида Петроградда бўлиб ўтган РСДРП(б) VII (Апрель) конференцияси партиянинг, меҳнаткаш халқнинг тақдири учун ғоят катта аҳамият касб этди. Шу вақтга келиб партияда 80 минг аъзо бор эди, маҳаллий ташкилотларнинг кенг тармоғи: 223 район ва подрайон, 163 шаҳар, 3 округ (губерния), 6 область партия ташкилотлари ишламоқда эди. Бундан ташқари, армия ва флотда партия ташкилотлари бўлиб, уларнинг фаолиятини РСДРП(б) қошидаги махсус марказ координация қилар эди.

В. И. Лениннинг Апрель тезисларида баён қилинган ғоялар партия конференцияси делегатларининг диққат марказида бўлди. Партиянинг кўпгина аъзолари буржуа-демократик революциядан социалистик революцияга ўтиш хусусидаги ленинча ғояларни қизғин қўллаб-қувватладилар. Шундай бўлсада,

Апрель тезисларидаги қоидаларга қўшилмаган ва қўллаб-қувватламаган кишилар ҳам бор эди. Большевикларнинг бир қисми тезислардаги баъзи ғояларга қўшилсаларда, қолганларининг аҳамиятига батамом тушуниб етмадилар. Улар VII конференцияда муфассал муҳокама қилингач, делегатларнинг мутлақ кўпчилиги Ленин ғояларини қўллаб-қувватлади. Партиямиз МК Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрь 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладида 1917 йил апрелидаги воқеаларни анализ қилиб, шундай деди: «...Лениннинг социалистик революция сари бурилиш программаси кўп кишиларга — дўстларга ҳам, душманларга ҳам хомхаёл, ғаройиб ҳавас самараси бўлиб туюлган эди. Бироқ фақат мана шу программа революцияни янада ривожлантиришнинг сиёсий негизи, моҳият жиҳатидан эса социал нажот негизи, миллий фалокатнинг олдини олиш асоси бўлиши мумкинлигини ва амалда шундай бўлганлигини ҳаёт кўрсатди».

РСДРП(б) VII конференцияси Ленин ғоялари таъсири остида уруш ва революциянинг барча асосий масалаларига доир партия йўлини аниқ ва равшан қилиб белгилади. Унинг қарорлари партия сафларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштиришга ёрдам берди, партияни, ишчилар синфини социалистик революция ғалабаси учун курашнинг конкрет программаси билан қуроллантирди. Конференция В. И. Ленин олға сурган «Бутун ҳокимият Советларга!», «Аннексиялар ва контрибуцияларсиз сулҳ!», «Ер — деҳқонларга!» деган сиёсий шиорларни қўллаб-қувватлади.

Шундай қилиб, большевикларнинг VII (Апрель) конференцияси партиямиз ва халқаро ишчилар ҳаракати тарихида ғоят муҳим босқич бўлиб қолди. Унинг қарорлари ишчилар синфига, Россия барча меҳнаткашларига уруш ва вайронгарчиликдан чиқишнинг, эксплуатациядан халос бўлиш, инсонга муносиб ҳаёт кечиришнинг ягона йўлини кўрсатиб берди. Ўз состави, ғоявий мазмуни, кўриб чиқилган масалалар ҳажми ва улар асосида қабул қилинган қарорлар аҳамияти жиҳатидан VII Бутун Россия конференцияси партия съездига тенглашади.

Ленинчи партия ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг социалистик революция ғалабаси йўлидаги кураши илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. 1917 йил Октябри Россия халқларининг озодликка интилиши чўққиси, инсоният мутафаккирлари орзулари мужассами бўлиб қолди. Улуғ Октябрь ғалабасидан сўнг тарих большевиклар партияси зиммасига жамиятни социалистик ўзгартиришни бошқаришдек масъулиятли вазифани юклади. РКП(б) VIII съезди партиянинг иккинчи Программасини қабул қилди, унда социализм қуриш вазифалари белгиланди.

1919 йил декабрида бўлиб ўтган VIII Бутун Россия партия конференцияси Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейинги дастлабки конференция эди. Унда МКнинг сиёсий ва ташкилий доклади, халқаро аҳвол, партия ва совет қурилиши масалалари, бир қатор хўжалик масалаларини ҳал қилишда партия олдида турган вазифалар тингланди ва муҳокама қилинди. В. И. Ленин РКП(б) МКнинг сиёсий докладини қилди, Украинадаги Совет ҳокимияти тўғрисида нутқ сўзлади, халқаро сиёсат хусусидаги резолюция лойиҳасини ёзди. Делегатлар МК сиёсий йўлини ва ташкилотчилик фаолиятини якдиллик билан маъқулладилар. Конференцияда нуқтаи назарларни эркин баён этиш, уларни қиёслаш ва партия манфаатларини кўзлаб ҳал этиш муҳити ҳукм сурди. Совет қурилиши, уни янада ривожлантириш принциплари ва йўллари тўғрисидаги масала муҳокама қилинганда жиддий мунозара авж олиб кетди. Конференция ҳокимият органларини бунёд этишда демократик централизм, партиянинг улардаги раҳбарлик роли хусусидаги ленинча принципларни тасдиқлади, совет аппаратини мустаҳкамлаш ва кенг меҳнаткашлар оммасини давлат қурилишига жалб этишга доир қарорлар қабул қилди.

VIII конференция РКП(б)нинг янги Уставини қабул қилди, уни ишлаб чиқишда В. И. Ленин актив иштирок этган эди. Уставда партия ҳақидаги энг муҳим ленинча қоидалар — унинг социалистик жамият қурилишининг раҳбар ва йўналтирувчи кучи эканлиги ўз аксини топди. Партияга кирувчиларга нисбатан талабчанлик оширилди, уларни партия программаси ва тактикаси билан таништириш, шахсий хислатларини текшириш мақсадида кандидатлик стажи жорий этилди. Устав 66 параграфли 12 бўлимдан иборат эди (аввалги Уставда бўлимлар

йўк бўлиб, 14 параграфдан иборат эди). Бу Уставнинг структураси кейинчалик жиддий ўзгаришларга учрамаганлигини ва ҳозирги, КПСС XXVII съезди тасдиклаган Уставга асос бўлганлигини эслатиш мумкин.

РКП(б)нинг 1920 йил сентябрида бўлиб ўтган IX Бутун Россия конференцияси ишида ҳам партия қурилиши масалалари муҳим ўрин тутди. В. И. Ленин МК сиёсий ҳисоботини қилди, партия қурилишининг навбатдаги вазифалари ҳакида нутк сўзлади ва ана шу масалага доир резолюция лойиҳасини тайёрлади. Конференцияда бир қатор жойларда баъзи масъул ходимларнинг партия ташкилотлари ва ишчилар оммасидан ажралиб қолганлиги, бюрократизмга қарши кураш сусайганлиги ва бошқа носоғлом ҳодисалар кўринаётгани кўрсатилди. Қабул қилинган резолюцияда партия ички демократиясини янада ривожлантириш, партия бирлигини, интизомини ва кенг меҳнаткашлар катламлари билан якиндан алоқасини мустаҳкамлаш, партиянинг ёш аъзолари ғоявий-сиёсий тарбиясига доир ишни кучайтириш ва партия сафларига пролетар оммасининг энг яхши намояндаларини жалб этиш кўзда тутилди. Конференция ҳар хил суиистеъмолларга қарши курашиш ва партия контролини кучайтириш мақсадида МК билан бир қаторда Контрол комиссиясини, губерния, область ва республика партия комитетлари қошида эса махсус партия комиссияларини тузиш ҳақида қарор қилди.

VIII ва IX партия конференцияларининг қарорлари ички партия ишини яхшилашда, ижтимоий ҳаёт барча соҳаларида партия таъсирининг кучайишида муҳим роль ўйнади. Уларнинг бир қатор қоидалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Кўп йиллик урушдан сўнг мамлакат тинч меҳнатга ўтди. Партия X съезди (1921 йил март) озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу масалага доир докладда В. И. Ленин шундай деди: «...Развёрсткани солиқ билан алмаштириш масаласи энг аввало ва биринчи навбатда сиёсий масаладир, чунки бу масаланинг моҳияти ишчилар синфининг деҳқонларга муносабатидан иборатдир» (ТАТ, 43-том, 64-бет). Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришдан деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш янги иқтисодий сиёсатга ўтишнинг асосий мазмунини ташкил этарди. «Бевосита ғайрат-шижоат асосида эмас, балки буюк революция туғдирган ғайрат-шижоат ёрдами билан, шахсий манфаат асосида, шахсий манфаатдорлик асосида, хўжалик асосида» (ТАТ, 44-том, 174-бет) янги жамият бунёд этиш нэпнинг моҳиятини ташкил этди.

1921 йил май ва декабрида бўлган X ва XI партия конференцияларида янги иқтисодий сиёсатни конкретлаштиришга, уни жойларда амалга оширишга катта аҳамият берилди. Масалан, XI конференция резолюциясида хўжалик оборотининг жонлана бошланганлиги нэпнинг тўғрилигини тамомила тасдиклади деб кўрсатилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладда М. С. Горбачев таъкидлаганидек, ҳозир биз «Ленинннинг янги иқтисодий сиёсат ғояларига борган сари тез-тез мурожаат қилмоқдамиз, бу тажрибанинг энг қимматли томонларини, биз учун бугунги кунда зарур бўлган жиҳатларини олишга интилмоқдамиз».

XII Бутун Россия партия конференцияси (1922 йил август) мамлакат ва партия тақдири учун муҳим аҳамиятга молик бир қатор масалаларни кўриб чиқди. В. И. Ленин бетоблиги сабабли унда қатнаша олмади. В. В. Куйбишев, В. М. Молотов, Г. И. Чичерин докладлар қилишди. Конференция халқаро аҳвол ҳақидаги докладни тинглаб, партия МК ташқи сиёсий йўлини маъқуллади, Генуя ва Гаагада халқаро империализмнинг Советлар мамлакатига асоратли шартларни тиқиштиришни кўзлаган уринишларини рад этган совет делегациясининг позициясидан қониқиш изҳор қилди. Конференция шунингдек касаба союзларининг РКП(б) XI съезди қарорлари руҳидаги фаолиятининг дастлабки якунларини муҳокама қилди ва ушбу қарорларни ғайрат билан амалга оширишга чақирди. Уставга партия ва унинг органлари структурасини аниқ белгиловчи, РКП(б)ни ёт синфий элементлар сукилиб киришидан ҳимоя қилиш ва партия сафлари бирлигини сақлаш чораларини кучайтирувчи ўзгариш ҳамда қўшимчаларнинг киритилиши XII конференциянинг яна бир муҳим жиҳатидир.

XIII партия конференцияси 1924 йил январи ўрталарида бўлди. Унда А. И. Риковнинг иктисодий сиёсат вазифалари, И. В. Сталиннинг партия курилиши навбатдаги вазифалари ҳакидаги докладлари муҳокама килинди ва улар юзасидан муфассал карорлар кабул килинди. Иктисодий сиёсатга доир резолюцияда саноат ва кишлок хўжалигини юксалтиришга, ички ва ташки савдони кенгайтиришга, молияни мустаҳкамлашга, планлаштириш ишини яхшилашга ёрдам берувчи амалий тадбирлар белгиланди. Конференция «Партия курилиши тўғрисида»ги резолюцияда партия ячейкаларини ишлаб чикаришга якинлаштиришни талаб килди, партия йиғилишларида хўжалик раҳбарлари бўлган коммунистларнинг ҳисобот ва ахборотларини мунтазам муҳокама килишни тавсия этди.

В. И. Лениннинг оғир бетоблигидан, мамлакатнинг иктисодий ривожланишидаги объектив кийинчиликлардан фойдаланган Троцкий 1923 йил кузида партияни ленинча йўлдан буриб юбориш максадида унга карши янги юриш бошлади. XIII партия конференцияси оппозицияни яккол ифодаланган майда буржуа оғиши, ленинизмдан тўғридан-тўғри чекиниш деб таърифлаб, унга кескин зарба берди. Лекин Троцкийнинг партияга карши чикишлари 1924 йили яна кучайиб кетди. У ўзининг СССРда социализм ғалаба кила олмаслиги ҳакидаги тезисини ҳар томонлама «асослашга» уринди. Зиновьев ва Каменев троцкизмни ҳимоя килиб, у — «марксизмнинг бир тури» ва шу сабабли гўё «конуний» яшашга ҳакли деб кўрсатдилар. «Янги оппозиция» тарафдорлари Советлар мамлакатининг техникавий-иктисодий колоклиги капиталистик куршов шароитида социализм куриш йўлига ўтиб бўлмас ғов солади деб даъво килдилар.

Шундай килиб, мамлакатимизда социалистик курилиш истикболи масаласи катта назарий ва сиёсий аҳамият касб этди. Марказий Комитет СССРда социализм куриш ҳакидаги ленинча ғоялар моҳиятини чукур тушунтириш ва уларга партия карорлари характерини бериш максадида 1925 йил апрелида РКП(б) XIV конференциясини чакириш зарур деб ҳисоблади. Ф. Э. Дзержинский, В. М. Молотов, А. И. Риков, А. Д. Цюрупаларнинг докладларида, конференция кўпгина делегатларининг нутkларида партиянинг социалистик курилишга доир конкрет долзарб вазифалари аниклаб берилди. Конференция ҳатто жаҳон пролетар революциясининг ривожланиш суръатлари сусайган шароитда ҳам СССРда социализм ғалаба килиши мумкинлиги ҳакидаги ленинча коидани узил-кесил тасдиклади, Европа пролетариати томонидан давлат ёрдамисиз СССРда социализм куриш мумкин эмаслиги ҳакидаги оппозиция даъвосини катъиян рад этди. Унда ички шароитлар нуктаи назаридан олганда бизда тўла социалистик жамият куриш учун барча зарурий нарсалар мавжудлиги таъкидланди. Конференция карорлари партияни, мамлакатнинг барча меҳнаткашларини ойдин перспектива билан куроллантирди, социализм курилишининг амалий вазифаларини ҳал этишга йўллади.

1925 йил декабрида бўлган партия XIV съезди социалистик индустриялаш йўлини асослади. Мамлакатнинг хўжалик аҳволини ва партия вазифаларини кўриб чиккан ВКП(б) XV конференцияси ана шу йўлни амалга оширишда муҳим ўринни эгаллади. Социалистик курилиш конкрет йўлларини изланиш ўткир ғоявий кураш, сиёсий мунозаралар вазиятида ўтди. Партия конференцияси оппозиция блоки карашларининг моҳиятини фош этди, мамлакатимизда социализм ғалаба килишига катъий ишонч билдирди. Троцкизмни ғоявий тор-мор килишда И. В. Сталин, С. М. Киров, Ф. Э. Дзержинский, Г. К. Оржоникидзе, Я. Э. Рудзутак, Н. И. Бухарин ва бошкалар катта роль ўйнадилар.

Ана шундай шароитда партия янада мустаҳкамланди, оммага бўлган таъсири ошди. Мамлакатда индустриялаш авж олди, кишлок хўжалигини коллективлаштириш бошланди. Партия олға сурган режаларнинг ҳаётийлиги социализм йўлида фидокорлик билан меҳнат килган совет кишиларининг бекиёс жонбозлигида ўз аксини топди.

Шу йилларда социалистик планлаштириш вазифаларига алоҳида эътибор берилди. Улар МК, Совнарком, Госплан, ВСНХ мажлисларида караб чикилди. Беш йиллик план тузишга карор килинди. Беш йиллик учун топшириклар лойиҳасини СССР касаба союзлари съезди, область ва ўлкалар партия конференциялари муҳокама килди. 1929 йил апрелида бўлган ВКП(б) XVI конференцияси СССР халк хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик плани лойиҳа-

сини ҳар томонлама кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан докладларни А. И. Риков, Г. М. Кржижановский ва В. В. Куйбишевлар қилдилар. Докладлар муҳокамасида 37 делегат қатнашди. Партия конференцияси планнинг оптимал вариантини партия XV съезди директиваларига тўла мувофиқ келувчи ва беш йиллик мобайнида социалистик экономикага пойдевор қуришни таъминловчи вариант деб бир овоздан маъқуллади. Планда мамлакатни индустриал ўзгартириш юқори суръатлари ҳақидаги ленинча ғоя ўз ифодасини топган эди.

Партия конференцияси шунингдек М. И. Калининнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари, Я. А. Яковлевнинг бюрократизмга қарши кураш вазифалари, Е. М. Ярославскийнинг «Тозалаш ва ВКП(б) аъзолари ҳамда кандидатларини текшириш ҳақида»ги докладларини тинглади.

Шундай қилиб, XVI партия конференцияси аввало беш йиллик планга ҳаётга йўлланма берганлиги туфайли муҳим роль ўйнади.

XVII партия конференцияси (1932 йил) ишида партиянинг хўжалик қурилишидаги вазифалари марказий ўринни эгаллади. Унда Г. К. Оржоникидзе, В. М. Молотов ва В. В. Куйбишевларнинг саноат ривожланишига якун ясалган, СССР халқ хўжалигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган докладлари муҳокама қилинди. Конференция иккинчи беш йиллик планни тузишга доир директивалар қабул қилди. Унда асосий вазифа сифатида халқ хўжалигини энг янги техника асосида реконструкциялашни тугаллаш вазифаси қўйилди. Иккинчи беш йиллик план лойиҳаси тайёрланиб, тегишли органлар томонидан олдиндан муҳокама қилинди ва ВКП(б)нинг 1934 йил бошларида ўтган XVII съездида бир овоздан қабул қилинди.

XVIII Бутуниттифоқ партия конференцияси аввалгисидан тўққиз йил кейин чақирилди. У 1941 йил февралида — Улуғ Ватан уруши арафасида бўлиб ўтди. Делегатларнинг эътибор марказида социалистик индустрияни, биринчи навбатда мамлакатимиз мудофаа қуввати боғлиқ бўлган тармоқларини жадал ривожлантириш масалалари турди. Унда Г. М. Маленков ва Н. А. Вознесенский доклад қилди. Докладларда ҳам, делегатларнинг нутқларида ҳам сўнгги йилларда эришилган муваффақиятлар таъкидланди. Шу билан бирга конференция саноат ва транспортни янада тезроқ юксалтиришга халақит бераётган жиддий камчиликларни очиб ташлади. Унда халқ хўжалиги тармоқларига раҳбарликдаги буйруқбозлик-маъмуриятчилик услуби, бюрократик методлар танқид қилинди.

XVIII партия конференцияси сиёсий ва ташкилий-хўжалик тадбирларини ишлаб чиқдики, улар амалда саноат ва транспортни ҳарбий изга солиш учун тайёргарлик тадбирлари бўлиб қолди. Экономикага партия раҳбарлигини кучайтириш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, интизомни мустаҳкамлаш кўзда тутилди. Уставдаги қоидалардан келиб чиқиб, конференция партия Марказий Комитети ва Ревизия комиссияси составини тўлдирди.

Ўн саккизта умумпартия конференциясининг ҳаммасида муҳокама қилинган барча проблемаларнинг қисқача баёни ана шундай. Уларда партиямиз ҳаётининг йирик масалалари, унинг революцион курашдаги, социалистик қурилишдаги стратегия ва тактикаси кўриб чиқилди ва ҳал қилинди, партия қурилишининг жуда муҳим жиҳатлари муҳокама қилинди. Раҳбар партия органи сифатида умумпартия конференциялари КПСС тарихида муҳим роль ўйнади.

Бир қатор сабаблар туфайли 1941 йилдан буён конференциялар ўтказилмади. КПССнинг XIX (1952 йил) ва XXII (1961 йил) съездларида ўзгариш ва тўлдиришлар киритилган партия Уставидан умумпартия конференцияларини ўтказиш ҳақидаги қоида тушиб қолди. Бу қоида партия XXIII съездида (1966 йил) Уставга қайтадан киритилсада, ундан кейин ҳам умумиттифоқ конференциялари чақирилгани йўқ.

КПСС МК июнь (1987 йил) Пленуми XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиб, унинг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритди: 1) КПСС XXVII съезди қарорлари қандай рўёбга чиқарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунлари ва қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида. 2) Партия ва жамият турмушини янада демократиялаштиришга оид тадбирлар ҳақида. Бундай кун тартиби КПСС XXVII съездидан кейин партияда тўпланган сиёсий тажрибага якун ясаш, иқтисодий ва социал ри-

вожланишнинг асосий йўналишлари бўйича ҳаракатимизга баҳо бериш, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг боришини анализ қилиш имконини беради.

XIX партия конференцияси 1988 йил июнининг охирига белгиланган. Бу эса августда мамлакат партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси бошланиб кетиши билан боғлиқдир. М. С. Горбачев ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, умумпартия конференциясида КПСС XXVII съезди қарорлари қандай амалга оширилаётганини таҳлил қилиш, ҳозирги беш йиллик биринчи ярми режаларини бажариш соҳасидаги ишларга сиёсий якун чиқариш, муваффақият ва камчиликларга принципиал баҳо бериш бундан кейин партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари, район, шаҳар ва область конференцияларида ҳар бир партия ташкилотининг фаолияти ва вазифаларини пухта муҳокама қилиш имконини беради.

КПСС МК Пленуми қарори билан XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига қуйидагича ваколат нормаси белгиланди: 3780 нафар партия аъзосидан бир делегат. Унга делегатлар иттифоқдош республикалар компартиялари МК, ўлка, область партия комитетлари пленумларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан 1988 йил апрель-май ойларида сайланадилар. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон компартияларидан делегатлар область партия комитетлари пленумларида сайланади.

КПСС Марказий Комитети қайта қуришга бўлган партия таъсири потенциалидан ҳали тўла фойдаланилмаяпти, деб ҳисоблайди. Сайлаб қўйилувчи партия органларининг ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошларида ўтган қайта қуришга раҳбарликка доир ҳисоботлари ана шундан гувоҳлик бермоқда. Республикада бўлиб ўтган коммунистларнинг йиғилишлари, партия комитетлари пленумлари партия ташкилотлари ишдаги эскича методлардан ҳали ҳамма жойда ва бутунлай воз кечмаганликларини, демократияни ривожлантириш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, кишилар меҳнати ва турмуши шароитларини яхшилаш борасида сезиларли натижага эришмаганликларини кўрсатди. КПСС МК XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик ва уни ўтказиш қайта қуришга доир ишга такомиллаштириш учун жиддий туртки бериши керак деб ҳисоблайди.

Социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш проблемалари ҳал қилинаётган пайтда тажриба, ташаббус зарралари, уларни қўллаб-қувватлаш, кенг ёйиш муҳим. Мамлакатда коммунистларнинг бутуниттифоқ анжуманини муносиб кутиб олиш учун мусобақа янада кенг авж олмоқда. Бошқа республикалар, область ва ўлкаларда бўлаётганидек, Ўзбекистон ишлаб чиқариш илғорлари ҳам XIX партия конференцияси шарафига меҳнат вахтасига турдилар. Масалан, 10-қурилиш трестига қарашли 1-СМУ (Наманган)да коммунист Д. Абдураҳмонов етакчи бўлган қурувчилар бригадаси конференциянинг очилиш кунини беш йиллик уч ярим йили топшириғини бажариш билан кутиб олишга аҳд қилди. Тошкент электротехника заводи электр монтажчиси, КПСС XXVII съезди делегати Л. А. Валетова ўн иккинчи беш йиллик уч йиллик планини муддатидан олдин бажариш, давлат қабули вакилларига барча маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ топшириш, беш шогирдни ўз касбига ўргатиш мажбуриятини олди. Мусобақа ташаббускорлари сафида Самарқанд тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-моторчиси А. В. Нуштаева, Ташгоравтотрест 2502-автоколоннаси ҳайдовчиси А. Собиров ва кўпгина бошқа кишилар бор.

КПСС МКнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига юксак ғоявий-сиёсий ва ташкилий даражада, партия сафларини янада жипслаштириш, партия ва халқ бирлигини мустаҳкамлаш, мамлакатда бораётган революцион ижтимоий ўзгартишлар жараёнини чуқурлаштириш шиори остида тайёргарлик кўриш чақириғига жавобан республика партия ташкилотлари ишларни авж олдиришга, қайта қуришни тобора кўпроқ амалий ишларга айлантиришга интилмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ-ПАРТИЯВИЙ ФАН: ПРОБЛЕМАЛАР ВА ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ш. ЗИЁМОВ,

Ўзбекистон Компартияси МК хузуридаги
Партия тарихи институтининг директори,
тарих фанлари доктори

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида қарор топаётган ижодий муҳитнинг айниқса ижтимоий фанлар учун самарадорлиги таъкидланади. «Жадаллаштиришнинг кўп қиррали вазифалари, унинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари, — деб таъкидлади съездда КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев — сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, социал, маданий-маънавий ва психологик жиҳатлари — янада чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинишга муҳтождир. Биз жиддий фалсафий умумлашмаларга, асосланган иқтисодий ва социал прогнозларга, чуқур тарихий тадқиқотларга жиддий эҳтиёж сезиб турибмиз».

Партия анжумани қарорлари, шунингдек КПСС МКнинг апрель (1985 йил) Пленумидан кейин жамиятимизда қарор топаётган юксак ахлоқий кайфият, ошкоралик бизларни, партия тарихчиларини ҳам янгича ишлашга, консерватизм, догматизм, схематизмни бартараф этишга, тарихий-партиявий фандаги ютуқлар ва нуқсонларни принципиаллик билан ҳамда ўз-ўзини танқид қилиш руҳида идрок этиш ва баҳо беришга, илмий проблемаларни тадқиқ этишга янгича ёндашишларга, марксча-ленинча методологияни, КПСС, унинг отрядларидан бири Ўзбекистон Компартияси фаолиятини ижтимоий тараққиёт қонунларини билиш асосида чуқур ва ҳар томонлама анализ қила олиш маҳоратини мукаммал эгаллашга мажбур этади.

Кейинги йигирма йил ичида умумлаштирувчи тарихий-партиявий мавзуга оид бир қатор асарлар, жумладан, «Капитализмни четлаб ўтиб, социализм сари» (регионал асар), «Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи очерклари» яратилган бўлиб, улар республика партия ташкилоти фаолиятининг турли жиҳатларига бағишлангандир. Коммунистик партия ва Совет давлати атоқли арбобларининг танланган асарлари, коммунистлар — Ўзбекистондаги социалистик қурилишнинг фаол иштирокчилари тўғрисида очерклар, ҳужжатли тўпламлар нашр этилди.

Лекин, афсуски, нашр этилган асарлар орасида шундайлари ҳам кўпки, уларда тарихий жараёнлар доимо ҳам объектив ёритилмаган, уларни анализ қилишнинг диалектик методи кўпинча схематизм, баёнчилик билан алмаштирилган, ҳаётдаги зиддиятлар, салбий ҳодисалар очиб ташланмаган ва изоҳлаб берилмаган, асосий эътибор партия ташкилотлари, меҳнаткашлар фаолиятининг ғоявий мотивларини очишга қаратилган-у, лекин ана шу мотивларнинг асосий сабаблари тадқиқ этилмаган, воқеаларнинг ички алоқалари, коммунистларнинг фидокорона меҳнати бўш кўрсатилган. Тарих баъзида эгасиз қилиб берилган.

Тарихий-партиявий фанда ҳозир ҳам амал қилаётган ўзига хос секинлаштириш механизмини синдириш ўша фанни муваффақиятли равишда қайта қуришнинг муҳим омилидир, чунки бу механизм олимларнинг ўз потенциал имкониятларини тўла ишга солишга халақит беради. Бу нарса айрим тадқиқотларнинг реал ҳаётдан узилиб қолганлигида, ўша асарлар авторларининг марксча-ленинча қоидаларни догматик равишда талқин этишларида, тарихийлик, пар-

тиявийлик принципларига изчил амал қилмаслик ва шу кабиларда кўринади. Бу нуқсон «Халқлар дўстлигининг буюк кучи», «Коммунизм йўлидаги муҳим босқич», «Ўзбекистон Компартияси — фан-техника тараққиёти ташкилотчиси», «Ўзбекистондаги партия пропагандаси тажрибасидан», «КПССнинг ривожланган социализм шароитидаги аграр сиёсати ва унинг социал-иқтисодий аҳамияти», «Ўзбекистон Компартиясининг саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш соҳасидаги фаолияти», «Ўзбекистон Компартиясининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш соҳасидаги фаолияти» каби асарларда айникса ёрқин кўзга ташланди.

Секинлашиш сабаблари шахсга сиғиниш давридаги назарий тафаккурнинг ривожланиши учун ноқулай шароит, 70-йиллар ва 80-йилларнинг бошларидаги турғунлик ҳодисалари, айрим олимларнинг материалистик диалектикани, унинг қонунлари, категорияларини, принципларини етарлича билмасликлари, манбаларни танқидий анализ қилмаслик, уларни конъюнктура нуқтаи назаридан танлаш ва фойдаланиш, қатор ҳолларда салбий ҳодисаларни ўрганишдан ўзини четга тортиш, юксак малакали кадрларни бир мақсадни кўзлаб, планли равишда тайёрламаслик, нашриёт муассасаларининг консерватизми, илмий тадқиқотларни планлаштириш ва уларни маблағ билан таъминлашдаги жиддий нуқсонлар билан боғлиқдирки, натижада назарий ва методологик савияси паст бўлган бўш, хом асарлар босилиб чиқди. Секинлашиш сабаблари шунингдек илмий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашдаги текисчилик, қўлёзмалар ва нашр этилган асарлар муҳокамаси етарлича ошкоралик, талабчанлик вазиятида ўтмаганлиги, партия тарихи ва партия қурилиши муҳим проблемаларининг кенг мунозара қилинмаганлиги ва ҳоказолар билан ҳам боғлиқдир. Афсуски, бу механизм ҳали ҳам амал қиляптики, уни бартараф этиш жамиятшуносларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги китобнинг бугунги кундаги аҳволи анча ўзига хос хусусиятларга эга. Бир томондан, мамлакатимиздаги қайта қуриш давомида юз бераётган ўзгаришлар туфайли бу адабиётга қизиқиш жуда ҳам ўсиб кетди, иккинчи томондан, ҳозирги аҳволида босиб чиқариладиган бундай нашрларнинг совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Кўпгина асарлар авторлари жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичини ҳамон эскича позициялардан туриб баҳоламоқдалар.

Шу муносабат билан КПСС МКнинг «Коммунист» журнали тўғрисидаги қарори (1986 йил), ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Москвада ўтган Бутуниттифоқ кенгашининг қоида ва хулосалари, айникса КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС МК, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган қўшма тантанали мажлисида қилган «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» доклади тарихий-партиявий фаннинг принципиал жиҳатдан янги марраларга чиқишида муҳим роль ўйнайди. Новаторлик руҳи билан ажралиб турувчи мазкур докладда мамлакатимиз, Коммунистик партиянинг босиб ўтган йўли диалектик асосда ҳар томонлама чуқур қараб чиқилади, 70 йил ичида эришилган ютуқлар ҳам, бой берилган имкониятлар, хатолар ҳам очиб ташланади, партия ва Совет давлати қатор раҳбарларининг фаолиятига объектив баҳо берилади. М. С. Горбачев шундай деб таъкидлади: «Бизнинг тарихимиз битта, у — муқаррар. У қандай ҳис-туйғуларни юзага келтирмасин, у бизнинг тарихимиз, у биз учун азиз». Докладнинг катта қиммати шундаки, унда марксча-ленинча методологиядан моҳирона фойдаланган ҳолда ижтимоий ҳодисаларни қандай анализ қилиш, шунчаки ғояларни ёритибгина қолмай, балки уларни туғдирган мотивларни, ижтимоий тараққиёт зиддиятларини ҳам ёритиш кераклиги яққол кўрсатиб берилган.

Жамиятшунос олимлар олдига қўйилган вазифалар тарихий жараённи ўрганишда субъективистик методлардан воз кечишни талаб этади. Ўзбекистон Компартияси тарихига оид айрим воқеаларни диалектик асосда, тарихийлик, партиявийлик позицияларидан туриб қайта кўриб чиқиш, «оқ доғларни» бартараф этиш, республикамиз коммунистлари, барча меҳнаткашларининг янги жамият барпо этиш йўлидаги қаҳрамонона ва фидокорона меҳнатини ёритиш зарур. Шуни унутмаслик керакки, одамлар тарихни яратибгина қолмай, уни ёзади ҳам.

Бу эса тадкикотчилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди: совет фанининг савияси ва обрў-эътибори уларнинг принципиаллигига, илмий компетентлигига, сиёсий ва ахлокий маданиятининг даражасига боғликдир.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, Ўзбекистоннинг тарихий-партиявий фанида тенденциялар ва конуниятларни аниклашнинг киёсий-тарихий, статистик, математик сингари методларидан ҳали ҳам етарлича фойдаланилмайди, бу нонормал ҳолдир. Ҳаммага маълумки, партия ташкилоти ҳаёти турли томонларининг микдорий кўрсаткичларини маълум бир шаклга бемалол солиш мумкин, бу эса партия ташкилотлари фаолиятини ўрганишда замонавий электрон-ҳисоблаш техникасини кўлланиш имкониятини беради. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу истикбол партия ташкилотлари ишининг альтернатив йўналишларини ҳисоблаб чикиш имкониятлари билан боғликдир. Олимларнинг республика партия ташкилоти кундалик ёзув-чизув ишларидан фойдаланиши масаласи ижобий ҳал этилса, Ўзбекистон Коммунистик партиясида юз бераётган ўзгаришларни факат идрок этиш эмас, шунингдек унинг ишининг айрим томонларини оптималлаштириш юзасидан амалий тавсияномалар ишлаб чикиш мумкин бўлади.

Республика тарихий-партиявий фанининг жиддий оркада колишининг яна бир муҳим сабаби кадрлар масаласи билан боғликдир. Кейинги йигирма йил давомида ёш юксак малакали тарихчилар ва партия курилиши масалалари билан шуғулланувчи мутахассис кадрларни планли равишда тайёрлаш иши билан амалда шуғулланилмади. Ҳозирги кунда бу соҳалардаги фан докторларининг ўртача ёши етмишга якинлашиб колди; бу билан кадрларнинг ворисийлиги принципи бузилган. Ўзбекистонда 70-йиллар ва 80-йилларнинг бошларида кенг ёйилган протекционизм системаси ҳам мазкур проблемага салбий таъсир кўрсатди. КПСС МКнинг «Партияга кабул килиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш соҳасида Тошкент область партия ташкилоти ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги карорида (1987 йил) бу фактларнинг барчасига принципиал баҳо берилди.

Бугунги кунда биз умуман республика жамиятшунослик фанининг, шу жумладан тарихий-партиявий фаннинг мураккаб ва кўп киррали масалаларини ҳал килишимиз керак бўлади. Юзага келган вазият уни соғломлаштириш программасини ишлаб чикишга ҳам кўп жиҳатдан ёрдам беради. Бу ўринда гап биринчи навбатда, КПСС МК ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида юксак малакали кадрларни тайёрлаш, фан кандидатларини Москва ва Ленинградга докторантурага юбориш, Ўзбекистон Компартияси МК кошидаги Партия тарихи институтида докторантурани ташкил этиш тўғрисида боряпти. Партия тарихи институти кошида докторлик диссертацияларини ҳимоя килиш бўйича ихтисослаштирилган кенгаш ишини кайта куриш ҳам бугунги кунда актуал масала бўлиб колмокда, унинг фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар бор эди. Кенгаш бугунги кунда диссертацион тадкикотлар ва уларнинг авторларига талабни ошириш, илмий ходимларда ижобий мунозараларга эҳтиёж ҳиссини тарбиялаш керак.

Тарихий-партиявий фанни муваффакиятли кайта куриш, уни сифат жиҳатдан янги марраларга кўтаришда олий ўкув юртларидаги КПСС тарихи кафедралари илмий фаолиятининг аҳамияти катта, уларнинг савияси ҳали ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бу ерда тематиканинг майдалашуви кенг ёйилган, ўкитувчиларнинг анчагина кисми тарихий-партиявий фаннинг актуал проблемаларини ўрганишда суст катнашишади, темаларни ишлаш устидан контрол килишнинг самарали системаси йўк. Натижада докторлик ва кандидатлик диссертацияларининг кўпгина тасдикланган темалари юзасидан йиллар давомида ҳеч кандай иш олиб борилмайди.

Афтидан, Ўзбекистон Компартияси тарихининг муҳим проблемалари устида ишлаётган олий ўкув юртлари олимларининг куч-ғайратини бирлаштириш керак бўлади. Бу ишда партия тарихи ва партия курилиши соҳасидаги тадкикотларни координация килиш бўйича республика кенгаши ўзининг жиддий сўзини айтиши керак. Ҳозирча эса у диссертация темаларини тасдиклаш билангина чегараланиб колмокда. Координацион кенгашга олий ўкув юртларидаги кафедраларнинг илмий ишини контрол килиш хукукини бериш принципиал жиҳатдан муҳим аҳамиятга

эгадир. Бу проблематикани шакллантиришга самарали таъсир этиш, тадкикотчиларни активлаштириш имконини берарди. Партия тарихи институти белгилаб берган мухим темалар хам, афтидан, олий ўкув юртларида илмий тафаккурни ривожлантиришга ёрдам берган бўларди, ана шу темалар юзасидан кафедраларда илмий тадкикотлар программасини ишлаб чикиш мумкин бўлади. Уларнинг энг яхшилари Илмий кенгаш томонидан танлаб олинади. Ана шу программалар асосида республика Госкомиздатига махсус заказлар бериш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси тарихи устида кизикарли ва интенсив иш олиб бораётган тарихчиларни рағбатлантириш йўлларини кидириш хам максадга мувофикдир. Масалан, бизнинг хамкасбларимиз табиатшунослар бу проблемани аллакачон хал килганлар: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида Т. Н. Кори-Ниёзий номида медаль таъсис этилган. Назаримизда, тарихчилар учун хам юксак назарий, илмий, методологик савияси ва амалий йўналиши билан ажралиб турган ишларни рағбатлантириш учун, айтайлик, Туркистондаги революцион харакатнинг биринчи тадкикотчиси — С. Муравейский номида махсус медаль таъсис этиш лозим.

Олий ўкув юртлари кафедраларида ва Партия тарихи институтида ёш ўкитувчиларни илмий тадкикот ишларига жалб этиш хозир актуал масаладир. Бунинг учун Ўзбекистон Компартияси тарихининг турли даврлари бўйича юкори малакали кадрларга бўлган эхтиёжни хисобга олган холда тема танлашда уларга хар томонлама ёрдам бериш, ёшларни илмий мунозараларга кенг жалб этиш керак. Биз Институтнинг координацион кенгаши мажлисларига, илмий мунозараларга В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети тарих факультети тарих-партия бўлимининг охирги курс студентларини таклиф килишни амалда синаб кўряпмиз. Партия тарихи билан шуғулланувчи ёш тарихчиларнинг илмий-назарий конференциялари, симпозиумларини ташкил этиш хам зарур бўлиб колди.

Тарихий-партиявий фанни кайта куришнинг яна бир мухим масаласини тилга олмасдан бўлмайдики, бу хозирги шароитда инсон омилининг ахамиятини максимал даражада кўтариш юзасидан партия йўлини амалга ошириш билан бевосита боғликдир. Биз, тарихчилар учун бу тарихий жараёнларни эгасизлантириб, «кора-ок» килиб схематиклаштиришдан катъий воз кечиб, вокеаларни чинакам диалектик-материалистик асосда анализ килишга, ўтмишни максимал даражада шахслар номи билан боғлашга ўтишни англатади. Мисол тарикасида 1974 йилда нашр этилган «Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи очерклари»га мурожаат килиш мумкин. Чунончи, китобнинг «Ўзбекистон Коммунистик партияси Улуғ Ватан уруши йилларида» (1941 йил июнь — 1945 йил) номли бобида Ўзбекистон Компартиясининг экономикани харбий изга мослаб кайта куриш сохасидаги фаолияти кўрсатилган. Лекин бугун бу сира хам етарли эмас: биз фронтга ёрдам ташкил этиш ишининг асосий оғирлигини ўз зиммаларига олган кишиларнинг, шу жумладан шахар ва район бўғинидаги партия ходимларининг, оддий коммунистларнинг номларини билишимиз керак.

Биз тилга олган проблеманинг яна бир жихати алохида шахслар хаётига оид асарларни тайёрлаш ва нашр этиш билан боғликдир. Сир эмаски, партия ва давлат арбоблари тўғрисидаги биографик очерклар Ўзбекистонда доимо хам ўкувчилар диккат-эътиборини тортавермайди. Холбуки уларнинг хаёти ўткир сиёсий коллизияларга хамда матонат ва Коммунистик партия ишига содикликнинг ибратомуз мисолларига тўлиб-тошгандир. Хўш, бундай китобларга кизикишнинг камайиб кетишига сабаб нима? Афтидан, бунинг сабаби шундаки, босилиб чиккан нашрларнинг кўпчилиги курук, ғализ тилда ёзилган, мазмуни эса ўша кишиларнинг мураккаб, драматизмга тўла такдирини тўлик акс эттирмайди. Шунинг учун хам Партия тарихи институти, олий ўкув юртлари КПСС тарихи кафедраларининг мамлакат ва республика партия хамда совет рахбарларининг беллетристик таржимаи холига оид серияни яратишда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи билан хамкорлик килишлари хар качонгидан хам актуал бўлиб колди. Жумладан, В. Д. Вотинцев, Е. П. Дубицкий, И. П. Фоменко, П. А. Кобозев, Я. Э. Рудзутак, В. И. Иванов, В. П. Бауман, О. Бобожонов, Н. Хўжаев, И. А. Зеленский, А. Икромов, Ф. Хўжаев сингари ва бошка кўплаб арбоблар тўғрисида ошкоралик ва тарихий хакикат позициясидан туриб ёзилган асарлар керак. «Кишиларни, революция кахрамонларини, ишчиларни, профессионал революционерларни, шоирларни

эслаш керак,— деган эди М. С. Горбачев,— унутилган одамларни, уларни ҳам эслаш керак. Буларнинг ҳаммасини биз... очикчасига ва чукур, демократия ва ошкоралик руҳида қилишимиз керак».

Ўзбекистон Компартияси, унинг салафи — Туркистон, Хоразм ва Бухоро партия ташкилотлари тарихида ҳали ҳам анчагина «оқ доғлар» бор. Уларнинг кўпгина босқичлари, фактлар ва воқеалар ленинча партиявийлик, тарихийлик принциплари, ҳақиқат асосида, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб чукур қайта идрок этилиши керак.

Маълумки, муҳим проблемалар «Ўзбекистон коммунисти» журнали редакцияси Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти билан ҳамкорликда ўтган йилнинг охирида ўтказган «давра суҳбати» мажлисида муҳокама қилинди («Ўзбекистон коммунисти», 1987, 12-сон, 38—56-бетларга қаралсин). Мунозара давомида Ўзбекистон Компартияси тарихининг бугунги кун талабларига мос равишда қайта идрок этиш лозим бўлган энг жиддий моментлари аниқланди. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси тарихининг, бизнинг назаримизда, тарихийлик ва ҳаққонийлик принциплари асосида анча чуқур ўрганиш ҳамда қайта кўриб чиқишни талаб қилувчи масалаларигагина тўхталиб ўтаман.

Экономикада, социал соҳада, партия ички ҳаётидаги турғунлик ҳодисалари, социалистик қонунчиликни, партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларини кўпол бузишлар билан боғлиқ 70-йиллар ҳамда 80-йилларнинг бошлари жамиятшунослар, шу жумладан партия тарихи билан шуғулланувчи олимларнинг алоҳида диққат-эътиборида бўлиши керак. Айни ўша йилларда жуда кўп хилма-хил проблемалар мутлақо ўрганилмади, ҳолбуки ўша проблемаларга ўнлаб, юзлаб диссертациялар, китоблар, брошюра ва мақолалар бағишланганди.

Олимларнинг илмий ва партиявий бурчи шундаки, улар шу бугуноқ, сира пайсалга солмай, Ўзбекистон Коммунистик партиясида ва ўша даврда республикада юз берган процессларни конъюнктурага берилмай марксча-ленинча методологияга асосланиб планли равишда ўрганишга киришишлари керак. Илгарилари бир неча бор бўлганидай кўп жиҳатдан анча фожиали бўлган ўша давр воқеаларини яширишга, айниқса уларнинг айқаш-уйқаш қилиб юборилишига йўл қўймаслик керак. Ҳамма деталларни яхшилаб, синчиклаб ўрганиш ва республикада юз берган воқеалар хусусида одамларга рўйирост гапириб бериш керак. Бу иш ўтмишдан сабоқ олиш, бундай нохуш ҳодисаларнинг келгусида такрорланмаслиги учун ҳам керак. Бу проблемани ҳал қилиш давомида ўша даврнинг партиявий ва бошқа ҳужжатларига танқидий ёндашиш биринчи даражали вазифадир, чунки уларнинг кўпчилиги воқеликни объектив ёритмаган. Аниқ маълумотлар олиш учун хилма-хил манбаларни бир-бирига жуда синчиклаб солиштириб чиқиш керак.

Ўзбекистоннинг бутун ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган, протекционизм, порахўрликка олиб келган, ўзбошимчалик муҳитини яратган «шарофрашидовчиликка» қарши курашишга уринган коммунистларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш ҳам олимларнинг партиявий ва профессионал бурчидир.

Ўзбекистон Компартиясининг қайта қуриш ва Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича фаолиятини ўрганиш республика партия тарихчиларининг асосий проблемасидир, албатта. Бу КПСС XXVII съезди, МКнинг съезддан кейинги Пленумлари, партия Марказий Комитети қарорларига мос келади. Уларда, мамлакат тараққиётининг дунёқараш, социал-иқтисодий, ахлоқий-психологик жиҳатларининг бутун бир комплексини тадқиқ этиш, ана шу асосда жамият тараққиёти ҳозирги босқичининг объектив эҳтиёжларини назарий жиҳатдан анча тўла ифодаловчи жадаллаштириш концепциясини бойитиш, экономикани қайта қуришга, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларини демократиялаштиришга, партия турмушининг ленинча принцип ва нормаларини тиклашга партия раҳбарлиги масалаларини ишлаб чиқиш бугунги кунда энг асосий масала эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, республика тарихий-партиявий фанини қайта қуриш иши бугунги кун позициясидан туриб изчил ва муросасиз равишда амалга оширилиши керак.

Партия жамиятшунослардан ривожланаётган социализмнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибаларни ҳисобга олишни; назарий хулосалар, жадаллаштириш стратегияси ва тактикасини янада ишлаб чиқиш, қайта қуришнинг қандай бораётгани учун; ижодий изланиш му-

хитини, новаторлик ғоялари учун кенг имкониятлар яратиш; фан билан практика ўртасида пухта ташкилий алоқа ўрнатиш учун масъулиятни сезишни талаб этади. Бунда партия ташкилотларининг қайта қуриш шароитидаги фаолиятини, янгиланиш процессларининг ўзини ўрганишни эртага қолдириш керак эмас. Буларнинг ҳаммасини қизиғида тадқиқ этиш, юз бераётган ҳодисаларни илмий идрок этиш асосида назарияни янада ривожлантириш, асосланган таклифларни ишлаб чиқиш керак.

Республиканинг тарихий-партиявий фанини қайта қуришда Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти муҳим роль ўйнашга даъват этилган. Бу ерда партия ва партия қурилиши тарихи проблемаларини ўрганиш, марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш борасида муайян ишлар қилинди. Лекин тарихий-партиявий проблематикани тадқиқ этишдаги жиддий камчиликлар Институт фаолиятига ҳам хосдир. Меҳнаткашларнинг ижтимоий, шу жумладан сиёсий онгини шакллантиришда унинг роли ҳали ҳам етарли эмас.

Бугунги кунда дирекция, партия ташкилоти, илмий ходимлар коллективи Ўзбекистон Компартияси МКнинг, КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг бевосита раҳбарлиги ва ёрдамида институтимиз фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қатор тадбирлар кўрмоқда. Олдинги йилларда қилган ишларимизга принципиал баҳо берилди, баъзи илмий асарларнинг назарий ва методологик савияси пастлиги, уларнинг реал ҳаётдан узилиб қолганлиги аниқланди. Ходимлар куч-ғайратини партия тарихи ва партия қурилишининг актуал проблемаларини ўрганишга жамлаш заруратидан келиб чиқиб, Институтнинг ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган илмий-тадқиқотчилик ишлари плани қайта кўриб чиқилди. Тўртта асосий илмий проблема аниқланди: Ўзбекистон Компартиясининг тарихий тажрибаси; республика партия ташкилоти қайта қуриш ва социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш шароитида; партиянинг миллий муносабатлар соҳасидаги сиёсатини такомиллаштириш, интернационалистик онгни шакллантиришга партия раҳбарлиги; Ўзбекистон Компартияси тарихининг историографияси ва манбашунослиги. Улар бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар темалари ҳам тасдиқланди.

«Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи» илмий-оммабоп очеркини тайёрлаш Институт фаолиятида муҳим ўрин тутиши керак, унинг план ва проспекти ишлаб чиқилди ҳамда муҳокама этилди. Шундан кейинги босқичда уч томдан иборат «Ўзбекистон Компартияси тарихи очерклари» тайёрланади ва нашр этилади. Институтда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев мақолалари ва нутқларини ўзбек тилига таржима қилиш давом эттириляпти.

Проблемаларни комплекс равишда ўрганиш учун Институт жамиятшунослик турли соҳалари вакилларининг куч-ғайратини бирлаштиришга эътибор беряпти. Авторлар коллективи составига партия тарихчилари, философлар, иқтисодчилар, социологлар киритиляпти. Бу Ўзбекистон Компартияси фаолиятини чуқурроқ анализ қилишга, иқтисодий, социал ва бошқа процессларга партиявий таъсир даражасини белгилашга, ижтимоий воқеаларнинг ички алоқасини аниқлашга, илмий асосланган тавсияномаларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, агар илгарилари Институт монография ва брошюраларни нашр этишни планлаштирган бўлса, эндиликда тадқиқотларни планлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу эса қатор проблемалар, шу жумладан нашриётчилик проблемалари билан ҳам боғлиқдир.

Илгарилари планни ўз вақтида ва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам бажаришга интилиб нашриётга кўпинча хом-хатала, бўш қўлёзмалар юборилардики, бу Илмий кенгаш обрў-эътиборининг тушишига, китоб бозорида сифатсиз маҳсулотларнинг пайдо бўлишига олиб келарди. Илмий кенгаш, Институт дирекцияси фаолияти бугунги кун талаблари асосида қайтадан кўриб чиқиляпти. Секторларда тадқиқотлар программалари, планлаштирилган қўлёзмаларни босқичма-босқич тайёрлаш графиклари ишлаб чиқилмоқда. Қўлёзмаларнинг назарий, илмий, методологик даражасини баҳолаш учун уюштирилаётган муҳо-

камалар юксак талабчанлик, хайрихоҳлик, принципиаллик руҳида ўтмоқда. Тақриз ёзишга бошқа илмий муассасалар, олий ўкув юртларининг олимлари кенг жалб этиладиган бўлди. Табиийки, бундай шароитда сифатсиз монография нашр этишга тавсия қилиниши мумкин эмас. Масалан, 1987 йилда назарий-илмий савияси паст бўлганлиги учун айрим қўлёзмалар нашриётга юборилмади.

Институтда методик семинар иш бошлади, у билишнинг марксча-ленинча диалектик методини, партия тарихи ва партия қурилишининг актуал проблемаларини тадқиқ этиш методологиясини чуқур эгаллашда институт ходимларига ёрдам беради. Мунозарали проблемалар плани ишлаб чиқилган. Олий ўқув юртлари КПСС тарихи кафедраларининг олимлари билан ижодий алоқани йўлга қўйишда дастлабки ишлар амалга оширияпти.

Институтнинг амалда Ўзбекистонда тарихий-партиявий фан маркази бўлиши, унинг асарлари назарий, илмий савиясининг юксаклиги, амалий аҳамияти билан ажралиб туриши учун ҳали жуда кўп иш қилишга тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, кескин бир бурилиш ясаш керакки, у институт коллективини турғунлик вазиятидан олиб чиқсин. Бу вазифани ҳал этиш учун Институтни юксак малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, проблемали группалар, миллий муносабатлар ва интернационал тарбия, социологик тадқиқотлар хизмати сектори ташкил этиш зарур, бусиз партия ичида юз бераётган процессларни, миллатлараро муносабатлардаги тенденцияларни аниқлаш, бу соҳалардаги мавжуд проблемаларни ҳал этиш йўлларини белгилаш қийин.

Биз ажойиб даврда яшаяпмиз. Партия жамиятшунослар, шу жумладан партия тарихчилари олдига қўйган жиддий ва масъулиятли вазифаларни лоқайд, бефарқ қўллар, совуқ қалб билан бажариб бўлмайди. Ўзбекистондаги тарихий-партиявий фанни қайта қуриш учун курашмоқ, уни ҳимоя қилмоқ, ривожлантирмоқ керак. Иш учун куйиб-пишадиган, сохталик, риёкорлик, виждонсизликка тоқат қилмайдиган, партиямиз тарихий тажрибасини, буюк социал, маънавий ва маданий бойликларимизни ҳимоя қила оладиган ва уларни кўпайтира биладиган сиёсий жангчилар унга бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ керак.

Давр партия тарихчилари фаолияти учун жуда катта имкониятлар яратиб берди, умуман Ўзбекистонда янгиланишнинг қандай бориши уларнинг шахсий ташаббусига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Зеро қайта қуришнинг бундай ўзига хос шароитида ўтмишни чуқур билиш — бугунги кунни ва келажакни яхшироқ тушуниш учун бебаҳо кўмакдир.

КОРХОНА ХЎЖАЛНК ЮРНТНШНННГ ЯНГН ШАРОНТНДА

Пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Ишлаб чикаришни бутун чоралар билан интенсивлаш, фан-техника тараккиёти ютукларини кенг жорий этиш, инсон омилини активлаштириш негизида мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — жамиятимизни бундан буён ҳар томонлама такомиллаштиришнинг асосий йўлидир. КПСС XXVII съезди ана шу йўлни белгилаб берар экан, янги вазифаларни муваффакиятли ҳал этишга, стратегик муҳим йўналишларда олға томон тез ҳаракат килишга ёрдам берадиган шароитларни яратиш зарурлигини ҳам уктирди. Хўжалик механизмини, энг аввало ягона халк хўжалик комплексининг асосий ишлаб чикариш бўғини — корхона, бирлашмада кайта куриш мазкур шароитлар орасида биринчи даражали аҳамиятга эга. Партия анжуманининг юксак минбаридан туриб таъкидландики, «бирлашма ва корхоналарнинг мустакиллик доирасини кескин кенгайтириш, энг юксак пировард натижаларга эришиш учун уларнинг масъулиятини ошириш лозим. Бунинг учун уларни чинакам хўжалик ҳисобига, харажатларнинг ўрнини ўзлари коплашига ва маблағ сарфлашни ўзлари таъминлашларига ўтказиш, коллективларнинг даромади даражасини бевосита иш самарадорлигига боғлик килиб кўйиш керак».

Экономикани бошкаришни тубдан кайта куриш юзасидан партия Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми карори ҳамда 1988 йил 1 январдан кучга кирган «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Конунининг кабул этилиши КПСС XXVII съезди тасдиклаган стратегик йўл изчиллик билан рўёбга чикарилаётганлигидан далолат бериб турибди. Мамлакат корхоналари ва бирлашмаларини кенг микёсда хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтказиш жараёнида юкорида тилга олинган Конун негизида ана шу асосий ишлаб чикариш бўғинининг иктисодий аҳволи тўғрисидаги масалага бўлган кизикиш сезиларли даражада ортмокда.

Пропагандист бу масалани ёритар экан, даставвал янги хўжалик механизмининг моҳияти ва мазмунини тушунтириб бериши, илгари амал килиб келган хўжалик механизмидан унинг фаркини кўрсатиши лозим. Шуни эслатиб ўтамизки, мамлакатда хўжалик механизмини кайта куришга илгарилари ҳам уриниб кўрилган. 1965 йилги иктисодий реформа, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1979 йил июлида кабул килинган «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чикариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги карори ана шунга каратилган эди. Аммо булар кутилган натижаларни бермади. Факат ҳаммавакт ҳам изчил амалга оширилавермаганлиги, суст рўёбга чикарилганлиги учунгина эмас, албатта. Бунинг асосий сабаби шундаки, бу тадбирлар корхоналарнинг иктисодий аҳволига принципиал ўзгартишлар киритмадилар: корхоналар ўз фаолиятида чеклаб кўювчи кўрсатмалар, инструкциялар, кўрсаткичлар билан кўллари боғликлигича колавердилар ҳамда аслини олганда ташаббускорлик ва мустакил иш тутишдан маҳрум бўлдилар; тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш тадбирлари белгиланмади.

Ҳозир амалга оширилаётган хўжалик механизмини тубдан кайта куриш эса корхоналарнинг ишлаб чикариш ва социал масалаларни ҳал килишдаги мустакиллигини иктисодий методлар билан кенгайтириш, ҳар бир ходимнинг бутун корхона фаолияти пировард натижаларидан манфаатдорлигини ва бунинг учун жавобгарлигини ошириши лозим. Корхона ҳакидаги Конуннинг коидалари асосий ишлаб чикариш бўғинида хўжалик юритишнинг янги шароитларини ифодаловчи сифатида хўжалик ҳисобини ривожлантиришга, корхоналарда такрор ишлаб чикариш жараёнини планли таъминлашнинг асосий воситалари бўлган хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи коплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга каратилгандир.

В. И. Ленин хўжалик механизмини такомиллаштириш масалаларига накадар жиддий эътибор берганлиги маълум. Жумладан, унинг партия VII съездидаги (1918 йил) докладида мана бундай вазифа кўйилган эди: «Давлатнинг бутун иктисодий механизмини бирлаш-

ган катта машинага, юз миллионларча кишиларни бир план билан ишлайдиган килувчи хўжалик организмига айлантириш керак» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 7-бет). Унинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асари хўжалик механизмининг моҳиятини, социалистик хўжалик юритишни такомиллаштириш формалари ва методларини анализ килишнинг ленинча принципларини тушуниб олишда муҳим аҳамиятга молик. Бу асар ҳозирги шароитда демократик централизм, давлат планининг етакчилик роли, планлаштиришни иктисодий воситалар ва стимуллардан фойдаланиш билан кўшиб олиб бориш, хўжалик вазифаларини ҳал этишга сиёсий ёндашиш каби социалистик хўжалик юритиш ленинча принципларининг аҳамиятини очиб беришда пропагандистга кўмаклашади.

Махсус адабиётда хўжалик механизмининг ўзига хос ишлаб чикаришга таъсир этиш формалари билан, бошкарувнинг ташкилий структураси ва стимуллар системаси билан биргаликда хўжаликни план асосида олиб бориш усули сифатидаги таърифи кенг ёйилган. Ушбу таърифни 1-схемадан фойдаланган ҳолда асосий ишлаб чикариш бўғини шароитларига татбикан конкретлаштириш мумкин. Унда ифодаланган хўжалик механизмининг асосий элементларини очиб бериб, конкрет корхонада унинг мавжуд ҳолатига оид мисолларни келтириш максадга мувофикдир.



1-схема. Корхонанинг хўжалик механизми.

Корхона ҳакидаги Конуннинг асосий ғояси — хўжалик механизмини такомиллаштириш ғояси айнан асосий ишлаб чикариш бўғини хусусидадир, у бу бўғиннинг ижтимоий ишлаб чикаришдаги ролини тушунишга асосланади. Бу роль акалли шунинг учун ҳам каттаки, ягона халк хўжалик комплексининг асосий бўғинида социалистик жамият ихтиёрида бўлган моддий неъматларнинг жами яратилади, илмий-техникавий янгиликларнинг яшаш кобилияти текширилади, кишилар ўртасидаги муносабатлар такомиллашиб боради. Ижтимоий ишлаб чикариш системасида корхонанинг ўрни кўрсатилганда унинг иктисодий ва социал функцияларининг моҳиятини очиб бериш лозим.

Социалистик корхонанинг **иктисодий функциясини** рўёбга чикариш жонли ва буюмлашган меҳнатни муайян микдорда сарфлаб, белгиланган микдорда ва сифатли маҳсулот чикариш демакдир. У ишлаб чикариш бирликларининг ижтимоий меҳнат таксимоти жараёнида юзага келадиган ўзаро муносабатларини характерлаб беради. Бундан ташкари, мазкур функция у ёки бу корхонанинг техникавий-иктисодий даражасини, демак, унинг халк хўжалик комплексини ривожлантиришга кўшаётган реал ҳиссасини ҳам акс эттиради. Бунинг устига, у коллектив аъзоларининг берилган ишлаб чикариш программасини бажариш борасидаги куч-ғайратини бирлаштириш натижасида юзага келадиган ўзаро муносабатларини характерлайди.

Корхонанинг **социал функцияси** меҳнат коллективи аъзоларининг айнан ўз ишлаб чикариш программаларини бажариш жараёнидаги мустакил ривожланиши имкониятларини акс эттиради. Зеро социалистик ишлаб чикаришнинг максади — факат муайян маҳсулотни чикаришгина эмас, балки кишиларнинг ижодий кобилиятларини очиш, ишлаб чикаришнинг иктисодий самарадорлигини ўстиришнинг биринчи даражали шарти сифатида уларнинг ижтимоий ва меҳнат активлигини ошириш ҳамдир. Корхонанинг социал функцияси ҳар бир ходимнинг бирон-бир технологик операцияни шунчаки ижро этувчи сифатидагина эмас, балки социал ўзаро муносабатлар системасида меҳнат коллективининг тенг ҳукукли аъзоси сифатида ҳам ўрнини белгилаб беради. Коллективнинг ишлаб чикариш фаолияти

социалистик турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга молик.

Ҳозирги босқичда корхона социал функциясининг аҳамияти анча ошмоқда. Уни ривожлантириш ва такомиллаштириш программ аҳамиятга молик вазифа бўлиб, уни ҳал этиш ҳамма ерда меҳнат коллективларининг социал ривожлантириш планларига киритилмоқда. Ушбу вазифани амалга ошириш ҳаётий муҳим аҳамиятга молик, шунинг учун ҳам корхона ҳақидаги Қонуннинг 13-моддаси юридик жиҳатдан ана шуни такомиллаштириш заруратини мустаҳкамлайди.

Пропагандист ижтимоий ишлаб чиқариш системасида корхонанинг роли ва ўрни тўғрисидаги масаланинг баёнини ниҳоясига етказар экан, принципиал муҳим момент устида тўхталиб ўтиши лозимки, у ҳозир корхоналарда ўтказилаётган хўжалик ислоҳотининг илгаригиларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатади. Гап корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва социал масалаларни ҳал қилишдаги мустақиллигини кучайтириш ҳамда ўзини-ўзи бошқариш социалистик принципларини ривожлантириш ва татбиқ этишда ана шундан келиб чиқадиган кенг имкониятлар ҳақида боради. Бу ўринда мустақиллик ва централизм тушунчаларини изоҳлаб беришда ҳаддан ошиб кетишга йўл қўймаслик, уларни, баъзан адабиётда бўлиб турганидек, бир-бирига қарши қўймаслик муҳимдир. Бу оддий бўлмаган масалани тушуниб олишда централизм билан мустақилликни қўшиб олиб бориш (бир-бирига қарама-қарши қўйиш эмас, балки айнан қўшиб олиб бориш) ленинча принципи калит бўлиб хизмат қилиши лозим. Чунончи, В. И. Ленинннинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» деган мақоласининг дастлабки вариантида қуйидагиларни ўқиймиз: «Биз демократик централизмга тарафдормиз. Шунинг учун демократик централизмнинг, бир томондан, бюрократик централизмдан, иккинчи томондан, анархизмдан тамоман бошқача эканлигини аниқ тушуниб олмоқ керак» (ТАТ, 36-том, 171-бет).

Корхоналарнинг мустақиллигидаги янгилик амалда Қонун қоидаларининг бутун суммаси билан белгиланади, аммо унинг энг муҳим шартлари орасида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

— ижтимоий мулк **хўжайини** бўлган меҳнат коллективининг материаллар, машиналар, асбоб-ускуналардан фойдаланиши;

— корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш заруратидан келиб чиқадиган планлаштиришнинг янги тартиби;

— контрол рақамлар ва иқтисодий нормативларнинг илмий асосланганлиги ва стабиллиги, бу уларни татбиқ этишда юқори ташкилотларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилади;

— узоқ муддатли нормативлар системаси амал қилишининг бирлиги ва сурункалиги (тармоқ учун), бу ҳол уларни айрим корхоналар бўйича татбиқ этишдаги индивидуаллаштиришни ва кескин тафовутларни истисно этади;

— ишлаб чиқариш воситалари билан ялпи савдо қилишга ва бевосита хўжалик алоқаларига тўла-тўкис ўтиш;

— корхоналар маҳсулотига нарх белгилаш системасини ва молия-кредит механизмини қайта қуриш;

— хўжалик ҳисобининг у ёки бу моделини танлаб олиш мумкинлиги, корхонанинг хўжалик ҳисобидан оладиган даромадидан фойдаланишдаги мустақиллиги;

— меҳнатга тўланадиган ҳақни ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўйиш.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида корхонанинг аҳволи ҳақидаги масалани баён этган вақтда у ёки бу масаланинг моҳиятини акс эттирувчи кўргазмали воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, иқтисодий система сифатида корхонанинг моҳиятини 2-схема ёрдамида тушунтириш мумкинки, бу схема корхонанинг хўжалик ҳисобидан олган фойдасини, иқтисодий рағбатлантириш фондларини тақсимлаш ва ишлатиш тартибини акс эттиради.

Хўжалик ҳисобининг иккинчи формаси биринчисидан шу билан фарқ қиладики, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг ягона фонди коллективнинг хўжалик ҳисобидан оладиган даромадининг қолдиғи сифатида ундан иқтисодий рағбатлантириш фондлари ҳосил қилинганидан кейин ташкил топади.

Корхоналарнинг мустақиллигини кучайтириш планлаштириш тартибини — хўжалик механизмининг энг муҳим элементларидан бирини ўзгартиришга асосланганлиги сабабли янги шароитда унинг формалари ва методлари ҳақидаги масалага алоҳида эътибор бермоқ лозим. Дарвоқе, уларни такомиллаштириш вазифаси ҳозирги кунда улар ўз вазифаси ва характерига кўра бутун корхона ишининг самарадорлигини ошириш — мамлакат экономикасини интенсивлаш йўлига, жамиятни жадал рвожлантириш йўлига ўтказиш талабларига жавоб бериши лозимлигини ҳисобга олган ҳолда қўйилмоқда. Бинобарин, корхонада планлаштиришни такомиллаштириш жараёнининг ўзи шу боисдан пухта ўйланган ҳаракат программаси бўлиб қолиши лозим. Масаланинг сифат жиҳатдан бундай янгича қўйилишини, биринчидан, планлаштириш, КПСС Программасида таърифланганидек, «мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг, фан-



2-схема. Иктисодий система сифатида корхона.

Хўжалик хисобининг фойдани нормативлар бўйича таксимлашга асосланган биринчи формаси.

техника тараққиёти негизида ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг, прогрессив хўжалик ечимларини амалга оширишнинг актив воситаси бўлиши, экономиканинг балансли ва шитоб билан ўсишини таъминлаши лозим»лиги тўғрисидаги илмий жиҳатдан асосланган хулоса тақозо этади. Иккинчидан, у планлаштиришнинг кўп йиллик практикасини илмий анализ қилиш ва умумлаштиришдан, СССРда ва қардош социалистик мамлакатларда тўпланган хўжалик бўғинларининг планларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибасидан келиб чиқади.

Маълумки, бизнинг корхоналаримиз узоқ вақт давомида ўз ишлаб чиқариш ва социал фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқишда мустақилликка эга эмас эдилар. Бу фаолият юқоридан туриб батафсил чеклаб қўйиларди. Бирлашмалар, корхоналар ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда, моддий ресурсларни етказиб берувчиларни танлашда ҳам эркин эмас эдилар. Кўрсаткичларни белгилашда ялпи ёндашиш устун бўлиб, бунда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари ва бунинг оқибатида — истеъмолчининг манфаатлари аслида планлаштиришдан ташқарида қолиб кетар эди. Корхоналарнинг хўжалик фаолияти ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга асло қаратилмас эди. Корхоналарнинг омборларида, улгуржи базаларда кераксиз маҳсулотлар тоғ-тоғ бўлиб ётар, айни вақтда кўп товарлар сира ҳам етишмас эди. Марказлаштирилган тартибда белгилаб қўйиладиган нормативлар фақат ҳисоблаш асбоби функциясини бажарар эди ва корхоналар коллективларини ресурслардан самарали фойдаланишга рағбатлантирмас, ходимларни ишлаб чиқариш рентабеллигини ва маҳсулот сифатини оширишдан манфаатдор қилмас эди.

Туб иқтисодий ислоҳот давомида планлаштириш тартиби, унинг асосий воситалари ҳам, планга муносабат ҳам анча ўзгариб боради. Бу хусусда Давлат корхонаси ҳақидаги қонунда аниқ кўрсатмалар бор, бинобарин, пропагандист уларнинг асосийларини, планлаштиришнинг янги тартибига ўтиш билан боғлиқ бўлганларини тингловчиларга тушунтириб бериши лозим:

— энг аввало планлаштириш олдига қўйиладиган мақсаднинг ўзи ўзгаради: истеъмолчиларнинг манфаатлари биринчи ўринга қўйилади, конкрет истеъмолчининг конкрет эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотгина планлаштирилади ва чиқарилади;

— социал-иқтисодий ривожлантириш планларини ишлаб чиқишда асосий ишлаб чиқариш бўғинининг роли анча кучайтирилади, бунда халқ хўжалиги эҳтиёжларини ўз вақтида ва сифатли қилиб қондириш учун унинг масъулияти ва манфаатдорлиги ошади;

— ресурслардан самарали фойдаланишга рағбатлантирадиган муҳим воситалар сифатида беш йиллик планнинг, давлат буюртмасининг ва иқтисодий нормативларнинг аҳамияти ортади;

— шартномаларнинг роли ва шерик-корхоналарнинг ўзаро масъулияти ошади;

— марказий тартибда тасдиқланадиган кўрсаткичларнинг контрол рақамлар доирасида чекланган миқдори анча қисқаради, улар қуйидагиларни ифодалайди: қиймат билан ифодаланадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш, фойда, фан-техника тараққиётининг асосий кўрсаткичлари, социал соҳани ривожлантириш кўрсаткичлари, тўла хўжалик ҳисобини ўзлаштириш даврида эса — меҳнат унумдорлиги ва материал сарфи.

Планлаштиришнинг янги тартиби корхоналар ва бирлашмалар планларини ишлаб чиқишнинг қуйидаги навбатини кўзда тутади. Давлат буюртмаси, маҳсулотлар улгуржи виставка — ярмаркаси натижалари, шерик-корхоналар ўзаро эҳтиёжларини, истеъмолчиларнинг у ёки бу маҳсулотни чиқаришга берган заявкаларини ўрганиш негизида буюртмалар портфели деб аталган нарса шаклланади. Унинг асосини; шубҳасиз, давлат буюртмаси ташкил этадики, бу буюртма халқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқларида фан-техника тараққиёти суръатларини белгилаб берадиган маҳсулотни чиқариш бўйича энг муҳим топшириқлардан иборатдир. Ёқилғи-энергетика ва машинасозлик комплекслари корхоналарида ишлаб чиқилаётган планларда давлат буюртмаси энг катта аҳамиятга ва шунга мувофиқ салмоққа эга бўлади. Сўнгра, корхона беш йилда бир марта белгилаб қўйиладиган контрол рақамларга ва стабил иқтисодий нормативларга амал қилиб, диққат-эътиборни чиқариш планлаштирилаётган маҳсулотнинг мавжуд ва истиқболдаги нархи даражасига қаратиб, ўзининг иқтисодий ва социал ривожланиши асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқади. Планлаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмига таяниб фойданинг миқдори ҳисоблаб чиқилади, ана шу асосда корхона билан давлат бюджети, юқори, маҳаллий ва кредит органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар белгиланади, корхонанинг хўжалик ҳисобидан оладиган даромади аниқланади. Ана шуларнинг ҳаммасини 3-схема кўрсатиб турибди.

Янги шароитда корхонада планлаштириш тўғрисидаги масаланинг баёни ниҳоясига етказилганда тингловчиларни планлаштириш жараёнининг ўзини, унинг технологиясини такомиллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўналишлари билан таништириш мумкин. Жумладан, улардан бири комплексликни кучайтиришдир. Дарвоке, ушбу ҳолда у планда унинг барча бўлимлари ва кўрсаткичлари учун бир хилда ривожлантириш суръатлари топширилади, деган маънони билдирмайди, асло. Планлаштиришнинг комплекслилиги



3-схема. Корхоналар планларини ишлаб чиқиш тартиби.

энг аввало планнинг барча бўлимларини ривожлантиришнинг илмий асосланган пропорцияларидан, даврнинг турли вактларида улар ўртасида корхоналарнинг, корхоналар меҳнат коллективларининг ҳаёт ва фаолияти жараёнидаги устун жиҳатларни алоҳида кўрсатган ҳолда оптимал нисбатни белгилашдан иборатдир. Бу билан шундай аҳвол таъминланадики, бунда корхонанинг социал соҳадаги ривожланишида қолоқликка йўл қўйилмайди, акс ҳолда бу ишлаб чиқаришнинг ҳажм ва сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, эскирган ишлаб чиқариш фондлари кўплаб тўпланиб қолади, йўкса бу фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш суръатлари учун ноқулай бўлади.

Ўз техникавий-иктисодий планлаштириш ишида ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш ва бу билан боғлиқ ҳолда маҳсулот сифатини ва уни чиқариш ўсимини таъминлаш тадбирларининг тезлиги ва технологик даражаси вариантларини ҳисоблаб чиқиш бошлан-

гич нукта бўлиб колиши лозим. Бу корхона ҳакидаги Қонуннинг «Фан-техника тараккиёти ва сифатни ошириш» деб номланган II моддасининг мантики ва мазмунидан келиб чикади.

Ҳозирги боскичда математик методларни ва ҳисоблаш техникасини кўлланиш негизида анализнинг микдорий методларидан кенг фойдаланмасдан туриб планлаштиришни бундан буён такомиллаштириб бўлмайди, албатта.

Давлат корхонаси ҳакидаги СССР Қонуни асосий ишлаб чикариш бўғинида хўжалик ҳисоби тушунчасига принципиал ўзгартишлар киритади. Корхона ишлаб чикариш фаолиятининг пировард натижалари, ҳар бир ходимнинг моддий фаровонлиги кўп жиҳатдан корхонада хўжалик ҳисоби воситалари канчалик тўла ишга солинганлигига боғликдир. Тўла хўжалик ҳисобига, ўз харажатларини ўзи коплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш корхоналарнинг иктисодий аҳволида принципиал янги моментни ифодалайди.[1]

Ҳўжалик ҳисоби билан боғлик бўлган проблемалар доираси етарли даражада кенгдир. Шу боисдан пропагандист диккат-эътиборни муайян корхонанинг ўзига хос шароитида улардан энг муҳимларига каратмоғи лозим. Бунинг учун хўжалик ҳисобининг мазмунини очиб бериш, корхонанинг хўжалик ҳисобидан оладиган даромадининг ҳосил бўлиш механизмини аниклаш, тингловчилар билан биргаликда у ёки бу ишлаб чикариш бўлинмаси, бригадаси ёки бутун корхонанинг амалда хўжалик ҳисобига ўтиши йўналишларини муҳокама килиш зарур.

Хўжалик ҳисобининг жуда кенг таркалган таърифларидан бири уни корхонада ишлаб чикариш жараёнини планли тарзда таъминлашнинг иктисодий формаси сифатида талкин этади. Уни социалистик шароитда, яъни ишлаб чикариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, планлилик мавжуд бўлган бир шароитда ишлаб чикариш харажатлари ва натижаларини таккослаган ҳолда хўжалик юритиш методи сифатида таърифлаш ҳам хўжалик ҳисобининг моҳиятига зид эмас.

Қонунда айтиладики, корхоналар маҳорат ва тежамкорлик билан хўжалик юритишлари, бунда факат ўз ишлаб чикариш фаолиятларидан даромад олишга умид килишлари лозим. Маҳсулотни реализация килишдан тушган пулдан (2-схемага каранг) корхона амортизация ажратмаларини ҳам ҳисобга олганда моддий харажатларни коплайди. Қолган сумма корхонанинг даромади бўлиб, у корхона ходимларининг иш ҳакидан ва фойдадан иборат бўлади. Фойдани яна бошкача килиб янги яратилган киймат ёки соф маҳсулот деб ҳам аташади. Ана шу фойдадан каттик белгилаб кўйилган нормативлар бўйича давлат бюджетига, юкори органларнинг, ҳокимият маҳаллий органларининг марказлаштирилган фондига ажратмалар ўтказилади, банк кредити учун процентлар тўланади. Фойданинг ана шундан кейин корхона ихтиёрида коладиган кисми — корхона ҳакидаги Қонуннинг учинчи моддасида у колдик фойда деб аталади — иктисодий рағбатлантириш фондларини ҳосил килишга: ишлаб чикаришни, фан ва техникани ривожлантириш,,социал ривожлантириш, моддий рағбатлантириш фондларини ҳамда худди шундай максадларга мўлжалланган ва корхонанинг молиявий резервларини ҳам ўз ичига оладиган бошка фондларни ҳосил килишга кетади. Корхонанинг хўжалик ҳисобидан оладиган даромади иш ҳаки фонди ва фойда колдиғидан ташкил топади.

Фойдани норматив таксимлашга асосланган хўжалик ҳисобининг биринчи нормаси шароитида корхоналарнинг хўжалик ҳисобидан оладиган даромадларининг ташкил топиш механизми умуман олганда ана шундайдир. Бунга шуни кўшимча килиш зарурки, фойдадан ажратмалар нормативлари давлат бюджети билан ҳисоб-китоб килганда ҳам, иктисодий рағбатлантириш фондларини ҳосил килишда ҳам беш йиллик план тасдикланишига кадар беш йилда бир марта белгилаб кўйилади ва йиллик планларда ўзгартирилмайди. Уларнинг стабиллиги ана шу билан таъминланиб, у яхши ишлайдиган меҳнат коллективлари хўжалик ҳисобидан каттарок суммада даромад ва, бинобарин, анча юкори иш ҳаки олишига ишонч пайдо килади.

Хўжалик ҳисобининг моҳиятини тушунтириб бериш учун унинг принципларини кўриб чикиш лозим:

— ўз харажатларини ўзи коплаш — корхонанинг харажатларини унинг ўз хўжалик фаолиятидан тушадиган даромадлар билан коплаш;

— рентабеллик — даромадларнинг харажатлардан кўпрок бўлиши;

— хўжалик мустакиллиги, бу корхонага бериб кўйилган асосий ишлаб чикариш фондлари ва муомала фондларини тасарруф этиш ҳукукидан келиб чикади;

— моддий жавобгарлик ва меҳнатнинг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлик;

— бутун ишлаб чикариш фаолиятини ўз маблағлари билан таъминлаш.

Кейинги вактларда хўжалик ҳисоби тушунчасини учта: тўла хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи коплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тушунчалари билан талкин этадиган ёки алмаштирадиган ибора таомилга кирди. Шу муносабат билан пропагандист ана шу тушунчаларнинг бирлиги ва тафовутлари устида киска тўхталиб

ўтиши лозим. Аввало шуни эслатиш керакки, ўз харажатларини ўзи коплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш — бу хўжалик ҳисоби принципларидир.

Ўз харажатларини ўзи қоплаш корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқаришга килган харажатларини ўзи даромадларидан тўла қоплашини билдиради. В. И. Ленин уктирганидек, «...хўжалик ҳисобидаги трест ва корхоналар худди ўз корхоналарининг безарар ишлашлари учун ўзлари жавобгар бўлишлари ва шу билан бирга батамом жавобгар бўлишлари учун тузилган» (ТАТ, 54-том, 169-бет). Эътиборга олиб қўйяйлик: ўз харажатларини ўзи коплаш ёки безарар ишлаш, умуман айтганда, рентабеллик даражаси нул бўлган ҳолдагина мумкин, бу эса корхона учун даромадлар билан харажатларни учма-уч келтириш демакдир.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга эса ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида эмас, балки юксак рентабеллик даражасидагина эришиш мумкинки, бу даража корхонанинг ўз ишлаб чиқариш харажатлари (сарфлари) ни фақат қоплабгина қолмасдан, балки уни кенгайтиришга (реконструкция килиш, техника билан кайта куроллантириш, янги курилишга), шунингдек давлат маблағларини жалб этмасдан туриб ўз социал соҳасини ривожлантиришга маблағлар ажрата олиши учун ҳам етарли бўлиши лозим.

Шундай килиб, хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи коплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш — бир-бирини такозо этувчи тушунчалардир. Тафсилотларга берилиб кетмасдан шуни айтиш мумкинки, тўла хўжалик ҳисобининг формал хўжалик ҳисобидан асосий фарқи ўзини ўзи маблағ билан таъминлашдан иборат, яъни корхона ўзининг ишлаб чиқариш ва социал соҳаларини ривожлантиришда ўз кучларига таянмайдиган бўлса, хўжалик ҳисоби тўлиқ бўлиши мумкин эмас.

Тўла хўжалик ҳисобини жорий этиш учун корхона ҳақидаги Қонундан кўриниб турганидек, куйидагилар зарур:

— ишлаб чиқариш воситаларини, яъни хом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар, меҳнат ва табиий ресурсларни ҳақ тўлаган ҳолда хўжалик оборотига тўла-тўкис жалб этиш ва самарали ишлатиш;

— юкорида кайд этиб ўтилганидек, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳисобидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш;

— хўжалик ҳисобини ишлаб чиқариш ичидаги муносабатларга (завод ички хўжалик ҳисоби) татбиқ этиш: коллектив ва бригада пудрати;

— юкори органлар билан хўжалик ҳисоби муносабатларини ўрнатиш, ишлаб чиқариш ва бошқариш системасини такомиллаштириш;

— хўжалик мустақиллигини ошириш ва мустаҳкамлаш;

— истеъмолчининг ишлаб чиқарувчига реал таъсирини белгилаб қўйиш ҳамда вужудга келган ва ҳозирдаёк нуқсонли бўлиб қолган таъминотнинг фондлаштириладиган (карточкали деб аталадиган) системасидан, яъни истеъмолчи маҳсулотнинг асосий характеристикаларига таъсир кўрсата олмайдиган системасидан ишлаб чиқариш воситалари билан ҳам, истеъмол предметлари билан ҳам улгуржи савдо қилишга ўтиш.

Корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтиши чуқур ўйлаб чиқилган, илмий жиҳатдан асосланган ҳаракат программасини, жиддий тайёргарлик кўришни талаб этади. Бунда турли қоидалар, методикаларни, нормативлар системаларини ишлаб чиқиш зарурки, уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан илмий жиҳатдан асосланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Бу ҳол тўла хўжалик ҳисобини жорий этишда фанга таяниш, илмий кучларни жалб қилиш нечоғлик муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

«Ташавтоматика» заводини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу завод корхонани тўла хўжалик ҳисобига ўтказишда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузди. Уларнинг биргаликдаги ижодий иши тажрибаси бундай ўтишни амалга оширишнинг йўналишлари ва изчиллигини белгилашда ижобий натижалар бермокда.

Ишни ташкилий-иктисодий тайёргарликдан бошлашди, у бундай ўтишни таъминловчи тадбирларнинг кенг плани ва рўйхатини тузишни ўз ичига олди. Мазкур тадбирлар орасида асосийлари — иктисодий ўкув ва оммавий тушунтириш ишидир. Навбатдаги боскич — ишлаб чиқариш ичида хўжалик ҳисоби муносабатларини созлаш: корхона цехларини коллектив пудратга ўтказиш, бригада пудратини жорий этишдир. Бунинг учун бригадаларни йириклаштириш, улар составига инженер-техник ходимларни, ёрдамчи ишчиларни киритиш зарур бўлди. Ана шуларнинг бари биринчи боскичдаёк меҳнат унумдорлигини 13 процент ўстириш имконини берди ва шунга яраша меҳнатчиларнинг иш ҳаки оширилди.

Шу билан бир каторда завод бригадалари ва асосий структуравий бўлинмаларининг хўжалик ҳисоби борасида бир-бирлари олдидаги мажбуриятлари ишлаб чиқилди ва илмий-иктисодий жиҳатдан асослаб берилди, бунга планлаштиришнинг норматив-чек системасини кўлланиш, маҳсулотнинг технология занжири бўйича ҳаракатида уни ишлаб чиқаришга килинган харажатларни ҳисобга олиш ва контрол килиш асос килиб олинди. Пудрат бригадалари учун ишларнинг ҳажми, номенклатураси ва план-учет бирлиги белгилаб қўйилди,

комплекс ишбай баҳолар ҳамда маҳсулот бирлигига моддий харажатлар нормативлари ҳисоблаб чиқилди.

Афсуски, ҳамма иш силлиқ кетяпти, ҳамма нарсага биринчи уринишдаёқ эришиляпти деб бўлмайди. Инерция кучи жиддий тўсиқ бўлмоқда. Планлаштиришда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда, шунингдек заводнинг ташқи алоқаларида анча-мунча проблемалар ва камчиликлар борлиги аниқландики, завод бу алоқаларга ҳозирча ўз кучлари билан таъсир кўрсата олмаяпти. Аммо асосий иш қилинди — ўзгартишларнинг тўғри стратегияси танлаб олинди, бу эса коллективга тўла хўжалик ҳисоби томон дадил ҳаракат қилиш имконини берди.

Хулоса қилиб Давлат корхонаси ҳақидаги Қонун шаънига айтилаётган танқидий фикрларга пропагандист ўз муносабатини билдирадиган вазият устида тўхталиб ўтамиз — зеро бундай фикрлар матбуот саҳифаларида ҳам, хўжалик практикасида ҳам пайдо бўлиб турибди. Умумий қоида маълум: кескин масалалардан қочмаслик, балки мавжуд тажриба, ўз корхонанг ва бошқа корхоналар ҳаётидаги мисоллар асосида ўз нуқтаи назарингни баён қилиш лозим. Корхона ҳақидаги Қонуннинг хўжалик юритишнинг янги шароитларини, янги хўжалик механизмини ҳамда корхоналарнинг ана шу шароитдаги аҳволини жамулжам қилиб (иқтисодий-ҳуқуқий) ифодалаганлиги учун танқид қилинишини тўғри деб тан олмаслик қийин, албатта. Шундай бўлишига қарамай, тушунтирмоқ лозимки, бу ўринда танқид қилувчилар асосий нарсани: биринчидан, корхоналар фаолиятини батафсил ва ҳамма соҳалар бўйича регламентлаб қўйишни принцип жиҳатдан амалга ошириб бўлмаслигини — Қонун корхона аҳволининг фақат асосий, принципиал моментларини акс эттириб, «Нимаики тақиқланмаган бўлса — ҳаммасига ижозат берилади» формуласида ифодаланадиган йўл танлашдаги муайян эркинлик ҳуқуқи корхонага бериб қўйилганлигини; иккинчидан, Қонуннинг мантиқи ва руҳидан (аммо ҳарфидан эмас, танқид қилувчилар кўпинча ана шунга эътибор берадилар) келиб чиқаётганидек, Қонунда янги хўжалик механизмини амалда эгаллашга ўрганиш, уни муттасил такомиллаштириш ва тартибга солиб туриш вазифаси таърифлаб берилганлигини ҳисобга олмайдилар.

Мамлакат қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйди. Партия ва ҳукумат қарорларига мувофиқ ҳозир бутун ташкилотчилик иши корхоналар ва бирлашмаларнинг тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш принципларига кенг миқёсда ўтишини таъминлашга, уларнинг мустақиллиги ва тадбиркорлигини оширишга, ана шу мақсадда Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги СССР Қонуни кучга киритилиши билан яратилган шароитлардан максимал фойдаланишга қаратилиши лозим. Ана шуларнинг жами ижтимоий онгни жиддий равишда қайта қуришни, инерция кучини бартараф этишни, социалистик жамият меҳнатчиларида янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришни, уларнинг янги вазифаларни аниқ-равшан тушуниб олишларига эришишни ҳам талаб этади. Шу муносабат билан сиёсий ва иқтисодий ўқув системаси пропагандистлари зиммасига катта масъулият юкланади. **Редакция пропагандистларни журнал саҳифаларида ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга, қандай қийинчиликларни бошдан кечираётганликларини, уларнинг фикрича, қандай масалаларни мутахассислар тушунтириб бериши лозимлигини хабар қилишга таклиф этади. Редакция бундан буён пропагандистларга ёрдам учун материаллар тайёрлашда билдирилган истакларни ҳисобга олишга ҳаракат қилади.**

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРНИ ИДЕОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ

Е. МАРИХИН,
КПСС Ульяновск область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири

В. И. ЛЕНИН кўп марта таъкидлаганидек, ҳар қайси тарихий босқичнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар тарафлама таҳлил этиш ва меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш вазифаларини шунга мувофиқ равишда белгилаш жуда муҳимдир. В. И. Ленин ватани бўлган Ульяновск область партия ташкилоти коммунистлари ҳозирги пайтнинг ўзига хос жиҳатларини нималардан иборат деб биладилар ва бу нарса уларнинг позицияларини қайта қуришга ҳамда социал-иқтисодий вазифаларни идеологик таъминлашга янгича ёндашувларни белгилаб олишга амалда қандай таъсир қилмоқда?

Партия XXVII съездидан кейиноқ биз КПСС область комитети пленумига тайёргарлик кўра бошладик, бу пленум жадаллаштириш ва қайта қуриш ғояларини коммунистлар, ҳар бир раҳбарнинг, барча меҳнаткашларнинг онгига сингдириш ҳамда белгиланган вазифалар амалга оширилишини таъминлаш учун область партия ташкилотининг идеология фаолияти соҳасидаги программасини ишлаб чиқиши керак эди. Пленумга пухта тайёргарлик кўриш ишнинг қуйидаги йўналишларини пухта ўйлаб кўриш ва уларни таклиф этиш имконини берди. Булар: инсонни тарбиялашга янгича, ностандарт ёндашувларни излаш; сийқа андозалар, расмиятчилик, сиёсий вайсақиликка кескин barҳам бериш; сўз билан иш орасидаги фарқни камайтириш; идеология ишининг ижтимоий амалиёт билан боғлиқлигини энг кўп даражада таъминлаш; одамларга таъсир кўрсатишнинг якка тартибдаги, моҳиятига кўра демократик ва пировард натижаларига кўра таъсирчан идеологик жиҳатдан актив формаларини жорий этиш.

Турган гап, идеология активи олдига қўйилган вазифалар аллақандай қотиб қолган ва ўзгармас вазифалар эмас. Улар қайта қуриш жараёни чуқурлашган сайин кенгайиб, бойиб бораверади. Чунончи, биз КПСС МКнинг 1987 йил январь Пленумидан кейин ғоявий-тарбиявий ишнинг кўп жиҳатларига янгича назар ташладик. Партия МКнинг 1987 йил июнь Пленумидан кейин қайта қуришни идеологик таъминлаш вазифалари чуқурроқ маъно касб этди. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладидаги хулоса ва қоидалар ҳам уларнинг мазмуни ва қўйилишига ўз таъсирини кўрсатди.

Хуллас, ҳаёт воқелигимизга доимо ўзининг тузатишларини киритиб турибди. Бу қонуний бир ҳолдир. Зотан одамлар билан ишлаш даврнинг белгиларини, янги ҳолатларни муттасил идрок этиб бориш, уларни ҳисобга олиш, меҳнаткашлар туб манфаатлари билан боғлиқ бўлишини талаб қиладиган жараёндир.

Бизнинг кадрларимиз идеологик таъминлашни турлича тушунишади. Баъзилар «идеологик таъминлаш» ва «идеологик иш» тушунчалари ўзаро ҳам умумий, ҳам хусусий тарзда боғланади, деб ўйлашади. Бошқалар бу тушунчаларни қориштириб юборишади. Идеологик таъминлаш идеологик, ташкилотчилик, хўжалик ишининг бирлигидан иборат, деган талқин ҳам бор. Гоҳо исталган натижага эришишда ғоявий-тарбиявий ишга якунловчи роль юклатилади.

Жумладан, областдаги партия-идеологик активларидан сўраб чиқиш ана шундай турлича талқинлар борлигини тасдиқлади. «Идеологик таъминлаш деганда сиз нимани тушунасиз?» деган сўроққа сўраб чиқилган кишиларнинг 40 проценти: «Бутун идеология ишини тушунаман», деб жавоб берган. Ҳар уч кишининг бири идеологик таъминлаш билан кўпроқ хўжалик раҳбарлари шуғулланишлари керак, деб жавоб берган, 30 процент киши умуман жавоб беришга қийналган.

Бизда идеологик таъминлашнинг мақсади фақат ғояларни ёйишдир, деган фикр мавжуд эди. Одамларнинг умумий маданий савиясининг ўсганлиги, оммавий ахборот воситалари иши, сиёсий ўқув системаси такомиллашгани, юқори малакали кадрлар мавжудлиги туфайли идеологик таъминлашнинг ана шу дастлабки вазифасини ҳал қилишга асосан муваффақ бўлинмоқда. Лекин бу соҳада ҳам ҳал этилмаган проблемалар бор. Масалан, Ульяновскдаги кўн комбинатида ишловчилардан сўраб чиқиш натижалари фан-техника тараққиётини амалга оширишнинг мазмуни ва йўлларидан дуруст хабардор эмасликларини кўрсатди: ҳар икки ишчининг бири, ҳар уч раҳбарнинг бири ва мастерларнинг қарийб 40 проценти анкеталарда корхонада қандай техникавий тадбирлар қўрилаётганини билмасликларини очиқдан-очиқ тан олдилар. Ходимларнинг ярми уларнинг коллективи юқори сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқара олишига ишонмайди. Давлат қабули асосий қоидаларини билиш тўғрисидаги саволга Димитровград автоагрегат заводида сўраб чиқилган ҳар беш кишининг атиги биттасигина ижобий жавоб берган. Хуллас, маҳаллий проблемалар, илғор тажриба, коллективнинг ички ишларидан хабардорлик масаласида талайгина камчиликлар борки, идеологлар, пропаганда ва агитация воситалари уларга эътибор беришлари керак.

Лекин барибир, бу хилдаги камчиликларни бартараф қилиш асосий вазифа — эътиқодни шакллантириш вазифасини ҳал этмайди ҳали. Билимларнинг эътиқодга, амалий ишларга айланиши тўппа-тўғри юз берадиган жараён эмас. Баъзан озгина муваффақиятни деб талай тер тўкиш керак. Коммунистик эътиқод кўп омилларга боғлиқ, бу ҳол идеологик таъминлаш структурасини, унинг амал қилиш механизмини аниқлаб олиш зарурлигини тақозо қилади. Фақат шу асосдагина кадрларнинг анъанавий таркиб топган тафаккурини қайта қуриш мумкин.

Областимизнинг конкрет шароитларида идеологик таъминлашни биз сиёсий-тарбиявий воситалар амалга оширадиган ва мутлақо аниқ социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга қаратилган тадбирлар комплекси деб тушунамиз. Турли хил билимлар кишилар онгига сингдирилади, шулар асосида эътиқодлар шаклланади. Бунда ҳар қайси идеология воситаси — газета, радио, телевидение, сиёсий ва иқтисодий ўқув системаси, лекция пропагандаси ва бошқалар — ташкилотчилик ва сафарбар этувчилик ролини бажаради, бошқаларини тўлдиради ва бойитади, мураккаб социал-иқтисодий проблемаларнинг ҳал этилишига, кишилар меҳнат активлигининг ошишига муайян тарзда ёрдам беради.

Эндиликда партия ташкилотлари, область активимиз идеологик таъминлашга кўпдан-кўп, лекин одамларнинг долзарб ишлари билан кам боғлиқ бўлган пропагандистик ва ахборий тадбирлардан иборат жўн ёндашувнинг нобоблигига ишонч ҳосил қилдилар. Биз амалиётда кўрдикки, ғоявий-тарбиявий иш ўз ҳолича, иқтисодий, социал, ташкилий жараёнлар билан ёнма-ён, уларга ўзгартирувчи таъсир кўрсатмаган ҳолда олиб борилган жойда вайсақилик, расмиятчилик вужудга келади. Яқингинада монесиз амал қилиб келган сиёсий ва иқтисодий таълим системаси, актив лекция пропагандаси, ёрқин кўргазмали агитация ишлаб чиқаришда меҳнат интизомининг бузилиши, ичкиликбозлик ва бошқа салбий ҳолатлар билан муроса қилиб келди.

Область партия ходимлари, идеология активи вакиллари ташкилотчилик, хўжалик, сиёсий иш бирлигисиз идеологик таъминлашнинг мумкин эмаслигини тушуниб олганларидан кейин ишларимиз анча юришиб кетди. Бундай бирлик эса, ўз навбатида, партия, давлат, хўжалик, жамоат ташкилотлари мақсадларни аниқлаб олишидан, ишни планлаштиришидан бошланади. Ана шу босқичда иқтисодий, идеологик, ташкилий мақсадларни келишиб олиш жуда муҳимдир.

Ҳозирда областимизда иқтисодий ва социал тараққиётнинг асосий йўналишлари мақсадли программаларда муфассал ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг орасида энг асосийси — фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида Ульяновск области халқ хўжалигини ривожлантиришнинг мақсадли комплекс терри-

ториал программасидир («Прогресс — 90»). Бу программа меҳнаткашлар олдига ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, ресурсларни фан-техника тараққиётининг муҳим йўналишларида жамлаш вазифасини қўяди. Программа илғор техникани, янги конструкцион материалларни ишлаб чиқиш, юқори самарадор системалар ва технологияни жорий этишни кўзда тутади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, программанинг амалга оширилиши 1990 йил охирига бориб барча корхоналарда ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш, асосий ишлаб чиқариш фондларини 40 процентдан зиёд янгилаш имконини беради; ишлаб турган корхоналарда меҳнат унумдорлиги 49 процент ошади; бунда саноат маҳсулотининг бутун ўсишига ишловчилар сонини кўпайтирмасдан эришилади.

Программада идеология бўлими бор. Унда фаолиятнинг асосий йўналишлари: КПСС иқтисодий сиёсатини тарғиб қилиш, меҳнаткашларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш, программани бажариш қандай бораётгани ва унинг танг жойлари тўғрисида уларни хабардор қилиб туриш, таъсирчан социалистик мусобақани уюштириш, барқарор меҳнат коллективлари тузиш, ёшларнинг касб танлаши, меҳнат фаолияти соҳасидаги салбий ҳолатлар билан кураш, меҳнатни ташкил қилишнинг янги формаларини фаол жорий этиш ва бошқалар белгилаб чиқилган. Бу ўринда меҳнаткашларни «Прогресс-90» программасининг мазмуни ва уни амалга ошириш йўллари билан таништириш учун марксча-ленинча таълим системаси, лекция пропагандаси, оғзаки сиёсий ва кўргазмали агитациядан фойдаланиш юзасидан қатор тадбирлар кўзда тутилган. Масалан, социалистик мусобақани ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда новаторлари тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш, меҳнатни ташкил этишни доимо takомиллаштириб бориш тўғрисида қайғуриш, шартнома мажбуриятларини сўзсиз бажариш, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини, меҳнатнинг миқдори ва сифатини кишиларни маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг миқдори ва формалари билан маҳкам боғланишини таъминлаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш белгиланган.

Иқтисодий ва социал вазифаларни идеологик таъминлашда хўжалик раҳбарларига, инженер-техник ходимларга алоҳида талаблар қўйилади. Улар ўз корхоналарида техникавий сиёсатни белгилашга, социал масалаларни ҳал этиш тўғрисида қайғуришга, коллективларда маънавий-психологик иқлимни шакллантиришга, тарбиявий жараённи ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, бошқаларга ибрат бўлишга даъват этилганлар.

«Прогресс-90» программасини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида ички резервларни аниқлаш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди, бу катта харажатларни талаб қилмайди, лекин қисқа муддат ичида сезиларли самара беради. Шу мақсадда областдаги саноат корхоналарида иш жойларини кенг кўламда аттестациядан ўтказиш, корхоналарнинг кўп сменали иш режимига ўтишини таъминлаш, ташкилий характердаги бир қатор бошқа тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди.

Бизнинг идеология активимиз ишни нимадан бошлади? Ўқишдан. Партия активларининг кенг доираси, ҳамма даражалардаги хўжалик раҳбарлари, пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар учун семинарлар ва лекция курслари ташкил этилди. Ахир қабул қилинган программа қоидаларини оммага тушунтириш учун аввал уларнинг ўзи буни яхши билиб олишлари керак эди.

Меҳнат коллективларининг ҳаммасида партия йиғилишлари бўлиб, «Прогресс-90» программаси биринчи босқичининг вазифалари муҳокама қилинди, бу вазифалар ҳар бир корхонада маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб конкретлаштирилди. Масалан, Ульяновск автомобиль заводида иш жойларини аттестация қилиш, юқори унумдор асбоб-ускуналарни концентрациялаш ҳамда фойдали майдонларни бўшатиш қурилишга қўшимча чиқимлар қилмай йиғув цехининг ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришнинг янги участкаларини жойлаштириш имконини берди. Ана шу тадбирларнинг ўзи мотор заводида товарларнинг янги тури — енгил автомобиллар двигателлари учун фильтрлар ишлаб чиқариш участкалари очиш имконини яратди. Приборсозлик заводида биринчи босқич тадбирлари ҳисобига деталларнинг доимий етишмаслиги бартараф қилинди. Бир хил корхоналарда бўшатилган майдонларга меҳнат-

кашларга социал-маиший хизмат пунктлари, бошкаларида — янги лаборатория-лар, электрон-ҳисоблаш техникаси жойлаштирилди.

Айтиш керакки, тушунтириш ишлари вактида меҳнат коллективлари билан алока килишнинг ягона сиёсий кун, ахборий-пропагандист группаларининг Ульяновск шаҳри ва области меҳнаткашлари билан учрашувлари каби формалари катта роль ўйнади. Бу учрашувлар мавзулари матбуотда кенг эълон килинди ва уларга партия комитетларининг докладчилари, группаларнинг аъзолари — партия ва хўжалик раҳбарлари, шунингдек меҳнат коллективлари, ишчилар ва мутахассислар тайёргарлик кўришди.

Демократик тарзда кенг фикр алмашувлар давомида меҳнаткашлар область партия комитетининг: катор социал-маиший проблемаларни ҳал этмасдан туриб кўп сменали иш режимига ўтиб бўлмаслиги тўғрисидаги йўл-йўриғини маъкуллашди. Ошхоналар ва савдо корхоналарининг иш графиги одамларнинг, шу жумладан иккинчи ва учинчи сменаларда ишлайдиганларнинг ҳам эҳтиёжларига мослаштирилди, мактабгача тарбия муассасалари иш фаолиятига ўзгартишлар киритилди. Хуллас, программани бажаришни идеологик таъминлашга халк депутатлари маҳаллий Советлари ҳам, савдо, транспорт, соғликни саклаш, умумий овкатланиш корхоналарининг раҳбарлари ҳам бош кўшишди. Область партия комитети ҳузурида бўлганидек район, шаҳар комитетлари хузурида ҳам «Прогресс-90» программасини бажариш учун турли тармоклар куч-ғайратларини координациялаш группалари тузилди. Шунингдек идеологик ва кадрлар билан таъминлаш бюроси ташкил этилди.

Ҳозир биздаги тадбирлар комплексида илгарилари хўжалик раҳбарларининг алоҳида ҳукуки ҳисоблаб келинган иш формалари амал килмокда. Янги шарт-шароитлар оммавий касблар кадрларини кайта тайёрлашни талаб килиб колди, токи кишилар такомиллашганрок асбоб-ускуналарни ўзлаштира, бир неча турдош касбларни эгаллай олсинлар. Область партия комитети пропагандистлар олдига сиёсий ўкувга кўшимча равишда ойига 2—3 марта профессионал, техника ўкуви билан шуғулланиш вазифасини кўйди.

Саноат корхоналарида бригада пудрати, хўжалик ҳисобининг жорий этилиши ҳам янги куч касб этди. Идеология ишининг оғирлик маркази бригадаларга кўчди. Бу конкрет одамга жуда якинлашиш, якка тартибда иш олиб бориш имконини беради.

Ульяновскнинг энг йирик районларидан бирида — Засвияжск район партия комитети идеология ходимлари отрядини шакллантиришга катта эътибор берди. Ҳар бир бригадада партия группаси тузилди ёки партия ташкилотчиси сайланди, агитатор бор. Ишчи А. Булатов, ишлов берувчи марказлар участкасининг бригадири А. Данилов якка тартибдаги ишни ишонтирарли, кизикарли олиб боради. Кўп сменали иш режимига ўтиш ташаббускори — цех бошлиғи Л. Ю. Финько цех бригадирлари мактабини бошкармокда. Унинг ҳар бир тингловчиси участкада юкори унумдор ускуналар ишининг самарадорлигини ҳисоблаб чикиш юзасидан амалий топширикларни бажарди.

Заволжье район партия комитети агитаторлар билан сиёсий ахборотчилар кўп сменали иш режимига ўтишга фаол ёрдам беришлари учун уларнинг мактабини ташкил этди. Приборсозлик заводининг тажрибаси асосида саноат корхоналари партия комитетларининг ҳаммасига кўп сменада ишлаш масалалари юзасидан «Сизнинг фикрингиз» деб аталган экспресс-тадкикот ўтказиш таклиф килинди.

Ҳамма районларда социал-иктисодий ва тарбиявий проблемаларни анализ килишга область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими хузурида иш кўрувчи жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш группалари кўшилишди. Улар меҳнаткашларнинг хатларини, ягона сиёсий кунлар, ахборий-пропагандистлар группалари билан учрашувлар катнашчилари берадиган саволларни, газеталар, радио ва телевидение редакцияларига меҳнаткашлардан тушадиган, йиғинларда, одамлар билан сухбатлар вактида айтиладиган танкидий мулоҳазалар ва таклифларни таҳлил киладилар.

Масалалар группалаштирилиб, чоралар кўриш учун конкрет масъул раҳбарларга ҳавола килинади, сўнгра эса тегишли ахборотлар область, район ва кўп тиражли газеталарда «Жамоатчилик фикри: шарҳлар, ҳал килиш йўллари»

рубрикаси остида эълон килинади. Улар район, шаҳар, умуман областдаги «дардчил» масалаларга доир ахборий тангликка барҳам беради.

Область телевидение редакциясидагилар ҳам томошабинлар билан алоканинг таъсирчан формасини топишди. Бу ерда область аҳолисини тўлкинлантираётган энг кескин, долзарб проблемалар юзасидан «Матбуот марказимиз», «Матбуот маркази почтаси», «Актуал интервью», «Алока» деб аталган бевосита эшиттиришлар олиб борилмокда. Эшиттиришлар давомида ҳар бир киши телефон оркали ёки бевосита студияга мурожаат килиб, масъул раҳбарга ўзини «кийнаётган» саволни бериб, танг вазиятни бартараф этишни талаб кила олади.

Биз шаҳар, район, корхонанинг социал паспортларини ишлаб чикишга ҳам катта эътибор бермокдамиз. Булар хўжалик ва социал вазифаларни идеологик таъминлашга комплекс ёндашувнинг асосий йўналишларини конкретлаштириш имконини беради. Масалан, корхона паспорти куйидаги бўлимларга эга: коллективнинг план топширикларн, ишловчилар сонининг прогнози, малакали кадрлар тайёрлаш, иш кучи танкислигини коплаш манбалари, меҳнат ресурсларидан окилона фойдаланиш, меҳнат шароитини яхшилаш, фаровонликни ошириш, меҳнаткашлар сиёсий маданиятини шакллантириш, меҳнат коллективининг социал активлигини ривожлантириш. Бунда барча кўрсаткичлар шаҳар, областнинг тегишли кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган.

Бизда социалистик мусобака шартлари кайта кўриб чикилди. Бунда энг муҳими расмиятчиликдан катъиян воз кечиш бўлди. Шаҳарлар, районларда, корхоналар, бригадалар, цехлар, бўлимларда мажбуриятларни ҳар йили ҳимоя килиш тартиби пухта ўйлаб чикилди. Баҳолашда ялпи кўрсаткичлар истисно килинади, ишнинг оралик натижаларига эмас, балки пировард натижаларига каралмокда, мусобака натижаларини норасмий якунлаш таъминланмокда.

Мусобаканинг муҳим вазифаси — куч-ғайратни асосий йўналишларга: меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини оширишга, моддий ресурсларни тежашга, шартнома мажбуриятларини тўла бажаришга каратишдир. Кишлок хўжалик ишлаб чикаришида область районлари, колхоз ва совхозларининг жуфт-жуфт бўлиб мусобакалашуви олдинги ўринга чикди.

Маълумки, агар ишлаб чикариш кувватларини янгилаш жадаллаштирилса, техникавий такомиллашган машиналардан, жумладан сменалиликни ошириш ҳисобига ҳам интенсиврок фойдаланилса, меҳнат унумдорлигини ва фонд самарадорлигини анча ўстириш мумкин. Областда кенг кўламда ўтказилган иш жойларини аттестация килиш шуни кўрсатдики, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб колган, фойдаланиш коэффициенти паст асбоб-ускуналар йиғилиб колган экан. Ремонт, станоклар паркини таъминлаш харажатларининг кўпайиб кетганлиги, асосий фондларнинг экстенсив тарзда ортиб бориши иш кучининг жуда етишмай колишига олиб келди. Ана шуларнинг бари саноат корхоналари натижаларига салбий таъсир килди.

Чикарилган хулосалар Техника тараккиёти кунларидан бирида манфаатдорлик билан муҳокама килинди, бу областимизда «Прогресс-90» программаси проблемаларини ҳал этиш учун партия ва хўжалик раҳбарларининг, олимлар ва мутахассисларнинг куч-ғайратларини уйғунлаштириш формасидир. Мазкур Кунларнинг муҳим вазифаси, жумладан, Ульяновск приборсозлик заводидаги мавжуд илғор тажриба билан таништиришдир. Бу заводда ракамли программавий бошкаришли станокларни ва ишлов берувчи марказларни иккита цехда жамлаш йўлидан боришди. Илгари у цехларга сочиб юборилган бўлиб, унга хизмат кўрсатишда кийинчиликлар туғиларди. Ишчиларнинг таклифи ҳамда тармок касаба союзи МКнинг рухсати билан сменалар 12 соатли килиб узайтирилди. Шу тарика одамлар кунора ишлайдиган бўлишди. Учинчи смена бригадаларининг тузилгани социал-маиший проблемаларни ҳал этишни талаб килди. Учинчи смена текин овкатланади, йиллик такдирлаш карийб икки баравар кўпайди, мукофотлар 20 процентдан ортди. Киши кўзига арзимас бўлиб кўринган нарсалар ҳам ўз ролини ўйнайди: бу цехлар озода ва файзли, музика эшитилиб туради, ишчилар коржомалари чиройли тикилган. Заводда электрон-ҳисоблаш маркази тузилган, у цехларни технологик жиҳатдан тайёрлаш билан ҳам шуғулланади, цехларда ракамли программавий бошкарувли станоклар ўрнатилади. Ана шу цехларда асбоб-ускуналарнинг сменалилик коэффициенти учга якиндир.

Умуман, айтиш керакки, кўп сменали ишлашга ўтиш муносабати билан социал проблемалар, шу жумладан район, шаҳар миқёсидаги проблемаларнинг бутун бир комплекси ҳал этилди. Эндиликда Ульяновскда бир нечта озик-овкат магазинлари навбатчилик килиб соат 22 гача ишламокда. Заволжье универмаги соат 21 гача очик. Иккинчи ва учинчи сменаларнинг бошланиши ва тугашига автобусларнинг кўшимча маршрутлари ишлайди. Болалар боғчаларида кечаю-кундуз ишлайдиган группалар бор. Трамвайлар энди тунги соат 2 гача ишламокда. Автобус парки автоматик диспетчерлик бошкарувига ўтказилди. Савдо, умумий овкатланиш, транспорт корхоналарида доимо рейдлар ўтказиб турилади.

Саноат корхоналарининг партия комитетлари иккинчи ва учинчи смена ишчиларининг танаффус вактида сиёсий ахборотни, завод радиоэшиттиришларини тинглай олишлари учун идеология активи кучларини жойлаштириш масаласини кўриб чикдилар. Ҳатто арзимаган бўлиб кўринган шундай бир фактга, яъни авиакомплекс ишчилари ҳар бир сменада ишга бораётганларида ва кайтаётганларида репродукторлардан музика янграб туришига одамлар эътибор беришди ва бу уларга манзур бўлди. Авиасозлар учун завод территориясида физкультура-соғломлаштириш комплекси очилди, унда танаффус вактида махсус методика билан чарчокни ёзиш, кўнгилни очиш, смена охирида эса саунадан фойдаланиш мумкин. Уч сменанинг ҳаммаси учун завод радиоси оркали ишлаб чикариш гимнастикаси ташкил этилади.

Кўп сменали ишга маданият муассасалари ҳам мослашишди. Улар ҳамма ерда янги режимга — соат 9 дан 22—23 гача ишлашга ўтишди. Эрталабки соатларда репетиция ўтказиш муносабати билан бадиий ҳаваскорлик тўгараклари раҳбарлари штатларини кенгайтиришга тўғри келганлиги учун кийинчилик туғиладигандек эди. Бирок пуллик концертлар, ўз харажатларини ўзи маблағ билан таъминлайдиган ҳаваскорлик бирлашмалари сони кўпайтирилгач, пул ҳам топилди. Кутубхоналар, музейлар дам олиш кунларининг аник графиклари тузиб чикилди. Ҳозир аҳоли уларга бутун ҳафта давомида, ўзига кулай вактда катнамокда.

Қўйилган вазифаларни идеологик таъминлашда майда-чуйда ишлар йўк. Ҳар кандай эзгу иш, ҳар кандай фойдали топилма тажрибамиз бисотига кўшилади, ҳамманинг мулкига айланади.

Бирок йўлимиз равон ва тўсиклардан холи деб ўйламаслик керак. Эскириб колган одатларни, расм бўлган анъаналарни бартараф этишдан кўра мушкул иш йўк. Масалан, корхоналарни икки-уч сменада ишлашга ўтказиш ташкилий характердаги бир катор кийинчиликларга дуч келди. Баъзи раҳбарлар эскириб колган асбоб-ускуналардан воз кечмай, зўр бериб ишчиларни сменаларга аралаш-куралаш килиб юборишди, бу нарса маънавий кўнгилсизликларга олиб келди. Бунинг ёмон таъсири коллективларда бундай ишнинг самарадорлигига ишончсизлик туғдирди. Дарҳакикат, биринчи сменада станоклар ишламай турса, учинчи сменага чикишнинг нима маъноси бор. Хўжакўрсинчилик низоларни келтириб чикарди, партия, совет, касаба союз органлари ходимларига уларни ҳал этишга тўғри келди. Улар одамлар билан тер тўкиб ишлашди.

Ҳозир юз бераётган туб ўзгартиришларнинг микёслари ва янгилиги идеологик ишнинг мазмуни ва формалари ўзгарувчанлиги ва жўшкинлигини такозо этади. Ҳозирда ғоявий таъсир воситалари социал-иктисодий соҳадаги ўзгаришларни оператив ва ҳатто барвакт пайкаши, танг жойларни топиб, уларни изчил, кадам-бакадам бартараф этишга эришиши керак.

Афсуски, локайдликдан кутулишнинг ўзи бўлмайди. Кўргазмали сиёсий агитацияни олайлик. Бу борада ҳали ҳам конкретликка эришилгани йўк. Областдаги заводлардан бирида сўраб чикилган кишиларнинг учдан бири у меҳнат натижаларига ва одамлар кайфиятига ҳеч кандай таъсир кўрсатмаяпти, деб ҳисоблайди. Идеологик таъсир кўрсатишнинг бошка соҳаларида ҳам фойдаланилмаётган резервлар яшириниб ётибди.

Одамга таъсир килишнинг формалари айникса жўшкин бўлиши керак. Бугунги кунда ҳам ғоявий-тарбиявий иш маълум даражада ялпи ёндашув иллатидан холи эмаслиги, мавҳум оммавий аудиторияга мўлжаллангани кўриниб турибди. Методика кўпинча бир колипда бўлиб, меҳнат коллективларидаги амалий ишлар билан етарлича боғланмайди.

Ҳозир комил ишонч билан айтиш мумкинки, ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик практикаси бирлашган нуктадаги мулокот даражасида бўлган индивидуал формалар идеологик жиҳатдан истикболлидир. Булар меҳнатни ташкил килишнинг прогрессив формалари (бригада хўжалик ҳисоби, давлат кабули, ўз харажатларини ўзи коплаш, ишчи кафолати ва бошкалар), социалистик мусобака, иш жойларини аттестация килиш, ижобий намунадан тарбия воситаси сифатида фойдаланиш, кадрларни аттестация килиш, мураббийлик иши сулоласи ва ҳоказо. Буларни рўёбга чикариш вактида одатда кўпгина жамоат ташкилотлари ҳамжиҳат ҳаракат килади, бунинг учун ишда пухта мосланганлик, уйғунлик, асосий бўғинларни ажрата билиш, вазифаларни таксимлаш лозим. Биз ана шу механизмни кунт билан такомиллаштириб боришимиз керак.

Меҳнат тарбияси ва касб танлаш социал-иктисодий вазифаларни пухта идеологик таъминлашнинг ўзагидир. Ҳозирги революцион туб ўзгартиришларнинг теранлиги ва кўламлари, меҳнат мазмунининг ўзгариши, унинг фонд ва энергия билан куролланишининг анча ўсгани шахснинг принципиал янги маънавий ва меҳнат бобидаги хислатларини шакллантиришни такозо этади: булар бурч туйғуси, виждонлилик, инсофли бўлиш, социалистик тежамкорлик, ўзини ўзи назорат килиб боришдан иборат. Масалан, ишлаб чикаришда масъулиятсизлик жамиятга катта моддий ва маънавий зарар етказиши мумкин. Чернобиль АЭСдаги авариянинг аччик сабоғи шундан далолат беради.

Кишиларнинг маълумоти ўса борган сайин уларнинг ижодий, аналитик меҳнат килишга иштиёки кескин оша боради. Ишлаб чикаришнинг ҳозирги ҳолати, унинг проблемалари, кўпинча оғир жисмоний меҳнат килиниши ҳаммани марокли, ижодий иш билан кондиришга кодир эмас.

Областимизда бу зиддиятни муайян даражада ҳал этадиган баъзи бир янгича ёндашувлар амал кила бошлади. Олий ўкув юртларига ёшларни танлашни системали бошкариш, кам нуфузли касбларга доир тарбиявий иш, кадрлар тайёрлаш системасини кайта куриш, баркарор меҳнат коллективларини, окилона эҳтиёжларни ва аввало одам социал обрўсининг асосий мезони бўлмиш меҳнатга эҳтиёжини шакллантириш шулар жумласидандир. Ёшларнинг меҳнат тарбиясини биз даврнинг хусусиятлари, ўзгараётган шарт-шароитларга мослаб узлуксиз такомиллаштириб бориш ниятидамиз.

Умуман ғоявий таъсир воситаларини бундан буён ҳам кайта куриш ва янгилашни уларнинг мазмунини конкретлаштириш, идеологик диккат-эътиборни талаб киладиган долзарб проблемаларни излаш, ахборот беришда салбий жиҳатлар билан ижобий жиҳатларнинг окилона нисбатини белгилаш, тарбиянинг гуманистик характерда бўлиши, унинг аник адресини кўрсатиш, одамларнинг кизикишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш, ҳар бир киши меҳнатининг пировард натижасини муфассал баҳолашдан иборат деб биламиз.

ОРТИҚЧА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БЎЛГАН РЕСПУБЛИКАДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ СТРУКТУРАСИ ҲАҚИДА

КПСС XXVII СЪЕЗДИ томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш ишлаб чиқариш потенциалини икки ҳисса ошириб, уни сифат жиҳатидан тубдан ўзгартиргани ҳолда СССРнинг миллий даромадини 2000 йилгача қарийб 2 баравар оширишни таъминлаши керак. Мавжуд ресурслардан ғоят самарали ва рационал фойдаланишни, экономикани интенсив ривожлантиришни таъминлашга имкон берувчи тармоқлар туркумини юзага келтириш мақсадини кўзлаган ҳолда халқ хўжалигининг тармоқ ва территориал структурасини такомиллаштириш — қўйилган вазифаларни бажаришнинг муҳим шартларидан биридир.

Мамлакатимизда социалистик қурилишнинг ҳар бир босқичида муайян структура сиёсати юргизилган. Лекин у илгарилари ҳеч қачон ҳозиргидек аниқ ва собитқадам характер касб этмаган ва шундай муҳим роль ўйнамаган эди. КПСС Программасида ижтимоий ишлаб чиқаришни структуравий қайта қуришга махсус кичик бўлим бағишланганлиги бежиз бўлмай, унда шундай деб кўрсатилади: «Интенсивлаш йўлига ўтиш **экономикада** жиддий **структура ўзгаришлари қилишни** талаб этади». Партия МК апрель (1985 йил) Пленумидан бошлаб структурага доир замонавий сиёсатни амалга ошириш зарурлиги бир неча маротаба таъкидландики, КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумида кўрсатилганидек, экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш муносабати билан унга тегишли ўзгаришлар киритилди. Структура сиёсатининг йўналишларини белгилаш эндиликда халқ хўжалигини планлаштиришнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади.

Структура сиёсати нима? У энг умумий белгилари жиҳатидан олганда мақсадлар термаси ва тадбирлар комплекти бўлиб, уларни амалга ошириш ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва территориал структурасидаги силжишлар асосида муайян халқ хўжалик пропорцияларини шакллантиришга имкон беради.

Таърифланган мақсадли кўрсатмаларни амалга ошириш учун ишлаб чиқаришнинг структура ўзгаришларини тақозо этувчи энг муҳим омилларни белгилаш талаб этилади. Уларга, бизнингча, фан-техника тараққиёти, эҳтиёжлар, табиий ресурслар, капитал маблағлар, меҳнат ресурслари, ишчи кучининг ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалига эга бўлган маълумот ва малака даражаси, ЎИЕК доирасидаги халқаро меҳнат тақсимоти ва ҳоказолар киради.

Экономикада структура ўзгаришларини ўтказишда капитал маблағлар етакчи роль ўйнайди. У ёки бу тармоққа уларнинг у ёки бу ҳажмда йўналтирилганлигига ушбу тармоқлар ривожланишининг даражаси ва суръатлари боғлиқ бўлади, бу эса, ўз навбатида, халқ хўжалигининг структурасига таъсир этмай қолмайди. Ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва территориал структуралари ўзгариши билан бир вақтда меҳнат ресурсларининг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланиши ҳам, яъни иш билан бандлик структураси ҳам ўзгаради. Шундай қилиб, капитал маблағлар ва меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш структурасини шакллантиришнинг белгиловчи омиллари деб ҳисоблаш мумкин.

Шуни эътиборда тутиш муҳимки, социалистик экономика ривожланишининг ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларига фан-техника тараққиёти таъсири кучайишининг ҳозирги босқичи ишлаб чиқариш структурасида ва эҳтиёжлар структурасида янги миқдорий ва сифат ўзгаришларига, шу билан бирга, сифат ўзгаришларининг катта динамиклигига сабаб бўлади. Бундай шароитда уларнинг доимий ўзаро балансланган бўлиши зарурдир.

Маълумки, эҳтиёжларнинг халқ фаровонлиги ўсиши, унинг реал даромадлари кўпайиши билан боғлиқ ҳолда ошиши мавжуд эҳтиёжларнинг кенгайтирилиши ва янгиларининг пайдо бўлиши билан бирга юз беради, бу эса барча эҳтиёжлар структураси кўринишининг ўзгаришига олиб келади. Ушбу жараён ишлаб чиқаришнинг ўз структурасини доимий такомиллаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Марксизм-ленинизм классиклари ижти-

моий ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида ўзаро тиғиз алоқа мавжудлигини таъкидлаганлар. Ҳақиқатан ҳам, «ҳеч ким ўзининг бирор эҳтиёжини кўзламасдан туриб бирор нарса қилиши мумкин эмас...» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 3, с. 245). Фан-техника тараққиёти негизида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида баъзи эҳтиёжлар барҳам топади, бошқалари пайдо бўлади. Сифат жиҳатидан янги эҳтиёжларнинг қондирилиши ижтимоий ишлаб чиқариш структураси ўзгариши ва мураккаблашиши, янги тармоқ ва ишлаб чиқаришлар пайдо бўлиши ҳамда кераксиз бўлиб қолганлари йўқолиши билан бирга юз беради. Ана шундай иқтисодий системанинг ҳаракатчанлиги, унинг ривожланиши динамик характерда эканлиги намоён бўлади. Ҳозирги шарт-шароитда янги эҳтиёжлар юзага келтирган ишлаб чиқаришдаги структура ўзгаришларининг суръатлари фан-техника революциясининг теранлиги ва кўламдорлиги, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан ҳам белгиланади.

Структура сиёсатида давлатнинг иқтисодий ва техника сиёсати жамулжам бўлиб моддийлашади. Шундай қилиб, иқтисодий сиёсатни белгилайдиган ишлаб чиқариш техника даражасидаги прогрессив силжишларни планлаштира бориб, структура сиёсати ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғида, ҳар бир иттифоқдош республикада ўтказилувчи техника сиёсатида акс этувчи бир қатор вазифаларни илгари суради ва асослайди.

Мамлакатимизда структура сиёсатининг ривожланишига ЎИЕК доирасидаги халқаро меҳнат тақсимоти жиддий таъсир кўрсатяпти. Унга кирувчи ҳар бир давлат ўзининг структуравий проблемаларини ҳал қила бориб, ЎИЕК бошқа аъзолари манфаатларини ҳисобга олади. Структура ҳосил қилувчи интернационал омиллар ана шулардир.

Бошқа томондан олганда, Совет давлатининг структура сиёсати умуман ҳар бир иттифоқдош республикага хос хусусиятлар, иқтисодий ва социал ривожланишда улар эришган даража, табиий ва меҳнат ресурслари, илмий-техника потенциали ва керакли малакадаги кадрлар мавжудлиги таъсири остида шаклланади. Бундан ташқари, структура сиёсати барча республикаларнинг социал-иқтисодий ривожланиши даражаларини барварлаштиришга йўналтирилиши керак.

Умумдавлат ва республика даражаларидаги структура сиёсатини шакллантириш замиридаги муштарак шартлар ана шулардир. Шу билан бир қаторда региондаги структура сиёсатини белгилашда ҳисобга олиш лозим бўлган ҳар бир иттифоқдош республикани ривожлантиришдаги асосий вазифаларни ажратиб кўрсатиш зарурдир. Ривожланишдаги ўхшаш табиий-иқлимий шароитлар, меҳнат ресурслари, кадрларни профессионал тайёрлаш билан боғлиқ вазиятлар, ишлаб чиқаришда эришилган техника даражаси ва бошқа деярли бир хил шароитлар иттифоқдош республикаларни бир неча группага ажратиш ва ҳар бири учун умумий структура сиёсатини ифодалаш имконини беради.

СССРнинг Ўрта Осиё республикалари ана шундай группалардан бирини ташкил этади. Уларнинг ҳаммасига аҳоли сонининг ва меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсиши, қишлоқ аҳолиси улушининг кўплиги, туб ерли миллат кишиларининг кам ҳаракатчанлиги, иш кучини профессионал тайёрлашнинг паст даражадалиги, маҳаллий аҳолининг рус тилини дуруст билмаслиги, ер-сув ресурсларининг чекланганлиги, ишлаб чиқариш ва аҳолининг воҳаларда жойлашгани, қишлоқ хўжалик ва моддий ишлаб чиқариш бошқа тармоқлари ривожланишидаги паст суръатлар хосдир. Туғилишнинг юқори даражадалиги, аҳоли ёш структурасида ёшлар улушининг кўплиги, қишлоқ хўжалик ҳар бир ходимига тўғри келувчи экин майдонлари миқдорининг қисқариб бориши ва бошқа шу каби демографик хусусиятлар ҳам мазкур республикалар учун умумий хусусиятлардир. Бунинг оқибати бўлган моддий ишлаб чиқаришда, айниқса қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг паст даражадалиги ва аҳоли жон бошига ҳосил қилинган миллий даромад миқдорининг камлиги ҳам айни ўхшашдир. Ўзбекистон Компартияси МК IX пленумида (1988 йил февраль) қайд этилганидек, ҳозирги беш йилликнинг ўтган 2 йили ичида энг охирги кўрсаткич бўйича «биз нафақат олға силжидик, балки ҳатто орқага чекиндик ҳам».

Кўрсатилган омиллар, бизнингча, алоҳида структура сиёсатини ўтказиш, ортиқча меҳнат ресурслари бўлган республикаларда халқ хўжалигининг мамлакат ягона халқ хўжалик комплекси манфаатларига энг тўлиқ жавоб бера оладиган ва регионал шароитларни ҳар томонлама ҳисобга оладиган структурасини шакллантириш зарурлигини тақозо қилмоқда. Ана шундай республикаларда, хусусан Ўзбекистон ССРда, структура ўзгаришлари, бир томондан, мавжуд меҳнат ресурсларидан мумкин бўлганича тўлиқ ва рационал фойдаланишга, бошқа томондан эса, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ва умумиттифоқ вазифаларини ҳал қилишдаги ҳиссасини кўпайтиришга қаратилиши керак.

Ўзбекистон ССРда ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасининг анализига мурожаат қиламиз. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ҳақидаги маълумотлар республикамиз ана шу кўрсаткич бўйича Иттифоқдаги ўртача кўр-

саткичдан анча оркада колганлигидан далолат бермокда. Масалан, улар 1960—1985 йиллар ичида СССР бўйича умуман олганда саноатда 302 процентни, кишлок хўжалигида эса 227 процентни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон ССРда шунга мувофик 202 ва 130 процентларни ташкил этди. Ўзбекистонда хар 1000 ахолига тўғри келувчи саноат-ишлаб чикариш ходимларининг кам микдордалиги хам кўзга ташланади.

Республикада ахолининг иш билан бандлик структураси кишлок хўжалик ходимлари сонининг ўсиши хисобига шаклан ўзгара боряпти. Масалан, 1970—1985 йиллар ичида кишлок хўжалик ходимлари микдори 42,7 процент, ялпи кишлок хўжалик махсулоти эса 46 процент кўпайди. Бошкача айтганда, кишлок хўжалик махсулотининг хажми ва унда ишловчилар микдори Ўзбекистонда амалда бир хил суръатларда ўсган. Натижада тармокда мехнат унумдорлигининг ўсиши деярли кузатилмаяптики, бу эса республиканинг социал-иктисодий ривожланишига ва ахолисининг фаровонлиги даражасига салбий таъсир этмай колмайди.

Ортикча мехнат ресурслари мавжуд иттифокдош республикалар халк хўжалигидаги структура ўзгаришлари хакида сўзлаганда, ноишлаб чикариш сохасини ривожлантиришга тўхталмай бўлмайди. Ушбу соханинг тармоклари, маълумки, социалистик ишлаб чикаришнинг асосий максадини — мехнаткашларнинг хилма-хил эхтиёжларини янада тўлик кондиришни амалга оширишда бевосита иштирок этмокдалар. Партия кейинги вактда 2000 йилгача халк истеъмоли моллари ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантириш комплекс программасини хаётга татбик этишга жиддий эътибор бераётганлиги бежиз эмас.

Афсуски, Ўзбекистон ССРда ноишлаб чикариш сохаси кун талабларидан жиддий оркада колаётганини кайд этишга тўғри келади. Республика ахолисининг пул сарфхаражати структурасида пулли хизматларга атиги 10,5 процентгина тўғри келади. 1986 йилда ахоли жон бошига бор-йўғи 25 сўмлик, шу жумладан, кишлок жойларда 19,7 сўмлик маиший хизмат кўрсатилган. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Иттифокдаги ўртача даражадан икки баравар оркададир. Партия ва хукумат томонидан ана шу сохада юзага келган ахволни тузатишга доир чоралар кўрилаётганига карамай, хозирча катъий силжиш юз бергани йўк.

Кўп болали оилалар характерли бўлган ва ахоли структурасида ёшлар катта улушни ташкил этадиган Ўзбекистон шароитида эса ноишлаб чикариш тармокларини янада жадал суръатлар билан ривожлантириш зарур. Аввало эхтиёж катта бўлган хизматларни кўрсатиши лозим бўлган ахолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари микдорини кўпайтириш керак. Республикамизда соғликни саклашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш алохида эътиборни талаб килади.

Ўзбекистон ССРда тўпланиб колган иктисодий ва социал характердаги жиддий проблемаларни муваффакиятли хал килиш учун бошка тадбирлар билан бир каторда, бизнингча, куйидаги тадбирлар хам зарурдир.

Аввало ижтимоий мехнат унумдорлиги сохасида Иттифокдаги ўртача даражадан оркада колишга бархам бериш керак. Бунинг учун кишлок хўжалигида банд бўлганларнинг микдорини камайтиришга имкон берувчи тадбирлар комплексини амалга ошириш лозим. Зеро, кишлок хўжалик ишлаб чикаришидаги ходимлар микдори уларга бўлган реал эхтиёждан анча ошиб кетса, бу мехнат унумдорлигини ошириш ва комплекс механизацияни жорий этишда тўғанок солувчи омилга айланади. Бундай омилга хам кишлок хўжалик ишлаб чикариши тармок ичи структурасини такомиллаштириш, хам тармоклараро структурадаги ўзгаришлар йўли билан бархам бериш мумкин. Биринчи холда пахтачиликка караганда мехнати камрок тармокларни тезрок ривожлантириш максадга мувофикдир. Бундан ташкари, ишларни комплекс механизациялаш, махсулот ишлаб чикаришда кўл мехнатини камайтирувчи машиналар системасини яратиш туфайли пахтачиликда ва кишлок хўжалигининг бошка тармокларида мехнат унумдорлигини ошириш ва ишловчилар микдорини камайтириш мумкин.

Буларнинг хаммаси Ўзбекистон ССР халк хўжалигини индустрлаштиришни чукурлаштиришга хизмат килади. Шундай килиб, саноат ва кишлок хўжалик ишлаб чикаришлари ўртасидаги нисбатларнинг ўзгариши, социал-иктисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш ва саноатда банд бўлганлар хиссасини ошириш структура ўзгартишлари биринчи боскичининг асосий натижалари бўлиб колиши керак.

Фан-техника тараккиётини белгиловчи индустрия тармоклари ривожланишини жадаллаштириш структура сиёсатининг ғоят мухим вазифасидир. Ана шу асосда саноатнинг тармок ичи структурасини такомиллаштириш ва ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш мумкин бўлади.

Иш кучининг мехнат унумдорлиги паст бўлган тармоклардан у янада юкорирок даражадаги тармокларга, аввало кишлок хўжалигидан саноат ва курилишга кайта таксимланиши республикамиз халк хўжалигидаги структура ўзгаришларининг асосий хусусияти бўлиши керак. Сўнгра, тармок ичи структура ўзгаришлари воситасида мехнат унумдорлиги юксак даражада бўлган индустрия тармокларини янада жадалрок ривожлантиришга эришиш зарур. Бу тадбирлар пировард натижада Ўзбекистон ССРни социал-иктисодий ўстириш суръатларини оширишга ва унинг умумдавлат вазифаларини хал килишдаги хиссасини кўпайтиришга ёрдам беради.

Юқорида таъкидланган йўналишларнинг ҳаммаси республикамизда халқ хўжалигининг ривожланиши учун бизда қулай табиий, иқтисодий ва социал шароитлар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари ва турлари асосида ҳам умумиттифоқ, ҳам халқаро меҳнат тақсимотини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни таъминлайдиган структурасини бунёд этишга қаратилган. Демак, Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга ҳам эътиборни қаратиш керак. Шу муносабат билан унинг халқ хўжалиги кўп тармоқли структурасида шунга мувофиқ маҳсулотни чиқарувчи ишлаб чиқариш турларини бундан буён ҳам ривожлантириш лозим. Шу билан бирга миллий хусусиятларни ҳисобга олиб буюмлар чиқарувчи тармоқлар ҳам ривожлантирилиши керак.

Халқ хўжалиги структурасини такомиллаштириш ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари ва турлари ўртасидаги ўзаро нисбатларни ўзгартирибгина қолмай, балки бошқа структураларни — территориал, маълумот, малака структураларини ҳам ўзгартиради. Бунда экономикадаги структура ўзгаришлари, ишончимиз комилки, юқорида саналган структураларни ўзгартириш ушбу ўзгаришлардан илгарилаб кетган ёки улар билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, саноатнинг тармоқ структурасини фанни талаб қилувчи тармоқларни яратиш йўналишида такомиллаштириш шунга мувофиқ маълумотли ва малакали ходимлар бўлишини тақозо этади. Шу муносабат билан ортиқча меҳнат ресурслари бўлган республикаларда, шу жумладан Ўзбекистон ССРда, ҳунар-техника таълими системасини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, шунингдек, мамлакат марказий районларининг ўқув юртларида малакали ишчи кадрларини тайёрлашни кенгайтириш лозим. Ушбу вазифани ҳал этиш қишлоқ мактабларини битирган маҳаллий миллатлар ёшларининг рус тилини дуруст билмаслигига тўқнаш келаётган экан, тилни ўрганишни такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш талаб қилиняпти. Ўзбекистон ССР да бу борада кўп иш қилинмоқда. Миллий мактабларда баъзи асосий предметларни рус тилида ўқитишга ўтиш бунда анчагина самара бериши мумкин деб ҳисоблаймиз. Бу, бизнингча, ўқувчиларнинг ҳозирги ишлаб чиқариш талабларига жавоб берувчи билимларни эгаллашларига ёрдам беради.

Халқ хўжалиги комплексида КПСС XXVII съезди белгилаб берган структура ўзгартишлари биринчи навбатда бунга зўр эҳтиёж етилган меҳнат ресурслари ортиқча бўлган иттифоқдош республикаларга тааллуқли бўлади. Ушбу ўзгартишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат ушбу республикаларнинг, балки умуман мамлакатнинг ҳам ижтимоий ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишни ва социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришни таъминлайди.

О. РАШИДОВ,
иқтисод фанлари кандидати,
И. ЁҚУБОВ.

Журналхон Е. Ким империалистлар олиб бораётган қуролланиш пойгасининг ривожланаётган мамлакатларнинг социал-иқтисодий аҳволига қандай таъсир қилаётганлиги, ғарб давлатларининг бу мамлакатларни ана шу пойгага тортишга бўлган уринишлари тўғрисида ҳикоя қилишимизни илтимос қилган.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР

ҲОЗИРГИ пайтда инсоният олдида турган ва ўз ечимини кутаётган вазифалар орасида қуролланиш пойгасига чек қўйишдан кўра актуалроқ вазифа йўқ. 1917 йилда дунёда биринчи социалистик давлат вужудга келиши билан, ва айникса социализмнинг имкониятлари тўла миқёсда намойиш қилинган иккинчи жаҳон урушидан сўнг империалистик давлатлар амалга ошираётган қуролланиш пойгасининг мазмуни ўзгарди.

Бизнинг синфий душманларимиз бугунги кунда реал социализмни ҳарбий йўл билан енгиш амалий жиҳатдан мумкин эмаслигини тушундилар. Шунинг учун улар социализмни иқтисодий жиҳатдан ҳолдан тойдиришга, социалистик мамлакатлардаги социал-сиёсий ва идеологик вазиятга путур етказишга умид боғлаганлар. Шундай қилиб, қуролланиш пойгаси АҚШ ҳукмрон доиралари илгари сурган социализмга қарши «тўғридан-тўғри қарши курашиш» стратегиясининг узвий таркибий қисми бўлиб қолди.

Дунёда ҳарбий эҳтиёжлар учун қилинган сарф-харажатлар 1985 йилда салкам 1 триллион долларни, шу жумладан НАТО мамлакатларида — 367,4 миллиард долларни ташкил этди. 1978 йилдан бошлаб бундай чиқимлар йилига ўртача 4 процентдан кўпаймоқда, бу жаҳон экономикасининг ривожланиш суръатларидан анча юқоридир.

Ҳарбий тайёрлик ишларига жуда кўп миқдорда одамлар жалб қилинган 80-йиллар бошларида дунёдаги армияларда хизмат қилувчилар сони 25 миллион кишидан иборат эди, ҳарбий ишлаб чиқариш соҳасида қарийб 100 миллион киши, шу жумладан Ер юзидаги барча олимларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи ишларди.

Қуролланиш пойгасида ривожланаётган мамлакатлар ҳам иштирок этишмоқда. Лекин буни дунё миқёсидаги қуролланиш пойгасига боғлиқ бўлмаган «параллел ҳолдаги» ёки «кичик пойга» деб аташ мумкинми? Регионал тўқнашувларнинг айримлари тарихий сабабларга, ўз чегараларида халқлар ва қабилаларни уларнинг жойлашишининг анъанавий ареалларини, этник ва диний мансублигини ва шу сингариларни ҳисобга олмасдан зўрлик билан бирлаштирган катта ва кичик феодал империялар ташкил топишининг ўзига хос хусусиятларига кўра рўй беради, албатта. Лекин шуни унутмаслик керакки, империалистик давлатлар мавжуд регионал тўқнашувларни кескинлаштириш ва ғаламислик билан янги жанжалларни чиқаришга уринар эканлар, улар шу билан жаҳондаги революцион жараённи секинлаштиришга, ривожланаётган мамлакатларни ҳар қандай йўллар билан бўлсада ўз таъсири остида сақлаб туришга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун турли хил усуллар ва воситалардан фойдаланилади, чунончи, қурол-яроғ етказиб берилади, ёш мустақил давлатлар ҳарбий блокларга тортилади, улар билан «хавфсизликни таъминлаш тўғрисида» икки томонлама битимлар тузилади, армияларини модернизациялашда қатнашилади ва ҳоказо.

Чунончи, «хавфсизликни таъминлаш тўғрисида»ги битимлар тузилиб, кўпинча ривожланаётган давлатлар территорияларида чет эл ҳарбий базалари ташкил қилинади. Масалан, Пентагон ҳозирги пайтда 32 мамлакатда 1500 дан зиёд база ва объектларни сақлаб турибди. Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, Америка қўшинларининг узоқ вақт давомида ҳозиру нозир бўлиши уларнинг маҳаллий аҳоли билан муносабатларининг кескинлашувини келтириб чиқаради. Шу сабабли янгидан ташкил қилинаётган базаларда (Мисрда, Сомалида, Кенияда, Уммонда ва бошқа мамлакатларда) асосан ҳарбий техника ва ўқ-дорилар жойлаштирилади, ҳарбий контингентлар эса ҳар доим ҳам иштирок қилавермайди. Шунга қарамасдан бундай контингентлар «танглик вазияти даврларида» бу мамлакатларга кириб келиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳозирги транспорт воситаларида ҳарбий қисмларни ташиш учун унча кўп вақт талаб қилинмайди ҳам. Шунинг учун ҳарбий базаларнинг роли ҳеч қанча ўзгаргани йўқ.

Американинг «тез ҳаракат кучлари» империализм агрессив сиёсатининг таркибий қисмидир. Бу зарбдор ҳарбий қисмларнинг

вазифаси — энг киска муддат ичида Ер куррасининг АҚШ «манфаатларига хавф» туғилган ҳар қандай районига кўчиб ўтишдир. Ҳозир улар сони карийб 300 минг кишини ташкил этади. Шунга ўхшаган ҳарбий кисмлар Францияда ва Буюк Британияда ҳам бор.

70-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йиллар боши озод бўлган мамлакатларни интенсив тарзда куролланиш пойгасига тортиш билан характерланди. Агар 1960 йилда умумжаҳон ҳарбий харажатларида улар ҳиссаси 4,5 процентни ташкил этган бўлса, 80-йиллар ўрталарига келиб 18 процентга етди. Ҳозирги пайтда улар ҳар йили ҳарбий эҳтиёжлар учун 160 миллиард долларга якин маблағ сарфламокдалар, бу 1970 йилдагига нисбатан карийб 6 баравар кўп демакдир. Дунёдаги жами ҳарбий хизматчиларнинг 60 проценти улар ҳиссасига тўғри келади.

Курол-яроғларнинг асосий кисмини ривожланаётган давлатларга АҚШ ва НАТОнинг бошка мамлакатлари етказиб беради. Ғарб давлатлари бу мамлакатларга ҳарбий маслаҳатчилар ва инструкторларни ҳам юборишади. Чунончи, 1986 йили Пентагон 53 мамлакатда 323 та «хавфсизлик максадларида ёрдам кўрсатадиган группа»ни ушлаб туришни режалаштирган эди, Лотин Америкаси, Узок ва Якин Шаркдаги 183 минг кишидан иборат хориждаги Америка кўшинлари контингенти бунга кирмайди.

Кўшма Штатлар асосан демократик туб ўзгартиришлар йўлини танлаган кўшниларига карши каратилган сиёсат юргизадиган ёки бўлмаса АҚШнинг Ер юзидаги сиёсий манфаатлари «нуктаи назаридан» стратегик ўрин тутган ривожланаётган давлатларга курол-яроғ етказиб беради. Сомали, Таиланд, Покистон, Гондурас ва бошкалар шулар жумласидандир. Чунончи, Покистон 80-йиллар бошидан буён Кўшма Штатлар назорат киладиган Халкаро валюта фонди, Халкаро реконструкция ва ривожланиш банки ҳамда Покистонга ёрдам консорциуми оркали 4 миллиард доллардан зиёд маблағ олди. Бундан ташкари, АҚШнинг ўзи 1982 йилдан 1987 йилгача бу мамлакатга куролланиш эҳтиёжлари учун 1,6 миллиард доллар такдим этди. Етказиб берилган ҳарбий курол-яроғлар ичида — 400 танк, 500 бронетранспортёр, 100 вертолёт, 40 кирувчи-бомбардимончи самолёт, шунингдек улар учун 450 миллион доллар микдордаги эҳтиёт кисмлар бор.

АҚШнинг Якин ва Ўрта Шаркдаги сиёсий ўйинида Эрон алоҳида ўрин тутади, у бу мамлакатга Жанубий ва Жануби-Шаркий Осиёга «кўприк» сифатида карайди. Кўшма Штатлар Покистон, шунингдек Туркия, Саудия Арабистони ва Исроил оркали Эрон билан муносабатларини кайта тиклашга ҳаракат килмокда, у бунинг учун Эроннинг Ирок билан биродаркушлик урушини олиб боришда курол-яроғларга бўлган мухтожлигидан фойдаланмокда. Ҳозир маълум бўлган фактларга караганда, АҚШ яширин равишда Эронга курол етказиб турган.

Вашингтон Ер юзининг бошка районларида ҳам ўзига маъкул режимларни курол-яроғ билан таъминлаб турибди, у бу билан ўз навбатида ана шу режимлар билан кўшни бўлган мамлакатларни ҳам миллий суверенитети ва мустакиллигини ҳимоя килиш учун ҳарбий кудратини оширишга мажбур килмокда. Ана шундай «кичик пойга» натижасида локал тўкнашувларда тобора кўпрок микдорда курол-яроғ ишлатилмокда, бу тўкнашувлар янада шафкатсиз ва узок муддатли бўлиб, минглаб одамларнинг ёстиғини куритмокда ва бир-бири билан урушаётган томонларнинг экономикасига катта зарар етказмокда.

Куролланиш пойгаси кўпгина ривожланаётган давлатларнинг давлат бюджетлари учун оғир юкдир. 1978 йилдаёк барча озодликка эришган мамлакатларнинг жорий тўловларга оид танкислигининг ярмига якинига куролланишга кетган сарф-харажатлар сабаб бўлган эди (дунёдаги ҳамма ҳарбий харидларнинг 62 процентдан кўпроғи улар ҳиссасига тўғри келган эди). 80-йиллар бошида бундай курол-яроғларнинг факат асосий турларини (самолётлар, бронетанк техникаси, кемалар, ракеталар) импорт килиш киймати 16 миллиард доллардан ошиб кетди. Учинчи дунёнинг катор давлатларидаги ҳарбий маблағлар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳозир НАТО мамлакатларидагига нисбатан анча юкоридир. Агар бу кўрсаткич АҚШда 632 долларни, ГФРда — 434 ва Францияда — 492 долларни ташкил этса, Катарда — 2540 долларни, Саудия Арабистонида — 1862, Уммонда — 1012, Кувайтда — 693 долларни ташкил этади.

Куролланишга сарфланаётган катта сарф-харажатлар ўткир иктисодий ва социал проблемаларни ҳал килиш учун маблағларнинг доимий равишда етишмаслигини келтириб чикармокда. Бир ҳарбий хизматчини бокиш учун (70-йиллар охирида) маорифга нисбатан (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) 300 баравар, соғликни саклашга нисбатан 700 баравар кўп маблағ сарфланди. Ривожланаётган давлатлар ҳарбий максадларда ишлатаётган ҳар бир доллар миллий хўжаликка сарфланадиган инвестицияларни 25 цент камайтириши ҳисоблаб чикилган. Улар армия эҳтиёжлари учун ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 6 процентга якинини сарфлаш билан ўзларининг иктисодий ривожланиш суръатларини 1,6—2 процентга кискартиришмокда. Аҳвол шунингдек бу давлатлар ташки карзининг тез ўсиб бораётганлиги билан (1986 йил охирига келиб у 1 триллион долларга етди) янада кескинлашмокда, бу карзнинг карийб ярми

факат куролланиш пойгаси окибатида юзага келди.

Озодликка эришган мамлакатларнинг айримларида ўз харбий саноатининг яратила бошлаганлиги куролланиш пойгасининг бу мамлакатлар экономикаси учун келтираётган салбий окибатларни янада чукурлаштирмокда. Бугунги кунда бундай саноат шундай мамлакатларнинг камида 30 тасида мавжуд бўлиб, уларга самолётлар, харбий кемалар, ракеталар, танклар, бронетранспортёрлар ва шу сингарилар ишлаб чикарилмокда. Колаверса, якин йиллар ичида 15 га якин ривожланаётган давлат ядро куроли ишлаб чикаришни бошлаб юбориши мумкин.

Ғарбда ва катор озод бўлган мамлакатларда хам харбий саноатнинг ривожланиши уларнинг экономикасини модернизациялашга, замонавий техника ва технологияни жорий этишга, ахолининг иш билан бандлигини оширишга ва шу сингариларга кўмаклашади деб хисоблашади. Хакикатан хам шундайми? Шундай хам чекланган молиявий ва моддий имкониятларнинг улкан кисмини, энг малакали иш кучини ноишлаб чикариш максадларига тортиб кетаётган тармок ўткир социал ва иктисодий проблемаларни, шу жумладан иш билан банд килиш проблемасини хам хал килишни таъминлай оладими? Масалан, хисоблаб чикилишича, 1 миллиард долларлик сарф-харажатлар харбий саноатда тахминан 75 минг кишини иш билан таъминлайди, худди шунча маблағ хисобига транспортда 92 минг иш ўрни, курилишда — 100 минг, соғликни саклаш сохасида — 139 минг, маориф сохасида — 187 минг иш ўрнини ташкил килиш мумкин.

«Кичик пойга» транснационал корпорацияларга катта даромадлар келтиради, АКШ ва унинг НАТО даги иттифокчиларининг Ер юзидаги сиёсий манфаатлари учун кулай шарт-шароитлар яратади. Маълумки, харбий бизнес хусусий капитал учун жозибадор сохадир. Курол-яроғ ишлаб чикарадиган монополияларнинг фойдаси гражданлик махсулотлари ишлаб чикарадиганлариникига нисбатан ўртача 20—30 процент юкоридир. Агар ривожланаётган давлатлар мисол килиб олинса, манзара янада кескин фарк килади. Масалан, Кўшма Штатлар монополияларининг бу давлатларга факат курол-яроғ етказиб беришдан олаётган фойдаси улар билан бўладиган кредит-иктисодий операциялардан олинадиган даромадга нисбатан 4 баравар кўпдир.

К. Маркс шундай деб ёзган эди: «Эски, тарих томонидан исботланган хакикат айтиб турганидек, ўз ёшини яшаб бўлган ижтимоий кучлар — гарчи уларнинг хаётий негизлари аллакачон чириб битган бўлсада, хозирча факат номигагина хокимиятнинг барча аломатларига эга бўлган кучлар... — ўлим талвасаси олдидан яна бир бор сўнгги марта кучаниб кўради, мудофаадан хужумга ўтади, нафакат шубхали бўлиб колган, балки аллакачон тарих томонидан кораланган фикр-мулохазалардан ортикча хулосалар чикаришга уриниб, курашдан бош тортиш ўрнига ўзлари курашга даъват киладилар» (К. М а р к с ва Ф. Э н г е л ь с. Асарлар, 11-том, 338-бет). Ғарбнинг жиловсиз куролланиш пойгасига (у бунга ривожланаётган мамлакатларни хам тортишга уринмокда), юкорида кайд килиб ўтилганидек, унинг ўзининг учинчи дунёга харбий-сиёсий ва иктисодий таъсирини кенгайтирмаганда хам, акалли бундай таъсирни саклаб колиш, социализм ғояларининг таркалишига мумкин бўлган хамма воситалар оркали тўскинлик килиш, озодликка эришган давлатлар билан социалистик мамлакатлар ўртасидаги иктисодий, сиёсий, маданий ва бошка алокаларга путур етказишга бўлган уриниш сабаб бўлмокда. Хатто капиталистик давлатларнинг ўзларининг миллий экономикаси манфаатлари учун хам зид бўлган бундай жараён уларнинг милитаризм сиёсати тангликка учраганлигидан яккол далолатдир.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар милитаризмга карши актив курашмокдалар, куролсизланиш учун курашни кучайтирмокдалар. Масалан, кўшилмаган мамлакатлар давлатлари ва хукуматлари рахбарларининг 1983 йилнинг мартида Дехлида бўлиб ўтган VII Конференцияси карорларида, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари иштирокида ўтган бошка халкаро анжуманларда ана шундай тенденция акс этди.

Шундай килиб, хозирги пайтда «кичик пойга» дунё микёсидаги куролланиш пойгасининг таркибий кисми бўлиб колди. Лекин ана шу бирликда капиталистик давлатлар билан ривожланаётган давлатларнинг стратегик манфаатларининг принципиал тафовутларини акс эттирадиган чукур зиддият хам мавжуддир. Капитализм билан экономика ва сиёсат сохаларидаги анъанавий иттифок ўзининг асоссиз эканлигини тобора кўпрок намойиш килмокда.

Э. МАХМУДОВ,
тарих фанлари кандидати.

ЭКОЛОГИЯ ПРОБЛЕМАЛАРИ ДИАЛЕКТИКАСИ

ҲОЗИРГИ ВАҚТДА экологияга оид маҳаллий, регионал проблемалар ўз географиясини муттасил кенгайтира бориб, планета миқёсидаги социал патологияга айланиб боряпти. Шу сабабдан ҳам илмий жамоатчилик ушбу проблемаларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатларини ўрганишга катта аҳамият бера бошлади. Экология проблемалари борган сайин хилма-хиллашиб боряпти, чунки инсон — жамият — табиат системасини ташкил этувчи ўзаро алоқадорлик мураккаблашмоқда: уларда янги-янги жараён ва ҳодисалар кўзга ташланмоқда. Тадқиқот объектининг кенгайганлиги ва экологиянинг комплекслилиги бир талай янги илмий проблемаларни илгари сурдики, уларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан экологиянинг фалсафий-методологик асосларини ишлаб чиқишга боғлиқдир. Тақриз қилинаётган китобда* Э. С. Хошимова республика олимлари ичида биринчилардан бўлиб маҳаллий, зонал ва глобал экологик проблемалар диалектикасини очиб беришга ҳаракат қилган.

Кишиларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир фаолиятининг турли йўналишларига хос ўзаро муносабатлари ва ўзаро алоқалари истиқболини илмий асослаш экологиянинг муҳим функционал (назарий, амалий, методологик) моҳиятидир. Тўла, комплекс тасаввур ҳосил қилиш учун ўрганилаётган экологик объектни миқёсига қараб шартли бўлиб олиш керак. Тақриз қилинаётган китобда автор ушбу принципдан келиб чиқиб, «маконий» аспектда маҳаллий, зонал ва глобал экологияларни, тадқиқот предметига конкрет татбиқан олганда эса табиий-тарихий, технологик, социологик, прогностик, ҳуқуқий, экистик, иқтисодий, космик, медицина аспектларини фарқлайди (81-бет). Бизнингча, бунга ахлоқий, эстетик, сиёсий йўналишларни ҳам қўшимча қилиш мумкин эди. Экология аспектларининг бундай ранг-баранглиги унинг комплекслилигини белгилайди, чунки биосферанинг ягоналиги ва унинг ривожланишига хос объектив қонуният айни комплекс-системали ёндашишни талаб этмоқда.

Экологик маълумот олиш ва амалий фаолият соҳасида табиий, техникавий ва ижтимоий фанлар ўзаро жуда яқиндан туташиб кетади. Айни улар туташган нуқталарда йирик илмий кашфиётлар юзага келади. Бугунги кунда экология билим ва практиканинг турли соҳаларини синтезловчи восита бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан олганда, «фундаментал ва амалий соҳалар ўртасида, назарий ечимлар билан уларни амалда қўллаш ўртасида, шунингдек табиат ва жамият ўртасида туташишнинг тамомила реал нуқталари айни экологияда намоён бўлмоқда» (98-бет) деб таъкидлаган автор ҳақлидир.

Афсус билан эътироф этиш керакки, экологик проблемаларга доир тадқиқотларнинг умумий методологик ва методик даражаси ҳали замонавий талабларга жавоб бермайди. Ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларга тор доирадаги эмпиризм хос, улар ҳозирча принципиал характердаги илмий-назарий умумлашмалар даражасига кўтарилмаган. Тақриз қилинаётган китобга ҳам ана шундай камчиликлар муайян даражада хосдир.

Глобал экологик проблемалар келиб чиқишига кўра икки манбадан ҳосил бўлади: биринчидан, табиатнинг объектив ривожланиши (планета иқлимининг ўзгариши, куёш энергиясининг камайиши, зилзилалар, вулқонлар); иккинчидан, табиатга инсон таъсирининг кучайиши (сунъий суғориш, сув омборлари бунёд этиш, индустриялаштириш, химиялаштириш, урбанизация ва бошқалар). Китобда асосий эътибор глобал экологик проблемаларнинг пайдо бўлиш сабабларини иккинчи йўналиш бўйича ўрганишга қаратилган, яъни автор табиий муҳитнинг маҳаллий ёки глобал миқёсда доимий ўзгаришига олиб келувчи омилни — инсоннинг ўз атрофидаги табиий муҳитга актив таъсирини асослаб беради.

Э. С. Хошимова экология назарияларининг ривожланиш механизмини етарлича ишонарли кўрсатади, глобал экологик проблемалар пайдо бўлишининг техник, технологик, ташкилий сабабларини ҳар томон

* Э. С. Хошимова. Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар диалектикаси. Тошкент, «Фан», 1986, 123 бет.

лама таҳлил қилади. Лекин, бизнингча, улар пайдо бўлишининг социал-сиёсий асослари китобда бўш ёритилган. Масалан, капиталистик ишлаб чиқариш усули нафақат ёлланма ишчиларни, балки табиий ресурсларни ҳам эксплуатация қилишга асосланади. Монополистлар экология жиҳатидан нобоп бўлган саноат корхоналарини ҳам ривожланаётган мамлакатларга жойлаштирадиларки, бу экологик проблемалар географиясининг кенгайишига олиб келади. Бундай проблемаларнинг кескинлашиши натижасида атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган демократик ҳаракат синфий кураш билан қўшилиб кетади. Ҳозир экологик таълимот сиёсий доктриналарнинг таркибий қисми бўлиб қолди, энг асосийси эса — экологиядаги кризис капитализм умумий кризисининг чуқурлашувига имконият яратмоқда.

Планетанинг ҳозирги экологик ҳолати ушбу проблемага муносабатни тубдан ўзгартиришни, яъни инсоният келажаги учун масъулиятни ҳис этган ҳолда атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир шошилинч тадбирлар кўрилишини талаб этмоқда. Шу сабабдан ҳам автор планетадаги экология проблемаларини ҳал этишда ижтимоий системалар ўйнайдиган сиёсий, иқтисодий ва социал ролни тўғри тушунган ҳолда шундай деб ёзади: «Экологик хатарни бартараф қилиш учун капиталистик дунёни тубдан социал қайта қуриш зарур» (97-бет). Лекин бу — келажакнинг иши, ҳозир эса реал имкониятлардан келиб чиқиш керак. Глобал экологик проблемаларни ҳал этиш учун ҳозирги босқичда, ижтимоий-иқтисодий тузумдан қатъи назар, катта ва кичик давлатларнинг биргаликдаги куч-ҳаракатлари талаб қилинади. Халқларнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядровий уруш хавфи олдини олиш учун кураши ва бошқа тинчликпарвар интилишлари бунинг учун реал асослар яратмоқда. Бу ерда КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг Франция парламенти аъзолари билан учрашувда (1985 йил 3 октябрь) айтган сўзларини келтириб ўтиш ўринли бўлади: «Европадаги барча мамлакатларнинг куч-ҳаракатларини бирлаштирмай туриб қитъамиздаги атроф муҳитни сақлаб қолиш ва соғломлаштиришдек кескин проблемани ҳам узил-кесил ҳал қилиб бўлмайди. Унинг кўпгина районларида, образли қилиб айтганда, оёқлар остидаги ер ёниш даражасига келиб қолди, осмондан оловли бўлмасада, кислотали ёмғир ёғмоқда, тутун туфайли осмоннинг ўзини ҳам кўриб бўлмай қолди. Европадаги дарё ва денгизлар ночор аҳволга тушиб қолди. Миллий доираларда ҳозир ҳал қилиб ҳам бўлмайдиган проблемалар пайдо бўлишига йўл қўйиб, биздар ҳаммамиз ўз вақтида етарлича узоқни кўрмай иш қилган бўлсак керак. Бу шундай соҳаки, унда ҳаммамиз қитъа тақдирининг муштараклигини англаб етишимиз зарур». Ҳақиқатан ҳам, сув ва ҳаво ҳавзалари шартли ҳолдагина маъмурий чегараларга бўлинади. Бир мамлакат доирасида табиатга нисбатан хатоликка йўл қўйилса, бу албатта бошқа мамлакатлар ва қитъалардаги экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатади.

«Китоб автори «умумий экология», «комплекс экология», «глобал экология» тушунчаларидан тез-тез фойдалансада, лекин ушбу тушунчаларни тадқиқ қилиш объекти, бизнингча, аниқлаштиришни талаб қилади. Масалан, Э. С. Ҳошимованинг фикрича, «комплекс экология атроф муҳит муҳофазасининг барча аспектларини синтез қилиши, бу проблемани ҳал қилиш учун барча илмий тавсияларни бериши лозим» (82-бет), «глобал экология эса табиат жараёнларини бошқариш, инсоннинг ишлаб чиқаришга таъсири, шунингдек, инсон ва муҳит муносабатлари жараёнларини бошқариш назариясини ўз ичига олади» (5-бет). Баъзи бир бошқа авторлар ҳам шундай нуқтаи назарни ёқлайдилар. Лекин ушбу фикрда, бизнингча, бир қадар зиддият бор. Биринчидан, Э. С. Ҳошимова ёзганидек, умумий экологиянинг предмети ва вазифаси фақат «комплекс экологиянинг фалсафий ва методологик аспектларини» (82-бет) ўрганишдан иборат эмас, чунки «умумий экология» ва «комплекс экология» тушунчалари муайян маънода синонимлар ҳисобланади, шу сабабли ҳам уларни сунъий равишда ажратиш принципиал методологик аҳамиятга эга эмас. Иккинчидан, экологик аспектлар синтези, улар асосида илмий тавсиялар ишлаб чиқиш, инсон билан табиий муҳит ўртасидаги муносабатларни бошқариш бир вақтнинг ўзида ҳам комплекс, ҳам умумий, ҳам глобал экологик вазифадир. Учинчидан, «инсониятнинг ишлаб чиқаришга таъсири» глобал экологиянинг бевосита ўз назарияси эмас, аксинча, инсон ишлаб чиқариш фаолияти натижасида табиатга таъсир кўрсатади ва натижада экологик вазиятни ўзгартиради, бу эса кейинчалик тегишли назарияларда акс этади.

Биосферанинг экологик мувозанатини сақлашда чўл ва саҳролар муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, «бепоён саҳро ва чўл билан муомала қилишга жуда эҳтиёт бўлиш керак» (74-бет) деб ёзган автор жуда ҳақлидир. Бундай бепоён массивларни ўзлаштиришда инсоннинг табиий муҳитга аралашиши олиб келиши мумкин бўлган барча оқибатларни синчиклаб ўрганиш лозим бўлади. Бошқа томондан эса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсив технологияга асосланган ҳолда ташкил этиш орқали чўл ва саҳролар ўзлаштирилишини чеклаш, мисол учун, ичимлик сув танқчиллиги, катта-катта территорияларнинг химиявий ифлосланиши, антропоген эрозия-

нинг олдини олиш, йўколиб бораётган ҳайвон ва ўсимликларни саклаб колиш, сув ҳавзалари, атмосфера мусаффолигини саклаш ва умуман планетага хос бўлган бошка экологик проблемаларни юмшатувчи шарт бўла олади.

Китобдаги баъзи коидалар исбот талаб этмайдиган оддий коидалар эканлигини, баъзи фикр-мулоҳазалар эса етарлича далилланмаганлигини таъкидлаш керак. Натижада мунозарали моментлар, ички тузилишда мантикий жиҳатдан зиддият ва ноаниклар кўзга ташланади. Мисол учун, авторнинг ёзишича, «аҳоли сонининг ўсиши ва урбанизацияга мос келмайдиган технизация ва химизация натижасида экологик мувозанатнинг (биосферанинг ички ўз-ўзини бошкариш механизмининг) бузилиши баъзи ҳайвон ва ўсимлик турларининг камайиб кетишига сабаб бўлмокда» (4-бет). «Мос келмаслик» деганда автор нимани кўзда тутяпти — катта микёсларними ёки, аксинча, кичик микёсларнимн? Нима бўлганда ҳам бундай фикрга кўшилиш кийин. Аҳоли сонининг ўсиши билан урбанизация даражасини индустриялаштириш ва ишлаб чикаришни химиялаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди, демак, ушбу жиҳатларнинг урбанизацияни ҳаракатлантирувчи механизм сифатида ана шу жараёнга мувофик .бўлмай иложи йўк. Бундан ташкари, оптимал экологик даража ҳозирги урбанизациянинг муҳим сифат кўрсаткичидир. Бошка томондан олганда, турли ижтимоий-иктисодий системалардаги давлатлар ҳамкорлиги шароитида факат фан-техника революциясигина планетамизда экологик мувозанатни саклаб колиш учун реал имкониятлар яратиши мумкин. Биосферанинг динамик ривожланиши объектив равишда конкрет экологик вазиятни яратади, субъектив фактор эса ушбу жараёнларни рагбатлантириши ёки тормозлашигина мумкин. Ҳайвон ва ўсимликлар баъзи турларининг техника, ишлаб чикаришни химиялаштириш пайдо бўлишидан анча аввал ва урбанизация бошлангунига кадар йўколиб кетганлиги бунга мисолдир.

Авторнинг кўрсатишича, «ҳар хил даражадаги структурали биологик системалар ўзаро боглик бўлган бирликда яшайди. Шу боисдан улар мустакил равишда эволюционлаша олмайди» (14-бет). 13-бетда эса бундай дейилган: «Эволюция жараёни айрим турлар ривожланиш суръатларининг нотекис бўлиши билан характерланади. Бир хил турлар бошкаларига караганда тезрок ривожланади... Шу билан бирламчи(?) биосферанинг дифференциацияси ва умуман планетамиз биосферасининг ривожланиши рўй беради». Унинг ушбу фикри аввалги фикрини инкор этади.

Китоб автори ишлаб чикариш ва рўзгор чикиндиларидан келувчи экологик зарарни етарлича кенг ёритиб, улардан халк хўжалигида фойдаланишнинг индустриал-технологик усулларини таклиф этади. Лекин ушбу таклифларнинг ҳаммасини ҳам макбул деб бўлмайди. Мисол учун у шундай деб ёзади: «Ахлатни йўк килиб юбориш — уни ёндириш усули санитария жиҳатидан, шубҳасиз, энг яхши усулдир» (112-бет). Бундай фикрга тарафдорлар ҳозир топилмаса керак. Санитария, экономика, хусусан, экология нуктаи назаридан олганда чикиндиларни ёндириш бефойдагина эмас, балки куйидаги сабаблар: атмосферани турли ташландилар — газ ва каттик зарралар билан булгаши, ёнмайдиган кўпгина компонентлари ва коракуянинг тупрокни ифлослантириши туфайли ҳам зарарли эканлиги факти очик-ойдин бўлиб колди. Бошка томондан олганда эса, кўпгина таникли олимларнинг, жумладан, академик Б. Ласкориннинг фикрига кўшилган ҳолда («Известия»нинг 1984 йил 4 июнь сонига каранг) шуни таъкидлаймизки, бугунги кундаги жуда катта ҳажмдаги чикитлар — ишлаб чикариш жараёнининг колоклиги, ўз-ўзи билан богланмаганлиги, сустлиги кўрсаткичидир. Ўзимизнинг технологик ночорлигимиз туфайли ярокли маҳсулот ва ярим маҳсулотларни кўпинча чикитга кўшиб юборамиз.

Китоб хулосасида баён килинган биосферанинг ноосферага айланиши (122-бет) ҳакидаги масала ўтмишда мунозарага сабаб бўлган эди. Лекин ҳозир фанда уларни бўлиш ва карама-карши кўйиш асоссизлиги ишонарли ҳолда исботланган. Бу масалада ҳам энг йирик мутахассислардан бири — академик Б. С. Соколовнинг куйидаги эътиборли фикрини келтириш максадга мувофик бўлади деб ҳисоблаймиз: «Менинг фикримча, ҳеч кандай ўтиш мавжуд эмас, бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Биосфера доимо мавжуд бўлган, мавжуд, агар инсоният ўзини ўзи ҳалок этишга ва планетадаги ҳар кандай формадаги ҳаётни батамом йўк килишгача бориб етмаса, мавжуд бўлиб колаверади» («Известия», 1986 йил 9 январь).

Китобда учровчи илмий, методологик характердаги баъзи бир камчиликларни ҳар бир фан ўзининг шаклланиш даврида муайян кийинчиликларни ўз бошидан кечириши билан изоҳлаш мумкин. К. Маркс ёзганидек, «ҳар кандай бошланиш машаккатлидир,— бу ҳакикат ҳар бир фан учун адолатлидир» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т.23, с.5). Экология эса фан сифатида айни шундай ҳолатда турибди. Шу нуктаи назардан олганда Э. С. Ҳошимованинг китоби экология проблемаларига кизикувчиларнинг эътиборига лойикдир.

С. МАМАШОКИРОВ,
философия фанлари кандидати.

СОВЕТ ЖАМИЯТШУНОСЛИГИ ЎТИШ ДАВРИДА

ТАДКИКОТДАН* КЎЗЛАНГАН максад мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг шаклланиши шароитида марксча-ленинча социологик тафаккур ривожининг асосий конуниятларини умумлаштириш, буржуа-помешчиклик ва ревизионистик концепцияларни енгиб чикишнинг асосий йўллари ва воситаларини ўрганиш, социалистик маданий революциянинг мухим вазифаларини хал этишда катнашган, омма орасида марксча-ленинча ғояларни тарғиб килган 20—30 йиллардаги партия идеология ходимларининг, дастлабки чакирик совет жамиятшунос олимларининг тарихий хизматларини кўрсатиб беришдан иборат.

Монография муаллифлари ўтиш даврига оид жуда кўп материалларни, архив манбаларини, ўша йиллардаги вокеалар шохидларининг хотираларини чукур ва атрофлича ўрганиш асосида кўп миллатли совет халкининг маънавий хаётида марксча философия ва социологиянинг карор топиши пролетариатнинг сиёсий хокимиятни кўлга киритиши хамда ишлаб чикариш воситаларининг умум мулкига айлантирилишининг шунчаки оддий окибати бўлмади деган фикрни ишонарли тарзда илгари сурадилар. Жамият тараккиёти тарихида инсон омили хеч качон капитализмдан социализмга ўтиш давридагидек куч ва кўламда ўзини намоён этмаганлиги боисидан идеология мехнаткашлар оммаси онгида марксча-ленинча дунёкарашни карор топтириш воситаси сифатида синфий курашнинг мухим жабхаларидан бири бўлиб колди. Бунда революцион таълимот бир канча пропагандистларининг концепциялар ва дунёкарашлардаги кўпол хатолари ва сохталаштиришларини бартараф этишдаги улкан куч-ғайратлар эвазига муваффакиятга эришилди. Китобда ана шу хато ва сохталаштиришлар сабаби муфассал тахлил этилган. Марксча-ленинча назарияни бузиб кўрсатиш энг аввало объектив холатлар — гражданлар уруши, янги иктисодий сиёсат мураккабликлари ва кийинчиликлари, шунингдек ағдарилган синф колдикларининг, халкаро буржуазия, ревизионизм ва оппортунизм назариётчиларининг, троцкийчилару партия ички хаётидаги оғмачиларнинг бошка намояндаларининг идеологик хужумлари билан изохланади. Бундан ташкари марксча билимли идеология кадрлари жуда етишмаслиги сезилиб турарди. Марксча социологиядан дарс бериш учун олий мактабга кўпинча «ўзларининг бир озгина янгиланган эски фалсафий-социологик дунёкарашларини «марксизмнинг сўнгги сўзи» деб таклим этувчи» (120-бет) профессорлар кабул килинди.

Ана шундай шароитда биринчи навбатда буржуа-помешчиклар идеологиясини фош этиш зарур эди, чунки, муаллифлар таъкидлаганидек, «ишчилар синфининг илмий идеологияси бўлмиш марксизм-ленинизмга карши курашиш учун ўша пайтгача тўпланган реакцион ғоя ва назарияларнинг бутун бир бисоти сафарбар этилганди» (121-бет). Коммунистик партия, В. И. Ленин идеология ишини олиб боришга алохида ахамият бердилар, коммунистик университетлар ва совет-партия мактабларида лекция ўкишга йирик партия ва совет ходимларини жалб этдилар. Масалан, Туркистон коммунистик университети талабалари М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, С. И. Гусев, Я. Э. Рудзутак, А. Икромов, Н. Тўракулов ва бошкаларнинг чикишларини тингладилар. Китобда большевиклар партиясининг ўтиш даврида марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда килишдаги, идеологик вазиятни тубдан кайта куришдаги рахбарлик роли ишонарли тарзда очиб берилган.

Маълумки, совет социологик тафаккури сарчашмаси тепасида В. И. Ленин турган эди. Унинг асарлари, айникса жахонда биринчи социалистик давлат барпо этиш хамда янги идеологик муносабатларни шакллантириш тажрибаси (такриз этилаётган китобда бу хакда муфассал сўз юритилган) умумлаштирилган асарлари илмий дунёкарашнинг барча таркибий кисмларини, шу жумладан тарихий материализмни анчагина бойитди. Лениннинг Октябрдан кейинги даврдаги асарларида диалектик-материалистик философия ва социологияни янги тарихий шароитда ривожлантиришнинг яхлит программаси асослаб берилди, социалистик жамиятни янада такомиллаштиришнинг назарий проблемалари ишлаб чикилди. Марксизм асосчиларининг асарлари билан биргаликда В. И. Ленин асарлари мамлакатимизда ва халкаро коммунистик харакатда социологик тафаккурни ривожлантиришга доир бутун иш учун асос бўлиб колди.

Монография муаллифлари совет жамоатчилиги ўтиш даврининг дастлабки ўн йилида марксча-ленинча философия асосларини кўпрок илмий коммунизм назарияси билан чамбарчас боғлик бўлган тарихий материализм оркали ўзлаштириб борганликлари тўғрисидаги тўғри фикрни ўтказганлар. Факат 30-йилларнинг бошларидан

---

* Б. А. Чагин, В. И. Клушин. Исторический материализм в СССР в переходный период. 1917—1936 гг. Историко-социологический очерк. М., «Наука», 1986, 440 с.

эътиборан марксизм-ленинизм философияси диалектик ва тарихий материализм сифатида шаклланди.

Тарихий материализмнинг совет олий мактабида ва партия маорифи системасида ўқитиладиган фан сифатида қарор топишига бағишланган бўлим алоҳида қизиқиш уйғотади. Жумладан, тарихий материализм курсининг ишлаб чиқилиши совет олимларининг мураккаб тадқиқотлари самараси бўлиб, тарихни материалистик тушуниш асосчиларининг назарий меросини чуқур ўзлаштириш ва системалаштиришни, социалистик қурилиш проблемаларини категориал шакллантиришни тақозо этди. Қийинчиликларни кучайтирган нарса шунда эдики, бу ишга қўл урган назариётчиларнинг одатда илмий савияси юқори эмас, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, тарихий-фалсафий илмларни яхши билмас эдилар. «Бу социологик билимнинг узлуксиз ривожланиб ва кўпайиб бориш жараёни эди. У тўппа-тўғри бормади, объектив ва субъектив тарздаги зиддиятлар унинг ҳаракатида ўз ифодасини топди» (287-бет).

Ижтимоий-иқтисодий формация проблемалари, тарихий материализм билан конкрет социология муносабати, тарихий жараён қонуниятлари хусусидаги, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш манбалари, социологик билим структураси, табиат билан жамият муносабати ва бошқа кўпгина масалалар тўғрисидаги баҳс-мунозаралар чоғида тарихий материализм қарор топа борди. «Бу мунозаралар ёлғиз ўтиш давридагина катта аҳамият касб этиб қолмади, — деб таъкидланади китобда. — Тарихий материализм бўйича ўқув курслари мазмунига ўз таъсирини ўтказиб, уларни жанговар ва мунозарали қилиб қўйди» (287-бет).

Б. А. Чагин ва В. И. Клушин тарихий материализмни жамиятшуносликнинг методологияси сифатида қараб чиқадиларки, бунда тарихнинг конкрет материали онгли концептуал талқинини топади. Муаллифларнинг «тарихий материализм билан хусусий фанлар муносабати проблемаси капитализмдан социализмга ўтиш даврининг дастлабки босқичидаёқ бутун кескинлиги билан кўндаланг бўлган эди» (348-бет) деган фикри ҳам алоҳида диққатга сазовор.

Китобда совет этика фани ҳамда давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот шаклланишининг философик-методологик жиҳатлари, санъатшуносликнинг философик ва дунёқараш потенциалини тубдан қайта қуриш йўллари, социалистик реализм назариясининг методологик асослари, совет тарих фани ривожи проблемалари, сиёсий иқтисод, илмий социализм, педагогикани ўқитишнинг методологик масалалари атрофлича ёритилган. «Совет тарихчилари, ҳуқуқшунослари, иқтисодчилари, философлари, социологлари, санъат ва адабиёт назариётчилари кишиларнинг социал-тарихий ҳаётини идеалистик тарзда ва вульгарлаштириб талқин қилишни рад этиб, ўтмиш ва ҳозирги илғор ижтимоий тафаккур ютуқларидан фойдаланишга муваффақ бўлдилар. Совет ижтимоий фанлари ўз ривожининг илк одимларидан бошлабоқ социал қонунларни билиш ва улардан фойдаланишда, инсоннинг маънавий дунёсини, унинг сиёсий ва граждانлик нуқтаи назардан ўзини англашини шакллантиришда, унда социалистик қонунларга, ижтимоий ва меҳнат интизомига, социалистик ахлоқ нормаларига ҳурматни тарбиялашда ўзгартирувчи куч сифатида майдонга чиқди» (427-бет).

Совет марксчи-ленинчилари ижтимоий фанлардаги ўнг ва «сўл» оғмачилик назариётчилари ҳамда уларнинг тарафдорлари билан философик-социологик тафаккур соҳасида олиб борган ғоявий курашнинг конкрет ва изчил таҳлили тақриз этилаётган тарихий-социологик очеркнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Ҳозирги кунда антикоммунистлар билан ревизионистлар томонидан эсер-меньшевиклар, троцкийчилар, анархист-нигилистлар ғояларини қайта тирилтиришга уриниш бу масалаларнинг актуал эканлигидан далолат беради, таассуфки, кўп тадқиқотчиларимиз, шу жумладан ижтимоий тафаккур тарихи мутахассислари ҳам ўз ишларида бу масалаларни кўпинча назардан четда қолдирадилар.

Муаллифлар томонидан қатор совет республикалари, жумладан Ўзбекистонда фалсафий тафаккур ривожининг кўрсатиб берилиши СССРда философия тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Китобнинг Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг илмий марказлари ҳамда олий ўқув юртларига Москва ва Ленинград идеология муассасаларининг ёрдамига бағишланган бўлимлари қизиқарли ва мазмунлидир.

Коммунистик партия мамлакатимизнинг собиқ чекка миллий ўлкаларида идеология марказлари барпо этиш юзасидан катта иш олиб борди. Россия пролетариати ва бошқа халқларнинг 1918 йилда Тошкентда социал-иқтисодий ва адабиёт-философия факультетлари бўлган халқ университети ташкил этишда берган ёрдами асло унутилмайди. Ана шу университет базасида 1920 йилда В. И. Ленин декрети билан Туркистон (кейинчалик Ўрта Осиё) давлат университети (ҳозирги В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети) ташкил этилди. РСФСР Маориф халқ комиссарлиги Тошкентда ишлаш учун Петроград ва Москвадан юзга яқин профессор ва ўқитувчи юборди, улар республикада олий мактабни ташкил этиш ва ривожлантиришда актив қатнашдилар (27-бетга қаралсин). РК(б)П МК қарори

билан 20-йилларда Тошкентда В. И. Ленин номли Туркистон Коммунистик университети хамда унинг кошида Шарк мехнаткашлари учун тайёрлов бўлими, шунингдек марксизм-ленинизм тарихи ва назарияси масалалари, социалистик жамият курилиши назарий ва амалий проблемалари устида иш олиб борувчи Ўрта Осиё илмий-тадкикот муассасалари ассоциацияси ташкил этилади (49—53-бетларга каралсин).

Б. А. Чагин ва В. И. Клушиннинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг капитализмни четлаб социализмга ўтиши, ахолининг кўпчилиги саводсиз, марксистик билимдон кадрлар кам эканлиги билан боглик ўзига хос хусусиятларига карамай, омма орасида марксизм-ленинизм гояларининг карор топтирилиши мамлакатда янги жамият барпо этишнинг ажралмас таркибий кисми бўлиб колди. Жумладан, китобда Коммунистик партиянинг турли буржуа, майда буржуа, реакцион философик-социологик концепцияларга карши кураши кўрсатиб берилган. Чунончи, республика олий мактабида позитивизм, механицизм, формализм, миллатчилик сингари гайримарксистик окимлар муайян даражада расм бўлган эди. Партия ташкилотлари, Марказий олий ўкув юртларининг марксист кадрлари идеология жабхаси ходимларига ана шуларни муваффакиятли тарзда бартараф этишга кўмаклашдилар. Айни чоғда шуни хам таъкидлаш керакки, мамлакатда, шу жумладан Ўзбекистонда хам марксча-ленинча назариянинг карор топиши учун кураш тарихи умумий тарзда ёритилган, бу хол тадкикот доираси чекланганлиги билан изохланади. Бирок китобда бор нарсаларнинг ўзи хар бир республика ижтимоий тафаккури тарихини янада чукуррок ўрганишнинг дастлабки нуктаси бўлиб колиши мумкин ва шундай бўлиб колиши хам керак.

«...В. И. Ленин гояларига асосланган совет философик-социологик тафаккурига Октябрь революциясининг энг бошиданок муросасизлик ва чукур илмий характер хос бўлди» (435-бет).

Шу нарса диккатга сазоворки, китобда ўтмиш тажрибасининг тадкики бугунги ва эртанги кунимизга йўналтирилган, шу боис у мамлакатимизда марксча-ленинча тафаккур ривожи тарихи бўйича янги назарий хулосалар чикариш учун методологик асос бўлиб хизмат килиши мумкин. Худди ана шу жихатдан, колаверса, бошка кўпгина фазилатлари жихатидан такриз этилаётган монография партия тарихчилари ва философлар, сиёсий иктисодчилар, илмий коммунизм бўйича мутахассислар учун, Ватанимиз ижтимоий тафаккури тарихига кизикувчи барча кишилар учун фойдали бўлади.

Т. ШАРИПОВ,
философия фанлари доктори.

Ҳ. ПЎЛАТОВ,
философия фанлари кандидати.

Редакция адреси: 700000 — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор —32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда килиш — 32-58-65; партия ва совет курилиши — 32-58-68; экономика 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халкаро хаёт — 32-58-69; танкид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М.Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 8.02.1988 й. Босишга рухсат этилди 15.03.1988 й. Формати 70×108[1]/16. Фотонабор.
Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт хисоб листи 9,5.
Тиражи 27459. Нашр А-50. Заказ № 2860.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Мехнат Кизил Байрок орденли босмахонаси.
Тошкент шахри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

1

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

Rup

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



4

АПРЕЛЬ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 4
АПРЕЛЬ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Марказий Комитет узоқ вақтга мўлжалланган, принципиал вазифаларни таърифлаб берар экан, ижтимоий тараққиётнинг чинакам илмий назарияси бўлмиш марксизм-ленинизмга изчил амал қилмоқда. Бу назария меҳнат аҳлининг туб манфаатларини, социал адолат идеалларини ифодалайди. Унинг ҳаётий кучи — боқий навқиронлигида, ривожланиб боришга, янги-янги фактлар ва ҳодисаларни, революцион кураш ва социал туб ўзгартишлар тажрибасини ижодий тарзда умумлаштиришга доимо қодирлигидадир.

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЛЕНИНИЗМ—БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ ВА ҚУРОЛИМИЗ

ЛЕНИНИЗМ—ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҒОЯВИЙ-НАЗАРИЙ АСОСИ

К. МАРКС билан Ф. ЭНГЕЛЬС революцион таълимотининг гениал давомчиси, Совет Иттифоки Коммунистик партиясининг бунёдкори, энг буюк социал революция раҳбари, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси, халқаро ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунга 118 йил тўлмокда. У ўзининг бутун ёркин қаҳрамонона ҳаётини пролетариатни ва барча мазлумлар оммасини социал озодликка чиқариш учун, меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун курашга бағишлади.

В. И. Ленин империализм ва пролетар революциялари давридаги тарихий шарт-шароитларни анализ қилишга диалектик-материалистик методни ижодий татбиқ этиб, ўзининг буюк устозлари — Маркс билан Энгельснинг назарий таълимотини ривожлантирди ва бойитди, марксизм тараққиётида янги босқич очди. «Лениннинг империализм тўғрисидаги, социалистик революция ва пролетариат диктатураси ҳақидаги, партия тўғрисидаги, демократия ва социализм учун курашда пролетариатнинг синфий иттифоқдошлари ҳақидаги, социал ва миллий озодликнинг чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги, шунингдек турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари ҳақидаги таълимоти — деб таъкидланди КПСС МКнинг «В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорида, — барча мамлакатлар революционерларининг бебаҳо ғоявий-назарий ва методологик қуроли бўлиб қолди. Лениннинг социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғоялари муҳим аҳамиятга эгадир. Социализм ва коммунизм қурилиши йўллари тўғрисида Ленин яратган фан унинг назарий ижодининг гултожи бўлди». Ленинизм — бу XX асрнинг ижодий марксизмидир, бу ҳозирги дунёдаги энг илғор ва таъсирчан идеология, келажак эгаларининг енгилмас идеологиясидир; бу ҳозирги даврнинг энг илғор социал фалсафасининг жамулжам ифодасидир. Унинг учун вақт рамкаси ҳам, миллий маҳдудлик ҳам хос эмас.

Россия ишчилари ва деҳқонлари В. И. Ленин ва у барпо этган Коммунистик партия раҳбарлигида бундан 70 йил илгари буржуазия ва помешчиклар ҳокимиятини ағдариб ташлади ва инсоният тарихида биринчи марта Ер куррасининг олтидан бир қисмида пролетариат диктатурасини ўрнатди, жаҳон империализми кучларига ва революция томонидан ирғитиб ташланган эксплуататорлар синфларига қарши шафқатсиз жангларда Улуғ Октябрь ғалабаларини сақлаб қолди.

Совет ҳокимиятининг ғалабасидан сўнг социалистик қурилишнинг назарий ва амалий масалалари ленинизмда марказий ўрин эгаллади. Владимир Ильич қолоқ, ҳамма томондан душманлар қуршовида турган мамлакатда социализм қуриш мумкинлигини илмий асослади, социализм қурилишининг вазифалари ва йўлларини белгилаб берди, уларни рўёбга чиқаришга амалий жиҳатдан раҳбарлик қилди.

В. И. Ленин СССРда социализм қурилишининг асосий вазифаларини ҳал этиш, социалистик қурилишнинг умумий қонуниятларини аниқлаш билан бир қаторда мамлакатнинг илгари қолоқ бўлган халқларини капитализмни четлаб социализмга ўтказишнинг назарий проблемаларини, социалистик қурилишнинг умумий қонуниятларини нокапиталистик шарт-шароитларда татбиқ этиш проблемаларини ишлаб чиқди.

Совет халқи СССРда социализм қурилиши тўғрисидаги ленинча планга амал қилиб, ўзининг революцион авангардининг раҳбарлигида урушдан олдинги беш йилликлар давомида мамлакатни индустрияллаштирди ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштирди, социалистик маданий революцияни амалга оширди. Ватанимиз қудратли социалистик давлатга айланди. Инсоннинг инсонни эксплуатация қилишига, синфий антагонизмларга ва миллий адоватга батамом чек қўйилди. В. И. Лениннинг ғоясига биноан совет республикаларининг ССР Иттифоқига бирлашуви мамлакатнинг социализм қурилиши соҳасидаги кучларини ва имкониятларини ошириб юборди. Инсоният тарихида биринчи марта социалистик жамият ташкил топди, бу алоҳида олинган бир мамлакатда ҳам социализм қуриш мумкинлиги тўғрисидаги Ленин башоратининг тарихий жиҳатдан тўғрилигининг ёрқин намойиши бўлди.

Совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларида қаттиқ синовга бардош берди. Партия герман фашизмига қарши курашни ташкил этишда Лениннинг социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги, ҳозирги урушда фронт орқасининг роли ҳақидаги, курашувчи партия тўғрисидаги ва бошқа ўлмас ғояларига амал қилди. Совет халқи Улуғ Ватан урушини музаффарона тугаллаб, мамлакатнинг уруш вайрон қилган халқ хўжалигини тезда қайта тиклади, социалистик жамиятнинг янада олға боришини таъминлади. 50-йиллар охирига келиб СССРда социализм бутунлай ва узил-кесил ғалаба қилди.

* * *

В. И. Ленин ишлаб чиққан партия, давлат ва ижтимоий ҳаёт принциплари ва нормаларидан ҳеч қандай тарзда орқага чекиниш мумкин эмаслигини тарихий тажриба кўрсатиб турибди. Сиёсатдаги хатолар, ишлардаги турғунлик, кишилар тарбиясидаги, ижтимоий онгни, маънавий маданиятни шакллантиришдаги нуқсонлар ана шундай орқага чекинишлар билан боғлиқ.

«Бутун 70 йил мобайнида, — деб таъкидланди КПСС МК февраль (1988 йил) Пленумида, — партиямиз билан халқимиз социализм ғоясидан илҳом олиб, уни барпо этдилар. Аммо ҳам ички, ҳам ташқи сабаблар тақозоси билан биз янги ижтимоий тузумнинг ленинча принципларини етарлича тўла-тўкис юзага чиқара олмадик. Шахсга сиғиниш, 30-йилларда вужудга келган бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси, бюрократик, догматик ва волюнтаристик сохталиклар, бедодликлар, 70-йилларнинг охири, 80-йилларнинг бошларида эса турғунликка олиб келган ташаббуссизлик ва ишга халақит берувчи ҳолатлар бунга катта халал етказди».

КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида уқтириб ўтилганидек, турғунлик йилларида Лениннинг назариянинг қиммати «ҳаётдаги ҳамма зиддиятлар қандай бўлса, уларни назарияда ҳам шундайлигича аниқ тасвирлаб беришдадир» (Тўла асарлар тўплами, 4-том, 93-бет), деган кўрсатмаси кўпинча эътиборга олинмади, социализм тўғрисидаги, унинг энг муҳим жиҳатлари: ижтимоий мулк, синфий ва миллий муносабатлар, меҳнат меъёри ва истеъмол меъёри, кооперация, хўжалик юритиш усуллари, халқ ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш, бюрократик бузилишларга қарши кураш, социалистик идеологиянинг революцион-ўзгартирувчилик моҳияти, таълим ва тарбия принциплари, партия билан жамиятнинг соғлом ривожланишининг кафолати тўғрисидаги ленинча қоидалар жўн тарзда талқин этилди.

В. И. Ленин катъий хатти-ҳаракатларнинг ажойиб намунасини кўрсатган, партия сиёсатини кескин буриб юбора олган, уни ҳаётнинг ўзгарган талаблари даражасига кўтарган эди. Мамлакат тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жамият социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлига киришилганда КПСС, унинг Марказий Комитети айни ана шу ленинча намунага амал қилди.

Ҳақиқат қандай бўлишидан қатъи назар ундан қўрқмаслик, унга тик қарай олиш В. И. Лениннинг ўзига хос хусусияти эди. У партия, ишчилар синфи, меҳнаткашлар ҳар қадамда бартараф қилишга мажбур бўлаётган қийинчиликлар хавфли эмас, балки янглишишлар ва ўз-ўзини алдаш ҳалокатлидир деб ҳисоблар эди.

В. И. Ленин ўз хатоларини очиқчасига тан ола билиш ва улардан сабоқ олиш, танқид ва ўз-ўзини танқид қуролидан моҳирона фойдаланиш қобилиятини коммунист-революционернинг зарурий хислати деб биларди.

Партия Лениннинг «шу чоққача ҳалок бўлган барча революцион партиялар — ... ўзларининг заиф томонлари тўғрисида гапиришдан қўрққанликларидан ҳалок бўлдилар. Биз эса ҳалок бўлмаймиз, чунки биз ўзимизнинг заиф томонларимиз тўғрисида гапиришдан қўрқмаймиз ва заифлигимизни енгишга ўрганамиз» (ТАТ, 45-том, 137-бет), деган қоидаларига амал қилиб, бундан олдинги ўн йилликлардаги иллатларни ленинчасига чуқур ва реалистик тарзда анализ қилиш, хатолар ва нуқсонларнинг сабабларини очиш учун ўзида куч ва мардлик топа билди. КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми бошлаб берган бутун ҳаётимизни қайта қуриш иши социалистик жамият тараққиётини жадаллаштиришни, жамият ҳаётининг ҳамма томонларини Коммунистик партия изчил ривожлантираётган ленинизм негизида ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйгандир. Ҳозирги шароитда Совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида ленинизм руҳини иложи борича тўла микёсда қайта тиклаш — уни қайта қуриш назарияси ва сиёсатида ижодий татбиқ этиш демакдир.

Совет жамияти тарихининг ана шу мураккаб кескин бурилиш босқичида партия Ленин даҳосига қайта ва қайта мурожаат этмоқда.

«Ленин меросига қизиқиш, уни асл нусхасида тўлароқ, асослироқ, жиддий тарзда билишга жиддий иштиёқ, — деб ёзади М. С. Горбачев «Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун» китобида, — жамиятда салбий ҳолатлар кўпайган сайин кучая бориб, сафсатабозлар ва расмий ҳарфхўрлар қўйган тўсиқларни босиб ўтди.

Партияда ва жамиятда Ленинга мурожаат қилиб туриш юзага келган масалаларнинг сабабларини ва жавобларини излашда катта рағбатлантирувчи роль ўйнади» («Ўзбекистон», Т. 1988, 24-бет).

Қайта қуриш, социал-иқтисодий жадаллаштиришнинг партия ишлаб чиққан концепцияси социализм тўғрисидаги асосий ленинча ғояларга асосланади, уларни тарихий тажриба ва объектив шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантиради ва бойитади. Партия В. И. Лениндан социалистик қурилиш назарияси ва амалиётига ижодий ёндашувни ўрганади. Шу муносабат билан КПСС МК февраль (1988 йил) Пленуми ҳужжатларида шундай таъкидланади: «Биз ҳозирги шароитда янги тузумнинг ленинча қиёфасини қайта тиклашга, уни иллатлар ва сарқитлардан тозалашга, жамиятни қисиб қўйган ва социализмнинг имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга йўл бермаган жамики тўғоноқлардан халос бўлишга интиляпмиз. Ҳозирги дунёнинг ҳамма реалликларини эътиборга олиб, социалистик жамиятга янги сифат бахш этиш бош вазифадир».

В. И. Ленин социализм қурилишида экономикани ривожлантиришга ҳал қилувчи даражада аҳамият берган эди: «Бизда... хўжалик иши — бизнинг умумий ишимиздир, — деб уқтирган эди у. — Бу биз учун энг қизиқарли сиёсатдир» (ТАТ, 43-том, 374-бет).

Ленин бу ишга қанчалик принципиал аҳамият берган бўлса, партия ҳам айни шундай аҳамият берган ҳолда мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини барча чоралар билан жадаллаштиришга, кескин бурилишга, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини янгилаш, революцион қайта қуришга қаратилган стратегик йўлни ишлаб чиқди ва оғишмай амалга оширмоқда. Жадаллаштириш, қайта қуриш стратегияси КПСС МК апрель (1985 йил) Пленумида энг асосий вазифа сифатида илгари сурилди ва партия XXVII съезди, КПСС МКнинг кейинги Пленумлари ҳужжатларида янада чуқурроқ асослаб берилди ва ривожлантирилди. Жадаллаштириш моҳияти иқтисодий ўсиш суръатларининг янгича сифатида: фан-техника тараққиёти, экономикани структуравий қайта қуриш, бошқарувнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формалари негизида ишлаб чиқаришни барча чоралар билан интенсивлаштиришда намоён бўлади.

В. И. Ленин социализм — бу омманинг жонли ижодкорлигидир, деб ҳамиша такрорлар эди. Партия Ленин васиятларига оғишмай амал қилиб, ҳар доим ўз ҳужжатларида қайта қуриш, социал-иқтисодий жадаллаштириш вазифаларини фақат меҳнаткашлар оммасининг кенг, актив иштирокида, инсон омили ролини оширган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этиш мумкин, деб таъкидлайди...

Бу КПСС МК февраль (1988 йил) Пленумида янги куч билан янгради, унда шундай деб кайд килинди: «Биз экономикамиз, маданиятимиз, социал ва маънавий турмушимизни ривожлантириш йўлларини белгилашга кайси позициялардан туриб ёндашмайлик, инсоннинг ўзи, унинг сиёсий киёфаси ва акл-заковати, унинг махорати, унинг ватанпарварлиги ва интернационализми, унинг ижод килиш кобилияти, унинг гражданлик позицияси ва активлиги хамиша хал килувчи омил бўлади». Жадаллаштириш, кайта куриш стратегиясини амалга ошириш учун курашда мехнаткашларнинг жипслиги хозирги кун учун хаётий зарурат бўлиб колди.

Кўлами ва мазмунига кўра революцион характерга эга бўлган кайта куриш жараёни асосий социалистик принципларни мустахкамлаш ва ривожлантиришга, бу принципларга зид бўлган хамма нарсани бартараф этишга, социализмнинг ғоят катта потенциалидан самарали фойдаланиш, янги, янада катта кўламдаги сиёсий ва социал вазифаларни хал этиш учун шарт-шароитлар яратишга каратилгандир.

Партия ва Совет давлатининг асосий эътиборни ишлаб чикаришни ва кайта куришни бошкаришнинг иктисодий методларига каратиши муносабати билан нэп давридаги ленинча коидалар айникса актуал бўлиб колди.

«Биз кайта куришни янада олға сурар эканмиз, — деб ёзади М. С. Горбачев «Кайта куриш ва янгича фикрлаш...» китобида, — Ленин асарларига, айникса... унинг сўнгги асарларига доимо мурожаат килиб келдик ва мурожаат килаверамиз» (48-бет). Бу бутунлай конуний холдир, чунки Совет хокимиятининг ўша даврдаги тадбирлари билан бугунги тадбирлари ўртасида тўғридан-тўғри давомийлик мавжуд: моддий, иктисодий манфаатларни активлаштиришда ва улардан максимал фойдаланишда кўринади. Лекин бунда куйидагича жиддий тафовут бор: агар нэп йилларида хусусий товар эгаси билан товар ишлаб чикарувчининг манфаатдорлигини ошириш билан улар активлаштирилган бўлса, хозирги кайта куриш, социал-иктисодий жадаллаштириш шароитида кайта куриш такдирини белгилайдиган, жамиятни ривожлантиришнинг иккита энг асосий проблемасидан бирини ташкил этадиган туб иктисодий ислохот негизида тўла хўжалик хисобини, ўз харажатини ўзи коплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни жорий этиш йўли билан мехнат коллективлари, уларнинг хар бир аъзосининг манфаатдорлигини ошириш оркали улар фаолияти активлаштирилмокда. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Конун иктисодий ислохот негизини ташкил этадики, ишлаб чикариш демократияси ана шу негизга асосланади.

Партия Лениннинг мехнат унумдорлигини ошириш янги ижтимоий тузумнинг енгиб чикиши учун окибат натижада энг мухим, энг асосий нарсадир, деган кўрсатмасини (ТАТ, 39-том, 24-бетга каралсин) изчиллик билан хаётга татбик этмокда. В. И. Ленин бу масалага канчалик принципиал ахамият берган бўлса, КПСС хам ўзининг XXVII съездида худди шундай ахамият берган холда мамлакатнинг мехнат унумдорлигини ошириш юзасидан жахондаги энг юкори даражага чикишини таъминлаш вазифасини илгари сурди. Шуни кайд килиш кераккки, бу вазифани хал этиш йўлида хозирдаёк дастлабки ижобий натижаларга эришилди. Кейинги уч йил мобайнида мехнат унумдорлигини ўстириш суръатлари саноатда ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик кўрсаткичларидан 1,3 баравар, курилишда 1,6, кишлок хўжалигида 2,8, темир йўл транспортида 3,6 баравар ошди. 1981—1984 йилларда миллий даромадни ўстиришнинг 86 проценти, 1985—1986 йилларда 95 проценти ижтимоий мехнат унумдорлигини ошириш йўли билан таъминланган бўлса, 1987 йилда унинг 100 проценти таъминланди.

Кайта куриш ритми конкрет ишларда ва ютукларда тобора кўпрок сезилмокда. Кайта куриш коллективлар хаётига катъий кириб бормокда, тўскинлик килиш механизмини ва эскирган андозаларни бузмокда, социализм учун ишлаяпти. Экономика сохасида ўсишнинг узок муддатга мўлжалланган стратегик омиллари — фан-техника тараккиётини жадаллаштириш, интенсивлаштириш, ишлаб чикариш структурасини яхшилаш, инвестиция жараёнини кайта куриш, махсулот сифатини ошириш ва ресурсларни тежаш каби омиллар кўпрок ишга солинмокда.

Партия авж олаётган кайта куриш, жадаллаштириш шароитида В. И. Лениннинг социализмда ижтимоий ишлаб чикариш «жамиятнинг барча аъзоларининг **тўла** фаровонлиги ва **хар томонлама** эркин ривожланишини таъмин этиш учун» (ТАТ, 6-том, 267-бет) ривожланади, деган кўрсатмаларига оғишмай амал

қилмоқда. «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун» деган ўзгармас программавий талаб экономикага партиявий, сиёсий ёндашув учун бошланғич пункт бўлиб хизмат қилиб келди ва хизмат қилмоқда. КПСС социал соҳадаги ишлар аҳволини тубдан яхшилашни қайта қуришнинг, жадаллаштиришнинг таркибий қисмларидан бири деб билади. Партия ҳужжатларида таъкидланадики, жадаллаштириш йўли актив социал сиёсат юргизишни, социал адолат принципини изчил қарор топтиришни, социал соҳани ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият беришни назарда тутади. «Қайта қуриш, — деб қайд қилинди КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленумида, — социал соҳани устун даражада ривожлантириш, Совет кишиларининг яхши меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларига... бўлган талаб-эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондириш демакдир». Бунда партия социал сиёсатни социал-иқтисодий ривожланишнинг, омманинг меҳнатдаги ва ижтимоий-сиёсий активлигини ўстиришнинг, янги инсонни шакллантириш, социалистик турмуш тарзини қарор топтиришнинг қудратли воситаси, жамият сиёсий барқарорлигининг муҳим омили деб билади. Кучли, бир бутун социал сиёсат тўғрисидаги ғоя партиянинг марксизм-ленинизм таълимотига қўшган йирик ижодий ҳиссасидир.

КПСС МҚ апрель (1985 йил) Пленуми, партия XXVII съезди, КПСС МҚнинг шундан кейинги Пленумларининг қарорлари асосида партия раҳбарлигида планлаштириш ва бошқарув органлари, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг социал соҳа талаб-эҳтиёжларига томон изчил бурилиши, кадрлар тафаккури ва психологиясини тубдан қайта қуриш, улар бутун ишининг тобора кўпроқ социал йўналишга эга бўлиши, меҳнат коллективлари, ижтимоий ташкилотлар, барча меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигининг резервлари ва имкониятларидан социал проблемаларни ҳал этишда максимал фойдаланилмоқда.

КПСС МҚ апрель (1985 йил) Пленумидан буён ўтган давр мобайнида мамлакат халқ хўжалигининг социал йўналишини кучайтириш учун анча иш қилинди. 1987 йилнинг ўзидаёқ социал соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ажратилган капитал маблағларнинг ўсиш суръатлари 1985—1987 йилларда умуман халқ хўжалигига ажратилган капитал маблағларнинг ўсиш суръатларига нисбатан 3 баравар кўп бўлди. Натижада ўртача бир йилда тураржойларни фойдаланишга топшириш 9 процент, мактабларни —28, мактабгача тарбия муассасаларини —10, касалхоналарни —9, поликлиникаларни —24, клубларни фойдаланишга топшириш 46 процент кўпайди. 1985—1987 йилларда 32 миллион киши уй-жой шароитларини яхшилади.

Инсон омилини активлаштириш вазифаси жуда ўткир қилиб қўйилган қайта қуриш жараёнида партия социалистик тузумнинг максимум демократизми тўғрисида Ленин ўртага қўйган масалага қайта-қайта мурожаат қилмоқдаки, шундай тузумдагина меҳнат кишиси ўзини ҳам ўз тақдирининг, ҳам ўз мамлакатининг соҳиби деб ҳис қилади. Моҳиятини меҳнат аҳлининг ҳокимияти ташкил этадиган социалистик демократия — ана шу кишиларнинг кенг сиёсий ва гражданлик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ўзгартишлардан, уларни бажаришда амалий равишда қатнашишдан манфаатдорлик формасидир.

Маълумки, синфларсиз жамиятни яратиш — халқ оммасининг онгли, планли асосда ташкил қилинадиган ижодкорлигининг натижасидир. Ишлаб чиқаришга оид ва давлат ишларини ҳал этишда, жамиятни бошқаришда меҳнаткашларнинг актив иштирокисиз коммунизм қуриб бўлмайди. КПСС XXVII съезди «биз халқ оммасининг ижодиётига тўла эркинлик беришимиз керак» (ТАТ, 35-том, 27-бет) деган ленинча васиятга амал қилиб, социалистик демократияни, унинг барча жиҳатлари ва кўринишларини янада ривожлантирмасдан туриб жамият ривожини жадаллаштиришни тасаввур қилиб бўлмайди ва бунинг иложи йўқ, деб таъкидлади. Партия бутун жамият ҳаётини демократиялаштиришни қайта қуриш тақдирини белгилайдиган жамиятни ривожлантиришнинг иккита асосий проблемасидан бири деб билади. Социалистик демократияни чуқурлаштириш масалаларининг КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленумида ҳар томонлама муҳокама қилинганлиги, бу масаланинг яқинда бўладиган Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси кун тартибига киритилганлиги партиянинг ҳозирги босқичда социалистик демократияни авж олдиришга қанчалик катта аҳамият бераётганлигидан далолатдир. Пленум социалистик демократизмни ҳар томонлама авж олдириш, халқ-

Бу КПСС МК февраль (1988 йил) Пленумида янги куч билан янгради, унда шундай деб қайд қилинди: «Биз экономикамиз, маданиятимиз, социал ва маънавий турмушимизни ривожлантириш йўлларини белгилашга қайси позициялардан туриб ёндашмайлик, инсоннинг ўзи, унинг сиёсий қиёфаси ва ақл-заковати, унинг маҳорати, унинг ватанпарварлиги ва интернационализми, унинг ижод қилиш қобилияти, унинг гражданлик позицияси ва активлиги ҳамиша ҳал қилувчи омил бўлади». Жадаллаштириш, қайта қуриш стратегиясини амалга ошириш учун курашда меҳнаткашларнинг жипслиги ҳозирги кун учун ҳаётий зарурат бўлиб қолди.

Кўлами ва мазмунига кўра революцион характерга эга бўлган қайта қуриш жараёни асосий социалистик принципларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, бу принципларга зид бўлган ҳамма нарсани бартараф этишга, социализмнинг ғоят катта потенциалидан самарали фойдаланиш, янги, янада катта кўламдаги сиёсий ва социал вазифаларни ҳал этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

Партия ва Совет давлатининг асосий эътиборни ишлаб чиқаришни ва қайта қуришни бошқаришнинг иқтисодий методларига қаратиши муносабати билан нэп давридаги ленинча қоидалар айниқса актуал бўлиб қолди.

«Биз қайта қуришни янада олға сурар эканмиз, — деб ёзади М. С. Горбачев «Қайта қуриш ва янгича фикрлаш...» китобида, — Ленин асарларига, айниқса унинг сўнгги асарларига доимо мурожаат қилиб келдик ва мурожаат қилаверамиз» (48-бет). Бу бутунлай қонуний ҳолдир, чунки Совет ҳокимиятининг ўша даврдаги тадбирлари билан бугунги тадбирлари ўртасида тўғридан-тўғри давомийлик мавжуд: моддий, иқтисодий манфаатларни активлаштиришда ва улардан максимал фойдаланишда кўринади. Лекин бунда қуйидагича жиддий тафовут бор: агар нэп йилларида хусусий товар эгаси билан товар ишлаб чиқарувчининг манфаатдорлигини ошириш билан улар активлаштирилган бўлса, ҳозирги қайта қуриш, социал-иқтисодий жадаллаштириш шароитида қайта қуриш тақдирини белгилайдиган, жамиятни ривожлантиришнинг иккита энг асосий проблемасидан бирини ташкил этадиган туб иқтисодий ислоҳот негизида тўла хўжалик ҳисобини, ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни жорий этиш йўли билан меҳнат коллективлари, уларнинг ҳар бир аъзосининг манфаатдорлигини ошириш орқали улар фаолияти активлаштирилмоқда. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун иқтисодий ислоҳот негизини ташкил этадики, ишлаб чиқариш демократияси ана шу негизга асосланади.

Партия Лениннинг меҳнат унумдорлигини ошириш янги ижтимоий тузумнинг енгиб чиқиши учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарсадир, деган кўрсатмасини (ТАТ, 39-том, 24-бетга қаралсин) изчиллик билан ҳаётга татбиқ этмоқда. В. И. Ленин бу масалага қанчалик принципиал аҳамият берган бўлса, КПСС ҳам ўзининг XXVII съездида худди шундай аҳамият берган ҳолда мамлакатнинг меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан жаҳондаги энг юқори даражага чиқишини таъминлаш вазифасини илгари сурди. Шуни қайд қилиш кераки, бу вазифани ҳал этиш йўлида ҳозирдаёқ дастлабки ижобий натижаларга эришилди. Кейинги уч йил мобайнида меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари саноатда ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик кўрсаткичларидан 1,3 баравар, қурилишда 1,6, қишлоқ хўжалигида 2,8, темир йўл транспортида 3,6 баравар ошди. 1981—1984 йилларда миллий даромадни ўстиришнинг 86 проценти, 1985—1986 йилларда 95 проценти ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан таъминланган бўлса, 1987 йилда унинг 100 проценти таъминланди.

Қайта қуриш ритми конкрет ишларда ва ютуқларда тобора кўпроқ сезилмоқда. Қайта қуриш коллективлар ҳаётига қатъий кириб бормоқда, тўсқинлик қилиш механизмини ва эскирган андозаларни бузмоқда, социализм учун ишлаяпти. Экономика соҳасида ўсишнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик омиллари — фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, интенсивлаштириш, ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш, инвестиция жараёнини қайта қуриш, маҳсулот сифатини ошириш ва ресурсларни тежаш каби омиллар кўпроқ ишга солинмоқда.

Партия авж олаётган қайта қуриш, жадаллаштириш шароитида В. И. Лениннинг социализмда ижтимоий ишлаб чиқариш «жамиятнинг барча аъзоларининг **тўла** фаровонлиги ва **ҳар томонлама** эркин ривожланишини таъмин этиш учун» (ТАТ, 6-том, 267-бет) ривожланади, деган кўрсатмаларига оғишмай амал

қилмоқда. «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун» деган ўзгармас программавий талаб экономикага партиявий, сиёсий ёндашув учун бошланғич пункт бўлиб хизмат қилиб келди ва хизмат қилмоқда. КПСС социал соҳадаги ишлар аҳволини тубдан яхшилашни қайта қуришнинг, жадаллаштиришнинг таркибий қисмларидан бири деб билади. Партия ҳужжатларида таъкидланадики, жадаллаштириш йўли актив социал сиёсат юргизишни, социал адолат принципини изчил қарор топтиришни, социал соҳани ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият беришни назарда тутади. «Қайта қуриш, — деб қайд қилинди КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида, — социал соҳани устун даражада ривожлантириш, Совет кишиларининг яхши меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларига... бўлган талаб-эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондириш демакдир». Бунда партия социал сиёсатни социал-иқтисодий ривожланишнинг, омманинг меҳнатдаги ва ижтимоий-сиёсий активлигини ўстиришнинг, янги инсонни шакллантириш, социалистик турмуш тарзини қарор топтиришнинг қудратли воситаси, жамият сиёсий барқарорлигининг муҳим омили деб билади. Кучли, бир бутун социал сиёсат тўғрисидаги ғоя партиянинг марксизм-ленинизм таълимотига қўшган йирик ижодий ҳиссасидир.

КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми, партия XXVII съезди, КПСС МКнинг шундан кейинги Пленумларининг қарорлари асосида партия раҳбарлигида планлаштириш ва бошқарув органлари, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг социал соҳа талаб-эҳтиёжларига томон изчил бурилиши, кадрлар тафаккури ва психологиясини тубдан қайта қуриш, улар бутун ишининг тобора кўпроқ социал йўналишга эга бўлиши, меҳнат коллективлари, ижтимоий ташкилотлар, барча меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигининг резервлари ва имкониятларидан социал проблемаларни ҳал этишда максимал фойдаланилмоқда.

КПСС МК апрель (1985 йил) Пленумидан буён ўтган давр мобайнида мамлакат халқ хўжалигининг социал йўналишини кучайтириш учун анча иш қилинди. 1987 йилнинг ўзидаёқ социал соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ажратилган капитал маблағларнинг ўсиш суръатлари 1985—1987 йилларда умуман халқ хўжалигига ажратилган капитал маблағларнинг ўсиш суръатларига нисбатан 3 баравар кўп бўлди. Натижада ўртача бир йилда тураржойларни фойдаланишга топшириш 9 процент, мактабларни —28, мактабгача тарбия муассасаларини —10, касалхоналарни —9, поликлиникаларни —24, клубларни фойдаланишга топшириш 46 процент кўпайди. 1985—1987 йилларда 32 миллион киши уй-жой шароитларини яхшилади.

Инсон омилини активлаштириш вазифаси жуда ўткир қилиб қўйилган қайта қуриш жараёнида партия социалистик тузумнинг максимум демократизми тўғрисида Ленин ўртага қўйган масалага қайта-қайта мурожаат қилмоқдаки, шундай тузумдагина меҳнат кишиси ўзини ҳам ўз тақдирининг, ҳам ўз мамлакатининг соҳиби деб ҳис қилади. Моҳиятини меҳнат аҳлининг ҳокимияти ташкил этадиган социалистик демократия — ана шу кишиларнинг кенг сиёсий ва гражданлик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ўзгартишлардан, уларни бажаришда амалий равишда қатнашишдан манфаатдорлик формасидир.

Маълумки, синфларсиз жамиятни яратиш — халқ оммасининг онгли, планли асосда ташкил қилинадиган ижодкорлигининг натижасидир. Ишлаб чиқаришга оид ва давлат ишларини ҳал этишда, жамиятни бошқаришда меҳнаткашларнинг актив иштирокисиз коммунизм қуриб бўлмайди. КПСС XXVII съезди «биз халқ оммасининг ижодиётига тўла эркинлик беришимиз керак» (ТАТ, 35-том, 27-бет) деган ленинча васиятга амал қилиб, социалистик демократияни, унинг барча жиҳатлари ва кўринишларини янада ривожлантирмасдан туриб жамият ривожини жадаллаштиришни тасаввур қилиб бўлмайди ва бунинг иложи йўқ, деб таъкидлади. Партия бутун жамият ҳаётини демократиялаштиришни қайта қуриш тақдирини белгилайдиган жамиятни ривожлантиришнинг иккита асосий проблемасидан бири деб билади. Социалистик демократияни чуқурлаштириш масалаларининг КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида ҳар томонлама муҳокама қилинганлиги, бу масаланинг яқинда бўладиган Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси кун тартибига киритилганлиги партиянинг ҳозирги босқичда социалистик демократияни авж олдиришга қанчалик катта аҳамият бераётганлигидан далолатдир. Пленум социалистик демократизмни ҳар томонлама авж олдириш, халқ-

нинг ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим шарти, деб таъкидлади. Меҳнаткашлар оммасининг жонли ижодиёти, жамият ҳаётининг ҳамма масалаларини ҳал этишда уларнинг реал иштироки фақат шу негиздагина чинакамига авж олиши, инсон омили ўзини бор кучи билан кўрсатиши мумкин.

Социалистик демократия кўплаб тараққиёт йўналишларига, амалга ошириш механизмларига эга, синфлар, меҳнаткашларнинг социал группалари, миллатлар ва элатлар манфаатларининг нафақат умумийлигини, шу билан бирга ўзига хослигини ҳам тўла-тўкис акс эттиради. Бу миллатлар ва элатлар СССР халқларининг тенглиги, қардошларча ҳамкорлиги ва дўстлигини барча чоралар билан мустаҳкамлаш шароитида биргаликдаги меҳнат ва турмуш жараёнида кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг бундан кейин ҳам гуллаб-яшнаши учун изчиллик билан ва оғишмай йўл очиб боришмоқда. Партия совет демократиясини кенгайтириш ва чуқурлаштириш жараёнини ваколат муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш, давлат аппарати ишида демократик асосларни кучайтириш ва бевосита демократияни ривожлантириш йўли билан амалга оширмоқда, бевосита демократияни ривожлантириш асосан гражданларнинг сиёсий, иқтисодий ва социал ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтиришда, бундай ҳуқуқларни таъминловчи гарантияларни кучайтиришда ўз аксини топади. Демократия билан интизомнинг, мустақиллик билан масъулиятнинг, совет кишиларининг ҳуқуқлари билан вазифаларининг узвий бирлиги социалистик демократиянинг асосий, белгиловчи жиҳатидир. Зотан партия ҳужжатларида ҳаддан ошиш, масъулиятсизлик, тартибсизлик социалистик демократияга мутлақо зиддир, деб таъкидланади.

Партиянинг халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланган кўпроқ демократия бўлсин, кўпроқ социализм бўлсин деган чақириғи совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида изчиллик билан амалга оширилмоқда. «Қайта қуришнинг моҳияти айнан шундан иборатки, — деб ёзади М. С. Горбачев «Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун» китобида, — **у социализм билан демократияни бирлаштиради,** социалистик қурилиш ленинча концепциясини назарий ва амалий жиҳатдан тўла-тўкис тиклайди. Унинг теранлигининг, унинг ҳақиқатан ҳам революцион руҳининг ва ҳамма соҳаларни қамраб олишининг сабаби ҳам ана шундадир» (36-бет).

Партия совет кишиларини жамиятимизни янгилашга даъват этиб, ўз ибрати, ўз фаолияти билан ўз-ўзини қандай қайта қуриш мумкинлигини кўрсатди. Партия қайта қуришни ўзидан бошлади, партия ташкилотларини сусткашликка маҳкум этган ҳамма нарсани улоқтириб ташламоқда. У партия турмушининг ленинча нормаларига, раҳбарлик принципларига, коммунистик ахлоқийликка қатъий риоя қилиш, партия ички демократиясини барча чоралар билан авж олдириш партиянинг бошланғич ташкилотлардан то Марказий Комитетгача бўлган ҳамма бўғинларининг фаолиятига сингиб кетишига эришмоқда.

Партия КПССнинг стратегик ишида кўп нарсаларни белгилаб бериши керак бўлган ўзининг XIX конференцияси тараддудини кўрмоқда. КПСС МҚ февраль (1988 йил) Пленумида қайд қилинганидек, унда қайта қуриш шароитидаги уч йиллик ҳаётимиз ва ишимизнинг принципиал якунлари асосли равишда таҳлил этилади, партия ва жамият демократиялаш жараёнини авж олдириб, туб иқтисодий ислоҳотни бошлаб, қандай марраларга чиқиб олганлиги ва чиқаётганлиги белгилаб олинади, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида сиёсий системамизни такомиллаштириш ҳамда сиёсий авангард ҳисобланган партиянинг роли тўғрисида конкрет қарорлар қабул қилинади. Бу билан ленинизм назарияси ва сиёсатининг асосини ташкил этадиган революцион қайта қуришимизга янгидан қудратли туртки берилади.

Тарихнинг бутун жараёни Ленин таълимотининг буюк ҳақиқат эканлигини асосли равишда тасдиқлаб турибди. Бу таълимот биз учун социал-иқтисодий жадаллаштириш, қайта қуриш негизида социализмни такомиллаштиришнинг, совет жамиятининг коммунизм сари олға боришининг йўллари ва воситаларини белгилашда ҳаракат қўлланмаси, илҳом манбаи, ишончли компас бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

МУЗАФФАР ПРОЛЕТАРИАТНИНГ БУНЁДКОРЛИК ВАЗИФАЛАРИ

В. И. Лениннинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарининг 70 йиллигига

Л. ГЕНТШКЕ,
тарих фанлари доктори

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ социалистик йўлдан ривожланишини белгилаб берган Улуғ Октябрь ғалабаси уни бошқариш вазифасини биринчи ўринга чиқарди. «Биз, большевиклар партияси, Россияни *ишонтирдик*, — деб ёзди В. И. Ленин 1918 йил баҳорида. — Биз Россияни камбағаллар учун бойлардан, меҳнаткашлар учун эксплуататорлардан *урушиб олдик*. Энди Россияни *идора қилмоғимиз* керак» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 195-бет).

Вазифанинг бундай қўйилиши синфий курашнинг янги формасига ўтилганлигини, капиталга қарата «қизил гвардиячиларча» ҳужумдан буржуазия мавжуд бўла олмайдиган ва қайтадан пайдо бўла олмайдиган шарт-шароитни яратишга ўтишни билдирган эди. Сўз социалистик экономиканинг асосларини бунёд этиш хусусида борарди, чунки «ўн ва ўн миллионлаб кишилар турмушининг энг чуқур иқтисодий асосларини янгича қуриш» (ў ш а ж о й д а, 195-бет) тўғрисидаги масала ҳал қилинмоқда эди.

В. И. Ленин социализм қуришнинг йўллари ва методлари ҳақидаги марксча назарияни ривожлантира ва Октябрдан кейинги дастлабки ойлар тажрибасини умумлаштира бориб, 1918 йил апрелида «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» устидаги ишни тугатди. Лениннинг ушбу асари партиянинг эътиборини бевосита буржуазияни экспроприация қилишдан социалистик экономикани бунёд этишга қаратишда асосий ролни ўйнади. Ана шу проблема 1918 йил шароитида ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан энг муҳим ва мураккаб проблема эди.

Партия биринчи жаҳон уруши ва гражданлар урушининг жуда катта вайронгарчиликлари, капиталистлар саботажи, майда буржуа стихиясининг қутуриши, империалистик давлатларнинг ёш Советлар республикасига доимий ҳужум қилиш хавфи туғдирган қийинчиликларга дуч келди. Партиянинг ўзида ҳам мамлакатни бошқаришга доир вазифаларни ҳал қилиш методлари хусусида ягона қараш йўқ эди. «Сўл коммунистлар» социализм қурилишида «штурм қилиш» методи сақланиб қолинишини қатъият билан талаб қилдилар. В. И. Ленин революцион ҳаракатдаги «сўллик» тактикасини, «реформистик ҳаракатга ўта олмасликни» рад этиб, уни «энг катта хавф» (44-том, 255-бет) деб атади. «Биз бостириш методи билан енгган эдик, — деб ёзди у, — идора қилиш методлари билан ҳам енга оламиз. Душманга қарши кураш методларини шароитнинг ўзгаришига қараб ўзгартира билиш керак» (36-том, 201-бет).

Партия ташкилотларининг иқтисодий соҳадаги фаолияти йўналишини ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асослаш жуда муҳим вазифа эди. В. И. Ленин ушбу вазифани ҳал эта бориб, социалистик экономикани қуришга доир мукаммал планни ишлаб чиқдики, умумхалқ ҳисобга олиши ва контрол қилиши, меҳнат унумдорлигини ошириш, мусобақани ташкил этиш, кооперация унинг асосий бўғинлари эди. Владимир Ильич Октябрдан аввалоқ «коммунистик жамиятнинг *биринчи фазасини* тўғри ташкил қилиш учун... асосий нарса — ҳисобга олиш ва контрол қилишдир» (33-том, 117-бет) деб таъкидлаган эди. Лекин бунинг учун, деб кўрсатган эди у, ҳисобга олиш ва контрол қилиш аппаратини монополистлар қўлидан тортиб олиш, уни қуролли халқ қўлига олиб бериш керак. В. И. Ленин Октябрь революциясининг ғалабасидан сўнг РКП(б) VII съездида қилган докладидаёқ, кейинроқ эса «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарида ҳисобга

олиш ва контрол қилишни иқтисодий қурилишдаги программавий талаб сифатида қараб чиқади.

Корхоналарни экспроприация қилишдан (бу асосан «капиталга қизил гвардиячиларча ҳужум» давомида ҳал қилинган эди) ишлаб чиқаришни эгаллашга, ёки В. И. Ленин ёзганидек, ҳақиқатан умумлаштиришга ўтиш маҳсулотни тўғри ҳисобга олиш ва тақсимлаш маҳоратисиз мумкин эмас, буни «сўл коммунистлар» тушунмаган эдилар. Улар жиддий иқтисодий қурилиш ҳақида ғамхўрлик қилиш ўрнига, буржуазияни қатъиян бир ёқли қилиш ҳақидаги шиорга ўжарлик билан ёпишиб олишни давом эттирдилар. «Майда буржуа революционерига шу нарса хоски, — деб таъкидлади В. И. Ленин, — у янчиб ташлаш, синдириб ташлаш ва шу қабиларнинг социализм учун кифоя қилмаслигини сезмайди, — йирик мулкдорга қарши кутурган майда мулкдор учун эса бу нарса кифоя қилади, — лекин пролетар революционери ҳеч бир замон бундай хато қилмайди» (36-том, 332—333-бетлар). «Сўл коммунистлар» хатоларининг негизи улар мамлакат экономикасида етакчи мавқени эгаллаган майда товар ишлаб чиқаришига лозимича баҳо бермаганлигида эди.

Улардан фарқ қилиб ленинчи большевиклар ҳар қандай ҳисобга олиш ва контрол қилишга қаттиқ қаршилик кўрсатувчи майда буржуа стихиясини пролетар ҳокимияти учун энг даҳшатли хавф деб билган эдилар. «Ё биз бу майда буржуани *ўз* контролимизга ва ҳисоб-китобимизга бўйсундирамиз, — деб ёзди В. И. Ленин, — ёки... бу майда буржуа ҳам бизнинг ишчилар ҳокимиятимизни муқаррар суратда ва албатта ағдариб ташлайди» (ў ш а ж о й д а, 336-бет).

Буржуазиянинг, айниқса майда буржуазиянинг барча кўникма, одат, анъаналари давлат контролига қарши, «муқаддас» хусусий мулк дахлсизлигига қаратилган. В. И. Ленин майда мулкдор психологиясини характерларкан, у (мулкдор) йирик буржуазияни хонавайрон қилиш, бир ёқли этиш мақсадида пролетариатни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини, лекин бунда умумдавлат манфаатларини менсимасдан ўзи учун кўпроқ юлиб қолишга интилишини кўрсатган эди. Ана шу майда буржуа стихиясини жиловлаш, уни пролетар ҳисоби ва контролига бўйсундириш керак эди.

В. И. Лениннинг партия стратегияси ва тактикасини ўзгартириш учун 1918 йил баҳорида олиб борган кураши мураккаб иқтисодий проблемаларни ҳал қилишга диалектик ёндашишнинг, янгича тафаккур намоён бўлишининг намунаси бўлди. Ҳозирги шарт-шароитда ҳам КПСС иқтисодий ривожланиш проблемаларига ана шундай ёндашяпти. Партия Лениндан ибрат олиб, совет жамияти ҳаётининг ҳамма томонларини, — ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан, — қайта қуриш, янгилаш йўлини дадиллик билан бошлаб берди. КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми ва партия XXVII съезди белгилаб берган партиянинг социал-иқтисодий жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўли ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиёти асосида ҳар томонлама интенсивлашни, экономикани, бошқариш формаларини қайта қуришни, актив социал сиёсат юритишни, ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштиришни, сусткашлик, турғунлик ва эскиликка ёпишиб олишни қатъиян енгиб ўтишни кўзда тутади.

* * *

Умуммиллий миқёсда меҳнат унумдорлигининг оширилиши социализм қуриш ленинча планининг ҳал қилувчи бўғинларидан бири бўлди. Пролетариат ҳокимиятни ўз қўлига олиб, экспроприаторларни экспроприация қилиш ва уларнинг қаршилигини бостириш вазифаларини асосан бажариб бўлгач, деб ёзди В. И. Ленин, «капитализмга қараганда юқорироқ ижтимоий уклад вужудга келтириш, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда шу муносабат билан (ва шунинг учун) меҳнатни ташкил этишни кўтаришдан иборат асосий вазифа... биринчи ўринга чиқади» (36-том, 212-бет).

Капитализмга қараганда юқорироқ меҳнат унумдорлигини яратиш учун, деб кўрсатди Владимир Ильич, узоқ давр ва саботли ташкилотчилик иши талаб қилинади. Ана шу ҳаётий муҳим вазифани ҳал этиш йирик саноатнинг моддий заминини мустаҳкамлаш, халқ оммасининг билими ва маданиятини ошириш, меҳнаткашлар ўртасида интизом кучайиши, иш малакаси ортиши, меҳнат интенсив бўлиб

бориши, унинг яхши ташкил қилиниши билан боғланган эди (ў ш а ж о й д а, 212—213-бетларга қаралсин). В. И. Ленин социализмнинг моддий негизини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш эҳтимолини қараб чиқаркан, энг янги техника усулларини қўлланиб, кўмир, нефть, руда, ўрмон бойлиги, химия хом ашёси ва ҳоказоларнинг жуда катта табиий запасларини ишга солиш ишлаб чиқарувчи кучларнинг мисли кўрилмаган даражада тараққий қилиши учун асос бўлади, деб таъкидлади.

Вақт Владимир Ильичнинг қанчалик ҳақлиги ва узоқни кўра олишини кўрсатди. Фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда меҳнатда юқори унумдорлик учун курашиш мамлакат экономикаси тараққий этишининг ҳал қилувчи омили бўлиб қолди. Саноатнинг энг янги ускуналар билан жиҳозланиши, ишчилар синфи маданий даражасининг ўсиши ва онгли меҳнат интизомининг мустаҳкамланиши туфайли дастлабки беш йилликлар мобайнида жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. Меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳисобига саноат маҳсулоти ўсиши биринчи беш йилликда 5,1, иккинчи беш йилликда 79 процентни ташкил этди.

70-йилларда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари пасайиши натижасида тўққизинчи ва ўнинчи беш йиллик топшириқлари бажарилмай қолди. КПСС XXVII съезди аср охиригача меҳнат унумдорлигини 2,3—2,5 баравар юксалтиришни белгилади. Ушбу йўналишда партия қўллаётган чоралар ўн иккинчи беш йилликда миллий даромаднинг қарийб барча ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиш ишончини туғдиряпти.

В. И. Ленин омма томонидан меҳнат интизоми асослари ишлаб чиқилиши зарурлигига алоҳида аҳамият берган эди. «...Онгли пролетар интизоми... ғалаба қозонмай туриб, — деб ёзди у, — социализм муваффақият қозона олмайди» (ў ш а ж о й д а, 214-бет). В. И. Ленин онгли меҳнат интизомини оширишни меҳнатни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш (масалан, унга ишбай ҳақ тўлашни жорий қилиш орқали), ишнинг прогрессив формаларини қўллаш билан боғлаган эди.

Догматик тасаввурлар юкидан халос бўла олмаган «сўл коммунистлар» ушбу қоидаларга қарши чиқдилар. Улар меҳнат интизоми талабини орқага қайтиш деб эълон қилдилар, меҳнатга ишбай ҳақ тўлашни уни социалистик ташкил этишга номувофиқ деб ҳисобладилар. В. И. Ленин улар позициясининг хато эканлигини танқид қилиб, «баъзи одамлар, меҳнат интизоми ўрнатиш орқага қараб босилган қадам бўлар эди, дейишгача бориб етгандан кейин дод деса ҳам бўлади,.. бунда мисли кўрилмаган реакцион, революцияга таҳдид қиладиган нарса бор... деяр эдим» деб кўрсатган эди (ў ш а ж о й д а, 293-бет).

В. И. Ленин томонидан илгари сурилган меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, уни моддий рағбатлантириш, уни ташкил этишнинг прогрессив, илмий асосланган системаларини жорий қилиш вазифалари ҳозирги шароитда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. КПСС XXVII съезди барча партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларидан «куч-ҳаракатларни уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга жамлаш.., иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига, унинг сифат кўрсаткичларига янада қатъийроқ боғланишини жорий этиш, текисчиликка қатъийлик билан барҳам бериш»ни талаб қилди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги Қонун меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришни янгича ташкил этиш учун имконият яратади, тариф ставкалари ва окладларни ошириш, виждонан ва сифатли бажарилган ишни рағбатлантириш ҳуқуқини беради. Ҳар бир ходимнинг иш ҳақи унинг ҳақиқий меҳнат ҳиссасига ва ана шу меҳнатнинг пировард натижаларига мувофиқ бўлиши керак. Иш ҳақи адолатли бўлишининг мезони, деб кўрсатди партиямиз МК Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумида, «фақат битта — у ишлаб топилган ёки ишлаб топилмаганлигидир». Бундай ёндашиш қайта қуриш шароитида социализмнинг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципини тўлиқроқ амалга ошириш имконини беради.

* * *

Социалистик мусобақани ташкил этиш социалистик қурилиш ленинча планида муҳим бўғин ҳисобланади. Ушбу масалани В. И. Ленин илк бор 1918 йил январида «Мусобақани қандай ташкил қилиш керак?» деган мақоласида қўйган

эди, сўнгра уни «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарида ривожлантирди. Владимир Ильич буржуа идеологларининг социалистлар гўё мусобақа аҳамиятини рад қиладилар, деган ёлғон даъвосини қатъиян рад этган эди. Аксинча, «социализмгина синфларни ва бинобарин, оммани қул қилишни йўқ қилиб, чинакам оммавий микёсда мусобақа учун биринчи марта йўл очмоқда» (ў ш а ж о й д а, 215-бет), капитализм минг-минглаб хароб қилган талантлар юзага чиқиши учун ёрдам бермоқда.

В. И. Ленин ошкораликни, натижалар қиёсланишини, илғор тажрибани ёйишни мусобақани муваффақиятли ташкил этиш шартлари сифатида олға сурди, чунки «кўпчиликнинг намуна бўладиган ишлардан ибрат олишига биринчи марта катта имкон туғилди» (ў ш а ж о й д а, 217-бет). Мусобақани авж олдириш хусусидаги Ленин даъватини ишчилар синфи ва унинг революцион авангарди социализм қурилиши жараёнида ва совет давлатининг кейинги босқичларида кенг қўллаб-қувватлади ҳамда амалга оширди.

Лекин 70—80-йилларда социалистик мусобақа ўзининг потенциал имкониятларини бой бера бошлади. М. С. Горбачев стахановчилик ҳаракатининг ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари олдида 1985 йил 20 сентябрда сўзга чиқиб, мусобақани ташкил этишдаги расмиятчилик, унинг хиллари ва ташаббуслари беқиёс кенгайиб кетганлигини ҳамда меҳнат беллашуви ғоясининг ўзини бузиб юборилганликдан далолат берувчи шу каби кўринишларни таъкидлаб ўтди. Унинг сифат томонларини ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни интенсивлашга қаратишга эътибор йўқолганлигини ана шу йиллардаги энг жиддий камчилик эди дейиш мумкин.

Партия мусобақага ленинча руҳни қайтаришга, унинг социалистик мазмунида ҳалокатли акс этувчи бюрократизм, хўжакўрсинчилик ва ортиқча тадбирбозликка барҳам беришга интилмоқда. «...Ҳозир бизга мусобақа аввало ишчиларнинг ижодкорлилиги, ташаббускорлигини ҳамда ақл-заковат, талантнинг, ташкилий ишлар санъатининг мусобақалашишини авж олдириш, илғор тажрибани ўзлаштириш учун зарур, — деди М. С. Горбачев СССР касаба союзлари XVIII съездида сўзлаган нутқида. — ...Мусобақани ерга, цехларга, бригадаларга қайтариш, уни реал, энг муҳим вазифаларни ҳал этишга бўйсундириш, энг яхши тажрибани ўзлаштиришдан, ўз ишини такомиллаштиришдан ва ўзларини камол топтиришдан манфаатдор бўлган меҳнаткашларнинг ишига айлантириш керак».

Саноатнинг янги шароитда ишлашга ўтиши социалистик мусобақага қўшимча куч бахш этди. Тўла хўжалик ҳисобини жорий этиш учун курашиш, ресурсларни тежаш, экономикани ривожлантиришда устун йўналишларга эътиборни қаратиш, жаҳон стандартларига мувофиқ келувчи юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш унинг энг муҳим йўналишлари бўлиб қолди.

* * *

В. И. Ленин социалистик экономикани бунёд этиш программасини белгилар экан, «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари»да социализм қурилиши шароитида партиянинг раҳбарлик роли ошиб боришига жиддий эътибор беради.

Маълумки, Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг большевиклар партияси идора қилувчи партияга айланди, унинг фаолият доираси беқиёс кенгайиб кетди. В. И. Ленин 1917 йил ноябри бошларидаёқ, «бир жинсли социалистик ҳукумат» тузиш ғоясини ёқлаб чиққан Каменев, Зиновьев, Ногин ва бошқалардан иборат группанинг ҳаракатларига баҳо берган пайтда РКП(б)нинг мамлакат тақдири учун масъулиятли эканини алоҳида куч билан таъкидлаган эди. Бу ҳаракатлар аслида большевикларга «ҳокимиятни олишдан бош тортишни» тиқиштиришга уриниш бўлиб, уни В. И. Ленин «пролетариат ишига хиёнат» деб атаган эди (35-том, 51-бет).

В. И. Ленин революция ғалабасидан сўнг партия ўйнайдиган роль ҳақидаги қоидани ривожлантира бориб, РКП(б)нинг шошилинч XII съездида партия программасини кўриб чиқиш ҳақида қилган докладида унинг янги бунёдкорлик вазифаларини таъкидлади. Владимир Ильич «социализмни халқнинг озчилиги — партия жорий қила олмаслиги»дан, уни ўн миллионлаб кишилар бунёд этишидан келиб чиқиб, партиянинг хизмати «оммага бу ишга дарҳол ўзи киришмоғи учун ёрдам бериш»дан (36-том, 60-бет), уни ишлаб чиқариш ва давлатни бошқаришга

ўргатишдан иборат деб билган эди. Жаҳон тарихида биринчи марта сўз «шундай бошқариш тўғрисида бораётирки, бу бошқаришда сиёсат эмас, балки экономика биринчи даражали аҳамият касб қилмоқда... Капиталистик жамиятдан социалистик жамиятга ўтишнинг туб моҳияти сингари, Совет ҳокимиятининг ҳам туб асослари, туб моҳияти шундан иборатки, бунда сиёсий вазифалар иқтисодий вазифаларга нисбатан бўйсунувчи ўринда туради... Эндиликда давлатни бошқариш вазифаси аввало... иқтисодий қайта ташкил қилиш вазифасидан иборат бўлиб қолмоқда» (ў ш а ж о й д а, 149-бет).

Ўтиш даврида айни экономика масалалари белгиловчи аҳамият касб этгани учун В. И. Ленин «бошқариш» деганда партия ва Совет давлатининг нафақат сиёсий, балки асосан иқтисодий фаолиятини кўзда тутган эди. Бу эса раҳбарларнинг вазифалари ўзгаришини тақозо этар эди. Агар ҳокимият учун кураш ва эксплуататорлар қаршилигини бостириш шароитида агитаторлар раҳбарлик ишини бошқарган бўлса, иқтисодий вазифаларни бажаришга ўтиш пайтида етакчи ролни ташкилотчилар эгаллади. «...Эксплуатация қилинувчиларнинг озодлик йўлидаги ҳаракатларини онгли равишда ифода қилувчи коммунист (большевик)-лар партиясининг вазифаси, — деб таъкидлади В. И. Ленин, — бу ўзгаришни англаб олиш, унинг зарурлигини тушуниш, ниҳоятда ҳориган, тинкаси қуриб, нажот йўлини қидираётган оммага раҳбарлик қилиш, уни тўғри йўлга... солишдир» (ў ш а ж о й д а, 228-бет). Шундай қилиб, илмий назария билан қуролланган партия жамиятнинг иқтисодий ҳаётини социалистик асосларда йўлга солишда кўп миллионли оммага бошчи бўлиб қолди.

Партиянинг меҳнаткашлар революцион ўзгартирувчилик фаолияти раҳбари сифатидаги роли совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларини қайта қуриш муносабати билан ҳозирги шароитда янада ошиб бормоқда. КПСС XXVII съезди партия фаолиятининг бош соҳаси экономика эди, шундай бўлиб қолаверади, деб таъкидлади. Партия ташкилотлари олдига, ҳар бир коммунист олдига янгича ишлашни ўрганиш, қолоқлик, эскиликка ёпишиб олишга барҳам бериш, юзага келган вазиятга мардона баҳо бериш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама ривожлантириш, дабдабабозликка, топширилган ишга нисбатан масъулият сезмасликка қарши курашиш вазифалари қўйилди. КПСС МК июнь (1987 йил) ва февраль (1988 йил) Пленумларида қайта қуришнинг барча йўналишларида партия таъсирини янада кучайтириш, иқтисодий бошқаришнинг туб ислоҳотини ўтказиш жараёнида сиёсий ва умумдавлат ёндашувини таъминлашга партия ташкилотларининг эътиборини ошириш зарурлиги ҳақида гапирилди.

* * *

В. И. Ленин «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари»да пролетар давлатининг роли ва аҳамиятини партия ҳақидаги масала билан чамбарчас алоқада қараб чиқади. Унинг икки вазифасини — мажбур этиш ва бунёд этиш вазифаларини кўрсатиб, В. И. Ленин социалистик жамият қуришга йўналтирилган бунёд этиш вазифаси асосий ва узоқ муддатли вазифа эканлигини таъкидлади. В. И. Ленин пролетар давлати ҳақидаги марксча таълимотни Октябрь революцияси Маркс ва Энгельснинг ўтиш даврида пролетариат диктатураси давлати зарурлиги ҳақидаги қарашлари тўғри эканлигини амалда тасдиқлаганлиги; бу давлатнинг буржуа давлатидан тубдан фарқ қилиши; пролетар давлатининг ўзгартирувчилик роли; ишчилар синфининг камбоқ деҳқонларга раҳбарлик қилиши хусусидаги ва бошқа янги хулоса ва қоидалар билан бойитди.

Совет давлати ҳақидаги ленинча таълимотда пролетар демократияси ҳақидаги масала муҳим ўрин тутади. Пролетар давлатчилигининг сиёсий формаси бўлмиш Советлар энг кенг демократизмни таъминлайди. В. И. Ленин томонидан «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари»да Совет ҳокимиятининг меҳнаткашлар оммаси билан чамбарчас алоқаси ҳақидаги, совет демократиясининг моҳияти ва унинг социалистик характери, социализмни муваффақиятли қуришда Совет ҳокимиятининг роли ва унинг зарурлиги ҳақидаги ва бошқа масалалар ишлаб чиқилган.

Владимир Ильич Советларнинг моҳиятини очиб бераркан, улар демократиянинг энг юқори формаси эканлигини, қолаверса, «демократизмнинг *социалистик* формасининг бошланиши эканлигини» (ў ш а ж о й д а, 225-бет) белгилайди деб

кўрсатди. Сўнгги форма, В. И. Ленин фикрича, биринчидан, эксплуататорларни Советлар ишида иштирок этишдан четлатишдан; иккинчидан, Советларга сайловда бюрократик расмиятчиликларни тугатиш ва сайланган кишиларни чакириб олишда тўлиқ эркинлик беришдан; учинчидан, меҳнаткашлар авангарди — йирик саноат пролетариатига эксплуатация қилинган кенг оммага раҳбарлик қилишга ва уларни давлатни бошқариш ишига ўргатишга имкон берувчи оммавий ташкилотни яратишдан иборат. Шундай қилиб, Советлар пайдо бўлиш давридан бошлаб ҳар қандай энг «демократик» буржуа давлатига қараганда демократизмнинг янада юқори тури бўлди; улар демократияни буржуача бузиб кўрсатишдан амалда воз кечдилар.

Шу муносабат билан В. И. Ленин томонидан давлат фаолиятида демократик централизм принципининг қарор топиши ҳамда унинг бюрократик централизм ва анархизмдан фарқ қилиши ҳақидаги масала ишлаб чиқилганлиги жуда муҳим воқеа бўлди. Владимир Ильич бюрократизм ва шаблонлаштиришни халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари фаолиятининг мутлақ уйғунлиги ва бирлигини таъминлашга даъват этилган демократик централизм билан қориштириб юборишни қатъиян рад этди. «...Чин демократик маънода тушунилган централизм, — деб ёзди у, — ёлғиз маҳаллий хусусиятларнигина эмас, балки жойларда бошланган починни, жойларда кўрсатилган ташаббусни ҳам тўла-тўкис ва ҳеч монеликсиз ривожлантириш борасида тарих биринчи марта яратиб берган имкониятни, умумий мақсадга олиб борадиган йўллар, усуллар ва воситаларнинг ҳар хил бўлишини назарда тутади» (ў ш а ж о й д а, 172-бет). В. И. Ленин совет ташкилотини бюрократларча бузишларга қарши қатъий курашишга ва Советларнинг меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлашга чақирди. Советлар томонидан қаттиққўл ҳокимиятнинг амалга оширилиши қуйидан контрол қилишнинг хилма-хил форма ва усуллари билан узвий бирлашиши керак. Владимир Ильич буни «Совет ҳокимиятини бузишга заррача имкон қолдирмаслигимиз учун, ифлос бюрократизмни таг-томири билан ҳормай-толмай, такрор ва такрор юлиб ташлаб турмоғимиз учун» (ў ш а ж о й д а, 234-бет) восита деб билган эди.

Лениннинг совет демократиясини ривожлантириш, демократик централизмнинг асосий принципини тўғри тушуниш ҳақидаги ғоялари ғоят катта аҳамиятга эга. Ушбу ғоялар ҳозирги кунда, қайта қуриш шароитида янгича янгради. КПСС XXVII съезди социалистик демократия ҳақидаги ленинча таълимотни ривожлантириб, партиянинг социал-иқтисодий жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлини муваффақиятли амалга ошириш уни ҳар томонлама авж олдирмасдан туриб мумкин эмаслигини таъкидлади. Съезд халқ оммасини давлат, хўжалик, жамоат ишларини бошқаришга ғоят кенг миқёсда жалб қилишни; Советлар, хўжалик органлари ишини такомиллаштиришни, улардаги маҳкамачилик ва маҳаллийчилик, бюрократизм, кишиларга сийқаси чиққан-менсимай муносабатда бўлиш ҳолларига барҳам беришни; мамлакат ҳаётига доир йирик масалаларнинг умумхалқ муҳокамаси ва овозга қўйилиши практикасини ривожлантиришни; ошкораликни, инсон ҳуқуқларини кенгайтиришни ва ҳоказоларни талаб қилди.

КПСС МК июнь (1987 йил) ва февраль (1988 йил) Пленумлари социалистик демократиянинг қайта қуришдаги ҳал қилувчи шарт эканлиги ҳақидаги таълимотга янги куч бахш этди. Ўтказилаётган бошқариш туб ислоҳотининг маъноси ва йўналиши «Социализм кўпроқ бўлсин, демократия кўпроқ бўлсин» деган таърифда аниқ қилиб белгиланган.

* * *

Революциянинг улуғ доҳийси партияни социалистик экономикани бунёд этиш вазифаларини ҳал этишга дадиллик билан йўллаган 1918 йил апрель кунларидан бизни 70 йил ажратиб турибди. В. И. Ленин томонидан «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари»да қўйилган ва ишлаб чиқилган проблемалар КПССнинг ҳозирги шароитдаги новаторлик фаолиятига бевосита мос тушади. Партиянинг қайта қуришга қаратилган йўлида Ленин ғоялари давомийлиги акс этяпти ва шу билан бирга унинг марксча-ленинча назарияни ижодий ривожлантириш асосида ишлаб чиқилаётган сиёсатининг илмий характердалиги намоён бўлмоқда.

МЕҲНАТНИ ИЛМИЙ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЛЕНИНЧА ҒОЯЛАРИ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

Ш. ЗАЙНИДДИНОВ,
иқтисод фанлари кандидати

ҚАЙТА ҚУРИШ, совет жамиятини революцион янгилаш проблемаларини муваффақиятли ҳал этишда меҳнатни ташкил этишнинг ленинча принциплари ва методларини тадқиқ этишнинг аҳамияти жуда катта.

Октябрдан кейин юзага келган мураккаб иқтисодий ва сиёсий шароитда В. И. Ленин меҳнатни илмий асосда ташкил этишни жорий қилиш масаласини ёш Совет давлатининг асосий амалий вазифаларидан бири сифатида ўртага қўйди. У шундай деб ёзган эди: «Ҳозирги вақтда Совет республикасининг энг асосий, чинакам умумхалқ вазифаси — ишлашни ўрганиб олишдир» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 235-бет). Ишлаб чиқариш муносабатларининг янги типи юзага келадиган ҳамда энг янги фан-техника ютуқларини онгли ходимлар ижодиёти билан бирлаштирувчи меҳнатни янгича ташкил этишни планли тарзда амалга ошириш имконини берадиган объектив шарт-шароитлар ташкил топадиган социалистик жамиятдагина, деб ҳисобларди Владимир Ильич, меҳнатни чинакам илмий асосда ташкил этиш, ишлаб чиқаришни илмий асосда бошқариш мумкин.

Социалистик қурилишда капитализмга нисбатан юқори ижтимоий укладни барпо этишдек асосий вазифани алоҳида таъкидлар экан, В. И. Ленин энг аввало меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнаткаш аҳолининг иш кучлари учун ҳеч бир зарар келтирмайдиган янгича усул ва методлардан фойдаланишга асосланадиган, меҳнатни енгиллаштирадиган ва унинг самарасини оширадиган шаклда ташкил этиш орқалигина уни ҳал этиш мумкин деб ҳисобларди. Ишлаб чиқариш воситаларини иш кучи билан бирлаштиришнинг бутунлай бошқача характери, меҳнатнинг планли тарзда ижтимоий тақсимоти, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш, маҳсулотларни меҳнат натижаларига қараб тақсимлаш, иш кучини планли тарзда қайта тиклаш — буларнинг ҳаммаси янги ташкилий муносабатларни объектив тарзда йўлга қўйишга асос бўлувчи социал-иқтисодий шарт-шароитлардир. (ТАТ, 36-том, 193-бетга қаралсин) Бугунги кунда ҳам айрим меҳнат коллективларини ва умуман бутун жамиятни қамраб олувчи янги ташкилий муносабатларнинг ягона, яхлит системаси сифатида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш (НОТ) тўғрисидаги масаланинг ленинчасига ўртага қўйилишини ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

В. И. Лениннинг шу масала хусусидаги асарларида мамлакат халқ хўжалиги миқёсида меҳнатни ташкил этишнинг илмий методлари ҳамда формаларига доир ғоялар, методологик қоидалар кўп. Улар ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳаларини (моддий ишлаб чиқариш тармоқлари, тақсимот, айирбошлаш, давлат аппарати ва ҳ.к.) қамраб олади ва энг аввало улар вақтни тежаш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, шахсни ҳар тарафлама камол топтириш учун шароитлар яратишга қаратилгандир (ТАТ, 36-том, 139-бетга қаралсин).

Маълумки, меҳнатни ташкил этиш ижтимоий муносабатлар системаси сифатида ички ишлаб чиқариш структурасига таъсир этади. У мустақил иш қуролмайди, бинобарин, марказлаштиришни раҳбарликнинг демократик форма ва методларини кенг ривожлантириш билан оқилона қўшиб олиб бориш орқалигина уни амалга ошириш мумкин. Шу сабабли В. И. Ленин корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ички йўсинда ташкил этишга жуда катта аҳамият берар, бутун ижти-

моий ҳаётнинг асосий масаласини ана шунда деб билар эди. Демократик асосларда шаклланган айни меҳнат коллективидагина ишлаб чиқариш воситаларидан, жонли меҳнатдан тежамкорлик билан фойдаланиш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш, беллашув руҳини, ижодий активликни кучайтириш мумкин. Иш кучи ҳамда ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланишга ёрдам берувчи меҳнатни ташкил этишнинг замонавий форма ва методларини қўллаш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, В. И. Лениннинг фикрича, тор маънода меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ана шулардан иборат. Бирок, бутун халқ хўжалиги миқёсида меҳнат илмий асосда бошқариб борилган ва ташкил этилган тақдирдагина алоҳида коллективда меҳнатни илмий асосда ташкил этса бўлади.

Кейинги йиллардаги социалистик хўжалик юритиш практикаси НОТ тадбирлари етарлича самарадор эмаслигини кўрсатди, уларда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга халқ хўжалик нуқтаи назаридан комплекс ёндашув ҳамиша ҳам ҳисобга олинавермайди. Замонавий иқтисодий проблемаларни ҳал этиш НОТ мазмуни масалаларини ягона система сифатида назарий жиҳатдан янада пухтароқ ишлаб чиқишни қатъий тақозо этмоқда. НОТнинг социалистик меҳнат интизоми, яккабошчилик, меҳнатига яраша янгича рағбатлантириш ҳамда социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг В. И. Ленин асарларида таъкидлаб кўрсатилган бошқа асосий хусусият ва принциплари бугунги кунда, айниқса акутал бўлиб турибди.

Умумий меҳнат интизоми, ўртоқлик интизоми, ишчи союзларининг интизомини В. И. Ленин социализмда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш чоғида юзага келадиган ижтимоий алоқаларнинг жуда муҳим белгиси деб ҳисобларди (ТАТ, 38-том, 430-бет, 41-том, 118-бетларга қаралсин). Унинг бир неча бор таъкидлашича, интизом ўрнатиш, онгли интизом, ишчи ва деҳқонлар меҳнатини қатъий тарзда уюштиришгина муваффақиятли тарзда хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш масалаларини ҳал этадики, бусиз социализм бўлмайди, тартиб-интизомсиз социализм ғалаба қилиши мумкин эмас (ТАТ, 36-том, 290, 296, 314-бетларга қаралсин).

20-йилларда экономикани бошқарувнинг комплекс системаси сифатида меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг жорий қилиниши янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. НОТ бўйича ишлар кенг кўламда йўлга қўйилди. Бу иш айрим коллектив доирасида энг кўп даражада хўжалик самараси олишга, шунингдек жамият миқёсида меҳнат мажмуини тежашга қаратилган бўлиб, капитализмдан социализмга ўтиш даврининг социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этишга ёрдам берди.

В. И. Ленин партия ва давлатнинг социализмни барпо этиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий асосда бошқаришдаги бунёдкорлик ролини асослар экан, демократик централизм негизида давлат аппаратини вужудга келтиришга, уни бюрократизм ва хўжасизликдан халос этишга алоҳида эътибор берди. В. И. Ленин меҳнат коллективларининг оммавий тажрибаси ва ташаббусига таянадиган марказлаштирилган планли раҳбарликни назарда тутиб, ўзининг сўнгги асарларида Ишчи-деҳқон назорати — Марказий контрол комитети бирлашган органини тузиш ғоясини ҳар тарафлама асослаб берди. Бу орган энг аввало меҳнатни илмий асосда ташкил этиш негизидаги давлат аппарати ишини назорат қилиш ва бу ишни яхшилашда амалий жиҳатдан қатнашиши керак эди. Ишчи-деҳқон назорати бутун эътиборини «ишни ташкил этиш ва унинг сифатини мунтазам, қатъий яхшилаш» масаласига жалб этиш керак, деб ёзган эди у, «бу эса ишчи-деҳқонлар ҳокимияти ва совет тузумимиз учун мутлако зарур нарсадир» (ТАТ, 45-том, 431-бетга қаралсин).

20-йилларда НОТ қарор топишининг ўзига хос хусусияти яна шундаки, В. И. Ленин ташаббуси билан бу ишга бошиданоқ партиявий-давлат туси берилди. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш масалалари КПСС съездлари ва конференцияларида муҳокама этилди. Чунончи, РКП(б) XII съездида В. И. Ленин таклифи асосида қабул қилинган резолюцияда бошқарув ва хўжаликни юритиш органларини ислоҳ қилишни меҳнатни илмий асосда ташкил этиш негизида ўтказиш зарурлиги таъкидланади.

20-йилларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш принципларини амалга оширишда қийинчиликлар (кадрлар, моддий ва молиявий маблағлар етишмас-

лиги, НОТни қадрига етмаслик, айрим мутахассисларнинг қаршилик қилиши ва ҳоказо) бўлди. Аммо ўша йиллардаги экономикага оид китобларда НОТнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш, социалистик мусобақани кучайтириш сингари масалаларнинг чуқур ишлаб чиқилиши, тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши ўтиш даврининг мураккаб иқтисодий проблемаларини ҳал этишга жуда катта таъсир кўрсатди.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, унинг тор ва кенг маънодаги — айрим меҳнат коллективларида ва бутун халқ хўжалиги микёсидаги ўзаро алоқасига оид ленинча ғоялар ҳозирги босқичда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Экономикани тараққиётнинг интенсив йўлига ўтказиш, уни бошқарувнинг туб ислоҳ қилиниши, мамлакатдаги социал-иқтисодий муносабатларни қайта қуриш хўжалик юритишни сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтаришни, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинини рационализация билан қамраб олишни, унга фан ютуқлари ва илғор тажрибани кенг кўламда жорий этишни тақозо қилади.

Ташкилий-сифат омиллари биринчи ўринга қўйилган пайтда НОТ роли бекиёс ошади. Маълумки, меҳнатни ташкил этишнинг паст даражада бўлиши асосий ишлаб чиқариш фондларидан етарлича фойдаланилмаслигига, иш вақтининг зое кетишига ва бошқа хил салбий ҳодисаларга олиб келади. КПСС XXVII съезди материалларида таъкидланадики, қувватларнинг тўлиқ банд бўлмаслиги туфайли, масалан, мамлакат ҳар йили миллиард сўмлаб саноат маҳсулотини кам олади.

Мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш жамиятимиз ҳаётининг ҳамма жиҳатларини қамраб олмоқда. НОТ принциплари ва тадбирларини амалга ошириш аслида бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсив тараққиёт йўлига ўтказишни англатади. Партия ва ҳукуматимиз қарорларига биноан хўжалик юритиш системаси ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнатчи ижтимоий ишлаб чиқаришда, унинг самарадорлигини оширишда ўз қобилият ва имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишга интиладиган тарзда ташкил этилаётганлиги бежиз эмас.

Жадаллаштириш ва қайта қуриш инсонга, экономика ва техникага нисбатан талабни бекиёс оширмоқда. Яқин 15 йил ичида миллий даромад ва иқтисодий потенциални икки баравар ошириш мўлжалланмоқда. Бунга эса ана шу давр мобайнида ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсишини 4 процент оширмай туриб эришиб бўлмаслигини айтиш кифоя. Меҳнат унумдорлигини эса 2,3—2,5 марта оширишга тўғри келади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни янги техника билан таъминлашни, кишилар ўртасидаги муносабатларни қайта қуришни, бошқарув ва планлаштириш системаларини такомиллаштиришни тақозо этади. Ўн иккинчи беш йилликнинг ўзидагина НОТ тадбирларини жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини 9—10 процент ошириш мўлжалланмоқда. Бу мамлакат саноати бўйича меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг учдан бир қисмидан хам кўпроғини ташкил этади.

Республикамиз индустриясида ана шу тадбирларни амалга ошириш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг иқтисодий самарадорлиги йилига ҳисоблаб кўрилганда 84,7 миллион сўмни ташкил этади, ходимлар сонининг нисбий камайиши 39,4 минг кишини ташкил этди. Бунда сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига 1 сўм 90 тийин самара олинди. Шу беш йилликда Ўзбекистон саноатининг ўзидагина ана шу омил ҳисобига 22,8 минг киши меҳнатини тежаб қолиш мўлжалланмоқда, бу саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 60 миллион сўмликка кўпайтириш демакдир.

70-йилларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш соҳасида қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, кўпинча эса салбий ҳолатлар юзага келди. Улар қуйидагиларда кўринди: хўжалик масалаларини ҳал этишда НОТ назариясининг роли сусайди, унинг амалиёт билан алоқаси заифлашди; НОТ тадбирлари ҳисобига бўшатиб олинадиган ходимлар бўйича мутлақ кўрсаткичлар билан план топшириқлари ўртасида тафовут орта борди, натижада кейинги ўн беш йил мобайнида ана шу модда бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари бажарилмади; методик қоида ва йўл-йўриқлар кўпайиб кетди, улар НОТ масалаларини ҳал қилишга комплекс ёндашувни қийинлаштирди; НОТ системасини жорий этиш ва такомиллаштиришда хўжалик ходимлари масалани ташкилий ва социал жиҳатдан ҳал қилиш ўрнига техникавий жиҳатдан ҳал этишга зўр бердилар, бу ҳол НОТ тадбирлари самарадорлиги пасайиб кетишига олиб келди; янги корхоналарни лойи-

ҳалаш ва уларни ишга туширишда НОТ талаблари яхши ҳисобга олинмади; олий ўқув юртларида НОТ бўйича мутахассислар тайёрлашга етарлича эътибор қилинмади; ниҳоят НОТнинг назарий ва амалий проблемаларини тубдан ҳал этишда олимлар активлиги пасайиб кетди.

Ўн иккинчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини ўн биринчи беш йилликдаги 16,5 процент ўрнига 20—23 процент ошириш мўлжалланмоқда. Биринчи марта миллий даромаднинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан эришиш мўлжалланмоқда. Бўлмаса, бутун халқ хўжалиги бўйича қўшимча равишда 22 миллион кишининг меҳнати талаб этиларди. Мамлакатимиз бундай ресурсларга эга эмас, НОТ самарадорлигини анчагина ошириш эса юзага келаётган вазиятни енгиллаштиради. Шу сабабли КПСС XXVII съезди қарорларида партия томонидан илгари сурилаётган социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифалари юксак даражада ташкил этилган, ривожланган ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, яхши созланган хўжалик механизми бўлган экономикага ўтиш йўли билан бажарилмоғи лозим деб таъкидланганлиги бежиз эмас.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатини ўзи қоплаш шароитида, тармоқлараро, корхоналар билан бирлашмалар, участкалар билан бригадалар ўртасидаги хўжалик ҳисоби муносабатлари ривожланиб бораётган бир пайтда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим воситаси бўлиб қолиши керак. Таассуфки, Ўзбекистон саноатида хўжалик ҳисобидаги бригадалар улуши бор-йўғи 30 процентчани ташкил этади. Бундан ташқари республика машинасозлик тармоғидаги шундай бригадалар ишини ўрганиш уни анчагина яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунончи, бир қанча ҳолларда бригада тузилаётганда кўпинча ишнинг миқдор жиҳатига берилиб кетмоқдалар, бунинг устига уларни завод ички планлаштиришини, технологияни, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни, унга ҳақ тўлаш системасини яхшиламай туриб, хўжалик ҳисобига ўтказмоқдалар.

НОТ самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бу жараён бошқарувини такомиллаштиришдир. НОТ марказлари кимнинг тасарруфида бўлишини жиддий тарзда қайта кўриб чиқиш керак. Назаримизда, НОТни бошқарув механизми республика Госплани қўлида жамлангани маъқул. НОТнинг бошланғич бўлинмалари — лабораториялар, бюролар, корхона ва бирлашмалардаги бўлимлар ишини жиддий тарзда яхшилаш лозим. НОТ ходимлари бугунги кунда амалда планлар тузишу ҳисоботлар ёзишдан нарига ўтмаётирлар. НОТнинг асосий тадбирларини чуқур таҳлил қилиш, унинг асосий йўналишларини белгилаб олиш эса уларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Корхоналарда маъмурий-бошқарма ходимларини қисқартириш кўпинча НОТ бўлинмалари ходими ҳисобига амалга оширилаётганлиги боиси ҳам шундан бўлса эҳтимол.

Меҳнатни ташкил этиш даражасини ошириш бутун меҳнат коллективининг куч-ғайратига, энг аввало эса уни ишлаб чиқувчиларга боғлиқдир. Бунда НОТ ходимларини моддий рағбатлантириш системасининг аҳамияти оз эмас. Афтидан, меҳнат унумдорлиги ҳамда меҳнатни ташкил этиш даражасининг ошишига қараб уларни рағбатлантириш, мукофотлаш керак.

НОТ мутахассисларининг тайёргарлик ҳолати кўп жиҳатдан меҳнатни илмий асосда ташкил этиш принципларини амалга оширишга таъсир этади. Бу ишни яхшилаш учун олий ўқув юртларида НОТ лабораториялари очиш, уларнинг тармоқ марказлари билан, корхоналар ва бирлашмалардаги шундай бўлинмалар билан алоқасини мустаҳкамлаш, НОТ проблемалари юзасидан ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш лозим.

Мамлакатимизда социал-иқтисодий муносабатлар қайта қурилаётган ҳозирги кунда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ленинча принципларининг кенг кўламда жорий этилиши КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширишга жиддий ҳисса бўлиб қўшилади.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ ВАЗИФАЛАРИ

Ш. АЗИЗОВ,
иқтисод фанлари кандидати
В. НЕПОМНЯШЧИЙ,
техника фанлари кандидати

КПСС XXVII СЪЕЗДИ экономикани интенсивлаш йўлига ўтказишнинг асосий йўналишларини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг асосий шарти сифатида белгилаб берди. Тежамкорлик режимини изчил кучайтириш, ресурсларни тежашни халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондиришнинг ҳал қилувчи манбаига айлантириш — ушбу йўналишларнинг биридир.

Ресурсларни тежашга доир чоралар системасида энергияни тежаш ғоят муҳим чора бўлиб, осон ундириладиган ва нисбатан арзон (қазиб олиш жиҳатидан) ёқилғи конлари муқаррар равишда тугаб бориши кучайган сари тежашнинг роли ошиб бормоқда. Мавжуд прогнозларга қараганда, истиқболда ёқилғини қазиб олиш икки карра, нефть соҳасида эса ҳатто уч карра қимматлашиши кутилмоқда. Шундай қилиб, ёқилғи-энергетика комплексининг ривожланиши халқ хўжалигидан борган сари кўпроқ капитал маблағларни ҳамда меҳнат сарфларини талаб қилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРда индустрия асосий фондларининг анчагина қисми ҳамда республика саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонининг салкам 5 проценти ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларига тўғри келади. Комплекснинг ривожланиши бевосита сарф-харажатлардан ташқари ҳамкорлик қилувчи ишлаб чиқаришларга муайян маблағлар ажратишни тақозо этади. Баъзи мутахассислар фикрича, мамлакатнинг ёқилғи-энергетика комплекси халқ хўжалигидаги жами капитал маблағларнинг тахминан 27 процентини ва меҳнат ресурсларининг 16 процентини қамраб олган.

Ёқилғи-энергетика ресурсларини қазиб олиш, ҳосил қилиш ва ташиб олиш ўсимининг ҳар бир тоннаси бундан буён қимматлашиб бориши туфайли комплексни ривожлантириш моддий, меҳнат ва молия ресурсларини янада кўпроқ жалб этиш ҳисобига амалга оширилиши керак. Ушбу ҳол ёқилғи қазиб чиқариш ва энергия ҳосил қилишга қараганда 3—4 баравар арзонроқ тушувчи энергияни тежовчи тадбирларнинг аҳамиятини оширади. Ёқилғи ва энергияга эҳтиёж ўсишининг 75—80 проценти уларни тежаш ҳисобига қондирилишига эришишни КПСС XXVII съезди СССРни 2000 йилга қадар иқтисодий ва социал ривожлантириш асосий йўналишлари қаторига киритганлиги ҳам бежиз эмас. Бундан олдинги босқичларда электр энергия истеъмоли ҳар 10 йилда, ёқилғи истеъмоли эса ҳар 15 йилда икки ҳисса ошганлигини эътиборга олсак, бу қандай масъулиятли ва мураккаб вазифа эканлиги равшан бўлади.

Маълумки, мамлакатимиз экономикаси бутунлай ўзининг ёқилғи-энергетика ресурсларига асосланади. Халқ хўжалигини арзон ва юқори сифатли ёқилғи тури билан таъминлаган газ қазиб чиқаришнинг жадал ривожланиши бунда катта роль ўйнади. Фан-техника тараққиётининг табиий бориши билан боғлиқ бўлган бу ва бошқа факторлар ёқилғи-энергетика комплексининг ва энергия истеъмол қилиниши жараёнининг самарали ишлаши учун қулайлик яратди. Бир вақтнинг ўзида партия ва ҳукуматнинг тегишли қарорларини бажариш учун умуман мамлакатда ҳам, шу жумладан республикамизда ҳам ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш

иши амалга оширилди. Ҳосил қилинган миллий даромадда энергия сарфининг ўсиш суръатлари пасайганлиги 1970—1985 йиллардаги ана шу тежамкорликнинг характерли белгиси бўлди. Бунинг устига саноатдаги энергия сарфи 1970 йил даражасида турғун бўлиб қолди. Кўрсатилган даврда ёқилғи тежашнинг асосий қисмига Ўзбекистон энергосистемасининг йирик энергоблокларга (200—300 мегаватт қувватли) ўтиш ва ёқилғи сифатида табиий газдан фойдаланишга асосланган йўналишдаги ишлаб чиқариш қувватлари структурасини такомиллаштириш ҳисобига эришилди.

Транспортда ёқилғи-энергетика ресурслари анчагина тежалди — бунга асосан локомотив паркини суюқ ёқилғига ўтказиш натижасида, кейинги йилларда эса — магистраль ва шаҳар атрофи темир йўл транспортини электрлаштириш туфайли эришилди. Бир қатор технологик жараёнларда қаттиқ ёқилғининг суюқ ва айниқса газ типидаги ёқилғи билан алмаштирилиши саноатда ёқилғи тежашни таъминловчи асосий шартлардан бири бўлиб қолди.

Лекин умуман олганда бутун мамлакатда бўлганидек, республика экономикасида ҳам узоқ вақт катта исрофгарчиликларга йўл қўйилди. Энергияни тежашнинг аҳамиятига етарлича баҳо берилмади, бир қатор ҳолларда ташкилий-техник тадбирларнинг ишлаб чиқилаётган планлари зарур моддий-техника ва молиявий база билан мустаҳкамланмади. Ёқилғи-энергетика ресурсларидан рационал фойдаланишни рағбатлантирувчи иқтисодий воситалар йўқлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

КПСС XXVII съезди ва партия МҚнинг кейинги Пленумлари белгилаб берган хўжалик юритишнинг янги шароитида ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишни таъминловчи собитқадам энергия тежаш сиёсатини актив олиб бориш талаб қилинади. Қуйидагиларни, бизнингча, унинг асосий йўналишлари деб ҳисоблаш лозим:

— регион халқ хўжалигининг энергия таъминоти учун энг мақбул схема ва манбаларни танлаш;

— технологик жараёнлар принципини ўзгартириш, уларни ёқилғи ёки энергиянинг янада тежамкор ва юқори сифатли турларига ўтказиш;

— энергия талаб технологик линиялар ва ёқилғидан фойдаланувчи қурилмаларнинг айрим қувватларини йириклаштириш;

— ёқилғидан фойдаланувчи қурилмаларнинг эскирган ускуналарини янги, янада тежамкор, фойдали иш коэффициенти юқори бўлган ускуналар билан алмаштириш;

— иккиламчи энергоресурслардан янада тўлиқроқ фойдаланишга имкон берувчи комплекс қурилмалар ва технологик жараёнларни яратиш;

— энергетика структурасини такомиллаштириш;

— халқ хўжалигини электрлаштиришни чуқурлаштириш;

— энергиянинг барча турдаги нобудгарчилигини, шунингдек, унинг ёқилғи-энергетика комплексининг ўз эхтиёжлари учун кетадиган сарфини энг кўп даражада қисқартириш.

Тилга олинган барча асосий йўналишлар бўйича ва асосий энергия талаб ишлаб чиқариш ҳамда соҳалар бўйича ушбу сиёсат муваффақиятини таъминлаш мақсадида энергия тежашнинг мақсадли программасини ишлаб чиқиш керак. Тармоқлар нуқтаи назаридан олганда, бизнингча, акс этиши лозим бўлган масалаларга батафсилроқ тўхтаб ўтамиз.

ЭНЕРГЕТИКАДА ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ ПРОГРАММАСИ

Электр энергия ва иссиқлик энергияси ҳосил қилишда ёқилғининг солиштирма сарфи камайтирилиши энергетикада энергия тежаш сиёсати амал қилишининг асосий якуни бўлиши керак. Республикада ана шу йўналишда фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланган ҳолда бир қатор структурали ва ташкилий ўзгартишлар қилиш белгиланган:

1) қурилаётган ва лойиҳалаштирилаётган электростанцияларнинг айрим қувватлари йириклаштирилади. Масалан, ҳар бири 800 мегаваттли ва умумий қуввати 3200 мегаватт бўлган блоклар ўрнатиладиган ҳамда табиий газда ишловчи Толимаржон ГРЭСнинг ишга туширилиши электр энергия ҳосил қилишда ёқил-

ғининг солиштирма сарфини жиддий камайтириш имконини берадики, республикадаги барча қурилаётган ва лойиҳалаштирилаётган станцияларни ҳисобга олганда, бу йилига 3,4 миллион тонна шартли ёқилғини тежаш демакдир;

2) ТЭЦларда электр энергия ва иссиқликни биргаликда ҳосил қилишнинг ҳиссаси кўпаяди. Масалан, Муборак ТЭЦда бунинг ҳисобига йилига 150—160 минг тонна шартли ёқилғи тежалиши таъминланади;

3) маънавий жиҳатдан эскирган конденсацион турбиналар модернизациялаштирилади ва теплофикация режимида ишлашга ўтказилади. Ҳозирги кунда республикада электр энергияни ТЭЦларда биргаликда ҳосил қилиш ҳиссаси жуда паст. Муборак ТЭЦ қурилиши ТЭЦ базасида иссиқлик билан таъминлаш проблемасини бутунлай ҳал қилмайди. Қуввати 43 минг киловаттли, Тошкентдаги ягона ТЭЦ вақтинча тўхтатилиши керак. Шу сабабли Ангрен ва Тошкент ГРЭСларининг эскирган конденсацион турбиналари теплофикация режимида ишлашга ўтказила бошланганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бунда 1990 йилга бориб мумкин бўладиган тежаш, бизнинг ҳисобимизга кўра, 700 минг тонна шартли ёқилғини ташкил этади.

Республиканинг ишлаб турган электростанцияларида ёқилғини ортиқча сарфлашдаги асосий сабабларга: иссиқлик схемаси ва теплоэнергетик ускуналарнинг қониқарсиз аҳволдалиги, козон агрегатларида чиқаётган газлар ва сўрилаётган ҳаво норматив температурасининг ошиб кетишига, конденсатор турбиналарида вакуумнинг ёмонлашишига, ўз эҳтиёжлари учун зарур электр энергия сарфининг ошиб кетишига ва ҳоказоларга барҳам берилса анчагина миқдорда ёқилғи ресурсларини тежаб қолиш мумкин. Яхлитлаштирилган фикрларга қараганда, ушбу сабабларга барҳам бериш ҳисобига 18—20 минг ва ундан ошиқ тонна шартли ёқилғини тежаш мумкин.

Республика энергетикаси учун электр энергия ҳосил қилиш балансига ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий энергия манбаларини жалб қилиш ҳам жуда муҳим вазифадир. Бу аввало гидроэнергетика потенциалидан фойдаланишга тааллуқли. Ирригация ва элетроэнергетикада комплекс ҳолда ишлатилиши туфайли ҳам у Ўзбекистонда алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон энергосистемаси гидростанцияларида электр энергия ҳосил қилиш салкам 11—12 процентни ташкил этади. Истиқболда Пискомнинг гидроэнергетика потенциалини ўзлаштириш ушбу кўрсаткични ошириш имконини беради. Шу билан бир вақтда ирригация сув омборлари, магистрал ва ташлама каналлар, кичик дарёлардаги гидростанциялар потенциалидан фойдаланилмаяпти. Мутахассислар фикрича, республикамиздаги кичик ГЭСлардан 4—5 миллиард киловатт-соат энергия олиш мумкин, бу эса Ўрта Осиёда Экибастуз кўмирида ишловчи иссиқлик электростанцияси бунёд этиш қийматидан ошмайдиган харажатлар билан 1,6 миллион тоннадан ошиқ шартли ёқилғини тежаб қолишга тенгдир.

Қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш ҳақида алоҳида сўзлаш керак. Электр ва иссиқлик энергиялари олишнинг бу манбалари имконияти амалда чексиздир. Техника воситалари тараққиётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон энергосистемасининг ҳар бир иссиқлик электростанцияси қошида умумий қуввати 2—2,5 миллион киловатт бўлган қуёш электростанциялари (модуллари) бунёд этилиши мақсадга энг мувофиқ бўлса керак. Бу эса қуёш энергиясида тахминан 2,5—3 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилишни таъминлайдики, у 800 минг тонна шартли ёқилғини тежаб қолишга тенгдир.

Республика олимлари ва мутахассислари агар ҳар бир колхоз ва совхозда қуввати 2—4 киловаттдан бўлган 5—10 нафар шамол энергетикаси қурилмалари жойлаштирилса, умуман Ўзбекистон бўйича бу нарса салкам 0,2—0,3 миллиард киловатт-соат электр энергия беришини, яъни 70—100 минг тонна шартли ёқилғи тежаб қолиниши билан тенг эканлигини ҳисоблаб чиққанлар. Афсуски, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш масаласи техникавий ва лойиҳа ечимлари босқичида турибди, шу сабабли улардан тўлиқ фойдаланиш олис истиқболнинг вазифасидир.

Энергия таъминоти билан боғлиқ проблема кучайганлиги шароитида атом энергетикаси борган сари салмоқлироқ роль ўйнаши лозим, лекин Ўзбекистонда сейсмиклик юқорилиги унинг пайдо бўлишини тўхтатиб турибди. Шу сабабли ҳам асосий эътибор энергияни тежашга қаратилган: республика энергетикасида

юқорида саналган тадбирларнинг амалга оширилиши, дастлабки ҳисобларга қараганда, йилига 6,8 миллион тоннадан ошиқ шартли ёқилғини тежаш имконини беради.

САНОАТДА ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ СИЕСАТИ

Прогрессив технологияни, ёқилғи ва энергиядан фойдаланувчи тежамкор ускуналарни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ушбу соҳанинг истиқболдаги асосий йўналиши ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва концентрациялаш, иккиламчи энергия ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш ҳам ғоят муҳимдир.

Ҳар бир тармоқда энергия истеъмолини, корхоналарни ёқилғи ва энергия билан таъминлаш схемаларини, энергияни ишлатувчи ускуналарнинг техник-иқтисодий ҳолатини батафсил таҳлил қилгандагина саноатда тежамкорлик резервларини топиш ва энергия тежовчи тадбирларни ишлаб чиқиш керакли самарани беради.

Электр энергия соҳасидаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, химия саноатида, машинасозлик ва металлга ишлов беришда, бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришда энергияни тежашнинг асосий резервлари мавжуддир.

Химия саноатида бу нарса маҳсулот ишлаб чиқаришда кўзланаётган структурали силжишлар билан боғлиқдир. Бу ерда яқин истиқболда химиявий толалар, смола ва пластмассалар ишлаб чиқариш 14 баравар, минерал ўғитлар эса атиги 2,5 баравар кўпайиши керак. Бу эса химия саноатида бутун ялпи маҳсулотдаги электр сарфининг пасайишига ҳамда тахминан 18,3 миллиард киловват-соатни тежаб қолишга олиб келади.

Машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноатида технологик электр ускуналарнинг иш режимларини оптималлаштириш, электропроводларнинг энг мақбул кувватларини танлаш, деталларга механик ишлов беришни (токарлик ва фрезерлик ишларини) аниқ қуюв билан алмаштириш ҳисобига электр энергияни тежашни таъминлаш мумкин бўлади. Ушбу ҳолдаги жами тежамкорлик тахминан 600 миллион киловатт-соатга тенг бўлади.

Бинокорлик материаллари саноатида электр энергияни тежаш республикада цемент ишлаб чиқаришда паст температурали технология ривожланиши билан боғлиқки, бунда солиштирма электр истеъмоли 15—20 процентгача камаяди. Бу эса истиқболда 1 миллиардгача киловатт-соатни тежашга имкон беради.

Саноатда ёқилғини тежашга қаратилган тадбирлар ғоят ранг-баранг бўлишига қарамай, улар орасидан амалда унинг барча тармоқларини қамраб оладиганларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларга қуйидагилар киради: ёқилғи ишлатилувчи қурилмаларда ёқилғи ишлатишдаги фойдали коэффициент (ИФК) оширилиши, мақсадли вазифа бўйича ёқилғи истеъмоли структурасининг ўзгариши, корхоналарда сменавийлик ошиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ёқилғи ишлатилувчи қурилмаларда иш режимларини оптималлаштириш, бир қатор технологик жараёнларда ёқилғини электр энергия билан алмаштириш, ускуналарни модернизациялаш, ишлаб чиқаришнинг баъзи турларини марказлаштириш ва концентрациялаш. Ёқилғи ишлатилувчи қурилмалардаги ИФКни унинг лойиҳадаги қийматигача оширишнинг ўзигина (Саноат гази илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё филиали мутахассислари ўтказган анализ кўрсатишича, республикада ишловчи ана шундай қурилмалардаги ИФК лойиҳадаги қийматидан ўртача 1,2—1,8 баравар паст экан) саноат бўйича умуман 4,3 миллион тонна шартли ёқилғини тежаш имконини беради.

Саноат ишлаб чиқаришини интенсивлашда ёқилғи тежашнинг яширин резервлари мавжуд. Зотан аслини олганда, сменавийлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш шароитида айни ўша ишлаб чиқариш участкаларидан кўпроқ маҳсулот олиш мумкин, бу эса ишлаб чиқариш биноларини иситиш ва шамоллатиш учун ишлатиладиган ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашга тенгки, улар ҳиссасига жами энергия истеъмолининг 9—12, баъзи тармоқларда эса 33 процентга қадар қисми тўғри келади. Бунда ёқилғини тежашнинг мумкин бўлган ҳажми 2,9 миллион тоннагача шартли ёқилғини ташкил этади. Саноатда энергия истеъмолининг структурасини мақсадли топшириқ бўйича ўзгартириш ҳам тахминан шунча тежам келтириши мумкин.

Технология жараёнларини электрлаштириш индустрияда ёқилғи тежашнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бугунги кундаёқ у пўлат ишлаб чиқариш, иш жойларини локал қиздиришда инфрақизил нурланишдан фойдаланиш каби соҳаларда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиб қолди. Бунда жами абсолют тежам салкам 2,3 миллион тонна шартли ёқилғини ташкил этади.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва марказлаштириш ҳисобига энергияни тежашнинг имкониятлари машинасозлик ва металлга ишлов бериш корхоналари мисолида яққол кўринади. Қуюв ишини кўриб чиқайлик. Республика эҳтиёжлари учун қуйишнинг умумий ҳажмида унинг 95 проценти саноатга, шу жумладан, 60 проценти машинасозлик ва металлга ишлов бериш комплексига тўғри келади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги босқичда Ўзбекистон ССРда пўлат ва чўян қуйиш даражаси мамлакатдаги умумий даражадан жиддий равишда орқададир. Зеро, цехларнинг тарқоқлиги ва кам қувватга эгалиги қуйиш ишини қимматлаштирибгина қолмай, балки ёқилғи-энергетика ресурсларининг анчагина исроф бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, қуйиш ишини концентрациялаш нафақат тармоқ ишлашининг самарадорлигини оширишга, балки ёқилғи ва энергияни анчагина тежашга ҳам (шу жумладан, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш натижасида) олиб келади. Чўян қуйишда энергия истеъмолини ускуналарни модернизациялаш ҳисобига ҳам камайтириш мумкин. Хусусан, фурмалар тайёрлашда ўзи қотувчи аралашмаларни янада кенг қўлланиш уларни қуритиш учун кетадиган ёқилғини тежашни таъминлайди, битта фурма ўрнига улар орасидаги дам беришни тахминан бир хил қилиб тақсимлаган ҳолда иккита фурмани ўрнатганда кокс сарфи 20—30 процент камаяди ва бунда вагранка унумдорлиги 10—25 процент кўпаяди.

Термик ва темирчилик-пресслаш ишлаб чиқаришини бизни қизиктирувчи нуқтаи назардан қараб чиқайлик. Шуни таъкидлаш лозимки, республикада машинасозлик ва металлга ишлов бериш корхоналарининг деярли ҳаммаси темирчилик заготовкаларини тайёрлаш билан шуғулланади. Бунда уларни ишлаб чиқаришнинг тахминан 40 проценти ибтидоий, маънавий жиҳатдан эскирган ускуналар билан жиҳозланган майда цехлар ҳиссасига тўғри келади. Пневматик ва буғ-ҳаво болғаларида эркин суратда болғалаш уларнинг асосий технологик жараёни ҳисобланади. Демак, қуюв ишидагидек, бу ерда ҳам болғалаш ва штамплаш ишларини концентрациялаш энергияни тежашдаги асосий йўналишлардан бири бўлиб қолиши керак.

Яна бир йўналиш — технологик жараён ва ускуналарни янгилашдир. Масалан, мамлакатда буғ-ҳаво болғалари ўрнига жорий қилина бошлаган автоматик болғалаш комплекслари энергия сарфини 4 баравар камайтириш имконини беради. Энергияни тежашни кучайтирадиган воситалар ичида: чўзиқ қуймалар ишлаб чиқаришга ўтиш, болғалаш иссиқлигидан фойдаланиш; болғалаб ясалган нарса, валларга иссиқ ҳолатида бирламчи ишлов бериб, ишлов бериш унумдорлигини 8—10 баравар ошириш; болғалар ва эркин болғалаш жараёнлари ўрнига меҳнат унумдорлигини 5—6 баравар ошириш ва иссиқликнинг солиштирма сарфини икки баравардан кўпроқ, металлникини эса 10—12 процент камайтириш имконини берадиган радиал болғалаш машиналарини жорий қилиш; эскирган печларни индукцион иситиш прогрессив электр печлари билан алмаштиришни кўрсатиш мумкин.

Бизнингча, яқин йиллар ичида темирчилик ускуналари паркининг 60 процентдан кўпроғини, истиқболда эса 1986 йилгача ўрнатилган ускуналарнинг амалда ҳаммасини модернизациялаш керак бўлади (бунда мақсадли капитал маблағлар талаб қилинмаслигини таъкидлаймиз, чунки асосий фондларни янгилаш ва фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилишни планли равишда пул билан таъминлаш мавжуд). Харажатлар ўрни меҳнат унумдорлиги ва металлга ишлов бериш сифатини ошириш ҳисобига ҳам, энергия ресурслари ва металл сарфини камайтириш ҳисобига ҳам қопланади.

Бизнинг ҳисобимизга қараганда, республика саноатида ёқилғининг жами тежалиши қараб чиқилаётган давр охирида барча ёқилғи-энергетик ресурслари эҳтиёжларининг ўсишида 20 процентдан кўпроқ ҳиссани ташкил этиши мумкин.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИКДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАШ СИЁСАТИ

Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалигида қозонхона-печь ёқилғисининг салкам 28—30 проценти истеъмол қилинади, уларнинг 7—7,5 проценти ТЭЦ ва қозонхоналарда марказлаштирилган тартибда ҳосил қилинувчи иссиқлик энергиясидир. Ушбу соҳада ёқилғи-энергетика ресурсларидан рационал ва самарали фойдаланиш истиқболдаги энергия тежаш сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Бунда иссиқлик таъминотини марказлаштириш етакчи роль ўйнаши керак. Унинг ҳозирги даражаси республикада (ҳатто шаҳарларда ҳам) жуда паст — ўн биринчи беш йиллик охирида Ўзбекистон уй-жой-коммунал хўжалигининг иссиқликка бўлган эҳтиёжининг атиги 11,4 проценти марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ҳисобига қондирилган эди. Бундай аҳволда юз берадиган ёқилғи ресурсларини ортиқча сарфлаш кўламини қуйидаги маълумотлар ҳам кўрсатиб турибди: агар марказлаштирилган иссиқлик таъминотида бир гигакалория ҳосил қилиш учун ўртача 170 килограмм шартли ёқилғи сарфланса, якка тартибдаги қозонхоналарда ва уй печларида 250—350 килограмм, яъни тахминан 2 баравар кўпроқ шартли ёқилғи сарфланади.

Уй-жой фонди иморатлари зичлигининг нисбатан пастлиги Ўзбекистонда иссиқлик таъминотини тўлиқ марказлаштиришни тўхтатиб турган асосий фактордир. Лекин шундай шароитда ҳам шаҳар аҳолисини марказлаштирилган иссиқлик таъминоти билан қамраб олишни ҳозирги 25 процент ўрнига 50—60 процентга етказиш мумкин, бу эса салкам 4 миллион тонна шартли ёқилғини тежаб қолиш имконини беради.

Истиқболда иссиқликка талабнинг шаҳарларда салкам 20 проценти ва қишлоқ жойларда 80 проценти якка тартибдаги манбалардан қопланажаги туфайли истеъмолчиларнинг ана шу группалари учун ёқилғини тежаш йўлларини излаш керак. Соатига 6—20 гигакалория унум берувчи газли қозонхоналарга қараганда ёқилғи сарфини 30—60 процент камайтириш имконини берувчи иссиқлик насосларидан фойдаланиш ана шундай мақбул йўллардан биридир. Ҳисобларимиз кўрсатишича, индивидуал секторда иссиқлик насосларидан фойдаланиш биринчи босқичда 1,56 миллион тонна, иккинчи босқичда эса салкам 3 миллион тонна шартли ёқилғини тежаш имконини беради (марказлаштирилган иссиқлик таъминоти билан қамраш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланган аҳолининг тахминан 5 проценти биринчи босқич охиригача, 40 процентга қадари эса иккинчи босқич охиригача иссиқлик насослари билан таъминланади, деб мўлжалланди).

Уй-жой-коммунал хўжалик олдида истиқболдаги вазифалардан ташқари иссиқлик таъминоти самарадорлигини оширишнинг шошилинч ҳал қилишни талаб этувчи вазифалари ҳам турибди. Бу, биринчи навбатда, турли-туман нобудгарчиликлар, амалдаги иссиқлик манбаларида ва истеъмолчиларда ҳам ускуналардан норационал фойдаланиш ва уларнинг қониқарсиз аҳволдаги оқибатида юзага келган ёқилғи-энергетика ресурсларининг ортиқча сарфланишига барҳам беришдир. Бунда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: биноларнинг иссиқлик изоляциясини яхшилаш; ҳар бир квартирада температурани индивидуал равишда суткалик тартибга солишни татбиқ этган ҳолда иситиш системасини яхшилаш; иссиқлик ва энергиядан фойдаланувчи қурилмаларни такомиллаштириш. Республикамизда ана шу тадбирлар ҳисобигагина 4,5 миллион тоннадан ошиқ шартли ёқилғини тежаш мумкин.

Кўтариш-транспорт техникаси ва қурилиш машиналарини кенг миқёсда дизеллаштириш **қурилишда** энергияни тежашнинг асосий йўналишидир. Агар қараб чиқилаётган прогнозлаш даврининг охиригача унинг даражасини ҳозирги 64 процент ўрнига 90 процентгача етказсак, тиниқ нефть маҳсулотларининг умумий сарфи 35 процентга пасаяди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам дизеллаштириш тиниқ нефть маҳсулотларини тежашнинг асосий воситаларидан биридир. Бу ерда дизеллаштириш даражаси ҳозирги вақтда қурилишдагидан юқори — 71 процент, лекин уни ҳам 90 процентга етказиш мумкин. Бу эса 0,4 миллион тоннагача шартли ёқилғини тежаш ва кўп миқдордаги бензинни бўшатиб олиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши электр энергиянинг йирик истеъмолчиси бўлиб, унинг 80 проценти машина билан суғориш ва дренаж системаси эҳтиёжлари учун кетади. Шу муносабат билан насос станцияларининг иш режимини автоматлаштириш ва оптималлаштириш ҳамда сув ресурсларини ҳар томонлама тежаш алоҳида аҳамият касб этади.

Транспорт Ўзбекистон халқ хўжалигининг энергия талаб йирик тармоғидир. Шу билан бирга тақчил тиниқ нефть маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми жиҳатдан у етакчи ўринни ишғол қилади. Темир йўлни электрлаштиришни, бизнингча, транспортда энергияни тежаш программасининг асосий йўналишлари қаторига киритиш мумкин. Республикамизда унинг айрим участкалари юк билан тиғизлиги прогнози жами юк оборотининг 76 процентини ва пассажир оборотининг 80 процентини электр ёрдамида ташишга (прогнозлаш даври охирига бориб) ўтказиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқдаки, бу эса салкам 0,85 миллион тонна дизель ёқилғисини тежашни таъминлайди.

Автотранспортда энергияни тежаш вазифалари дизеллаштириш ва газлаштиришни бундан буён давом эттириш билан боғлиқ, бундай ҳол қиммат турувчи бензиндан фойдаланишни камайтиради. Истиқболда бутун юк оборотининг 95—97 проценти дизель ёқилғисига, пассажир оборотининг салкам 20 проценти эса суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказилади.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг етакчи тармоқларида олиб бориладиган энергияни тежаш сиёсатининг асосий йўллари ана шулардир. Бизнинг ҳисобларимиз муфассаллик ва аниқликни даъво қилмайди, лекин улар ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг республикадаги мавжуд резервларининг миқёслари катталигидан далолат беради. Уларни ишга солиш учун иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар комплексини яратиш талаб қилинади. Бизнингча, биринчи навбатда қуйидагилар зарур:

1) республикадаги мавжуд мос келувчи профилдаги илмий ва лойиҳалаш потенциалини энг яхшиси илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига (ИИБ) жамлаб, унга қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш учун хўжалик ҳисобига асосланган мустақиллик бериш:

— фан-техника тараққиёти шароитидаги энергия тежаш сиёсатининг ролини тадқиқ қилиш, унинг асосий йўналишларини танлаш ва уларнинг социал-иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш;

— конкрет объектларда ва халқ хўжалиги тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини (ЕЭР) тежаш резервларини қидириб топиш, энергияни тежашнинг принципиал янги технологиясини, уни серияли ишлаб чиқаришни илмий жиҳатдан ва лойиҳада ишлаб чиқиш;

— ЕЭРни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш ҳамда контрол қилиш асбобларини яратиш ва ишлаб чиқариш, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларида ЕЭР истеъмолининг илмий асосланган нормаларини ишлаб чиқиш;

— уларнинг ишлаб чиқаришдаги тартибга солувчи ролини ва у ёки бу турдаги ёқилғидан фойдаланишни таъминлаш мақсадида хўжалик механизмини, ёқилғи билан энергия нархлари ҳамда тарифларини такомиллаштириш;

2) регионал хусусиятга эга бўлган энергия тежовчи ускуналар турларини (хусусан, Самарқанддаги совутиш қурилмалари заводида иссиқлик насосларини) ишлаб чиқаришга доир зарур қувватларни вужудга келтириш;

3) республика территориясида транспорт воситалари ва заправка станцияларини дизеллаштириш ва газлаштириш учун база ташкил этиш.

Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Компартияси МК IX пленуми (1988 йил январь) қўйган асосий вазифалардан бирини — республикадаги ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сарфланган маблағлар ҳар бир сўмидан энг кўп унум олишга эришиш вазифасини ҳал этишга хизмат қилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ РЕЗЕРВИ

З. ЦУНЦ,
иктисод фанлари кандидати

СССР Озик-овкат программасини амалга оширишда барча резервларни ишга солиш вазифаси партия ҳужжатларида биринчи даражали вазифалардан бири деб белгиланган. Агросаноат комплекси қайта ишловчи тармоқларида ҳосил бўладиган иккиламчи хом ашё ресурсларидан рационал фойдаланиш ана шундай муҳим резервлардан биридир. Асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган, дастлабки хом ашёнинг истеъмол сифатларини батамом ёки қисман йўқотса-да, лекин хали халқ хўжалиги турли тармоқларида бевосита ишлатишга ёки яна қайта ишланишга имконият берувчи фойдали моддаларга эга бўлган хом ашё ва ярим фабрикат қолдиқлар ана шундай иккиламчи ресурслардир.

«Хўжалик иши учун — унча тўғри келадиган сўз бўлмаса ҳам, — маълум даражада «зикна» бўлиш керак» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 425—426-бетлар) деган ленинча наказ ресурс тежовчи ва чиқитсиз технологияларни жорий қилиш, иккиламчи хом ашё тўплашни (шу жумладан, аҳолидан тўплашни) анчагина яхшилаш асосида хом ашё ресурсларини барча чоралар ёрдамида тежаш ва улардан энг рационал фойдаланиш ҳақида сўз бораётган хозирги кунда ҳам актуалдир. КПСС XXVII съезди ва партия МК кейинги Пленумларининг, партия ва ҳукуматнинг кейинги йиллардаги қарорлари ана шунга йўналтиради, ушбу соҳада кенг тадбирлар системасини кўзда тутади.

Хилма-хил иккиламчи хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни қайта ишлашга имкон берувчи чиқитсиз технологияни кенг жорий қилишнинг жуда катта иқтисодий, экологик ва социал аҳамиятини таъкидлаш жоиздир. Бундай ресурсларни қайта ишлашга доир тадбирларга ажратилувчи капитал маблағларнинг ўрни тезда қопланади. СССР ва иттифоқдош республикалар Госпланларида кутилган иккиламчи ресурсларни планлаштириш ва улардан рационал фойдаланишга даъват этилган махсус бўлимлар ташкил қилинганлиги бежиз эмас.

Кўп компонентли қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи тармоқларда ушбу проблеманинг ҳал этилиши алоҳида эътиборга моликдир. Улар ичида энг материал сиғимлиси озиқ-овқат саноати ҳисобланади. Унинг маҳсулоти таннархида хом ашё ҳиссасига умумий харажатларнинг ўртача 85 проценти, баъзи ишлаб чиқаришларда эса 90 проценти ва ундан ортиғи тўғри келади. Шундай қилиб, чиқитсиз технологияларни жорий этиш негизида хом ашё ресурсларидан рационал фойдаланишни бу ерда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши деб ҳисоблаш мумкин.

Афсуски, дастлабки хом ашёдан одатда битта асосий компонентни ажратиб олиш республика АСК озиқ-овқат тармоқлари аксарияти учун хос хусусиятдир. Бошқа фойдали моддалар эса «чиқитга» чиқиб кетади ҳамда норационал фойдаланилади ёки умуман фойдаланилмайди ҳам. Қайта ишланувчи хом ашё ҳажмларининг планли кўпайиши билан бирга иккиламчи ресурслар миқдори ҳам ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда улардан комплекс фойдаланиш проблемаларини ҳал қилишни тезлатиш лозим.

Ўзбекистон озиқ-овқат тармоқлари ихтиёридаги иккиламчи ресурслардан ҳозирги пайтда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, техника, медицина учун ва бошқа махсус мўлжалланган маҳсулотни олишда хом ашё сифатида, омухта емлар таркибида ёки бевосита чорвачиликда фойдаланиляпти.

Озиқ-овқат саноатининг мева консерваси, гўшт, сут, ёғ-мой, виночилик, шоли оқлаш ва бошқа баъзи бир тармоқлари иккиламчи ресурслари энг кўп тоннажли ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмоли бошқа моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш нуқтаи назаридан олганда қимматли ресурслар ҳисобланади. Буларга аввало мева данаклари, узум ва помидор уруғлари, олма ва бошқа мевалар турпи, пахта ва соя шроти ҳамда кунжараси, шоли кепаги, 2-категориядаги ичак-чавоқлар, эндокрин-фермент хом ашёси, гўшт комбинатларида мол сўйишда олинадиган ҳайвонлар қони ва суяги, ёғи олинган сут, ардоб (сариёғ олишда қоладиган чиқит), сут зардоби (творог маҳсулотлари олишдан қолувчи чиқит) киради. Ушбу иккиламчи ресурслардан камёб озиқ-овқат, фармакопеяга зарур ва техник мойлар, парҳезбоп ва шифобахш гўшт ва сут маҳсулоти янги турлари, консерва ва қандолат маҳсулоти ассортиментини кенгайтириш ҳамда бир вақтнинг ўзида бошқа республикалардан олиб келинувчи юзлаб тонна шакарни тежаш имконини берувчи ширали мева порошоклари ва пектин олиш мумкин. Иккиламчи ресурслар ҳисобига нон-булка ва хамирли қандолат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, унни тежаган ҳолда улар сифатини ошириш, шунингдек, республика чорвачилигини қимматли озуқалар билан таъминлаш мумкин буларди.

Мисол тариқасида мева консерваси, виночилик ва бошқа озиқ-овқат тармоқларидан олинадиган иккиламчи хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига Ўзбекистон ёғ-мой саноати хом ашё базасини кенгайтириш резервларини кўриб чиқайлик.

Ўрик, шафтоли, олхўри, олча ва бошқа мевалар данагини, узум ва помидор уруғини қайта ишлаш озиқ-овқат саноати учун қимматли, шунингдек, саноатнинг парфюмерия-косметика, медицина, лак-бўёқ ва бошқа тармоқларида ишлатилувчи фармакопея учун ва техник мойларни ишлаб чиқаришга имкон беради. Бундан ташқари, данаклардан озуқа кунжаралари ҳам олинади.

Ушбу хом ашёни саноат йўли билан қайта ишлашни таъминлаш мақсадида 1975 йили Қўқон ёғ-мой комбинати таркибида ихтисослаштирилган ёғ заводи қурилди. Лекин, ана шу хом ашё ҳажмлари ошганлигига қарамай бу ерга унинг фақат бир қисми қайта ишлаш учун келиб тушмоқда, натижада ёғ заводи қувватларидан ўз мақсадида фойдаланиш атиги 20—25 процентга етмоқда. Ўзбекбирлашув консерва заводларида ва Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги умумий овқатланиш корхоналарида данак тайёрлаш ва у ерга юбориш ташкил этилмаган, республика шаҳарлари аҳолисидан мева данаклари йиғиш йўлга қўйилмаган.

Таркибида 16—19 процентгача мой бўлган помидор уруғларидан мой олишда умуман фойдаланилмаяпти. Ўзбекистон мева консерваси корхоналарида қоладиган ўн минглаб тонна помидор чиқитлари асосан озуқа сифатида реализация қилинади. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, улардан ҳар йили озиқ-овқат ва косметика саноатида қўлланувчи камида 300 тонна мой олиш мумкин-ку. Помидор уруғларини қайта ишлашдан сўнг қоладиган кунжара чорвачиликнинг озуқа базасини тўлдириши мумкин.

Юқорида саналган иккиламчи мой ресурслари тайёрлашни тегишлича ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 1990 йилга бориб камида икки минг тонна камёб мой бериши мумкин, 1986 йилда эса 400 тонна шундай мой олинган эди. Зотан, бундай хом ашёнинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Масалан, анорнинг 20 процентгача мойга эга уруғлари, шоли оқлашдаги чиқит — 12—15 процент мойи бор кепакни кўрсатиш мумкин. Кепакдан бевосита омухта ем саноатида фойдаланиш, мутахассислар фикрича, рационал эмас, чунки у озуқада кислота миқдори кескин ошишига олиб келади. Республикада шоли кепагидан мой олишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жиҳатдан самарали бўлади — гуруч ишлаб чиқаришнинг ҳозирги микёсида ҳар йили камида тўрт минг тонна озиқ-овқатбоп мой олиш мумкин. Мой олингач

ундан коладиган шоли кунжараси кепакка караганда ташишга жуда чидамли ва тўйимли озука махсулоти хисобланади (шолидан мой олиш технологияси Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент политехника институти химия-технология факультетининг тармок илмий-тадкикот лабораториясида ишлаб чикиляпти)

Олма ва бошка мевалардан шарбат ва бошка махсулотлар тайёрлашдан сўнг коладиган турпдан, шунингдек, нокондицион, ташишга нокулай мевалардан колган турпдан ширадор порошоклар тайёрлаш катта иктисодий самара келтириши мумкин. Хозирги вактда меваларни, айникса олмани кайта ишлашда улардаги тўйимли моддаларнинг 50—60 процентигина ишлатилади, витаминли, аскорбин кислота ва пектин моддасига бой турплари эса молга озука бўлади, лекин кўпинча ташлаб хам юборилади. Йилига республикада камида 15—16 минг тонна олиниши мумкин бўлган ширадор порошоклардан эса кандолатчиликда ва бошка махсулотлар олишда кенг фойдаланиш мумкин. Дарвоке, Украина ССРда бу борада ижобий тажриба мавжуд. Масалан, Ворошиловград кандолат фабрикаси олма порошоги солинган конфетлар ишлаб чикаради. Бу махсулот рентабел бўлиб, ахолига манзур бўлган, 1985 йилнинг ўзидаёк фабрикада олма тўлдиргичидан фойдаланиш эвазига 64 минг сўмлик иктисодий самара олинди.

Демак, юкори сифатли мева порошоклари ишлаб чикаришнинг Украина мева консерваси корхоналарида ўзлаштирилган технологиясини Ўзбекистонда хам жорий килиш фойдали бўлади. Шу муносабат билан бир неча йил авваллрок мева консерваси заводлари кошида курилиши лойихалаштирилган мева порошоклари ишлаб чикарувчи учта цех курилишини жадаллаштириш керак бўлади. Мева порошоклари олишнинг тавсия килинаётган мукаммалрок технологиясини жорий этиш Ўзбекистон ССРнинг бошка республикалардан олиб келинувчи шакарга бўлган эхтиёжини камайтириш имконини бериши хам хисобга олиниши керак.

Олма ва бошка меваларнинг кокилари пектин олиш учун яраши, пектин эса жем, желе, мармелад, крем, морожний ва катта эхтиёж сезиладиган бошка махсулотлар учун зарурлиги факти хам катта эътиборга лойик. Молдавия ва Украинадаги мавжуд пектин заводлари барча республикаларнинг эхтиёжини кондира олмайди. Шу сабабли Ўзбекистонда хам ана шундай завод куриш вакти етди. Бу эса озик-овкат махсулоти хажмини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш хамда бир вактнинг ўзида уни ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Полиз экинлари уруғини олиш жараёнида ковун-тарвузларнинг эти ва пўчоғидан фойдаланилмаслигини хўжасизлик демасдан бошка илож йўк. Зеро, улардан шарбат, цукат ва бошка фойдали махсулотлар олиш мумкин-ку.

Гўшт-сут саноати корхоналари иккиламчи ресурслардан фойдаланиш хисобига озик-овкат махсулотлари ишлаб чикаришни кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтиришда катта резервларга эгадир. Хусусан, сўз хозиргача нафакат озик-овкат саноатида, балки кўпрок техника максадлари учун хам ишлатиладиган сўйилган мол кони ва 2-категориядаги ичак-чавоклари хусусида боряпти. Вахоланки, мамлакатдаги илғор гўшт комбинатлари, жумладан, Москва областидаги Подольск комбинати бундай хом ашёдан фойдаланган холда колбаса махсулотлари тайёрлашни ўзлаштирдиларки, бундай махсулотларга талаб катталиги яхши маълум.

Бошка компонентлардан фойдаланган холда омухта емнинг такчил минерал кисми — гўшт-суяк ва суяк кукуни сифатида кайта ишланувчи суяк гўшт саноатида кимматли иккиламчи ресурс хисобланади. Лекин республика гўшт комбинатларида керакли техника базаси йўклиги ушбу иккиламчи хом ашёни тўлик кайта ишлашга имкон бермаяпти, натижада у кисман фойдаланилмай коляпти. Бундай ахволга бархам берилса, омухта ем саноатига тобора кўпрок талаб килинаётган курук озука ишлаб чикаришни кўпайтирган бўлардик.

Сут ишлаб чикаришда иккиламчи ресурслардан фойдаланишга хам эътиборни янада ошириш лозим, чунки хозирча унинг таркибий кисмларининг факат 50—55 процентигина ишга солиняпти. Бунда хосил бўладиган обрат (сутнинг ёғи олингандан колган кисми), ардоб (айрон кисми) ва зардоб сўнгги вактларгача чикит хисобланиб келинди. Аслида эса уларда сутдаги курук моддаларнинг ярмидан то учдан икки кисмигачаси, шу жумладан, оксил, углеводлар, турли

витамин ва биологик актив моддалар мавжуд. Ҳозир ёғи олинган сутдан кефир, творог ва бошқа ёғсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Лекин бу ҳеч ҳам етарли эмас: 1985 йили олинган обрат ва ардобнинг атиги 32,4 проценти, 1986 йилда эса 30 проценти ана шу мақсадда фойдаланилди. Шундай қилиб, республика сут саноати ёғсизлантирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш учун каттагина резервларга эга, бундай маҳсулотга талаб эса ошиб бормоқда.

Сут зардобидан фойдаланишга ҳам тўхтаб ўтиш лозим. 1986 йили Ўзбекистонда олинган 93,2 минг тонна зардобдан атиги 35 минг тоннаси нон ёпиш саноатида ишлатилди, қолганлари эса молга озуқа бўлди ва бошқа мақсадларда фойдаланилди. Лекин нон ёпишда оқсил, минерал туз, витамин ва ферментларга бой сут зардобидан фойдаланиш нон-булка маҳсулотлари сифатини оширибгина қолмай, 3 процент қўшимча маҳсулот ҳам беради, яъни унни тежашга имконият яратади. Нон ёпиш саноатида зардобдан фойдаланишнинг Иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткичлари 50 процентга етиши бежиз эмас. Бундан ташқари, тадқиқотлар ва СССР ҳамда чет элдаги сут саноати илғор корхоналари практикасининг натижалари кўрсатишича, сут зардобидан сут шакари, альбумин, қуюлтирилган зардоб, оқсил-углеводли концентрат, алкоголсиз ичимликлар, ёғи олинмаган сут ўрнини босувчи маҳсулот ва озуқани силослаш учун бактериал ачитқи сингари ўндан ошиқ хилда маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Тармоқ корхоналарида чорвачилик эхтиёжлари учун қуюлтирилган ва бойитилган зардоб ҳамда ёғи олинмаган сут ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлсада, хом ашё миқдорига нисбатан олганда унинг ҳажми ҳеч ҳам етарли эмас. Шу сабабли сут заводларида тез бузилувчи янги зардобни чидамлироқ ва ташишга қулайроқ бўлган қуюлтирилган зардобга айлантиришни кенг йўлга қўйиш зарур.

Сут саноатида иккиламчи ресурслардан рационал фойдаланиш катта иқтисодий самара беришини таъкидлаш лозим. Масалан, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ардоб ва зардобни қайта ишлашга сарфланган хар бир сўм 3—3,5 сўм фойда келтиради. Конкрет мисол: бир тонна ёғсизлантирилган творог ишлаб чиқаришга 7,5 тонна ёғсиз сут сарфланади; сут етказиб берувчи хўжалик томонидан унинг реализацияси сут заводига атиги 75 сўм фойда беради, бир тонна ёғсизлантирилган творог эса тахминан 350 сўм фойда келтиради.

Ўзбекистон ёғ-мой саноатида айниқса қимматли ва кўп тоннажли иккиламчи ресурслар мавжуд. Шрот-кунжаралар, пахта шулхаси ва соапсток (ёғни тозалашдан чиққан чиқит) уларнинг асосий турларидир. Ўн биринчи беш йилликда бундай хом ашёдан 5,1 миллион тонна шрот, 4,2 миллион тонна шулха, 288 минг тонна соапсток олинди. Ҳозир шрот-кунжаралардан чорвачиликда омухта емнинг ғоят муҳим ингредиентлари сифатида, шулхадан асосан озуқа тарзида ва қисман озуқа хамиртурушлари, спирт, ксилит ва бошқа биохимик маҳсулотлар тайёрлаш учун гидролиз саноатида хом ашё сифатида фойдаланиляпти, соапсток эса совунпазликда ва қисман озуқа хамиртурушлари олишда қўлланиляпти.

Соапстокдан озуқа хамиртурушлари ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг самарадор эканлигини қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди: Янгийўл биохимия заводида бир тоннаси 940—1000 сўм турадиган балиқ ва кашалот мойларини бир тоннаси 202 сўм турадиган соапсток билан алмаштириш натижасида бир тонна озуқа хамиртурушининг таннархи, сифати ўзгармагани ҳолда, 157 сўмга камайди. Республикада соапсток ишлатиладиган озуқа хамиртурушлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўн иккинчи беш йилликда 20 минг тоннагача етказиш кўзланяпти. Бу эса охирги марра эмас.

Ўзбекистон ССР ФА Ўсимлик моддалари химияси институти олимларининг пахта шротидан озиқ-овқат оқсили олишга доир ишлари катта қизиқиш уйғотади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бир тонна пахта чигитидан ёғ ва шротдан ташқари қўшимча 60 килограмм озиқ-овқат оқсили ва бошқа қимматли маҳсулотлар олиш мумкин. Тўғри, Қўқон ёғ-мой комбинатида яқинда қурилган тажриба-саноат қурилмасида олинган озиқ-овқат оқсили ўз сифати билан ҳозирча медикларни ва озиқ-овқат саноатини қаноатлантирмаяпти. Бу ерда ишлаб чиқаришни юқори сифатли шрот билан таъминлаш, озиқ-овқат оқсили олиш технологиясини такомиллаштириш, керакли техника базасини яратишдек бир қатор проблемалар ҳануз мавжуд.

Спирт ва пиво пишириш тармоқларидаги кўп тоннажли иккиламчи ресурслар — спирт қуйқаси, пиво дробинаси, солод куртаклари, дон чиқитлари, дон котишмалари, пиво ачиткилари республика чорвачилигининг озуқа базасини кенгайтиришда муҳим резервдир.

Жамоат чорвачилигида умумий овқатланиш корхоналари ва хонадонларнинг нон ва бошқа озиқ-овқат чиқитларидан фойдаланишга жиддий эътибор берилиши керак. Ҳисоб-китоблар тасдиқлашича, ҳар бир оила бир кунда атиги 100 грамм нонни чиқитга чиқарган тақдирда ҳам (амалда эса у анча кўпроқ бўлади) Ўзбекистонда кунига тахминан 360 тонна, бир йилда эса камида 130 минг тонна дон йўқотилади. Чорвани боқиш учун нон ва озиқ-овқат чиқитларини йиғиб олиш ва улардан фойдаланишнинг яхши ташкил этилиши гўшт балансини яхшилаш ҳисобига ушбу нобудгарчилик ўрнини қоплашга имкон берадики, бошқа республикалар тажрибаси бунга яққол далил бўла олади. Жумладан, КПСС МК Сиёсий бюроси Белгород области практикасига юксак баҳо берди, бу ерда чорвачилик бир неча йиллардан бери нафақат анъанавий озуқалардан, балки озиқ-овқат, нон чиқитлари ва озиқ-овқат корхоналаридаги иккиламчи ресурслардан фойдаланиш негизида планли ривожлантириляпти. Ихтисослашган транспорт ва контейнерлар билан жиҳозланган Белгород коммунал хизмати озиқ-овқат чиқитларини йиғади (ўрта ҳисобда ҳар бир кишидан бир йилда 50—55 килограмм чиқит йиғилади). Йиғилган чиқитлар махсус заводда қайта ишланиб, талқон ва паста шаклида уй ҳайвонлари рационини анча тўлдиради. Москва, Ленинград, Киев, Минск, Рига, Ростов шаҳарлари ва мамлакатдаги бошқа бир қатор индустрия марказлари атрофида жойлашган хўжаликларда чўчқаларни боқишда ҳам нон ва озиқ-овқат чиқитларидан фойдаланиш юқори самарадорлиги билан характерланади.

Озиқ-овқат саноатининг хилма-хил иккиламчи ресурсларидан комплекс фойдаланиш технолог, химик, конструктор, биолог, медик, диетолог, экономистлар ва бошқа мутахассисларнинг ижодий фаолиятини координациялашни тақозо этувчи проблемадир. Республикамизда уни ҳал қилишнинг бугунги микёслари ва суръатлари ғоят қониқарсиздир. Бундай аҳволни яхшилаш учун, бизнингча, қуйидагича тадбирлар зарур:

— АСК озиқ-овқат тармоқлари корхоналарини мос келувчи ускуналар ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;

— кўп тоннажли иккиламчи ресурсларга доир планлаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисобот беришни улар номенклутурасини кенгайтириш билан биргаликда яхшилаш, бунда план топшириқлари кўрсаткичларини ҳажми ва ассортиментига қараб конкретлаштириш ва корхона ҳамда бирлашмалар техпромфинпланлари кўрсаткичларининг таркибий қисми сифатида қараб чиқиш керак бўлади;

— меҳнат коллективларининг чиқитсиз технологияни тезроқ ўзлаштириш ва жорий қилишдан моддий манфаатдорлигини таъминлаш. Бир тармоқнинг иккиламчи ресурслари бошқа тармоқ учун хом ашё эканлиги сабабли, республика Госагропроми доирасида иккиламчи ресурсларга доир планлаштиришни, ҳисобга олиш ва ҳисобот беришни такомиллаштириш ўзаро моддий манфаатдорликни таъминлаш билан бир қаторда облагропромлар раҳбарлари, озиқ-овқат корхона ҳамда бирлашмалари директорлари ва мутахассисларининг иккиламчи ресурсларни йиғиш ва ташишга доир план топшириқларини бажаришдаги, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликни тугатишдаги масъулиятини оширишга ҳам ёрдам беради;

— саноат йўли билан қайта ишлашга иккиламчи хом ашёнинг қўшимча турларини жалб қилиш мақсадини кўзлаб илмий тадқиқотларни интенсивлаш, чиқитсиз технологияларни жорий қилишни тезлатиш учун зарур шароитларни яратиш, бунда илғор совет ва чет эл тажрибасидан фойдаланиш;

— республика Госагропромининг озиқ-овқат тармоқлари корхоналарида олинадиган барча иккиламчи ресурслар номенклатурасини пухта инвентаризациядан ўтказиш ва истеъмолчилар доираси кенгайишини ҳисобга олган ҳолда улардан рационал фойдаланиш комплекс тадбирларини ишлаб чиқиш;

— озиқ-овқат саноати бир қатор иккиламчи ресурсларининг ҳозирги, очиқдан-очиқ пасайтирилган, улгуржи тайёрлов нархларини қайтадан кўриб

чиқиш. Мисол учун, ёғга айлантириш мақсадида мева данаклари ва узум уруғини йиғиш, бирламчи қайта ишлаш ва ташишга кетган харажатлар уларга белгиланган нархлардан анча юқоридир. Ёки, ҳазм қилдирувчи протеини жиҳатидан арпа, сули, жўхори каби озуқа экинларидан 3—4 баравар устун турувчи шротнинг улгуржи баҳоси уларникидан анчагина пастдир. Бошқа иккиламчи ресурсларда ҳам шундай аҳволни кўрамиз. Янги нархлар иккиламчи ресурслар рентабеллигини ҳамда етказиб берувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам улардан рационал фойдаланишдан манфаатдорлиги таъминлаши керак. Иккиламчи ресурсларга нарх белгилашни такомиллаштириш республика озиқ-овқат саноати корхоналарининг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишида муҳим омил бўлади.

Иккиламчи ресурслардан комплекс фойдаланиш проблемаларини ҳал этишда иштирок этишларини активлаштириш мақсадида озиқ-овқат корхоналари, бирлашмалари, илмий-тадқиқот муассасалари ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва тарбиявий ишни ҳам кучайтириш зарур. Тегишли олий ўқув юртлари ва техникумлар ўқув программаларида шуларга боғлиқ технологик ва иқтисодий масалалар комплексини кенгроқ ва конкретроқ акс эттириш керак бўлади. Ушбу муҳим ишда тажриба, фикр алмашиниш, тавсиялар ишлаб чиқиш учун республикалараро илмий-ишлаб чиқариш конференциялари ўтказиш фойдадан холи бўлмас эди.

Озиқ-овқат ва озуқа тармоқларида иккиламчи ресурслардан комплекс фойдаланиш проблемаларини муваффақиятли ҳал этиш кўп даражада хўжалик ва партия раҳбарларининг бу ишга қандай муносабатда бўлишига боғлиқ бўлгани учун улар томонидан ҳали мавжуд бўлган етарли баҳо бермаслик кайфиятига барҳам бериш жуда муҳимдир.

Илгари сурилган таклифларни амалга ошириш Озиқ-овқат программасини бажаришга ёрдам беради, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли бошқа моллари, чорвачилик учун озуқанинг ҳажмини кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш Ўзбекистон агросаноат комплексининг иқтисодий самарадорлик даражасини ошириш имконини беради.

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Шаҳар ва район партия комитетлари қайта қуриш йўлларида

ПАРТИЯВИЙ ИШ ФОРМА ВА МЕТОДЛАРИНИ ЯНГИЛАЙЛИК, ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Н. ЕМЕЛЬЯНОВ,

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар Қуйбишев район комитетининг биринчи секретари

ҚАЙТА ҚУРИШ ҳаётимиздан бутун партия, бутун халқ иши сифатида ўрин олди. Унда кўзланган режаларни амалга ошириш учун ҳар куни зўр ғайрат-шижоат билан амалий иш қилинмоқда.

Қайта қуришнинг қай даражада бориши район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Уларга — КПСС XXVII съезди йўл-йўриқларининг амалда бажарилишини ташкил этувчиларга белгиланган мақсадларга эришиш учун кишиларни сафарбар этиш вазифаси юклатилган. Шу сабабли ҳам тўпланган тажрибани ўрганиш, уни оператив равишда умумлаштириш, бунда қайта қуриш давомида туғилган хилма-хил тажрибанинг янги зарраларини ажратиб кўрсатиш, ундан партия ташкилотларини баҳраманд этиш фойдалидир. Айни бир вақтда КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференциясига тайёргарлик кўриш даврида партия ички турмушини расмиятчиликдан, бюрократизмдан — хуллас, ленинча нормаларга мос келмайдиган барча нарсалардан қатъий тозалаш учун партия ички турмушининг ҳамма томонини чуқур анализ қилиш керак.

Қуйбишев районидаги партия ташкилотларида ҳозирги кунда уларнинг тобора чуқурлашаётган демократия, туб иқтисодий ислоҳот шароитида ўйнайдиган роли янада теранроқ идрок этиляпти. «Шунчаки қисташ, шунчаки буйруқ бериш, шунчаки ҳаммани райкомга судраш — бу ҳам метод эмас...» — деб таъкидлади партия Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1987 йил ноябрида КПСС МКда бўлган кенгашда.

Айтиш мумкинки, район партия комитети ўз ролини янада чуқур тушунишда аллақачон дастлабки қадамларни қўйди. КПСС МК апрель (1985 йил) Пленумидан кейин қанчалик кўп вақт ўтган сайин, эскилик ўз позицияларидан осонликча воз кечмаслиги шунчалик яққол кўриниб қолмоқда. Янгиликка қарши туриш инерцияси корхоналарда ҳам, айрим илмий-тадқиқот институтларида ҳам ҳозирча у ёки бу тарзда кўзга ташланади. Унинг айрим белгилари партия комитетлари ва бюроларида ҳам намоён бўлмоқда.

Қайта қуришни биз ўзимиздан бошладик. Район партия комитети пленумларини, бюро мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишни яхшилаш учун жуда кўп иш қилинди.

Бюро аъзолари бутун диққат-эътиборларини кўпроқ одамлар билан бевосита жойларнинг ўзида, меҳнат коллективларида иш олиб боришга қаратмоқдалар. Мажлис олдидан бюро аъзолари бошланғич партия ташкилотларига борадилар, актив билан суҳбатлашадилар, бўлимларнинг масалани ўрганиш юзасидан тайёрлаган хатлари билан танишиб чиқадилар, зеро уларда проблемалар, нуқсон ва камчиликлар аниқ акс этган бўлиб, бу айрим раҳбарларнинг ҳисобот вақтида ишчанроқ бўлиб кўринишларига, қарорларни ишлаб чиқишда эса — ҳақиқий аҳволни безаб кўрсатишларига имкон бермайди.

Ишлар аҳволини янада чуқурроқ ўрганишнинг янги методлари практикага сингиб бормоқда. Масалан, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия

комитети кейинги пайтларда раҳбар кадрларга бўлган талабчанликни бўшаштириб юборди, коллектив илгарилари эгаллаган позицияларини йўқота бошлади. Бундай орқага кетиш сабабларини ўрганишга қарор қилдик. Район партия комитетининг секретарлари меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари билан учрашдилар. Очиқчасига гаплашиб олинди. Қейинроқ цех партия ташкилотлари секретарлари, цех бошлиқлари, бош мутахассислар билан суҳбатлашилди. Бундан ташқари, кичик бир фильм суратга олинди, унда корхонадаги хўжасизлик фактлари акс этди. Видеокассета қўшимча материал бўлиб хизмат қилди, бирлашманинг бош заводи тўғрисида янада тўлақонли маълумот олишга ёрдам берди.

Ишлар аҳволи ҳар томонлама чуқур ўрганилгандан кейин масала район партия комитети бюроси муҳокамасига қўйилди. Қабул қилинган қарор заводнинг кўп тиражли газетасида эълон қилинди.

СССР Электротехника саноати министрлиги раҳбарларининг ўзларига қарашли бирлашма ишига бепарво қарашлари бизни ажаблантиради. Тармоқнинг энг етакчи корхоналаридан бири — «Средазкабель» да кам унумли, маънавий эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секин амалга оширилмоқда. 1988 йилда ҳам бу аҳвол яхшиланадиганга ўхшамайди. Министрлик раҳбарлари ўз аппаратига талабни оширар деб умид қиламиз, чунки бу ерда гап йирик меҳнат коллективининг талаб ва эҳтиёжларига жиндек бўлса ҳам эътибор бериш тўғрисида кетяпти.

Яқинда райком бюроси Тошкент лак-бўёқ заводидаги ишлар аҳволини кўриб чиқди. Биз фақат статистика маълумотлари ва аппарат ходимлари тайёрлаган справкаларга асосланиб баҳо беришдан ҳамда хулосалар чиқаришдан қочишга ҳаракат қилдик. Асосий эътибор корхона ишчилари, оддий коммунистлар, партия активининг фикр-мулоҳазаларини билишга қаратилди. Район партия комитетига аввало заводнинг партия ва меҳнат ветеранлари таклиф қилинди. Бир пиёла чой устидаги самимий суҳбат давомида Е. Точилин, А. Раҳматуллаев, А. Крикоров, Л. Литвиненко, Д. Собитов, Н. Шаповалов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Суҳбатдан маълум бўлдики, заводда меҳнат ва технология интизоми бўшаштириб юборилган, ёш ишчилар ўз билимларини оширишга интилмайдилар, хўжаликни юритишнинг иқтисодий методларини ўргатиш паст даражада, давлат қабули шароитида ишлашга тайёргарлик ниҳоятда суст олиб борилмоқда. Завод раҳбарлари Ф. Т. Мирзаев, И. Б. Парижер шаънига ҳам танқидий гаплар айтилди: улар ишчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига кам эътибор берадилар, ветеранларнинг бой тажрибасидан доимо ҳам ўринли фойдаланишмайди.

Одамлар билан жонли мулоқот заводнинг ўзида давом этди. Район партия комитетининг биринчи секретари хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар билан учрашди. Райкомнинг иккинчи секретари Ш. Т. Нусратов сайлаб қўйиладиган партия активи билан суҳбатлашди. Бюро аъзоларининг ҳаммаси цехлардаги ва завод хизматларидаги ишлар аҳволи билан танишишди.

Лекин масалани тайёрлаш бу билан чекланиб қолмади: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бир гуруҳ етакчи олимларининг лак-бўёқ ишлаб чиқариш технологияси билан танишиши ташкил этилди. Улар ўз таклиф-мулоҳазаларини айтдилар ва лаклар сифатини яхшилаш масаласини шартнома асосида ҳал этишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Фанни ишлаб чиқариш билан қўшиш учун реал имконият туғилди.

Шундай қилиб, биз кўп жиҳатдан сира кутилмаган жуда кенг ахборотга эга бўлдик. Масалан, заводда сўраб чиқилганларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ўзларини корхона хўжайини деб ҳисобламайди, улар раҳбарлар ҳамон кўпинча бошқаришнинг буйруқ-қисташ услубидан фойдаланмоқдалар, иш самарадорлигини оширишга фақат моддий стимуллар ҳисобига эришишга интилмоқдалар, деб айтишди. Айни вақтда суҳбат шуни кўрсатдики, меҳнатчиларнинг анчаси ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишнинг асл моҳиятини тушунмайдилар, ишда нимани ўзгартириш кераклигини билишмайди, лекин маошдан ҳеч ким сиқмаслигига уларнинг ишончи комил.

Ишлар аҳволи билан жойларнинг ўзида танишиш бюро аъзоларига анча таъсирчан қарорлар қабул қилишга имкон берди.

Район партия комитети бюроси номенклатурадаги кадрлар билан ишлашда уларга бериладиган характеристикаларни тасдиқлашдек янги формани ўз иш практикасига киритди, улар кўриб чиқиш учун райкомга мунтазам юбориб турилади. Бунда биз характеристикаларнинг аналитик бўлишини, уларда одамнинг ҳам ижобий, кучли, ҳам ожиз томонлари тўла-тўкис акс этишини талаб қиламиз. Сўнгра бюро характеристика берилган одамга билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларга мувофиқ равишда ўз шахсий комплекс планини тузиб чиқишни топширади.

Бюро мажлисларини ўтказиш регламентида ҳам ўзгаришлар бўлди. Масалан, пландаги масалалар, илгаригидек ойига икки марта эмас, бир марта қўйилади. Лекин тайёргарлик даврида у ёки бу корхона партия ташкилоти, маъмуриятининг барча йўналишлар бўйича фаолияти комплекс ўрганиб чиқилади. Натижада асосий масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорлар сони 20 процентга камайди.

Район партия комитети пленумлари ҳам илгаригига қараганда кўп жиҳатдан бошқачароқ тайёрланяпти ва ўтказиляпти. Сайлаб қўйиладиган партия активи, олимларнинг катта бир гуруҳи иштирокида олдиндан ўтказиладиган социологик тадқиқотлар, шунингдек пленум иштирокчиларининг бошланғич партия ташкилотларига боришлари, у ерда қайта қуришнинг қандай бораётганлиги билан танишишлари жуда ҳам фойдали бўляпти. Ана шу мақсадларда аниқланган камчиликлар тўғрисида фильмлар олиниб, улар пленум бошланиши олдидан сайлаб қўйиладиган активга кўрсатилади.

Район партия комитетининг навбатдаги пленумида иқтисод ва тежамкорлик учун, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш учун курашга меҳнат коллективларини сафарбар этиш борасида партия ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ишлаб чиқаришнинг ярокли чиқитларидан фойдаланишдаги камчиликларни кўрсатишга қарор қилинди. Район партия комитетининг фан-техника тараққиёти кабинетида район корхоналари ва ташкилотларида мавжуд бўлган чиқитлар намуналари намойиш қилинди. Пленум қатнашчилари, мутахассислар у ёки бу материалдан қаерда ва қандай фойдаланиш хусусида фикр алмашиндилар. Бу эса чиқитлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини берди.

Шунингдек, «Куйбишев райони XII беш йилликда: вазифалар ва проблемалар» мавзуида катта кўргазма ташкил этилди. Унда район индустриясининг маҳсулотлари — тракторлар ва экскаваторлар, кабель ва лак-бўёқ буюмлари, пахта тозалаш техникаси ва юк кўтариш механизмлари, автоматика воситалари намойиш қилинди. Экспонатлар район олимлари ўрганаётган проблемалар тўғрисида ҳам ҳикоя қилади. Стендлар, диаграммалар индустриянинг истиқболлари билан таништирди. Кўргазма фақат эришилган ютуқлар, муваффақиятларнигина эмас, шунингдек, камчилик ва хатолар, бой берилган миллионлар ҳамда олинмаган тонналар, район корхоналарида ишлаб чиқарилаётган эскирган маҳсулотларни ҳам акс эттирди.

Бу, шубҳасиз, пленум кун тартибидаги масалани янада чуқурроқ муҳокама қилишга, қимматли таклифларнинг тушишига, пухта ўйланган қарорлар ишлаб чиқишга ёрдам берди.

«Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари партия ташкилотларининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш борасидаги иши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилган бошқа пленумга тайёргарлик кўрар экан, район партия комитети бюроси доклад тезисларини коммунистларнинг: олимлар, халқ хўжалиги мутахассисларининг кенг муҳокамасига қўйишга қарор қилди. Бунинг учун тўртта кустовой партия мажлиси ўтказилиб, уларда район партия комитети секретарлари, бюро аъзолари доклад қилдилар. Музокаралар давомида коммунистлар 50 дан ортиқ таклиф киритдилар ва танқидий фикрлар айтдиларки, улар доклад мазмунини анча бойитиш ва пухта ўйланган қарор қабул қилишга имкон берди. Улар шунингдек район партия комитети секретарлари ва бўлимлари шаънига ҳам ўринли танқидий фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Бундан ташқари, социологик тадқиқотлар ўтказилди, бир қатор партия ташкилотларининг иши ўрганилди. Бевосита пленум олдидан фан-техника тараққиёти кабинетида пленум қатнашчи-

лари янги приборлар, институтлар ишини характерловчи диаграмма ва жадваллар билан танишдилар, хўжасизлик фактлари тўғрисидаги фотосуратларни кўрдилар.

Пленумга кенг тайёргарлик кўриш, доклад лойиҳаларини ошкора муҳокама қилиш партия ташкилотлари ишини жонлантиришга, олимлар ва мутахассисларнинг активлигини оширишга ёрдам берди.

Тошкент экскаватор заводида Куйбишев район партия комитетининг сайёр пленуми бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари райком аъзоси, экскаватор заводининг директори А. Н. Сумбулов ва райком аъзолигига кандидат, ўша вақтда «Узгипроавтодор» институти директори бўлган Р. В. Набиевларнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга шахсан ўзлари қандай ҳисса қўшганликлари ҳақидаги ҳисоботларини эшитишди. Пленум арафасида иккала партия ташкилотида район партия комитети аъзолари бўлишиб, ҳисобот берадиган коммунистларнинг ишлари билан танишдилар. Пленумга завод ва институт коллективларининг вакиллари таклиф қилинди.

Ҳисоботлар якуни бўйича қарор қабул қилинди, А. Сумбулов билан Р. Набиев характеристикалари тасдиқланди. Уларга шахсий фаолиятларидаги пленум кўрсатиб ўтган камчиликларни йўқотиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилиш топширилди.

Қайта қуришни жадаллаштириш ва кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш бўйича район партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилган район партия комитети пленумига тайёргарлик ўзига хос бир тарзда олиб борилди. Райондаги барча партия ташкилотлари секретарлари, шунингдек айрим корхоналар ва ташкилотларнинг ўрта бўғин раҳбарлари ўртасида социологик тадқиқот ўтказилди. Фан, маориф, соғлиқни сақлаш, саноат, маъмурий органлар ходимлари билан 7 та «давра суҳбати» ўтказилди. Пленумгача райком аъзолари танишиш учун доклад тезисларини олдилар. Бундан ташқари, уларга бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, уларда кадрлар билан ишлаш қандай йўлга қўйилгани билан танишиш таклиф этилди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари секретарларидан: «Қайта қуриш бўйича ўз фаолиятингизни қандай баҳолайсиз» деган мавзуда бирма-бир сўраб чиқилди.

«Район партия ташкилоти пленуми минбарига» деган туркумда навбатдаги видеофильм тайёрланди. У ишлаб чиқаришни ташкил этиш, корхоналарда нормал меҳнат шароитини яратиб бериш борасидаги камчиликлар тўғрисида ҳикоя қилди. Райком қошидаги фан-техника тараққиётига ёрдам бериш Кенгашининг қарорига мувофиқ мактаб ўқувчиларига информатика асосларини ўргатиш бўйича кўчма синф ташкил этилди ва у ишлаб турибди, унинг иши пленум қатнашчиларига намойиш қилинди. Биз, шунингдек, автотранспорт ҳайдовчиларига хизмат қилиш учун мўлжалланган ва автобус базасида монтаж қилинган кўчма «Куйбишевец» экспресс-кафесини ҳам кўрсатдик.

Пленумга бундай пухта тайёрланиш, кўпчиликнинг кучи билан тўпланган бой аналитик материал пленумда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни такомиллаштириш йўллари тўғрисида батафсил гаплашиб олишга, самарали қарорлар қабул қилишга имкон берди.

Район партия комитети ва унинг бюроси ишидаги янги форма ҳамда методлар меҳнат коллективлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга бошланғич партия ташкилотларининг янгича ёндашувларига ҳам ёрдам берди. Бунинг натижасида районда корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш бўйича ишлар кўлами кенгаймоқда, илмий ва кадрлар потенциалидан тўлароқ фойдаланилмоқда. Беш йилликнинг икки йили ичида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 9 процентга ошди, уй-жой қуриш плани ошириб бажарилди (ҳаммаси бўлиб 250 минг квадрат метр уй-жой топширилди). Янги уйларга кўчиб кириш ўтган йилнинг ўзидагина 1986 йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўп бўлди. Халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш 21 процент кўпайди. Олий категориядаги сифатли маҳсулотнинг умумий ҳажмдаги салмоғи 20,1 процентни ташкил этди.

Шу билан бирга партиявий таъсир резервлари ҳали жуда ҳам кўп. Чунончи, партия мажлислари ҳамма жойда ҳам коммунистларни тарбиялаш мактабига айлангани йўқ, баъзи жойларда улар олдиндан тайёрлаб қўйилган сценарийлар бўйича ўтказилади. Бундай мажлисларда манфаатдорлик билан фикр алмашувлар, амалий танқид, ўз-ўзини танқид бўлмайди. Докладлар ҳам, чиқишлар

ҳам адрессиз, юзаки бўлади. Буни яхши билувчи сайлаб қўйиладиган органлар — партбюро, парткомлар доимо ҳам юксак талабчанлик намунасини кўрсатмайдилар, баъзида кескин жойларни силлиқлашга уринадилар. Бир мисолни келтираман.

«Ташавтоматика» заводи партия бюроси мажлиси муҳокама этилаётган масаланинг долзарблиги жиҳатидан принципиаллик учун бир имтиҳон бўлиши керак эди. Буни юз берган вазиятнинг фавқулоддалилиги тақозо этарди — заводда қўшиб ёзиш фактлари очиб ташланган эди. Лекин партия бюроси аъзолари бир-бирларини ёқлай бошладилар. Район партия комитетининг бу ишга аралашишига, уларнинг хатоларини кўрсатишига тўғри келди. Партия мажлисида секретарь А. Мартиненко, унинг ўринбосарлари И. Игнатенко билан Г. Кузьменколарни партбюро составидан чиқаришга қарор қилинди. Бош инженер М. Степанченко партиявий жазо билан вазифасидан бўшатилди, завод директори И. Волошин партиядан ўчирилди. Партия бюроси сафига янги одамлар киритилди. Ҳозир коллектив ўз ишини анча яхшилаб олди, планларни бажаряпти, меҳнат унумдорлиги ошди. Бу — қайта қуриш шахдам одим ташламоқда деган сўз.

Қайта қуриш бугунги кунда бошланғич партия ташкилотлари секретарлари олдига янги, оширилган талаблар қўймоқда. Уларнинг вазифалари янада хилма-хил бўлиб қолди, эндиликда кенг билимларсиз, ўз устида муттасил ишламасдан юзага келадиган проблемаларни ҳал қилиб бўлмайди. Шу билан бирга секретарь ўзининг хизмат вазифасини ҳам унутмаслиги керак. Қолаверса, у ўз вазифаларини бошқалардан аълороқ қилиб бажариши керак.

Партия ташкилоти секретарлари зиммасига ҳозирги кунда кўп вазифаларнинг юклатилиши — бу қонуний ва муқаррар жараёндир. Шу билан бирга улар партиявий ишни шахсий вақти ҳисобига ёки иш графигини тиғизлаштириш йўли билан бажарадики, бу кўпинча уларнинг ўз асосий ишига зарар келтиради. Фикримизча, қуйи бўғин раҳбарлари учун янада қулайроқ шароит яратиш зарур бўлиб қолди. Мана бизнинг районни олайлик. Бу ерда 315 бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларда салкам 15 минг коммунист бор, асосий ишдан озод қилинган секретарлар эса атиги 12 та. Бу кам, албатта. Менимча, асосий ишидан озод қилинмаган секретарлар учун ҳар ойда бир кунни фақат партиявий иш учун ажратиб бериш лозим, бу кун учун иш ҳақини эса меҳнат коллективининг розилиги билан корхона ҳисобидан тўлаш керак.

Камсонли бошланғич партия ташкилотлари районда ҳамма партия ташкилотларининг ярмидан кўпини ташкил этади. Улар мактабларда, соғликни сақлаш, савдо, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида иш олиб боради. Қайта қуриш ишига партиявий таъсирни кучайтириш йўлларини айни шу ерда пухтароқ ишлаб чиқиш керак. Анализ шуни кўрсатадики, камсонли партия ташкилотларида қайта қуриш суст, ташаббуссиз бормоқда. Партия мажлислари, одатда, бир киши — бошланғич партия ташкилоти секретари томонидан шоша-пиша тайёрланади. Муҳокамага коммунистларни тўлқинлантирмайдиган жўн масалалар қўйилади, «штатдаги нотиқлар» сўзга чиқади, ўшанда ҳам асосан хўжалик масалалари юзасидан гапиришади.

Бундай партия ташкилотларида коммунистларнинг мажлислари камида уч ойда бир марта ўтказилишини, коллективдаги жонли ташкилотчилик, сиёсий иш асосий иш бўлиб қолишини қоидага айлантириш лозим. Унинг ишини мажлиснинг ҳар ойда, ўз вақтида ўтказиб турилганига қараб эмас, балки пировард натижаларга қараб баҳолаш керак.

Яна шуни ҳам айтиб ўтишни истар эдикки, партия комитети аппарати ишига замонавий техникани жорий этиш зарур бўлиб қолди. Район партия комитети — сиёсий штаб фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни зўр бериб тарғиб қилади, бошқаларни шунга илҳомлантиради, лекин ўзи эса зарур асбоб-ускуналарга эга эмас. Маълумки, у ёки бу масалани пленумга ёхуд райком бюроси мажлисига тайёрлаш вақтида жуда кўп маълумотларни тўплаш ҳамда уларни анализ қилишга тўғри келади. Бизнингча, буларнинг ҳаммасини ЭҲМ зиммасига юклаш керак, биз «маълумотлар банки»га эга бўлишимиз керак. Бизда компьютерлар, дисплейлар, алоқанинг замонавий воситалари бўлиши лозим, улар техник ишлардан озод қилади, майда-чуйда ишлардан қутулишга ёрдам беради, чуқур анализ ва чинакам ижодий қарорлар қабул қилиш учун шароит яратади.

Бизнингча, бу ишда қатъий ўзгаришлар қилиш зарур. Жумладан, партия бюджети тақсимотини қайта кўриб чиқиш ва зарур маблағларни ана шу мақсадларга сарф қилса бўлади.

Партия ва жамият ҳаётининг демократиялашуви бугунги воқелигимизнинг энг муҳим, ҳойнаҳой, энг ёрқин белгиларидан биридир.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетига секретарь сайланганда, айтиш мумкинки, ҳар бир коммунистнинг фикри ҳисобга олинди. Бунга сабаб, бирлашмада уй-жой тақсимлашда жиддий камчиликлар очиб ташланганди, натижада парткомнинг олдинги секретари вазифасидан озод этилди. Бирлашма партия активи мажлиси секретарь ва партком составидан чиқариб юборилганлар ўрнига киритиладиган янги аъзолар учун номзодлар танлаш ишининг бошланиши бўлди, ўша мажлисда энг обрўли олти коммунистнинг номзоди кўрсатилди. Улар ҳақидаги фикрларни аниқлаш учун партия ташкилотида анкета сўрови ўтказилди. Бу ишга завод кўптиражли газетаси ҳам қўшилиб, олти номзоднинг суратини ва таржимаи ҳолига доир маълумотларни босиб чиқарди. Шундай қилиб, конференция ўтказиладиган вақтга келиб, улар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлинди. Лекин конференция давомида улардан иккитаси ўз номзодларини олиб ташлашларини сўрашди, яна бир номзод сайлов рўйхатидан олиб ташланди, яна бири эса шу вақтга келиб партком аъзоси бўлган эди. Конференция делегатлари яширин овоз бериш учун рўйхатга қўшимча тўрт номзодни киритишди, улар олдинги икки киши билан бирга партком составига сайланишди. Парткомнинг биринчи ташкилий мажлиси шу ерда, конференция қатнашчиларининг иштирокида ўтди. Унда В. И. Будилин бир овоздан партком секретари қилиб сайланди, унинг номзоди энг аввал кўрсатилган бўлиб, анкета сўрови давомида энг кўп овоз олган эди. В. И. Будилин авваллари шу бирлашма ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган эди.

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясига ректор сайлаш вақтидаги демократизм ва кенг ошкоралик кадрлар хусусидаги кескин масалани объектив ҳал этишга ва айни бир вақтда бу ўқув юртидаги маънавий-психологик иқлимни анча яхшилашга имкон берди. Бу ерда ҳам район партия комитетининг тавсиясига кўра анкета сўрови ўтказилди, унда олий ўқув юртининг ҳар бир ходими ректорлик лавозимига кўрсатилган номзодга ўз муносабатини билдириши мумкин эди. Бу номзодлар «четдан келган» одамлар эмасди. Уларнинг ижодий имкониятлари, педагогик малакаси, ташкилотчилик қобилиятлари, шахсий фазилатлари ҳаммага яхши маълум эди. Номзодлар А. Абдуқаюмов — Ўзбекистон ССР халқ артисти, профессор, опера тайёргарлиги кафедрасининг мудири, О. Матёқубов — санъатшунослик кандидати, доцент, О. Юнусова — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, профессор, кафедра мудири эди.

О. Юнусова фикр-мулоҳазаларини тўғри, самимий изҳор этиши билан эътиборни тортди, у тилёғламалик қилмади, залдагиларга бугун қилиб бўлмайдиган ишни бажараман деб ваъда бериб ўтирмади, ўз программаси ҳақида реал вазиятдан келиб чиқиб гапирди. О. Ю. Юнусова программасини мутлақ кўпчилик қувватлади.

Шуниси диққатга сазоворки, ўз коллективлари ёки партия ташкилотлари томонидан раҳбарлик лавозимига сайланган ўртоқларнинг ҳаммаси ижодий, ташаббус кўрсатиб, юксак масъулият билан ишламоқдалар. Бу — ошкоралик, кадр масалаларини демократик тарзда ҳал қилиш йўлининг тўғрилигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Ўйлайманки, партия комитетлари секретарларини демократик йўл билан ошкора сайлаш проблемаси Бутуниттифоқ партия конференцияси қатнашчиларининг ҳам диққат-эътиборидан четда қолмайди. Менинг назаримда, партия комитетларининг биринчи секретарлари, одатда, бир неча номзодлар ичидан яширин овоз бериш йўли билан сайланиши керак.

Партия ташкилотларининг бурчи — демократия доирасини кенгайтириш, ҳар бир кишида ўз корхонаси, ўз мамлакати хўжайини туйғусини тарбиялашдир. Ана шунда қайта қуриш ҳам тез суръатлар билан боради.

СОВЕТ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ

У. ЧОРИЕРОВ,
юридик фанлар доктори

ҲАР БИР ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКА — бу аҳолининг кўпчилигини ташкил этадиган у ёки бу миллатнинг совет давлат тузумидир, республика шу миллат номи билан аталади. Шу билан бирга бундай республика кўп миллатли бўлиб, СССРдаги миллий муносабатлар характерини акс эттирадиган чукур интернационал табиат касб этади.

КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленумида мамлакатимизда Совет ҳокимияти йилларида миллий масалани ҳал этиш соҳасида эришилган тарихий муваффакиятлар тўғрисида гапирилди, миллий муносабатларнинг ҳозирги босқичдаги аҳволи анализ қилинди, барча миллатларга мансуб совет кишиларида, аввало ёшларда энг олижаноб туйғулар — интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғуларини камол топтириш вазифаси қўйилди. Демократия ва ўз-ўзини бошкариш кенгайтирилаётган, барча миллат ва элатларнинг миллий ўзлигини англаши тез ўсиб бораётган, интернационаллашув жараёнлари чуқурлашаётган ҳозирги шароитда вужудга келаётган масалаларни имкони бўлган бирдан-бир негизда, ҳар бир миллат ва элатнинг равнақ топиши манфаатларини кўзлаб, уларнинг ўзаро яқинлашуви манфаатларини, бутун жамиятнинг манфаатларини кўзлаб, ўз вақтида ва одилона ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Пленум назарий тафаккурнинг миллий муносабатлар практикаси олдида катта қарздор бўлиб қолаётганлигини, миллий сиёсат масалалари мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичига мувофиқ тарзда мутлақо етарлича ишлаб чиқилмаётганлигини қайд қилди. Пленумда партиянинг миллий масалага оид йўлининг мустаҳкам ленинча анъаналарга асосланиши, бу анъаналарни қатъиян ва принципиал тарзда ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги аниқ-равшан таъкидланди.

Социализмнинг табиати, ҳақиқий халқ ҳокимиятининг моҳияти, ленинча миллий сиёсат ва тинч ташқи сиёсат йўли билан белгиланадиган Совет давлатининг интернационализми — бу бизнинг социалистик жамиятимиз демократизмининг ғоят муҳим белгисидир. Пролетар давлати ўзининг тарихий вазифасини бажариб, умумхалқ давлатига — социализмни такомиллаштириш ва унинг ғалабаларини ҳимоя қилиш қуролига айланган ҳозирги пайтда унинг аҳамияти айникса ўсиб бормокда. Интернационализм СССРнинг миллий-давлат тузилишида, мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг дўстлиги ва ҳамкорлигида акс этади. Бу омил Совет давлатини мустаҳкамлаш, республикаларнинг ҳар томонлама ривожланиши, ҳар бир миллат ва элатнинг гуллаб-яшнаши ва уларнинг янада яқинлашиши учун ниҳоятда муҳим омилдир. КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида, совет халқларининг дўстлиги жаҳон тарихида ноёб ҳодиса бўлиб, Совет давлати куч-қудрати ва мустаҳкамлигининг асосий таянчларидан биридир, деб таъкидлади.

Совет давлат қурилишидаги социалистик интернационализм Қ. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ҳар томонлама асосланган пролетар интернационализми-

нинг мазмунини жиддий кенгайтирди ва бойитди. Пролетар интернационализми турли миллатлар ва ирқлар меҳнаткашларининг халқаро бирдамлиги сифатида вужудга келди. У пролетариатнинг дўстликка, қардошликка ва меҳнат кишилари-ни социал ҳамда миллий зулмдан халос қилиш учун, эксплуатациядан озод бўлган жамият яратиш учун курашда бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашга бўлган интилишини акс эттирар эди. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган чақириқ ҳам шу тарзда вужудга келган.

ССР Иттифоқининг ташкил топиши билан унга кирадиган республикалар муносабатлари социалистик интернационализм негизида таркиб топди, социалистик интернационализм турли миллатлар ва элатларнинг, ҳатто иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар доирасидаги улар вакилларининг ўзаро муносабатларини акс эттиради, бундай республикалар, областлар ва округлар ташкил этилишининг ўзи жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир. Улар территориясида социалистик интернационализм миллатлар ва элатларнинг дўстлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами негизида вужудга келади ва ривожланади. Октябрь революциясидан кейин ҳамма республикаларда улар аҳолисининг иқтисодий, социал-маданий, сиёсий манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш учун жуда кўп иш қилинди. Марказдаги ва жойлардаги Совет ҳокимияти вужудга келган пайтидан бошлаб состави, структураси ва амал қилишига кўра интернационал характерга эгадир.

Ҳозир, социалистик жамиятни такомиллаштириш босқичида бутун мамлакатда, шу жумладан ҳар бир иттифоқдош республикада ижтимоий, шахсий ва давлат ҳаётининг турли томонларини интернационаллаштириш жараёни изчиллик билан чуқурлаштирилмоқда. Бу жараён шунингдек социалистик демократияни янада авж олдириш ва такомиллаштиришга, КПССнинг давлат қурилиши соҳасидаги ленинча миллий программасини оғишмай амалга оширишга қаратилгандир.

Маълумки, иттифоқдош республикалар тобора кўп миллатли бўлиб бормоқда. Ана шу шароитда миллий-давлат қурилишида интернационализм принципини янада ривожлантириш совет давлат тузумини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, иқтисодий ва социал тараққиётни жадаллаштиришда, совет демократиясини кенгайтиришда, совет кишиларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги активлигини юксалтиришда унинг ролини ошириш учун алоҳида аҳамият касб этади. КПСС МКнинг январь Пленуми ҳам ана шуни таъкидлади: «Ленин талаблари руҳида, XXVII съезд йўл-йўриқлари руҳида, партия, давлат, хўжалик органларида, шу жумладан, Иттифоқ даражасида мамлакатнинг барча миллат ва элатларидан вакиллар бўлиши, раҳбар кадрларнинг состави унинг миллий структурасини ғоят тўла-тўкис акс эттириши йўлини қатъият билан ўтказиш зарур».

1978 йилги Ўзбекистон ССР Конституцияси мисолида иттифоқдош республика давлат тузуми интернационализмининг ҳуқуқий асосларини қисқача кўриб чиқамиз. Унда СССР Конституциясига мувофиқ равишда СССР составида мустақил социалистик давлат ва унинг органларининг шаклланиши ва амал қилишида миллатлар, элатлар ва гражданлар тенг ҳуқуқлилигининг асосий интернационал принциплари белгилаб қўйилган.

Конституцион нормаларнинг бир группаси Ўзбекистон ССР территориясида яшайдиган миллатлар ва элатларнинг социал-сиёсий, ғоявий бирлиги ва тенг ҳуқуқлигини, унинг социалистик давлат ҳокимиятининг умумхалқ, интернационал характерини батафсил ва аниқ белгилаб беради. Республиканинг 1978 йилги Конституциясида «Ўзбекистон ССР халқи» тушунчасининг қонуний асосда тасдиқланганлиги интернационал мазмунга эга, Ўзбекистон ССР халқи совет кишиларининг янги тарихий бирлиги сифатида вужудга келди ва ҳозирги пайтда республикамизда нафақат ўзбекларни, шу билан бирга 100дан зиёд бошқа миллат ва элатлар вакилларини ҳам бирлаштиради. Мазкур конституцион терминнинг қўлланилиши жамиятимиз интернационаллашувининг мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг анча яқинлашувига, уларнинг юридик жиҳатдан ва амалдаги тенг ҳуқуқлилигига эришилган янги даврга қадам қўйилганлигини англатади. Шуни ҳисобга олиб, иттифоқдош республикадаги бутун давлат ҳокимияти нафақат асосий миллатники, балки унинг бутун халқиники эканлигини таъкидлаш мумкин. Мазкур қоида республика Конституциясининг 2-моддасида

шундай қайд қилинган: «Ўзбекистон ССРда бутун ҳокимият халқникидир». Асосий Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари кўплаб миллатлар ва элатлар вакилларидан иборат бўлган халқ олдида ҳисоб бериб туради.

Албатта, Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши, ривожланиши ва амал қилишининг ўзи фақат ўзбек миллатининг мавжудлиги билан боғлиқдир. У эркин тарзда ўз тақдирини белгилаш натижасида, унинг меҳнаткашларининг эркин хоҳиш билдиришига кўра, Коммунистик партия раҳбарлиги остида ташкил топди. Ўзбекистон ССР ҳам бошқа иттифоқдош ва автоном республикалар сингари генетик жиҳатдан миллий, ташкилий ва функционал жиҳатдан эса — интернационал давлатдир. Унинг 1978 йилги Конституцияси Ўзбекистон ССР республика ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларининг, барча миллатлари ва элатлари меҳнаткашларининг ирода ва манфаатларини ифодаловчи социалистик умумхалқ давлатидир (1-модда), деган ғоят муҳим қоидани қонуний асосда мустаҳкамлайди (1937 йилги Конституцияга биноан — ишчилар ва деҳқонлар давлати).

Мазкур қоида ҳозирги совет воқелигининг реаллигини акс эттирадиган ва миллатлар ва элатлар ўртасидаги бугунги ҳамда истиқболдаги ўзаро муносабатларни тушуниш учун, уларнинг янада яқинлашиши ва жамиятнинг социал бир хиллигини кучайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жиддий конституцион янгиликдир. Иттифоқ давлати ҳам, ҳар бир республика ҳам бу тарихий жараёнга актив кўмаклашади, барча миллатларга мансуб ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи мазкур давлатнинг ва ҳар бир республиканинг социал негизини ташкил этади.

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 5-моддаси ҳам интернационал мазмунга эга. Унга мувофиқ, давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига қўйилади, шунингдек умумхалқ ўртасида овозга (референдумга) қўйилади, бу тадбирларда республикадаги барча миллатлар ва элатларнинг вакиллари иштирок этади. Масалан, ҳозир амал қилаётган Ўзбекистон ССР Асосий Қонуни лойиҳасининг муҳокамасида ўзбеклар, руслар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар, татарлар, яҳудийлар ва бошқа миллатлар вакиллари ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Республика Конституцияси нормаларининг бошқа бир группаси ирқи ва миллатидан қатъи назар гражданларнинг давлат қурилишидаги тенг ҳуқуқлилигини белгилайди ва уларга берилган сиёсий, социал-иқтисодий ва шахсий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларнинг амалга оширилишини гарантиялайди. Совет гражданларининг формал эмас, балки амалдаги тенг ҳуқуқлилиги — бу туб социал адолат масаласининг ҳал қилиниши ва социалистик демократизм ҳамда интернационализмнинг тарихий ютуғидир. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 32-моддаси Ўзбекистон ССР гражданлари ўзларининг насл-насабидан, социал ва мулкий мавқеидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва характери, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар, деб эълон қилади. Турли ирқ ва миллатларга мансуб Ўзбекистон ССР гражданлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар, деб эълон қиладиган 34-модда алоҳида демократик ва интернационал маънога эгадир. Бунга шундай қўшимча қиламиз — шу жумладан давлат қурилиши соҳасида ҳам. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши СССРдаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама камол топтириш ва яқинлаштириш сиёсати билан, гражданларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш билан, она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланишга имкон берилиши билан таъминланади. Ана шу қоида асосида республиканинг Жиноят кодекси миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликни бузганлик учун жавобгарлик белгилайди.

Гражданлар тенг ҳуқуқлилиги гарантияларининг қонуний асосда мустаҳкамланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Уларга меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиқларини сақлаш, моддий таъминот олиш, уй-жойли бўлиш, илм олиш, маданият ютуқларидан баҳраманд бўлиш, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашиш ва шу сингарилар юзасидан тенг ҳуқуқлар берилади. Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқлар ва эркинликлар билан бир қаторда унда гражданларнинг иқтисодий, социал ва сиёсий соҳалардаги бурчлари ҳам белгиланади. 62-модда мазмуни интернационализмни тарбиялашга қаратилган, унда шундай дейилади: «Бошқа

гражданларнинг миллий кадр-кимматини ҳурматлаш, кўп миллатли Совет давлати миллатларининг ва элатларининг дўстлигини мустаҳкамлаш — ҳар бир Ўзбекистон ССР гражданининг бурчидир».

Республика Конституциясининг бутун бир катор нормалари давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий ҳамда маҳаллий органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг коидаларини белгилайди. Маълумки, улар сайловлар йўли билан ёки халқ депутатлари Советлари томонидан, яъни республикадаги турли миллатлар ва элатларнинг вакилларидан иборат сайловчилар ёки депутатлар иштирокида ташкил қилинади. Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари вакилларидан ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишлари вакилларидан тузиладиган сайлов комиссиялари Советларга сайлов ўтказишни таъминлайдилар (94-модда), бу комиссиялар ўз составига кўра кўп миллатли бўлади. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи шунингдек кўп миллатли партия, касаба союз, комсомол, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларига, меҳнат коллективларига ва ҳарбий хизматчилар йиғилишларига ҳам берилади (93-модда). Умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган ҳамма Советларга депутатлар сайлашда турли миллатларга мансуб сайловчилар иштирок этишади.

Республикадаги ҳамма Советларга сайланган депутатларнинг, бу Советлар доимий комиссияларининг состави — кўп миллатлидир, бу Ўзбекистон аҳолиси составига мувофиқ келади. Чунончи, 1985 йилнинг февралида Ўзбекистон ССР Олий Советига 19 миллатга мансуб 510 депутат, шу жумладан 348 ўзбек, 100 рус, 11 тожик, 11 қозоқ, 9 қорақалпоқ, 8 татар, 6 украин, 3 қирғиз, 3 арман, 2 белорус ва бошқалар сайланди. 1987 йилнинг июнида республика маҳаллий Советлари составига 105.484 депутат — кўплаб миллатлар ва элатлар вакиллари сайланди. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органлари депутатларининг бундай состави халқлар қардошлиги ва дўстлигидан, уларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилигидан далолат беради, партиянинг ленинча миллий сиёсатига мос келади. Депутатлар ўзларининг кундалик фаолиятида Коммунистик партия ва Совет давлатининг интернационал сиёсатини амалга оширадилар. Бунда ҳам давлат ҳокимиятининг чуқур интернационализми намоён бўлади.

Ўзлари кўп миллатли бўлган республика Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари составига кўра худди шундай давлат бошқарув органларини: Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлар, комитетлар ва бошқа идораларни, маҳаллий Советларнинг ижрокомлари ва уларнинг бўлимлари ҳамда бошқармаларини ташкил қиладилар. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларга бевосита раҳбарлик қиладиган маъмурий-бошқарув ходимлари ҳам шунингдек турли миллатлар вакилларидан иборатдир. Ҳозир республикада аслини олганда фақат биргина миллатга мансуб кишилардан иборат меҳнат коллективининг ўзи йўқ.

Ўзбекистон ССР Конституцияси одил судловни ташкил этишда ва адолатли суд қилишда барча миллатларга мансуб гражданларнинг тенг ҳуқуқлилигини мустаҳкамлайди. Кўп миллатли составдаги халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари бевосита гражданлар томонидан, юқори судлар тегишли Советлар томонидан сайланади. Республикамизда судловнинг ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилиши билан ҳам миллатлар манфаатлари ҳисобга олинади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни судда қатнашувчи кишилар билмаган тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади (170-модда).

Қатор конституцион нормалар иттифоқдош республика ички ва ташқи давлат функцияларининг интернационал характерини ифодалайди. СССР составидаги суверен социалистик давлат бўлган иттифоқдош республика шу республикада яшайдиган барча миллатлар ва элатлар вакилларининг манфаатларини кўзлаб, бутун совет халқининг манфаатларини кўзлаб амал қилади, бу социализмда давлатнинг инсон тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилишини кўрсатади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР кенг миқёсдаги хўжалик-ташкилотчилик вазифаларини: комплекс тарзда иқтисодий ва социал ривожлантиришни планлаштиришга,

саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишга оид вазифаларни амалга оширади. Бу билан у республика бутун аҳолисининг иқтисодий фаровонлигини таъминлайди. У социал-маданий соҳа: меҳнаткашларнинг уй-жой аҳволини яхшилаш, коммунал хўжаликни, медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш; халқ маорифини такомиллаштириш, маданиятни янада юксалтириш, ҳар бир совет кишисида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш; социалистик ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, меҳнат ва истеъмол меъёрини назорат қилишни амалга ошириш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистон ССР составида янги автоном республикалар тузиб, СССР Олий Советининг тасдиғига ҳавола қилиш ҳуқуқининг, шунингдек инсоннинг тинч бунёдкорлик меҳнати ва унинг камол топиши учун атроф муҳитни ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилишга доир ваколатларнинг иттифоқдош республика ихтиёрига берилиши тўғрисидаги янги конституцион қоида ҳам интернационалистик руҳ билан йўғрилгандир.

Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқининг халқаро фаолиятида актив иштирок этар экан, мамлакатимиз ташқи сиёсати мақсадларига, вазифалари ва интернационал принципларига амал қилади. У чет давлатлар билан алоқа боғлаш, улар билан шартномалар тузиш ва шу сингари ҳуқуқларга эга. Ўзбекистон ССРда чет эл гражданларига ва гражданлиги бўлмаган шахсларга қонунда назарда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг гарантияланиши тўғрисидаги конституцион қоида муҳим аҳамиятга эгадир (35-модда). Меҳнаткашларнинг манфаатларини ва тинчлик ишини ҳимоя қилганликлари учун, революцион ва миллий-озодлик ҳаракатида қатнашганликлари учун, прогрессив ижтимоий-сиёсий, илмий ёки бошқа ижодий фаолияти учун таъқиб қилинаётган ажнабийларга Ўзбекистон ССР бошпана ҳуқуқини беради (36-модда), бу СССР ва барча совет республикаларининг ташқи сиёсат мақсадларига мувофиқ келади. Ўзбекистон ССР мамлакат хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлашда иштирок этади. Республикамизда урушни пропаганда қилиш тақиқланади, бу нафақат совет халқи, шу билан бирга Ер юзидаги барча халқлар манфаатларига мос келади. 67-моддада шундай дейилади: «Бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш — Ўзбекистон ССР гражданининг интернационал бурчидир».

Конституцион нормаларнинг яна бир группаси ССР Иттифоқи билан Ўзбекистон ССРнинг ва Ўзбекистон ССР билан Қорақалпоғистон АССРнинг ўзаро муносабатларининг интернационал табиатини акс эттиради. Ўзбекистон ССРнинг ихтиёрийлик асосида бошқа республикалар билан бирга Совет Иттифоқига бирлашганлиги, унинг ўз ҳуқуқларининг бир қисмини СССР ихтиёрига топширганлигининг ўзи социалистик интернационализм моҳиятининг яққол ифодасидир: мамлакат Конституциясининг 70-моддасида эълон қилинганидек, СССР «совет халқи давлат бирлигининг тимсоли бўлиб, биргаликда коммунизм қуриш мақсадида барча миллатлар ва элатларни жипслаштиради».

Қардош республикаларнинг умумиттифоқ масалаларини ҳал этишда фаол қатнашиши, улар аҳолисининг сонидан қатъи назар уларнинг ҳар биридан СССР Олий Советининг Миллатлар Советига 32 депутат сайланиши ҳам иттифоқ давлати составига кирадиган миллатларнинг тенг ҳуқуқлилигини кўрсатади. Шуни таъкидлаш диққатга сазоворки, ана шу депутатлар составида, шунингдек бизнинг республикамиздан Иттифоқ Советига сайланган депутатлар составида нафақат ўзбеклар, шу билан бирга бошқа миллатларга мансуб кишилар ҳам бор. Ўзбекистондан сайланган депутатлар СССР Олий Совети, унинг Президиуми ва доимий комиссиялари ишида қатнашар экан, аслида улар бутун мамлакат манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишади. Республикамизнинг ССР Иттифоқининг бошқа давлат органларидаги вакилларининг фаолияти ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Ўзбекистон ССРнинг ўз территориясида ССР Иттифоқи ваколатлари амалга оширилишига кўмаклашиши, СССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг қарорларини бажариши ҳақидаги (72-модда), шунингдек Ўзбекистон ССР суверен ҳуқуқларининг ССР Иттифоқи томонидан қўриқланиши тўғрисидаги (77-модда) конституцион қоидалар интернационал мазмунга эгадир.

Маълумки, иттифокдош республикалар ўртасидаги энг хилма-хил соҳалардаги, аввало экономика, маданият ва санъат соҳасидаги кардошлик алокалари доимо кенгайиб бормокда. Ўзбекистон ССР билан унинг составига кирадиган Қорақалпоғистон автоном республикасининг ўзаро муносабатлари халқларнинг мустаҳкам дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамига мисол бўла олади. Уларнинг давлат-хукукий муносабатлари ва хўжалик ҳамда маданий курилишга раҳбарлик соҳасидаги ваколатлари СССР Конституциясида, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Конституцияларида, бошқа конунчилик актларида белгилаб берилган.

Давлат ҳаётига партиявий раҳбарлик — интернационализмнинг энг муҳим гарантиясидир. КПСС ўз табиати, состави ва идеалларига кўра интернационалдир ва шу жумладан миллий-давлат ҳамда ҳуқуқий курилиш соҳасида ҳам интернационал сиёсат юргизади. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг XVI пленумидан сўнг (1984 йил июнь) республикамизнинг партия ва давлат органларига бошқа республикалардан ходимлар таклиф килинмокдаки, бу ишларнинг аҳволига яхши таъсир килмокда.

Шундай килиб, миллатлар ва элатларнинг ўзаро муносабатларини ҳуқуқий, конституцион асосда тартибга солиш ва ишлаб чиқилган нормаларни амалда бажариш соҳасида бой ижобий тажриба тўпланган, ундан миллий муносабатларни янада такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида шундай қайд қилинди: «бизнинг ютуқларимиз миллий жараёнларда проблемалар йўқ, деган тасаввур туғдирмаслиги лозим. Ҳар кандай ривожланишга ҳам зиддиятлар хос бўлади, улар мазкур соҳада ҳам мукаррардир. Энг муҳими — уларнинг доимо юзага келиб турадиган жиҳатлари ва қирраларини кўра билиш, ҳаёт ўртага кўяётган саволларга ўз вактида тўғри жавоб топиб беришдан иборат».

Янги таҳрирдаги партия Программаси социалистик миллатлар ва элатларни бундан кейин ҳам равнақ топтириш ва якинлаштириш вазифаларини белгилаб, жумладан, шундай уктиради: КПСС «барча миллат меҳнаткашларининг ҳокимият ва бошқариш органлари ишида фаол иштирок этиши тўғрисида» бундан буён ҳам доимо ғамхўрлик килади. Ана шу кўрсатмага асосланиб, аҳолининг миллий состави, турли миллатлар ва элатлар вакилларининг республика партия ҳамда давлат органлари, жамоат ташкилотлари ишига жалб килиниши тўғрисида махсус тадкикотлар олиб бориш максадга мувофикдир, бу интернационализмнинг конституцион асосларини давлат курилишида бундан кейин ҳам ҳар томонлама амалга оширишга каратилган амалий тавсияномаларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистон ССР аҳолисининг кўп миллатли состави республиканинг ҳокимият ва бошқариш, суд ва прокуратура органларида ана шу миллатларнинг иложи борича кўп вакиллари бўлишини такозо этади. Бу уларнинг обрў-эътиборини ва фаолиятининг самарадорлигини оширади. Давлат аппаратининг кўп миллатлилиги — унинг иш сифатини, ходимлари масъулиятини оширишнинг, умумхалк давлат ҳокимиятини меҳнаткашлар билан янада якинлаштиришнинг омилларидан биридир.

СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ

М. САИДАЗИМОВ,
Т. ҲАБИБУЛЛИН,
юридик фанлар кандидатлари

МАМЛАКАТ ҲАЁТИДА кескин бурилишни бошлаб берган КПСС XXVII съезди давр илгари сурган кўпгина ғоят муҳим саволларга мукаммал жавоб берди, реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама чуқур ўйланган ҳаракат программасини ишлаб чикди, уни амалга ошириш йўлларини кўрсатиб берди. Съезд ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши даражаси, самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар комплексини ҳам белгилади. Ушбу тадбирлар орасида ҳуқуқий тарбия, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳам бор. Улар КПСС МКнинг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш ҳақида»ги (1986 йил ноябрь) қарорида конкретлаштирилди.

Социалистик қонунчилик давлатни бошқаришнинг энг муҳим конституцион принципи бўлиб, халқ ҳокимияти билан тиғиз, мустаҳкам алоқададир. В. И. Ленин давлат аппарати фаолияти устидан халқ оммасининг контролини, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан ҳамма жойда контрол ўрнатиш ва бунда талабчанликни ошириш зарурлиги ҳақида қайта-қайта таъкидлаганлиги бежиз эмас (Тўла асарлар тўплами, 34-том, 367-бетга қаралсин). КПСС XXVII съезди шундай деб таъкидлади: «Бунёдкорлик ишида камчиликларни бартараф этишда, суиистеъмолларни, ҳар қандай нохуш ҳодисаларни, ҳуқуқимиз ва ахлоқимиз нормаларидан чекинишларни тугатишда меҳнаткашларнинг, ҳамманинг ва ҳар бир кишининг активлигини ошириш лозим. Демократия **социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашнинг** энг муҳим воситаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади, мустаҳкам қонунчилик эса демократиямизнинг ажралмас қисмидир».

Ҳатто умумхалқ давлати шароитида ҳам нафақат қонунларни, қонун ҳужжатлари ва социалистик турмушнинг бошқа нормаларини оғишмай бажаришни, уларга амал қилишни ўрганмаган, балки уларни қўполлик билан бузадиган кишиларнинг учраб туриши факти яқин ўтмишда халқ оммасининг давлат органлари, мансабдор шахслар фаолияти, қонунлар ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан контроллик қилиш роли анчагина пасайтирилганлигига қўшимча далил бўла олади.

Жамиятимизнинг сиёсий негизи бўлмиш халқ депутатлари Советлари давлат механизмининг меҳнаткашлар ўз ҳокимиятини амалга оширувчи етакчи бўғинини ташкил этади. Шу сабабли ҳуқуқ маданиятини оширишга, социалистик қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга доир бутун фаолиятнинг марказига аввало Советлар ролини кучайтириш, улар орқали эса — меҳнаткашларнинг давлатни бошқаришдаги, контрол қилиш вазифаларини амалга оширишдаги иштирокини активлаштириш қўйилиши керак. Эҳтимол, Советларга ўз территориясига тўла ҳокимиятли хўжайин бўлиш имкониятини бериш, майда-чуйда ишларда ҳам йўл-йўриқлар олишдан уларни халос қилиш, ушбу Совет территориясида жойлашган, қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар, муассаса,

корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларини унга бўйсундириш Советлар ишини қайта қуришнинг асосий моментларидан биридир.

КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқлари асосида депутатликка номзодлар танлаш практикасига тузатишлар киритиляпти. Бундай танлаб олиш кўпинча анкета маълумотлари: маълумоти, социал келиб чиқиши, жинси, ёши, иш стажи ва ҳоказоларга асосланган ҳолда олиб борилишидек қатор йиллар давомида таркиб топган расмиятчиликка аста-секин барҳам бериляпти. Депутатлик ишини ушбу мажбуриятни бажариш учун жисмоний жиҳатдан имконият қолдирмайдиган муайян вазифаларни (масалан, раҳбарлик вазифасини) ижро этиш билан ҳам боғлаб олиб бориш даркор бўлмаса керак. «Депутат деган ном, — деб таъкидланди партия XXVII съездида, — лавозимга қўшимча нарса эмас, фахрли имтиёз эмас, балки Советда, аҳоли орасида катта ва қийин ишларни бажариш демакдир». Депутатликка, бизнингча, кишилар фаровонлиги йўлида ҳаракат қилиш учун ғайрат ва истакка тўлиқ кишини сайлаш лозим.

Жамиятда ўз ҳуқуқини таниш қандай аҳволдалиги, юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқ маданиятининг таркибий элементидир. Етарлича ривожланган социалистик ўз ҳуқуқини англашсиз социалистик қонунчилик тўғрисида сўз юритиш ҳам мумкин эмас. Умуман онгнинг элементи бўлмиш ўз ҳуқуқини таниш ҳуқуқни англаш, унинг зарурлиги, қадриятларининг муайян даражасини ташкил этади. Ўз ҳуқуқини танишнинг профессионал ва оммавий (одатий) ҳуқуқ танишдек структурали элементлари даражасини янада ошириш мамлакатда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш нуктаи назаридан олганда муҳим вазифадир.

Профессионал ҳуқуқ танишга ҳуқуқни, қонунларни билиш ҳам, қонунга, ҳуқуққа муносабат ҳам, ҳуқуқий туйғулар ҳам ва, ниҳоят, қонунга мос хатти-ҳаракат кўникмалари ва ҳуқуқий йўл-йўриқлар ҳам киради. Практика профессионал ҳуқуқ танишнинг паст савияси замирида ҳуқуқни билмаслик эмас, умуман олганда ва ҳар бир конкрет ҳодисада унга салбий муносабатда бўлиш, ўзининг ғаразли манфаатларини қонун талабларидан юқори қўйишга интилиш ётишидан далолат бермоқда. Профессионал ўз ҳуқуқини таниш савияси юқори бўлмаган шахсларда, бундан ташқари, ҳуқуқ туйғулари бузилган бўлади, қонунга мос хулқ-атвор кўникмалари эса ҳосил қилинмаган бўлади. Улар томонидан қонунни бузишлар кўпинча атайлаб, билиб туриб, камдан-кам ҳолларда эса эҳтиётсизлик натижасида юз беради. Шунинг учун ушбу категориядаги шахсларга нисбатан муносабатда асосий эътибор фақат уларга ҳуқуқий билимлар беришга эмас, балки ҳуқуқий тарбияга: ҳуқуқий эътиқод ва туйғуларни ҳосил қилиш ва қарор топтиришга қаратилиши керак.

Ўз ҳуқуқини таниш умумий структурасида профессионал ҳуқуқ танишнинг роли ошиб бориши мамлакат олий ўқув юртларида, шу жумладан юридик олий ўқув юртларида ҳамда давлат университетларининг юридик факультетларида ҳуқуқ таълимини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Бизнингча, ана шу ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари ва факультетларга студентларни бўлажак касби учун зарур сифатларини ҳисобга олган ҳолда тест йўли билан танлаб олишни, ихтисослаштирилмаган олий ўқув юртлари ва факультетларда ўқишнинг сўнгги бир ярим йилида студентларнинг ҳуқуққа доир тўла ихтисосланишини жорий қилиш пайти етиб келди чоғи. Юристлар тайёрловчи факультет ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар составининг дарс нагрузкаси ҳам қайта кўриб чиқилиши, таълим сифати устидан контрол кучайтирилиши керак. Юридик (ҳуқуқий) кафедралар ўқитувчиларининг дарс бериш нагрузкасини бошқа ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчиларининг нагрузкаси даражасигача пасайтириш зарур.

Оммавий равишда ўз ҳуқуқини танишга келсак, унинг даражасини ошириш, аввало, оғирлиги жиҳатидан арзимас бўлсада қонунларни ва қонун ҳужжатларини хилма-хил бузишлар сони ошишига қарши; иккинчидан, ҳуқуққа зид, ноxуш, социализм принципларига жавоб бермайдиган баъзи ҳаракатларнинг одатий, жамоат фикри қораламайдиган хулқ-атвор формасига айланиб қолиши эҳтимолига қарши («...Кишиларнинг виждони, — деб ёзган эди Вольтер, — улар учун одатга айланиб қолган хатти-ҳаракатлардан ҳеч қачон азоб чекмайди»); учинчидан, кишиларнинг ҳуқуқни, қонунни, тартибни ҳар қандай ҳурмат қилмасликни қоралашлари учун гарантия бўлиб хизмат қилади.

Оммавий ўз ҳуқуқини таниш аҳволи ҳақида ғамхўрлик қилганда ҳуқуқий билим бериш билан ҳам, ҳуқуқий тарбия билан ҳам тенг даражада шуғулланмоқ керак. Ҳақиқатан ҳам, айрим гражданлар томонидан кўпгина қонун бузишлар баъзан малакали юристларда ҳам мушкуллик туғдирувчи ғоят мураккаб ва кўламли қонунларнинг мазмуни ва нозик жиҳатларини билмаслик оқибатида юз беради. Оммавий ўз ҳуқуқини танишни шакллантириш практикасида тез-тез учраб турувчи, «чексиз нарсани қамраб олиш»га уриниш деб таърифлаш мумкин бўлган хатонинг сабаби ҳам шунда: юрист бўлмаган кишиларга ҳаддан зиёд ҳуқуқий ахборот беришга интилишади, бунинг устига уни ёдлаб олишни талаб ҳам қилишади. Аҳолининг совет ҳуқуқи асосий принципларини ўзлаштириши, айтиш мумкинки, идрок этиши, англаб етиши, бизнингча, оммавий ўз ҳуқуқини танишни кучайтиришнинг оптимал йўлидир. Биринчидан, ҳуқуқ нормаларига қиёслаганда ушбу принциплар унча кўп эмас, иккинчидан, улар ҳуқуқнинг асосий талаблари ва мазмунини акс эттиргани учун йўл-йўриқ кўрсатувчи асослардир; учинчидан, уларни осонгина эслаб қолиш ва риоя этиш мураккаб эмас, чунки улар инсонпарварликка, социал адолатга, ахлоққа, юксак инсоний маданиятга асосланган. Мамлакатнинг аксар аҳолиси умуман мустаҳкам юридик билимларга эга бўлмагани ҳолда ҳар ҳолда асосий ҳуқуқ талабларига бехато амал қилаётганлиги ҳамда қонун билан ихтилофга бормай ҳаёт кечираётганлиги бежиз эмас.

Шу билан бирга, оммавий ўз ҳуқуқини таниш даражасини ошира борган ҳолда қонун кўрсатмаларини бузишга мойил бўлган, ҳуқуқ талабларига салбий муносабатда бўлувчи, ўзларининг шахсий ёки ғаразли манфаатларини атрофдаги кишилар, жамият манфаатларидан юқори қўювчи шахсларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. Ҳуқуқ бузилишларига қарши кураш практикаси эса тилга олинган категориядаги шахслар ҳуқуқ талаблари ва қонунларнинг моддаларини дуруст билишидан далолат бераяпти. Шу сабабли ҳам улар билан ишлашда тарбия, кўп ҳолларда яккама-якка тарбия, совет қонунларига ҳурмат ҳиссини сингдириш ишнинг асосий мазмунини ташкил этиши керак. Бундай шахслар умумий профилактика чораларидан ўзларини четга олишга уринадилар, ичичларидан қабул қилмайдилар. Уларда етарлича қатъий салбий мақсад ҳосил бўлган бўлиб, бу уларнинг онгига актив таъсир кўрсатади. Бу ўринда чораларнинг бутун бир комплекси қўлланиши зарурки, улар каторида қонунни рўёбга чиқаришга, мажбурлаш методига муҳим ўрин ажратилиши керак. Улар асосан кучни тан олувчи (туйғулар ривожланишининг паст даражадалиги оқибатида) кишилар бўлгани учун, одатда, кучни, ҳокимиятни қабул қиладилар ва тушунадилар, уларга нисбатан қўлланувчи юмшоқ чораларни, шу жумладан, сўз воситасида ишонтириш ва жамоат таъсирини атрофдаги кишиларнинг заифлиги деб қабул қилишга мойил бўладилар. Бундай ҳолларда социалистик қонунчиликни қарор топтириш практикасидаги жиддий хатолар тарбия ўрнига бундай категориядаги шахсларга ҳуқуқий билимлар беришни мўлжал қилиб олинганлиги, ушбу контингентдагилар специфликаси ҳисобга олинмаслиги, умумий профилактика характеридаги чораларга берилиб кетилганлиги, баъзан қонунни қўллаш ўрнига қонунга риоя этиш керак деб ўгит-насиҳат қилишда ўз ифодасини топган маълум либерализм оқибатида туғилган эди.

Оммавий ўз ҳуқуқини таниш даражасини ошириш мақсадида мактаб, техникум ва ҳунар-техника билим юртларида, юридик бўлмаган олий ўқув юртларида совет ҳуқуқи таълимини яхшилаш зарур. Афсуски, Ўзбекистон ССРдаги бундай ўқув юртларининг кўпчилигида совет ҳуқуқидан юристлар, ҳуқуқшунослар эмас, балки тарихчилар, яъни махсус юридик билимлари ҳам бўлмаган, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёхуд фаолият характерига кўра унга яқин бошқа органларда (нотариат, адвокатлар коллегияси ва ҳоказо) зарурий иш тажрибасига ҳам эга бўлмаган кишилар таълим бермоқда. Тилга олинган ўқув юртлари учун Совет ҳуқуқи асослари ўқитувчиларини махсус равишда тайёрлашни йўлга қўйиш вақти келди.

Жамият ҳуқуқий маданияти элементи сифатидаги қонунийликнинг ҳолати, олимларнинг фикрича, унинг барча талабларини кучайтириш даражаси, уларни бажариш реаллиги, ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамлиги билан характерланади. Ушбу талабларнинг амалга оширилиши эса ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг қонунчиликка риоя қилинишини, ҳуқуқнинг ҳамма учун мажбурийлигини, ҳар бир

кишининг ҳуқуқларини, жамиятнинг нормал ривожланиши учун зарур шарт-шароитни таъминловчи муайян тартибини яратади. Шу сабабли жамият ривожланиши учун зарур шарт-шароит қонунларга сўзсиз риоя қилинишини гарантияловчи сиёсий-юридик воситалар системасини кўзда тутишга мажбурдир. Уни ҳар қандай бузишларга дарҳол чек қўйиш керак.

Қонуннинг устун мавқеи, барча гражданларнинг қонун олдидаги тенглиги, унинг кўрсатмалари барчага баравар тааллуқлилиги, қонун бузишлар учун жазо муқаррарлиги ва ҳоказолар социалистик қонунчиликнинг энг муҳим талабларидир, ўтмишда масалан, Ўзбекистонда юз берган жамиятимизга ёт кўп ҳодисалар социалистик қонунчиликнинг айни шу талабларини бузиш оқибати эканлигини таъкидлаймиз. Фактлар унинг механизмлари роли жуда пасайтириб юборилганлигидан, улар ҳаракати зарур даражада таъминланмаганлигидан далолат бермоқда. Шу сабабли социалистик қонунчиликни таъминлаш системасининг барча бўғинлари: прокурор назорати, суд контроли, халқ контроли, маъмурий назорат, жамоат контроли, арбитраж, ички ишлар, давлат хавфсизлиги органлари, адвокатура, министрликлар, идоралар, давлат комитетлари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг юридик хизмат бўлимлари фаолиятини, меҳнаткашларнинг шикоят, ариза ва таклифларини кўриб чиқишни активлаштириш ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, КПСС XXVII съезди илгари сурган вазифаларни бажаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Партия ва Совет давлати социалистик қонунчиликни таъминлашнинг кўрсатилган системаси ҳар бир бўғинининг тўлақонли ишлаши тўғрисида ғамхўрлик қиляпти. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда прокурор назоратининг ролини ошириш чоралари тўғрисида»ги қарори (1987 йил) бунинг янги далилларидан биридир.

Лекин, социалистик қонунчиликни таъминлаш системасининг айрим бўғинлари доим ҳам етарлича фаолият кўрсатмаслигини таъкидлаш керак. Мисол учун, меҳнаткашларнинг ариза ва таклифлари қараб чиқилишини олайлик. Бу иш социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, бюрократизмга қарши кураш, давлат аппарати фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. 1968 йил апрелидаёқ СССР Олий Совети Президиумининг «Гражданларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини қараб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди, 1980 йил мартида эса у янгидан таҳрир қилиниб, ҳозирги вақтда ҳам амал қилмоқда.

Ушбу Фармонлар совет кишиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлаш ишига яхши хизмат қиляпти. Лекин шу билан бирга, практика кўрсатаётганидек, бир қатор қоидалари шунчалик тез-тез ва катта кўламда бузиладиган (атайлаб ёки билмасдан) бошқа яна бирорта норматив ҳужжат бўлмаса керак. Шикоят, ариза, таклифларни қараб чиқиш муддатларига, шунингдек, уларга жавоб қайтариш тартибига риоя қилмаслик энг кўп тарқалган бузилишлар ҳисобланади. Масалан, 1980 йил 4 март Фармонида шикоятни хатти-ҳаракати устидан шикоят қилинган мансабдор шахслар адресига юбориш қатъиян тақиқланади. Афсуски, кўпинча аксинча иш тутилади. Бюрократизмда айбланган одам ҳам шикоятчини «текшира бошлайди». Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети еттинчи сессиясида қабул қилинган «Мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситувчи ноҳақ ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш тартиби ҳақида»ги СССР Қонуни ҳамда «СССР Олий Совети Президиумининг «Гражданларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини қараб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Фармонига қўшимчалар киритиш ҳақида» СССР Олий Совети Президиуми 1988 йил 2 февралда қабул қилган Фармон меҳнаткашларнинг шикоят, ариза ва таклифлари устида иш олиб боришни яхшилашга ёрдам беради. Тилга олинган ушбу Фармон, хусусан, меҳнаткашларнинг кўп сонли талаб ва истакларига жавобан гражданнинг ёзма мурожаати фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ҳолда имзоланиши, таклиф, ариза ва шикоят моҳиятини баён этишдан ташқари унинг яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойи ҳақидаги маълумотлар ҳам илова қилиниши кераклигини белгилайди. Бундай маълумотлари бўлмаган мурожаат имзосиз хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Шу билан бирга аҳолининг одатий ўз ҳуқуқини танишининг ҳозирги даражасини ҳисобга олган ҳолда, эҳтимол, шикоятни охиригача ҳал этишгача ва ҳаракат-

лари устидан шикоят қилинган қонун бузувчига нисбатан чоралар кўрилгунча шикоятчининг мурожаатини унга кўрсатмасликка қаратилган тартибни жорий қилиш ўринли бўлса керак. Бу, бизнингча, биринчидан, у ёки бу шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан шикоят қилувчи гражданларни таъқиб қилиш имкониятига тўсиқ бўлиб хизмат қилади, иккинчидан, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда аҳолини янада активлаштиради.

Бундан ташқари, очиқ-ойдин туҳматга қарши курашда қонунчиликни ҳамда уни қўлланиш практикасини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатиш керак. Зеро, кейинги вақтда унинг ижтимоий хавфи жиддий равишда ошганлигини сезмаслик мумкин эмас. Шундай бўлсада Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 112-моддаси ҳозирча кам қўлланиляпти. Бизнингча, ССР Иттифоқи Олий судининг қарори билан, балки эҳтимол, СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан туҳматчиларнинг жиноий жавобгарлигини қаттиқлаштириш керак. Тергов аппарати, прокуратура, судлар биронта ҳам туҳмат қилиш фактини эътиборсиз қолдирмаслиги керак.

Гражданларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бирлигига оид конституцион принципнинг етарлича амалга оширилмаслигини (СССР Конституциясининг 59-моддаси) жиноий ҳаракатларни туғдирувчи сабаблар қаторида тилга олиш лозим. КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ҳам бунинг зарурлиги таъкидланди: «...Гражданнинг ҳуқуқлари унинг бурчидан ажралган ҳолда бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Худди шунингдек ҳуқуқларсиз бурч ҳам бўлмайди». Шахс эркинлиги асосида демократик принцип — давлат, шахсий ва ижтимоий манфаатларни қўшиб олиб бориш ётади. Бунда мамлакатимизда қонун олдида истисносиз ҳамма тенг эканлигини, қонунларимиз ҳамма учун бир хил эканини эслатиш ўринлидир.

1983 йил июнида меҳнат коллективлари ҳақида Қонун қабул қилинди. СССР Конституциясига мувофиқ, меҳнат коллективлари жамиятнинг сиёсий системасига киради ва нафақат ишлаб чиқаришда, балки умуман жамиятда, социалистик демократия системасида, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтиришда ҳам жуда муҳим роль ўйнайдилар. Лекин юқоридаги Қонуннинг қарийб беш йил амал қилиши ҳаётда кам нарса ўзгарганлигини кўрсатди. Мазмундор бўлишига қарамай Қонунни амалда қўлланиш мушкуллик туғдирди. Унинг баъзи бир бўлим ва моддаларини, бизнингча, конкретлаштириш керак. Масалан, меҳнат коллективлари компетенциясини ишлаб чиқиш, уларнинг корхона маъмурияти билан ўзаро муносабатларини регламентлаш мақбул бўлар эди.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессиясида қабул қилинган «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қонуни юқорида тилга олинган проблемаларни асосан аниқлаб берди ва конкретлаштирди. Шу билан бирга, бизнингча, давлат корхона (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхона, муассаса, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида»ги Қонунни кераксиз қилиб қўяди деб ҳисоблаш сира ҳам мумкин эмас. Биринчидан, ушбу икки қонун бир-бирини ўзаро тўлдиради. Иккинчидан, меҳнат коллективлари ҳақидаги Қонун амалга оширилиши экономикадаги қайта қуриш ва бошқаришни демократиялаш жараёнига актив ёрдам бериши лозим бўлган кўпгина норма ва қоидаларни ўз ичига олади. Яқин вақт ичида меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга мувофиқлаштирилишини кўзда тутганда, ҳозироқ иккала Қонун қоидаларига ҳар куни амал қилиш керак деган хулоса келиб чиқади.

Мамлакатимизда социалистик қонунчиликнинг иқтисодий, сиёсий, идеологик, юридик, ахлоқий гарантиялари реал мавжуддир. Лекин бунда улар бу гарантияларни таъминлаш учун фақат объектив имконият беришини унутмаслик керак, бундай имконият актив равишда амалга оширилиши лозим. КПСС XXVII съездида одил судловнинг демократик принципларига, қонун олдида гражданлар тенглигига, давлат ва ҳар бир граждан манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи бошқа гарантияларга қатъий риоя этилиши зарур эканлиги таъкидланганлиги бежиз эмас.

Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда Коммунистик

партия етакчи роль ўйнайди, деб уқтирган эди В. И. Ленин. Айни шу жараёнга партиявий раҳбарлик — қонунларни ҳар қандай бузишга қарши кафолатдир. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш ҳақида»ги қарорида «партия комитетлари халқ депутатлари Советлари билан бир қаторда ўз территорияларидаги қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот аҳволи учун тўла масъулдирлар» деб таъкидланган.

КПСС XXVII съезди партия ва халқ олдига янгича, ташаббус кўрсатиб ишлаш, топширилган иш учун ҳар бир коммунистнинг роли ва масъулиятини ошириш вазифасини қўйди. Бундай шароитда сиёсий гарантиялар амал қилиши кишиларнинг онгли фаолиятига боғлиқ бўлади, уларнинг турмуш тарзи, онги ва ўз ҳуқуқини таниши билан боғлиқдир. Амалда эса кўпинча булар ҳисобга олинмайди, шу сабабли ҳам сиёсий гарантиялар ҳамиша ҳам лозимича иш бермайди. Социалистик қонунчилик масаласи ғоявийлик, софдиллик, партиявий принципиаллик ва интизомлилик билан доимий ва узилмас алоқада кўриб чиқилиши зарур. Акс ҳолда қонунчиликнинг сиёсий гарантиялари ўз кучини йўқотиши мумкин.

Идеологик гарантиялар социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Совет қонунларига, қонун ҳужжатларига ҳурмат бўм-бўш жойда (дунёқараш маъносида) қарор топиши мумкин эмас. У марксча-ленинча базага эга бўлиши керак. Идеологик гарантиялар социалистик қонунчилик принципининг ғоявий-сиёсий негизини ташкил этади. Синфий мухолифларимиз антикоммунизм, антисоветизмни ўзлари учун асосий қурол қилиб олганликлари, совет ҳуқуқий системасини идеологик таг-заминдан, совет кишиларини эса социалистик ҳуқуқ принциплари ва талабларининг адолатли эканига ишончдан маҳрум этишга уринишлари, ўзбошимчалик ва ҳамма нарсага йўл қўйиб беришни тарғиб қилаётганликлари бежиз эмас. Шу сабабли социалистик қонунчиликка риоя қилиш меҳнаткашларда ҳуқуқимизга, қонунларимизга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига марксча-ленинча қарашларни шакллантиришни тақозо этади.

Ҳозирги шароитда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда юридик гарантиялар, яъни қонунларда қайд этилган, бевосита қонун бузишларга барҳам беришга, уларга имкон яратувчи сабаб ва шароитларни бартараф этишга қаратилган гарантиялар катта аҳамиятга эгадир. Мамлакатда одил судловни ҳамда ҳамма томондан ва ҳамма жойда социалистик қонунчиликка риоя этилиши устидан олий назоратни амалга ошириш учун махсус тузилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бундай бузишлар олдини олишда алоҳида роль ўйнайдилар. Улар ишининг сифати ҳақида сўзлаганда, В. И. Ленин ҳар бир жиноий иш, ҳар бир суд жараёни асосида «жиноятнинг ижтимоий-сиёсий илдизларини ва моҳиятини очиб ташлаш ва халққа тушунтириб бериш билан суддан жамоат ахлоқи ва амалий сиёсат масалалари учун сабоқлар чиқариш» (ТАТ, 4-том, 468-бет) зарур эканлигини таъкидлаганлигини эсдан чиқармаслик керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ўз фаолиятларида хато қилишга, айниқса қонунларни билиб туриб бузишга умуман ҳақлари йўқ. КПСС XXVII съезди ана шунга эътиборимизни яна бир карра қаратди: «Ҳар қандай аҳоли пунктида одамлар ўзларининг тинчи ва дахлсизлиги тўғрисида давлат ғамхўрлигини сезиб туришлари учун, бирорта ҳам ҳуқуқбузар тегишли жазодан қочиб қутула олмаслигига ишончлари комил бўлиши учун жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликка қарши курашда совет қонунларининг бутун кучидан фойдаланиш доимий вазифа бўлиб қолади».

Совет давлати аппаратининг, айниқса унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга доир фаолиятининг янада такомиллаштирилиши бугунги кунда жуда актуал вазифа бўлиб турибди. Уни ҳал қилишга жамоатчиликнинг, мактаб, оила, ҳар бир гражданнинг куч-қуввати сафарбар қилиниши керак. Истеъмолчилик психологиясига, тамагирликка, меҳнатсиз даромадларга интилишга қарши самарали курашиш зарур. Жамиятимиз барча аъзоларида юксак ахлоқий идеалларни тарбиялашнинг ўзиёқ салбий ҳодисаларни таг-туги билан йўқ қилишда ғоят муҳим воситадир.

СОЦИАЛИЗМ ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАР РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАРАВАРЛАШТИРИШ

Қ. БЎРОНОВ,
философия фанлари доктори

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ҳар тарафлама ривожланиши, меҳнаткашлар оммасини ундан баҳраманд қилиш социализмнинг муҳим ғалабасидир. «Халқаро миқёсда эътироф қилинган чинакам халқчил кўп миллатли совет маданиятининг барпо этилганлиги, — деб таъкидланади КПСС Программасида, — тузумимизнинг тарихий ютуғидир».

Миллий маданиятлар ривожланиш даражасини бараварлаштириш — социализмни, унинг инсонпарварлик кўп қиррали маънавий маданиятини такомиллаштириш жараёнининг таркибий қисмидир. СССРдаги миллий қурилиш диалектикасининг ушбу аспектини чуқур тадқиқ этиш нафақат назарий ва амалий, балки сиёсий-тарбиявий аҳамиятга ҳам моликдир. Бу: а) СССРдаги миллат ва элатларнинг жадал ва ҳар тарафлама ривожланиши, улар ижодий қобилиятлари ҳамда истеъдодлари тараққиётининг маданий шарт-шароитларига баҳо бериш учун; б) миллий маданиятлар ривожининг тарихан таркиб топган нотекислиги қолдиқларини бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш учун; в) уйғун тарзда камол топган ва ижтимоий актив шахснинг шаклланишида ана шу жараённинг аҳамиятини тушуниш учун; г) маданий ривожланишнинг нотекислигини халқлар маънавий турмушининг муқаррар ва зарур белгиси деб эълон қилишга уринаётган буржуа социологларини фош этиш учун; д) миллий маданиятлар ривожланиш даражасини бараварлаштириш юзасидан совет тажрибасининг халқаро аҳамиятини кўрсатиш учун зарур.

Бунда шу нарсани кўзда тутиш муҳимки, бараварлаштириш турли миллий маданиятларни бир қолипга солишни ва уларнинг бир хилда ривожланишини, маънавий турмуш соҳасида уларнинг хилма-хиллигини йўқотишни англатмайди, асло. Аксинча, айни шу жараён хилма-хилликда бирлик бўлишини таъминлайди. В. И. Ленин инсониятнинг ягона интернационал маданиятини барпо қилиш йўлларини таърифлар экан, эксплуататорлик тузумининг йўқ қилиниши «ҳамма ва ҳар қандай миллий *чегараларнинг* йўқотилишини жуда ҳам тезлаштиради, бу билан инсониятнинг «дифференциялашуви», яъни маънавий ҳаётнинг ва ғоявий оқимлар, интилишлар, оттенкаларнинг бойлиги ва хилма-хиллиги маъносидаги дифференциялашув камаймайди, балки миллион марта кўпаяди» деб башорат қилган эди (Тўла асарлар тўплами, 26-том, 323-бет).

Ана шу ленинча қоидага, шунингдек СССРдаги маданий қурилишнинг тарихий тажрибаси анализига асосланиб, айтиш мумкинки, совет миллатлари маданиятлари даражасини бараварлаштириш улар учун маънавий ҳаётда тенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда умумий ва махсус маълумотдаги, умумий маданий билим даражасидаги, табиий-илмий билимлар, адабиёт ва санъат даражасидаги тарихан таркиб топган чуқур тафовутларни бартараф этиш, аҳолига маданий-маиший хизмат соҳасида совет республикалари орасидаги мавжуд тафовутларни йўқотиш демакдир.

Тосоциалистик синфий жамиятларда турли мамлакатлар ва халқларнинг маданиятлари нотекис ривожланади, чунки ана шу жамиятлар қонунларининг

амал қилиш механизми маданиятлар ривожи даражасидаги жуда катта фарқни бартараф этиш учун шарт-шароит яратмайди ва ярата олмайди ҳам. Бундай нотекислик табиий, этник ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқдирки, улар ичида социал омил асосий, белгиловчи омилдир.

Айтиш керакки, миллий маданиятлар ривожланиш даражасини бараварлаштириш учун баъзи бир имконият ва шарт-шароитлар капитализмдаёқ пайдо бўлади. Бу халқлар ижтимоий ҳаётининг йирик машинали ишлаб чиқариш туғдирган интернационаллашув тенденциясининг вужудга келиши билан бевосита боғлиқдир. Бироқ капитализм шароитида миллатларнинг маданий ривожланиши даражасини бараварлаштириш прогрессив тенденцияси билан бир қаторда бошқа тенденциялар тўхтатадиган ёки секинлаштирадиган, кўпинча эса жаҳондаги мазлум халқларнинг кўпчилиги учун унинг таъсирини йўққа чиқарадиган тенденциялар ҳам мавжуд бўлади. Бинобарин, буржуа ижтимоий тузумининг ўзи туғдирадиган турли мамлакатлар (халқлар) социал ва маданий ривожланишининг нотекислигини капитализмда бартараф этиб бўлмайди. В. И. Ленин ривожланиш даражасидаги нотекисликнинг сақлаб қолиниши капиталистик ишлаб чиқаришнинг туб, муқаррар шарти ва шароитидир, деб уқтиргани бежиз эмас (ТАТ, 27-том, 412—413-бетларга қаралсин).

Шу билан бирга СССР ва бошқа қардош мамлакатлардаги социалистик қурилиш тажрибаси шуни яққол кўрсатмоқдаки, фақат шундай йўл билан миллат ва элатлар маданий ривожланиш даражасини бараварлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Капитализмга унинг империалистик босқичида хос бўлган ривожланишнинг нотекис ва сакраш йўли билан ривожланиш қонуни социализмда халқ хўжалигининг планли, пропорционал ривожланиш қонуни билан алмашинади, бунинг натижасида миллат ва элатларнинг умумий тараққиёти, турмушнинг барча соҳаларида уларнинг бир текисда планли уйғун ривожланиши таъминланади.

Маълумки, тосоциалистик даврда Россиянинг кўп сонли халқлари бир қатор объектив ва субъектив омиллар, чоризм ва эксплуататор синфлар сиёсати туфайли ҳамма жиҳатдан ниҳоятда нотекис ривожланганди, Ўрта Осиё билан Қозоғистон халқлари эса ўзларининг тарихий ривожланишида бутун бир ижтимоий-иқтисодий формация орқада қолдилар. Бу ҳолат кейинчалик мазмунан социалистик ва шаклан миллий янги, совет маданиятини барпо қилишда жуда катта қийинчиликлар келтириб чиқарди.

Маънавий ҳаёт соҳасида миллат ва элатлар ривожланиши даражасини бараварлаштириш — СССР ҳамда бошқа социалистик мамлакатларда амал қилаётган объектив қонуниятдир. Фақат янги ижтимоий тузумга хос бўлган бу қонуният объектив ва субъектив характердаги шарт-шароитлар (факторлар) туфайли юзага келди. Барча миллат ва элатлар иқтисодий турмушининг муштарак негизи бўлган социалистик мулкка асосланган хўжалик системаси; совет давлати ва социалистик маданиятнинг интернационал табиати; Коммунистик партия раҳбарлиги ва унинг ленинча миллий сиёсати; тенг ҳуқуқли совет республикаларининг иттифоқи; халқларнинг интернационал қардошлиги ва дўстлиги; турли миллат меҳнаткашлари туб манфаатлари, мақсад ва идеалларининг бирлиги — ана шу қонуният амал қилишини тақозо этадиган энг муҳим манбалар шулардир. Халқлар маданий ривожини аста-секин бараварлаштириш тенденциясининг асосий ифодачиси, ана шу жараённинг етакчи кучи бўлиб СССРнинг кўп миллатли ишчилар синфи майдонга чиқмоқда, у синфий ва миллий хурофотлардан холидир.

Миллий маданиятлар ривожланиши даражасини бараварлаштиришга социалистик миллатлар тараққиётининг икки тенденцияси — гуллаб яшнаши ва яқинлашиш тенденцияларидан атиги бирининг намоён бўлиши деб қарамаслик керак. Бараварлаштириш социализмнинг бошқа тенденциялари ва қонунларининг, жумладан халқ хўжалигининг планли, пропорционал ривожланиш қонуни амал қилиши билан ҳам белгиланадики, бу қонун тармоқлар ва иқтисодий районлар (республикалар) ўртасида меҳнатни рационал тақсимлашни, ишлаб чиқаришнинг тўғри жойлаштирилишини талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, баравarлаштириш характери ва механизмга, совет миллатларининг равнақи ва бир-бири билан яқинлашувидан ташқари, иқтисодий, социал-сиёсий ва идеологик қону-

ниятлар ҳам таъсир қилади. Уларнинг таъсири натижасида илгари қолоқ бўлган халқларнинг ривожланиш даражаси илғор халқлар даражасигача кўтарилади ҳамда ривожланишнинг умумий йўлини аста-секин бараварлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Бу нарса КПСС МҚ билан Совет ҳукуматининг барча принципиал қарорларида тасдиқланди ва СССР Конституциясида қонун билан мустаҳкамланди.

Миллат ва элатларнинг ривожланиш даражасини бараварлаштириш объектив жараёнлари кўп қиррали, комплекс характерга эга. Улар ҳамма соҳада: экономикада, социал составда, маданиятда, маънавий қиёфада, турмуш ва ҳоказоларда намоён бўлади. Совет халқлари ҳаётининг ана шу турли томонлари ва уларда содир бўладиган бараварлаштириш жараёнлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо этади ва бир-бирига ўтиб туради. Масалан, маданий ривожланиш даражасини бараварлаштириш жараёни бошқа прогрессив ҳодиса — миллат ва элатлар иқтисодий ривожланиши даражасини яқинлаштириш, бараварлаштириш билан маҳкам боғлиқдир. Яқинлаштириш бараварлаштиришнинг давоми, чуқурлашуви ва ниҳоясига етиши бўлиб, социализмда миллий қурилиш диалектикаси ягона жараённинг ўзаро боғлиқ икки жиҳатидир. Айни вақтда бу сифат жиҳатдан турли жараёнлар — моддий ва маънавий жараёнларнинг бирлиги бўлиб, улар орасида зиддиятлар келиб чиқиши мумкин ва келиб чиқади. Демак, миллат ва элатларнинг кўп қиррали турмушининг турли соҳаларида содир бўлаётган бараварлаштириш жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни ҳисобга олиш жуда катта илмий-маърифий, сиёсий-социал ва амалий аҳамиятга эга.

Халқларнинг маданий ривожланиши даражасини бараварлаштириш — нафақат кўп томонлама, шу билан бирга ғоятда прогрессив ҳодисадир, чунки у жамиятнинг олға томон ҳаракатининг тўсиқларидан бирини — миллий маданиятлар ривожи даражасининг тарихан таркиб топган нотекислигини бартараф этишга фаол кўмаклашади, СССРдаги миллат ва элатлар дўстлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкамланишига, уларнинг ўзаро яқинлашувига ёрдам беради. Бараварлашиш жараёнининг прогрессивлиги яна шунда ҳам кўринадики, унинг амалга ошиши, биринчидан, ўтмишдан мерос бўлиб қолган халқларнинг амалдаги тенгсизлигини йўқ қилишни, иккинчидан, миллатлар ва улар миллий маданиятларининг муттасил ва ҳар томонлама ривожланиши, равнақи ва яқинлашувини кўзлайди. Натижада турли миллат меҳнаткашларининг маданий қадриятлари ва маданий ижодидан баҳраманд бўлиш учун имкониятлар, шарт-шароитлар кенгаяди.

Миллат ва элатлар маданий тараққиёти даражасини уларни планли ва пропорционал ривожлантириш асосида бараварлаштириш — диалектик жараён бўлиб, шу боисдан у ботиний нотекисдир. Зотан ҳар бир миллатнинг маданияти, интернационал-муштаракликдан ташқари унда, жумладан, моддий турмуш соҳасидаги ихтисослашувнинг инъикоси бўлган маънавий ишлаб чиқариш соҳасида унинг ихтисослашуви ҳамда тарихан таркиб топган маданий анъаналар билан боғлиқ миллий-хусусий жиҳат ҳам мавжуд бўлади. Бу эса нотекислик моментини назарда тутади.

Социалистик миллий маданиятлар ривожи даражасини бараварлаштириш — нафақат мураккаб, зиддиятли, шу билан бирга узоқ давом этадиган жараёндир. Бу шу билан боғлиқки, янги жамиятнинг қарор топиши ва тараққиёти жараёнида кўп миллатли Совет давлати бошқа муҳим ва долзарб проблемалар қаторида халқларнинг иқтисодий ва маданий ривожланиши даражаларидаги нотекислик ва тафовутларни йўқотиш, уларнинг амалдаги тенглигини таъминлаш вазифасини ҳал этади. Бу вазифа бир қанча босқичларда амалга ошириладики, уларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга.

СССР халқлари маънавий маданиятининг ривожланиш даражасини бараварлаштиришни тадқиқ этишда ана шу жараён кўрсаткичларини ва объектив мезонларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Уни тўғри, айнан бир хил акс эттириш учун барча ёки деярли барча ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган кўрсаткичларни комплекс ҳолда, социалистик миллат ва элатлар маънавий маданияти ҳодисаларининг миқдорий ва сифат жиҳатларини ҳисобга олиш зарур. Бараварлашти-

ришнинг барча кўрсаткичларини жами ҳолда ўрганиш талаби муҳим методологик аҳамиятга молик бўлиб, қуйидаги объектив ҳолатлардан келиб чиқади:

— бараварлаштириш жараёнлари миллий маданиятларнинг ҳамма соҳаларида содир бўлиб, ишлаб чиқаришни ҳам, тақсимлашни ҳам, маданий бойликлардан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Миллий маданиятлар ривожининг ана шу учта асосий томонларининг бир-бирини тўлдирадиган кўрсаткичларини ҳисобга олиш улар даражасини бараварлаштириш манзарасини тўғри ёритишга кўп жиҳатдан ёрдам беради;

— бараварлаштириш жараёнлари миллий маданиятларнинг турли структуравий элементларида турлича юз беради. Элементларнинг баъзиси ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти билан бевосита боғлиқдир (илмий-техника ва иқтисодий тафаккур, профессионал билимлар, ишлаб чиқариш кўникмалари), бошқалари бавосита боғлиқ бўлади (бадиий адабиёт ва санъат, умумий таълим билимлари, турмушнинг маънавий томони, хизмат кўрсатиш соҳаси маданияти ва бошқалар). Миллий маданиятлар элементларининг ишлаб чиқариш билан турли хил алоқаси тегишли равишда бараварлаштириш жараёнларига ҳам таъсир қиладики, буни ҳамиша миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг диалектик бирлигида баҳолаш зарур.

Бу талабни унутиш нотўғри мулоҳазалар туғдириши мумкин ва туғдиради ҳам. Масалан, миллий маданиятлар ривожланиш даражасидан миқдорий тафовутларни ифодалайдиган баъзи статистик маълумотларни далил қилиб келтириб, баъзан маданий тараққиёт соҳасида СССР халқлари ўртасида гўё амалдаги тенгликка асосан эришилган, деб ҳисоблашади. Бироқ бу унчалик тўғри эмас, чунки миллий маданиятларнинг миқдорий ҳолати билан сифат ҳолатини бир хил нарса деб қарашади. Бундай янглишувларнинг гносеологик илдизлари миллий маданиятлардаги баъзи миқдорий кўрсаткичлар ролини ошириб кўрсатиш, абсолютлаштириш, уларни сифат омилларидан, яъни янги, социалистик типдаги миллий маданиятларнинг характерли белгилари ва хусусиятларидан (марксизм-ленинизмга содиқлик, партиявийлик ва халқчиллик, революцион гуманизм ва оптимизм, ватанпарварлик ва интернационалистик идеалларнинг уйғун равишда қўшилиб кетганлиги) ажратиб қараш билан боғлиқдир. Совет ҳокимияти даврида барча миллат ва элатларда таркиб топган маданиятнинг ана шу янги типи маънавий соҳада амалдаги тенгликка эришишнинг ҳал қилувчи объектив мезони бўлиб хизмат қилади. Кенг халқ оммасининг маданиятдан баҳраманд бўлиши, хилма-хил ижодий фаолият билан шуғулланиши, турмуш ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида марксча-ленинча дунёқарашнинг тантана қилгани (шу жумладан совет кишиларининг маънавий қиёфасида ҳам) — КПСС ленинча миллий сиёсатининг энг муҳим ютуқларидир.

Миллий маданиятларнинг ривожланиш даражасини бараварлаштириш жараёни улар формаларининг эволюцияси йўли билан ҳам содир бўлади. Социализм шароитида барча миллатлар — ҳам қадимий, ҳам ёш миллатлар — ўз маданиятларини ички имкониятлар, шунингдек кўп миллатли совет ва жаҳон маданиятлари тажрибасини ўзига сингдириб ташқи алоқалар ҳисобига ривожлантирадилар. Социалистик воқеликни ҳар тарафлама акс эттириш имконини берадиган замонавий ривожланган ва профессионал формаларга катта эҳтиёж ва иштиёқ вужудга келади. Бу ҳол Совет Шарқи халқлари миллий адабиётларида роман, повесть, ҳикоя, драма, очерк, публицистик поэма, либретто, сценарий каби ва бошқа жанрларнинг пайдо бўлишида кўринди, бу жанрлар революциядан олдинги даврда бу ерда, агар оғзаки халқ ҳикояларини ҳисобга олмаганда, йўқ эди. Гарчанд халқ театр ва рақс санъати нисбатан юқори ривожланиш босқичига эришган бўлса-да, профессионал театр ҳам бўлмаган эди. Профессионал театрларнинг яратилиши — Шарқдаги социалистик миллатларнинг буюк ютуқларидан бири ва айни вақтда улар бадиий маданияти етуклигининг энг муҳим кўрсаткичидир. Барча профессионал жанрлар: опера, балет, кантата, симфония, оратория, капелла, хорни ўз ичига олган замонавий музика санъатини ҳам шунга қўшиш мумкин. Халқ музикаси ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Композиторларнинг VII Бутуниттифоқ съездида (1986 йил апрель) бизнинг музикавий харитамизда бирон бир периферия тўғрисида гапириш тўғри бўлмайди, чунки

истисносиз ҳамма республикаларда нафақат маҳорат, шу билан бирга бадиий тафаккур савияси ҳам энг юксак жаҳон мезонларига жавоб беради, деб таъкидланди.

Исломнинг тақиқлаши оқибатида революцияга қадар Ўрта Осиё халқлари дастгоҳли рассомлик санъати анъаналарини ярата олмаганлар. Уларнинг тасвирий ижоди, асосан, наққошлик-декоратив санъат билан чекланган эди. Бугунги кунда биз Шарқдаги социалистик миллатларда тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрлари: маиший ва тарихий рассомлик асарлари, портрет, пейзаж, монументал ва дастгоҳли ҳайкалтарошлик, китоб иллюстрацияси ва плакат мавжудлигини мамнуният билан қайд қилишимиз мумкин.

Кино санъати ҳам муносиб ривож топди. Шуни эслатиш кифояки, эндиликда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг йирик киноусталари томонидан яратилган фильмлар мамлакатимизда ва хорижда муваффақият билан намойиш қилинмоқда.

Шундай қилиб, ўтмишда эзилган халқлар эндиликда замонавий профессионал санъат ва адабиётнинг ҳамма турлари ва жанрларига эгалар ва бу жиҳатдан улар бошқа халқлардан қолишмайдилар. Бу миллий маданиятларнинг ривожланиш даражасини амалда бараварлаштиришдир. Бундай тенденция маориф соҳасида, зиёли кадрлар тайёрлашда, илмий ва техникавий билимларнинг ўсишида, тил ривожида, турмуш маданиятининг ошиши, шунингдек маданият муассасаларини жойлаштириш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ва ҳоказоларда яққол кўзга ташланмоқда.

Миллатларнинг ривожланиш даражасини бараварлаштириш жараёни кишилар тарихий бирлигининг янги шакли — совет халқида ўзининг мужассам ифодасини топадики, у социалистик қурилиш жараёнида, биргаликда қилинган меҳнатда, СССРнинг равнақи тўғрисидаги умумий ғамхўрлигимиз туфайли вужудга келди. Бу муштараклик нафақат иқтисодий турмушда, жамиятнинг сиёсий ташкил этилишида, шунингдек совет кишиларининг маънавий қиёфасида ҳам зоҳир бўлмоқда. Бугунги кунда унда уларни бир-биридан фарқ этадиган жиҳатлар эмас, балки СССРдаги барча миллат ва элатлар ривожининг социал-иқтисодий негизлари бирлигини, коммунизм қурилишида уларнинг манфаатлари ва мақсадлари муштараклигини акс эттирадиган умумий белгилар беқиёс катта аҳамиятга эга. Миллий хусусиятлар билан бир қаторда ҳар тарафлама миллатлараро алоқа натижасида уларнинг маънавий қиёфасида умумсовет хусусиятлари: коммунизм ишига садоқат, совет ватанпарварлиги ва пролетар, социалистик интернационализм, коллективчилик ва социалистик инсонпарварлик, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий соҳада юксак активлик, уюшқоқлик ва онгли интизом, буржуа идеологиясига нисбатан муросасизлик, ўз фаолиятини ижтимоий манфаатлар билан тобора кўпроқ қиёслаш, ўзаро ёрдам тобора кўпроқ қарор топмоқда. Совет кишиларида ана шу сифат жиҳатдан янги умумий хусусиятларнинг пайдо бўлиши ва камол топиши — маданият соҳасида социалистик миллат ва элатлар ривожланиш даражасини бараварлаштириш жараёнини таърифлаган жуда муҳим мезонлардир.

Кўпдан-кўп маълумотларни ҳар тарафлама анализ қилиш ва умумлаштириш бараварлаштиришнинг қуйидаги объектив мезонларини таърифлаш имконини беради:

— СССРдаги миллат ва элатларнинг маънавий ҳаётида марксизм-ленинизм идеологияси, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, халқларнинг мустаҳкам дўстлигини қарор топтириш, мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданиятнинг барпо бўлиши;

— барча миллат меҳнаткашларининг социализм қурилиши ва унинг маданиятини қуришда, ишлаб чиқаришда, маданий қадриятларни сақлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда актив ва фаол иштирок этиши;

— турли миллатларга мансуб совет кишилари маданий манфаатларининг маънавий яқинлиги ва бирлиги муҳитини шакллантириш;

— халқлар маданиятида миллий хусусиятларнинг интернационал, социалистик, ижтимоий белгилар ва анъаналар билан узвий бирикуви;

— барча миллатларга мансуб СССР гражданларининг илмий ва техникавий билимлар билан юксак даражада қуролланиши, адабиёт ва санъатдан ҳеч қандай чеклашларсиз кенг баҳраманд бўлиш имконияти;

— ҳамма республикаларда адабиёт ва санъат барча жанрларининг ривожланган ва юксак замонавий даражада бўлиши;

— меҳнат маданиятининг озми-кўпми бир хил даражадалиги, халқ хўжалигининг бир турли тармоқларида ишловчи барча миллат меҳнаткашлари ишлаб чиқариш фаолиятида маънавий негизнинг бир хил даражадалиги;

— барча совет республикаларидаги айрим, асосий бўлмаган жиҳатларга тааллуқли фарқлар мавжуд бўлган турмуш маданияти маънавий-интеллектуал ривожининг бир хилда юксак даражадалиги ҳамда унинг ютуқларидан уй-рўзғор ишларида ва ёш авлодни тарбиялашда ҳеч қандай чеклашларсиз кенг қўлланиш имкониятининг мавжудлиги;

— барча миллий республикалар аҳолиси маданий эҳтиёжлари ривожининг нисбатан бир хил даражада эканлиги;

— ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги, иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ҳаётнинг, марксча-ленинча идеологиянинг, ишчилар синфи манфаатлари ва идеалларининг бирлиги негизида кишиларнинг янги тарихий бирлиги — ягона кўп миллатли совет халқининг вужудга келганлиги. Ана шу бирликнинг пайдо бўлганлиги — миллат ва элатларнинг нафақат иқтисодий, социал-сиёсий жиҳатдан, шу билан бирга маънавий тараққиётининг ҳам бараварлашувининг энг мужассам ифодасидир.

Кишиларнинг янги тарихий бирлиги бўлган совет халқи социалистик маданиятининг энг муҳим элементлари қуйидагилардир: а) ўз мазмунига кўра жуда бой, характерига кўра янги ватанпарварлик туйғуси — совет кишисининг умуммиллий ифтихор туйғусининг вужудга келиши; б) умумсовет революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари; в) совет халқи маънавий қиёфасининг шаклланаётган умумий белгилари умумсовет характерининг қарор топиши; г) интернационал руҳ билан йўғрилган ягона совет таълим ва тарбия системаси; д) ихтиёрий равишда танланган миллатлараро алоқа тили сифатида рус тилининг кенг ёйилиши.

Совет жамияти ривожининг ҳозирги босқичида барча республикалар, миллат ва элатлар маданиятнинг ҳамма соҳаларида ғоятда юксак даражага эришдилар. Лекин бу, ўз-ўзидан равшанки, СССРда миллий маданиятлар ривожи даражасини тўла бараварлаштириш ҳозирдаёқ амалга ошди ва бу соҳада ҳеч қандай проблемалар йўқ, деган гап эмас.

Аҳолининг билим даражасида анчагина фарқ кўзга ташланади. Масалан, 1984/85 ўқув йилида РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Латвия ССР, Арманистон ССРда аҳолининг ҳар 10 минги ҳисобига студентлар сони 213 дан 163 кишигача бўлган. Ана шу кўрсаткич Ўзбекистон ССР, Молдавия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР, Эстония ССР га татбиқан — 161 дан 122 кишига тўғри келган.

Миллий республикалар ўртасида врачлар сонида ҳам муайян тафовут сақланиб келмоқда. Агар СССРда умуман 1984 йилда 10 минг кишига 41,2 врач тўғри келган бўлса, Эстонияда — 45,5, Латвияда — 48, Грузияда 52,5 киши, Тожикистонда эса — 26, Туркманистонда — 31,1, Қирғизистонда — 32,4, Ўзбекистонда — 32,7, Молдавия билан Қозоғистонда — 36,3 киши тўғри келган.

Мамлакат республикалари, регионлари ўртасида уларнинг умуман ривожланаётган маданий ҳаётидаги сифат кўрсаткичларида ҳам жиддий тафовутлар мавжуд. Чунончи, Ўзбекистоннинг кўпгина олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш сифати лозимича юқори эмас; бу соҳада бошқа сабаблардан ташқари, ўқувчиларнинг ҳар йили қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилиши таъсир қилмоқда. Совет кишилари миллатлараро муомала воситаси сифатида ихтиёрий равишда қабул қилган рус тилини ўзлаштириш жараёни республикамизда нотекис ривожланмоқда; бу ҳол баъзан уни ўрганиш қониқарсиз ташкил этилганлиги, кўпгина миллий мактаблар ва ўқитувчилар ишининг етарлича малакали эмаслиги, ўқув программасидаги нуқсонлар билан боғлиқдир. Аҳолини бадиий маданиятга ошна қилишда ҳамма иш жойида деб бўлмайди: Ўзбекистонда мингта аҳолига бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга қараганда уч-тўрт баравар кам тўғри келади. Республикалар аҳолисининг маданий даражасидаги бошқа тафовутлар ҳам сақланиб қолмоқда, бу тафовутлар нафақат маданият муассасаларининг нотекис жойлашгани, маънавий эҳтиёжлар ривожининг

бир хил даражада эмаслиги ва уларни қондириш имкониятларининг фарқ қилиши билан, балки шунингдек маданият муассасалари қурилиши ва уларни жойлаштиришни планлаштирганда тегишли иттифоқ ва маҳаллий органларнинг регион демографик вазиятининг ўзига хос жиҳатларига эътиборсизлик билан қарашлари билан ҳам боғлиқдир.

Социализм ҳар тарафлама такомиллаштирилаётган, миллий республикалар ягона халқ хўжалик плани асосида тараққий этаётган бир шароитда уларнинг маданий ривожланишидаги ҳозирча мавжуд баъзи бир нотекислик антагонистик зиддиятларга олиб келмайди. У ҳар қайси совет республикаси ва умуман мамлакат маданиятини бутун чоралар билан ривожлантириш орқали бартараф этилади. Бундан иттифоқдош республиканинг ўзи ҳам, шунингдек кўп миллатли социалистик давлат ҳам манфаатдордир.

Миллий маданиятлар ривожланиш даражасини бундан буён ҳам бараварлаштириш жараёнига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: ишлаб чиқарувчи кучларда содир бўлаётган чуқур сифат ўзгаришлари ва шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқариш муносабатлари, кишилар ўртасидаги барча ижтимоий муносабатларнинг такомиллашуви; шиддатли суръатлар билан ривожланаётган фан-техника революцияси; СССРдаги миллат ва элатларнинг ҳар тарафлама ривожланиши, равнақи ва доимий равишда бир-бири билан яқинлашиб бориши; социалистик жамият ҳаракатлантирувчи кучларининг таъсири (маънавий-сиёсий бирлик, совет ватанпарварлиги, интернационализм ва халқлар дўстлиги); социалистик турмуш тарзининг ҳар тарафлама тараққиёти ва такомиллашуви ва ҳоказо.

Миллий маданиятлар даражасини бараварлаштириш жараёнининг характерли белгиларидан бири шуки, у СССРдаги миллат ва элатларнинг доимо ўсиб ва чуқурлашиб бораётган қардошларча ёрдами ва ўзаро кўмаги негизида амалга оширилади. Пролетар, социалистик интернационализм идеологияси ва практикаси зоҳир бўлишининг формалари сифатида улар ўз ривожида илгари орқада қолган халқлар учун алоҳида маъно ва аҳамиятга эга бўлди. Ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, дунганлар, қорақалпоқлар рус ва мамлакатимизнинг бошқа қардош халқлари ёрдами билан тарихан қисқа муддат ичида ўзларининг сиёсий, хўжалик ва маданий қолоқликларини тугатишга доир партия программасини адо этдилар, бир авлод умри давомида бевосита токапиталистик муносабатлардан социализмга ўтдилар, СССРдаги иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожланган халқлар билан бир сафга чиқиб олдилар.

Совет мамлакати барча халқларининг янги жамият қуриш соҳасидаги туб манфаатлари, вазифалари, мақсад ва идеалларининг бирлиги шундай ёрдамни таъминлади. Шу ёрдамнинг илгари қолоқ бўлган халқларнинг ўзининг ички ресурслари билан айни қўшилгани партиямизга СССРдаги юздан ортиқ миллат ва элатлар маданий ривожланиш даражасини бараварлаштиришдек шу қадар мураккаб проблемани ҳал этишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Ҳар бир республикада ва умуман мамлакатда экономиканинг тез ўсиши совет халқлари ривожининг нотекислигини тўла ва батамом тугатишнинг моддий негизидир. Ижтимоий ҳаёт ҳамма томонларининг демократиялаштирилиши, барча миллат меҳнаткашлари социалистик онглилиги ва ижодий активлигининг ўсиши ҳам бунга ёрдам бермоқда. Марксизм-ленинизмнинг жамият ҳукмрон дунёқарашига айлангани ҳам социалистик миллатлар маданий ривожланиши даражасининг тез суръатлар билан бараварлашувига кўп даражада сабаб бўлди.

Социалистик миллатлар маданий ривожланиш даражасининг бараварлашувига хос бўлган энг муҳим белги — Коммунистик партиянинг ана шу тараққиётга ташкил этувчи ва йўналтирувчи таъсиридир. Партия миллий маданиятлар тараққиётини ҳамда халқлар ўртасидаги тарихан таркиб топган маданий нотекисликнинг бартараф этилишини таъминлайдиган масалаларни ҳал қилишга катта эътибор бермоқда. Айни КПСС социалистик миллий маданиятларни ҳар тарафлама ривожлантиришнинг жуда мураккаб назарий проблемаларини ижодий тарзда ишлаб чиқмоқда, барча совет кишиларини ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда, бараварлаштириш жараёнига тўсиқ бўладиган миллатчилик ва шовинизм сарқитларига қарши муро-

сасиз курашмокда, совет халқларининг манфаатлари ва қадриятлар борасидаги йўналишлари нафақат моддий, шу билан бирга маънавий соҳада ҳам бўлиши учун ҳамма ишларни қилмокда. Маълумки, КПСС XXVII съезди социал-иқтисодий жадаллаштириш программасини ишлаб чиқди, бу программани муваффақиятли бажариш натижасида СССРдаги миллат ва элатлар миллий маданиятлари ривожланиш даражасини тўла бараварлаштириш, совет халқининг ягона, социалистик маданиятини мустаҳкамлаш ва янада тараққий эттириш сари янги йирик қадам қўяди.

Мамлакатимиз халқлари маданий ривожланишини бараварлаштириш тажрибаси буржуа идеологларининг сохталаштиришларини, уларнинг «ижодкор» миллатлар ҳамда гўё биологик «норасолик» туфайли маънавий таназзулга маҳкум бўлган «ноқобил» миллатлар тўғрисидаги тутуриқсиз, ғайриилмий «назарияларини» тамомила рад этади. Бу тажриба ҳамма миллат ва элатлар актив тарихий ижодга қодир эканлигидан қатъий далолат беради, дунёни «мумтоз» ва «норасо» миллат ва элатларга ажратиш ғирт бемаънилик эканини кўрсатади.

СССР миллат ва элатларининг умуман маънавий ҳаёт соҳасидаги ютуқлари, жумладан, уларнинг миллий маданиятларнинг ривожланиш даражасини бараварлаштиришдаги муваффақиятлари социалистик тузумнинг нақадар улкан кучқудратни юзага чиқара олишига ёрқин мисолдир. Шунинг учун ҳам КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрь 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида социалистик маданиятнинг обрў-эътиборини янада баланд кўтаришга даъват этгани бежиз эмас, чунки совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтиши, келажакка йўл очиши фақат социализмнинг маънавий соҳасини — фан ва маорифни, адабиёт ва санъатни, совет халқининг жамики социал ва маънавий қадриятларини ҳам ўз ичига оладиган кенг жабҳада содир бўлиши мумкин.

Биз ана шу стратегик вазифани ҳал этар эканмиз, бу билан социализмнинг жозиба кучини, унинг бутун дунёда социал тараққиётни жадаллаштиришга кўрсатадиган таъсирини янада оширамиз.

ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДАГИ ТЕАТР ИШЛАРИ

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
санъатшунослик кандидати

ГАРЧАНД ҒАЙРИТАБИИЙ КЎРИНСА-ДА шуни айтиш керакки, Ўзбекистон театрларининг ҳақиқий мақсадини ҳатто бугунги кунда ҳам тасаввур этиш қийин. Бундай аҳвол қисман республика Маданият министрлиги Театрлар бошқармасининг уларга фақат коммерция хўжалиги сифатида қараётганлигидан юз бермоқда. Область маданият бошқармаларининг кўп сонли ревизорлари театрлар молиявий-иқтисодий фаолиятини текшириш билан шуғулланишар эканлар, уларга ҳамиша зарар келтирадиган, ҳеч қандай дуруст даромад бермайдиган бир маданият ўчоғи деб қараб келдилар. Машъум «ялпи маҳсулот» бу ерда ҳам кўшиб ёзишларни келтириб чиқарди — маъмурият «тадбир»лар (спектакллар қулайлик учун шундай деб номланарди) сонини, труппалар мудирлари — томошабинлар олдида чиқишлар нормасининг ўртача миқдорини, бухгалтерия эса корхона ва муассасаларнинг маданий тадбирлар ҳисобига ўтказиладиган пул эвазига планга нисбатан процентларни кўпайтириб бораверишди.

Театрларнинг йиллик ҳисоботлари сотилган билетлар миқдорига қараб тузиларди ва ҳозир ҳам худди шундай қилинмоқда. Лекин бу кўрсаткичлар ҳам театрга кирган томошабинларнинг ҳақиқий сони ҳақидаги маълумотларга тўғри келмайди, ижодий коллективнинг қиёфасини белгиловчи репертуарнинг ғоявий-бадиий савиясини акс эттирмайди. Молиявий-иқтисодий планни бажарган ҳар қандай театрни ҳам илғор театр деб бўлмайди, постановкалар ва саҳнага чиқиш нормасини уддалаган ҳар қандай режиссёр ва актёрни ҳам истеъдодли деб бўлмайди. Бунда театрнинг энг муҳим вазифаларидан бири — кишиларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, ўз томошабинларига ғоявий тарбия бериш вазифаси унутиб қўйилади.

Статистика репертуарнинг барча спектаклларини ҳисобга олиб боради, улар орасида бадиий мукаммаллари ҳам, паст савиялилари ҳам, кўп пул тушишини ўйлаб киритилган, дидсиз томошабинларга мўлжалланганлари ҳам бор, албатта. Аммо кўп йиллар давомида ва ҳатто ҳозир ҳам у ёки бу артистлар коллективининг ютуқлари ҳақида айни ўша статистика бўйича ҳукм чиқарадилар, шу сабабли тантанавор-тематик репертуарнинг ранг-баранглиги, театрнинг кундалик ҳаётнинг бирон воқеасига зудлик билан жавоб бериш ниятида тезкорлик кўрсатиши (А. Сафоновнинг «Лабиринт», С. Азимовнинг «Замон драмаси», Қ. Қодировнинг «Талваса» ва бошқа спектаклларни эслайлик) рағбатлантирилди. Шу билан бирга театр коллективлари олдида турган асосий ғоявий-бадиий вазифаларни бажаришга ёрдам бериши лозим бўлган муҳим мавзулар «йирик» темалар соясида қолиб кетарди. Хуллас, театрга яхши муносабат область маданият бошқармалари деярли ҳар куни текшириб турадиган миқдор кўрсаткичларига қараб белгиланади.

Масалан, агар таъбир жоиз бўлса, театр маҳсулотини сифатига қараб эмас, балки «ялпи кўрсаткич»га қараб баҳолаш ҳанузгача давом этмоқда. Шу билан бирга расмий ҳисоботларга ўтказилган «кулги кечалари», концертлар ва дискотекаларнинг ҳақиқий миқдори эмас, балки томошабинларда унча қизиқиш

уйғотмайдиган спектаклларга йўйилган сохта кўрсаткичлар киритилади. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети, жумладан, Ҳ. Олимжон номидаги Самарқанд драма театри фаолиятида худди ана шундай қўшиб ёзишлар борлигини аниқлади. Ушбу театр директори Т. Ширинбоев кўплаб гастролларга чиқариб туриш учун махсус концерт группасини тузиш, ойлаб районма-район кўчиб юрадиган «фокусчи актёр»нинг ўз билганича кўрсатадиган номерларини рағбатлантириш билан чекланибгина қолмай, бухгалтердан ўша томошалар учун корхоналардан тушадиган маблағни умумий молиявий кўрсаткичларга қўшишни буйруқ тарзида талаб қилди.

Бир қатор область театрларининг 1986 йил ҳисоботларида ҳам турли-туман метаморфозалар кўзга ташланади. Агар, масалан, Фарғона музикали драма театри дастлабки 6 ой ичида 117 марта «концертлар» ва «спектакллардан парчалар» кўрсатган бўлса, кейинроқ 1 йил ичида уларнинг сони атиги 26 га тушиб қолди. Сурхондарё театрининг ўша давр олинган ҳисоботида спектакллардан парчалар ва концертлар 130 марта ижро этилган бўлса, йиллик ҳисоботда уларнинг сони учта тадбирга кўпайган. Бошқа коллективлардаги аҳвол ҳам ҳамон эскича. Уларнинг раҳбарлари ҳақиқий аҳволни яширишга уринишмайди ҳам. Самарқанд опера ва балет театрида, Жиззах, Андижон, Қўқон, Наманган, Хоразм театрларида концерт фаолияти ва театрлаштирилган томошаларни кўрсатишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашади.

Тошкент театр коллективлари ҳам улардан ортда қолишмаяпти. Масалан, 1985 йили Муқимий номли театр концерт фаолияти салмоғи 39 процентни, 1986 йили эса сал камроқ — 37 процентни ташкил этди (бу тахминан 182 концерт ва кулги кечалари демакдир). 1986 йили ташкил этилган сатира театрида (1987 йилнинг 7 ойи ичида 103 марта театрлаштирилган томоша кўрсатилгани ҳолда спектакллар 65 марта қўйилди) театрлаштирилган томошалар ижрочилик савияси бўйича область театрларининг «кўнгилочар программалари»дан сира фарқ қилмайди, фақат бу томошалар спектаклларга қараганда кўпроқ завқ-шавқ, иштиёқ билан ижро этилади. Ҳатто сатира театрининг ташкил этилганлиги мақсадга мувофиқмикин, деган савол ҳам туғилади.

Кўриниб турибдики, тақиқлашлар ва матбуотда берилаётган танқидий мақолаларга қарамай, концертларни кўпайтириш тенденцияси ҳамон кучайиб бормоқда. Театрлар бундан кейин ҳам ишни шу йўсинда давом эттирадиган бўлса, уларнинг аҳволи не кечади? Кимнингдир принципсизлиги, талабни пасайтириб юборганлиги, «табассум ва кулги кечалари» ҳамда устма-уст концертлар келтирган зарарни бугун ким ҳам ҳисоблаб чиқа олади? Ҳолбуки, фактларнинг далолат беришича, қишлоқ томошабинлари сони 1983 йили 1975 йилга нисбатан 8 процент камайган (шуни ҳам назарда тутиш керакки, сотилган билетлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади, ваҳоланки, улар келган томошабинларнинг ҳақиқий сонини билдирмайди).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Театрлар бошқармасининг собиқ раҳбарлари, область маданият бошқармалари бошлиқлари, расмий танқидчилик вакиллари театрларда санъатдан узоқ воситалар билан план «қилиш» ҳаракати йилдан-йилга кучайиб бораётганлигини билишармиди? Билишган бўлса керак. Аммо кўзни қувонтирадиган миқдор кўрсаткичлари биринчи ўринга қўйиб келинган. Гап ҳатто область маданият бошқармаларининг театрлар ва концерт ташкилотларининг молиявий-иқтисодий ютуқларидан ижодий коллективлардан биронтасининг бажарилмаган планини яшириш учун фойдаланганликларида ҳам эмас, гап йиллар давомида ишлаб чиқилган шубҳали мезонлар хусусида, яъни театр ишининг муваффақияти «аъло даражадаги» молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчанганлиги, «чиройли» рақамларга эришган ва постановкалар нормасини бажарганлар истеъдодли ва етакчи театр арбоблари деб ҳисобланганлигида, театр санъатининг томошабинга таъсир этиш кучи, спектаклларнинг ғоявий-бадиий савияси мутлақо унутилиб қўйилганлиги устида кетяпти.

Шу тариқа нобоп бир вазият вужудга келди: театр ижодий организм сифатида ўз позицияларини йўқота бошлади, томошабинларни йўқота бошлади ва ўз молиявий-иқтисодий кўрсаткичларининг қули бўлиб қолди, бу кўрсаткичларни

бажариш учун йўлда дуч келган ёки ўтказилган пул ҳисобига «ҳадя этилган» тасодифий томошабин кетидан юришга мажбур эди.

М. С. Горбачев КПСС МҚнинг 1988 йил февраль Пленумида шундай деб таъкидлади. «Биз ўтмишдан чиқариб олишимиз лозим бўлган бош сабоқларнинг бири шундан иборат: модомики биз экономикада буйруқбозлик-маъмурий усуллардан қатъиян воз кечаётган эканмиз, жамиятнинг маънавий тараққиётида бундай усуллар айниқса номақбулдир». Агар чиндан ҳам бундан сабоқ олиб, зарарли ва юзаки нарсалардан воз кечадиган ҳамда тозаланиладиган бўлсак, у ҳолда биз биринчи галда область театрлари бугунги кундаги амал қилаётган системанинг сезиларли ўзгаришлар ясашга имкон бермаётганлигини кўрамиз. Гап бунда собиқ мансабдор шахслар театрдаги турғунликнинг асосий сабаблари қилиб кўрсатишмоқчи бўлган комедияларга берилиб кетишда, кўпчилик пьесаларнинг майда темалилигида, театрлар моддий-техника базасининг бўшлигидагина эмас. Гап шундаки, театр ишидаги янгиликка ва талантли изланишларга халақит бериш механизми ҳамон амал қилмоқда, спектаклларни баҳолашда ҳамон принципсизликка йўл қўйилмоқда.

«Илҳом» театр-студияси кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Азбаройи ижодкор ёшларнинг ғамхўри Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Р. М. Қориевнинг ғайрат-шижоати туфайлигина «Илҳом» барча тўсиқлардан ўтиб, оёққа турди. Лекин бундан бирон бир хулоса чиқарилдими? Хўш, нега энди ёшлар театри эшигига қулф осиб қўймоқчи бўлган кимсалар бугун қайта қуриш тўғрисида ваъзхонлик қилиб, кечагина тўраларча муносабатда бўлган, роса қийнаган кишилар кўнглини олмоқчи бўладилар? Профессионал театрлар паноҳида туғилган бошқа ижодий студиялар қаёққа кетди? Янгидан пайдо бўлаётган коллективлар Москвадаги сингари эҳтиёткорлик билан асраб қолинишига ким кафолат беради?

Шу ерда 70-йиллар бошида юз берган театр ҳаётига оид бир шов-шувни эслаб ўтиш ўринлидир. Бу воқеа Ўзбекистондаги айрим область марказларидагидан аҳолиси кам бўлган Паневежис шаҳри (Литва ССР)даги драма театри билан боғлиқдир. Бу театр репертуарида совет драматургларининг замонавий асарлари билан бир қаторда Чехов, Ибсен, Гауптман, Дюрренмат асарлари ҳам бор эди. Бу театрнинг иш режими — дам олиш кунларини ҳам ҳисоблаганда ҳафтада уч-тўрт спектакль кўрсатарди. Турнақатор автобуслар Паневежис театрига тушишга муштоқ бўлган томошабинларни нафақат Литва районлари ва олис шаҳарларидан, балки қўшни республикалардан ҳам олиб келарди. Бу ерда номлари бугунги кунда барча санъат мухлисларига яхши таниш бўлган Ю. Будрайтис, Д. Банионис ва бошқа актёрлар Ю. Мильтинис раҳбарлигида ишлашарди. Район марказида бу қадар обрўли театрнинг бўлиши ўша вақтларда бизга бир мўъжиза бўлиб кўринганди. Нима бўлди денг? Ўшандан буён қарийб йигирма йил ўтди ва Паневежис намунаси биз учун яна узоқ ўтмиш ва деярли нореал нарса бўлиб туюлмоқда. Область театрларини сифат жиҳатидан бошқача бир позицияларга олиб чиқиш учун ижодкор ходимларнинг иши ва ўй-ниятларига ишонч ҳамда интилиш яна қайтиб келишига тағин қанча вақт керак бўларкин? Театр машиналарда районма-район кезиб юрмасдан, томошабинларнинг ўзлари автобусларда театрга жон деб келишсин.

Ҳозирча бирон ўзгаришлар ҳақида фикр юритиш қийин, чунки областлардаги актерлар бугунги кунда ҳам бригадаларга бўлиниб, бир кунда икки марта, баъзан эса ҳатто уч марта ҳам томошалар кўрсатишади. Актёр ярим кечада қайтиб, эрталаб яна бригада составида районга отланар экан, асар ғояси мазмунини саҳнада жиддий ифодалаш ва юксак сифат ҳақида гап бўлиши мумкинми! Репетициялар ўтказишга, маҳоратларини ошириш учун ёшлар билан машғулотлар ўтказишга вақт қайда дейсиз! Бундай коллективларда саҳна усталари эмас, балки директорлар, администраторлар ва бухгалтерлар раҳбарлик қиладилар.

Ха, айтмоқчи, сифат ҳақида гапирилганда фақат область театрлари репертуаринигина кўзда тутиш керак эмас. Бадиий жиҳатдан мукаммал ишланган қатор постановкаларни саклаб қолиш масаласи пойтахт коллективларида ҳам кескин бўлиб турибди. Е. Шварцнинг Рус ёш томошабинлар театрида «Инсон ва соя» пьесаси асосида қўйилган мюзикли (режиссёр В. Стрижов), М. Горький номидаги академик драма театридаги И. Друцэнинг «Муқаддасларнинг муқадда-

си» (режиссёр В. Стрижов), Ҳамза номидаги академик драма театридаги Б. Васильевнинг «Рўйхатларда йўқ», М. Бобоевнинг «Гурунг» (режиссёр Б. Йўлдошев), Н. В. Гоголнинг «Ревизор» (режиссёр М. Вайль) ва қатор бошқа спектаклларнинг сифати, жозибаси афсуски энди дастлабки томошабинлар кўрган даражадагидай бўлмайди. Юқорида зикр этилган спектакллар мазкур коллективлар тарихида бир босқич бўлиб қолди. Ҳамза номидаги академик драма театрининг «Зебунисо» (Уйғун), М. Горький номидаги академик драма театрининг «Чайка» (А. Чехов) ва «Виржиния Вульфдан ким қўрқади?» (Олби) сингари қизиқарли спектаклларининг жилолари тез сўниб қолмаслигига ва афзал жиҳатларининг қадр-қиммати йўқолиб кетмаслигига ким кафолат бера олади? Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги республика Театр арбоблари союзи билан биргаликда бу проблемага эътиборни кучайтирадилар, деб ўйлаймиз. Энг яхши спектаклларни сақлаб қолиш учун уларни маблағ билан таъминлашнинг махсус формасини ўйлаб топиш мақсадга мувофиқдир.

Ёш томошабинлар билан ишлаш ҳақида кўп гапирилган. Масалан, ёш томошабинлар театрлари ва қўғирчоқ театрларини кўпроқ очиш керак, деган таклифлар ҳам айтилмоқда. Юз берган вазиятдан қутулишнинг бу энг оқилона йўли деб ҳисобламаймиз. Анчагина проблемалар тўпланиб қолган мавжуд театрларимиз ишини саранжом-саришта қилиб олсак ҳам чакки бўлмасди. Жиззах қўғирчоқ театрининг аҳволи жуда оғир. Маҳаллий ҳокимият эътиборсизлиги туфайли нисбатан қисқа муддат ичида бу ерда тўртта актёрлар состави ўзгарди. Жиззахда коллективнинг ижодий иш қилиши учун оддийгина шарт-шароитлар ҳам етишмайди, актёрларга ҳатто уй-жойлар ҳам йўқ. Нураб турган эски бинода ишлаётган Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрида ҳам аҳвол шу. Тошкентдаги Рус ёш томошабинлар театрининг аҳволи ҳамон яхшиланганича йўқ, у капитал ремонтдан кейин стационар нормал ишлай олмаяпти.

Бизнингча, Ўзбекистонда ёш томошабинлар театрлари ва қўғирчоқ театрлари сонини кўпайтириш эмас, балки мавжуд коллективлар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг ишлашлари учун нормал шароит яратиб бериш масаласини кескин қўйишимиз зарур. Шу маънода театр коллективларини спектакллар сифатига путур етказувчи процент кетидан қувиш касалига олиб келган йиллик кўрсаткичларни қисқартиришга эришмоқ керак (масалан, республика қўғирчоқ театри йилига 1016 тадбир, Андижон қўғирчоқ театри 700, Жиззах театри 500, Қорақалпоғистон Ёш томошабинлар театри 400 тадбир ўтказиши керак). Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги болалар театрлари актёрлари маошларини кўтариш проблемасини зудлик билан ҳал этиши лозим. Буларнинг ҳаммаси ёш томошабинлар театрлари ва қўғирчоқ театрларининг ишлашлари учун яхши шароит яратади. Улар саҳналаштираётган спектакллар сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Театр арбоблари союзида республика ёш томошабинлар театрлари ва қўғирчоқ театрлари актёрлари ҳамда режиссёрларининг иш ҳақи, моддий ва пенсия таъминотини яхшилаш ҳақидаги таклифнинг киритилганига анча бўлди.

Бизнингча, тўла комплектланмаган ва ижодий имкониятларини йўқотган музикали драма театрларини драма театрларига айлантириш ва келажакда уларнинг репертуарини катталарга ҳам, ёшларга ҳам хизмат қилишга мослаштириш талаб этилади. Бунда гап томошабинлар бўйича планни бажариш учун, айтайлик, битта эртак саҳналаштириш ҳақида эмас, балки ҳар бир ёш группаси учун бир неча жиддий спектакллар қўйиш тўғрисида бормоқда. Ўшанда театр «катталигича» қолгани ҳолда ўз артистлари учун нисбатан юқори маошни сақлаб қолади ва айни вақтда болаларга ҳам хизмат кўрсатади. Режиссёрларнинг болалар (айниқса ўсмирлар) спектакллари устида муваффақиятли иш олиб боришлари учун бир театрдаги дотациялар нормативларини катталар учун постановкаларга алоҳида, болалар учун постановкаларга алоҳида қилиб табақалаштириш керак.

Афсуски, айрим театр директорлари буларнинг ҳаммаси бўлиши шарт эмас, бусиз ҳам болаларга эстетик тарбия бериш ишида қатнашиб келяпмиз, кўрсатилаётган спектакллар ва арча байрамларидаги томошаларнинг қарийб ярми болаларга бағишланган-ку, деб даъво қилмоқдалар. Чиндан ҳам қатор шаҳар ва область театрлари ҳисоботлари ўрганиладиган бўлса, худди ана шундай манзара ҳосил бўлади. Аммо бунинг замирида бутунлай бошқа нарса яшириниб ётибди,

яъни фақат молиявий ҳисоб-китобни, шунингдек осонгина уюштириладиган кичик ёшдаги ўқувчиларни спектаклларга жалб этиш ва шу йўл билан пул ва томошабинлар тўплаш планини бажаришни ўйлашади.

Театр ҳаётига дахлдор киши шуни яхши биладики, сотилган билетлар миқдорини характерловчи ҳисоботдан олинган рақам театрга тушган одамларнинг ҳақиқий сонини билдирмайди. Уддабуррон администраторлар сафар пайтида корхона касаба союзи комитети ёки колхоз правлениесидан маълум миқдордаги суммани «ундиришиб», кўпинча ўшанинг эвазига актёрларни тўла бўлмаган залда ишлаб беришга мажбур қиладилар. Яна бунинг устига томошабинлар спектакллар эмас, балки концертга ҳам, ижодий кечага ҳам, «гурунгга» ҳам ўхшаб кетадиган бир нарсани томоша қиладиларки, унда театрнинг муҳим қиймати — залда ҳамдардлик ва хайрихоҳлик туйғусини уйғотишга даъват этилган актёр санъати ўз ифодасини топмайди. Ваҳоланки, шу санъат йўқ экан, театр ҳам йўқ бўлади, уни қадрловчилар ҳам бўлмайди.

Кўриниб турибдики, театр билан томошабин ўртасидаги ўзаро алоқа мураккаб ва зиддиятлидир. Лекин яқин ўтмишда Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Театрлар бошқармаси, область маданият бошқармалари, область партия комитетларининг пропаганда ва агитация бўлимлари аслида театр коллективлари фаолияти учун ўзларидан масъулият соқит қилдилар, шу билан бирга уларнинг мустақил ривожланишига тўсқинлик қилдилар. Бу — театр обрў эътиборининг тушиб кетишига, уни асосан рақамларгина ҳисобга олинадиган оддийгина маданий-томошавий корхона даражасигача пасайиб кетишига олиб келдики, маъмуриятлар ва айрим раҳбар арбоблар кўпинча ўша рақамларга қараб театр иши ҳақида ҳукм чиқарадиган бўлиб қолишди. Шундай қилиб, мазкур «корхона» тўлақонли спектакллар ўрнига кўнгилочар тадбирларни амалга оширишга қодир бўлиб қолади. Шу нарсалар керакми ўзи? Театрни қайта қуриш ва унга томошабинларни қайтариш мумкинми?

Бизнингча, республика Маданият министрлиги, Ўзбекистон Театр арбоблари союзи партия қоралаган «эришилган кўрсаткичдан» планлаштириш системасига барҳам бериши ва муваффақиятли иш олиб бораётган театрларга дотацияни кўпайтириши зурур. Айни бир вақтда ожиз театрларнинг сарф-харажатлари билан арзимаган миқдордаги даромадлари ўртасидаги тафовутни пул билан қоплашни бекор қилиш мақсадга мувофиқдир.

Театрлар прокат майдончаларидан томошабинларнинг ҳам юксак санъат билан, ҳам артистлар билан мулоқот қиладиган масканга айланиши учун инвестицияни муттасил ошириб бориш керак. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва республика Театр арбоблари союзи буни тушунишади, лекин шундай театр ходимлари ҳам борки, улар транспорт, биноларни ремонт қилиш ва бошқалар тобора қимматга тушаётганини унутиб қўйишиб, театрнинг ўз харажатларини ўзи қоплаш ҳақидаги фикрни ҳали ҳам ҳимоя қилиб келмоқдалар. Шуни яхши тушуниб олиш керакки, дотациясиз театр бўлиши мумкин эмас, агар бирон бир театр давлат субсидияларисиз ишлаётган экан, бу билан эҳтимол бирон муассаса ёки корхона шуғулланаётган бўлиши керак.

«Эришилган кўрсаткичдан» планлаштириш шароитларида ўз харажатларини ўзи қоплашга эришишга уриниш нималарга олиб келишини амалиёт кўрсатди. Бундай театр коллективларининг қўшимча концертлар ва ҳар хил кўнгилочар кечаларсиз тадбирлар ва томошабинлар бўйича давлат планини бажаришлари қийин бўлиб қолди. Эндиликда республикада бир музикали ёки драма театрига мавсумда ўрта ҳисобда 400 тагача спектакл тўғри келади. Агар Ўзбекистондаги кўпчилик театрларнинг йиллик ҳисоботлари диққат билан ўрганиладиган бўлса, уларнинг бир мавсумда 200 га яқин спектакл қўйиши, қолганлари эса сафарда кўрсатилган ҳар хил кечалар ва концертлар, шунингдек, бўш, заиф спектакллар эканлиги маълум бўлади. Лекин нима учундир уларни ҳам санъат асари қаторига қўшишади. Шундай экан, уларни маблағ билан таъминлаб туриш керакми? Эҳтимол, субсидиялар бериш формасини хилма-хил қилиб, сафарга чиқиш ва гастроллар учун алоҳида, энг яхши спектакллар учун алоҳида субсидиялар берилса яхши бўлар. Лекин паст сифатли спектаклларни рағбатлантиришга чек қўйиш керак.

Афтидан давлат стационар театрларининг рақобат қилиш қобилиятини ривожлантириш, уларга тўла мустақиллик бериш, уларни Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Театрлар бошқармасининг, область маданият бошқармаларининг ҳаддан ташқари ҳомийлигидан халос этиш вақти келганга ўхшайди. Студия ташкил этиш ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, халқ ва ҳаваскорлик коллективларини астойдил қўллаб-қувватлаш зарур. Буларнинг ҳаммаси бугунги кундаги театр жараёни қиёфасини сифат жиҳатидан ўзгартириш, уни янада жўшқин, ранг-баранг қилиш имконини беради.

Совет театр санъати тарихи шундан далолат берадики, унинг гуркираб ривожланган даври иқтисодий сарф-харажатларнинг кўп қисмини давлат ўз зиммасига олган ва ижодий коллективларга мустақиллик берган йилларга тўғри келади. Шуниси ҳам маълумки, 1923 йилдан (бу даврда мамлакатда атиги тўрттагина театр маблағ билан таъминланарди) бошлаб уларнинг сони кескин қисқариб кетди; 1949, 1962 ва 1963 йилларда театр ишига дотацияларнинг камайтирилиши ёки умуман тўхтатилиши натижасида ҳам худди шундай бўлган эди.

Театр составларини шакллантириш масаласи бугунги кунда энг ўткир масалалардан ҳисобланади. Масалан, Ҳамза номидаги академик драма театри ижодий коллективининг табиий равишда икки группага бўлиниши кўпчиликни эсанкиратиб қўйди. Бировлар театр дирекциясини айблаб, бош режиссёр ва кетган актёрларни қайтаришни талаб қилдилар. Бошқалар бунга қайта қуриш даврида нормал ҳол деб қарадилар. Юз берган вазиятда ҳаётнинг ўзи актёрларга ўзларига раҳбар, режиссёрга эса ўз актёрларини танлаш имконини берди. Ўйлаймизки, бу — янги театр организмларини яратишнинг асосий шарти бўлиб, улар ҳаётни ўзи кўрсатганидек, битта труппада формал ва «бир умрга» бирлаштирилмаслиги керак.

Шу жиҳатдан «Илҳом» театри студиясининг ўн йиллик тажрибаси ибратлидир. Профессионал театрлар актёрлари — театр олий ўқув юртини яқиндагина битириб келганлар ҳам, Ўзбекистон ССР халқ артистлари ҳам спектаклларда бир хилда қатнаша олдилар. Табиийки, ўз фикр-ғояларини аниқ-равшан ифодалашлари учун режиссерлар учун ҳам кенг имконият очилган эди: улар кўп сонли актерлар орасидан танлаб олишиб, бу билан ўз спектакллари палитрасини анча бойитдилар. Лекин шуниси ҳам борки, ўша маъмуриятчи ходимлар театрда демократиялаштириш жараёнига тўсқинлик қилувчилар, «актив» танқид қилувчилар ролида чиқишиб, эркин ижодий ишга қўлларидан келганча халақит бердилар.

Лекин бугунги кунда бу соҳада қайта қуришни орқага қайтариш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, чунки унинг асосини ташаббус ва мустақилликни ҳар томонлама ривожлантириш, театр коллективларининг ўз-ўзини ижодий бошқарувини қарор топтириш ҳаракати ташкил этади. Гап артистларнинг қайси бинода ишлашида эмас, энг муҳими, ижодий интилишлари ўзларига яқин бўлган режиссёр билан тил топишиб ишлашидадир. Иккала томон ҳам юксак профессионализмни эгаллашган бўлса, бадиий мукаммал спектакллар яратилиши мумкин.

Кейинги вақтларда Ўзбекистон Театр арбоблари союзига дастлаб ҳам союз томонидан, ҳам область бошқарув органлари томонидан илк бор ва бир маротаба маблағ билан таъминланиш шарти билан ўз харажатларини ўзи қоплаш принциплари асосида янги театрлар ва бирлашмалар очиш тўғрисида таклифлар (ҳатто сметалари ҳисоб-китоб қилинган ишланмалар) тобора кўпайиб тушмоқда. Шу муносабат билан СССР Театр арбоблари союзи секретари М. А. Захаровнинг союз Уставини қабул қилишга бағишланган Бутуниттифоқ конференциясида (1987 йил май) сўзлаган нутқини келтириб ўтишни истардик: «СССР театрларининг ҳозирги аҳволини тадқиқ этиш ва чет эл тажрибаси санъатга маблағ сарфлаш кераклигини, шу билан бирга бу иш қанча узоқ давом этса шунча яхши бўлишини исботламоқда. Бу ерда ўтмишда дотациялар кескин қисқариши ва ҳатто тўхтатилиши қандай қайғули ҳолатларга олиб келганлигини эслаш ўринлидир. Лекин ҳозир шундай театр арбоблари ҳам борки, улар артистлар доим ҳам кўп пул ишлашлари мумкин, демоқдалар, ҳатто театрнинг ўз харажатларини

ўзи қоплаши ғоясини ҳимоя қилиб чиқмоқдалар... Бундай одамларни ўз вақтида тўхтатиш ва йўлини тўсиш керак, токи улар молия ходимларимизда носоғлом эҳтиросларни авж олдиришмасин».

Тўғри, ўз харажатларини ўзи қоплайдиган театр очишни таклиф қилаётган кишиларнинг ниятлари яхши, албатта. Аммо улар бу одатдаги стационар театр бўлишини тушуниб етмаяптилар. Ҳолбуки, Сатира театри билан худди шундай аҳвол юз берди. Масалан, «Илҳом» театр-студиясига ҳақ-ҳуқуқларини расмий равишда тан олишларига эришишлари учун ўн йил керак бўлди (дарвоқе у Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи дотациясидан маҳрум қилинган эмас), янги театрлар очиш ташаббускорлари эса дарҳол ўз қиёфаларига эга бўлишни, шу билан бирга кўп маош олишни ўйлайдилар. Ижодий изланишларсиз, коллективнинг якдиллигисиз бунга эришиб бўлармикин? Шубҳасиз, ҳозир янги театр коллективлари жуда керак, лекин улар театрлар қошидаги студиялар сифатида ҳам, завод ва фабрикалар қошидаги халқ театрлари сифатида ҳам ижодий иқтидорлари билан ўзларини мустаҳкам қарор топтира билишлари ва қўллаб-қувватланишлари лозим. Гап бу ерда хўжакўрсингагина қўллаб-қувватлаш ҳақида эмас, балки молиявий таъминланишнинг турли-туман формалари тўғрисида кетяптики, буларсиз театр умуман яшай олмайди.

Янги театр ташкилотлари очилиши муносабати билан прокат майдончасига айланиб қолган ва ўзининг профессионал театр деб ёзилган вивескасини оқламаётган қатор театрларни ёпиш масаласи ҳозир жуда кескин қўйилмоқда. Ўйлаймизки, бу иш кўнгилдагидек ҳал этилса, ўша театрлар биноларини гастролга келаётган коллективлар учун умумий саҳнага айлантириш мумкин бўлади. Техник ходимлар бинода тартиб сақлайдиган, шаҳарда афишалар тарқатадиган бўлади, томошабинлар эса ранг-баранг репертуарга эга бўлади. Шу маънода, масалан, Навоий шаҳрида янги театрни очиш шарт эмас. Бу ерда типовой бино қуриш кифоя, унда турли труппалар йил давомида ҳар оқшом спектакллар кўрсатишлари мумкин. Жуда бўлмаганда Андижондаги сингари «кафе-театр» очиш ҳам мумкин.

Жойлардаги театрларни қайта қуришнинг иккинчи йўналиши уларни қайта ташкил этишдир. Тўла комплектлаштирилмаганлиги ва ижодий салоҳияти етишмаслиги, шунингдек, айрим объектив сабаблар туфайли бугунги кунда қатор музикали драма коллективлари драма театрларига айлантирилиши керак. Чуқур анализ қилингандан ва область партия комитети, область ижроия комитетининг маданият бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Театр арбоблари союзининг маҳаллий бўлими билан келишилгандан кейин Фарғона музикали драма театрининг партия ташкилоти ва бадиий совети худди шундай ташаббус билан чиқдилар. Ўйлаймизки, кўпгина область ва шаҳар театрлари ижодий коллективлари ўзларининг имкониятларини ўлчаб кўришлари, мавжуд ижодий потенциални аниқлашлари ва бундан кейин қандай яшаш ҳамда ишлашлари кераклигини ҳал этишлари лозим.

Бир қанча театрларни анча мустаҳкам театр организмига бирлаштириш, бир вақтнинг ўзида ҳам область, ҳам шаҳар драма театрлари бўлган жойда (масалан, Самарқанд область драма театри ва Каттақўрғон шаҳар театри) шаҳар театрини область театри филиалига айлантириш тўғрисидаги ғоя ҳам, бизнингча, диққатга сазовордир. Агар шаҳар театри техникавий жиҳатдан яхши жиҳозланган бўлса, у ҳолда область театрини унинг филиалига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Бундан иккала коллектив ҳам ютади, иккита саҳна майдончасига эга бўлган ягона қудратли театр вужудга келади. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, республика Театр арбоблари союзи ва театрларнинг ўз ижодий коллективлари реформанинг бу йўналишларини амалга ошириш устида жиддий ўйлаб кўриш вақти келди.

Қайта қуришни муваффақиятли амалга оширишнинг иккинчи шарти — театр таълими системасини ўзгартиришдир. Бусиз олға ҳаракат қилиб бўлмайди. Ўқитиш сифати ҳақида гапирмасдан аввал шуни таъкидлаш кераки, келажакда кадрларга эҳтиёж чиндан ҳам бўлиш-бўлмаслигини аниқлаб олиш бугунги кундаги асосий проблемалардандир. Масалан, А. Н. Островский номидаги Тошкент театр-рассомчилик инситути, маданият институти, консерваторияни битириб чиққанларнинг нечтаси ҳозир театрларда ишлаётганлиги ва эртага яна нечтаси керак

бўлиши аниқ маълум эмас. Битирувчиларни тақсимлаш баъзан ўйланмасдан қилинади. Институтни битириб чиққан актерлар кўп ҳолларда ижодий қониқиш ҳосил қилишга имконият йўқлигига кўзлари етиб, баъзан театрдан театрга кўчиб юришади. Режиссёрлар эса кўпинча оддийгина профессионал кўникмага ҳам эга бўлмаган битирувчилар билан ишлашга мажбур бўлмоқдалар.

Театр санъатини такомиллаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ёш мутахассисларни тайёрлаш савиясини кўтариш муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Бугунги куннинг ўзидаёқ ўқитишнинг назария билан практиканинг узилишини бартараф этишга қаратилган янги формалардан фойдаланиш зарур. Москва ва Ленинград театри олий ўқув юртларида мўлжалланаётганидек, А. Н. Островский номидаги театр-рассомчилик институтида ҳам актёрлар, режиссёрлар, театршунослар ва драматургларни биргаликда тайёрлашни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир, чунки бу бўлғуси практиклар билан назариётчилар ўртасидаги узилишни бартараф этади. Бугун ҳаёт қўяётган вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Театр арбоблари союзи ҳузурида театр таълими бўйича комиссия ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг 81 театрида театр реформаси эксперимент босқичини ўтамоқда, 1989 йилдан бошлаб эса барча театрлар учун бу жиддий синов бўлади. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олға сураётган асосий хулоса шундан иборатки, театрларнинг партия ташкилотлари, бадиий советлари демократиялаштириш жараёнида иштирок этишлари билан уни қўллаб-қувватлашлари, пассив томошабин бўлиб туришдан воз кечишлари керак.. Театрларнинг ҳар бирида ўз томошабини бўлган тақдирдагина Ўзбекистон театрларининг вазифаси чиндан бажарилган деб тушуниш мумкин. Бунга эса янги кишини тарбиялаш соҳасида ҳам «ялпи» ёндашишни бартараф этгандагина эришиш мумкин.

Филология фанлари доктори Б. Қосимовнинг «Қайта қуришга мададкор бўлайлик» сарлавҳали мақоласида («Ўзбекистон коммунисти» 1987, 10-сон) адабиётшунослик ва адабий танқиднинг савиясини ошириш масалалари кўтарилган эди, шу проблема муҳокамасини давом эттирамиз.

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Б. Қосимов мақоласи адабиётшуносликнинг актуал масалаларига бағишланган бўлиб, дадил, оригинал мулоҳазалари, илмий теранлиги билан эътиборни жалб этади. Автор шу соҳа мутахассисларининг фақат бир йил мобайнида нашр этилган кўпгина асарларини таҳлил этар экан, республикамизда яқин йилларгача мавжуд бўлиб келган маълум вазият сабабли кун тартибига қўйилиши мумкин бўлмаган бир қанча муҳим проблемаларни ўртага ташлайди. Б. Қосимов ўзбек адабиётшуносларининг айрим асарларида профессионализм етишмаслигидан ташвишланади, адабиёт ва у ҳақидаги илмга оид асарларни баҳолашда албатта принципиалликка, талабчанликка, масъулиятга, объективликка риоя қилиш зарур, деган таклифни илгари сурадики, бу мақолада эътиборни ўзига тортиб турган асосий жиҳатдир. Унда ушбу талабларни менсимаслик қандай кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши кўрсатиб берилган.

Фикримизча, айни шундай йўл билан ўқувчида динамик, мураккаб ва ранг-баранг адабий жараён тўғрисида яхлит фикр ҳосил қилиш мумкин, чунки қандай бўлмасин, битта мақола доирасида унинг барча кўринишлари ҳақида батафсил маълумот беришнинг имкони ҳам йўқ. Бундан ташқари муҳим илмий ва нафақат илмий проблемаларни муҳокама қилишда бирор мутахассис шу проблемаларнинг энг муҳим жиҳатлари хусусида тўхталиб, бошқаларни уларни тўлдиришга ва ривожлантиришга ундаши демократик йўлдир. Фақат шу йўсинда ошкора, бамаслаҳат ҳақиқатга яқинлаша бориш мумкиндирки, ҳозиргача бизда айни шу нарса етишмай келди.

Мазкур принципга биноан Б. Қосимов Б. Саримсоқовнинг «Ўзбек маросим фольклори», Ф. Райҳоновнинг «Шеър қанотидаги юлдузлар», Н. Раҳмоновнинг «Инсон руҳининг садоси», «Ўзбекистон ССР педагогик тафаккур антологияси» китоб ва брошюраларини объектив баҳолайди. У «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумининг дастлабки икки жилди тўғрисида сўз юритиб, уларда баъзи ҳолларда унчалик ишончли бўлмаган манбалардан фойдаланилганлигига, матнга оид ва бошқа илмий-назарий нуқсонларга ҳақли равишда эътиборни қаратади. Бундай камчиликлар, афсуски, фақат мақолада тилга олинган асарлар доираси билангина чекланмайди. Кўпгина олимларнинг тадқиқотларига хос бўлган бу камчилик ва нуқсонлар бир қатор ёзувчи ва шоирларнинг ижоди тўғрисида чала, баъзан эса нотўғри тасаввурлар туғилишига олиб келмоқда.

Мисол учун демократ шоир Фурқат асарларини олиб кўрайлик. Мутахассисларга ва китобхонларга яхши маълумки, уларни нашрга тайёрлашда адабиётшунос Х. Расулевнинг таҳсинга лойиқ хизмати бор. Бироқ бу масалада афсусланарли ҳоллар ҳам йўқ эмас. Масалан, мазкур ишни амалга оширишда Х. Расулев оддийгина илмий талабларга ҳам риоя қилмаган. Уларга мувофиқ муайян шоир, ёзувчининг асарлари тўпламларга тўлиқ ҳажмда ёки қисқартирилган ҳолда зарур изоҳ билангина киритилиши лозим.

Чунончи, шоирнинг «Сабоға хитоб» шеърий мактуби 280 мисрадан иборат эканлиги тузувчига яхши маълум бўлиши керак. Бироқ ўнлаб йиллар давомида у ҳеч қандай изоҳсиз 200 мисра ҳажмида эълон қилиниб келяпти. Унинг машҳур «Саргузаштнома»сидан рус клуби фаолиятига оид муҳим қисм тушириб қолдирилади. Ваҳоланки «Туркистон вилоятининг газети»да бутун бир саҳифани эгаллаган (1891 йил 8 июнда) бу парча Фурқатнинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг маърифатчилик қизиқишлари кенглигини ўрганишда қимматли манбадир.

«Тошканд шаҳрида бўлғон нағма базми хусусида» шеърида Фурқат ўз даври учун ҳақиқий интернационалист санъаткорга хос мислсиз жасорат кўрсатганди: реакцион руҳонийлар томонидан завқи ҳаром дея

муҳр босилган куй ва қўшиқларни, жумладан русча куй ва қўшиқларни, саҳнадаги рус аёл хонандасининг мафтункор қиёфасини бадиий сўзнинг бекиёс катта қудрати билан тасвирлаганди. Шеърнинг газета вариантида шу аёлнинг ким эканлиги ҳам аниқ айтилган:

Номини сўрдум: Громоф хотуни,
Шод қилди дилни жонпарвар уни.

Кейинги изланишлар Н. И. Громова ўз даврининг илғор фикрли, исёнкор табиатли, революцион доираларга яқин зиёлиси бўлганлигини, улуғ князь Н. К. Романов ва чор маъмуриятининг бошқа амалдорлари таъқибларига дучор бўлганлигини, барча қийинчиликларга қарамасдан бир этак гўдаклари билан бирга доимо эри А. Е. Громов кетидан сургунларда юрганлигини кўрсатмоқда. Бироқ Фурқат асарларининг бирорта тўпламида шундай тарихий шахслар ва фактлар билан боғлиқ ана шу байтни учратмаймиз. Шоир китобларида унинг сиёсий, маънавий-ахлоқий қарашларини, умуман дунёқарашини тўғри тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа бир қатор ҳолатларни ҳам учратмаймиз. Чунончи, юқорида фикр юритилган «Нағма базми»да Фурқат Тошкентдаги санъат эҳромларига асосан юқори табақа кишилари кира олишини ички бир дард билан ифодалаб:

Кўброғи лекин улуғлардин эди,
Номдору ҳам тузуғлардин эди,

деб ёзса, «Гимназия» шеърида:

Ҳама аҳли фаросат тўра ўғли,
Бўлуб гимназия анда мақоми, —

дея ўз хафалигини усталик билан шеър мағзига сингдириб юборган. Лекин шоирнинг атрофидаги воқеликка муносабати ёркин ифодаланган бу мисралар тушунтириб бўлмайдиган сабабларга кўра ҳанузгача ўқувчига номаълумлигича қоляпти. Фурқат асарларида бундай ножўя қисқартирилган ўринлар, асл нусхани ўқишда бепарволик натижасида сўзлар маъносини бутунлай ўзгартириб юбориш ҳоллари кўплаб учрайди.

Шоир асарларини бошқа тилларга, биринчи навбатда рус тилига ўгирувчи таржимонлар ҳамда баъзи фурқатшунос олимлар йўл қўяётган жиддий хатолар сабаби ҳам шундадир, чунки улар ҳам Фурқат асарларининг ишончли манбаларидан эмас, балки Х. Расулев тайёрлаган нашрлардан фойдаланмоқдалар. Буларнинг бари ўзбек демократик адабиётининг йирик вакили ижодига эътибор билан муносабатда бўлишни, унинг асарларини янги материаллар ва ишончли манбалар асосида масъулиятлироқ тадқиқ қилишни талаб этади.

Афсуски, кейинги йиллар практикаси умуман ўзбек халқи маънавий тараққиётининг бу муҳим даврини ўрганишга ҳам шундай ёндошув етишмаслигини кўрсатиб турибди. Б. Қосимов ўз мақоласида ҳозирги пайтда ўзбек демократик адабиётига қизиқиш анча ортганлиги тўғрисида гап юритар экан, бунда ўзаро бир-бирини батамом инкор қилувчи нуқтаи назарлар тўқнашиб қолганлигини тўғри қайд этиб ўтади.

Албатта фанда бундай ҳодиса бўлиши табиий ва тегишли асос бўлган тақдирдагина уни мутлақо нормал ҳол деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ бу қандайдир ҳақиқатларга ягона ҳукмрон бўлиш, ўзининг аллақачон эскириб қолган қарашларини ҳимоя қилиб, уларнинг айниқса «ўзга» давра мутахассислари томонидан янгича идрок этилишига қаршилик кўрсатиш ниятини, шунингдек ўз мухолифларига сўкма тавқи лаънатлар тақиш мақсадини кўзлаб қилингудек бўлса, фанга зарардан бошқа нарса бермаса керак, деб ўйлайман.

Айрим ўзбек адабиётшунослари «ўз ҳаракат майдонлари»ни ана шу тариқа исботдалилсиз ҳимоя қилиш ҳоллари давом этаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Филология фанлари докторлари А. Абдуғафуров, Э. Каримов ва Х. Расулевнинг «Фикрлар енгиллиги ва фактлар салмоғи» мақоласи («Звезда Востока», 1986, 8-сон) шу жиҳати билан айниқса ажралиб туради. Унда мунозара маданияти ва асосли фикрлар йўқлиги хусусида тўхталиб ўтирмасдан, муаллифларнинг исботсиз даъволари очиқ-ойдин кўзга ташланиб турган конкрет масалалар устидагина тўхталамиз. Масалан, улар Фурқатнинг энг яқин дўстлари — Шарифхўжа, Инъомхўжа ва Муҳиддинхўжа 1892 йилдаги вабо қўзғолонига раҳбарлик қилганини ҳам, бу қўзғолон илгаридан тайёрланганини ҳам, ўз даврининг бу йирик зиёлиларини мустамлака маъмурияти таъқиб ва таҳқир этганини ҳам исботсиз рад этадилар. Бунинг устига мақолада бирор асосга эга бўлмаган ҳолда уларни «халқни эзувчи куч вакиллари» деб атайдилар. Ваҳоланки ўша даврга оид архив материаллари бундай фикрларнинг пучлигидан далолат беради.

Чунончи, қўзғолондан уч ҳафтача кейин — 1892 йил 17 июлда Сирдарё область губернатори Н. Гродеков генерал-губернатор А. Вревскийга қуйидагича маълумотнома юборган эди: «Терговда худди шу нарса етарлича аниқландики, 24 июнь бебошликларида шубҳасиз Инъомхўжа раҳбарлик ролини ўйнаган; ундан кейин Шайхованд Таҳур даҳасининг собиқ қозиси Шарифхўжа ва савдогарлардан Боқижон Дадажонбоев ҳамда Бадалмуҳаммад Инъомхўжа билан яқин алоқаларда бўлиб, унга бевосита бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда маълум даражада фаол ёрдам берганлар. Ўтган июнь ойининг 30 инчисида жаноб олийларига бутун шаҳар аҳолиси номидан бош эгиб ва шафқат тилаб адрес топширган ҳурматли маҳаллий кишилардан иборат депу-

татларнинг кейинги уч шахсга қарши берган гувоҳликлари бор. Бу гувоҳлар Шарифхўжа, Боқижон ва Бадалмуҳаммад Инъомхўжанинг яқин одамлари эканликларини, шаҳардаги барча энг муҳим ва энг катта тадбирлар уларнинг биргаликдаги кенгашисиз ўтмаганлигини, айниқса, қўзғолондан олдинги сўнгги ҳафтада улар Инъомхўжаникига бот-бот бориб турганликларини узил-кесил маълум қилмоқдалар. Ниҳоят, тергов масжидларда ўтказилган ва қўзғолонни бевосита тайёрлаган халқ маслаҳатлари ўз-ўзидан, кимнингдир нуфузли, қатъий раҳбарлигисиз рўй бериши мумкин эмаслигини узил-кесил маълум қилмоқда» (Ўзбекистон ССР МДА, 1-фонд, 31-опись, 30-дело, 93«б»-саҳифа).

Муҳиддинхўжанинг қўзғолондаги иштироки тўғрисида Тошкент эски шаҳар қисмининг ўша вақтдаги ҳокими Н. Ликошиннинг «Туркистонда ўтган ярим умр» китобида ҳам «у мустаҳкам эътиқоди ҳамда ўзини сайлаган халққа қаттиқ садоқати туфайли жабр кўрганлиги» ҳақида гап боради (Ўша асар. Петроград, 1916, 65-саҳифага қаралсин).

Бу уч илғор зиёлини «халқни эзувчи куч вакиллари» сифатида баҳолаш ҳам тарих ҳақиқатига зид эканини бошқа архив материаллари ҳам исботлаб турибди. Чунончи, вабо қўзғолонининг сабабчилари бўлмиш 24 киши қаторида Инъомхўжа ва Шарифхўжа ҳам қаттиқ суд жавобгарлигига тортилган эдилар. Суд қўзғолон чоғида Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасига етказилган 1000 сўмлик зарарни ўша 24 кишидан ундириб олиш тўғрисида ҳам ажрим чиқарган эди. Лекин беш йил мобайнида ана шу маблағнинг ярмичаси ундирилади холос. Ҳукм қилинганлар қашшоқ эканлиги туфайли қолган маблағни ундириб бўлмаслиги генерал губернаторга маълум қилинади (Ўзбекистон ССР МДА, 1-фонд, 1-опись, 1211-дело, 4-саҳифага қаралсин). Фикримизча, бу Инъомхўжа ва Шарифхўжанинг бой-бадавлат ҳам, халқни эзувчи табақа вакили ҳам эмаслигидан гувоҳлик беради.

Муҳиддинхўжа ҳақида эса «Туркестанские ведомости» 1902 йил 7 апрелда — унинг вафотидан кейинги кунларда шундай ёзган эди: «У ўзининг катта оиласини моддий таъминланмаган, рўзғорини эса вайрон ҳолда ташлаб кетди. Айтишларича, у ер банкидан қарздор бўлиб, ягона бойлиги бўлмиш ери шу банк томонидан гаровга олинган экан, ёш ўғиллари эса ҳали мустақил рўзғор тебратишга тайёр эмаслар».

Мақола муаллифлари ўз фикрларини далиллаш учун ҳатто айрим фактларни сохталаштиришгача борадилар. Чор амалдорлари томонидан умр бўйи таъқиб ва таҳқир этилган Муҳиддинхўжа ҳақида у чор империясининг «фахрий граждани» бўлган деган фикрни исботлаш учун «Туркестанские ведомости» газетасидаги мақолалардан бирида «ҳурматли киши» ёки «маҳаллий аҳоли орасида ҳурмат-эътиборли киши» маъносида ишлатилган «почетный туземец» ибораси мазмунини атайлаб бузиб талқин қиладилар. Аслида «почетный туземец» деган унвон бўлмаган, демакки, бу иборанинг «чор империясининг фахрий гражданлиги»га заррача алоқаси ҳам йўқ.

Муҳиддинхўжа Россия билан, рус халқи билан бирга бўлиш ғояларини фаол равишда ёйиб келган, рус тилини, унинг фан ва техникасини ўрганишнинг қизғин тарғиботчиси бўлган. Муаллифлар бу фактларни йўққа чиқариш мақсадида Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архиви фондларидаги материаллар мазмунини сохталаштирадилар. Масалан, улар шу ерда сақланаётган бир ҳужжатга (1009-фонд, 1-опись, 84-дело, 21-саҳифага қаралсин) ишора қилиб, «у ниҳоятда нодон одам бўлган ва рус тилини ўрганишни ўзига уят билган», — деб ёзадилар («Звезда Востока», 1986, 8-сон, 169-бетга қаралсин). Лекин худди ўша манба билан яқиндан танишиш А. Абдуғафуров, Э. Каримов, Х. Расулев бошқалар ҳақида айтилган фикрни тўлиқ Муҳиддинхўжага нисбат берганликларини кўрсатади. Мана ўша қайднинг айни ўзи: «Умуман Тошкент уламолари ва қисман қозилари рус тилини, русча саводни ўрганишни ўзлари учун уят деб билиб, рус тилидан қаттиқ бегона бўлиб келдилар». Бу қайдлар «Туркистон вилоятининг газети» редактори П. Н. Остроумов кундаликларидан олинган бўлиб, у Муҳиддинхўжанинг рус тилига муносабати ҳақида юқоридаги фикрларнинг бутунлай тескарисини ёзган: «Туғма истеъдодли ва мусулмонча ўқимишли бўлган Муҳиддинхўжа рус давлат тилини билишга анча кенг нуқтаи назардан қарар ва буни сира ножўя иш деб ҳисобламас эди» («Туркестанские ведомости», 1902 йил, 7 апрель).

Бу далиллар устига Муҳиддинхўжанинг худди ўша архивда сақланаётган юрак сўзларини ҳам қўшайлик: «Бу вилоятни ўрусия тасарруф қилганини аввалги вақтларида ва сўнграгиларда ушбу ерни фуқаролари ўрусия тили ва хатти ва расмини ўрганмоқ тугул, ани ўрганмоққа ҳаракат қилмоқни гўёки динларидин чиқғондек кўрур эдилар. Халқни бу тариқа назарини аксиға ман доим кучим етганча ўрусия тили ва хатти ва расмини билдуруб, насиҳат қилиб, ишонтуруб турадур эдим. Хусусан, ўн уч йил муддат ичида ўрусча ва мусулмонча таълим оладурғон мактабхонаға блуститель бўлуб турғон ҳолимда ушбу тариқа ҳаракатдан ёнмасдин, болаларға ўрусия таомил ва расмида хат ва тил ўрганиб, тарбият топмоқлариға имкони борича саъй айладим ва охирида халққа иш билан ибрат кўрсатмоқ учун ўз ўғулла-

римни русия мактабхонасиға дохил қилдим. баъзи халқни бу тўғрида мани ҳаққимга шикоят қилишидан андиша қилмадим.

Сўнграғи вақтларда Тошканд фуқаролари орасида болаларини ўрусча таълим бермоққа қилғон ружулари кўпроқ мани бу ишда қилгон тараддудимни самарасидир, деб умид қиламан» (Ўзбекистон ССР МДА, 1-фонд, 27-опись, 1610«а»-дело, 3—4-саҳифа).

Биз «Звезда Востока»даги мақола муаллифлари ўз нуқтаи назарларини шу қадар асоссиз ҳимоя қилишга интилаётган фақат битта масала устида тўхталдикки, уларнинг бундай позицияларини ишончли манбалар қатъий инкор қилиб турибди. Уларнинг ўзбек демократик адабиёти ва унинг йирик вакили бўлмиш Фурқат ижодига нисбатан бошқа даъволари ҳам шундай аҳволда.

Б. Қосимов эътиборини тортган яна бир муҳим проблема — Алишер Навоий «Хамса»си достонларининг насрий баёнини нашр этишдир. Биз бу билан халқимиз маънавий ҳаётининг бой сарчашмаларини қашшоқлаштириб қўяётирмиз, деб ёзади у. Унинг ёш авлод маънавий дунёсини классиклар, жумладан Алишер Навоий асарларининг асл нусхаларини ўқиш даражасига кўтариш зарурлиги тўғрисидаги фикри тўлиқ маъқуллашга лойиқ. Ҳақиқатан ҳам бу жуда олижаноб вазифа, бироқ ҳал қилиниши қийин ва кўп вақтни талаб қиладиган масала. Шундан келиб чиқиб, классиклар асарларининг насрий баёнини нашр қилиш практикасини давом эттириш тўғрироқ бўлади, деб ўйлайман, шуниси ҳам борки, поэмаларни насрга айлантирувчи кишилар масъулияти тобора оширила бориши, асарлар шу ҳолида ҳам оригиналга яқин бўлишига эришилиши лозим. Бу ўз навбатида китобхонларда оригиналга мурожаат қилиш табиий иштиёқини уйғотади, келажакда классикани бевосита тушунадиган даражага етишида ёрдамлашади.

Ўзбек классик адабиётига ва маданиятларнинг ўзаро таъсирига бағишланган китоблар орасида Э. Каримовнинг «Ўзбек демократик адабиётида реализм» монографияси Б. Қосимов эътиборини тортган. У китоб муаллифи билан ўзбек демократик адабиётининг методи XX аср бошларигача танқидий, кейинроқ маърифатчилик реализми характерида бўлган, деган масалада баҳслашиб, танқидий реализм анча мукаммал босқич сифатида маърифатчилик реализмидан кейин пайдо бўлган жаҳон адабий-бадиий тафаккури тарихига ишора қилади ва ўзбек адабиёти ҳам бундан мустасно эмаслигини тўғри уқтиради.

Фикримизча, Э. Каримов томонидан масаланинг шу тарзда қўйилиши унинг бошқа бир хато фикри билан боғлиқ. У ўзининг «Ўзбек адабиётида реализмнинг ривожланиши» китобида ҳам, Б. Қосимов таҳлил қилаётган монографиясида ҳам ўзбек маърифатчилик ҳаракати, жумладан унинг адабиёти XX аср бошида вужудга келган, деган фикрни билдиради. Ўзбек маърифатчилиги масаласи билан шуғулланган мутахассислар эса у XIX асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллари бошида пайдо бўлиб, 1905—1917 йилларда ўзининг учинчи, сўнгги босқичини бошидан кечираётган эди, деб таъкидлайдилар. Э. Каримов бўлса шу даврда фақат унинг бошланишини кўрадики, бу илмий мантиққа ҳамда мазкур масалага оид мавжуд фактларга зиддир. Бунинг устига у ўз нуқтаи назарини ҳеч қанақасига исботламайди. Шундай қилиб, ўзбек адабиёти тараққиётининг у айтган «ўзига хослиги», Б. Қосимов таъкидлаганидек, очилмай қолади.

Рус маданияти ўзбек маърифатчилик адабиётига бевосита таъсир кўрсатганми ёки билвосита, деган масалага келсак, татар ва озарбайжон адабиётларининг бу жараёндаги маълум воситачилик ролини эътироф этган ҳолда, Э. Каримов тўғри таъкидлаганидек, бунда бевосита рус-ўзбек ўзаро муносабатлари ва ўзаро бир-бирига таъсир етакчи тенденцияни ташкил қилганлигини тан олиш лозим.

Рус маданиятининг Фурқат ижодига таъсири тўғрисида гап кетганда эса айрим мутахассислар шоир рус ижодкорларининг асарларини оригиналда ўқий оладиган даражага кўтарилмаган эди, деган фикрга урғу берадилар. Бу ўринда улар кўпинча Фурқатнинг 1892 йил бошида Истанбулдан ёзган бир мактубидаги «...мен русия хатти ва тилини батакмил билмағонимға кўб афсуслар қилдим» («Туркистон вилоятининг газети», 1892 йил 9 апрель) деган гапларини далил келтирадилар.

Эътибор беринг-а: шоир рус тилини чала билганидан эмас, балки батакмил, яъни мукаммал билмаганлигидан афсусланяпти. Ваҳоланки бу миллатлараро алоқа тилини мукаммал биламан дея оладиган ўзбек зиёлилари ҳатто ҳозир ҳам кам топилади. Бундан ташқари, рус-япон уруши вақтида ёзилган «Хорижия шаҳардин ёзгон бир ошнонинг сўзи»да Фурқат: «Чунончи мен русия газетларини ҳам ўқудум: ҳеч қачон ёпун халқини шиквау шикоят қилмайдур» (Ўша газета. 1905 йил 6 апрель), деб ёзганлиги маълум. Буюк ўзбек маърифатпарварининг бу гаплари мағзини чақиб кўрсак, у умуман русча газеталарни эмас, балки бошланган рус-япон уруши учун халқни эмас, балки бундан манфаатдор бўлган ҳукмрон синфлар ва раҳбар доираларни айбловчи демократик йўналишдаги нашрларни, эҳтимолки, социал-демократик нашрларни ўқиган, деб тахмин қилиш мумкин.

Айрим олимлар шоир ўз ижодида рус тилидан ва у орқали бошқа тиллардан олиб ишлатган сўзлар жуда кам (20 га яқин), деб топганликлари ҳам Фурқат рус тилини

етарли даражада билмаган, деган фикрни тасдиқлашга маълум даражада асос бўлиб хизмат қилди.

Фурқатнинг ҳозирча топилган асарларида рус интернационал сўзлар 150 чоғли эканини кейинги тадқиқотлар исботламоқда. Фурқат Тошкентда яшаган даврида яратган «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» шеъридаёқ А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. А. Некрасов сингари ғоят тилга бой шоирлар асарларининг етакчи жиҳатлари ҳақида фикр юритганлиги, ҳатто у давр ўзбек адабиётига умуман маълум бўлмаган «образ» иборасини ишлатганлиги айникса характерлидир.

Архив манбалари Фурқат А. С. Пушкиннинг «Пайғамбар» шеърини таржима қилишга ҳам уриниб кўрганлигидан гувоҳлик беради. Рус тилини яхши билмаган ва ҳар иккала халқ маданиятларининг бир-бирига таъсири марказида бўлмаган, самимий интернационал илғор онг эгаси бўлмаган киши ўша давр учун ана шундай фавқулодда дадил қадамларга жазм этишини тасаввур қилиш қийин. Бу ва бошқа фактлар Фурқат рус тилини яхши билганлигидан ҳамда илғор рус маданияти унинг ижодига ва дунёқарашига бевосита таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.

Иккала халқнинг тўғридан-тўғри маданий алоқаларини кўрсатувчи мисолларни кўпгина ўзбек маърифатчилари ва машҳур рус олимлари фаолиятидан ҳам топса бўлади. Масалан, машҳур шарқшунослардан В. В. Бартольд, Н. И. Веселовский, А. Н. Самойлович, В. В. Григорьев, В. В. Радловнинг Муқимий, Сатторхон, Сайдрасул Азизий, Муҳиддинхўжа, Жўрабек сингари илғор ўзбек зиёлилари билан кўп мулоқотда бўлишлари уларнинг ўзаро маънавий бойишларига хизмат қилган. Н. И. Веселовский 1885 йилда Туркистонга келганида таниқли ўзбек археолог олими Мирзо Бухорий уни ўлка маданий ёдгорликлари билан батафсил таништирган. Орадан икки йил ўтгач, Мирзо Бухорийнинг ўзи меҳмон бўлиб Петербургга борганида Н. И. Веселовский уни пойтахт илмий-маданий муассасалари фаолияти билан, етакчи рус олимларнинг тадқиқотлари билан таништиради, шарқшуносларнинг катта йиғинларидан бирида қатнашишига кўмаклашади («Туркистон вилоятининг газети», 1888 йил 13 ва 20 февраль сонларини қаранг). Академик А. Н. Самойлович Туркистонга ҳар келганида номлари санаб ўтилган ўзбек маърифатчилари билан бевосита мулоқотда бўлган, улар фаолиятига зўр қизиқиш билан қараган эди. У ўзининг «эски оғнаси» С. Азизийдан тошкентликларнинг тили ва турмушига оид қимматли маълумотлар олганлиги тўғрисида ёзган. У Фурқатнинг «Сабоға хитоб» номли машҳур асарини ўзбек маърифатпарвари Камолиддин Қаҳҳоровдан олиб, 1909 йилда Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлимининг Ахборотларида у ҳақда қимматли материал эълон қилдирди.

Академик В. В. Бартольд, унинг дўсти А. А. Семенов ўзбек зиёлилари бисотидаги қимматбаҳо китобларнинг ҳаммаси билан бевосита танишиш учун Муҳиддинхўжа, Жўрабек ва бошқаларнинг шахсий кутубхоналарида иш олиб борган, бу икки зиёли вафотидан кейин эса улар тўплаган китобларнинг бой коллекцияси жамоатчилик мулкига айланиши йўлида барча ишларни қилдилар. 1911 йилда В. В. Бартольд ҳатто Жўрабек коллекцияси ҳақида махсус илмий мақола ҳам эълон қилдирди. Тошкентда узоқ муддат ишлаган рус маърифатпарвари С. М. Граменицкийнинг бевосита кўмаги туфайли 1902 йилда Сайдрасул Азизийнинг «Устоди аввал» номли машҳур дарслиги дунёга келди, автор рус адабиётининг энг яхши намуналарини унга ўз таржимасида киритган эди.

Машҳур ўзбек маърифатпарвари Сатторхон Лев Толстойнинг «Одамлар нима билан тирик» асарини 80-йилларнинг биринчи ярмидаёқ рус тилидан бевосита таржима қилиб, «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилдирди. Йирик ўзбек шоирлари асарларининг рус тилида Тошкентда ва Петербургда эълон қилинишида ҳам Сатторхон катта роль ўйнаган.

«Туркистон вилоятининг газети» 1890 йил 14 ва 24 июлда хабар берганидек, 1876 йилда Петербургда ўтказилган ориенталистларнинг III халқаро конгрессида Сатторхон Абдуғаффоров, Абдулла Ниёзов, Шермуҳаммад Муҳаммадқулов, Жўрабек Қаландарқори ўғли қатнашганлар. Уларнинг ҳаммаси рус тилини билар эди, француз шарқшуноси Де-Рони, фин олими Лагус ва бошқаларнинг нутқларини тингладилар, йирик шарқшунос В. В. Григорьев билан кўплаб суҳбатда бўлдилар. Сатторхон Туркистон ерлари Россияга қўшиб олинишининг аҳамияти тўғрисида нутқ сўзлади ва ҳоказо.

Булар бизда рус ва ўзбек маданиятларининг бевосита ўзаро бир-бирига таъсири чуқур тарихий илдизга эга эканлигига ишонч ҳосил қиладиган фактларнинг бир қисмидирки, биз бундай фактларга ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз ва уларни интернационал тарбия, мамлакатимиздаги барча халқлар ва элатлар ҳамкорлигини янада равнақ топтиришга хизмат қилдиришимиз лозим.

Москвада нашр этилган «Ўзбекистон ССР педагогик тафаккур антологияси» шунга ўхшаш тўпламларни чиқаришни кенг мутахассислар доирасини жалб қилмасдан туриб ҳал қилиш нималарга олиб келиши мумкинлигини кўрсатувчи яққол далилдир. Б. Қосимовнинг «Антология»да айрим мутафаккирлар ҳаётини ёритишда учрайдиган жиддий фактик хатолар, шунингдек унда Ўзбекистоннинг айрим машҳур маърифат-

чилари қаламига мансуб диққатга сазовор асарларнинг йўқлиги тўғрисидаги ҳаққоний мулоҳазаларига қўшимча қилиб, китобда Фурқат ҳаёти ва ижодига оид баъзи камчиликларни ҳам эслатиб ўтишни истардик. Шоирни «Антология» ўқувчиларига таништирган Н. В. Павлова унинг асарларининг чоп этилиши саналарини кўрсатишда кўпгина хатоликларга йўл қўяди. Масалан, «Акт мажлиси хусусида» шеъри 1890 йил 2 июлда «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган эди, лекин китобда у 1896 йилда ёзилган деб кўрсатилган (300-бетга қаралсин). «Илм хосияти», «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» шеърлари тегишли равишда 1890 йил 14 майда ва 1891 йил 14 февралда босилган бўлсада, уларга ҳам 1889—1891 йилларда ёзилган, деган мавҳум изоҳ берилади. Ҳатто Фурқатники эмаслиги аллақачон исботланган «Туф» шеъри ҳам унга нисбат берилиб, 1889 йил санаси бемалол белгилаб юборилаверган. Бундан ташқари Фурқат 1889 йилда Тошкентга келиб, бу ерда турли хорижий мамлакатлардан келган машҳур олимлар билан учрашади (157-бетга қаралсин) дейиладики, бу жиддий исбот талаб қиладиган фикрдир.

Б. Қосимов мақоласининг мазмунига қайтиб, унинг ўзбек революцион ва ҳозирги совет адабиёти тадқиқотларига катта эътибор берганлигини таъкидлашни истардик. Зеро бугунги кунда айни шулар кўпроқ қизиқиш уйғотиб, қайта идрок этиш ва ошкоралик нуктаи назаридан туриб баҳолаш мавзуси бўлиб турибди. Шу муносабат билан мақола автори А. Абдураҳмоновнинг «Поэзияда инсон тасвири» («Ўқитувчи» нашриёти) китобига ва «Шарқ юлдузи» журналида унга берилган ижобий тақризга нисбатан салбий муносабатини баён қилади.

Чиндан ҳам мазкур китобда айрим боблар материалларининг уларнинг мавзуларига номувофиқлиги, фактик материал қалаштириб ташланганлиги сабабли чуқур таҳлил ўрнини юзаки баён эгаллаганлиги ҳамда муаллиф услуби китобхонни тез-тез қоқилтириб туриши ва ҳоказо камчиликлар яққол кўзга ташланиб турибди. Бироқ, назаримизда Б. Қосимов фикрларида ҳам баҳсли ва аниқлашни талаб қиладиган ҳоллар мавжуд. Масалан, у: «Адабиёт нимадан баҳс юритмасин, унинг марказида ҳар доим инсон туриши ҳаммага маълум. Бас, шундай экан, адабиётнинг бутун моҳиятини ташкил этувчи нарсани ундан қидиришда мантиқ борми?» — деб ёзади. Бу фикр бир қадар мавҳум туюлади, чунки бадиий адабиёт ўзининг бош вазифасини қандай бажаряпти, ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсон образи унда қандай акс эттирилмоқда, у қайси хусусиятлари билан намуна бўла олади ёки, аксинча, нафрат уйғотади деган масалалар ва бошқа проблемалар адабиётшуносликнинг муҳим объектлари ҳисобланади. Шу жиҳатдан Б. Қосимов эътирозини умуман инсон образини эмас (чунки бу қамраб бўлмайдиган ва ўта мавҳум мавзу), балки унинг конкрет сиёсий, социал, психик-эмоционал ва бошқа сифатларини ўрганиш, шу билан тадқиқотнинг асосий ўзани ва чегараларини ҳам белгилаб олиш зарур деган маънода тушунмоқ керак.

Ниҳоят асар муаллифига қарама-қарши жинс вакилига хос кечинмалар, ҳис-туйғулар, фикрлаш ва юриш-туриш тарзини қандай тасвирлаш мумкин, деган проблема қадим-қадимлардан бадиий сўз усталари олдида кўндаланг бўлиб келади. Кўп ҳолларда худди ана шу нарса шоир, ёзувчи муайян асарининг бадиий қимматини белгилаб берувчи ҳолат бўлиб хизмат қилади. Агар Қайснинг Навфал қизига уйланажаги ҳақидаги хабарни эшитган Лайлининг («Лайли ва Мажнун» достони) ёки «Ўтган кунлар» романи қаҳрамони Кумушнинг мактубларини аёл киши эмас, балки Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий ёзганлигини кўз олдимизга келтирсак, уларнинг шундай катта тўсиқларни енга олган, психологик, ахлоқий, эмоционал ва бошқа проблемаларни ҳал қила олган талантлари кучига қойил қолмаслик мумкин эмас. Бундай мисоллар ҳар бир миллий адабиётда кўплаб топилади. Хуллас, ҳар хил жинс вакилларига хос ҳистуйғулар ва кечинмаларни ифодалашдек жуда мураккаб проблема адабиётда мавжуд ва у тадқиқ қилиниши керак. Фақат ҳамма гап уни илмий жиҳатдан тўғри белгилаб олишидан иборатки, Б. Қосимов А. Абдураҳмонов китоби хусусидаги фикрларида айни шуларга эътиборни қаратган.

Мақолада Отаёрнинг ажойиб шоир Миртемирнинг ёшларга намуна бўладиган ҳаёт ва ижод йўли тўғрисидаги эссеси, А. Каттабековнинг «Тарих сабоқлари», Н. Худойбергановнинг «Ўз дунёси, ўз қиёфаси», Б. Норбоевнинг «Ҳақиқат ва бадиият кудрати» асарлари профессионал таҳлил қилинган. Б. Қосимов муаллифлар билан бадиий ижоднинг бир қатор масалалари хусусида қизиқарли мунозарага киришиб, уларнинг кучли ва заиф жиҳатларини объектив кўрсатиб берган.

Давр руҳида ёзилган ва адабиёт бобида унинг талабларини амалга оширишга фаол кўмаклашадиган «Қайта қуришга мададкор бўлайлик» мақоласи менда ана шундай мулоҳазалар уйғотди.

Ш. ЮСУПОВ,

филология фанлари кандидати.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ҚИШЛОҚДАГИ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ совет кишилари фаровонлигини янада оширишнинг, улар фаолиятида сифат жиҳатдан янги даражага эришишнинг кенг программасини ишлаб чиқди. Бу программани амалга ошириш учун бир қанча социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш лозим. Улар ичида КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, «биз жуда қисқа муддат ичида ҳал этишимиз керак бўлган вазифа — мамлакатни озиқ-овқат билан тўла-тўкис таъминлаш» вазифаси ҳам бор. КПСС XXVII съездидан сўнг қабул қилинган бир қатор партия-ҳукумат ҳужжатлари, шу жумладан, «КПСС МК июнь (1987 йил) Пленуми йўл-йўриқларига мувофиқ равишда озиқ-овқат масаласини ҳал қилишни жадаллаштиришга доир зарур тадбирлар ҳақида»ги қарор (1987 йил сентябрь) КПСС Марказий Комитетининг ана шу муҳим соҳадаги ишлар аҳволига доимо катта эътибор бераётганига далолатдир.

Маълумки, давлат озиқ-овқат ресурслари асосан жамоат хўжаликларимизда — колхоз ва совхозларда етиштириладиган маҳсулотлар ҳисобига ҳосил қилинади. Ҳозирги пайтда колхозчи, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари, коллектив боғдорчилик ва полизчилик озиқ-овқат билан таъминлашнинг янада ишончли манбалари бўлиб қолиши учун ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Саноат корхоналари ва муассасаларнинг қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликлари ҳам СССР Озиқ-овқат программасини ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшишга даъват этилган. Юқорида тилга олинган қарорда қайд этилганидек, уларнинг имкониятларидан ҳозирча етарлича фойдаланилмаяпти. Бу аҳволни тузатиш йўлларини излашни, бизнингча, уларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тажрибасига мурожаат қилишдан бошлаш керак.

Қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликларга эҳтиёж социалистик қишлоқ хўжалик корхоналари ишидаги муайян қийинчиликлар, хусусан, уларда ишлаб чиқаришни интенсивлаш етарли даражада эмаслиги туфайли юзага келдики, бундай аҳвол аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, айниқса чорвачилик маҳсулоти билан планли равишда таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришни умумхалқ иши деб ҳисоблашга чақирувчи партия даъвати халқ хўжалиги турли тармоқлари ходимларининг ташаббусини кучайтирди. Айрим меҳнат коллективлари саноат корхоналари қошида «аграр цехлар» бунёд этиш ташаббуси билан чиқдилар. Етарлича эътибор берилган жойларда янгилик яхши иш берди ва у иқтисодий ҳодиса сифатида социалистик хўжалик юритиш системасидан борган сари мустаҳкамроқ ўрин эгаллай бошлади. Шу сабабли ҳам саноат корхоналари ва ташкилотларга қарашли қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликларнинг социал-иқтисодий моҳиятини ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини илмий жиҳатдан тушуниб етиш актуал проблемалардан бири бўлиб қолаётгани тамомила табиий ҳолдир. Бундай моҳият бутунлай ишлаб чиқариш воситаларига бўлган давлат умумхалқ эгалиги табиати ва мазмуни билан, уларни янада ривожлантириш қонуниятлари эса партиянинг ҳозирги аграр сиёсати ва социализмнинг асосий иқтисодий қонуни билан белгиланиши бунда бошланғич жиҳат ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда саноат корхоналарининг қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликлари муайян иқтисодий потенциалга эга. Бунга ер, қишлоқ хўжалик машиналари, меҳнат ресурслари, транспорт воситалари, бинолар, иншоотлар ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, саноат корхоналари ихтиёрида турли хил бинолар ва механизмлар, шунингдек, ишлаб чиқариш чиқитлари ва умумий овқатланиш қолдиқлари ҳам бўлиб, улардан қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликда фойдаланиш каттагина иқтисодий ва социал самара келтиради.

Лекин ушбу хўжаликларга фақат қишлоқ маҳсулотини етиштириш нуқтаи назаридан қарамаслик керак. Одатда улар бориш қийин бўлган, камунум янги ерларни ўзлаштиришда иштирок этиб, ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва мамлакат миллий бойлигини кўпайтириш жараёнига қўшиладилар, шунингдек партиянинг индустриал меҳнатни аграр меҳнат билан яқинлаштириш, кишиларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши, табиат билан алоқа қилиши учун керакли шарт-шароит яратиб беришга қаратилган социал программасини амалга оширишга ёрдам берадилар.

Буларнинг бари ноаграр соҳага тааллуқли қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш комплекс ҳолдаги муҳим социал-иқтисодий вазифа эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз бошқа регионларидагидек, Ўзбекистонда ҳам саноат корхоналари, ташкилот ва муассасаларнинг қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиш асосан 1980 йилда бошланди. Ушбу хўжаликлар партия ва ҳукумат қарорларига мувофиқ, экин майдони, чорва моллари сони ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда колхоз ва совхозлар учун белгиланган нормативдан келиб чиқиб тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, ускуналар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминланадилар. Кейинги уч йилнинг ўзидагина республиканинг қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликлари салкам 1000 плуг, 13 мингдан ортиқ борона, 290 погрузчик, 460 ўроқ машина ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини олдилар.

Ўзбекистоннинг қишлоқдаги 1989 та ёрдамчи хўжалиги ихтиёрида 1986 йили 25 минг гектар экинзор, 35,5 минг бош қорамол, 40 минг бошдан ортиқ чўчқа, 93 минг бошдан ортиқ қўй ва эчки, 307,5 мингта парранда бор эди. Улар балансида 987 трактор, 63 комбайн ва 474 юк автомобили мавжуд эди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон корхоналарининг қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликлари каттагина моддий-техника базасига эга бўлиб, у мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда. Лекин уларни ташкил этишга доир иш бизда ҳалигача пухта йўлга қўйилмаган. Корхона (бирлашма), ташкилот ва муассасаларнинг ярмидан озигина ёрдамчи хўжаликларга эга бўлишига қарамай, яқин вақтгача бундай хўжаликлар сони камайиб бормоқда эди. Уларда чорва туёғи камайди, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги эса ҳозирча паст. Бу хўжаликларнинг кўпи зиён келтириб ишлайди.

Андижон областида саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиш билан 1983 йилдан буён шуғулланиляпти. Ҳозирги вақтда областда катта-кичиклиги, фаолият миқёси жиҳатидан ҳам, ихтисослашуви жиҳатидан ҳам ғоят хилма-хил бўлган 186 та ана шундай хўжалик мавжуд. Уларнинг аксарияти асосан қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, шунингдек, чўчқачилик ва асаларичилик билан шуғулланади. Бу хўжаликларда гўшт ва сутни ўзларининг озуқалари ва озиқ-овқат қолдиқлари асосида етиштиришга асосий эътибор берилади.

Баъзан атиги бир неча гектардан иборат кичик ер участкаларига эгалик Андижон области саноат корхоналари ва ташкилотларининг қишлоқдаги барча ёрдамчи хўжаликлари учун хос хусусиятдир. Гап шундаки, нафақат республикамизда, балки мамлакатимизда ҳам аҳоли энг зич жойлашган областлардан бири бўлган Андижонда суғориладиган ерлар майдони жуда чекланган. Лекин шундай бўлсада, саноат корхоналарига ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш учун ўзлаштиришда катта капитал сарф-харажатлар талаб қилмайдиган, нисбатан яхши ер майдонлари ажратиб берилишига ёрдам бераётган партия ва совет органлари, бизнингча, тўғри иш тутмоқдалар. Бунда шуни таъкидлаш кераки, областдаги ёрдамчи хўжаликларнинг ҳаммаси учун ўзлаштирилмаган ерлар ажратилсада, бу ерлар сифат жиҳатидан бир-биридан жиддий тафовут қилади. Улар орасида суғориш учун сувга жуда муҳтож бўлган анча серҳосил ерлар ҳам борки, суғорма деҳқончилик зоналарида сувсиз қишлоқ хўжалигини интенсив олиб бориш мумкин эмас. Шундай ерлар ҳам борки, улар иқтисодий жиҳатдан ҳосилдорликка эришиш учун каттагина қўшимча сарф-харажат талаб қилади, кўп ҳолларда мелиоратив ишлар олиб боришга эҳтиёж сезади. Корхоналарнинг ҳаммасини ҳам бунга қодир деб бўлмайди.

Ана шундай сабабларга боғлиқ бўлгани учун ҳам Андижон областидаги корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари ҳозирча зарар кўряпти. Масалан, 1986 йилги маълумотларга қараганда, «Коммунар», гидролиз заводлари ва ёғ-мой комбинати каби йирик саноат корхоналари қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликлардан 154,5 минг сўм зарар кўрган. Албатта, бундай хўжаликларни рентабел қилиш учун ер унумдорлигини оширибгина қолмай, балки чорва маҳсулдорлигини кўтариш, хўжалик ҳисоби принципларини, илғор технологияни жорий қилиш, конкрет шароитлар тақозо этувчи бошқа тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш ҳам керак бўлади.

Тегишли моддий-техника базаси ва ишлаб чиқариш маданиятига эга бўлганда ўзлаштирилган ернинг ҳар бир гектари катта самара беришини Андижон машинасозлик заводининг ёрдамчи хўжалиги мисолида исботлаш мумкин. Бу хўжалик Балиқчи районидаги С. М. Киров номли колхоз территориясида ташкил этилган, унга 67 гектар ер берилган. Ундан 12 гектари дон экинлари, 8 гектари полиз экинларига ажратилган, 30 гектари боғ барпо этиш учун мўлжалланган

эди. Ушбу хўжаликда 1986 йили 524 центнер дон, 199 тонна ковун-тарвуз, 214 тонна сабзавот ва 57 тонна мева олинди. Бундан ташкари, 22 тонна гўшт етиштирилди. Буларнинг ҳаммаси завод ишчиларини озиқ-овкат маҳсулотлари билан таъминлашда яхшигина восита бўлди. Завод ишчиларининг ёрдамчи хўжалик моддий-техника базасини мустаҳкамлашга каратилган ғамхўрлиги туфайли бунга эришиш мумкин бўлди, ҳозир ушбу хўжалик 110 минг сўмлик асосий фондларга эга (шунинг 62 процентидан ишлаб чиқаришда фойдаланилади).

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш юксак даражадалиги туфайли бу ерда ернинг маҳсулдорлиги областдаги энг яхши колхоз ва совхозлардагидан юкори эканлиги, сабзавот экинлари ҳосилдорлиги жиҳатидан улардан колишмаслиги, полиз экинлари ҳосилдорлиги жиҳатидан эса устунлиги билан ҳам хўжаликнинг иш тажрибаси дикқатга сазовордир. 1986 йили заводнинг ҳар бир ходими ҳисобига ўртача 66 килограмм полиз маҳсулоти, 61 килограмм сабзавот, 48 килограмм мева етиштирилди — бу эса 1985 йилдагидан анча кўпдир. Маҳсулотларнинг ҳаммаси завод ишчиларига Андижоннинг колхоз бозорларидагига караганда арзонрок нархларда сотилган бўлсада, биринчи марта фойда (10 минг сўм микдорида) олинди.

Уларнинг бир-бирига ёрдами, у ёки бу масалаларни ҳал килиш учун куч-ҳаракатларни бирлаштириши ёрдамчи хўжаликларни мустаҳкамлашга, ишлаб чиқаришдаги муваффакиятларни кўпайтиришга имкон беради. Ёрдамчи хўжаликлари битта ер массивида жойлашган Липецк трактор заводи билан «Липецкстрой» трестининг тажрибаси, бизнингча, бу соҳада ўрнак бўла олади. Улар биргаликда йўл, козонхона курдилар, газ кувурлари ўтказдилар ва коммуникацияга доир бошка ишларни амалга оширдилар. Бундай кооперация туфайли курилиш ишлари корхоналар ўз ҳолича иш олиб боришига караганда тезрок борди ва бирмунча арзон тушди. Ўша Липецк областининг ўзида станоксозлик заводи ва «Липецкмелиоводстрой» кишлокда умумий ёрдамчи хўжалик ташкил этдилар. Олинган маҳсулотни улар ҳар бир шерик кўшган ҳиссага мувофиқ ўзаро таксимлайдилар. Ўзларининг ёрдамчи хўжаликларини ташкил этишда кийналадиган Ўзбекистон корхона ва муассасалари, бизнингча, ушбу фойдали тажрибадан фойдаланишлари мумкин бўларди.

Ўзбекистон Компартияси МК ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг кейинги йилларда кабул килинган ҳужжатларида республикадаги корхона ва ташкилотларга карашли кўпгина ёрдамчи хўжаликлар ҳозирча коникарсиз ишлаётганлиги, уларда экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги, мол ва парранда вазнига вазн кўшилиши ҳали паст эканлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ёрдамчи хўжаликларида 1986 йили ҳар 1 ходим ҳисобига атиги 2,2 килограммдан гўшт, 3 килограммдан сут, 5 килограммдан мева реализация килинган. Шу билан бирга улардаги мавжуд резерв ва имкониятларнинг ҳаммасидан тўла куч билан фойдаланиляпти деб бўлмайди.

Бизнингча, «аграр цехлар»нинг фаолиятини яхшилашга доир ишни улар ихтиёридаги асосий ва оборот фондларнинг фонд самарадорлигини яхшилашдан бошлаш керак. Масалан, Андижон области саноат корхоналари ёрдамчи хўжаликларида трактор, комбайн, юк автомобили ва бошка техниканинг мавжудлиги ҳакидаги статистика маълумотлари уларнинг муваффакиятли ишлаши учун етарли эканидан далолат беради. Лекин умуман олганда хотиржамлик кайфиятини туғдирувчи ушбу манзара областдаги ёрдамчи хўжаликларнинг ҳаммаси ҳам кишлок хўжалиги учун зарур инвентарга эга деб бўлмаслигини хаспўшлайди, холос. Бу ҳол эса жонли меҳнат сарфининг ўсишига, фонд самарадорлигининг пасайишига, окибатда улардан олинадиган маҳсулот таннархининг ошиб кетишига олиб келади.

Ёрдамчи хўжаликларни ташкил этишда асосий фондлар учун бир галги катта маблағлар сарфланиши, деҳкончилик ва чорвачилик маҳсулдорлигининг белгиланган даражасига бирданига эмас, балки аста-секин эришилиши колхоз-совхозларга караганда бундай хўжаликлар маҳсулоти ҳозирча кимматрок тушишининг сабабларидан биридир.

Биз саноат корхоналари ва ташкилотларнинг кишлокдаги ёрдамчи хўжаликлари фаолияти билан боғлик баъзи бир масалаларнигина тилга олдик. Уларнинг ҳар бирида, албатта, бошка хил проблемалар ҳам мавжуд. Уларни оператив равишда ҳал этиш мамлакат Озиқ-овкат программасини тезрок бажаришга, партиянинг социал сиёсатини, бутун кайта куришни муваффакиятли амалга оширишга хизмат килади.

К. ЙЎЛДОШЕВ,
иктисод фанлари доктори, Тошкент халк хўжалиги институти Андижон филиали сиёсий иктисод кафедрасининг мудири.

Н. АРАББОЕВ,
иктисод фанлари кандидати.

КАДРЛАРНИ ЯНГИ ТЕХНИКАДА ИШЛАШГА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Партия машинасозлик комплексини устун даражада ривожлантириш вазифасини қўйдики, уни бажариш жараёнида ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш амалга оширилмоқда. Бевосита янги техника ҳам анчагина кўпайтирилди: 1987 йили мамлакат индустриясида 11 минг саноат роботи, 300 мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқариш системаси, ана шунча миқдорда ротор ва ротор-конвейер линиялари ва ҳоказолар ўрнатилди.

Ўзбекистон индустрияси ҳам замонавий техника билан анча тўлдирилди. 1987 йилнинг ўзида бу ерда 70 саноат роботи, 240 механизациялашган поток ва автомат линиялар, рақамли программа асосида бошқариладиган (РПАБ) металл қирқувчи 158 станок ўрнатилди. 187 участка, цех, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди. Бу борада қилинган ишларни тўлароқ тасаввур этиш учун шуни таъкидлаш кераkки, 1987 йилнинг бошларида республика корхоналарида 268 саноат роботи, 800 РПАБ станоги, 274 мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқариш бор эди.

Табиийки, янги техника оқими тобора орта боради. Бундай шароитда унинг тўла самара билан ишлаши масаласи жуда кескин бўлиб турибди. Қайта қуришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ушбу вазифанинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқдир. Айни шу ерда инсон омили энг кўп даражада намоён бўлиши керак. Шунинг учун ҳам янги техникани ишлата оладиган ходимларни тайёрлашда илмий асосланган сиёсат зарур.

Меҳнат унумдорлиги ва ўқитилганлик даражаси сингари омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, янги техниканинг ишлаши шароитида кейинги омил тобора катта роль ўйнай бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, ходимларнинг профессионал тайёргарлиги юқори аниқликдаги техникадан фойдаланиш самарадорлигини белгилайди. Унумдорлиги анча юқори бўлган робототехник комплексларга келсак, бу ерда профессионал тайёргарлик юқори бўлиши керак. Бундан ташқари, буни барча робототехник линияларни икки ва уч сменали иш билан таъминлаш заруратиҳам тақозо этади. Шуни ҳисобга олиш кераkки, уларнинг бекор туриб қолиши, бузилиши одатдаги ишлаб чиқариш маромини бузишга қараганда кўп баравар қимматга тушади.

Афсуски, республикамизда янги техникада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида тўғри тасаввур шаклланган эмас. Ҳолбуки, Ўзбекистон индустрияси ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш суръатини 1,3 баравар ошириши керак бўлади. Станоклар паркини янгилаш асосан одатдаги универсал металл қирқувчи станокларни программа асосида бошқариладиган станокларга ҳамда роботларга алмаштириш ҳисобига амалга оширилади.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа шу сингари техник жиҳатдан илғор корхоналар ҳам ҳозирги кунда автоматлаштирилган линиялардан тўла самара билан фойдаланиша олмайди, уларнинг тез-тез бузилиши ва бекор туриб қолишлари ташвишли ҳолдир. Бу эса ходимларнинг бир қисмида, шу жумладан, тажрибали ишлаб чиқарувчиларда ҳам янги техникага ишончсизлик туғдиради, улар эски станокларни ҳисобдан чиқариб ташлашни ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштиришни орқага суришга уринишади. Нуқсонларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, янги техникада ишлаётган ходимларнинг профессионал тайёргарлиги етарлича бўлмагани туфайли кўп ҳолларда янги техникадан фойдаланиш қоидалари бузилади.

Шу фактни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераkки, янги авлодга мансуб техника фақат бошқача техник тафаккурни талаб қилиб қолмай, шунингдек социал-психологик тафаккурни ўзгартиришни ҳам тақозо этади. Проблеманинг бу жиҳати жамият учун янги гап эмас: космосга парвоз этиш, компьютерларнинг яратилиши, генлар инженерлиги инсоният олдига барқарор қарашлар, хулқ-атвор, одатларни қайта кўриб чиқишни зарур қилиб қўйди.

Робототехникани ишлаб чиқаришга жорий этиш муносабати билан ишга шундай бир муносабат шаклланяптики, у технологиянинг юксак динамикаси, программа асосида бошқариладиган техника функцияларининг хилма-хиллиги билан белгиланади. Масалан, 80-йилларнинг бошлари биринчи авлодга мансуб саноат роботларини чекланган оператив хотира ва унчалик тез таъсир қилмайдиган микроЭҲМ (электрон-ҳисоблаш машинаси)ларни сериялаб чиқариш асосида кенг қўлланиш билан нишонландики, бу роботлардан юк ортиш-тушириш ва транспорт ишларини, мойлашни, ёй шаклидаги ва нуқтали пайвандлашни автоматлаштириш учун фойдаланиларди. 80-йилларнинг иккинчи ярми иккинчи авлодга мансуб мослашувчан роботларнинг пайдо бўлиши билан ажралиб турадики,

уларда техник кўриш системалари, алгоритмлар ва микроЭҲМлар оператив хотира ҳажмига тез таъсир этиш, ихтисослаштирилган видеопроцессорларга бўлган талабнинг ошиши билан боғлиқ видеоахборотларни қайта ишлаш учун қўлланилади.

Техниканинг бундай ривожи уларда ишловчи ходимлар олдига янгидан пайдо бўлаётган мослашувчан системаларни мунтазам ўрганиб бориш, янги техникани қўлланиш соҳасини прогноз қила билиш (бир ой, бир йилдан кейин, беш йил ичида нималар ва қандай технология бўйича чиқарилади) вазифасини қўяди. Бунда маҳсулотнинг бир турини тайёрлаш муддати доимо қисқариб, уни қайта созлашга тобора кам вақт берилади. Шундай қилиб, янги техникани ишлатувчи ва янги технологиядан фойдаланувчи ходимлар планлаштириш босқичидаёқ уларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишлари, автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда мумкин қадар кўп миқдорда буюмларнинг чиқишини таъминлашга интилишлари керак.

Ана шу принципиал янги жиҳат ишлаб чиқариш фаолияти моҳиятининг ўзида мавжуд. Бу ерда профессионал билим, бир-бирига яқин соҳаларга оид проблемаларни ҳал эта билишдан ташқари, ходим меҳнатга янгича муносабатда бўлиши, уни социал-ахлоқий планда чуқур ҳис этиши керак. КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев партия МҚ 1988 йил февраль Пленумида таъкидлаганидек, бугун совет жамияти «маълумотли,.. демократия, коллективларнинг хўжалик мустақиллиги шароитида, ўзи учун ва мамлакат учун юксак иқтисодий ва социал масъулият вазиятида яшаб, ишлай оладиган актив, изланувчан гражданга муҳтождир». Бундай муносабатни шакллантириш кўп жиҳатдан тарбиявий вазифа бўлиб, уни хўжалик ҳисоби ва моддий рағбатлантириш билан (гарчи булар ҳам катта аҳамиятга эга бўлса-да) алмаштириб бўлмайди.

Хўш, ҳозирги кунда янги техникада ишлаш учун кадрларни тайёрлаш аҳволи қандай? Бу иш асосан бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида олиб борилмоқда. Анъанавий асбоб-ускуналардан фойдаланишда ўзини оқлаган ўқитиш-ўрганишнинг бу формаси бугунги кунда иш бермаяпти. Бунинг сабаблари кўп — тренажёрларнинг, ўрганиш-ўқитиш воситаларининг, махсус тайёрланган педагогларнинг, ўқитиш учун етарли миқдордаги вақтнинг йўқлиги ва ҳоказо. Масалан, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети системасидаги ўрта ҳунар-техника билим юртларида мана олти йилдирки, программа асосида бошқариладиган станоклар ва манипуляторларни созловчилар тайёрланади. Афсуски, моддий базанинг бўшлиги туфайли машғулотлар сифатсиз ўтади. Билим юртларига ажратилган, аслида аллақачон эскириб бўлган камчил техника фақат кўрсатиш учунгина (чунки инженерлик таъминотига муҳтож) ярайди.

Айни вақтда республикага юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган робототехника аллақачонок кела бошлади. Уларнинг кўпгина намуналари ўз «кўриш аъзосига», координациялаш ва оператив программалаш системаларига эга. Табиийки, базавий корхоналар бундай техникани билим юртларининг устахоналари учун ажрата олмайди, чунки улардан унумли фойдаланиш зарур. Шунинг учун ҳам билим юртлари асосан бевосита корхоналарнинг ўзида ўқитиш-ўргатиш билан кифояланишга мажбур бўладиларки, бу билан, афсуски, олдимизда турган проблемаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Замонавий мураккаб техникада ишлайдиган кадрларни тайёрлаш билан СССР Станоксозлик саноати министрлигига қарашли рақамли программа асосида бошқариладиган металлга ишлов берувчи асбоб-ускунага техника хизмати кўрсатишнинг Тошкент маркази шуғулланиши керак, ҳозир у ташкил топиш босқичида. Марказ бўлинмаларини жойлаштириш ва унинг моддий базасини шакллантириш масалалари ҳали тўла-тўкис ҳал қилинганича йўқ. Бинобарин, бу муассасада кенг кўламда ўқитиш-ўргатиш хусусида ҳозирча бир нима дейиш қийин. Бу жуда жиддий проблема бўлиб, у комплекс ёндашишни талаб қилади.

Уни ҳал этишнинг асосий йўли, бизнингча, рақамли программа асосида бошқариладиган асбоб-ускуналар ва саноат роботларига хизмат қилувчи мутахассисларга профессионал таълим-тарбия бериш бўйича марказ барпо этишдир, бунинг учун уч идора — Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва СССР Станоксозлик саноати министрлигига қарашли рақамли программа асосида бошқариладиган металлга ишлов берадиган асбоб-ускунага техник хизмат кўрсатиш Тошкент марказининг куч-ғайратини бирлаштириш керак бўлади.

Ҳунар-техника таълими давлат комитети ўрта ҳунар-техника билим юртларининг замонавий комплексларига эга, ўшалардан бирини марказ учун мослаштирса бўлади, уни тренажёрлар, ўқув пультлари, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, охирги авлодга мансуб рақамли программа асосида бошқариладиган станоклар ва саноат роботларининг 3—4 автоматлаштирилган линияларини барпо этиш керак. Бу билан нафақат муайян технологик жараёнларнинг ёпиқ цикли таъминланиб қолмай, балки машқ ўтказиш, асбоб-ускуналарни созлаш ва ремонт қилиш усулларини, тайёр маҳсулотни намойиш қилиш имконияти ҳам туғилади.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳам ўз навбатида бундай марказнинг барпо этилишидан манфаатдор бўлиши мумкин, чунки инженер кадрларни тайёрлаш бўлажак мутахассисларни программистика, созлаш, участкага раҳбарлик қилиш, уларнинг мослашувчан автомат линиялар билан доимий «алоқаси» соҳасида мунтазам машқ қилдиришни талаб этади. Табиийки, республиканинг етакчи техник олий ўқув юрти — Тошкент политехника институти марказни барпо этишда тенг ҳуқуқли шерик бўлиши керак.

Ниҳоят, рақамли программа асосида бошқариладиган металлга ишлов берувчи асбоб-ускунага техник хизмат кўрсатишнинг Тошкент маркази — бу кудратли регионал ташкилотдир. У станоклар ва роботларни эксплуатация қилишни инженерлик хизмати билан бемалол таъминлай олади.

Ихтисослашган марказни ташкил этиш — бу анча мураккаб иш, албатта. Станоклар билан манипуляторларга техник-экпслуатация хизмати кўрсатишни таъминлаш, асбоб-ускуналарни мураккаблиги юксак даражада бўлган ишлаб чиқариш буюртмалари билан банд қилиш, шунга мувофиқ меҳнат ҳақи сингари масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Бошқа томондан, бундай марказни фақат ишчи ва инженер кадрларни профессионал жиҳатдан тайёрлаш учунгина барпо этиш хато бўлур эди. Бу ерда янги техникани ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ бўлган проблемалар устида ишлаш мумкин бўлади. Бу проблемалар билан на илмий-тадқиқот институтлари, на заводлар шуғулланади. Масалан, РПАБ станокларида қайта ишланадиган йирик габаритли деталлар, унча катта бўлмаган узеллар махсус стеллажларга, транспорт мосламаларига муҳтож. Бу хилдаги амалий вазифани ўша юқорида айтилган марказда манфаатдор корхоналар билан тузилган хўжалик шартномалари асосида бемалол ҳал қилса бўлади.

Бунга яна шуни кўшимча қилиш керакки, келгусида ташкил этиладиган марказда ёшларни коллективда ва коллектив орқали иш воситасида тарбиялаш учун катта имкониятлар очилади. Пайдо бўлаётган проблемаларни ҳал этиш, доимий моддий ва маънавий рағбатлантириш, коллектив масъулият ҳиссини шакллантириш замирида робототехника имкониятлари билан бир неча баравар кучайтириладиган катта тарбиявий имконият бор.

Программа асосида бошқариладиган станоклар ва манипуляторларга хизмат қилувчи ишчи ва инженер кадрларни тайёрлаш учун барпо этиладиган марказдан келадиган пировард иқтисодий ва ахлоқий-психологик фойда унга кетган барча сарф-харажатларнинг ўрнини нисбатан тезда қоплайди. Янги иқтисодий ва социал тафаккур худди мана шундай ёндашувни тақозо этадики, бунда инсон омилининг иқтисодий омил билан қўшилиб кетиши қайта қуриш ғоясини ҳаётда тўлароқ амалга ошириш имконини беради.

А. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Ҳунар-техника таълими Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти Тошкент филиалининг илмий ходими.

ҲИНДИСТОН: ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Т. ҒИЕСОВ,

тарих фанлари доктори

УЛУҒ ОКТЯБРЬ социалистик революциясидан сўнг 30 йил ўтгач Ҳиндистоннинг мустақилликка эришиши, мамлакат ҳозирги бош министри Ражив Гандининг иборасича, «бутун дунёдаги классик мустамлакачиликни дафн этишга чақирувчи қўнғироқ овози» бўлган эди.

1947 йил августида Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракатининг ғалаба қозониши, К. Маркс олдиндан башорат қилганидек, «ана шу буюк ва ажойиб мамлакат» тикланиши учун йўл очибгина қолмай, шу билан бирга жуда катта аҳамиятга молик революцион воқеа ҳам бўлди. Ўтмишда империализм эксплуатациясининг ҳуқуқсиз объекти бўлган Ҳиндистон мустақил ривожланиш йўлига чиқиб олди. У сиёсий мустақилликка эришгач, мустамлакачилик меросига barҳам беришга доир машаққатли ишни бошлаб юборди. «Мустақиллик учун курашган вақтларимиздаёқ, — деган эди Индира Ганди, — сиёсий озодлик фақат дастлабки босқич эканлигини яхши тушунар эдик. Биз мустақилликка эришгач кураш шу билан якунланиб қолмади. Фақат биринчи жанггина тугаган эди. Лекин ҳақиқий кураш шундан иборат эдики, бутун ҳинд халқи учун янги ҳаётни таъминлаш, экономиканинг янада гуллаб-яшнаши учун, маориф системасини, соғлиқни сақлаш системасини яхшилаш учун шарт-шароит яратиш зарур эди».

Ҳиндистон мутақилликка эришган дастлабки кунларданоқ унинг келажаги хусусида кескин баҳслар бўлиб турди. Америка империализми Ҳиндистон ярим ороли ресурслари устидан контрол ўрнатишни орзу қилар эди. Денгиз ортидаги «дўстлар ва ҳомийлар» қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишни, енгил саноатни ривожлантиришни, шу билан бирга эса бу ерда оғир саноат корхоналари қуришдан воз кечишни маслаҳат бердилар. Лекин янги Ҳиндистоннинг ҳукумат бошлиғи Жавоҳарлал Неру, унинг ҳамфикр дўстлари мустаҳкам иқтисодий негиз бўлгандагина мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини таъминлаш мумкинлигини яхши тушунардилар.

Ўтган йиллар мобайнида Ҳиндистонда миллий даромад уч баравардан зиёд ошди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми етти баравар кўпайди, маданиятни ривожлантиришда сезиларли муваффақиятларга эришилди. Мамлакат ўзини бир қатор энг муҳим саноат буюмлари билан таъминлабгина қолмай, балки уларни экспорт ҳам қиляпти. Ҳиндистон илмий-техника тадқиқотлари соҳасида олға қараб каттагина қадам қўйди. Булар — Антарктидадаги тадқиқотлар, халқ хўжалигини компьютерлаштириш, медицина ва биологиядаги кашфиётлар, «Бхаскара» ва «Ариабхата» сунъий йўлдош кемалари учирилиши, икки совет космонавти билан ҳинд космонавти Ракиш Шарманинг биргаликдаги космик парвозидир.

Аграр секторда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши деярли 2,5 баравар ошди, шу жумладан озиқ-овқат учун зарур донни йиғиб олиш уч баравардан зиёд кўпайиб, кейинги йилларда 150—154 миллион тоннага етди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида қудратли давлат секторининг яратилиши Ҳиндистон эришган муҳим ғалаба бўлди. Соғлиқни сақлаш соҳасида кўп иш-

лар қилинди: бир қатор юқумли касалликларнинг ўчоғи тугатилди. Ўртача умр кўриш даражаси икки баравар ошди. Маориф соҳасидаги муваффақиятлар ҳам катта: 120 миллион ўқувчи уч миллиондан кўпроқ ўқитувчи таълим бераётган 700 минг мактабга қатнайди. Мамлакатда 127 университет, университет статусига эга бўлган 25 миллий институт, олий ўқув юрти факультети ҳуқуқига эга бўлган 5200 дан зиёд колледж ишлаб турибди, уларда қарийб тўрт миллион студент таълим олмоқда.

Ҳозирги пайтда Ҳиндистоннинг жаҳон майдонидаги сиёсий ва иқтисодий обрўси аввалгига нисбатан ғоят юқоридир. У саноати ривожланган давлатларнинг биринчи ўнлигига киради. «Бизни ривожланаётган мамлакат деб аташларидан чарчадик, — деди ўз нутқларидан бирида Ражив Ганди. — Биз ўзимизни ривожланган мамлакат деб аташни истаймиз».

Албатта, Осиёдаги ана шу буюк давлатнинг ҳамма социал-иқтисодий проблемалари ҳам ҳозирча ҳал қилингани йўқ. Оғир мустамлакачилик ўтмишининг таъсири сезилиб турибди. Қашшоқлик, ишсизлик, социал тенгсизлик ҳинд халқи олдида турган асосий проблемалардир. Ҳиндистон ҳукумати илғор технологияни кенг жорий қилиш асосида экономика самарадорлигини, халқ фаровонлигини оширишга, саноатдаги мавжуд қувватлардан рационал фойдаланишни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашни таъминлашга доир чоралар кўряпти.

Ҳиндистон ўзининг ҳамма ишларида дўстларининг, шу жумладан Совет Иттифоқининг ёрдамига суянади. Мамлакатимиз ёш ҳинд давлатини биринчилардан бўлиб таниди ва Ҳиндистон мустақилликка эришгунча у билан дипломатик алоқалар ўрнатган эди. СССР Ҳиндистон ярим оролининг кўп асрлик тарихида янги бобни очиб берган буюк жанубий қўшнисига дўстлик ва ҳамкорлик қилиш учун ўз қўлини чўзди. Планли ва узоқ муддатли асосда ривожланаётган кўп томонлама совет-ҳинд муносабатлари тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали характердадир.

Совет мамлакатининг иштирокида Ҳиндистонда 60 дан ортиқ саноат корхонаси ва бошқа корхоналар бунёд этилган. Улар ҳозир барча пўлатнинг 36 процентини, алюминийнинг — 32, металлургия ускуналари ишлаб чиқаришнинг — 77, энергетика ускуналари ишлаб чиқаришнинг 47 ва кон-шахталар ускуналари ишлаб чиқаришнинг 43 процентини, ҳосил қилинадиган электр энергиянинг ўндан бир қисмини бермоқда. Яна 40 та совет-ҳинд корхонаси лойиҳаланиш ва қурилиш босқичида турибди. Совет-ҳинд ҳамкорлигининг объектлари 1986—1990 йилларда кўмир саноатида ишлаб чиқариш ўсишининг 40 процентини, электроэнергетикада салкам 10 процентини ва қора металлургияда 100 процентини таъминлайди. Давлат сектори корхоналарининг қарийб учдан бир қисми тўлалигича ёки қисман СССР ёрдамида бунёд этилган. Геологияда, газ ва нефть саноатида, ирригация ва қишлоқ хўжалигида, экономиканинг бошқа тармоқларида совет-ҳинд ҳамкорлиги муваффақият билан ривожланмоқда.

Иккала мамлакат ўртасида ўзаро фойдали алоқалар мустаҳкамланишига Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшяпти. Республика корхоналари Ҳиндистонга 35 хил маҳсулот — Ранчи ва Дургапурдаги заводлар, Бхилаи ва Бокародаги металлургия гигантлари учун, кўмир, нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш саноати учун асбоб-ускуналар етказиб беряпти. Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги пахта ва кўрак йиғадиган машиналар, сеялка, трактор, прицеп, экскаваторлар, ариқ қазийдиган машиналар, культиватор ва скреперлар олмоқда. Республикамиз аграрчи олимлари давлат фермалари ва қишлоқ хўжалик станцияларини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатмоқда. Ҳинд мутахассислари дашт ва бўз ерларни ўзлаштиришда, суғориш иншоотларини қуришда ўзбек пахтакорлари, мелиоратор ва ирригаторларининг тажрибасидан фойдаланмоқдалар.

Илмий ва маданий алоқалар мустаҳкамланмоқда. Минглаб ҳинд студентлари СССРда, шу жумладан, Ўзбекистонда олий маълумот олмоқдалар, иккала мамлакат олимлари илмий симпозиум ва семинарлар ташкил этяптилар, биргаликда тадқиқотлар ўтказяптилар.

Совет-ҳинд дўстлиги тадбирларининг ўтказилиши Ўзбекистон ССРда яхши анъана бўлиб қолди. Масалан, ўтган йили Улуғ Октябрь 70 йиллигига ва Ҳиндистон мустақиллигининг 40 йиллигига бағишланган декада, ойлик ва фестиваллар бўлиб ўтди. Ҳиндистон билан республикамиз ўртасидаги туризм кенгаймоқ-

да. Ҳинд фирмалари ёрдамида Тошкент, Самарқанд ва Бухорода туристлар учун меҳмонхоналар қурилади. Ўзбекистон пойтахтида Ҳиндистон республикасининг бош консулхонаси очилди.

Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати замирида турли социал системадаги давлатлар тинч-тотув яшаши, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаш принциплари ётади. Бундай сиёсат шаклланишига Ҳиндистоннинг атоқли арбоблари Мохандас Карамчанд Ганди ва Жавоҳарлал Неру ушбу мамлакатнинг миллий-озодлик ҳаракатига асос солган демократик анъаналар чуқур таъсир кўрсатди. Тинчлик ишига, халқаро вазиятни соғломлаштириш ишига садоқат. янги мустамлакачилик, ирқчилик ва апартеизмга қарши чиқиш — Ҳиндистоннинг жаҳон майдонидаги фаолияти асослари ана шундай. У антиимпериалистик, мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши позицияларда турибди, Исроилнинг араб давлатларига қарши АҚШ томонидан рағбатлантирилаётган экспансиячилик ҳаракатларини қатъиян қоралаяпти, Фаластин араб халқининг ўз мустақиллиги учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлаяпти. «Агар бирор ерда озодлик ёки адолат хавф остида бўлса ёки агрессия амалга оширилса, — деган эди Жавоҳарлал Неру, — биз бетараф бўла олмаймиз ва бўлмаймиз ҳам».

Ҳиндистон ҳозир юздан ортиқ мамлакатни бирлаштирган қўшилмаслик ҳаракатига асос солган давлатлардан бири эди. Ҳиндистон ушбу ҳаракатдаги ўзининг жуда катта обрў-эътиборидан фойдаланиб, унга антиимпериалистик, антимилитаристик характер бағишлади, унинг иштирокчилари диққат марказига тинч ривожланишнинг туб проблемаларини, аввало, термоядро уруши хавфига барҳам бериш ва халқларнинг ялпи хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек янги халқаро иқтисодий тартиб принципларининг практикада амалга оширилиши масалаларини қўйди.

Қўшилмаслик ҳаракатининг оёққа туриши, унинг ҳозирги халқаро муносабатларда муҳим факторга айланиши Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги озодликка эришган халқларнинг катта ютуғи бўлди. КПСС Программасида таъкидланганидек, Совет Иттифоқи қўшилмаслик ҳаракатининг мақсадлари ва фаолиятига хайрихоҳлик билан қарайди, унинг жаҳон сиёсатидаги ролини ошириш тарафдоридир.

Ҳинд ҳукумати ўтказаётган мустақил ташқи сиёсат йўли, қўшилмаслик ҳаракатини мустаҳкамлашга доир актив фаолияти, бақувват миллий экономика яратилиши Ҳиндистоннинг жаҳондаги позициялари мустаҳкамланишига ёрдам берди, Вашингтоннинг сиёсий ва иқтисодий шантаж қилиш стратегияси барбод бўлишига олиб келди. Муваффақиятсизликка учраган АҚШ Покистон билан тил бириктириб, Ҳиндистон атрофида душманлик қуршовини вужудга келтиришга, қурол кучи билан унга тазйиқ кўрсатишга уриняпти.

Империалистлар ва уларнинг иттифоқчилари Ҳиндистондан мамлакат экономикасининг энг муҳим элементларидан бири бўлган, ялпи буғдой ўримининг бешдан бир қисмидан кўпроғини, кўп миқдорда шоли, пахта ва шакарқамишни етказиб берадиган Панжобни тортиб олишга уриняптилар. Бу ерда экспорт учун машинасозлик маҳсулотлари, электр асбоблар, жун ва трикотаж буюмлар, спорт моллари ишлаб чиқарилади. Панжоблик фан ва техника мутахассислари хусусий ва давлат кампаниялари ҳамда муассасаларида юқори лавозимларда ишлайдилар, панжоблик кўпгина сикҳлар танк қисмларида, граждан ва ҳарбий авиацияда хизмат қиладилар. Шу сабабли Панжобнинг Ҳиндистондан ажралиб чиқиши давлат халқ хўжалигига ва қуролли кучларига оғир зарба бўлиб тушиши мумкин. Индира Гандининг ёвузларча ўлдирилишидан икки ой аввал ҳинд ҳафталиги «Лук» шундай деб таъкидлаган эди: «Ривожланаётган мамлакатларнинг олға қараб қилаётган ҳаракатини тўхтатиш ва уларнинг социалистик давлатлар билан дўстлашувига халақит бериш мақсадида империалистик кучлар ўзининг миллий, сиёсий ва иқтисодий озодлигини мустаҳкамлашда тараққиётга эришаётган миллий тузумларни заифлаштиришга ва ағдариб ташлашга беҳуда уринмоқдалар. Мана шунинг учун ҳам империалистлар Ҳиндистонга ҳужум уюштирмоқдалар».

Ҳиндистон бош министри лавозимини эгаллагач Ражив Ганди Жавоҳарлал Неру ва Индира Ганди васият қилган сиёсатни амалга ошира борди. Ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлига қатъий амал қилаётган Ҳиндистон бир қатор

конструктив таклифлар билан чиқди. Халқаро жамоатчилик унинг қуролланишни чеклаш ва қуролсизланиш, ядровий қурол синовларини тўхтатиш ва уни йўқ қилиш, космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш проблемаларига доир позициясини чуқур маъқуллаш билан кутиб олди.

Деҳлида декларация қабул қилган олти мамлакат (Афғонистон, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Танзания, Швеция) раҳбарларининг ташаббусини Совет Иттифоқи юксак баҳоламоқда. Унда ядровий қуролни ҳар қандай қўлланишни қонундан ташқари деб эълон қилувчи мажбурий характердаги халқаро шартномани имзолашга даъват этилган эди. Олти мамлакат ядровий синовларга бўлажак мораторийни текширишни ўз зиммаларига олиш таклифини изҳор этди.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 йил ноябрда Ҳиндистонга қилган дўстона визити ҳақли равишда ўчмас тарихий аҳамиятга молик воқеалардан биридир. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида устун роль ўйновчи совет-ҳинд муносабатлари жаҳон сиёсатининг таъсирчан омили бўлиб хизмат қилмоқда. Иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланиши Деҳлида олий даражада ўтган учрашувнинг муҳим якуни бўлди. Шартномада Терида гидроэнергетика комплекси, бир қатор кўмир шахталари бунёд этилишида, Ғарбий Бенгалиядаги кўмир конларини комплекс разведка қилишда, Бокародаги металлургия заводини реконструкция қилиш ва модернизациялаштиришда совет томонининг Ҳиндистонга ёрдам бериши кўзда тутилган.

Халқаро майдонда СССР билан Ҳиндистон ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётганлиги умумий тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишига хизмат қилади, ядровий ҳалокатга олиб келувчи тенденциялар йўлини тўсади. М. С. Горбачев ва Р. Гандининг ядровий қуролдан холи ва зўравонликсиз дунё принциплари ҳақидаги Деҳли декларациясига имзо чекиши бунинг ёрқин исботидир. Унда СССР ва Ҳиндистон барча давлатлар ва халқларга планета устида муаллақ бўлиб турган мисли йўқ таҳдидни англаб етишга ва халқаро вазиятни қатъиян соғломлаштиришга бор куч-қувватларини сарфлашга даъват билан мурожаат қилдилар.

Совет-ҳинд дўстлиги икки буюк давлатнинг империализмга, янги мустамлакачиликка қарши, халқаро хавфсизлик учун курашдаги муштарак манфаатлари билан мустаҳкамланган бўлиб, Осиёда ва бутун Ер юзида тинчликни ҳамда барқарорликни сақлашнинг муҳим омилидир.

«ИСЛОМ ОМИЛИ» ВА ИДЕОЛОГИК КУРАШ

М. УСМОНОВ,
философия фанлари доктори

Социализмга ва марксча-ленинча идеологияга қарши курашда империалистлар ва уларнинг кўрсатмаси бўйича ҳаракат қиладиган реакцион мусулмон доиралари ислом динидан фойдаланишга алоҳида умид боғлашган. Шу сабабли «ислом омили»нинг асосий жиҳатларини кўриб чиқиш, унинг ҳозирги идеологик курашдаги ўрнини аниқлаш муайян аҳамият касб этади.

I

Ислом дини дунёдаги энг кўп тарқалган динлардан биридир, унга жаҳоннинг 120 дан зиёд мамлакатида яшайдиган 800 миллионга яқин киши (СССРдаги диндорлар бунга кирмайди) эътиқод қилади. Шулардан 29 мамлакатда мусулмонлар нуфузли озчиликни, 39 мамлакатда эса — кўпчиликни ташкил этади, ана шу мамлакатларнинг 20 тасида аҳолининг 95—100 проценти мусулмонлардан иборат. 28 мамлакатда ислом дини давлат дини деб ёки расмий идеология сифатида тан олинади. Айрим давлатлар «ислом» давлатлари деб аталади. Уларнинг ички ва ташқи сиёсатининг ижтимоий ҳаётни секуляризация қилиш тўғрисидаги фикр мутлақо истисно қилинадиган йўналишга эгалиги шу билан изоҳланади.

Тарихий жиҳатдан ислом диний ва сиёсий қарашларнинг чатишуви сифатида вужудга келди ва у ўзи тарқалган жойларда сиёсий роль ўйнай бошлади. Ҳозирги шароитда исломнинг активлашиши умуман объектив ҳол бўлиб, у муайян социал-иқтисодий ва сиёсий омиллар оқибати сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун бу жараённи «исломнинг сиёсий жиҳатдан активлашиши» деб белгилаш тўғрироқ бўлади.

Бу феноменнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу, аввало, социал-иқтисодий характердаги омиллардир. Қатор мусулмон мамлакатларининг буржуача ривожланиши, уларнинг жаҳон капиталистик бозори соҳасига жалб қилиниши натижасида уларда иқтисодий ҳаётнинг анъанавий уклади кескин ўзгармоқда. Бир томондан, бойликлар компрадорлар, банк-молия корчалонлари, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги капиталистлар қўлида марказлашмоқда, иккинчи томондан — омма қашшоқлашмоқда, шаҳардаги майда ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва қишлоқдаги майда товар хўжалиги вайрон бўлмоқда, майда ишлаб чиқарувчилар ниҳоят даражада қашшоқлашмоқда.

Сўнгра, империалистларнинг мусулмон мамлакатлари ривожланишини ҳарбий йўлга солиб юбориш учун кўп сонли уринишлари («вестернлаштириш» деб аталадиган йўналиш) муваффақият топмади. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида бу ерда феодалларга, империалистларга қарши ҳаракат тобора кучая борди, у кўпинча диний тусда бўлиб, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ислом ролининг активлашувига олиб келди.

Шарқнинг маънавий ҳаётига исломнинг анча чуқур таъсир кўрсатишини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Буржуа идеологлари ва сиёсатдонларининг вестернлаштиришнинг кучли таъсири остида исломнинг бу таъсирининг сусайиши ва

ғарбий маданият ҳамда ахлоқининг Шарқ халқлари ҳаётига сингиши тўғрисидаги хулосалари ҳам рўёбга чиқмади. Буржуача ахлоқий қадриятларнинг ёмон таъсирига қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун кураш мусулмон Шарқи халқларининг ўз мамлакатларидаги турли проблемаларни ҳал этишда кўпинча ислом билан боғлиқ бўлган тарихий меросларига таянишга бўлган интилишини мустаҳкамлади.

Кўпгина буржуа идеологлари ва сиёсатчилари учун исломнинг активлашиши кутилмаган ҳол бўлди. Улар бу ҳолни «исломга оид шов-шув» ёки «исломнинг уйғониши (ренессанси)» сифатида баҳоладилар, уни асосан у ёки бу мамлакатдаги айрим шахслар фаолияти билан боғлиқ қилиб кўрсатдилар. Марксча-ленинча методология билан қуролланган совет фани бу жараённинг мусулмон дунёси халқларининг мустақиллик ва тараққиёт учун курашдаги объектив шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳақиқий социал-иқтисодий ва ғоявий-сиёсий сабабларини очиб беради.

Ғарбий матбуот саҳифаларида кўпинча исломнинг активлашиши 70-йиллар охири — 80-йиллар бошида асосан Эрондаги революция муносабати билан бошланди деб қайд қилинади. Бундай хронология унчалик аниқ эмас. Аслида Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг 40-йиллар охири — 50-йиллар бошидаги миллий-озодлик кураши исломни сиёсатлаштиришга кўмаклашди. Исломнинг сиёсий ролининг кучайиши кейинчалик, қатор мусулмон мамлакатлари мустақилликка эришганларидан сўнг ҳам давом этди. Бу 60—70-йилларда Миср, Сурия, Ливан, Жазоир, Гвинея, Демократик Яман, Тунисда ва бошқа мамлакатларда яққол намоён бўлди.

Кейинчалик исломнинг жонланиши араб-исроил тўқнашувининг кескинлашиши, шунингдек Афғонистон ва Эрондаги революцион воқеалар, Миср (Садат президент бўлган даврда) ва Покистон ҳокимиятларининг ислом томонга бурилиши, Ливия Жамоҳириясининг ташкил топиши ва шу сингарилар билан боғлиқ ҳолда рўй берди. Айни ана шу даврда «ислом омили» халқаро миқёсда сезиларли роль ўйнай бошлади, ундан ҳокимият тепасида турган доиралар ўз мақсадлари йўлида фойдалана бошлашди.

II

60-йиллар охирига келиб Фаластин араб халқининг мустақил давлатини ташкил этишга Исроилнинг қаттиқ қуролли қаршилик қилиши натижасида араб-исроил зиддиятлари ғоят кескинлашди. Исроил АҚШ ҳомийлигида БМТнинг Фаластинга доир қарорларини бутунлай назар-писанд қилмасдан, қўшни мамлакатлар ерларини мустамлакага айлантира бошлади ва фаластинликларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга қаратилган ҳаракатини йўқ қилиб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

70-йиллар бошида бу воқеаларга Ливан проблемаси ҳам қўшилди, бу ерда динлараро кураш натижасида сиёсий вазиятга путур етган эди. АҚШ ва Исроил Ливаннинг ички ишларига очиқдан-очиқ аралаша бошлади. Исроилнинг 1982 йилда бу мамлакатга ҳужум қилиши сионистларнинг Ливаннинг жанубий қисмларини ажратиб олиш ва у ерда қўғирчоқ ҳукумат тузиш юзасидан 50-йиллардан бери ўйлаб юрган режалари амалга ошишининг натижаси бўлди.

Фаластин ва Ливан халқларининг фожиаси ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалани адолатли тарзда сиёсий жиҳатдан тартибга солишга Исроил ва АҚШ қаршилик қилишяпти. Шуниси характерлики, диний идеологлар ва диний-сиёсий арбоблар бу воқеаларни ислом билан иудаизм, мусулмонлар билан христианлар ўртасидаги тарихий душманликнинг намоён бўлиши сифатида талқин қилишади.

Исломнинг актив роли Эронда айниқса яққол намоён бўлди, бу ерда мусулмон руҳонийлари халқнинг шоҳга ва Америкага қарши революциясига бошчилик қилдилар. Эрон кўп йиллар давомида АҚШнинг таянчи бўлиб, регионда жандарм ролини ўйнади, меҳнаткашларни талаш эвазига яхши қуролланган армияни ва ривожланган саноатни яратди. Омманинг қашшоқланиши охирги чегарасига етди, халқ буржуа маданияти ва ахлоқининг бузувчи таъсирига қарши чиқди. Шу сабабли Эронда Америкага ва шоҳга қарши ҳаракат бошланганида юқори шиа раҳбарияти унга бошчилик қилди. Лекин революция ғалабасидан сўнг оддий

эронликларнинг «исломча адолат»га бўлган умидлари амалга ошмади. Бу мисол диннинг синфий негизларсиз ишончли социал-иқтисодий структурани ярата олмаслигини, фақат жамиятни чинакамига демократиялаштириш асосигина тараққиётга эришиш мумкинлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Афғонистонда ислом масаласи анча мураккаблашди, бу ерда уламолар ва руҳонийлар ўртасида ихтилоф содир бўлди: уларнинг ватанпарварлик кайфиятидаги вакиллари Апрель революциясини қўллаб-қувватладилар, реакцион қисми эса Покистонга ва Эронга эмиграция қилди ва у ерда аввалги феодал-буржуа юқори табақаларининг қолдиқлари билан биргаликда контрреволюциянинг илҳомчилари бўлиб қолишди. Афғонистоннинг революцион ҳукумати диний ватанпарварлик фаолияти учун барча зарур шарт-шароитларни яратди. Мамлакатда уламолар ва руҳонийларнинг Олий кенгаши ташкил этилган, вилоятларда, волостларда ва уездларда уламолар ва руҳонийлар кенгашлари тузилган. Диний ташкилотлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш учун Ислом ва вақфлар ишлари министрлиги ташкил этилган.

Исломнинг активлашиши назария соҳасида ҳам намоён бўлмоқда. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида мусулмон идеологик марказларида капиталистик ва социалистик ривожланиш йўлларига қарши қўйилаётган, «ривожланишнинг учинчи йўли»га, «ислом социализми»га, «ислом экономикаси»га, «исломча янги иқтисодий тартиб»га ва шу сингариларга йўналтирилаётган қатор социал-иқтисодий ва сиёсий концепциялар илгари сурилди. Ана шу концепциялар асосида «ислом фундаментализми» деб номланган назария ишлаб чиқилди, унинг тарафдорлари эса ўзларини «исломнинг фундаментал принципларини тикловчилар» деб аташади. Улар ислом таълимотини ҳозирги ижтимоий тараққиётга мослаштиришга уринаётган ва «ислом социализми» позицияларидан туриб фикр билдираётган модернистлардан ҳам, исломнинг ўрта асрчилик ақидаларини ва қатор давлатлардаги мавжуд ярим феодал тартибларни ҳимоя қилувчи анъанавийчилардан ҳам фарқ қилишади. Фундаменталистлар фақат исломнинг «фундаментал» принципларигина мусулмон мамлакатларининг «исломчилик йўли»га тўла мос келади ва бу принципларни «қайта идрок этиш»га ва модернистик жиҳатдан «талқин қилиш»га зарурат йўқ деган фикрга асосланиб бундай принципларнинг қайта тикланишини талаб қилишмоқда.

Синфий жиҳатдан олганда, анъанавийчилик феодал ва ярим феодал табақаларнинг, модернизм — буржуа доираларининг, фундаментализм — майда буржуазия турли группаларининг манфаатларини акс эттиради. Агар илгари Шарқдаги қатор мамлакатлар амалга оширишга ҳаракат қилган «ислом социализми» устунлик қилувчи таъсирга эга бўлган бўлса, унда ҳозирги кунда фундаменталистик тенденциялар устунлик қилмоқда. Масалан, Эрон, Миср, Ливияда бундай принциплар ҳаётга жорий қилина бошланди. «Мусулмон биродарлар» (ал-Ихван ал-муслимин) идеологияси — фундаментализмнинг яққол намоён бўлишидир, бу идеология «на Ғарб, на Шарқ», «Қуръондан бўлак ҳеч қандай конституция бўлиши мумкин эмас» деган шиорларни илгари суради. Шуни қайд қилиш керакки, афғон контрреволюциясининг ғоявий-сиёсий платформаси «Мусулмон биродарлар»нинг энг жанговар йўналишидан иборат.

III

Халқаро ислом ташкилотларининг активлашиши ва мусулмон мамлакатларининг жипслашишга, халқаро майдонда ягона сиёсатни ишлаб чиқишга бўлган интилиши ҳам дунёда «ислом омили»нинг кучайганлигидан далолат беради. Бундай тенденциялар илгари ҳам бўлган эди, лекин 60-йиллар охиридан бошлаб бу борада мусулмон давлатлари манфаатлари Ғарбнинг Исроил агрессиясини қўллаб-қувватлашга қаратилган империалистик сиёсатига қарши қўйилмоқда.

Бугунги кунда дунёда даражалари ва характерига мувофиқ равишда ҳукумат миқёсида ва ҳукуматдан ташқари миқёсда амал қиладиган кўплаб ислом ташкилотлари, шунингдек диний, илоҳиётга оид масалаларга ва уларнинг турли тармоқларига доир уюшмалар иш олиб боради.

Юқоридаги каби ислом ташкилотларида унга аъзо бўлган мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқлари вакил бўлиб қатнашишади; уларнинг

қарорлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва халқаро ҳаёт масалаларига тегишли бўлади. Ҳозирги пайтда фақат Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) ана шундай ташкилотдир. Давлатлараро ташкилотлар иккинчи группага оид уюшмалардан бўлиб, уларга кўзга кўринган диний, ижтимоий ва сиёсий арбоблар, шу жумладан мамлакатларнинг баъзи бир ҳукумат вакиллари ҳам аъзо бўладилар. Ислом дунёси конгресси (ИДК)*, Ислом дунёси бирлашмаси (ИДБ), Бутун дунё ислом ташкилоти (БДИТ), Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч океани мамлакатлари регионал ислом ташкилоти (ЖТМРИТ) ана шундай энг йирик уюшмалардир. Банк ишига ислом принципларини ёйиш билан шуғулланадиган Ислом банклари халқаро уюшмаси (ИБХУ) ҳам уларга қўшилади. Ва, ниҳоят, Европа ислом кенгаши, Ислом вазифалари бутун дунё федерацияси, Ислом чақириғи иттифоқи типидаги халқаро ташкилотлар ва бошқалар шулар қаторига киради.

Шуни қайд қилиш керакки, мусулмон мамлакатларининг жипслашиш тенденцияси сўнгги йиллар ичида тобора кўчаймоқда. Бу айниқса бирлашган мамлакатлар экономикаси, сиёсати, идеологияси ва маданиятининг турли соҳаларини мувофиқлаштириб турадиган ИКТ ва бошқа кўп сонли ташкилотлар тузилганидан сўнг сезиларли тус олди. Бу тенденция ўз негизига кўра мусулмон мамлакатларининг империализмга ҳам, социализмга ҳам қарши қўйилаётган «учинчи йўли»нинг устунлик қилувчи концепциясини ифодалайди.

«Ислом омили»нинг активлашиши мусулмон Шарқида революцион жараёнларда ва миллий озодлик ҳаракатларида диний шиорлардан фойдаланиш билан боғлиқдир; улардан реакцион доиралар ҳам фойдаланишмоқда. Бундай қарама-қаршилик умуман диннинг, шу жумладан ислом динининг кўп қатламлилиги ва синкретик характерга эгалиги билан изоҳланади. Ҳукмрон синфлар учун ислом — истибдод қуроли; бечоралар ва эксплуатация қилинувчилар ундан «илоҳий адолат» излашади. Жамиятнинг диний ва миллий ҳис-туйғулар кам ривожланган синфий онгга нисбатан устун бўлган қолоқ табақалари орасида оллоҳнинг иноятига умид қилиш айниқса кучлидир.

Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан империализм билан иттифоқ бўлиб олган реакцион режимлар ислом байроғи остида феодаллар ҳокимиятини мустаҳкамлашмоқда, ўрта асрчилик негизларини ҳимоя қилишмоқда. Демократик кучлар ҳам ўз хатти-ҳаракатларида исломга таянишади, ислом анъаналари, урф-одатлари ва маслакларини ижтимоий турмуш ва онгнинг ҳаммабоп, баъзан ягона мумкин бўлган ва ҳаммага маълум омиллари деб билишади. Меҳнаткаш халқ, камбағал табақаларнинг ўз социал-сиёсий истакларини, империализмнинг ҳамда унинг мамлакат ичидаги гумашталарининг зулмига қарши стихияли норозилигини диний шаклда ифодалаши табиий ҳолдир. Социалистик йўлни кўзлаган қатор демократик республикаларнинг жамиятни ривожлантириш программалари исломнинг айрим принципларини ўз ичига олади.

IV

Кейинги йилларда советларга қарши, антикоммунистик ва реакцион-клерикал идеологик ва пропагандистик марказлар ўзларининг Совет Иттифоқига қарши ҳужумларини кучайтирдилар. Ҳаммага маълумки, империализмнинг социализмга қарши курашда диндан фойдаланиши узоқ тарихга эга. Лекин ҳозирги шароитда ислом масаласига алоҳида эътибор берилаётганлиги иккита энг муҳим жиҳат билан боғлиқ.

Биринчидан, совет жамиятида ленинча миллий сиёсатнинг муваффақиятли тарзда амалга оширилиши натижасида тарихда мисли кўрилмаган СССР халқларининг жипслиги ва дўстлигига эришилди, виждон эркинлиги тўғрисидаги ҳақиқий демократик қонунлар қарор топди. Кам сонли экстремистик группаларни истисно қилганда, асосий диндорлар оммаси ватанпарварлик кайфиятида бўлиб,

* Бу ташкилот бизнинг адабиётимизда «Бутун дунё ислом конгресси» деб янглиш аталади. Унинг «Мутамар ал-алям ал-ислами» деган арабча номи «Ислом дунёси конгресси» деган номни англатади. Ана шундай ном тўғрироқдир, чунки аслида бу конгресс мусулмон мамлакатларининг ўз ташкилоти бўлиб, у сира ҳам бутун дунё ташкилоти эмас.

ҳамма совет кишилари билан биргаликда социалистик қурилишнинг турли соҳаларида иштирок этишмоқда. Табиийки, бу бизда миллий ва диний адоватни авж олдиришни, совет халқининг онгини заҳарлашни, диний фанатизм ва миллатчиликни қайта тиклашни, СССРда яшайдиган миллатлар ва элатлар дўстлигига зимдан путур етказишни орзу қилаётган душманларимизга ёқмайди.

Иккинчидан, миллий-озодлик курашининг кучайиши натижасида империалистик давлатларнинг мусулмон мамлакатларидаги позициялари анча бўшашди. Ривожланаётган давлатлар, шу жумладан мустақил ва суверен ривожланиш йўлини танлаган мусулмон давлатлари халқаро нуфузининг мустаҳкамланганлигини реакцион кучлар империализмнинг, аввало АҚШнинг иқтисодий ва стратегик манфаатларига жиддий хавф сифатида баҳолашмоқда. Ана шу шароитда буржуа идеологлари ва сиёсатчилари империализмнинг стратегик мақсадларига мувофиқ равишда, бир томондан, мусулмон мамлакатларида ашаддий советларга қарши ва антикоммунистик кампания ўтказиш билан ўзларини «ислом дўстлари» қилиб кўрсатишга уринишмоқда, иккинчи томондан эса — сионистик экспансионистик ва айрим реакцион режимлар билан иттифоқ бўлган ҳолда прогрессив кучларга қарши кураш олиб боришмоқда, демократик революцион жараёнларга тўсқинлик қилишмоқда.

Ғарбий идеологик марказлар СССРдаги ислом масаласи юзасидан тарқатаётган бутун ёлғон-яшиқ ахборот ва уйдирмалар амалда қуйидаги негизга асосланади: модомики, социалистик жамиятда илмий-материалистик дунёқараш ҳукмрон бўлиб, атеистик пропаганда олиб борилар экан, унда шу ҳолнинг ўзи гўёки дин ва умуман диндорлар, жумладан, мусулмонларнинг сиқувга олинганлигини кўрсатар эмиш.

Бироқ ҳаётнинг ўзи, аввало, ислом қадимдан анъанавий бўлиб келган регионларда — Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, Закавказье, Шимолий Кавказ, Волга бўйларида яшайдиган халқларнинг мисли кўрилмаган даражада социал-иқтисодий ривожланганлиги, фан ва маданиятининг равнақ топганлиги бундай фикрларнинг асоссизлигини ва пучлигини бутунлай фош қилади. СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган виждон эркинлиги энг тўла эркинликни ва диний проблеманинг энг демократик ечимини ўзида мужассамлаштириш билан ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга ишонмаслик, диний ибодатларни бажариш ёки атеистик пропаганда юргизиш ҳуқуқини беради.

Империализм идеологлари, антикоммунистлар ва антисоветчилар, шу жумладан реакцион руҳонийлар социалистик давлатдаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини, жумладан атеистик пропаганда эркинлигини бузиб кўрсатиб, коммунистларни динга нисбатан душман муносабатда бўлишда айблашади. Бунда улар марксча-ленинча дунёқарашнинг илмий-материалистик, атеистик характери билан коммунистларнинг диндорларга муносабати — бу айни бир масаланинг ҳар хил икки жиҳати эканлигини эсдан чиқаришади: биринчидан, партия аъзоси омма орасида атеизмни фаол тарғиб қиладиган киши бўлиши лозим; иккинчидан, у коммунизм иши, халқ бахт-саодати, халқнинг ўтмишнинг зарарли саркитларидан халос бўлиши, яъни маънавий эркинликка эришиши учун курашиши лозим. Атеистик иш — бу диндорга қарши кураш эмас, балки инсон учун курашдир. Шу маънода атеизм инсонпарвардир.

Шундай қилиб, бирор дин давлат дини деб эълон қилинган, шу асосда унинг манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинадиган, расмий жиҳатдан ҳамма диндорларнинг тенглиги эълон қилинган, лекин динга ишонмайдиган кишиларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилган мамлакатлардан фарқли равишда фақат ўз моҳиятига кўра умумхалқ ва характерига кўра дунёвий ҳокимият бўлган Совет ҳокимиятигина ўз гражданларининг динга ва атеизмга муносабатидан қатъи назар улар учун ҳақиқий виждон эркинлиги принципларини гарантиялади ва изчиллик билан амалга ошириб келди, диний масалани ҳал этишда чинакам демократияни таъминлади.

V

Ашаддий антисоветчилар эндиликда бизнинг жамиятимизда исломнинг ва миллий-шовинистик тенденцияларнинг «уйғониши»га умид боғлашмоқда, «ислом

омили»дан СССРдаги ислом қадимдан анъанавий бўлиб келган республикаларда яшайдиган халқларда диний ва миллатчилик кайфиятларини жонлантириш учун фойдаланишга уринмоқдалар.

КПСС МК июнь (1983 йил) Пленумида ва Марказий Комитетнинг шундан кейин қабул қилган қатор қарорларида империализм ва клерикалларнинг ҳийла-найрангларига қарши кураш, қарши пропагандани кучайтириш соҳасидаги актуал вазифалар таърифлаб берилди. КПСС XXVII съездида шундай таъкидланди: «Буржуа пропагандасининг таъсирини ортиқча баҳолаш учун асос йўқ, албатта. Совет кишилари турли хилдаги авлиё-анбиёлар ва башоратларнинг ҳақиқий башарасини етарли даражада яхши биладилар, ҳукмрон монополистик кучларнинг кўпорувчилик ҳаракатларининг фарқига яхши борадилар. Аммо, «психологик уруш» — одамларнинг ақли, дунёқараши учун, уларнинг ҳаётий, социал ва маънавий мақсад-йўналишлари учун олиб борилаётган кураш эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ».

Ислом қадимдан анъанавий бўлиб келган совет республикалари халқлари Совет ҳокимияти йилларида социал-иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, диннинг кишилар онги ва турмушига таъсирини бартараф қилишда катта муваффақиятларга эришдилар. Жамиятимизда исломнинг сиёсий куч сифатидаги таъсирига, шунингдек Октябрдан кейинги давр ва социализм қурилишининг дастлабки йиллари учун хос бўлган руҳонийлар ва диндор мусулмонлар бир қисмининг антисоветчилик ва антисоциалистик чиқишларига аллақачон барҳам берилган. Шу билан бирга диннинг кишилар психологиясида ва турмушида ҳали ҳам сақланиб келаётган, уларнинг айримларида илмий-материалистик қарашларни ва фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга, социалистик турмуш тарзини янада такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган чуқур илдизларига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Бизнинг жамиятимизда ўтмиш идеалларининг ифодаловчилари бўлмиш айрим қолоқ ва фанатик кимсаларнинг мавжудлигини, чет эл антисовет ва клерикал пропагандасининг шу кимсаларга таъсир қилиши мумкинлиги ва баъзан таъсир қилаётганлигини ҳам унутмаслик лозим.

Ана шу шароитда партия идеологик муассасаларни бутун илмий-атеистик тарбия системасини қайта қуришга, диндорлар билан ишлашни кучайтириш, уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга, социалистик турмуш тарзини такомиллаштиришга, янги совет маросимлари ва анъаналарини турмушга жорий қилишга; империализм ва унинг таъсирида ҳаракат қиладиган реакцион ислом доиралари социалистик жамият, совет кишиларининг ҳаёти тўғрисида тарқатаётган ёлғон-яшиқлар ва бўҳтонларни фош қилишга доир қарши пропаганда ишининг таъсирчанлигини оширишга йўналтирмоқда.

Ана шу асосда вақтли матбуотда атеистик тарбиянинг комплекс проблемаларини, диний маросимлар тўғрисидаги қонунларни, совет халқи эришган муваффақиятларни; Осиё ва Африкадаги мусулмон мамлакатлари халқлари ҳаёти ва курашининг оғир шароитларини, тараққиёт машаққатларини мунтазам ва малакали ёритиш ниҳоятда муҳим. Шуни айтиш керакки, ҳозирча оммавий ахборот редакциялари ва пропагандада кўпинча дин масалаларини ёритишда ортиқча эҳтиёткорлик қилинади, бу ишни олиб боришда компетентлилик етишмайди. Шуни эсда тутиш зарурки, Шарқнинг кўпгина давлатларида Совет Иттифоқи тўғрисида, ислом қадимдан анъанавий бўлиб келган регионлар халқлари ҳақида мутлақо ақлга сиғмайдиган тасаввурлар мавжуд.

Сўнгги йиллардаги партиявий ҳужжатларда илгари сурилган атеистик ишга ва қарши пропагандага қўйилаётган янги талаблар шундан маълум бўлади. Улар умуман идеологик фаолиятда, жумладан атеистик ва қарши пропагандада мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф қилиш, коммунистик тарбияни ҳозирги вазифалар даражасига кўтариш юзасидан системали тарзда, ҳар доим, изчиллик билан олиб бориладиган ишларнинг таркибий қисмидир.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Ульянов районидаги «Қашқадарё» совхозидан меҳнат ветерани Х. Ғаффоров редакциямизга шундай хат ёзибди: «Бизга матбуот хабарларидан маълум бўлишича, АҚШда ҳар йили минглаб фермерлар хонавайрон бўлмоқда, ортиқча ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигини издан чиқармоқда, миллион-миллион одам эса очин-тўкин яшаш ва очарчиликдан азоб чекишаётган экан. Бу тўғрида батафсилроқ билишни истардик».

АҚШ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲВОЛ

КПСС ПРОГРАММАСИДА «улкан даражада ўсган ишлаб чиқарувчи кучлар билан капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги ихтилоф тобора кескинлашиб бормоқда» дейилган. Бу қишлоқ хўжалигига ҳам батамом тегишлидир.

Капиталистик ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви жараёни ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунлари таъсирида шунга олиб келдики, урушдан кейинги йиллар мобайнида АҚШ қишлоқ хўжалигидаги иш кучи сони анча қисқарди ва айни бир пайтда фермалар ҳажми ошиб кетди. Чунончи, 1950—1985 йиллар ичида ана шу мамлакат экономикасининг аграр секторида банд бўлган кишилар салмоғи 15,3 процентдан 2,2 процентга камайди, ферманинг ўртача кўлами эса фақат 1975—1985 йиллар мобайнида 420 акр (170 гектар) дан 445 акр (178 гектар)га етди.

1973—1974 йиллардаги капиталистик дунёдаги кризис кескинлашуви ва озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллигидан кейин АҚШда рўй берган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юксалиши ва унинг маҳсулотларини экспорт қилишнинг кўпайганлиги 80-йиллар бошида талабнинг камайишига дуч келди. Бу америкалик фермерлар учун нохуш бўлган қатор омиллар, жумладан, дунёдаги озиқ-овқат маҳсулотлари соҳасидаги вазиятнинг ўзгарганлиги, энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юзасидан жаҳон бозоридаги рақобатнинг кескинлашганлиги ва бошқалар билан боғлиқдир. АҚШ ҳукумати олдида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмининг бундан кейинги ўсишини тўхтатиб туриш зарурати вужудга келди.

1985 йилда мамлакатнинг барча қонун чиқарувчи инстанциялари, фермерлик ташкилотлари ва агробизнес вакиллари янги қишлоқ хўжалик қонуни ҳақидаги мунозара билан банд бўлишди, қонун 23 декабрда президент томонидан имзоланди. Янги қонун мамлакатнинг 1990 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган аграр сиёсатини белгилаб берди.

Ортиқча ишлаб чиқариш ва аграр кризис муносабати билан давлат чиқимларининг ўсиши аграр секторни ривожлантиришнинг бошқа йўлларини излаб топишни тақозо этди. АҚШ федерал бюджетидан қишлоқ хўжалик программаларини пул билан таъминлаш учун ажратилган чиқимлар 1981 йилда 4 миллиард доллар бўлган бўлса, 1984 йилда 15,7 миллиард долларга етди. Фақат фермерларга тўғридан-тўғри берилган тўловлар 1981—1984 йилларда 1,9 миллиард доллардан 8,4 миллиард долларга ошди. Ишлаб чиқариш харажатларини ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархини камайтириш, бу нархларни имкони борича жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш, айрим қишлоқ хўжалик товарларининг ортиқчалиги проблемасини ҳал этиш, қишлоқ аҳолиси ўртасида социал кескинликнинг кучайишига йўл қўймаслик зарур бўлиб қолди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари давлат запасларининг ошиб кетганлиги АҚШдаги ортиқча ишлаб чиқариш микёслари тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилади. Чунончи, 1981 йилнинг 1 сентябридан 1985 йилнинг 1 сентябригача буғдой запаслари 5,5 миллион тоннадан 14,4 миллион тоннага, маккажўхори — 6,6 миллион тоннадан 13,9 миллион тоннага, соя дони — нолдан 3,4 миллион тоннага, қанд — 16 минг тоннадан 193 минг тоннага, сут порошоги — 266 минг тоннадан 406 минг тоннага, пишлоқ запаслари — 171 минг тоннадан 286 минг тоннага етди. Бу мавжуд ортиқча маҳсулотларнинг атиги кичик бир қисмидир.

Бироқ ортиқча ишлаб чиқариш нисбий характерга эга, чунки капиталистик мамлакатларнинг ўзларида даромадларининг пастлиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондира олмайдиган миллион-миллион кишилар бор. Жумладан, АҚШнинг ўзида, Гарвард университети маълумотларига қараганда 20 миллионга яқин киши ўқтин-ўқтин тўйиб овқат емайди. Бошқа томондан олганда, ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига катта муҳтожлик мав-

жуд бўлиб, аҳолида тўлов маблағларининг етишмаслиги сабабли бу муҳтожликни батамом қондириш мумкин эмас. Бу мамлакатларда 450 миллион киши доимий равишда тўйиб овқат емасликдан азоб чекади ва ҳар йили 15 миллион одам бевосита ёки билвосита очлик таъсирида ўлмоқда.

Ортиқча ишлаб чиқаришга қарши кураш АҚШ маъмуриятининг аграр соҳадаги асосий ташвишларидан бири бўлиб қолди. Масалан, 1984 йил январидан бери бу мамлакатда сут етиштириш соҳасида чеклашлар мавжуд. Бундай чеклашларга қарамасдан сут етиштириш 1985 йилда 64,7 миллион тоннага етди, 1986 йилда эса у яна 0,7 процент кўпайди.

АҚШда ғалла ишлаб етиштиришни чеклаш программалари баъзи бир истиснолардан ташқари қарийб бутун урушдан кейинги давр мобайнида қўлланилиб келади. 1984 ва 1985 йилларда ғалла экинларидан, айниқса, маккажўхоридан яхши ҳосил олинганлиги 1985 йилда улардан жами 335 миллион тонна ҳосил кўтарилишига имконият яратди. Сотилмай қолган ўн миллионлаб тонна буғдой ва маккажўхорини сақлашга қилинган харажатлар федерал бюджет зиммасига оғир юк бўлиб тушди.

1986 йил мартидан бери экин майдонларини консервациялаш программаси амал қилмоқда, унга мувофиқ фермерлар муайян ҳақ эвазига бу майдонларга қишлоқ хўжалик экинларининг ўрнига ўт экиш ва 10 йил мобайнида шу ерда ўтлоқлар ҳосил қилиш ёки шамолдан муҳофаза этувчи зоналарни сақлаш учун мажбурият олишади. 1986—1990 йиллар давомида 45 миллион акр майдондаги ерга «дам бериш» мўлжалланмоқда. Гарчи расмий равишда бу ерларни консервациялаш АҚШдаги экин майдонларининг учдан бир қисмидан кўпроғига зарар етказаётган эрозияга қарши курашнинг зарурлиги билан асосланса-да, бундай чоранинг ҳақиқий сабаби аслида, жумладан, қишлоқ хўжалик товарларини реализация қилишнинг қийинлиги билан боғлиқдир. Шуни эслатиш кифояки, жаҳон ғалла бозорида АҚШ ҳиссаси 1981—1985 йиллар мобайнида 49 процентдан 36 процентга тушиб кетди, қатор деҳқончилик маҳсулотларини экспорт қилишнинг уларни импорт қилишдан ортиқлиги даражаси эса 1980 йилдаги 7,1 миллиард доллардан 1986 йилда 5,4 миллиард долларга камайди.

Бунда Қўшма Штатларнинг аграр бизнес соҳасидаги рақобатчилари катта роль ўйнади. Масалан, АҚШдан қишлоқ хўжалик товарларини олиб чиқиб кетишдаги Умумий бозор ҳиссаси 1980 йилда 22 процент бўлган бўлса, 1984 йилда бор-йўғи 16 процентдан иборат бўлди. Шундай қилиб, Европа Иқтисодий Ҳамжамияти Америкадан озиқ-овқат маҳсулотларини энг кўп импорт қилувчилик ролини бажармай қўйди, эндиликда бу ролни Япония бажармоқда. Айни бир пайтда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти мамлакатларидан АҚШга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини импорт қилиш 1980 йилдаги 12 процентдан 1984 йилда 16 процентга етди. Бу АҚШ ҳукуматини Умумий бозор адресига дўқ-пўписа билан мурожаат қилишга мажбур этди. Фақат катта қийинчилик билан муайян муросага келинишига ва савдо уруши келиб чиқишининг олдини олишга муваффақ бўлинди.

Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши ва даромадларнинг кескин камайиши юз минглаб фермерларни ғоят қийин аҳволга солиб қўйди. АҚШ экономистлари ва сиёсатчилари бу аҳвол ҳақида мамлакат қишлоқ хўжалигида «30-йиллардаги буюк турғунлик» давридан буён рўй берган энг оғир кризис деб гапира бошладилар. Америкалик фермерлар қарзининг юқорилиги вазиятни янада чигаллаштиради, бу қарз 1970 йилдаги 50 миллиард доллардан 1985 йилда 210 миллиард долларга етди. Ана шу 1985 йили улар фермерларга қарз бериш бошқармасига 2,69 миллиард доллар қарзларини тўлай олишмади, бунинг учун фермерларнинг 928 миллион долларлик мулки мусодара қилинди.

Ер нархининг пасайганлиги фермерларнинг оғир молиявий аҳволининг сабабларидан биридир: 1981 йилда бир акр ер ўртача 819 доллар турса, 1986 йилда эса — 596 долларга тушди. 1975—1980 йилларда фермерлик хўжаликлари сони 98 минг нафарга камайди, 1980 йилдан кейин эса яна 148 минг хўжалик барҳам топди ва АҚШ деҳқончилик министрлигининг маълумотларига қараганда 1985 йилнинг 1 июнида мамлакатда 2,28 миллион ферма мавжуд эди. Бу 80-йилларда капиталистик ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви жараёнининг АҚШда анча жадаллашганини билдиради, бундай жараён натижасида заифроқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари тобора кўпроқ сиқиб чиқарилаверади. Бироқ 1986 йилги натижалар барча рекордлардан ўзиб кетди. Агар фермалар сони 1983 йилда 1,3 процент, 1984 йилда — 1,8, 1985 йилда — 2,3 процент камайган бўлса, 1986 йилда улар сони 2,7 процент камайди. АҚШ мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, 1990 йилгача яна 240—280 минг ферма қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан сиқиб чиқарилади.

Бинобарин, ортиқча ишлаб чиқаришга қарши курашга доир давлат-монополистик чора-тадбирлари бундай ҳолатни келтириб чиқарадиган теран сабабларга дахл қилмайди. Қолаверса, бу йўсиндаги тартибга солиш аввало йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг позицияларини кучайтиради ва шу тарзда меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятни янада чуқурлаштиради.

А. САУСАНАВИЧУС,
С. НАСРИТДИНОВА,
иқтисод фанлари кандидатлари.

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ТАРИХИ

Миллий зулмнинг тугатилиши ва мамлакатимиз халқлари ҳар бирининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи билан реал равишда таъминланиши, ягона иттифоқ давлати доирасида тенглик, эркинлик ва ихтиёрий қардошларча ҳамкорлик асосида ривожланиш учун уларга моддий, социал ва сиёсий шарт-шароит яратиб берилиши Улуғ Октябрь социалистик революцияси билан чамбарчас боғлиқдир. Кейинги 70 йил ичида юз берган ўзгаришлар социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан илгари қолоқ бўлган халқлар, шу жумладан қорақалпоқ халқи мисолида айниқса ёрқин кўзга ташланади.

Шу нуқтаи назардан олганда республика олимлари катта группаси томонидан ёзилган «Қорақалпоғистон АССР тарихи»нинг* нашр этилишини табриклаш лозим. Уни яратиш учун зарурият аллақачон етилган эди. Бу аввало кенг китобхонлар оммасининг ўз қадрдон ўлкасига қизиқиши анчагина ошганлиги билан изоҳланади. Бошқа жиҳатдан олганда эса, Қорақалпоғистон АССРнинг икки томлик тарихи нашр этилганидан бери мамлакат ва автоном республика ҳаётида муҳим воқеаларга тўлиқ салкам ўн беш йиллик вақт ўтди. Ана шу муддат ичида фан ҳам ўлка тарихини объектив ёритишга ёрдам берувчи янги маълумотлар билан бойиди.

Қорақалпоқларнинг аждодлари, деб ҳаққоний равишда таъкидланади китобда, Ўрта Осиёдаги энг қадимий халқлардан биридир. Оролбўйидаги манзилгоҳларнинг излари бу ерларда тош асри қандай бўлганлиги ҳақида етарлича тўлиқ тасаввур беради. Лекин ушбу даврни таърифлаганда, бизнингча, аввал Оролбўйи территориясида яшаган ибтидоий одамлар турмуши шарт-шароитига палеографик характеристика бериш, шундан кейингина уларнинг манзилгоҳлари тўғрисида ҳикоя қилиш керак эди. Нима учун табиий географик шароит кишиларнинг шель-ашель даврида тоғли ва чўл районларида яшашига қулайлик туғдирганини изоҳлаш учун аввало ана шундай характеристика зарур эди.

Неолит ва бронза даврлари ҳақидаги бўлимда Оролбўйида эрамиздан олдинги V—III минг йилликларда яшаган овчилар ва балиқ овловчиларнинг ҳаёти, бронза даврида илк ишлаб чиқарувчи хўжалик тармоқларининг пайдо бўлиши тўғрисида ҳикоя қилинади. Афсуски, авторлар археологик маданиятлар ўрин алмашинишидек тарихий жараённи наридан-бери ва нотекис ёритадилар, уларнинг берган баҳолари доимо етарлича равшан эмас. Масалан, Тозабоғёп маданияти хусусидаги мулоҳазаларда аниқлик йўқ. Оддий китобхонга ушбу маданиятга мансуб қабилалар Жанубий Оролбўйида қандай қилиб пайдо бўлиб қолганлиги ва у билан Калтаминор маданияти ўртасида қандай давомийлик борлиги тушунарсиздир.

Қулдорлик даврига бағишланган бобда ёзма далиллар ва археологик материал асосида Хоразм давлатининг ташкил топиши, унинг қўшни халқлар билан муносабатлари кўрсатиб берилган. Бу ўринда, бизнингча, ушбу давлатнинг бошқа мамлакатларга кўрсатган таъсири бир қадар ошириб тасвирланган. Зеро, бу масалада бошқача нуқтаи назар ҳам мавжуд бўлиб уни авторлар эсга олмайдилар. Шунингдек, эрамиздан аввалги IV аср — эрамизнинг I асри Хоразмда Қангюй даври деб аталганлиги ҳам баҳсли нарсадир (25-бетга қаралсин). Хоразмликларнинг Оқчункўл манзилгоҳи хато равишда ярим кўчманчи чорвадор қабилалар манзилгоҳига мансуб деб кўрсатилган (31-бетга қаралсин), аслида бу ердаги археологик қазилмалар вақтида топилган идиш-товоқларнинг 90 процентдан ошиғи II—IV асрларга оид айни деҳқонлар ишлатадиган керамикадан иборатки, бу маҳаллий аҳоли машғулотининг тури қандай бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бизнинг-

* История Каракалпакской АССР (с древнейших времен до наших дней). Ташкент, «Фан», 1986, 365 с.

ча, IV асрда Орол ва Каспий денгизлари оралиғидаги чўлда алан қабилалари яшаганлиги ҳақидаги фикр ҳам шубҳалидир. Ушбу фикр тарих фани томонидан тасдиқланмаган.

Амударё этаклари ва унга қўшни вилоятлар халқлари этник, социал-иқтисодий ва сиёсий тарихининг илк ўрта асрлардан XVII асргача бўлган асосий босқичларини ёритар экан, авторлар анчагина мураккаб илмий материални оммабоп формада кенг китобхонлар доирасига етказганлар. Шунга қарамай манбалар базаси заифлиги ўз таъсирини кўрсатган, натижада тадқиқотчилар билдирган кўпгина фаразлар мукаммал асосланмайди.

Қорақалпоқларнинг XVII асрдан XIX аср бошларигача Хива хонлиги составида кечирган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи боблар алоҳида эътиборга молик. Бунда кенг кўламли архив материаллари асосида қорақалпоқлар хўжалиги ва ижтимоий муносабатлари, уларнинг уруғ бийлари қўл остидаги аҳволи, овулдаги мулкий ва синфий табақаланиш, бўйсунмаган уруғ ва қабилаларнинг қувғин қилиниши ва бошқа муҳим проблемалар тадқиқ қилинади. Халқ оммасининг хон истибдодидан, маҳаллий феодаллар зулмидан норозилиги аста-секин ошиб борди. Бу эса Хива хонлиги зўравонлиги ва миллий зулмга қарши 1855—1856 ва 1858—1859 йилларда кўтарилган стихияли қўзғолонларга олиб келди. Уларнинг асосий мақсади Россия ёрдамида қорақалпоқларнинг хонлар зулмидан озод бўлиши ва Россияга фуқаро бўлишга интилиш эди. Лекин феодал йўлбошчиларнинг хоинона тактикаси қўзғолончиларнинг мағлубиятига сабаб бўлди.

1873 йил 12 августда қорақалпоқларнинг асрий орзуларини мужассамлантирган тарихий воқеа юз берди: Россия билан Хива ўртасидаги шартномага мувофиқ қорақалпоқларнинг асосий қисми яшаган Амударё ўнг соҳилидаги ерларнинг бир қисми алоҳида маъмурий бирлик — Амударё бўлими қилиб ажратилди.

Бу қўшилишда чор ҳукумати аввало ўз мақсадларини кўзлаганига қарамай, ушбу тарихий воқеа Хоразм воҳасида яшовчи халқлар учун, шу жумладан қорақалпоқлар тақдири учун жуда катта аҳамиятга молик бўлди. Ҳар қандай шаклдаги эзилишдан халос бўлиш учун курашда маҳаллий меҳнаткаш омма рус ишчилар синфи ва унинг авангарди — большевиклар партияси қиёфасида қудратли иттифоқчига эга бўлганлиги ҳам қўшилишнинг асосий прогрессив натижаси бўлди. Тинимсиз бўлиб турган ўзаро урушлар ҳам тугатилди: ўнг соҳилдаги қорақалпоқлар чегарасини Россия отрядлари туркман феодалларининг босқинларидан ишончли ҳимоя қилар эди. Халқнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Китоб авторлари ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида «Қорақалпоғистоннинг Россияга қўшилиши» ва «Қорақалпоғистон Россия составида» бобларида (106—129-бетларга қаралсин) бой фактик материалга таянган ҳолда ҳикоя қиладилар.

Қорақалпоқларнинг аксарияти азалдан ярим кўчманчи ҳаёт кечирарди. Шу билан бир вақтда аҳолининг сув манбалари яқинида яшовчи бир қисми деҳқончилик билан шуғулланган. Уй-жой турлари, қўрғонча ҳовлилар, мачитлар, миллий кийим ва ҳоказолар ана шундан далолат беради, қорақалпоқларнинг XIX асрдаги ва XX аср бошларидаги турмуши ва маданиятига бағишланган бобда бу ҳақда батафсил сўз юритилган (129—141-бетларга қаралсин). Афсуски, халқнинг маданий ва маънавий ривожланиши даражаси, турмуш уклади ҳақида етарлича тўла тасаввур берадиган халқ анъаналари ва удумлари, байрамлари (айниқса йил фаслларига боғлиқлари) эътибордан четда қолган.

Россияда 1905—1907 йилларда бўлган биринчи революцияга бағишланган саҳифалар катта қизиқиш билан ўқилади. Китобда таъкидланганидек, «Қорақалпоғистоннинг Россия мустамлакасига айланиши ва ўлка экономикасига капиталистик муносабатлар кириб келиши билан боғлиқ ҳолда маҳаллий феодал ва бойларнинг, чоризм ва Россия эксплуататорларининг зулми кучайиб борди» (141-бет). Бу эса синфий зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келди. Меҳнаткашлар мустамлака ҳокимияти ва маҳаллий эксплуататорлар сиёсатидан норозиликларини хилма-хил формаларда ифодалай бошладилар. Ўлкага демократик ва революцион ғоялар кириб кела бошлади, маҳаллий аҳолининг рус ишчилари билан алоқаси кенгайди. Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг кураши Россия пролетариати билан деҳқонларининг чоризм ва капитализмга қарши умумий курашининг бир қисми бўлиб, у 1905—1907 йиллардаги революция даврида айниқса кучайди. Китоб авторлари революциянинг шарт-шароити, бошланиши ва энг юқори чўққисини кўрсатиб, негадир унинг чекиниши сабаблари ва у билан боғлиқ воқеалар ҳақида деярли сўз юритмайдилар.

Тақриз қилинаётган нашрда реакция ва янги юксалиш йиллари, 1916 йил қўзғолони сабаблари ва характери, шунингдек, 1917 йилдаги Февраль буржуа-демократик революцияси анча муфассал ёритилган. Китобда яхши ёритилган ўша йиллар воқеалари Туркистон ўлкаси составига кирган ҳозирги Қорақалпоғистон территориясида 1917 йили Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун объектив ва субъектив шарт-шароит мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Совет ҳокимиятининг 70 йили ичида Қорақалпоғистон бошқа шароитларда кўп асрлар мобайнида ҳам ўтаолмайдиган йўл-

ни босиб ўтди. Революциягача аҳолисининг асосий кўпчилиги ҳатто оддий ўтов харид қилишга, чоғроқ уй қуришга ҳам имкони бўлмаган, чайла, капа ва ертўлаларда яшаган ўлка эндиликда катта илмий-техника, маънавий потенциалга эга бўлган ривожланган аграр-индустриал ўлкага айланди. Китобнинг иккинчи қисмида ана шу тарихан қисқа, лекин сиёсий, социал-иқтисодий аҳамияти жуда катта бўлган йўл батафсил ёритилган.

Авторлар Февраль буржуа-демократик революцияси ғалабасидан сўнг большевикларнинг Советларда, касаба союзлари ва солдат комитетларида омма учун кураши, Туркистонда, жумладан Қорақалпоғистонда Октябрь арафасида революцион ҳаракат кучайиши, бу ерда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган кураш ҳақида мароқ билан ҳикоя қилганлар.

1917 йил 12 декабрда ишчилар ва шаҳарлик камбағаллар революцион солдат ва матросларнинг актив ёрдамида Петроалександровскда (ҳозирги Тўрткўл) Совет ҳокимиятини ўрнатдилар. Бу меҳнаткашларнинг Совет ҳокимияти учун ҳамма жойдаги қатъий, баъзи жойларда эса шиддатли курашининг бошланиши эдики, 1918 йил бошларига келиб Ўнг соҳил Қорақалпоғистоннинг бутун территориясида бу кураш ғалаба қозонди. Китобда ҳақли равишда таъкидланганидек, «Ленин партияси раҳбарлик қилган Россия пролетариати эски тузумни тугатишда асосий, ҳал қилувчи ролни ўйнаганлиги» (186-бет) сабабли бу ғалабага эришиш мумкин бўлди.

Ўша йиллар воқеаларини баён қила бориб авторлар меҳнаткашлар оммаси курашининг муваффақиятини таъминлаган муҳим субъектив омиллардан бирини — ўлка революцион ҳаракати тарихида пропаганда ва агитация, айниқса большевистик матбуот ўйнаган ролни эътибордан четда қолдирганлар. Қорақалпоқ овулидаги синфий кураш, ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини қарор топтириш ҳамда мустаҳкамлашнинг маҳаллий шарт-шароитдаги ўзига хос формалари ҳам бўш ёритилган. Қорақалпоғистоннинг ўнг соҳил районларида гражданлар уруши давридаги синфий кураш умумий тарзда баён қилинган.

Халқ хўжалигининг тикланиши ва Қорақалпоғистон автоном областининг ташкил топиши китобда партиянинг миллий масалани ҳал қилиш борасидаги ленинча сиёсати асосида саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги бунёдкорликнинг асосий босқичлари, қонуниятлари ва ўзига хослиги нуқтаи назаридан характерланади. Лекин бу ўринда нэпга ўтишдаги ўзига хосликларга, Совет ҳокимияти аграр сиёсатини ўтказишда «Қўшчи» союзининг фаолиятига, автоном республикани ташкил этишда маҳаллий Советлар ўйнаган ролга кам эътибор берилган.

Китобда ўлкани индустрияллаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, рус халқи ва мамлакатимиз бошқа халқларининг социалистик қурилишнинг барча соҳаларида маҳаллий аҳолига берган жуда катта ёрдами туфайли Қорақалпоғистонда юз берган улкан юксалиш кўрсатилган.

Автоном республика меҳнаткашларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати, Ватанга ва партияга садоқати махсус бобда акс эттирилган. Область партия ташкилоти раҳбарлигида Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ўз ишларини «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» шиорига бўйсундирдилар, меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги-янги резервларини излаб топдилар. Фронтга кетган эркаклар ўрнида хотин-қизлар станокларни, денгиз ва дарё кемалари штурвалларини бошқардилар, далада меҳнат қилдилар. Автоном республика мамлакатнинг душман вақтинча босиб олган районларидан кўчирилган кўп миқдордаги кишиларни бағрига олди ва уларга катта ғамхўрлик кўрсатди.

Қорақалпоғистонлик ўн минглаб жангчилар фронтларда жанг қилдилар. Кўрсатган қаҳрамонлиги, мардлиги ва жасорати учун 18 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, 15 мингдан ошиқ жангчи ва офицер жанговар орден ҳамда медаллар билан тақдирланди.

Умуман олганда совет халқининг, шу жумладан қорақалпоқ халқининг ҳам Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасоратига бағишланган ушбу боб колхозчи деҳқонларнинг Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида бор-йўғи бир неча жумлада ҳикоя қилинганлиги оқибатида бир қадар қисқа, кемтик бўлиб қолган. Зотан, мамлакатнинг асосий ғаллазорларини вақтинча душман босиб олган шароитда СССРнинг шарқий районлари, улар орасида Қорақалпоғистон ҳам фронтни озиқ-овқат билан таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Урушдан кейинги қирқ йил ичида автоном республика қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари урушдан кейинги беш йилликлар планини бажариш учун зўр шижоат билан меҳнат қилдилар ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида каттагина муваффақиятга эришдилар. Лекин субъектив сабаблар оқибатида 70 ва 80-йиллар чегарасида Қорақалпоғистонда социал-иқтисодий ривожланиш суръатларининг сезиларли пасайиши юз берди. Афсуски, ушбу даврга бағишланган бобда жамият тараққиётини тормозлаган салбий кўринишларнинг сабаблари ҳар томонлама танқидий анализ қилинмаган. Қолаверса, воқеаларни баён қилишда ҳали ҳам яқин ўтмишдагидек меҳнат зафарлари хусусидаги тум-тароқли, асоссиз рапортлар руҳи

сезилади. Тарих сабоқлари келажак учун сабоқлардир. Демак, иш учун энг кўп фойда келтирадиган тарзда сабоқ чиқариш лозим.

Китоб авторлари республика халқ хўжалигининг, айниқса унинг аграр секторининг Амударёнинг ўз қуйилиш ерига етиб келолмаслигига ва Орол денгизининг қуриб боришига, анчагина ерларнинг ишдан чиқишига, боғ-роғлар ва узумзорлар нобуд бўлишига олиб келган халқ хўжалигини экстенсив усулда юритиши оқибатларига муфассал тўхташлари керак эди. Ушбу темани автоном республика олимларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, Амударё этакларини социал-иқтисодий ривожлантиришга доир катта ишини кўрсатган ҳолда Қорақалпоғистон АССР маданиятининг Совет ҳокимияти йилларидаги тараққиётига бағишланган бўлимда ҳам ривожлантириш мумкин эди.

Китобда саводсизликни тугатиш, маҳаллий кадрларни тайёрлаш, фан, адабиёт ва санъат тараққиёти масалалари дуруст тадқиқ қилинади, маданий қурилишнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади. Лекин бундай хусусиятларни совет жамияти тарихининг босқичлари бўйлаб кўрсатиш яхшироқ бўлар эди.

Китобда статистика маълумотлари, рақамлар, бошқа китоблардан олинган баёнлар бир қадар кўпайиб кетган. Хронология жадвалининг йўқлигини ҳам камчилик дейиш мумкин. Шунга қарамай, қорақалпоқ халқининг бутун тарихини қамраб олувчи ана шу мукаммал нашр студентлар учун, идеология активи учун фойдали қўлланма бўла олади.

М. МАМБЕТУЛЛАЕВ, Қ. УТЕПОВ,
тарих фанлари кандидатлари.

КИШИЛАР ОНГИНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ

ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЕТИНИНГ ҳамма томонларини қайта қуриш шароитида КПСС диний хурофотларга барҳам бериш, совет кишиларида илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш мақсадида хилма-хил воситалардан фойдаланмоқда. Атеистик тарбия системасини такомиллаштириш ушбу вазифани ҳал этишнинг социал-иқтисодий асосларини, диннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги хусусиятларини жиддий равишда ўрганишни тақозо этади. Бунда социологик тадқиқотлар материалларидан фойдаланиш жуда муҳимдир. Шу жиҳатдан олганда тақриз қилинаётган китоб* ғоят актуалдир.

Т. Оқмуродов турмуш маданияти ошганлигининг, фан-техника тараққиётининг Ўзбекистон меҳнаткашларида илмий-материалистик дунёқараш шаклланишига кўрсатган таъсирини қараб чиқади, ислом дини анъанавий тарқалган регионларда Коммунистик партиянинг мамлакат халқлари ҳаётининг социал, иқтисодий ва маънавий хусусиятларини ҳисобга оладиган стратегия ва тактикасини анализ қилади, диққат-эътиборни Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида миллий масалани ҳал қилиш, туб миллат халқларига мансуб хотин-қизларни ижтимоий-фойдали меҳнатга ва ўқишга жалб этишнинг ўзига хос хусусиятларига қаратади.

Диний анъаналар билан одатларнинг кишилар онги ҳамда турмушида яшовчанлиги сабабларини тадқиқ қилиб, автор ҳаётимизда ана шундай сарқитлар мавжудлиги субъектив омиллардан ташқари, ижтимоий онгнинг ижтимоий ҳаётдан орқада қолиши, капиталистик системанинг идеологик таъсири каби ва бошқа объектив омиллар билан боғлиқ эканини жуда ҳаққоний равишда таъкидлайди. Субъектив характердаги сабабларга руҳонийлар томонидан диннинг актив тарзда пропаганда қилиниши, аҳоли ўртасида илмий-атеистик иш олиб боришдаги камчиликлар киради. Буларнинг ҳаммаси диний хурофотлар ўзининг фақат ўтмишдан қолган мазмуни туфайлигина мавжуд бўлиб қолгани йўқ, деган тўғри хулосага олиб келади. Уларнинг яшовчан бўлишига социалистик жамият шароитида амал қилувчи баъзи бир объектив сабаблар имкон бермоқда.

Автор социологик маълумотларга асосланиб аҳолининг бир қисмини динга, хусусан ислом дини удумлари ва маросимларига муносабатига қараб қуйидаги группаларга бўлади: астойдил ишонувчилар, иккиланувчилар, мослашувчилар, бефарқ қаровчилар. Астойдил ишонувчиларга худога ишончи улар учун эътиқод бўлиб қолган кишилар киритилган. Китоб авторининг фикрича, улар диний қарашларни тарғиб қилишда анчагина актив бўлиб, қариндош-уруғлари ва яқинлари, айниқса болалар томонидан диний удумларга риоя қилинишига қатъият билан аралашадилар. Иккиланувчиларнинг катта қисми, деб таъкидлайди автор, ижтимоий-фойдали меҳнат

---

* Т. Акмурадов. Формирование научно-материалистического мировоззрения трудящихся. Ташкент, «Узбекистан», 1986, 160 с.

билан шуғулланади, лекин маҳалла-кўй, кариндош-уруғлар, диний жамоатчилик фикри таъсирида ислом маросимлари ва удумларига амал қиладилар. Мослашувчанлик тенденциясидаги кишилар группасига худога ишонишини махфий тутувчи, диний маросимларга миллий урф-одат сифатида муносабатда бўлувчилар киритилган.

Китобнинг махсус боби синфлар ва социал группалар манфаатларининг ғоявий-сиёсий бирлигини, жамоатчилик фикри ва янги маросимларни жорий қилишни, совет кишиларида илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш жараёнида уларнинг социал активлигини анализ қилишга бағишланган.

Илмий-атеистик ишнинг энг муҳим таркибий қисмларини характерларкан, Т. Окмуродов унинг диндорларни меҳнат фаолиятига ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга актив жалб қилиш, бундай фаолиятни шахсга ғоявий таъсир кўрсатиш билан қўшиб олиб бориш сингари асосий жиҳатларига эътибор беради. У диннинг диндорлар ва иккиланувчилар онгига таъсир кўрсатиш даражаси уларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатда иштирок этишларига муайян даражада боғлиқдир, бундай меҳнат эса воқеликни илмий материалистик тушунишни тарбиялашдаги асосий формалардан биридир, деб тўғри хулоса чиқаради.

Маълумки, социализм қурилиши ва такомиллаштирилиши шароитида кишилар онгидаги диний сарқитларга қарши курашда, ҳаётга нисбатан илғор фикр ва қарашларни қарор топтиришда жамоатчилик фикри қудратли қурол бўлади. Ҳозирги вақтда кишиларнинг ишлайдиган жойларида, маҳаллаларида юзага келтирилаётган атеистик жамоатчилик фикри, деб ҳақли равишда таъкидлайди автор, динга, унинг маросим ва удумларига нисбатан салбий муносабатни ривожлантиришга кўмаклашиб, меҳнат коллективларининг нафақат меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашдаги, балки кишиларнинг белгиланган планларни бажаришга онгли муносабатини қарор топтиришдаги ролини ҳам оширадики, бу, пировард натижада, илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиради. Вақти келганда динга нисбатан тилёғламалик қиладиган, миллий урф-одатлар никобида диний расм-русмларни бажарадиган кишилар атрофида атеистик жамоатчилик фикрини юзага келтириш ва кучайтириш зарурати актуал вазифадир. Лекин ана шу жараёндаги жамоатчилик фикри ролини анализ қиларкан, автор партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида ва истиқоматгоҳларда, айниқса коммунистларнинг диний маросимларда иштирок этишига баҳо беришда принципсиз ёндашишни қатъиян қоралашга қаратилган ошкораликни ривожлантиришга, афсуски, кам эътибор берган. Китоб автори социал активлик аҳамиятини қараб чиқаркан, ушбу тушунчага таъриф бермаган, диндорларни активлаштириш хусусидаги диний даъватларга нотанқидий ёндашган, диндорларнинг социал активлигини ошириш уларни иккиланувчилар йўлига, кейинчалик эса атеизм позициясига олиб келишлиги фактини қайд этиш билан чекланган.

Қишлоқда турмуш маданиятининг ўсиши, аграр ишлаб чиқаришнинг техника билан жиҳозланиши яхшиланиши қишлоқ аҳолиси ўртасидаги диний сарқитларга барҳам беришда муҳим омиллар ҳисобланадики, тақриз қилинаётган китобда айни шу аҳоли тадқиқотнинг асосий объекти бўлган. Автор катта фактик материал асосида республикада саводсизлик қандай тугатилганини, умумий таълим мактаблари тармоғи, олий таълим қандай ривожланганини, партия-совет кадрлари қандай тайёрланганини кўрсатиб ўтади, Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари турмуши ва онгидаги ижобий ўзгаришларни очиб беради. Замонавий фан-техника тараққиёти кишиларни диний оғудан халос этишнинг қудратли воситаси бўлмоқда.

Антикоммунизм билан исломнинг алоқадорлигини очиб ташларкан, автор нафақат КПССнинг динга муносабат соҳасидаги сиёсати, балки виждон эркинлиги ҳақидаги маркса-ленинча таълимот, унинг совет жамиятида амалга оширилиши практикаси ҳам буржуазия идеологларининг ҳужум қилишлари учун объект бўлиб қолаётганини таъкидлайди. Лекин ушбу масалага бағишланган бўлим материали қараб чиқилаётган проблемага ҳар вақт ҳам мувофиқ келавермайди. Мисол учун, урушлар миқдори ва характери, жамғарилган ядровий қурол-яроғлар ҳақидаги ва ҳоказо маълумотлар баён қилинган 143-бетдаги каттагина абзацнинг тадқиқот темасига қандай дахли бор?

Авторнинг конкрет-социологик тадқиқотларига батафсилроқ тўхтаб ўтишга тўғри келади. Китобда бундай маълумотлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган. Муқаддимада 22 минг кишига анкета тарқатиб чиқилганлиги таъкидланади. Лекин автор китобхонни ўзининг кўламдор социологик тадқиқотидан кўзланган конкрет мақсад билан таништирмайди, масалага қандай ёндашганлиги хусусида хабардор қилмайди.

Маълумки, фаннинг ҳар қандай соҳасида методология ва методика изланишнинг мустаҳкам таг-замини ҳисобланади. Тақриз қилинаётган китобда эса аввало проблема методологиясининг ҳамма жиҳатларини ўз ичига оладиган социологик тадқиқот программаси йўқлиги кўзга ташланади. Табиийки, мана шу камчилик тадқиқ қилишнинг кейинги босқичларига, жумладан, ахборот тўплаш методикаси ва техникасини асослашга таъсир кўрсатган, натижада автор ихтиёридаги мавжуд социологик

материалнинг малакасиз таҳлил этилиши ва умумлаштирилишига олиб келган. Программа йўқлиги проблема спецификасига принципиал методологик ва методик характеристикалар беришдан қочишга ҳам сабаб бўлган. Масалан, автор уни социологик асослашдан доимо ўзини четга тортади, тадқиқот объекти ва предметини танлашдан кўзлаган мақсади ва сабабларини етарлича аниқ таърифламайди, бирламчи ахборот тўплашда фойдаланган методларига характеристика бермайди.

Китобда Бухоро районининг бешта колхозида 1036 кишига анкета тарқатилгани айтилган (61-бет). Шу муносабат билан бир талай саволлар пайдо бўлади. Битта райондан беш колхоз танлаб олинишига сабаб нима? Нима учун сўровга фақат колхозчилар жалб қилинган? Сўровга қамраб олинганларнинг социал-демографик структураси (жинси, ёши, касби, маълумоти, миллати, оилавий аҳволи, партиявийлиги, иш стажи ва ҳоказо) қандай? Автор ана шу ва бошқа шу сингари саволларга аниқ жавоб бермайди. Адолат юзасидан шуни айтиш лозимки, китобда сўралганларнинг социал-демографик маълумотлари келтирилган (66-, 69-, 97-, ва бошқа бетларда). Лекин улар доим ҳам тадқиқотчининг мақсадини очиб беришга хизмат қилмайди, чунки улардан фойдаланган ҳолда мукаммал жавоб олиш мумкин эмас. Мисол учун, 2-жадвални (97-бет) олсак, у авторнинг фактларга эътиборсиз қараганини кўрсатади. Масалан, автор иловада 11 касб намояндаларини олганини ёзади, аслида эса 10 касб келтирилган; ҳар бир касбдан 50 киши тадқиқ қилинганини ёзса, амалда ҳар бирида 48 дан 54 кишигача текширилган; жами 550 киши тадқиқ қилинган, жадвалдаги маълумотлар эса улар 502—503 кишидан ортиқ эмаслигини кўрсатади. Бундан ташқари, ишчиларнинг категориялари (диндорлар, иккиланувчилар, динга ишонмайдиганлар) қандайлиги ва улар идеология ишида қандай иштирок этаётганлиги бизга қоронғи бўлиб қолган. 3-жадвални (98-бет) тузишда ҳам ана шундай камчиликларга йўл қўйилган. Китобда бундай нуқсонлар оз эмас.

Ҳар қандай тадқиқотда автор хулоса тавсиялари унинг энг қимматли қисми ҳисобланади. Тақриз қилинаётган китобда улар умуман етарли эмас. Бунинг сабабларидан бири бизнингча шундаки, Т. Оқмуродов сўралганларнинг у ёки бу мавзудаги жавобларига ҳаддан ортиқча берилиб кетиб, жавобларни назарий жиҳатдан умумлаштириш ҳақида ўйламаган. Жумладан, бундай жавоблар йиллар бўйича ҳам (1974 йили 2 марта, 1977 йили — 1, 1978 йили — 50, 1979 йили — 10, 1980 йили 4 марта) кўплаб келтирилади. Биз ушбу рақамларга бежиз эътибор бераётганимиз йўқ. Гап шундаки, автор кўпинча уларни конкрет масалаларга доир ўз хулосаларининг умумлашмаси ёки исботи деб кўрсатади. Аслида эса, маълумотлардан кўринишича, уларда йиллар бўйича ҳеч бўлмаганда тахминий мутаносиблик ҳам йўқ эканлиги авторни хулосаларни асослаш учун жуда зарур бўлган қиёсий анализ қилиш имкониятидан маҳрум этган.

Китобда автор томонидан ўтказилган барча тадқиқотлар ҳақида қиёсий маълумотлар оз. Айни шу сабабли бўлса керак, у турли категориядаги кишиларнинг динга, диний мазмунга эга миллий анъана, урфодат ва маросимларга муносабати динамикаси қандай ўзгарганлигини кўрсата олмаган.

Ўзбекистонда социализм қурилишининг тарихий-фалсафий адабиётда кенг ёритилган умумий масалалари китобда батафсил қараб чиқилганини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бундан ташқари, асарнинг баъзи жойларида цитата ва рақамлар шу қадар мўлки, гоҳо авторнинг у ёки бу масалага доир мулоҳазаларини тушуниш мушкул, бўлимлар ўртасидаги мантиқий боғланишга доим ҳам амал қилинавермайди. Бизнингча, ўрганилаётган даврни конкрет ҳолда кўрсатиб, китобни «Социализм қурилиши ва такомиллаштирилиши даврида Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларида илмий-материалистик дунёқараш шаклланиши тарихидан» ёки «Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларида илмий-материалистик дунёқараш шаклланиши» деб номлаш унинг мазмунини аниқроқ акс эттирган бўларди.

Республикадаги диний вазият уни принципиал анализ қилишни, диний сарқитлар алоҳида ўрин эгаллаган салбий ҳодисаларга барҳам бериш орқали ижтимоий ҳаётни қайта қуришнинг долзарб масалаларига жавоб топишни талаб этяпти. Меҳнаткашларнинг илмий-материалистик дунёқарашини шакллантириш проблемасини тадқиқ этишга доир ана шундай ишни амалга оширган автор диннинг, хусусан, ислом динининг назарияси ва тарихи бўйича мутахассислар тайёрлашнинг пухта ўйланган системасини яратиш, атеистик пропагандани тубдан яхшилашга доир тадбирларни асослаш, диний қарашларнинг аҳоли турмуш тарзига кириб келишига тўсқинлик қила оладиган янги, мазмунан социалистик, шаклан миллий социалистик анъана, урф-одат ва маросимларни жорий қилиш каби жиҳатларига ҳам эътибор бериши керак эди.

Катта қисми социологик масалаларга мансуб ушбу камчиликларга қарамай, китобхонлар ғайриилмий қарашларга барҳам беришнинг мураккаб жараёнларини тадқиқ қилувчи, конкрет материалга бой фойдали китобга эга бўлдилар.

У. ШОКИРОВ, Р. ШОКИРОВА, К. ИРИСБОЕВ,

философия фанлари кандидатлари.

ЯНГИ КИТОБЛАР ВА БРОШЮРАЛАР

Андреев А. А. **Октябрь йўлбошчиси.** «Ўзбекистон», 1987, 62 бет.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг таникли арбобларидан бири бўлмиш Андрей Андреевич Андреев В. И. Ленинни кўп маротаба кўриш ва унинг сўзларини тинглаш бахтига муяссар бўлган эди. Ушбу учрашувлардан олинган шахсий таассуротлар хотиралар авторига В. И. Лениннинг — Улуғ Октябрь социалистик революцияси доҳийси, Коминтерн ташкилотчиси ва раҳбарининг образини яратишга ёрдам берган. Владимир Ильич Ленин кишиларни ўз ғояларига эргаштира ва уларга инонтира олишдек ажойиб истеъдоди, самимий суҳбатдошлиги билан автор қалбидан умрбод ўрин олган эди.

Кржижановский Г. М. **Мутафаккир ва революционер.** «Ўзбекистон», 1987, 32 бет.

В. И. Лениннинг сафдоши ва дўсти, партия ва давлатнинг йирик арбобларидан бири Глеб Максимилианович Кржижановский Владимир Ильичнинг заковатли ақл, нафақат ижтимоий ривожланишдаги, балки техникадаги, конкрет фан соҳаларидаги ҳатто энг мураккаб масалаларни ҳам бир зумда англаб етиш қобилияти соҳиби эканлиги ҳақида, мамлакат халқ хўжалигини давлат кўламида планлаштириш негизида ривожлантиришнинг сарчашмаларида айни у турганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Октябрь берган саодат. «Меҳнат», 1987, 112 бет.

Ёзувчи ва журналистларнинг публицистик мақолалар, очерклар тўпламида Россиянинг собиқ чекка мустамлакаси бўлган Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида нималарга эришганлиги ҳақида, унинг бойликларини кимлар яратганлиги ва кўпайтираётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

* * *

Қишлоқ хўжалиги экономикасининг актуал масалалари. «Меҳнат», 1987, 264 бет.

Партия маорифи ва иқтисодий таълим системаси тингловчиларига ёрдам тариқасида ёзилган коллектив асар КПСС аграр сиёсатининг назарий асослари билан таништиради, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепциясининг моҳиятини очиб беради. Асосий эътибор ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини, ер-сув ва моддий-техника ресурслари самарадорлигини оширишга қаратилган. Республика колхоз ва совхозларида хўжалик механизмини такомиллаштириш, нормативлар асосида планлаштириш, рағбатлантириш, хўжалик ҳисобини ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда коллектив ва оилавий пудратни жорий этишнинг асосий масалалари батафсил кўриб чиқилган.

Редакция адреси: 700000. Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 10.03.1988 й. Босишга рухсат этилди 6.04.1988 й. Формати 70×108[1]/16.
Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,5.
Тиражи 27459. Нашр А-52. Заказ № 3134.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134—2193
Баҳоси 25 тийин Индекс 75399

1

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

5

МАЙ

1988

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 5
МАЙ
1988 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЕСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Коммунистлар! Партия ташкилотларининг жанговарлигини қатъият билан оширингиз! Шахсий намуна, халқ бахт-саодати йўлидаги астойдил ишингиз билан партиянинг обрў-эътиборини оширингиз! Қайта қуришнинг революцион принципларини қарор топтириш учун курашингиз!

КПСС МК 1988 йил 1 Май Чақириқларидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ — ХАЛҚНИНГ ҚЎЛИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 1988 йил 8 апрелда республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқи

Гапни сизлар билан учрашиб, меҳнаткашлар билан гарчи қисқа бўлса ҳам мулоқот ўтказиш имкониятидан мамнуният изҳор этишдан бошламоқчиман, ўртоқлар.

Ҳамиша, айниқса, мамлакатда чуқур ислоҳотлар ва ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги пайтда шундай қилиш зарур. Бинобарин, Марказий Комитет билан ҳукумат рўй бераётган жараёнлар тўғрисида аниқ ахборотга эга бўлишдан жуда манфаатдор эканликлари табиий. Таъбир жоиз бўлса, томир уришини сезиб турмоқ керак.

Бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари, республика ҳукуматининг, Олий Совети Президиумининг аъзолари, обкомларнинг биринчи секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари, министрлар, бошқа раҳбар ходимлар ҳозир бўлганлар. Умуман, республиканинг турмушидаги, бутун ишни ташкил этишдаги кўп нарса, келажак истиқболини ишлаб чиқишни ўз меҳнати билан ҳал этадиган кишилар бу ерда йиғилганлар, дейиш мумкин. Сизларнинг энг муҳим вазифангиз иш маромини, одамларнинг яхши кайфиятини, бутун республикадаги ишчанлик кайфиятини таъминлашдан, халқ олдида, меҳнаткашлар олдида бундан буёнги тараққиёт истиқболларини очиб беришдан иборат.

Афғонистон Республикасининг Президенти, АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Нажибулло билан учрашув масаласи ўртага қўйилганда, менда ва Сиёсий бюродаги ўртоқларда бу учрашувни Тошкентда ўтказса бўлмайдими, деган фикр туғилди. Мен нутқимни шундан бошламоқчиманки, Афғонистондаги аҳволни бартараф этиш жараёни ҳал қилувчи босқичга кирганлиги муносабати билан вазият шундай учрашувни талаб қилди. Айтиш керакки, Женевадаги ҳамма иш ниҳоясига етиб қолди, битимлар асосан тайёр бўлди, бироқ сўнгги босқичда битимларни барбод қилиш хавфини туғдирган қийинчиликлар келиб чиқди. Бу эса қўшимча равишда зўр бериб куч-ғайрат сарфлашни талаб қилди.

Сиёсий бюрода биз мураккаб чалкашликлар ва манфаатларни, ўзаро боғлиқ бўлган ҳамма вазиятларни эътиборга олиб, вужудга келган вазиятни кўриб чиқдик ва бизнинг назаримизда, ҳозир шу жараённи ниҳоясига етказиш имкониятини берадиган ёндашувларни топдик. Ниҳоясига етказганда ҳам яқин кунлар ичида Афғонистон ва Покистон томонлари шартномаларни имзолай оладиган ва айни вақтда кафиллар сифатида биз ва америкаликлар муайян ҳужжатларни имзолай оладиган бўлди. Женева битимларининг имзоланиши Афғонистон ичкарисидаги миллий яраш муаммоларини ҳал этиш ва унинг теварагидаги аҳволни сиёсий воситалар билан бартараф қилиши учун қулайроқ шарт-шароит яратган бўлур эди. Ўйлайманки, яқин кунларда битимлар имзоланади.

Женева битимларининг имзоланиши Афғонистоннинг ўзидаги воқеаларнинг ривожида ҳам ва айни вақтда Совет-Афғонистон муносабатларида ҳам янги босқичга асос солишини тушунамиз. Шу янги босқичга киришнинг катта халқаро аҳамиятини ҳам тушунамиз.

Сизлар якунловчи ҳужжатни — бизнинг қўшма Баёнотимизни эҳтимол ўқигандирсизлар ёки радиодан эшитгандирсизлар. Унда Совет Иттифоқининг асосий хулосалари ва позициялари ҳамда бизнинг Афғонистон билан биргаликдаги позицияларимиз таърифлаб берилган. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирги пайт учун жуда муҳим. Мана шундай иш қилинди ва мен сизларни бундан хабардор этишни зарур, деб ҳисобладим. 8 февраль куни билдирилганидек, совет қўшинларининг шу йилнинг 15 майидан олиб чиқиб кета бошламоқчи эканимизни ҳам сизларга маълум қилмоқчиман.

Энди ички ишларимиз ҳақида, қайта қуриш қандай бораётганлиги, у мамлакатда қандай авж олаётганлиги, бу соҳада қандай янги масалалар пайдо бўлганлиги тўғрисида тўхталмоқчиман. Эҳтимол, баъзи гапларни такрорлашга тўғри келар. Эҳтимол, шундай қилинса, бу нарса Ўзбекистонда осонроқ илғаб олинар, чунки бу ердагилар «номозни қайта ўқиш гуноҳ ҳисобланмайди» дейишади-ку, ахир (кулги).

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда партия Марказий Комитетида ҳам, ҳукумат томонидан ҳам мамлакатдаги аҳвол ҳақида, қайта қуриш қандай бораётганлиги тўғрисида кўп гапирилди. Мен ҳам, жумладан, кейинги вақтларда қайта қуриш муаммолари хусусида тез-тез гапиришимга тўғри келмоқда. Шундай бўлса-да, баъзи фикр ва мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Аввало, кейинчалик умумий вазият, умумиттифоқ вазифалари ва муаммолари, бутун партияга, бутун халқимизга нисбатан янги талабларни белгилаб берган ҳозирги босқичнинг хусусиятлари нуқтаи назаридан Ўзбекистондаги аҳволни қисқача бўлса-да баҳолаш учун шундай қилишим керак.

Умуман, биз қайта қуриш босқичлари ҳақида гапирганимизда, шу тариқа биз бир нарсани иккинчисидан сунъий равишда қандайдир ажратишни, мана, биринчи босқич ўтди, саҳифа варақланди, илк босқич вазифалари тўла-тўкис ҳал этилди, қандайдир янги саҳифа бошланди, энди фалон кундан, фалон санадан эътиборан иккинчи босқич бошланди, демоқчи эмасмиз. Бундай қилиш ҳаддан ташқари содда тушуниш бўлур эди, албатта. Ҳақиқатда эса, биз илк босқич ёки иккинчи босқич ҳақида гапирганимизда, уларнинг ҳар бирида эътиборга олиш лозим бўлган ўз хусусиятлари борлигини таъкидламоқчимиз.

Хўш, биз қайта қуриш жараёнини нимадан бошладик? Очиғини айтганда, биз экономикадаги, социал соҳадаги, қолаверса, ахлоқий-сиёсий ва маънавий соҳалардаги ишларнинг реал аҳволидан бевосита туртки олдик. Бутун жамиятни, ҳар бир оилани,ҳар бир меҳнат коллективини мушкул аҳволга сола бошлаган реал проблемалар бизни ташвишлантирди. Бизни ташвишга солган нарса мана шу бўлди. Образли қилиб айтганда, ҳамма деразалар ва эшикларни қоқиб турган ва йиғилиб қолган муаммолар билан шуғулланмоқ учун ўзимиз яшаб турган жамиятдаги аҳволни яхшироқ тушуниб олишимиз керак эди. Уни ҳар томонлама, масъулият билан, принципиал таҳлил этиш лозим эди.

Боя айтганимдек, принципиал позицияларда туриб, мана шундай таҳлил қилинди. Биз ҳам ижобий, ҳам салбий жараёнларни чуқур ва ҳаққоний баҳолаш асосида равшан манзарани ҳосил қилдик. Бу эса бизга сиёсат учун ҳам, амалий фаолият учун ҳам хулосалар чиқариш имконини берди. Қандайдир жузъий қарорлар билан, қандайдир алоҳида амалий чора-тадбирларни кўриш билан, қандайдир кампания ўтказиш билан иш битмаслиги равшан бўлди. Юзаки кўринишдан кўра вазият анча жиддий ва чуқур бўлиб чиқди. Кенг миқёсли ва узоқ муддатли вазифа кўзга ташлана бошлади. Биз бутун жамиятни обдан қайта қуриш билан шуғулланиш керак, деган хулосага келдик.

Айни мана шундай иш ва мана шундай хулоса натижасида стратегик миқёсдаги қарорлар пайдо бўлди, уларда ҳам сиёсий соҳани, ҳам экономика соҳасини, ҳам маданият соҳасини, бутун маънавий турмушни, шу босқичдаги ижтимоий муносабатларнинг бутун мураккаб комплексини қамраб оладиган туб қайта қуришнинг асосий йўналишлари ҳам белгиланди. Аслида давлатимизнинг тақдири тўғрисидаги, социализм тақдири ҳақидаги, халқимизнинг келажаги тўғрисидаги масала пайдо бўлди.

Дарҳақиқат, бизда социализм табиати замирининг ўзидаги имкониятларни намоён этиш йўли билан жамиятни тубдан янгилашдан бошқа илож йўқлигига ишонч ҳосил қилдик. Биз партия мардлик ва ирода кўрсатиб, социализм тўғрисида

муайян шароитлар ва айникса, шахсга сиғиниш даврининг шароитлари таъсирида карор топган тасаввурлардан халос бўлиши кераклигини тушундик. Курилиш усуллари тўғрисидаги эски тасаввурлардан халос бўлиш, энг муҳими эса, умуман олганда, социализм шаклини ўзгартирган, халкнинг ижодий кобилиятларини бўғиб кўйган ҳамма иллатлардан халос бўлиш керак эди.

Айни мана шулар биринчи илк боскичнинг моҳиятини: пухта ўйлаш, идрок этиш ва сиёсатни ишлаб чикиш моҳиятини ташкил этди. Аммо бундан, ҳамма нарсанинг тагига етиб олинди, деган маъно асло келиб чикмайди. Йўк, партия ҳали жуда катта назарий, сиёсий иш килиши, бу ишга жамиятнинг барча илмий, интеллектуал кучларини жалб этиши лозим бўлади.

Бизнинг назария ва сиёсат соҳасидаги куч-ғайратларимиз бўшаштирилмаслиги балки, аксинча кайта куришнинг орттирилган тажрибасини эътиборга олиб кенгайиши ва янги уфкларга чикиши лозим, чунки бу тажриба ҳам кўп нарсаларга янгича назар ташлаш ва ўтмишни тўғри баҳолашга ёрдам беради. Шу маънода биз XIX партия конференциясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга катта умид боғлаяпмиз. У мана шундай фаолият учун янги туртки бериши керак. Шу сабабли ҳозирги кунни ҳам, келажакни ҳам янада чукуррок англаб олмок учун ва энг муҳими — чикариб олинган сабоклар ва реал билимлар асосида келажак режаларини тузиш учун партиянинг назарий, сиёсий ишини асосли равишда давом эттириш керак.

Умуман шундай деса бўлади: кайта куриш биринчи боскичининг бош натижаси шундан иборатки, биз кайта куришнинг пухта ўйланган, илмий асосланган, аник-равшан платформасини олдик. Ҳозирги боскичда эса асосий иш энг йирик йўналишларда биз кабул этган сиёсат ва карорларни ривожлантиришдан, уларни турмушга, амалий ишларга татбик этишдан иборат. Биринчи боскичда ўйлаб кўйилган ҳамма ишларни ҳозирги демократия ва ошкоралик оркали, туб иктисодийислоҳот оркали, социал сиёсатга янгича ёндашувлар оркали, жамиятни маънавий ва ахлокий жиҳатдан соғломлаштириш оркали рўёбга чикармок керак.

Кайта куриш кенг уфкларга чикди. Ҳозир у бутун жамиятга дахлдор, тааллукли бўлиб, бутун одамлар оммасини ҳаракатга келтирди.

Кеча ва бугун мен бир неча учрашувда бўлдим. Одамлар ҳозир бошкача бўлиб колишмокда. Энг муҳими — улар социал локайдлик, юз бераётган вокеаларга бефарк караш ҳолатидан кутулмокдалар. Одамлар хавотирланишмокда, уларда ташвиш ҳам пайдо бўлди. Бу эса, ўртоклар, ҳамиша масъулиятни ҳис этиш билан боғликдир.

Нима учун шундай? Шунинг учунки, ҳозир одамлар жамият ҳакида, ўз республикаси тўғрисида, бугунги ва кечаги кун ҳакида, келгусида нималарни амалга ошириш кўзда тутилаётгани тўғрисида кўпрок биладилар. Агар одамлар буларнинг ҳаммасини билсалар, улар умумий жараёнга кўшила бошлайдилар. Бунинг устига биз одамларга мурожаат киляпмиз, ўз фикрини, мулоҳазасини айтишни илтимос киляпмиз. Шундай килиб, демократиялаш ва ошкоралик жараёнлари оркали, яна одамларни ижодий ҳаётга жалб этишни кўзда тутувчи туб ислоҳот оркали, бригадалар, пудрат, хўжалик ҳисоби ва ҳоказолар оркали, маънавий муҳитни соғломлаштириш оркали — ана шуларнинг ҳаммаси оркали одамларнинг тафаккури ҳаракатга келди, уларнинг фаолияти кучайди. Балки бу биз ҳозирча уддалаган ишларнинг энг муҳимидир — одамларнинг ишларга, кайта куришга, бутун мамлакат такдирига кизикишини уйғотдик.

Аммо шу билан бирга, ана шу вазият партиянинг олдига ҳам, унинг барча бўғинлари, барча кадрларимиз, умуман барча меҳнат коллективлари олдига ҳам янги шартлар кўйди. Кайта куриш муваффакияти йўлида курашнинг ҳал килувчи боскичи бошланди, деб айтишимиз учун ҳамма асосларга эгамиз. Эндиликда, кайта куриш бутун жамиятнинг, ҳар бир коллективнинг, ҳар бир кишининг манфаатларига дахл килаётган пайтда унинг максадлари ва вазифалари, унинг моҳияти ҳакидаги баҳслар янги куч билан авж олиб кетди. Эҳтимол, мунозараларнинг дастлабки боскичида одамларга хос кизикиш кўпрок бўлгандир, нималар бўлаётганлигини, раҳбарият нималарни мўлжаллаётганлигини тушуниб олишни, кўпрок савол беришни исташарди. Эндиликда эса, кайта куриш ҳар бир кишига дахлдор бўлиб колганда, ҳаётнинг ўзи тилга олинмокда. Одамлар яна савол

беришга қайтмоқдалар. Аммо энди улар батафсилроқ, янада манфаатдорлик билан муҳокама қилмоқдалар. Қайта қуриш таклиф этаётган ва у одамлардан, бутун жамиятдан талаб қилаётган нарсаларнинг ҳаммасини асосли равишда билиб олишни хоҳламоқдалар.

Жамиятда қандай мунозаралар, қандай эҳтирослар жўш ураётганини кўриб турибсизлар. Ҳар бир киши нималар юз бераётганини идрок этишни, ўз ўрнини топиб олишни, фикрини айтишни, ўз ҳиссасини қўшишни ёки ўзи қўшилмаган бирон нарса ҳақида фикр айтишни хоҳламоқда. Бу ҳам одатдан ташқари бир ҳолдир. Илгари шундай бўлардики, фикрга қўшилмаган киши жим тураверарди. Яширишга ҳожат йўқ, бу кўпларга ёқар эди. Йиғилиш яхши ўтди — бирорта ҳам савол берилмади, ҳеч ишкал чиқмади, дейишар эди. Жамиятда, мамлакатда шунча проблема тўпланиб қолган шароитда ана шундай дейишар эди! Бирорта ҳам савол туғилмаса, йиғилишни «яхши», уюшқоқлик билан ўтди, деб ҳисоблашарди.

Биз айтишимиз мумкинки, бир вақтнинг ўзида икки вазифани, ҳатто иккита эмас, балки икки жиҳатни ўз ичига олган битта вазифани ҳал қилишимиз зарур. Аввало, амалий масалаларни ҳал қилиш орқали қайта қуришни ҳамма йўналишларда давом эттиришимиз ва шу билан бир пайтда демократияни, сиёсий маданиятни ўрганишимиз, хўжалик ҳисобини ва хўжаликни юритишнинг янги методларини ўрганишимиз керак. Партия органлари, Советлар фаолиятида янги методларни ўзлаштириш даркор. Бунда ишни қайта қуриш ҳозирнинг ўзидаёқ реал самаралар берадиган ҳамда совет кишиларининг ҳаёти ва меҳнат шароитини яхшилаш сари ўзгартирадиган тарзда олиб бориш керак.

Сизлар Марказий Комитет фаолиятидаги ана шундай ёндашувни пайқаб олган бўлсангиз керак. Қайта қуриш анча узоқ даврни ўз ичига олади, албатта. Лекин шундай масалалар ҳам борки, мен бу масалалар ҳозир эътибор беришни ва ҳал қилишни бараллa талаб этмоқда, деган бўлар эдим. Шу муносабат билан биз амалда ҳар бир оилага, барча кишиларга дахлдор бўлган соғлиқни сақлаш ва маорифнинг аҳволини кўриб чиқдик. Бу иш билан биз биринчи навбатда шуғулландик. Соғлиқни сақлашнинг ўзига олти миллиард сўмдан кўпроқ пул ажратдик. Унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дори-дармон билан таъминлаш, врачлар, медицина ходимлари моддий манфаатдорлигини ошириш учун маблағ топдик. Ёки мактабдан тортиб олий ўқув юртигача таълим системамиз ислоҳотини олиб кўрайлик.

Биз озиқ-овқат проблемаси билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалаларни ҳал қилишимиз кераклигини кўриб турибмиз. Бу соҳада аграр секторнинг активлиги ва самарадорлигини ошириш учун жиддий омилларни ишга солдик.

Ёки ҳозирги эҳтиёжлар, ҳозирги мезонлар жиҳатидан бугунги кунда бизни қониқтирмаётган товарларни олиб кўрайлик.

Ёки уй-жойни олиб кўрайлик. Бу муаммони ҳал этиш учун ҳам уй-жой қурилишини авж олдирдик. Ишлаб чиқариш қурилишига сарфланадиган маблағларнинг 10 процентини уй-жой қурилишига олиб бердик. Якка тартибда уй қуришда белгилаб қўйилган чеклашларни олиб ташладик. Яқинда кооператив қурилиш кўламларини кенгайтириш масалаларини кўриб чиқдик. Бинокорлик материаллари базасини ривожлантириш юзасидан катта қарор қабул қилдик.

Биз бундай қилмоқдамиз: вақтни талаб қиладиган стратегик проблемаларни ажратиб олиб, ҳозирнинг ўзидаёқ одамларнинг турмушини яхшилайдиган кўпгина масалаларни ҳам тезроқ ҳал қилишни истаймиз.

Ўртоқлар! Қайта қуриш апрель Пленумидан бошланди: бунга бир неча кундан кейин уч йил бўлади. Ўтган ана шу давр ундаги энг қийин нарса тафаккурни қайта қуриш эканлигини кўрсатди.

Буларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, ошкоралик, демократияга тааллуқли нарсалар ҳам, хўжалик ҳисоби ва хўжалик юритишнинг янги методларига тааллуқли жиҳатлар ҳам, хусусан, пудрат методининг турли формалари, маданият соҳасидаги жараёнлар ҳам осонликча кўчаётгани йўқ. Ҳаёт партиянинг ўзига ҳам, партия органларига, партия кадрларига, Советларга, жамоат ташкилотларига нақадар кўп талаблар қўйганлигини кўриб турибмиз, ахир. Чунончи, аҳолининг асосий табақаларини ўз ичига олувчи жамоат ташкилотларининг улкан тармоғи мавжудлигига қарамай, бирданига норасмий бирлашмалар ва ташкилотлар пайдо бўла бошлагани ҳам тасодиф эмас, ахир. Нима учун шундай бўлди? Шунинг

учунки, мавжуд ташкилотлар ўз фаолияти, мухити, методлари билан одамларни қониқтирмаяпти. Норасмий ташкилотлар пайдо бўлиши айни шу билан боғлиқ.

Яна шуни ҳам айтиб ўтишим керак. Қайта қуришнинг янги босқичи барча йўналишларидаги муаммоларнинг кенг миқёслари ва янгилиги, очиғини айтганда, баъзи бировларни чўчитиб юборди. Кўп одамлар ўзларини йўқотиб қўйишди. Одамлар қалбида муайян бесаранжомлик бошланди. Баъзи бировлар бундан бизни «қутқаринг», дея бошлашди. Бундай саросимадан сал бўлмаса қайта қуришни тўхтатиб қўйиш ҳам мумкин.

Бундай вазият ва қайта қуришни ривожлантиришда ҳозирги дақиқанинг ғоят муҳимлигини тушуниб етиш шунга олиб келдики, Марказий Комитет қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш ҳозир биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмоқда, деб хулоса чиқарди.

Айни шу боисдан Марказий Комитетнинг февраль Пленумида бу масалани кўндаланг қилиб қўйишга тўғри келди. Биз колхозчиларнинг Бутуниттифоқ съездида ҳам шу масалага яна тўхталдик. Яқинда бу масала «Правда» газетасининг 5 апрель сонидаги ўша маълум мақолада ҳам ёритилди.

Ўртоқлар, ҳар қандай революция каби қайта қуриш ҳам онгни, тафаккур тарзини қатъий, революцион ўзгартиришни талаб қилишини тушуниб етишларингизни истар эдим. Бусиз на базисда, на сиёсий усткурмада туб ўзгартишларни амалга ошириб бўлмайди.

Биз турмушнинг ўзи ўртага қўйган масалаларга жавоб излаяпмиз ҳамда бу жавобни ижтимоий ва сиёсий тузумимиз ташқарисидан эмас, балки социализм имкониятларини рўёбга чиқариш йўлларида топмоқдамиз.

Партияда туб социалистик ўзгартишлар зарурлиги аллақачон сезилган эди. 50—60- ва 70-йилларда ана шундай ўзгартишлар қилишга бир неча бор уриниб кўрилди. Буларнинг ҳаммаси сиз билан бизнинг эсимизда, ёшлардан ташқари, шу ерда ўтирган ўртоқларнинг эсида. Бундай уринишлар аввалига реал, сезиларли натижалар берди. 1953 йил сентябрь Пленумини олиб кўринг. Пленум қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга нақадар катта омил бағишлаган эди. Лекин 1958 йилдаёқ вазият ўзгара бошлади. 1965 йил март Пленумини олиб кўринг. Аслини олганда бу жамиятга қандай раҳбарлик қилиш, фақат қишлоқ хўжалиги экономикасигагина эмас, умуман экономикага қандай ёндашишнинг янги концепцияси эди.

Бунга илмий жиҳатдан ёндашув асос қилиб олинган эди. Ўшанда саккизинчи беш йиллик эди. Бу беш йиллик қишлоқ хўжалигида, фақат қишлоқ хўжалигининг ўзидагина эмас, бошқа соҳаларда ҳам қандай жиддий ўсиш билан характерланганига бир назар ташланг.

Хуллас, уринишлар, реал, жиддий уринишлар ҳам бўлган эди, лекин улар кўпинча чала нокомплекс бўлиб, бир проблеманинг бошқа проблемалар билан боғлиқлигини ҳисобга олмай, уларни бир-бирига боғламай, проблемаларнинг қандайдир бир қисминигина қамраб олган эди. Ҳатто қабул қилинган қарорларни амалга оширишда изчилликнинг йўқлиги ҳам таъсир қилди. Туб ўзгартишларни амалга ошириш йўлидаги кўпгина уринишлар муваффақиятсизликка учрарди, чунки улар демократияни ривожлантириш ва кенгайтириш билан мустаҳкамланмас эди. Ҳамма нарса кабинетда ҳал қилинарди. Халқ эса қарорларни тайёрлаш босқичида ҳам, айниқса, уларни амалга ошириш босқичида ҳам асосли равишда жалб этилмасди. Бундай аҳвол шунинг учун ҳам рўй берардики, партиянинг ўзи ҳам, мамлакат кадрлари ҳам умуман эски тасаввурлар гирдобида бўлиб, раҳбарликнинг демократияга қарама-қарши турувчи буйруқбозлик-маъмуриятчилик усулларидан фойдаланар эдилар. Социализмни ривожлантиришда демократиянинг жуда катта, ҳал қилувчи аҳамиятини англамас эдилар. Демократиясиз социализм ривожлана олмайди.

Мен бу ҳақда сизга гапираётганимнинг боиси нимада, ўртоқлар. Маълум бўлишича, бу ҳозир асосий бандлардан бири бўлиб, шу хусусда мамлакатда эҳтирослар жўш уриб, мунозаралар авж олиб кетди. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси ва унга сажда қилаётганлар ўз марраларини жангсиз топширмаяптилар.

Ҳозир демократиялаш жараёни бормоқда. Бу жараён буйруқбозлик методларига зарба бермоқда. Одамлар ошкоралик, демократия, хўжалик ҳисоби,

пудрат, бригада кенгашлари, меҳнат коллективлари кенгашлари орқали муштарак ишларга бош қўшмоқдалар. Бу ҳаммага ҳам ёқмаяпти, ҳаммага ҳам маъқул тушмаяпти. Баъзи бировлар буйруқбозликни, эски даврни қўмсашмоқда. Завод, қишлоқ, колхоз, район ва шаҳарни ўз мол-мулки деб биладиган одамлар жуда кўпайиб кетган.

Шу боисдан ҳам ҳозир фақат мунозаралargина бўлаётгани йўқ. Ана шу асосий масала хусусида реал турмушда — партия ва совет ташкилотларида, меҳнат коллективларида, жамиятнинг барча доираларида реал кураш авж олиб кетди. Қайта қуришнинг шу соҳасида ҳозир содир бўлаётган ишлар ажойибдир, демоқчиман! Шунинг учун ажойиб-ки, халқ куч-қудратга тўлиб турибди. Халқ бошини баланд кўтарди, ўз ҳуқуқларини ҳис этди, Совет ҳокимияти йилларида тўпланган юксак билим потенциали халқимизнинг бисотидир. Халқ жамият ҳаётида содир бўлаётган барча жараёнларда онгли равишда қатнаша бошлади.

Социалистик демократия имкониятларини ишга солмай туриб, биз социализм потенциалини ҳам рўёбга чиқара олмаймиз, қайта қуришимизни муқаррар қила олмаймиз, қайта қуриш илгари сурган мақсадларга эриша олмаймиз, социализмнинг ленинча идеаллари халқнинг мулки бўлиб қолишига эриша олмаймиз, ўртоқлар.

Нега мен ана шу бандга алоҳида эътибор бермоқдаман? Чунки у асосий банддир, ўртоқлар. Бу залга йиғилганларни эътиборга олганда ҳам бу мавзу асосийдир, бунинг устига ушбу мавзу очиқ, ҳалол партиявий гурунгда гаплашиб олишга арзийдиган мавзудир. Ахир биз: «Демократиянгизнинг ҳоли шу бўлдими», «қайта қуришингизнинг ҳоли бу бўлдими» деган гапларни эшитиб турибмиз-ку. Биз сиз билан биргаликда ана шу сўзларни аслида ким айтаётганлигини аниқ билиб олишимиз лозим. Шу сўзлар замирида халққа ҳурматсизлик кўриниб турибди. Шунга диққатни қаратмоқчиманки, ана шу сўзларда халқнинг донолигига, ватанпарварлигига, унинг ақл-идрокига, унинг ижодий қобилиятига ишончсизлик, унинг масъулиятига ва социализмга садоқатига ишончсизлик сезилиб турибди.

Турмуш буйруқбозлик-бюрократик методларнинг самарасизлигини, ҳозирги вазифаларнинг характерига мос эмаслигини ва энг асосийси — мазкур методларнинг эскирганлигини, совет халқининг маданий ва сиёсий даражасига мос эмаслигини очиқ-ойдин кўрсатди.

Бугун масаланинг моҳияти айни мана шундадир, ўртоқлар. Шу ҳақда гапирар эканман, колхозчилар съезди ёдимга келаяпти. Орангизда ўша анжуманда қатнашган ўртоқлар бўлса керак. Съезднинг юксак даражаси, съезд қатнашчилари авж олдирган мунозара даражаси, проблемаларнинг кўплиги, мамлакат тўғрисидаги астойдил ғамхўрлик, озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш учун масъулиятни англаш Сиёсий бюрони ниҳоятда мамнун этди. Хуллас, деҳқонлар ўз вазифаларига давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашмоқдалар.

Съезд қатнашчилари худди ана шундай позициялардан туриб қишлоқ хўжалигида ташаббусни ривожлантириш йўлидаги барча ғовларни олиб ташлашни, ижодкорликка, мустақилликка, омилкорликка йўл очиб беришни қатъиян талаб этдилар. Нотиқларнинг деярли ҳаммаси колхозларга буйруқ беришни тўхтатишни талаб этдилар ва илтимос қилдилар. Аммо шунга қарамай ҳатто ҳозир ҳам кўпгина кишилар бу талабга қулоқ солишаётгани йўқ ва аравани эски ўнқир-чўнқир йўлдан ҳайдаб бормоқдалар. Бунга нима дейишимиз керак, ўртоқлар! Иш ҳам шунақа бўладими!

Шу кунларда мен Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бир неча марта қисқа муддатли учрашувлар ўтказдим. Менда зўр таассурот қолдирган нарса нима бўлди денг? Бу — одамларнинг активлиги, очиқ кўнгиллилиги, энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш истагидир.

Колхозчилар съезди, ана шу учрашувлар халқимизнинг бутунлай бошқа сиймосини намоён этди. Халқ ўзгарди. Бизга ана шуниси керак, биз бунга ниҳоятда синчковлик билан баҳо беришимиз ва тушуниб олишимиз керак, ўртоқлар. Чунки бундан ниҳоятда жиддий хулосалар келиб чиқади. Халқимизнинг айтадиган гаплари бор, халқимизнинг қайта қуриш учун курашга қўшадиган салмоқли ҳиссаси бор. Аммо халқ демократизм, кенг демократизм шароитидагина буни уддалаб, ўз имкониятларини рўёбга чиқариши мумкин.

Қадрларимиз демократия авж олдирилаётган шароитда иш методларини қунт билан эгаллаб олишлари лозим. Бу ниҳоятда мураккаб ишдир. Биз ҳам Марказий Комитетда мамлакатнинг йирик масалалари, жамиятимиздаги можароли вазиятларни кўриб чиқаётганимизда буни ҳис этиб турибмиз. Марказий Комитет апрель Пленумидан кейин орадан ўтган уч йил ичидаги иш тажрибасига асосланиб, мен ва Сиёсий бюродаги ўртоқларим шундай бир хулосага келдикки, фақат демократия йўлларида, демократик жараён доирасида, одамлар билан жуда кенг мулоқот асосида жамиятнинг ҳар қандай проблемалари хусусида тўғри, ҳар томонлама пухта ўйланган қарорлар қабул қилиш мумкин. Фақат шу йўл билангина халқни қайта қуриш мақсадларига эришиш учун актив курашга жалб этиш мумкин. Келинг, маъмуриятчилик, буйруқбозликдан қолган барча асоратлардан, кишиларга, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларига, фикр-мулоҳазаларига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишдан қатъиян юз ўгирамиз, деб қатъий келишиб олайлик. Одамлар бунга социал активликни, сиёсий активликни тобора ошириш билан жавоб беришларига ишончим комил.

Яна бир гап бор, ўртоқлар. Биз ўтмишда катта масалаларни кўтариб чиқар эдик, аммо уларни ниҳоясига етказмас эдик, мўлжалланган вазифалар бажарилмасдан қолар эди. Очиғини айтганда, шу сабабдан биз мамлакат социал-иқтисодий тараққиёти планларини амалга оширишда жиддий муваффақиятсизликларга учрадик. Бу одамларнинг фаровонлигига, жамиятимизнинг бутун равнақига катта таъсир ўтказди.

Биз бундан хулосалар чиқариб олгандекмиз, аммо ҳамма ҳам тўғри хулосалар чиқариб олганлиги сезилмаяпти. Беш йилликнинг ўтган икки йилига баҳо берар эканмиз, биз сўз билан иш ўртасида узилиш борлигини кўрамиз.

Эски дард ниҳоятда илдиз отиб, сурункали тус олган. Қайта қуриш шароитида қабул қилинган яхши қарорлар кўпинча тўла ҳажмда бажарилаётгани йўқ. Демак, эски хатолар такрорланмоқда. Ҳали ҳам ишнинг эски методлари таъсир ўтказаётганлиги, меҳнат коллективлари ва кадрлар ҳали ҳам чинакамига қайта қуришга улгурмаганлиги билан буни бир қадар изоҳлаш мумкин. Янги механизмлар ҳам ҳали ҳамма жойда ишга солинмаган. Бу тўғри хулоса. Аммо шунга қарамасдан, ўртоқлар, қилинганига қараганда анча кўп иш бажариш мумкин бўлур эди.

Сизни Ўзбекистондаги иш аҳволини жиддий партиявий таҳлил этишга даъват қиламан. Бу ҳақда ҳозир гапираётганлигимнинг боиси нимада? Бунинг боиси аввало шундаки, сўнгги йилларда республика экономикасини ривожлантириш суръатлари пасайди. Рўй берган вазиятни ўйлаб кўринглар. Бунинг маъноси шуки, республика меҳнаткашлари ҳам, мамлакат ҳам олиши мумкин бўлган кўп нарсаларни ололмади. Шу туфайли номутаносиблик пайдо бўлди, умумий маром бузилди. Мамлакатимизда барча республикалар бир-бири билан мустаҳкам боғланган.

Аслида, улар ҳозир бир-бирларисиз яшай олмайдилар. Бу ягона комплекс, ягона умумиттифоқ организмидир. Агар қаердадир, бирон-бир кор-ҳол рўй берса, бутун организмнинг ҳолатига таъсир этади. Давлатимизда ҳамма нарса ўзаро боғлангандир.

Мен саноат, қурилиш, айниқса, қишлоқ хўжалигидаги планларни бажармаётганлигингизга эътиборингизни қаратмоқчиман. Сизлар ҳар йили уй-жойларни фойдаланишга топшириш планларини адо эта олмаяпсизлар. Республикада уй-жой муаммоси ниҳоятда ўткир бўлиб турган вазиятда шундай бўлмоқда. Республикангизда йирик панелли уйсозлик корхоналари қувватидан атиги 68 процент фойдаланилмоқда, ғишт, цемент ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган заводларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш суст бормоқда. Буни қандай тушунса бўлади?

Ёки бошқа бир мисолни, эҳтимолки, республика учун асосий бўлган кўрсаткични олайлик. Мен суғориладиган ерлардан фойдаланишни назарда тутмоқдаман. Ўртоқ Нишонов бу масалани жуда тўғри кўтарди ва мен уни қўллаб-қувватлайман. Бу республиканинг олтин фондидир. Барча экинларнинг ҳосили суғориладиган деҳқончилик имкониятларига жавоб бермаяпти, десак камлик қилади. Сўнгги даврда ҳосил камая бошлади. Бу сиз билан бизни, ҳаммамизни ниҳоятда ташвишлантириши керак. Ўзбекистон бошқа жойларда етиштириш

мумкин бўлмаган кўпгина маҳсулотларни мамлакатимизга етказиб беради. Мамлакат эса буларга кўз тикиб турибди. Бу ахир, ғоят кўнгилсиз ҳол-ку, ўртоқлар. Бусиз яъни суғориладиган ерлардан зарур даражада, самарали фойдаланилмас экан, республикада нормал ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Суғориладиган ерларнинг аслида ярми мелиорация жиҳатидан, айниқса, шўрланганлиги сабабли жиддий тарзда яхшиланиши лозим экан, бунга нима деса бўлади?

Яна бир масала хусусида гапирмоқчиман. Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам мактабгача тарбия болалар муассасалари етишмаяпти. Айни вақтда бу ишнинг кўлами ниҳоятда етарли эмас. Тошкент чеккасидаги янги микрорайонда кеча аёллар мени ўртага олишиб: «Михаил Сергеевич, ишга борамиз десак, болаларни қолдирадиган жой йўқ», дейишди. Ишни шундай уюштириш керакки, ҳар бир корхона, ҳар бир совхоз ва колхоз, ҳар бир қурилиш ташкилоти ана шу муҳим ишдан четда турмасин. Болалар боғчалари муаммосини ҳал этишга бутун республикани сафарбар қилиш керак. Бу инсоний масаладир! Бу республикангиз учун кечиктириб бўлмайдиган, нуфузли вазифадир.

Яна бир гап бор. Республикада яратилган потенциал зарур самара бермаётган экан, бу ишдаги нуқсон асоратидир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига кўплаб маблағ сарфланган эди. Қуйидаги рақамларга эътибор беринг: 1970 йилдан 1986 йилгача қишлоқ хўжалигининг фонд билан таъминланиши 4,1 баробар кўпайди, ялпи маҳсулот эса фақат бир ярим баравар ўсди. Меҳнат унумдорлиги эски даражада қолиб кетди. 80-йилларнинг бошидан бери республикада қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми ўсмаяпти, бу ниҳоятда ташвишли тенденциядир.

Масъулият билан қилинадиган таҳлил, йирик тадбирлар зарур, республика меҳнаткашларини сафарбар этиш керак. Бой табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, қудратли моддий-техникавий база Ўзбекистон ихтиёридадир. Бугунги суҳбатимиз ҳар бир одамнинг шуурига сингишини ва барчани ниҳоятда жиддий тарзда ўйлантиришини истар эдим. Ўзбекистон экономикасини оғир аҳволдан чиқаришнинг реал йўлларини топиш зарур.

Шу муносабат билан қандай маслаҳатлар бериш мумкин бўлур эди? Агар маъқул бўлса, ўйлаб кўринг. Ҳозир янги йирик корхоналар қуришга ружу қилманг, модернизация ўтказиш керак. Актив фондларни янгилаш орқали катта корхоналарнинг имкониятларини рўёбга чиқарса бўлади. Табиий ресурслар, айниқса, меҳнат ресурсларини тезроқ ишга солиш учун ўртача ва кичик корхоналар, заводларнинг филиалларини қуриш йўлидан бориш лозим.

Туб иқтисодий ислоҳот, хўжалик ҳисобига, хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш очиб бераётган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш керак, албатта. Бу омиллар ўзлаштирилган ерларда самара ҳам бутунлай бошқача бўлмоқда. Улар меҳнатга муносабатни ўзгартирмоқда, бу эса юксакроқ пировард самаралар бермоқда.

Озиқ-овқат ва енгил саноатни кенг кўламда ривожлантириш эвазига кўп иш қилишингиз мумкин. Бу, назаримда, республикангизнинг «олтин кони»дир. Яқин орада Ўзбекистон ўз эҳтиёжларини ҳам, бошқа республикаларнинг эҳтиёжларини ҳам қондирадиган маррага кўтарилиши керак, деб ўйлайман.

Кооперация, хизмат соҳасини ривожлантириш катта имкониятлар очмоқда. Буларнинг ҳаммасини ўйлаб кўриш керак, ишчанлик билан ўйлаб кўриб, ўзингизнинг барча катта-кичик имкониятларингизни рўёбга чиқаришга киришишингиз лозим, ўртоқлар.

Назаримда, ҳозир республикада кайфият шундайки, агар халққа яхши программа таклиф этилса, у катта ишларни амалга ошириши ва социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириши мумкин. Бу, ўртоқлар, республика партия ташкилоти барча раҳбар кадрларининг энг асосий вазифасидир.

Биз қайта қуриш ва уни амалга оширишга ҳар бир кишининг ҳисса қўшиши нуқтаи назаридан суҳбатлашаётган эканмиз, яна қуйидагиларни айтиб ўтишни истайман. Биз кўп миллатли мамлакатда яшаймиз. Биз бутун жамиятда катта ўзгартишларни амалга ошираётган ҳозирги пайтда бу ўзгартишларнинг умуман Иттифоқимизга ва ҳар бир республикага, миллатлараро муносабатларга таъсирини ҳамиша ҳисобга олишимиз керак. Ҳар қандай социал ва иқтисодий муаммони, маданият, демократиялаш, ошкоралик муаммоларини ҳал этиш ҳамиша пировард натижада ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг манфаатларига

дахлдор бўлади. Шу сабабли бу муаммолар уларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигига путур етказилмайдиган тарзда ҳал этилиши шарт. Ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка путур етказиш эмас, аксинча халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш зарур. Бу дўстлик Октябрь революцияси ва социализмнинг энг катта ғалабасидир. Муаммонинг яна бир ғоят муҳим томони ана шундан иборат.

Иккинчи томони қуйидагича: сўнгги йиллардаги реал турмушда ленинча миллий сиёсатнинг жуда катта ютуқларига қарамай, Октябрдан кейинги 70 йил ичида биз чинакам нодир тажриба орттирганимизга қарамай, жуда кўп жиддий муаммоларга дуч келдик-ки, улар диққат-эътибор билан ўрганишни, вазминлик билан баҳо беришни, пухта ўйлаб хулоса чиқаришни, ўз вақтида ва аниқ қарорлар қабул қилишни талаб қилмоқда. Бу мавзуда олдин ҳам гапирган эдим. Биз бу соҳада догматик, айтиш мумкинки, схематик ёндашувлардан халос бўлишимиз керак. Биз ютуқларимизни қайд этиш билангина чекланиб қололмаймиз.

Жамиятимиз ривожланиб бормоқда. Табиийки, унинг социал ва иқтисодий тараққиёти билан бир вақтда ҳар бир халқнинг миллий онги, унинг интеллектуал имкониятлари ўсмоқда, ҳар бир миллат маънавий жиҳатдан бойиб бормоқда, Табиийки, буларнинг ҳаммаси янги муаммоларни келтириб чиқаради, бу муаммоларни пайқаб олиш ҳамда вазминлик билан пухта ўйлаб таҳлил қилиш ва холисона баҳо бериш асосида ҳал этиш керак бўлади.

Биз ҳаётга янги-янги авлодлар кириб келаётганлигини, интернационализм тажрибаси ўз-ўзидан авлоддан-авлодга ўтмаслигини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Ҳар бир авлод ўз интернационализм мактабидан ўтиши, миллатлараро қардошлигимизни қадрлашни ҳамда олдинги авлодлар бу қардошликни мустаҳкамлаш учун қилган ишларни қадрлашни ўрганиб олиши керак. Энг муҳими эса, дўстлик, ҳамкорлик ва халқларнинг бир-бирига яқинлашувини мустаҳкамлашга ҳар бир авлод ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Мазкур масала хусусидаги ҳар қандай баҳсда ҳам, ҳар қандай мунозарада ҳам сиз билан бизнинг ўз фикримизни исботлайдиган далилларимиз бор, ўртоқлар. Шу билан бирга етилган, ҳал этишни талаб қилаётган ҳамда демократиямиз доирасида, ҳурмат, тенглик ва биродарлик принциплари асосида ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммоларни жиддий масъулият билан муҳокама қилишга тайёр туришимиз керак.

Вазифаларнинг кўлами, ишларнинг ҳажми партия олдига янги шартлар қўймоқда.

Ҳозирги пайтда мақсадларимизга эришиш КПСС жамиятнинг сиёсий етакчиси ролини қандай қилиб муваффақиятли бажаришига ҳар қачонгидан кўра ҳам кўпроқ боғлиқдир. КПСС, партия Марказий Комитети, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ҳар бир партия комитети, партия ташкилоти, ҳар бир коммунист қандай ҳаракат қилишига қайта қуриш тақдири ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Мамлакатдаги қайта қуриш — буюк революцион ишдир. Партия ана шу чуқур янгиланиш жараёнининг асосий йўналишларини ҳамиша кузатиб турибди. Шу қисқа давр ичида биз кўп ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Партия қайта қуришнинг олдинги сафида бораётганлиги принципиал жиҳатдан муҳимдир. Лекин буни қайд этиб ўтиш янги ҳодисаларни идрок этишда, ҳатто амалий ишларда партиянинг муаммолари, камчиликлари йўқ, орқада қолмаяпти, деган маънони англатмайди. Айникса қарорларни бажариш хусусида бундай маънони англатмайди.

КПСС қайта қуриш ғоялари ва янгиланиш сиёсатининг ташаббускоридир, жамиятда уларни амалга оширишнинг ташкилотчисидир. Табиийки, бу партиядан назарий фаолиятда ҳам, оммани ташкил этишнинг янги усулларини ўзлаштиришда ҳам, кадрлар билан ишлашда ҳам жуда кўп нарсани талаб қилади.

Аммо энг муҳими — партия мамлакатда авж олиб бораётган қайта қуриш жараёнларидан орқада қололмайди. Уч йилнинг сабоқлари бизга шуни ўргатмоқда: бирор соҳада партия орқада қолса, бу бутун жамиятдаги аҳволга, одамларнинг кайфиятига, ўзгартишларнинг суръатлари ва кўламларига, ижтимоий онгни қайта қуриш руҳида шакллантиришга таъсир қилади.

Агар партия раҳбарликнинг сиёсий методларини қатъият билан эгалласа, агар консерватизмни, тафаккурдаги сусткашликни тўла-тўкис бартараф этса, янги

вазифаларни уддалай олади. Биз жамиятимизни консерватизмдан, эскича тафаккурдан халос қилиш, уни бюрократик бузилишлардан қутқариш тўғрисида гапираётган эканмиз, бу ишда, қайта қуриш тақдири учун муҳим бўлган бу улкан ишда энг аввало, партия намуна бўлиши лозим.

Кадрларга, меҳнат коллективларига нисбатан маъмуриятчилик, буйруқбозлик методларидан, давлат, совет, хўжалик органларининг ўрнини эгаллашдан воз кечиш керак. Агар партия омма орасида доимий иш олиб бориб, ижодий, новаторларча, масъулият билан ҳаракат қилса, ишимиз таъминланади, қайта қуриш ҳам, бинобарин, бутун жамиятимиз ҳам тараққиётнинг янги чўққиларига чиқади.

Шу ерда, учрашувимизда олдин айтилган гапларни такрорлаш балки ўринли бўлар. Шак-шубҳасиз партия халққа, тарихга жуда катта хизмат қилди. У меҳнаткашларнинг ҳурмати ва эътиборини қозонган. Аммо у актив сиёсий фаолияти билан ўз мавқеини мунтазам оқлаб бориши керак. Партиянинг обрўси — абадулабад бериб қўйилган нарса эмас. Бу обрўни кундалик зўр бериб қилинган масъулиятли иш билан тасдиқлаб бориш лозим. Такрорлашга тўғри келса ҳам яна бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман: партия халққа хизмат қилади. Буни унутиб қўйган киши партия аъзоси деган унвонга лойиқ эмас. Айниқса, бундай киши меҳнат коллективига, районга, областга бошчилик қила олмайди.

Ҳамма жойда коммунистларнинг активлиги ортиб бораётганлиги яхши. Уларнинг фаолиятида принципиаллик кучайиб бормоқда, мамлакат тақдири учун, ўз коллективларининг тақдири учун масъулият туйғуси ошмоқда. Партия комитетларининг қайта қуришнинг бориши тўғрисида бўлиб ўтган ҳисоботлари ҳам шуни кўрсатди. Коммунистларнинг сайлаб қўйиладиган органларга, ўз партиявий бошлиқларига, ўртоқларига талабчанлиги кучайди. Биз актив коммунистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, КПСС турмушидаги соғлом тенденциялар рағбатлантирилишига интилишимиз керак. Бу соҳада партия ички демократиясини янада ривожлантириш, сайлаб қўйиладиган органлар ролини ошириш, партия аппарати фаолиятини қатъиян яхшилаш жуда муҳимдир.

Партияда ўртоқлик руҳини барча даражаларда мустаҳкамлаш лозим. Ҳамма ўзини тенг ҳис қилиши керак. Биз КПСС сафларида ҳатто доҳийпарастлик элементлари бўлишига ҳам тоқат қила олмаймиз. Партияда партиявий ўртоқлик руҳи тантана қилиши зарур.

Партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари жўшқин яшаши, партия аппаратига хизмат қиладиган аҳволга тушиб қолмаслиги даркор. Баъзан иш шу даражага бориб етмоқдаки, аппарат ходимлари район, шаҳар ва область партия комитетларининг аъзоларига дўқ қилмоқдалар. Аппарат сайлаб қўйиладиган органга хизмат қилиши ва бу орган қабул қиладиган қарорларни бажариши лозимлигини, бунинг акси эмаслигини ҳаммага эслатиб қўйиш керак.

Барча муаммолар, қайта қуриш шароитида КПСС фаолиятига оид масалаларнинг кенг доираси Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг диққат-марказида бўлади. Лекин партия ташкилотлари партия конференцияси қандай кўрсатма беришини кутиб ўтирмасликлари лозим. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўп нарсалар айтилди. Кутмасдан ҳаракат қилиш керак. Амалга оширилиши бутун партия турмушини бойитадиган ғояларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш зарур. Ҳар бир партия ташкилоти ўз ишининг конкрет шароитида қайта қуришнинг улкан вазифаларини ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшсин. Яна такрор айтаманки, юқоридан кўрсатма бўлишини кутиб ўтирмаслик керак. Мақсадлар ва вазифалар аниқлаб олинган, сиёсат ишлаб чиқилган. Қайта қуришнинг асосий йўналишлари равшан, энди ҳаракат қилиш керак, ўртоқлар.

Ўзини соғломлаштириш, покланиш натижасида мустаҳкамланган Ўзбекистон партия ташкилоти ҳам оммага бошчилик қилишда республика меҳнаткашларининг Ўзбекистонни янада гуллаб-яшнатиш учун, республиканинг умумиттифоқ вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун курашида уларнинг сиёсий етакчиси бўлиш вазифасини адо этишда барча имкониятларга эга, деб ўйлайман.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1988 йил 11 апрелда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг X пленуми бўлди. «КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленуми қарорлари асосида ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилишни амалга ошириш ҳамда қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Д. Д. Берков, Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова, Қўқон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Н. Мусабеков, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри М. Салоҳиддинов, Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Н. И. Емельянов, Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг раиси М. А. Зоидов, Ўзбекистон Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси Б. Р. Қориева, Янгибозор район партия комитетининг биринчи секретари Р. Иброҳимова, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри У. Раҳимов, Жиззах шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. П. Нарзиқулов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик секретари А. Асқаров, Навоий конметаллургия комбинатининг директори Н. И. Кучерский, Наманган область ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. Дадажонова, «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори Ш. Ниёзов, Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг ишчиси Л. Е. Комарова, Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. Д. Эшбеков, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. Воҳидов сўзга чиқдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзоси қилиб сайланди. С. А. Хўжаева Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси Н. Т. Туробов партия турмуши нормаларини бузганлиги, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги ва порахўрлиги учун пленум уни КПСС сафидан чиқарди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари В. И. Давидов, А. Т. Хлопьев қатнашдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МК 1988 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. НИШОНОВнинг Ўзбекистон Компартияси МК пленумида 1988 йил 11 апрелда қилган доклади

Ўртоқлар!

Ушбу пленум кун тартибига партия амалга ошираётган қайта қуришда принципиал аҳамиятга эга бўлган масала киритилган. Гап мана шу революцион жараённинг бош омили — инсон омили ҳақида бормоқда.

«...Биз экономикамиз, маданиятимиз, социал ва маънавий турмушимизни ривожлантириш йўлларини белгилашга қайси позицияларда туриб ёндашмайлик, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетнинг февраль Пленумида сўзлаган нутқида Михаил Сергеевич Горбачев — инсоннинг ўзи, унинг сиёсий қиёфаси ва ақл-заковати, унинг маҳорати, унинг ватанпарварлиги ва интернационализми, унинг ижод қилиш қобилияти, унинг гражданлик позицияси ва активлиги ҳамиша ҳал қилувчи омил бўлади».

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан ва КПСС XXVII съездидан кейин ўтган вақт ичида совет кишилари анчагина ўзгардилар. Улар бошларини баланд кўтариб, қаддиларини ростлаб олдилар, фактлар бетига очиқ юз билан боқмоқдалар ва энг зарур масалалар ҳақида рўй-рост, ошкора гапирмоқдалар, йиллар давомида йиғилиб қолган проблемаларни ҳал этиш усулларини биргаликда изламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу йил 6—8 апрель кунлари Ўзбекистонда бўлган вақтида унинг меҳнаткашлар билан, республика активлари билан учрашувлари ҳам партия бошлаган йўлнинг тўғрилигига халқнинг мана шундай ишонч муҳитида ўтди.

М. С. Горбачев иш билан жуда банд бўлишига қарамай, Тошкент районидаги К. Маркс номли ва «Ленин йўли» колхозларига, «Алгоритм» заводига борди, уларнинг иши билан танишди, одамлар билан самимий ва дилкаш суҳбатлашди. Уларнинг турмуши, меҳнатининг социал шароитларини қизиқиб суриштирди, қайта қуришнинг бутун моҳияти — инсон, совет кишиси, унинг ташвишлари ва эҳтиёжларидан иборат эканини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари республика саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари, зиёлилар ҳақида завқ билан самимий гапирди. Жумладан, у қуйидагиларни таъкидлади: «Ўзбек халқи қадимий маданиятга эга бўлган халқдир, мана шу замин учун кўп азоб-уқубат чеккан, жуда кўп иш қилган, уни яшнатиб, замонавий ўлкага айлантирган халқдир. Мен Ўзбекистонни биламан, деярли ҳамма областларда бўлганман... Кўп нарсани кўрганман, ишлаб чиқаришда, қишлоқларда ёшлар, оқсоқоллар билан учрашганман. Меҳнатсевар, камтарин, ўз заминига содиқ бўлган халқингиз қалбини ва руҳиятини маълум даражада тушуниб олганман. Халқингиз Совет ҳокимиятига содиқ, ўзбек халқи уруш даврида нечоғлик интернационализмни намойиш қилганлигини, қанчадан-қанча ташвишларни ўз зиммасига олганини эслаб кўринг».

Михаил Сергеевич Горбачевнинг бу сўзлари Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишининг дилидан жой олди. Бу сўзлар ҳаққоний ифтихор ва жонажон партия

билан ҳукуматга астойдил миннатдорчилик туйғуларини уйғотади, бизга илҳом беради, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида юксак самарадорлик, юксак унумдорлик билан ишлашга чорлайди, янгичасига фикрлаш, ташаббускорлик, сабот ва собитқадамлик билан ҳаракат қилишга ундайди.

Республика коммунистларининг, барча меҳнатчиларининг ҳозирги босқичда турмуш соҳаларини янгилашдаги энг муҳим вазифалари М. С. Горбачевнинг Ўзбекистон активлари билан учрашувда сўзлаган ёрқин нутқида ҳар томонлама ва чуқур асослаб берилди. Унда одамларнинг ташаббусини етилган муаммоларни ҳал этишга ижобий ёндашув билан бирга боғлаш йўллари белгиланди.

Михаил Сергеевич саноатдаги ишлаб чиқариш қувватларидан ёмон фойдаланилаётгани учун, маҳсулот сифати пастлиги учун республика партия ташкилотини ҳақли равишда танқид қилди. Қурилиш комплексидаги ишларнинг аҳволи суст яхшиланмоқда. Деҳқончилик ва чорвачиликда туб бурилиш рўй бермади. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги паст. Социал масалалар зудлик билан ҳал этилиши лозим. Қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш муаммолари бениҳоя муҳим аҳамият касб этмоқда, одамларнинг онги ва тафаккурини революцион тарзда ўзгартириш лозим.

Ўрток М. С. Горбачевнинг маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари бизни янада зўр ғайрат ва фидокорлик билан ишлашга ундайди ҳамда партия, совет, давлат ва хўжалик органлари бутун фаолиятининг асоси бўлиб қолиши керак.

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг партия ишлаб чиққан новаторлик стратегиясини Ўзбекистон халқи сидқидилдан маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда. КПССнинг актив ташқи сиёсати, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ядро қуролини тақиқлаш ва тугатиш, маҳаллий можароларни бартараф этиш соҳасидаги катта ташқи сиёсий ташаббуслари ҳаммамизнинг дилимизга яқин ва тушунарлидир. М. С. Горбачевнинг Афғонистон республикаси президенти, АХДП Марказий Комитети Бош секретари Нажибулло билан учрашуви, улар қабул қилган Совет — Афғонистон Қўшма баёноти тинчлик ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Шундай қилиб, Тошкент яна халқаро ҳаётда катта воқеа рўй берган шаҳар бўлиб қолди. Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳарбий тўқнашувга чек қўйган 1966 йилдаги Тошкент декларацияси имзоланган пайтдан эътиборан Тошкент руҳи В. И. Ленин ишлаб чиққан асосий принципларга — пролетар интернационализми ва турли социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципларига муттасил амал қилиб келаётган мамлакатимиз ташқи сиёсати солномасига кирди ва яшаб келмоқда. Тошкентда имзоланган Совет — Афғонистон Баёноти ҳам мамлакатларимиз ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, Ер юзидаги барча тинчликсевар кучларнинг манфаатларига мос келиши, шубҳасиз.

Ўрта ва олий мактаб ислоҳоти — умумпартия ва умумхалқ иши

Ўртоқлар! Бугун биз КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленуми қарорлари асосида ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилишни амалга ошириш, қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилишимиз лозим. Кучайиб бораётган фан-техника революцияси, ривожланаётган демократия, коллективларнинг хўжалик мустақиллиги шароитида, ўзи ва мамлакат учун юксак масъулият вазиятида яшаш ва ишлашни биладиган, ўқимишли, эътиқодли, социализм ишига садоқатли, гражданларга тарбия ва таълим беришда совет мактаби — умумий таълим, ҳунар, ўрта махсус ва олий мактаб етакчи роль ўйнайди. Уни тубдан ислоҳ қилишни партия жамият социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг асоси, деб билади.

Партия Марказий Комитетининг февраль Пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўрток Е. К. Лигачевнинг докладида, шу масала юзасидан қабул этилган қарорда халқ

маорифини қайта қуришга оид кенг микёсли, мураккаб ва бениҳоя масъулиятли вазифалар далил-исботлар билан яққол таърифлаб берилди. Ижтимоий турмушнинг мана шу муҳим соҳасини бошқариш системасининг ўзи ўзгартирилмоқда.

Мамлакатда СССР Халқ маорифи давлат комитети тузилди. Шунга мувофиқ равишда республикамизда маориф министрлиги, олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда ҳунар-техника таълими давлат комитети негизида Ўзбекистон ССР Халқ маорифи министрлиги тузилмоқда. Республика областларида, шаҳар ва районларида халқ маорифи ягона органлари тузилади. Аммо бу — масаланинг ташкилий томони. Ҳозир бутун жамият каби мактаб ҳам таълим ва тарбия мазмунининг ўзини қатъиян янгилашга, сифат жиҳатдан янгича ривожланишга муҳтож. Ҳозир мактабларнинг синфларида, ҳунар-техника билим юртларининг устахоналарида, студентларнинг дарсхоналарида одамларнинг янги авлодлари вояга етмоқда. Бу авлодлар қайта қуришга фаол қўшилиши лозим. Улар жамият тараққиётининг янги сифати ва жадаллашувини таъминлаши, социализмнинг тарихий тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Мана шундай ўринбосарларни тайёрлашда мактаб етакчи роль ўйнайди.

Ўзбекистондаги халқ маорифи тарихан қисқа муддатда меҳнаткашларнинг ўтмишдаги саводсизлигини тугатибгина қолмай, шу билан бирга республика аҳолиси кенг қатламларининг олий, ўрта ва махсус таълими юксак процентини ҳам таъминлаб, катта йўлни босиб ўтди. Халқ хўжалигида ишлаб турган ҳар минг кишига бизда олий ва ўрта маълумотли 916 киши, шу жумладан 145 дипломли мутахассис тўғри келади.

Бу — социалистик тузумимизнинг, ленинча миллий сиёсатнинг буюк социал ғалабасидир, совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг, улар маданиятлари ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитишининг ютуғидир.

Бироқ ҳаёт бир жойда турмайди ва у мактаб олдига янги-янги катта талаблар қўймоқда. Айниқса кейинги ўн йилликларда республика турмушининг бошқа кўп соҳаларида бўлгани каби халқ маорифи ишида ҳам хўжакўрсинчилик, дабдабабозлик, ялпи ёндашув, ҳақиқатни безаб кўрсатиш асоратли таъсир қилди. Яқин ўтмишда кенг ёйилган социалистик норма ва принципларни бузиш ҳоллари ёш авлоднинг тарбиясига оғир маънавий зиён етказди.

Халқ хўжалигидаги, фан, маданиятдаги ишларнинг аҳволини объектив таҳлил этиш ва баҳолаш шуни кўрсатиб турибдики, кўпгина категориядаги ходимларнинг ишчанлик малакаси, профессионал ва умумий таълим тайёргарлиги даражаси етарли эмаслиги кўп жиҳатдан турғунлик ва қолоқликнинг сабаби бўлди.

Ёш авлодга таълим ва тарбия беришни йўлга қўйишдаги катта хато ва нуқсонлар ҳозир республикани социал-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш йўлидаги тўсиққа айланиб қолди.

Аввало миллий индустриал ишчилар синфини вужудга келтириш масаласини олайлик. Биз янги-янги корхоналарни барпо этяпмиз. Навоий саноат зонаси каби йирик саноат регионларини вужудга келтиряпмиз, фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқлар — химия, машинасозлик, электроникани ривожлантиряпмиз, «куёш», «алгоритм» ва бошқа ноёб объектларни қураяпмиз.

Пленумга тайёргарлик давомида ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижаларига қараганда ёшлар анчагина қисмининг социал муддаолари, ҳаётий қадриятлари ва интилишлари системаси республикадаги ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасидан ва уни ривожлантириш истиқболларидан ажралиб қолган ёки унга зид келади. Шуни айтиш кифояки, саволларга жавоб берган юқори синф ўқувчиларининг атиги уч проценти ўзининг ҳаётий режаларини саноатдаги иш билан боғлаган. Кўп жиҳатдан кадрларнинг тайёргарлиги, замонавий технологияларни ўзлаштириши етарли эмаслиги сабабли қишлоқ хўжалигидаги, бошқа тармоқлардаги самарадорликнинг ўсиши, фан ва маданиятни янада тараққий эттириш юришмаяпти.

Мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг зиммамизга КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми позицияларида туриб умумий таълим, ҳунар ва олий мактабдаги ишларнинг аҳволини талабчанлик билан танқидий таҳлил этиш, уни қайта қуриш йўллари ва аниқ-равшан чора-тадбирларини белгилаш вазифасини юклайди. Айниқса бу вазифани умумпартия ва умумхалқ иши, деб билиб ёндашиш,

уни ҳал этишда партия, совет, хўжалик органларининг, халқ маорифи барча бўғинларининг, ғоят кенг жамоатчиликнинг ўрни, роли ва масъулиятини белгилаб олиш лозим.

Бунда ҳаракатнинг илк нуқтасини тўғри белгилаб олиш, яъни ўрта ва олий мактабнинг ҳақиқий аҳволини, унинг иш савиясини холисона баҳолаш, кадрларни ўқитиш ва тайёрлашдаги ўзгартишлар жараёнига халақит бераётган сабабларни очиб ташлаш муҳимдир.

Хўш, ҳозир халқ маорифидаги ишларнинг аҳволи қандай? Миқдор жиҳатдан биз, гарчи ҳозир эҳтиёжларимиз нуқтаи назаридан етарли бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бирмунча кенг тармоқли системага эгамиз. Бу система 7840 та мактабдан, 563 та ҳунар-техника билим юртидан, 250 та техникумдан ва 42 та олий ўқув юртидан иборат. Бу соҳада 320 мингга яқин педагог ишлаб турибди ва 4 миллиондан ортиқ киши таълим олмоқда.

Тўрт йил муқаддам бошланган **мактаб ислоҳоти** маориф системаси даражасини бирмунча кўтариш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш имконини берди. Партия, совет органлари унинг эҳтиёжларига янада эътибор билан қарай бошладилар. Натижада кейинги икки йил мобайнида мактаб қурилиши ҳажмлари ошди, мактабларни ишга тушириш планлари асосан бажарила бошлади. Партия, совет, хўжалик раҳбарларининг психологиясини, уларнинг ўқув юртлари эҳтиёжларига муносабатини бирмунча ўзгартиришга муваффақ бўлинди. Корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар ёрдамида мактаб ўқувчиларига касб ўргатиш учун 69 мингта ўрин ҳосил қилинди, кўпгина мактабларда устахоналар, кабинетлар жиҳозланди. Шундай бўлса-да, ислоҳотга боғланган умидлар оқланмади, сифат жиҳатидан силжиш рўй бермади.

Мактабларнинг атиги 40 процентга яқини типовой биноларда жойлашган, 75 процентида машғулотлар икки сменада олиб борилмоқда, 150 мингга яқин бола ҳатто учинчи сменада ўқимоқда. 700 тага яқин мактаб авария ҳолатида турибди. Мактабларнинг ярмисида ошхона ва спорт заллари, марказий иситиш системаси ва канализация йўқ.

Бултур Марказий Комитет билан Министрлар Совети мактабларнинг авария ҳолатини тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўриш тўғрисида махсус қарор қабул қилишга мажбур бўлдилар. Бироқ бу қарор тўла-тўкис бажарилгани йўқ.

Бошқа ўқув юртларидаги ишларнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Ҳунар-техника билим юртларининг атиги учдан бир қисми типовой комплексларда, қолган учдан икки қисми эса бир амаллаб мослаштирилган биноларда жойлашган. Республикада лоақал нормативларга яқин келадиган таълим-лаборатория биноларига эга бўлган биронта, такрор айтаман, биронта олий ўқув юрти, техникум йўқ.

Аҳвол ҳаддан ташқари қониқарсизлигини кўриб турибсизлар. Ишни қатъиян яхшилаш учун фавқулодда чоралар кўрилиши керак. Бироқ бир қанча партия ташкилотларида ва ижроия комитетларида ҳамон бепарволик ва хотиржамлик вазияти ҳукм сурмоқда, мактабларни жадал ривожлантириш учун ички резервларни қидириш ва сафарбар этиш бир ёқда турсин, ҳатто давлат ажратиб берган капитал маблағлар ҳам тўла-тўкис ўзлаштирилмай қолиб кетмоқда.

Тошкент областида авария ҳолатидаги 66 та мактаб бор, 417 та мактаб бир амаллаб мослаштирилган биноларда жойлашган. Бироқ область ижроия комитети (ўрток П. М. Абдураҳмонов) буни фавқулодда вазият, деб ҳисобламаётганлиги кўриниб турибди. Область партия комитети ҳам бу ишга муносиб принципиаллик ва талабчанлик билан қарамаяпти. Акс ҳолда, улар қурувчиларнинг мактаб қурилиши планларининг йил сайин барбод этишларига йўл қўйиб келаётганликларини қандай изоҳлаш мумкин. 1986 йилда шу мақсадлар учун ажратилган давлат капитал маблағларининг 86 проценти, 1987 йилда эса 77 проценти ўзлаштирилди.

Ҳунар-техника билим юртлари қурилишининг аҳволи ҳам ёмон. Масалан, Навоий областида уларни қуриш ишлари 65 процент бажарилмоқда. Ҳолбуки, мавжуд ҳунар-техника билим юртларининг кўпчилигида ўқиш учун энг оддий шароит ҳам йўқ. Саноат зонаси жадал ривожланмоқда, қишлоқда ҳам малакали ходимлар керак-ку, ахир! Наҳотки хўжалик эҳтиёжи ҳам область раҳбарларини (ўрток А. А. Айдарқулов) маориф эҳтиёжларига ўз муносабатини қайта кўриб чиқишга мажбур этмаса?

Жиззах область партия комитети ўтган йилнинг бошида ҳунар-техника таълимини ривожлантириш учун ҳар йили камида 2,5 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилиб, бир қарашда яхши ташаббус бошлагандек бўлди. Бироқ ҳужжат тузилгандан кейин у эътиборсиз қолиб кетди, конкрет иш билан мустаҳкамланмади. Йил охиригача атиги 1 миллион сўмга яқин маблағ ўзлаштирилганлиги бундай бепарволикнинг табиий натижаси бўлди.

Ўрток Д. С. Ёдгоров раислик қилаётган Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети шу вақтга қадар авария ҳолатидаги 29 та мактабнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари масалаларини ҳам ҳал этгани йўқ.

Қашқадарё область Деҳқонобод районида ҳам мактаб қурилишига ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши атиги 71 процентни ташкил этади, бу райондаги 20 та мактаб биноси авария ҳолатида, 26 таси ҳатто электрлаштирилмаган. Район партия комитети ва унинг биринчи секретари ўрток М. Норбоев бундай бемаъниликлар учун ҳеч кимдан жавоб талаб қилмади.

Келинглар, қатъий келишиб олайлик: янги ўқув йили бошлангунча республикада авария ҳолатидаги биронта мактаб қолмасин, полсиз ва шифтсиз биронта синфхона қолмасин. Умуман, ўртоқлар, биз, республика активлари билан суҳбатда М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, болалар тўғрисидаги ғамхўрликка маҳкамачилик, хўжалик нуқтаи назаридан эмас, балки партия, давлат ва қолаверса инсоний позицияларда туриб ёндашайлик. Бу гап мақтабларга ҳам, мактабгача тарбия муассасаларига ҳам тааллуқлидир. Республикада болаларнинг атиги учдан бири, қишлоқларда эса фақат тўртдан бири болалар боғчасига бориш имкониятига эга эканлигидан иборат мутлақо нонормал аҳвол биз, партия, совет, хўжалик раҳбарларига бевосита таъналир. Бу ҳол болаларни мактабга тайёрлашни йўлга қўйишга ҳам, оналарнинг аҳволига ҳам жуда салбий таъсир қилмоқда. Бизга мактаб ва мактабгача тарбия биноларини қуриш, ремонт қилиш, ободонлаштиришга қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар барча корхона, ташкилот, хўжаликларни жалб этиш юзасидан қатъий наказ берилган. Партия ташкилотлари бу ишни жуда қаттиқ кундалик назорат остига олишлари керак.

Республикада бу соҳада тажриба бор. Тошкент машинасозлик конструкторлик бюроси (унга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси ўрток Ш. А. Воҳидов раҳбарлик қилмоқда) Паркент районидаги Невич посёлкасида мактаб қурилишида одамлар ва техника билан катта ёрдам берди. Ундаги таълим-ишлаб чиқариш устахонаси корхона ҳисобига тўла-тўкис ускуналанган — токарлик, фрезерлик, пармалаш станоклари, слесарлик дастгоҳлари ўрнатилиб, ишга туширилган. Компьютер синфхонасини барпо этишга киришилди. Мактаб ўқувчилари асосий ишлаб чиқариш корхонасининг цехларида ишлаб чиқариш практикасидан ўтмоқдалар. Санганак посёлкасида мактаб қурилишида ҳам оталиқ ёрдами берилмоқда. Мана буни чинакам партия, давлат манфаатларини кўзлаб ёндашув деса, раҳбарнинг келажак ҳақидаги оқилона ва эзгу ғамхўрлиги деса бўлади. Андижон область Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхози (раиси ўрток Т. Йўлдошев) 1408 ўринли мактаб қуриб берди. Фарғона область Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз (раиси ўрток Б. М. Эргашев) мактабларга мунтазам ёрдам бериб келмоқда. Партия, совет органлари мактаб ишларига мана шундай муносабатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари ва ривожлантиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 2000 йилга бориб асосан бир сменали машғулотларга ўтиш вазифасини қўйди. Бу вазифани ҳал этиш учун биз қўшимча равишда 3 миллион ўринли мактаблар қуришимиз керак. Бунинг учун беш йилликнинг қолган икки йилида ҳар йили камида 1,3 миллион ўринли мактабларни ишга тушириш лозим. Шу муносабат билан республика Министрлар Совети (ўрток С. У. Султонова) мактабларнинг моддий базасини ривожлантириш программасини ишлаб чиқиши зарур. Агар бундай программаларни барча районлар, шаҳарлар ва областлар ишлаб чиқиб, ҳар бир корхона, хўжалик, колхознинг аниқ-равшан ҳиссасини белгилаб қўйса тўғри бўлади.

Биз моддий базани ривожлантирар эканмиз, мактабларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни унутишга ҳақли эмасмиз. Бу соҳада ҳам базавий корхоналар жуда самарали ва зарур ёрдамни беришлари мумкин. Тошкент тўқимачилик комбинати раҳбарияти мана шуларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш ва

жамият учун шак-шубҳасиз фойда келтиришини давлат нуктаи назаридан англаб мактабга эътибор билан қарамоқда. Тўқимачилар мактаблараро кабинетларда 6 та синфни замонавий станоклар билан ускуналадилар, мастерларни бириктириб қўйдилар. Бу ердаги ўқувчилар меҳнат кўникмаларини ўрганибгина қолмай, айни вақтда одамларга керакли маҳсулотни ишлаб чиқармоқдалар, меҳнатга олий маънавий қадрият, деб ҳурмат билан қарашни ўрганмоқдалар. Оталиқдаги мактабларни битириб чиққанларнинг тобора кўпчилиги корхонага ишга келаётганлиги шунинг табиий натижасидир. Бу тажриба бошқа ишлаб чиқариш коллективлари учун намуна бўлиши керак.

Мактабнинг моддий базаси, унинг таълим-методик, техник жиҳатдан таъминланиши ёш авлодга таълим ва тарбия бериш сифатини ҳал қилувчи даражада белгилайди. Бу соҳадаги аҳволни қаноатланарли, деб бўлмайди. Кўпгина ўқув юртлари ўз талабаларига фан асосларидан пухта билим бермаяптилар, уларга умумий маданиятни сингдирмаяптилар, уларга социал йўл-йўриқ бермаяптилар ва меҳнатга амалий кўникмаларни ҳосил қилмаяптилар.

Мактаб ўзининг бош вазифасини — болаларга ўқишни муваффақиятли давом эттириш, ишлаб чиқаришга қўшилиш имконини берадиган умумий таълим негизларини дурустроқ ўргатиш вазифасини ҳаддан ташқари суст бажараётганлиги ташвишли бир ҳолдир. Республиканинг кўпгина педагогика коллективларида ўқув жараёнининг йўлга қўйилиши даражаси пастлиги аввало ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг якунлари билан тасдиқланади. Масалан, замонавий касбларни эгаллаш, мутахассислар тайёрлаш учун асос бўла оладиган физика-математика фанини олайлик. Ўрта мактабларни битириб чиқувчиларнинг камида учдан бир қисми математика соҳасида саводсиз деса бўлади. Тошкент халқ хўжалиги институтида математикадан кириш имтиҳони топширган олти мингдан ортиқ кишидан 4 мингга яқини ёки учдан икки қисми қониқарсиз баҳо олган, атиги 1,6 процентига «аъло» баҳо қўйилган. Фарғона политехника институти абитуриентларининг 50 проценти физикадан имтиҳон топшира олмади. Ваҳолонки, билетларнинг вариантлари марказий олий ўқув юртларига нисбатан енгиллаштирилган эди.

Мустаҳкам умумий таълим негизининг йўқлиги кадрлар таълими ва тайёргарлигининг шундан кейинги ҳамма бўғинларига жуда салбий таъсир қилмоқда. Тошкент автомобиль йўллари институтининг олтита группасида математикадан контрол ишларининг якунлари мана шундай, ҳаддан ташқари ташвишли бўлган паст натижаларни берди: студентларнинг 63 проценти олий математикага оид вазифаларни, 58 проценти эса ҳатто арифметикага оид вазифаларни еча олмади.

Бу гап бошқа ҳамма фанларга ҳам тааллуқлидир. Нукус университети рус тили ва адабиёти факультети IV курсининг студентларига саккизинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган диктант ёзиш таклиф қилинди. Ҳар бир студент ўрта ҳисобда 25 тадан хато қилди. Тошкент область Янгийўл районининг бир қанча мактабларида ўқувчиларнинг учдан бир қисмига яқини ўзбек тилидан контрол ишларни бажара олмади. Армияга чақирилувчилар ҳисоб ҳужжатларини рус тилида ҳам, миллий тилда ҳам тўлдира олмайдиган ҳоллар учраб турибди.

Мана шуларнинг ҳаммаси таълимни тубдан қайта қуриш зарурлигидан, ўқитувчиларни илғор методика билан қуроллантириш кераклигидан далолат беради. Афсуски, халқ таълимимизнинг раҳбарлари О. С. Аббосова, Р. Ҳ. Жўраев, М. С. Салоҳиддинов ўртоқлар ҳозирча таълимнинг сифатида сезиларли ўзгаришларга эриша олганлари йўқ. Улар буйруқлар ва йўл-йўриқларнинг сеҳрли кучига кўр-кўрона ишонишдан қутула олмаяптилар, ўқув жараёнининг сифатига таъсир ўтказмайдиган кўпдан-кўп ва аксарият юзаки текширишлардан воз кечмаяптилар.

Таълим-тарбия жараёнининг эски, анъанавий шаклларига пардоз бериш йўли билан мактабни ислоҳ қилишга уриниш аслида истиқболсиз эканлигини ҳозир қатъий тушуниб олиш зарур. Ҳозирги вақтда таълимни қайта қуришнинг асосий йўналиши умри тугаган шакллардан ва усуллардан муросасизлик билан воз кечишдан, догматизм занжиридан қутулишдан, ижодий ёндашувнинг устунлигидан, халқ маорифини бошқаришни демократиялашдан иборат.

Ўқувчилар ва студентларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилар эканмиз,

ўкув юртларини битирувчиларнинг билим даражасини кескин оширишга эриша олмаймиз деган гапларни тез-тез эшитишга тўғри келмокда. Масаланинг шу тарзда қўйилиши жуда тўғри. Болалар мактабда, ёшлар олий ўкув юртларида сўзсиз ўкишлари керак, уларни ҳар қандай чалғитишга чек қўйиш лозим. Аммо ўкув юртларимизнинг иллати фақат шундан иборат эмас. Мактабда таълим ва тарбиянинг асосий формаси ҳисобланган дарс шу вақтга қадар ҳозирги талаблардан ғоят узоқда эканлиги ўкув юртларимиз фаолиятидаги энг танг жой бўлиб қолмокда.

Ўрганилаётган материалларнинг мазмуни ҳаёт билан, ўкувчиларни меҳнатга ва ижтимоий-сиёсий практикага тайёрлаш билан яхши боғланмаяпти. Муҳими шундаки, таълим билан тарбия ўртасида ўзаро узвий боғланиш йўқ, педагогларнинг диққат-эътибори маълум миқдордаги билимларни етказишга қаратилмокда, одатда маърифийликдан иборат бўлиб қолмокда.

Шу муносабат билан ўқитувчининг ролини, унинг профессионал тайёргарлиги ва педагогик маҳоратини ошириш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Ўқитувчи — мактабни қайта қуриш калитидир. Бизда педагогиканинг чинакам усталари ва новаторлари жуда кўп. Болалар ва ота-оналар Хоразм областидан СССР халқ ўқитувчиси Марям Ёқубова, Самарқанд областидан Юрий Николаевич Крючков, Тошкент областидан Иззатулла Муҳамедов, Тошкент шаҳридаги 2-ўрта ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими мастери Ирина Ивановна Чичкова ҳамда ўзларининг бутун билимларини, ҳаётий тажрибаларини ва қалб қўрини ўкувчиларга бағишлаётган жуда кўп бошқа педагоглар ҳақида илиқ сўзларни айтмокдалар.

Ўқитувчи — ташкилотчи, илҳомлантирувчи кишидир, мактабда қайта қуришни бевосита амалга оширадиган кишидир. Унинг шахси, профессионал малакаси, маданий савияси, ниҳоят унинг қандай инсонлиги ўкувчилар қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бу исботлашга ҳожат бўлмаган ҳақиқат бўлса ҳам кўпгина шаҳарлар ва районларда ўқитувчилар ўзларида ана шундай фазилатларни тарбиялашда уларга ёрдам берилмаяптигина эмас, ҳатто улар ҳақида оддий ғамхўрлик ҳам қилинмаяпти. 23 минг нафардан ортиқ ўқитувчи, шу жумладан икки мингга яқин ёш мутахассис уй-жой шароитини яхшилашга жуда муҳтож. 9 минг ўқитувчи квартира олиш учун навбат кутмокда. Улардан 5 минг нафардан кўпроғи хусусий квартираларда ижарага турибди.

Бу муаммо Фарғона, Тошкент, Андижон, Сирдарё, Жиззах областларида ва бошқа баъзи областларда жуда ўткир бўлиб турибди. Кўпгина ижроия комитетлар аслида бу муаммони тан олмаяпти. Сўнгги уч йил ичида область Советлари ижроия комитетларининг кўпчилиги педагог ходимларга тегишлича уй-жой шароити яратиб бериш, кооператив ва якка тартибда уй-жой қуришни кенгайтириш, ёшлар уй-жой комплекслари қуриш масалаларини умуман муҳокама қилмаган. Партия, совет органлари, халқ маорифи бўлимлари, касаба союзлари ўқитувчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришга, уларнинг меҳнат қилиш, ижодий ўсиш ва дам олиши учун барча зарур шароитларни яратишга етарли эътибор бермаётирлар.

Ўқитувчиларнинг эҳтиёжларига эътибор бермаслигимиз шунга олиб келмокдаки, уларнинг кўплари мактабдан кетиб қолмокдалар. Сўнгги икки йил ичида 23 минг ўқитувчи мактабни ташлаб кетди. Бизда ҳар йили 7,5 минг ўқитувчи етишмаётган бир пайтда ана шундай аҳвол юз берди. Масалан, Андижон областида ҳар йили 2000 педагог мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлаётган экан, область раҳбарлари ва шахсан область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ж. Ҳасанов ўқитувчи кадрларни мустаҳкамлаш проблемасини қандай ҳал қилишмокчи?

Ҳозир барча областларнинг раҳбарларига биз ана шу саволни берамиз. Ўқитувчи — болаларимизнинг тарбиячисигина эмас, у барча ғоявий-сиёсий ва маданий-оммавий ишларда партия ташкилотларининг содиқ ёрдамчисидир. Бизнинг вазифамиз — ўқитувчи ижодкорлик билан ишлаши учун унга ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришдан уни ўз ҳамкасбларининг, замонамиз педагогикасининг тажриба ва билимларини ўрганишига, ўз ўкувчиларига совет кишисининг энг яхши фазилатларини сингдиришига, уларни зарур билимлар билан қуроллантиришига даъват этишдан иборат.

Ўқитувчилар ижодкорлигини ривожлантириш ҳамда педагогика фаолиятининг янги форма ва методларини қидириш ва бу соҳадаги тажрибани қўллаб-қувватлаш халқ маорифи органлари ишида, маънавий ҳаётнинг мана шу муҳим соҳасига партиявий раҳбарликда норма бўлиб қолиши лозим. Ўқитувчиларга сезгирлик билан ва эътибор билан муносабатда бўлиш, новаторликни қўллаб-қувватлаш — педагогикани тўла куч билан ривожлантириш учун, мактабнинг ижодий ҳаёти учун энг зарур бўлган талаблардир.

Педагогика коллективлари ишидаги қолоқлик ва эскиликни қатъий тугатиш керак. Ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш ана шу мақсадга актив кўмаклашишга даъват этилган. Партия комитетлари, халқ маорифи органлари аттестациядан ўтказишни шундай ташкил қилишлари керакки, бир томондан бу иш елкасига дўстона қоқиб, енгил-елпи суҳбат ўтказиш тусида бўлмаслиги, иккинчи томондан эса, янги йўлни қидираётган, камчиликларга қарши курашаётган кишиларга нисбатан холис бўлмаслик фактларини истисно этиши зарур.

Умумий таълим мактабини қайта қуриш бутун халқ маорифи ишини, фан-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган малакали ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг зарур шартидир. Бунда ҳунар-техника таълими системаси муҳим роль ўйнайди. Бу система республика учун ҳар йили 230 та мутахассислик бўйича аслида халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва соҳалари учун 160 мингга яқин ишчи тайёрлаб бермоқда. Шунга қарамай, бу соҳадаги иш бизни кўп жиҳатдан қаноатлантирмайди. Биз саноатнинг замонавий тармоқларида ишчилар, айниқса маҳаллий миллат ёшлари орасида ишчилар етишмаётганлигини қаттиқ сезиб турибмиз. Билим юртларимизни битириб ишлаб чиқаришга келган кишилар замонавий техника ва технологияларни билмасликлари, кўпинча эса уларда оддий меҳнат кўникмалари ҳам йўқлиги маълум бўлиб қолмоқда.

Ҳунар-техника билим юртлари структурасининг ўзи республика халқ хўжалигини ривожлантириш динамикасига зид келиб қолди. Бу билим юртларининг 60 процентдан кўпроғи қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган. Уларнинг фақат 16 проценти қурилиш учун, атиги 22 проценти эса саноат учун мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Ҳолбуки, республикамизда қурувчилар, роботлаштирилган комплекслар, мослашувчи ишлаб чиқариш, рақамли программа билан бошқариладиган ускуналарда ишлаш учун кадрлар етишмаяпти. Рақамли программа билан бошқариладиган ускуналар эса бизнинг келажагимиздир. Тошкентдаги учта корхонанинг ўзидагина («Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида, трактор заводида, «Қомпрессор» заводида) беш йилликнинг охиригача ана шу турдаги станоклар сони ўн баравар кўпаяди.

Ҳунар-техника билим юртларининг кўпи ёмон жиҳозланган, машина-ускуналарнинг 60 проценти эскирган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган, 3 мингдан кўпроқ кабинет, мингта устахона ва лаборатория, юзлаб полигон ва ўқув хўжаликлари, ётоқхоналар ва ошхоналар етишмаяпти. Энди бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Буларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, кўпгина министрликлар ва идоралар, корхоналар ва бирлашмаларнинг, улардаги раҳбарларнинг махсус ҳунар-техника билим юртларига истеъмолчилик, очиқдан-очиқ тайёрга айёрлик муносабатида бўлишлари натижасидир. Улар партия ва ҳукумат қарорларини менсимай, билим юртларини техника билан таъминлашдан ўзларини четга олмоқдалар. Масалан, Давлат агросаноат комитети ҳар йили Ҳунар-техника таълими давлат комитетига 290 та юк автомобили ва 30 та автобус ажратиши керак. Вазифа ҳал этилмаётгани етишмаётгандек ажратилаётган автомобиль ва автобусларнинг 65 проценти ишга мутлақо яроқсиздир. Масалан, Жиззах область Дўстлик районидаги 7-махсус ҳунар-техника билим юртида 309 ўқувчи учун 20 та ўрнига 3 та трактор бор, у ҳам бузуқ, шундай экан, кадрлар тайёрлаш сифати тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин.

Республика Қурилиш министрлиги ҳунар-техника билим юртини битириб ишга келаётганларнинг малакаси пастлигидан ҳақли шикоят қилмоқда. Лекин министр ўрток А. Г. Мананниковдан 25 та база билим юртининг машина-ускуналар, қурилиш материалларига эҳтиёжлари атиги 50 процент қондирилаётган бўлса,

11 та махсус ҳунар-техника билим юрти мослаштирилган биноларда жойлаштирилган, бутун беш йиллик давомида битта корпус ва устахона қуриш режалаштирилган бўлса, кадрларни чинакамига ўқитиб бўладими, деб сўраш ўринли бўлар эди.

Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги Ҳунар-техника таълими давлат комитетидан ҳар йили 300 га яқин малакали ишчи тайёрлаб беришни илтимос қилади. Бироқ, ўрток Р. Р. Юнусов бошчилигидаги министрлик корхоналарнинг илтимосига қарамай, Самарқандда база билим юртини ташкил этишдан воз кечди.

Бундай раҳбарларнинг партиявий ва гражданлик позицияларига фақат шундай баҳо бериш мумкин: улар ўзлари бошчилик қилаётган тармоқлар истиқболини ўйламайдилар, фақат шу кунги ташвишлар билан яшамоқдалар. Тор маҳкамачилик вазифаларини ҳал қилиш учун улар дунёнинг нариги томонидан ишчиларни ёллашга ҳам тайёрлар. Аммо ички кадрларнинг ёш авлодини тайёрлашдек серташвиш иш билан шуғулланишни хоҳламайдилар.

Қайта қуриш кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга биринчи даражали эътибор беришни талаб қилаётганлигини қатъиян аниқлаб олиш зарур. Тошкент шаҳридаги 11-ўрта ҳунар-техника билим юрти ва «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси коллективлари ишчи кадрлар тайёрлашга давлат манфаатларини кўзлаб ёндашув намунасини кўрсатмоқдалар. Бу муҳим ишга Фанлар академиясининг институтлари, рақамли программа билан бошқариладиган станокларга техника хизмати кўрсатиш Тошкент маркази жалб қилинган. Бу эса малакали меҳнат коллективларини шакллантиришга, ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга ижобий таъсир қилмоқда.

Қардош иттифоқдош республикаларнинг Ўзбекистонга интернационал ёрдами анъаналари ҳозир янги мазмун билан боймоқда — улар кадрлар тайёрлашда ёрдам бермоқдалар. Ҳозирги беш йилликда 25 минг нафар йигит ва қиз, асосан маҳаллий миллатга мансуб йигит ва қизлар РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССРдаги энг яхши ўрта ҳунар-техника билим юртларида таълим олмоқдалар. Улар ана шу ерларда энг замонавий касбларни ўрганибгина қолмай, меҳнатда пухта чиниқадилар.

Бизнинг вазифамиз индустриал ишчилар синфини тайёрлашнинг барча формаларидан янада самаралироқ фойдаланишдан иборат. Ишчи касб-корининг обрўйини ва социал аҳамиятини ҳар томонлама ошириш, фақат ишлаб чиқаришда эмас, ижтимоий ҳаётда ҳам уларнинг етакчилик ролини таъминлаш лозим. Бинобарин, партия, совет, хўжалик органлари ҳунар-техника таълими тўғрисида, ёш ишчилардан ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида фойдаланиш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак.

Улар ишлаб чиқаришга келиб ишлаётган дастлабки пайтларда, ўз касбларининг барча сирларини ўрганаётган даврда уларга айниқса алоҳида ғамхўрлик қилиш лозим. Чунки дастлабки иш кунлари, ҳафталар ва ойларда эътиборнинг йўқлиги ёш ишчиларнинг салкам 30 процентини ишлаб чиқаришдан кетиб қолишга мажбур қилаётганлиги сир эмас. Комсомол эса (ўрток А. Носиров) ҳар бир ёш ишчи, ҳар бир мутахассис учун маъмурият билан олишиш ўрнига бундай аҳволга тоқат қилиб келмоқда.

Биздаги 250 та ўрта махсус ўқув юрти кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Улар ҳар йили 80 минг мутахассисга ҳаётга йўлланма бермоқда. Бироқ техникумлар ва педагогика билим юртларида ёшларнинг профессионал тайёргарлиги ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Ана шу категориядаги кадрларга эхтиёжларни ҳисобга олиш чалкаштириб юборилган. Ҳар йили салкам 3 минг мактабгача тарбия мутахассислари ва салкам 2 минг бошланғич синф ўқитувчилари ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келмоқдалар. Республикада болалар боғчалари ғоят етишмай турган, болаларни олти ёшдан ўқитиш вазифаси қониқарсиз ҳал этилаётган пайтда ана шундай бўлмоқда. Халқ маорифини қайта қуришда, юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий мактаб алоҳида роль ўйнаши керак. 42 та олий ўқув юрти йилига салкам 50 минг мутахассис тайёрлаб беради. Уларга таълим беришда 20 минг ўқитувчи, шу жумладан 700 нафар фан доктори ва 8 мингдан кўпроқ фан кандидати банд бўлиб турибди.

Олий ўқув юртларида қайта қуриш қандай бормоқда? Баъзи ишларни бажаришга муваффақ бўлинди. Олий ўқув юртларининг 19 та филиали тугатилди, билимнинг сифати учун студентларга нисбатан талабчанлик анча оширилди. Ишлаб чиқаришда кафедраларнинг 60 та филиали очилди, 20 та ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, марказлари тузилди, кадрлар тайёрлашнинг шартнома шароитларига ўтишда дастлабки қадамлар қўйилди.

Шунга қарамай, ҳозирча олий мактаб ишида туб ўзгариш бўлгани йўқ. Марказий Комитет бюросида яқинда Тошкент политехника институти партия комитетининг иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу муҳокама республикадаги кўпгина олий ўқув юртлари учун хос бўлган катта камчиликларни яққол кўрсатди. Бу камчиликларнинг моҳияти шундан иборатки, бўлажак мутахассисларга таълим бериш савияси, илмий тадқиқот ишлари даражаси жуда қониқарсиз. Иш шу даражага бориб етдики, ишлаб чиқариш коллективлари институтни битирганларни қабул қилишдан бош тортмоқдалар.

Самарқанд архитектура-қурилиш институти, Андижон медицина институти, Низомий номидаги Тошкент педагогика институти каби бир қанча олий ўқув юртларида эса раҳбарият билан партия комитетлари таълим жараёнини қайта қуриш ва яхшилаш ўрнига бузғунчиликларни кўриб чиқиш билан банддирлар. Олий ўқув юртларимизда ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, сотиб олиш, қариндош-уруғчилик ва юртдошлик алоқалари ҳали тугатилган эмас.

Ўқув юртларини бошқаришни демократиялаш жараёни бошланганлиги ва аввало барча даражадаги раҳбарларни сайлаб қўйиш, профессор-ўқитувчилар состави лавозимларини сайлаб қўйиш асосида конкурс йўли билан эгаллаш салбий ҳодисаларга қарши курашнинг, амалий, соғлом вазиятни қарор топтиришнинг таъсирчан воситасидир. Бизда мактаблар, олий ўқув юртлари раҳбарларини сайлашнинг дастлабки тажрибаси бор, бу тажриба умуман ижобий тажриба. Бироқ практика коллектив, унинг раҳбарлари, партия ташкилотининг социал етуклиги учун ана шу жиддий имтиҳондан ҳамма ҳам ўта олмаётганлигини кўрсатди.

Олий таълимни қайта қуришда студентларнинг ўзини ўзи бошқарувига муҳим роль ажратилади. Ҳозир бу жараён муҳим тус олмоқда. Илмий кенгашлар аъзоларининг қарийб учдан бир қисми студентлардир. Бу демократиялашнинг яққол кўзга ташланадиган элементи бўлиб, у олий ўқув юрти иши сифатини оширишга ижобий таъсир қилмоқда. Лекин кенгашлар составига ўз ўртоқлари томонидан кўрсатилган, ўзининг янги ролини тушуниб етадиган студентларнинг ҳақиқатан ҳам энг обрўли намояндалари сайланиши керак. Бу партия ва комсомол комитетлари бажарадиган ишдир.

Олий ўқув юртларида қайта қуришни авж олдириб юбориш, мутахассислар тайёрлашни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражасини юксалтириш, унинг самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишга олий мактабнинг илмий имкониятларини жалб қилиш зарур.

Бунинг учун бир қанча принципиал масалаларни, албатта, ҳал этишга тўғри келади. Энг аввало, олий ўқув юртларининг структурасини республика эҳтиёжларига мувофиқлаштириш керак. Бизда заифлиги аниқ кўриниб турган ва истиқболи йўқ факультетлар, кафедралар ва ҳатто олий ўқув юртлари бор. Уларга нисбатан биз маҳаллий манфаатлар нуқтаи назаридан эмас, балки давлат нуқтаи назаридан қарашимиз лозим. Уларни замонавий талаблар даражасига кўтариш мумкин бўлса — бу ишни тезроқ бажариш лозим. Агар мумкин бўлмаса, қийин бўлса ҳам узил-кесил қарор қабул қилиш — уларни тугатиш ёки турдош институтлар билан бирлаштириш зарур.

Олий ўқув юртларида таълим ва илмий-тадқиқот жараёнлари жуда ёмон таъминланган. Масалан, Тошкент давлат университетида ЭҲМ бошқариш пульти олдидаги бир иш жойига 180—200, Нукус давлат университетида 300—400 студент тўғри келади. Ҳолбуки, мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртларида бундай иш жойига 20—25 студент тўғри келади. Таъминот органлари аҳволни қатъий ўнглаш йўлини топишлари лозим. Практика бу аҳволдан қутулишнинг бошқа ғоят самарали йўлини кўрсатмоқда: бу йўл олий мактабни фан ва ишлаб чиқариш билан боғлашдир. Таълим, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштириш йўлидир.

Партия, совет ва хўжалик органлари олий ўқув юртларининг эҳтиёжлари билан аниқ-равшан ва самарали шуғулланишлари лозим. Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг тақдири ана шундай ишчанлик билан, давлат манфаатларини кўзлаб ёндашув етишмаётганлигидан далолат бериб турибди. Ғояга кўра бу институт рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлаш ҳамда рус тилини ўқитишнинг замонавий методикасини ишлаб чиқишнинг регионал марказига айланиши керак эди, лекин институтда кадрлар тайёрлаш учун ҳеч қандай шароит йўқ, бинолар билан атиги 18 процент таъминланган. Министрлар Совети бу масалани бир неча марта кўриб чиқди ва ўтган йилнинг августида «Узоргтехстрой» ва «Уздорремпроект»нинг қурилаётган биноларини институтга олиб берди. Бу бинолар 10 йилдан буён қурилмоқда, капитал маблағларнинг атиги 44 проценти ўзлаштирилган, сўнгги икки йил ичида бу ерларга умуман қурувчиларнинг қадами етгани йўқ.

Энди бундай бўлиши мумкин эмас. Агар биз рус тилини ўрганиш муаммосини ҳал қилиш билан ҳақиқатан ҳам жиддий шуғулланмоқчи бўлсак, келинглар, буни биз олдин ана шу ўз моҳияти жиҳатидан хўжалик вазифаси эмас, балки ижтимоий-сиёсий вазифани ҳал этишга муносабатимиз намунасида исбот қилайлик.

Олий ўқув юртларига кирувчиларнинг тайёргарлиги бўшлигини ҳисобга олиб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти тажрибасига эътибор бериш керак. Институт партия комитети, ректорати вазифани ҳал этишнинг ностандарт йўлларини изламоқдалар, нима қилиб бўлса ҳам студентлар қабул қилиш планини бажаришга ҳаракат қилмай, балки яхши тайёргарлик кўрган ёшлар келишини таъминлашга уринмоқдалар. Тажриба тариқасида институт ҳузурида бўлажак абитуриентларни тайёрлаш мақсадида умумий таълим мактабининг иккита ўнинчи синфи ишлай бошлади. Ўқувчилар ётоқхона, имтиёзли овқатланиш билан таъминланганлар. Уларга мактаб программасини ўзлаштириш ва асосий фанлар негизларини ўргатишни қўшиб олиб бориб, таълим бермоқдалар.

Аммо энг муҳими олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар составининг малакасига, илмий савиясига ва ижодий потенциалига боғлиқ, албатта. Бу ерда ҳали илмий-тадқиқот билан йиллаб шуғулланмаётган малакасиз ўқитувчилар бор. Ҳолбуки, фан билан шуғулланмай қўйган ўқитувчи ўсмаслиги, студентларга ижодий билим беришга қодир эмаслиги яхши маълум. Олий ўқув юртидаги сийқалик, ғўрлик жамиятга жуда қимматга тушмоқда. Демак, аттестациялар, конкурслар ўтказиш керак. Таълим сифатини оширишнинг республикадаги олий ўқув юртлари ва мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртлари ўртасида ўқитувчиларни айирбошлаш формаси ҳам самарали бўлади. РСФСР, Украина ва бошқа республикаларнинг олий ўқув юртларидан курсларни ўқиш, махсус семинарларни, айниқса, фандаги янги йўналишлар бўйича семинарларни олиб бориш учун таниқли олимларни таклиф қилиш лозим. Ўқитувчиларимизнинг мамлакатимиздаги энг яхши олий ўқув юртларида стажировкадан ўтишини ҳам практикага кенг жорий этиш керак.

Юқори малакали ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш муаммосининг яна бир муҳим жиҳати бор. Гап қандай кадрлардан қанча тайёрлаш кераклиги, ўқув юртларини қаерда жойлаштириш ва ниҳоят мутахассисликлар структураси қандай бўлиши кераклиги ҳақида бормоқда. Бу масалаларнинг ҳал қилинмаганлиги шунга олиб келмоқдаки, бир қатор мутахассислар айни бир пайтда республикадаги ҳамма олий ўқув юртларида оз-оздан бўлса ҳам тайёрланмоқда. Бунинг устига олий ўқув юртларимиз, техникумларимиз, ҳунар-техника билим юртларимиз ҳозирги вақтда талаб унча кўп бўлмаган мутахассисларни юзлаб, минглаб тайёрлаб бермоқдалар, айни бир вақтда республика халқ хўжалигининг ривожланаётган тармоқларига мутахассислар етказиб бермаяптилар. Госплан Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети билан биргаликда шу йилнинг ўзидаёқ республика халқ хўжалигининг аниқ-пухта касб-ҳунар-малака характеристикасини тузиб чиқиб, шу асосда кадрларга буюртма аниқ бўлишини таъминлаши, Маориф министрлиги эса олий ўқув юртлари, техникумлар, билим юртлари ва улардаги мутахассисларни тартибга солиши зарур.

Ўртоқлар! Жамиятимиз ҳамма соҳаларини янгилашнинг жадал суръатлари кадрлардан катта сафарбарликни, ўз билимларини мунтазам янгилаб боришни,

профессионал тайёргарлик даражасини оширишни талаб қилади. Шу боисдан кадрлар малакасини мунтазам ошириш зарурлиги ҳақидаги масала ҳар қачонгидан ҳам ўткир қилиб қўйилмоқда. Гап аслида барча категориядаги ходимларга узлуксиз таълим бериш ва уларни қайта тайёрлашнинг яхлит системасини яратиш ҳақида бормоқда.

Бунда кечки ва сиртқи ўқиш муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган студентлар билан энг яхши педагог кадрлар иш олиб боришлари керак, ҳозир эса одатда бунинг акси бўлмоқда. Кечки ва сиртдан ўқийдиган ёшлар ўз билими билан дипломни оқлашлари керак. Практика билан алоқа, олинган назарий билимларни ишлаб чиқаришдаги ишларда мужассамлаштириш уларнинг имтиёзидир. Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги кечки ва сиртқи ўқишни ташкил этишни қайта кўриб чиқиши зарур.

Таълим ва тарбиянинг мураккаб ҳамда кенг кўламли вазифаларини ҳал этишда педагогика фани ўзининг салмоқли сўзини айтиши лозим. Бу соҳада бизда Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, олий ўқув юртларининг олимлари, республика Фанлар академияси иш олиб бормоқда. Бу фан билан шуғулланувчилар кўп, лекин ана шу долзарб масалаларга оид асарларнинг кўпида янгича ёндашувлар йўқ, маълум бўлган, кўп жиҳатдан эскириб қолган қоидалар такрорланмоқда.

Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини ривожлантириш динамикаси ишчилар ва мутахассислардан мавжуд профессионал билим ва кўникмаларини узлуксиз тўлдириб ва янгилаб боришни талаб қилмоқда. Бу вазифани малака ошириш курслари ва институтлари ҳал қилмоқда, уларни ҳар йили салкам 900 минг киши битирмоқда. Лекин уларнинг идоравий тарқоқлиги иш самарадорлигини анча пасайтирмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорга мувофиқ министрликлар ва идоралар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш формаларини қайта кўриб чиқиб, уларни республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бошчилигидаги ягона системага бирлаштиришлари зарур. Партия комитетлари бу муҳим вазифани ҳал этишни қаттиқ талаб қилишлари керак.

Ўртоқлар! Кўриб турибсизки, ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилиш муаммолари педагогика ишлари доирасидан анча ташқарига чиқади. Аслини олганда, гап қайта қуришнинг энг муҳим асосий бўғини ҳисобланган одамларга таълим ва тарбия беришнинг бутун системаси тўғрисида бормоқда. Масалани бу тарзда қўйиш партиявий раҳбарлик даражасини қатъиян оширишни талаб қилади.

Партиявий раҳбарлик таълим ва тарбия жараёнларига маъмуриятчилик билан аралашишдан, педагогик коллективлар ва профессор-ўқитувчилар коллективи фаолиятини ўзбошимчалик билан чеклаб қўйишдан иборат эмас. Бу соҳанинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, унга уқувсизлик билан ҳар қандай ёндашишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз — партиявий таъсирни кучайтириб, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар ва олий ўқув юртлари партия ташкилотларининг роли ва жанговарлигини оширишдан иборат.

Ҳозир халқ маорифи системасида 64 мингдан ортиқ коммунист ишламоқда, бу бутун республика партия ташкилотининг ўндан бир қисмидир. Улар олти минг партия ташкилотига бирлашган. Бу бутун таълим-тарбия ишларини қайта қуришни йўналтириб туришга, умумпартиявий, умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим ишда намуна кўрсатишга қодир бўлган катта кучдир. Аммо Марказий Комитет, область, шаҳар, район партия комитетлари, шунингдек совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари унга доимий эътибор бериб, ёрдам ва мадад кўрсатган тақдирдагина ана шундай куч бўла олади.

Ҳолбуки, партия комитетларида халқ маорифига ана шундай муносабат етишмаяпти. Уларнинг кўплари студентлар ва мактаб ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этиш масаласи пайдо бўлгандагина ўқув юртларини эслайдилар. Область, шаҳар, район партия комитетлари ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқадиган ўша камдан-кам ҳолларда ҳам улар ўқув юртларининг ишини юзаки таҳлил қиладилар, қабул қилинган қарорлар сийқа, умумий гаплардан иборат бўлади, белгиланган ишларни бажариш зарур чораларни амалга ошириш билан мустаҳкамланмайди.

Масалан Самарқанд область партия комитети бюроси (секретарь ўртоқ Ф. А. Шукурова) ўтган тўрт йил ичида мактаб ислоҳотининг бориши масаласини атиги икки марта муҳокама қилди. Моддий-техника базасини мустаҳкамлашдаги ўпирилишлар учун, ўқув-методика ишларидаги камчиликлар учун ҳеч кимдан жавобгарлик талаб қилинмади, ҳеч кимнинг зиммасига масъулият юкланмади. Шу сабабли бу ерда мактаб ишларида ҳам, олий ўқув юртлари фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар ва салбий ҳодисалар кўплигига ажабланмаса ҳам бўлади. Ҳолбуки, область ўқув юртларининг сони жиҳатдан республикада иккинчи ўринда туради.

Бухоро область партия комитети халқ маорифи эҳтиёжларига локайдлик билан қараб, принципсизларча муносабатда бўлмоқда. Область партия комитетининг секретари ўртоқ С. Н. Бахронова кўпгина корхоналар амалий малакаси жуда пастлиги учун Бухоро технология институтини битирувчилардан ўз мутахассислиги бўйича фойдаланишдан бош тортаётганликлари каби ташвишли фактни мутлако сезмаяпти.

Қорақалпоғистон область партия комитетида ҳам, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитетининг фан ва ўқув юртлари бўлимида ҳам Нукус давлат университетидаги катта камчиликлар тўғрисида кўп гапирилди. Бу ўқув юртига автоном республика партия органлари ва айниқса, область партия комитетининг секретари ўртоқ М. К. Аралбоев жуда катта эътибор бериши лозим эди. Аммо университет партия йиғилишида коллективнинг олий таълимни қайта қуриш хусусидаги вазифалари муҳокама қилинган пайтда шу ерда ҳозир бўлган 150 кишидан бор-йўғи тўрт киши сўзга чиқди, улар ҳам ишдаги ҳеч қандай камчиликларни очиб ташламадилар ва ҳеч қандай аниқ таклиф киритмадилар. Нукус шаҳар партия комитети билан Қорақалпоғистон область партия комитети эса тадбир ўтказилди, деб қайд этишди.

Халқ маорифи системасини бошқа соҳаларда ишни барбод қилган, энг ёмони эса обрўсини тўкиб қўйган кадрлар билан тўлдириш каби яроқсиз практикага чек қўйилгани йўқ. Масалан, Хоразм область партия комитети ишдаги катта камчиликлари учун ҳунар-техника таълими область комитетининг бошлиғи ўртоқ Л. Асқаровани ишдан бўшатиб, уни область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосарлигига тавсия қилишдан бошқа яхшироқ йўл тополмади. Қашқадарё область партия комитети шаҳар партия комитетининг собиқ секретари Р. Аминова ўзига топширилган соҳага раҳбарликни таъминлай олмаганини тан олиб, уни педагогика билим юрти директори қилиб тасдиқлашни лозим топди. Сурхондарё областида салбий сабабларга кўра ишдан бўшатилган ўқув юртларининг 13 раҳбаридан 9 нафари ҳали ҳам раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турибди.

Ана шу ва бошқа камчиликлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлими ҳамда шахсан унинг мудири ўртоқ Н. Т. Тўхлиев халқ маорифига раҳбарлик қилишда расмиятчиликка йўл қўяётганлигини кўрсатиб турибди. Бўлим ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилишнинг кўпгина масалаларини коллегиал органлар муҳокамасига киритди, яхшигина қарорлар қабул қилинди. Аммо энг муҳим ишга — қабул қилинган қарорларни бажариш, режалаштирилган ишларни охирига етказиш юзасидан ташкилий ишларга келганда, бунга бўлимнинг қўли тегмаяпти. Бўлим ходимлари халқ маорифи органларида кадрлар сиёсатини ўтказишда ҳам қатъий позицияда турмадилар.

Марказий Комитетнинг база корхоналарининг ўзларига бириктилган мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларига ёрдам бериши, мактаб ўқувчилари ва студентлар овқатланишини ташкил этиш юзасидан чиқарган қарори бажарилмаётган экан, бунга Марказий Комитетнинг тармоқ бўлимлари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, оғир саноат ва машинасозлик, қурилиш ва шаҳар хўжалиги, транспорт ва алоқа, енгил саноат ва халқ истеъмол моллари, савдо ва маиший хизмат бўлимларининг эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Область партия комитетлари, Марказий Комитетнинг ташкилий-партиявий ишлар бўлими нима учун бир қанча районларда педагогика коллективларида партия аъзолари сафи камайиб кетганлигини, республика мактаблари ҳамда ҳунар-техника билим юртларининг учдан икки қисмида, Сирдарё, Сурхондарё, Навоий областларида эса мактабларнинг деярли ярмида нима учун партия ташкилотлари йўқлигини таҳлил қилиб чиқиши зарур. Шу билан бир вақтда

Кашқадарё областидаги Чироқчи районида сўнгги беш йил ичида халқ маорифи ходимларидан 32 киши партияга қабул қилинган бўлса, шундан атиги 12 киши ўқитувчи, кўпчилиги — бухгалтерлар, кассирлар, болаларга таълим ва тарбия беришга бевосита алоқадор бўлмаган бошқа касб вакилларидир.

Хуллас, ўртоқлар, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш ҳақида ғамхўрлик қилиш бизнинг умумпартиявий ишимиздир. Бу иш билан чинакам партиявий тарзда — чуқур, малакали, принципиал ва доимий шуғулланиш керак.

Ўрта ва олий таълимни қайта қуришдан мақсад ёшларнинг билим ва касб даражасини оширишдангина иборат эмас. Қайта қуриш айни бир вақтда чинакам совет гражданларини, революцион анъаналарни давом эттирувчиларни, партия сиёсатини тушунадиган, уни ҳимоя қилишга ва ўтказишга қодир бўлган серғайрат кишиларни тарбиялаш вазифасини ҳал қилиши керак.

Республикамиз ёшлари ўз оталари, кейинги авлод бошлаган ишни давом эттиришда фаол қатнашмоқдалар. Улар социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларига сезиларли ҳисса қўшмоқдалар. Улар асосан чинакам гражданлар, ҳақиқий ватанпарварлардир. Бироқ ёшлар орасида кўзга ташланаётган ижтимоий-сиёсий пассивлик, ишончсизлик кўринишларини, маънавий мезонлар пасайганлигини, ибтидоий маънавий қадриятларга мойилликни сезмаслик мумкин эмас.

Халқ маорифи органлари ҳам, партия ва комсомол комитетлари ҳамда ташкилотлари ҳам мактаблардаги, ҳунар-техника билим юртларидаги, техникумлардаги ва олий ўқув юртларидаги тарбиявий жараёнга дуруст эътибор бермаётганликларини тўғридан-тўғри тан олиш керак. Кўпгина мактабларда тарих, адабиёт дарслари аниқ-равшан инсонпарварлик руҳида, социал-синфий йўналишда ўтказилмаяпти, табиий-илмий фанлар материалистик дунёқарашни тарғиб қилиш билан чамбарчас боғлаб ўқитилмаяпти. Рус ва ўзбек тилларида ўқитиладиган аралаш мактаблар сони сунъий равишда чеклаб қўйилганлиги интернационал тарбияга ёрдам бермайди. Жамиятшунослик ўқитувчилари орасида зарур билимга ва муносиб ахлоқий-сиёсий фазилатларга эга бўлмаган тасодифий кишилар оз эмас. Улар орасида бир ярим мингдан кўпроқ киши тўлиқсиз олий маълумотли, 715 киши эса фақат ўрта маълумотлидир. Натижада мактабларни битириб чиққан кўпгина йигит-қизлар ижтимоий тараққиёт қонунларига оид энг оддий билимларга ҳам эга эмаслар, социал турмуш нималигини яхши тушунмайдилар.

Олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг сифати алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Зеро институтни битириб чиққан киши шунчаки малакали мутахассис бўлибгина қолмай, аввало сиёсий жиҳатдан саводли, ғоявий жиҳатдан етук граждан, илғор мафкура ва маданият соҳиби бўлиши керак.

Аммо ижтимоий фанлар кафедраларида таълим-тарбиявий ва илмий ишнинг йўлга қўйилиши шу талабларга жавоб бермайди. Бир қанча институтларда лекциялар ва амалий машғулотлар ғоявий-назарий ва методик жиҳатдан паст савияда, догматик ва қироатхонлик руҳида ўтмоқда, студентларнинг сиёсий онгини ва ғоявий эътиқодини ривожлантиришга кўмаклашмаяпти.

Аҳвол мана шундай бўлгач, Самарқанд университетида саволларга жавоб қайтарган студентларнинг 42 проценти худога ишонишини, 40 проценти диний маросимларга ижобий назар билан қарашини айтганига ажабланишнинг ҳожати йўқ. Бухоро технология институтида ҳам тахминан мана шундай манзара аниқланди. Бу ерда муаллимларнинг муайян бир қисми орасида миллатчилик оғмачилиги руҳидаги сиёсий ғўр кайфиятлар аниқланганлиги тасодифий ҳол эмас. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Тошкент медицина институтидаги илмий коммунизм ва КПСС тарихи кафедраларига, Ўрта Осиё педиатрия институтидаги сиёсий иқтисод кафедрасига малакасиз раҳбарлик қилинаётганлиги бир йилдан кўпроқ вақт муқаддам Марказий Комитетда ўтказилган кенгашда танқид қилинган эди. Бироқ шу вақтга қадар у ерда сезиларли ўзгариш рўй бермади. Кўпчилик коллективлар фақат бир миллат вакилларидан иборат, коллектив аъзолари эса пенсия ёшига яқинлашиб қолганлигини нормал деб ҳисоблаш қийин. Ижтимоий фанлар муаллимларининг қарийб чорак қисми партиясизлар эканлиги мутлақо нормал бўлмаган бир ҳолдир, албатта. Агар Пленум Марказий Комитетнинг фан ва ўқув юртлари бўлимидан область ва шаҳар партия коми-

тетлари билан биргаликда ҳар бир олий ўкув юртидаги аҳволни партиявий, интернационалистик позицияларида туриб, синчиклаб ўрганиш ва жамиятшунослик кафедраларини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини катъиян яхшилаш чораларини кўришни талаб килса, тўғри бўлади.

Хўжалик механизмини кайта куриш биздан мактабларни, хунар-техника билим юртларини ва олий ўкув юртларини битириб чиккан кишиларнинг бошланғич иктисодий тайёргарлиги масалаларига ҳам эътиборни кучайтиришни талаб килади. Улар хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи пул билан таъминлаш нималигини билишлари, келгуси ишда иктисодий категориялардан амалий равишда фойдалана оладиган бўлишлари керак.

Ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишини жиддий равишда кучайтириш зарур. Бу — халк маорифи органлари, комсомол, ДОСААФ ва ҳарбий комиссариатларнинг энг муҳим вазифаси ва шон-шараф ишидир. Бу ишда запасдаги жангчиларнинг, интернационалистлар, ветеранларнинг тажрибаси ва билимидан активрок фойдаланиш лозим.

Мактаб, бошка ўкув юртлари билан оиланинг алокасини мустаҳкамлаш, болалар тарбияси учун ўкитувчиларнинг ҳам, муаллимлар, профессорлар ва ота-оналарнинг ҳам масъулият меъёрини ошириш бениҳоя муҳимдир. Аҳоли орасида педагогика билимлари асосларини кенг микёсда тарғиб килиш, тарбиячилик кўникмаларини сингдириш керак. Оммавий педагогика умумий таълими зарур, у маориф воситасигина бўлиб колмай, шу билан бирга аҳолига мафкуравий таъсир ўтказишнинг самарали усули ҳам бўлиб колиши, атеизм ва ахлок, карши пропаганда, турмуш ва муомала маданияти, гигиена ва санитария ҳамда шу каби масалаларни камраб олиши ҳам лозим.

Ёш авлодни тарбиялаш — мураккаб, кўп киррали жараён, шу сабабли бу ишни самарали килиш, совет кишисининг олий муддаосини, социализмнинг юксак инсонпарварлик максадларини ўзлари кўришлари ва ёшларга тушунтириб беришлари — партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг вазифасидир.

Кайта куришни идеологик жиҳатдан таъминлашга эътиборни кучайтирайлик

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан ва партия XXVII съездидан кейин турмушимизда рўй бераётган ўзгаришларни идрок этиш, кайта куриш давомида вужудга келган янги вазифаларни илгари суриш — мана шуларнинг ҳаммаси мамлакат, республика, ҳар бир коллектив ва ҳар бир кишининг турмушига зўр интеллектуал, маънавий омил бахш этганини биласизлар, ўртоклар. Ҳозир экономикада, маданиятда, социал ва сиёсий соҳада тузатишни, янгича ёндашувларни, бекиёс ўсган талабларни эътиборга олиб ҳал килишни такозо этадиган бир талай масалалар пайдо бўлди. Бирок кандай бўлмасин, инсон, унинг сиёсий, интеллектуал, маънавий даражаси, унинг ватанпарварлиги ва интернационализми, гражданлик позицияси ва фаоллиги ўзгармас, белгиловчи омил бўлиб колмокда.

Партия маънавий соҳада давом этаётган, уни поклаш ва бойитишга, маънавий кучни ва онгли потенциални ўстиришга кўмаклашадиган жараёнларга ғамхўрлик, билимдонлик билан ва олисни кўзлаб муносабатда бўлиш йўлини катъият билан ўтказа бошлади. Танкид учун такикланган зоналар ва мавзулар тугаб бормокда. Нуктаи назарлар жўшкин ва эркин таккосланмокда. Пропагандага, ахборот манбаларига ишонч ошмокда. Янгича тафаккур колокликка карши кийин курашда шаклланмокда. Акидалар ва сийкаликлардан изчиллик билан халос бўлаётган ижтимоий онгда ижобий ўзгаришлар рўй бермокда. Кенгайиб бораётган ошкоралик ва демократия шароитида пропаганда ишининг тажрибаси тўпланмокда.

Бирок, Михаил Сергеевич Горбачев республика активлари билан учрашувда таъкидлаганидек, янгича тафаккурни эгаллаш жараёни, онгни кайта куриш ҳаддан ташкари секинлик ва кийинлик билан бормокда. Партия комитетлари, идеология муассасалари одамлар билан ишлашда догматизм ва маъмуриятчиликдан, турғунлик даврига хос услублар ва усуллардан ҳозирча дадил ва кескин

халос бўлмаяптилар. Кўпинча янги вазифаларни эски воситалар билан ҳал этишга уринмоқдалар. Ялпи ёндашув деган иллат зудлик билан бартараф этилмоқда. Тарғибот ва тарбия ҳали ҳам иқтисодий ислоҳот билан, ўткир социал муаммолар билан, одамларнинг ҳаёт фаолиятлари шароитлари билан етарли равишда боғланмаяпти. Демократия, ошкоралик, бемалол фикрлашиш йўлида ҳали тўсиқлар кўп.

Одамларга ишонч, ғайриодатий ишларга сабр-тоқат, хайрихоҳлик, ташаббус ва новаторликни рағбатлантириш, талантларни қўллаб-қувватлаш — қайта қуришнинг маънавий соҳасида партиявий ишнинг энг муҳим принципларидир. Бу ўринда гап ана шу соҳадаги жараёнларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, мафкурамиз ва ахлоқимизга зид ҳодисаларга йўл қўйиш ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Буни эслатишга тўғри келаётганининг сабаби шуки, халақит берувчи кучлар бюрократик аппарат даргоҳи билангина чекланмайди. Граждан нурсизлиги, тафаккурнинг мустақил эмаслиги, масъулиятсизларча сафсатабозлик, сўз билан ишнинг бир ердан чиқмаслиги идеология соҳасида ҳам мавжуд, партия комитетлари ва ташкилотларининг фаолиятида ҳам барҳам топган эмас.

Мафкуравий таъсир воситаларининг ҳаммасини қатъият билан янгилаш зарур. Марксча-ленинча таълим системасида, оғзаки ва матбуот пропагандасида, адабиёт ва санъат арбобларида партия билан халқ ҳал этаётган вазифаларнинг бутун мураккаблигини кўрсатиб бериш маҳорати етишмаётир. Баъзи бировлар шов-шувларга берилишдан ўзларини тияолмаётирлар, ўтмиш ва ҳозирги воқеаларга юзаки, пухта ўйламасдан баҳо бериш дардига мубтало бўлганлар. Баъзан айрим шахслар ва воқеаларнинг роли ўзбошимчалик билан, етарли даражада синфий ёндашилмаган ҳолда талқин этилаётир. Илмий муҳитда, ижодий союзларда, театрларда, газета ва журналларнинг редакцияларида гуруҳбозлик элементлари намоён бўлмоқда. Биз ҳаддан ташқари катта нарсаларни кутаётган, бир зарб билан ўзгаришларга эришишни истаётган кишиларга ҳам дуч келаётирмиз. Эски одатлар билан яшаши осонроқ бўлган, демократия ва ошкораликни чеклашга интилаётган кишилар ҳам оз эмас.

Қайта қуриш тўлқини юзасида кўпик сингари вужудга келаётган айрим носоғлом ҳодисалар жиддий ташвиш туғдирмоқда. Сиёсий жиҳатдан етук бўлмаган айрим шахслар ҳақиқатан ҳам жиддий бўлган демографик вазият муаммоларига, Орол тақдирига, экологик вазиятга бир томонлама ёндашиб, баъзан бу муаммоларни қурол қилиб олиб, аҳволни ишчанлик вазиятида таҳлил қилиш ўрнига жазавага тушиб эҳтиросларни авж олдирмоқдалар.

Шуни айтиб ўтишим зарурки, ҳозир иттифоқ органларида бизнинг бевосита иштирокимизда Орол денгизини тиклашнинг турли вариантлари ишлаб чиқилаётир. Бошқа муаммоларни ҳам ҳал этиш йўллари қидирилаётир.

Баъзан ёт унсурлар овозига тақлид қилиб, ўзбек миллий маданияти гўё хавф остида қолаётганлиги ҳақида оҳ-воҳлар айтилмоқда. Кўпгина ўртоқлар матбуотнинг ҳар қандай танқидий чиқишига жиззакилик билан муносабатда бўлиб, бутун эътиборни айрим, етарли даражада текширилмаган гапларга қаратмоқдалар. Биз ҳаммамиз ўзимизда сиёсий маданиятни — мунозара маданиятини, фикрлар хилма-хиллигини, энг жиддий муаммоларни ҳам ошкора муҳокама қилиш кўникмасини тарбиялашимиз зарур. Муҳокама ва мунозараларда шахсий ёки гуруҳ манфаатларини юқори қўйиш, беўрин шубҳа, ёппасига қоралаш, ёрлиқлар осиш бўлмаслиги керак.

Идеологик ва ташкилотчилик ишларини реал муаммолар билан мустаҳкам боғлаш, қуруқ сафсатабозлик ва насиҳатгўйликдан қутулиш, бу ишни инсонга яқинлаштириб, ижтимоий пассивликни бартараф этиш, оммани турмушнинг ҳамма томонларини янгилаш учун курашга отлантириш, том маънода отлантириш керак.

Бу жиҳатдан республикадаги тобора кўпроқ корхоналар, ташкилотлар, тармоқлар ва бутун-бутун соҳалар меҳнат коллективларини қамраб олаётган туб иқтисодий ислоҳот янги имкониятларни яратмоқда ва айни вақтда янги талаблар қўймоқда. Хўжалик ҳисоби, бригада ва оила пудрати, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш минглаб ва миллионлаб меҳнаткашларни амалий қайта қуриш жараёнига жалб қилмоқда. Энди улар ишлаб чиқаришда социалистик тартиб ўрнатишдан бевосита манфаатдордирлар ва давлат корхонаси ҳақидаги Қонун

уларга берган ҳуқуқлардан фойдаланиб, курашга фаол қўшилмоқдалар, ташаббус ва куч-ғайрат кўрсатмоқдалар.

Буни собитқадам ташкилотчилик ва идеология ишлари билан қўллаб-қувватлаш ва кўп карра ошириш керак. Бунинг учун рўёбга чиқарилаётган ислоҳотнинг моҳияти ва вазифаларини ҳар бир киши онгига етказиш, уни амалга оширишда ўз ўрнини белгилаб олишга кўмаклашиш, оммани экономика асослари билими билан қуроллантириш, меҳнатнинг пировард натижалари учун моддий ва маънавий масъулиятни англашда ёрдам бериш лозим.

Бунда иқтисодий умумий таълим муҳим роль ўйнайди. Ҳозир республикада бу таълим кенг кўламда олиб борилаётир. Аммо бу ишда ҳали расмиятчилик оз эмас. Қўқон, Урганч, Гулистон, Наманган, Бўстонлиқ, Ғузор, Жомбой, Кегайли, Пахтакор, Янгиариқ, Ульянов, Уйчи районларида иқтисодий умумий таълим системасидаги машғулотлар ишлаб чиқариш меҳнат коллективлари ҳаёти билан боғланмаган ҳолда ўтказилаётир. Масалан, Жиззах аккумулятор заводида, Пахтакор районининг «Оқ булоқ» совхозида иқтисодий ўқиш умуман ташкил этилмаган.

Партия ва давлат атроф муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан қабул қилган чораларни пропаганда қилишни тубдан кучайтириш зарур.

Идеология ишини социал сиёсат билан мустаҳкам боғламай туриб, самарали олиб бориб бўлмайди. Уй-жой, озиқ-овқат ва медицина таъминоти, одамларнинг турмуши ва дам олиши сингари масалалар қандай ҳал этилаётганлигини пропаганда кун сайин кўрсатиб туриши керак. Бу ишда майда-чуйда нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Магазинларнинг бўш ётган пештахталари, ёмон ишлаётган транспорт, одамлар кўчиб кирмаган квартиралар, базаларда чириб ётган сабзавот, маиший хизмат соҳасидаги кўпгина корхоналарнинг қониқарсиз ишлаши — хуллас, кундалик маънавий муҳитга бевосита таъсир кўрсатадиган, партия, совет, хўжалик органларининг чинакам таъсирини талаб қиладиган масалаларнинг ҳаммаси партия комитетларининг эътиборида бўлиши лозим.

Янги қарашларни шакллантиришда, онгдаги ўзига хос иккиланишни, кўпгина одамлар онгида, янгилик билан эскиликнинг аралаш-қуралаш бўлиб кетишини бартараф этишда ғоявий-назарий фаолиятнинг роли ниҳоятда каттадир. Кейинги пайтда бу иш муайян даражада активлашганлиги сезилмоқда. Матбуотда бир қатор қизиқарли, муаммоли асарлар пайдо бўлди. Аммо ҳаддан ошишлар ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, тарихий ўтмишни талқин этишда тенденциябозлик ривожланаётир. Республика меҳнаткашларининг, ижодий зиёлилар вакилларининг, олимларнинг тарихимизни синчиклаб ўрганиш, конъюнктурага, тарихий жараённи қиёфасиз баён қилишга барҳам бериш истаклари шубҳасиз ижобий ҳодисадир. Аммо мунозара жараёнида айрим фактлар, ҳодисаларни ёритишда кўпгина номақбул, қинғир фикрлар ҳам вужудга келди.

Бирор жиҳатни абсолютлаштирмаслик, ҳаддан ошишлардан холи бўлиш муҳимдир. Ҳаёт зиддиятлардан иборат, бинобарин, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам одамларни тўлқинлантираётган хилма-хил ҳодисаларни тўғри англаб олиш учун фикр, ёндашишлар диалектикаси зарур. Фанлар академияси, унинг гуманитар институтлари, Ёзувчилар союзи ва унинг матбуот органлари, республика Госкомиздати тарих фанида ҳам, барча ижтимоий фанлар соҳасида ҳам қайта қуришда тўғри позицияни эгаллайдилар, деб умид қиламиз.

Миллатлараро муносабатлар, интернационал тарбия худди ана шундай пухта ўйланган ва принципиал ёндашишларни талаб қилади. Маълумки, умуман одамлар ўртасидаги муносабатлар муаммоси сингари миллий муносабатлар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Аксинча, уларни ҳал этишдан чекинилса, улар тўпланиб бориб, низоли даражага етиши мумкин. Бу гап кейинги вақтларда марказий матбуотда гапириб ўтилган регионларгагина тааллуқли эмас, муайян носоғлом кайфиятлар бизда ҳам намоён бўлаётир.

Шу сабабли интернационал тарбияда дабдабабозлик ва расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида ҳам, миллий муносабатларни ривожлантириш ва бу муносабатларнинг ўзаро таъсири соҳасида ҳаёт олға сураётган муаммолар ҳақида ҳам гапирмаслик мумкин эмас. Уларни пухта ва ҳар томонлама ўйлаб кўриб чиқиш ҳамда вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш керак, бунда фақат бир нарсага — бир миллатнинг миллий маданий талабларини қондириш йўлида бошқаларга

зарар етказиш ҳамда совет халқлари бутун буюк жамиятининг интернационал бирлигини писанд қилмасликка йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси республикадаги миллий муносабатларнинг аҳволи ва меҳнаткашлар интернационал тарбиясини кучайтириш соҳасидаги тадбирлар масаласини яқинда худди ана шу позицияда туриб муҳокама қилди. Экологик, демографик вазиятни яхшилаш, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, республикадаги тожик, қрим татар аҳолисининг миллий маданий талабларини қондириш юзасидан амалий тадбирлар кўрилаётир. Орол, Бўстонлиқ ва бошқа регионларга оид масалалар билан жиддий шуғулланаётирмиз. Атеистик тарбияни кучайтириш устида иш олиб бораётирмиз.

Аммо бунда биз қатъий қарорга келганмиз: миллатчилик кўринишларига, шунингдек асоссиз маҳаллийчилик руҳидаги даъволарга сира йўл қўймаймиз. Ўйлайманки, пленум масаланинг ана шу тарзда қўйилишини қўллаб-қувватлайди.

Қайта қуриш жараёнида маънавий қадриятларимизни мустаҳкамлаш масаласи тобора катта аҳамият касб этмоқда. Партия комитетлари турмушни кўпгина салбий ҳодисалардан тозалаш, социалистик қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлаш сари қатъий йўл олиб, республикадаги маънавий психологик вазиятни муайян даражада ўзгартира олдилар. Эндиликдаги вазифа — ҳуқуқ ва ахлоқимиз нормаларига очиқдан-очиқ зид бўлган иллатларнигина эмас, балки ахлоқсизликнинг яширин, ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайдиган иллатлари: лаганбардорлик, тилёғламалик, ошна-оғайничилик иллатларини ҳам таг-томири билан тугатишдан иборат. Ёшларни ғоявий-маънавий чиниқтириш соҳасидаги ишни анча кучайтириш, уларда совет кишисининг шаъни, ҳалоллик, поклик туйғусини изчиллик билан шакллантириш керак бўлади.

Шу муносабат билан бутун тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга эришиш айниқса муҳимдир. Ичкиликка навбатда туриш ҳақида мулоҳаза юритиш ўрнига хушёр турмуш тарзини қарор топтиришимиз зарур. Гиёҳвандлар пайдо бўлгани ҳақида нола қилиш ўрнига бу иллатга қарши муросасиз кураш олиб бориш керак. Диний маросимлар кўпайиб бораётганлигини қайд этиш эмас, балки далилларга асосланган атеистик пропаганда зарур. Буларнинг ҳаммаси партия комитетларидан, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан, тартибни сақлаш органларидан активроқ ва баҳамжиҳат ҳаракатларни талаб қилади.

Янги типдаги инсонни шакллантиришда социалистик маданиятнинг роли жуда каттадир. Маълумки, партиянинг ташаббуси билан ижодий ҳаётга сингиб бораётган янгилик ташаббус ва изланишни ривожлантиришга, ижодий ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мустақиллигини кенгайтиришга ва айни вақтда яратилаётган асарларнинг ғоявий-бадиий савияси учун уларнинг масъулиятини оширишга қаратилгандир.

Ҳамон устун келаётган ибтидоий руҳдаги асарлар йўлига ғов солиш керак. Чуқур партиявийлик билан юксак бадиийликнинг бирлашуви асарнинг чинакам қимматини таъминлайди. Афсуски, бизда бу принципдан чекинилаётганлиги ҳақида далолат берувчи кўпгина мисоллар бор. Қайта қуриш тўлқинида бизнинг қадриятларимиз ўрнида ўзларининг шубҳали баҳоларини тиқиштиришга уринаётган одамлар пайдо бўлишди. Айрим асарларда энди ижобий қаҳрамон — ҳаётий зиддиятларнинг реал курашида акс эттирилган коммунист, комсомол, оддий меҳнаткашни учратмайсиз.

Шуни аниқ қилиб айтиш керакки, биз санъатнинг синфийлиги, реалистиклиги, халқчиллиги принципларидан, унинг партиявийлиги ва интернационал йўналишидан чекинмаймиз. Бу масалаларда республика партия комитетлари, ижодий союзлари ва уларнинг партия ташкилотлари пухта ғоявий позицияни эгаллашлари лозим.

Яқинда ижодий союзларда Марказий Комитет Бюроси аъзоларининг ижодий зиёлиларнинг вакиллари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ёзувчилар, рассомлар, кинематографчилар, архитекторлар, журналистлар, композиторлар билан ошкора ва манфаатдорлик руҳидаги суҳбат яқинда Марказий Комитетда ижодкор ва илмий-педагогик жамоатчилик вакиллари билан учрашувда ҳам давом эттирилди. Бу учрашувлар маданият арбобларининг қайта қуришни нақадар ғайрат билан ва қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини кўрсатди. Улар биз

маданий ҳаётда туб ўзгаришларга эришиш, санъатнинг профессионал савиясини ошириш, одамларнинг маънавий эҳтиёжларини тўларок қондириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз кераклигини ҳам кўрсатди.

Маданият министрлиги, Фанлар академияси, ижодий союзлар республикада маданият ривожланишининг жараёнларини, адабиётшунослик ва санъатшунosликнинг аҳволини пухтароқ ўрганишлари керак. Биз жуда катта илмий кучларга эга бўлганимиз туфайли аввало маданиятни ривожлантиришнинг бош йўналишларида кўпроқ самарага эриша оламиз.

Маъмурий методлардан воз кечилган шароитда адабий-бадиий танқиднинг аҳамияти тўғрисидаги масала илгаригига қараганда мутлақо бошқача қўйилаётир. Бу бадиий жараёнга партиявий ва ижтимоий таъсир кўрсатишнинг ҳақиқатан ҳам муҳим воситасига айланмоқда. Аммо унинг гуруҳлар манфаатларига боғлиқлиги ниҳоятда қониқарсиз бартараф этилаётир, танқиднинг матбуот билан, биринчи навбатда партия нашрлари редакциялари билан алоқаси кўнгилдагидек эмас. Ижодий ходимларда мунозара маданиятини, танқидий материалларни тўғри тушунишни қунт билан тарбиялаш, гуруҳбозлик манфаатларига ва носоғлом рақобатга бутун чоралар билан қарши чиқишимиз керак. Бу жиҳатдан ТошДУ ўзбек тили ва адабиёти факультети, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» редакциялари, бошқа ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналлар ўз ишларини жиддий қайта кўриб чиқишлари лозим.

Марказий Комитет бўлимлари, область партия комитетлари ижодий жараёнларга раҳбарликнинг ташкилий формаларини такомиллаштириш учун маданият идоралари ва муассасаларига нисбатан жиддийроқ талабчанлик қилишлари лозим. Шундагина театрлар ва концерт ташкилотлари, нашриётлар, киностудиялар ишини янада яхшилашга умид боғлаш мумкин. Бунда шунга асосланиш керакки, адабиёт ва санъатга раҳбарликнинг ғоявий тутуруқсизлик ва ён босиш билан ҳам, буйруқбозлик ва маъмуриятчилик қилиш билан ҳам хеч қандай алоқаси йўқ.

Ижодий коллективлар бошланғич партия ташкилотларининг роли айникса катта. Бироқ уларнинг бугунги аҳволи ташвиш туғдирмасдан қолмайди. Улар состави жиҳатидан кам сонли, кексалар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, Композиторлар союзидаги коммунистларнинг ярмидан кўпроғи 60 ёшдан ошган кишилардир. Агар биз бадиий жараёнда партия таъсири механизми пухта ишлашини истасак (масала бошқача қўйилиши ҳам мумкин эмас), район ва шаҳар комитетлари ижодий коллективлар партиявий ўзагини мустаҳкамлашга ўз муносабатларини ўзгартиришлари лозим.

Ижодкор ёшлар билан ишлашни эътиборсиз қолдириш ярамайди. Бу соҳада, бир томондан, ёш талантларнинг қарор топиши ва ривожланишига сезгирлик, эътибор билан муносабат етишмаётир. Иккинчи томондан, ижодий союзларга қабул қилиш мезонлари пасайиб кетди, бу эса аҳамияти кам асарлар оқимининг кўпайишига олиб келди, талантлар мусобақасини қийинлаштирди. Биз ҳурматли санъат усталаримиз ёш кучларнинг ўсиши ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қиладилар, партия органлари, маданият муассасалари эса уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламиз. Биз ижодий союзларнинг раҳбарларидан, барча маданият арбобларидан ёш авлоднинг эстетик тарбиясида активроқ иштирок этишларини кутамиз. Бундай иш қисқа муддатли кампаниялар ёки сакрашлар билан олиб борилмаслиги, балки жиддий-амалий асосда, мунтазам ва собитқадамлик билан олиб борилиши зарур.

Маданият ва санъатнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида бир неча оғиз гапириб ўтмоқчиман. Ўтган йили Маданият министрлиги объектларининг капитал қурилиши плани 69 процент, Кинематография давлат комитети объектлари қурилиши плани 40 процент бажарилди, холос.

Қолдиқ принцип ҳамон бартараф этилгани йўқ. Кўпгина раҳбарлар одамларга ғамхўрлик, социал соҳа биринчи ўринда туриши кераклиги ҳақидаги партия талабларини тўла тушуниб олганлари йўқ. Партия комитетлари қишлоқларда маданият муассасалари қурилиши учун Советларнинг ижроия комитетларига, Давлат агросаноат комитети органларига нисбатан талабчанлик қилмаётирлар. Икки йил ичида ана шу мақсадларга ажратилган капитал маблағларнинг 30 процентдан кўпроғи ўзлаштирилмади.

Госплан маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, касаба союз органлари маданиятнинг моддий базасини мустаҳкамлашга муносабатларини ўзгартиришлари лозим, Марказий Комитет ва Министрлар Советининг бўлимлари, партия комитетлари, Советларнинг ижроия комитетлари эса бу масалаларни жиддий контрол остига олишлари зарур.

Ошкораликни ривожлантиришда бугунги кунда партия пропагандаси ва агитациясининг энг зарбдор формаси бўлиб қолган оммавий ахборот воситаларининг роли ниҳоятда каттадир. Партия даъвати билан улар биринчилардан бўлиб демократиялаш ва ошкоралик учун қонунчиликнинг бузилишига, бюрократизмга, ижтимоий онгдаги қолоқликка қарши кураш бошладилар. Бугунги кунда одамлар рўй бераётган воқеалар ҳақида, партия,совет, хўжалик органларининг қарорлари тўғрисида тўлароқ хабардор қилинмоқдалар.

Яқинда оммавий ахборот воситаларининг энг яхши намуна кўрсатган ходимларидан бир группаси фахрий ёрлиқларга ва унвонларга сазовор бўлишди. Биз уларнинг қайта қуришга қўшаётган ҳиссаларига бундан буён ҳам муносиб баҳо бераверамиз.

Аммо бу оммавий ахборот воситалари тегиб бўлмайдиган обрў зонасига ёки ҳақиқатни бир ўзи белгилайдиган воситага айланади, деган маънони билдирмайди. Уларнинг ходимлари, аввало сиёсий раҳбарлар бўлган редакторлар зиммасига ҳозир рўй бераётган жараёнларни объектив таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш учун жуда катта масъулият юклатилади. М. С. Горбачевнинг ҳар қандай нообъективлик, бир томонламалик, танқиддаги ҳар қандай ноаниқлик — қайта қуришга фойда келтирмайди, ҳар қандай нотўғри гап кўнгилни ранжитади, инсоннинг социал кайфиятига таъсир қилади, деган сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Газета ёки журнал — айрим шахсларнинг хусусий минбари эмас, балки умумпартиявий ишдир. Матбуотнинг айрим ходимлари ҳақиқатнинг бирдан-бир тарғиботчилари ролини ўз зиммаларига олишга интилаётганликлари, ўз позицияларини бехато, танқиддан ҳам холи деб ҳисоблаётганликлари сабабли пленумда бу нарсани эслатиб ўтиш зарурати туғилди.

Марказий Комитет «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг бригада ва оила пудратини ривожлантириш ҳақидаги мақоласини яқинда қўллаб-қувватлади. Яхши нарса албатта маъқулланаётир. Аммо шу билан бирга бу газетанинг айрим сонларида ҳажм жиҳатдан катта тарихий очеркларга, ортиқча мақтовлар руҳи билан суғорилган эсдаликларга кўп ўрин берилмоқда, адабий мерос проблемаси унча малакали даражада кўтарилмаётир.

Баъзи редакцияларда кўр-кўрона ошкоралик, дунёқараш позицияларини хиралаштириш тенденцияси намоён бўлди. «Советская Бухара» газетасининг редколлегияси партия органи саҳифаларидан руҳонийларга Совет ҳукуматининг ташқи сиёсий фаолияти ҳақида менсимасдан гапириш, дин ҳақидаги совет қонунлари моҳияти ва аҳамиятини шубҳа остига қўйиш имкониятини берган экан, унинг бу позициясини сиёсий кўрликдан иборат, деб изоҳлашдан бошқа илож борми, ахир. Область партия комитети редакцияга йўл қўйган хатосини адолатли равишда кўрсатганида у газетага мутасадди бўлган партия комитети бўлимини айбловчи танқидий материал эълон қилди. «Комсомолец Узбекистана» республика газетаси ҳам ёшларнинг диний масалаларга қизиқишини сохталаштириб, номуносиб усуллардан фойдаланаётир.

Район газеталарида босилаётган материаллар даражасини кўтариш — энг муҳим вазифалардан биридир. Уларнинг фаолияти аксарият ҳолларда даврдан орқада қолмоқда, партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида қарор топаётган туб ўзгаришлар руҳига мувофиқ келмаётир. Кўпинча янгиланишнинг ташқи белгилари, дабдабали рубрикалар ва сарлавҳалар остида тафаккурнинг қолоқ андозалари яширинмоқда, редакциялар позициясининг кутиш характерида эканлиги намоён бўлмоқда. Бу нарса Қорақалпоғистон АССРдаги бир қатор район газеталари саҳифаларида, айниқса, сезилаётир. Уларнинг ходимлари қайта қуришни ёритишга қараганда кўпроқ райком билан ўз шахсий муносабатларини аниқлаш билан шуғулланмоқдалар.

Матбуот ҳақида гапирар эканмиз, унинг ишлаб чиқариш базасига оид проблема тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Қисқача дейишимнинг сабаби

шуки, бунда бир сўз: «ёмон» сўзидан бошқа бирор гап айтиб бўлмайди. Республиканинг полиграфия базаси қониқарсиз ривожланаётир. Госкомиздат асосий фондларнинг жуда катта ҳажмини Тошкентга тўплаб олиб, область, шаҳар ва район босмахоналарини аслида ҳеч нарса билан таъминламаётир. Ҳамма жойда замонавий техника, мутахассислар етишмаслиги жиддий сезилмоқда. Журналистлар ва полиграфчиларнинг социал масалаларини, айниқса, уй-жой масалаларини ҳал этишга етарли эътибор берилмаётир. Буларнинг ҳаммасига жойлардаги партия ва совет органлари ғоят жиддий эътибор беришлари талаб қилинади.

Идеология фаолиятининг замонавий услубини қарор топтириш — партия комитетлари, тарбия муассасаларининг энг муҳим вазифасидир. Маъмуриятчилик қилишга, якка кишининг фикрлари ва баҳоларини буйруқбозлик билан ўтказишга интилишдан қатъият билан воз кечиш керак. Ўзгаларнинг гапига қулоқ сола олиш, суҳбатдошини тўлқинлантираётган масала моҳиятини англай олиш, ишонтира олиш ниҳоятда зарур.

Аммо бу бизнинг партия, идеология активимиздан, барча раҳбар кадрлардан сиёсий етуклик ва юксак маданиятни талаб қилади. Кўпгина партия ходимлари ўз устларида етарли ишламаётганликлари, йиллар давомида қўлларига бадиий адабиёт олмасликлари, театр ва киногa бормасликлари бизни жуда ташвишлантиради. Ғоявий-назарий савияни ошириш мақсадида марксизм-ленинизм университетларидан ва таълимнинг бошқа формаларидан суст фойдаланилаётир. Бу соҳада партия комитетлари қунт билан иш олиб боришлари керак, бунда олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз учун кенг фаолият майдони очилади.

Куни-кеча ўз ишини тамомлаган республика Олий Совети сессиясида Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемаси тўғрисидаги масаланинг муҳокама қилиниши — областлар чегарасини шунчаки ўзгартириш масаласи эмас. Бунда гап республика халқ хўжалиги органларини анча ихчамлаштириш, ҳаётга яқинлаштириш тўғрисида бормоқда. Районлар, шаҳарлар, областларни, министрликлар ва идораларни йириклаштиришга оид тадбирлар айрим шахслар ва раҳбарларнинг миллатчилик, нотўғри қарашлар, қариндош-уруғчилик муносабатларига берилиш иллатларини келтириб чиқармаслиги керак. Бу — катта давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир.

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг куни кеча бўлиб ўтган саккизинчи сессияси республика халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемаси лойиҳасини асосан маъқуллади ҳамда Олий Совет депутатлари айтган мулоҳаза ва таклифларни эътиборга олиб, пишиқ-пухта ишлаб чиқишни ва уни СССР Министрлар Советининг тасдиғига ҳавола қилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширди.

Аминмизки, партия, совет активлари, барча меҳнаткашлар республика давлат ҳокимияти олий органининг қарорларини қўллаб-қувватлайдилар ва ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан бу қарорларни амалга оширадилар.

Биз ҳозир Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси сари бораётган эканмиз, қилинган иш тажрибасини ҳамма жойда батафсил мулоҳазадан ўтказишимиз, реал ютуқлар билан йўл қўйилган хатоларни тарозига солиб кўришимиз, бундан буёнги олға ҳаракатимизнинг йўллари ва методлари ҳақида равшан тасаввур ҳосил қилишимиз керак.

Бу гап КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг яқинда республика активи билан бўлган учрашувида сўзлаган нутқида яна бир бор янги куч билан таъкидланди. Унинг барча қимматли маслаҳатлари, кўрсатмалари, истаклари пухта ўрганилиши, ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг ишига айланиши, қатъият, изчиллик ва собитқадамлик билан амалга оширилиши зарур.

Марказий Комитетнинг Бюроси шунга аминки, қайта қуришнинг муҳим идеология, таълим, маданий проблемаларини муҳокама қилаётган бугунги пленум республика партия ташкилотининг бутун ташкилотчилик, сиёсий ишига янги ғайрат бағишлайди, у қабул қилган қарорлар республика социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ҳамда мамлакатнинг ягона халқ хўжалиги комплексига Ўзбекистон ҳиссасини кўпайтиришдан иборат биринчи навбатдаги вазифаларни ҳал этишга актив ёрдам беради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК
Х ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1988 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ҚАЙТА ҚУРИШНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленумининг йўл-йўриқлари асосида қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлашга қатъий эҳтиёж КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток М. С. Горбачевнинг Ўзбекистон партия активлари билан бўлган учрашуви вақтида сўзлаган нутқида алоҳида куч билан таъкидланди. Республика коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг замонавий кўп тармоқли халқ хўжалигини барпо этишга,фан ва маданиятни ривожлантиришга қўшган муайян ҳиссаси қайд этилди. Шу билан бирга, кўпгина категориядаги ходимларнинг ишчанлик малакаси, профессионал умумий таълим савияси кескин орқада қолаётганлиги меҳнат унумдорлиги даражаси ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пастлигининг, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифалари қониқарсиз ҳал этилаётганлигининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолганлиги кўрсатиб ўтилди.

Пленум шуни ҳам қайд этадики, халқ маорифи каби жуда муҳим идеологик соҳада ҳам сезиларли силжиш ҳозирча рўй бергани йўқ. Республика мактабларининг 60 проценти бир амаллаб мослаштирилган биноларда жойлашган, шу жумладан, 700 тадан кўпроқ мактаб авария ҳолатида турибди. Ярмидан кўпроғида канализация, сув таъминоти йўқ, баъзилари электрлаштирилмаган. Қайта қуришнинг бошқа соҳаларида ҳам катта-катта камчиликлар бор.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросига ўрток М. С. Горбачевнинг республика партия активлари йиғилишида берган йўл-йўриқлари ва тавсиялари асосида қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни топширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Партия комитетларининг, министрликларнинг, идоралар ва ташкилотларнинг ташкилотчилик ва сиёсий иши ёш авлод, республиканинг барча меҳнаткашлари марксизм-ленинизм таълимотини, назарияни ва партиянинг тарихини чуқур ўзлаштириб олишига, қайта қуришни амалга оширишда янгича ёндашувлар ва янгича фикрлашни ишлаб чиқишга, бош вазифа — қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш вазифасини ҳал этишга қаратилсин.

2. Пленум партия, совет органларидан, халқ маорифи органларидан мактаб ишини ташкил этишнинг ленинча принципларини изчиллик билан амалга оширишни, бу принципларни замонавий мазмун билан тўлдиришни талаб қилади. Кадрларнинг халқ маорифидаги ишларнинг аҳволи учун, педагог коллективлар ва ҳар бир ўқитувчининг мактаб иши мазмуни ҳамда самарадорлиги учун масъулиятини тубдан ошириш лозим.

Маориф министрлиги ўқитувчи ва мактаб ишининг натижаларига баҳо беришнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиб ҳамма жойда жорий қилсин, бунда чуқур ва мустаҳкам билимлар ғоявий ва ахлоқий фазилатлар, ёшларни турмушга ва меҳнатга тайёрлаш улар фаолиятининг якуни бўлиб қолиши кераклиги назарда тутилсин. Ўқитувчиларнинг икир-чикир ишларга аралашиши тўхтатилсин, педагогикадаги новаторлик йўлига қўйилган ҳамма тўсиқ ва

тўғаноклар олиб ташлансин, педагогика фанининг ютуклари практикага дадилрок жорий этилсин, ҳар бир ўкув юртида саботли меҳнат, билим эгаллашга манфаатдорлик ва масъулият билан ёндашиш муҳити карор топтирилсин. Ўкув вактида студент ва ўкувчиларни ўкув жараёни билан боғлик бўлмаган турли ишлар ва тадбирларга чалғитишга йўл кўйиб бўлмайди, деб ҳисоблансин.

Пленум миллий — рус тилидан иборат икки тиллиликни фаол ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди. Она тилини, рус тилини ва СССРдаги бошка халкларнинг тилларини ўрганиш ва ўкитиш тубдан яхшилансин.

Область ижроия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, халк маорифи органлари мактабларда ва ҳунар-техника билим юртларида педагогика коллективининг, партия, комсомол, касаба союз ва ўкувчилар ташкилотларининг, базавий корхоналар, шунингдек, ота-оналарнинг вакилларидан иборат ўкув юртлари кенгашларини тузсинлар. Уларга ўкув юртининг таълим-тарбия ва молия-хўжалик фаолияти масалаларини кўриб чикиш учун зарур ваколатлар бериб кўйилсин. Халк депутатлари Советлари ҳузурида давлат-жамоат органлари — конференцияларда сайланадиган халк маорифи кенгашларини тузиш юзасидан зарур иш ўтказилсин.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети ўкув юртларининг ва улардаги асосий бўлинмаларнинг раҳбарларини сайлаб кўйиш ва уларнинг ҳисобот бериб туриши принципини изчиллик билан амалга оширсинлар. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга расмий-бюрократик ёндашув тугатилсин, аттестациянинг ўтказилиши ўкитувчиларнинг ва халк маорифи бошка ходимларининг ғоявий-назарий савияси ва касб-кор маҳорати ўсишига, уларнинг ижодий ташаббуси ривожланишига кўмаклашмоғи лозим.

Пленум партия, совет органларидан ўкитувчига, унинг талаб ва эҳтиёжларига жуда синчиклаб муносабатда бўлишни, у болалар билан ишлашга бутун вужудини бағишлаши учун унга зарур бўлган ҳамма шароит яратиб берилишини талаб килади. Муаллимларнинг ва ишлаб чикариш таълими мастерларининг сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётга, даврий нашрларга обуна бўлишга эҳтиёжлари тўла-тўкис кондирилсин. Педагог кадрлардан окилона фойдаланиш ва уларнинг мустаҳкам ўрнашиб колиши ҳакида ғамхўрлик килинсин, мактабларнинг, ҳунар-техника билим юртларининг, ўрта махсус ва олий ўкув юртларининг ўкитувчиларига ҳамда бошка педагог ходимларига биринчи навбатда уй-жой майдони ажратиб берилсин, улар учун кооператив ва якка тартибдаги уй-жой курилиши кенг ривожлантирилсин.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети касаба союз комитетлари халк маорифи органлари билан биргаликда ўкитувчиларнинг дам олиш, даволаниш ва соғломлаштириш шароитларини яхшилаш, улар меҳнатини маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чикиб амалга оширсинлар. Ўкув юртларига бириктириб кўйилган базавий корхоналарнинг раҳбарлари ва касаба союз ташкилотлари муаллимларга, ишлаб чикариш таълими мастерларига санаторий, профилакторий, пансионат, дам олиш базаларига йўлланмалар ажратиб берсинлар, уларни имкони бор жойларда, идоравий медицина муассасаларига бириктириб кўйсинлар.

3. Ижтимоий ҳаётни кайта куриш, фан-техника тараккиётини жадаллаштириш малакали ишчи ва мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириш ва кайта тайёрлаш муаммосини мислсиз равишда кескин килиб кўймокда, деб таъкидлайди пленум. Ҳолбуки, ўрта ҳунар-техника билим юртларини, техникумлар ва олий ўкув юртларини битириб чикаётганларнинг касб-кор даражаси ва назарий тайёргарлик савияси йўл кўйиб бўлмайдиган даражада паст, уларнинг кўплари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришга кодир эмаслар. Баъзан корхоналар, хўжаликлар ва муассасалар улардан воз кечмокдалар. Ҳунар-техника билим юртларини битириб чикканларнинг ярмига якини, олий ўкув юртлари ва техникумларни битириб чикканларнинг учдан бир кисми таксимот жойига бормаяптилар. Министрлик ва идораларнинг раҳбарлари кадрлар тайёрлайдиган ўкув юртларига юзаки муносабатда бўлмокдалар, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, таълим ва ишлаб чикариш жараёнларини бирга кўшишда ёрдам бермаяптилар, олий ўкув юртлари фани

билан алоқани дуруст амалга оширмаяптилар. Республика Госплани, Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети ҳунар-техника билим юртларининг, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг структурасини йиллар мобайнида қайта кўриб чиқмаяптилар, натижада бу структура халқ хўжалигини жўшқин ривожлантириш суръатларига зид келиб қолди.

Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети техникумлар ва олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш, ҳунар-техника билим юртларида ишчилар тайёрлаш сифатини анча ошириш учун узил-кесил чоралар кўришлари лозим. Бирлашма ва корхоналар билан бевосита тузилган шартномаларга мувофиқ, ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш практикаси ҳар томонлама кенгайтирилсин. Ишчи кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш асосан ўрта таълим негизида ривожлантирилиб, шу билан бирга ёшлар учун тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлаб чиққанидан кейин касб-кор таълими олиш имконияти сақлаб қолинсин. Аввало, бошқарув соҳасида иқтисодий профил мутахассисларни тайёрлаш яхшилансин. Барча мутахассисликлардаги кадрларни иқтисодий тайёрлаш системаси қайта кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Госплан, Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети 1988 йил 1 августгача халқ хўжалигининг турли профил мутахассисларга бўлган ҳақиқий эхтиёжларини белгиласинлар ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари структурасини қайта кўриб чиқсинлар.

Барча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари 1988 йил 1 июлга қадар корхона ва ташкилотларнинг касб танлашда, кадрларни танлаб олишда,тайёрлаш ва улардан оқилона фойдаланишда иштирок этиши аниқ-равшан программасини ишлаб чиқсинлар. Бутун иш ўқув юртлари билан шартномалар асосига қурилиб, ўзаро мажбуриятлар аниқ белгилаб олинсин. Оталиқдаги мактабларга, ўрта ҳунар-техника билим юртларига, техникумларга ва олий ўқув юртларига замонавий техника ҳамда асбоб-ускуналарни ажратиб бериш, тармоқ ходимларининг кадрлар тайёрлашда иштирок этиши, лабораториялар, конструкторлик бюролари, цехларни бериб қўйиш, шунингдек олий ўқув юртлари фани билан алоқаларни мустаҳкамлаш кўзда тутилсин.

Республика Министрлар Совети, область, шаҳар, район партия комитетлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг марказлаштирилган давлат системасини ташкил этиш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ишлаб чиққан чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берсинлар, шу мақсадда ўрта ва олий махсус мактабнинг, ҳунар-техника билим юртларининг имкониятларидан, оммавий ишлаб чиқариш таълимининг ҳар хил формаларидан мумкин қадар кўпроқ фойдалансинлар.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари ишчи ва инженернинг обрў-эътиборини бутун чоралар билан ошириш соҳасидаги ишларни хусусан туб миллатга мансуб ёшлар ўртасида изчиллик билан олиб борсинлар.

Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, ўқув юртларининг раҳбарлари ўқув юртларига кирувчиларни олдиндан тайёрлаш ва танлаб олишнинг турли формаларини ривожлантиришга оид ишларни кучайтирсинлар. Умумий таълим мактаб-интернатларининг таркиб топган тармоғи қайта кўриб чиқилиб, айрим дарслар чуқурроқ ўқитиладиган бўлсин, улар кенгайтирилиб, кадрлар билан, моддий, методик жиҳатдан мустаҳкамлансин. Республика Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари бу ишда бевосита қатнашишлари лозим. Педагогика фанига муносабатни тубдан ўзгартириш, педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтларининг структурасини қайта кўриб чиқиш, тармоқ институти сифатида унинг вазифаларини аниқлаш ва педагогика соҳасидаги барча тадқиқотларнинг мувофиқлаштирувчи марказига айлантириш зарур.

4. Пленум шуни қайд этадики, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, республикада халқ маорифининг моддий базаси ниҳоятда оғир аҳволда қолмоқда. Мактабларнинг 75 процентида машғулотлар икки-уч сменада олиб борилмоқда.

Республикада лоақал нормативга яқин бўлган ўқув-лаборатория майдонларига эга бўлган биронта ҳам олий мактаб, техникум йўқ. Мактаб ва олий ўқув юртларининг техникавий жиҳозланиши тубдан яхшиланиши зарур. Ўқув ускуналари, кўргазмали қуроллар ва замонавий таълим-техника воситалари, мебель, станоклар, приборлар, электрон-ҳисоблаш техникаси, қишлоқ хўжалик машиналари етишмаяпти. Аммо ушбу масалаларнинг кўпчилиги область, шаҳар, район партия комитетларининг, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Қорақалпоғистон АССРда, Андижон, Тошкент, Сурхондарё, Жиззах областлари ва бошқа областларда ўқув юртларини барпо этишга ажратилган капитал маблағлар ўзлаштирилмаяпти. Республиканинг кўпгина регионларида мактаб тараққиётини жадаллаштириш учун ички ресурслар излаб топилмаяпти ва сафарбар қилинмаяпти.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари зиммасига 1988 йилнинг 1 августига қадар мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача тарбия муассасалари, мактабдан ташқари муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тармоқларини 2000 йилгача даврда илмий асосланган нормативларга мувофиқ ҳажмларда ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш конкрет программасини ишлаб чиқиб, сўнгра амалга ошириш мажбуриятини юклайди. Ҳар бир область бўйича ушбу вазифаларни ҳал этишнинг конкрет муддатлари белгилаб қўйилсин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1984 йилги XVIII пленумининг 1984—1990 йилларда Ўзбекистон ССРда умумий таълим ва ҳунар-техника мактабини ислоҳ қилиш комплекс плани тўғрисидаги қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин. Ушбу пленумдаги муҳокамани эътиборга олиб, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш юзасидан илгари қабул қилинган ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифлар киритилсин.

Область партия комитетлари Ўзбекистон ССР Госстройи, Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, тармоқ министрликлари ва идоралари, маҳаллий Совет ва хўжалик органлари маориф объектлари капитал қурилишига раҳбарликни тубдан яхшиласинлар, ўқув юртларини, мактабгача тарбия болалар муассасалари ҳамда мактабдан ташқари муассасаларни ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилиши учун кадрларнинг шахсий масъулиятини оширсинлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари халқ маорифи муассасаларини барпо этиш учун колхозлар, совхозларнинг, саноат корхоналарининг маблағларини актив жалб қилиб, кооперациялаштирсинлар. Мебель саноатининг бир-иккита корхонасини мактаб мебеллари ишлаб чиқаришга ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилсин.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари болалар ва ўсмирлар билан мактабдан ташқари тарбия ишларини олиб бориш учун шаҳарларнинг тураржой массивларида биноларни ажратиб бериш ҳамда жиҳозлаш имкониятларини излаб топсинлар. Янги қурилишларнинг лойиҳаларида шундай бинолар, албатта, кўзда тутилсин.

Ўзбекистон ССР Госстройи замон талабларига мос келувчи таълим-тарбия муассасалари қурилиши лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштирсин.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети қишлоқ умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртлари ва интернат муассасаларида зарур шарт-шароитларни вужудга келтириб, ёрдамчи хўжаликларни ташкил этсин, меҳнат ва дам олиш доимий лагерлари қурилишини таъминласин.

Тармоқ министрликлари ва идораларига мактаб устахоналарини, мактабларaро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини, қишлоқлардаги ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларини база корхоналари, хўжаликларининг структуравий бўлинмалари ҳолатига ўтказиш масалаларини кўриб чиқиш тавсия этилсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув халқ маорифи органлари билан биргаликда ўқув юртларидаги умумий овқатланишни ташкил этишни тубдан қайта қурсинлар, барча ўқувчиларни илмий ишлаб чиқилган рационлар асосида иссиқ овқат билан

таъминласинлар, умумий овқатланиш корхоналарининг моддий-техника базасини кенгайтириб мустаҳкамласинлар, хизмат кўрсатиш форма ва методларини такомиллаштирсинлар.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ўқув юртларининг адабиётга бўлган эҳтиёжларини қондириш, дарсликларни бемалол сотишни ташкил қилиш учун уларнинг нусхаси буюртмадан ташқари 10 процент оширилиши чораларини кўрсин.

5. Халқ маорифида туб ўзгартишларнинг зарурати партиявий таъсирни ва мактабга нисбатан ғамхўрликни қатъиян кучайтиришни тақозо этади. Кўпгина партия комитетлари халқ маорифи муаммоларига онда-сонда эътибор берадилар, масалаларни чуқур ва амалий ҳал қилмайдилар, педагогика коллективларидаги вазиятдан хабардор бўлиб турмайдилар. Мактабларнинг бошланғич партия ташкилотлари состав жиҳатидан кам сонли бўлиб, ҳар уч мактабнинг бирида бундай ташкилотлар умуман йўқ. Бир қанча олий мактабларда, техникумларда партия ташкилотлари сусткаш бўлиб, коллективларга сезиларли таъсир ўтказмаяптилар. Ўз обрўсини тўккан мансабдор шахсларни маориф соҳасидаги раҳбарлик лавозимларига ўтказиш фактлари ҳамон учраб турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлимлари халқ маорифини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш масалаларига кам эътибор бермоқдалар, Марказий Комитет Секретариати, Бюроси ишларнинг аҳволига баҳо беришда, айбдорларга нисбатан талабчанлик қилишда етарлича принципиаллик ва изчиллик кўрсатмаяптилар.

Пленум Марказий Комитет Бюроси ва бўлимлари, область, шаҳар, район партия комитетлари зиммасига маориф ҳамда болалар ва ёшлар тарбияси соҳасига сиёсий раҳбарлик даражасини қатъиян ошириш, ўқув юртларининг иш мазмунини чуқур таҳлил қилиб, юзага келаётган муаммоларни билимдонлик билан амалий равишда ҳал этиш мажбуриятини юклайди. Партия қарорларини амалга ошириш, педагог коллективларни жипслаштириш ва мустаҳкамлаш, уларда соғлом маънавий-психологик муҳитни вужудга келтириш учун ўқув юртларидаги бошланғич партия ташкилотларининг, ўқитувчи коммунистларнинг роли ва масъулияти бутун чоралар билан оширилсин. Ўқув юртларининг партия ташкилотлари энг яхши ўқитувчилар ҳисобидан изчиллик билан мустаҳкамлаб борилсин. Партия сафидаги ўқитувчиларнинг кучлари билангина эмас, балки коммунист ота-оналар, база корхоналарининг партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетлари аппаратлари ходимларининг кучлари билан ҳам педагог коллективларига партия таъсирининг ўсиши таъминлансин.

Педагог кадрларни тарбиялашга, уларнинг сиёсий ва маънавий жиҳатдан ўсишига, ўқитувчиларни партия ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалаларидан оператив хабардор қилиб туришга эътибор кучайтирилсин. Педагоглар таълим ва тарбия ишлари билан боғлиқ бўлмаган топшириқларни бажаришга чалғитилмасин.

Партия, совет, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ўқув юртларининг оила билан алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаракат бирлигини, ота-оналар фаол жамоат ва тарбия ишларига жалб этилишини таъминлаш борасидаги ишларни кучайтирсинлар. Мустаҳкам, ахлоқий соғлом, маънавий бой оилалар тузилиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин. Болалар тарбияси учун ота-оналарнинг масъулияти кучайтирилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий Совет органлари ёшларнинг умумий ўрта таълим олишини, уларга касб-кор ўргатиш ва тайёрлаш, ишга ўз вақтида жойлаштирилишини таъминлаш чораларини кўрсинлар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети мактаб комсомол ва пионер ташкилотларига раҳбарликни тубдан яхшиласин. Диққат-эътибор ўқувчи ёшларни ғоявий эътиқод, билимларни эгаллашга масъулиятли муносабат руҳида тарбиялашга, ўзини ўзи бошқариш орқали ташаббус ва мустақил фаолиятни ривожлантиришга қаратилсин. Пионер ва октябрятлар билан ишлаш янгилансин, бу иш болалар учун жозибали ҳамда уларни камол топтириш учун фойдали ишга айлантирилсин.

6. Республика меҳнаткашларини ғоявий эътиқод, социализм идеалларига садоқат руҳида тарбиялаш қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлашнинг бош вазифаларидан биридир.

Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг, область, шаҳар, район партия комитетларининг идеология бўлимларидан ғоявий-сиёсий ишга ҳужумкорлик тусини бериш талаб этилади. Ҳолбуки, партия комитетлари, идеология муассасалари ҳозирча турғунлик даврига хос расмиятчиликни, конкрет ишлардан ажралиб қолишни тўла-тўкис бартараф этишга муваффақ бўлганлари йўқ. Пропаганда ва тарбия айниқса қишлоқ жойларида социал муаммоларни ҳал этиш билан, одамларнинг турмуш ва иш шароитлари билан ҳамон етарли даражада боғлаб олиб борилмаяпти. Марксча-ленинча таълим системасига, оғзаки пропагандага, оммавий ахборот воситаларига партия ва халқ ҳал этаётган вазифаларнинг бутун мураккаблиги ва янгилигини кўрсатиб беришда, салбий ҳодисаларнинг оқибатларини таг-томири билан тугатиш, республикадаги бутун маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан қатъий чоралар кўриш зарурлигини яққол кўрсатишда маҳорат етишмаяпти. Республика, область, район газеталари, журналларнинг редакциялари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети партия ташкилотлари билан меҳнат коллективларида қарор топаётган туб ўзгаришлардан ҳали орқада қолмоқда.

Иқтисодий ислоҳот шароитида халқ хўжалиги вазифаларини идеологик жиҳатдан таъминлаш борасидаги иш янги мазмун билан тўлдирилиши лозим. Ишлаб чиқариш, фан-техника пропагандасининг, аҳоли ялпи иқтисодий таълимининг, иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг, ҳуқуқий, экологик тарбиянинг роли кучайтирилиши керак. Министрликлар ва идоралар, халқ маорифи органлари, идеология активлари бу ишга секинлик билан киришмоқдалар. Кўпгина партия ташкилотлари ҳам бу ишдан четда қолдилар.

Мамлакат ва республикани жадал ривожлантириш даврида кадрлар билан активларнинг назарий тайёргарлиги ва ғоявий-маънавий қиёфаси тўғрисидаги масала, айниқса, ўткир бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди таъкидлаганидек, ҳозирги раҳбардан кенг билимдонлик, сиёсий ақл-заковат, ўткир музокара ва мунозараларда ўз эътиқодини қаттиқ туриб ҳимоя қила олиш маҳорати талаб этилади. Аммо кўпгина партия, совет ходимлари, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари, хўжалик кадрлари кўпинча одамлар билан учрашувлардан бўйин товлайдилар, кескин масалалардан чўчийдилар, улар ҳали қайта қуришнинг чинакам муросасиз жангчилари бўлиб қолишгани йўқ.

Пленум Марказий Комитет Бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистоннинг бошланғич партия ташкилотлари зиммасига кескин бурилишда активлар, барча коммунистлар куч-ғайратларини қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлашга, партия ташкилотларининг омма билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга сафарбар этиш мажбуриятини юклайди. Қайта қуриш коммунистларнинг чуқур англаб етилган партиявий ишигина бўлиб қолмай, шу билан бирга ҳар бир гражданнинг ватанпарварлик бурчи ҳам бўлиб қолишига эришиш керак.

Ғоявий тарбия ишини республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш муаммоларини ҳал этиш билан ўзаро чамбарчас боғлаш биринчи навбатдаги вазифадир. Меҳнаткашлар туб хўжалик ислоҳотининг асосий қонуниятларини равшан тушуниб, фақат ҳар бир кишининг юқори унумли ҳалол меҳнати республиканинг илғор марраларга чиқиб олишини таъминлашини ва шу асосда ўзларининг ортиб бораётган моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини беришини англаб олишларига эришиш лозим.

Қайта қуриш практикасини унинг назарий асоси билан бевосита боғлаш республика партия комитетлари идеология ишининг ғоят муҳим йўналиши бўлиб қолиши керак. Мана шу назарий асос партия XXVII съездининг ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг ҳужжатларида, Марказий Комитетнинг қарорларида ишлаб чиқилган эди. Идеология ва тарбия ишига новаторларча ёндашувларни сабот билан излаш, бир қолипдаги мавжуд эски усулларга қатъиян барҳам бериш зарур.

Ишлаб чиқариш соҳасида сиёсий-тарбиявий иш биринчи навбатда хўжалик юритишнинг янги методларига ўтилаётган участкаларда жамлансин. Демократик асослар ривожлантирилсин, меҳнат ва истеъмол меъёри устидан контроллик қилишда, маблағларни социал-маданий ривожланишга тақсимлашда, интизом ва тартибни бузишга қарши курашда меҳнат коллективларининг роли кучайтирилсин.

Республика партия комитетлари, ижодий союзлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари одамларни ватанпарварлик ва социалистик интернационализм руҳида, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги, синфий онглилик руҳида тарбиялаш масалаларига эътиборни кучайтирсинлар, миллий манманлик ва маҳдудликнинг, маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларини, тайёрга айёрлик кайфиятларини қатъият билан бартараф этсинлар. Бу ишга баҳо беришда шунга асосланиш зарурки, умумхалқ вазифаларини ҳал этишга Ўзбекистоннинг ҳиссасини кўпайтириб бориш, республика иқтисодий потенциалининг самарадорлигини муттасил ошириш ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг, ҳар бир меҳнатчининг фаолият нормаси, интернационал бурчидир.

Марказий Комитетнинг идеология бўлимлари, Фанлар академияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти, Тошкент Олий партия мактаби миллатлараро муносабатлар, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш муаммоларига доир тадқиқотни чуқурлаштириб, социологик тадқиқотларнинг натижаларидан кенгроқ фойдалансинлар.

Партия ташкилотлари атеистик тарбияга алоҳида эътибор берсинлар. Ислом динининг, бошқа динларнинг таъсирига қарши кураш учун коммунистларнинг, комсомолларнинг, раҳбар ходимларнинг масъулияти оширилсин, партия аъзоларининг диний маросим ва расм-русмларда қатнашиш фактларига принципиал баҳо берилсин. Бой-феодалларча урф-одатларга, патриархал анъаналарга қарши қатъий кураш олиб борилсин. Диндорлар билан якка тартибда иш олиб бориш кучайтирилсин, динлар тўғрисидаги қонунни бузувчиларнинг хатти-ҳаракатларига қатъиян чек қўйилсин.

Хотин-қизлар ўртасида тарбиявий иш савияси оширилсин, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари яхшилансин, хотин-қизлар кенгашларининг фаолияти кучайтирилсин. Ташкилотчилик ва идеология ишининг барча воситалари хотин-қизларнинг ўзини ўзи ёқиши каби шармандали ҳодисага қарши курашга қаратилсин, бундай ҳодисаларнинг сабаблари очиб ташлансин, айбдорлар қаттиқ жавобгарликка тортилсин. Шу мақсадда жамоатчилик фикри, маҳалла комитетлари кучидан, маҳаллий Советлар депутатларининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланилсин.

Пленум партия, касаба союз, комсомол комитетларининг, маданият, халқ маорифи органларининг, ижодий союзларнинг эътиборини меҳнаткашларнинг эстетик ҳамда маданий савиясини ошириш, адабиёт ва санъат арбобларининг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш, Ўзбекистон тарихини, тарихий қадриятлар ва шахсларни марксча-ленинча позицияларда туриб ёритиш зарурлигига қаратади. Ижодкор зиёлиларнинг ёш кадрларига эътибор кучайтирилсин, уларнинг ғоявий-сиёсий ва профессионал савиясини оширишга, маҳоратини ўстиришга, истеъдодини батамом намоён этишига кўмаклашилсин.

Пленум матбуотни, радио ва телевидениени ошкоралик прожекторини қайта қуришга онгли ёки тушунмасдан қаршилик қилаётганларга амалий равишда ва далил-исботлар билан йўналтиришга чақиради. Ташаббускорлар қўллаб-қувватлансин, уларнинг тажрибаси оммалаштирилсин, қайта қуриш туфайли юзага келаётган янги, илғор нарсалар пропаганда қилинсин, меҳнаткашларнинг социалистик онги шакллантирилсин, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид кенгайтирилсин.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари, совет, касаба союз, комсомол органлари КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар, ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилиш, қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш соҳасидаги ишларни анча кучайтирадилар, деб ишонч билдиради.

КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

И. БЛИНДЕР,
иқтисод фанлари доктори
Р. КАРИМОВ, М. ПЕРПЕР,
иқтисод фанлари кандидатлари

ПАРТИЯ ЭЪЛОН ҚИЛГАН жадаллаштириш стратегиясининг ҳаётга татбиқ этилиши барча имконият ва резервларни сафарбар этишни, иқтисодий фаолиятнинг объектив заминга эга бўлган ва социализм табиати билан конфликтга бормайдиган барча формаларидан фойдаланишни тақозо этади. Улардан бири, КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, меҳнатни ташкил этишнинг кооператив формаси бўлиб, у социалистик ишлаб чиқариш ҳамда кишилар эҳтиёжларини қондириш борасидаги ўз имкониятларидан ҳали етарлича фойдаланилгани йўқ. Партия МҚ июнь (1987 йил) Пленуми «давлат эгалиги билан бир қаторда кооперациянинг, якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг турли формаларидан» актив фойдаланишнинг зарурлигини кўрсатганлиги, КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездидаги нутқида буни яна бир бор таъкидлаганлиги бежиз эмас. Умумхалқ ишлаб чиқариши билан чамбарчас алоқада бўлган кооперация (ишлаб чиқариш ва истеъмолчилик характеридаги) айниқса умумхалқ формалари етарлича ўзлаштирилмаган соҳаларда реал умумлаштириш даражасини оширади, экономика самарадорлигини ошириш ва совет кишилари турмуш даражасини ўстириш мақсадида қўшимча меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш имконини беради.

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳасида кооператив формаларининг халқ хўжалиги ва аҳолининг ишлаб чиқариш-техника ва истеъмол аҳамиятидаги хилма-хил маҳсулотларга, иш ва хизматларга бўлган ўсиб бораётган талабини қондиришдаги, мамлакат иқтисодий ҳаётини демократиялаш жараёнини кучайтиришдаги жуда катта потенциал имкониятлари таъкидланади.

Қонун лойиҳаси жамиятшунослар кўпгина назарий қоидаларни янгидан мушоҳада қилинганлигининг, улар ичидан давр синовидан ўта олмаган ва қайта кўриб чиқишга муҳтож бўлганларини аниқлаганликларининг натижаси бўлди.

Социализм қурилиши ва такомиллаштирилиши тажрибаси шундан далолат берадики, меҳнатни умумлаштиришнинг ривожланаётган жараёни унификацияга, кооператив формани давлат формасига «кўтариш» асосида социалистик мулк формаларининг бир хиллигини оширишга олиб келмайди. Назарияда ва СССР хўжалик практикасида кооператив мулкка ўн йиллар давомида қандайдир «иккинчи сортли», истиқболсиз нарса ҳамда социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланиши йўлидаги тўсиқ деб қараб келинганлиги эса колхозларни, матлубот кооперациясини бюрократлаштиришга, уларнинг кооператив табиатини сийқалаштиришга, экономиканинг бошқа соҳаларида меҳнатни ташкил этишнинг кооператив формаларидан фойдаланишни чеклашга олиб келди.

Кооператив мулкка, унинг экономика фаолиятидаги ва кишилар эҳтиёжларини қондиришдаги аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик ижтимоий тараққиётнинг объектив тенденцияларига зид келди, мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини секинлаштириш механизмининг шаклланишига ёрдам берди. Кооператив мулкнинг группавий характердалиги билан таърифланувчи сиёсий иқтисодга

доир ўзига хос хусусиятлари мавжуд концепцияларнинг гносеологик асосини ташкил этган эди.

Кооператив мулкка нисбатан эгалик қилиш, бошқариш ва фойдаланиш борасидаги ички тартиб муносабатлари системаси кооператив аъзолари иқтисодий манфаатларининг бир томонга йўналганлигини таъминлайди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш воситаларининг алоҳида кооператив хўжаликлар доирасида ажралиб туриши уларнинг доим ҳам ижтимоий манфаатларга мувофиқ келмайдиган ва уларга зид келиб қолиши мумкин бўлган алоҳида манфаатларини юзага келтиради. Юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни ҳал қилиш осон вазифа эмас, бунда маъмурий методларга эмас, балки асосан бозорни пухта тартибга солиш системасига (нарх, кредит, фойда, солиқ сингари ва бошқа қиймат категорияларидан фойдаланган ҳолда) асосланилади.

В. И. Ленин томонидан имзоланган Халқ Комиссарлари Советининг матлубот жамиятлари бошқармасига национализация қилинган савдо корхоналарини, шунингдек, истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи баъзи бир корхоналарни бериш ҳақидаги 1919 йил 11 март декрети амалга оширилганлиги кооператив мулкнинг давлат мулки билан мослигини амалда исботлади. РКП(б) VIII съездида партия программаси масалалари хусусида сўзга чиқиб, Владимир Ильич кооператив аппарати эски тузум заминида пайдо бўлган бўлсада, у «ҳарна қилиб бўлса ҳам сақланиши, ривожлантирилиши керак ва ҳар ҳолда ундан воз кечилмаслиги керак» деб алоҳида таъкидлаган эди (ТАТ, 38-том, 194-бет).

Социалистик асосда кооперациялаштиришни кооперациядан амалда ишлаб чиқаришни умумлаштириш формаларидан бири сифатида фойдаланишни В. И. Ленин рационал хўжалик юритиш маҳорати, «европача» савдо қила олиш, хўжалик юритиш натижалари учун стимуллар, манфаатдорлик, масъулиятдан фойдаланган ҳолда нормал иқтисодий оборотни йўлга қўйиш маҳорати билан боғлаган эди. Бунинг учун эса, деб таъкидлаган эди у, ҳар томонлама билим керак, маданий тараққиётнинг бутун бир палласи, бутун бир давр талаб этилади.

СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳасида ленинча ғоялар мамлакатимизда социализмни такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичига татбиқан ривожлантирилдики, бу босқичда меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш воситаларининг концентрациялашуви ва нисбатан иқтисодий алоҳидалиги формалари ишлаб чиқаришнинг конкрет шароитларига мувофиқ қонуний равишда тобора хилма-хил бўлиб боради, бу даврда ишлаб чиқаришни умумлаштириш формаларининг ҳаракатчанлиги ва эластиклиги асосида шахсий, группавий ва ижтимоий манфаатларни бирлаштиришнинг турли усулларидан фойдаланиш вазифаси кўндаланг бўлиб туради. Бундай шароитда меҳнатни ташкил этишнинг кооператив формаларига таянувчи корхоналар доираси кенгайиши қатъий заруриятга айланади, чунки кооператив мулкнинг ўзига хос хусусиятлари ундан экономикани интенсивлаш, иқтисодий ўсишда янги сифатга эришиш, халқ турмуш даражасини ошириш мақсадида фойдаланиш имконини беради. Бунда аввало кооперативларнинг давлат корхоналарига нисбатан оператив мустақиллиги катта эканлиги ва улар кундалик фаолиятининг хўжаликни бошқариш марказий органлари томонидан камроқ чеклаб турилиши кўзда тутиляпти. Ишлаб чиқариш муайян воситалари эгаларининг ихтиёрий бирлашмаси бўлмиш кооператив ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда хўжалик фаолияти соҳасини танлашда, фойдани тақсимлашда иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишни тақозо этади, ўз харажатларини ўзи тўла қоплаш негизида иш олиб боради.

Шунинг учун ҳам кооперация объектив зиддиятларни, аввало шахсий, коллектив ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги, иқтисодий ва социал ижодиётдаги марказлаштириш ҳамда эҳтиёж ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилишнинг социализмга энг яқин усуллардан бири ҳисобланади. Гап шундаки, макроманфаатлар (бутун жамият манфаатлари) кўпгина микроманфаатларни аста-секин реализация қилиш йўли билан қондирилади, бутун хўжалик системасининг макрорационаллиги эса кооперативларнинг микродаража рационаллигига ва самарадорлигига интилиши ҳисобига билвосита йўл билан таъминланади.

Иқтисодий форма сифатида кооперация меҳнатнинг бошқа бирор коллектив формасига қараганда ишлаб чиқарувчини унинг фаолияти натижалари билан аниқроқ боғлайди, мазкур корхонага, унинг нимани ва қандай ишлаб чиқараётга-

нига шахсан дахлдорлик ҳиссини ривожлантиради. Кооперативни ташкил этишга ўз пул маблағларини қўшган ва моддий жиҳатдан бевосита жавобгар бўлган унинг ҳар бир аъзоси ишни рационал олиб боришдан манфаатдордир. Кооперация ҳамкорликдаги ишнинг хўжалик натижаларидан, маҳсулот сифатини ва хизмат кўрсатишни яхшилашдан, моддий ва меҳнат ресурсларини тежашдан, қисқаси, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини интенсивлашдан коллектив манфаатдорликни ҳам таъминлайди.

Кооперативда хўжайинлик туйғусини шакллантириш унинг давлатдан расман иқтисодий мустақиллиги ҳисобига иқтисодий жиҳатдан ўз харажатларини ўзи тўла қоплаш ва ўзини ўзи бошқариш ҳисобига юз беради. Бу эса социалистик ишлаб чиқариш усули негизида кооператив муносабатларни кенгайтиришни бюрократларга қарши чора сифатида ҳам, ҳозирги шароитда бошқаришнинг маъмурий методларидаги ички зиддиятларга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараб чиқиш имконини беради. Кооперативларни ривожлантириш централизмни экономикада қўлланиш усулларини демократиялаш вазифасига жавоб беради, жамиятда иқтисодий ташаббускорлик ва масъулият ҳиссининг ўсишига имконият яратади.

Кооперативларнинг юксак социал-иқтисодий самарадорлигини таъминловчи бир қатор ўзига хос хусусиятлар мулкнинг кооператив формасининг ўзи билангина эмас, балки кооператив корхоналарнинг одатда кичик кўламларда бўлиши билан ҳам боғлиқдир. Бундай корхоналар аввало ижтимоий меҳнатни қўллашда ишлаб чиқариш концентрациясининг юқори даражада бўлишини талаб қилмайдиган соҳаларда рационал ишлайди, улар якка тартибдаги ва майда серияли буюртмаларни бажаради, бевосита истеъмолчи учун ишлайди. Фаолият кўламининг кичиклиги кооперациянинг эластиклигини таъминлайди, унинг хўжалик шароитининг ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг форма ва методларини оператив равишда ўзгартириш қобилиятини юзага чиқаради, маҳаллий хом ашё, материаллар ва бозор эҳтиёжидан келиб чиқиб, у ёки бу буюмни тайёрлашга осонлик билан мослашиш имконини беради. Бу билан ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, якка тартибдаги эҳтиёжларни яхшироқ қондириш таъминланади. Кооперативлар рентабеллигининг йирик корхоналарга қараганда бухгалтерия ва статистика ҳисоботини оддийроқ олиб бориш туфайли, шунингдек, ички бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш системаси ёрдамида бошқариш аппаратига сарфланадиган ва бошқа қўшимча харажатларни камайтиришдек манбаини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Кооператив асосида ташкил этилувчи майда корхоналар меҳнаткашларнинг айрим группаларига меҳнат жараёнида кишилар ўртасида янада яқиндан алоқа ўрнатиш, уларнинг ижодий потенциалини ҳаётда мужассамлаштиришдек специфик шахсий манфаатларни реализация қилиш учун имконият яратади. Меҳнатни ташкил этишнинг ихчам формаларини, шу жумладан уйда ишлаш формасини қўллаб кооператорлар меҳнат ресурсларидан, кишиларнинг пул жамғармалари ва шахсий ташаббусларидан жамият манфаати йўлида рационал фойдаланишга ёрдам берадилар, тўғри йўл билан қўшимча иш ҳақи олиш имкониятини берадилар. Кооперация социалистик хўжалик юритиш форма ва методларини бойитади, экономиканинг ўзида турли микёсдаги хўжалик бирликларини бирлаштирувчи структурасини шакллантиради.

Социалистик мамлакатларда кооперациянинг ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, у экономиканинг амалда барча соҳаларида самара билан ишлашга қодир.

Оғир саноат тармоқларида кооперативларга комплектловчи буюмлар майда партияларини, йирик корхоналар учун асбоб ва заготовкаларни ишлаб чиқариш, уларнинг якка тартибдаги буюртмаларини бажариш юклатилиши мумкин. Бу эса корхоналарни улар учун иқтисодий жиҳатдан фойдасиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан озод қилишга, улар фаолияти самарадорлигини оширишга имкон яратади. Кооператив йирик корхоналар ишлаб чиқарадиган аппаратурани бундан буёнги техник қаровини ташкил этишни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин, чунки унинг учун буюртмачилар талабига мослашиш осонроқ. Давлат саноат корхонасида унинг ходимларидан ташкил этилувчи хўжалик-меҳнат жамияти бундай кооперативларнинг ташкилий формаси бўлиб қолиши мумкин. Бу жамият корхонанинг

бўлинмаси эмас, лекин ундан бутунлай мустақил ҳам бўлмайди, чунки у раҳбарлар розилиги билан ташкил этилади. Бундай кооператив аъзолари корхона билан келишган ҳолда унинг ускуналари, хом ашё ва материалларидан фойдаланиб, ишдан бўш вақтларида асбоблар, комплектловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ишлайдилар. Ушбу форма корхоналарга ўз моддий-техника базасидан янада самарали фойдаланиш, «танг жойларни» йўқотиш, қўшимча иш кучига жуда муҳтож бўлган пайтда четдан ёлламай ва иш вақтидан ташқари меҳнатни тартибга солувчи қоидаларни бузмаган ҳолда шундай иш кучи жалб этиш учун имконият яратади. Корхона ходимлари учун эса меҳнатни ташкил этишнинг бундай формаси ўзларининг қонуний иш жойларида, ўз касби ва малакасига мувофиқ қўшимча даромад ишлаш имкониятини беради.

Енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида юридик шахс сифатида иш кўрувчи ўз ишини тўлиқ хўжалик ҳисоби — ўзини ўзи планлаштириш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида ташкил этувчи кооперативларни тузиш мақсадга энг мувофиқ кўринади. Улар меҳнат коллективларини шакллантириш ва даромадларни тақсимлаш масалаларида мустақил бўлишлари, ўз фаолиятларини аҳолининг муайян турдаги маҳсулотга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб бошлашлари ва тўхтатишлари керак. Ушбу корхоналар ҳам давлат корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари керак бўлади, давлат корхоналари шартнома асосида ўта мураккаб маҳсулотни ишлаб чиқариш учун материаллар, иккиламчи хом ашё, асбоблар, машиналар ва технология етказиб беришлари мумкин.

Енгил ва озиқ-овқат саноатидаги кооперативлар ўз аъзоларининг ташаббуслари ва фойдали тадбиркорликларидан фойдаланиб ишлаб чиқаришни жадал қайта қуришга, тайёрланаётган халқ истеъмоли моллари ассортиментини ўзгартиришга, бозор конъюнктурасига мослашган ҳолда уларнинг ўта модаликларини майда партиялар билан чиқаришга қодирдирлар. Улар эсдалик ва бадиий буюмлар, трикотаж ва атторлик буюмлари, мебель ва уй-рўзғор предметлари, кийим ва пойабзал, кулоллик, нон-булка ва қандолатчилик маҳсулотлари, алкоголсиз ичимликлар ва ҳоказолар ишлаб чиқаришлари мумкин. Бундай кооперативлар фаолияти истеъмолдаги тақчил ноз-неъматлар доирасининг торайишига, эҳтиёж билан таклиф ўртасида мутаносиблик ўрнатилишига ёрдам бериши керак.

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида таъкидланганидек, **қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши** соҳасида янги типдаги кооперативлар ташкил этиш учун катта имкониятлар мавжуд. Булар бўш ётган ва кам ҳосил ерларга ишлов бериш, уларда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш бўйича ширкатлар, чорвачилик маҳсулотини етиштириш, қайта ишлаш ва реализация қилиш бўйича қорамол эгаларининг, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликларда сабзавот ва мевани якка тартибда етиштирувчиларнинг бирлашмалари бўлиши мумкин. Бундай кооперативлар Озиқ-овқат программасини бажаришга ёрдам беради, шу сабабли уларга ҳар томонлама кўмак бериш, улар ихтиёрига кичик габаритли техника, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ўғит, уруғлик ва наслдор молларни бериш, уларнинг тайёр маҳсулотини сотиб олиш ва реализация қилиш керак. Республикамиз шароитида қишлоқда ишлаб чиқариш ва социал-маданий аҳамиятдаги объектларни бунёд этишга доир кооператив-қурилиш бригадаларини ташкил этиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади.

Фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида илмий-техника кооперативлари зарур ҳисобланадики, уларнинг фаолияти халқ хўжалигининг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бўлган эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берган бўларди. Бизнингча, Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, министрлик ва идоралар қошида илмий ходимларнинг халқ хўжалиги барча соҳалари корхона ва ташкилотларининг буюртмаларини бажарадиган кооперативларини; халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари, корхона ва бирлашмалар қошида фан-техника тараққиёти ютуқларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини берувчи инженерлик-жорий этиш кооперативларини; ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва унга хизмат кўрсатиш, электрон-ҳисоблаш машиналарини программа билан таъминлаш соҳасида турли кооперативларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Савдо соҳасида мавжуд кооператив формаларни ривожлантириш уларни шаҳар ва посёлкаларда кенг жорий этиш; тураржойларда (шаҳардаги маҳалла

ва кварталларда) колхоз ва совхозлардан маҳсулот харид қилиб, уни шаҳарликларга сотишни мақсад қилиб қўйган савдо-сотиқ кооперативларини, шунингдек, колхоз бозорларида якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида воситачилик операцияларини, яъни «олибсотарлик» вазифаларини бажаришни кўзлайдиган кооперативларни ташкил этиш йўлидан бориши мумкин.

Уй-жой қурилишида мавжуд кооперативлар билан бир қаторда саноат бирлашмалари ва корхоналар қошида янгича типдаги кооперативларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда ишчи ва хизматчиларнинг пул маблағларидан мавжуд фондни эксплуатация ва ремонт қилишга кетадиган харажатларнинг ҳаммасини ва уй-жой қурилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар бир қисмини қоплаш учун фойдаланиш мумкин. Қолган харажатларни корхона фондлари ҳисобидан қопласа бўлади. Гаражлар ва шахсий транспорт қўйиладиган жойларни қурувчи кооперативлар, аъзоларнинг пайлари асосида ташкил этилган ва коллектив фойдаланиш ҳуқуқига эга меҳмонхона типидаги далаҳовли кооперативлари (меҳнаткашлар дам оладиган зоналарда, сув ҳавзалари яқинида, тоғли районларда) кенг миқёсда ривожланиши мумкин. Шаҳар ва посёлкаларда кичик спорт иншоотларини қуриш учун аҳоли маблағини кооперациялаш ҳам мумкин.

Амалий санъат, халқ бадиий ҳунармандчилиги, миллий нонлар ёпиш ва шу каби ҳунарлар соҳасида **якка тартибдаги меҳнат фаолиятини** ташкил этишда кооператив формалар катта роль ўйнаши мумкин. Кооперация кишилар меҳнатидан самаралироқ фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш имконини беради, зарур хом ашё, ёқилғи ва материаллар билан таъминлашни енгиллаштиради, якка тартибдаги меҳнатни бойлик орттириш воситасига айлантириш йўлига ғов бўлади. Бундай кооперативларнинг мумкин бўлган формаларидан бири сотиш-таъминлаш кооперативлари бўлиб, унинг вазифалари бошқа кооперативларни ёки якка тартибда ишловчиларни зарур материаллар, меҳнат қуроллари билан таъминлаш, давлатдан олинган кредитларни тақсимлаш ва ҳосил қилинган маҳсулотни реализация қилиш билан чекланади.

Умумий овқатланиш соҳасида кооператив чойхона, кафе, тамаддихона ва буфетлар ташкил этиш билан бир қаторда айрим корхоналар ва қишлоқ хўжалик бўлинмалари ходимларига хизмат кўрсатувчи кооператив ошхоналарни ташкил этиш муҳим социал тадбирдир. Бу хил кооператив ошхоналар таом порциялари устига қўшимча нарх белгиланмасдан сотилишини кўзлаб таомлар тайёрлашга кетган харажатларнинг бир қисмини ўз зиммаларига олишлари керак. Якка тартибда қурилган уйларда (тегишли шароит бўлган тақдирда) миллий таомлар тайёрланувчи чоғроқ оилавий кафелар ташкил этиш ҳам мумкин.

Умуман олганда умумий овқатланиш кооперативлари таомлар ассортиментини хилма-хил қилиш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун ёрдам беради. Истеъмолчилар танлаш, ўхшаш давлат корхоналари билан қиёслаш имкониятига эга бўлиши умумий овқатланиш кооперативларида таомлар сифати ва хизмат кўрсатиш даражаси устидан контрол қилишнинг таъсирчан формаси бўлиб қолади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кооператив корхоналарни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Автомобиллар, хилма-хил рўзғор техникаси, фотоаппаратлар ва оптика, музика асбоблари, ўйинчоқлар, велосипедлар ремонти, кийим ва пойабзал тикиш ва ремонт қилиш, суратга олиш, фотоплёнкаларни проявить қилиш ва суратларни қоғозга тушириш, сартарошлик хизмати, уй-жой фондининг жорий ва капитал ремонти, юкларни ташиб бериш, воситачилик ёрдами, янги квартираларга кўчиб кирувчиларни жойлаштириш — булар кооперативлар кўрсата оладиган хизматларнинг бир қисмидир. Санъат соҳасида (музика асбобларида чалишни, хореография, рақсларни ўргатишда ва ҳоказо), репетиторлик, чет тиллардан таржима қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, ахборот, медицина, маданий ва маърифий фаолият соҳаларида ҳам кооперативлар бўлиши мумкин. Партия ва ҳукумат яқин йиллар ичида хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш ялпи ҳажмининг 3—5 проценти кооперативлар ҳиссасига тўғри келишидек вазифани ўртага қўйган. Бунда кооперативлар хизмати давлат маиший хизматини яхши ишлашга мажбур қилиши ҳамда ҳозирча унинг қўлидан келмайдиган соҳаларда ёрдамга келиши ҳам кўзда тутилган.

Корхона ва муассасалардаги **омонат-кредит кооперативларини** янги турдаги

кооперативларга киритиш мумкин. Уларнинг вазифаси — узоқ муддат фойдаланиладиган қимматбаҳо товарлар, дам олиш путёвкалари ва ҳоказоларни харид қилиш учун ўз аъзоларига пул кредитлари беришдир.

Кооперативларнинг мумкин бўлган барча турларини олдиндан белгилаш мумкин эмас. Энг муҳими кооператив ижодиёт эркинлиги принципига қатъий риоя қилиш, янги ташкилий формаларни излаш, янги фаолият соҳаларини ўзлаштиришдир. Маълум жой аҳолисига зарур маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш кооперативлар ва уларда ишловчи шахслар даромадларига солиқ солишда имтиёзлар бериш ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бир вақтда кооператив корхоналарнинг ривожланиши нафақат ижобий натижаларга, балки микёсини баҳолаш қийин бўлган салбий социал оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Масалан, агар давлат корхоналарида тақсимот муносабатларидаги камчиликлар сақланиб қолса, кооперативлар улардаги моддий манфаатдорликни, меҳнат интизомини заифлаштиришлари мумкин. Шу сабабли кооператив мулкдан фойдаланиш соҳасининг кенгайтирилиши туб иқтисодий ислоҳот, давлат корхоналарини меҳнатга ҳақ тўлашнинг унинг унумдорлиги билан қатъиян боғлиқлигини таъминлаш, даромадларни тақсимлашдаги текисчиликка барҳам бериш имконини берувчи тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказиш доирасида юз беради.

Кооперативлар ўз фаолиятини аввало узоқ вақт тақчиллик мавжуд бўлган соҳаларда кенг йўлга қўйганликлари сабабли уларда реал меҳнат ҳиссасидан ошиб кетувчи даромадлар олиш (баҳоларни ошириш ҳисобига) имконияти туғилади. Кооперативлар соф даромадига солиқ солиш ва уларда ишловчиларга прогрессив усулда солиқ солиш жуда баланд нархлар қўйилишига тўсқинлик қилиши, тақсимотда социал адолат принципининг амал қилишига ёрдам бериши керак. Бунда кооператив даромадига солинадиган солиқ ставкалари соф даромад билан моддий харажатлар нисбатига боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Лекин, бизнингча, зарур стимулларга йўл очиб берадиган, лекин айни вақтда жудаям юқори даромадлар олишга йўл қўймайдиган солиқ солиш тадбирлари ёрдамидагина кооператив фаолиятини тартибга солиб туришнинг иложи йўқ. Кооперативлар даромадларининг ишлаб чиқарилган неъматлар ҳамда кўрсатиладиган хизматлар ҳажмига ва уларнинг сифатига қатъиян боғлиқлигини пировард натижада кам аъзоли кооперативларнинг танҳо ҳукмронлигига барҳам бериш, ижтимоий ва кооператив секторлар ўртасидаги ҳам, кооператив сектор ичидаги ҳам иқтисодий мусобақани рағбатлантириш, эҳтиёж билан таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш орқали амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги кооперативлар ташкил этишга доир иш 1987 йилда — СССР Министрлар Советининг тегишли қарорларидан кейин бошланди. 1988 йил 1 январда республикада 880 кооператив бўлиб, улар 18,5 миллион сўмлик маҳулот ишлаб чиқарган ва хизмат кўрсатган. Оз эмасдек туюлади, лекин ушбу сумма чакана товар обороти умумий ҳажмининг атиги 0,13 процентини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, биз бундай жараён эндигина бошланганига амин бўламиз. Лекин ҳозироқ ижтимоий меҳнат турли соҳаларини кооператив форма билан қамраб олишни кенгайтиришни тўхтатиб турувчи омиллар кўриниб қоляпти. Агар давлат аппарати ва хўжалик ҳаётидаги иш юритиш кооперативлар ташкил этишга тайёр эмаслиги билан боғлиқ қийинчиликларни ҳисобга олмасак, уларнинг олдидаги асосий тўсиқлар, бизнингча, қуйидагилардан иборат.

Бу аввало бошқариш маъмурий-бюрократик методларининг ҳали ҳам кучлилиги, хўжалик юритишнинг социализм давридаги иқтисодий фаолият ҳақидаги анъанавий тасаввурларга «сиғмайдиган», лекин ҳаётий зарур, меҳнаткашлар ташаббускорлигини рағбатлантирадиган, уларнинг социал активлигини оширадиган формаларини қабул қилмасликдир. Бу — кооперацияни фақат жамиятда социал табақаланиш кучайишига имкон яратувчи ҳаддан ташқари бойиш манбаи сифатида талқин қилувчи бир қолипдаги фикрлашдир. Янги кооперативлар ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини анчагина соддалаштиришни кўзда тутувчи СССРда кооперация тўғрисида Қонун қабул қилиниши меҳнатни ташкил этишнинг кооператив формаларига ёқинкирамай-шубҳаланиб қарайдиган мансабдорлар ҳокимиятини чеклаб қўяди.

Кооперативларни барқарор ривожлантириш уларни материаллар, ускуна, зарур техника билан таъминлашнинг аниқ системасини яратишни тақозо этади. Кооперативларнинг саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи савдо қилувчи ташкилотлар билан шартнома муносабатларидан фойдаланиш йўли билан ушбу проблемани ҳал этиш мумкинки, бу ҳол халқ хўжалигини бошқаришни тубдан қайта қуриш шароитида реал бўлиб қолмоқда. Бундай савдо йўлга қўйилмагунча, бизнингча, тақчил ресурсларга бўлган давлат лимитлари системасини кооперативларга ҳам татбиқ этиш лозим.

Кооперациянинг кенгайтирилишига кўп ҳолларда бошқаришдаги мавжуд идоравий система тўсқинлик қиляпти. Партия ва ҳукумат қарорлари асосида кооперативларга ўз фаолиятларини ўзлари планлаштириш ва ўз маҳсулот ҳамда хизмат кўрсатишларига нархлар белгилаш ҳуқуқи берилган бўлсада,турли идоралар ҳали ҳам уларга хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментига қанча нарх белгилашни буюришади, ўн йилликлар даврида қарор топган бюрократик методлар асосида кооперативлар устидан «ҳомийлик» қилишга, давлат корхоналарига хос бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисоботи каттагина системасини тиқиштиришга уринишади.

Идораларнинг кооперативлар томонидан рақобат бўлишидан хавфсираши ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Ҳолбуки, давлат ва кооператив корхоналари пировард натижада ягона мақсадга — совет кишиларининг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга хизмат қиладилар ҳамда улар бир-бирларини тўлдиришлари керак.

Министрликлар, халқ депутатлари Советларига кооперативлар оладиган фойданинг бир қисмини бериш билан кооперация янги формаларини ривожлантиришдан уларнинг манфаатдорлигини ошириш кооперативлар фаолияти учун қулай шароит яратишга, тор идоравий манфаатларга барҳам беришга хизмат қилган бўлар эди. Область ва район ижрокомларида хўжалик ҳисоби асосида ишловчи кооперация марказлари ёки бўлимларини ташкил этиш орқали Советларнинг бу ишдаги ролини кўтариш мумкин. Бу улар зиммасига кооперативлар ташкил этишнинг бир қатор ташкилий масалаларини ҳал қилишни, консультатив ёрдам бериш, идораларда уларнинг манфаатларини ифодалаш, маҳсулот билан таъминлаш ва савдо қилишни яхшилашда иштирок этиш ва шу кабиларни юклаш мумкин бўлар эди.

Практика СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг кооператив фаолиятида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар контингентига тааллуқли бир қатор қоидалари ўз вақтида ишлаб чиқилганини тасдиқламоқда. Хусусан, мутахассислар билан шунчаки меҳнат битими тузмасдан, балки кооперативларга уларни доимий ишга қабул қилиш ҳуқуқи бериш масаласининг ҳал этилганлиги жудаям муҳимдир. Маҳаллий Советлар ижроия комитетларига маҳаллий вазиятдан ва иш жойлари ҳамда меҳнат ресурсларининг балансланганлигидан келиб чиққан ҳолда гражданларга фақат кооперативнинг ўзида ишлаши учун рухсат бериш имконияти берилди. Меҳнатга лаёқатли аҳоли ортиқча бўлган регионал шароитларда кооперация ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кишиларни ишга жойлаштириш имконини беради.

Давлат ва кооператив секторларнинг тенг ҳуқуқли ўзаро таъсирини таъминловчи СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши кооперативлар фаолияти соҳасини анчагина кенгайтириш, уларни анъанавий тармоқлардан ташқарида татбиқ этиш учун шароит яратади. Аҳоли кенг қатламларининг кооперацияга жалб этилиши, янги-янги кооператив корхоналарнинг ривожланиши хўжалик юритишда иқтисодий методларга, меҳнатни ташкил этишнинг хилма-хил формаларини кўпайтиришга юз тутишнинг муҳим элементи бўладики, булар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги регионал ва тармоқ хусусиятларининг мураккаб комплексини ҳисобга олиш, хўжалик бўлинмаларининг кишиларнинг тез ўзгараётган эҳтиёжларига реакциясини кучайтириш имконини беради, бинобарин, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга ва совет кишиси фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Журналхонларимиз эътиборига ҳавола этилаётган ушбу мақолалардан бирининг муаллифи ишчи-коммунист, иккинчиси эса шаҳар партия комитетининг биринчи секретаридир. Бу кишиларнинг ўхшаш томони ишни яхшилашдан ниҳоятда манфаатдорлиги, ҳар иккаласи ҳам қайта қуришнинг актив қатнашчиси эканлиги, камчиликларга, лоқайдлик ва интизомсизликка муросасиз эканлигидир. Тўғри, иш аҳволига улар кўрсатадиган таъсир бир хил эмас, аммо ишга давлат нуқтаи назаридан ёндашиш иккаласига ҳам хос фазилатдир. Энг муҳими ҳам шу. Ўз корхонасини бошқаришда бевосита қатнашиб келаётган, фикр доираси кенг, ҳозиржавоб оддий ишчи Евгений Александрович Топильский сингари кишиларсиз ва ҳамиша одамлар ташвиши, дарди билан яшайдиган, барча илғор, истиқболли нарсаларни қизғин қўллаб-қувватлаб келаётган Ҳакимжон Неъматович Мусабеков сингари раҳбарларсиз партия ва жамият ҳаётини демократиялаштиришни амалга ошириб бўлмайди. «Ҳар ким ўз жойида кўп нарса қила олади», — дейди Е. А. Топильский, иккинчи муаллифимиз Ҳ. Н. Мусабековнинг фикрича, партиявий таъсир кучайган тақдирдагина ишда силжиш бўлади. Binобарин, бу фикр-мулоҳазалар бир-биридан фарқ қилмайди.

ҲАР КИМ ЎЗ ЖОЙИДА КЎП НАРСА ҚИЛА ОЛАДИ

Е. ТОПИЛЬСКИЙ,
йиғувчи слесарь, «СССР 50 йиллиги
номли Тошкент трактор заводи» ишлаб
чиқариш бирлашмаси партия комитетининг аъзоси

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарлик босиб ўтилган йўлга назар ташлаш иштиёқини уйғотди. Хўш, беш йилликнинг ўтган икки ярим йили мобайнида нималар қилинди? Қандай ютуқларга эришдик, қайси жабҳада хато ва камчиликларга йўл қўйдик, қанчалик масъулият билан меҳнат қилдик — ана шуларни таҳлил этиб кўриш керак. Раҳбарларгина эмас, кўпгина оддий кишилар ҳам шундай ўйга борди, деб айта оламан. Бу ҳам давр белгиси бўлса керак: илгарилари эришилган натижаларга баҳо бериш, иш аҳволини таҳлил қилиб, истиқбол режаларини ишлаб чиқиш, қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини белгилаш асосан мансаб эгаларининг иши деб ҳисоблаб келинарди. Энди бўлса партия халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариш, демократиялаштириш йўлини сабот билан ўтказиб келмоқда, ўз ҳужжатларида мамлакатимизда ҳокимият бутун халқники, ҳар бир меҳнаткаш кишиники эканлигини, бу ҳуқуқдан фойдаланишни ўрганиб олиш кераклигини таъкидламоқда.

Мен ҳам ана шу ҳуқуқдан фойдаланиб, бирлашмамизда иш қай тахлит қайта қурилаётгани, нималар халақит бераётгани, қайси нарса эътиборимиздан четда қолаётганини қараб чиқишни ўзимга эп билдим. Фикр-мулоҳазаларим бошқа корхоналарда ишлаётганларга ёрдам берса эҳтимол. Ахир, биз ҳаммамиз битта, муштарак ишни амалга оширмоқдамиз-ку!

Яқин-яқингача бирлашмамиз тармоқда энг яхшилардан бири эди. Шу сабабли юқори ташкилотлар бизга кўп эътибор берар, квартал сайин кўчма Қизил байроқ топширар, ишчилару маъмурий аппарат ходимлари мукофот олиб турардилар. Хуллас, ғамхўрлик жуда ўрнида эди. Лекин 1987 йил биз учун оғир келди: давлат қабули шароитида ишлашга ўтиш осон бўлмади, янги маҳсулотни ўзлаштириш ҳам қийинчилик билан кечди, уй-жойни тақсимлашдаги жиддий нуқсонлар туфайли партком секретарлигига навбатдан ташқари сайлов ўтказилди. Уларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш маромига таъсир этди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми бизни экономикани бошкарувни тубдан кайта куриш сари бошлади. Бу жараён давом этаётганлигига бирлашмамиз мисолида яккол ишонч хосил килиш мумкин. Тўғри, бунда таассурот бир-бирига зид бўлиши мумкин. Зеро, энди эскичасига ишлаб бўлмайди, янгичасига ишлашга эса ўрганиб олингани йўк. Натижада 1987 йилда давлат плани барча кўрсаткичлар бўйича барбод бўлди. Бунга ким айбдор эканлигини аник айтиш қийин. Эҳтимол, 5—6 йил аввал танланган стратегия айбдордир.

Завод 1987 йил январда давлат кабули шароитида ишлашга ўтишини ҳамма олдиндан биларди. Унга 1986 йилнинг ўрталаридан бошлаб тайёргарликка киришилган эди. Лекин давлат кабулини жорий этадиган пайт келганда саросимага тушиб колинди. Завод хизмат бўлинмаларининг технология ҳужжатларини тартибга келтириш, асбоб-ускуна, ўлчов ва жиҳозларни давлат стандартлари талаблари ва технологияга мувофиклаштириш бобидаги локайдлиги ана шунга олиб келди. Ҳаммаси бир бўлиб, йил бошларида ягона узлуксиз графикдан оркада колишга олиб келди. Барча цехларнинг фидокорона ҳаракатига карамай, йилнинг охиригача корхона ўша колоклик ўрнини тўлдира олмади. Ҳатто, тўртинчи кварталда план асосан бажарилганлиги ҳам аҳволни ўзгартмади.

Ҳозир, орадан шунча вакт ўтгач, ўша кезлари йўл кўйилган камчилик ва нуксонлар айникса аник кўринади. Давлат кабули билан корхонанинг, цехларнинг, конструкторлик бюроси, бош технолог бўлимлари, техник назорат бўлимлари ва бошка хизмат бўлинмаларининг ҳамкорликдаги иши чоғида шундай камчилик ва нуксонларга йўл кўйилган эди. Энг аввало ишлаб турган корхона шароитида технология ҳужжатларига тезда тузатиш ва ўзгартириш кирита билмаслик, ўзгараётган конъюнктурага тез мослаша олмаслик ишга халакит берди. Холисона айтадиган бўлсак, бунда заводимизнинг ўзинигина айблаб бўлмайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия МК февраль (1988 йил) Пленумида таъкидлаганидек, марказда «ҳали ҳам ялпи кўрсаткичларга ёпишиб олишган, давлат буюртмалари оркали маъмуриятчилик килинмокда, хўжалик юритишнинг иктисодий методларини буйрукбозликнинг яширин формаларига айлантиришга уриниш ҳоллари юз бермокда».

Бу сўзлар корхонамизга ҳам тўла тааллуклидир. Масалан, маҳсулотимиз юз процент ҳажмида давлат буюртмаси бўлгач, иктисодий жиҳатдан канакасига омилкорлик билан иш кўриш ҳакида гап бўлиши мумкин? Таккослаш учун шуни айтаманки, Минск трактор заводида давлат буюртмаси билан тракторларнинг 90 процентигина ишлаб чикарилди. Демак, уларда маневр килиш учун реал имконият бор. Бизнинг корхонамиз эса бошиданок конъюнктурага мувофик иш тутишни истисно этадиган катъий рамкага солиб кўйилганди.

Ёки бошка бир мисолни олайлик. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Конунда зарурат бўлганда корхона маҳсулот етказиб берувчини ўзи танлаши кераклиги айтилган. Бунда етказиб берилаётган маҳсулот муддати жиҳатидан ҳам, сифати жиҳатидан ҳам керакли талабга жавоб берса бас. Бизда эса маҳсулот етказиб берувчиларни СССР трактор ва кишлок хўжалиги машинасозлиги министрлиги белгилаб берган. Булар — Душанба гидроагрегат заводи (рулнинг гидрокучайтиргичини етказиб бермайди, устига-устак маҳсулот сифати ҳам яхши эмас), Суджен агрегат заводи (йил мобайнида 3,5 мингтадан ортик гидрокучайтиргични кам берди) ва бир йил ичида 800 гидроцилиндр карздор бўлиб колган Елецк заводидир. Ваҳолонки, КПСС МК февраль (1988 йил) Пленумида таъкидланишича, эндиликда давлат корхонаси тўғрисидаги Конунда белгилаб кўйилган коидалардан сал бўлса-да чекинишга йўл кўймаслик керак. Буларнинг барини идоралар раҳбарларининг амалий ҳаракатлари билан кай тахлит уйғунлаштириш мумкин?

Бизда инсон омилидан янада самарали фойдаланиш масаласи ҳам жиддий бўлиб турибди. Топширик барбод бўлишининг олдини олиш учун юзага келган проблемаларни ҳал этишга барча резервларни ташлаш керак эди. Бунда партия ташкилоти чинакам авангардлик кўрсатиши ва коллективни ўз ортидан эргаштириши керак. Бизда эса бундай бўлмади. Худди шу вактда, 1987 йилнинг биринчи квартали охирларида партия комитети секретарсиз колди. Бу ҳолда ҳам айб факат ўзимизда дея олмайман. Партком аъзолари секретарни кетишига карши эди. Биринчидан, бевосита унинг ташаббуси билан, ошкоралик ва танкид шароитида

корхонада уй-жой нотўғри тақсимланаётганлиги фактлари аниқланган эди, иккинчидан эса бирлашма давлат қабулига ўтишдек масъулиятли дамларни бошидан кечираётгани, бинобарин, кучларни максимал сафарбар этиш зарурлигини ҳамма тушунарди. Бироқ, юқори партия органлари бошқача иш тутдилар. Секретарь озод этилди, унинг ўринбосарларидан бири ўқишга, иккинчиси пенсияга кетди. Том маънода уларнинг ўрнини босадиган, ишни келган жойидан бошлаб кетадиган одам бўлмади. Амалдаги инсон омили, унинг ишга таъсири қандай эканлигини ана шу мисолдан билиш мумкин.

Бўлиб ўтган партия конференциясида ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлими бошлиғининг ўринбосари Владимир Ильич Будилиннинг номзоди секретарликка кўрсатилди. У жуда принципиал, ташаббускор, ишнинг кўзини биладиган киши бўлса-да, лекин бунчалик катта корхонада партиявий иш бобида кўникмаси йўқ эди. Унинг ўринбосарлари ёш. Вақти келиб тажриба орттиришади. Бироқ, завод коллективи учун ўтган йили бой берилган нарсалар ўрнини тўлдириб бўлмайди. Халқимиз вақтинг кетди — нақдинг кетди деб бежиз айтмаган. Бу гап иш вақтига жуда тааллуқлидир. Зеро, уни беҳуда ўтказиш ёки, аксинча, хайрли ишларга тўла сарфлаш мумкин.

Ўшанда, 1987 йилнинг бошларида планни муваффақиятли бажаришнинг асосий шарти одамлар билан собитқадам иш олиб бориш, юксак уюшқоқлик, мустаҳкам меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми эканлигини ҳаммамиз яхши тушунардик. Лекин иш вақтини нималарга сарфладик? Иш вақтининг планли фондидан фойдаланиш 1987 йилда умуман бирлашма бўйича 84 процентни ташкил этди. Демак, вақтнинг 16 проценти беҳуда кетган. Олдинги йилга нисбатан бу кўрсаткич 7 процент кўпайган. Меҳнат муҳофазаси ва иш шароитини яхшилаш, даволаш-профилактика тадбирларига ҳар йили 1 миллион сўмдан ортиқ сарфланаётганига қарамай, иш вақтининг бекор кетишининг ярмидан ортиғи касалланиш ҳамда ишлаб чиқариш жароҳатига тўғри келади. Боз устига бу ишда бўшашувчанликка йўл қўйилгани учун бахтсиз ҳодисалар миқдори, меҳнатга лаёқатсизлик туфайли иш вақтининг йўқотилиши бир йил ичида қарийб 60 процент, айрим цехларда эса 2,5—4,5 марта кўпайди. Йиллик планни муваффақиятли бажариш учун фойдаланилмай қолган резервлар шу эмасмикан?

Тўғри, касалланиш туфайли ишга чиқмаслик ҳоллари бўлиб туради. Бусиз мумкин эмас. Лекин бу нарса меҳнат аҳли учун нормал иш ва турмуш шароити яратиб бериши, ускуналар соз, ишлаб чиқариш технологияси ва маданияти юксак даражада бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак бўлган айрим цехлар, хизматлар, бўлимлар раҳбарларининг ўз бурчини виждонан бажармаётганлиги туфайли содир бўлаётганлигига лоқайд қараб туриб бўладими, ахир? Айниқса уюшқоқлик бобидаги камчиликларимиз, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми ёмонлиги туфайли анчагина нобудгарчиликка йўл қўйилганлигини сира оқлаб бўлмайди. Ўтган йили ишга кечикиб келиш, маъмурият рухсати билан ишга чиқмаслик оқибатида 6640 киши-кун йўқотилди (бу олдинги йилга нисбатан 30 процент кўпдир. Сиёсий-тарбиявий ишлар бўшаштириб юборилган айрим цехларда эса бу кўрсаткич бир неча баравар ошиб кетди). Жамоат тартибини бузиш (59 дан 86 гача), жамоат жойларида маст ҳолда юриш ҳоллари (7 дан 31 гача) кўпайди. Интизомсизлик, ишни айниқса иккинчи сменада кеч бошлаш ва барвақт тугатиш туфайли кўп иш вақти йўқотилди. Худди ана шу важдан коллектив смена вақтининг 14,5 процентини бой берди.

Бу фактлар партия ташкилоти сиёсий-тарбиявий ишларни талаб даражасида олиб бормаганлигини кўрсатади. Партком раҳбарияти сайловини эҳтимол кечиктириб туриш тўғри бўларди. Ахир, масалага чуқур ўйламай ёндашилса, яхши ва фойдали ишни ҳам бузиб қўйиш мумкин. Қолаверса, цех партия ташкилотларимиз ҳам бўш ишладилар, кишиларни чинакамига, коммунистчасига ўз ортларидан эргаштира олмадилар. Раҳбарлик лавозимидаги айрим коммунистлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунончи, қайта қуриш бир қанча бўлим ва бўлинмалар бошлиқларини саросимага солиб қўйди, улар бир чеккада кузатувчи бўлиб қолдилар, ҳамон янгиликдан қўрқишади, ўз хизмат бурчларини адо этмаяптилар, белгиланган тадбирларни барбод этиб, юзага келаётган масалаларни ҳал этишни бошқалар гарданига юкламоқдалар.

1987 йил плани барбод бўлгани учун масъулиятни раҳбариятнинг фақат юқо-

ри бўғинига юкласак адолатдан бўлмайди. Гўё юқоридагилар ишни қайта қураверсин, биз, ишчилар шундоқ ҳам ишлайверамиз, дегандай бўляпмиз. Бизга шароит яратиб беринг, бекор туриб қолишларни камайтиринг, биз эса кимдир келиб янги техника, технологияни жорий этиб, хом ашё ва материалларни тежашни ўргатгунча кутиб тураверамиз. Йўқ! Истеъмолчилик кайфиятидан энг аввало коммунистлар воз кечишлари керак. Бирлашмада ўтказилаётган партия ташкилотлари жанговарлиги кўриги ҳамда коммунистларни ижтимоий-сиёсий аттестациядан ўтказиш ана шу мақсадга хизмат қилади деб ўйлайман. Аттестация комиссияси аъзоси сифатида бизда баъзиларнинг шартли равишда аттестация қилинганлиги мени сира қониқтирмайди. Бу коммунистнинг ижтимоий-сиёсий қиёфаси норозиликлар туғдиряпти, унинг бу борадаги иши бугунги талабларга жавоб бермайди, демакдир. Қайта қуришга қўшаётган ўз ҳиссаси хусусида ўйлаб кўриш, партия топшириқларини бажаришдаги камчиликларни тузатиш, ўз позициясини активлаштириш ва кейин аттестациядан ўтиш учун бундай одамларга вақт берилади.

Қайта қуриш беистисно ҳамма ишчиларни қамраб олиши керак. Кўп нарса ана шунга боғлиқ. Иш вақтини йўқотиш, маъмурият рухсати билан ишдан қолиш, бекор туриш ва сменалар орасида вақтни беҳуда ўтказишни қисқартириш ҳисобигагина давлатга пландан ташқари 4,5 минг трактор ва 5000 прицеп, жами 34 миллион сўмлик товар маҳсулоти етказиб бера оламиз. Реал резервларимиз ана шундай!

1987 йилнинг кўнгилсиз якунлари олдинги йиллар тажрибаси билан қиёслаб таҳлил этилса, бир нарса эътиборни тортади. Башарти илгари бирлашма иқтисодий кўрсаткичлар бўйича яхшилар қаторида тилга олинган бўлса, бу асосан бош корхонанинг бир маромдаги иши шарофатидир. Бирлашмамиз таркибидаги Ленинск прицеплар заводи хусусида шуни айтиш кераккки, унинг иши кўнгилдагидек эмас. У ерда ҳамиша кадрлар проблемасини тилга олишади. Бу масалани эса уй-жой муаммосини ҳал қилмай туриб бартараф этиб бўлмайди. Қувватларни ишга тушириш муттасил барбод этиб келинаётган қуювчилик заводида ҳам аҳвол шундай. Бу заводда ҳозирги кунда 1500 дан ортиқ ходим уй-жой олиш учун навбатда турибди. 1990 йилгача хўжалик усули билан 9800 квадрат метр уй-жой барпо этилади, лекин уй-жой қурилиши учун ер майдонлари ажратиш жуда суст бормоқда. Кўпгина поғоналарда олиб борилаётган музокараларга ойлаб вақт кетаяпти. Ҳолбуки, Ленинск прицеплар заводи ва Тошкентдаги қуювчилик заводи бугуннинг ўзидаёқ самарали ишлаши керак, бинобарин, ҳозирнинг ўзидаёқ уларда кишиларга ортиқча сарсонгарчиликсиз шароит яратиб бериш зарур. Партия ҳужжатларида ишлаб чиқариш ва социал масалалар бир вақтнинг ўзида баб-баравар ҳал этилиши лозим деб таъкидланади. Ана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигидан бу масалаларга жуда диққат билан эътибор қилишни сўраймиз. Афтидан, уларнинг ёрдамисиз бу долзарб масалани ҳал этиш қийин.

Шу йилнинг 1 январидан эътиборан давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун кучга кирганлиги, хўжалик юритишнинг иқтисодий методларига, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш бошқа бир қанча проблемаларни келтириб чиқарди. Хўжалик ҳисобига биздан олдинроқ ўтган корхоналар тажрибасидан билардикки, бу ишга психологик, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан жуда жиддий тайёргарлик кўриш керак. Йўқса молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолинади. Маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбурият бажарилмагани туфайли катта жарима тўлаш, ўсиш суръатларидаги қолоқлик, сусткашлик, етарлича ташаббус кўрсатмаслик баъзи жойларда шунга олиб келди ҳам.

Корхонамизнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши коллективни шундай шароитга солиб қўядики, бунда моддий ва социал фаровонлигимиз батамом пировард натижага, яъни даромадга боғлиқ бўлади. Даромадга эса реализация қилинган маҳсулот ҳажми ҳамда уни ишлаб чиқариш учун кетган сарф-харажатни камайтириш бевосита таъсир этади. 1987 йилда давлатдан даромадимизга нисбатан 38 процент ҳажмида қарз (дотация) олган бўлсак, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш билан бу тўлов, табиийки, бўлмай-

ди. Бундан ташқари, ўзимиз маблағимизнинг бир қисмини давлат бюджетига ўтказамиз. Бирлашманинг энг кам даражадаги эҳтиёжларининг ўзини таъминлаш учун йил мобайнида даромад 15 миллион сўмдан 20 миллион сўмга ўсиши керак. Шу сабабли ноишлаб чиқариш сарф-харажатлари билан қатъий кураш олиб бориш лозим. Ўтган йили улар салкам 2 миллион сўмга борди. 12 миллион сўмга бориб қолган нормативдан ташқари қолдиқларни камайтириш даромад улушини кўпайтиришнинг яхшигина резерви ҳисобланади. Бу йилнинг бошларида уни қарийб икки баравар камайтиришга муваффақ бўлдик. Шу муносабат билан янги техникавий параметрлардаги Т28Х4МА трактор конструкциясини жорий этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Ана шу тадбирни бажаришнинг ўзигина жарима тўлашни 4,8 миллион сўмга камайтириш имконини беради. Яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ана шундай наф келтиради. Лекин бунда ҳам дастлабки нуқсонларимиз кўзга ташланиб қолди. Тракторнинг янги кабинаси кўпол. Давлат қабулидагилар ҳам буни конструкторлик бюросига айтишди. Ана шу иш устида жиддийгина бош қотириш керак. Бу мисол корхона ҳар бир бўлинмасининг ишга қанчалик масъулият билан ёндашиши кераклигини кўрсатиб турибди.

Бу йил бирлашмамиз олдида катта вазифалар турибди. Уларни бемалол бажарса бўлади, аммо бунинг учун ҳар биримиз вазифани, биздан нима талаб қилинаётганини яхши билишимиз керак. Ахир, бир хил шароитда ҳам одамлар ҳар хил ишламоқда-ку. Баъзилар ҳалол, виждонан ишлайди, бошқалар эса қўл учида ишлашади, смена нормасини аранг бажаради, иш вақти тугар-тугамас кўчага ошиқади. Эндиликда баъзи нарсалар ўзгармоқда. Илгари кўпчилик ёнгинасидаги одамнинг бекор ўтиргани ва имиллашига панжа орасидан қараб келган бўлса, энди ўртоғининг қанақа ишлаётганига бефарқ қаролмайди.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш туфайли 700 дан ортиқ кишининг ўрни қисқариши кутилмоқда: уларнинг салкам 300 таси ишчи ва 400 дан ортиғи инженер-техник ходимлардир. Белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларни ўтказиш натижасида 1303 киши, шу жумладан 772 ишчи бўшатиб олинади. Қолганлар эса иложи борича кўпроқ самара билан ишлаши, топшириқ бажарилишини таъминлаши керак. Шу сабабли ҳар қандай нобудгарчиликка чек қўйиш лозим. Айтайлик, маданият пастлиги туфайли кўплаб миқдорда ёнилғи-мойлаш материаллари, деталлар нобуд бўлади. Айрим ишчилар корхона хўжалик ҳисобига ўтганини чуқур тушуниб етмайдилар, натижада талон-торож ва ўғирлик барҳам топмайди. Оёқ остида ётган деталь ёки мурватни ҳар ким ҳам олиб қўймайди.

Ёки бошқа масалани олайлик. Транспорт цехида шахсий енгил машиналар эътиборни тортади. Улар лимитдан ташқари бўлиб, бўлинма бошлиқларига бириктиб қўйилган. Айрим раҳбарларга қоидага кўра машина берилмаслиги лозим, қолаверса бу машиналарнинг бераётган самараси ҳам кўп эмас, нари борса кунига бир-икки соат ишлатилади, ҳайдовчиларга эса маош тўлиқ тўланади. Кўпгина ишчиларнинг фикрича, енгил машиналар паркини 40—60 процент қисқартириш керак.

Хўжалик ҳисоби тўла-тўкис иш бериши учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиш лозим. Чунончи, хизмат ва цехларни хўжалик ҳисобидаги бирликлар таркибига боғлаб, ички ҳисоб-китоб учун чек жорий этиш керак. Назаримда, ишлаб чиқилган тадбирларнинг конкрет шахслар, ташкилотлар, бўғинлар томонидан бажарилишининг аҳамияти ҳам катта. Ахир кўпгина тадбирлар қоғозда қолиб кетади, бунда қатъий назорат керак, қоидалар бузилган тақдирда жавобгарларни пулидан чегириб қолиш билан жазолаш лозим.

Ҳозир, янги шароитда партия ва касаба союз комитетларининг ҳамкорликдаги иши, бутун партия ташкилотининг коллективнинг сафарбар этувчи кучи, авангарди сифатидаги фаолияти аҳамияти янада ошиб бормоқда. Бу борада уларнинг энг самарали қуроли — бу демократик асосларни, ошкораликни изчил жорий этиш ва ривожлантириш, жамоат фикрини муттасил ўрганиб боришдир. Ундан ҳамиша ҳам фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Масалан, 1988 йил учун иш графиги кенг муҳокама этилмади. Тўғри, маъмурият таклиф этган график конференцияда қабул этилди, бироқ уни коллектив билан олдиндан маслаҳатлашиб кўришмади. Ваҳолонки, «Тракторостроитель» кўп тиражли газетамиз орқали шундай қилиш, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини билиш, шундан кейингина

узил-кесил қарор қабул қилиш мумкин эди. Бу иш бепоён мамлакатимиз миқёсида нормага айланиб қолди. Наҳотки, коллектив миқёсида муҳокама этиш қийин бўлса?

Демократиялаш жараёни мураккаб, баъзан эса зиддиятли, албатта. Бир мисол келтираман. Завод халқ контроли комитети раиси алмашгач, имзосиз шикоятлар кўпайиб кетди. Мен ҳам халқ контроли группаси аъзосиман, имзосиз хатларни текшириш нақадар қийин эканлигини ўз тажрибамдан биламан. Шу боис ҳукуматимизнинг гражданларнинг шикоят ва аризаларини қабул қилиш ва қараб чиқиш тўғрисидаги қарорини жуда тўғри деб ҳисоблайман. Имзосиз хатларга ўрин йўқ. Аммо биз ўша кезлари шундай хатларни текширардик. Завод медицина-санитария қисми ёмон ишлаётгани, ёрдамчи хўжаликнинг фойда келтирмаётгани ва бошқа камчиликлар хусусидаги бундай хатлардан биронтаси тасдиқланса, кўп тиражли газетамизда эълон қилинарди. Бундан фойда бор эди, албатта. Лекин ҳар қандай жойга ёзилган хатга албатта имзо чекилган бўлиши, ҳар қанақа қоидабузарликка ошкора, очиқчасига қарши чиқиш керак. Бу менинг қатъий фикрим. Бунинг учун эса одамлар билан тарбиявий иш олиб бориш, ўз фикрини очиқ айтаолишлари учун чинакам демократик муҳит яратиб бериш керак.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида ишчининг билими, маҳорати, малакаси аҳамияти жуда ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда коллективимизда 1200 дан ортиқ одам олий ва ўрта техника ўқув юртларида таълим олмоқда. Ўтган йили 1400 янги ишчи тайёрланди, 700 нафардан ортиқ киши иккинчи ва турдош касбларни эгаллади, 2200 ишчи ва 500 инженер-техник ходим ўз малакасини оширди. Иқтисодий таълим системасида барча инженер-техник ходимларимиз, ишчиларнинг эса 70 процентга яқини шуғулланмоқда.

Шунга қарамай, кадрларимизнинг маълумот даражаси қайта қуришнинг ортиб бораётган талабларига ҳозирча жавоб бермайди. Бу йил бир ярим мингдан ортиқ кишига иш ўргатишимиз, қайта тайёрлашимиз ва иккинчи касбга ўргатишимиз керак, қарийб 3000 ишчи, 980 инженер-техник ходим ўз малакасини ошириши лозим. Буларнинг ҳаммаси корхона хўжалик юритишнинг иқтисодий методларига қатъий ўтиб олиши учун қилинмоқда.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитидаги ишнинг дастлабки ойи ҳам умидвор қилди, ҳам ўзимизга танқидий кўз билан қарашга ундади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва уни реализация қилиш плани бажарилди, аммо прицеплар ишлаб чиқариш топшириғи барбод бўлди. Бу хўжалик анча вақт эътибордан четда қолиб кетганди. Ҳозир у ерда иш қайта ташкил этиляпти. Бу тадбир қанчалик тўғри бўлганлигини келажак кўрсатади.

Ҳозирча эса биз XIX партия конференциясига ҳозирланмоқдамиз, бутун орзу-умидларимизни унга боғламоқдамиз, партия ва жамият ҳаётидаги демократик асослар янада мустаҳкамланади ва ривож топади, деб ўйлаймиз.

ПАРТИЯВИЙ ТАЪСИРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИБ, ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

Ҳ. МУСАБЕКОВ,
Ўзбекистон Компартияси Қўқон шаҳар комитетининг биринчи секретари

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ бутун амалий фаолияти КПСС XXVII съезди, партия МКнинг ундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди, республикамиз Компартияси Марказий Комитети пленумлари, XXXVIII шаҳар партия конференцияси қарорларини бажаришга, ижтимоий ҳаётни демократиялашни чуқурлаштириш ва туб иқтисодийислоҳотни амалга оширишга йўналтирилган. Ушбу фаолиятни анализ қиларканмиз: қайта қуриш реаллик касб этди, қайтарилмас характер тусини олди, уни ана шу революцион жараёнга тобора активроқ қўшилаётган меҳнаткашлар кенг қўллаб-қувватлаяпти дея оламиз.

Шаҳар партия комитети қайта қуришга раҳбарликни аввало ўзидан, ўз ишининг форма ва методларини, фаолиятининг ҳамма қирраларини, шу жумладан, ташкилий-сиёсий ишларни ҳам янгилашдан бошлади. Шаҳар партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида иш услубини такомиллаштириш, хўжалик юритиш механизмини, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш системасини яхшилаш борасида қилинган ишларга баҳо берилди.

Бу ишда силжишлар бор. Партия ташкилотлари ғайратлироқ ва собитқадамлироқ ишлай бошладилар, омма активлигини анча оширишга, фан-техника тараққиётини, ижтимоий ишлаб чиқариш ўсишининг суръатларини жадаллаштиришга имкон берувчи тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан жиддий шуғуллана бошладилар.

Иқтисодий ислоҳот ҳаётга тобора чуқур сингиб бормоқда. Эндиликда 13 саноат корхонаси, 2 қурилиш ташкилоти ва автомобиль транспортининг барча бўлинмалари хўжалик юритишнинг янгича шароитида ишламоқдалар. Енгил саноатнинг барча корхоналари ўтган йилиёқ ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтган эди, қолган корхоналар эса шу йил ўтади.

Қайта қуришнинг биринчи босқичига хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шаҳар партия ташкилоти умуман олганда уни ёмон ўтказмади, лекин катта қийинчиликларни енгишга, янги иш методларини машаққат билан излашга, иқтисодий ва социал соҳаларда экспериментлар ўтказишга тўғри келди, албатта. Масалан, шаҳар партия комитети экономикада туб ўзгаришларни амалга оширишга доир вазифаларни белгилаб, уни ўстиришнинг қўшимча резервларини ишга солиш мақсадида конкрет тадбирлар кўрди. Ишда банд бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, саноат корхоналарини оширилган сменалилик режимига ўтказиш шулар жумласидандир. Кейинги 1,5 йил ичида салкам икки минг киши иш билан таъминланди. Шаҳарликларни якка тартибдаги меҳнат фаолиятига жалб этиш, кооперативлар ташкил этишга доир шаҳарда олиб борилаётган иш ҳам киши ресурсларидан оқилона фойдаланиш проблемасини ҳал этишга имкон бермоқда.

Бир вақтнинг ўзида фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш вазифалари ҳал қилиняпти. Корхоналарда эскирган ускуна-жиҳозлардан бўшатилган майдонларга энг янги, янада унумлироқ техника ўрнатилмоқда, меҳнат маданияти ошмоқда.

2000 йилгача уй-жой қуришнинг мақсадли программаси, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг комплекс плани ишлаб чиқилган.

Айниқса давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги Қонун кучга киргандан сўнг меҳнат коллективларида муайян силжишлар юз беряпти. Ўз-ўзини бошқариш ишида активлик ошяпти, маънавий-психологик иқлим соғломлашяпти, воқеа ва ҳодисаларга баҳо беришда ошкоралик, ҳаққонийлик, танқид ва ўз-ўзини танқид, нуқсонларга нисбатан муросасизлик борган сари мустаҳкамланяпти.

Шаҳар партия комитети, унинг бюроси ҳамда бўлимлари ишининг услуб ва методларида ижобий ўзгаришлар юз берди. Етилган ва перспектив проблемаларни анализ қилишга чуқурроқ ёндашила бошланди.

Шаҳар партия комитети ташкилотчилик ишидаги оғирлик марказини бевосита бошланғич партия ташкилотларига, меҳнат коллективларига ўтказишга интиляпти. Шаҳар партия комитетининг комплекс бригадаларини жойларга юбориш практикаси одат тусига кирди. Бригадалар составига турли бўлимлар инструкторлари киритилади, улар қуйи активга ёрдам кўрсатадилар. Якунлар сўнгра аппарат кенгашлари ва бўлимларда муҳокама қилинади.

Ишлар регламентига алоҳида эътибор бериляпти. Ҳар ойда шаҳар партия, комсомол, халқ контроли комитетлари билан шаҳар ижроия комитети ўтказадиган йирик тадбирларнинг календарь планлари тузилади. Тадбирларнинг ҳаммаси фақат куннинг иккинчи ярмида ўтказиляпти. Айниқса хўжалик раҳбарларини партия комитетига чақириб туриш чекланди. Масъул ходимларнинг бошланғич партия ташкилотларига боришлари графиги амал қиляпти. Бунда бўлим мудирлари ҳафтада камида бир тўлиқ иш куни, инструкторлар эса икки кун ўша ерда бўлишади. Шаҳар партия комитети бюросида муҳокама қилинадиган масалалар сони қисқартирилдики, бу зарур материалларни яхшироқ тайёрлаш ва масъул ходимларнинг бошланғич ташкилотларга боришлари учун вақтни кўпайтириш имконини бермоқда.

Шаҳар партия комитети пленумларини тайёрлаш бошқача олиб бориляпти. Ушбу ишга сайлаб қўйиладиган актив аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар партия комитети аппарати, оддий коммунистлар жалб қилинади. Корхоналар фаолиятини — илғор тажрибани ҳам, хўжасизлик ва исрофгарчилик фактларини ҳам батафсилроқ кўрсатиш учун биз ҳатто видеофильмларни суратга оляпмиз, уларни тегишли кун тартибига мувофиқ ҳолда пленумлар иштирокчиларига кўрсатамиз. Пленумлар одатда қатъий талабчанлик вазиятида ўтиб, корхоналар фаолиятининг ҳамма жиҳатларини яхшилаш учун туртки бўляпти.

Пленумларни тайёрлаш давомида шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари партия ташкилотлари секретарлари, совет ва хўжалик раҳбарлари, партия ва меҳнат ветеранлари билан учрашадилар. Буларда бюро ишидаги, шаҳар партия ташкилоти фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар кўрсатилади, шаҳар партия комитети жиддий эътибор бериши керак бўлган актуал проблемалар илгари сурилади. Халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, партия раҳбарлиги услуб ва методларини такомиллаштириш масалаларига, социал проблемаларни ҳал этишга доир мулоҳаза ва таклифлар билдирилади.

Бу эса шаҳар партия комитети бюросига, бўлимларига ўз ишларини қайта қуришда ёрдам бермоқда. Танқидий мулоҳаза ва таклифларни анализ қилган, ютуқ ва хатоларни принципиал равишда муҳокама қилган ҳолда шаҳар партия комитети ходимлари резервларни, етилган проблемаларни ҳал этиш йўлларини изламоқдалар, қайта қуришнинг янги босқичи талаблари даражасига янада мувофиқ келувчи тадбирларни белгиламоқдалар. Давр биздан янада ғайрат кўрсатиб ишлашни, сайлаб қўйиладиган актив имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни талаб қилмоқда.

Кейинги вақтда биз шаҳар партия комитети ва шаҳар комсомол комитети аппарати ходимларини, партия ташкилотларининг асосий ишидан озод қилинган секретарларини профессионал жиҳатдан тайёрлашга жуда катта эътибор бера бошладик. Ана шу муҳим ишда биз таълимнинг одатдаги, андазага айланиб қолган формаларидан бутунлай воз кечдик, суҳбатлашиш, амалий топшириқларни бажаришни талаб қилиш орқали (шу жумладан, анкета тарқатиш йўли билан) ижодий, мустақил тайёрланишни жорий қилдиқ. Масъул ходимларга ЭҲМларда ишлашни ўргатишни бошламоқчимиз.

Пленумларда ва бюрода коммунист раҳбарларнинг, шаҳар партия комитети аъзоларининг ҳисобот беришлари ва шу ерда уларнинг хизмат вазифаларини, устав талабларини бажаришлари, шаҳарнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этишлари кўрсатилган характеристикаларининг тасдиқланиши практикадан мустаҳкам ўрин олмоқда. Шаҳар партия комитети бюросида бошланғич партия ташкилотларининг ҳисоботини тинглаш ҳам норма бўлиб қолди. Қарорда кўрсатилган тавсияларни амалга ошириш учун коммунистларни, меҳнат коллективларининг барча аъзоларини сафарбар этишда уларга ёрдам кўрсатилади.

Сайлаб қўйиладиган активни танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш ишнинг муҳим соҳасидир. Унинг фаоллигини, масъулиятлилигини ошириш мақсадида шаҳар партия комитетининг барча аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иш йўналиши бўйича группаларга тақсимланганлар ва амалий ёрдам кўрсатиш учун бошланғич партия ташкилотларига бириктириб қўйилганлар.

Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигининг шаҳарда кенг тус олган кўриги улар фаолиятини яхшилашнинг таъсирчан формасига айланди. Бу иш аввал тажриба тариқасида 500 дан ошиқ коммунист меҳнат қилаётган иккита партия ташкилотида — пайпоқ-йигирув ишлаб чиқариш бирлашмаси ва сут заводида ўтказилган эди. Тўпланган тажриба кўрикни кенг тарқатиш имконини берди, у ҳозир 2 мингдан ошиқ коммунист ҳисобда турган 10 та бошланғич партия ташкилотида ўтказиляпти.

Партия аъзоларининг ижтимоий-сиёсий аттестацияси ҳам жанговарлик кўриги доирасида ўтказила бошланди. Унинг дастлабки натижалариёқ коммунистларнинг роли, масъулияти ва етуклигига бошқача қарашга бизни мажбур қилди.

Маълумки, бошланғич партия ташкилоти жанговарлиги, меҳнат коллективининг сиёсий ўзаги сифатидаги роли кўп жиҳатдан унинг сифат составига боғлиқдир. КПСС МҚнинг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорига (1987 йил) амал қилган ҳолда Қўқон шаҳар партия комитети партияга танлаб олишнинг икки йиллик системасини жорий қила бошлади. «Электромаш» заводи ва кўн-чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотлари бунда биринчи бўлдилар. Ўз тақдирини партия билан боғлашни ҳоҳловчиларнинг шахсий сифатларини ҳар томонлама ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида партия бюроси қарори билан уларга партия стажи ва меҳнат фаолиятида тажрибаси катта бўлган мураббий коммунистлар бириктиб қўйилди. Улар штатсиз комиссия билан ҳамкорликда КПСС сафига киришга тайёргарлик кўраётган кишиларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий сифатларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганадилар.

Демократиялаш жараёни эндиликда ишлаб чиқаришга тобора дадил кириб келмоқда. Қорхоналарда кўплаб раҳбарларни меҳнат коллективлари сайладилар. Биз буни янада ривожлантириб партия ташкилотлари ҳаётида ҳам ана шу принципдан фойдаланишга қарор қилдик. Масалан, ҳозир партия ташкилотлари секретарларининг ўрнини босадиган резерв тайёрлашда ана шундай қилмоқдамиз. Бунинг учун махсус «Ишчанлик анкетаси»ни ишлаб чиқдик. Унда кўрсатилган номзоднинг ғоявий-сиёсий, ишчанлик, ташкилотчилик, ахлоқий сифатларига тааллуқли саволлар бор. Ушбу анкеталар меҳнат коллективларида коммунист бўлмаган кишиларга ҳам тарқатилади. Партия ташкилотлари ва шаҳар партия комитети жавобларни ўрганиш натижаларини резервни ҳосил қилиш ва хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилотлари секретарлари лавозимларига кўтаришда ҳисобга оладилар.

Меҳнаткашлар тафаккури ва кайфиятида реал ўзгаришлар бўлиши учун замин яратилди. КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида таъкидлаганидек, одамлар ўзларига нисбатан ҳам, раҳбарлар, мутахассисларга нисбатан ҳам янада талабчан бўлиб қолмоқдалар, хўжасизлик ва масъулиятсизликка қатъиян қарши курашмоқдалар, меҳнат интизоми, самарадорлиги ва сифатини юксалтириш зарур эканлигини тушунмоқдалар.

Шаҳар партия ташкилоти коммунистлари кишилар ҳаёти ва ишларида партия таъсири даражасини оширишни, омманинг жонли ижодиётини қайта қуриш учун курашнинг асосий йўналишларида муваффақиятга эришишнинг ҳал қилувчи

шарти деб билмоқдалар. Ҳозироқ сезиларли натижаларга эришилдики, беш йилликнинг икки йили якунлари шундан далолат бермоқда. Ўн биринчи беш йилликка қиёслаганда ҳозирги беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсишининг ўртача йиллик суръатларини 1,2 процент кўпайтириш ҳамда ҳажм ўсишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиш белгиланган. Бу йўл-йўриқлар оширибоа бажариляпти. Масалан, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 4,5 процентга етди ва кейинги ўн йил ичидаги энг юқори кўрсаткич бўлиб қолди. Беш йилликнинг икки йили ичида шаҳар корхоналари пландан ташқари 40 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилди.

Цех ва бригадаларни хўжалик ҳисобига ўтказиш, ишлаб чиқариш потенциалини ўстиришга доир ишлар кучайтириляпти. «Большевик», «Электромаш», бинокорлик материаллари заводларида, пайпоқ-йигирув ишлаб чиқариш бирлашмасида, тикувчилик, бадиий буюмлар фабрикалари ва бошқа корхоналарда янги қувватлар ишга туширилди.

Капитал қурилиш, транспорт, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ижобий силжишлар юз берди. Икки йил ичида 103 миллион сўмдан ошиқ капитал маблағ ўзлаштирилди, 72 миллион сўмдан кўпроқ асосий фондлар, 66 минг квадрат метр уй-жой, Ҳамза номли театр биноси ва бошқа социал-маданий объектлар фойдаланишга топширилди. Темир йўлчилар белгиланган топшириқдан ташқари ярим миллион тонна халқ хўжалик юкини ташиб бердилар, автомобилчилар пландан ташқари 100 минг сўмдан кўпроқ даромад олдилар. Аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 16 процент ошди.

Шаҳардаги меҳнат коллективлари қайта қуришга актив қўшилиб, социал-иқтисодий ривожланишда яхши натижаларни қўлга киритяптилар. «Электромаш», бинокорлик материаллари заводлари, нон комбинати, Қўқон станцияси ва баъзи бошқа коллективлар ҳақида ана шундай дейиш мумкин. Корхоналар 1987 йил якунига кўра асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминладилар. Бу муваффақиятлар, шубҳасиз, партия ташкилотлари, шаҳар партия комитети, унинг бюроси ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишининг, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кўп планли вазифаларини комплекс равишда ҳал қилишнинг натижаси бўлди. Ҳозир партия ташкилотлари, коммунистларнинг асосий вазифаси ана шу кайфиятни ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, янгиланишнинг суръат ва миқёсларини ўстириш, йўлдаги бюрократик тўсиқларни дадил енгишдир.

Бошқа соҳаларда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Лекин биз бу билан хотиржамланиб қолмаймиз, ҳали қайта қуриш жараёнининг бошланишида турганимизни жуда яхши тушунамиз. Шаҳар партия комитети, унинг бюроси ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг услуб ва методларини такомиллаштириш йўлида дастлабки қадамларгина қўйилди. Амалий ҳаракатларимиз йиғилиб қолган проблемалар кўлами ва уларнинг кескин руҳига ҳали мувофиқ эмас. Партия ташкилотлари ва кўпгина раҳбарлар ишга эскича ёндашишлардан ҳозирча воз кечганларича йўқ. Бу табиийдир, зотан ўз умрини тугатган форма ва методлардан воз кечиш анчагина мураккаб, гоҳида зиддиятли жараёндир. Меҳнат коллективларига катта мустақиллик берилаётган, ўз-ўзини бошқариш принциплари жорий қилинаётган ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилотларининг роли анчагина ошади. Улар ижтимоий структуранинг қуйи бўғинида қайта қуришнинг бутун боришига доимий, ҳар томонлама таъсир кўрсатишга даъват этилганлар.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга асос бўлган принциплар социалистик демократияни чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг ғоят муҳим омилидир. Уларга мувофиқ ҳолда ҳозир меҳнат коллективларининг кенгашлари ташкил қилинмоқда. Бу — меҳнаткашларни ишлаб чиқариш ва социал-маиший масалаларни бевосита ҳал қилишга жалб этишнинг, хўжалик юритиш натижалари учун масъулият туйғусини тарбиялашнинг самарали формаси эканлигини тажриба кўрсатяпти. Корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цех ва участкалар раҳбарларини сайлаб қўйиш тобора кенг амалга ошириляпти. У ёки бу ходимни лавозимга кўтариш масаласини коммунистлар, меҳнат коллективининг энг актив иштирокида қўйиш қоидага айланди. Кишилар тўла ошкоралилик, принципиаллик вазиятида номзодлар ҳақидаги ўз фикрларини айтмоқдалар.

Мисол учун, раҳбарлар сайлови ўтказилган таксомотор парки, вагон депоси, нон комбинати коллективларида ана шундай бўлди.

Раҳбар кадрлар шаклланиши жараёнининг демократиялашиши ишлаб чиқаришнинг юқори малакали ва ташаббускор ташкилотчиларини излашга имконият яратади. Бу муҳим ишда меҳнат коллективларига кўпроқ ишониш керак. Шу сабабли ҳам биз у ёки бу лавозимга номзоди кўрсатилган одамни яхши билган кишилар билан олдиндан маслаҳатлашиш, анкета тарқатиш орқали жамоатчилик фикрини сўраб чиқиш каби методларни қўлламоқдамиз.

Шаҳар партия комитетининг кадрлар номенклатураси қайтадан кўриб чиқилди, ушбу лавозимлар учун ўрнини босадиган резерв состави танлаб олинди ва муҳокама қилинди. Резерв стажировкаси ҳақида низом ишлаб чиқилди.

Кейинги вақтда шаҳардаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлигига талайгина янги мутахассислар келиб қўшилди. Уларнинг ҳаммаси ушбу лавозимларга ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий сифатлари ҳисобга олинган ҳолда кўтарилган. Уларнинг фаолияти нафақат юқоридан, балки қуйидан ҳам контрол қилиб турилади. Умуман олганда, ҳар бир ходим, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ўз иши ва хатти-ҳаракати учун бошланғич партия ташкилотидаги ўртоқлари олдида, меҳнат коллективи олдида жавоб беради. Бу ҳол ишнинг муваффақиятига жиддий таъсир кўрсатади. Бир мисол келтирмоқчиман.

Бинокорлик материаллари заводи қолоқлар сафида эди. Бунга асосан раҳбарликнинг бўшлиги сабаб бўлган эди. Ташаббускор, билимдон мутахассис А. Ҳ. Ҳакимов заводга директор қилиб тайинлангач ишлар юришиб кетди. Раҳбар ишни интизом ва тартибни мустаҳкамлашга доир тадбирлардан бошладики, бу аввалига баъзиларга ёқмади. Лекин коммунистлар директорни қўллаб-қувватладилар. Бир ёқадан бош чиқариб интизомни кучайтириш масаласи ҳал қилинди, енг учида ишлашга уринганларга талаб оширилди. Шу билан бирга меҳнат ва жамоат вазифаларига сўзда эмас, балки амалда астойдил, виждонан муносабатда бўлаётган ходимлар қўллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди.

Эндиликда завод илғорлар сафида. Ишлаб чиқариш планлари мунтазам бажариляпти, маънавий-психологик иқлим, меҳнат ва турмуш шароитлари сезиларли равишда яхшиланди.

Ҳар бир кишининг коллективдаги ишлар аҳволи учун масъулияти иш натижалари қанчалик ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан баҳоланишига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Шунинг учун ҳам шаҳар партия комитети танқид ва ўз-ўзини танқидни барча чоралар билан ривожлантиришга, ишга доир бирорта мулоҳаза ҳам эътиборсиз қолмаслигига интиляпти. Шаҳар партия комитети бюроси аъзолари томонидан қабул қилиш пайтида меҳнаткашлардан кўплаб таклифлар тушмоқда. Камчиликлар жадаллик билан тузатилмоқда. Шуни таъкидламоқчиман: бизга мурожаат қилган гражданларнинг бирорта аризаси ҳам, шахсий суҳбат вақтида, ягона сиёсий кунда кўтарилган бирорта масала ҳам эътиборсиз қолмаяпти.

Қўқонликлар ўз шаҳарларини севадилар, уни ободонлаштириш учун анча иш қилдилар. Кўчаларнинг аниқ планлаштирилганлиги, Алишер Навоий номли ва Қимёгар янги микрорайонларидаги замонавий уйлар, гулзор ва хиёбонлар, маданий-маиший объектлар, мактабгача тарбия муассасалари, умумий овқатланиш корхоналари — буларнинг ҳаммаси шаҳарни безабгина қолмай, аҳоли учун замонавий қулайликлар яратди ҳам. Яқинда шаҳарликлар яна бир совғани — Ҳамза номли драма театрининг янги биносини қабул қилиб олдилар. Қўқоннинг бугунги қиёфаси кўзларни қувонтиради, меҳнаткашлар ижодий активлигининг ривожланишига ёрдам беради.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаси онглиликни оширишда муҳим восита бўлиб қолди. Ягона наряд асосида ишлайдиган бригадаларда, одатда, топширилган иш учун ўзаро талабчанлик ва масъулият вазияти шаклланадики, бу ҳол самарали меҳнат қилиш, меҳнат ва технология интизомига, тартиб ва уюшқоқликка яхшироқ риоя қилиш имконини беради. Лекин, очиқ айтиш керакки, ушбу прогрессив форма шаҳарда ҳануз секин тарқаляпти. Бунинг сабаблари кўп. Анализнинг кўрсатишича, раҳбар ва мутахассислар меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини жорий этишга доир ишга актив киришган, бунинг учун қулай шарт-шароит яратган жойларда бу форма

сингиб, яхши натижалар беряпти. Шаҳар партия комитети проблемалар юзага келган тақдирда уларни англаб етишга, ҳал этиш учун ёрдам кўрсатишга интилмоқда. Шунга қарамай, турли-туман тўсиқлар кўпгина коллективларни қўрқитяпти ва ушбу фойдали ишдан совитяпти.

Партия ташкилотларининг ишига баҳо беришда уларнинг қайта қуришга муносабатини, унинг вазифаларини амалга ошириш учун курашдаги конкрет ҳиссасини, шу жумладан, янгиликни идрок этиш, унга кенг йўл очиб бериш қобилиятини асосий мезон деб биламиз. Зотан, одатда, натижа ишга қандай муносабатда бўлишга боғлиқ бўлади. Масалан, 4-автобаза, «Большевик», «Электромаш» заводлари, пайпоқ-йигирув ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари ва партия ташкилотлари юқоридан кўрсатмалар, ёрдам кутиб ўтирмай, вазифаларни дадиллик билан бажаришга киришадилар ва коллективда соғлом маънавий-психологик иқлимни яратган ҳолда жиддий ютуқларга эришадилар. Бу корхоналар бошланғич партия ташкилотлари учун кишилар билан доимий кенгашиш, улар фикрига таяниш нормага айланиб қолди.

Шуни таъкидлаш керакки, ташкилий-партиявий, идеологик ишга, хўжалик ва маданий қурилишга доир ҳамма масалалар коллегиал тарзда ҳал қилиняпти. Шаҳар партия комитети ўзининг бутун фаолиятида сайлаб қўйиладиган активга ҳар томонлама таянмоқда. Шаҳар партия комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, ревизия комиссияси аъзолари бошланғич ва цех партия ташкилотлари мажлисларида, шаҳар комитети бюроси ва пленумларида кўриладиган масалаларни тайёрлашда актив иштирок этяптилар, меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий иш олиб боряптилар.

Лекин бу соҳада ҳали катта резервларимиз мавжуд. Сир эмаски, партком ва партбюроларнинг айрим аъзолари ойига фақат 2-3 соатгина «мажлис қуришади», мажлислар орасида эса ҳеч қандай жонли иш олиб боришмайди. Ўз бурчига бундай муносабатда бўлиш сайлаб қўйиладиган органлар ролини пасайтиради, уларнинг жанговарлигини сусайтиради.

Партия комитетлари ва бюроларининг қайта қуришга раҳбарлик қилиш борасидаги ишига доир ҳисоботлари шуни кўрсатдики, партия такилотлари ва хўжалик раҳбарларининг ҳаммаси ҳам янги вазифаларни ҳал этишда ўз ўрнини топишмаган. Баъзилар янгиланиш жараёни билан баравар қадам ташлай олмаяптилар. Хусусан, партия мажлислари давомида бошланғич партия ташкилотларининг 9 секретари ва партбюроларнинг 23 аъзоси қайтадан сайланганлиги факти ана шундан далолат беради.

Асосий сабаби шундаки, шаҳар партия комитети бюроси муҳим проблемаларни ҳал этишда етарлича қатъиятлик кўрсата олмади. Белгиланган кўпгина нарсаларни охиригача ҳал этмаймиз. Шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ишининг услуб ва методларини янада такомиллаштириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак бўлади.

Кейинги йилларда идеологик фаолиятда сезиларли ўзгаришлар юз берди, у долзарброқ тус олди, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига бўлган таъсири кучайди. Идеология кадрлари таълимининг перспектив плани ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда, ғоявий-тарбиявий иш тажрибасини умумлаштирган илмий-амалий конференциялар бўлиб ўтди. Шаҳар партия комитети секретарлари билан идеология масалаларига доир семинар-практикумлар, суҳбатлар ўтказиляпти.

Корхона ва бирлашмалар директорларининг кишилар билан ишлашида раҳбар қошидаги идеология кенгаши каби метод тобора кенг ёйиляпти, у хўжалик, ташкилотчилик ва тарбиявий фаолиятнинг бирлигини таъминлашга ёрдам беряпти. Бундай кенгашларда ишлаб чиқариш бўлинмаларининг барча раҳбарлари, цех партия, комсомол ташкилотлари секретарлари, касаба союз комитетлари раислари иштирок этадилар. Уларда раҳбарларнинг коллектив аъзоларини тарбиялашда қандай иштирок этаётганлиги ҳақидаги ҳисоботлари, ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш, мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш, меҳнат ва жамоат интизомини мустаҳкамлаш, кишиларнинг ишлаш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, маънавий-психологик иқлимни соғломлаштириш масалалари муҳокама қилинади. Бу кенгашлар одатда ошкоралик ва умумий манфаатдорлик вазиятида ўтади. Шу ернинг ўзида конкрет топшириқлар берилади,

уларнинг бажарилиши юзасидан контрол ўрнатилади. Зарурат туғилганда муҳокама этилган проблемаларга доир буйруқ ва фармойишлар чиқарилади.

Шаҳар партия комитетида, йирик бошланғич партия ташкилотларида тузилган идеологик комиссиялар фаолияти активлашди. Ишнинг бундай формаси мақбул эканлиги кўриниб турибди. Комиссияларнинг асосий эътибори перспектив масалаларни ўрганишга, бошланғич партия ташкилотларига конкрет ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Идеологик фаолиятда силжишлар юз берганини таъкидлаган ҳолда жиддий камчиликлар мавжудлигини ҳам кўряпмиз. Масалан, унинг реал амалий вазифалар билан боғланиши ҳали ҳам суст, унинг таъсирчанлигини ошириш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Кишиларни ахлоқий тарбиялашда, интизом, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлашда, жамиятга зид хатти-ҳаракатларга барҳам беришда меҳнат коллективларининг имкониятларидан ҳозирча суст фойдаланиляпти.

Аҳолининг яшаш жойларида сиёсий-тарбиявий иш қониқарли олиб борилмаяпти, ҳамма ерда ҳам у мунтазам тус олган эмас. Медицина хизмати сифати бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Идеология ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларига партия раҳбарлиги анча яхшиланиши керак.

КПСС МҚ февраль (1988 йил) Пленуми қарорларига асосланган ҳолда халқ маорифи системасига алоҳида эътибор беряпмиз. Бунда узоқ муддатга мўлжалланиб, пухта ўйланган ва қунт-саботли иш олиб бориш талаб қилинади. Биз педагогларни, идеология кадрларини, бутун жамоатчиликни ўз куч-ҳаракатларини ана шу йўналишга жамлашга даъват этяпмиз.

Маъмурий органларнинг жамоат тартибини муҳофаза қилишга, жиноятчилик ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашишга доир фаолияти жиддий қайта қуришни талаб этади. Шаҳардаги маънавий муҳитни мусаффо қилиш ишида ҳанузгача ичкиликбозлик, текинхўрлик, меҳнатсиз даромадлар, чайқовчилик жиддий тўсиқ бўлиб турибди.

Биз қайта қуришнинг социал базасини кенгайтиришимиз — ёшларни бу ишга кенг жалб қилишимиз керак. Уларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришимиз, ёшларнинг янгиланиш жараёнидаги иштирокини майда-чуйда ишлардаги ҳомийлигимиз билан чеклаб қўймаслигимиз лозим. Қасаба союз комитетлари ҳам бу қайта қуриш ишида ўз позицияларини жиддий аниқлаб олишлари керак.

Қисқаси, проблемаларимиз йиғилиб қолди, баъзан улар жуда мураккаб бўлсада ҳал этишимиз, янгича ишлаш санъатини эгаллаганлигимизни кўрсатишимиз керак бўлади. Бунинг учун аввало ўзимизда ҳам мавжуд бўлган сусткашлик, осон йўлдан бориш кайфиятига барҳам бермоқ лозим.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичи айниқса қийин босқичдир. Бугунги кунда янгиланишнинг энг хавфли душмани бўлган бюрократизм илдизларини таг-томири билан йўқотиш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Ана шунинг учун ҳам коммунистларнинг авангардлик ролини, партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш масаласи ғоят ўткир бўлиб турибди. Қайта қуришга доир ҳар кунги иш марказини меҳнат коллективларига кўчиришга интиляпмиз. Бугунги кунда белгиланган барча вазифаларни сокин кабинетларда эмас, ҳаёт жўш ураётган айни шу ерларда ҳал этиш керак. Лекин бунинг учун биз биринчи навбатда шаҳар партия комитети бўлимлари ишини координация қилишни яхшилашимиз, уларни шаҳримизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг мураккаб проблемаларини биргаликда ҳал этишга йўналтиришимиз, партия, идеология ва хўжалик кадрларига нисбатан талабчанликни оширишимиз керак.

Қайта қуришнинг кўп қиррали мураккаб жараёни шаҳар партия ташкилоти ҳар бир раҳбар ходимидан кўпроқ ташаббускорлик кўрсатишни, ўз ишига танқидий ёндашишни, эътиборни истиқболдаги энг муҳим проблемаларга жамлашни талаб қилмоқда. Истисносиз ҳамманинг аниқ, конкрет ишлаши, шубҳаланувчи ва кутиб турувчиларга қарши доимий курашмоқ керак. Давр биздан сиёсий матонат, темир интизом, дадил амалий ҳаракатларни талаб этмоқда. Ҳар бир ходимнинг ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун юксак шахсий масъулиятигина, ҳамма ишда уюшқоқликни кучайтиришгина белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни таъминлайди.

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ОММАНИ ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАРБИЯЛАШ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтида бўлиб ўтган «давра суҳбати»

Мамлакатда КПСС МК 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съездидан кейин кенг кўламда авж олган қайта қуриш, жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш шароитида миллатлараро муносабатлар, оммани ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш масалалари актуаллашди. Қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга, совет кишиларини ватанпарварлик, пролетар, социалистик интернационализм руҳида тарбиялашни кучайтиришга катта эътибор бериб, КПСС Марказий Комитети ўзининг яқинда бўладиган Пленумларидан бирини махсус равишда ана шу масалаларга бағишлашни мўлжалламоқда. Республикада миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбияни кучайтириш масалалари 1988 йил мартида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилди. 1988 йил январи ва февралида СССР Фанлар академияси миллий жараёнларни ўрганиш бўйича идоралараро советининг Ўзбекистон секцияси Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти билан биргаликда «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журнали редакцияси иштирокида Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтида ўтказган «давра суҳбати» ҳам ана шу масалаларга бағишланган. Унда республиканинг етакчи жамиятшунос олимлари, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлимларининг ходимлари иштирок этдилар.

Суҳбатни Марказий Комитет секретари **М. Ҳ. Холмуҳамедов** олиб борди.

(Қуйида суҳбат иштирокчиларининг сўзлари қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда.)

М. Ҳ. ХОЛМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Компартияси МК секретари:

Учрашувимизнинг мақсади КПСС XXVII съезди, Марказий Комитет январь (1987 йил) Пленуми қарорлари асосида миллатлараро муносабатларни ривожлантириш назарияси ва практикаси масалалари ҳақида фикр алмашишдир.

Маълумки, яқин ўтмишдаги турғунлик ҳолатлари ижтимоий фанларнинг ушбу соҳасини ҳам қамраб олган эди. Миллатлараро муносабатларни ўрганишда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ўрганишда муайян стереотип вужудга келган эдики, у ишларнинг реал аҳволидан узилиб қолган эди. Мамлакатнинг бошқа регионларидаги каби Ўзбекистонда ҳам миллатлараро муносабатлар соҳасида анча-мунча проблемалар бор. Лекин улар ҳақида кейинги 15—20 йил мобайнида умуман гапирмаслик ва ёзмаслик одат бўлиб қолган эди.

Ҳозирги кунда, ҳаётнинг барча соҳаларини қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялашни авж олдириш шароитида миллатлараро муносабатларда тўпланиб қолган ва ҳал қилинишини талаб этаётган баъзи бир омиллар ўзини кўрсатмоқдаки, бу омилларни объектив жараёнларни менсимаслик, ҳаммаёқни босиб кетган баландпарвоз сўзлар ичида уларни кўришни истамаслик келтириб чиқарган. Бу ҳол кўпинча салбий оқибатларга олиб келади. Чунончи, республика ижодий интеллигенциясининг айрим қисми орасида маҳаллийчилик, миллий маҳдудлик ва мақтанчоқлик элементлари мавжуд.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, кейинги вақтларда ўзини кўрсатиб келган ва совет ватанпарварлиги руҳига, интернационалистик принципларга зид бўлган салбий ҳолатларнинг сабабларини турғунлик йилларидан, бюрократик бузишлардан ва ана шундай шароитда жамиятга зид элементларнинг жонланишидан қидирмоқ лозим. Бу хилдаги носоғлом кайфиятларни четлаб ўтишга, улардан кўз юмишга йўл қўйиб бўлмайди. Хуллас, миллатлараро муносабатлар, интернационал тарбиялаш янгича ёндашишларни, чуқур ўзгаришларни талаб қилмоқда. «...Ҳозирги босқичда биз миллий сиёсат билан,— деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС МҚ 1988 йил февраль Пленумида,— жуда асосли тарзда, барча соҳаларда — назарияда ҳам, практикада ҳам шуғулланишимиз лозим. Бу — жамиятимизнинг энг принципиал, ҳаётий масаласидир».

Мавжуд проблемалар ишнинг кўзини билиб, вазминлик билан, чуқур анализ қилишни талаб этади. Бу ушбу проблематика билан шуғулланаётган жамиятшунос олимлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Биз улардан марксча-ленинча методология, тарихийлик ва большевистик ҳақиқат принциплари негизида асосланган илмий умумлашмаларни кутамиз. Улар миллийлик билан интернационаллик, миллий жиҳат билан диний жиҳат, миллий ўзлигини англаш билан миллий психология ўртасидаги нисбат каби ва бошқа кўп масалаларни ҳам тадқиқ этишлари лозим бўлади. Шуни таъкидлашни истардимки, бунда биз кўп миллатли социалистик давлатимизнинг олий манфаатларига албатта таянмоғимиз лозим.

Дискуссия давомида унда иштирок этаётган жамиятшуносларнинг фикрларини, уларнинг республикада миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия назарияси ва практикасини такомиллаштириш юзасидан конкрет таклифларини, тавсияларини эшитишни истар эдик.

Э. Ю. ЮСУПОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси:

Бугун ўтказилаётган мажлис биз учун катта аҳамиятга эга. Биз тарихий ўтмишда мураккаб бўлган ва ҳозир ҳам кескинлигини йўқотмаган миллий муносабатлар масалаларини муҳокама қилиш учун кўп йиллар мобайнида тўпланмаган эдик.

Миллатнинг ривожланиши миллий муносабатлар, миллий психология, миллий туйғуларнинг ҳам ривожланиши демакдир. Кейинги йилларда мазкур жараён сезиларли даражада кучайган Ўрта Осиё шароитида бу айниқса кўзга ташланиб турибди. Шу боисдан ҳам ана шу проблемалар биз учун катта илмий ва амалий аҳамиятга молик. Уларни чуқур ўрганиш ана шу соҳада юзага келиб турадиган зиддиятларни ўз вақтида аниқлашга кўмаклашади, уларни ҳал этиш форма ва методларини белгилаб беради.

Бизнинг назаримизда энг аввало ушбу проблеманинг бутуниси ва унинг айрим аспектлари бўйича барча жамиятшунослик илмий тадқиқотларини координациялаш учун миллий муносабатларни ўрганиш юзасидан комплекс совет барпо этиш лозим. У Москва олимлари билан, мамлакатнинг бошқа илмий марказлари билан маҳкам алоқа боғлаган ҳолда ишлаши керак. Шуни эътироф этиш лозимки, бизнинг республикамизда миллий муносабатларни ўрганиш билан ҳозирча турли илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари жамиятшунослик кафедраларининг олимлари шуғулланмоқдалар, лекин республика миқёсида ушбу тема бўйича тадқиқотларни координация қила оладиган илмий мактаб, айтишим мумкинки, марказ йўқ.

Ҳозирги кунда бизда анча-мунча китоблар ва диссертациялар бор. Аммо уларнинг мазмуни билан танишиб чиқсанг, улар кўп жиҳатдан бир-бирларини такрорлашлари кўриниб қолади. Бизнинг илмий адабиётимизда оригиналлик, масалаларни дадил қўя билиш, миллатлараро муносабатларнинг муҳим проблемаларини мустақил тарзда ижодий анализ қилиш етишмайди.

Ҳозир миллий ва умумсовет ифтихорининг диалектик бирлиги каби, ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий тенденциялар — миллий манманлик, маҳдудлик, миллий хусусиятларни идеаллаштириш ҳам ўзини кўрсатган миллий психология, миллий ўзлигини англаш билан алоқадор тарзда миллий ифтихор каби

фанда ҳали етарлича ишлаб чиқилмаган проблемаларга ғоят катта эътибор бериш муҳимдир. Биз миллий ифтихор билан умумсовет ифтихорининг моҳиятига, уларнинг тафовутларига илмий мезонлар ва баҳолар беришимиз лозим бўлади. Чунончи, миллий ифтихор умумсовет ифтихорига ҳамма вақт ҳам мос тушавермайди, лекин унга зид бўлиши лозим эмас.

Айрим кишиларда ўзини кўрсатиб турадиган миллий манманлик, миллий маҳдудлик, миллий мақтанчоқлик интернационализмга ётдир. Тўғри, булар ҳали миллатчилик эмас, аммо унинг учун база бўлиши ва, агар уларга қарши муросасиз кураш олиб борилмаса, миллатчиликка ўсиб ўтиши мумкин. Ҳозирги вақтда 20—30-йилларда миллий оғмачиликка қарши курашда партия тўплаган тажрибани чуқур ўрганиш лозим, зеро бу тажрибани билиш бизга ҳозирги шароитда ана шу курашни самарали олиб боришга кўмаклашади.

Миллий психология проблемалари чуқур ишлаб чиқилиши зарур. Модомики миллатлар мавжуд экан, миллий туйғу ҳамиша мавжуд бўлаверади. Миллий ўз-ўзини англаш ривожланиши билан у тобора яққол кўринаверади. Буни ҳам назарий, ҳам амалий фаолиятда ҳисобга олмоқ лозим.

Республикамиз кўп миллатли республикадир. Шу боисдан биз унда яшаётган барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олишимиз керак. Шуни назарда тутиш лозимки, республикада аҳолининг камчилигини ташкил этувчи халқларнинг миллий туйғулари кескин бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам уларга айниқса ҳушёр муносабатда бўлиш лозим. Бутун республикага тааллуқли интернационал тарбия ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларини ишлаб чиқишда биз унда яшовчи айрим миллий группаларга дахлдор бўлган проблемаларни ҳам эътиборга олишимиз лозим.

Ўзбекистонда анча кескин демографик вазият вужудга келдики, у миллатлараро муносабатлар билан, ўзбек халқининг ва Ўрта Осиё бошқа халқларининг ривожланиш хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Биз ана шу соҳада бизда содир бўлаётган воқеаларни фақат қайд этибгина қолмасдан, балки жамият имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу жараённи тартибга солиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ҳам беришимиз керак.

Шуни айтиш лозимки, миллий проблемалар соф ҳолда мавжуд бўлмайди. Улар иқтисодий, кадрлар проблемалари билан, мураккаб социал масалаларни маънавий ҳал этиш билан маҳкам қўшилишиб кетади.

Биз очиқ-ошкора гапиришдан қўрққан вақтлар ўтиб кетди. Кенгайиб бораётган демократия ва ошкораликдан фойдаланиб, миллатлараро муносабатлар проблемалари юзасидан тез-тез дискуссиялар ўтказиб туриш лозим.

А. М. ЮНУСОВ, философия фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими:

Республикада, Э. Ю. Юсупов тўғри айтганидек, миллатлараро муносабатлар борасида кўп китоблар ва мақолалар чоп этилмоқда, лекин миллатлараро муносабатларнинг фундаментал назарий проблемалари тадқиқотини координация қилувчи ягона марказ йўқ.

Ана шу проблемаларни ишлаб чиқаётган жамиятшуносларнинг ижодий куч-ғайратини бирлаштириш учун бир қатор илмий-ташкилий тадбирларни амалга ошириш; миллатлараро муносабатлар проблемаларини ўрганиш юзасидан (энг маъқули Ўзбекистон Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институти қошида) координация совети тузиш; уларни ишлаб чиқиш юзасидан комплекс план тузиб чиқиш зарур. Диққат-эътиборни совет халқи — кишиларнинг янги тарихий бирлиги; миллий ва интернационал жиҳатлар диалектикаси; миллатлараро алоқа маданияти каби назарий проблемаларга кўпроқ қаратиш лозим.

Биз интернационал тарбия ҳақида, миллий мақтанчоқликка қарши кураш ва шу кабилар ҳақида кўп гапирамиз. Лекин булар ҳали биз кишиларни миллатлараро муносабатлар маданиятига ўргата олмагунимизча амалда рўёбга чиқмайди. Партия ҳужжатларида 1982 йилдаёқ, яъни ССР Иттифоқининг 60 йиллигини байрам қилиш арафасида миллатлараро муносабатлар маданияти проблемаларини муҳим назарий ва амалий вазифа сифатида ўрганиш зарурлиги илгари сурилганлиги тасодифий эмас.

С. И. ГИТЛИН, тарих фанлари доктори, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг тарих факультети КПСС тарихи кафедраси профессори:

Қайта қуриш шароитида интернационал ва миллий жиҳатлар нисбатларини тўғри тушуниш алоҳида аҳамият касб этмоқда. КПСС XXVII съезди берган ҳақиқат сабоғи миллий муносабатларнинг ривожланишини ўрганиш учун калит бўлади. Баёнчиликдан қатъиян воз кечиш лозим, зеро у кейинги йиллардаги тадқиқотларнинг асосий камчиликларидан бири бўлиб келди. Бундай ишлар олдига тўсиқ қўймоқ лозим.

Шу билан бирга турғунлик давридаги тадқиқотларда мавжуд бўлган барча ижобий жиҳатларни қайд этмоқ, айни чоқда эълон қилинган ўша материаллар кўп жиҳатдан, албатта, жамиятнинг ўша пайтдаги аҳволини акс эттирганини ёдда тутмоқ муҳимдир. Ана шу жиҳатдан улар ҳозирги кунда ҳам қизиқарлидир, чунки архив материалларини янги нуқтаи назардан мутолаа қилиш негизида босиб ўтилган босқични мушоҳада этиш, миллатлараро муносабатларнинг кам ўрганилган ва тадқиқ этилмаган жараёнларини аниқлаш имконини беради.

Ҳозирги босқичда миллатлараро муносабатлар — тадқиқотчи учун қийин предметдир, албатта.

Бу, ўз навбатида, жамиятшунос олимларга конкрет таклифлар билан чиқиш имконини беради. Афсуски, ҳозирги интернационаллаштириш жараёнларининг моҳиятини ёритадиган фундаментал асарлар йўқ. Илгаригидек айрим мақолаларда диққат-эътибор фақат миқдорий кўрсаткичларгагина қаратилади, етилган кўпгина проблемалар четда қолиб кетади.

Гўё миллатлараро муносабатлар проблемалари экономикада ҳал этилган; демак, эътиборни энг мураккаб жиҳат сифатида масаланинг маънавий томонига қаратиш лозим, деган хато тасаввур учраб туради. Бундай юзаки ёндашиш катта қийинчиликларга олиб келиши мумкин, чунки, практика кўрсатиб берганидек, экономика партия ва совет халқи фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бу соҳада анча-мунча проблемалар тўпланиб қолдики, халқларнинг социал ва маданий ривожланиши муайян даражада ана шуларга боғлиқдир. Булар, жумладан, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, структуравий ва инвестицион сиёсатдаги ўзгаришлар каби проблемалар, ресурслардан оқилона фойдаланиш проблемаси ва ҳоказо ва ҳоказолардир.

Салбий ҳолатлар ғоят ярамас бир шаклда намоён бўлган Ўзбекистон шароитида экономика, социал соҳа, маданиятни ривожлантиришда ҳал қилинмаган проблемаларни объектив тарзда ўрганиб чиқиш муҳимдир. Масалан, айрим министрликлар ва идораларнинг региондаги миграцион анъаналарни ва кадрлар тайёрлаш шароитларини эътиборга олмасдан саноат корхоналарини йирик шаҳарларда қуришга интилишларини ўринли деб ҳисоблаб бўладими? Республика областларининг индустриал ривожланиши даражаларидаги, шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг меҳнати ва турмушидаги катта тафовутларни ва ҳоказоларни назардан қочириш ярамайди. Социал ва иқтисодий масалаларни ҳал этмаслик турмушда миллатчилик кўринишларига олиб келиши мумкин ва кўпинча олиб келади ҳам. Бу ҳақда билган-тушунган ҳолда, далиллар асосида ва ётиги билан гапирмоқ лозим.

Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва маданий даражасини мамлакатнинг баъзи бир бошқа республикалари билан бараварлаштириш проблемасига ҳам янгича назар билан қараш зарур. Маълумки, бу проблема асосан ҳал этилган. Аммо назарияда ҳам, практикада ҳам уни кун тартибидан олиб ташламаслик лозим. Ўзбекистон экономикасини ривожлантиришнинг пухта ўйлаб чиқилган, илмий асосланган программасининг йўқлиги шунга олиб келдики, кўп кўрсаткичлар бўйича республика Иттифоқда охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Фикримизча, юзага келган аҳвол сабабларини ёритишда партиявий, синфий позициялардан туриб «шарофрашидовчилик»нинг социал ва гносеологик илдизларини очиб ташламоқ лозим.

Айрим миллат ва элатлар ривожланиши проблемаларини чуқур илмий тадқиқ этишнинг, бу ривожланишнинг самарали йўлларини излашнинг, уларнинг ҳар бирининг манфаатларини совет халқи муштарак манфаатлари билан жуда тўғри қўшиб олиб боришнинг ғоят зарурлигини кўрсатувчи бошқа бир қа-

тор мисолларни келтириш мумкин. Чамаси, республикадаги миллий жараёнлар тадқиқотларини координациялашни йўлга қўйиш лозим бўлади. Ана шу борада Тошкент давлат университетида СССРдаги миллатлараро муносабатларни (Ўзбекистон материаллари асосида) ўрганишнинг комплекс программаси ишлаб чиқилдики, уни рўёбга чиқариш ишига бешта факультетнинг, кўпгина ижтимоий фанлар кафедраларининг олимлари жалб этилди.

Ф. Б. ИСҲОҚОВ, тарих фанлари кандидати, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС МК 1987 йил январь Пленумидан кейин республикада миллатларнинг ва миллатлараро муносабатларнинг аҳволини ҳамда уларни ривожлантириш проблемаларини ўрганиш билан шу қадар изчил шуғулланаётганлигидан республика партия ташкилоти ҳозирги босқичда миллий масала юзасидан марксча-ленинча қоидаларнинг ва КПСС миллий сиёсатининг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини чуқур тушунаётганлиги кўриниб турибди. Партия совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини қайта қуриш ва янгилаш йўлини амалга ошираётган шароитда ушбу соҳадаги ҳам ютуқларни, ҳам муаммоларни баҳолаш зарурлиги ҳам буни тақозо этади.

Шу боисдан миллатлараро муносабатлар проблемаларининг ҳар бир миллат ва элат иқтисодий, социал ва маънавий тараққиёти масалаларининг диалектик ўзаро боғлиқлигини, мамлакат барча халқлари миллий ва интернационал манфаатларини қўшиб олиб боришни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши ғоят муҳим ва методологик жиҳатдан тўғридир. У ёки бу, жумладан капиталистик босқични четлаб ўтган миллат ва элатларнинг ривожланишидаги, шунингдек миллатлараро муносабатларнинг такомиллаштирилишидаги салбий ҳолатлар ва қийинчиликларнинг фақат субъектив сабабларинигина эмас (булар ҳақида ҳаммадан кўп гапиришади ва ёзишади), балки объектив сабабларини ҳам ҳисобга олиш, менинг назаримда, жуда муҳимдир. Бунда В. И. Лениннинг «...*ҳар қандай* миллат меҳнаткаш оммасининг қонуний эҳтиёжлари ва прогрессив интилишлари, биринчи марта ўларок... интернационал бирликни туғдириш йўли билан қондирилади» (Тўла асарлар тўплами, 26-том, 43-бет), деган сўзларини эсга олиш ўринлидир. Ана шуни назарда тутиб айтиш мумкинки, миллатлар ва миллатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги фақат ютуқларнигина эмас, балки камчиликлар ва муаммоларни ҳам кўп миллатли муҳитнинг ҳодисаси сифатида, жамият, барча миллат ва элатлар ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма жиҳатлари билан боғлиқ натижалар сифатида баҳоламоқ лозим.

Равшанки, ҳаддан ошиб кетишларни, очиқ-ошкора ғайритабиийликни хусусий нарса деб билмоқ керак. Аммо айрим олимларнинг у ёки бу салбий ҳодисаларга шоша-пиша «диагноз» қўйишга уринишларини фан нуқтаи назаридан тўғри деб бўлмайди. Масалан, «одиловчилик»ни қандайдир миллий жиҳат билан боғлашни мен хато деб ҳисоблайман. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг миллий муносабатлар бутун проблемасини Ўзбекистоннинг туб ерли аҳолисига татбиқан унинг бир қисми орасида миллий хурофотлар мавжудлигидангина иборат қилиб қўйишга интилишлари миллий муносабатлар соҳасидаги хилма-хил масалаларни ўрганиш ва ҳал қилишда жуда ҳам зарарлидир. Фикримча, тил сиёсати соҳасида ҳам баъзан очиқ-ошкора бир ёқлама бўлган йўл-йўриқлар ва тавсиялар тарғиб қилинади, чинакам миллийлик — бу ҳамиша интернационалликдир, деган классик қоида унутилиб юборилади ёки назар-писанд қилинмай қўяди.

Аминманки, республиканинг олимлари, идеологик активи ватанпарварлик ва интернационалистик қадриятларнинг ўз ихтиёримизда бўлган катта потенциалидан мамлакат барча миллатлари ва элатларини интернационал жипслаштириш йўлида фойдаланишга қодирдирлар.

Р. А. НУРУЛЛИН, тарих фанлари доктори, «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журналининг бош редактори:

Журнал редакцияси миллатлараро муносабатлар, оммани ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашнинг долзарб проблемаларига катта эътибор бериб келмоқда. Жумладан, журналнинг 1988 йил биринчи сонидаги бош мақола ана шу масалага бағишланди. Бош мақолада социал муносабатларнинг ва оммани

коммунистик тарбиялашнинг ана шу ғоят муҳим соҳасининг аҳволига принципиал баҳо берилди, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, меҳнаткашларни ҳозирги талаблар руҳида интернационал ва ватанпарвар қилиб тарбиялашни кучайтириш масалалари кескин қилиб қўйилди. «Давра суҳбати» иштирокчиларининг ўзлари, эҳтимол, аллақачон танишиб чиққан бош мақоланинг қоидаларини такрорлаб ўтирмаслик учун фақат баъзи бир моментлар ҳақидагина тўхталиб ўтаман.

Биз республикада миллатлараро муносабатларни ўрганиш, ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш иши қандай аҳволда эканлигини анча яхши биламиз. Редакцияга келиб турган мақолалар, биз тақриз қилаётган китоблар ҳам ушбу проблемаларни ишлаб чиқишда қайта қуриш олимлар дунёсида жуда ва жуда суст кечмоқда, деган хулоса чиқариш учун асос бўла олади.

Лекин ҳаммага шу нарса маълумки, миллатлараро муносабатларда ҳали ҳам анча-мунча кескин проблемалар сақланиб келмоқдаки, вақт ўтиши билан улар қаторига ўз вақтида аниқлаб олиш ва ҳал этишни талаб қиладиган тобора янги-янгилари келиб қўшилмоқда. Гарчанд миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар антагонистик характерга эга бўлмасада, уларни хаспўшлаш ва бирдан-бир тўғри, интернационал асосда кўриб чиқишни пайсалга солиш мамлакат халқларининг бирлиги ва жипслиги ишига катта зарар етказади, номақбул миллатчилик кайфиятларини келтириб чиқаради. Ҳозирги шароитда миллатчилик қайта қуришни амалга оширишда асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли ошкоралик ва демократияни суиистеъмол қилиб ҳамда бебош социал демагогияни ишга солиб, ўзларини жамоатчилик фикрини ифодаловчилар, миллий қадр-қимматни ҳимоя қилувчилар деб кўрсатишга уринаётган экстремистларнинг миллатчилик моҳиятини қатъият билан очиб ташламоқ зарур.

Кейинги йилларда мамлакат миллатлари ва элатлари ривожланишидаги даражаларни бараварлаштириш ҳақида шубҳасиз факт сифатида кўп ёзилди ва гапирилди. Ваҳоланки, практика далолат бериб турганидек, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда, аҳоли жон бошига реал даромадларни оширишда, озиқ-овқат маҳсулотлари, савдо ва социал-маиший хизматлар билан таъминланишда ва ҳоказоларда айрим республикалар ўртасида катта тафовут сақланиб қолмоқда. Шу боисдан миллатлараро муносабатлар проблемаларини ўрганишда социал адолат омилини ҳам ҳисобга олиш лозимки, бу назария учун ҳам, практика учун ҳам ғоят актуалдир.

Ниҳоят, биз миллий муносабатлар бўйича координацион совет, агар у ташкил этиладиган бўлса, журналимиз редакцияси билан мустаҳкам ижодий алоқа боғлашини, тематикани белгилаш ва авторлар танлашда, айниқса яратаётган асарлари ҳақиқатан ҳам ўткирлиги, янгилиги билан ажралиб турадиган ва назарий ҳамда амалий аҳамиятга молик бўлган истеъдодли ёшлар орасидан танлаб олишда редакцияга амалий ёрдам кўрсатишни истар эдик.

В. Г. ЧЕБОТАРЕВА, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти директорининг ўринбосари:

КПСС экономикани бошқаришни такомиллаштириш ҳамда ижтимоий ҳаётни демократиялаш йўлини ўтказаётган қайта қуриш шароитида: бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда миллий муносабатларни тартибга солиб турувчи механизм борми? деган савол қонуний саволдир. Фақат йўқ деган жавобгина бўлиши мумкин.

20—30-йилларда миллий жараёнларни бошқаришнинг яхлит системаси ҳамда тегишли равишда миллий сиёсатни нафақат республикаларнинг туб ерли миллатларига нисбатан, балки барча миллий ва этник группаларга нисбатан ҳам амалга ошириш устидан контрол ҳам барпо этилган эди. И. Сталин шахсига сиғинишнинг қарор топиши билан бу система тугатилди ва фақат эндигина партиянинг қимматли тарихий тажрибаси ўрганила ва қайта тиклана бошлади.

Эътиборингизни қаратмоқчи бўлганим иккинчи масала, бу — миллий проблемаларни ўрганишнинг ташкилий асосларидир. Бу ерда миллатлараро муносабатларни тадқиқ этиш юзаки характерга эга, мутахассисларнинг ижодий

куч-ғайратларини координациялаш йўлга қўйилмаган деб тўғри айтилди. Баъзи бир муваффақиятлар бор, албатта. СССР Фанлар академияси қошидаги миллий проблемалар бўйича совет бундан икки йил аввал республикамизда секция ташкил қилди. Бу секция Москва олимлари билан ҳамкорликда миллий муносабатларга бағишлаб конференция ўтказди. Ушбу конференциянинг материаллари учта монографияда умумлаштирилди: иккита томи Москвада, бир томи Тошкентда чиқди. Шундай қилиб, дастлабки қадамлар қўйилди.

Бошқарув формалари ҳам ўзгармоқда — Москвада миллий муносабатларни ўрганиш бўйича илмий марказ ташкил қилинди. Ўзбекистонда бу ишни, менинг назаримда, республика Фанлар академияси қошида жамламоқ лозим.

Миллий муносабатлардаги бузилишлар ва салбий ҳолатларнинг (миллатчилик, шовинизм) социал сабабларини аниқламоқ учун мавҳум фикрлар асосида таклифлар тузиш эмас, балки ишнинг реал аҳволини ўрганиш лозим. Биз социологик тадқиқотлар ўтказиш имкониятига эга бўлмагунимизча миллий муносабатлардаги ҳақиқий вазият ҳақида аниқ тасаввурга эга бўла олмаймиз. Шундай қилиб, социологик хизмат даркор, бундай хизмат ҳақида эса биз кўп йиллардан буён ҳамма конференцияларда гапириб келдик, лекин масала ҳанузгача ҳал этилмади.

Миллатлараро муносабатларни бошқариш ташкилий асосларининг энг муҳим таркибий қисми статистикадир. Ҳанузгача, матбуотда рўй-рост танқид қилинишига қарамай, Давлат статистика комитети ва унинг жойлардаги органлари олимларни зарур маълумотлар билан таъминламаётирлар ва шу нарса айникса ачинарлики, миллий миқёсда ҳеч қандай ҳисобот олиб борилмайди. Ваҳоланки, 20—30-йилларда бундай ҳисобот бор эди ва у партияга ҳатто районлар даражасида ҳам миллий сиёсатни аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширишда ёрдам берарди.

Миллий ўзлигини англаш, миллий психологиядаги кўп қинғирликлар тарих фанининг ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайдиган концепциялари билан боғлиқдир. Улардан бири — Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишидир. «Қўшилиш» сўзининг ўзи тарихий вазиятни тўла-тўкис акс эттирмайди. Маълумки, масалан, баъзи жойлардаги аҳоли чор қўшинларига қаршилик кўрсатмаган, аммо бошқа халқлар ўз ерини ҳимоя қилган. Мен бу концепцияни тарих ҳақиқати позициясидан туриб қайта кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблайман.

Учинчи масала — адабий меросга муносабат масаласидир. Марксча-ленинча диалектикага таянган ҳолда 20-йиллардаги ноҳақ равишда унутилиб кетган ёзувчиларнинг ижодини ўрганиш, уларни илмий изоҳлар билан таъминлаш, халқнинг ҳаётини, унинг интилишлари ва орзу-умидларини акс эттирган энг яхши асарларни нашр этиш зарур.

Б. Ф. МУСАЕВ, философия фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими:

Бу ерда тилга олинган миллий жараёнларнинг социологик тадқиқотлари тўғрисидаги масала, интернационал тарбия вазифалари принципиал аҳамиятга молик. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган, танлаб-танлаб қилинадиган тадқиқотлардан проблемаларни мунтазам равишда ва тўла-тўкис ўрганишга ўтиш зарурати етилди. Бу билан 80-йиллар ўрталаригача мавжуд бўлган миллатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги проблемасизлик ҳақидаги хомхаёлларнинг оқибатлари тугатилади.

Дарҳақиқат, турғунлик даврида интернационаллаштириш ҳақида кўпинча ҳамма-ҳамма нарсани унификациялаш тарикасида гапирилар эди. Бунинг оқибатида ана шу кўп қиррали жараён абстракт тарзда тасвирланарди. Ана шу жиҳатдан оператив социологик тадқиқотлар актуал вазифаларни илмий-амалий ҳал этишнинг ҳамда миллий жараёнларнинг, интернационал тарбиянинг реал аҳволига баҳо беришнинг воситаларидан бири ҳамдир.

Гапимни асослаш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Философия ва ҳуқуқ институтида мавжуд бўлган тажриба билан сизларни таништирмоқчиман. 1987 йилда Тошкент, Самарқанд областларининг саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, ўрта мактаблари, ҳунар-техника билим юртларидаги тадқиқотлар давомида, жумладан, миллатлараро алоқаларнинг, миллатлараро алоқа маданиятининг ҳозирги аҳволи партия ташкилотлари олдига меҳнаткашлар ин-

тернационалистик онгини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг конструктив идеологик, сиёсий-тарбиявий методларини ишлаб чиқиш заруратини қўяётганлиги аниқлаб олинди. Социологик маълумотлар шундан далолат берадики, региондаги ишлаб чиқариш муҳити, социал-маданий, идеологик вазият шароитида кучайиб бораётган интернационализм билан маҳаллийчилик, миллий биқиқлик ўртасидаги, интернационалистик идеология билан хурофотлар, стереотиплар, миллий ўзлигини англашнинг этноцентризм элементлари ўртасидаги; ўзбек миллатининг самарали интернационализмидан яққол далолат бериб турган динамизми билан ҳали ҳам учраб турадиган «йўқолиб бораётган» анъанавий маданият қадриятларини, архаик анъаналарни, урф-одатларни, жамоачилик онги элементларини ва тафаккур хулқ-атвор стереотипларини фетишлаштириш ўртасидаги; идеологик муассасалар фаолиятини қайта қуриш талаблари билан уни республика социал-иқтисодий ривожини жадаллаштириш вазифаларига ҳамда партия ва совет органлари, жойлардаги жамоат ташкилотлари ҳақиқий практикасига, уларга хос бўлган лоқайдлик, фикр турғунлиги, турғунлик руҳининг зарарини ифодаловчи сифатида хаётдан ажралиб қолганликка мувофиқлаштириш реал имкониятлари ўртасидаги ноантагонистик зиддиятларни бартараф этиш актуаллаштирилмоқда.

Баён этилган фикрлар контекстида миллий хурофотларнинг табиатини ва яшовчанлигини белгилаб берувчи, детерминант тадқиқотларга, уларни синчиклаб эмпирик текширишга муттасил эътибор бериш зарурлиги ҳақидаги масалани қўйиш тўғридир. Бундай ёндашиш ижтимоий муносабатларнинг ўтмишдаги укладларининг, «шарофрашидовчилик», «дардли нуқталар»нинг идеология муассасалари фаолиятидаги асоратларини очиб берадигина эмас, балки туб ерли аҳоли маданияти, ҳаёт ва фаолиятининг баъзи бир анъанавий формаларидан социалистик қурилишда фойдаланишга, уларни узвий равишда ҳозирги ҳаёт маромига, қайта қуриш жараёнига «жойлаштириш»га ҳам имкон беради.

Ш. Б. МУҲАМЕДОВ, Бухоро педагогика институтининг ўқитувчиси, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти стажёри:

Иккита момент ҳақида тўхталиб ўтаман. Ўз халқинг, ўз ўлканг тарихини билмасдан туриб интернационалист бўлиш мумкин эмас. Бизнинг мактабларимизда Ўзбекистон ССР тарихи тегишли савияда ўрганиляптими? Қишлоқ мактабида, кейинчалик олий ўқув юртида ўқитувчи бўлиб ишлар эканман, ўлка тарихини мутлақо билмасликка доимо дуч келиб турдим. Тўғри, яқин-яқингача бундай аҳволни оқлаш мумкин эди: мактаб ўқувчилари ва студентлар 2—3 ойлаб далада ишлашарди. Менга: бундай вазият фақат тарих фанигина эмас, балки мактабларда ўрганиладиган бошқа фанлар борасида ҳам вужудга келган эди, деб айтишлари мумкин. Аммо мен ўз халқининг тарихини билиш устидагина тўхталиб ўтмоқчиман. Албатта, СССРнинг, чет мамлакатлар тарихини билиш муҳим, лекин ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР тарихини чуқур ўрганиш зарурати етилди.

Биз шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам туб ерли миллатлар орасида янги расм-русмлар ва одатларни жорий этмасдан туриб миллатчиликни йўқота олмаймиз. Менимча, кўпдан-кўп ажойиб расм-русмлар ва одатларни синчиклаб ўрганиш ва диний чирклардан тозалаш зарурдир. Республиканинг кўпчилик областларида тўйларни, дафн маросимларини бундан 50—60 йил аввалдагидек ўтказадилар. Зеро ана шу тадбирларни одатда кекса авлод вакиллари, қариялар ташкил қиладилар. Менинг фикримча халқ депутатлари Советларининг ижрокомлари қошида совет турмуш тарзининг ва миллий анъаналарнинг энг яхши жиҳатларини пропаганда қилувчи кишиларни ўқитиб туриш лозим.

А. Қ. ВАЛИЕВ, философия фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институтининг тарихий материализм сектори мудири:

Миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия проблемалари доимо ва муттасил эътибор беришни, чуқур ишлаб чиқишни талаб этади. Улар энг аввало миллий онг ва ўзлигини англаш каби феномен билан чамбарчас боғлиқдир. 1979 йилги рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Ўрта Осиёдаги туб ерли миллатлар вакилларининг 25,4 процентидан 50 процентигача рус тилини бемалол билишарди (ўзбеклар орасида — 49,3 проценти). Регион территориясида яшаган

руслар орасида фақат 3,5 проценти туб ерли миллат тилини бемалол биларди. Яқин вақтга қадар туб ерли бўлмаган миллат вакилларининг республика маҳаллий аҳолиси тилини ўрганишига катта эътибор бериларди. Уларнинг ўзлари ҳам шу тилда ақалли гаплаша билишга уринишарди, лекин ҳозирги кунда шундай деб бўлмайди. Инсон шу ўлкада туғилиши, бутун умри давомида ишлаши ва биронта ҳам ўзбекча сўзни билмаслиги мумкин. Бу ҳол нима учундир одатдаги бир нарсага айланиб қолди. Партия бошқа миллатлар вакилларининг яшаб турган республикалари туб ерли аҳолиси миллий тилини ўрганишлари керак деган вазифани ҳақли равишда қўймоқда. Биз, олимлар ҳам бу масалага кўпроқ эътибор беришимиз керак.

Ўзбекларнинг 49,3 проценти рус тилида бемалол гаплашишини эълон қилишиб, бизда бу масала хусусида ҳамма нарса жойида, деган қарорга келишган. Ҳақиқатда эса ушбу маълумотлар анча ошириб кўрсатилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда, айниқса қишлоқда рус тилини ўргатишга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Қишлоқ мактабларида рус тили ўқитувчилари етишмайди. Туб ерли миллатнинг кўп намояндалари, гарчанд педагогика институтларининг рус тили ва адабиёти факультетларини битириб чиққан бўлсалар-да, рус тилини яхши билмайдилар. Рус тили ўқитувчиларини тайёрлашни яхшилаш керак. Шу билан бирга чамаси, бошқа республикалардан рус тили ўқитувчиларини қишлоқ мактабларига кўпроқ таклиф этиш лозим бўлади.

Ш. С. ЗИЁМОВ, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти — КПСС МК ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти филиалининг директори:

Интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида, миллатчилик ва шовинизм кўринишларини бартараф этишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ишнинг самарали воситалари, форма ва методларини танлашга боғлиқ.

Баъзи бир партия, совет, хўжалик раҳбарларининг фаолиятидаги хилма-хил хатолар, миллий сиёсатнинг ленинча принципларидан чекинишлар ҳам миллатлараро муносабатларга, интернационал тарбияга салбий таъсир кўрсатади. Ана шундай хатолар, агар улар ҳатто атайлаб қилинмаган бўлса-да, кўпинча норозилик, ранжишларга сабаб бўлади. Кадрлар билан ишлаш принципларининг бузилишини ҳам шулар жумласига киритиш мумкинки, бунда раҳбарлик ишига асосан кўп миллатли региондаги фақат бир миллатнинг вакиллари кўтарилади; асосий кўпчилиги у ёки бу миллий группалардан иборат бўлган аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга тегишлича эътибор берилмайди. Миллий муносабатларнинг проблемалари бўйича эълон қилинган материаллардаги хато мулоҳазалар ҳам кўпинча миллатчилик туйғу ва хурофотларнинг уйғонишига кўмаклашади.

Шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, республиканинг жамиятшунос олимлари, шу жумладан партиявий-тарихий проблемалар билан шуғулланувчи кишилар ҳам ўқув программаларини такомиллаштириш ишида, мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, олий ўқув юртлари учун дарсликлар яратишда фаол қатнашмайдилар.

Интернационал тарбияни ташкил этишдаги камчиликларни бартараф қилиш миллий муносабатларни такомиллаштиришнинг, партия, совет ташкилотларининг аҳоли турли категорияларини интернационал тарбиялаш борасидаги фаолиятининг комплекс программасини ишлаб чиқишни; ўқитишнинг турли формалари орқали коммунистларни миллатлар ва миллатлараро муносабатлар назариясини, партиянинг миллий сиёсатини билиш билан қуроллантиришни; республикадаги миллатлар ва миллий группаларга оид тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш учун уларнинг жойлашуви картасини тузишни; партиянинг миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши, интернационализм принципларини барқарор этиш учун кураши тажрибасини ўрганиш мақсадида тадқиқотчилар группаларини тузишни; турли социал, профессионал, демографик группаларда, меҳнат коллективлари, ўқув юртлари ва ҳоказоларда интернационалистик онгнинг ривожланиш даражасини тадқиқ этиш учун социологик хизматларни барпо этишни тақозо қиладики, бу миллий ва интернационалистик онгнинг бундан буёнги ривожланиши тенденцияларини прогнозлаш, интернационал тарбия юзасидан мунтазам ва изчил иш программаларини тузиш имконини беради.

Жамиятшунос олимларнинг, шу жумладан партия тарихи билан шуғулланувчи олимларнинг куч-ғайратини миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия проблемаларини ишлаб чиқишда координациялаш зарурлиги ҳақидаги таклифларни қувватлайман.

П. Г. КИМ, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти партия тарихи секторининг мудири:

Коммунистик партиянинг миллий масалани ҳал этиш тажрибасини чуқур анализ қилмасдан туриб миллий муносабатларни янада такомиллаштириб бўлмайди. Шу муносабат билан эътиборни РКП(б) X съезди ҳужжатларига қаратишни истар эдим. Биз, масалан, шуни аниқладикки, съезднинг «Миллий масалада партиянинг навбатдаги вазифалари»га оид резолюциясини ишлаб чиқишга Туркистон Компартиясидан борган делегатлар катта ҳисса қўшганлар. Партия Марказий Комитети 1921 йил 10 февралда «Правда» газетасида «Миллий масалада партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисидаги доклад юзасидан партия МК тасдиқлаган ўр. Сталин тезислари»ни эълон қилди, 10 мартда эса ана шу газетада мазкур тезисларга Туркистон делегацияси таклиф этган тузатишлар ва қўшимчалар берилди. Улар қуйидагилардан иборат эди: амалдаги миллий нотенгликни, энг аввало иқтисодий нотенгликни фабрикаларни хом ашё манбаларига планли тарзда кўчириш йўли билан бартараф этиш; матлубот кооперациялари орқали туб ерли аҳоли меҳнаткашларини иқтисодий жиҳатдан уюштириш, кустар ва бошқа ҳунармандчиликни планли, хўжалик ташкилотларига қўшиш, саноатни маҳаллий шароитга мос равишда жорий эта бориш; Россиянинг марказий районларида қўрилаётган ва хўжалик борасидаги ривожланишнинг анча юқори поғонасигагина яроқли бўлган тадбирларни шарқий чекка ўлкаларга механик тарзда кўчиришдан воз кечиш. Ана шу учта пунктнинг жами X съезднинг «Миллий масалада партиянинг навбатдаги вазифалари»га оид резолюциясига кирди. Аммо кейинчалик уларни амалга оширишга етарлича эътибор берилмади, шу учун ҳам аҳолини иш билан банд этиш, ишчилар синфининг миллий кадрларини вужудга келтириш ҳозир биринчи ўринга қўйилмоқда.

Социал сиёсат соҳасидаги баъзи бир бошқа ҳал этилмаган вазифалар устида тўхталиб ўтишни истар эдим. Кейинги вақтларда Оролни қутқариб қолиш, шунингдек теварак муҳитни муҳофаза этиш ҳақида кўп ёзиляпти. Бу масалалар ҳам миллий, ҳам регионал масалалардир. Айни чоқда уларни ҳал этиш умумиттифоқ, интернационал аҳамиятга молик бўлиб, илмий асосланган, малакали ёндашувни талаб этади. Сўнгра, хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза этиш ҳақида (ишончим комилки, бир мавсум давомида 10 минг килограммгача пахта терадиган аёл жисмоний жиҳатдан мукаммал она бўла олмайди. Бунда болалар ўлими даражасининг юқорилиги билан ҳам, регион аёллари умрининг нисбатан қисқалиги билан ҳам бевосита алоқадорлик мавжуд); мактаб ўқувчилари ва ўқув юртлари талабалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини айтиб ўтишни истар эдим (модомики, ўқувчилар пахта далаларида бутун ёз ва яна куз фасли давомида ишласалар, ёки студентнинг пахта кампанияларидаги иштироки ўқиш муддатини 1,5—2 йил қисқартадиган бўлса, малакали мутахассислар қаёқдан пайдо бўлиши мумкин?). Ана шу масалалар бутун иттифоқ даражасида муҳокама қилиниши зарур.

М. Х. ХОЛМУХАМЕДОВ:

Сиз кўрсатиб ўтган проблема (қишлоқ меҳнаткаш аёлларининг оғир аҳволи, болалар ўлимининг кўплиги, ўқувчилар ва студентларни узоқ муддатга қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш ва бошқалар) ҳақиқатан ҳам республикамизда мавжуд, аммо улар бизнинг партия, совет органларимиз ишидаги камчиликлардир ва уларни бизнинг ўзимиз ҳал этишимиз лозим.

Р. Ё. РАЖАБОВА, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг директори:

Биз муҳокама этилаётган масалаларни ҳал қилишнинг амалий йўлларини пухта ўйлаб кўришимиз лозим. Бу ерда айтилгандек, бу борада 20—30-йиллар

тажрибаси ёрдам бериши мумкин. Мазкур тажрибадан ижобий жиҳатларни олмоқ керак. Масалан, нима учун миллатчилик иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб турган синфий кураш кескинлашган шароитда республика меҳнаткашлари ана шу оқимни бартараф этишга муваффақ бўла олдилар? Шунинг учунки, партиянинг идеологик тадбирлари кенг иқтисодий ва социал ўзгартишлар билан қувватланиб турди. Реакцион руҳонийларга қарши кураш ҳақида махсус қарорлар қабул қилинган эди. Ҳозир зиёлиларнинг баъзи бир намояндалари динга тилёғламалик қилмоқдалар, биз эса руҳонийларга қарши қатъий ҳужум қилиш зарурлиги ҳақида гапиришдан қўрқамиз.

Ўтмиш тажрибаси шуни кўрсатадики, миллатлараро муносабатлар проблемасини социал-иқтисодий масалалар билан маҳкам боғлаган ҳолда ҳал этиш лозим. Масалан, эски, ёшини яшаб бўлган одатлар, расм-русм ва анъаналар кўпинча сақлаб келинаётган маҳаллаларга кўпроқ эътибор бериш лозим. Кўпинча бу ҳол маҳалла комитетларига баъзан етарлича билими бўлмаган қолоқ кишилар бошчилик қилиши сабабли содир бўлади. Айрим хотин-қизлар советлари составини ҳам янгилаш зарур, уларга янги расм-русм ва одатларни биладиган ва уларни фаол тарғиб қиладиган аёлларни кўпроқ кўтариш керак.

Кейинги вақтларда биз, олимлар «миллатчилик» сўзини ишлатишдан қўрқиб қолганмиз, қандайдир янги сўзларни топмоқчи бўламиз. Жамиятшунос олимлар: нима сабабдан ҳозирги кунда 20—30-йилларда умуман ҳал этилган проблемаларга қайтишга тўғри келмоқда? Нима сабабдан турғунлик йиллари миллатчиликни жонлантирди? деган саволга асосли жавоб беришлари лозим.

Г. Ш. ШЕРМАТОВА, философия фанлари кандидати, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими:

Миллий муносабатларни бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш жараёнида интернационалистик онгни шакллантириш жараёнига тўғаноқ солувчи турли механизмларни бартараф этишни ҳисобга олиш зарурдир. Бу энг аввало тадқиқотчилик тафаккурига тааллуқлидир. Миллий муносабатлар соҳасидаги хатолар, камчиликлар ва зиддиятлар ҳақида нима учундир гапириш одат эмас эди, аммо улар оддий даражадаги онгга, жамоатчилик фикрига сингиб борди, кўпинча бузиб, ғаразли тарзда талқин этилди: объектив илмий ахборотнинг, миллатлараро муносабатлар социал-иқтисодий, маданий соҳаларида содир бўлиб турган мураккаб жараёнларни изоҳлашнинг етишмаслиги туфайли юзага келган бўшлиқ шу тариқа тўлдириб турилди.

Интернационалистик онгни шакллантиришга тўғаноқ солувчи социал-психологик механизмларнинг табиати кам тадқиқ этилган. Кўпинча бу ҳол шундай бошқарув қарорларига олиб келардики, улар кутилганига акс ўлароқ тезда «тескари натижа» берар эди. Волюнтаристик, буйруқбозлик-маъмуриятчилик методлари маънавий соҳада айниқса номақбулдир. Бу ҳол идеология ишида йўл қўйиладиган хатолар, ҳаддан ошириб юборишларнинг назарий асосларини илмий анализ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Бундан қандай хулоса чиқади?

Энг аввало, бу интернационаллаштиришни муштараклик, бир хилликнинг механик ўсиши сифатида сийқа тушуниш бўлиб, у «СССРда маданиятнинг денационаллаштирилиши» буржуа назарияси фойдасига унинг космополитизм билан, миллий нигилизм билан алмаштирилишига олиб келди. Интернационаллаштириш миллий жиҳатни текислаш, миллий хусусиятларнинг намоён бўлиш формаларини минимум даражага олиб келиш йўли билан эмас, балки миллатнинг маданий меросидаги барча ижобий жиҳатлардан, социалистик жамиятни такомиллаштириш борасида у ҳозир эришган ютуқлардан тобора тўла фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. В. И. Ленин бундай деб алоҳида таъкидлаган эди: «...*Хилма-хил усул қўлланиш* асосий, тубли, муҳим бўлган бирликни бузмайди, балки бу бирликни таъминлайди» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 224-бет).

Нотўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга олиб келадиган назарий характердаги бошқа бир хато — миллий ўзлигини англаш билан миллатчиликнинг моҳияти ва социал функцияларини аралаштириб юборишдир.

Дарҳақиқат муайян шароитда миллий ўзлигини англашнинг ўсиши, интернационал тарбиянинг сусайиши миллатчилик тенденцияларининг ривожланишига олиб келиши мумкин. Бироқ идеологик иш моҳирлик билан ташкил этилганда миллий ўзлигини англашнинг ривожланишига таъсир қилувчи социал-маданий омиллардан миллий маданиятларнинг ижобий мазмунини ривожлантириш, умуммиллий манфаатларни рўёбга чиқаришга халал берувчи маҳаллийчиликка, юртдошликка қарши, ижтимоий, маънавий ҳаётдаги салбий ҳолатларга қарши кураш йўлида самарали фойдаланиш мумкин. Миллий ўзлигини англашнинг ўсиши диний хурофотларга қарши, қолоқ урф-одат ва анъаналарга қарши курашда ҳам муайян аҳамиятга эга.

Хуллас, назарияда ҳам, миллий муносабатларни ва интернационал тарбияни бошқаришнинг амалий вазифаларини хал этишда ҳам шунга таяниш зарурки, миллийлик — ўзига хослик эмас, балки миллатчилик ва диний ҳодисалар интернационалистик онгни шакллантириш жараёнларига тўғаноқ солувчи механизмлардир.

Миллатлараро муносабатларнинг социал-психологик соҳасига одамлар яшайдиган жойларда, чойхоналарда, дала шийпонларида, клублар ва ҳоказоларда тегишли тарзда иш олиб боришни ташкил этиш йўли билан самарали таъсир кўрсатиш мумкин. Маданий-маърифий муассасалар ишини бутун чоралар билан «жонлантириш» зарур. Уларнинг кўплари, айниқса қишлоқ жойларда ишламай қўйган, нобоп биноларга жойлашган. Инсон ҳаётининг муҳим марраларига бағишланган расм-русмлар ва анъаналарга (бола туғилиши, уйланиш ва бошқалар) аста-секин янгилик киритиб бориш зарур, бунда миллий элементларни сақлаб қолиш керак (янгилик худди ана шундай қилинган тақдирдагина осонлик билан сингишини этнографлар исботлаб беришган). Дин биргаликдаги ҳаракатлар учун мулоқот қилишга, одамларнинг тўп-тўп бўлиб йиғилишига интилиш, жамоанинг коллективистик принциплари негизида яшайди. Идеология ходимлари ҳам, масалан, биргаликда бўш вақтни ўтказиш, маданий тадбирлар ташкил қилиш учун мўлжалланган объектлар қурилишида «ҳашар»ни пропаганда қилиб, ана шу социал-психологик феномендан фойдаланишлари мумкин ва лозим. Халқ турмуш тарзидаги маданий, маънавий бўшлиқни тўлдириб, динни сиқиб чиқариш лозим. Район Советларининг ижроия комитетлари қошида, фикримизча, дафн этиш, тўй маросимларини, турли оилавий тантаналарни ташкил этиш юзасидан кооператив асосларда группалар барпо этиш мумкин.

Бу ерда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Идеология ходимлари айрим қисмининг туб ерли миллатлар тилини, жумладан ўзбек тилини билмаслиги пропагандистик фаолиятнинг самарадорлигини, меҳнаткашларни интернационал тарбиялашдаги унинг ролини пасайтиради. Масалан, «Билим» жамиятининг район ташкилотлари, Сиёсий маориф уйлари қошида туб ерли миллатлар тилларини ўрганиш курсларини айниқса республика партия ташкилотини мустаҳкамлаш ниятида кейинги йилларда Ўзбекистонга келган кишилар учун ташкил этиш зарурлиги аёндир. Уларнинг кўплари республика туб ерли миллатларининг тилларини ўрганиш истагини билдирмоқдаларки, бу борада уларга ҳар тарафлама кўмаклашиш керак.

Ҳозир энг танг масала — илмий тавсияларни турмушга жорий этиш, анъаналарни, урф-одатларни ва улар орқали — кишилар психологиясини ўзгартиришдир. Бизнинг фикримизча, шу йил охирига бориб янги расм-русмлар, анъаналарга, уларни жорий этиш механизмларига, миллий маданиятнинг анъанавий формаларидан, уларнинг ижобий мазмунидан республика маънавий ҳаётини бойитишда самарали фойдаланишга бағишланган илмий-амалий конференция чақириш зарур.

М. Ҳ. ХОЛМУХАМЕДОВ:

Суҳбатимизда ҳозирча тилга олинмаган иккита жуда муҳим масалага эътиборни қаратишни истар эдим.

Маълумки, Ўрта Осиё регионининг туб ерли миллат ва элатлари капитализмни четлаб социализмга ўтишган. Бизнинг шу қадар хунук формалар касб этган кўп камчиликларимиз илдизлари ҳам — ислом идеологиясининг, реакцион социал-маиший расм-русм ва анъаналар сарқитларининг яшовчанлиги, хотин-қизларнинг социал пассивлиги ва ҳоказолар — аслида Ўрта Осиё халқларининг

яқиндаги феодал ўтмишига бориб тақалади. Шу боисдан биз социал-иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳолатлар сабабларини анализ қилишда, миллатлараро муносабатлар ва оммани интернационал тарбиялаш назарияси ва практикаси масалаларини ўрганиш ва умумлаштиришда ҳамиша ана шу вазиятни ҳисобга олишимиз лозим.

Бошқа масала миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларга тааллуқлидир. Улар, партия ҳужжатларида бир неча бор уқтирилганидек, совет жамиятида учраб туради. Социализм қурилиши давомида миллий антагонизмга барҳам берилди, лекин миллий соҳадаги баъзи бир зиддиятлар сақланиб келмоқда ва миллий муносабатларни ривожлантиришга анчагина таъсир кўрсатмоқда. Биз Коммунистик партия миллатлараро муносабатлар соҳасида қилган ўзгартирувчилик ишининг натижаси уларнинг проблемасизлиги хусусида тасаввур туғдирмаслиги кераклигини пухта англаб олишимиз керак.

Хўш, ҳозирги зиддиятларнинг асл моҳияти нимадан иборат? Улар конкрет тарзда қандай намоён бўлади ва миллий жараёнларни қандай бошқармоқ керак? Ана шу масалалар юзасидан сизларнинг ҳам илмий-назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик бўлган фикр-мулоҳазаларингизни эшитишни истар эдик.

З. Х. ОРИФХОНОВА, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг этнография ва этносоциал проблемалар бўлими мудири:

Аввало Мутал Ҳошимович Холмуҳамедов қўйган баъзи масалаларга тўхтаб ўтмоқчиман.

Биринчидан, республикамизнинг ва бутун Ўрта Осиё регионининг Октябрдан кейин нокапиталистик йўлдан ривожланганлиги масаласи. Ана шу мавзуда яратилган адабиётларда ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида, айни нокапиталистик йўл билан боғланган у ёки бу социал, иқтисодий ёки миллий вазифаларнинг ҳал қилиниши ҳақида кўп гапирилади. Ўлкада социализм қурилганини кўрсатиб, тарихчилар, бошқа олимлар — жамиятшунослар ҳам ўз вазифаларини бажарилган деб ҳисобладилар, ушбу проблема ҳам, шунингдек, кўпгина масалаларни ҳал қилишда миллий ўзига хослик ҳам уларнинг эътиборидан четда қолди. Шубҳасиз, регион халқлари нокапиталистик йўлдан бориб, олға қараб катта қадам қўйдилар. Бу — улкан тарихий ютуқдир. Айни вақтнинг ўзида бу ҳол бир қатор муҳим факторларга, хусусан, миллий ишчилар синфининг шаклланишига ҳамда унинг социал-сиёсий қиёфасига ўз таъсирини кўрсатди.

Кейинги масала. Ўзбек социалистик миллати ва унинг социалистик онги жадал суръатлар билан шаклланиб борди. Бу эса миллий ўзлигини англашга, шу жумладан, маълумки, ижтимоий ривожланишдан умуман орқада қолаётган, унинг консерватив элементи бўлган этник онгга ҳам бир қадар салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Ушбу консерватизм ижтимоий хулқ-атворда, турмушда, социал соҳада (масалан, маҳаллийчилик психологиясида) айниқса кучли намоён бўлмоқда. Ана шу фактни ҳам олимлар бирорта асарда қайд этмадилар ҳамда жиддий ўрганиб чиқмадилар.

Регион халқларининг, шу жумладан, республика халқларининг ҳам этник тарихига жиддий эътибор бериш керак бўлади. Ҳозир этногенез проблемаларини чуқур ишлаб чиқиш ҳақидаги масала қўйилганлиги тўғри бўлди. Ўрта Осиё халқлари деярли айнан бир хил этник компонентлардан шаклланган. Бизда муштарак сарчашмалар, муштарак илдизлар жуда кўп. Этник тарих илмий фан сифатида буни тасдиқлаши керак. Унинг хулосалари интернационализм ғоясига хизмат қилади.

Кейинги вақтда демографик масала кескин бўлиб турибди. Этнодемографик жараёнда учта йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: миграция, урбанизация ва туғилишни планлаштириш. Республика аҳолисининг миграцияси, маълумки, этник факторга бориб тақалади, бунинг оқибатида аҳолимизнинг ҳаракатчанлиги суст. Юзага келган вазиятни юмшатишнинг ҳал қилувчи фактори бўлган урбанизацияга келсак, менинг фикримча, кишиларни шаҳарга кўчириш тарзида ҳам, саноат корхоналари ҳамда шаҳар турмуш тарзи стандартларини қишлоққа

олиб чиқиш тарзида ҳам тушунилувчи саноат корхоналарини бунёд этиш энг мақбул йўл бўлади.

Ва ниҳоят, туғилишни режалаштириш. Ҳақиқатан ҳам у жуда ўз вақтида кўтарилган масала, лекин миллий анъанага бориб тақалувчи мураккаб, нозик масала. Агар ушбу масалага масъулият билан ёндашмоқчи бўлсак, унда, биринчи навбатда, аҳолининг маданий-маиший шароитини яхшилаш, маҳалла имкониятидан максимал равишда фойдаланиб, санитария маорифи, сиёсий-тарбиявий ишни авж олдиришимиз керак бўлади.

А. М. ҚОСИМОВ, тарих фанлари кандидати, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг партия қурилиши сектори мудири:

Империализм миллатчиликка, мамлакатимиз халқлари ўртасида ишончсизликни алангалатишга мунтазам равишда, айниқса тарихнинг мураккаб даврларида: Октябрь ғалабасидан сўнг, Улуғ Ватан уруши даврида, урушдан кейинги дастлабки йилларда мурожаат этиб келди. Бунга Ғарбдаги идеологик кўпорувчилик марказлари томонидан ҳозир ҳам катта эътибор бериляпти.

Ғоявий мухолифларимиз кейинги вақтда жамият ҳаётидаги этник факторларни кўпиртирган, абсолютлаштирган, уларни социал-иқтисодий, синфий факторларга қарама-қарши қўйган ҳолда миллий масала соҳасида антисовет спекуляцияларни кучайтириб юбордилар; «миллий анъаналарни сақлаб қолиш» шиори остида маданият ва турмушнинг ўз умрини тугатган формалари учун жонбозлик қилмоқдалар, патриархалликни, эскирган таомил, урф-одат ва маросимларни идеаллаштириш ҳолларини излаб топишга жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Кейинги вақтда Ғарбдаги турли советшунослик марказлари ушбу масалаларга бағишланган кўпдан-кўп «илмий» тадқиқотларни эълон қилдилар.

«Америка овози», «Озодлик» радиостанциялари айниқса катта активлик кўрсатмоқда. Улар совет жамиятида миллатлар ва халқлар ўртасида кураш кескинлашгани хусусида иғвогарона уйдирмалар тарқатмоқдалар. Идеологик душманларимиз бошқа миллатларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш рецидивларини ҳам кўпиртирмоқдалар. Иттифоқдош ва автоном республикалар аҳолисининг «руслаштирилиши» ҳақидаги афсонани тарқатиш, шунингдек, СССР халқлари социалистик маданиятининг ютуқларини бузиб кўрсатишга, уни ана шу халқларнинг миллий руҳига, анъаналарига ёт ҳодиса сифатида талқин қилишга уриниш сохтакорларнинг севимли усули ҳисобланади.

Шу муносабат билан ғоявий мухолифларимизнинг, жумладан, бевосита бизнинг республикамизга қарши каратилган турли сохтакорлик усулларини чуқур, малакали ўрганиш зарурати юзага келяпти. Чет тилларни биладиган тегишли профилдаги мутахассисларни тайёрлашга ошиғич эҳтиёж етилди. Миллий муносабатлар соҳасида иш олиб борувчи айрим жамиятшунос олимларнинг куч-ҳаракатларини идеологик мухолифларимиз сохтакорликларини фош этишга ихтисослаштирган ҳолда жамлаш, ушбу йўналишлар бўйича проблемали группа ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

В. С. ТЕН, тарих фанлари доктори, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг КПСС тарихи кафедраси мудири:

Мен эътиборни аввало шубҳасиз ижобий, прогрессив аҳамиятга эга бўлган миллий ўзлигини англашнинг ўсиши миллий такаббурлик ҳосил бўлишига, миллатчилик кўринишлари кўпайишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкинлигига, бу эса, масалан, олий интеллигенция баъзи вакилларининг халқларнинг жаҳоншумул тарихий жараёнда ўз ўринларини чуқурроқ ва яхшироқ англаб етишга бўлган табиий интилишларидан фойдаланиб қолишларига олиб келишига қаратмоқчи эдим.

М. Ҳ. ХОЛМУҲАМЕДОВ:

«Олий интеллигенцияга» кимларни киритасиз?

В. С. ТЕН:

Бунга аввало олимлар, ёзувчилар, маданият арбобларини киритаманки, улар орасида, афсуски, ҳануз сиёсий ва ғоявий-назарий жиҳатдан ғўр, миллий эҳтиросларни авж олдирувчи кишилар кўплаб учраб туради. Биз нима учун аҳо-

лининг энг маълумотли қисми — интеллигенция муҳитида вақти-вақти билан конхўр истилочи Темурни идеаллаштиришга, темурий Бобурнинг ўзаро урушлар бошловчиси ва феодаллар манфаатлари ҳимоячиси бўлганини унутган ҳолда яхши ҳукмдор қилиб кўрсатишга уринишлар пайдо бўлаётгани ҳақидаги масала хусусида жиддий мулоҳаза юритишимиз керак.

Миллий интеллигенциянинг роли ҳақидаги масала чуқур тадқиқотни талаб қилади, чунки ижтимоий фикрни шакллантиришда у ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мусулмон «ҳаёт илми» билан боғлиқ эскирган миллий анъаналарнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан республика интеллигенцияси баъзи қисмининг ҳозирча қолоқ анъаналардан дадил воз кечишда ўрнак бўлмаётгани билан изоҳланишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ҳолбуки, Ўзбекистон Компартияси МК IX пленумида ҳам шу ҳақда сўз юритилган эди.

Ҳозир Ўзбекистонда туб миллат бўлмаган талайгина халқ ва миллий группалар яшамоқда. Уларнинг ўлка экономикаси ва маданиятига қўшган ҳиссасини ўрганиш тарихчиларнинг ғоят жиддий эътиборига сазовор бўлиб, бу нарса Ўзбекистон ва умуман СССР халқлари интернационал дўстлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган бўлур эди.

Э. А. ҚАРИМОВ, филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг адабиёт назарияси ва адабий алоқалар бўлими мудири:

Ўзбекистонда бутун ССР Иттифоқида бўлганидек социализм ривожланишининг бир хил ягона объектив қонуниятлари амал қилмоқда, ижтимоий ҳаёт ва халқнинг ўзлигини англаши формалари интернационаллашиши юз беряпти. Янги тарихий бирлик — совет халқи реал воқеликдир. Мамлакатдаги турли миллатларга мансуб кишилар фикрлаш типига кўра асосан бир бутундир. Маданият ва миллатларнинг бир-бирини бойитиш ва яқинлашиш жараёни интенсив боряпти. Рус тили кўпгина ўзбеклар учун миллатлараро алоқа тилигина эмас, айниқса, республиканинг кўп миллатли составга эга катта шаҳарлари шароитида она тили ҳам бўлиб қоляпти. Бу ўринда миллийликни миллатчиликдан аниқ фарқлаш, баъзан жамиятшунослик фанимизда бўлганидек, уларни чалкаштирмаслик ва аралаш-қуралаш қилиб юбормаслик зарур.

Турғунлик даври салбий ҳодисалари ўз келиб чиқиши жиҳатидан миллий эмас, балки социал ҳодисалар эди. Бу ерда, мисол учун, 30-йилларда нарсаларни ўз номлари билан: миллатчиликни миллатчилик, динни эса афъюн деб аташдан қўрқилмаган, деб гапирилди. 30-йиллар социалистик қонунчиликни жиддий бузиш йиллари ҳам бўлган эдики, бошқалар қаторида бир группа шоир ва ёзувчилар ҳам контрреволюцион ва миллатчилик фаолиятида айбланиб ғайриқонуний равишда репрессия қилинган эди. Партия XX съездидан сўнг улар оқланди.

30-йилларда буржуа миллатчилигида айблаш одатий ҳол эди. 1937—1938 йилларда репрессия қилинган Ўзбекистон К(б)П МК биринчи секретарига ҳам, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раисига ҳам, бошқа партия, ҳарбий кадрларга, зиёлиларга ҳам ана шундай айб қўйилган эди.

1987 йил июлида оммавий ахборот воситалари ҳамда ижодий союзлар раҳбарлари билан учрашувда М. С. Горбачев шундай деди: «Биз 1937—1938 йилларда содир бўлган воқеаларни кечира олмаймиз ёки оқлай олмаймиз, кечиришимиз ва оқлашимиз мумкин эмас. Ҳеч қачон бундай қила олмаймиз...». 30-йиллардаги асоссиз айблашларни қўллаб-қувватламасдан, уларга объектив, партиявий баҳо бериш — олимларимизнинг бурчидир. Мамлакатнинг етакчи олимлари қилаётганидек, 1930, 1937—1938 ва 1948 йиллардаги воқеаларни ошкоралик, демократизм, социал адолат позициясида туриб чуқур, батафсил ва охиригача таҳлил қилишимиз керак.

Шошилинч маъмуриятчилик ёрдамида эмас, балки инонтириш орқали дин устидан ғалаба қилинади.

Миллий масалага бағишланган асарларда халқларни яқинлаштирадиган ва уларнинг дўстлигини мустаҳкамлайдиган факт ва воқеаларга алоҳида эътибор бериш керак. Ўзбек халқининг революцион тарихида интернационализмнинг, улуғ рус халқи ва Совет Иттифоқи бошқа халқлари билан интернационал ҳам-

корликнинг намоён бўлишига доир юксак намуналар кўп. Ижобий мисоллар Советлар Мамлакати халқларининг биз учун муқаддас бўлган дўстлигини фақат мустаҳкамлайди.

Т. С. САИДБОЕВ, философия фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институтининг директори:

Менинг назаримда, интернационал тарбия ва миллатлараро муносабатлар ривожланиши масалаларини икки аспектда кўриб чиқиш мумкин. Биринчи ҳолда — проблеманинг стратегияси, яъни интернационал тарбия ва миллатлараро муносабатлар ривожланишининг стратегияси. Иккинчи ҳолда — бугунги куннинг тактикага доир вазифалари.

Стратегия ҳақида гапирадиган бўлсак, менимча, интернационал тарбияни тўғри йўлга қўйиш, миллатлараро муносабатларни тўғри прогнозлаш ва ўрганиш учун биз халқлар тараққиётининг ҳозирги даражасини, яъни биз бугунги кунда қандай эканлигимизни виждонан ва объектив аниқлаб олишимиз керак. Мен ўзбек халқининг социал, иқтисодий ва маънавий ҳолатининг даражасини унинг нокапиталистик ўтмишини ҳисобга олган ҳолда анализ қилиш керак деган ўртоқларнинг фикрларига тўла қўшиламан.

Социал проблемаларга келсак, бугунги кунда ушбу соҳада Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқидаги бошқа республикаларга қиёслаганда анча орқада қолаётганини айтиш мумкин. Миллий ўзлигини англаш даражаси ўсиб бораётган шароитда социал ривожланишдаги бундай узилиш нимани билдиради? У аввало миллий ранж-алам, миллий нигилизмни уйғотади. Яъни бунда миллатнинг социал-иқтисодий ривожланишда орқада қолгани ва қолаётганини англаши билан боғлиқ жуда кўп масалалар юзага келади. Ана шу социал кўрсаткичлар ва уларни умумиттифоқ кўрсаткичлари билан бараварлаштириш вазифалари бизни чиндан ҳаяжонлантириши керак.

Биз кишилар психологиясини жуда ёмон биламиз. Бугунги кунда, эҳтимол, ҳаётий қадриятлар, ҳаётий мўлжал, халқнинг ҳаётига доир планлар каби тушунчалардан фойдаланиш керакдир. Бунда ҳам, афсуски, 1988 йилнинг ушбу қадриятлари ҳар доим ҳам давр талабларига мос тушмаслигини айтиш мумкин. Қисқача қилиб айтганда, бизга ўзбек халқи социал-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг пухта илмий концепцияси керак. Ана шундан келиб чиқибгина пировардида нималар қилиш кераклигини аниқлаб олишимиз лозим. Бу эса интернационал тарбияни жиддий илмий асосда олиб бориш имконини беради.

Социал-иқтисодий ва маънавий ривожланиш даражасини анализ қилишда, ориентирларни белгилашда биз амал қилишимиз керак бўлган яна бир мезон бор. Мен XXI асрни кўзда тутяпман.

Бугунги болалар XXI асрнинг бутун биринчи ярмида актив меҳнат қиладилар. Хўш, улар XXI аср шароитида, фан-техника революцияси шароитида яшашга тайёрмилар? Биз тўрт областдан ҳарбий хизматга чақирилганларни ўрганиб чиқдик. Уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишини дуруст деб бўлмайди, албатта. Биз келажакда жамоат ишларини бошқарадиган, станокларда ишлайдиган ана шу ўн саккиз яшар йигитларга қарарканмиз, бу соҳада ҳам проблемаларимиз жуда кўплигини тушуниб етдик.

Илмий асосланган концепциясиз интернационал тарбияни ташкил этиш, миллатлараро муносабатларни ривожлантириш жуда мушкул. Биз институтимизда миллий муносабатларни тадқиқ қилиш борасида баъзи ишларни қиляпмиз. Шу йил давомида интернационал тарбияга доир республикада мавжуд тажриба зарраларини ўрганиш ва илмий умумлаштириш кўзда тутилган.

Тарихий тажрибани ўрганиш ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўзламоқчиман. Биз нима учун урушгача ўзбек ишчилари, шу жумладан хотин-қиз ишчилар ҳозиргидан анча кўп бўлган деган саволга жавоб беришимиз керак. Эҳтимол, бунда ишчилар синфи миллий кадрларини шакллантириш тажрибасининг биз кидириб топишимиз ҳамда кенг фойдаланишимиз керак бўлган қандайдир зарралари бордир. Афсуски, ўзбек халқи индустрия меҳнатига жалб этилишнинг чуқур тарихий анъаналарига эга эмас. Лекин, практиканинг кўрсатишича, саноат корхоналарининг баъзи бирларида уларга келган ўзбек ёшлари ўртасида иш бўш олиб борилялти. Менимча, ана шу проблемаларнинг ҳаммасини ўрганиш

керак, чунки ишчилар синфи миллий кадрлари сонининг кўпайиши инсон онги билан, саноат соҳасида ишлашга муносабат ўзгариши билан боғлиқ катта философик проблемадир.

Е. Е. БЕРЕЗИКОВ, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг биринчи ўринбосари:

Илгарилари фақат мақтабгина келинган миллий масала билан боғлиқ проблемаларни бугунги кунда кенг муҳокама қилаётганимиз ақл-идрокдаги қайта қуришдан далолат беради. Лекин, бу ишнинг фақат бошланиши дейиш мумкин.

В. С. Тен бу ерда «олий интеллигенция» иборасини ишлатди. Мен буни қабул қила олмайман: олий ҳам, қуйи ҳам интеллигенция мавжуд эмас. Сўзнинг тўлик маъносида интеллигентликкина мавжуд; диплом бор-йўқлигидан қатъи назар, бундай хислат ҳар кимда бўлиши мумкин.

Қайта қуриш шароитида интеллигенция билан алоҳида ишлашимиз лозим бўлади, чунки у аҳолининг шундай қатламидирки, регион, республика ҳақида сўзлайдиган бўлсак, тафаккурнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатишлиги учун ҳам у ўзига нисбатан жуда диққат-эътибор билан қарашни талаб қилади. Биз республикада ҳозирча соғлом турмуш, маданият, прогрессив урф-одатларга қаратилган жамоат фикрини етарлича уйғота олганимиз йўқ; маданий бойликни сақлаб қолиш учун курашга бутун халқни отлантирганимиз йўқ. Бинобарин, миллий маданиятимиздан заиф томонларни эмас, балки кучли томонларни излаш ҳамда уларни ривожлантириш керак.

Б. А. НАЗАРОВ, филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори:

«Коммунист» журналининг 1987 йил 15-сонида эълон қилинган «Социалистик маданиятнинг вазифаси» номли бош мақолада маданиятни янада ривожлантириш учун совет адабиётининг 20- ва 30-йиллардаги ғоявий ва маънавий изланишлари, бадиий тажрибаси фойда келтириши алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан 20—30-йиллардаги ўзбек совет адабиёти проблемаларига ҳам тўхтаб ўтмоқчиман. Шуни очиқ айтиш кераккк, ана шу даврни янада чуқур ва муфассал ўрганиш зарур. Масалан, Чўлпон ва Фитрат ҳақида хилма-хил, баъзан бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Баъзилар уларнинг асарларини ўрганиш ва нашр қилиш керак эмас десалар, бошқалар уларнинг ижоди хатолардан холи деган фикрдалар.

Энди оилани режалаштириш хусусида бир оз тўхтамоқчиман. Ушбу масала тўғри қўйилган. Ҳақиқатан ҳам қишлоқдаги социал шароитлар кўнгилдагидек эмас. Касалхоналар ёмон жиҳозланган, улардаги ўринлар етарли эмас, ҳатто иссиқ сув бўлмаган вақтлар бўлади. Медикларнинг тайёргарлиги паст. Болалар ўртасидаги ўлим Иттифоқ бўйича энг юқори даражада. Хотин-қизларимиз саломатлиги яхши эмас. Кўплари камқонлик касалига дучор бўлган. Болалар жисмоний ривожланишда орқада қолган. Қишлоқ хўжалигида заҳарли химикатлардан, минерал ўғитлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш гепатит, қорин-ичак ва бошқа касалликлар эпидемиясини туғдирдики, бу ҳам вазиятни жиддийлаштирмоқда. Бундай шароитда, албатта, олтита касал боладан кўра учта соғлом болага эга бўлиш яхшироқ. Буларнинг ҳаммаси тўғри. Шу билан бирга мамлакатимиз аҳолиси унчалик кўп ҳам эмас. Иттифоқда ҳар бир оилада 4—5 боладан бўлишини кўзлаб туғилишни кўпайтиришга доир иш олиб борилляпти. Бундай шароитда ўзбек халқи оилани тартибга солиш борасида кўрилаётган тадбирларни тўғри тушунармикан?

А. С. ЧАМКИН, философия фанлари кандидати, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими:

Мен иштирок этаётганлардан шуларни сўрамоқчи эдим: аҳолининг қайси социал группаси миллатчилик хусусиятларини намоён этишга ҳаммадан кўпроқ мойил? Қайси социал группалар эса интернационал жиҳатдан барқарор ва бу улар учун устун қадрият ҳисобланади?

Менимча, умуман миллат ҳақида, халқ ҳақида миллатчиликни намоён қилишга потенциал қодир ёки шу заҳоти интернационалист бўлишга тайёр деб гапириб

бўлмайди. Жамиятимиз табақаларга бўлинган, унинг ҳар бир қатлами, ҳар бир группаси ўзича муайян ёндашишни тақозо этадики, аксинча ҳолда ҳамма сўзларимиз самарасиз қолади.

Табақалаштирилган ҳолда ишлаш, қандайдир муайян социал қатламларни аниқлаш, уларга жиддий таъсир кўрсата олиш учун улар қандай яшаётганини ҳам билиш керак.

Менинг назаримда, миллатчилик, диндорлик каби ҳодисалар ҳақида сўзлаганимизда улар мустақил ҳолда яшай олмаслигини доимо эсда тутиш керак: уларни у ёки бу киши ташийди. Шу сабабли инсон проблемаси, шахс проблемаси илмий изланишларимизда марказий ўринни эгаллаши керак. Ҳозироқ фақат инсонни ўрганадиган жиддий ташкилот зарур бўлиб қолди. Ана шу мақсадда «Инсон» проблемасини ўрганадиган республика марказини ташкил этиш лозим. Унинг устида иқтисодчилар, философлар, социологлар, тарихчилар, адабиётчилар иш олиб боришлари, инсонга зиддиятларга эга бўлган яхлит шахс сифатида қарашлари керак.

Энди бугунги кунда тўсатдан кўриниб қолган ҳодисалар, ўтмиш илдизларимиз билан боғлиқ масалалар хусусида айтмоқчиман. Шу муносабат билан нима дейиш мумкин? Биз революциядан олдинги ўтмишдан эски жамоа анъаналарини мерос қилиб олганмиз. Тежамкорлик учун, социал масалаларни ҳал қилиш учун бораётган бугунги курашда айни улардан қурол сифатида фойдаланиш керак.

М. А. АҲМЕДОВА, философия фанлари доктори, Тошкент олий партия мактаби халқаро коммунистик ҳаракат кафедрасининг мудири:

Тадқиқотларимизда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда капитализмни четлаб социализмга ўтишнинг спецификаси ҳисобга олиниши зарур. Улуғ Октябрь Россиядаги собиқ чекка мустамлака ўлкаларига олға қараб жадал социал-иқтисодий ва маданий ҳаракат қилиш истиқболини очиб берди.

Ана шу тарихий тажрибани, унинг халқаро аҳамиятини тадқиқ қилишга республика олимлари катта эътибор бермоқдалар. Ушбу проблематикага бағишлаб СССР Фанлар академиясининг Африка институти ва Шарқшунослик институти каби етакчи илмий марказлар билан ҳамкорликда бутуниттифоқ ва халқаро конференциялар ўтказилди.

Лекин бундай ривожланиш тажрибасини ўрганишда кўпинча камчиликларга йўл қўйиляпти, бир томонлама ёндашиляпти; тадқиқотларимизда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг нокапиталистик ривожланишидаги ижобий натижалар устун ўринни ишғол қилган ҳамда регион социал-иқтисодий аҳволининг бошланғич даражаси келтириб чиқарган қарама-қаршиликлар, мураккабликлар, КПСС ва Совет давлатининг уларни бартараф этишга доир сиёсатининг хусусиятлари эътибордан четда қолган. Совет Шарқи республикалари халқларининг социализм қуришдаги тарихий тажрибасини ёритишдаги «ўрганилмаган саҳифалар» ҳам ана шунга боғлиқ.

Ана шундай шароитда бугунги кунда ўлкада социализм қарор топиши тарихини янги архив манбаларини жалб қилган ҳолда янгидек баён этиш айниқса зарур бўлиб қолмоқда. Афсуски, кўп йиллардан бери бир хил фактик маълумотлар асардан-асарга кўчиб юрибди. Бизнингча, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми қошида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг нокапиталистик ривожланиш йўлини ўрганиш бўйича проблемали советгина эмас, балки Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтида махсус сектор ташкил этиш ҳам тўғри бўлар эди.

А. АКРОМОВ, тарих фанлари доктори, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти илмий коммунизм кафедрасининг профессори:

Интернационал, умумиттифоқ ва миллий анъана ҳамда урф-одатларга муносабатимиз хусусида сўз юритганда, миллий анъаналардаги ижобий жиҳатларни пропаганда қилишга кам эътибор бераётганимизни таъкидламоқчиман. Масалан, Ўзбекистон Компартияси МК XVI пленумидан сўнг (1984 йил июнь) республика матбуотида асосан халқнинг номатлуб анъаналари, урф-одатлари, диндорлик жонланганлиги ёритилди.

Ҳар бир халқнинг анъана ва урф-одатларидаги ижобий жиҳатлар минг йилликлар мобайнида шаклланиб боради. Мисол учун, ҳар бир миллатга, шу жумладан, ўзбекларга ҳам хос бўлган меҳнатсеварлик, софдиллик, камтарлик, ҳақиқатпарварлик, кексаларни эъзозлаш, болаларга ғамхўрлик, тинчликпарварлик, меҳмондўстлик, спиртли ичимликлар истеъмолидан воз кечиш, нонга, сувга авайлаб муносабатда бўлиш, биргаликда меҳнат қилиш (ҳашар) ва шу сингари бошқа анъаналар дин билан боғлиқ эмас, уларни ислом билан айниятлаштириш ҳам, мусулмон динини миллий маданият билан аралаштириш ҳам мумкин эмас.

Совет даврида ўзбек халқининг маданий савиясини юксалтириш борасида катта муваффақиятларга эришилди. Лекин бу соҳада ҳам ҳал қилинмаган проблемалар ҳали жуда кўп. Масалан, республикамиз фан докторлари миқдори, олий ўқув юртларида ўқиётган туб ерли миллат хотин-қизлари салмоғи ва баъзи бошқа кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан анча орқададир.

Энди совет органларидаги мутаносиб ваколатлик хусусида. Республикада 100 дан ошиқ миллат ва элат яшайди, уларнинг ҳар бири, албатта, ушбу миллат, ушбу элат сонидан келиб чиққан ҳолда сайлаб қўйиладиган органларда ўз вакилларига эга бўлиши керак. Депутатлар корпусини ташкил этишда мутаносиблик принципига риоя қилинади, лекин, афсуски, бошқаларида, айтайлик, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларида бунга доим ҳам етарлича амал қилинмайди.

Яна бир масала. Бугунги кунда ҳаёт партия ва халқ анъаналаридан фойдаланган ҳолда интернационал тарбияни амалга ошириш вазифасини олдимизга қўймоқда. Шуни таъкидлаш кераккн, большевизм пайдо бўлган дастлабки кунлардан бошлаб ҳамда совет даврининг бутун тарихи мобайнида рус ишчилари, рус большевиклари Ўрта Осиё меҳнаткашларининг ҳақ-ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилиб келдилар, уларнинг маданиятига, урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлдилар, бебаҳо ёрдам кўрсатдилар. Ана шу анъанани сақлаб қолиш ва кўпайтириш зарур.

И. А. МАҚАТОВ, философия фанлари доктори, КПСС МҚ қошидаги Ижтимоий фанлар академияси Илмий атеизм институти республикалараро филиалининг директор ўринбосари:

«Биз ҳар қандай социал-иқтисодий, маданий, ҳуқуқий соҳадаги қарорлар ҳамиша тўғридан-тўғри ва бевосита миллий масалага ҳам дахлдор бўладиган кўп миллатли давлатда яшаётганлигимизни хеч қачон унутмаймиз», — М. С. Горбачевнинг Улуғ Октябрь 70 йиллигига бағишланган тантаналардаги докладида шундай дейилди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётнинг бирон бир соҳаси йўққи, биз бунда у ёки бу формада, у ёки бу даражада миллий феноменга бориб тақалмайдиган бўлсак. Шунингдек, аҳолининг муайян қисмида бу нарса диний феномен билан яқиндан бириккани ва ҳатто қўшилиб кетгани ҳам маълум. Миллийлик билан диний жиҳатнинг ўзаро алоқаси диалектикаси алоҳида масала. Бу ўринда эса миллий муносабатлар проблемаларига тўхташни истардимки, уларнинг ҳал этилмаганлиги кўпинча миллийлик билан диний жиҳат интеграциясини кучайтириб юборади.

Маълумки, совет миллат ва элатлари миллий ўзлигини англашининг ўсиши улар маънавий ривожланиши хусусиятларидан бирини ташкил этади. Бу эса, Ўзбекистон Компартияси МҚ IX пленумида ҳам таъкидланганидек, қонуний ва прогрессив, лекин бир вақтнинг ўзида мураккаб ва зиддиятли жараён ҳамдир. Инсон қиёслаш орқали ўзининг миллий хусусиятини англаб етади, фақат шу ҳолдагина унда ўз миллатининг қадриятларига муносиб баҳо бериш ва актив муносабатда бўлиш ҳосил бўлади. Лекин қиёслашнинг ўзида «биз — улар», «бизда — уларда» ва ҳоказо қарама-қарши қўйишлар ҳам мавжуд бўлади. Дунёқараш жиҳатидан англаб етилмаган тафовутлар албатта қарши қўйишга олиб келади. Асосий проблемалардан бири — миллий ўзлигини англашни тўғри шакллантириш ана шу ҳолатга боғлиқдир. Лекин бизда кишиларни интернационал

тарбиялашнинг, миллий онг ва ўзини англашни шакллантиришнинг на системаси, на методикаси ишлаб чиқилган. Миллатчилик кайфиятлари жонланишининг, хулқ-атворда диний формалар кучайишининг сабабларидан бири ҳам айни ана шундай система йўқ эканлигига бориб тақалади.

Маълумки, қарши қўйиш ғояси миллатчиликнинг асосий ғояларидан биридир. Бу нарса динлар учун ҳам характерли ҳолдир. Шу сабабли миллатчилик билан, мисол учун ислом ё христианлик ёхуд яҳудий динларидан бирининг бирикуви объектив равишда кишиларни миллий ва диний белгилар асосида ажратувчи кучга айланади.

Албатта, ўз онгида диний ва миллий элементларни ташувчиларнинг ҳар бирини миллатчи деб ҳисоблаш учун асосимиз йўқ. Лекин бундай ҳол мумкинлигини истисно деб билмаслигимиз ҳам керак. Социализм шароитида миллатчиликнинг классик тарзда намоён бўлиши ғоят машкул нарса. Бизнингча, у асосан социал-маиший муносабатлардан ўрин олди. Бундан ташқари, аҳолининг турли категорияларида у ўзига хос тарзда намоён бўлади. Кейинги пайтда миллатчилик кайфиятлари архаик, патриархал кўринишларда ҳам, хусусан, уруғ-қабила алоқалари ва муносабатлари тикланишида ўзи учун замин топмоқда.

Ана шу ва бошқа миллатчилик-диний тенденцияларга актив қаршилик кўрсатиш мақсадида, бизнингча, миллий муносабатларнинг айникса одатий онг, социал психология даражасидаги чуқур қатламларини синчиклаб тадқиқ қилиш зарур; оммавий ахборот ва пропаганда воситалари миллатларни бирлаштирадиган муштарак жиҳатларга, уларни фарқлайдиган ва ажратадиган қирраларга эътиборни кучайтиришлари лозим. Интернационал тарбия барча миллат ва элатларни қамраб олиши керак.

Миллий ўзлигини англашнинг ўсиши айникса ёшларда ўз халқининг тарихига, тарихий шахсларига қонуний қизиқишни уйғотади. Ўтган йиллар воқеаларига объектив баҳо бериш керак. Бунда эса, практика далолат беришича, олимлар хилма-хил зиддиятли нуқтаи назардалар.

Ниҳоят, миллий кўринишлар хилма-хил эканлигини ҳисобга олиб, тадқиқотларда тор профессионализмга барҳам бериш, куч-ҳаракатларни жамиятшуносларнинг фундаментал коллектив асарларини яратиш учун бирлаштириш ва жамлаш зарур.

•

К. Н. ИРИСБОЕВ, философия фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Философия ва ҳуқуқ институти социология секторининг мудири:

Республика аҳолисини интернационал тарбиялашдаги комплекслилик ушбу проблемага ёндашишнинг ўзини қайта қуришни тақозо этади. Жамоат фикрини ўрганиш, прогнозлаш ва шакллантиришга доир марказнинг барпо этилиши, бизнингча, бунга имкон яратувчи воситалардан бири бўлар эди. Баъзи бир иттифоқдош республикаларнинг тажрибаси республикада бундай илмий-тадқиқот муассасаси бўлиши мақсадга мувофиқлигини ишонарли тарзда тасдиқламоқда.

Маъмурий ва планлаштириш органларининг, табиий, техника, ижтимоий ва гуманитар фанлар олимларининг, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимларининг фаолиятини координациялаш орқалигина инсон омилига комплекс ёндашиш мумкин. Сўз, ўз чиқишида А. С. Чамкин таклиф қилганидек, бир қатор ишлаб турган академик ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари негизида (қўшимча молиявий чиқимларсиз, бўлажак институтга айрим секторлар, группалар, ходимларни ўтказиш ҳисобига ва ҳоказо) Инсон институтини ташкил этиш хусусида боряпти. Бундай институт инсоннинг кўп қиррали фаолиятини комплекс ўрганишни таъминлай олар эди. Унинг ҳамма томонларини анализ қилиш, прогнозлаш, бизнингча, фан олдида ғоят ўткир бўлиб турган вазифадир.

Республикада идеология кадрлари — пропагандистлар, лекторлар, агитаторлар, сиёсий докладчилар учун ахборот материаллари етарлича чиқарилмаётир. Республика «Билим» жамиятида тайёрланаётганлари эса етарли эмас, бунинг устига сифати оқсайди. Шу муносабат билан социал-иқтисодий ва идеологик проблемаларга доир ахборот материаллари нашр этилишини таъминлайдиган жамоатчилик совети зарур бўлиб қолди.

М. Ҳ. ХОЛМУҲАМЕДОВ:

Бу ерда бўлиб ўтган фикр алмашинув хусусида баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтишни истар эдим.

Биз кўп миллатли давлатда яшаяпмиз. Совет Иттифоқида миллий масала революциядан олдинги ўтмишдан мерос бўлиб ўтган кўринишида ҳал қилинган бўлсада, лекин бизда миллий проблемалар бор, чунки миллатлар ва улар ўртасидаги тафовутлар мавжуд, улар ҳали узоқ вақт сақланиб қолади. В. И. Ленин миллий ва давлат фарқлари узоқ вақт сақланиб қолади, уларни бартараф этиш ёки йўқ қилиш керак эмас, миллий сиёсатни «...миллий ва миллий-давлат тафовутларига нисбатан» моҳирлик билан, тўғри қўллаш зарур (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 77-бет), деб кўрсатган эди.

Маълумки, мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатлар, юқорида таъкидланганидек, антагонистик характерга эга бўлмаган муайян зиддиятларни ўз ичига олади. Лекин уларнинг баъзиларини ўз вақтида бартараф этмасак, улар низоли вазиятларга олиб келиши мумкин. Буни биз албатта эътиборга олишимиз ва ҳар бир конкрет ҳолда уларга алоҳида ёндашишимиз зарур.

Қандай мавзуни ишлаб чиқмайлик, биз аввало кўп миллатли давлатни мустаҳкамлашимиз зарурлигидан келиб чиқиш керак. Миллий давлат тузилмалари ривожланиб боради, улар ўз потенциал имкониятларини ҳали ишлатиб бўлганларича йўқ, лекин шунга қарамай, коммунистик бунёдкорликнинг асосий қуроли сифатида биринчи ўринда иттифоқ давлатимиз туради. Шу сабабли ушбу моментни албатта эътиборда тутишимиз керак.

Бу ерда тил проблемаси кўтарилди. Бизнинг мамлакатимиз учун икки тиллилик, яъни ўз она тилисини ҳамда иккинчи тилни, яъни мамлакатдаги барча халқлар томонидан миллатлараро алоқа тили сифатида ихтиёрий қабул қилинган рус тилини билиш хосдир. Партия ва Совет давлатининг тил соҳасидаги сиёсати асосида икки тиллилик ётади.

Социалистик жамият шароитида бошқа тилда сўзлашга ўтган киши ўз миллий қиёфасини йўқотади, деб гапириш керакмикан? Менимча, йўқ. Миллий психология тилга қараганда анча терандир. Ҳозир мамлакатдаги турли халқларнинг жуда катта миқдордаги вакиллари рус тилини ўз она тилиси деб ҳисоблайди. Улар билан суҳбатлашганда эса уларда миллий психология ва миллий ўзлигини англаш борлигини кўрамиз. Агар киши ўз она тилисида сўзламаса ёки ёзмаса, унда миллий ўзлигини англаш бўлмайди деб билишни мен нотўғри деб ҳисоблайман. Миллий тилни рус тилига қарши қўйиш ҳам методологик, ҳам сиёсий, ҳам назарий жиҳатдан нотўғридир. Биз туб ерли миллат вакилларига рус тилини, бошқа миллатларга мансуб ўртоқларга эса ўзбек тилини чуқуррок ўрганишда ҳар томонлама ёрдам бераверамиз. Сўзлашув китоблари ушбу масалани ҳал этишни осонлаштиради. Яқинда 100 минг нусхада ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча сўзлашув китоби чиқарилди.

Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги проблемалар аллақачон республика микёсидан ташқарига чиқиб кетган. Мисол учун шундай фактни оламиз. Мамлакат бўйича ҳар йили 14—16 миллион киши бир жойдан бошқа жойга кўчади. Миллат ва элатлар кўчиши ва аралашиб кетишининг бундай тўлқини умумий ҳодиса бўлиб қоляпти. Совет Иттифоқининг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан давлатлараро алоқалари миллий ўзаро муносабатларнинг алоҳида соҳаси бўлиб қолди. Ушбу жараённи, жумладан, интернационал тарбия проблемаларини ишлаб чиқишда ҳам ўрганиш, анализ қилиш керак.

Ҳозир соф миллий кўринишдаги асарлар яратиш мумкин эмас. Нима учун? Чунки бизнинг ҳаётимиз интернационал негизга асосланган. Хоҳлаган проблемани олсак, у ўз мазмунига кўра албатта интернационал бўлади. Ҳозирги вақтда интернационал ва ватанпарварлик тарбияси проблемаларини айни ана шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш керак.

Яна бир проблемани тилга олиб ўтмоқчи эдим. Бугун бу ерда интернационал тарбияга доир ишни тегишли табақалаштиришсиз, меҳнаткашлар ва аҳоли турли тоифаларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмасдан олиб бораётганимиз тўғри кўрсатилди. Биз кундалик фаолиятимизда ушбу факторларни ҳисобга олишимиз керак.

Бизда диний маросим ва урф-одатларга амал қилиш жонланди деб бўлмасада, бир қадар барқарорлашди. Улар камаймаяпти, уларда ёшлар, комсомоллар ва ҳатто айрим коммунистлар иштирок этишмоқда. Биз совет кишилари онги ва турмушига замонавий маросим ҳамда анъаналарни активлик билан жорий қилишимиз керак, аксинча бўлганда, кишиларни ҳам моддий, ҳам ахлоқий жиҳатдан оғирлик қиладиган ўтмишнинг зарарли сарқитларидан халос эта олмаймиз. Бунда сўз диндорларга қарши кураш тўғрисида эмас, балки уларнинг онгини руҳонийлар кўпинча миллий қобиққа ўраб тиқиштираётган диний афюндан халос этиш тўғрисида боряпти.

Интернационал тарбия ҳақида сўз юритганимизда ватанпарварлик тарбияси у билан чамбарчас боғлиқлигини кўпинча ҳисобга олмаймиз. Биз кишиларда, айниқса, ёшларда ватанпарварлик, Ватанга, республикага муҳаббат, кўп миллатли совет халқига мансубликдан фахрланиш туйғусини тарбиялашимиз керак. Ҳозирги шароитда интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг назарий асосларини янада ривожлантириш хусусида жиддий ўйлашимиз керак. Ўтмишнинг ижобий тажрибасидан фойдаланган ҳолда ҳозирги вақт ва келажак учун интернационал-ватанпарварлик тарбиясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарур. Бунда ҳар бир авлод ўз интернационализм мактабини ўтиши албатта эътиборга олиниши керак. Бу соҳада олимлар учун иш ошиб-тошиб ётибди. Партия аппарати, пропагандист ва лекторлар, идеология активи ҳозирги шароитда интернационал тарбияни такомиллаштиришга, миллатлараро муносабатлар маданияти ва бошқа проблемаларга доир чуқур илмий асосланган ишланмаларга жуда эҳтиёж сезяпти.

Ўйлашимча, муҳокамамиз негизида миллатлараро муносабатларни ривожлантириш назарияси ва практикага, оммани интернационал ва ватанпарварлик тарбияси масалаларига доир илмий, шу жумладан, илмий-оммабоп характердаги ҳам, тадқиқотларнинг конкрет проблематикасини ишлаб чиқиш зарур. Бугун айтилган таклиф ва тавсияларга келсак, улар муҳокама этилган масала бўйича кейинги қарорларни ишлаб чиқишда эътибор билан ўрганиб чиқилади.

РЕДАКЦИЯДАН.

Давра суҳбати иштирокчилари, турган гап, миллатлараро муносабатларга, интернационал тарбияга доир проблемаларнинг ҳаммасини қараб чиқа олмадилар.

Шу сабабдан ҳам редакция ушбу тема ишланиб бўлди, деб ҳисобламайди ҳамда жамиятшунос олимларни, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, миллатлараро алоқа, интернационал тарбия проблемалари билан назарияда ҳам, практикада ҳам шуғулланувчи барча кишиларни журнал саҳифалари орқали суҳбатни давом эттиришга чақиради.

АБАДИЙ БАРҲАЁТ РЕВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТ

ҚАРЛ МАРКС ТУҒИЛГАН ҚУННИНГ 170 ЙИЛЛИГИГА

С. НОСИРХЎЖАЕВ,
тарих фанлари доктори

КАРЛ МАРКС унинг номини абадийлаштирган жаҳонни ўзгартириш ҳақидаги таълимотга асос солди. Ушбу таълимот меҳнаткашларга ўз социал озодлиги учун, энг буюк инсонпарварлик идеалларининг практикада амалга оширилиши учун, социализм учун курашнинг реал йўлларини очиб берди. Маркс илғор тафаккур ҳамда тарихнинг ўз бориши аллақачон қўйган саволларга жавоб берди.

В. И. Ленин таъкидлаганидек, марксизм жаҳон цивилизацияси ривожланишидаги асосий йўлдан четда пайдо бўлгани йўқ. У инсон тафаккурининг Маркс танқидий қайта ишлаган ва бойитган юксак принципларининг қонуний вориси бўлди. Маркс социализмни утопиядан фанга айлантириб, жамият ривожланишининг объектив қонунларини очиб берганлиги унинг ўлмас хизматидир. Классик немис фалсафаси, инглиз буржуа сиёсий иқтисоди ва француз утопик социализми илғор илмий фикр ва маданиятнинг чўққиси бўлиб қолган пролетариат революцион таълимотининг асосий назарий манбалари эди. В. И. Ленин буни бир неча бор кўрсатиб ўтган эди. «Коммунизм инсон билимлари йиғиндисидан қандай пайдо бўлганлигига, — деб ёзди у, — марксизм намуна бўла олади».

К. Маркс капитализмда юз бераётган жараёнларнинг тарихий маъносини биринчи бўлиб тушунди ва уларни илмий равишда тушунтирди. У ишчилар синфи позициясида туриб, буржуазияни революцион тарзда ағдариб ташлаш ва пролетариатнинг сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олиши хусусида бир бутун ва изчил таълимот яратди. В. И. Ленин «Фридрих Энгельс» асарида шундай деб ёзади: «Маркс билан Энгельснинг ишчилар синфига кўрсатган хизматларини қисқача қилиб шундай ифодалаш мумкин: улар ишчилар синфини ўзини билиб олишга ва ўзини англаб олишга ўргатдилар, хаёл ўрнига фанни қўйдилар» (Тўла асарлар тўплами, 2-том, 7-бет).

К. Маркснинг философия ва сиёсий иқтисод соҳасидаги иккита ғоят буюк кашфиёти, яъни тарихни материалистик тушуниш ҳамда қўшимча қийматни ўзлаштириш воситасида капиталистик эксплуатация қилиш сирларининг очиб берилиши илмий коммунизм назариясини яратишга олиб келди. К. Маркснинг илк асарлари 1843—1844 йилларда ёзилган.

К. Маркс Ф. Энгельс билан яқиндан ижодий ҳамкорликда яратган «Муқаддас оила» (1844 йил), «Немис идеологияси» (1846 йил) асарларида пролетариатнинг жаҳоншумул-тарихий роли ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилган, ишчилар синфини озод этиш унинг ўз иши бўлиши кераклиги кўрсатилган. «Философия қашшоқлиги» (1847 йил) ва «Коммунистик партия манифести» (1848 йил) эса етук марксизм асарлари бўлди. В. И. Ленин «Манифест»га баҳо бераркан, шундай деб ёзди: «Бу асарда янгича дунёқараш, яъни ижтимоий ҳаёт соҳасини ҳам ўз ичига олган изчил материализм, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммал ва чуқур таълимот бўлган диалектика, синфий кураш назарияси ва янги, коммунистик жамият ижодчиси бўлган пролетариатнинг оламшумул-тарихий революцион роли доҳиёна бир суратда аниқ ва равшан баён этилган» (ТАТ, 26-том, 52—53-бетлар).

Қ. Маркс ва Ф. Энгельс асос солган I Интернационал фаолият кўрсатган даврда (1864—1876 йиллар) ўнг ва «сўл» оппортунизмга, прудонизм ва бакунизмга карши кураш давомида муҳим назарий қоидалар ишлаб чиқилди. 1867 йили Қ. Маркс «Капитал»нинг биринчи томи босилиб чикқанлиги тарихда мислсиз воқеа бўлди. В. И. Ленин «Капитал»ни Маркснинг илмий социализмни баён этувчи бош ва асосий асари деб атаган эди. Маркс ижодига мансуб бошқа барча асарлар каби ана шу гениал асар ҳам, Энгельс сўзлари билан айтганда, «тайёр ақидалар эмас, балки бундан кейинги тадқиқотлар учун таянч нуқталар ва ушбу тадқиқот *учун* метод» беради (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 39, с. 352).

Илмий коммунизм назариясида капитализмдан социализмга ўтиш даври давлати сифатида пролетариат диктатурасининг тарихан зарурлигини асослаш ғоят муҳим ўрин тутади. «Капиталистик жамият билан коммунистик жамият ўртасида, — деб ёзган эди Қ. Маркс, — биринчисининг иккинчисига революцион тарзда айланиши даври ётади. Ана шу даврга сиёсий ўтиш даври ҳам мувофиқ келади, ушбу давр давлати ҳам *пролетариатнинг революцион диктатурасидан* бошқа нарса бўлиши мумкин эмас» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 19, с. 27).

Пролетариат диктатурасининг яратувчилик вазифаси — янги жамият қурилишини ташкил этиш, ушбу жараёнга, ишлаб чиқаришни, барча давлат ва жамоат ишларини бошқаришга кўп миллионли меҳнаткашлар оммасини жалб этиш, уларни илмий коммунизм руҳида тарбиялаш, гуманистик принципларни амалга ошириш учун зарур заминни яратиш — унинг асосий мазмунини ташкил этади. Коммунистик жамият инсон учун яратилиши туфайли ҳам меҳнат аҳлининг ривожланиши ва ижодий фаолиятининг шарт-шароитлари ва имкониятлари ҳам унинг босқичлари етуклигининг ғоят муҳим мезонлари бўлади. Бу эса янги жамият қурилишини шахсни ҳар томонлама актив меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб этиш асосида унинг ҳар томонлама ҳамда уйғун ривожланишини таъминловчи иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий вазифаларнинг комплекс ҳал этилиши сифатида қараб чиққан марксизм-ленинизм классикларининг қарашларига жавоб беради.

Коммунистик формациянинг асосий босқичларини қараб чиққанда социализм социалистик революциядан сўнг дарҳол юзага келмаслигидан келиб чиқиш зарур. Ўтиш даври мобайнида муҳим ва йирик социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгартишлар амалга оширилади. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларда социализм асосларининг бунёд этилганлиги унинг натижаси бўлди. Ушбу факт КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида яна тасдиқланди. Социалистик жамият қурилиши турли мамлакатларда ўз хусусиятларига эга бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўтиш даври вазифалари ҳал қилингач социализм ўз негизида ривожлана бошлайди. Унда коммунизмга ўтиладиган қисқа муддатли босқичнигина кўриш, бошқа томондан эса, ўтиш даврини коммунистик босқичгача татбиқ этиш нотўғри бўлар эди. Социализм қуриш янги, ғоятда қийин, тарихда ўхшаши бўлмаган ишдир. Мамлакатимизда у ҳаддан ташқари мураккаб шароитларда қурилди.

Маркс ўз асарларида капитализм ўткинчи тузум бўлиб, муайян босқичда у янги социал-иқтисодий формация — коммунизм билан алмаштирилишини исботлаган. Ана шу мақсадга эришиш йўли капитализмдан социализмга ўтишнинг қонунияти бўлган улкан ижтимоий ўзгартиш — социалистик революция орқали ўтади.

XIX ва XX асрлар чегарасида капитализм ўз ривожланишининг сўнгги босқичи — империализмга ўтди. Социал зиддиятлар беқиёс кескинлашган Россия унинг системасида энг заиф бўғин бўлиб чиқди. Жаҳон революцион ҳаракати марказининг бу ерга кўчиб ўтиши Россия пролетариатини озодлик учун курашда халқаро ишчилар синфининг авангардига айлантирди. Инсониятнинг капитализмдан коммунизмга ўтиш даври сарчашмаларида ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг буюк назариётчиси ва доҳийси Владимир Ильич Ленин турди. Марксизм тарихидаги янги босқич унинг ғоявий-назарий ва амалий фаолияти билан, ленинизм пайдо бўлиши билан бошланади. Айни В. И. Ленин капитализмнинг монополистик босқичини тадқиқ қилди, Қ. Маркснинг социалистик революция ҳақидаги ғояларини синфий курашнинг янги шароитларига татбиқан ривожлантирди, социализмнинг дастлаб бир нечта ва ҳатто алоҳида олинган биргина

капиталистик мамлакатда ҳам ғалаба қилиши мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. Социалистик революциянинг ленинча назарияси барча мамлакатларнинг ишчилар синфини революциянинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги, ғалаба қилиш шарт-шароити ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги янги тасаввур билан қуроллантирди.

Пролетариатнинг янги, коммунистик жамият бунёдкори сифатидаги жаҳоншумул-тарихий вазифаси ҳақидаги ғояни ҳар томонлама асослаб, Маркс ва Энгельс уни амалга оширишнинг энг муҳим шарти ишчилар синфининг, улар коммунистик партия деб номлаган мустақил сиёсий партияси мавжуд бўлиши эканлигини кўрсатдилар. Коммунистлар ишчилар ҳаракатининг шартлари, бориши ва муқаррар натижаларини тушуниш билан бошқа пролетар оммасидан ажралиб турадилар. Коммунистларнинг мақсади пролетарийларни синфга уюштириш, буржуазияни ағдариш, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишдир. Коммунистлар ишчилар синфининг энг яқин, бевосита манфаатлари учун курашадилар, лекин бунда ҳаракат келажагини доимо эсда тутадилар ва ҳимоя қиладилар.

Ишчилар синфи революцион партиясининг амалда биринчи программ ҳужжатига айланган ҳамда бутун халқаро коммунистик ҳаракат учун муштарак программа бўлиб қолган «Коммунистик партия манифести»да, илмий коммунизм асосчиларининг бошқа асарларида партия ҳақида унингсиз пролетариат ўз озодлигига эриша олмайдиган илғор отряд эканлиги хусусидаги таълимот асослари жой олган. Маркс шундай партиянинг ташкил этилиши социалистик революцияда ишчилар синфининг ғалаба қилиши учун зарур шарт эканлигини исботлаб берди.

II Интернационал лидерлари Маркс билан Энгельснинг пролетар партияси ҳақидаги ғояларидан тўла даражада фойдаланмадилар. Улар парламентаризмни пролетариат синфий курашининг асосий формаси деб ҳисоблаб, партиянинг ролига жиддий аҳамият бермадилар, уни парламент фракциясининг қўшимтаси ва хизмат кўрсатувчи органига айлантирдилар. Бундай шароитда В. И. Ленин Маркс ва Энгельснинг пролетар авангарди ҳақидаги назариясини синфий курашдаги янги шароитларга татбиқан ривожлантириб, раҳбар ташкилот сифатида, социалистик революцияда унингсиз ғалабага эришиш мумкин бўлмаган асосий қурол сифатида партия ҳақидаги яхлит таълимотни яратди.

В. И. Лениннинг хизмати шундаки, у партия Программасини, унинг тузилишини, стратегия ва тактикасини назарий жиҳатдан асослабгина қолмай, балки Коммунистик партияни амалда ҳал қилувчи революцион кучга айлантирди ҳам. Большевиклар партияси Россия пролетариатига демократик ва социалистик революцияларнинг илмий программасини берди, уни сиёсий жиҳатдан уюштирди ҳамда самодержавие ва капиталистик тузумга қарши курашга отлантирди.

Коммунистик партиямиз шонли йўлни босиб ўтди. Совет халқининг янги жамият қуришдаги тарихий зафарлари, Улуғ Ватан урушидаги ғалаба, мамлакатнинг социал тараққиёт йўлидан ишонч билан олға бориши, СССРнинг жаҳон тараққиёти жараёнига таъсирининг кучайиши жамиятимиз раҳбар ва етакчи кучи бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси фаолияти билан чамбарчас боғланган.

КПСС халқ — тарих ижодкори, коммунистик бунёдкорлик — унинг қўллари, куч-ғайрати, ақл-идроки иши дейилувчи марксча-ленинча қоидадан келиб чиқади. Партия халқ учун яшайди, унга хизмат қилишни ўз фаолиятининг мазмуни деб билади. Унинг сиёсати барча совет кишиларининг туб манфаатларини ифодалайди. Партия ўзининг халқ билан алоқасини доимий равишда мустаҳкамлаб ва кенгайтириб боради, партиясизларни партия ташкилотлари ишида иштирок этишга жалб этади. Уни халқ қанчалик актив қўллаб-қувватласа, у ижтимоий ривожланиш жараёнига шунчалик кўп таъсир кўрсатиб боради.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладида КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев таъкидлаганидек, ленинчи партия ишчилар синфининг жанговар, актив отряди сифатида вужудга келди ва ривожланди. У социализм идеаллари учун курашда ишчилар синфидан қудратли ишонч, қатъият, интизомлилик кучини, матонат кучини, ҳаётни оқилона ва инсонпарварларча тушунишни ўзига сингдириб олди. Бутун халқнинг партияси, халқнинг энг онгли, илғор қисми бўлгани учун, ўз тарихи-

нинг барча босқичларида бўлганидек, ҳозир ҳам ҳужумкор ва бунёдкор синфнинг ана шу энг яхши хислатларини ўзида мужассамлантирмоқда.

Партиямизнинг раҳбарлик роли ҳозирги шароитда қонуний ҳолда ўсиб бормоқда, ҳаёт унинг сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолияти даражасига юксак талаблар қўймоқда. КПСС XXVII съезди социализмни такомиллаштириш ва аста-секин коммунизмга ўтишнинг асосий йўналишларини белгилаб, бутун партия, бутун совет халқи олдига турғунлик тенденцияларига барҳам бериш, социализмга ёт ҳодисаларга қарши дадил кураш бошлаш, омма ташаббуси ва ижодиётига, чинакам революцион ўзгартишларга кенг йўл очиб бериш вазифасини қўйди. Партиядан жамиятдаги ўз авангардлик ролини иш билан тасдиқлаш, у революцион фикр ва революцион ҳаракат партияси эканлиги ва шундай бўлиб қолаётганини исботлаш талаб қилинди.

Ўшандан бери ўтган вақт КПССнинг, унинг ленинчи Марказий Комитетининг коллектив фикрлаши ўткир эканлигини, ишлаб чиқилган сиёсий йўлга содиклигини ёрқин кўрсатди. Натижада партиянинг обрўси ғоят даражада ўсди, унинг новаторлик сиёсати эса халқ томонидан жуда кенг, жуда астойдил қўллаб-қувватланди. Партия совет кишиларини жамиятимизни янгилашга даъват этиб, ўз ибрати, ўз фаолияти орқали қандай қайта қурилмоқ кераклигини кўрсатиб берди. У КПССни ҳаракатсизликка олиб келган барча нарсаларни улоқтирмоқда, партия турмуши, раҳбарлик принциплари, коммунистик ахлоқнинг ленинча нормаларига қатъий риоя қилиш, ички партия демократиясини барча чоралар билан авж олдириш партиянинг бошланғич ташкилотлардан тортиб Марказий Комитетгача бўлган барча бўғинлари фаолиятига сингиб кетишига эришмоқда.

КПССнинг кундалик фаолияти инсон омилини активлаштиришнинг, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришининг, ошкораликни кенгайтиришнинг муҳимлигини ҳисобга олишга асосланяпти. Демократия кўпроқ бўлсин — совет жамияти юксак ғоявий-сиёсий етукликка эришган, социализмнинг принцип ва қадриятлари ижтимоий онгни белгиловчи негизлар сифатида мустаҳкам қарор топган шароитда партиянинг ушбу даъватини илгари суриш ҳам зарур, ҳам мумкин бўлиб қолди. Социалистик демократия жамиятда мавжуд фикр, позиция ва манфаатларни ифодалаш ҳамда ҳисобга олишнинг кенг қамровли механизмидир.

Жадаллаштириш концепцияси ижтимоий тараққиёт қонунларининг ҳаракат механизмини марксча-ленинча тушунишга асосланади. Мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, энг яқин ва истиқболдаги, иқтисодий ва социал, сиёсий ва идеологик, ички ва ташқи барча проблемаларимизни ҳал этиш йўлидир. Фақат ана шундай йўл билангина совет жамиятининг янги сифат ҳолатига эришиш мумкин ва лозим бўлади.

Маркс халқаро планда ишчиларнинг интернационал алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, улар бирдамлигини барча чоралар билан кучайтиришга биринчи даражали аҳамият берган эди. Маркс ишчиларни пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни ғоят муҳим иш деб ҳисоблаб, уларнинг ҳар бир мамлакатдаги кураши бошқа мамлакатлар пролетарлари мададисиз мустаҳкам муваффақиятга эриша олмаслигини, чунки ишчилар синфининг фақат интернационал иттифоқигина унинг узил-кесил ғалабасини таъминлаши мумкинлигини кўрсатиб ўтди.

Шу билан бирга Маркс революцияни сунъий равишда тезлаштиришга, уни экспорт қилишга бўлган ҳар қандай уриниш ҳалокатга маҳкум эканлигидан келиб чиқди. Революция четдан олиб келинмайди, у ҳар бир мамлакат ичида иқтисодий, сиёсий ва социал муносабатлар ривожининг, меҳнаткашлар ўз озодлиги учун қатъиян олиб борган курашининг натижаси бўлади.

Халқаро Ишчилар Жамияти — I Интернационалнинг ташкил этилиши ва унинг турли мамлакатлар ишчилар синфи куч-ҳаракатларини капитализмга қарши курашга йўналтирилган бутун фаолияти тарихи пролетар интернационализмига ёрқин мисол бўла олади. I Интернационал доирасида пролетар партияларининг ташкилий формалари ишлаб чиқилди, ягона революцион тактика шаклланди, интернационализм принциплари қарор топди.

Париж Коммунаси (1871 йил) ишчилар синфи миллий ва халқаро вазифалари бирикишининг намунаси бўлди. Ғоят қизғин ватанпарвар бўлган Париж коммунарлари айни вақтда чин интернационалистлар ҳам эдилар, уларнинг кураши турли мамлакатлар меҳнаткашларини руҳлантирди.

Пролетариатни интернационал жипслаштириш зарурлиги хусусидаги масала ғоят кескин бўлиб қолган ўшандан кейинги даврда пролетар интернационализми янада ривожланди. В. И. Ленин ишчилар синфининг манфаатлари турли мамлакатлар, турли миллатлар меҳнаткашлари ўртасида ғоят тўлиқ ишонч, энг мустаҳкам иттифоқ бўлишини талаб қилади деб ёзган эди. КПСС Программасида барча мамлакатлар ва қитъалар ишчилар синфининг бирдамлиги ва ҳамкорлиги интернационализмнинг негизи, унинг ўзаги эканлиги янги куч билан таъкидланади. Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида ўзаро узвий ва диалектик боғланган икки тенденция амал қилмоқда: улардан бири — ҳаракатларни интернационаллаштиришдир, чунки миллий миқёсдаги ҳар қандай революцион чиқиш жаҳон революцион жараёнининг бир қисми бўлиб, унинг ҳолатига боғлиқ бўлади, ишчилар ҳаракати объектив ва субъектив шарт-шароитининг табақаланиши, ҳар бир мамлакатда унинг миллий ўзига хослиги ва конкрет хусусиятлари ошиб бориши иккинчи тенденцияни ташкил этади. Партиямиз пролетар интернационализми фақат революцион бирдамликнигина эмас, балки ҳар бир партиянинг тўла мустақиллиги, тенг ҳуқуқлилигини эътироф этишни ҳам ўз ичига олади, деб доимо таъкидламоқда.

КПСС жаҳон коммунистик ҳаракатининг ажралмас қисми бўлиб, унинг бошқа коммунистик ва ишчи партиялар билан бирдамлиги ҳамишаликкадир. Партиямиз у ёки бу масалаларга қарашда мавжуд фарқлардан қатъи назар турли мамлакатлар коммунистлари ўртасида тенг ҳуқуқлилик, кенг ва актив алоқалар бўлиши учун, жаҳон тараққиётида халқаро коммунистик ҳаракатнинг ролини ошириш учун курашмоқда. У эксплуататорлик тузумига қарши реал альтернатива сифатида социализмнинг намуна кучини оширишни бутун ҳаракат муштарак ишига қўшадиган ўзининг асосий ҳиссаси деб билмоқда.

КПСС XXVII съезди коммунистлар ўз мамлакатларидаги аҳволни мустақил анализ қилишлари ва унга баҳо беришларини, ўз стратегик йўлларини, ўз сиёсатларини, энг яқин ва пировард мақсадлар учун курашда у ёки бу йўлларни мустақил белгилашларини яна бир бор қайд этди. Коммунистик ва ишчи партиялар тўплаган тажриба умумий интернационал мулкдир. Улар турли шароитда ҳаракат қилганликлари учун революцион курашда хилма-хил форма ва методларни қўллашга мажбур бўладилар. Уларнинг фаолиятига миллий ўзига хослик, конкрет тарихий вазият таъсир кўрсатади, бу эса кўпинча баъзи масалалар бўйича одатдагидек бўлмаган баҳо ва позицияларга, баъзан эса келишмовчиликларга ҳам олиб келади. КПСС бундай ҳолларда агар бир-бирларининг қарашларини яхшироқ тушунишга, жаҳон революцион жараёни туб масалаларига доир ўзаро мақбул баҳо ва муштарак позицияга олиб келадиган бўлса, мунозара ҳамда ўртоқларча муҳокамалар фойдали бўлади, деб ҳисоблайди. Ҳозирги халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати практикаси марксча-ленинча пролетар интернационализми концепциясининг тўғрилиги ва ҳаётийлигини тасдиқламоқда. Идеологик мухолифларимизнинг миллатчиликни антикоммунизмнинг энг муҳим элементига айлантиришга интилиши марксчи-ленинчилар олдига ҳар қандай турдаги ва кўринишдаги миллатчиликка барҳам беришни биринчи даражали вазифа сифатида қўймоқда. Бунга эса барча мамлакатлар меҳнаткашларининг жанговар бирдамлигини ҳамма чоралар билан янада мустаҳкамлаш орқали эришиш мумкин.

Пролетар, социалистик интернационализм жаҳон социализм системаси мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ўзагини ташкил этади, бу системанинг ташкил топиши Октябрдан кейинги тарихнинг энг муҳим босқичи бўлди. Реал социализм мана қирқ йилдан ошибдики, кўп халқларнинг муштарак тақдири, замонавий цивилизация ривожланишининг ҳал қилувчи фактори бўлиб келмоқда.

К. Маркс тарих саҳнасига ишчилар синфи «итоаткор ижрочи сифатида эмас, балки ўзининг масъулиятини англайдиган ҳамда уларнинг хўжайини деб аталадиганлар уруш ҳақида наъра тортаётган жойда тинчликни амр қилишга қодир мустақил куч» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 16, с. 373) бўлиб чиқа ола-

диган вакт келишини олдиндан кўра олган эди. Маркс ва Энгельс меҳнаткашларни тинчлик учун, босқинчилик урушларига қарши курашишга, ташқи сиёсат масалаларига актив аралашишга чақирдилар. Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг дарҳол В. И. Ленин уруш ва тинчлик ҳақидаги масалани ҳозирги замоннинг қизғин масаласи деб таърифлади, бунда дунёдаги биринчи социалистик давлатнинг капиталистик мамлакатлар билан муносабатлари қурилиши керак бўлган принципларга эътиборни алоҳида равишда қаратди. Бунда Ленин социалистик ташқи сиёсат асосларини ишлаб чиқишга жуда катта эътибор бериб, «Октябрь революцияси бошланган кундан буён ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар масаласи бизнинг олдимизда энг асосий масала бўлиб турди» (ТАТ, 37-том, 176-бет) деб ҳисоблади.

В. И. Ленин уруш ва тинчлик проблемаларига қарашларнинг илмий системасини яратиб, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши концепциясини ишлаб чиқди. Ленинча ташқи сиёсат принциплари тарих практикаси томонидан қатъий синовдан ўтди. КПСС ва Совет давлати халқаро муносабатларни тубдан қайта қуриш учун олиб бораётган ҳозирги курашга ҳам улар самарали хизмат қилмоқда. Ана шу курашда партия бугунги дунёнинг зиддият ва конфликтларга тўлиқ, лекин шу билан бирга яхлит ва ўзаро боғлиқ реалликларини акс эттирувчи янги сиёсий тафаккурга асосланмоқда.

Сулҳ тўғрисидаги Ленин декретини КПСС XXVII съезди олға сурган кенг қамровли халқаро хавфсизлик системаси Асосларидан етмиш йилдан ошиқ вакт ажратиб турибди. Мустаҳкам тинчликни таъминлаш партия ва Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг социалистик жамиятнинг ўз табиатидан келиб чиқадиган олий мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. В. И. Ленин таъкидлаганидек, «урушларнинг тугаши, халқлар ўртасида тинчлик ўрнатилиши, талаш ва зўравонликларнинг тўхтатилиши — худди шулар бизнинг идеалимиздир» (ТАТ, 26-том, 349-бет). Коммунистик идеологиянинг, унинг маънавий қадриятларининг гуманизми ана шунда мужассамланган. Ядровий-космик аср реалликлари ушбу идеалга сифат жиҳатидан янгича мазмун бағишламоқда. Урушларсиз, халқаро ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида — ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда зўравонлик хавфисиз дунё мақсад бўлиб қолмоқда.

Тинчликни янгича философик тасаввур қилишимиз хавфсизликнинг ҳозирги даври ядро қуроли билан қўрқитишга ёки куч ишлатиш сиёсатининг бошқа хилларига асосланиши мумкин эмаслигидан келиб чиқади. Бундай сиёсат инсониятни ўзини ўзи йўқ қилиш доимий хавфига дучор қилади, келажакка бўлган умиддан маҳрум этади. Ҳозир эса ядровий ҳалокат хавфига қарши, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш учун курашдан муҳимроқ вазифа йўқ. Барча қитъалардаги кишиларни: «Дунёга таҳдид солаётган хавфнинг олдини олиш мумкинми? Учинчи жаҳон уруши хавфига қарши қандай воситалар ёрдамида курашмоқ керак?» деган саволлар ҳаяжонлантиряпти. Урушларнинг келиб чиқиши сабабларини ҳамда уларни йўқ қилишнинг социал-иқтисодий шарт-шароитини очиб берувчи марксизм-ленинизм ушбу саволларга илмий жавоб беради.

Уруш ва тинчлик ҳақидаги марксча-ленинча таълимотни ижодий ривожлантириб, КПСС актив ҳаракатлар ёрдамида урушнинг олдини олиш мумкин деган тезисни илгари сурди. КПСС XXVII съезди, МКнинг ундан кейинги Пленумлари материалларида, бошқа партиявий ҳужжатларда тинчлик ва хавфсизлик, қуролсизланиш ва термоядро урушининг олдини олиш масалалари чуқур илмий асосланди.

Европадан бошлаб барча қитъаларни 2000 йилгача ядровий қурол-яроғлардан халос этишни СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ўз ташқи сиёсатларининг асосий мақсади деб ҳисоблайдилар. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар янгича сиёсий тафаккур билан йўғрилган ленинча тинчлик сиёсатини изчил амалга ошира бориб, ядровий уруш хавфини камайтириш, бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Янгича сиёсий тафаккур, Совет давлати ташқи сиёсатининг динамизми ва яққоллиги, инсоният омон қолиши манфаатларини кўзлаб долзарб проблемаларни ҳал этиш йўлларини излаш дунёда тобора кўпроқ маъқулланмоқда. СССРнинг халқаро муносабатларни соғломлаштириш ва совет жамияти ҳаётининг барча

қирраларини қайта қуриш, демократиялаш ҳамда ошкоралик йўллари ўртасидаги алоқадорлик ғоят кенг доирадаги чет эл жамоатчилигида яхши таассурот қолдирмоқда.

Тинчлик ва социал тараққиёт тақдири жаҳон социалистик системаси ривожланиши билан, қардош мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик, уларнинг бирлиги ва жипслиги билан маҳкам боғланган. Социалистик давлатлар ўзаро таъсирининг чуқурлаштирилишини КПСС ўз халқаро фаолиятининг устун йўналиши деб билади. СССР ташқи ва ички сиёсатимиздаги барча янги жиҳатлар барча социалистик мамлакатлар, планетадаги демократик кучлар, бутун инсоният манфаатларига тўла мос келиши учун интилади.

Бугунги кунда марксизмнинг буржуа «марксшунослари» ревизия қилмаган ёки сохталаштирмаган бирорта назарий қоидаси қолмаган бўлса керак. Улар айниқса Маркс ғояларининг «эскирганлигини», капитализм ривожланиши ҳозирги босқичини анализ қилишда улардан фойдаланиш мумкин эмаслигини исботлашга жуда ҳам уринмоқдалар. Бунда буржуазия идеологлари синфлар ўртасидаги қарама-қаршилик, антагонистик зиддиятлар гўё бутунлай йўқолганлигини исботлашга ҳаракат қиладилар. Лекин «марксшунослар»ни ҳозирги воқеликнинг ўзи рад этмоқда. Албатта, давримиз капитализми бундан бир ярим аср ёки юз йил олдинги капитализмдан фарқ қилади. Ривожланишда империалистик босқичга ўтиши муносабати билан у жиддий ўзгаришларга учради, лекин булар унинг моҳиятига дахл қилмайди. Аввалларидагидек ёлланма иш кучини шафқатсиз эксплуатация қилиш воситасида қўшимча фойда олишга ружу қўйиш капиталистлар фаолиятининг асосий матлуб мотиви бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга капитализмнинг ривожланишига иқтисодий тушкунлик ва кризислар, оммавий ишсизлик, мунтазам ўсиб борувчи инфляция, меҳнат ва капитал ўртасида кескинлашаётган зиддиятлар ҳамроҳ бўлмоқда.

Шу сабабли илмий коммунизм «эскирганлиги» хусусида тарғиб қилинаётган нақл буржуазия маддоҳларининг унинг таъсирини кўпоришга беҳуда урринишинигина ифодалайди. Маркс яратган революцион назария нафақат эскирмади, балки, аксинча, ҳар бир тарихий маррада ўз қудратини, илмий теранлиги ва амалий аҳамиятини янада тўлиқроқ намоён этмоқда, тарихий тажрибани, КПСС ҳамда қардош партияларнинг назарий хулосаларини умумлаштириш орқали доимий суръатда бойиб бормоқда.

КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг Марказий партия архивида Маркснинг Россия ҳақида тайёрлов материалларини ўз ичига олган иш дафтарлари тўпламми сақланмоқда (150 авторлик листидан кўпроқ). Улар баъзан айтилганидек ҳеч ҳам «кўчирмалар» эмас, балки ғоят қимматли манбалардан парча сифатида олиниб, пухта шарҳланган фактик ва бошқа конкрет-тарихий материаллар, айрим проблемаларга доир конспектлар, рефератлар, мулоҳаза ва қоралама лойиҳалар, кўп ҳолларда эса аниқ таърифланган илмий хулосалардир. Маркснинг иш дафтарлари тўлиқ ўрганиб чиқилгач уларнинг тадқиқотчилари олдида, шубҳасиз, унинг илмий фаолиятининг яхлит манзараси намоён бўлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ ушбу қўлёзма мероснинг бир қатор томлари нашр этилди.

Совет кишилари жаҳон цивилизациясининг бутун тарихида энг нуфузли ғоявий оқим бўлмиш марксизм-ленинизмга мансуб эканликларидан фахрланадилар. Замонавий фан ва маданиятдаги барча энг яхши, илғор жиҳатларга очиқ бўлган ушбу оқим бугунги кунда жаҳон маънавий ҳаёти марказида турибди, миллион-миллион кишилар ақл-идрокига таъсир қилмоқда. У — бутун инсониятни озод этувчи қудрати ошиб бораётган синфнинг ғоявий маслагидир. У — социал оптимизм философиясидир.

Маркс — Энгельс — Ленин таълимоти коммунизм йўлини ёритмоқда. У инсониятнинг ойдин келажаги учун курашчилар бирлиги ва жипслигини мустаҳкамламоқда. Ер юзида тинчлик, социал адолат ва тараққиёт идеаллари узил-кесил тантана қилишига ишонч бағишламоқда.

МАЪҚУЛЛАШГА ЛОЙИҚ

Филология фанлари доктори Б. Қосимовнинг обзор мақоласи («Ўзбекистон коммунисти», 1987, 10-сонга қаралсин) унинг Ўзбекистон адабий танқидчилари ва адабиётшуносларининг 1986 йил якунларига бағишланган йиғилишида қилган доклади асосида ёзилган. Унинг асосий тезислари дастлаб Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи танқид ва адабиётшунослик советининг йиғилишларидан бирида қараб чиқилиб, тўлиқ маъқулланган эди. Сўнгра шу тилга олинган йиллик йиғилишда доклад ўзбек адабиётшунослик фани ўша тадқиқ этилган даврининг ёркин ва анча кенг манзарасини берганлиги таъкидланди.

Назаримизда, обзор мақоланинг асосий фазилати унинг конкретлигидир. Муаллиф адабиётшунослик ва танқидга оид қирқдан кўпроқ китобни диққат билан ўрганиб чиққан ва уларнинг ҳар бири хусусида нафақат конкрет, балки ғоят профессионал фикрга эга. Шу билан бирга олим ҳозирги ўзбек адабиёт илмининг аҳволини таҳлил этишга асосий эътиборни қаратганлиги, яъни ҳозирги адабий танқид ва умуман адабий жараён проблемаларига қисман тўхталиб, республиканинг рус, крим-татар адабиёти танқиди ва адабиётшунослиги, рус тилидаги вақтли матбуот саҳифаларида ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг акс этиши масалалари эътиборидан четда қолганлиги кўриниб турибди.

Олимнинг адабиётшуносликка оид у ёки бу китобни баҳолашга илмий ёндашувига келсак, у нафақат максимал даражада конкретликка, балки шу билан бирга объективлик ҳамда принципиалликка эришишга ҳам ҳаракат қилган ва асосан бунинг уддасидан чиқа олган. Ўзбек классик адабиёти асарларининг қайта нашрлари ҳамда туркум ва академик нашрларини, коллектив тўпламларни, монографияларни, эссе ве брошюраларни, хуллас, фольклористлар, матншунослар, биографлар, республика адабиётининг тарихчилари ва назариячилари қаламига мансуб бўлган ҳамма нашрлар сифатини таҳлил қилар экан, олим улардаги энг асосий салбий ҳамда ижобий жиҳатларни қисқача кўрсатиб беришга эриша олган. Унинг Б. Саримсоқовнинг «Ўзбек маросим фольклори», Э. Каримовнинг «Ўзбек демократик адабиётида реализм» монографиялари, авторлар коллективининг Алишер Навоийнинг «Хамса» достонлари тўғрисидаги тадқиқотлари, «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумининг дастлабки икки жилди, шоир Отаёрнинг «Миртемир» эссеси ва бошқалар хусусидаги фикр-мулоҳазалари шу жиҳатдан алоҳида илмий ва амалий қимматга эга.

Б. Қосимов мақоласида одатдаги манманлик, мамнунлик билан йўғрилган декларатив руҳ эмас, балки давр талабига батамом мос кескин танқидий кайфият сезилиб турибдики, бу, шубҳасиз, унинг ижобий фазилатларидан биридир. А. Носировнинг «Туташ наҳрлар», А. Собировнинг «Фольклор ва адиб», Ф. Райҳоновнинг «Шеър қанотидаги юлдузлар», Т. Аҳмедовнинг «Хамса» қаҳрамонларининг характер жозибаси», айниқса А. Абдураҳмоновнинг «Поэзияда инсон тасвири» асарларига оид ошкора танқид асосли ва ишонарли бўлганлиги туфайли ҳеч кимда ҳайрат ва эътироз уйғотмайди.

Албатта мақола муаллифининг айрим фикрлари устида баҳслашиш мумкин ва бу табиийдир. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у мақоланинг адабий танқидчилик, «Ҳақиқат — ижод байроғи», «Сўз масъулияти» тўпламлари ва машҳур танқидчилардан У. Норматов, Н. Худойберганов, А. Каттабековларнинг китоблари қараб чиқилган қисмида батафсил таҳлил ва тегишли умумлашмалар чиқариш ўрнига уларга фақат енгил, анча юзаки «назар ташлаш», айрим жиҳатларни қайд қилиш билан чекланган, холос.

Шунга қарамасдан ўзбек адабиётшунослик фанининг муайян даврга хос объектив ва нисбатан тўлиқ манзарасини яратган мазкур мақоланинг назарий ва сиёсий журналда эълон қилинишининг ўзи ижобий ва маъқуллашга лойиқ фактдир.

Советимиз аъзолари, бошқа адабиётшунослар, ёзувчилар ва шоирлар, журналхонлар мақоладаги кўпгина жиҳатларнинг конкрет таҳлилига асосланган анча муфассал фикрлари билан ўртоқлашадилар, деб ўйлаймиз.

О. ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи танқид ва адабиётшунослик советининг раиси.

Р. ОТАЕВ,
советнинг масъул секретари.

* * *

Турли нашриётларда нашр этилиб, филология фанлари доктори Б. Қосимовнинг обзор мақоласида тилга олинган китоблар хусусида қуйидагиларни маълум қиламиз:

А. Собиров ва А. Носировнинг Б. Қосимов мақоласида нотўғри («Халқ оғзаки ижоди») кўрсатилган «Халқ ижоди хазинаси» китоби оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўзаро бир-бирига таъсири проблемасига бағишланган. Унда мазкур масалани Машраб, Нодира, Увайсий, Турди, А. Қодирий, Ойбек ва Ғ. Ғулом ижоди мисолида ёритишга асосий эътибор берилган. Шу шоир ва адибларнинг айрим асарлари асосида проблеманинг характерли жиҳатлари аниқлаб берилади. Шунга қарамасдан, мақола муаллифи тадқиқотчилар конкрет шоирлар ва ёзувчилар ижоди мисолида ёзма ва оғзаки адабиёт ўртасидаги ўзаро алоқаларни очиб беришса яхши бўларди, деб таъкидлайди. Назаримизда, китобда айни шундай ёндашув ўз аксини топган.

Ёш адабиётшунос Ф. Райҳоновнинг «Шеър қанотидаги юлдузлар» китоби ўзбек адабиётидаги қофия проблемасига ва уни таснифлашга бағишланган. Проблема илмий-оммабоп адабиёт имкониятлари доирасида очиб берилган, деб ўйлаймиз. Китоб муқаддимасида муаллиф нафақат ўзбек, балки рус фольклоршунос олимларининг ҳам қофияга оид асарларига муфассал таъриф беради, шу масала юзасидан ўз нуқтаи назарини очиқ-равшан ва принципиал баён этади.

Алишер Навоий асарларининг насрий баёнини нашр этиш жуда мураккаб масала. Б. Қосимов уни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқмасдан туриб, насрий баёнларни нашр этиш билан биз классик адабиётга хос донишмандлик бисотини қашшоқлаштириб қўямиз, деб афсусланади. Бу ўринда у китобхонларнинг асосий қисми классик текстни умуман тушунмаслигини, шу сабабдан ҳам унинг доимий долзарб ва замонавий мазмунини ўзлаштиролмаслигини ҳисобга олмайди. Албатта Б. Қосимов мулоҳазаларида ҳақиқат уруғи бор, шунга кўра классика редакцияси достонларнинг насрий баёнини уларнинг асосий тексти билан ёнма-ён нашр этишга қарор қилди.

Б. Қосимовнинг «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумига кирган «Мангу булоқлар» ва «Уч булбул гулшани» китоблари тўғрисидаги, шунингдек редакция ходимлари ва тузувчилар (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти илмий ходимлари) қўлёзмаларни нашрга тайёрлашда йўл қўйган нуқсонлар ҳақидаги танқидий фикрлари ҳаққонийдир. Редакция келажакда ана шундай хатоларга йўл қўймаслик устида иш олиб боряпти. Шу мақсадда Қўлёзмалар институти директори, филология фанлари доктори А. П. Қаюмов бошчилигида махсус редколлегия тузилди, унга етакчи олимлар кирган.

Редакция филология фанлари доктори У. Норматовнинг «Қалб инқилоби», филология фанлари кандидати Б. Норбоевнинг «Ҳақиқат ва бадиият қудрати» китоблари ҳамда «Сўз масъулияти» тўплами хусусида мақолада айтилган танқидий фикр-мулоҳазаларни ҳам адолатли деб ҳисоблайди.

Танқид ва классика редакцияси редакцион советининг кенгайтирилган мажлисида редакторлар йўл қўйган нуқсон ва камчиликлар муҳокама қилиниб, уларни бартараф этишнинг конкрет йўллари белгилаб олинди.

А. ШАРОПОВ,
Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётининг танқид ва классика редакцияси мудири.

АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

СОВЕТ-ВЬЕТНАМ ҲАМКОРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ИШТИРОКИ

ЛЕ ВИНЬ КУОҚ,
филология фанлари кандидати

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ принципларига содиқ бўлган совет халқи Вьетнам халқига унинг озодлик ва мустақиллик учун курашида доим ёрдам кўрсатиб келди. 1978 йил ноябрида қардош мамлакатларнинг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар очиб берган СССР билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги Шартноманинг имзоланиши катта тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда ва кенгаймоқда. Агар 1976—1980 йиллардаги ҳамкорликнинг ҳажми ундан аввалги 20 йилдагига тенг бўлган бўлса, 1981—1985 йилларга келибоқ у аввалги беш йилдагидан икки ҳисса ошиқ бўлди.

Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида Вьетнамда 300 га яқин йирик объект бунёд этилган. Советлар Мамлакати ВСРнинг савдодаги асосий шеригидир. Масалан, 1985 йилда унинг ВСР савдосидаги ҳиссаси 60 процентдан ошиқ бўлди. Вьетнам СССРдан нефть маҳсулотларини, металл ва ўғитларнинг анча қисмини, озиқ-овқатнинг ярмига яқинини харид қилади. Совет Иттифоқи шунингдек ёқилғи, минерал хом ашё, машиналар, ускуналар, транспорт воситаларини ҳам етказиб беради.

КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев билан Вьетнам Компартияси МҚ Бош секретари Нгуен Ван Линнинг 1987 йил майдаги учрашувида совет-вьетнам ҳамкорлигининг ўсиб бораётган миқёслари, иккала мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиши масалаларига нисбатан КПСС XXVII съезди ва ВКП VI съездида ишлаб чиқилган янгича ёндашувлар социалистик интеграция самарадорлигини оширишни, социалистик хўжалик юритиш принципларидан янада активроқ фойдаланишни қатъият билан талаб қиляпти деб таъкидланди. Яқин йилларга мўлжалланган совет-вьетнам иқтисодий ҳамкорлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга, ВСРда энергетикани, транспортни, шунингдек машинасозлик, электрон, химия, кон саноатларини ривожлантиришга, мавжуд ишлаб чиқариш кувватлари ва меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланишга қаратилади.

Вьетнам ва ўзбек халқларини чинакам қардошларча дўстлик алоқалари боғлаб турибди. Совет Ўзбекистони СССР билан ВСРнинг иқтисодий ва маданий алоқаларига сезиларли ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистондан Вьетнамга тўқимачилик, йигириш, хом ип ясайдиган, йигириш-чийратиш ва пахта териш машиналари, пахта сеялкалари, пахта тозалагичлар, культиваторлар, ариқ қазиш машиналари, пуркагичлар, пахтачиликка зарур тракторлар, трактор прицеплари, экскаваторлар, электрик кўприксимон ва чорпоя кранлар, электр-щчит қурилмалари ва пакетли виключателлар, кучли ток ва комплект ҳолдаги трансформатор подстанциялари, пайвандлаш трансформаторлари ва электродержателлар, кўчма компрессор станциялари ва кўплаб бошқа нарсалар юборилади. Булардан ташқари ВСРга Ўзбекистон ССРдан гидрометрик, океанографик ва метеорологик асбоблар экспорт қилинадики, улар базасида Вьетнамнинг ўз метеорология хизмати бунёд этилган.

Совет Ўзбекистонининг СССР билан ВСР ўртасидаги ташқи савдо алоқаларидаги иштироки йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Агар 1968 йили Ўзбекистон ССР Вьетнамга 17 корхонанинг 20 номдаги маҳсулотини юборган бўлса, орадан ўн йил ўтгач эса 29 корхонанинг 30 дан ошиқ, 80-йиллар бошларига келиб 50 дан кўпроқ номдаги маҳсулотни юборди.

Ўзбекистон олий ўқув юртларида 1952 йилдан бошлаб ВСР учун кадрлар тайёрланмоқда. Ўтган давр ичида Ўзбекистон ССР олий ўқув юртларини 790 киши тамомлади, 36 фан кандидати ва 2 фан доктори тайёрланди. Ҳозирги вақтда 5 олий ва 2 ўрта махсус ўқув юртида 298 киши таълим олмоқда, улар орасида 22 аспирант ва 11 стажер бор. Мутахассислар тайёрлашдаги муваффақиятлари учун Тошкент давлат университети ва Тошкент политехника институти, шунингдек, вьетнамлик қарийб 1200 йигит ва қизга ишчилик касбини ўргатган 11-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти ВСРнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида мутахассислар айирбошлаш кенгаймоқда. Масалан, Тошкент давлат университети профессори, химия фанлари доктори Ш. Т. Толипов Ханой педагогика институти студентларига органик, физик ва аналитик химиялардан лекциялар ўқиди, лаборатория ишларини ташкил этишда вьетнамлик дўстларига ёрдам берди, консультациялар ўтказди. Таълим бериш соҳасидаги кўмаги учун Ш. Т. Толипов ВСРнинг «Дўстлик» медали билан тақдирланди.

Совет Ўзбекистони билан Вьетнам олимларининг ҳамкорлиги муштарак проблемаларни ҳал қилишга қаратилган. Масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар физиологияси институтида ғўзани чатиштиришга доир олиб борилган ишларга вьетнамлик олимлар жуда ҳам қизиқиб қолдилар. Ғўзанинг бир йиллик навлари билан дарахтсимон кўп йиллик навларидан олинган турлараро гибридлардан амалда фойдаланишга доир биргаликда иш бошлашга қарор қилинди. Ўсимликлар систематикаси ва тур ҳосил қилиш лабораториясининг ходимлари профессор Ф. М. Мауэр раҳбарлигида тажриба ўтказдилар: «108-Ф» навини кўп йиллик ғўза билан чатиштирдилар ҳамда олинган уруғларни Вьетнамга жўнатдилар. Бирмунча муддат ўтгач ўзбек олимлари у ердан гибриднинг янги иқлимий ва агротехник шароитда ўзини қандай тутгани, унинг ижобий ва салбий сифатлари ҳақида муфассал маълумот олдилар. Иккала мамлакат тадқиқотчиларининг меҳнати ғўзанинг ҳосилдор ва касалликка чидамли янги навларини яратишга доир ишларни яхшилаш имконини берди.

1986 йил ноябрида «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида вьетнамлик бир группа мутахассислар меҳмон бўлишди. Улар билан ўзбекистонлик ҳамкасблари тропик иқлим шароитида совет автомобилларидан биргаликда фойдаланиш ва Вьетнам транспорт тармоғини ишлаб чиқишга доир шартнома туздилар.

Ўзбекистонлик геолог ва мелиораторлар Вьетнамда турли йиллар мобайнида иш олиб бордилар. Ҳозир ВСР территориясининг сейсмик хавф-хатарини ўрганиш ва сейсмик жиҳатдан районлаштириш устида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сейсмология институтининг мутахассислари ишламоқдалар.

Ижтимоий фанлар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда, 1980 йил октябрида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номли философия ва ҳуқуқ институтида ВСРнинг бир группа етакчи философлари бўлишди. Улар Ўзбекистондаги социалистик ўзгартишлар тарихий тажрибасини ўрганишга ғоят қизиқиб қарадилар. Илгари қолоқ бўлган халқларнинг капитализмни четлаб социализмга ўтиши проблемасига доир биргаликда тадқиқотлар олиб бориш ҳамда умумлаштирувчи асар яратиш тўғрисида келишиб олинди.

1982 йил апрелида Тошкентда миллатлар ва миллий муносабатлар назарияси бўйича совет-вьетнам симпозиуми бўлиб ўтди, уни СССР Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Вьетнам Компартияси МК қошидаги майда миллатлар ишлари бўйича Комитет ва ВСР Ижтимоий фанлар комитети ташкил этди. У совет ва вьетнам олимлари алоқаси кенгайишига, иккала мамлакат халқлари дўстлиги мустаҳкамланишига ёрдам берди.

Вьетнам адабиёти Ўзбекистонда борган сари кенгроқ оммалашиб бормоқда. Ўзбек китобхонлари Вьетнам халқ эртак ва афсоналари билан («Вьетнам эртак-

лари» тўплами), шоир ва ёзувчилари асарлари билан («Вьетнам шоирлари», «Вьетнам ҳикоялари» тўпламлари) билан танишдилар. Ўзбек тилига Нгуен Ван Бонгнинг «Қўтос» асари, Вьетнамнинг таниқли ёзувчиси Нам Каонинг ҳикоя ва қиссалари (улар «Нигорон» тўпламини ташкил этди), Нгуен Динь Тхининг «Ўт ичида» қиссаси ва «Қирғоқлар емирилади» романи, Дик Ланнинг болаларга аталган «Ким Донгнинг жасорати» қиссаси ва бошқа кўпгина асарлар таржима қилинди. 1983 йили вьетнамлик ёзувчиларнинг «Севги сатрлари» деб номланган янги ҳикоялар тўплами нашр этилди. Ана шу асарларнинг кўпчилигини ўзбек тилига Шуҳрат, Э. Жабборов, С. Ҳасан, В. Абдуллаев, У. Шамсимуҳамедов, М. Аҳмедов, С. Юнусов ва бошқа кўзга танилган шоир ва носирлар таржима қилганлар. Республикамиз газета ва журналларида вьетнамлик авторларнинг шеърий ва насрий асарлари таржималари мунтазам эълон қилиб турилибди.

Ўзбекистон ёзувчилари Вьетнам мавзусига тез-тез мурожаат қилмоқдалар. Улар асарлари орасида Р. Фарҳодийнинг «Вьетнам алангаси», С. Қўқонбековнинг «Вьетнам гўзали», М. Бобоевнинг «Сенга саодат тилайман, Вьетнам» шеърлари, С. Йўлдошевнинг «Қасос» ҳикояси ва бошқа асарлар бор.

Ўз навбатида Вьетнамда ҳам Совет Ўзбекистони адабиётига бўлган қизиқиш ошиб бормоқда. Вьетнам тилида Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» ва Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романлари, Зулфия ва Э. Воҳидовнинг шеърлари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» лирик комедияси, «Синчалак» повести ва «Кўк конверт» ҳикояси, Жонрид Абдуллахоновнинг «Тўфон» романи, Ўткир Ҳошимовнинг «Бахт» ҳикояси нашр этилди. Уларни вьетнамлик таниқли адиблардан Суан Зьеу, Нгуен Тхюй Инг, Хоай Зионг, Ан Сюен, Ле Ван Кюй, Тьу Нга ва бошқалар таржима қилганлар.

Вьетнамлик кинематографчилар ва томошабинларнинг Ўзбекистон фильмларига қизиқишлари ҳам катта. Вьетнамда «Ўзбекфильм» студиясининг «Бой ила хизматчи», «Тоҳир ва Зуҳра», «Сен етим эмассан» ва бошқа фильмлари намойиш қилинган. ВСР кинематографчиларининг Тошкентда ўтадиган халқаро кинофестивалларда мунтазам иштирок этиши Ўзбекистон аҳолисининг Вьетнамда яратилган «Унинг каби яшамоқ керак», «Бекинадиган жой йўқ», «Фиок исмли бола», «Далага қайтиш», «Икки она», «Жунглидаги учрашув», «Қушларнинг қайтиши» ва бошқа фильмлар билан танишиши учун имкон берди.

Ўзбекистон ва Вьетнам кинематографчиларининг самарали ҳамкорлиги натижасида Вьетнам халқининг ҳаётини, озодлик ва мустақиллик учун курашини акс эттирувчи ҳужжатли фильмлар яратилди. Улар орасида Малик Қаюмов ва Ле Хуан ишлаган «Вьетнам — менинг ватаним» фильми бор.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти (УзОДКС), Совет-вьетнам дўстлиги жамиятининг 1969 йил сентябрда таъсис этилган Фарғона область бўлими иштироки натижасида Ўзбекистон — Вьетнам алоқалари мунтазам тус олди. Улар ВСРдаги турли ташкилотлар билан, аввало вьетнам-совет дўстлиги Жамияти, Вьетнам хотин-қизлари союзи билан актив ҳамкорлик қилмоқдалар. Масалан, 1978 йили Вьетнам-совет дўстлиги жамияти УзОДКС номига вьетнамлик рассомлар лаклаб ишлаган расмнинг 40 та намунасини юборди. Ўзбекистон ССР Санъат музейида ана шу суратлардан кўргазма ташкил этилди. Ҳар йили Ўзбекистонда Вьетнам ҳаётидаги шонли ва унутилмас саналар нишонланади, Тошкентдаги «Дўстлик» китоб магазинида Вьетнам китоблари декадаси ўтказилади. 1980 йили Вьетнамда бўлган «Ялла» вокал-чолғу ансамбли вьетнамлик томошабинларга муваффақиятли концерт бергани учун ВСРнинг «Дўстлик» медали билан тақдирланди.

1981 йил октябрида ўтказилган Ўзбекистоннинг Вьетнамдаги Кунлари муносабати билан Ўзбекистон ССР делегацияси вьетнамлик болаларга совға тарзида ўйинчоқлар, китоблар, канцелярия буюмлари, газмоллар олиб борди. Делегация Ханой ва Хошиминда, Тханьхоа ва Фукхань вилоятларида бўлди, вьетнамлик дўстларни Ўзбекистон маданияти ютуқлари билан таништирди. Санъат усталари катта концерт программаси билан чиқдилар, фотосуратлар, плакатлар, китоблар, тасвирий асарлар, халқ амалий санъати, болалар расмлари кўргазмалари ташкил этилди. Тасвирий асарлар кўригида А. Абдуллаев, С. Абдуллаев, Ч. Аҳмаров, Р. Аҳмедов, Н. Қўзибоев, Ў. Тансиқбоев, Ж. Умарбеков ва бошқа таниқли рассомларнинг асарлари намойиш этилди.

1982 йил сентябрида Ўзбекистонда Вьетнам Социалистик Республикасининг Кунлари бўлиб ўтди. Ушбу дўстлик байрамида қатнашиш учун Тошкентга Вьетнам-Совет дўстлиги жамиятининг Фукхань вилоятидаги бўлими вакиллари келдилар. Ўзбек халқи қардош мамлакат намояндаларини қизғин кутиб олди. Меҳмонларга Ўзбекистон эришган ютуқлар билан кенгроқ танишиш учун имконият яратиб берилди.

Вьетнамлик дўстларнинг Фарғона областида ўтган кунлари хилма-хил воқеаларга тўлиқ бўлди. Меҳмонлар республика цемент саноати марказларидан бири бўлмиш Қувасойда, меҳнаткашлар истироҳати учун мўлжалланган Қаркидон зонасида бўлдилар. Меҳмонларнинг Тошлоқ районидаги «Фарғона» колхози аъзолари билан учрашуви жуда илиқ ўтди. Делегация составида келган Вьетнам халқ қаҳрамони Қим Кук Мўминжон Рустамов етакчилик қилаётган пахтачилик бригадасига аъзо қилиб олинди. Тантанали вазиятда пахтакорлар Қим Кукка фахрий колхозчи дафтарчасини топширдилар.

1985 йил май-июнда Совет Иттифоқида Вьетнам маданияти кунлари бўлиб ўтди, у Тошкентда якунланди. Алишер Навоий номли Давлат академик Катта театрида ушбу Кунларнинг ёпилишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Бу кунлар, деди кечада сўзлаган нутқида ВСР делегациясининг бошлиғи, Вьетнам маданият министрининг ўринбосари Динь Куанг, «биз учун нафақат байрам, балки мактаб, таълим, совет дўстларимизнинг янги социалистик жамият маданиятини қуриш ишидаги тажрибасини билиб олиш омили ҳам бўлиб қолди».

Ўзбекистон ҳам салмоқли ҳисса қўшаётган совет-вьетнам муносабатлари кундан-кунга мустаҳкамланмоқда ва кенгаймоқда, СССР билан Вьетнам халқлари қардошларча дўстлигининг мустаҳкамланишига ёрдам бермоқда.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-12, бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32 [illegible]

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 7.04.1988 й. Босишга рухсат этилди 12.05.1988 й. Формати 70×108 1/16.
Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,6. Тиражи 27669.
Нашр № А-53. Заказ № 3308.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

3 0000 085 399 818